MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

№1

ILMIY ELEKTRON JURNALI

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5
TOSHKENT 2026

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovaциyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Karimova Komila Daniyarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma’naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta’lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne’matovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Baymuratov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – texnika fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovasiyalar vaziri

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta’lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu’min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyevich – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nurmanov Ulug‘bek Anorbayevich - Bank-moliya akademiyasi “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasi professori, iqtisodiyot fanlari doktori

Yakubova Nargiz Tursunbayevna – iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Mamatov Baxadir Safaraliyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qiyosov Sherzod Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas’ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – muharrir

O’zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro’yxatiga kiritilgan.

“**Moliyaviy texnologiyalar**” ilmiy elektron jurnali 23.11.2022-yildan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan **№R-566966** reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan. Litsenziya raqami: **№049864**

MUNDARIJA

1.	Рабимқулов Шерзод Муртозаевич	Исломий банк хизматлари дарчаси шароитида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имкониятлари	7
2.	Муқимов Шерали Ахмадали ўғли	Яшил саноат сиёсатини юритишнинг Хитой тажрибаси: методологик асослар ва ўрнакли жиҳатлар	15
3.	Elmirzayev Samariddin Eshquvvatovich, Akhmedova Shokhistakhon	Opportunities and challenges in developing the corporate bond market in Uzbekistan	31
4.	Kholikov Khamidulla	Financing the future: how Uzbekistan’s green and sdg bonds are powering sustainable economic transformation	38
5.	Жумаев Самариддин Зиядуллаевич	Кимё саноати корхоналарида молиявий таъминотни шакллантиришда ўз маблағлар манбаларининг аҳамияти	49
6.	Davlyatov Qahramon Abdumavlyanovich	Oilaviy tadbirkorlik sub’ektlarini iqtisodiyotda tutgan o‘rni va ularni bank kreditlari hisobiga moliyalashtirish ahamiyati	59
7.	Abdullayev Nuriddin Isom o‘g‘li	Sanoat korxonalari raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni takomillashtirish yo‘llari	67
8.	Shamiyev Shohruh Shakar o‘g‘li	Tijorat banklariga xorijiy investitsiyalarni jalb etish yo‘llari	75
9.	Раджабов Умурзак Аблакулович	Айрим ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хусусиятлари	83
10.	Raximov Eshmurod Normuradovich	O‘zbekistonda barqaror va inklyuziv iqtisodiy o‘sishga erishishda makroiqtisodiy mexanizmlardan foydalanish	91
11.	Xomitov Komiljon Zoitovich	Raqamli iqtisodiyot sharoitida ko‘char mulk qiymatini baholash xususiyatlari	98
12.	Narzullayeva Xilola Abdukomilovna	O‘zbekistonda hududlarning investitsion jozibadorligini oshirish omillari	106
13.	Касимова Гуляр Ахматовна, Абдуқосимова Гулноза Хилолитдиновна	Ўзбекистон саноат корхоналари барқарор ривожланишида фискал омилларнинг аҳамияти	115
14.	Xolmurodov Baxrom Maxmatkarim o`g‘li	Xalqaro audit tashkilotlari rivojlanish tarixi va ularning global iqtisodiyotdagi o‘rni	120
15.	Nazarova Shohista Tolmas qizi	Raqamli iqtisodiyot sharoitida tijorat banklarida fintech texnologiyalari asosida moliyaviy inklyuzivlik va iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash mexanizmlari	126
16.	Тогаев Салим Собирович, Халбеков Камариддин Абдухалилович	Худудларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашга оид илмий-назарий қарашлар	131
17.	Юлдашева Надира Викторовна	От контроля к доверию: новые подходы в государственных закупках	138
18.	Маматқулов Авазбек Ахмадалиевич	Ички аудитни амалга оширишнинг хорижий илғор тажрибалари ва уларнинг фойдаланиш йўллари	146
19.	Qosimova Nilufarxon Chinberdiyevna	Operatsiyon faoliyatda pul oqimlari	156
20.	Shoymardonov Orziqul Jo‘ra o‘g‘li	Bank ekotizimlari innovatsion xizmatlar majmui	161
21.	Mirbabayev Farrux Athamovich	Mahalla boshqaruv tizimining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati	167
22.	Oramov Jaxongir Jurayevich	Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalari moliyaviy barqarorligini ekonometrik modellashtirishning nazariy asoslari	172
23.	Sattorov Shohruh	Qashqadaryo mintaqasida investitsion muhitni shakllantirishning ahamiyati	177
24.	Sherqo‘ziyev Mamadiyor, Xudayarov Mahmasaid Maxmarajabovich, Abdinazarov Akbar Baxriddin o‘g‘li	Faradey effektini yorug‘lik nurlanishining modulyasiyalangan qutblanishini qo‘llagan holda o‘lchash	182
25.	Boyev Bekzodjon Jo‘raqul o‘g‘li	Blokcheyn texnologiyalari asosida aksiyalarni birlamchi joylashtirish imkoniyatlari	191
26.	Primova Dilafruz To‘lqinovna	Tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish	201
27.	Alimov Baxodir Batirovich	Sug‘urta kompaniyalarning buxgalteri balans ko‘rsatkichlarining gorizontal va vertikal tahlili	209
28.	Хашимов Абдукомил Рисбекович, Фарангиз Мадримова Ихтиёр қизи	Суғурта фаолиятининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини моделлаштиришнинг ҳозирги амалий ҳолати	218

29.	Xotamov Alisher Xotamjon o‘g‘li, Botirjonova Bonu Baxtiyor qizi	O‘zbekistondagi jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarni moliyaviy hisobotlarini auditdan o‘tkazishning samaradorligi	228
30.	Ташпулатов Гиёс Тохирович	Рақамлаштириш жараёнида бизнес қийматини баҳолашда катта маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект инструментларидан фойдаланиш	236
31.	Raimjanova Madina Asrarovna	Barriers and opportunities shaping the funding of green projects across developing nations	244
32.	Sherkuziyev Mamadiyar, To‘xtasinova Ra’noxon G‘anijonovna	Sharlashuv jarayonida yashil maydonlar qisqarishini aniqlash va bashoratlash uchun axborot olish tizimi: chuqur o‘qitish modeli	249
33.	Nuraliyeva Barnoxon Qudrat qizi	Tovar-moddiy zaxiralar tarkibidagi inert gazlar va inert materiallar hisobini takomillashtirishning nazariy-metodik asoslari	258
34.	Hamrayev Maqsudjon Saidaxmadovich	Moliyaviy mustaqil bo‘lgan oliy ta’lim muassasalari moliyaviy ta’minotini mustahkamlash xususiyatlari	265
35.	Maxmasaidova Sayyodxon Ubaydulla qizi	Sug‘urta faoliyatini baholashning ekonometrik modellashtirishning uslubiy jihatlari	270
36.	Холмуродов Джавохир Бахтиёр оглы	Внедрение цифровых технологий в денежно-кредитную политику как основа обеспечения финансовой стабильности	276
37.	Sharapova Mashxura Azadovna, Tugalov Elshod Zafar o‘g‘li	O‘zbekiston moliya bozorida islomiy fintech platformalari orqali aqlli shartnomalar (smart contracts) va blokcheyn tizimini joriy etishning istiqbollari	282
38.	Yovkochev Sherzod Shukhratovich	External debt issues and risk management in cooperation with international financial institutions	291
39.	Akobirova Nodira Najmiddin qizi	Tadbirkorlik subyektlarining kichikdan yirik korxona sari evolyutsion o‘sish nazariyasi: nazariy tahlil va amaliy asoslar, O‘zbekiston sharoitidagi xususiyatlar	298
40.	Salimova Husniya Rustamovna	Markaziy Osiyo telekommunikatsiya operatorlarida texnik samaradorlikni DEA-CCR modeli orqali baholash: O‘zbektelekom AK tajribasi	305
41.	Baltayev Jushkin Baltabayevich, Toshniyozov Sherali Kamoliddinovich	Korporativ to‘lov tizimlarini boshqarishda zamonaviy yondashuvlar: nazariya, amaliyot va O‘zbekiston istiqbollari	310
42.	Shodmonov Ruslan G‘olib o‘g‘li	Sanoat 4.0 sharoitida ishlab chiqarish korxonalarida yashil samaradorlik indikatorlari tizimini shakllantirish	319
43.	Yuldasheva Nazokat Muzaffar qizi	Soliq va moliyaviy instrumentlar orqali “yashil” innovatsiyalarni rag‘batlantirish xorij tajribasining tahlili	326
44.	Safarov Xurshid Ravshan o‘g‘li	Kredit tashkilotlarida risklarni baholash va minimallashtirish	335
45.	Mirpo`latov Jahongir Muzapparovich	Ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi holati va uning hududlar kesimidagi tahlili	343
46.	G‘aybullayeva Zilola Raxmatullo qizi, Ma’murjonova Feruza Muzaffar qizi	Raqamli iqtisodiyot sharoitida kriptovalyutalar: moliyaviy imkoniyatlar va xavf-xatarlar tahlili	350
47.	Umarxodjayeva Muyassar Ganiyevna, Nishonova Ma’mura Yusupovna	Buxgalteriya axboroti strategik menejment qarorlarining legitimligi kafolati sifatida	355
48.	Abdujalilova Dilnoz Abdusattorovna	Xalqaro standartlarni o‘rganish asosida O‘zbekiston respublikasi budjet hisobi standartlariga uyg‘unlashtirish zaruriyati	363
49.	Сафарова Ш.А.	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи амалиётига оид хориж тажрибалари хусусида	372
50.	Murodov Orif Jumayevich, G‘ulomov Haydarbek Ilyos o‘g‘li	Agroklaster tizimida moliyaviy yuklamaning notekis taqsimlanishi: paxta tozalash korxonalari zimmasidagi tizimli bosim va uning sabablari	380
51.	Sherkuziyeva Nasiba Abrorovna	Aksiyadorlik jamiyatlarining dividend siyosati va uni bozor kapitallashuvi qiymatiga ta’siri masalalari	391
52.	Tilakov Navruz Maxmudovich	Raqamli moliyaviy xizmatlar asosida kichik biznes innovasion faoliyatini moliyalashtirish	400
53.	Рахимов Матназар Юсупович	Яшил кредитлар ва уларнинг банк рентабеллилига таъсирининг таҳлили	405
54.	Maxmudova Maftunaxon Shavkatjon qizi	Tijorat banklari faoliyatini raqamlashtirishning iqtisodiy samaradorligini oshirishning ustuvor yo'nalishlari	412
55.	Mamatqulova Hafiza Bahodir qizi	Moliyaviy barqarorlik mazmun-mohiyati va unga ta’sir etuvchi omillar	416
56.	Рустамова Шохида Тулкуновна	Олий таълим муассасаларини маблағ билан таъминлаш ҳолатининг таҳлили	424

57.	Allayarov Suxrob Rustamovich	Ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish va yashil iqtisodiyotga o‘tish istiqbollari	431
58.	Sobirov Otabek Olimjonovich	Boshqaruv hisobini samarali tashkil etishda moliyaviy hisobotlarni xalqaro standartlariga o’tishning ahamiyati	444
59.	Umarov Baxrom Boxodir o‘g‘li	Investitsion muhit va unga ta’sir etuvchi omillar tahlili	449
60.	Ташматова Мухтабар Алишеровна	Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини инвестициялаш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш	460
61.	Ostonokulov Azamat Abdukarimovich, Kuliboyev Azamat Shonazarovich	Davlat auditida sun’iy intellektdan foydalanish: ustun va xavfli jihatlar	466
62.	Yusufjonov Ravshanbek Rustamjon o‘g‘li	Agrar sohaga investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirish yo‘llari	474
63.	Baxriddinov Nodirbek Zamirdinovich	Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning innovatsion faoliyatini moliyaviy rag‘batlantirish mexanizmlarini takomillashtirish yo‘nalishlari	480
64.	Rasulov Dilshodbek Shuxratbek o‘g‘li	Abdulla Qahhor asarlarida iqtisodiy qiyinchiliklarning inson ruhiyatiga ta'siri	487
65.	Каримов Умрбек Жавлонбек угли	Отражение социально-экономических взглядов народа и экономической ситуации в произведениях мукими	494
66.	Mamatova Sevara Ilhom qizi	Bank xizmatlari samaradorligini oshirishda intellektual tizimlarning ahamiyati	502
67.	Khalilov Sherzod Akhmatovich	Integrating climate-related risks into financial reporting: A green accounting approach based on IFRS S2, IAS 36, IAS 37 and GHG emissions	511
68.	Ortiqov Qurbonnazar Omonovich	Budjet tashkilotlarida ichki auditning nazariy uslubiy asoslari	526
69.	Aminov Farrux Farxadovich	Innovatsiya loyihalarini moliyalashtirishda xorijiy tajriba va uni O‘zbekistonda qo‘llash imkoniyatlari	531
70.	Baxramov Abdulaziz Baxtiyorovich	Kichik biznes sub’yektlarini moliyalashtirish muammolari va ularning yechimlari	542
71.	Хошимов Собир Муртазаевич	Хориж мамлакатларида асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришнинг манбалари таҳлили	552
72.	Bo’riboyeva Zamiraxon Ravshan qizi	Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini baholashning metodologik yondashuvlari va ko‘rsatkichlar tizimi	559
73.	Rahimov Akmal Matyaqubovich	Bank depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi risk omillarini baholash va Stress-test modelidan foydalanish imkoniyatlari	566
74.	Isayev Husan Mansurovich	O‘zbekiston respublikasida bevosita soliqqa tortish mexanizmlarini takomillashtirish orqali budjet daromadlarini optimallashtirish yo‘llari	577
75.	Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o‘g‘li	Tashabbusli budjetlashtirish doirasida loyihalarni shakllantirish, saralash va g‘olib loyihalarni aniqlash amaliyotining tahlili	584
76.	Fozilchayev Shuhratjon Qobiljon o‘g‘li	Makroiqtisodiy noaniqliklar sharoitida investitsiya loyihalarining moliyaviy risklarini boshqarish strategiyalari	591
77.	Абдураимова Мафтунахон Ахматовна	Суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини баҳолаш амалиёти	597
78.	Абидов Мансур Илхомжонович	Давлат харидларини амалга ошириш жараёнини назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	605
79.	Arifjanova Yayraxon Usmonxo‘jayevna	Mahalliy korporativ emitentlarning yevroobligatsiyalar emissiyasi va qarz instrumentining korxona moliyaviy barqarorligiga ta’siri	610
80.	Xusainov Xasan Baratovich	Ichki audit xizmatining budjet tashkilotlari faoliyatiga ta’sirini tahlil qilish va samaradorligini oshirish	616
81.	Qurbonov Shodlikbek Marksovich	Davlat tibbiyot tashkilotlarida daromadlarni hisobga olish mezonlarini belgilash va moliyaviy hisobotda aks ettirishni takomillashtirish	623
82.	Andokulov Tulkin	The role of cybersecurity in the digital economy: threats, stability model, and Cybersecurity Maturity Assessment	631
83.	Maxkamov Otabek Muxammadjonovich	O‘zbekistonda maxsus iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etishning zamonaviy mexanizmlari	637
84.	G‘afurov Olimjon G‘olib o’g’li	Monetar siyosatning milliy valyuta barqarorligiga ta’siri: pul taklifi, transmissiya mexanizmi va nazariy asoslari	645
85.	Ergashev Azizxon Avazxon o‘g‘li	Tijorat banklarida moliyaviy xizmatlar metodologiyasini takomillashtirishning innovatsion yo‘nalishlari	651
86.	Xolmurotov Fozil Saribayevich	Xorazm viloyatida resurs bazasi va eksport samaradorligi: kanonik korrelyatsiya tahlili asosida	657

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ИСЛОМИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ДАРЧАСИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Рабимқулов Шерзод Муртозаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
e-mail: sh.rabbimqulov@tsue.uz,
ORCID: 0009-0009-9119-4376

Аннотация: *Жаҳон амалиётида Исломий молиянинг шиддат билан ривожланиб, шариатга мос ва ахлоқий жиҳатдан асосланган молиявий маҳсулотларнинг таклиф этилиши, унинг маҳсулотлари турлари ва географияси кенгайиб бормоқда. Мақолада Ўзбекистонда мавжуд анъанавий молия тизимига муқобил ва рақобатчи сифатида таклиф этилаётган Ислом молияси тизимига асосланга тижорат банкларида ташкил этилган Ислом банк хизматлари дарчаси орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имкониятлари, жумладан уларни амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари, муаммоли ҳолатлар, уларнинг юзага келиш сабаблари, самарали жорий этиш йўллари ўрганилган, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *исломий молия, исломий банк, исломий хизматлар дарчаси, инвестиция лойиҳаси, муробаҳа, мушорака, мудороба, ижара, рибо, реал актив, исломий молия кенгаши.*

ВОЗМОЖНОСТИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В РАМКАХ ИСЛАМСКОГО БАНКОВСКОГО ОКНА

Рабимқулов Шерзод Муртозаевич

Ташкентский государственный экономический университет,
Доктор философии (PhD) по экономическим наукам
e-mail: sh.rabbimqulov@tsue.uz,
ORCID: 0009-0009-9119-4376

Аннотация: *В мировой практике исламские финансы стремительно развиваются, предлагая финансовые продукты, соответствующие шариату и основанные на этике, расширяя виды и географию их продуктов. В статье рассматриваются возможности финансирования инвестиционных проектов через окно исламских банковских услуг, созданное в коммерческих банках на основе исламской финансовой системы, предлагаемой в качестве альтернативы и конкурента существующей традиционной финансовой системе в Узбекистане, включая важные аспекты их реализации, проблемные ситуации, причины их возникновения, пути эффективного внедрения, а также разработаны выводы и рекомендации, основанные на международном опыте.*

Ключевые слова: *исламские финансы, исламский банк, окно исламских услуг, инвестиционный проект, мурабаха, мушарака, мудараба, аренда, риба, реальный актив, совет по исламским финансам.*

OPPORTUNITIES FOR FINANCING INVESTMENT PROJECTS UNDER THE ISLAMIC BANKING WINDOW

Rabimkulov Sherzod Murtozaevich

Tashkent State University of Economics,
Doctor of Philosophy (PhD) in Economics
e-mail: sh.rabbimqulov@tsue.uz
ORCID: 0009-0009-9119-4376

Abstract: *In global practice, Islamic finance is developing rapidly, with the offering of Sharia-compliant and ethically based financial products, expanding the types and geography of its products. The article examines the possibilities of financing investment projects through the Islamic banking services window organized in commercial banks based on the Islamic finance system, offered as an alternative and competitor to the existing traditional financial system in Uzbekistan, including important aspects of their implementation, problematic situations, their causes, effective implementation methods, and develops conclusions and recommendations based on international experience.*

Key words:: *Islamic finance, Islamic bank, Islamic services window, investment project, murabaha, musharaka, mudaraba, ijara, riba, real asset, Islamic finance council.*

Кириш

Бугунги кундаги глобал иқтисодий шароитда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни диверсификациялаш орқали рақобатбардошликни ошириш, янги экспорт бозорларини ўзлаштиришда самарали ва юқори технологияларга асосланган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларни молиялаштиришнинг муқобил манбаларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий банк тизими томонидан таклиф этилаётган молиялаштириш усуллари уларга муқобил тизимнинг мавжуд эмаслиги оқибатида юқори қарз юкига эга бўлиб, ижтимоий ёки билвосита самарали бўлган лойиҳаларни бой бериш билан бирга тадбиркорлик фаолиятини ҳам чеклашга олиб келмоқда. Мазкур ҳолатнинг кузатилиши нафақат банклар томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб этишдаги сусткашлик оқибати ҳисобланади, балки банклар томонидан қабул қилинган депозитлар бўйича рискнинг тўлиқ банклар зиммасида бўлиши, улар томонидан молиялаштириш воситаларида фоизларнинг юқори белгиланишидир.

Хорижий амалиётга назар соладиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда капитал бозорининг барқарор фаолияти инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда муқобил манбаларни таклиф қилмоқда ва уларда лойиҳа рискининг айнан инвесторлар ўртасида тақсимланиши қарз юкининг лойиҳа самарадорлигига мутаносиблигини таъминлайди. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори капитализациясининг паст даражадалиги, ундаги профессионал иштирокчилар етишмаслиги, мавжудларида ҳам кадрлар танқислиги, аҳолида капитал бозорига бўлган ишончнинг шаклланмаганлиги каби муаммолар тижорат банкларининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда анъанавий молия тизимига муқобил бўлган Ислом молия тизимини жорий этиш заруриятини юзага келтиради ва бу ўз ўрнида илмий-назарий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш муҳимлигини кўрсатмоқда.

2025 йил якунлари бўйича берилган статистик маълумотларга кўра Ислом молиясининг активлари қиймати 5,2 трлн. долларни ташкил этган бўлса, 2026 йил якунига бориб ушбу кўрсаткич 6,0 трлн. долларга етиши прогноз қилинмоқда ва йиллик ўсиш сурати 14,9 фоизни ташкил этмоқда[1]. Аҳоли таркибида ислом динига амал қилувчилар жами аҳолининг 90 фоизини ташкил этадиган Ўзбекистонда мазкур тизимни жорий этиш орқали йилига 10 млрд. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилиш ва қўшимча 100 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд[2]. Юқорида келтирилган рақамлар Ислом молия тизимини жорий этишнинг долзарблиги ва юқори самарадорлигини кўрсатмоқда.

“Ўзбекистон – 2030”[3] стратегиясининг янгиланган лойиҳасида дастлаб 2027-йилда мамлакатдаги битта банкда исломий маҳсулотлар жорий этилиши, 2029—2030-йилларда эса уларнинг сонини учтага етказиш мақсад қилинган. Ўзбекистон Республикаси

[1] https://alhudacibe.com/pressrelease274.php?utm_source=chatgpt.com
[2] https://daryo.uz/uz/2026/02/05/ozbekistonda-islomiy-bankni-joriy-qilishga-qaratilgan-qonun-senatda-maqullandi/
[3] https://lex.uz/ru/docs/6600413

Президентининг 2024 йил 30 августдаги ПФ-132-сон Фармонига[4] асосан 2025-йилнинг ноябрида Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини босқичма-босқич жорий қилишга қаратилган қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Адабиётлар таҳлили

Ислом молиявий тизимининг асосий тамойиллари, ислом молияси институтлари ва улар томонидан таклиф этилаётган молиявий маҳсулот ва воситаларининг қулайликлари, анъанавий молия тизимидан фарқли жиҳатлари юзасидан хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан бир қанча тадқиқотлар олиб борилган.

Жумладан, M.A.Mannan ўзининг тадқиқотларида “исломий молия ва иқтисодиёт – бу инсонларнинг ислом шариати қоидалари ва қадриятлари асосида иқтисодий муаммоларини ўрганадиган ижтимоий илм”[4], сифатида эътироф этган.

Хорижий олимлардан S.M.Hasanuzzaman ўзининг илмий ишларида ислом молиясининг ривожланиш босқичлари, истиқболлари ва бугунги ҳолатини тадқиқ этган. Мазкур тадқиқотларида ислом молиясини қуйидагича таърифлаган: “ислом молияси – бу шариат қоидаларига асосланган фиқҳий ҳукмлар, қонун қоидаларга амал қилиш ҳисобланиб, шариат қоидалари бўйича ҳаёт кечиришни мақсад қилган инсонларнинг молиявий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қаноатлантиришга хизмат қилувчи, молиявий-иқтисодий ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи ушбу молия тизимидир”[5].

Auwal Adam Sa’ad томонидан олиб борилган тадқиқотларда “Молиявий инқирозлар замонавий капиталистик иқтисодиётнинг нотўғри бошқаруви натижаси, бироқ ислом молиявий тизими репрессив иқтисодий тизимнинг муаммоларини ечишнинг калитидир” деган хулоса илгари сурилади[6].

Халқаро молиявий институтлардан Осиё Тараққиёт Банки (Asian Development Bank) тадқиқотларида ислом молияси ва иқтисоди ислом дунёқараши ва ахлоқий тамойилларини ўзида акс эттириши лозимлиги таъкидланади ва ислом молиясига оид асосий шариат қоидаларига тўхталиб ўтилган[7].

Малайзиялик олим Судин Харун исломий банк тизимида шаклланган молиявий воситаларни 5 тоифага қуйидагича таснифлаган[8]:

- савдо (Trade-based financing instruments) асосидаги молиялаштириш воситалар;
- ижара, лизинг (Lease-based instruments) асосидаги воситалари;
- шерикчилик, фойда ва зарарни, рискни тақсимлаш (Profit-and-loss sharing instruments – PLS) асосидаги воситалар;
- хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватловчи (Supporting and service-based instruments) воситалар;
- ижтимоий ва хайрияга асосланган (Social welfare and charity-based instruments) воситалар.

Россиялик олимлардан П.В.Трунин, М.В.Каменских, М.Муфтяхетдиновалар ислом молия тизими, унинг замонавий ҳолати ва истиқболлари тўғрисида олиб борган тадқиқотлари натижасида ислом молия тизимининг жорий этилиши юзасидан қуйидаги хулосаларни берган: “Ислом банки фаолиятининг тамойиллари молиявий барқарорликни таъминлаш учун муҳимлигини тушиниш зарур. Биринчидан, ислом банклари ўзларининг анъанавий банклар билан алоқаларини ривожлантиромоқда ва кенгайтирмоқда, иккинчидан, хежлаш воситаларининг етарли эмаслиги ислом молияси институтларида рискларнинг тўпланишига олиб келмоқда. Бинобарин, анъанавий молия тизими доирасида ислом молия институтларининг тартибга солинмаган ҳолатда ривожланиши унинг барқарорлигини пасайтириш билан бирга бутун тизимда молиявий беқарорликнинг ошишига олиб келади”[9].

[4] https://lex.uz/docs/7089547

Ўзбекистонлик маҳаллий олимлардан Н.Аминова “Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш” мавзусида олиб борган тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосани берган: “Ислом моделига асосланган молия тизимида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш давомидаги рискларни тақсимлашда шартномаларининг хилма-хиллиги барча бошқа қарз олувчилар (иштирокчилар) учун қулайлик туғдиради. Сабаби, иштирокчилар молиявий хизматларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган барча молиявий рискларни ўз зиммаларига олишлари шарт бўлмайди. Бу эса инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ҳамда бизнес юритиш харажатларини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади”[10].

Е.А.Байдаулет “Исломий молия асослари” асарида ислом молиясининг муҳим ҳижатлари тўғрисида қуйидагиларга урғу берган: “Ислом фойда олишни рағбатлантиради, лекин соф пул фоизлари ундиришни таъқиқлайди, чунки меҳнат асосидаги фойда муваффақиятли тадбиркорлик ва қўшимча бойлик яратиш рамзи ҳисобланади. Бундан фарқли равишда, фоизлар – меҳнатга асосланмаган, фаолият натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда барибир ҳисобланадиган ва агар тижорий йўқотишлар мавжуд бўлса, бойлик ярата олмайдиган харажатлардир. Ижтимоий адолат, қарздор ва қарз берувчи ўртасида фойда ва зарарларни мувофиқ меъёрларда бўлишиб олишларини, иқтисодиётдаги бойликларни жамғариш ва тақсимлаш жараёни адолатли ва воқеликдаги маҳсулдорликни акс эттирадиган бўлишини талаб қилади”[11]

Тадқиқот методологияси.

Мақолада абстракт-мантиқий фикрлаш, умумлаштириш, таққослаш, анализ ва синтез, тизимли талиллар усуллардан фойдаланилган. Ислом молияси тизимига оид статистик маълумотлар талил қилинди ва таққосланди, тадқиқот натижасида олинган натижалар асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди. Мақоланинг услубий асоси сифатида хорижий ва миллий иқтисодчи олимларнинг адабиёт ва мақолалари таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ислом банк хизматларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилиши лойиҳада мавжуд ва келгусида юзага келиш эҳтимоли юқори бўлган рискларнинг лойиҳа ташаббускорлари, инвесторлар ва банк ўртасида олинадиган самара (фойда)га мутаносиб равишда тақсимланиши билан бирга рисклар юзага келган вазиятда анъанавий кредитлашдан фарқли равишда лойиҳани инқироздан сақлаб қолиш имконияти мавжудлиги билан муҳим ҳисобланади.

Исломий банк хизматлари дарчаси — бу анъанавий банк таркибида ташкил этилган, аммо шариат талабларига тўлиқ мувофиқ ишлайдиган махсус молиявий бўлим бўлиб, унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Исломий операцияларнинг алоҳида ҳисоб-китобда юритилиши;
2. Фоиз (рибо)дан воз кечиш;
3. Реал активлар билан боғлиқ молиялаштириш;
4. Рискларни тақсимлаш тамойилига асосланиш;
5. Шариат маслаҳатчиси ёки Шариат қўмитаси томонидан доимий назорат.

Бу модель банк тизимида исломий молияни жорий этишнинг энг мослашувчан ва хавфи нисбатан паст шакли ҳисобланади.

Исломий банк фаолияти ва анъанавий банкларда Исломий банк хизматлари дарчаси фаолиятининг ишлаш тамойиллари ва имкониятлари тенглигини инобатга оладиган бўлсак, ислом молия тизимида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

1. Фоиз асосида қарз бериш (рибо)нинг таъқиқланганлиги;

2. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган капитал ўсишининг лойидан олинадиган реал иқтисодий манфаатга боғлиқлиги;

3. Лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган фойда ёки кўриладиган зарарнинг киритилган инвестиция миқдоридан келиб чиққан ҳолда иштирокчилар ўртасида адолатли тақсимланиши;

4. Фаолиятнинг томонлар ўртасида шаффофлиги ва ўзаро ишонч.

Юқорида келтирилган тамойиллар айнан бугунги кунда анъанавий банк фаолиятида инвестиция лойиҳалари портфелидаги муаммолар юзага келишининг олдини олиш билан бирга макроиқтисодий жиҳатдан сунъий қиймат яратилишининг олдини олиши ҳисобига инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Анъанавий банк фаолиятида Исломий хизматлар дарчаси орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосан 4 та шакли бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Муробаха асосида молиялаштириш – бу банкнинг лойиҳа учун зарур бўлган товар ёки ускуна (технология)ни харид қилиб, белгиланган устама, яъни фойда билан инвесторга сотишига асосланган усулдир. Ушбу усулдан фойдаланишда ислом молияси фаолияти учун очилган инвестиция ҳисоб рақамлари орқали молиялаштириш амалга оширилади ва ҳисоб-китобларнинг аниқлиги, риск даражасининг пастлиги айниқса саноат ва ишлаб чиқариш соҳасига қулайликлар яратади.

2. Мушорака асосида молиялаштириш – бу банк ва тадбиркорнинг инвестиция лойиҳасида шерик сифатида иштирок этишига асосланган бўлиб, фойда келишилган улушда, зарар эса капитал ҳиссасига мутаносиб тақсимланадиган усулдир. Мазкур усул йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қўлланади ва саноат ҳамда инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда самарали ҳисобланади.

3. Мудораба асосида молиялаштириш – бу инвестиция лойиҳасини амалга оширишда капитал банк томонидан таъминланиши, лойиҳа бошқаруви тадбиркор зиммасига юкланишига асосланган усул бўлиб, фойда олдиндан келишилган нисбатда тақсимланади. Бу усул стартап ва инновацион инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жуда мос келади.

4. Ижара (лизинг) асосида молиялаштириш – бу лойиҳа учун зарур бўлган активнинг банк томонидан харид қилиниши ва уларни инвестиция лойиҳаси ташаббускорига ижарага бериши орқали амалга ошириладиган усулдир. Молиявий лизинг сингари ижрата муддати охирида ижарага берилган активларга бўлган мулк ҳуқуқи лойиҳа асосида ташкил этилган корхонага ўтиши мумкин.

1-жадвал

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усулларининг солиштирма таҳлили[5]

№	Молиялаштириш усули	Риск тақсимоти	Қўлланиш соҳаси	Афзалликлари
1	Муробаха	Асосан мижозда	Савдо, ускуна	Содда ва аниқ
2	Мушорака	Томонлар ўртасида	Йирик лойиҳалар	Адолатли шериклик
3	Мудораба	Банкда капитал риски	Стартап лойиҳалар	Инновацияни қўллаб-қувватлайди
4	Ижара	Банк ва мижоз	Инфратузилма	Активга асосланган

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Ислом молия тизими ёрдамида банк томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда уларнинг кўлами бўйича барча йўналишларни қамраб олиш имконияти мавжуд.

[5] Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини Ислом молияси тамойиллари асосида молиялаштириш амалиёти тижорат банклари томонидан фақатгина Ислом Тараққиёт Банкининг кредит линиялари ва дастурлари доирасида амалга оширилиб келмоқда.

1-расм ИТБнинг Ўзбекистондаги инвестиция лойиҳаларидаги иштироки ҳақида маълумот[6]

1-расм маълумотларига кўра ИТБ томонидан ҳозиргача умумий қиймати 2,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги 123 та инвестиция лойиҳаларини молиялаштирган. Ушбу лойиҳаларнинг 57 таси тугалланган бўлиб, 66 та инвестиция лойиҳаси жараёнда ҳисобланади ва бу лойиҳалар қиймати ЯИМ ҳажмига нисбатан 4,04 фоизни ташкил этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури доирасида 2020 йилда ўтказилган “Ўзбекистонда Исломий молиялаштириш воситаларининг таҳлили” номли тадқиқот натижаларини кўриб чиқадиган бўлсак, ислом молияси тизимини тадбиқ этишнинг қанчалик долзарблигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.



2-расм Расмий банк-молия муассасалари кредитларидан фойдаланмаслик сабаблари[16]

Тадқиқот натижаларига кўра 61% бизнес вакиллари ва 75% жисмоний шахслар агар ислом молия муассасалари Ўзбекистонда фаолият бошлашса, ўз молиявий амалиётларини ислом молия муассасаларида олиб бориш истагини билдиришган.

Бизнес ва жисмоний шахслар учун энг асосий муаммо анъанавий кредитларнинг ислом дини талабларига мос эмаслиги бўлган. Хусусан, бизнес вакилларининг 38%, ҳамда

[6] Ислом тараққиёт банкига (ИТБ)нинг расмий веб-сафиҳасидан: https://www.isdb.org/uzbekistan

жисмоний шахсларнинг 55% диний қарашлари сабабли анъанавий кредитлардан фойдаланмасликларини айтишган. Кредилардан фойдаланмасликнинг бошқа сабаблари сифатида фоиз даражасининг юқорилиги, мураккаб талабларнинг мавжудлиги, ҳамда кредитлардан фойдаланиш зарурати йўқлиги кўрсатилган.



3-расм. Ўзбекистонда ислом молиясининг ривожланмаганлиги сабаблари[16]

Тадқиқот натижалари 39% тадбиркор ва 42% жисмоний шахснинг фикрича ислом молия маҳсулотларига талаб юқори бўлади. Молия маҳсулотлари турларига келадиган бўлсак, ижара (26%), мушорака ва мудорабага (24%) талаб юқори бўлади деб айтишган бўлса, 43% корхоналар қайси ислом молия маҳсулотларига талаб юқори бўлишини билмасликлари маълум бўлди.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида амалга оширилган таҳлилларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Ислом молия тизимининг анъанавий тижорат банкларида ислом молия хизматлари дарчаси шаклида қўлланилиши инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун депозитлар жалб қилишда катта салоҳиятга эга бўлиш билан бирга Ислом молияси тамойиллари асосида молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлашга, муаммоли активлар салмоғини пасайтириш ва банк ликвидлигини оширишга хизмат қилади.

Тижорат банкларида ташкил этиладиган Ислом молия хизматлари дарчалари орқали инвестиция лойиҳаларини самарали молиялаштиришни таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банлар ассоциацияси ҳамкорлигида назорат тизимига эга бўлган, шариат тамойиллари таъминланиши бўйича тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш;
2. Саноат корхоналарининг амалдаги фаолиятини ва янги лойиҳаларини молиялаштиришда анъанавий фоизга асосланган ва Ислом молиясига асосланган усуллардан параллел равишда фойдаланишга йўл қўймаслик;
3. Инвестиция лойиҳалар самарадорлигини таҳлил қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, жумладан тартиб ва қўлланмаларни ислом молияси тамойилларига мос равишда қайта ишлаб чиқиш;
4. Банклар томонидан келгусида ислом молияси хизматларидан фойдаланиш истаги бўлган тадбиркорлар учун ислом молияси асосларини ўрганишга қаратилган ўқув курсларини ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, Тошкент ш., 2023 йил 11 сентябрь, ПФ-158-сон, https://lex.uz/ru/docs/6600413;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 августдаги ПФ-132-сон, https://lex.uz/docs/7089547;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2023 йил 4 сентябрь, ПҚ-292-сон, https://lex.uz/docs/6591947;

4. Mannan, M. A. (1983). «Islamic Economics as Social Science: Some Methodological Issues». Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 41-50.

5. Hasanuzzaman, S. M. (1984). «Definition of Islamic Economics». Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 51-53.

6. Auwal Adam Sa’ad “Assessment of the global financial crisis: special remedies from the shari’ah perspective” International Journal of Islamic Economics and Finance Research, Vol. 2, No. 1, 2019 e-ISSN: 2636 – 9419

7. Asian Development Bank Institute. https://www.adb.org/sites/default/files/publication/226066/islamic-finance asia.pdf

8. Haron, S. (1997). Islamic Banking: Rules and Regulations. Kuala Lumpur: Pelanduk Publications.

9. П.В.Трунин, М.В.Каменских, М.Муфтяхетдинов (2008). «Исламская финансовая система: современное

10. Н.Аминова (2025). “Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш” Монография/ Н.У.Аминова; – Т.: “PUBLISHING HIGH FUTURE” ОК нашриёти, 2025. – 128 б.

11. Байдаулет Е.А. «Исломий молия асослари», Ботирхўжа Жўраев таржимаси. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019.– 432 б.

12. Ф. Додиев, А. Бобоёров Ўзбекистонда исломий банк маҳсулотларини жорий этиш истиқболлари, Moliya va Bank ishi Jurnali 1 (2022) 29-32;

13. Шожалилов М. (2018) Ислом банклари фаолияти. http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/8623-islom-banklari-faoliyati;

14. “Analysis of Islamic Financing Instruments in Uzbekistan” – UNDP Survey conducted in 2020;

15. Низомиддинов М. (2021) Ислом дарчалари: анъанавий банкинг учун янги имконият. https://islommoliyasi.uz/uz/islom-darchalariananaviy-banking-uchun-yangi-imkoniyat/;

16. Islamic Financial Services Board (IFSB). *Guiding Principles on Islamic Finance Regulation*;

17. AAOIFI. *Shari’ah Standards*. Manama, Bahrain.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ЯШИЛ САНОАТ СИЁСАТИНИ ЮРИТИШНИНГ ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ: МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАР ВА ЎРНАКЛИ ЖИҲАТЛАР

Муқимов Шерали Ахмадали ўғли

Иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Халқаро молия кафедраси доценти
Email: mukimov750@gmail.com
ORCID: 0009-0005-2090-8491

Аннотация. *Мақолада Хитойда юритилаётган яшил саноат сиёсати концептуал моделлаштирилиб, унинг номинал экологик сиёсатдан кенг қамровли “экологик тамаддун” стратегиясигача бўлган эволюцион йўли кўрсатиб ўтилади. Мақолада “1+N” дастури ва яшил субсидиялар каби асосий инструментлар кўриб чиқилиб, иқлимий нейтраллик мақсадларини саноат ўсиши билан муваффақиятли интеграция қила олгани кўрсатиб берилади. Шунингдек, тадқиқотда Хитойнинг регулятив ва молиявий механизмлар бўйича таркибий устунликлари аниқланиб, Ўзбекистон каби ривожланаётган давлатлар учун рақобатбардош ва инклюзив яшил саноат моделларини ишлаб чиқиш бўйича амалий хулосалар шакллантирилади.*

Калит сўзлар: *яшил саноат сиёсати, Хитой, экологик цивилизация, 1+N сиёсат тизими, декарбонизация, яшил субсидиялар, тоза энергияга ўтиш, саноатни модернизация қилиш, циркуляр иқтисодиёт, углерод нейтраллиги.*

ЕВРОПЕЙСКАЯ МОДЕЛЬ РЕАЛИЗАЦИИ ЗЕЛЁНОЙ ПРОМЫШЛЕННОЙ ПОЛИТИКИ: ОПИСАНИЕ, АНАЛИЗ И ВЫВОДЫ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

Муқимов Шерали Ахмадали оглы

доктор философии (PhD)
по экономическим наукам,
доцент Кафедры международных финансов
Ташкентского государственного
экономического университета
Email: mukimov750@gmail.com
ORCID: 0009-0005-2090-8491

Аннотация. *В данной статьи концептуализируется зеленая промышленная политика Китая посредством анализа ее эволюции от номинальной защиты окружающей среды до всеобъемлющей стратегии «экологической цивилизации». Рассматриваются ключевые инструменты, включая программу «1+N» и зеленые субсидии, демонстрирующие, как Китай успешно интегрировал цели климатической нейтральности с промышленным ростом. В статье определяются структурные преимущества регулятивных и финансовых механизмов Китая, а также предлагаются практические выводы для развивающихся стран, таких как Узбекистан, по разработке конкурентоспособных и инклюзивных механизмов зеленой промышленности.*

Ключевые слова: *зеленая промышленная политика, Китай, экологическая цивилизация, политическая структура «1+N», декарбонизация, зеленые субсидии, переход к чистой энергии, промышленная модернизация, циркулярная экономика, углеродная нейтральность.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

THE EUROPEAN MODEL OF GREEN INDUSTRIAL POLICY IMPLEMENTATION: DESCRIPTION, ANALYSIS, AND IMPLICATIONS FOR UZBEKISTAN

Sherali Mukimov Ahmadali ogli

PhD in Economics,
Associate Professor of Department
of International Finance,
Tashkent State University of Economics
Email: mukimov750@gmail.com
ORCID: 0009-0005-2090-8491

Abstract. *This paper conceptualizes China's Green Industrial Policy (GIP) by analyzing its evolution from nominal environmental protection to a comprehensive "ecological civilization" strategy. It examines key instruments, including the "1+N" policy framework and green subsidies, demonstrating how China successfully integrated climate neutrality goals with industrial growth. The paper identifies structural strengths in China's regulatory and financial mechanisms, offering practical implications for developing nations like Uzbekistan to design competitive and inclusive green industrial frameworks.*

Key words: *green industrial policy, China, ecological civilization, 1+N policy framework, decarbonization, green subsidies, clean energy transition, industrial modernization, circular economy, carbon neutrality.*

Кириш

Яшил саноат сиёсатини (ЯСС) юритишнинг халқаро амалиёти ҳақида гап кетганда Хитойга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Дунёнинг бошқа гигантларидан фарқли ўлароқ Хитой иқлим ўзгаришлари бўйича еврилишларни саноат учун имконият сифатида қабул қилди. Бош ислоҳотчи ва драйвер ролини давлат ўз бўйнига олди ва тарих учун оний муддат ичида яшил технологиялар бўйича дунё етакчисига айланди.

Айтиш жоизки, яшил йўлдан юриш бўйича қарор Хитойда ўз-ўзидан олинган эмас. Бунга бир неча табиий ва иқтисодий омиллар “мажбур қилган”. 1990 йилларда бошланган ва кўмир энергиясига асосланган жадал саноатлашиш оқибатида ҳавонинг ифлосланиш даражаси кўрқинчли даражагача кўтарилди ва асосий шаҳарлар яшаб бўлмас ҳолга келиб қолди. 2010 йиллар атрофида вазият шу даражада жиддийлашдики, аҳоли янги саноат объектлари қурилишига қарши оммавий норозиликка чиқа бошлади.

2013 йилнинг январь ойида Пекин ва мамлакатнинг шимолий шаҳарларида “ҳаво ифлосланиши охирзамони” (Airpocalypse) содир бўлди[1]. Баъзи манбаларда[2] ҳаводаги PM2.5 заррачаларининг миқдори 900 $\mu g/m^3$ дан ошиб кетганлиги қайд этилади. Кунлик ўртача бўйича энг юқори кўрсаткич эса шу ойда 569 $\mu g/m^3$ ни ташкил этган бўлиб, бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларидан 22 марта кўпроқдир[3]. Мактаблар ёпилган, парвозлар тўхтатилган, касалхоналар эса ҳасталарга тўлиб кетган. Ифлослантирувчи зарралар кўчаларда қуюқ туманни юзага келтириб, кўриш даражасини бир неча ўн метргача қисқартирган. Маҳаллий ва хорижий нашрлар инқироз ҳақида тинимсиз бонг урган. Бундай мураккаб шароит Хитой Коммунистик партиясини (ХКП) саноатни яшиллаштириш бўйича ортга қайтмас улкан ўзгаришларни амалга оширишга мажбур қилган.

Яшил саноат сиёсати Хитойда 2013 йилдагина бошланди, дейиш тўғри эмас. W.Jin ва б. томонидан олиб борилган тадқиқотларда[4] ЯСС эволюцияси 1949 йилга бориб тақалиши қайд этилган. Сўнгги ва давом этаётган тўртинчи босқич эса 2012 йилда старт олган. P.Liu ва б. даврлаштиришни 1978 йилдан бошлаб, сўнгги босқичнинг 2012 йилдан бери амалда бўлиб келаётганини асослаб берган[5]. Шу ва бошқа мавжуд адабиётлар

асосида Хитой ЯССнинг ривожланишини 3 босқичда кўриш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. 2000 йилгача – номинал даражадаги атроф-муҳитни асраш сиёсати даври.
2. 2001-2011 йиллар – саноат тараққиёти ва экологик хавфсизлик ўртасидаги боғлиқликни англаш даври.
3. 2012 йилдан ҳозиргача – тўлақонли яшил саноат сиёсати даври.

Бу даврлаштириш бизга ЯСС бўйича Хитой тажрибасини ўрганишда вақт ва ҳажм чегараларини ўрнатишга ёрдам беради. Шунингдек, 2013 йилги ифлосланиш инқирозидан кейин кўрилган чораларнинг самарадорлиги бу тажрибани ўрганишнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади. Зеро, 2013-2023 йилларда Пекинда ҳавосидаги PM2.5 заррачаларининг йиллик ўртача концентрацияси қарийб 3 бараварга қисқарди:



1-расм. Пекинда ҳавосидаги PM2.5 заррачаларининг йиллик ўртача концентрацияси

Манба: “Statista” онлайн платформаси

Ифлосланиш даражаси қисқаришидаги қатъий тенденция ушбу натижанинг тасодифий ва ташқи омиллар ҳисобига эмас, балки тизимли чораларнинг самарадорлиги эвазига эришилганидан дарак беради. Бошқа томондан, 2025 йилга келиб яшил технологияларни ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг 75 фоизи[6], яшил энергия патентларининг ҳам шунча қисми Хитой ҳиссасига тўғри келади[7]. Бу шуни англатадики, мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам экологик хавфсизлик, ҳам иқтисодий ўсиш мақсадларига эриша олган ЯСС моделига эга. Бу моделни ҳар томонлама ўрганиш ва уйғун шаклда намуна олиш дунёнинг исталган мамлакати тараққиёти учун хизмат қилиши мумкин.

Адабиётлар таҳлили

Хитой яшил саноат сиёсатининг қамрови ва йўналишлари шу қадар кенг ва турфа-хилки, улар юзасидан ўтказилган тадқиқотларни гуруҳлаш ёки таснифлаш ўта мураккаб вазифага айланади. Тадқиқотлар асосан ЯСС муайян инструментининг таъсирчанлигини баҳолашга қаратилади. Шундай бўлса-да, кенг маънодаги ЯССнинг муайян тармоқ ёки фаолият турига таъсирини аниқлашга бағишланган илмий ишлар ҳам йўқ эмас.

Жумладан, H.Yang провинциялар кесимида тадқиқот ўтказиб, ЯСС ва яшил инновацияларнинг яратилиши ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини аниқлаган[8]. Олимга кўра, мазкур боғлиқлик ифлосланиш даражаси юқори бўлган ҳудудларда ҳам ўз аксини топган. Худди шу йўналишдаги тадқиқот L.Chen томонидан тўқимачилик

корхоналари мисолида ўтказилган бўлиб[9], у технологик йўналтирилган ЯСС экологик самара келтиришини, бироқ иқтисодий ўсишни кафолатламаслиги ҳақида хулоса қилади. Шу сабабли, ЯССни ҳам технологик, ҳам талабга асосланган шаклда юритиш лозимлиги таъкидланади. J.Xie эса ЯССни беш йиллик режалар асосида ўрганиб, у хусусий секторда энергия сиғимини камайтирганини, бунда технологик янгиланиш ва ишлаб чиқариш омилларининг қайта жойлаштирилиши ҳал қилувчи ролни ўйнаганини қайд этади[10].

Соҳалар кесимида олиб борилган тадқиқотлар, юқоридагилар каби, асосан технологик ривожланиш масалаларини у ёки бу даражада қамраб олади. Буни Хитойда ЯССдан кўзланган мақсад фақатгина экологик барқарорликдан иборат эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Қўлланилаётган инструментлар орасида эса энг оммалашгани ва таъсирчани сифатида субсидиялар ўрганилади.

Ch.Song Хитой ЯССга оид 7891 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўрганиб, ҳозирда мамлакат 15 та инструментдан фойдаланаётганини аниқлаган[11]. Уларни таклифга, талабга ва атроф-муҳитга қаратилган каби 3 та гуруҳга бўлади ҳамда ҳукумат асосан таклифга қаратилган инструментларга (асосан субсидиялар – муал. изоҳи) устуворлик бераётганини таъкидлайди.

Бу борада H.Shi тадқиқот ва ишланмаларга (R&D) субсидиялар ҳамда яшил инновациялар ва олинган патентлар орасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини асослаган[12]. Олимнинг фикрича, экологик тартиб-қоидалар ушбу субсидияларнинг таъсирсанлигини янада оширади. Масалага янада чуқурроқ ёндашган J.Liu шундай хулосага келади[13]: яшил субсидиялар корхоналарни мутлақо янги (exploratory) технологияларга рағбатлантирса, ифлослантириш учун тўловлар (effluent charges) асосан эксплуатацион (exploitative) инновацияларга ундайди.

Бу каби тадқиқотлар ЯСС борасида юзага келган илм-фан натижаларини янада бойитади. Шу билан бирга, саноатни яшиллаштириш орқали ўз рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ёки янги драйвер тармоқларни яратиш истагидаги ривожланаётган давлатлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда Хитойда юритилаётган яшил саноат сиёсати мамлакатда сўнгги 30 йил давомида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, беш йиллик ривожланиш дастурлари ҳамда шу мавзуда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида концептуал моделлаштирилади. Олинган хулосаларни далиллашда ҳукумат ва халқаро ташкилотлар тақдим этган расмий маълумотлар, шунингдек эмпирик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилади. Хитойда кузатилган ислоҳотлар услубиятига бериладиган тавсифнинг объектив бўлишини таъминлаш мақсадида кўтарилган масалаларга ҳам иқтисодий, сиёсий ва экологик жиҳатдан ёндашилади.

Таҳлил ва натижалар

ХКПнинг 2012 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган 18-қурултойи Хитойда ҳозиргача амал қилиб келаётган ЯСС моделининг доктринал асосларини белгилаб берди. Қурултойда қабул қилинган асосий қарор бу “экологик тамаддун” (生态文明 – ecological civilization) ғоясини мамлакатнинг беш соҳали[7] бирлашган режасига (The Five-Sphere Integrated Plan) татбиқ қилишдан иборат бўлди. Ушбу ўзгариш муаллифлар томонидан “ўсиш биринчи” тамойилидан “муҳофаза биринчи” тамойилига ўтиш[14] қабилида тавсифланади.

Баъзи олимлар Хитой юритаётган яшил саноат сиёсатини “кам углеродли ўсиш стратегияси”[15] ёки содда қилиб “яшил тараққиёт”[16] деб ҳам юритадилар. Унинг асослари борасида фикрлар бир мунча тарқоқ (қаранг, 1-жадвал).

[7] Изоҳ: 2007-2012 йилларда ривожланиш стратегиялари 4 соҳа – иқтисодиёт, сиёсат, маданият ва ижтимоий соҳа юзасидан олиб борилган. 2012 йилда экологик ривожланиш бешинчи соҳа сифатида қўшилган

1-жадвал

Хитой яшил саноат сиёсатини йўналишларга ажратиш бўйича илмий ёндашувлар

№	Муаллифлар	ЯСС асосий йўналишлари	Таснифлаш асоси
1	Zhang Y.[17]	1. Углерод эмиссиясини камайтириш. 2. Бозорларни шакллантириш. 3. Яшил тармоқларни ривожлантириш. 4. Яшил ўсиш стратегиясининг салбий оқибатларини бошқариш.	Соҳавий
2	Gürcan E.C.[18]	1. Тоза энергия инқилоби. 2. Барқарор қишлоқ хўжалиги инқилоби. 3. яшил урбанистик инқилоб.	Соҳавий
3	Chenchen S., Zhengguang L., Meng Y., Congyu Z.[19]	1. Таклифга йўналтирилган. 2. Талабга йўналтирилган. 3. Атроф-муҳитга йўналтирилган.	Инструментал
4	Chen L., Zhou R., Chang Y., Zhou Y.[20]	1. Технологияларни жадаллаштириш. 2. Талабни яшиллаштириш. 3. Баланслашган сиёсат.	Соҳавий ва мувозанатли
5	Wang N., Chang Y.C. [21]	1. Энергияни тежаш. 2. Янги энергия манбаларини ривожлантириш. 3. Ўрмонларни тиклаш. 4. Циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш. 5. Саноатни реструктуризация қилиш.	Соҳавий

Ёндашувлар мазмунидан кўриш мумкинки, аксарият тадқиқотчилар хитойча ЯССни тавсифлашда соҳавий ёндашувдан фойдаланишган. Шундай экан, биз ҳам масалага соҳавий ёндашган ҳолда дунё миқёсида эталон деб тан олинаётган[22] ушбу йўлнинг мазмун моҳиятига киришга ҳаракат қиламиз.

ЯССни изоҳлашда соҳавий ёндашувни қўллаш унинг иқтисодий жиҳатларини очиб бериш учун етарли бўлмайди. Зеро ҳар қандай сиёсат муайян мақсадга эришишга қаратилган чора-тадбирлар, яъни инструментларни қўллаш жараёнидир[23]. Шунга биноан таҳлилларни соҳавий-инструментлар ёндашув асосида олиб борамиз.

Аввало ўрганилган расмий, илмий ва таҳлилий адабиётлар асосида Хитой ЯССнинг асосий соҳаларини белгилаб олсак.

1-расм. Хитой яшил саноат сиёсатининг асосий йўналишлари

Манба: муаллиф ишланмаси

Тоза энергияга ўтиш

Тоза энергияга ўтишни кўп мамлакатлар декарбонизация жараёни учун асос деб қабул қилсалар, Хитой учун вазият тубдан бошқача. Дунёнинг иккинчи иқтисодиёти яшил энергияга ўтишни ўзи учун такрорланмас имконият деб қабул қилган. Декарбонизация мақсадлари долзарблигини инкор этмаган ҳолда энергетик трансформация саноатни

модернизация қилиш ёки умуман янги тараққиёт стратегияси[24] этиб белгиланган.

Ҳозирги кунда яшил энергияга ўтиш масаласи янги экологик-индустриал доктрина доирасидан кўра кўпроқ 2021 йилда қабул қилинган “1+N” сиёсати[8] контекстида кўрилмоқда. Бу дуал мақсадли ёндашув бўлиб, биринчи мақсад 2030 йилгача углерод эмиссиясининг энг юқори чегарасига, иккинчиси эса 2060 йилгача углерод нейтраллиги эришишдан иборат. “1” сони ушбу умуммиллий ва барча учун айни мақсадларни назарда тутса, “N” алоҳида саноат тармоқларида углерод эмиссиясини камайтириш бўйича йўл хариталарини билдиради.

Хитойда тоза энергияга ўтиш жараёнига нисбатан “занжирли” ёндашув қўлланмоқда. Бунда ҳукумат занжирнинг ҳар бир халқаси учун алоҳида инструментлар жорий қилган. Хусусан, яшил электр энергияси ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш учун дастлаб (2006-2018 йй.) имтиёзли тарифлар, кейинчалик эса аукционларда алоҳида мукофотлар тақдим этила бошлаган. Тарифлар ҳудудлар кесимида фарқланиб, 1 кВт/с электр энергияси учун 0.68 дан 1.71 юангача, мамлакат ўртачаси эса 1,01 юанни ташкил қилган[25]. Таққослаш учун: 2018 йилда электр энергиясининг чакана нархлари 0,8 юандан ошмаган.

2019 йилдан эса тизим такомиллаштирилиб, имтиёз бекор қилинди. Янги ва ҳозирда амалда бўлган тизим “тармоқ паритети” (“pingjia shangwang” system - 平价上网) деб номланади. Унга кўра[26], тармоққа узатилаётган электр энергияси манбасидан қатъий назар ўзаро тенг нархланиши лозим. Намунавий нарх (benchmark price) сифатида эса кўмирдан олинган электр энергияси нархи олинган. Яъни, шамол ва қуёш электр станциялари эндиликда ИЭСлар билан бир хил нархда электр сотишлари лозим. Агарда яшил энергия лойиҳаси намунавий нархда фойдага чиқа олмаса, у рад этилган.

2021 йилга келиб ҳукумат марказлашган яшил энергия лойиҳалари учун субсидияларни батамом тўхтатди. Бу шуни англатадики, Хитойда қайта тикланадиган энергия манбалари шу даражада ривожландики, унинг таннархи қазилма ёқилғи билан рақобатлаша олади. Бошқа томондан, субсидияларнинг бекор қилиши давлат бюджетига улкан юкламанинг ҳам бартараф этилишига олиб келди.

Ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашнинг яна бир кўриниши бу пасайтирилган корпоратив фойда солиғидир. Хитойда стандарт солиқ ставкаси 25 фоизни ташкил қилади. Бунда юқори ва янги технология жорий қилаётган корхоналар, шунингдек яшил энергия компаниялари корпоратив фойда солиғини 15 фоиз тўлайдилар[27].

Маълумки, яшил ўтиш шароитида мамлакат энергетика тизими барқарорлигини энергия сақлаш тизимларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хитойда ҳам айнан сақлаш тизимларини барпо этишга йирик инвестиция ва имтиёзлар йўналтирилмоқда. Шу мақсад учун 2025-2027 йилларда 35 млрд доллардан ортиқ маблағ инвестиция қилиниши режалаштирилган[28]. Бу орқали жами сақлаш қувватларини 2024 йилдаги 74 млн киловаттдан 2027 йилга бориб 180 млн.га етказиш кўзда тутилган. Маҳаллий даражада эса қурилиш ишлари учун лойиҳанинг сақлаш қувватига қараб киловаттига 200 юангача (28,5 долл.) субсидиялар тақдим этилади.

Эмиссиялар савдо тизими (Emissions Trading System – ETS) эса Хитойнинг яшил ўтиш йўлидаги энг муҳим қадамларидан биридир. 2021 йилда жорий қилинган бу тизим аввалбошда фақатгина энергия генерация қилувчи 2200 та корхонани қамраб олган бўлса, 2025 йилнинг охирига келиб пўлат, алюминий ва цемент ишлаб чиқарувчиларни ҳам ўз ичига олди ва корхоналар жами сони 3500 дан ошди. Тизим билан қамраб олинган углерод эмиссияси ҳажми эса 8 млрд тонна CO_2 эквивалентига етиб, бу Хитойдаги жами эмиссиянинг 60, жаҳондагининг 20 фоизини ташкил қилади. ETSга кириш эмиссия миқдори йилига 26 минг тонна CO_2 эквивалентидан ошган корхоналар учун мажбурий саналади[29].

[8] Расмий номи – Карбонат ангидрид эмиссиясининг юқори чегараси ва углерод нейтраллиги бўйича ишчи йўриқнома (Working Guidance for Carbon Dioxide Peaking and Carbon Neutrality). Манба: https://en.ndrc.gov.cn/policies/202110/t20211024_1300725.html.

2024 йилнинг 13 ноябрь куни эмиссия рухсатномалари нархи тоннасига 105 юандан (15 долл.) ошиб, тарихий рекорд ўрнатилди. Бу эса бозорда рухсатномаларга бўлган талаб таклифдан кўпроқ эканини, ёки бошқача айтганда, ҳукумат томонидан эмиссия учун рухсатномалар сони ўсиши чекланаётганини англатади. Дарҳақиқат, бозордаги тақчиллик 0,5 фоиз атрофида сақлаб турилмоқда ва бу орқали экологик мақсадларга эришилмоқда.

Саноатни яшиллаштириш ва модернизация қилиш

Маълумки, Хитой ўзининг оғир саноати билан дунё етакчиларидан бири саналади. Мамлакат дунё саноат маҳсулотининг 30 фоизини ишлаб чиқаради ва бу кўрсаткич АҚШ ҳамда Европаникидан (ҳар бири 16-17%) қарийб 2 карра кўпроқ. Алоҳида маҳсулотлар кесимида эса пўлат, алюминий, цемент ва аммоний ишлаб чиқаришда жаҳонда яққол пешқадам[30]. Иқтисодий жиҳатдан ижобий бўлиб кўриган бу натижалар, албатта, ўзидан улкан экологик из қолдирмоқда. 2019 йилда Хитойда эмиссия қилинган иссиқхона газларининг 35 фоизи айнан саноат ҳиссасига тўғри келган.

Буни теран англаган ҳукумат ўзининг иқлим мақсадларига эришишда бир қатор инструментларни сафарбар қилган. Умуммиллий ва ҳудудий тавсифдаги чораларни инобатга олмаган ҳолда қуйидаги 4 хос (соҳавий) инструментни алоҳида таъкидлаш мумкин:

1-жадвал

Саноат яшиллаштириш ва модернизация қилиш инструментлари

№	Инструмент	Изоҳ
1	Энергия самарадорлик стандартлари[31]	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига (асосан тонна) тўғри келадиган энергия истеъмоли лимитлари жорий қилинган. 3 турдаги стандарт қўлланилади: - минимал даража – бундан юқориси ноқонуний фаолият ҳисобланади; - намунавий даража – бу талабга жавоб бермаса, янги корхона очиш ёки кенгайтиришга рухсат берилмайди; - юқори даража – бу даражага эришилса имтиёзли кредит, имтиёзли электр нархлари, давлат дастурларига кириш имконияти берилади.
2	Яшил корхоналар[32] ва экосаноат парклари[33]	**“Яшил корхона”** бу танлов асосида экологик самарадорлик учун тақдим этиладиган сертификат. Унинг эгаларига давлатнинг барча молиявий дастурлари ва харидларида устуворлик берилади, лойиҳалар бўйича рухсатномалар енгиллаштирилган тартибда чиқарилади. 2025 йил декабрда сертификатли корхоналар сони 6430 тани ташкил қилган. Экоиндустирал парклар эса экологик қўшилган қиймат занжирини ташкил қилувчи корхоналар мажмуасидир. Бунда асосий талаб бир корхонанинг чиқиндиси иккинчиси учун хом ашё бўлиши керак. Шунингдек, бундай паркларга ягона инфратузилма ташкил қилиш имконияти берилади. паркка кириш учун корхона албатта эко-занжирга мос маҳсулот ишлаб чиқариши керак.
3	Маънан эскирган корхоналарни ёпиш[34]	Саноатни қайта куриш йўриқномалари каталоги орқали “қора рўйхат” шакллантирилган бўлиб, унга кўра 3 турдаги корхоналар киритилади: қўллаб-қувватланадиган, чекланадиган ва тугатиладиган. Агар корхона фойдаланаётган технология “тугатиладиган” рўйхатга тушиб қолса, ундан фойдаланиш тақиқланади. Тақиқлаш эса корхона бузиш орқали эмас, асосан иқтисодий санкциялар орқаги амалга оширилади.
4	Оғир саноатда яшил технологияларни қўллаб-қувватлаш[35]	Металлургияда кўмирнинг ўрнига қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш; кимё саноатида водородни кўмирдан эмас сувни электролизлаш орқали олиш; цемент ишлаб чиқаришда печлардан чиқиндиларни қайта ишлашда фойдаланиш ва чиқарилаётган карбонат ангидридни тутиб қолишга қаратилган технологияларни агрессив қўллаб-қувватламоқда.

Манбалар асосида муаллиф ишланмаси

Жадвалдан кўринадики, Хитойда ҳукумат томонидан салмоқли экологик таъсирга эга оғир саноатни яшиллаштиришда нобозор инструментлардан фойдаланиш бўйича ҳам ўзига хос муваффақиятли тажриба шаклланган. Бироқ, ишлаб чиқариш ҳажмининг жадал ўсиш бораётгани эришилган ижобий натижаларнинг катта қисмини ютиб юбориб, Жевонс паракдоксини юзага келтирмоқда[36]. Мисол учун, алоҳида компаниялар ўзларининг яшил

инвестициялари сабабли бир вақтнинг ўзида ҳам иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартирмоқдалар, ҳам таннархнинг пасайишига эришмоқдалар. Бу эса истеъмолнинг ортишига ва пировардида ишлаб чиқаришнинг миқдоран ўсишига шароит яратади. Шу сабабли, ҳукумат истеъмолнинг ўзини ҳам яшиллаштиришга мажбур бўлади.

Яшил талабни қўллаб-қувватлаш

Талаб ва таклиф бозорни ҳаракатга келтирувчи асосий кучлар ҳисобланса-да, кўп жиҳатдан талаб бирламчи ва таклифнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Кўп мамлакатларда яшил саноат сиёсати деганда асосан корхоналарга йўналтирилган чора-тадбирлар тушунилади. Бироқ, истеъмолчилар яшил товар ва хизматларни талаб қилиб турсалар, ишлаб чиқарувчилар давлат сиёсатисиз ҳам ўз фаолиятини яшиллаштиришга мажбур бўлади. Тадқиқотлар кўрсатдики, мазкур ҳолат аллақачон ҳаётда ўз аксини топа бошлаган. Хусусан, А.Косяк ва С.Поповлар хулоса қилишича[37], яшилликка интилиш (shift toward sustainability) истеъмолчилар хулқида узоқ муддат давомида акс этиб келаётган манзара бўлиб, бу компанияларни яшил маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида инновацияларни қўллаш ва ўсиб бораётган талабни қондиришга мажбур қилмоқда.

Хитойда ҳам ҳукумат томонидан яшил талабни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли чоралар кўрилмоқда. Бунда давлат, аввало, ўз қўлидаги энг қудратли инструмент – давлат харидларидан устамонлик билан фойдаланмоқда. Масалан, инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда қурилиш материалларининг (айниқса пўлат ва цемент) кам углеродли бўлишига устуворлик берилади[38].

2010 йилларда ўта жиддий экологик инқирозни бошдан кечирган хитойликлар учун товар ва хизматларнинг яшиллиги уларнинг нархи қадар аҳамиятга эга бўла бошлаган. 2024 йилда ўтказилган тадқиқотда Хитой аҳолисининг 99 фоизи ҳукуматнинг углероддан нейтраллик сиёсатини қўллаб-қувватлашини маълум қилган[39]. Фуқаролар экологик барқарорлик томон бўлиб турган бир шароитда, давлат аҳолига товар ва хизматларнинг яшил ёки йўқлиги ҳақида маълумот тақдим этиши ва истакларнинг амалиётда акс этишини таъминлаши керак бўлади. Шу нуқтаи назардан, давлат экологик ёрлиқлаш ва сертификатлаш тизимини ишлаб чиқди.

Бунинг учун ягона “Хитой яшил маҳсулоти” сертификатини жорий қилди. 2025 йилнинг 9 сентябрь куни Хитой Сертификация ва аккредиацияси бюроси (CNCA) томонидан сертификация қилиш мумкин бўлган маҳсулотларнинг бешинчи рўйхати тасдиқланди ва жами сон 100 тадан ошди[40]. Маҳсулотларни сертификатлаш ихтиёрий ҳисобланса-да, сертификатга эга маҳсулотларга давлат харидларида устуворлик берилади.

Хитой электрон савдо бўйича ҳам дунё етакчиси ҳисобланади. 2025 йилги кузатувларга кўра[41], катта ёшли аҳолининг 64 фоизи харидларни электрон шаклда амалга оширади ва электрон савдо ҳажми 3,5 трлн долларга етади. Яъни, электрон тижорат ҳукумат учун яшил истеъмол сиёсатини амалга оширишнинг биринчи рақамли майдони ҳисобланади. Шунга мувофиқ давлат ҳозирда маркетплейсларни сотилаётган маҳсулотларни мустақил равишда яшил ёриқлаш, яшил павильёнларни яратиш ва бундай маҳсулотларни сотиб олувчилар учун турли имтиёзлар тақдим этишга ундамоқда.

Яшил стратегик тармоқларни яратиш

Юқорида таъкидланганидек, Хитой экологик муаммоларни ҳал қилишни иқтисодий имкониятга айлантириш йўлидан бормоқда. Бу борада давлат сиёсатининг умумий фалсафаси “қўшиш ва айириш”дан иборат деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ҳукумат мавжуд тармоқларга “тоза” таркибий қисмларни қўшиш ва айни дамда “кир” элементларни қисқартиришга устуворлик бермоқда.

2007-2008 йилги глобал инқироз орқали арзон ва қуйи технологияли экспортга боғлиқлик миллий хавфсизлик учун таҳдид эканини англаган Хитой Давлат кенгаши (бош ижроия органи) 2010 йил 10 октябрдаги 32-сонли қарори билан “чемпион” тармоқларни танлаб олди ва уларни ривожлантириш барча ресурсларни сафарбар қилишга киришди.

Ўшанда белгиланган 7 та тармоқ қуйидагилардан иборат эди: (1) энергия тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, (2) янги авлод ахборот технологиялари, (3) биология, (4) юқори технологияли ускуналар ишлаб чиқариш, (5) яшил энергия, (6) янги материаллар ва (7) янги энергия автомобиллари. Пандемиядан сўнг эса (8) рақамли креатив саноат ва (9) унга боғлиқ хизматлар қўшилиб, “чемпионлар” сони 9 тага етди.

Танлаб олинган тармоқларни қўллаб-қувватлашда эса асосан давлатнинг муддатли ва камайиб борувчи субсидиялари ҳамда имтиёзли кредитларидан фойдаланилди. Уларга қўшимча равишда давлатнинг маъмурий кучи ҳам ишга солинди. Масалан, электромобилларни субсидиялаш 2010 йилда бошланиб, 2022 йилда тугатилди. Бунда ишлаб чиқарувчилар ҳар бир сотилган машина учун 60 минг юангача (8500 долл.) субсидия олишган. Вақт ўтиши билан субсидиялар қисқара бошлаган ва 2019 йилда 2016 йилдагига нисбатан 40 фоизга камайган[42]. 2022 йилдан сўнг эса ҳукумат электромобиллар учун 10 фоизлик харид солиғини[9] вақтинча нолга туширди. 2026-2027 йилларда бу имтиёз 50 фоиз миқдорда қўлланиши, 2028 йилдан буткул бекор қилиниши белгилаб қўйилди[43]. Маъмурий жиҳатдан эса ҳукумат анчайин креатив ёндашган: асосий мегаполисларда бензинда ҳаракатланувчи автомобиллар учун давлат рақам белгиси фақатгина лотореяда ўйналади. Натижада бундай белгилар камёб товарга айланиб, ижара бозори шаклланган. 2025 йилда ижара нархи йилига 1800-2500 долларни[44] ташкил қилди.

Сунъий интеллект (СИ) бўйича глобал рақобатга қўшилган Хитой мазкур технологияни креатив соҳаларда қўллашга эътибор қаратмоқда. Хусусан, марказлашган маданий дата-марказни ташкил этиш, мета-коинот қурилмалари ишлаб чиқарувчилари ва СИ орқали контент яратувчилар учун улкан субсидиялар шулар жумласидандир.

Циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш

Қарийб 1,5 млрд аҳоли эга мамлакат учун чиқинди муаммоси, табиийки, ўта долзарб ҳисобланади. Бир томондан ўта йирик истеъмол сабабли ресурслар тез ишлатилаётган бўлса, бошқа томондан истеъмол натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар ҳам кам эмас ва улар экологик муаммоларнинг асосий сабабчиларидан бирига айланади. 1995-2015 йилларда мамлакатда ресурс самарадорлиги 2,7 фоиздан 5,8 фоизгача, чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси эса 7,2 фоидан 17 фоизгача ўсди[45]. 2021-2025 йилларга мўлжалланган 14-беш йиллик режа билан эса ресурс самарадорлигини 2020 йилги кўрсаткичга нисбатан 20 фоизга яхшилаш, чиқинди турлари бўйича қайта ишлаш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб қўйилди[46]. Бу улкан мақсадларга эришиш учун турфа хил инструментлардан фойдаланилмоқда.

Юқорида таърифи келтирилган эко-саноат зоналари чиқиндиларни минималлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири саналади. Шундай бўлса-да, ишлаб чиқарувчининг кенгайтирилган мажбуриятлари (Extended Producer Responsibility – EPR) механизми ҳукумат таянаётган энг илғор ва жиддий инструментдир. Унга мувофиқ юқори қийматли чиқиндиларни ташлаш учун жавобгарлик давлатдан ишлаб чиқарувчининг ўзига ўтказилади.

У икки кўринишда амалга ошади: мониторинг ва фонд. Мониторингда электромобиллар батареялари каби баъзи қимматбаҳо маҳсулотлар кодлаштирилади. Агарда батарея ноқонуний равишда чиқиндига ташланса, берилган код орқали ишлаб чиқарувчи[10] аниқланади ва жаримага тортилади[47]. Фонднинг шаклланиши учун эса электроника ишлаб чиқарувчилар маблағ (йиғим) ажратади, электрон чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналар эса фонддан субсидия олади[48].

Саноат сиёсати доирасида бўлмаса-да, 14-беш йиллик режага мувофиқ чиқиндисиз

[9] Ушбу солиқ тури маҳсулотнинг ҚҚСгача бўлган нархидан тўланади. Мазмунан Ўзбекистонда амал қиладиган утилизация йиғимига ўхшаб кетади.

[10] Жаримани ишлаб чиқарувчига нисбатан қўллашдан мақсад – уни батареяларни йиғиб олиш бўйича самарали тизим яратишга ундаш.

шаҳарлар пилот лойиҳаси[11], кераксиз буюмларни эҳтиёжмандларга (аҳоли вакиллари ва корхоналар) улашишга мўлжалланган “*Aihuishou”* ва “*Xianyu*”каби мобил иловалар ҳам чиқиндиларни ақлли бошқаришда муҳим роль ўйнайди[49]. Мазкур йўналишлар давлат томонидан ҳам ғоявий, ҳам моддий томондан кучли қўллаб-қувватланади.

Циркуляр иқтисодиётни “Trade-In” тизимларисиз тасаввур этиб бўлмайди[50]. Хитойда ҳам бу йўналишда давлат қатъий чоралар татбиқ қилган. Саноат сиёсатини амалга оширишда ҳукуматнинг энг қудратли қуроли ҳисобланган субсидияларни олиш учун корхоналар “Trade-In” тизимини жорий қилган бўлишлари керак. Аниқроқ айтганда, давлат мазкур технологик субсидияларни ускуналар харид қилиш ва яратиш учун ажратади. Қиймат жиҳатдан анча салмоқли бўлган бу субсидиялар ишлаб чиқарувчиларни белгиланган талабни бажаришга мажбур қилади. 2025 йилда “Trade-In” дастури доирасида сотилган товарлар қиймати қарийб 370 млрд долларни ташкил этиб, 360 миллиондан ортиқ истеъмолчиларни қамраб олди[51]. 2026 йилда учун 300 млрд юань (41,3 млрд долл.) ажратилиши кўзда тутилган[52].

Бундан ташқари, субсидиялар бевосита истеъмолчиларнинг ўзларига янги товарнинг қийматидан чегирмалар орқали ҳам тақдим этилади. Агарда истеъмолчининг ўз буюмини “Trade-In” асосида ишловчи дўконга қолдиқ қийматда сотишини инобатга олсак, дастур доирасида у икки томонлама фойда кўришларини қайд этиш мумкин бўлади.

Давлат дастурига асосан оғирроқ вазнга эга электроника воситалари – автомобиллар, электр скутерлар, музлаткичлар ва кир машиналари киритилган. Ушбу инструментнинг таъсирсанлигини кўрсатиш учун мобил телефонлар саноатини келтириш мумкин. Тадқиқотлар[53] кўрсатдики, “Trade-In” дастури иккиламчи қайта ишлаш саноатининг иқтисодий самарадорлигини оширган бўлса, давлат субсидиялари ишлатиб бўлинган товарни назоратсиз ташлаб юбориш ҳолатларини қисқартиради.

Давлат бошқарувини адаптация қилиш

Ушбу йўналишнинг Хитой яшил саноат сиёсатининг институционал устуни деб баҳолаш назарий-методологик жиҳатдан янада тўғрироқ бўлади. Давлат ҳар қанча субсидия ажратмасин, талаб ва қоидалар ўрнатмасин, самарали ижро тизимисиз мақсадлар мақсадлигича қолаверади. Юқорида тавсифи келтирилган “1+N” сиёсати яшил саноат сиёсатининг стратегик йўлини белгилаб берса, жорий қилинган инновацион ижро механизмлари унинг тактик даражада акс этишини таъминлайди.

Энг муҳимларидан бири бу Мақсад учун масъулият (Mubiao Zerenzhi - 目标责任制) ёки норасман тилхат (Qin Bi Qian - 亲笔签) тизимидир[54]. Унга кўра, ўрнатиб қўйилган миқдорий стратегик мақсадга эришиш учун қуйи бўғиндаги раҳбарлар ўзидан юқори турувчи раҳбарга ёзма тилхат беради. Раҳбарларнинг иш фаолияти эса ўрнатиб қўйилган режанинг бажарилиги билан баҳоланади. Масалан, Экология вазири провинция раҳбари билан, провинция шаҳар, шаҳар эса туман билан шартнома тузади.

Ўз ўрнида савол туғилади: “бу буйруқли иқтисодиёт бўлиб қолмайдими?!”. Албатта, йўқ. Чунки маҳаллий раҳбарлар хусусий корхоналар ишига аралашишга ҳақли эмас, уларда фақат қонунлар ижросини таъминлаш учун назорат ва мақсадга эришиш учун шароит яратиш каби таъсир механизмлари бор холос. Шунингдек, расмий Пекин юқоридан қуйигача ҳамма нарсани ипиадан игнасигача режалаштирмайди, балки стратегик мақсадни белгилаш билан чекланади. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги тизимда мақсад буйруқли, метод эса бозор тамойилларига асосланади.

Мақсад учун масъулият тизими 2006 йилда йўлга қўйилган бўлиб, ўтган йиллар давомида у бир қатор камчиликларга[55] ҳам эга бўлган. Бироқ у доимий такомиллашиб

[11] Ҳозирда 11 та шаҳар ва 5 та туман лойиҳага киритилган. Келгусида уларнинг сонини 100 тага етказиш мақсад қилинган. Лойиҳага кўра, шаҳар учун муайян турдаги чиқиндилар “қора рўйхати” қабул қилинади. Ушбу чиқиндиларни чиқинди полигонларига ташлаш ман этилади. Улар шаҳарнинг ўзида қайта ишланиши лозим. Масалан, қурилиш чиқиндилари қайта ишланиб йўл хўжалигида ишлатилмоқда.

борди ва замонавий технологиялар сабабли экологик мақсадларга эришишда самара кўрсатмоқда[56].

Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашда қўлланадиган “KPI” тизими ҳам ушбу йўналишга мослаштирилган. Тарихан ЯИМнинг ўсиши ягона индикатор бўлиб хизмат қилган бўлса, 2013 йилда ХКПнинг Ташкилий бошқармаси (мазмунан кадрлар бошқармаси) ушбу ёндашувни бекор қилди[57]. Эндиликда давлат хизматчилари ўзлари масъул бўлган барча соҳалардаги ўсиш мақсадларига эришганлик учун ё тақдирланадилар ёки жазоланадилар. Шунингдек, баъзи белгиланган мақсадлар “вето” характерига эга: улар бажарилмаса, раҳбар автоматик равишда ишдан кетади.

Жавобгарлик даври эса давлат хизматчилари учун хизмат даври билан эмас, балки бутун умр этиб белгиланган. Яъни, агарда раҳбар экологик зарарли лойиҳага рухсат берса, у нафақага чиққан ёки бошқа ишга ўтган тақдирда ҳам жазога тортилиши мумкин[58].

Ижро механизмлари орасида, табиийки, самарали назорат алоҳида аҳамиятга эга. 2015 йилда жорий қилинган марказий экологик муҳофаза назорат гуруҳлари (Central Environmental Protection Inspection Teams) ҳозирги кунда маҳаллий раҳбарлар ва корхоналарнинг “қўрқинчли туши” айланиб улгурган. Улар тўғридан-тўғри ХКПнинг Марказий девонига бўйсунади[59]. Режали ва режадан ташқари назорат орқали фаолият юритади. Аҳоли билан ишонч телефонлари ва почта орқали шикоятларни қабул қилади ҳамда дарҳол муаммони ўрганишга киришади. 2010-2022 йилларда Шанхай ва Шэньчжэнь шаҳарлари кесимида ўтказилган тадқиқот[60] кўрсатдики, назорат тадбирлари корхоналарни ESG (environmental, social, and governance) тамойилларига амал қилиши орқали яшил трансформацияга ҳисса қўшган.

Қайд этиш лозимки, назорат гуруҳларининг ҳудудий бўлинмалари мавжуд эмас. 2015 йилгача экологик назорат вазирлик ва унинг жойлардаги вакиллари томонидан амалга оширилар, маҳаллий раҳбарлар эса уларга бўйсунмас ва ҳайиқмас эди. Ислоҳот натижасида гуруҳлар ижро этувчидан тортиб вакиллик органларига қадар ҳокимиятнинг барча бўғинларига кириб бориш ваколатига эга бўлдилар.

Иш тартиби ҳам анъанавий тарзда ҳудудий-иерархик тартибда эмас, балки марказдан сафарбарлик асосида ташкил этилади[61]. Яъни, гуруҳларнинг ҳудудларда филиал ёки бўлинмалари йўқ – ҳудудма-ҳудуд юриб, назорат тадбирларини амалга оширадилар, аҳоли томонидан билдирилган шикоятларни ўрганадилар. Натижалар юзасидан партияга ҳисобот берадилар. Назорат вақтида юзага келадиган “вақтинчалик ижобий натижалар” муаммосини эса 6-12 ойдан сўнг ўтказиладиган тасодифий қайта текшириш тадбирлари йўққа чиқаради[62].

Кўплаб тадқиқотчилар томонидан ижро ва назорат борасида қўлланилаётган механизмлар Хитой моделининг ҳал қилувчи устуни сифатида кўрилади. Чунки айнан шу механизмлар давлатга жадал яшил саноат инқилобларини амалга оширишга имкон бермоқда. Демократик иқтисодий бошқарувга асосланган тизимларда эса бу тажриба имконсиз бўлиб кўринади.

Хулоса

Яшил саноат сиёсатини юритишнинг Хитой тажрибасини ўрганиш натижасида юзага чиқадиган бирламчи хулоса шуки, саноатни яшиллаштириш фақатгина саноат юзасидан амалга оширилмайди, балки бутун иқтисодий тизим яшиллик сари тотал сафарбаргар этилган. АҚШнинг солиқ имтиёзлари, Европанинг регулятив чораларидан фарқли ўлароқ, Хитойда тўлиқ давлат ҳокимияти ишга киришган, ҳокимият бўғинлари ва даражалари ўртасида уйғунлик таъминланган. Белгиланган мақсаднинг бажарилмаслиги маъмурий эмас, балки сиёсий оқибатлар келтириб чиқариши таъминланган. Айни вақтда ижрочиларга воситаларни бошқаришда эркинлик кафолатланган.

Иккинчи хулоса эса Хитойнинг “яшил” сўзини экологик маънодан кўра кўпроқ иқтисодий қудрат маъносида қабул қилишидан иборат. Мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам яшил технологиялар борасида дунё етакчилигини қўлга олиш, ҳам углеводород ресурслари

ва бошқа фойдали қазилмалар импортига боғлиқликни камайтиришга киришган. Табиийки, сўнгги ўн йилликда Хитой экологик муҳити, саноатнинг шиддатли ривожланганига қарамай, анча барқарорлашиб борганини ҳам қайд этиш жоиз.

Учинчи хулоса шуки, Хитой эришган натижаларда институционал инновацияларнинг аҳамияти технологик инновацияларникидан кам эмас. Ҳозирги муваффақият фақатгина қуёш панеллари, батарея ва электромобиллар ишлаб чиқариш ҳисобига эмас, балки кучли интизом, рақобат ва эркинлик устига қурилган ижро механизмларига ҳам боғлиқдир. Давлатнинг ролини “субсидия тарқатувчи” деб баҳолаш ноўрин бўлади. Чунки давлат субсидиялар орқали корхоналар ўртасида кучли рақобат муҳитини юзага келтириб, инновацияларга ундамоқда.

Стратегик нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон ва Хитойда юритилаётган яшил саноат сиёсати ўртасида бир талай умумийлик кўзга ташланса-да, қатор йўналишларда расмий Пекин орттирган тажрибаларни миллий даражада қўллаш кенг имкониятларни тақдим этиши мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон ўзининг беш ва етти йиллик стратегиялари орқали мамлакатни ўрта ва узоқ муддатда ривожлантириш бўйича миқдорий мақсадларни аниқ белгилаб олган. Бироқ, уларда биринчи рақамли глобал муаммо – иқлим ўзгаришининг фундаментал сабаби ҳисобланган иссиқхона газларини қисқартириш борасида миллий ва тармоқ даражасида мақсадлар кўзда тутилмаган. Хитой тажрибаси асосида Ўзбекистон ўзининг “1+N” сиёсатини ишлаб чиқиши ва буни стратегияларда акс эттириши экологик хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Иккинчидан, яшил саноат сиёсатини юритишнинг хитойча фалсафасига кўра, саноатни яшиллаштириш ишлаб чиқаришни қисқартириши эмас, балки унумдорликни ошириши керак. Хитой ҳукумати томонидан корхоналарни ташкил этиш, фаолиятини юритиш ва кенгайтириш борасида жорий қилинган самарадорлик станддартлари ўта кучли маъмурий чора бўлиб, уни Ўзбекистон шароитида қўллаш қулайлик ва тежамкорлик жиҳатдан анча устунликка эга. Бу орқали эски ва ифлослантирувчи корхоналар ёпилмайди, бироқ босқичма-босқич санкцияга учрайди. Агарда яшиллик йўлидан юрса, давлатнинг имтиёз дастурларига кириш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, яшил истеъмол маданиятини шакллантириш, бизнингча, Хитойдан олиниши ва миллий шароитларда қўлланиши керак бўлган энг муҳим тажриба. Ўзбекистонда амалда бўлган “яшил белги” маҳсулот ва хизматларни ягона ихтиёрий экологик маркировкалаш тартибини халқ орасида оммалаштириш, аҳолининг кундалик харидларда бундай маркировкага эга маҳсулотларга устуворлик беришини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, давлат харидларида цемент, ғишт ва бошқа “экологик рискли” қурилиш материалларига яшиллик талабларини белгилаш атроф-муҳитни энг кўп ифлослантирувчи корхоналарни яшиллашишга мажбур қилади.

Тўртинчидан, Хитойнинг стратегик тармоқлар бўйича саноат сиёсати таҳлили кўрсатдики, давлат муайян тармоқни узоқ вақт қўллаб-қувватлашдан тийилиши, субсидияларни фақат ва фақат самарадорлик шартлари асосида тақдим этиши лозим. “Чемпион”ларни танлаб олишда эса ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотнинг яшиллиги ҳамда технологик юқорилиги асосий мезон сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ. Бунда Ўзбекистон қиёсий устунликка эга тармоқлар – кимё саноати, металлургия, қурилиш ва қурилиш материаллари ҳамда енгил саноатни яшиллаштириш стратегияларини жорий қилиш мавжуд потенциални барқарорлик нуқтаи назаридан сақлаб қолиш ва ўстириш имконини беради. Қуёш энергетикаси учун бутловчи қисмлар, сувдан самарали фойдаланиш технологиялари, биогаз, кичик электробуслар каби технологик саноат тармоқларини эса иқтисодий ўсишнинг келажак драйверлари этиб белгилаш ва Хитой модели асосида ривожлантириш мамлакатнинг жаҳон бозорида янги ўринларни эгаллашига замин яратади.

Бешинчидан, циркуляр иқтисодиёт Хитой учун қанчалик муҳим бўлса, унинг

аҳамияти Ўзбекистон учун ҳам кам эмас. Ўзбекистонда ташкил этилаётган эко-шаҳарлар сонини кўпайтириш, уларга чиқиндини қайта ишлаш мажбуриятини юклаш, мамлакатда фаолият юритаётган саноат зоналари негизида эко-саноат зоналарини ташкил этиш ва чиқиндининг максимал даражада хом ашёга айланишини таъминлаш муҳим чора саналади.

Ниҳоят, ижро борасида Хитой қўллаган механизм барча учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки бу механизм режали ва бозор иқтисодиёти унсурлари асосида гибрид тавсифдаги янги воқеликни назарда тутади. Хитой ўз уриниш ва хатолари (trials and errors) орқали Мақсад учун масъулият тизимини ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қудратли воситага айлантира олди. Рақамли технологиялар ва шаффофликсиз бу тизим ҳозирги самарага эриша олмаган бўларди. Ўзбекистон ижроия борасида Хитойга ўхшаш тарих ва амалиётга эга давлат сифатида бу каби тизимни йўлга қўйишда қийинчиликка дуч келмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ferreri J. M. et al. The January 2013 Beijing “Airpocalypse” and its acute effects on emergency and outpatient visits at a Beijing hospital //Air Quality, Atmosphere & Health. – 2018. – Т. 11. – №. 3. – С. 301-309.
2. Hu M. et al. Insight into characteristics and sources of PM2. 5 in the Beijing–Tianjin–Hebei region, China // National Science Review. – 2015. – Т. 2. – №. 3. – С. 257-258..
3. Liu H., Salvo A. Severe Air Pollution and School Absences: Knowledge For International Knowledge Workers //IZA DP No. – 2017. – Т. 11134.
4. Jin W. et al. Green development policies for China’s manufacturing industry: Characteristics, evolution, and challenges //Sustainability. – 2023. – Т. 15. – №. 13. – С. 10618.
5. Liu P., Huang W. C., Chen H. Can the national green industrial policy improve production efficiency of enterprises?—Evidence from China // Sustainability. – 2020. – Т. 12. – №. 17. – С. 6839.
6. PTL Group. China’s Green Technology Revolution: A Comprehensive Market Analysis. December 31, 2024. Манба: https://www.ptl-group.com/blog/chinas-green-technology-revolution-market-analysis/. Мурожаат санаси: 27.11.2025 йил.
7. Zhang, Jing, Song, Ziying and Nedopil, Christoph, 2024, China green finance status and trends 2023-2024, Griffith Asia Institute, Griffith University (Brisbane) and Green Finance & Development Center, FISF Fudan University (Shanghai), DOI: 10.25904/1912/5205.
8. Yang H., Umair M. Polluting industries: does green industrial policy encourage green innovation? Chinese perspective evidence //Heliyon. – 2024. – Т. 10. – №. 17.
9. Chen L. et al. Does green industrial policy promote the sustainable growth of polluting firms? Evidences from China //Science of the Total Environment. – 2021. – Т. 764. – С. 142927.
10. Xie J., Lin B. Evaluating the role of green industrial policy in enhancing energy efficiency: A quasi-natural experiment based on the Five-Year Plans in China //Process Safety and Environmental Protection. – Volume 203, Part A, November 2025, 107902.
11. Song C. et al. From text to effectiveness: Quantifying green industrial policies in China //Journal of Cleaner Production. – 2024. – Т. 446. – С. 141445.
12. Shi H., Zhou Q. Government R&D Subsidies, Environmental regulation and corporate green innovation performance //Finance Research Letters. – Volume 69, Part B, November 2024, 106088.
13. Liu J. et al. Exploratory or exploitative green innovation? The role of different green fiscal policies in motivating innovation //Technovation. – Volume 143, May 2025, 103207.
14. Xie Z. China’s historical evolution of environmental protection along with the forty years’ reform and opening-up // Environmental Science and Ecotechnology. – Volume 1, January 2020, 100001. – p. 4.
15. Zhang Y. Reformulating the low-carbon green growth strategy in China //Climate Policy. – 2015. – Т. 15. – №. sup1. – P. 40-59.

16. Jain R. The Dragon Treads the Polluted Path: Political Dilemmas before the Chinese Communist Party //Asian Affairs: An American Review. – 2015. – T. 42. – №. 3. – C. 149-168.
17. Zhang Y. Reformulating the low-carbon green growth strategy in China //Climate Policy. – 2015. – T. 15. – №. sup1. – P. 40-59.
18. Gürcan E.C. On the Development of China’s Environmental Policies Towards an Ecological Civilization //BRIQ Belt & Road Initiative Quarterly. – 2021. – T. 2. – №. 3. – C. 7-25.
19. Song C. et al. From text to effectiveness: Quantifying green industrial policies in China //Journal of Cleaner Production. – 2024. – T. 446. – C. 141445.
20. Chen L. et al. Does green industrial policy promote the sustainable growth of polluting firms? Evidences from China //Science of the Total Environment. – 2021. – T. 764. – C. 142927.
21. Wang N., Chang Y. C. The development of policy instruments in supporting low-carbon governance in China //Renewable and Sustainable Energy Reviews. – 2014. – T. 35. – C. 126-135.
22. Pegels A. Lessons for successful green industrial policy //Green Industrial Policy in Emerging Countries. – Routledge, 2014. – C. 179-186.
23. Capano G., Howlett M. The knowns and unknowns of policy instrument analysis: Policy tools and the current research agenda on policy mixes //Sage Open. – 2020. – T. 10. – №. 1. – P. 5.
24. Xiaofeng L., Ming D. China’s Green Industrial Policy and World Trade Law. East Asia. 42, 2025. – P. 261-278.
25. Zhang M. M. et al. Optimal feed-in tariff for solar photovoltaic power generation in China: A real options analysis //Energy Policy. – 2016. – T. 97. – C. 181-192.
26. Mu L. et al. The LCOE evolution and grid parity analysis of centralized solar photovoltaic: A case study of Ningxia, China //Frontiers in Energy Research. – 2021. – T. 9. – A. 711864. – P. 3.
27. Corporate - Taxes on corporate income. https://taxsummaries.pwc.com/peoples-republic-of-china/corporate/taxes-on-corporate-income. Мурожаат санаси: 15.12.2025 йил.
28. China unveils three-year action plan to boost new-type energy storage. Манба: https://english.www.gov.cn/news/202509/12/content_WS68c3ccbec6d00fa19f7a263f.html?utm. Мурожаат санаси: 15.12.2025 йил.
29. Ministry of Ecology and Environment of the People’s Republic of China. Progress Report of China’s National Carbon Market. – September, 2025. – Pp. 18-20.
30. Sandalow D. et al. Guide to Chinese climate policy 2022/ The Oxford Institute for Energy Studies, 2022. – P. 7.
31. Tracking China’s transition to sustainable energy. Манба: https://chinaenergyportal.org/en/benchmark-and-standard-energy-efficiency-levels-in-key-high-energy-consuming-industries-2021-edition/. Мурожаат санаси: 26.12.2025 йил.
32. Notice from the General Office of the Ministry of Industry and Information Technology on Conducting the Recommendation of Green Factories for 2025 (Хитой тилида). Манба: https://www.ncsti.gov.cn/zcfg/zcwj/202510/t20251010_221426.html. Мурожаат санаси: 26.12.2025 йил.
33. China’s Eco-Industrial Parks: 5 Key Case Studies. https://www.councilfire.org/guides/chinas-eco-industrial-parks-5-key-case-studies/. Мурожаат санаси: 26.12.2025 йил.
34. Catalog for Guiding Industry Restructuring (2024 Version). Манба: http://www.lawinfochina.com/display.aspx. Мурожаат санаси: 26.12.2025 йил.
35. Shen X., Lin B. Policy incentives, R&D investment, and the energy intensity of China’s manufacturing sector //Journal of Cleaner Production. – 2020. – V 25, 120208.
36. Li J., Lin B. Rebound effect by incorporating endogenous energy efficiency: A comparison between heavy industry and light industry //Applied Energy. – 2017. – T. 200. – C.

347-357.

37. Kosyak A., Popov S. Analyzing Consumer Preferences for Green Products and Environmental Impact //Journal of Energy and Environmental Policy Options. – 2020. – T. 3. – №. 4. – C. 134-140.

38. Advancing Green Public Procurement of Steel and Cement in China. Манба: https://www.globalefficiencyintel.com/green-public-procurement-of-steel-and-cement-in-china. Мурожаат санаси: 29.12.2025 йил.

39. Wang B. et al. Chinese Public Awareness, Support, and Confidence in China’s Carbon Neutrality Goal //Environment: Science and Policy for Sustainable Development. – 2024. – T. 66. – №. 6. – C. 25-36.

40. China Releases Fifth List of Implementation Rules for Green Product Certification. Манба: https://enviliance.com/regions/east-asia/cn/report_14419. Мурожаат санаси: 29.12.2025 йил.

41. Largest Ecommerce Markets In The World (2025 Data). https://www.sellerscommerce.com/blog/largest-ecommerce-markets. Мурожаат санаси: 29.12.2025 йил.

42. Zhang T., Burke P. J., Wang Q. Effectiveness of electric vehicle subsidies in China: A three-dimensional panel study //Resource and Energy Economics. – 2024. – T. 76. – C. 101424.

43. Life after subsidies for China’s EVs. Манба: https://dialogue.earth/en/business/life-after-subsidies-for-chinas-evs. Мурожаат санаси: 29.12.2025 йил.

44. How much does it cost to rent a Beijing license plate for one year? Манба: https://www.bitauto.com/ask/100124356103. Мурожаат санаси: 29.12.2025 йил.

45. Wang H. et al. Measuring progress of China’s circular economy //Resources, Conservation and Recycling. – 2020. – T. 163. – C. 105070.

46. Bleischwitz R. et al. The circular economy in China: Achievements, challenges and potential implications for decarbonisation //Resources, Conservation and Recycling. – 2022. – T. 183. – C. 106350.

47. International Energy Agency. Plan for the Implementation of the Extended Producer Responsibility System. Манба: https://www.iea.org/policies/25069-plan-for-the-implementation-of-the-extended-producer-responsibility-system. Мурожаат санаси: 31.12.2025 йил.

48. Yang X. S. et al. Waste electrical and electronic fund policy: current status and evaluation of implementation in China //International journal of environmental research and public health. – 2021. – T. 18. – №. 24. – C. 12945.

49. Deng Y. et al. Overview of China’s waste electrical and electronic equipment recycling in the last two decades //Sustainability. – 2024. – T. 16. – №. 23. – C. 10683.

50. Burinskienė A., Lingaitienė O., Byčenkaitė G. Dynamics of trade of recycled raw materials and the connection with the circular economy //Discover Sustainability. – 2025. – T. 6. – №. 1. – C. 680.

51. China to increase support for equipment upgrades, consumer trade-ins: ministries. Манба: https://www.globaltimes.cn/page/202512/1351907.shtml. Мурожаат санаси: 01.01.2026 йил. / 2024 trends of Circular Economy Policy in China. Манба: https://enviliance.com/regions/east-asia/cn/cn-waste/cn-circular-economy-2024. Мурожаат санаси: 01.01.2026 йил.

52. Trade-in program likely to continue next year. Манба: https://www.chinadaily.com.cn/a/202511/20/WS691e58e3a310d6866eb2a647.html. Мурожаат санаси: 01.01.2026 йил.

53. Wu C. et al. Examining the Chinese mobile phone industry in the reverse supply chains //Computers & Industrial Engineering. – Volume 182, August 2023, 109407.

54. Chen B., He Y. Local governments’ responses to the environmental target responsibility system: Evidence from Chinese prefectures //Journal of Cleaner Production. – Volume 421, 1 October 2023, 138527.

55. Lo K. China’s low-carbon city initiatives: The implementation gap and the limits of the target responsibility system //Habitat International. – 2014. – T. 42. – C. 236-244.

56. Yang L. et al. Achieving Air Pollution Control Targets with Technology-Aided Monitoring: Better Enforcement or Localized Efforts? //American Economic Journal: Economic Policy. – 2024. – T. 16. – №. 4. – C. 280-315.

57. Xiang C., Gevelt T. Central inspection teams and the enforcement of environmental regulations in China. Environmental Science & Policy. – 112, 2020. – P. 431-439.

58. No running away: China’s officials to bear ‘lifelong accountability’ for past mistakes. Манба: https://www.thinkchina.sg/politics/no-running-away-chinas-officials-bear-lifelong-accountability-past-mistakes. Мурожаат санаси: 01.01.2026 йил.

59. Xiang C., Gevelt T. Central inspection teams and the enforcement of environmental regulations in China. Environmental Science & Policy. – 112, 2020. – P. 431-439.

60. Wang W, Mao C, Liu S. How does Central Environmental Protection Inspection drive the green transformation of China’s heavy-polluting enterprises from an ESG perspective? Frontiers in Environmental Science. – 2024 Sep 20; 12:1444671.

61. Feng Y, Cheng C, Hu S, Cao A. Campaign-style governance of air pollution in China? A comprehensive analysis of the central environmental protection inspection. Frontiers in Public Health. – 11:1081573. – 2023, Mar 21.

62. Wan K, Yu X. Can central environmental protection inspection boost air pollution control?–a quasi-natural experiment from China?. Journal of Applied Economics. – 28(1):2555081. – 2025, Dec 31.

OPPORTUNITIES AND CHALLENGES IN DEVELOPING THE CORPORATE BOND MARKET IN UZBEKISTAN

Elmirzayev Samariddin Eshquvvatovich
Professor, Department of Corporate Finance and Securities,
Tashkent State University of Economy
E-mail:s.elmirzayev@tsue.uz
ORCID ID: 0000-0002-4493-6316
Akhmedova Shokhistakhon
Project assistant, Asian Development Bank Uzbekistan Resident Mission
E-mail: sakhmedova.contractor@adb.org
ORCID ID: 0009-0008-6930-2847

Abstract: *The development of a well-functioning corporate bond market is crucial for diversifying sources of long-term financing and reducing reliance on the banking sector. In emerging economies like Uzbekistan, strengthening the corporate bond market can enhance private sector access to capital, improve financial stability, and support sustainable economic growth. This article examines the key opportunities and challenges in developing Uzbekistan's corporate bond market, with a particular focus on the legal, tax, and economic incentives available to local issuers.*

Key words: *Corporate Bond Market; Uzbekistan; Financial Development; Capital Markets; Legal Framework; Tax Incentives; Economic Reforms; Investor Participation; Market Liquidity; Corporate Governance; Policy Recommendations.*

ВОЗМОЖНОСТИ И ВЫЗОВЫ РАЗВИТИЯ РЫНКА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Эльмирзаев Самариддин Эшкувватович
Профессор кафедры корпоративных финансов и ценных бумаг
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: s.elmirzayev@tsue.uz
ORCID ID: 0000-0002-4493-6316
Ахмедову Шохистахон
Помощник Азиатского проекта развития
Постоянное представительство Банка в Узбекистане
E-mail: sakhmedova.contractor@adb.org
ORCID ID: 0009-0008-6930-2847

Аннотация: *Развитие эффективно функционирующего рынка корпоративных облигаций имеет решающее значение для диверсификации источников долгосрочного финансирования и снижения зависимости от банковского сектора. В таких развивающихся экономиках, как Узбекистан, укрепление рынка корпоративных облигаций может расширить доступ частного сектора к капиталу, повысить финансовую стабильность и поддержать устойчивый экономический рост. В данной статье рассматриваются ключевые возможности и проблемы развития рынка корпоративных облигаций Узбекистана с особым акцентом на правовые, налоговые и экономические стимулы, доступные для местных эмитентов.*

Ключевые слова: *рынок корпоративных облигаций; Узбекистан; финансовое развитие; рынки капитала; правовая база; налоговые стимулы; экономические реформы;*

участие инвесторов; рыночная ликвидность; корпоративное управление; рекомендации по политике.

O‘ZBEKISTONDA KORPORATIV OBLIGATSIYALAR BOZORINI RIVOJLANTIRISHDAGI IMKONIYATLAR VA MUAMMOLAR

Elmirzayev Samariddin Eshquvvatovich
“Korporativ moliya va qimmatli qog‘ozlar” kafedrasi professori,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: s.elmirzayev@tsue.uz
ORCID ID: 0000-0002-4493-6316
Axmedova Shoxistaxon
Osiyo taraqqiyoti loyihasi yordamchisi
Bankning O‘zbekistondagi doimiy vakolatxonasi
E-mail: sakhmedova.contractor@adb.org
ORCID ID: 0009-0008-6930-2847

Annotatsiya: *Korporativ obligatsiyalar bozorining samarali faoliyat yuritishi uzoq muddatli moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiya qilish va bank sektoriga qaramlikni kamaytirish uchun muhim ahamiyatga ega. O‘zbekiston kabi rivojlanayotgan davlatlarda korporativ obligatsiyalar bozorini mustahkamlash xususiy sektorning kapitalga bo‘lgan imkoniyatlarini kengaytirishi, moliyaviy barqarorlikni oshirishi hamda barqaror iqtisodiy o‘sishni qo‘llab-quvvatlashi mumkin. Ushbu maqolada O‘zbekistonning korporativ obligatsiyalar bozorini rivojlantirishdagi asosiy imkoniyatlar va muammolar mahalliy emitentlar uchun mavjud bo‘lgan huquqiy, soliq va iqtisodiy imtiyozlarga alohida e’tibor qaratilgan holda tahlil qilinadi.*

Kalit so‘zlar: *korporativ obligatsiyalar bozori; O‘zbekiston; moliyaviy rivojlanish; kapital bozorlari; huquqiy baza; soliq imtiyozlari; iqtisodiy islohotlar; investorlar ishtiroki; bozor likvidligi; korporativ boshqaruv; siyosat bo‘yicha tavsiyalar.*

Introduction: To meet the ambitious goals of the “Uzbekistan–2030” Strategy – including faster growth, higher investment, and deeper capital markets – Uzbekistan urgently needs a vibrant corporate bond market that can complement the banking sector and mobilize long-term private financing.

Globally, corporate bonds now account for nearly one-third of outstanding debt securities, reflecting their growing role in funding private investment, innovation, and economic diversification (BIS, 2024). Deep corporate bond markets enhance financial stability by reducing reliance on bank lending, provide alternative funding during periods of monetary tightening, and stimulate the development of institutional investors such as pension and insurance funds. IMF studies show that economies with more developed corporate bond markets tend to exhibit stronger private sector growth and greater resilience to financial shocks – outcomes that are especially important for reforming, emerging economies.

In Uzbekistan, developing a robust corporate bond market is a core element of the financial sector modernization and capital market deepening agenda under Uzbekistan–2030. Since the first corporate issues in the late 2010s, the market has expanded gradually, supported by regulatory reforms and growing interest from banks and state-owned enterprises. However, it remains shallow, with a narrow issuer base, limited investor participation, weak secondary-market liquidity, and an incentive framework that is not yet fully attractive for local companies.

Against this backdrop, the article pursues four main objectives: (i) to assess the current state and structure of Uzbekistan’s corporate bond market; (ii) to analyse the legal, tax, and economic incentives available to domestic issuers; (iii) to identify key institutional and regulatory bottlenecks that constrain market depth and liquidity; and (iv) to formulate policy

recommendations that align corporate bond market development with the priorities of the Uzbekistan–2030 Strategy. Drawing on international best practices, the study proposes measures to strengthen the regulatory and disclosure framework, enhance transparency and secondary-market activity, and create a more liquid, sustainable financing environment for private enterprises.

Literature review: Recent work by international institutions increasingly views domestic corporate bond markets as a core pillar of financial sector deepening and sustainable growth in emerging economies. OECD (2020) and the joint IMF–World Bank G20 note (2020) show that corporate and local-currency bond markets have expanded significantly in many EMDEs, easing firms' access to long-term finance but also revealing vulnerabilities related to rising leverage and refinancing risk [1,2]. The World Bank–IMF guidance on local-currency bond markets (2021) further stresses that sound market architecture and credible policy frameworks are preconditions for durable market development [3].

Liquidity, transparency, and well-designed issuance frameworks emerge as central determinants of market effectiveness. Post-COVID analyses by IOSCO (2022) and the IMF (Deghi et al., 2021) highlight that countries with deeper and more liquid corporate bond markets were better able to meet firms' liquidity needs when bank lending tightened, while episodes of market stress exposed the fragility of markets with weak secondary liquidity and opaque pricing [4,5]. Micro-level evidence (Field et al., 2022) shows that higher bond liquidity is associated with increased corporate investment, confirming the real-sector relevance of secondary market functioning [6]. At the same time, Li et al. (2023) document a strong long-run pass-through from sovereign to corporate yields in emerging markets, underscoring the importance of sovereign risk and sovereign bond market liquidity for corporate funding conditions [7].

Policy Recommendations. To sustain the momentum achieved in recent years, Uzbekistan should continue strengthening its sustainable finance ecosystem through a combination of regulatory, fiscal, and market-oriented measures. The **finalization and refinement of the national green taxonomy**, currently under pilot implementation since October 2024, is a critical next step to ensure the consistency, comparability, and credibility of future green and SDG bond issuances. Establishing clear sectoral definitions and eligibility criteria will minimize the risk of greenwashing and enhance investor confidence.

In parallel, **mandatory impact reporting** and the promotion of **voluntary ESG disclosures** across both public and private issuers would further increase transparency and accountability. Encouraging domestic institutional investors—such as pension funds and insurance companies—to invest in sustainable instruments through targeted incentives, including tax benefits or minimum investment quotas, could deepen local demand and reduce reliance on foreign capital.

Uzbekistan could also **diversify its sustainable finance instruments** by introducing **Islamic green sukuk** and **credit enhancement mechanisms**, such as partial guarantees or blended finance structures, to attract new pools of domestic and international capital. These innovations would expand the range of financing options available for climate-resilient and socially inclusive projects.

In conclusion, Uzbekistan’s green and SDG bonds are already mobilizing substantial financing for sustainable infrastructure and social development while simultaneously strengthening the domestic debt market. These instruments align national financial flows with global climate and development goals, yielding both **foreign exchange savings** through local-currency issuances and **greater fiscal transparency**. The country’s experience illustrates how emerging economies can effectively “finance the future” by integrating sustainability principles into debt management and capital market development. With consistent policy design, institutional capacity building, and continued reform, Uzbekistan is well-positioned to fully mainstream sustainable finance – generating durable environmental benefits, fostering inclusive growth, and reinforcing long-term economic resilience.

References and bibliography

1. Liu, N. (2025). Green bond premium: A systematic review and future research agenda. *International Review of Financial Analysis*, 90, 102934. Scopus, Web of Science.

2. Wongaree, P. (2025). Do green bonds lower the cost of debt? Evidence from primary and secondary markets. *Journal of Sustainable Finance & Investment*, 15(1), 1–22. Scopus, Web of Science.

3. Wahyuningsih, T., Haryanto, S., & Nugroho, L. (2025). Determinants of green bond yields in emerging markets: Evidence from developing economies. *Journal of Asian Finance, Economics and Business*, 12(2), 233–245. Scopus.

4. Khan, S. (2025). Green bonds and firm performance: A meta-analysis of environmental and financial effects. *International Review of Economics & Finance*, 86, 102–121. Scopus, Web of Science.

5. Bank for International Settlements (BIS). (2025). Green bond markets and emissions: Evidence from recent developments. *BIS Quarterly Review*, March 2025.

6. Lindner, P., Rojas, A., & Yao, J. (2023). Sovereign ESG bond issuance in emerging markets: Opportunities and challenges. *IMF Working Paper*, WP/23/XXX.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

7. Global Investors for Sustainable Development (GISD) Alliance. (2024). *Sovereign SDG Bonds: Key Considerations for Developing Countries*. United Nations. UN policy report.

8. Ehlers, T., Mojon, B., & Packer, F. (2024). Green sovereign bonds in practice. *BIS Quarterly Review*, December 2024. Policy research (BIS).

9. Machado, M. R. (2025). Sustainability-linked bonds: A bibliometric and thematic review. *Journal of Sustainable Finance & Investment*, 15(2), 245–268. Scopus, Web of Science.

10. Climate Bonds Initiative. (2024). *Sustainability-Linked Bond Market Report*. Market analytics / policy report.

11. Nguyen, T., & Vo, X. V. (2025). Why do green bond markets underperform in emerging economies? *Emerging Markets Review*, 54, 100987. Scopus, Web of Science.

12. World Bank. (2024). *Green Bond Issuance in Emerging Markets: Trends, Challenges, and Policy Options*. World Bank Treasury.

13. United Nations Development Programme (UNDP). (2021–2024). *Uzbekistan Sovereign SDG Bond Framework and Allocation & Impact Reports*. UNDP Uzbekistan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎЗ МАБЛАҒЛАР МАНБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Жумаев Самариддин Зиядуллаевич
Термиз давлат университети
мустақил изланувчиси
e-mail:sam.samar@mail.ru
ORCID:0009-0006-5465-2241

Аннатоция: *Мазкур мақолада кимё саноати корхоналарида молиявий таъминотни шакллантиришда ўз маблағлар манбаларининг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Саноат корхоналарини барқарор молиявий фаолиятини амалга оширишда устав капитали, тақсимланмаган фойда, амортизация ажратмалари ва захира жамғармалари каби ички молия манбалари таҳлил қилинган. Мақолада ўз маблағларидан самарали фойдаланиш корхоналарнинг молиявий мустақиллигини ошириш, ташқи қарзларга бўлган эҳтиёжни камайтириш ҳамда инвестицион жозибадорликни кучайтиришга хизмат қилиши илмий жиҳатдан кўрсатиб берилган. Шунингдек, мақолада молиявий бошқарув жараёнлари ва молия бозори таркиби, корпоратив молия ва унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва бу бўйича иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Корпоратив тузилмаларда молиявий бошқарувнинг функциялари ҳамда уларнинг афзалликларига атрофлича тўхталиб ўтилган.*

Таянч сўзлар: *Кимё саноати, молиявий таъминот, ўз маблағлар манбалари, устав капитали, тақсимланмаган фойда, амортизация ажратмалари, захира жамғармалари.*

THE IMPORTANCE OF INTERNAL SOURCES OF FUNDS IN FORMING FINANCIAL SUPPORT AT CHEMICAL INDUSTRY ENTERPRISES

Jumaev Samariddin Ziyadullaevich
Independent researcher
of Termiz State University
e-mail:sam.samar@mail.ru
ORCID:0009-0006-5465-2241

Annotation: *This article highlights the role and significance of internal sources of funds in the formation of financial support for chemical industry enterprises. In ensuring the stable financial performance of industrial enterprises, internal financial sources such as authorized capital, retained earnings, depreciation charges, and reserve funds are analyzed. The article scientifically demonstrates that the efficient use of own funds contributes to increasing the financial independence of enterprises, reducing the need for external borrowing, and enhancing investment attractiveness. In addition, the article examines financial management processes and the structure of the financial market, corporate finance and its essence, significance, as well as the views and opinions of economists on these issues. The functions of financial management in corporate structures and their advantages are also discussed in detail.*

Key words: *Chemical industry, financial support, sources of own funds, authorized capital, retained earnings, depreciation charges, reserve funds.*

ЗНАЧЕНИЕ ИСТОЧНИКОВ СОБСТВЕННЫХ СРЕДСТВ В ФОРМИРОВАНИИ ФИНАНСОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ХИМИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Жумаев Самариддин Зиядуллаевич

Независимый исследователь

Термезского государственного университета
e-mail: sam.samar@mail.ru
ORCID:0009-0006-5465-2241

Аннотация: *В данной статье освещается роль и значение источников собственных средств в формировании финансового обеспечения на предприятиях химической промышленности. Проанализированы внутренние источники финансирования, такие как уставный капитал, нераспределенная прибыль, амортизационные отчисления и резервные фонды при осуществлении устойчивой финансовой деятельности промышленных предприятий. В статье научно показано, что эффективное использование собственных средств способствует повышению финансовой независимости предприятий, снижению потребности во внешних заимствованиях и повышению инвестиционной привлекательности. Также в статье рассматриваются процессы финансового управления и структура финансового рынка, корпоративные финансы и их сущность, значение и мнения экономистов по этому поводу. Подробно рассмотрены функции финансового управления в корпоративных структурах и их преимущества.*

Ключевые слова: *Химическая промышленность, финансовая поддержка, источники собственных средств, уставный капитал, нераспределенная прибыль, амортизационные отчисления, резервные средства.*

Кириш.

Ҳозирги глобал иқтисодий шароитда саноат тармоқлари, хусусан кимё саноати корхоналарининг барқарор ривожланиши уларнинг молиявий таъминоти самарадорлигига бевосита боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлашда устав капитали, тақсимланмаган фойда, амортизация ажратмалари ҳамда захира жамғармалари каби ички молия манбалари асосий таянч ҳисобланади. Ушбу манбалар корхоналарга ташқи қарзлар ва кредитларга бўлган қарамликни камайтириш, молиявий хатарларни пасайтириш ҳамда инвестицион жозибадорликни ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, замонавий иқтисодий муносабатлар шароитида кимё саноати корхоналари фаолиятини молиявий бошқариш механизмларини такомиллаштириш, ўз маблағларидан самарали фойдаланиш ва уларни мақсадли йўналтириш масалалари илмий тадқиқотларни талаб этмоқда. Мазкур мақолада мамлакатимиз акциядорлик жамиятларининг таркиби, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги ўрни ҳамда кимё саноати корхоналарида молиявий таъминотни шакллантиришда ўз маблағлар манбаларининг аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Корхоналарда молиявий таъминотни шакллантириш ва бошқариш масалалари иқтисодий адабиётларда кенг ёритилган бўлиб, айниқса корпоратив молия, молиявий барқарорлик ва молиявий ресурслар манбаларига оид тадқиқотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида корхоналар фаолиятида ўз маблағлар манбаларининг аҳамияти, уларнинг таркиби ва самарали бошқариш механизмлари атрофлича ўрганилган.

Жумладан, Ross, Westerfield ва Jordan (2022) тадқиқотларида корхоналар молиявий таъминотида ўз маблағлар манбаларининг устувор аҳамияти таъкидланиб, тақсимланмаган фойда ва амортизация ажратмалари инвестицияларни молиялаштиришнинг энг барқарор манбалари сифатида баҳоланган. Муаллифлар ички молия манбаларидан фойдаланиш корхоналарнинг молиявий мустақиллигини ошириш ва ташқи қарзларга бўлган эҳтиёжни камайтиришини қайд этадилар[1].

Шунингдек, Р.Брейли ва С.Майерс, Э.Хелферт каби олимлар ўз тадқиқотларида корхоналарнинг молиявий таъминотида тақсимланмаган фойда ва амортизация

ажратмаларини инвестиция фаолиятининг асосий ички манбалари сифатида баҳолаганлар. Уларнинг фикрича, ички молия манбалари корхоналарни ташқи молия бозорларидаги ноаниқликлар ва молиявий хатарлардан қисман ҳимоя қилади.[2]

Brigham ва Ehrhardt (2021) тадқиқотларида корхоналар молиявий бошқарувида ўз маблағлар манбаларининг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Муаллифлар тақсимланмаган фойда ва амортизация ажратмаларини инвестиция ва ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштиришда энг ишончли ички манбалар сифатида баҳолаб, улар корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш ва капитал қийматини оширишда муҳим омил эканлигини қайд этадилар.[4]

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг ишларида эса саноат корхоналари, жумладан кимё саноати корхоналари молиявий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, юқори капитал сиғимкорлиги ва узоқ ишлаб чиқариш цикли шароитида ўз маблағларидан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган. Айрим тадқиқотларда устав капитали ва захира жамғармаларининг корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, С.Э.Элмирзаев - ўз асарларида корпоратив молия назарияси ва амалий молиявий бошқарув механизмларини кенг ёритиб, корхоналарнинг ички молия манбаларидан самарали фойдаланиши уларнинг молиявий мустақиллиги ва барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Муаллиф устав капитали, тақсимланмаган фойда ва захира жамғармаларининг корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ролини алоҳида ўрганади.[6]

Корпоратив молия тизимида молиявий таъминотни самарали ташкил этиш, корпоратив тузилмаларда иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга ва замонавий молиявий бошқарув натижасида амалга оширилади. Бунда корпоратив молиявий бошқарув сиёсатини корпоратив тузилмаларда тўғри олиб бориш келгуси узоқ йиллик стратегик ва тактик мақсадларга эришишни таъминлайди.

Тадқиқот метадологияси.

Ушбу мақолада кимё саноати корхоналарида молиявий таъминотни шакллантиришда ўз маблағлар манбаларининг ўрни ва аҳамияти юзасидан қиёслаш, анализ, синтез, дедукция, илмий абстракциялаш каби методлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

Корхоналарда молиялаштириш мулкчилик шаклига қараб асосан ички ва ташқи манбаларга ажратилади. Ишчи манбалар – бу корхонанинг ўз маблағлари, амортизация, тақсимланмаган фойда ва активларни сотишдан кўрилган даромадлар киритилади. Ташқи манбаларига эса, кредит ва заёмлар, лизинг, банк ссудалари, факторинг ва акцияларни фонд бозорига жойлаштириш орқали келиб тушадиган пул маблағлари ҳамда барча турдаги хорижиий инвестициялар тушунилади.

Корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириш деганда, ушбу корхоналарнинг хусусий капитали кўз олдимизга келади. Хусусий капитал ташкилотнинг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Маълумки, корхоналар фаолиятининг дастлабки жараёнларида устав капитали шакллантирилади. Корхоналарнинг ўз маблағлар манбаи таркибига устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, сотиб оланган акциялар, тақсимланмаган фойда ва ҳакозалар киради. Қўшимча капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ва ҳоказолар эса корхона фаолиятининг кейинги босқичларида шаклланиб боради.

Устав капитали – бу таъсис ҳужжатида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) ташкилот мулкига қўйган маблағлари (улушлари, акциялар номинал қийматида ва ҳоказолар)нинг пул ифодасидаги йиғиндисидир. Устав капиталини шакллантириш жараёни ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.[9]

Корпоратив тузилмаларда қўшилган капиталнинг юзага келиши оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларнинг акциялар номинал қийматидан ошган миқдори сифатида намаён бўлади.

Ташкилот таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантириладиган резерв капитали (фонди), мулкни қайта баҳолашдан юзага келадиган резервлар, пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар ҳисобига вужудга келади.

Корхоналарнинг фойдаси – бу барча йиллар бўйича фаолияти ва ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойдаси ёки қопланмаган зарар суммасида акс эттирилади.

Замонавий бизнесда корхона капиталининг тузилишини аниқлашда (хусусий капитал ва жалб қилинган капиталнинг ўзаро нисбатига), уларнинг хусусий капиталга олинган пул оқимидан ёки инвестицияланган капиталга олинган пул оқимидан фойдаланади.

Капиталнинг ўртача қиймати (WACC - Weighted Average Cost of Capital) – компаниянинг барча манбалар, шу жумладан оддий акциялар, имтиёзли акциялар, облигациялар ва бошқа қарз шаклларидан олинган капиталнинг солиқдан кейинги ўртача қиймати. Бу компания ўз бизнесини молиялаштириш учун тўлашни кутаётган ўртача ставкани ифодалайди”[10].

Бу пул оқимлари солиқ тўланишидан олдинги ёки солиқ тўланганидан кейинги ҳолатга кўра, номинал ёки реал суммаларда ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан “акциядорлик жамиятлари устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади”. Жамиятнинг устав капитали жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди. Жамият давлат мулки негизида ташкил этилаётганда ушбу давлат мулкининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланган бозор қиймати жамият устав фондининг суммасини ташкил этиши белгиланган.[8]

Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Бунда жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги кўрсатилган. Жамият таъсис этилаётганда унинг барча акциялари жамият муассислари ўртасида жойлаштирилиши белгиланган.

Шунингдек, корпоратив тузилмаларнинг оддий акцияларни жойлаштиришлари шартлиги, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Қонунчиликга кўра, жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма беш фоизидан ошмаслиги белгиланган.



2-расм **2025 йилнинг 1 январ ҳолатига мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларнинг сони ва уларнинг қимматли қоғозлари [11]**

Республикамизда 2025 йил 01 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийда 688 та акциядорлик жамиятининг 214,7 трлн сўмлик қимматли қоғозлар мавжуд.

Мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг эгалари тўғрисида маълумотни қуйидаги жадвал орқали олишимиз мумкин.

1-жадвал

Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларидаги акция эгалари тўғрисида маълумот [11]

Эгалар	Акциялар улуши ҳажми	
	трлн.сўм	%
Давлат	171,6	79,9
Хўжалик бошқаруви органлари	4,8	2,2
Хорижий эгалар	9,9	4,6
Бошқа эгалар	24,2	11,3
Жойлаштиришдаги акциялар	4,2	2,0
Жами	**214,7**	**100**

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қимматли қоғозлар эмитентлари сони 42 та бўлган 1 936,2 млрд. сўмлик корпоратив облигациялар мавжуд.

2-жадвал

Корпоратив облигация чиқаришлари ҳажми тузилмаси[11]

Эгалар	Суммаси (млрд.сўм)	Улуши (%)
Хорижий эгалар	48,1	2,5
Бошқа эгалар	1 804,7	93,2
Жойлаштиришдаги облигациялар	83,3	4,3
Жами	**1 936,2**	**100**

Республикамиз қимматли қоғозлар бозорида жами акциялар ҳосиласида номлари келтирилган акциядорлар сони (юридик ва жимсмоний шахслар) 1 000 234 тани ташкил қилмоқда.

3-расм **Республикамиздаги акциядорлар таркиби[11]**

Мамлакатимизда 2025 йил 01 январ ҳолатига давлат улушига эга бўлган 261 та корпоратив тузилмалар мавжуд бўлиб, у жами акциядорлик жамиятларининг салмоқли, яъни 37,9 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятларининг жами қимматли қоғозлари қийматидаги улуши 171,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, умумий қийматнинг 79,9 фоизига тенг бўлди. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз

кимматли қоғозли бозоридаги корпоратив тузилмалар таркибида давлат иштироки ва унинг улуши жами кимматли қоғозларга нисбатан юқорилигича қолмоқда.



4-расм **Давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари тўғрисида[11]**

Давлат улушига эга акциядолар асосан мамлакатимизда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 113,1 трлн сўм, Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси 43,8 трлн сўм, Давлат активларини бошқариш агентлиги 13,9 трлн сўм ва Марказий банк, вазирликлар ва бошқалар ташкилотларнинг улушлари 0,8 трлн сўмни ташкил қилган.

3-жадвал

Давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятларининг тузилмаси[11]

Эгалар	Суммаси (трлн.сўм)	Улуши (%)
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	113,1	65,9
Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси	43,8	25,5
Давлат активларини бошқариш агентлиги	13,9	8,1
Марказий банк, вазирликлар ва бошқалар	0,8	0,5
Жами	**171,6**	**100**

Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида ва бошқа тегишли корпоратив тузилмаларда молиявий бошқарувнинг ташкил этилиши, миллий ва маҳаллий иқтисодиётнинг ҳолатига, бошқарувни ташкил этиш билан боғлиқ кадрлар малакасига эътибор қаратиш ва корпоратив бошқаришни такомиллаштиришда мамлакатнинг бу йўналишда ҳамда соҳадаги борилаётган сиёсати ва корпоратив бошқарув иштирокчиларининг илмий ва малакавий салоҳиятининг юқорилиги уларнинг ривожланишини таъминлайди.

Кимё саноати асосини ташкил қилувчи “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти (АЖ) — Ўзбекистон Республикаси кимё корхоналарини бирлаштирувчи ягона корпоратив тизим ҳисобланади. Жамият кимё корхоналарининг ишлаб чиқариш, инновацион ва маркетинг дастурларини тузади ва амалга оширади, ҳамда шулар орқали ҳам кимё соҳасининг барқарор ривожланиши учун шароит яратади.

Кимё саноати корпоратив тузилмалари таркибига кирувчи асосий корхоналар “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “MAXAM-Chirchiq” АЖ, “Аммофос-Максам” АЖ “Деҳқонобод калий заводи” АЖ ва “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚКлар ҳисобланади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Қуйида тизим корхоналарининг устав капитали миқдори ва улашлари тўғрисида маълумот келтирилган.

1.4-жадвал

Асосий йирик кимё саноати корхоанларининг 2022-2024 йилларда устав капитали ва уларнинг шаклланиши [11]

№	Корхоналар номи	Устав капитали миқдори (минг сўмда)		
		2022 й.	2023 й.	2024 й.
1	"Ўзкимёсаноат" АЖ	904 343 636,7	3 307 354 761,0	3 352 228 756,6
2	"Navoiyazot" AJ	59 596 314,0	483 024 257,0	483 024 257,0
3	"Maxam - Chirchiq" AJ	24 996 180,0	24 996 180,0	24 996 180,0
4	"Ammofos-Maxam" AJ	4 939 360,0	4 939 360,0	4 939 360,0
5	“Деҳқонобод калий заводи” АЖ	2 301 392 924,0	2 301 392 924,0	2 662 428 497,0
6	Индарама-Фарғонаазот АЖ	83 472 915,00	83 472 915,00	83 472 915,00

Юқоридаги 1.4-жадвалдан кўришимиз мумкинки, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Navoiyazot” АЖ ва “Деҳқонобод калий заводи” АЖларнинг устав капитали 2023-2024 йилларда ўсишга эришган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4992-сон қарорига кўра, “Деҳқонобод калий заводи” АЖнинг инвестицион лойиҳалари учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратилган кредит мажбуриятлари корхона устав капитализация қилиниши эвазига қўшимча акциялар чиқарилиб, эгалари номига жойлаштирилган.



***5-расм* "Ўзкимёсаноат" АЖнинг тармоқ корхоналаридаги улуши (%)да[11]**

Юқоридаги диаграмма маълумотларида кимё санаот корхоналарининг асосий устав капиталидаги улуши “Ўзкимёсаноат” АЖга тегишли эканлигини қўриш мумкин.

Маълумки, қонунчиликга кўра, корпоратив тузилмаларда устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши лозим. Устав капиталини кўпайтириш, жойлаштирилган қўшимча

акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади.

Устав капиталини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловлари амалга оширилиши мумкин.

Устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, корпоратив тузилманинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

“2023 йилда “Деҳқонобод калий заводи” АЖ томонадан устав капиталини ошириш учун 14.12.2023 йилда умумий суммаси 361 035 573 072 сўм бўлган 1 (бир) дона акциянинг номинал қиймати 1 сўм бўлган қўшимча акциялар ёпиқ усулда жойлаштирилган”.

Корпоратив тузилмаларнинг резерв капитали таркибига эса узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш натижасидаги ижобий фарқ, соф фойдадан ажратмалар ҳисобига шакллантирилган резерв капитали, текинга олинган мол-мулк ҳисобига шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан акциядорлик корхоналарида уставида назарда тутилган, аммо унинг устав капиталининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди шакллантирилиш кўрсатилган бўлиб, корпоратив тузилмаларнинг йиллик соф фойдасини тақсимлашда акциядор қарорига асосан беш фоиздан кам бўлмаган қисмини ушбу захира фондларига йўналтириш белгиланган.

5-жадвал

Кимё санаоти корхоналарининг 2023 йилдаги ўз маблағлар манбалари (млн.сўмда)[11]

№	Корхоналар номи	Устав капитали	Резервный капитал	Тақсимланма-ган фойда	Бошқа мақсадли тушимлар	Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар
1	"Ўзкимёсаноат" АЖ	3 307 354,8	1 059 688,9	219 897,2	345 687,54	
2	"Navoiyazot" AJ	483 024,3	683 340,9	1 295 337,8	485 004,24	12 994,39
3	"Maxam - Chirchiq" AJ	24 996,2	266 076,7	918 312,7	246,80	139 267,81
4	"Ammofos-Maxam" AJ	4 939,4	39 066,3	814 947,7	9 709,24	
5	"Деҳқонобод калий заводи" АЖ	2 301 392,9	205 846,7	76 288,1		
6	Индарама-Фарғонаазот АЖ	83 472,9	730 317,3	386 583,3	360 521,21	34 156,18
	Жами	**6 205 180,4**	**2 984 336,9**	**3 711 366,9**	**1 201 169,0**	**186 418,38**

Асосий кимё саноати корхоанларининг 2023 йилдаги умумий устав капиталлар миқдори 6,2 трлн сўмни, резерв капитали 2,9 трлн сўмни, фойда кўрсаткичлари 3,77 трлн сўмни ва бошқа мақсадли тушимлари 1,22 трлн сўмни ташкил этмоқда. Умумий кимё корхоналари устав капиталида “Ўзкимёсаноат” АЖнинг улуши 53%ни, “Деҳқонобод калий заводи” АЖ 37%ни қолган корхоналар эса 10% улушга эга. Резерв капитали асосан “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Навоиазот” АЖ ва Индарама-Фарғонаазот АЖ ҳисобига тўғри келмоқда.

2023 йилги фойда кўрсаткичлари асосан “Навоиазот” АЖга 1295,3 млрд сўм, “Махам –

Чирчиқ” АЖга 680,5 млрд сўм, “Аммофос-Максам” АЖда 842,5 млрд сўм ва “Индарама-Фарғонаазот” АЖда 386,5 млрд сўмни ташкил этиган. Бошқа мақсадли тушимларнинг кимё корхоналари кесимида тўғри келишига қарайдилан бўлсак, “Навоиазот” АЖда 485 млрд сўм, “Ўзкимёсанаот” АЖда 345,7 млрд сўм ва “Индарама-Фарғонаазот” АЖда 360,5 млрд сўмдан жалб қилинган.

Шунингдек, ўз капиталининг оптимал тузилиши қарз, имтиёзли акция ва оддий капиталнинг араланмаси бўлиб, акциянинг ички қийматини максимал даражада оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ташқи молиялаштириш манбаларини жалб этиш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 июль 2018 йилдаги ПҚ-3877-сон қарори қабул қилинди. Унда етакчи банклари ва йирик корхоналари томонидан корпоратив рейтингларни олиш ҳамда давлат кафолатисиз хорижий инвестиция ва қарзларни жалб қилиш вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, суверен қарзлар, шу жумладан корпоратив (банк) қарз мажбуриятлари эмиссиясини мувофиқлаштириш тизимини самарали ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқисодиёт ва молия вазирлиги ваколатли орган этиб белгиланди.

Буундан ташқари корпоратив тузилмаларда ўзини ўз молиялаштиришда улар балансидаги асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш усулларининг қўлланиши бунда активлардан фойдаланишнинг дастлабки йилларида амортизация ажратмаларини юқори миқдорда ҳисоблаш натижасида қўшимча айланма маблағларнинг корпоратив тузилма ихтиёрида қолдирилишини таъминлайди. Шунингдек, асосий воситалар ва номоддий активлар маънавий эскиришининг олдини олади. Бу эса меъёрий ҳужжатларда ҳам корпоратив тузилмалар балансидаги асосий воситалар ва номоддий активларни тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш усулини қўллаш борасида имконият беради. Бундан ташқари жаҳон иқтисодиётидаги технологик ривожланиш шароитида мамлакатимизда ҳам иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига давлат томонидан тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш амалиётини қўллаш лозим бўлади.

Корпоратив тузилмаларда фойдаланилмаётган асосий воситалар ва номоддий активларни сотиш ёки ижарага бериш амалиёти ҳам маълум даражада қўшимча молиявий ресурс жалб қилиш имконини бериш билан бирга ортиқча асосий воситаларга ҳисобланадиган мол-мулк солиғи бўйича мажбурият юзага келишининг олдини олади.

Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиш ёки ижарага бериш амалиёти доимий молиявий ресурсга эга бўлиш имконини бермайди.

Хулоса.

Ҳулоса қилганда,. қоридагилар асосида корпоратив тузилмаларнинг ўзини ўзи молиялаштириш амалиёти кўп жиҳатдан ўз фаолияти давомида амалга ошириладиган амортизация ва дивиденд сиёсатларига боғлиқ ҳисобланишини таъкидлашимиз лозим. Ўзини ўзи молиялаштириш қатор афзалликларига эга эканлигига қарамасдан, улар миқдор жиҳатдан корхона молиявий-хўжалик фаолиятини кенгайтириш, истиқболда инвестицион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, янги технологияларни фаолиятга тадбиқ этиш кабилар учун етмайди. Шу боисдан молия бозори ҳолатидан келиб чиққан ҳолда бошқа ташқи манбалардан молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётига эътибор қаратиш ҳар бир корпоратив тузилманинг олдидаги муҳим масалалардан биридир.

Ички молия манбаларидан самарали фойдаланиш корхоналар молиявий барқарорлиги ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади, шу билан бирга молиявий хатарларни пасайтириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини самарали молиялаштириш имконини беради.

Шунингдек, молиявий бошқарув жараёнларини такомиллаштириш ва ўз маблағлар манбаларини мақсадли йўналтириш замонавий кимё саноати корхоналарининг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур

таҳлил натижалари корхоналарнинг ички молия ресурсларини стратегик режалаштириш ва инвестиция қарорларини самарали қабул қилишга қаратилган тавсиялар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ross S., Westerfield R., Jordan B. Corporate Finance. – 12th Edition. McGraw-Hill Education, 2022.

2. Brealey R., Myers S., Allen F. Principles of Corporate Finance. – 13th Edition. McGraw-Hill Education, New York, 2020.

3. Damodaran A. Applied Corporate Finance. – 5th Edition. Wiley, 2023.

4. Brigham E., Ehrhardt M. Financial Management: Theory and Practice. – 16th Edition. Cengage Learning, 2021.

5. Gitman L., Zutter C. Principles of Managerial Finance. – 15th Edition. Pearson Education, 2020.

6. С.Э. Элмирзаев “Корпоратив молия” Дарслик/–Т: “Иқтисод-молия”, 2019.

7. Саидов Н.С., Юлдашев А.А. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. – *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар* журнали, 2022, №4.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, кимё саноатини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

9. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома"нинг 2-ИЛОВАси

10. https://www.investopedia.com/terms/w/wacc.asp

11. Интернет маълумотлари

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

OILAVIY TADBIRKORLIK SUB’EKTLARINI IQTISODIYOTDA TUTGAN O‘RNI VA ULARNI BANK KREDITLARI HISOBIGA MOLIYALASHTIRISH AHAMIYATI

Davlyatov Qahramon Abdumavlyanovich
Toshkent davlat iqtisodiyot unversiteti mustaqil izlanuvchisi
E-mail: qahramon260277@gmail.com
ORCID:0009-0008-3783-4574

***Anotatsiya**: Maqolada oilaviy tadbirkorlik sub’ektlarini iqtisodiyotda tutgan o‘rni tahlil qilindi. Ushbu sohani rivojlantirish uchun respublikamizda davlat tomonidan olib borilayotgan ishlar o‘rganildi. Shuningdek, oilaviy tadbirkorlikni kreditlash amaliyotini takomillashtirishga qaratilgan takliflar ishlab chiqildi.*

***Kalit so‘zlar:** oilaviy tadbirkorlik, kichik biznes, tijorat banki, kredit, iqtisod, biznes, ish o‘rni.*

РОЛЬ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ И ЗНАЧЕНИЕ ИХ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЗА СЧЁТ БАНКОВСКИХ КРЕДИТОВ

Давлятов Қахрамон Абдумавлянович
независимый исследователь Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: qahramon260277@gmail.com
ORCID:0009-0008-3783-4574

***Аннотация:** В статье проанализирована роль семейного предпринимательства в экономике. Изучены меры и мероприятия, осуществляемые государством в республике по развитию данной сферы. Также разработаны предложения, направленные на совершенствование практики кредитования семейного предпринимательства.*

***Ключевые слова:** семейное предпринимательство, малый бизнес, коммерческий банк, кредит, экономика, бизнес, рабочее место.*

THE ROLE OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP IN THE ECONOMY AND THE IMPORTANCE OF FINANCING IT THROUGH BANK LOANS

Davlyatov Kahramon Abdumavlyanovich
Independent Researcher at Tashkent State University of Economics
E-mail: qahramon260277@gmail.com
ORCID:0009-0008-3783-4574

***Abstract:** The article analyzes the role of family entrepreneurship in the economy. Measures and initiatives implemented by the state in the republic to develop this sector are examined. In addition, proposals aimed at improving the practice of lending to family entrepreneurship are developed.*

***Keywords:** family entrepreneurship, small business, commercial bank, credit, economy, business, employment.*

Kirish.

Biz bugun shiddat bilan rivojlanayotgan va o‘zgarayotgan zamonda yashamoqdamiz. Jahonda globalizatsiya jarayoni tobora chuqurlashib bormoqda. Globallashuv nafaqat iqtisodiy munosabatlarni, balki ijtimoiy, madaniy va siyosiy sohalarni ham qamrab olmoqda. Bu esa har bir

davlatdan yangi sharoitlarga moslashish, jahon bozorida raqobatbardosh bo‘lish hamda ichki ijtimoiy barqarorlikni ta’minlashni talab etadi.

Shunday sharoitda rivojlanayotgan mamlakatlar oldida bir qator jiddiy ijtimoiy-iqtisodiy muammolar — ishsizlikning o‘sishi, aholining ma’lum qismida kambag‘allikning saqlanib qolishi, ta’lim darajasining yetarli emasligi va oziq-ovqat xavfsizligi masalalari turibdi.

So‘nggi yillarda dunyodagi rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, yuqoridagi muammolarni hal etishning eng samarali yo‘llaridan biri—bu mamlakatda tadbirkorlikni, ayniqsa oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishdir.

Buning uchun avvalo oilaviy tadbirkorlikni ilmiy-nazariy jihatdan tizimli o‘rganish, uni o‘ziga xos xususiyatlarini, immanent belgilarini aniqlash hamda ushbu sohani rivojlantirish bilan bog‘liq fundamental tadqiqotlar olib borish zaruriyatini yuzaga keltirmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.

Kichik biznes va oilaviy tadbirkorlik to‘g‘risidagi dastlabki tushunchalar uzoq yillar avval antik davrik olimlari tomonidan o‘rganila boshlangan. Misol uchun, “Tadbirkorlik va ishbilarmonlik Aristotelning “Ekonomika” asarida eng avvalo, dehqonchilik, xunarmandchilik, mayda savdoda band bo‘lganlarning asosiy va sharafli faoliyati deb e’tirof etilgan. Asarda dehqon, xunarmand va savdogarlar tadbirkorlik bilan insonlarning eng muhum ehtiyojlarini qondirishga erish mumkinligi va ularga davlat g‘amxo‘rlik qilishi kerakligi ta’kidlangan”[9].

Xo‘jalik sub’ektlari faoliyatini, umuman kichik biznesni kreditlash masalalari xorijlik iktisodchilar O.Lavrushin, V.Kolesnikov, G.Panova, V.Usoskin, Rouz P.S., E.Dolan, E.Rid, Dj. Sinkilar, J.Shanel-Reyno va E.Blualarning ilmiy ishlarida o‘rganilgan.

Mazkur masalalar mamlakatimiz iqtisodchi olimlari Sh.Abdullayeva, O.Iminov, T.Malikov, S.Norqobilov, O.Olimjanov, Z.Xolmaxmadov, T.Tuxtaboyevlar tomonidan tadqiq etilgan[2, 3, 4, 5, 6, 7].

Tadqiqot metodologiyasi.

Tadqiqot metodologiyasini O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining oilaviy tadbirkorlikni tashkil etish va rivojlantirishga oid farmon va qarorlari tashkil etadi. Shuningdek, maqolada oilaviy tadbirkorlik sub’ektlarini bank kreditlari hisobiga moliyalashtirish ahamiyatini xorij va maxalliy olimlarning tajribalari hamda o‘zimning nazariy va amaliy tajribalarim asosida tahlil qilinadi. Shuningdek, maqolada jadval ma’lumotlari, analitik qiyoslash, mantiqiy yondoshuv, guruxlash kabi metodlar va statistik ma’lumotlardan foydalanildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Jahondagi rivojlangan davlatlar tajribasi oilaviy tadbikorlikning rivojlanishi aholini tadbirkorlikka jalb qilish va bu orqali yangi ish o‘rinlarini yaratish, bandlikni ta’minlash, ishbilarmonlik salohiyati, qadimiy kasb-xunar an’analari, hunarmandchilik, tikuvchilik, kasanachilik, mahalliy resurslardan samarali foydalanish, fermer-dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalarining yer uchastkalaridan unumli foydalangan holda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqishni kengaytirish, mexnat resurslaridan oqilona foydalanish hamda boshqa tadbirkorlik faoliyati turlarini keng ommalashishiga oxir oqibatda davlatning, jamiyatning va aholining farovonligiga erishish mumkinligini ko‘rsatmoqda.

Bundan tashqari oilaviy tadbirkorlik uy mehnati va farzand tarbiyasini tadbirkorlik faoliyati bilan uyg‘unlashtirish imkonini beradi. Unda boshqa ish beruvchilar tomonidan kam foydalaniladigan mehnat resurslari — bolalar, keksalar va nogironlar jalb etilishi mumkin. Bu esa oilalarning iqtisodiy bog‘lanishini mustahkamlaydi, daromadini oshiradi va farzandlar iqtisodiy hayotga tayyor bo‘lib ulg‘ayishiga sharoit yaratadi.

Oilaviy tadbirkorlik orqali ishchi kuchining va malakaning nasldan-naslga o‘tishi ta’minlanadi. Bu esa barqaror ijtimoiy-iqtisodiy muhitni yaratadi, jamiyatda ijobiy va kelajakka qaratilgan muhitni shakllantiradi.

Ko‘pchilik odamlar iqtisodiy bilimlarni avval oiladan oladi. Oila a’zolari bilan birga biznes yuritish ularga nafaqat umumiy muammolarni birgalikda hal qilish imkonini beradi, balki o‘zaro yordam hissini shakllantiradi, o‘sib kelayotgan avlodning malakasini oshiradi, kattalar namunasidan o‘rganib, uni kelgusida amaliyotda qo‘llash imkoniyatini beradi.

Oilaviy tadbirkorlik oila a’zolari tomonidan tavakkal qilib va o‘z mulkiy javobgarligi ostida daromad (foyda) olish maqsadida amalga oshiriladigan tashabbuskorlik faoliyatidir[1].

Oilaviy tadbirkorlik – bu oila mablag‘laridan samarali foydalanishga asoslangan, foyda olishga qaratilgan tashabbuskor va mustaqil faoliyatdir.

Shuningdek, oilaviy tadbirkorlikni tashkil etishda boshqa korxonalarga qaraganda quyidagi avzalliklar mavjud:

-oila a’zolari va yaqin qarindoshlarining ijtimoiy kelib chiqishi va dunyo qarashi yaqinligi. Bu korxona a’zolarining jipsligini va korxonaning xayotiyligini ta’minlaydi.

-oila a’zolari va yaqin qarindoshlar o‘zlarining ixtiyorlaridagi mavjud moddiy va moliyaviy resurslar to‘g‘risida to‘laroq axborotga egadirlar. Bu esa mavjud va qo‘shimcha ravishda jalb etilishi lozim bo‘lgan mablag‘larni tezlik bilan aniqlash imkonini beradi.

- biznes uchun moddiy sharoitlarni yaratish ham oilaviy tadbirkorlik sharoitida xuddi dastlabki sarmoyani jamg‘arish singari ma’lum yengillik va afzalliklarga ega bo‘ladi. Masalan, turar-joyning oila uchun ortiqcha qismini ishlab chiqarish quvvatiga aylantirish, oila ixtiyoridagi shaxsiy tomorqa yoki boshqa binolardan birgalikdagi ishlab chiqarish maqsadida foydalanish tadbirkorlikning boshqa shakllaridagi ishtirokchilar o‘rtasidagi kelishuvlarga qaraganda bir muncha osonroq va tezroq kechadi.

- tadbirkorlikning oila a’zolari yoki yaqin qarindoshlardan tarkib topishi boshqaruv samaradorligiga ham sezilarli oshiradi;

- oila a’zolari o‘rtasidagi o‘zaro ishonch hamda bir-birini tushunish tadbirkorlik faoliyatining murakkab va qaltis vaziyatlarida, ayniqsa, korxona faoliyatini yo‘lga qo‘yishning dastlabki pallasida hali moliyaviy natijalar u qadar yaxshi bo‘lmagan holatlarda bu holat qo‘l keladi.

Biz tadqiqot olib borayotgan oilaviy tadbirkorlik sohasi Xitoy va Yevropa ittifoqi kabi rivojlangan mamlakatlarda iqtisodiyotning barqarorligida muhum ahamiyat kasb etadi.

Tarixiy jihatdan oilaviy biznes deyarli barcha zamonaviy yirik kompaniyalarning rivojlanishida boshlang‘ich nuqta bo‘lib xizmat qilgan va bu tashkiliy shakl hali ham rivojlangan hamda rivojlanayotgan mamlakatlardagi yirik firmalarning sezilarli qismi uchun xosdir.

Bugungi kundagi barcha mavjud oilaviy biznes korxonalarini ikki turga bo‘lish mumkin. Birinchisi yangi tashkil etilgan korxonalar va ikkinchisi uzoq yillar mobaynida mavjud bo‘lgan va avloddan-avlodga meros bo‘lib o‘tib kelayotgan oilaviy korxona va kompaniyalar. Ular bir-biridan ko‘p jihatdan farq qiladi. Agar kompaniya bir necha avloddan o‘tib kelayotgan bo‘lsa, u kichik biznes doirasidan chiqib, professional bo‘lmagan avlod merosxo‘rlari qo‘lidan yollanma professional menejerlar boshqaruviga topshirilgan korxonadir. Yangi tashkil etilgan oilaviy korxonalar esa oila a’zolari va yaqin qarindoshlar hamkorligida tashkil etilgan bo‘lib va uning davomiyligi va samaradorligi ko‘p jihatdan qarindoshlarning hamjihatligiga bog‘liq.

Biz oilaviy tadbirkorlikni tahlil qilishda avvalo modernizatsiyaning qiyin yo‘lini bosib o‘tgan Osiyo davlatlariga, ayniqsa Xitoy Xalq Respublikasiga alohida e’tibor qaratish lozim, deb hisobladik.

Bugungi kunda Xitoydagi oilaviy biznes mamlakat iqtisodiyotining ajralmas qismi hisoblanadi.

Xitoyda xususiy korxonalar Xitoyning YaIMning taxminan 60% ini tashkil etadi, shaharlardagi ish o‘rinlarining 80%, yangi yaratilgan ish o‘rinlarining esa 90% sini taqdim etadi. Bu xususiy sektorning katta qismi, ya’ni 85%, oilaviy tadbirkorlikka tegishli. Shuningdek, Shanxay va Shenzen fond birjalarida ro‘yxatga ega bo‘lgan kompaniyalarning 67% oilaviy biznes korxonalari hisoblanadi.

Xitoyda ro‘yxatga olingan yirik kompaniyalarning 30 foizdan ortig‘i va xususiy

tadbirkorlik sub’ektlarining qariyb 90 foizi oilaviy tadbirkorlik sub’ektlari sifatida tasniflanadi. Xitoy hukumati tomonidan 90-yillarda amalga oshirilgan iqtisodiy islohotlardan keyin oilaviy tadbirkorlik sub’ektlari o‘zining yuqori samaradorligi hisobiga katta o‘sishni namoyish qildi. Asosan kichik va o‘rta biznes sohasida keng tarqalgan oilaviy tadbirkorlikning yirik biznes darajasigacha o‘sishi bilan bog‘liq holatlar kuzatilgan. Dastlab ion batareyalarini ishlab chiqaruvchi kichik BYD oilaviy tadbirkorlik korxonasi hozirga kelib, nafaqat Xitoy, balki dunyoda elektromobillarni ishlab chiqaruvchi eng yirik korporatsiyalardan biriga aylangani bunga yaqqol misol bo‘la oladi[11].

Oilaviy biznes nafaqat Xitoy iqtisodiyotiga xos, balki G‘arbdagi ko‘pgina yirik kompaniyalar ham dastlab oilaviy biznes sifatida paydo bo‘lib, keyin korporativ tuzilmaga aylangan.

XX asrning o‘rtalarida g‘arbda oilaviy biznes alohida toifa sifatida shakllana boshladi. Masalan:

- Buyuk Britaniyada aholining taxminan 50% oilaviy biznesda ishlaydi va davlat budjeti yarmini shundan oladi.
- Italiyada ikkinchi jahon urushidan keyin oilaviy tadbirkorlik haqida qonun qabul qilindi va unga ko‘ra oilaviy korxonalar «oila + ikki yollanma ishchi» deb belgilanib, ikki yilgacha soliqdan ozod qilingan.
- Vengriya, Chexiya, Polsha kabi davlatlarda ham oilaviy tadbirkorlik iqtisodiy qiyinchiliklarni yengil o‘tkazishga yordam bergan.

Ko‘pgina yirik kompaniyalar aynan oilaviy biznesdan boshlangan. Masalan: **Bombarde, Val-Mart, Benetton, Tiffani** va boshqalar. Janubiy Koreyada — *chebollar*, Lotin Amerikasida — *gruposlar[10]*.

O‘zbekistonda iqtisodiyotining muhum qismiga aylanib borayotgan oilaviy tadbirkorlikning yuzaga kelishi va rivojlanish bosqichlari uzoq davrlarga borib taqaladi. Tarixga nazar tashlaydigan bo‘lsak, respublikamiz hududida hunarmandchilik bir necha asrlar davomida taraqqiy etib kelgan. Buyuk ipak yo‘li orqali savdo-sotiq rivojlangan davrlarda undan keyin ham Samarqand qog‘ozi, Marg‘ilon shohisi, Buxoro zarining dovrug‘i butun dunyoga mashhur bo‘lgan. Bunday mahsulot turlaridan bir qanchasini sanab o‘tish mumkin. Ushbu mahsulotlar o‘sha paytda hunarmand va kosiblar tomonidan ustaxonalarda yaratilgan.

Respublikamizda mustaqillikning dastlabki yillardan tadbirkorlik sohasi rivojlanishiga katta e’tibor qaratilib qonunchilik bazasi shakllantirildi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga, Fuqarolik kodeksiga, Soliq kodeksiga oila va tadbirkorlik huquqlarini kafolatlashga oid normalar kiritildi.

“Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi va “Oilaviy tadbirkorlik to‘g‘risida”gi qonunlar qabul qilindi.

Oilaviy tadbirkorlik O‘zbekistonda **alohida huquqiy institut** sifatida belgilandi. Bu jahon amaliyotida kam uchraydigan holatdir.

Respublikamizda oilaviy tadbirkorlik sohasi uchun keng imkoniyatlar yaratilib, uni hukumat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi hamda qator tizimli islohatlar amalga oshirilmoqda.

Endi bank kreditlarning oilaviy tadbirkorlikni rivojlanishidagi tugan o‘rniniga to‘xtalib o‘tsak.

Tadbirkorlik sub’ektlari ayniqsa oilaviy tadbirkorlik bilan shug‘ullanuvchilar o‘z faoliyatlarini yo‘lga qo‘yishda va rivojlanishga erishishda tashkiliy-iqtisodiy, moliyaviy, huquqiy va boshqa shart-sharoitlar hamda xizmatlardan foydalanishlarida ko‘plab to‘siqlar va muammolar duch kelishadi. Birinchidan, ushbu soha vakillari o‘z faoliyatlarini tashkil etishda aksariyat hollarda moliyaviy mablag‘lar yetishmasligi muammosiga duch kelishadi. Ko‘pincha o‘zlarining xususiy mablag‘lari bo‘lmaydi, boshqa moliyaviy institutlar ularga qarz berishga har doim ham xayrixohlik bildiraverishmaydi. Ikkinchidan, ishlab chiqarish infratuzilmasi ob’ektlari faoliyatini mustaqil yo‘lga qo‘yish ma’lum bir mablag‘ sarflashni talab qiladi. Uchinchidan, oilaviy

tadbirkorlik sub’ektlarida ushbu xizmatlardan muntazam foydalanish uchun ehtiyoj ham mavjud bo‘lmaydi.

Ma’lumki, oilaviy tadbirkorlik sub’ektlari faoliyatini moliyalashtirishning ikkita asosiy, ya’ni, ichki va tashqi manbalari mavjud.

-**Ichki manbalar** odatda tadbirkorlarning o‘z (xususiy) mablag‘lari (sarmoyasi) bo‘lib, asosan o‘zlari jamg‘argan mablag‘lar va yaqin qarindoshlar tomonidan tadbirkorlik uchun tikilgan (jamlangan) mablag‘lar va keyinchalik olingan daromadlar va boshqalardan iborat bo‘ladi. Shuningdek, oila sarmoyasiga (kapitaliga) oila a’zolarining jismoniy, ijtimoiy, moliyaviy va intellektual kapitali yig‘indisidir deb ta’rif bersak bo‘ladi.

Tadbirkorlar avvalo ichki sarmoya — o‘z daromadini ishlatishni afzal ko‘radi, tashqi manbalarga faqat so‘ngra murojaat qiladi.

-**Tashqi manbalar** qarz mablag‘lari bo‘lib, uning tarkibiga bank krediti, lizing, davlat subsidiyalari va boshqalar kirishi mumkin.

Oilaviy tadbirkorlik faoliyatini moliyalashtirishning ko‘plab manbalari orasida tashqi manbalar alohida ajralib turadi. Shuningdek, o‘z navbatida, ularning eng samaralisi va keng tarqalgani tijorat banklari kreditlari hisoblanadi.

Bank kreditlari oilaviy tadbirkorlikni moliyalashtirishning eng muhim vositalaridan biri bo‘lib, ularning raqobatbardoshligini oshirish, yangi ish o‘rinlari yaratish va aholi farovonligini ta’minlashda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi hamda oilaviy korxonalarga nafaqat ichki, balki **xalqaro bozorga chiqish imkoniyatini** ham berdi.

Oilaviy tadbirkorlikni kreditlash mahalliy iqtisodiyotni rivojlantirishda samarali mexanizmdir, tajriba shundan dalolat beradiki, kreditlash orqali oilalar o‘z biznesini rivojlantirayotgani faqat ularning turmush darajasini emas, balki umumiy iqtisodiy o‘sishni ham ta’minlaydi.

Oilaviy tabirkorlikka ajratiladigan kredit iste’mol kreditidan farq qiladi: u shaxsiy ehtiyojlar uchun emas, balki biznes ehtiyojlarini qondirishga yo‘naltiriladi.

Quyida oilaviy tadbirkorlik uchun bank kreditlarining ahamiyati sanab o‘tsak.

Oilaviy tadbirkorlik sub’ektlari ko‘p hollarda ichki mablag‘lar bilan cheklangan bo‘ladi. Shu bois ularning investitsiyaviy imkoniyatlarini oshirishda bank kreditlari asosiy manba hisoblanadi.

Kredit olish orqali oilaviy tadbirkorlik korxonalari yangi ish joylari yaratadi, asbob-uskunalar sotib oladi,ishlab chiqarish hajmini kengaytiradi.

Tijorat banklari tomonidan imtiyozli kreditlar berilishi oilaviy tadbirkorlarni yangi yo‘nalishlarga kirishishga undaydi. Bu esa mahalliy iqtisodiyotda raqobatni kuchaytiradi, sifatni oshiradi.

Oilaviy tadbirkorlik ko‘pincha mahalliy aholi bandligini ta’minlaydi. Bank kreditlari orqali rivojlanish natijasida qishloq joylarda ishsizlik kamayadi, aholining daromadlari ortadi.

Kreditlash orqali oilaviy tadbirkorlik salohiyati ortib, mamlakat yalpi ichki mahsulotida kichik biznes ulushi ko‘payishiga xizmat qiladi.

Shuningdek, rivojlangan davlatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki oilaviy korxonalarga va kompaniyalarga ajratiladigan kreditlar orqali ular ijara, ish haqi, xomashyo kabi xarajatlarni qoplaydi, marketing va reklamaga sarmoya kiritadi, ishlab chiqarishni kengaytiradi va sifatini oshiradi, malakali mutaxassislarni jalb qiladi.

Shuningdek, kredit kompaniyaning kredit tarixini shakllantirishda ham muhim ahamiyatga ega. Qarzlarni o‘z vaqtida to‘lab borish kelgusida kattaroq kreditlar olish imkoniyatini oshiradi.

Kredit tadbirkorlarga yangi mahsulot va xizmatlar ishlab chiqish, bozor talabiga moslashish va aylanma mablag‘larni ko‘paytirish imkonini beradi. Bu orqali biznes talabga tez javob qaytarishi va kassa uzilishlarini oldini olishi mumkin.

Kredit orqali tadbirkorlar yangi texnologiyalar joriy qilishi, ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirishi, samaradorlik va mahsulot sifatini oshirishi mumkin. Bu biznesning raqobatbardoshligini kuchaytiradi.

Bugungi kunda respublikamizda oilaviy tadbirkorlikni tijorat banklari tomonidan moliyalashtirish tizimi deyarli davlat tomonidan shakllantiriladi va tartib solinadi.

O‘zbekistonda aholini tadbirkorlikka jalb etish va oilaviy tadbikorlikni moliyalashtirishda davlat tashabbusi bilan ishlab chiqilgan bir nechta dasturlar mavjud bo‘lib, shulardan eng asosiysi 2018 yilda qabul qilingan **“Har bir oila-tadbirkor”** dasturidir.

Mazkur dastur orqali Respublika hukumati mamlakatimizda yillar davomida shakllangan ishsizlik va qashshoqlik, moliyaviy savodsizlik hamda yashirin iqtisodiyot kabi og‘ir ijtimoiy va iqtisodiy muammolarning yechishni maqsad qilgan.

Bu dasturda bo‘yicha kreditlar asosan Xalq banki, Mikrokreditbank va Agrobank orqali ajratiladi.

1-jadval.

Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari bo‘yicha ajratilgan kreditlar (manbalari bo‘yicha), *mlrd.so‘m[8]*.

№	Davr	Jami ajratilgan kreditlar		shu jumladan							
				Har bir oila – tadbirkor” dasturi asosida		Fermer, dehqon xo’jaliklari va tomorqa yer egalarini qo’llab-quvvatlash jamg’armasi hisobidan		Hunarmandchilikni rivojlantirishga		Mahalliy hokimliklar huzuridagi jamg’armalar va Bandlikka ko’maklashish jamg’armasi hisobidan	
		soni	sum-masi	soni	sum-masi	soni	sum-masi	soni	sum-masi	soni	summasi
1	2021 й	352 469	8 566	342 976	8 196	3 387	189	4 584	134,3	1 522	46,8
2	2022 й	424 538	9 893	410 719	9 380	12 011	411	1 670	85	138	17
3	2023 й	472 021	9 864	452 449	9 260	19 349	579,5	150	8,8	73	16,2
4	2024 й	372 643	6 841	358 588	6 484	14 015	353	21	1	19	5
5	2025 й январь-сентябрь	215 764	3 631	215 599	3 588	165	42,8				
Жами		**1 837 435**	**38 796**	**1780 331**	**36 907**	**48 927**	**1 575**	**6 425**	**229**	**1 752**	**85**

1-jadvalda so‘ngi besh yil davomda oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari doirasida ajratilgan kreditlar manbalari tahlil qilingan. So‘ngi besh yil davomida **38 796 mlrd. so‘mlik** kreditlar ajratilgan bo‘lsa, ularning asosiy qismi **36 907 mlrd.so‘mi** yoki **95,1 foizi** “Har bir oila tadbirkor dasturi” doirasida ajratilgan. Fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalarini qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi, Hunarmandchilikni rivojlantirish jamg‘armasi, Mahalliy hokimliklar huzuridagi jamg‘armalar va Bandlikka ko‘maklashish jamg‘armasi hisobidan esa **1874 mlrd.** so‘m kreditlar ajratilgan.

Har yili o‘rtacha **350** mingdan oshiq kreditlar ajratilgan. Shu o‘rinda shuni ta’kidlab o‘tish kerakki 2024 yilda kichik va o‘rta tadbirkorlik sub’ektlariga hamda aholi tadbirkorligi uchun jami **538** mingta kredit ajratilgan[8], bo‘lsa ushbu kreditlarning **373** mingtasi yoki **69,3** foizi faqatgina oilaviy tadbirkorlik uchun ajratilgan. Bu tadbirkorlikning ushbu yo‘nalishini naqadar muhumligini ko‘rsatadi.

Respublika hukumatining olib borilgan siyosati natijasida mamlakatimizda kambag‘allik

darajasi pasaydi.

Buni Prezidentimizning 2025 yil 25 iyuldagi aholi bandligini ta’minlash va kasbiy ta’lim tizimidagi yangi yondashuvlarga oid taqdimot bilan tanishuv jaryonidagi quyidagi nutqida ko‘rishimiz mumkin.

“Banklar mahallalarga bog‘lanib, aholi bandligini ta’minlashga ham hissa qo‘shmoqda. Xususan, birinchi yarim yillikda **3 milliondan** ziyod aholi daromadli mehnatga jalb qilindi. Kambag‘allikni qisqartirish borasida yaratilgan tizim hamda sarflanayotgan mablag‘lar o‘z samarasini berib, joriy yilning 1 iyul holatiga ko‘ra, **kambag‘allik darajasi 6,8 foizni** tashkil qildi[8].



1-rasm. O‘zbekistonda kambag‘alik darajasi, umumiy aholiga nisbatan foiz hisobida[8].

1-rasmdan ko‘rinib turibdiki respublikamizda islohatlar boshlanishidan oldin 2016 yilda kambag‘alik darajasi jami aholiga nisbatan 14 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2025 yil 1 iyul holatiga **6,8 foizni** tashil etgan.

Shuningdek, olib borilayotgan siyosat natijasida O‘zbekistonda rasman ro‘yxatib o‘zini-o‘zi band qilganlar soni 2025 yil 1 yanvar holatiga 4.4 millionga yetib, bu ko‘rsatkich 2024 yilga nisbatan 76.5%ga oshgan[8].

Yuqorida ko‘rsatilgan natijalarga erishishda shubxasis bank kreditlarining ahamiyati kattadir.

Xulosa va takliflar

-Oilaviy tadbirkorlik rivojlanishi orqali mamlakatlardagi iqtisodiy o‘sish, ishsizlik, kambag‘allik, tabiiy-iqlim sharoiti og‘ir hududlarda aholining moddiy sharoitlarini, turmush tarzi sifatini va darajasini tubdan yaxshilash kabi o‘ta og‘ir ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni yechish mumkin;

-oilaviy tadbirkorlik sub’ektlari doimo davlat qo‘llab quvvatloviga muxtoj.

-oilaviy tadbirkorlik sub’ektlari uchun zarur bo‘lgan moliyaviy resurslar hajmining nisbatan cheklangan miqdorda bo‘lishi;

-oilaviy tadbirkorlik korxonalari faoliyatini moliyalashtirishning tashqi manbalarining samarali va eng keng tarqalgani tijorat banklari kreditlari hisoblanishi;

-oilaviy tadbirkorlik O‘zbekistonda **alohida huquqiy institut** sifatida belgilanligi va bu jahon amaliyotida kam uchraydigan holatdir;

-respublikamizda tijorat banklari tomonidan ajratilayotgan kreditlarda oilaviy tadbirkorlik sub’ektlarining son jihatdan salmog‘ining yuqoriligi.

-respublikamiz hukumatining olib borilgan siyosati natijasida mamlakatimizda kambag‘allik darajasi pasaydi.

Fikrimizcha respublikamizda tijorat banklari tomonidan oilaviy biznes sub’ektlarini kreditlash amaliyotini takomillashtirish uchun quyidagi tadbirlarni amalga oshirish lozim.

1. Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish bo‘yicha davlat dasturlariga barcha tijorat banklarini, shu jumladan xususiy banklarni kengroq jalb etish lozim. Bunda banklarni ushbu sohaga mablag‘lar kiritishiga qiziqtirish uchun davlat tomonidan soliq imtiyozlari berish lozim deb hisoblaymiz.

2. Aholini va oilaviy tadbirkorlik sub’ektlarni moliyaviy holatini banklarda tahlil (skoring) qilishda an’anaviy ma’lumotlar yetarli bo‘lmagan hollarda dunyo amaliyotida keng qo‘llaniladigan **alternativ ma’lumotlar**dan foydalanish tizimini rivojlantirish zarur deb hisoblaymiz.

3. Bugungi kunda kichik bizes sub’ektlarining bank kreditlaridan foydalanishdagi asosiy muammolaridan biri bu kredit foiz stavkalarning yuqoriligini bo‘lib, buni tijorat banklari qayta ko‘rib chiqishi zarur deb hisoblaymiz. Shuningdek davlat tomonidan tashkil etilgan tadbirkorlarni qo‘llab quvvatlash jamg‘armasi kichik tadbirkorlik sub’ektlariga kredit foizlari bo‘yicha taqdim etayotgan kompensatsiyalar ham 24,5 foizdan yuqori bo‘lgan kreditlarga tadbiq eilmayotganini ham qayta ko‘rib chiqish lozim deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining qonuni. Oilaviy tadibrkorlik to‘g‘risida. O‘zR qonun hujjatlari to‘plami, 2012 y.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori. “Har bir oila – tadbirkor” dasturini amalga oshirish to‘g‘risida. 2018 yil 7 iyun, PQ-3777-son.

3. Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательство: анализ российской практики.//Российский внешнеэкономический вестник. No 9, 2011.

4. Abdullayev Yo., Yuldashev Sh. Малый бизнес и предпринимательство. – T.: IQTISOD - MOLIYA, 2008.

5. Alimardonov I.M. Kichik biznes sub’ektlarini kreditlashning uslubiy va amaliy asoslarini takomillashtirish. I.f.d. ilm. dar. ol. uch. taqd.et. diss. avtoref. – Toshkent, 2018.

6. H.P.Abulqosimov, A.A.Qulmatov “O‘zbekistonda kichik biznes sohasida kichik biznesning o‘rni va uni rivojlantirish yo‘llari” Toshkent, unversitet, 2015 y.

7. Jalilov Baxodir “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar”jurnali 2/2024. «Kichik iznes sub’ektlarini kreditlash amaliyotini takomillashtirish imkoniyatlari.

8. O‘zbekiston respublikasi Markaziy banki va Milliy statistika qo‘mitasining rasmiy sayti ma’lumotlari.

9. H.P.Abulqosimov, A.A.Qulmatov “O‘zbekistonda kichik biznes sohasida kichik biznesning o‘rni va uni rivojlantirish yo‘llari” Toshkent, unversitet, 2015 y. 7-bet.

10. Жуков И. И. “Роль и значение семейного предпринимательства для экономики страны” текст научной статьи по специальности «Экономика и бизнес», 2008 г, №2

11. uzdaily.uz сайти. “Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishning Xitoy tajribasi”

SANOAT KORXONALARI RAQOBATBARDOSHLIGINI TA’MINLASHGA YO‘NALTIRILGAN INVESTITSION FAOLIYATNI TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI

Abdullayev Nuriddin Isom o‘g‘li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
mustaqil tadqiqotchisi
E-mail:abdullaevnur788_otv@mail.ru
ORCID:0009-0004-7983-8873

Annotatsiya: *Maqolada sanoat korxonalari raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etishning nazariy-uslubiy asoslari tadqiq etilgan. Sanoat korxonalari raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni amal qilish mexanizmi va uni tashkiliy asoslarini muvofiqlashtirish imkoniyatlari asoslangan. Mamlakatimiz sanoat korxonalari investitsion faoliyatini ishlab chiqarish jarayonini tashkil etish va uning samaradorligini ta’minlashdagi o‘rni baholangan. Tahlil natijalariga muvofiq sanoat korxonalari raqobatbardoshligi ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etishdagi muammoli holatlar aniqlangan. Sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish mexanizmini takomillashtirishga doir ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar shakllantirilgan.*

Kalit so‘zlar: *investitsion faollik, investitsion faoliyat strategiyasi, investitsion jozibadorlik, investitsion loyiha, investitsion jarayon, moliyaviy resurslarni boshqarish, raqobat muhiti, korxona raqobatbardoshligi.*

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ОРГАНИЗАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, НАПРАВЛЕННОЙ НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Абдуллаев Нуриддин Исам угли

Независимый исследователь
Ташкентского государственного
экономического университета
E-mail:abdullaevnur788_otv@mail.ru
ORCID:0009-0004-7983-8873

Аннотация: *В статье исследованы теоретико-методические основы организации инвестиционной деятельности, направленной на обеспечение конкурентоспособности промышленных предприятий. В основе лежит механизм осуществления инвестиционной деятельности, направленной на обеспечение конкурентоспособности промышленных предприятий, и возможности координации ее организационных основ. Оценена роль инвестиционной деятельности промышленных предприятий страны в организации производственного процесса и обеспечении его эффективности. В соответствии с результатами анализа выявлены проблемные ситуации в организации инвестиционной деятельности, направленной на обеспечение конкурентоспособности промышленных предприятий. Сформулированы научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию механизма организации инвестиционной деятельности, направленной на обеспечение конкурентоспособности промышленных предприятий.*

Ключевые слова: *инвестиционная активность, стратегия инвестиционной деятельности, инвестиционная привлекательность, инвестиционный проект, инвестиционный процесс, управление финансовыми ресурсами, конкурентная среда, конкурентоспособность предприятия.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

WAYS TO IMPROVE THE MECHANISM FOR ORGANIZING INVESTMENT ACTIVITIES AIMED AT ENSURING THE COMPETITIVENESS OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Abdullayev Nuriddin Isam ugli

Independent researcher of
Tashkent state university of economics
E-mail:abdullaevnur788_otv@mail.ru
ORCID:0009-0004-7983-8873

Abstract: *The article examines the theoretical and methodological foundations of the organization of investment activities aimed at ensuring the competitiveness of industrial enterprises. It is based on the mechanism of investment activities aimed at ensuring the competitiveness of industrial enterprises and the possibility of coordinating its organizational foundations. The role of the investment activity of the country's industrial enterprises in the organization of the production process and ensuring its effectiveness is assessed. In accordance with the results of the analysis, problematic situations have been identified in the organization of investment activities aimed at ensuring the competitiveness of industrial enterprises. Scientific proposals and practical recommendations are formulated to improve the mechanism for organizing investment activities aimed at ensuring the competitiveness of industrial enterprises.*

Key words: *investment activity, investment activity strategy, investment attractiveness, investment project, investment process, financial resource management, competitive environment, enterprise competitiveness.*

Kirish

Mamlakatimizda sanoat ishlab chiqarish jarayonini yangi bosqichga ko‘tarishda; sanoatning texnologik tizimini takomillashtirishni standart ko‘rsatkichlaridan foydalanish orqali tayyor mahsulot ishlab chiqarishni sifat jihatidan takomillashtirish, ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish hisobiga muayyan mahsulotlar uchun ishlab chiqarish jarayonlarida vaqt sarfini qisqartirish, ishlab chiqarish omillaridan foydalanishning intensivligi ta’minlashda innovatsion texnologiyalardan foydalanish masshtabini kengaytirish kabi holatlar muhim ahamiyat kasb etadi. Sanoat sohasini rivojlantirishning bu kabi qator ustivor xususiyatlari ishlab chiqarish jarayonida innovatsion yo‘nalishlarni ta’minlash, ishlab chiqarilayotgan tayyor mahsulotlar assortimenti kengaytirish orqali, korxonalarining eksport salohiyatidan samarali foydalanishga samarali ta’sir ko‘rsatadi. O‘z nabatida sanoat ishlab chiqarish jarayonida ustivor faoliyatni tashkil etish tizimini yuqori sifat ko‘rsatkichlarini ta’minlash jarayonlariga nisbatan alohida e’tibor berilishi, sanoat tarmoqlarida faoliyat olib borayotgan korxonalarda ishlab chiqarish jarayonini reinjiniring qilish orqali ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish va raqobatbardoshligini oshirishga imkon beradi. qaratilgan har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, yeng ilg‘or texnologik jarayonlarni ishlab chiqarishga joriy etishga yordam beradi. Istiqbolda mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlarini jadal rivojlantirish, ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish va modernizatsiya qilish, sanoat tarmoqlarida zamonaviy texnologiyalarni keng joriy etish, yuqori qo‘shilgan qiymatli eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarish hajmlarini oshirishda investitsiya jarayonlarini jadallashtirish va hududlarga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish asosiy maqsad sifatida belgilangan[1].

Ushbu natijadorlikni ta’minlashning muayyan asosi sanoat korxonalarida investitsion faoliyatni tashkil etish mexanizmini zamonaviy moliyaviy munosabatlarga asoslangan modellar asosida muvofiqlashtirish imkoniyatlarini asoslash, takror ishlab chiqarish jarayonining turli bosqichlarida investitsion faoliyatni tashkil etish jarayonlarini baholash orqali ishlab chiqarishning hududiy darajadagi texnologik tizimini takomillashtirishga doir tadqiqotlarni amalga oshirishni dolzarbligini asoslashga xizmat qiladi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Iqtisodiyotning tarmoq va sohalari investitsion faolligini oshirish, investitsion faollikni oshirish jarayonini iqtisodiyot subektlarning raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirish tizimiga doir ilmiy tadqiqotlar iqtisodiyot sohasidagi keng ko‘lamli tadqiqot izlanishlari qatorida muhim o‘rin egallaydi. Bu borada tegishli tadqiqot izlanishlarini amalga oshirgan iqtisodchi olimlar I.Fainboim, D.Last, E.Tandberg ilmiy izlanishlarida investitsion faoliyat ko‘rsatkichlari va ularni ko‘p miqyosli tartibda baholash metodikasi o‘rganilgan bo‘lib, tadqiqot natijalari sanoat korxonalarining investitsion faoliyatini baholash ko‘rsatkichlari tizimli tartibga keltirish va tahlil qilish imkoniyatini beradi [2].

S.O.Ashirovning tadqiqotlarida sanoat korxonalarining investitsion faoliyati dinamik va retrospektiv jihatdan tahlil qilinadi. Baholash natijalariga asosan sanoat korxonalarining investitsion faolligini oshirish bo‘yicha uslubiy va amaliy tavsiyalar ishlab chiqiladi[3].

S.P.Baranenko, K.D.Busiginlarning ilmiy tadqiqotlarida sanoat korxonalari investitsion jozibadorligini baholash algoritmini ishlab chiqishda korxonalarning investitsion faolligini hisobga olish, algoritmda investitsion jozibadorlikni boshqarish borasida qaror qabul qilish imkoniyatini beradigan omillar tizimlashtirishda alohida e’tibor beriladi[4].

B.B.Doskaliyeva, Y.D.Orynbassarova, Z.M.Omarkhanova, Y.S.Karibaev, A.S.Baimukhametovalarning tegishli tadqiqotlarida sanoat korxonalarini modernizatsiya qilish uchun innovatsion va investitsion faoliyat integratsiyasini ta’minlashning amaliy jihatlari o‘rganilgan. Investitsion loyihalarda moliyaviy resurslarni boshqarishni uslubiy ta’minlash, resurs ta’minotining tanlangan strategiyasini amalga oshirishda raqobatbardosh investitsion loyihalarni tanlash modeli taklif etilgan [5].

Mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan E.Shavqiyev tadqiqotlarida sanoat korxonalarini modernizatsiya qilish loyihasini resurslar bilan ta’minlashni optimallashtirish, korxonalarda amalga oshirilayotgan innovatsion va investitsiya strategiyasining imtiyozli tizimini raqobatbardoshlikni ta’minlash ko‘rsatkichlariga asoslangan holda shakllantirish tavsiya etiladi[6].

M.Q.Pardayev, A.N.Xoliqulov, G.Jumayeva tadqiqotlarida korxonalar raqobatbardoshligini ta’minlashning o‘ziga xos xususiyatlariga muvofiq investitsion loyihalarni shakllantirish va uni baholashda raqobatbardoshlikni ta’minlashning muhim omillari hisoblangan ish hajmi, sifat va bahoning o‘zaro bog‘liqligiga alohida e’tibor berish tavsiya etiladi[7].

A.Sh.Bekmurodov, Ya.K.Karriyeva, I.U.Nematov, D.H.Nabiyev, N.T.Kattayevlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda sanoat ishlab chiqarishni investitsiyalash jarayonlarini tashkiliy tizimini ustuvorligi asosida sanoat majmuasini shakllantirish, sanoat ishlab chiqarishda investitsion loyihalar samaradorligining baholash ko‘rsatkichlari asosida loyihalar samaradorligini oldindan baholash orqali raqobatbardoshlikni ta’minlash ssenariylarini shakllantirish maqsadga muvofiqligi qayd etiladi[8].

B.T.Bayxonov tadqiqotlarida mamlakatda investitsiya muhitini tashkil etish va uni muvofiqlashtirish jarayonlarini tizimli tartibda tashkil etish jarayonlarida tarmoqlar o‘rtasidagi raqobat muhitining o‘rni va tarmoqlararo raqobatbardoshikni ta’minlash imkoniyatlari hisobga olinishi lozim ekanligi ta’kidlanadi [9].

Raqobatbardoshlik jarayonini keng miqyosida tadqiq etgan iqtisodchi olimlar D.Sh.Bababekova va B.O.Tursunovlarning ilmiy izlanishlarida tarmoqlar faoliyat samaradorligini ta’minlash va iqtisodiy natijadorligi yuqori bo‘lgan investitsion loyihalarni amalga oshirishda tarmoqda mavjud omillarning o‘zaro sinergik ta’sirini ifodalovchi ko‘rsatkichlar tizimiga e’tibor berish maqsadga muvofiq ekanligi e’tirof etilgan[10].

Z.Xakimov, B.Radjabovlar tomonidan sanoat korxonalarida investitsion loyihalarini amalga oshirish va samaradorligini baholashning ilmiy-nazariy jihatlari o‘rganilgan bo‘lib, investitsion loyihalarni amalga oshirish jarayonidagi samaradorlikni xalqaro va milliy standart talablaridan kelib chiqqan holda baholash usullari taklif etilgan[11].

S.A.Abduraximova, N.Yakubboyevlar korxona raqobatbardoshligini ta’minlashga

yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni amalga oshirishda korxonaning uzoq muddatli investitsiya maqsadlarini amalga oshirish bocqichlari, investitsiya faoliyati chegaralarini hisobga olgan holda tegishli baholash mezonini tizimli ko‘rsatkichlari ishlab chiqilgan[12].

Yuqoridagi ilmiy tadqiqotlarda sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini tashkil etishga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni amalga oshirish jarayoni va tegishli bosqichlari atroflicha o‘rganilgan bo‘lishiga qaramasdan, sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish mexanizmini takomillashtirish jarayonlariga e’tibor berilmagan.

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot jarayonida tizimli tahlil usullaridan foydalanish orqali sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitson faoliyatni tashkil etish mexanizmlari asoslangan. Statistik tahlil usulidan foydalanish orqali sanoat korxonalarida investitsion faoliyatni tashkil etish jarayonlari baholangan. Tadqiqot usullarining induksiua va deduksiua usullaridan foydalanish orqali sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish jarayonlariga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar guruhlangan. Ilmiy abstraksiya usulidan foydalanish orqali sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish mexanizmini takomillashtirishga doir ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar shakllantirilgan.

Tahlil va natijalar

O‘zbekiston iqtisodiyotini jahon xo‘jaligiga chuqur integratsiyasini ta’minlash jarayonida sanoat ishlab chiqarishni takomillashtirishga yo‘naltirilgan chora tadbirlar tizimi muhim o‘rin egallaydi. Bu borada asosiy natijadorlik mamlakat iqtisodiyotini global qo‘shilgan qiymat zanjiriga integratsiya qilish jarayonida sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga xizmat qiladigan investitsion faoliyatini tashkil etish va takomillashtirish jarayonlariga nisbatan tizimli chora tadbirlarni amalga oshirishni talab etadi.

O‘zbekiston iqtisodiyotini global qo‘shilgan qiymat zanjiriga integratsiyasini ta’minlash jarayoni milliy ishlab chiqarishning tuzilmaviy tarkibini o‘zgarishga xizmat qiladigan tashkiliy-iqtisodiy chora tadbirlar bilan bir qatorda moliyaviy munosabatlarni tizimli rivojlanish xususiyatlarini tartibga solishni taqozo etadi. O‘z navbatida tartibga solishning ma’lum asosi milliy ishlab chiqarishning tuzilmaviy tarkibini o‘zgarishga xizmat qilishi maqsadga muvofiq. Sanoat korxonalari faoliyatida moliyaviy munosabatlarni tizimli rivojlanish xususiyatlari moliyalashtirish jarayonini tashkil etish bilan bir qatorda moliyalashtirish mexanizmini samarali amal qilish tizimini tegshishli nazoratini o‘rnatishni talab etadi. Fikrimizcha, bu holatda moliyalashtirishni tashlkil etish va nazorat tizini o‘rnatish jarayoni o‘rtasidagi o‘zaro muvofiqlik, sanoat korxonalari raqobatbardoshligini ta’minlashning moliyaviy tizimini shakllantirishga imkon beradi.

Sanoat korxonalari faoliyatida moliyaviy munosabatlarni tizimli rivojlanish xususiyatlari moliyalashtirish jarayonini tashkil etish bilan bir qatorda moliyalashtirish mexanizmini samarali amal qilish tizimini tegshishli nazoratini o‘rnatishni talab etadi. Fikrimizcha, bu holatda moliyalashtirishni tashkil etish va nazorat tizini o‘rnatish jarayoni o‘rtasidagi o‘zaro muvofiqlik, sanoat korxonalari raqobatbardoshligini ta’minlashning moliyaviy mexanizmini optimallashtirishga ta’sir ko‘rsatadi. tizimini shakllantirishga imkon beradi. Ko‘plab sanoat korxonalari faoliyatiga doir amaliyot investitsiyalar moliyalashtirishning asosiy ustivor xususiyatlarini ta’minlashga xizmat qilishini ko‘rsatadi. Zamonaviy iqtisodiyot sharoitlarda sanoat korxonalarining investitsion loyihalariga doir tahlil va baholash natijalari investitsiyalarni ishlab chiqarish munosabatlarni tashkil etishdagi o‘rni nafaqat ishlab chiqarishning texnik-texnologik imkoniyatlari samaradorligini oshirish, balki mehnat resurslarining jismoniy va intellektual salohiyatidan foydalanishning jtimoiy-iqtisodiy jihatlariga ijobiy ta’sir ko‘rsatishini guvohi bo‘lishmiz mumkin.

XXI asrda global iqtisodiy tizim doirasidagi keng ko‘lamli o‘zgarishlar ishlab chiqarish va

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

xizmat ko‘rsatish jarayonlarida investitsiyalarning faoliyat yo‘nalishlarini kengaytirish jarayonlariga ijobiy ta’sir ko‘rasatayotganligi bilan muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, ishlab chiqarish jarayonlarida sun’iy intellekt tizimini qo‘llashga nisbatan keng ko‘lamli e’tiborning ortib borayotganligi mahsulot birligi hisobiga mehnat va kapital sarfini qisqartirishga ijobiy ta’sir ko‘rsatishini alohida qayd etish o‘rinli. O‘z navbatida ushbu holat sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatini tashkil etish yo‘llarini tizimli tartibda o‘zgartirishga xizmat qiladi. Ushbu holatning muayyan asosi sanoat tarmoqlarining asosiy kapitaliga o‘zlashtirilgan investitsiyalar miqdorini o‘sish ko‘rsatkichlarini ta’minlashga imkon beradi. 2015-2024-yillarda O‘zbekiston Respublikasi sanoat tarmoqlarining asosiy kapitaliga o‘zlashtirilgan investitsiyalarni YaIMdagi ulushining o‘sish ko‘rsatkichlari mazkur fikrimizni asoslashga xizmat qiladi (1-rasm).



1-rasm. 2015-2024-yillarda O‘zbekiston Respublikasi sanoat tarmoqlarining asosiy kapitaliga o‘zlashtirilgan investitsiyalarni YaIMdagi ulushi (foizda)[13]

Tahlil natijalariga asosan, 2015-2017-yillarda mamlakatimiz sanoat tarmoqlarining asosiy kapitaliga o‘zlashtirilgan investitsiyalarni YaIMdagi ulushi o‘rtacha 20 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2018-yildan boshlab faol investitsiya siyosatini amalga oshirilishiga alohida e’tibor berilishi, sanoat tarmoqlarida faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalar o‘rtasida raqobat masshtabining kengayishi ta’sirida sanoat tarmoqlarining asosiy kapitaliga o‘zlashtirilgan investitsiyalarini YaIMdagi ulushi keskin ortdi. Natijada, 2018-yil sanoat tarmoqlarining asosiy kapitaliga o‘zlashtirilgan investitsiyalarni YaIMdagi ulushi 26,2, 2019-yilda 32,9, 2020-yilda 31,5 foizini tashkil etgan. 2021-2024-yillarda mamlakatimizda raqobatni rag‘batlantirish tizimiga yo‘naltirilgan iqtisodiy siyosatni amalga oshirish doirasidagi tegishli chora tadbirlar ta’sirida sanoat tarmoqlarida ishlab chiqarishni kuchaytirishning mahalliy resurslarga tayangan asosini shakllantirishga alohida e’tibor berildi. Bu esa sanoat tarmoqlarida ishlab chiqarishning unumdorligini oshirish, ishlab chiqarish siklning turli bosqichlarida investitsiya faoliyatni jonlantirish tizimini amal qilishi hisobiga ishlab chiqarish jarayonlarini global qiymat zanjirigi integratsiyasini ta’minlashga ta’sir ko‘rsatadi. 2021-yilda sanoat tarmoqlarining asosiy kapitaliga o‘zlashtirilgan investitsiyalarni YaIMdagi ulushini 29,2 foiz, 2024-yilda esa, 34,9 foiz ko‘rsatkichni qayd etishi mahalliy sanoat korxonalarining ishlab chiqarish mahsuldorligini oshirishga imkon berishi shubhasiz. Lekin, mamlakatimiz iqtisodiyotini global iqtisodiy tizimga integratsiyasini ta’minlash jarayonlarini amalga oshirishga yo‘naltirilgan maqsadli ko‘rsatkichlarga erishish sanoat korxonalari raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan

investitsion faoliyatni tashkil etish va amalga oshirish tizimini takomillashtirishni taqozo etadi. Mazkur tizimli yondashuvni amalga oshirish jarayonlarini takomillashtirish investitsion faoliyatni tashkil etishga doir omillarni to‘plash va tahlil qilish, belgilangan omillarni hisobga olgan holda investitsion faoliyat natijasini gepotezasini shakllantirish zaruriyatini yuzaga keltiradi. Bu kabi qator holatlar sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish modelini ishlab chiqishni talab etadi. Fikrimizcha, mazkur modelning tegishli asosi sanoat korxonalari investitsion faoliyatini tashkil etishni taqsimot tizimiga asoslangan bo‘lib, taqsimot mexanizmi istiqbolli investitsion loyihalar bo‘yicha investitsiya portfelini shakllantirish jarayonini takomillashtirishga xizmat qiladi. Mazkur modelning asosini quyidagi ko‘rinishda ifodalash mumkin (2-rasm).



2-rasm. Sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish modeli[12]

Sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish modeli korxona investitsion samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy asosi hamda korxona investitsion samaradorligini oshirishning moliyaviy asosi integratsiyasi ta’sirida shakllanadi.

Korxona investitsion samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy asosida korxonalarning investitsion loyihalarni shakllantirish tizimini davlat va hududiy dasturlar tizimiga integratsiyasini ta’minlash sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarishning bozor faolligini oshirishga imkon beradi. Umumiy natijadorlik, korxonalarda amalga oshiriladigan investitsion munosabatlarni tashkil etish va boshqarishning tegishli algoritmini ishlab chiqarish jarayoni bilan bog‘liq miqdor va sifat ko‘rsatkichlarini bozor talablariga muvofiqlashtirishga xizmat qiladi. O‘z navbatida mazkur jarayon investitsion xarajatlarni diversifikatsiyalash orqali korxona innovatsion faolligini ta’minlashning kompleks tizimini tashkiliy asosini ishlab chiqish bilan bevosita bog‘liq. Mazkur bog‘liqlik ishlab chiqarish munosabatlarini tartibga solishning innovatsion va investitsion mexanizmlari integratsiyasini ta’minlashga ta’sir ko‘rsatadi.

Sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion

[12] Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

faoliyatni tashkil etish modelida vaqt intervali eng muhim omil hisoblanadi. Investitsion loyihalarni belgilangan vaqt oralig‘ida yakunlash, investitsion samaradorlikni ta’minlash jarayonida muhim ahamiyatga ega. Sanoat ishlab chiqarishning texnik va ijtimoiy imkoniyatlarini bozor konyukturasiga muvofiqligini ta’minlash orqali investitsion loyiha hayotiylik siklida vaqt sarfini qisqartirish mumkin.

Korxona investitsion samaradorligini oshirishning moliyaviy asosida, korxonalarda investitsion loyihalarni amalga oshirish uslubiyatiga asosan moliyalashtirishning tegishli shakl va vositalarini tanlash muhim hisoblanadi. Mazkur uslubiyatning tegishli asosi investitsion faoliyatni amalga oshirish yo‘nalishi, tashkil etish shakli va vaqt sarfi kabi omillarning konsentratsion bog‘liqligiga asoslanadi.

Yuqoridagi omillar iqtisodiyotning investitsion jozibadorligini baholashning integral ko‘rsatkichlari asosida potensial investitsion loyihalar portfelini ishlab chiqishga xizmat qiladi. Amaliyotda, bu jarayonda tegishli ko‘rsatkichlar o‘rtasida farqlanish darajasini mavjud emasligi iqtisodiyotning potensial investitsion salohiyatga ega bo‘lgan tarmoqlarida faoliyat yuritayotgan korxonalarni guruhlash jarayoni borasida obektiv xulosalar chiqarish imkoniyatini cheklaydi. Fikrimizcha, mazkur noaniqliklar ta’sirida korxonaning investitsion jozibadorligiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar va sharoitlarning operativ nazorat tizimini o‘rnatishga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Xulosa va takliflar

O‘zbekiston iqtisodiyotini xalqaro iqtisodiy tizimga integratsiyani ta’minlash jarayonida sanoat korxonalari investitsion faoliyatini tashkil etish va takomillashtirish tizimiga nisbatan e’tibor ortib boradi. Buning asosiy sababi, keskin raqobat muhitining ortishi hisobiga sanoat korxonalarining me’yoriy foydasini pasayib borishi hisoblanadi. Mazkur jarayoning samarali yechimi, sanoat korxonalari raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish uslubiyatini shakllantirishni taqozo etadi. Fikrimizcha, sanoat korxonalari raqobatbardoshligini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatni tashkil etish uslubiyatini shakllantirish jarayonida quyidagilarga e’tibor berish maqsadga muvofiq:

- sanoat ishlab chiqarishning texnologik tizimini modernizatsiyalashni oraliq davrlashtirish jarayonlarida investitsion faoliyatni amalga oshirishning korxona yalpi foydasiga ta’sirini baholashga xizmat qiladigan o‘zgaruvchan ko‘rsatkichlar tizimini shakllantirish;
- sanoatning tarmoq tarkibida faoliyat olib borayotgan korxonalarning raqobatbardosh texnologik salohiyatini ta’minlashga yo‘naltirilgan investitsion faoliyatini amalga oshirishning milliy va hududiy dasturlarini shakllantirish hisobiga aktivlari rentabelligini ta’minlashning integral asosini ishlab chiqish;
- sanoat korxonalarining mahsulot ishlab chiqarish jarayonini diversifikatsiyalash tizimini bozor konyunkturasiga muvofiqlashtirish orqali investitsion salohiyatni boshqarishning regression modelini amalga oshirish tamoyillarini ishlab chiqish;
- sanoat korxonalarida ishlab chiqarish jarayonlarini tashkil etishning innovatsion omillari kombinatsiyasini ta’minlash hisobiga ichki investitsiya siyosatini amalga oshirishning boshqaruv strategiyasini shakllantirish;
- korxonalarning investitsiya siyosatini tashkil etish tizimini davlatning саноат ishlab chiqarishni hududiy o‘sish nuqtalarini shakllantirishga yo‘naltirilgan dasturlariga muvofiqlashtirish orqali mavjud moliyaviy imtiyozlardan foydalanish jarayonlarini optimallashtirish va boshqalar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2023 — 2025 yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-459-son Qarori.

2. Fainboim, I., Last, D. & Tandberg, E. (2013). Managing Public Investment, in Public Financial Management and Its Emerging Architecture. Cangiano, M., Curristine, T., & Lazare, M.

(eds.). Washington: International Monetary Fund.

3. Аширов С.О. Инвестиционная активность и методы ее определения в организациях промышленности: диссертация. .. кандидата экономических наук: 08.00.05. Москва, 1999. 212 с.

4. Бараненко С.П, Бусыгин К.Д. Алгоритм оценки инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности промышленных предприятий // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2014. №10. https://cyberleninka.ru/article/n/algoritm-otsenki-investitsionnoy-privlekatelnosti-i-investitsionnoy-aktivnosti-promyshlennyh-predpriyatiy.

5. Doskaliyeva, B.B, Orynbassarova, Y.D, Omarkhanova, Z.M, Karibaev, Y.S. & Baimukhametova, A.S. (2016). Development of the System of Investment Support of Projects in the Industrial - Innovative Development of Kazakhstan. International Journal of Environmental and Science Education, 11(12), 5109-5127.

6. Шавқиев Э. Индустриал иқтисодиёт. Дарслик. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP SEL” МЧЖ. Нашриёти, 2023 – 370 бет.

7. Пардаев М.Қ, Холиқулов А.Н, Жумаева Г. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2019. - 234 бет.

8. Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Ҳ., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б.

9. Байхонов Б.Т. Ўзбекистан иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Монография. -Т.: IQTISODIYOT, 2017. -203 б

10. Бабабекова, Д. Ш., & Турсунов, Б. О. (2019). Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш орқали рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш йўналишлари. Илмий-оммабоп рисола. *T.:“Iqtisod-Moliya, 40.*

11. Хакимов, З., & Раджабов, Б. (2020). Оценивать эффективность инвестиционных проектов в промышленности. Экономика и Образование, 1(1), 57–64. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/ article/view/4219

12. Абдурахимова С.А, Якуббоев Н. Саноат корхоналари инвестиция фаолиятини амал қилишининг назарий ва ташкилий жиҳатлари // Science and Education. 2024. №9. https://cyberleninka.ru/ article/n/sanoat-korhonalari-investitsiya-faoliyatini-amal-ilishining-nazariy-va-tashkiliy-zhi-atlari.

13. www.stat.uz- O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining rasmiy axborot sayti ma’lumotlari.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

TIJORAT BANKLARIGA XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB ETISH YO‘LLARI

Shamiyev Shohruh Shakar o‘g‘li
Biznesni rivojlantirish banki ATB, Muammoli aktivlar bilan ishlash va undiruv departamenti, menejer
E-mail: 377shohruh@gmail.com
ORCID: 0009-0000-9156-8379

Annotasiya: *Maqolada tijorat banklari orqali xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning asosiy yo‘llari, strategik va moliyaviy mexanizmlari tahlil qilinadi. Tadqiqotda strategik yo‘llar, jumladan, xorijiy banklar bilan hamkorlik shartnomalari, maxsus kredit paketlari, qo‘shma loyihalar va eksport-import kreditlari orqali investorlar uchun jozibador muhit yaratish imkoniyatlari ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, moliyaviy mexanizmlar, jumladan, to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar, kredit liniyalari, obligatsiyalar va xususiy kapital instrumentlari orqali banklarning likvidlikni oshirish, risklarni diversifikatsiya qilish va kapital jalb qilish imkoniyatlari tahlil qilingan.*

Tayanch so‘zlar: *Tijorat banklari, xorijiy investitsiyalar, investitsion jalb qilish, strategik yo‘llar, moliyaviy mexanizmlar, kredit liniyalari, to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiya, qo‘shma loyihalar, obligatsiyalar, export-import moliyalashtirish.*

METHODS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS TO COMMERCIAL BANKS

Shamiev Shokhrukh Shakar ugli
Business development bank JSCB, Problem assets and debt recovery department, manager
E-mail: 377shohruh@gmail.com
ORCID: 0009-0000-9156-8379

Annotasiya: *The article analyzes the main ways, strategic and financial mechanisms for attracting foreign investment through commercial banks. The study examines the possibilities of creating an attractive environment for investors through strategic approaches, including cooperation agreements with foreign banks, special loan packages, joint projects, and export-import loans. The possibilities of banks to increase liquidity, diversify risks, and attract capital through financial mechanisms, including direct investments, credit lines, bonds, and private equity instruments, were also analyzed.*

Key Words: *Commercial banks, foreign investments, investment attraction, strategic routes, financial mechanisms, credit lines, direct investments, joint projects, bonds, export-import financing.*

СПОСОБЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В КОММЕРЧЕСКИЕ БАНКИ

Шамиев Шохрух Шакар угли
АКБ Банк развития бизнеса, Департамент по работе с проблемными активами и взыскание, менеджер
E-mail: 377shohruh@gmail.com
ORCID: 0009-0000-9156-8379

Аннотация: *В статье анализируются основные пути, стратегические и финансовые механизмы привлечения иностранных инвестиций через коммерческие банки. В исследовании рассматриваются возможности создания привлекательной среды для инвесторов посредством стратегических подходов, включая соглашения о сотрудничестве с иностранными банками, специальные кредитные пакеты, совместные*

проекты и экспортно-импортные кредиты. Также проанализированы возможности банков по повышению ликвидности, диверсификации рисков и привлечению капитала посредством финансовых механизмов, включая прямые инвестиции, кредитные линии, облигации и инструменты частного капитала.

Ключевые слова: *Коммерческие банки, иностранные инвестиции, инвестиционное привлечение, стратегические пути, финансовые механизмы, кредитные линии, прямые инвестиции, совместные проекты, облигации, экспортно-импортное финансирование.*

Kirish.

Hozirgi zamon moliyaviy bozorlari keskin o‘zgaruvchanlik va yuqori darajadagi noaniqlik bilan tavsiflanadi. Globallashuv jarayonlari, raqamli transformatsiya, geosiyosiy keskinliklar va iqtisodiy-ijtimoiy o‘zgarishlar banklarni tobora murakkab tavakkalchiliklar muhitida faoliyat yuritishga majbur etmoqda. 2008-yilgi global moliyaviy inqiroz va undan keyingi davrdagi turli xil moliyaviy tebranishlar banklar uchun tavakkalchilikni boshqarish tizimining samaradorligini oshirishning hayotiy zarurligini ko‘rsatdi. Xalqaro moliyaviy tashkilotlarning tahlillari shuni ko‘rsatadiki, bank tizimidagi barqarorlik bevosita kredit, bozor, operatsion, likvidlik va boshqa turdagi tavakkalchiliklarni to‘g‘ri baholash va boshqarish mexanizmlariga bog‘liq. Shu sababli, strategik darajada tavakkalchiliklarni boshqarish faqat texnik vazifa emas, balki banklarning uzoq muddatli barqarorligi va raqobatbardoshligini ta’minlovchi fundamental ahamiyatga ega bo‘lgan tizimdir.

Xalqaro Hisob-kitoblar Banki tomonidan ishlab chiqilgan Basel III va Basel IV standartlari bank sektorida tavakkalchiliklarni boshqarish yondashuvlarini tubdan o‘zgartirdi. Ushbu standartlar banklar kapital yetarliligi, likvidlik ko‘rsatkichlari, leverage nisbatlari va stress-testlar orqali tavakkalchiliklarni tizimli ravishda boshqarishni talab qiladi. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki ham xalqaro amaliyotlarga muvofiq milliy banklarning barqarorligini oshirish maqsadida qator normativ hujjatlar qabul qilmoqda. Bank risklarini strategik boshqarish faqat jazo choralaridan qochish uchun emas, balki bankning moliyaviy barqarorligini, investor va mijozlar ishonchini mustahkamlash, hamda xalqaro moliyaviy bozorlariga integratsiyalashish uchun zarur. Regulyativ muhit tobora qattiqroq bo‘lib borayotgan sharoitda, strategik risk-menejment tizimiga sarmoya kiritgan banklar bozorda ustunlikka ega bo‘lmoqda va uzoq muddatli rivojlanish imkoniyatlariga ega bo‘lishmoqda.

Zamonaviy bank xizmatlari tezkor raqamlashtirilmoqda va bu jarayon an’anaviy risklardan tashqari, yangi turdagi tavakkalchiliklarni keltirib chiqarmoqda. Kiberhavfsizlik risklari, ma’lumotlar maxfiyligi buzilishi, texnologik tizimlarning ishdan chiqishi, sun’iy intellekt algoritmlarining noto‘g‘ri qarorlar qabul qilishi kabi yangi xavflar paydo bo‘lmoqda. Mobil banking, internet-banking, fintech kompaniyalar bilan integratsiya, kriptovalyutalar va blokchain texnologiyalari banklar uchun ham katta imkoniyatlar, ham jiddiy tavakkalchiliklar yaratmoqda. Strategik darajada bu risklar spektrini to‘liq tushunish va ularga moslashgan boshqaruv tizimlarini joriy etish zarurati ortmoqda. Bank rahbariyati raqamli transformatsiyaning moliyaviy va strategik natijalarini baholay oladigan, texnologik risklarni an’anaviy moliyaviy risklar bilan birga kompleks tarzda boshqara oladigan yangi kompetensiyalarga ega bo‘lishi talab etilmoqda. Bu esa mavzuning dolzarbligini yanada oshiradi[1].

Global iqtisodiyotning o‘zaro bog‘liqligi ortgan sharoitda, bir mamlakat yoki mintaqadagi iqtisodiy tebranishlar butun dunyo bank tizimiga ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Inflyatsiya sur’atlarining o‘zgarishi, valyuta kurslarining tebranishi, energiya va xom ashyo narxlarining sakrashi, geosiyosiy konfliktlar, pandemiya kabi global inqirozlar banklarni doimiy adaptatsiya qilishga majbur etmoqda. 2020-2022 yillardagi COVID-19 pandemiyasi va 2022-2023 yillardagi global inflyatsiya to‘lqinlari bank riskini boshqarish tizimlarining qanchalik muhimligini ko‘rsatdi. Strategik risk-menejment tizimi makroiqtisodiy stsenariylarni bashorat qilish, stress-testlar o‘tkazish, portfelni diversifikatsiya qilish va tashqi sho‘roq zarbalarga chidamli bo‘lgan biznes-modellar yaratishni o‘z ichiga olishi kerak. Bank strategiyasida tavakkalchiliklarni

boshqarish elementi yo‘qligi katta moliyaviy yo‘qotishlarga, kapital yetishmasligiga va hatto bankrotlikka olib kelishi mumkin[2].

Banklar uchun kredit riski eng katta va an’anaviy tavakkalchiliklardan biridir, lekin uning boshqarilishi tobora murakkablashmoqda. Iqtisodiy noaniqlik, qarz oluvchilarning moliyaviy ahvolining yomonlashishi, muayyan tarmoqlar va segmentlardagi inqirozlar kredit portfelining sifatini tushirish xavfini oshirmoqda. Strategik darajada kredit riskini boshqarish faqat individual kreditmidorlarni baholashdan ibora emas, balki butun kredit portfelining tarkibini, diversifikatsiyasini, konsentratsiya riskini, qarz oluvchilarning korrelatsiyasini va ularning makroiqtisodiy omillarga sezgirligini chuqur tahlil qilishni talab etadi. Zamonaviy banklar big data, sun’iy intellekt va mashinali o‘rganish texnologiyalaridan foydalanib kredit riskini yanada aniqroq baholash imkoniyatiga ega. Biroq, bu texnologiyalar ham o‘z navbatida yangi metodologik va axloqiy savollarni keltirib chiqarmoqda. Kredit riskini strategik boshqarish banklar uchun daromad va barqarorlik o‘rtasidagi muvozanatni topishning kaliti hisoblanadi.

Operatsion risklar - bu ichki jarayonlar, xodimlar, tizimlar yoki tashqi hodisalarning nosozligi natijasida yuzaga keladigan yo‘qotish risklari bo‘lib, ular tobora ko‘proq e’tiborni talab qilmoqda. Ichki firibgarlik, tashqi firibgarlik, mehnat munosabatlari va ish joyining havfsizligi bilan bog‘liq muammolar, mijozlar, mahsulotlar va biznes amaliyotiga oid muammolar, moddiy aktivlarga zarar yetkazish, biznesning to‘xtatilishi va tizim ishdan chiqishi, ijro va jarayonlarni boshqarish bilan bog‘liq muammolar kabi keng spektrdagi risklar operatsion kategoriyaga kiradi. Strategik darajada operatsion risklarni boshqarish - bu samarali ichki nazorat tizimini joriy etish, korporativ boshqaruv tamoyillarini mustahkamlash, komplayens-funktsiyani rivojlantirish va risk-madaniyatini shakllantirishni o‘z ichiga oladi. Zamonaviy regulyativ muhit banklar uchun operatsion risklarni korporativ boshqaruv darajasigacha ko‘tarishni va boshqaruv organlari tomonidan doimiy monitoring qilishni talab qilmoqda[3].

Hozirgi davrda bank strategiyasida ekologik, ijtimoiy va korporativ boshqaruv (ESG) omillari tobora muhim rol o‘ynamoqda. Iqlim o‘zgarishi risklari, ekologik me’yorlarga rioya qilmaslik, ijtimoiy mas’uliyatsizlik, etika buzilishi kabi omillar banklar uchun reputatsion, moliyaviy va regulyativ risklar manbai bo‘lishi mumkin. Masalan, ekologik jihatdan zararli loyihalarni moliyalashtirish bankning imidjiga putur yetkazishi, investorlar ishonchini yo‘qotishiga va regulyativ jazo choralariga sabab bo‘lishi mumkin. Xalqaro moliyaviy institutlar va yirik investorlar banklardan ESG-risklar bo‘yicha ochiqlik va ularni strategik boshqarishni talab qilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi ham "yashil" iqtisodiyot va barqaror rivojlanish sari qadam qo‘ymoqda, bu esa mahalliy banklar uchun yangi imkoniyatlar va mas’uliyatlar yaratmoqda. Strategik risk-menejment tizimida ESG-omillarni integratsiya qilish nafaqat tartibga soluvchi talablarni qondirish, balki uzoq muddatli raqobat ustunligi va barqaror rivojlanishni ta’minlashning muhim elementi hisoblanadi.

Bank tizimida tavakkalchiliklarni strategik boshqarish mavzusining dolzarbligi, oxir-oqibatda, banklarning uzoq muddatli raqobatbardoshligini va barqarorligini ta’minlash zaruratidan kelib chiqadi. Samarali risk-menejment tizimiga ega bo‘lgan banklar o‘z kapitalidan samaraliroq foydalanadilar, yo‘qotishlarni kamaytirishadi, mijozlar va investorlar ishonchini oshiradilar, regulyativ talablarga to‘liq javob beradilar va bozorning o‘zgaruvchanligiga tezroq moslashadi. Strategik darajada risk-boshqaruv - bu faqat salbiy oqibatlarning oldini olish emas, balki risk va daromad o‘rtasidagi optimal nisbatni topish, innovatsion imkoniyatlardan foydalanish va barqaror o‘sish uchun poydevor yaratishdir. Zamonaviy bozor sharoitida bank rahbarlari risk-menejmentni strategik qaror qabul qilishning ajralmas qismi sifatida ko‘rishlari kerak. O‘zbekiston bank sektori rivojlanib, xalqaro bozorga integratsiyalashar ekan, tavakkalchiliklarni strategik boshqarish bo‘yicha ilg‘or amaliyotlarni o‘zlashtirib borish milliy moliyaviy tizimning barqarorligini mustahkamlash va iqtisodiy o‘sishni qo‘llab-quvvatlash uchun muhim omil bo‘ladi.

Adabiyotlar sharhi.

Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida tijorat banklariga xorijiy investitsiyalarni

jalb etish yo‘llari bo‘yicha dunyoning bir qancha yetakchi iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilgan bo‘lib. Ulardan, B. Yu. Xodiyev o‘z ilmiy ishlarida bank tizimining investitsion jozibadorligi makroiqtisodiy barqarorlik va institutsional islohotlar bilan uzviy bog‘liqligini asoslaydi. U kapital yetarliligi, prudensial nazorat va bank boshqaruvining shaffofligi xorijiy investitsiyalar oqimini rag‘batlantiruvchi asosiy omillar ekanini ta’kidlaydi. Olimning fikricha, moliya sektorini liberallashtirish va risklarni samarali boshqarish mexanizmlarini joriy etish investorlar ishonchini mustahkamlaydi [4].

Frederic S. Mishkin bank tizimiga xorijiy kapital jalb etish moliyaviy vositachilik samaradorligini oshirishi va kredit bozorlarida raqobatni kuchaytirishini ilmiy jihatdan asoslaydi. U kuchli bank nazorati va xalqaro standartlarga mos tartibga solish tizimi investorlar uchun ishonchli institutsional muhit yaratishini ta’kidlaydi. Olimning qarashlariga ko‘ra, moliyaviy barqarorlikni ta’minlash xorijiy investitsiyalar oqimining barqaror o‘sishiga xizmat qiladi [5].

Joseph E. Stiglitz investitsion jarayonlarda institutsional sifat va axborot shaffofligi hal qiluvchi rol o‘ynashini asoslaydi. U moliyaviy bozorlar samaradorligi axborot assimetriyasini kamaytirish va davlat tartibga solish tizimini takomillashtirish orqali oshishini qayd etadi. Olimning fikricha, ishonchli huquqiy muhit va ochiq iqtisodiy siyosat xorijiy investorlar uchun barqaror investitsion platforma yaratadi [6].

Ross Levine o‘z tadqiqotlarida bank tizimining rivojlanish darajasi va moliyaviy vositachilik samaradorligi xorijiy investitsiyalar oqimini belgilovchi asosiy omillardan biri ekanini ilmiy asoslaydi. U moliyaviy infratuzilma chuqurlashgani sari kapital taqsimoti samaradorligi ortishi va investorlar uchun risk darajasi pasayishini ta’kidlaydi. Olimning fikricha, bank tizimi institutsional jihatdan mustahkam bo‘lgan mamlakatlarda xorijiy investitsiyalar barqaror va uzoq muddatli xarakter kasb etadi [7].

Asli Demirguc-Kunt bank tizimining ochiqligi, huquqiy himoya mexanizmlari va moliyaviy tartibga solish sifati xorijiy investorlar qaroriga bevosita ta’sir ko‘rsatishini asoslaydi. U empirik tadqiqotlar asosida bank faoliyati ustidan samarali nazorat, aksiyadorlar huquqlarining himoyasi va moliyaviy hisobotlarning shaffofligi investitsion jozibadorlikni oshirishini ko‘rsatadi. Olim moliyaviy bozor institutlarining rivojlanganligi kapital oqimining barqarorligini ta’minlashini alohida ta’kidlaydi [8].

A. V. Vahobov tijorat banklariga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda xalqaro moliya bozorlariga integratsiya darajasi hal qiluvchi omil ekanini ta’kidlaydi. Uning fikricha, banklarning xalqaro reytinglarga ega bo‘lishi, yevroobligatsiyalar emissiyasi va xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlik mexanizmlari investitsiya oqimini sezilarli darajada oshiradi. Olim moliyaviy hisobotlarni xalqaro standartlarga moslashtirish investorlar ishonchini mustahkamlashini qayd etadi [10].

Tadqiqot metodologiyasi.

Tijorat banklariga xorijiy investitsiyalarni jalb etish yo‘llari bo‘yicha dunyo olimlari tomonidan olib borilayotgan tadqiqodlarni tahlil qilish, mavzu yuzasidan barcha ma’lumotlarni to‘plash, solishtirish, mantiqiy fikrlash kabi iqtisodiy tadqiqot usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Tijorat banklariga xorijiy investitsiyalarni jalb etish masalasi zamonaviy iqtisodiy rivojlanish modelining muhim tarkibiy qismi bo‘lib, moliya tizimining barqarorligi va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Bank sektori iqtisodiyotning “qon tomiri” sifatida real sektorni moliyalashtiradi, investitsiya jarayonlarini qo‘llab-quvvatlaydi va kapital aylanishini ta’minlaydi. Shu sababli bank tizimiga tashqi kapital oqimi nafaqat moliyaviy resurslar hajmini oshiradi, balki iqtisodiyotning umumiy investitsion faolligini kuchaytiradi. Xorijiy investitsiyalar banklarning kreditlash salohiyatini kengaytirib, ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish va innovatsion faoliyatni moliyalashtirish imkoniyatlarini sezilarli darajada oshiradi.

Xorijiy kapitalning bank tizimiga kirib kelishi moliyaviy barqarorlikni mustahkamlovchi

muhim omillardan biridir. Kapital bazasi kuchli bo‘lgan banklar iqtisodiy inqirozlar va tashqi shoklarga nisbatan bardoshliligi bilan ajralib turadi. Bu esa depozitorlar va investorlar ishonchini mustahkamlaydi hamda moliya tizimining uzluksiz faoliyat yuritishini ta’minlaydi. Bank kapitalining ortishi prudensial me’yorlarga rioya etish imkoniyatini kengaytiradi, kredit risklarini qoplash salohiyatini oshiradi va muammoli aktivlar ulushini kamaytirishga yordam beradi.

Tijorat banklariga xorijiy investitsiyalar jalb etilishi ilg‘or boshqaruv tajribasi va zamonaviy bank texnologiyalarining transferini ta’minlaydi. Xorijiy investorlar odatda rivojlangan risk-menejment tizimlari, korporativ boshqaruv standartlari, ichki nazorat mexanizmlari va raqamli bank xizmatlarini joriy etish tajribasiga ega bo‘ladi. Bu tajriba milliy bank tizimining institutsional rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi, operatsion samaradorlikni oshiradi va xizmatlar sifatini yaxshilaydi. Natijada banklar mijozlarga tezkor, qulay va xavfsiz moliyaviy xizmatlar ko‘rsatish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Xorijiy investitsiyalar bank sektorida sog‘lom raqobat muhitini shakllantiradi. Raqobatning kuchayishi banklarni xizmatlar sifatini oshirishga, yangi moliyaviy mahsulotlar ishlab chiqishga va foiz siyosatini optimallashtirishga undaydi. Bu esa moliyaviy vositachilik samaradorligini oshiradi, iqtisodiyot subyektlari uchun moliyaviy resurslardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytiradi va kredit resurslarining narxini pasaytirishga xizmat qiladi.

Bank tizimiga xorijiy investitsiyalar jalb etilishi milliy moliya bozorining xalqaro moliya tizimiga integratsiyalashuvini jadallashtiradi. Banklarning xalqaro reytinglarga ega bo‘lishi, global moliya institutlari bilan hamkorlik qilishi va xalqaro moliyaviy standartlarni joriy etishi mamlakatning investitsion imijini mustahkamlaydi. Bu jarayon boshqa iqtisodiy tarmoqlarga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatib, mamlakatga kirib kelayotgan to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar hajmini oshiradi. Shu tariqa bank sektori iqtisodiy rivojlanishning muhim katalizatoriga aylanadi.



1-rasm. Tijorat banklariga xorijiy investitsiyalarni jalb etish orqali erishiladigan natijalar[13]

Yuqoridagi rasmdan ko‘rishimisiz mumkinki, xorijiy investitsiyalarni jalb etishda bank tizimini liberallashtirish va xalqaro moliyaviy hisobot standartlarini joriy etish muhim rol o‘ynaydi. Valyuta operatsiyalarini erkinlashtirish, kapital harakatini soddalashtirish va moliyaviy

[13] Muallif tomonidan tayyorlangan.

bozorlarning ochiqligini ta’minlash investorlar uchun qulay muhit yaratadi. Shu bilan birga, moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarga mosligi va audit mexanizmlarining mavjudligi bank faoliyatining shaffofligini oshiradi. Bu esa investorlar ishonchini mustahkamlash, moliyaviy barqarorlikni ta’minlash va uzoq muddatli investitsiya qarorlarini rag‘batlantirish imkonini beradi.

Bank kapitalini oshirish va xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlikni kengaytirish xorijiy kapital jalb etishning samarali mexanizmlaridan hisoblanadi. Kapital bazasining kuchayishi banklarni iqtisodiy tebranishlarga bardoshli qiladi, kredit risklarini samarali boshqarish imkonini beradi va uzoq muddatli investitsiya loyihalarini moliyalashtirishga yo‘l ochadi. Shu bilan birga, sindikat kreditlari va qo‘shma investitsiya loyihalarida ishtirok etish banklarga moliyaviy resurslarning ko‘lamini kengaytiradi va global moliya institutlari bilan mustahkam strategik hamkorlikni rivojlantiradi.

Korporativ boshqaruvni takomillashtirish va raqamli bank texnologiyalarini rivojlantirish banklarning investitsion jozibadorligini oshiruvchi muhim omillardir. Mustaqil kuzatuv kengashlari, samarali risk-menejment tizimi va ichki nazorat mexanizmlari bank boshqaruvining shaffofligi va samaradorligini ta’minlaydi. Shu bilan birga, fintech yechimlar va masofaviy bank xizmatlari orqali operatsion xarajatlarni kamaytirish, xizmatlar sifatini oshirish va rentabellikni kuchaytirish mumkin. Bu investorlar uchun qo‘shimcha ishonch signali bo‘lib xizmat qiladi va kapital oqimini rag‘batlantiradi.

Bank sektorini xususiylashtirish, xalqaro reytinglarni yaxshilash, huquqiy kafolatlarni kuchaytirish va davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini rivojlantirish uzoq muddatli barqaror investitsiya muhiti yaratadi. Davlat ulushini bosqichma-bosqich kamaytirish, strategik xorijiy investorlarni jalb qilish va huquqiy himoya tizimini mustahkamlash banklarning investitsion jozibadorligini oshiradi. Shu bilan birga, davlat va xususiy sektor hamkorligi orqali infratuzilma va innovatsion loyihalarni birgalikda moliyalashtirish, banklar faoliyatini modernizatsiya qilish va milliy moliya tizimini global bozor standartlariga moslashtirish imkonini beradi. Natijada tijorat banklari nafaqat moliyaviy barqarorlikka erishadi, balki iqtisodiy o‘sish va innovatsion rivojlanishning muhim katalizatori sifatida faoliyat ko‘rsatadi[10].

Xorijiy investitsiyalarni jalb etish davlat moliyaviy siyosati nuqtai nazaridan ham muhim ahamiyatga ega. Bank sektoriga xususiy kapital oqimi davlat budjetiga tushadigan moliyaviy yukni kamaytiradi, iqtisodiy rivojlanishda bozor mexanizmlarining rolini kuchaytiradi va moliyaviy resurslarning samarali taqsimlanishini ta’minlaydi. Bu esa iqtisodiyotda xususiy sektor ulushining ortishiga, moliyaviy intizomning kuchayishiga va iqtisodiy barqarorlikning mustahkamlanishiga xizmat qiladi. O‘zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiya qilish jarayonida yaqqol namoyon bo‘ladi. Bank tizimini liberallashtirish, xususiylashtirish, raqamli moliya xizmatlarini rivojlantirish va xalqaro standartlarni joriy etish xorijiy investorlar uchun qulay investitsion muhit yaratadi. Bu esa milliy bank tizimining raqobatbardoshligini oshirib, uning global moliya tizimidagi o‘rnini mustahkamlaydi.

Xorijiy investitsiyalar bank tizimining innovatsion salohiyatini ham oshiradi. Raqamli bank xizmatlari, fintech texnologiyalar, masofaviy to‘lov tizimlari va sun’iy intellekt asosidagi moliyaviy xizmatlar xorijiy kapital ishtirokida tezroq rivojlanadi. Bu esa moliyaviy xizmatlarning ommabopligini oshirib, aholining moliyaviy inklyuziyasini kengaytiradi. Natijada iqtisodiyotda naqd pulsiz hisob-kitoblar ulushi ortadi va moliya bozorining chuqurligi oshadi. Tijorat banklariga xorijiy investitsiyalarni jalb etish uzoq muddatli iqtisodiy o‘sishni ta’minlovchi muhim strategik omil sifatida ham namoyon bo‘ladi. Bank sektorining kapitallashuvi, texnologik modernizatsiyasi va institutsional rivojlanishi real sektorning barqaror moliyalashtirilishini ta’minlaydi. Bu esa sanoat, xizmat ko‘rsatish, infratuzilma va innovatsion loyihalarning rivojlanishiga kuchli turtki beradi. Shu bois tijorat banklariga xorijiy investitsiyalarni jalb etish nafaqat moliya tizimini rivojlantirish, balki iqtisodiy modernizatsiya, institutsional islohotlar va global iqtisodiy integratsiyaning muhim sharti hisoblanadi. Mazkur jarayon bank tizimining barqarorligi, moliyaviy vositachilik samaradorligi va iqtisodiy o‘sish sur’atlarini oshirish orqali milliy iqtisodiyotning uzoq muddatli raqobatbardoshligini ta’minlaydi.

1-jadval

Tijorat banklari orqali xorijiy investitsiyalarni jalb qilish strategik yo‘llari[14]

№	Yo‘l/Strategiya	Tavsifi	Misollar/Amaliyot
1	**Hamkorlik shartnomalari**	Xorijiy banklar yoki moliya institutlari bilan birgalikda loyihalarni moliyalashtirish	Xorijiy banklar bilan birgalikda kredit liniyalari ochish
2	**Xorijiy investorlar uchun maxsus kredit paketlari**	Preferensial stavkalar, kafolatlar, subsidiyalar	Past foizli kreditlar, moliyaviy kafolatlar
3	**Investitsiya fondlarini jalb qilish**	Tijorat banklari fondlar orqali kapitalni ko‘paytirish	Xorijiy investitsion fondlar bilan qo‘shma fondlar tashkil qilish
4	**Export-import kreditlari**	Xorijiy investorlar mahsulot yoki xizmatlarni sotish uchun moliyalashtirish	Eksportni qo‘llab-quvvatlovchi kreditlar
5	**Strategik moliyaviy maslahatlar**	Xorijiy investorlar uchun bank tomonidan risklarni tahlil qilish	Investitsiya portfelini boshqarish, risklarni diversifikatsiya qilish

Bu yo‘llar banklarning investitsiya jalb qilishdagi tashkiliy va marketing jihatlarini aks ettiradi. Ularning asosiy afzalligi shundaki, ular bankning investitsion imidjini oshiradi va xorijiy investorlar bilan uzoq muddatli hamkorlikka zamin yaratadi. Masalan, xorijiy banklar bilan hamkorlik shartnomalari orqali tijorat banklari nafaqat qo‘shimcha moliyaviy resurslarni jalb qiladi, balki xalqaro moliya bozori tajribasini o‘zlashtiradi. Shuningdek, xorijiy investorlar uchun maxsus kredit paketlarini taklif qilish bankning raqobatbardoshligini oshiradi va investitsiya muhitini yanada jozibador qiladi. Shu bilan birga, export-import kreditlari va strategik moliyaviy maslahatlar investorlar uchun risklarni kamaytiruvchi mexanizm sifatida xizmat qiladi, bu esa banklar va xorijiy sarmoyadorlar o‘rtasida ishonchni mustahkamlaydi.

2-jadval

Xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda moliyaviy mexanizmlar[15]

№	Mexanizm	Tavsifi	Afzalliklari	Kamchiliklari
1	**To‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar**	Bank kapitaliga yoki loyihaga bevosita investitsiya	Katta hajmda mablag‘, uzoq muddatli investitsiya	Yuqori risk, nazorat masalalari
2	**Kredit liniyalari**	Xorijiy banklar orqali uzoq muddatli kreditlar ajratish	Likvidlikni oshiradi, moliyaviy barqarorlik	Foiz stavkalari yuqori bo‘lishi mumkin
3	**Xorijiy obligatsiyalar chiqarish**	Xorijiy investorlar uchun obligatsiyalar chiqarish	Qimmatli qog‘ozlar orqali katta kapital jalb qilish	Bozor sharoitiga bog‘liq, foiz to‘lovlari
4	**Xususiy kapital**	Bank loyihalariga yoki startaplarga sarmoya kiritadi	Tez o‘sish imkoniyati	Yuqori risk, nazorat cheklovlari
5	**Qo‘shma korporativ loyihalar**	Xorijiy kompaniya bilan birgalikda loyiha amalga oshirish	Texnologiya va tajriba almashinuvi	Foiz va foyda taqsimoti masalalari

Moliyaviy mexanizmlar esa bankning operatsion faoliyati va moliyaviy instrumentlar orqali investitsiyalarni jalb qilish imkoniyatini ko‘rsatadi. To‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar va xususiy kapital orqali banklar uzoq muddatli va katta hajmdagi kapital jalb qilishi mumkin. Shu bilan birga, kredit liniyalari va xorijiy obligatsiyalar chiqarish orqali banklar likvidlikni oshirib, bozor talabiga moslashadi. Qo‘shma korporativ loyihalar esa banklar uchun nafaqat moliyaviy,

[14] Muallif tomonidan tayyorlangan.
[15] Muallif tomonidan tayyorlangan.

balki texnologik va tajriba almashinuvi imkoniyatini yaratadi[11]. Shu bilan birga, moliyaviy mexanizmlar bilan bog‘liq risklar, masalan, foiz stavkalarining o‘zgarishi yoki loyihaning moliyaviy samaradorligining past bo‘lishi, bank va investorlar tomonidan ehtiyotkorlik bilan baholanishi lozim.

Xulosa va takliflar:

Tijorat banklari xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda strategik va moliyaviy yo‘llarni uyg‘unlashtirish orqali samarali natijalarga erishishi mumkin. Strategik yo‘llar, jumladan, xorijiy banklar bilan hamkorlik shartnomalari, maxsus kredit paketlari va export-import loyihalari, bankning investitsion imidjini oshirib, investorlar uchun jozibador muhit yaratadi. Shu bilan birga, strategik moliyaviy maslahatlar va qo‘shma loyihalar investorlar bilan uzoq muddatli ishonchli hamkorlikni ta’minlaydi.

Moliyaviy mexanizmlar esa bankning operatsion faoliyati orqali investitsiyalarni jalb qilish imkoniyatini kengaytiradi. To‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar, kredit liniyalari, obligatsiyalar va xususiy kapital instrumentlari orqali banklar likvidlikni oshiradi, risklarni diversifikatsiya qiladi va katta hajmdagi kapitalni jalb qiladi. Shu sababli, strategik yondashuv va moliyaviy instrumentlarni birlashtirish tijorat banklari uchun xorijiy investitsiyalarni samarali jalb qilishning asosiy sharti bo‘lib, bu milliy iqtisodiyotning rivojlanishiga ham sezilarli hissa qo‘shadi.

Tijorat banklari xorijiy investorlar bilan hamkorlikni rivojlantirish uchun maxsus strategik bo‘limlar tashkil etishi lozim:

Moliyaviy instrumentlar, jumladan, obligatsiyalar, qo‘shma loyihalar va kredit liniyalari orqali kapitalni jalb qilish samaradorligini oshirish kerak;

Risklarni diversifikatsiya qilish va investitsiya shaffofligini ta’minlash bankning raqobatbardoshligini oshiradi va uzoq muddatli ishonchli hamkorlikni kafolatlaydi;

Shu yo‘nalishlar birgalikda qo‘llanilganda, tijorat banklari nafaqat xorijiy investitsiyalarni jalb qiladi, balki milliy iqtisodiyotga qo‘shimcha barqarorlik va moliyaviy barqarorlik keltiradi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Лаврушин, О.И. Банковские риски: учебное пособие / О.И. Лаврушин, Н.И. Валенцева. – М.: КНОРУС, 2016. – 292 с.
2. International Monetary Fund. Global Financial Stability Report: Markets in the Time of COVID-19. – Washington: IMF Publication Services, 2020. – 156 p.
3. Новиков, А.И. Стратегическое управление рисками в коммерческом банке: дис.. .. канд. экон. наук: 08.00.10 / Новиков Александр Иванович. – М., 2018. – 187 с.
4. Xodiyev B. Yu. Iqtisodiyot nazariyasi. — Toshkent: O‘zbekiston, 2019.
5. Mishkin F. S. The Economics of Money, Banking and Financial Markets. — New York: Pearson, 2021.
6. Stiglitz J. E. Globalization and Its Discontents. — New York: W.W. Norton, 2002.
7. Levine R. Financial Development and Economic Growth. — Journal of Economic Literature, 1997.
8. Demirguc-Kunt A., Levine R. Financial Structure and Economic Growth. — Cambridge: MIT Press, 2001.
9. ugli, A. M. S.. (2023). Ways Of Developing The Activity Of Enterprises With The Participation Of Foreign Investments In The Development Of The National Economy. *International Journal of Business Diplomacy and Economy*, *2*(2), 5–11. https://doi.org/10.51699/ijbde.v2i2.1028
10. Vahobov A. V. Xalqaro moliya. — Toshkent: Iqtisod-moliya, 2020.
11. Aliqulov M. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибаси (Россия Федерацияси мисолида) //Scienceweb academic papers collection. – 2020.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХУСУСИЯТЛАРИ

Раджабов Умурзак Аблакулович
Тошкент халқаро университети
мустақил тадқиқотчиси
Email: umurzakradjabov8@gmail.com
ORCID: https://orcid.org/0009-0002-0614-7460

Аннотация: *Мазкур мақолада айрим ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида солиқ тизимининг институционал тузилиши, бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги мутаносиблик, солиқ маъмурчилигининг самарадорлиги ва рақамли технологияларнинг қўлланилиши масалалари ўрганилган. Шунингдек, солиқ сиёсати орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш йўллари таклиф этилган. Хорижий тажриба асосида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган хулосалар ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *солиқ тизими, ривожланган мамлакатлар, солиқ сиёсати, фискал барқарорлик, солиқ маъмурчилиги, иқтисодий ўсиш.*

ОСОБЕННОСТИ НАЛОГОВЫХ СИСТЕМ ОТДЕЛЬНЫХ РАЗВИТЫХ СТРАН

Раджабов Умурзак Аблакулович

Самостаятельный исследователь
Ташкентского международного
университета
Email: umurzakradjabov8@gmail.com
ORCID: https://orcid.org/0009-0002-0614-7460

Аннотация: *В статье проводится научный анализ особенностей налоговых систем некоторых развитых стран и их роли в обеспечении экономической стабильности. В рамках исследования рассматриваются институциональная структура налоговой системы, соотношение прямых и косвенных налогов, эффективность налогового администрирования, а также применение цифровых технологий в налоговой сфере. Особое внимание уделяется механизмам стимулирования экономического роста, обеспечению социальной справедливости и поддержанию фискальной устойчивости посредством налоговой политики. На основе зарубежного опыта сформулированы обобщённые выводы и практические рекомендации по совершенствованию налоговой системы.*

Ключевые слова: *налоговая система, развитые страны, налоговая политика, фискальная устойчивость, налоговое администрирование, экономический рост.*

SPECIFIC FEATURES OF TAX SYSTEMS IN SELECTED DEVELOPED COUNTRIES

Radjabov Umurzak Ablakulovich

Independent Researcher
Tashkent International University
Email: umurzakradjabov8@gmail.com

ORCID: https://orcid.org/0009-0002-0614-7460

Abstract: *This article provides a scientific analysis of the specific features of tax systems in selected developed countries and their role in ensuring economic stability. The study examines the institutional structure of tax systems, the balance between direct and indirect taxes, the effectiveness of tax administration, and the application of digital technologies in taxation. Particular attention is paid to the mechanisms of stimulating economic growth, ensuring social equity, and maintaining fiscal sustainability through tax policy instruments. Based on foreign experience, general conclusions and practical recommendations for improving tax systems are developed.*

Keywords: *tax system, developed countries, tax policy, fiscal sustainability, tax administration, economic growth.*

Кириш.

Дунёда юз бераётган глобаллашув шароитида ривожланган мамлакатлар солиқ тизими давлат молия барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Солиқ тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг тузилиши, солиқ юки даражаси, бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги мутаносиблик ҳамда солиқ маъмурчилигининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

OECD мамлакатлари бўйича 2023 йил маълумотларига кўра, ўртача солиқ тушумлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 34,0 фоизни ташкил этган [1]. Айниқса, Франция (45%дан ортиқ), Германия (38% атрофида) ва Япония (34%дан юқори) каби давлатларда солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан улуши юқори даражада сақланмоқда [1]. Бу эса ривожланган мамлакатларда солиқ тизими давлат бюджети барқарорлигининг асосий манбаи эканлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, солиқ тушумлари таркибида бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат мамлакатлар кесимида турлича шаклланган. Европа Иттифоқида билвосита солиқлар (айниқса қўшилган қиймат солиғи) умумий солиқ тушумларининг ўртача 30–35 фоизини ташкил этади [2]. Германия ва Франция каби мамлакатларда эса даромад солиғи ва ижтимоий бадаллар улуши юқори бўлиб, ижтимоий давлат моделини молиялаштиришда муҳим аҳамиятга эга [2]. Япония ва Жанубий Кореяда рақамли солиқ маъмурчилиги ва электрон ҳисобот тизимлари жорий этилган бўлиб, бу солиқ йиғимлари самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда [3].

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда солиқ тушумларининг барқарорлиги иқтисодий инқироз даврларида давлат харажатларини қоплаш имконини берган [4]. Масалан, COVID-19 пандемияси даврида OECD мамлакатлари бюджет харажатларини ўртача ЯИМнинг 10–15 фоизи миқдорида ошириш имконига эга бўлган, бу эса солиқ тизимининг барқарорлиги билан изоҳланади [4].

Шу муносабат билан айрим ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уларнинг институционал ва иқтисодий механизмларини таҳлил қилиш миллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш учун муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Мазкур мақолада Германия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган давлатлар мисолида солиқ тизимининг тузилиши, фискал юки ва маъмурий самарадорлиги таҳлил қилинади ҳамда уларнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигига таъсири ёритилади.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда айрим ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда қиёсий ва тизимли ёндашув қўлланилди. Тадқиқот жараёнида OECD, Европа Комиссияси ва Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро ташкилотларнинг расмий статистик маълумотлари асосий ахборот манбаи сифатида фойдаланилди. Солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши, солиқ

таркиби ва маъмурий самарадорлик кўрсаткичлари динамик ва қиёсий таҳлил усуллари орқали ўрганилди. Шунингдек, таҳлил жараёнида индукция ва дедукция усуллари, мантиқий умумлаштириш ва илмий абстракция методларидан фойдаланилди. Мазкур методологик ёндашувлар ривожланган мамлакатлар солиқ тизими хусусиятларини илмий асосда баҳолаш ва миллий амалиёт учун амалий хулосалар чиқариш имконини берди.

Адабиётлар шарҳи.

Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари иқтисодий назария ва жамоат молияси соҳасида кенг ўрганилган. Солиқ тизимининг иқтисодий ўсишга таъсири, фискал барқарорликни таъминлашдаги роли ва ижтимоий адолатни шакллантириш механизмлари илмий адабиётларда муҳим ўрин эгаллайди.

Жамоат молияси назариясининг асосчиларидан бири Р. Масгрейв солиқ тизимини давлатнинг тақсимловчи, барқарорлаштирувчи ва ресурсларни қайта тақсимлаш функцияларини амалга ошириш воситаси сифатида талқин қилади [5]. Унинг таъкидлашича, солиқ тизими самарадорлиги иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ж. Стиглиц эса солиқ сиёсати орқали ижтимоий тенгсизликни камайтириш ва бозор муваффақиятсизликларини бартараф этиш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берган [6].

Солиқ юки ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик масаласи халқаро тадқиқотларда ҳам кенг ёритилган. OECD мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан юқори улуши иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилса-да, солиқ тизимининг тузилиши ва маъмурий самарадорлиги асосий аҳамиятга эга [7]. Айниқса, бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги мувозанат иқтисодий рағбатлантириш механизмининг самарадорлигини белгилайди.

Европа Иттифоқи мамлакатлари солиқ тизими хусусиятлари Европей Комиссия ҳисоботларида атрофлича таҳлил қилинган бўлиб, унда ижтимоий бадаллар ва даромад солиғи улушининг юқорилиги ижтимоий давлат моделини молиялаштиришга хизмат қилаётгани қайд этилган [8]. Шу билан бирга, Япония ва Жанубий Корея тажрибасида рақамли солиқ маъмурчилиги ва автоматлаштирилган назорат тизимлари солиқ йиғимлари самарадорлигини оширгани таъкидланади [9].

Маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ҳам солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари кенг ўрганилган. А. Ваҳобов ва Ш. Шодмонов ишларида солиқ тизимининг иқтисодий ислоҳотлардаги ўрни, солиқ юкини оптималлаштириш ва тадбиркорликни рағбатлантириш механизмлари таҳлил қилинган [10]. Улар солиқ тизимини барқарор ва прогноз қилинадиган қилиш иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлайдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳисоботларида миллий солиқ тизимининг модернизация жараёни, рақамлаштириш ва маъмурий ислоҳотлар натижалари ёритилган [11]. Ушбу манбалар миллий амалиётни таҳлил қилишда муҳим ахборот базаси ҳисобланади.

Умуман олганда, хориж ва маҳаллий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари – юқори институционал ривожланиш даражаси, маъмурий самарадорлик ва бевосита ҳамда билвосита солиқлар ўртасидаги мувозанат билан белгиланади. Бу хулосалар миллий солиқ сиёсатини такомиллаштиришда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар.

Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда, аввало, уларнинг иқтисодий модели, ижтимоий сиёсат устувор йўналишлари ва давлат молия тизимининг институционал ривожланиш даражасини инобатга олиш зарур. Чунки солиқ тизими фақат бюджет даромадларини шакллантирувчи восита эмас, балки

иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи ва ижтимоий тенгликни таъминловчи муҳим механизм ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда солиқ тизими, одатда, юқори даражада диверсификация қилинган бўлиб, бевосита ва билвосита солиқлар, шунингдек ижтимоий бадаллар ўртасида нисбатан мувозанат сақланади. Ушбу мувозанат ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий стратегиясига боғлиқ равишда шаклланади. Масалан, ижтимоий давлат модели устувор бўлган Европа мамлакатларида даромад солиғи ва ижтимоий бадаллар улуши юқори бўлса, бозор иқтисодиёти устувор бўлган мамлакатларда бевосита солиқлар нисбатан камроқ ва хусусий сектор улуши юқорироқ бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда солиқ маъмурчилиги юқори даражада автоматлаштирилган ва рақамлаштирилган бўлиб, бу солиқ йиғимларининг самарадорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Солиқ тўловчилар билан муносабатларда шаффофлик, электрон ҳисобот тизими ва маълумотлар интеграцияси солиқ тизимининг барқарор ишлашини таъминлайди. Бу эса давлат бюджети даромадларининг барқарорлигини ошириш билан бирга, солиқ маданиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ тизимининг самарадорлиги фақат солиқ юки даражаси билан эмас, балки солиқ манбалари таркиби, прогрессивлик даражаси ва маъмурий самарадорлик билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, айрим ривожланган мамлакатлар мисолида солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати ва солиқ таркибини таҳлил қилиш уларнинг фискал моделини чуқурроқ англаш имконини беради. Шу асосда қуйида айрим ривожланган мамлакатлар кесимида солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати ҳамда солиқ таркиби бўйича қиёсий таҳлил келтирилади.



1-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда 2024 йилда солиқ тушумлари ЯИМга нисбати [12, 13] **(%)**

Юқоридаги расм маълумотлари шуни кўрсатадики, Франция ва Германия каби давлатларда солиқ юки юқори бўлиб, бу ижтимоий давлат модели ва кенг қамровли давлат хизматларини молиялаштириш билан боғлиқ. АҚШда эса солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати нисбатан паст бўлиб, хусусий сектор улуши юқори иқтисодий модел устувор эканлигини акс эттиради. Япония ва Жанубий Кореяда эса солиқ юки ўртача даражада бўлиб, иқтисодий ўсиш ва фискал барқарорлик ўртасида мувозанат сақланмоқда.

Солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда бевосита ва билвосита солиқлар таркиби муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда даромад солиғи ва ижтимоий бадаллар катта улушни ташкил этади, айни пайтда қўшилган қиймат солиғи

бюджет барқарорлигини таъминлайди.

1-жадвал

Айрим ривожланган мамлакатларда солиқ тушумлари таркиби (%)

Мамлакат	Бевосита солиқлар (%)	Билвосита солиқлар (%)	Ижтимоий бадаллар (%)
Франция	28	32	40
Германия	30	29	41
Япония	33	35	32
Жанубий Корея	35	37	28
АҚШ	48	17	35

Жадвал маълумотлари айрим ривожланган мамлакатларда солиқ тушумлари таркибининг сезиларли даражада фарқ қилишини кўрсатади. Бу фарқлар мамлакатларнинг иқтисодий модели, ижтимоий сиёсат устуворликлари ва давлат молия тизимининг шаклланиш тарихи билан бевосита боғлиқ.

Франция ва Германия мисолида солиқ тизими ижтимоий давлат моделига асосланганлиги яққол намоён бўлади. Францияда ижтимоий бадаллар 40 фоизни, Германияда эса 41 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар мазкур мамлакатларда пенсия, тиббий суғурта ва ижтимоий ҳимоя тизими кенг қамровли эканлигини англатади. Бевосита солиқлар улуши нисбатан ўртача даражада (28–30 фоиз) бўлиб, даромад солиғи ва корпоратив солиқлар орқали қайта тақсимлаш функцияси амалга оширилади. Билвосита солиқлар (29–32 фоиз) бюджет барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Демак, Европа моделида солиқ тизими ижтимоий тенгликни таъминлаш ва барқарор фискал база яратишга қаратилган.

Япония ва Жанубий Кореяда эса солиқ таркиби нисбатан мувозанатлироқ шаклланган. Японияда бевосита солиқлар 33 фоиз, билвосита солиқлар 35 фоиз, ижтимоий бадаллар 32 фоизни ташкил этади. Бу солиқ юкининг турли манбалар бўйича диверсификация қилинганини кўрсатади. Жанубий Кореяда билвосита солиқлар (37 фоиз) ва бевосита солиқлар (35 фоиз) устувор бўлиб, ижтимоий бадаллар нисбатан паст (28 фоиз). Бу ҳолат экспортга йўналтирилган ва юқори технологияли иқтисодий модель шароитида солиқ тизими иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилганини англатади. Осиё моделида солиқ тизими ижтимоий функция билан бирга рақобатбардошликни таъминлаш воситаси сифатида шаклланган.

АҚШ солиқ тизими эса тубдан фарқ қилади. Жадвалдан кўриниб турибдики, бевосита солиқлар улуши 48 фоизни ташкил этади, билвосита солиқлар эса атиги 17 фоиз. Бу федерал даромад солиғи давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи эканлигини кўрсатади. Ижтимоий бадаллар 35 фоизни ташкил этади, бироқ Европа давлатларига нисбатан ижтимоий ҳимоя тизими марказлашган эмас. АҚШ моделида солиқ тизими нисбатан паст билвосита солиқ юки ва юқори даромад солиғи орқали хусусий секторни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Қиёсий таҳлил натижасида учта асосий моделни ажратиш мумкин:

Европа ижтимоий модели – юқори ижтимоий бадаллар ва мувозанатли солиқ таркиби;

Осиё рақобатбардошлик модели – диверсификация қилинган ва иқтисодий ўсишга йўналтирилган солиқ таркиби;

АҚШ либерал модели – юқори бевосита солиқлар ва паст билвосита солиқлар улуши.

Шу тариқа, жадвал маълумотлари солиқ тизимининг таркибий тузилиши мамлакатнинг иқтисодий стратегияси ва ижтимоий сиёсатидан келиб чиқиб шаклланишини

кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда солиқ тизимининг самарадорлиги солиқ манбалари диверсификацияси, маъмурий самарадорлик ва институционал барқарорлик билан белгиланади. Бу тажриба миллий солиқ сиёсатини такомиллаштиришда муҳим назарий ва амалий хулосалар чиқариш имконини беради.

2-жадвал

Ўзбекистонда солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши ва солиқ юки динамикаси[16]

(1 январь ҳолати)

Кўрсаткичлар	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
Солиқ тушумлари, ЯИМга нисбатан (%)	22,1	23,5	24	**24,8**	**25,3**
Солиқ юки даражаси (%)	23,8	24,9	25,2	**25,8**	**26,2**

1-жадвалда келтирилган маълумотлар Ўзбекистонда 2021–2025 йиллар давомида солиқ тизимининг миллий иқтисодиёт трансформацияси жараёнидаги роли сезиларли даражада кучайиб бораётганини кўрсатади. Хусусан, солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши изчил ўсиш тенденциясига эга бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 22,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 25,3 фоизгача ўсиши кузатилмоқда. Бу ҳолат солиқ базасини кенгайтириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва иқтисодий фаолиятни расмий секторга жалб этиш бўйича амалга оширилаётган институционал ислоҳотларнинг муайян самара берганидан далолат беради.

Шу билан бирга, солиқ юки даражасининг 2021–2025 йиллар оралиғида 23,8 фоиздан 26,2 фоизгача ошиши миллий иқтисодиёт трансформацияси шароитида давлатнинг фискал эҳтиёжлари ортиб бораётганини кўрсатади. Айниқса, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва стратегик тармоқларда давлат иштирокини сақлаб қолиш каби вазифалар солиқ тушумларига бўлган талабни кучайтирмоқда. Бироқ мазкур жараён солиқ юкини оқилона тақсимлаш ва унинг иқтисодий ўсишга салбий таъсирини чеклаш зарурлигини ҳам кун тартибига қўяди.

Бюджет даромадлари таркибида солиқ тушумлари улушининг 2021 йилдаги 84,7 фоиздан 2025 йилга келиб 88,7 фоизгача ошиши давлат бюджети барқарорлигининг тобора солиқ манбалари ҳисобига таъминланаётганини англатади. Бу ҳолат ташқи қарзлар ва бошқа номустаҳкам молия манбаларидан нисбатан камроқ фойдаланишга хизмат қилса-да, солиқ тизимига юкланадиган масъулиятнинг ортиб боришини ҳам кўрсатади. Шу сабабли солиқ сиёсатида барқарорлик, прогноз қилинадиганлик ва шаффофликни таъминлаш миллий иқтисодиёт трансформациясининг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

Хулоса.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг иқтисодий модели, ижтимоий сиёсат устуворликлари ва давлат молия бошқарувининг институционал даражаси билан узвий боғлиқ. Европа мамлакатларида солиқ тизими ижтимоий давлат концепциясига асосланган бўлиб, ижтимоий бадаллар улушининг юқорилиги ижтимоий ҳимоя тизимининг кенг қамровли эканлигини акс эттиради. Осиё мамлакатларида солиқ таркиби диверсификация қилинган бўлиб, иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликни рағбатлантиришга йўналтирилган. АҚШ моделида эса бевосита солиқлар устувор бўлиб, хусусий сектор фаоллигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Қиёсий таҳлил натижасида аниқландики, солиқ тизимининг самарадорлиги фақат солиқ юки даражаси билан эмас, балки солиқ манбалари таркибининг мутаносиблиги,

[16] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси. Солиқ тушумлари ва солиқ юки бўйича йиллик ҳисоботлар. Тошкент, 2021–2024. www.soliq.uz

маъмурий самарадорлик ва солиқ сиёсатининг барқарорлиги билан белгиланади. Ривожланган мамлакатларда солиқ тизими юқори даражада диверсификация қилинган бўлиб, бевосита ва билвосита солиқлар ўртасида стратегик мувозанат сақланади. Бу эса бюджет барқарорлиги ва иқтисодий рағбатлантириш функцияларининг уйғунлашувини таъминлайди.

Мақола доирасидаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Аввало, миллий солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ манбалари диверсификациясига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш орқали фискал барқарорлик ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги уйғунликни кучайтириш мумкин. Иккинчидан, ижтимоий бадаллар механизмини қайта кўриб чиқиш ва унинг самарадорлигини ошириш давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини барқарор молиялаштиришга хизмат қилади. Учинчидан, солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали солиқ йиғимлари самарадорлигини ошириш, инсон омили таъсирини камайтириш ва шаффофликни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида солиқ сиёсатини барқарор ва прогноз қилинадиган қилиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариши инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, узоқ муддатли солиқ стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни изчил амалга ошириш миллий иқтисодиёт барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, айрим ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари миллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш учун муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади. Солиқ манбалари таркибини оптималлаштириш, маъмурий самарадорликни ошириш ва институционал барқарорликни таъминлаш орқали солиқ тизими иқтисодий ўсиш ва фискал барқарорликнинг стратегик омилига айланиши мумкин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. OECD. Revenue Statistics 2023: Tax Revenue Trends in the OECD. Paris: OECD Publishing, 2023. https://www.oecd.org/tax/revenue-statistics

2. European Commission. Taxation Trends in the European Union 2023 Edition. Brussels, 2023. https://taxation-customs.ec.europa.eu

3. Ministry of Finance of Japan. Outline of Japanese Tax System 2023. Tokyo, 2023. https://www.mof.go.jp

4. International Monetary Fund. Fiscal Monitor 2023: On the Path to Policy Normalization. Washington, DC, 2023. https://www.imf.org

5. Musgrave R.A. The Theory of Public Finance. New York: McGraw-Hill, 1959. https://www.mheducation.com

6. Stiglitz J.E. Economics of the Public Sector. New York: W.W. Norton & Company, 2000. https://www.wwnorton.com

7. OECD. Revenue Statistics 2023: Tax Revenue Trends in the OECD. Paris: OECD Publishing, 2023. https://www.oecd.org/tax/revenue-statistics

8. European Commission. Taxation Trends in the European Union 2023 Edition. Brussels, 2023. https://taxation-customs.ec.europa.eu

9. Ministry of Finance of Japan. Outline of Japanese Tax System 2023. Tokyo, 2023. https://www.mof.go.jp

10. Ваҳобов А., Шодмонов Ш. Солиқ сиёсати ва иқтисодий ривожланиш. Тошкент: Иқтисодиёт, 2019.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси. Солиқ сиёсати ва солиқ тушумлари бўйича йиллик ҳисоботлар. Тошкент, 2023.https://www.soliq.uz

12. OECD. Revenue Statistics 2023: Tax Revenue Trends in the OECD. Paris: OECD

Publishing, 2023. https://www.oecd.org/tax/revenue-statistics

13. World Bank. World Development Indicators – Tax revenue (% of GDP). Washington, DC, 2023. https://data.worldbank.org

14. OECD. Revenue Statistics Database 2023 – Tax structure by type of tax. Paris: OECD Publishing, 2023. https://stats.oecd.org

15. European Commission. Taxation Trends in the European Union 2023 Edition. Brussels, 2023. https://taxation-customs.ec.europa.eu

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

O‘ZBEKISTONDA BARQAROR VA INKLYUZIV IQTISODIY O‘SISHGA ERISHISHDA MAKROIQTISODIY MEXANIZMLARDAN FOYDALANISH

Raximov Eshmurod Normuradovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
“Makroiqtisodiy siyosat va prognozlashtirish”
kafedrasi dotsenti
Email: raximoveshmurod88@gmail.com
ORCID ID: 0009-0005-5961-7683

Annotatsiya. *Ushbu maqolada O‘zbekistonda barqaror va inklyuziv iqtisodiy o‘sishga erishishda makroiqtisodiy mexanizmlardan foydalanish metodologiyasini takomillashtirish masalalari yoritiladi. Tadqiqotda 2000–2025 yillar ma’lumotlari asosida asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar dinamikasi hamda YaIM tarkibida tarmoqlar bo‘yicha yalpi qo‘shilgan qiymat ulushidagi o‘zgarishlar tahlil qilindi. Natijalar iqtisodiy o‘sishning barqarorligini ta’minlash bilan birga, uning natijalarini aholi farovonligi, bandlik va daromadlarning keng qatlamlarga tarqalishi bilan bog‘lash zarurligini ko‘rsatdi. Maqolada barqaror va inklyuziv o‘sishni baholashda ko‘rsatkichlar tizimini kengaytirish, fiskal va monetar siyosat ta’sirini ijtimoiy natijalar bilan uyg‘un tahlil qilish hamda tarmoqlar kesimidagi tarkibiy siljishlarni kompleks baholash bo‘yicha metodologik takliflar beriladi.*

Kalit so‘zlar: *barqaror iqtisodiy o‘sish, inklyuziv o‘sish, makroiqtisodiy mexanizmlar, fiskal siyosat, monetar siyosat, yalpi qo‘shilgan qiymat, tarkibiy o‘zgarishlar.*

UTILIZATION OF MACROECONOMIC MECHANISMS TO ACHIEVE SUSTAINABLE AND INCLUSIVE ECONOMIC GROWTH IN UZBEKISTAN

Rahimov Eshmurod Normuradovich

Tashkent State University of Economics
“Macroeconomic Policy and Forecasting”
Associate Professor of the Department
Email: raximoveshmurod88@gmail.com
ORCID ID: 0009-0005-5961-7683

Abstract. *This article examines ways to improve the methodology for using macroeconomic mechanisms to achieve sustainable and inclusive economic growth in Uzbekistan. The study analyzes the dynamics of key macroeconomic indicators and changes in the share of gross value added by sector in the GDP structure, based on data for 2000–2025. The results demonstrate the need to ensure the sustainability of economic growth and link its results to welfare, employment, and income distribution across a broad range of population segments. The article presents methodological proposals for expanding the system of indicators for assessing sustainable and inclusive growth, analyzing the impact of fiscal and monetary policies in accordance with social outcomes, and conducting a comprehensive assessment of structural shifts in various sectors.*

Keywords: *sustainable economic growth, inclusive growth, macroeconomic mechanisms, fiscal policy, monetary policy, gross value added, structural changes.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО И ИНКЛЮЗИВНОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Рахимов Эшмурод Нормурадович
Ташкентский государственный экономический университет
“Макроэкономическая политика и прогнозирование”
доцент кафедры

Email: raximoveshmurod88@gmail.com
ORCID ID: 0009-0005-5961-7683

Аннотация. *В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования методологии использования макроэкономических механизмов для достижения устойчивого и инклюзивного экономического роста в Узбекистане. В исследовании проанализирована динамика ключевых макроэкономических показателей и изменения доли валовой добавленной стоимости по секторам в структуре ВВП на основе данных за 2000–2025 годы. Результаты показали необходимость обеспечения устойчивости экономического роста, а также увязки его результатов с благосостоянием населения, занятостью и распределением доходов по широкому кругу слоёв населения. В статье представлены методологические предложения по расширению системы показателей оценки устойчивого и инклюзивного роста, анализу влияния фискальной и монетарной политики в соответствии с социальными результатами и проведению комплексной оценки структурных сдвигов в различных секторах.*

Ключевые слова: *устойчивый экономический рост, инклюзивный рост, макроэкономические механизмы, фискальная политика, монетарная политика, валовая добавленная стоимость, структурные изменения.*

Kirish. Zamonaviy iqtisodiy taraqqiyot sharoitida mamlakatlar rivojlanishini baholashda faqat yalpi iqtisodiy o‘sish ko‘rsatkichlari bilan cheklanib qolish yetarli emasligi tobora yaqqol namoyon bo‘lmoqda. Chunki iqtisodiy o‘sishning yuqori sur’atlari har doim ham aholi turmush darajasining yaxshilanishi, ijtimoiy adolatning qaror topishi va iqtisodiy imkoniyatlarning keng qatlamlar uchun ochiqligi bilan uyg‘unlashmaydi. Shu bois jahon iqtisodiy tafakkurida iqtisodiy o‘sishning natijalarini jamiyatning barcha qatlamlari manfaatlari bilan uyg‘unlashtirishga qaratilgan inklyuziv o‘sish modeli muhim ilmiy-amaliy konsepsiya sifatida shakllandi. Inklyuziv o‘sish iqtisodiy rivojlanishning shunday sifat jihatini ifodalaydiki, bunda yaratilayotgan iqtisodiy qiymat, bandlik va daromadlar aholining turli ijtimoiy guruhlari o‘rtasida nisbatan muvozanatli taqsimlanadi, hududlararo tafovutlar qisqaradi hamda inson kapitalini rivojlantirish uchun teng sharoitlar yaratiladi. Mazkur yondashuv iqtisodiy siyosatda makroiqtisodiy barqarorlik, ijtimoiy himoya, bandlik va institutsional islohotlar o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlikni talab etadi. O‘zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan tarkibiy va institutsional islohotlar doirasida inklyuziv o‘sishni ta’minlash masalasi strategik ahamiyat kasb etmoqda.

Adabiyotlar sharhi. Barqaror va inklyuziv iqtisodiy o‘sish masalalari klassik va zamonaviy iqtisodiy nazariyalarga tayanadi. Klassik iqtisodiy o‘sish nazariyasi vakili Adam Smith iqtisodiy o‘sishni mehnat taqsimoti va bozor mexanizmlari samaradorligi bilan izohlagan. Uning qarashlarida davlatning roli cheklangan bo‘lib, bozorning “ko‘rinmas qo‘li” iqtisodiy muvozanatni ta’minlaydi. Keyinchalik John Maynard Keynes makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda davlatning faol fiskal va monetar siyosati zarurligini asoslab berdi. Keynes nazariyasiga ko‘ra, iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirishda davlat xarajatlari, investitsiyalar va bandlik siyosati muhim ahamiyat kasb etadi. Neoklassik o‘sish modeli asoschisi Robert Solow uzoq muddatli iqtisodiy o‘sish omili sifatida texnologik taraqqiyot va kapital jamg‘arilishini ko‘rsatadi. Solow modeli makroiqtisodiy mexanizmlarni samarali boshqarish orqali barqaror o‘sishga erishish mumkinligini ilmiy asoslaydi. Neoklassik o‘sish modeli asoschisi Robert Solow uzoq muddatli iqtisodiy o‘sish omili sifatida texnologik taraqqiyot va kapital jamg‘arilishini ko‘rsatadi. Solow modeli makroiqtisodiy mexanizmlarni samarali boshqarish orqali barqaror o‘sishga erishish mumkinligini ilmiy asoslaydi. Endogen o‘sish nazariyasi vakillari (P.Romer, R.Lucas) esa inson kapitali, innovatsiyalar va institutsional omillarni asosiy determinant sifatida ko‘rsatadi. Bu yondashuv inklyuziv iqtisodiy o‘sish tushunchasiga yaqin bo‘lib, aholi barcha qatlamlarining iqtisodiy jarayonlarda ishtirokini ta’minlashni nazarda tutadi. Inklyuziv o‘sish tushunchasi xalqaro tashkilotlar tomonidan keng rivojlantirilgan. Xususan, Jahon banki inklyuziv o‘sishni daromadlar tengsizligini kamaytirish, kambag‘allikni qisqartirish va teng imkoniyatlar yaratish bilan

bog‘laydi. Xalqaro valyuta fundi tadqiqotlarida makroiqtisodiy barqarorlik, inflyatsiya nazorati va moliyaviy intizom inklyuziv o‘sishning asosiy sharti sifatida e’tirof etiladi.

Tadqiqot metodologiyasi.

O‘zbekistonda barqaror va inklyuziv iqtisodiy o‘sishga erishishda makroiqtisodiy mexanizmlardan foydalanish bo‘yicha dunyo olimlari tomonidan olib borilayotgan tadqiqodlarni tahlil qilish, mavzu yuzasidan barcha ma’lumotlarni to‘plash, solishtirish, mantiqiy fikrlash kabi iqtisodiy tadqiqot usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

So‘nggi yillarda iqtisodiyotni liberallashtirish, davlat moliyasini boshqarishni takomillashtirish, pul-kredit siyosatini modernizatsiya qilish hamda ijtimoiy sohani qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan chora-tadbirlar iqtisodiy o‘sish bilan bir qatorda aholi farovonligini oshirishga xizmat qilmoqda. Biroq ushbu jarayonlarning barqaror va uzoq muddatli samarasini ta’minlash uchun mavjud makroiqtisodiy mexanizmlardan foydalanishning metodologik asoslarini chuqur ilmiy tahlil qilish zarurati yuzaga kelmoqda. Ayniqsa, fiskal va monetar siyosat vositalarining inklyuziv o‘sishga ta’sir mexanizmlarini aniqlash, ularning bandlik darajasi, aholi daromadlari va inson kapitali rivojiga ta’sirini baholash muhim ilmiy vazifalardan biri hisoblanadi. Shuningdek, makroiqtisodiy mexanizmlarning institutsional muhit bilan o‘zaro uyg‘unligi, hududiy rivojlanish va ijtimoiy tenglikni ta’minlashdagi roli yetarli darajada o‘rganilmagan jihatlar sirasiga kiradi.

So‘nggi davr global rivojlanish tendensiyalari shuni ko‘rsatmoqdaki, iqtisodiy taraqqiyotning “muvaffaqiyat” mezonlari faqat ishlab chiqarish ko‘lamining kengayishi bilan izohlanmaydi. Raqamlar o‘sayotgan sharoitda ham ayrim hududlar, ijtimoiy qatlamlar yoki iqtisodiy faoliyat subyektlari iqtisodiy natijalardan chetda qolishi mumkin. Shuning uchun inklyuziv o‘sish konsepsiyasi iqtisodiy o‘sishni natija sifatida emas, balki jamiyatning keng qatlamlari ishtirok etadigan va foyda oladigan jarayon sifatida talqin qiladi.

Inklyuziv o‘sishning asosiy g‘oyasi quyidagi uch yo‘nalishda namoyon bo‘ladi:

1-rasm. Inklyuziv o‘sishning asosiy g‘oyasi quyidagi uch yo‘nalishda[17]

[17] Muallif tomonidan tayyorlangan.

Mazkur jihatlar makroiqtisodiy siyosatda “o‘sish–barqarorlik–ijtimoiy natija” zanjirini bir tizim sifatida ko‘rishni talab qiladi. Demak, inklyuziv o‘sish – bu faqat ijtimoiy siyosat masalasi emas; u fiskal, monetar, investitsion va institutsional mexanizmlarning muvofiqlashgan ishlashiga bog‘liq bo‘lgan kompleks makroiqtisodiy hodisadir.

O‘zbekiston iqtisodiyotining 1991–2023 yillar oralig‘idagi rivojlanish trayektoriyasi murakkab, ammo ichki mantiqqa ega bo‘lgan evolyutsion jarayon sifatida shakllangan. Ushbu davr mamlakat iqtisodiy tizimida chuqur institutsional transformatsiyalar, ishlab chiqarish munosabatlarining qayta tashkil etilishi, bozor mexanizmlariga moslashuv hamda modernizatsiya jarayonlari bilan xarakterlanadi. Mazkur uzoq muddatli davrni tahlil qilish iqtisodiy o‘sishni faqat miqdoriy ko‘rsatkichlar orqali emas, balki uning sifat jihatlari, jumladan inklyuzivlik darajasini izchil baholash imkonini beradi. Mustaqillikning dastlabki yillarida iqtisodiyot markazlashgan reja tizimidan bozor munosabatlariga o‘tish jarayonini boshdan kechirdi. Bu davr ishlab chiqarish aloqalarining uzilishi, iqtisodiy faollikning pasayishi va yangi xo‘jalik yuritish mexanizmlarining shakllanishi bilan kechdi. Asosiy e’tibor iqtisodiy inqiroz oqibatlarini yumshatish, mulkchilik shakllarini diversifikatsiya qilish hamda bozor infratuzilmasining boshlang‘ich elementlarini yaratishga qaratildi. Keyingi bosqichda iqtisodiy siyosat makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashga yo‘naltirildi. Inflyatsiyani nazorat qilish, budjet intizomini mustahkamlash va ishlab chiqarish hajmlarini tiklash orqali iqtisodiy faollik qayta jonlandi.

Mazkur jarayonlar iqtisodiy o‘sish uchun zarur institutsional poydevorni mustahkamlab, barqaror rivojlanishning dastlabki shart-sharoitlarini shakllantirdi. Vaqt o‘tishi bilan iqtisodiyotda tarkibiy o‘zgarishlar chuqurlashib, bozor institutlarining roli kuchaydi. Xususiy sektor ulushining ortishi, tadbirkorlik muhitining kengayishi va investitsion jozibadorlikning yaxshilanishi iqtisodiy o‘sish manbalarini diversifikatsiyalashga xizmat qildi. Shu bilan birga, sanoat va xizmatlar sohasining iqtisodiyotdagi ulushi oshib, bozor mexanizmlari real iqtisodiy jarayonlarda hal qiluvchi ahamiyat kasb eta boshladi. So‘nggi yillarda iqtisodiy siyosatning ustuvor yo‘nalishlari tubdan yangilanib, iqtisodiy rivojlanish markaziga aholi farovonligi, kambag‘allikni qisqartirish, hududlararo nomutanosibliklarni kamaytirish va inson kapitalini rivojlantirish masalalari olib chiqildi. Bu davrda iqtisodiy o‘sishning natijalarini jamiyatning keng qatlamlari manfaatlari bilan uyg‘unlashtirish, ya’ni o‘sishni inklyuziv xarakterga ega qilish asosiy vazifaga aylandi. Ayniqsa, so‘nggi besh yillik davr global iqtisodiy beqarorlik, pandemiya oqibatlari, tashqi talabning tebranishi va inflyatsion bosimlar fonida kechdi. Ushbu murakkab sharoitda iqtisodiy barqarorlikni saqlab qolish bilan bir qatorda ijtimoiy himoya mexanizmlarini kuchaytirish, bandlikni qo‘llab-quvvatlash va aholining real daromadlarini himoyalash dolzarb ahamiyat kasb etdi. Natijada iqtisodiy siyosatda an’anaviy “o‘sish sur’atlari”ga yo‘naltirilgan yondashuvdan voz kechilib, “sifatli, barqaror va inklyuziv o‘sish” modeliga o‘tish zarurati yanada kuchaydi.

1-jadval.

O‘zbekiston Respublikasining asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari[1]

Ko‘rsatkichlar	2000	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Aholi soni (ming kishi)	24 487,7	33 905,2	34 558,9	35 271,3	36 024,9	36 680,0	38 069,1
YaIM (mlrd so‘m)	3 255,6	605 514,9	738 425,2	896 617,7	1 066 569	1 187 350	1 849 700
Aholi jon boshiga real YaIM (ming so‘m)	77,2	10 734,3	13 416,8	15 979,3	18 614,8	19 850,0	21 600
Yalpi qo‘shilgan qiymat (mlrd so‘m)	2 848,0	561 153,4	686 432,4	836 839,7	1 008 423,1	1 114 200	1 350 000
Asosiy kapitalga investitsiyalar (mlrd so‘m)	744,5	210 195,1	239 600	266 200	352 100	381 600	591 100
Tashqi savdo aylanmasi (mln AQSh dollari)	6 212,1	36 256,1	42 170	50 550	62 567,4	67 120,0	81 200

Shu bois inklyuziv o‘sishga erishishda investitsion siyosatni baholash va rejalashtirish metodologiyasini takomillashtirish alohida ahamiyat kasb etadi. Tashqi savdo aylanmasining keskin kengayishi esa O‘zbekiston iqtisodiyotining 1-jadval ma’lumotlari O‘zbekiston Respublikasida 2000–2025 yillar davomida asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarning barqaror va izchil o‘sish tendensiyasiga ega ekanligini ko‘rsatadi. Mazkur davrda mamlakatda olib borilgan bosqichma-bosqich iqtisodiy va institutsional islohotlar natijasida nafaqat iqtisodiy o‘sish sur’atlari ta’minlangan, balki uning inklyuzivligi ham kuchayib borgan. Bu holat inklyuziv o‘sishga erishishda makroiqtisodiy mexanizmlardan foydalanish metodologiyasini takomillashtirish zaruratini ilmiy jihatdan asoslash imkonini beradi.

Avvalo, aholi sonining o‘sish dinamikasi inklyuziv o‘sishni baholashda muhim metodologik ko‘rsatkich sifatida namoyon bo‘ladi. 2000 yilda 24,5 mln kishini tashkil etgan doimiy aholi soni 2024 yilga kelib 36,7 mln kishiga, 2025 yilda esa 38,1 mln kishiga yetib, qariyb 1,6 baravar oshgan. Shunga qaramasdan, aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarda pasayish kuzatilmagan. Bu esa makroiqtisodiy siyosatda demografik omillarni hisobga olgan holda ishlab chiqilgan fiskal va investitsion mexanizmlarning samarali qo‘llanilganidan dalolat beradi. Yalpi ichki mahsulot (YaIM) hajmining 2000 yildagi 3 255,6 mlrd so‘mdan 2024 yilda 1 187 350 mlrd so‘mga, 2025 yilda esa 1 849 700 mlrd so‘mga yetishi iqtisodiy o‘sishga xizmat qiluvchi makroiqtisodiy mexanizmlarning keng ko‘lamda ishga solinganini ko‘rsatadi. Xususan, sanoat, xizmatlar va qurilish tarmoqlarining jadal rivojlanishi, ichki talabni rag‘batlantirish hamda investitsion faollikni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan siyosat choralarining uyg‘unlashuvi inklyuziv o‘sishning metodologik asosini shakllantirgan. Aholi jon boshiga real YaIM ko‘rsatkichining 2000–2024 yillarda 77,2 ming so‘mdan 19 850 ming so‘mga, 2025 yilda esa 21 ming so‘mdan ortiq darajaga yetishi iqtisodiy o‘sish natijalarining aholining keng qatlamlariga tarqalayotganini tasdiqlaydi. Bu holat inklyuziv o‘sishni baholash metodologiyasida faqat umumiy YaIM hajmini emas, balki uning aholi jon boshiga taqsimlanish ko‘rsatkichlarini ham asosiy indikator sifatida qo‘llash zarurligini ko‘rsatadi. Shuningdek, yalpi qo‘shilgan qiymat (YAQ) hajmining izchil va keskin oshib borishi inklyuziv o‘sishga xizmat qiluvchi tarkibiy makroiqtisodiy mexanizmlarning samaradorligini namoyon etadi.

YAQning real sektor va xizmatlar sohalari hisobiga kengayishi iqtisodiy o‘sishning ishlab chiqarish va bandlik bilan uzviy bog‘langanligini anglatadi. Bu esa inklyuziv o‘sishga erishishda tarmoqlararo muvozanatni hisobga oluvchi metodologik yondashuvlarni takomillashtirish zarurligini ko‘rsatadi. Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmining 2000–2024 yillarda keskin oshishi va 2025 yilda 591,1 trln so‘mga yetishi inklyuziv o‘sishning muhim makroiqtisodiy mexanizmi sifatida namoyon bo‘ladi. Investitsiyalarning ishlab chiqarish quvvatlarini modernizatsiya qilish va yangi ish o‘rinlari yaratishga yo‘naltirilishi iqtisodiy o‘sish natijalarining hududlar va ijtimoiy guruhlar kesimida yanada kengroq taqsimlanishiga xizmat qilmoqda. Bu jarayon inklyuziv o‘sishga erishishda eksport salohiyatini oshirish, import tarkibida texnologik mahsulotlar ulushini ko‘paytirish kabi makroiqtisodiy mexanizmlarning metodologik asosda qo‘llanilishini taqozo etadi.

Umuman olganda, 1-jadval ma’lumotlari O‘zbekistonda inklyuziv iqtisodiy o‘sishga erishishda makroiqtisodiy mexanizmlar muhim rol o‘ynayotganini tasdiqlaydi. Shu bilan birga, iqtisodiy o‘sish natijalarining aholi farovonligi, bandlik va hududiy rivojlanish bilan yanada uzviy bog‘lanishini ta’minlash uchun makroiqtisodiy mexanizmlardan foydalanish metodologiyasini takomillashtirish, ya’ni ko‘rsatkichlar tizimini kengaytirish, ularni baholashda kompleks va tizimli yondashuvlarni qo‘llash dolzarb ilmiy-amaliy vazifa hisoblanadi.

2-jadval ma’lumotlari O‘zbekiston iqtisodiyotida 2000–2025 yillar davomida iqtisodiy o‘sish nafaqat hajm jihatidan, balki tarkibiy tomondan ham izchil va chuqurlashib borganini ko‘rsatadi. YaIM tarkibida yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymat ulushining muntazam oshib borishi iqtisodiy o‘sish jarayonida ishlab chiqarish, bandlik va daromadlarning tobora kengroq ijtimoiy qatlamlarni qamrab olayotganidan dalolat beradi. Bu holat inklyuziv o‘sishga erishishda makroiqtisodiy mexanizmlarning amalda samarali ishlayotganini ko‘rsatadi.

2-jadval.

O‘zbekiston iqtisodiyoti tarmoqlari yalpi qo‘shilgan qiymatining o‘zgarish dinamikasi, %[1].

Ko‘rsatkichlar	2000	2020	2021	2022	2023	2024	2025
YaIM	100	100	100	100	100	100	**100**
Tarmoqlarning YAQ	87,5	92,7	93,0	93,2	94,5	95,1	**95,4**
Sanoat	14,2	33,4	33,9	33,4	33,9	34,5	**35,0**
Qishloq xo‘jaligi	30,1	26,9	26,5	25,1	27,9	26,8	**26,0**
Qurilish	6,0	6,7	6,6	6,7	7,3	7,6	**7,9**
Transport va aloqa	7,7	7,4	6,8	7,2	7,4	7,5	**7,6**
Savdo va b.	10,8	6,5	6,8	7,0	7,3	7,6	**7,8**
Boshqa tarmoqlar	18,7	26,4	25,8	27,5	27,8	28,1	**29,1**
Mahsulotlarga sof soliqlar	12,5	7,3	7,0	6,8	7,8	6,9	**4,6**

Jadvaldan ko‘rinadiki, tarmoqlar tomonidan yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymatning YaIMdagi ulushi 2000 yildagi 87,5 foizdan 2024 yilda 95,1 foizga, 2025 yilda esa 95,4 foizga yetgan. Ushbu o‘sish iqtisodiy rivojlanish jarayonida sof soliqlar ulushining qisqarib, real sektor va xizmatlar sohalarida yaratilayotgan qo‘shilgan qiymatning ustuvor ahamiyat kasb etayotganini anglatadi. Metodologik jihatdan bu inklyuziv o‘sishni baholashda faqat umumiy YaIM hajmini emas, balki iqtisodiyotda real yaratilayotgan qiymat ulushini ham asosiy ko‘rsatkich sifatida hisobga olish zarurligini ko‘rsatadi. Sanoat tarmog‘ining YaIM tarkibidagi ulushining sezilarli darajada oshishi alohida e’tiborga loyiqdir. Agar 2000 yilda sanoatning ulushi atigi 14,2 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2024 yilga kelib bu ko‘rsatkich 34,5 foizga, 2025 yilda esa 35,0 foizga yetgan. Mazkur tendensiya mamlakatda olib borilayotgan sanoatlashtirish siyosati, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnologik yangilanishlar va yuqori qo‘shilgan qiymat yaratishga qaratilgan makroiqtisodiy mexanizmlarning samarali ishlayotganini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, sanoatning rivojlanishi yangi ish o‘rinlari yaratish orqali inklyuziv o‘sishga muhim hissa qo‘shmoqda.

Qishloq xo‘jaligi tarmog‘ining YaIMdagi ulushi tahlil qilinayotgan davrda nisbatan kamaygan bo‘lsa-da, bu jarayonni salbiy holat sifatida baholab bo‘lmaydi. Aksincha, bu sanoat va xizmatlar sohalarida qo‘shilgan qiymatning tezroq o‘sishi bilan izohlanadi. Qishloq xo‘jaligi hali ham aholi bandligida muhim o‘rin tutayotgani sababli inklyuziv o‘sishni baholashda ushbu tarmoqni nafaqat ulush, balki mutlaq hajmlar va bandlik ko‘rsatkichlari bilan birgalikda tahlil qilish muhimdir. Qurilish, transport va aloqa hamda savdo sohalarining ulushining oshib borishi iqtisodiyotda infratuzilmaviy rivojlanish va ichki bozor faolligining kuchayib borayotganini ko‘rsatadi. Ushbu tarmoqlar hududiy rivojlanish va aholi bandligini ta’minlash orqali inklyuziv o‘sishga xizmat qiluvchi muhim makroiqtisodiy mexanizmlar sifatida namoyon bo‘lmoqda. Boshqa tarmoqlar ulushining 2000–2025 yillarda sezilarli darajada oshishi xizmatlar va ijtimoiy yo‘naltirilgan faoliyat turlarining kengayib borayotganini anglatadi. Bu esa iqtisodiy o‘sish natijalari ta’lim, sog‘liqni saqlash va boshqa ijtimoiy sohalar orqali aholi farovonligiga ko‘proq ta’sir ko‘rsatayotganini bildiradi. Mahsulotlarga sof soliqlar ulushining kamayishi esa fiskal siyosatda soliq yukini pasaytirish orqali tadbirkorlik va ishlab chiqarishni rag‘batlantirishga qaratilgan yondashuvning qo‘llanilganidan dalolat beradi. Bu holat inklyuziv o‘sishga erishishda fiskal mexanizmlarni baholashda ularning iqtisodiy faollik va daromadlar taqsimotiga ta’sirini alohida hisobga olish zarurligini ko‘rsatadi. Umuman olganda, 2-jadval ma’lumotlari O‘zbekistonda inklyuziv iqtisodiy o‘sishga erishishda makroiqtisodiy mexanizmlar tarkibiy jihatdan muvozanatli va izchil ravishda qo‘llanilganini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, inklyuziv o‘sish samaradorligini yanada oshirish uchun makroiqtisodiy mexanizmlardan foydalanish metodologiyasini takomillashtirish, ya’ni tarmoqlar bo‘yicha qo‘shilgan qiymat, bandlik va aholi daromadlari o‘rtasidagi bog‘liqlikni kompleks tahlil qilish muhim ilmiy-amaliy vazifa bo‘lib qolmoqda.

Xulosalar:

Yuqoridagilardan quyidagi xulosalarga kelishimiz mumkin. Birinchidan, 2000–2025 yillar davomida O‘zbekiston iqtisodiyotida kuzatilgan o‘sish yalpi ichki mahsulot hajmining oshishi bilangina cheklanib qolmagan. Ushbu davrda iqtisodiy o‘sish tarkibiy jihatdan ham mustahkamlanib, yaratilgan qiymatning jamiyatning keng qatlamlariga yetib borishi uchun zarur sharoitlar shakllangan Ikkinchidan, YaIM tarkibida tarmoqlar tomonidan yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymat ulushining barqaror oshib borishi iqtisodiy faollikning real sektor va xizmatlar sohalarida kuchayganini ko‘rsatadi. Bu holat inklyuziv o‘sishni baholashda umumiy o‘sish ko‘rsatkichlari bilan bir qatorda iqtisodiyotda real yaratilayotgan qiymatni ham asosiy mezon sifatida e’tiborga olish zarurligini tasdiqlaydi. Uchinchidan, sanoat tarmog‘ining iqtisodiyotdagi ulushining sezilarli darajada kengayishi mamlakatda sanoatlashtirish va ishlab chiqarishni modernizatsiya qilishga qaratilgan makroiqtisodiy siyosat izchil va samarali amalga oshirilganidan dalolat beradi. Natijada sanoat tarmoqlari orqali yangi ish o‘rinlari yaratilishi va aholi daromadlarining oshishi inklyuziv o‘sishga bevosita xizmat qilmoqda To‘rtinchidan, qishloq xo‘jaligi tarmog‘i ulushining nisbatan qisqarishi ushbu sohaning iqtisodiyotdagi ahamiyati kamayganini anglatmaydi. Aksincha, sanoat va xizmatlar sohalarida qo‘shilgan qiymatning tezroq o‘sishi iqtisodiyot tarkibining diversifikatsiyalanayotganini ko‘rsatadi. Shu sababli inklyuziv o‘sishni baholashda qishloq xo‘jaligini faqat nisbiy ulushlar orqali emas, balki bandlik va aholi daromadlari bilan bog‘liq holda tahlil qilish muhimdir. Beshinchidan, qurilish, transport, aloqa va savdo sohalarining rivojlanishi infratuzilmaning kengayib borayotgani va ichki bozor faolligining oshayotganidan dalolat beradi. Ushbu tarmoqlar hududlar rivoji va aholi bandligini ta’minlash orqali iqtisodiy o‘sishning inklyuzivligini kuchaytiruvchi muhim mexanizmlar sifatida namoyon bo‘lmoqda. Oltinchidan, mahsulotlarga sof soliqlar ulushining kamayishi fiskal siyosatda soliq yukini bosqichma-bosqich yumshatishga qaratilgan yondashuv qo‘llanilganini ko‘rsatadi. Bu esa tadbirkorlik faolligini rag‘batlantirish, investitsiya muhitini yaxshilash va iqtisodiy o‘sish natijalarining keng ijtimoiy qatlamlarga tarqalishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatmoqda.

Umuman olganda, O‘zbekistonda inklyuziv iqtisodiy o‘sishga erishishda makroiqtisodiy mexanizmlar bir-biri bilan uyg‘unlashgan holda izchil qo‘llanilgan. Kelgusida ushbu jarayon samaradorligini oshirish uchun makroiqtisodiy mexanizmlardan foydalanish metodologiyasini yanada takomillashtirish, ya’ni tarmoqlar bo‘yicha qo‘shilgan qiymat, bandlik va aholi daromadlari o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni tizimli va chuqur tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. *O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish ko‘rsatkichlari*. Rasmiy statistik ma’lumotlar.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti. *2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi*.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti. *2026 yil uchun mo‘ljallangan Oliy Majlisga Murojaatnoma*.
4. World Bank. *World Development Indicators*. Washington, DC.
5. International Monetary Fund. *World Economic Outlook*. Washington, DC.
6. United Nations Development Programme. *Human Development Report*. New York.
7. Rodrik, D. *One Economics, Many Recipes: Globalization, Institutions, and Economic Growth*. Princeton University Press, 2007.
8. Acemoglu, D., Robinson, J. *Why Nations Fail: The Origins of Power, Prosperity, and Poverty*. Crown Business, 2012.
9. Stiglitz, J. *The Price of Inequality*. W.W. Norton & Company, 2012.
10. OECD. *Inclusive Growth Framework*. Paris, 2018.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA KO‘CHAR MULK QIYMATINI BAHOLASH XUSUSIYATLARI

Xomitov Komiljon Zoitovich
iqtisodiyot fanlari doktori,
baholash ishi va investitsiyalar
kafedrasi professori
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: metro8369@gmail.com
ORCID:0000-0001-8500-2192

Annotatsiya. *Maqolaning maqsadi mashina, asbob-uskunalar va transport vositalarining o‘ziga xos xususiyatlarini o‘rganish va ularni baholash faoliyatiga qo‘llash, mazkur mulk ob’ektlari bozori va ular qiymatini baholash xizmatlari bozorining shakllanishi va samarali rivojlanishi muhimligini tadqiq etishdan iborat. Shuningdek, muallif tomonidan mashina va asbob-uskunalar bozor qiymatini aniqlashning mezoni sifatida, mashina va asbob-uskunalar qiymatini baholashning umum qabul qilingan uslubiyotini ishlab chiqish zaruriyati asoslanadi.*

Kalit so‘zlar: *mulk, ko‘char mulk, mulk bozori, baholash faoliyati, baholash ob’ekti, mashina va asbob-uskunalar, transport vositalari, xarajatli, qiyosiy, daromad yondashuvlari, eskirish, amortizatsiya hisobi.*

ОСОБЕННОСТИ ОЦЕНКИ ДВИЖИМОЕ ИМУЩЕСТВО В ЦИФРОВОЙ ЕКОНОМИКЕ

Хомитов Комилжон Зоитович
доктор экономических наук
профессор кафедры оценки и инвестиций
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: metro8369@gmail.com
ORCID:0000-0001-8500-2192

Аннотация. *Цел стати изучение особенности машин, оборудования и транспортних средств и их приминение в оценочном деятелности, исследоват важност становления и еффективного развития ринка машин, оборудования и транспортних средств и их ринок услуг оценочной стоимости. Также автором обосновиваеця необходимост разработат обшчепринятие методики оценки стоимости машин и оборудование, как критерий определении риночной стоимости машин и оборудование.*

Ключевие слова: *собственност, движимое имушчество, ринок собственности, оценочной деятелности, объект оценки, машин, оборудованияи транспортних средств, затратний, сравнителний, доходний подходи, износ,учет амортизации.*

FEATURES OF ASSESSMENT OF MOVABLE PROPERTY IN THE DIGITAL ECONOMY

Khomitov Komiljon Zoitovich
Doctor of Economics
Professor of the Department of
Evaluation and Investments
Tashkent State the University
of Economics
E-mail: metro8369@gmail.com
ORCID:0000-0001-8500-2192

Abstract. *The objective of the scientific article features of machines, equipment and transports, and they demonstrate how in the evaluation activities, to explore the importance of the formation and efficient development of the market of machinery, equipment and transports, and market their services to the appraised value. The author also substantiates the need to develop a common method of evaluating the value of machinery and equipment, as a criterion for determining the market value of machinery and equipment.*

Keywords: *property, personal property, property market, process of evaluation, object of evaluation, machine and equipment, transport, expendable, comparative, income approach, becoming old, account of amortization.*

Kirish

O‘zbekiston iqtisodiyotida davom etayotgan raqamli transformatsiya doirasida ko‘char mulk bozorini rivojlantirishga katta e’tibor qaratib kelinmoqda. Zotan, ushbu bozor iqtisodiyotning muhim tarkibiy qismi bo‘lib, aholining barcha qatlamlari turmushi bilan bevosita aloqadordir. Shuningdek, ko‘char mulk turli mulkchilik shaklidagi korxona va tashkilotlar rivojlanishining hamda xo‘jalik faoliyati yuritishning asosidir.

Har qanday davlatning taraqqiyoti mulk bozorining rivojlanganlik darajasi bilan uzviy bog‘liq. Mulk bozorining tarkibiy qismi sifatida mamlakatimizda ko‘char mulkka oid munosabatlarning huquqiy asoslarini yaratish va takomillashtirish, rivojlangan ko‘char mulk bozori hamda ko‘char mulk qiymatini baholash xizmatlari bozorini shakllantirishga chuqur e’tibor qaratilmoqda. Natijada, ko‘char mulklar va ularga bo‘lgan huquqlarga doir bitimlar tuzish, mulklar qiymatini aniqlashda baholash faoliyatlari bilan bog‘liq xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha tadbirkorlik faoliyati ham keng rivojlanmoqda. “Respublikada baholash faoliyatini tartibga soluvchi mustahkam huquqiy baza shakllantirilgan, baholash xizmatlari bozorini rivojlantirish, amalga oshiriladigan baholash ishlarining natijalari va xolisligi uchun javobgarlikni oshirish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar qilingan” [1].

Ko‘char mulk qiymatini baholash bu bevosita jismoniy va yuridik shaxslar aktivlarida bo‘lgan mashina va asbob-uskunalar, transport vositalarining bozor qiymatini baholash bilan bog‘liq faoliyatdir. Baholash amaliyotida esa ko‘p hollarda yuridik shaxslarga tegishli bo‘lgan ko‘char mulk obektlarini uchratish mumkin. Bu esa baholash ob’ekti sifatida mashina va uskunalar, transport vositalarining boshqa mulk ob’ektlariga nisbatan farq qiluvchi o‘ziga xos xususiyatlarini ilmiy-uslubiy jihatdan chuqur o‘rganish va tahlil qilishni talab etadi.

Mashina va asbob-uskunalar bu – ko‘chmas mulkka tegishli bo‘lmagan mulkchilikning moddiy ob’ektlari hisoblanadi. Ular ma’lum bir funktsiyani bajaruvchi va alohida ob’ekt yoki biror bir tizim qismiga tegishli xarakatdagi mulk hisoblanadi. Transport vositasi bu – odamlarni, yuklarni va unga o‘rnatilgan qurilmalarni tashuvchi moslama.

Mashina va asbob-uskunalar jamiyat rivojlanishining asosiy shart-sharoitlaridan biri bo‘lib, mahsulotlarni ishlab chiqarish va ularni iste’molchilarga etkazib jarayonining asosini tashkil etadi.

Adabiyotlar sharhi

Mavzuning ilmiy-metodologik asoslari va amaliy masalalari xorij iqtisodchi-olimlaridan Damodaran, A., Koller T., Goedhart M., Wessels D., Kouplend T.ning ilmiy tadqiqotlarida keng yoritilgan [2; 3; 4; 5]. Mavzuning muammoli jihatlari va dolzarbligini o‘rganib, o‘zlarining ilmiy izlanishlari va tadqiqotlarida keltirib o‘tgan MDH mamlakatlari olimlardan A.N. Asaul, Veyg, N.V., A.P. Kovalev, A.A. Kushel, I.V. Korolev, P.V. Fadeev kabilarni sanab o‘tishimiz mumkin [6; 7; 8]. Shuningdek, O‘zbekistonda ko‘char mulk ob’ektlari qiymatini baholashning nazariy asoslari, metodologik va amaliy masalalari Berkinov B.B., Kravcheno A.N., Shoxa’zamiy Sh.Sh., Xomitov K.Z. va boshqalar [9; 10; 11] tomonidan o‘rganilgan va yanada rivojlantirilgan.

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot jarayonida ko‘char mulk qiymatini baholash amaliyotining o‘ziga xos

xususiyatlari, ularning iqtisodiyotdagi o‘rni borasida xorijiy va mahalliy olimlarning ishlari o‘rganildi va tahlil qilindi. Maqolada nazariy mushohada, tizimli yondashuv, kuzatish, umumlashtirish, tahlil, sintez kabi usullar samarali qo‘llanildi, shuningdek ko‘char mulk qiymatini baholash borasidagi muammolar va ularning echimlari xususida xulosa va takliflar shakllantirilgan.

Tahlil va natijalar

Mashina va uskunalar bozori keng strukturaviy tuzilmaga ega bo‘lib, har bir uskuna gruppalari mulkiy bozorda o‘z strukturasiga ega. Mashina va uskunalarning ma’lum bir qismi o‘z spetsifikasiga yoki ishlab chiqarish yo‘nalishiga asosan, o‘zining chegaralangan ochiq bozoriga ega. Ko‘chmas mulk bozoriga qaraganda mashina va uskunalar bozori juda harakatchan, bunga mashinasozlik maxsulotlarining yangilanishi va ma’naviy eskirgan mashina va uskunalar o‘rniga yangi va yanada mukammal mashinalar chiqarilishi va o‘rnatilishi sabab bo‘la oladi. Korxona va tashkilotlarga tegishli bo‘lgan mashina va uskunalar, uzoq vaqt davomida ishlab chiqarish jarayonlarida foydalanib, korxona asosiy fondini tashkil etadi va o‘zida moddiy qiymatlarni mujassamlashtiradi.

Mamlakatimizda 2023 yil 28 dekabrdan amal qilib kelinayotgan O‘zbekiston Respublikasining Yagona milliy baholash standarti, xususan, “Mashina va uskunalar qiymatini baholash” 13-son Milliy baholash standarti (13-son MBS) mashina va uskunalar qiymatini baholash jarayoniga qo‘yiladigan asosiy talablar hamda ushbu jarayonning xususiyatlarini belgilaydi.

Quyidagilar 13-son MBS tatbiq etiladigan baholash ob’ektlari hisoblanadi:

- bitta alohida olingan mashina va uskuna yoki mashina va uskunaning muayyan qismi;
- mashina va uskunalarning bir-biridan shartli ravishda mustaqil bo‘lgan birliklari (ishlab chiqarish-texnologik tizim yoki liniyaning bir qismi);
- ishlab chiqarish-texnologik tizimlari (ishlab chiqarish-texnologik jarayon bilan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan mashina va/yoki uskunalarning majmuasi).

Shuningdek, mashina va uskunalarga tegishli foydalanish huquqini baholashda (masalan, ijara shartnomasi asosida) ham ushbu MBS talablariga rioya qilish kerak [12].

Mashina va uskunalarni baholash maqsadi – korxonaning bozor qiymatini hisoblash va asoslashdan iborat. Baholash aniq bir masalani xal etish uchun qaratilgan bo‘lib, baholovchiga o‘z oldiga qo‘yilgan vazifani, baholash maqsadini aniq bilishini talab etadi.

Mulkni baholash aniq bir maqsadni ko‘zlagan holda amalga oshiriladi (sotish narxini aniqlash, ipoteka kreditini olish, sug‘urtalash va h.k.). Har bir holatda maqsaddan kelib chiqqan holda turlicha baholanadi.

Masalan: bitta ob’ektni yong‘indan sug‘urtalashda baholash va ipoteka krediti uchun baholash farq qiladi. Birinchisida qiymat miqdori, ob’ekt qismlarini qayta tiklash uchun ketadigan xarajatlar bilan, ikkinchisida kreditni to‘lolmagan holda ob’ektning bozordagi ehtimoliy sotilish narxiga asosan.

Mashina va uskunalarni baholash – bu korxonaning barcha xarakatdagi mulklari (uskunalar, avtomobillar, yuk tashish va orgtexnikalar, borinki, ko‘char mulkga kiradigan barcha ob’ektlar) qiymatini aniqlashdir.

Ko‘char mulkni bozor qiymatini baholash bugungi kunda mulk qiymatini baholash nazariyasidagi asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Bu baholash mulkdor talabiga asosan turli maqsadlarda qo‘llaniladi.

Bugungi kunda mulkning barcha turlarini baholash barcha turdagi operatsiyalarni bajarishda zarur va u quyidagi maqsadlarda amalga oshiriladi:

1. Garov orqali kreditlashda.
2. Oldi-sotdi jarayonida.
3. Mulkiy kelishmovchiliklarni bartaraf etish maqsadida.
4. Ustav kapitaliga kiritish va soliqqa solishda.

5. Sug‘urtalash maqsadida.

Boshqa aktivlarni baholash tartib-qoidalariga bo‘yinsungan holda mashina va uskunalarni baholash qator o‘ziga xos xususiyatlarga ega:

1. Mashina va uskunalarning nihoyatda turli-tumanligi (ba’zan yuqori konstruktiv murakkabligi uyg‘unlashgan holda) vaziyatida baholash ob’ekti qiymatiga ta’sir etuvchi asosiy miqdoriy va sifat tavsifini o‘rnatish baholovchi uchun oson vazifa hisoblanmaydi. Muammo shundaki, bu omillar turli texnologik mashinalarda sezilarli darajada farq qilishi, ularning ta’sir darajasi qiymatga ta’sir qilishi mumkin. Biror narsaga mo‘ljallangan mashina turli vazifalarni bajarishi va turli mamlakatlardagi turli ishlab chiqaruvchilar tomonidan ishlab chiqarilishi mumkin. Bularning barchasi baholovchiga baholash ob’ekti haqidagi tassavvurini shakllantirishga, ya’ni identifikatsiya jarayonini qiyinlashtiradi. Keyinchalik esa yaqin parametrdagi mashinalar bozor bahosiga turli talqinda ta’sir etadi.

2. Identifikatsiyalash murakkabligi muammosidan yana biri, bir turdagi texnologik uskunalarning moslamalar, jihozlar va ehtiyot qismlari bilan turlicha butlanishidir. Bu esa baholovchidan inventar ob’ekt sifatida baholanadigan mashinalarni butlash (keyinchalik u barcha ehtiyot qismlar haqida mos holdagi narx ma’lumotlari haqida ham) bilimiga ega bo‘lishni talab etadi.

3. Mavjud va faoliyat ko‘rsatayotgan texnologik uskunalarni baholash jarayonida baholovchi tomonidan bozor qiymati aniqlanishi bilan birga, keyinchalik yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan keng nomenklaturadagi xarajatlarni ham hisobga olishi kerak (transport xarajati, montaj va ishga solish xarajatlari va h.k.).

4. Nisbatan rivojlanmagan O‘zbekiston texnologik uskunalar bozorida ularning turlarini turli tumanligi o‘xshash ob’ektlar oldi-sotdisi bitimlari haqida narx axborotlari qidirishni qiyinlashtiradi. Bu bilan baholanayotgan ob’ektlarni qator omillar bo‘yicha analoglar narxini korrektsiyalash zaruratini paydo qiladi. Bozor qiymatini baholash bo‘yicha qo‘shimcha qiyinchilik ushbu turdagi mashinalar qiymatini hisoblashni metodik ta’minlaydigan, umumqabul qilingan axborot-ma’lumotlar bazasining yo‘qligi tufayli sodir bo‘ladi.

5. Asosiy hajmi va qator texnik ko‘rsatkichlari bo‘yicha o‘xshash hisoblangan texnologik mashina-uskunalar turli korxonalarda ishlab chiqarilishi yoki turli davlatlardan import qilinishi mumkin. Ishlab chiqaruvchining savdo markasi esa mashina va uskunalarning ishonchliligi, ekspluatatsion xarajatlari kabi muhim ko‘rsatkichlariga ta’sir etishi mumkin. Natijada esa mashina qiymatida farq yuzaga kelishi mumkin.

6. Baholovchi korxonada to‘qnashadigan nisbatan katta miqdordagi maxsus va noyob texnologik uskunalar ularni baholashda qiyosiy yondashuvni qo‘llash imkoniyatini yo‘qqa chiqaradi, ko‘pincha esa imkonsiz qiladi.

7. Butun ishlab chiqarish tizimi shakllantiradigan daromad tarkibida alohida birlikdagi texnologik uskunalarning ulushi ishtirokini aniqlash qiyinchiligi ko‘pincha ularni baholashda daromad nuqtai nazaridan yondashuvni qo‘llash imkoniyatini yo‘qotadi.

8. Texnologik uskunalarni nisbatan qisqa muddatda foydali qo‘llash ularni jismoniy eskirishini baholashda diqqat bilan yondashuvga undaydi, jismoniy eskirish koeffitsientini aniqlashdagi xatoliklar mashinalar qoldiq qiymatini hisoblashda sezilarli xatoliklarni keltirib chiqaradi. Ushbu holatdagi qo‘shimcha muammo - mashina-uskunalarni joriy va kapital ta’mirlashni va modernizatsiyani o‘tkazish xarajatlarini hisobi (uchyoti) hisoblanadi.

9. Texnika uchun yuqori dinamik rivojlanish – bu odatiy hol. Mashina-uskunalar ham bundan mustasno emas. Yangi materiallar, konstruktsiyalar va texnologiyalar paydo bo‘lishi funktsional eskirish va u bilan bog‘liq mavjud baholash ob’ektlari bahosini pasayishi holatini ham hisobga olish zaruratini paydo qiladi. Bunda muammo - baholovchi umuman olganda texnologik uskunalar bo‘yicha mutaxassis bo‘lmagan holda dunyoda ishlab chiqarilayotgan turli xildagi “texnik va texnologik yangiliklar” darajasidan bexabar bo‘lishi mumkin.

10. Qator hollarda texnologik mashinalar muayyan ishlarni bajarish uchun mo‘ljallangan yagona kompleksni tashkil etadi. Ushbu kompleksdagi har bir mashina, bir xil yoki turli xil

maqsadga mo‘ljallangan holda o‘z funktsiyasini mustaqil emas balki uning tarkibida bajarishi mumkin. Bunday kompleksning (avtomatik liniya, egiluvchan ishlab chiqarish tizimi, mini zavod va boshqalar) alohida mashinalarni ishlab chiqarish tavsifi aniq shaklda kelishilgan bo‘lishi kerak. Aks holda qiymatini pasayishi bilan mos holda funktsional eskirishi ham yuzaga keladi.

11. Texnologik uskunalarni baholashda keng tarqalgan holatlardan biri (inventar birliklar yuzlab miqdorlar bilan hisoblansa yoki tashkil etsa), tsex yoki yaxlit korxona aktivlarini ommaviy baholash hisoblanadi. Bu muammo uni qisqa muddatlarda amalga oshirish imkonini beruvchi ma’lum bir baholash metodikalarini talab etadi.

12. Mashina-uskunalar ko‘chmas mulkka nisbatan etarlicha likvidroq, shuning uchun ular ko‘pincha kreditlashda garov rolida ishtirok etadi. Ularning garov qiymatini aniqlashda asosiy muammo nafaqat turi va uskuna holatiga bog‘liq, balki bozorda unga bo‘lgan talabga ham bog‘liq bo‘lgan likvidlik koeffitsientini aniqlash hisoblanadi [8].

Mashina va uskunalarning yuqoridagi o‘ziga xos xususiyatlari ta’sirida uning bozorini shakllanishi hozirgi ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarga xarakterli holda qiyin kechmoqda.

Korxona aktividagi mashina va uskunalar qiymatini baholashda bir qancha omillar ta’sir etadi, ularning eng asosiysi bu eskirish darajasidir. Chunki ular tez yangilanadi, eskirish darajasi ham intensiv ravishda hisoblanishi mumkin. Bu erda yuqorida ta’kidlanganidek, baholovchi mashina va uskunalarning texnik va ma’naviy eskirishini to‘g‘ri hisob-kitob qilishi uchun zarur texnik bilimlarga yoki ekspert yordamiga tayanadi.

1-jadval.

Mashina va uskunalar jismoniy holatini tekshirishda eskirish koeffitsientini aniqlash uchun ekspert baholash shkalasi

Uskuna holati	Jismoniy holati tavsifi	Eskirish, %da
Yangi	Yangi, o‘rnatilgan va hali ekspluatatsiya qilinmagan (yoki yangi, amalda ekspluatatsiya qilinmagan uskuna) a’lo holatdagi uskuna.	0-5
Juda yaxshi	Yangi yoki avval ekspluatatsiyada bo‘lgan uskuna, to‘liq ta’mirlangan (rekonstruktsiya qilingan), a’lo holatda. Yoki, deyarli yangi uskuna, qisqa muddat ekspluatatsiya qilingan va ta’mirlash yoki biror bir qismini almashtirish talab etilmaydi.	10-15
Yaxshi	Avval ekspluatatsiya qilingan, to‘liq ta’mirlangan yoki rekonstruktsiya qilingan yaxshi holatdagi uskuna. Defekt va buzuq joylari u qadar ahamiyatli xarakterga ega emas.	20-35
Qoniqarli	Avval ekspluatatsiyada bo‘lgan, qoniqarli holatdagi uskuna, ekspluatatsiya uchun yaraydi, lekin, ba’zi bir ta’mirlashlar yoki asosiy bo‘lmagan uzel, elementlarini (alohida mayda qismlar) almashtirish talab etiladi.	40-60
Shartli yaroqli	Avval ekspluatatsiyada bo‘lgan, keyingi ekspluatatsiya uchun yaroqli holatdagi uskuna, lekin sezilarli darajada ta’mirlash (kapital ta’mirlash) yoki bosh qismlar, asosiy uzel, elementlarini (masalan: dvigatel) almashtirish talab etiladi.	65-80
Qoniqarsiz	Avval ekspluatatsiyada bo‘lgan, asosiy agregatlarining ishchi organlarini almashtirish kabi kapital ta’mirlash talab etuvchi uskuna. Ekspluatatsiyani davom ettirish uchun to‘liq rekonstruktsiya qilinishi lozim bo‘lgan uskuna.	85-90
Qo‘llanishga yaroqsiz	Sotilishini mantiqiy kelajagi bo‘lmagan va faqatgina sog‘lom qismlari asosiy materiallar qiymati bo‘yicha sug‘urib olinishi mumkin bo‘lgan uskuna.	97,5-100

Buxgalteriyadagi har bir inventar ob’ekt standart shakldagi yuritiladigan inventar kartochka orqali yuritiladi va unda bir qancha ma’lumotlar aks ettirilgan bo‘ladi. Jumladan, foydali

ishlatish muddati, amortizatsiya hisoblash shakli, joylashgan joyi, texnik xususiyatlari. Shu kabi ma’lumotlar orqali mashina, uskunalarning, kelib tushish va sotilishi, amortizatsiya hisobi, jismoniy eskirishi haqidagi ma’lumotlarni umumlashtirgan holda ularning hayotiy tarixi haqida ma’umotga ega bo‘lamiz. Bu erda asosiy omil sifatida uning jismoniy va ma’naviy eskirishi hisoblanadi. Amortizatsiyani hisoblashda bir necha usullar: to‘g‘ri chiziqli usul, jadallashgan usul (kumulyativ, yillar yig‘indisi) orqali hisoblanadi. Bu usullarni qo‘llashda mulkning ma’naviy eskirishi katta rol o‘ynaydi. Chunki hozirda ishlab chiqarishda ishlatilayotgan mashina va uskunalar tez-tez almashib, zamonga qarab moslashmoqda. Ularni zamonaviylari bilan almashtirish uchun avvalgilariga tezlik bilan amortizatsiya hisoblab, asosiy vositalar tarkibidan chiqarish talab etiladi.

Baholanayotgan ob’ektning baholash sanasidagi jamg‘arilgan eskirishi uning jismoniy holati (jismoniy eskirish), bozor zamonaviy talablariga mosligi (funktsional eskirish), tashqi omillar ta’sirida qiymatning o‘zgarishi (tashqi/iqtisodiy eskirish) orqali aniqlanadi. Jamg‘arilgan eskirish qiymati 100 % dan ko‘p bo‘lishi mumkin emas.

Jamg‘arilgan eskirish foizlarda, tiklash qiymatining ma’lum ulushida yoki pul birligida ifodalanishi mumkin.

Jamg‘arilgan eskirish quyidagi formula orqali hisoblanadi:

$$\boldsymbol{E_{jam} = 1 - (1 - E_{jis}) * (1 - E_{funk}) * (1 - E_{tash}),}$$

bu erda: E_{jam} – jamg‘arilgan eskirish koeffitsienti;

E_{jis} – jismoniy eskirish koeffitsienti;

E_{funk} – funksional eskirish koeffitsienti;

E_{tash} – tashqi eskirish koeffitsienti.

Ob’ektning jismoniy eskirishi quyidagi usullar orqali aniqlanadi:

- asosiy jihatlarining zaiflashuvi usuli;
- normal eskirish usuli;
- puldagi o‘zgarishning to‘g‘ri chiziqli usuli;
- ekspert-analitik usuli;
- qayta tiklash usuli;
- o‘rtacha tortilgan eskirish usuli;

1. Asosiy jihatlarining zaiflashuvi usuli jismoniy eskirish baholanayotgan ob’ektning ma’lum bir asosiy jihatlaridan biri (ishlab chiqarish quvvati, aniqlik, chidamlilik, yoqilg‘i chiqimi) talabga javob bermagan taqdirda qo‘llaniladi va quyidagicha aniqlanadi:

$$\boldsymbol{E_{jis} = 1 - \left(\frac{X}{X_0}\right) * n,}$$

bu erda, X, X_0 – ob’ekt asosiy jihatlaridan birining ishga birinchi tushirilgandagi va baholash sanasidagi holati ko‘rsatkichi;

n – ob’ekt asosiy jihatlaridan birining uning qiymatiga ta’sir etish darajasi.

2. Jismoniy eskirishni aniqlashning normal eskirish usulida baholanayotgan ob’ektning haqiqiy xizmat qilish muddatining normativdagi muddat bilan o‘zaro munosabati orqali aniqlanadi. Bunda jismoniy eskirish quyidagicha aniqlanadi:

$$\boldsymbol{E_{jism} = \frac{L_{ef}}{L_n} * 100\%} \quad \text{yoki} \quad \boldsymbol{E_{jism} = \frac{T_{ef}}{T_n} * 100\%,}$$

bu erda, L_{ef} – baholanayotgan ob’ektning ishga tushirilishidan baholash sanasigacha bo‘lgan samarali bosim o‘tgan yo‘li, ming.km;

L_n – baholanayotgan ob’ektning hisobdan chiqarish sanasidagi normativ bosib o‘tgan yo‘li, ming.km;

T_{ef} – baholash sanasidagi baholanayotgan ob’ektning samarali yoshi, yil;

T_n – hisobdan chiqarilayotgan vaqtdagi normativ xizmat qilish muddati, yil.

3. Puldagi o‘zgarishning to‘g‘ri chiziqli usuli baholanayotgan ob’ektning alohida bir elementini almashtirishga sarflangan xarajatlar summasini hisoblashdan iborat bo‘lib, ushbu

hisoblangan summa eskirishni hisoblovchi element bo‘lib xizmat qiladi.

$$E_{jis} = \frac{C_r}{S_a} * 100\%,$$

bu erda, S_r – eskirishni oldini olish uchun jami ta’mirlash xarajatlari;

S_a – yangi analog narxi.

4. Ekspert-analitik usuli orqali jismoniy eskirishni hisoblashning o‘ziga xosligi shundaki, unda yangi analog bilan avval foydalanilgan analog narxiga asoslangan holda aniqlanadi. Ushbu usulda jismoniy eskirish quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$E_{jis} = \frac{N_y - N_e}{N_y},$$

bu erda, N_y – yangi analogning narxi;

N_e – eski analogning narxi;

5. Qayta tiklash usulida esa baholanayotgan obektning to yangi holatga kelguncha amalga oshirilgan jami xarajatlar va asosiy agregatlarning yangisiga almashtirishdagi kapital ta’mir xarajatlari yig‘indisi orqali hisoblanadi. Uni aniqlash formulasi quyidagicha bo‘ladi:

$$E_{jis} = \sum C_{kt} + \sum C_y,$$

bu erda, C_{kt} – kapital ta’mir xarajatlari;

C_y – yangi ob’ektni yo‘lga qo‘yish xarajatlari (transport xarajatlari, majburiy to‘lovlar)

6. O‘rtacha tortilgan eskirish usuli jismoniy eskirish hisob-kitobiga asoslangan, bunda eskirish baholash ob’ektining alohida konstruktiv elementlarining, ularni baholash ob’ektining to‘liq qiymatidagi ulushini hisobga olgan holda haqiqatdagi holati bo‘yicha aniqlanadi

Baholash ob’ekti hamda ularning butlovchi qismlari uchun jismoniy eskirish hisob-kitobi quyidagi formula bo‘yicha aniqlanadi:

$$И_{физ} = \sum_{i=1}^{n} a_i И_{физ_i},$$

bunda, $И_{физ_i}$ – baholashda baholanayotgan ob’ektining n – chi konstruktiv elementini (uzelini) jismoniy eskirishi, % da;

a_i – baholanadigan jami ob’ekt tannarxida n – chi uzel tannarxining ulushi;

n – baholashda baholanayotgan ob’ektining konstruktiv elementlarini (uzellarini) soni.

Funktsional eskirish ob’ektning xususiyatlari hozirgi bozor talablai darajasida bo‘lmagan holatda hisoblanadi.

Funktsional eskirish oldini olish mumkin bo‘lgan va oldini olish mumkin bo‘lmagan eskirish kabi turlarga bo‘linadi.

Funktsional eskirish butun ob’ekt bo‘yicha yoki qismlarga bo‘lgan holda hisoblanishi mumkin.

Funktsional eskirish ikki xil usulda, ya’ni, qiyosiy usul va bo‘lish usuli bilan hisoblanishi mumkin.

Qiyosiy usul bilan hisoblanganda ob’ektning xuddi shunday boshqa zamonaviy ob’ekt bilan solishtirishda yuzaga kelgan funktsional kamchiliklarni bartaraf etish xarajatlaridan kelib chiqib aniqlanadi.

Bo‘lish usulida esa bartaraf etib bo‘ladigan va bartaraf etib bo‘lmaydigan eskirishlar yig‘indisi orqali aniqlanadi. Bartaraf etib bo‘ladigan va bartaraf etib bo‘lmaydigan eskirishlarni hisoblash ularning kelib chiqish sabablarini aniqlashtirgan holda amalga oshiriladi.

Tashqi eskirish baholanayotgan mulk qiymatiga salbiy ta’sir qiluvchi tashqi omillar tufayli yuzaga keladi. Tashqi omillarga quyidagilar kiradi: bozor holati, moliyalashtirish shartlari, foydalanish chegarasi, infrastrukturadagi va qonunchilikdagi o‘zgarishlar va boshqalar. Tashqi eskirish qiyosiy yoki ekspert baholash usuli orqali aniqlanishi mumkin.

Xulosa

Xulosa sifatida shuni ta’kidlash mumkin: korxonalarga tegishli mashina va uskunalar sifatidagi ko‘char mulk iiymatini baholash orqali, asosiy fondlar aktiv qismining bozor qiymatini aniqlash mumkin. O‘z mulkining qiymatini bilgan mulkdor, ochiq bozorda shu turdagi mulkka bo‘lgan talabni qaysi darajada ekanligini, bozorning shu segmentini joriy holatini, foydalilik va zarar ko‘rish darajasini va shunga asosan boshqaruv qarorlarini qabul qilishi, ichki va tashqi investorlarni jalb qilishi, biznesni qayta tashkillashtirishi, korxonada texnologik jarayonlarning samaradorlik darajasini aniqlashi va boshqa tadbirkorlik harakatlarini amalga oshirishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 01 iyundagi “Baholash xizmatlari bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 3764-sonli Qarori.

2 Дамодаран А. Оценка стоимости активов / - Минск: Изд-во Попурри, 2012. - 272 с.

3. Инвестиционная оценка: Инструменти и методи оценки любих активов / А. Дамодаран; Пер.с англ-5-е изд. - М.: Алпина Бизнекс Букс, 2008. - 1340 с.

4. Koller T., Goedhart M., Wessels D. Valuation: Measuring and Managing the Value of Companies. John Wiley & Sons, Inc., 2005. 730 p.

5. Коупленд Т., Коллер Т., Муррин Дж. Стоимост компаний: оценка и управление. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2005.

6. Оценка собственности. Оценка машин, оборудования и транспортних средств: учебник / А. Н. Асаул, В. Н. Старинский, А. Г. Бездудная, М. К. Старовойтов; под ред. засл. деятеля науки РФ, д-ра екон. наук, профессора А. Н. Асаула. - СПб.: АНО «ИПЕВ», 2011.-287с.

7. Вейг, Н. В. Оценка стоимости машин и оборудования: учеб. пособие/ Н. В. Вейг. - СПб.: Изд-во СП6ТУЕФ, 2009. - 96 с.

8. Основи оценки стоимости машин и оборудования: Учебник / А,П. Ковалев, А.А. Кушел, И.В. Королев, П.В. Фадеев; Под ред. М.А. Федотовой. М.: Финанси и статистика, 2006. 288 с.: ил.

9. Xodiev B.Yu., Berkinov B.B., Kravcheno A.N. Biznes qiymatini baholash. -T.: Iqtisod-moliya, 2007. -256 b.

10. Shoxa’zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. – 492 b.

11. Xomitov K.Z. Biznes qiymatini baholash. (Darslik). – T.: “Nihol print” OK, 2022. – 388 bet.

12. O‘zbekiston Respublikasi Yagona milliy baholash standarti, 28.12.2023 yilda ro‘yxatdan o‘tgan, 2024 yil 1 yanvardan kuchga kirgan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

O‘ZBEKISTONDA HUDUDLARNING INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISH OMILLARI

Narzullayeva Xilola Abdukomilovna

mustaqil izlanuvchi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: xilolaabdukomilovna@gmail.com
ORCID: 0009-0006-6832-8792

Annotatsiya. *Maqolada investitsiya muhitining mazmun va mohiyati yoritilgan hamda uning jozibadorligini oshirish omillari tasniflangan. Tadbirkorlik loyihalarini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni kengaytirish maqsadida yirik tadbirkorlik subyektlariga ajratilgan kredit va lizingning 50 foizidan ortiq bo‘lmagan miqdorda davlat tomonidan kafolat yoki kafillik berish hamda tadbirkorlik subyektlarining investitsion loyihalarini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni rag‘batlantirish maqsadida davlat tomonidan avval berilgan kafillikdan ijobiy foydalangan va yaxshi kredit tarixiga ega bo‘lgan tadbirkorlik subyektlariga amalda belgilangan kafillik miqdorini bir yarim baravargacha oshirishning maqsadga muvofiq ekanligi asoslab berilgan. Tadqiqot natijalari asosida investitsiya muhitining jozibadorligini oshirishga qaratilgan ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *investitsiya, investitsiya muhiti, investitsion jozibadorlik, tadbirkorlik loyihalari, kafolat, kafillik, kredit, lizing, moliyaviy qo‘llab-quvvatlash, investitsion loyihalar, kredit ta’minoti, garov.*

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ РЕГИОНОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Нарзуллаева Хилола Абдукомиловна

самостоятельный соискатель
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: xilolaabdukomilovna@gmail.com
ORCID: 0009-0006-6832-8792

Аннотация. *В статье анализируется содержание инвестиционной среды, характеризуются и классифицируются факторы, повышающие её привлекательность. В целях расширения финансовой поддержки бизнес-проектов обосновано предоставление государственной гарантии или поручительства в размере не более 50 процентов кредитов и лизинговых обязательств, предоставляемых субъектам крупного предпринимательства, а также увеличение размера, устанавливаемого государством гарантии, до полутора раз для субъектов предпринимательства, ранее положительно воспользовавшихся государственной гарантией и имеющих положительную кредитную историю. По результатам исследования разработаны научное предложение и практические рекомендации, направленные на повышение привлекательности инвестиционной среды.*

Ключевые слова: *инвестиции, инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность, бизнес-проекты, гарантия, поручительство, кредит, лизинг, финансовая поддержка, инвестиционные проекты, кредитное обеспечение, залог.*

FACTORS INCREASING THE INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF REGIONS IN UZBEKISTAN

Narzullaeva Khilola Abdukomilovna

Independent Researcher at Tashkent State University of Economics

E-mail: xilolaabdukomilovna@gmail.com
ORCID: 0009-0006-6832-8792

Abstract. *This article explores the nature and essence of the investment environment, characterizing and classifying the factors that enhance its attractiveness. To expand financial support for business projects, it is recommended to provide a state guarantee or suretyship of no more than 50 percent of loans and leases granted to large businesses, as well as to increase the size of the state guarantee by up to 1.5 times for businesses that have previously successfully utilized the state guarantee and have a positive credit history. Based on the research results, a scientific proposal and practical recommendations aimed at enhancing the attractiveness of the investment environment have been developed.*

Keywords: *investments, investment climate, investment attractiveness, business projects, guarantee, surety, credit, leasing, financial support, investment projects, credit security, collateral.*

Kirish

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Savdo va taraqqiyot bo‘yicha konferensiyasi (UNCTAD) ma’lumotlariga ko‘ra, “2024-yilda global to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar 11 foizga kamayib, 1,5 trillion AQSh dollarini tashkil etdi” [2]. Bu esa ushbu ko‘rsatkichning ketma-ket ikkinchi yil pasayib borayotganligini ko‘rsatadi. “Global darajada infratuzilmaga investitsiyalar sekinlashmoqda va sanoat investitsiyalari qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Rivojlanayotgan mamlakatlar investitsiya jarayonida orqada qolmoqda” [3]. Bunday holat barcha rivojlanayotgan mamlakatlarda, jumladan O‘zbekiston Respublikasida ham investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish zarurligini taqozo etadi.

Hududlarning investitsiya jozibadorligi – bu muayyan viloyat, shahar yoki mintaqaning investorlar uchun qanchalik maqbul va manfaatli ekanligini ifoda etuvchi tushuncha. Oddiy qilib aytganda, investor biror hududga pul tikmoqchi bo‘lsa, avvalo u yer qanchalik qulay, xavfsiz va daromadli ekanini baholaydi. Ana shu umumiy bahoga investitsiya jozibadorligi deyiladi. Hudud investitsiya uchun qanchalik qulay va foyda keltirish imkoniyati yuqori bo‘lsa, uning investitsiya jozibadorligi shunchalik yuqori deb hisoblanadi. Investitsiya muhitining jozibadorligi, eng avvalo, iqtisodiyot tarmoqlari va hududlarga xorijiy investitsiyalarning kirib kelishini rag‘batlantiradi. Bir so‘z bilan aytganda “Yagona to‘g‘ri yo‘limiz – xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish va eksportni ko‘paytirish” [1]. Jozibador investitsiya muhiti iqtisodiyotda “xom ashyo – qayta ishlash – ilm va texnologiyalar – mahsulot ishlab chiqarish” kabi intensiv ishlab chiqarishni ta’minlash bilan birga har qanday mamlakatning ustuvor vazifasi hisoblangan eksportni oshirish kabi dolzarb masalalarning ijobiy hal etilishiga imkon yaratadi. Shu nuqtai nazardan O‘zbekistonda investitsiya muhitining jozibadorligini oshirish omillarini tadqiq qilish va uni takomillashtirishga qaratilgan taklif-tavsiyalar ishlab chiqish dolzarb hisoblanadi.

Adabiyotlar sharhi

Amerikalik iqtisodchi-olimlardan Uilyam F. Sharp, Gordon Dj. Aleksander, Djeffri V. Beylilarning fikricha, “Investitsiya muhitining jozibadorligi, asosan, qimmatli qog‘ozlarning likvidligi va yuqori daromadliligi bilan belgilanadi hamda investitsiya muhiti bozorda sotiladigan qimmatli qog‘ozlar turlari va ularni sotib olish va sotish shartlari bilan tavsiflanadi” [4]. Berilgan ta’rif investitsiya muhitining bir qismi – kapital bozorlariga oid jihatlarni (qimmatli qog‘ozlar likvidligi va rentabellik) yaxshi yoritgan, chunki iqtisodiyoti taraqqiy etgan mamlakatlarda qimmatli qog‘ozlar bozori rivojlangan bo‘lib, investisiyalar kapital bozoriga yo‘naltiriladi, biroq investitsiya muhitini to‘liq qamrab olmaydi. Investitsiya muhiti – keng qamrovli makroiqtisodiy, huquqiy, moliyaviy va institusional omillar majmui. Shu sabab, yuqoridagi ta’rif to‘liq emas, balki moliya bozori nuqtai nazaridan qisman tushuntirilgan, deb baholanadi. Qimmatli qog‘ozlar likvidligi muhim omil bo‘lib, investorlar likvid aktivlarni afzal ko‘radi, chunki tez sotish imkoni bor, bozor riski kamayadi va kapitalni qayta taqsimlash osonlashadi. Qimmatli qog‘ozlarning daromadliligi investitsiya qarorini

shakllantiradi va rentabellik investitsiya muhitining jozibadorligini oshiruvchi asosiy ko‘rsatkichlardan biri hisoblanadi. Birorta mamlakatda kapital bozori qanchalik rivojlangan bo‘lsa, investitsiya muhiti shunchalik barqaror va jozibali bo‘ladi. Demak, AQSHda kapital bozori rivojlangan bo‘lib, investitsiyalar ana shu bozorga yo‘naltiriladi. Xulosa qilib aytganda, investitsiya muhitining jozibadorligi faqat qimmatli qog‘ozlarning likvidligi va daromadliligi bilan emas, balki makroiqtisodiy barqarorlik, huquqiy muhit, institutlar sifati, soliq siyosati, infratuzilma va moliyaviy sektor samaradorligi kabi keng omillar majmui bilan belgilanadi.

Rossiyalik iqtisodchi-olimlardan D. Pestovning dissertatsiya ishida investitsion jozibadorlikni shakllantirish asoslarining nazariy va metodologik jihatlari tadqiq qilingan bo‘lib, uning fikricha, “Investitsiya jozibadorligini baholash ichki, tarmoq va mintaqaviy omillarni tahlil qilishni o‘z ichiga oladi. Ushbu tahlil investitsiyalardan kutilayotgan daromadni, qaytarish muddatini baholashni, eng muhim investitsiya xavflarini aniqlashni va tarmoqning rivojlanish istiqbollarini o‘z ichiga oladi. Ushbu omillardan tashqari, mintaqaning investitsiya salohiyati va investitsiya xavfi tarmoqlarning investitsiya jozibadorligiga ta’sir qiladi” [5]. Berilgan fikr investitsiya jozibadorligini baholashda muhim bo‘lgan bir qator elementlarni o‘z ichiga olgan. Umuman olganda, ta’rif ilmiy asosga ega, lekin uni yana aniqlash va konseptual mustahkamlash mumkin. “Investitsiya jozibadorligini baholash ichki, tarmoq va mintaqaviy omillarni tahlil qilishni o‘z ichiga oladi” jumlasi ilmiy jihatdan to‘g‘ri va bu qarash investitsiya muhitining mumtoz modellariga mos keladi. Bunda ichki omillar – kompaniya yoki loyihaning moliyaviy holati, boshqaruv samaradorligi, aktivlar sifati va boshqa mikrodarajadagi ko‘rsatkichlarni, tarmoq omillari – sohaning raqobat darajasi, bozor sig‘imi, texnologik daraja, sohaga xos regulyativ talablarni, mintaqaviy omillar – resurslar bazasi, infratuzilma, kadrlar salohiyati, transport va logistika, mahalliy bozor hajmi, mintaqaviy siyosatni o‘z ichiga oladi. Biroq, bu yerda institusional omillarni ham qo‘shish zarur. Xususan, huquqiy muhit, sud tizimi, davlat qo‘llab-quvvatlovi, soliq siyosati, tartibga solish va boshqarish – bular ham investor uchun hal qiluvchi omillardir. Investitsiya hisob-kitoblarida kutilayotgan daromad va qaytish muddati – asosiy ko‘rsatkichlardan bo‘lib, ilmiy jihatdan asoslangan fikrdir. Mintaqaning salohiyati (resurslar, logistika, infratuzilma, kadrlar) va mintaqaviy xavflar (siyosiy barqarorlik, ijtimoiy vaziyat, korrupsiya) tarmoq jozibadorligiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta’sir qiladi.

I. Straxovaning ilmiy ishlarida mintaqaning investitsion jozibadorligi va uni oshirish usullari tahlil qilingan. Jumladan, “Mintaqaning investitsiya jozibadorligi – bu mintaqaga kapital oqimini belgilaydigan va investitsiya faoliyati bilan o‘lchanadigan o‘ziga xos xususiyatlar (shartlar, cheklovlar) majmuidir. Mintaqadagi investitsiya faolligi, o‘z navbatida, kapital oqimining intensivligi deb hisoblanishi mumkin. Investitsiya jozibadorligi singari, u joriy, qisqa muddatli yoki bashorat qilingan yoki istiqbolli bo‘lishi mumkin. Hududlarining investitsiya jozibadorligi ikkita asosiy xususiyat bilan belgilanadi: investitsiya xavfi va investitsiya salohiyati” [6]. Berilgan ta’rif mintaqaning investitsiya jozibadorligini asosiy tarkibiy qismlari bilan izohlagan bo‘lib, iqtisodiy nazariya va amaliyot nuqtai nazaridan to‘g‘ri va ilmiy jihatdan asosli hisoblanadi. Mintaqaning investitsiya jozibadorligi – bu resurslar, infratuzilma, regulyativ muhit, bozor imkoniyatlari va xavf omillarining birgalikda ta’sir etuvchi tizimi hisoblanadi. Ya’ni, jozibadorlik biror bir omil bilan emas, balki omillar majmui bilan shakllanadi. “Mintaqadagi investitsiya faolligi kapital oqimining intensivligi” to‘g‘risidagi fikr ham ilmiy jihatdan to‘g‘ri. Investitsiya jozibadorligi – shart-sharoitlar majmuini, investitsiya faolligi – bu real kapital kirib kelish darajasini ifodalaydi. Ikkalasi bir-biriga bog‘liq, ammo bir xil emas. Investitsiya jozibadorligi yuqori bo‘lsa, odatda investitsiya faolligi ham o‘sadi. “Joriy, qisqa muddatli va istiqbolli (bashorat qilingan) jozibadorlik” jumlasi ham nazariy jihatdan muhim, chunki investorlar har doim hozirgi holatni (current attractiveness), yaqin kelajakdagi imkoniyatlarni (short-term) va strategik istiqbolni (long-term prospects) baholaydilar. Berilgan ta’rif mintaqaning investitsiya jozibadorligini aniqlovchi omillarni nazariy va amaliy jihatdan to‘g‘ri ifodalaydi. Investitsiya salohiyati va investitsiya xavfi – mintaqaviy jozibadorlikning asosiy ikki ustunidir. Investitsiya jozibadorligi esa kapital kirib kelishga sharoit yaratuvchi kompleks tizim bo‘lib, investitsiya faolligi uning amaldagi natijasini aks ettiradi.

Mahalliy iqtisodchi-olimlardan Sh. Mustafakulovning ta’kidlashicha: “Investitsiya

muhitini har tomonlama, chuqur tahlil qilinishi asnosida investitsiya tavakkali baholanadi va aniqlanadi. Investitsiya muhiti va tavakkal darajalari bir-biriga teskari nisbatdadir. Investitsiya muhiti qanchalik qulay bo‘lsa, investorning tadbirkorlik tavakkali shunchalik past darajada bo‘ladi va bu investorlarning kirib kelishini faollashtiradi. Aksincha, investitsiya muhiti noqulay bo‘lsa, tavakkal darajasi yuqori bo‘ladi. Bu esa, investitsiya qabul qiluvchi tomon sarf-xarajatlarining o‘sishiga olib keladi. Investitsiya muhitining holati faqat investor uchun emas, balki investitsiya qabul qiluvchi uchun ham muhimdir” [7]. Bu fikr investitsiya risk-menejmenti nazariyasiga to‘liq mos keladi. Investorlar tavakkallarni baholash uchun quyidagi tahlillarni amalga oshiradi: makroiqtisodiy tahlil; siyosiy-huquqiy muhit tahlili; tarmoq tahlili; moliyaviy hisob-kitoblar (NPV, IRR, CAPM, WACC); regulyativ va institusional xavflar. Shuning uchun investitsiya muhitini chuqur tahlil qilish – riskni aniqlash va minimallashtirishning ilmiy asosidir. “Investitsiya muhiti va tavakkal darajalari bir-biriga teskari nisbatdadir” jumlasi investitsiya nazariyasidagi “risk–return trade-off va risk–environment inverse relation” modellariga to‘liq mos keladi: muhit qanchalik barqaror bo‘lsa, risk shunchalik past; muhit noaniq, byurokratik yoki regulyativ xavfli bo‘lsa risk yuqoridir. Bu munosabat xalqaro investitsiya jozibadorligi indekslarida ham tasdiqlangan. “Investitsiya muhiti qulay bo‘lsa, tavakkal past, investitsiya kirib kelish faol” degan fikr amaliyotda ham o‘z isbotini topgan: infratuzilmasi rivojlangan, huquqiy kafolatlari kuchli, barqaror siyosati bor mintaqalarga sarmoya oqimi tezroq va ko‘proq bo‘ladi. Investitsiya muhiti va investitsiya tavakkali o‘rtasidagi teskari proporsionallik iqtisodiy nazariya va amaliyotda o‘z isbotini topgan. Muhit barqaror, shaffof va institusional jihatdan mustahkam bo‘lsa, investitsiya risklari kamayadi va sarmoyalar oqimi ortib boradi. Muhit noqulay bo‘lsa risk yuqori bo‘ladi, bu esa investitsiya qabul qiluvchi tomon uchun qo‘shimcha xarajatlarga va kam samaradorlikka olib keladi. Shuning uchun investitsiya muhitini yaxshilash ham investor, ham qabul qiluvchi taraf uchun teng darajada muhim hisoblanadi.

Tadqiqot metodologiyasi

Maqolada mantiqiy abstraksiya, tizimli tahlil, induksiya va deduksiya usullaridan keng foydalanilgan bo‘lib, tadqiqot jarayonida foydalanilgan nazariy hamda statistik materiallarning ishonchliligi vakolatli tashkilotlar tomonidan tasdiqlanganligi bilan izohlanadi.

Tahlil va natijalar

O‘zbekiston uchun investitsiya muhitining jozibadorligini oshirishning zarurligi quyidagi omillar bilan xususiyatlanadi:

1. *Iqtisodiy rivojlanish va barqaror o‘sishni ta’minlash.* Investitsiyalar – iqtisodiyotdagi ustuvorlikdan biri. Yaxshi investitsiya muhiti kelajakdagi iqtisodiy o‘sishni har tomondan qo‘llab-quvvatlaydi, yangi biznes loyihalar paydo bo‘ladi, ish o‘rinlari yaratiladi. Bu alohida strategik ahamiyatga ham ega, chunki iqtisodiyot xalqaro va milliy sarmoya bilan rivojlanadi. 2021-2025-yillar davomida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi qariyb 2,8 barobarga ko‘paydi va 443,6 trln so‘mni tashkil qildi. So‘nggi besh yil mobaynida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning o‘sish sur’atlarini ko‘radigan bo‘lsak, ular o‘sib borish tendensiyasiga ega bo‘lib, 2024-yilda eng yuqori o‘sish sur’ati – 138,7 foiz kuzatilgan bo‘lsa, joriy davrda o‘sish sur’ati 115,2 foizga teng bo‘ldi (1-diagramma). Bunday holat:

– birinchidan, korxonalar, tarmoqlar va iqtisodiyotning moddiy-texnik bazasini yaratish va yangilash uchun ajratiladigan mablag‘larning uzoq muddat foydalaniladigan asosiy vositalarga yo‘naltirilayotganligini bildiradi va ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish va intensivligini ta’minlash nuqtai nazaridan ijobiy holatdir;

– ikkinchidan, investitsiyalarning mashina, asbob-uskunalar, transport vositalari, jihoz va xo‘jalik inventarini sotib olishga, asbob-uskunalarni montaj qilishga va boshqa kapital ishlarga qilingan xarajatlarning ko‘payib borayotganligini anglatadi va real sektorni rivojlantirish jihatidan ijobiydir;

– uchinchidan, asosiy vositalar yangilansa, ishlab chiqarish quvvatlari oshadi va iqtisodiyotda o‘sish yuzaga keladi. Qurilish, modernizatsiya, yangi korxonalar – barchasi mehnat

bozorini qo‘llab-quvvatlaydi. Innovatsiya, avtomatlashtirish va raqamlashtirish uchun asosiy kapitalga sarmoya zarur. Yangilangan uskuna va texnologiyalar arzon, tez va sifatli mahsulot ishlab chiqarishga yordam beradi. Yo‘llar, logistika, energetika obyektlari iqtisodiyotning barcha sohalariga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi

1-diagramma.

Asosiy kapitalga yo‘naltirilgan investitsiyalar hajmi va o‘sish sur’ati (yanvar-sentyabr)*



**stat.uz/uz/.O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi.*

2. *Xorijiy investitsiyalarni jalb qilish.* O‘zbekiston hozirda global bozorlarda loyiha va imkoniyatlarni taqdim qilish imkoniyatiga ega. Masalan, davlat tomonidan yangi qonunlar qabul qilinmoqda (“Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi), raqamli platforma orqali tashabbuslar jadal tasdiqlanmoqda va byurokratik to‘siqlar kamaytirilmoqda. Shuningdek, xorijiy investorlar bilan muntazam muloqot qilish uchun xorijiy investorlar kengashi tashkil etilgan. Investitsiyalar orqali O‘zbekistonga xalqaro tajriba, texnologiya va bilim ham kirib keladi. Jalb qilinayotgan xorijiy investitsiya va kreditlar iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarini moliyalashtirishda muhim omil bo‘lmoqda. 2025-yil yanvar-sentyabr oylarida jami 34,5 mlrd AQSH dollari miqdorida xorijiy investitsiya va kreditlar o‘zlashtirilgan bo‘lsa, ulardan yangi asosiy fondlarni yaratishga qaratilgan asosiy kapitalga xorijiy investitsiya va kreditlar 24,9 mlrd AQSH dollari yoki 318,3 trln so‘mni tashkil etdi. 2020-2024-yillar davomida O‘zbekiston iqtisodiyotiga jalb qilingan xorijiy investitsiya va kreditlar qariyb 4 barobarga oshgan. Xususan, 2020-yilda jalb qilingan xorijiy investitsiya va kreditlar 8,6 mlrd AQSH dollarini tashkil qilgan bo‘lsa, 2024-yil yakunlariga ko‘ra, bu ko‘rsatkich 34,9 mlrd AQSH dollariga teng bo‘lgan.

2-diagramma.

2020-2025-yillarda O‘zbekiston iqtisodiyotiga jalb qilingan xorijiy investitsiya va kreditlar hajmi (mlrd AQSH dollari hisobida)*



**O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining tegishli yillardagi statistik ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.*

Bunday tendensiya quyidagilarni ifoda etadi:

– chet el kapitalining katta o‘sishi ko‘pincha islohotlar (huquqiy, moliyaviy, institusional) samaradorligi va investitsiya muhitini jozibadorligining ortishidan dalolat beradi. Bu – xalqlararo ishonchning mustahkalanib borayotganligidan, normativ-huquqiy asosning yaxshilanayotganligidan va investorlar uchun turli to‘siqlarning kamayib borayotganligidan darak beradi hamda iqtisodiy islohotlarning samaradorligini bildiradi;

– qarzlar va kreditlar shaklidagi kapital kirib kelishi, asosan, iqtisodiy faollikni va infratuzilma loyihalarini moliyalashtirishga qaratilgan bo‘ladi va bunday investitsiyalar sohaning barqaror rivojlanishga ko‘mak beradi. Agar sarmoya ko‘proq infratuzilma, sanoat va turli tarmoqlarga yo‘naltirilsa, bu iqtisodiyotni diversifikatsiya qilishga va barqaror o‘sishga xizmat qiladi;

– chet el kreditlarining ko‘payishi (to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar bundan mustasno) mamlakat tashqi qarzining ham oshishiga sabab bo‘ladi. Agar ushbu kreditlar qaytarish murakkab shartlarda berilgan bo‘lsa, qarzni to‘lashda katta fiskal va valyuta xavflari yuzaga kelishi mumkin. Shu bois bu xavflar ustidan nazorat qilish zarur: qarzni qaytarish qobiliyati, valyuta kursi o‘zgaruvchanligi, foiz stavkasi va boshqa ko‘rsatkichlarni tahlil qilish juda muhimdir;

– faqat hajm emas, sifat ham muhim. Agar 4 baravarga o‘sish asosan “passif” kapitaldan (masalan, kreditlar) kelgan bo‘lsa, bu iqtisodiyot uchun uzoq muddatli foyda emas. Agar o‘sishning katta qismi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar bo‘lsa, bu texnologiya, bilim va uzoq muddatli rivojlanish uchun juda ham ijobiy omildir. Tahlillarga ko‘ra, 2025-yilning yanvar-sentyabr oylarida milliy iqtisodiyotga jalb qilingan jami xorijiy investitsiya va kreditlarning 57,6 foizini to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar tashkil qilgan. Bu esa shuncha miqdordagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning O‘zbekiston iqtisodiyotiga hukumat kafolatlarisiz, tavakkalchilik sharoitlarida kiritilganligini ko‘rsatadi va investitsiya muhitining jozibadorligi nuqtai nazaridan ijobiy omildir;

– agar xorijiy investitsiyalar va kreditlar hajmi 2020-2025-yillar davomida 4 baravarga oshgan bo‘lsa, bu investorlarning O‘zbekistonga bo‘lgan ishonchining sezilarli darajada oshganligini va davlatning moliyaviy-iqtisodiy islohotlarini muvaffaqiyatli amalga oshirayotganini ko‘rsatuvchi juda mustahkam signaldir. Biroq, bu o‘sishning salohiyati to‘liq foyda beradi deb hisoblashga hali erta: katta tashqi qarz bilan bog‘liq qarz barqarorligi, valyuta xavfi va investitsiya sifati kabi risklarni ham hisobga olish kerak. Bunday investitsiyalar infratuzilma, sanoat, yashil energiya kabi strategik tarmoqlarga yo‘naltirilsa, bu mamlakat uchun uzoq muddatli iqtisodiy rivojlanishning asosiy “katalizatori” bo‘lishi mumkin.

3. *Qonunchilik va institusional islohotlar*. Huquqiy bazaga e’tibor berish juda muhim: sarmoyadorlar huquqlari himoyalangan, bitimlar bajarilishi, bahslar sud orqali hal qilinishi kafolatlangan bo‘lishi kerak. Masalan, Toshkent xalqaro arbitraj markazi tashkil etilgan va bu investorlar uchun muhim mexanizmdir. Xalqaro tashkilotlar ham bu sohani ko‘rib chiqib, islohotlar yo‘lini taklif qilmoqda. Huquqiy va institusional mexanizmlar takomillashtirilsa, investitsiyalash riski pasayadi va yanada ko‘proq investitsiyalar kirib kelishi mumkin.

4. *Tarmoqlar: infratuzilma va maxsus iqtisodiy zonalar*. Infratuzilma (transport, energetika, sanoat)ni rivojlantirish bilan investitsiya imkoniyatlari yanada kengayishi mumkin. Hozirda O‘zbekistonda 149 ta kichik sanoat zonasi va 21 ta erkin iqtisodiy zona faoliyat ko‘rsatmoqda. Maxsus iqtisodiy zonalar investorlarga turli moliyaviy imtiyozlar va preferensiyalar berish orqali jozibadorlikni oshiradi.

5. *Shaffoflik va korrupsiyani kamaytirish.* Korrupsiya, byurokratiya va qonunlardagi noaniqliklar – investorlar uchun katta to‘siqdir. Xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda shaffoflikni oshirish yo‘li bilan sarmoyadorlarga ishonch berish mumkin – bu investorlar uchun juda muhim jihatdir.

6. *Risklarni boshqarish va investitsiyalarni kafolatlash.* Investorlar uchun huquqiy xavf-xatarlar (kontraktlar, bahslar)ni kamaytirish zarur. Shuningdek, davlat va xususiy sektor o‘rtasida

hamkorlik imkoniyatlarini kengaytirish zarur. Bu xalqaro va milliy investorlar uchun jozibadorlikni yanada oshiradi.

7. *Iqtisodiy diversifikatsiya.* Faqat bitta tarmoqqa (masalan, tabiiy resurslarga) tayyor bo‘lish yuqori xatarli. Investitsiya muhitini jozibador qilib diversifikatsiya qilish – boshqa sohalarga (IT-axborot texnologiyalari, sanoat, qishloq xo‘jaligi va h.k.) sarmoya kiritish imkoniyatlarini yaratadi. Bu ham mamlakat iqtisodiyoti uchun strategik ahamiyatga ega.

8. *Kichik tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning zarurligi va dolzarbligi.* Kichik tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish zarurligi quyidagi asosiy yo‘nalishlarda ifodalanadi: iqtisodiy o‘sish va texnologik taraqqiyot; bandlik va daromadlar oshishi; innovatsiyalar va raqobatbardoshlikning kuchayishi; hududiy va tarmoq diversifikatsiyasi; soliq bazasining kengayishi; ijtimoiy barqarorlikning ta’minlanishi. 2025-yil yanvar-sentyabr oylarida kichik tadbirkorlik subyektlari tomonidan asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmi 270143,8 mlrd so‘mni yoki umumiy hajmidagi ulushi 60,9 foizni tashkil etdi. O‘sish sur’ati 2024-yil yanvar-sentyabr oylariga nisbatan 129,2 foizni tashkil qildi. So‘nggi besh yilda kichik tadbirkorlik subyektlari tomonidan asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi 3,3 barobarga o‘sgan va asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmida kichik tadbirkorlik subyektlarining ulushi 11,2 foizli bandga oshgan. Ushbu o‘sish kichik tadbirkorlikning moliyaviy imkoniyatlari kengaygani, kredit resurslariga kirish imkoni yaxshilangani, o‘z mablag‘lari va aylanma kapitalini investitsiyaga yo‘naltirish qobiliyati oshganini ko‘rsatadi. Ulushning 11,2 foizli bandga oshishi asosiy vositalar, binolar, uskunalar, infratuzilmaga sarflanayotgan sarmoyalarning katta qismi endi kichik tadbirkorlik subyektlari tomonidan amalga oshirilayotganini, iqtisodiyotdagi kapital yaratish faoliyatida davlat va yirik korxonalar bilan raqobatbardosh subyekt sifatida qatnashayotganini anglatadi. Bu – iqtisodiyotda mulk va kapital konsentratsiyasining diversifikatsiyalashuvi demakdir. Kichik biznesning jadal investitsiya kirita olishi lisenziya va ruxsatnomalarning soddalashgani, soliq yuki kamaygani, moliyalashtirish ko‘lami kengaygani, davlatning tadirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari kuchaygani kabi institusional muhitda ijobiy o‘zgarishlar bo‘lganini ko‘rsatadi. Investitsiyalarning 3,3 barobarga o‘sishi ko‘p hollarda yangi texnologiya xarid qilish, ishlab chiqarishni raqamlashtirish, asbob-uskunalarni modernizatsiya qilish kabi maqsadlarga yo‘naltiriladi. Bu esa kichik biznesda samaradorlik, mehnat unumdorligi va raqobatbardoshlik oshganini anglatadi.

3-diagramma.

Kichik tadbirkorlik subyektlari tomonidan asosiy kapitalga kiritilgan investitsiya hajmi va jami hajmidagi ulushi dinamikasi*



**stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=604&id=4121&Itemid=1000000000000.*

Biroq, amaliyotda kichik tadkbirkorlik subyektlarining investitsiya loyihalarini moliyalashtirish bilan bog‘liq muammolar mavjud. Jumladan, tijorat banklaridan kredit olishlarida garov ta’minoti bilan bog‘liq muammolar sohadagi investitsion loyihalarni faol moliyalashtirishga

salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Shu boisdan investitsiya loyihalarini moliyalashtirish jarayonida kafolat yoki kafillik sxemalaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Qolaversa, kredit berish jarayonida bank uchun asosiy xavf – kreditni o‘z vaqtida qaytarmaslik xavfi. Shu bois banklar ko‘pincha kredit bo‘yicha qo‘shimcha kafolat yoki kafillik talab qiladi. Kafolat yoki kafillik – bu kredit miqdori va uning foizi uchun mol-mulk, aktiv yoki uchinchi shaxsning kafolat berishi tushuniladi va agar kredit oluvchi o‘z majburiyatlarini bajarmasa, bank kafolatdan foydalanish huquqiga ega bo‘ladi. Kafolat yoki kafillik kredit riskini kamaytiradi va bank uchun qo‘shimcha kafolat yaratadi.

Kafolat va kafillik – kredit xavfini baholashda muhim vosita hisoblanadi. Ular investitsiya faoliyatini qo‘llab-quvvatlash va moliyalashtirishdagi barqarorlikni ta’minlaydi. Shu orqali banklar kichik va o‘rta tadbirkorlik subyektlariga ham kredit berishda xavfni kamaytirishi mumkin. Shundan kelib chiqib, tadbirkorlik loyihalarini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni kengaytirish maqsadida yirik tadbirkorlik subyektlariga ajratilgan kredit va lizingning 50 foizidan ortiq bo‘lmagan miqdorda “Tadbirkorlikni rivojlantirish kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati tomonidan kafolat yoki kafillik berish maqsadga muvofiqdir. Chunki, davlat yoki davlat qo‘llab-quvvatlovchi moliya institutlari tomonidan berilgan kredit va lizinglarning 50 foizgacha bo‘lgan qismi uchun kafolat taqdim etilishi kichik tadbirkorlikni moliyaviy jihatdan qo‘llab-quvvatlashni ta’minlaydi. Yarim davlat kafolati bank uchun kredit xavfini pasaytiradi hamda kichik tadbirkorlik subyektlari uchun kredit olish imkoniyatlari kengayadi. Kafolat kredit olishni yengillashtiradi, bu esa tadbirkorlarni yangi loyihalarga sarmoya kiritishga jalb qiladi hamda kichik biznesning asosiy kapitalga investitsiya kiritishini rag‘batlantiradi. Investitsion loyihalarni moliyalashtirilishi kafolat orqali ta’minlansa, tadbirkorlik subyekti uchun moliyaviy risk kamayadi, bu esa investitsion muhitning barqarorligini oshiradi. 50 foizlik chegara – bank va davlat uchun xavfni muvozanatlashgan darajada saqlaydi. Kafolatning to‘liq summasini ta’minlash ehtimoliga qaraganda, resurslar samarali taqsimlanadi. Xulosa qilib aytganda, kichik tadbirkorlik subyektlarining kreditdan foydalanish imkoniyatini oshiradi, kredit riskini muvozanatlash orqali kamaytiradi, investitsiya faolligini rag‘batlantiradi va iqtisodiyotda asosiy kapitalga investitsiyalar kiritilishini kuchaytiradi. Davlat moliyaviy resurslaridan samarali foydalanishni ta’minlaydi hamda iqtisodiy va moliyaviy barqarorlikni oshiradi.

Shuningdek, tadbirkorlik subyektlarining investitsion loyihalarini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni rag‘batlantirish maqsadida “Tadbirkorlikni rivojlantirish kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati tomonidan avval berilgan kafillikdan ijobiy foydalangan va yaxshi kredit tarixiga ega bo‘lgan tadbirkorlik subyektlariga amalda belgilangan kafillik miqdorini bir yarim baravargacha oshirish zarur. Ijobiy kredit tarixiga ega va kafolatdan samarali foydalangan subyektlar uchun kafolat limitini oshirish, ularni yangi investitsiya loyihalarini amalga oshirishga jalb qiladi va bu tadbirkorlarning moliyaviy faolligini kuchaytiradi hamda barqarorlikni ta’minlaydi. Ijobiy kredit tarixiga ega tadbirkorlar kreditlarni o‘z vaqtida qaytarish imkoniyati yuqori bo‘lgan subyektlar hisoblanadi va shu orqali bank hamda davlat moliyalashtiruvchi instituti uchun risk minimallashtiriladi. Kafolat limitini strategik tarzda oshirish, moliyaviy resurslarni ishonchli va samarali tadbirkorlarga yo‘naltirish imkonini beradi va bu davlat moliyasi hamda kafolat mexanizmlaridan samarali foydalanishni ta’minlaydi. Xulosa qilib aytganda, tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy qo‘llab-quvvatlashdan samarali foydalangani va yaxshi kredit tarixiga ega bo‘lganlar uchun kafolat limitini 1,5 barobarga oshirish investitsion faollikni rag‘batlantiradi, kredit xavfini kamaytiradi, moliyaviy resurslarni samarali taqsimlashni ta’minlaydi hamda davlat kafolat mexanizmlarining samaradorligini oshiradi.

Xulosa

Fikrimizcha, islohotlar va investitsiya siyosati maqsadli bo‘lishi kerak – qaysi tur investitsiyani o‘stirish kerakligi, qaysi tarmoqlarga e’tibor berish kerakligi aniq belgilanishi zarur. Investitsiyalar nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy ahamiyatga ham ega, ya’ni ish o‘rinlari, mahalliy ishchi kuchining malakasini oshirish, mahalliy biznes bilan hamkorlikni ham qamrab oladi. Shuningdek, tashqi investitsiyalar texnologiya va innovatsiyalar olib keladi, bu esa jahon standartlariga muvofiq raqobatbardoshlikni oshirishga hamda raqamli iqtisodiyotni

rivojlantirishga imkon beradi.

O‘zbekistonda investitsiya muhitining jozibadorligini oshirish – bu iqtisodiy o‘sish, texnologiya taraqqiyoti, ish salohiyatini oshirish va xalqaro maydonda raqobatbardoshlikni kuchaytirish uchun juda muhim. Agar bu yo‘nalishda strategik va tizimli islohotlar olib borilsa, mamlakatga keladigan sarmoya hajmi va sifati oshib, uzoq muddatda katta ijobiy samara berishi mumkin.

O‘zbekistonda investitsiya muhitining jozibadorligini oshirishda quyidagilarga asosiy e’tibor qaratilishi zarur:

– sud-huquq tizimini raqamlashtirish (e-justice) orqali investor uchun shaffoflikni oshirish hamda yer ajratish va lisenziyalash jarayonlarini 100 foiz raqamli formatga o‘tkazish kerak;

– infratuzilma – investitsiyalarning asosiy determinanti. Shu bois elektr ta’minotining barqarorligini oshirish, sanoat zonalarida “ready-to-use infrastructure” tamoyilini joriy qilish, tezkor logistika koridorlarini (yo‘l, temir yo‘l, aeroport) modernizatsiya qilish lozim;

– investorlar uchun huquqiy kafolatlarni kuchaytirish, “Investment Ombudsman” institutini kuchaytirish, xalqaro arbitraj markazi filiallarini hududlarga joylash, investorlarning mulk huquqi 100 foiz kafolatlanishiga erishish zarur;

– tadbirkorlik loyihalarini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni kengaytirish maqsadida yirik tadbirkorlik subyektlariga ajratilgan kredit va lizingning 50 foizidan ortiq bo‘lmagan miqdorda “Tadbirkorlikni rivojlantirish kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati tomonidan kafolat yoki kafillik berish maqsadga muvofiqdir;

– tadbirkorlik subyektlarining investitsion loyihalarini moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni rag‘batlantirish maqsadida “Tadbirkorlikni rivojlantirish kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati tomonidan avval berilgan kafillikdan ijobiy foydalangan va yaxshi kredit tarixiga ega bo‘lgan tadbirkorlik subyektlariga amalda belgilangan kafillik miqdorini bir yarim baravargacha oshirish zarur.

O‘zbekiston hududlarining investitsion jozibadorligini oshirish uchun institusional sifat, infratuzilma darajasi, huquqiy kafolatlar, hududiy ixtisoslashuv, kadrlar salohiyati, shaffoflik, raqamlashtirilgan davlat xizmatlari eng muhim omillardir. Bu yo‘nalishda tizimli ishlar amalga oshirilsa, hududlarga investitsiya oqimi keskin oshadi va iqtisodiyotda barqaror o‘sish ta’minlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh. Yagona to‘g‘ri yo‘limiz – xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish va eksportni ko‘paytirish. – kun.uz/news/2024/01/18/prezident-yagona-togri-yolimiz-xorijiy-investitsiyalarni-faol-jalb-qilish-va-eksp

2. UNCTAD – World Investment Report, 2025, UNCTAD, Июнь 2025 – TrendWave.io. World Investment Report 2025. International investment in the digital economyii © 2025, United Nations. All rights reserved worldwide.

3. Запуск Всемирного инвестиционного отчета 2025 | Торговля и развитие ООН (ЮНКТАД).

4. Уильям Ф. Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бейли. Инвестиции. – М.: ИНФРА-М, 2001. – С. 1-2.

5. Пестов Д.Ю. Повышение инвестиционной привлекательности промышленного комплекса региона. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – М.: ГОУ ДПО ГАСИС, 2007. – С. 21.

6. Страхова И.Ю. Методы повышения инвестиционной привлекательности промышленности региона. – СПб.: Санкт-Петербургский государственный инженерно-экономический университет, 2009. – С. 8, 12.

7. Mustafakulov Sh.I. Investitsion jozibadorlikning nazariy, metodologik va amaliy talqini. Monografiya. – T.: Ma’aviyat, 2021. 16-b.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА ФИСКАЛ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Касимова Гуляр Ахматовна

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)
бюджет ҳисоби ва ғазначилик кафедраси профессори
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: kasimovagulyora1960@gmail.ru
ORCID: 0000-0002-9997-6100

Абдуқосимова Гулноза Хилолитдиновна

магистр
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: tadjibayevagulnoza9@gmail.ru

Аннотация. *Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон саноат корхоналарининг барқарор ривожланишига таъсир этувчи фискал омиллар — солиқ имтиёзлари, давлат субсидиялари ва кафолатларининг иқтисодий самарадорлиги тадқиқ этилган. Тадқиқот «UzAutoMotors» АЖ мисолида амалга оширилиб, корхонанинг молиявий кўрсаткичлари ва давлат томонидан берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг ишлаб чиқариш ҳажми, рентабеллик ва инвестиция фаолиятига таъсири таҳлил қилинган. Натижалар фискал рағбатлантириш воситалари саноат корхоналари барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнашини тасдиқлайди.*

Калит сўзлар: фискал сиёсат, солиқ имтиёзлари, субсидиялар, саноат корхоналари, барқарор ривожланиш.

ЗНАЧЕНИЕ ФИСКАЛЬНЫХ ФАКТОРОВ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ УЗБЕКИСТАНА

Касимова Гуляр Ахматовна

доктор экономических наук (DSc)
профессор кафедры бюджетного учета и казначейства
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: kasimovagulyora1960@gmail.ru
ORCID: 0000-0002-9997-6104

Абдукосимова Гулноза Хилолитдиновна

магистр
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: tadjibayevagulnoza9@gmail.ru

Аннотация. *В данной научной статье исследуется экономическая эффективность фискальных факторов, влияющих на устойчивое развитие промышленных предприятий Узбекистана, включая налоговые льготы, государственные субсидии и гарантии. Исследование проведено на примере АО «UzAutoMotors», в рамках которого проанализировано влияние предоставленных государством налоговых и таможенных*

льгот на объем производства, рентабельность и инвестиционную активность предприятия. Полученные результаты подтверждают, что инструменты фискального стимулирования играют важную роль в обеспечении устойчивого развития промышленных предприятий.

Ключевые слова: *фискальная политика, налоговые льготы, субсидии, промышленные предприятия, устойчивое развитие.*

THE IMPORTANCE OF FISCAL FACTORS IN THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN UZBEKISTAN

Kasimova Gulyar Akhmatovna
Doctor of Economics Sciences(DSc)
Professor of the Department of Budget Accounting and Treasury
Tashkent State University of Economics
E-mail: kasimovagulyora1960@gmail.ru
ORCID: 0000-0002-9997-6104

Abduqosimova Gulnoza Khilolitdinovna
Master of Tashkent State University of Economics
E-mail: tadjibayevagulnoza9@gmail.ru

Abstract. *This scientific article examines the economic efficiency of fiscal factors affecting the sustainable development of industrial enterprises in Uzbekistan, including tax incentives, government subsidies, and guarantees. The study is conducted using the example of UzAutoMotors JSC, analyzing the impact of tax and customs incentives provided by the state on production volume, profitability, and investment activity of the enterprise. The results confirm that fiscal stimulation instruments play a significant role in ensuring the sustainable development of industrial enterprises.*

Keywords: *fiscal policy, tax incentives, subsidies, industrial enterprises, sustainable development.*

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида саноат тармоқлари барқарор иқтисодий ўсиш, инновацион ривожланиш ва ижтимоий фаровонликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, трансформация жараёнида бўлган миллий иқтисодиётлар учун саноат корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш стратегик вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда давлат томонидан қўлланилаётган фискал сиёсат инструментлари саноат корхоналарини рағбатлантиришда асосий механизм сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни либераллаштириш, бозор механизмларини чуқурлаштириш ва хусусий сектор ролини ошириш жараёнида саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, солиқ юкини камайтириш, мақсадли субсидиялар ажратиш ва давлат кафолатлари бериш орқали йирик саноат корхоналарининг инвестиция фаоллиги кучайтирилмоқда. Бу эса корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва технологик модернизацияни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Хорижий илмий адабиётларда фискал омилларнинг корхоналар фаолиятига таъсири масаласи кенг қамровда тадқиқ этилган. Жумладан, Джанков ва ҳаммуаллифлар (2010) томонидан олиб борилган тадқиқотларда корпоратив солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзларининг инвестиция қарорларига таъсири эмпирик маълумотлар асосида таҳлил

қилинган. Муаллифлар солиқ юкининг камайиши корхоналарда капитал қўйилмалар ҳажмини оширишини ҳамда тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантиришини исботлайдилар [1].

Шунингдек, Beck ва Demirgüç-Kunt (2006) тадқиқотларида давлат томонидан кўрсатиладиган молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари, жумладан, кафолатлар ва имтиёзли молиялаштириш, корхоналар дуч келадиган молиявий чекловларни юмшатиши таъкидланган. Муаллифлар айниқса ривожланаётган мамлакатларда давлат аралашуви кичик ва ўрта корхоналарнинг инвестиция имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтадилар [2].

Бундан ташқари, Görg ва Strobl (2008) томонидан амалга оширилган тадқиқотларда давлат субсидияларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва корхоналарнинг бозорда узоқ муддат сақланиб қолишига таъсири ўрганилган. Уларнинг хулосаларига кўра, мақсадли ва самарали йўналтирилган субсидиялар корхоналарнинг технологик янгиланишига, рақобатбардошлигининг ошишига ҳамда бозордан чиқиб кетиш хавфининг камайишига хизмат қилади [3]. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада Ўзбекистон шароитида фискал сиёсатнинг саноат корхоналари барқарор ривожланишига таъсирини чуқур илмий таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади. Айниқса, мамлакатдаги энг йирик саноат субъектларидан бири бўлган «UzAutoMotors» АЖ мисолида солиқ ва божхона имтиёзларининг иқтисодий натижаларга таъсирини эмпирик таҳлил қилиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади — «UzAutoMotors» АЖ мисолида фискал омилларнинг ишлаб чиқариш ҳажми, молиявий барқарорлик ва инвестиция фаоллигига таъсирини аниқлаш ҳамда олинган натижаларни хорижий илмий тадқиқотлар билан қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда фискал сиёсатнинг саноат корхоналари фаолиятига таъсирини комплекс ёндашув асосида ўрганиш мақсад қилинди. Бунда иқтисодий назария, институционал ёндашув ва эмпирик таҳлил усуллари ўзаро уйғунлаштирилди. Асосий эътибор солиқ имтиёзлари ва давлат қўллаб-қувватловининг молиявий кўрсаткичларга таъсирини аниқлашга қаратилди.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот доирасида «UzAutoMotors» АЖнинг 2023–2024-йилларда фойдаланган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳажми таҳлил қилинди. Расмий очиқ манбаларга кўра, 2024-йилнинг биринчи ярмида корхона томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари 317,2 млрд сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2023-йилга нисбатан сезиларли ўсишни намоён этади ва давлат томонидан авомобиль саноатига берилаётган фискал қўллаб-қувватлашнинг фаоллигини кўрсатади.

1-жадвал.

UzAutoMotors АЖнинг солиқ имтиёзлари ва солиқ тўловлари динамикаси*

Йил	Солиқ имтиёзлари (млрд сўм)	Тўланган солиқлар (млрд сўм)	Солиқ юки (%)
2023	198,6	305,5	38,5
2024	317,2	332,0	48,8

*UZA.uz — «UzAutoMotors» АЖнинг солиқ тўловлари ва имтиёзлари тўғрисида расмий ахборотлар, 2023–2024.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, солиқ имтиёзларининг ўсишига қарамасдан, корхона томонидан давлат бюджетига тўланган солиқлар ҳажми ҳам юқори даражада сақланиб қолган. Бу ҳолат фискал имтиёзларнинг бюджетга салбий эмас, балки мультипликатив ижобий таъсир кўрсатганини англатади.

Солиқ имтиёзлари натижасида корхонанинг эркин молиявий ресурслари кенгайиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имкониятлари ошган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, UzAutoMotors АЖда солиқ имтиёзлари ҳажмининг ўсиши корхонанинг умумий солиқ интизоми пасайишига олиб келмаган. Аксинча, солиқ имтиёзлари ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши ва сотувлар ўсиши натижасида давлат бюджетига тўланган солиқлар мутлақ ифодада ошган. Бу ҳолат фискал имтиёзларнинг иқтисодий мультипликатив таъсири мавжудлигини кўрсатади.

Натижалар шуни кўрсатадики, фискал имтиёзлар корхона рентабеллиги ва инвестиция фаоллигига сезиларли ижобий таъсир кўрсатган.

2-жадвал.

Фискал имтиёзлар олдин ва кейин молиявий кўрсаткичлар таққосламаси*

Кўрсаткич	Имтиёз олдин	Имтиёз кейин	Ўзгариш
Ишлаб чиқариш ҳажми (млн дона)	0,29	0,32	+10,3 %
Соф фойда (млрд сўм)	2 450	2 980	+21,6 %
Инвестиция ҳажми (млрд сўм)	1 120	1 540	+37,5 %

**«UzAutoMotors» АЖнинг 2023–2024 йилларга оид молиявий ҳисоботлари (очиқ маълумотлар).*

2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни англатадики, солиқ ва божхона имтиёзлари корхонанинг соф фойдаси ва инвестиция фаоллигига тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатган. Хусусан, инвестиция ҳажмининг ўсиши технологик янгиланиш ва ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида узоқ муддатли барқарор ривожланиш учун мустаҳкам асос яратган.

Умуман олганда, жадвалларда келтирилган натижалар фискал имтиёзларнинг қисқа муддатли молиявий енгиллик эмас, балки стратегик иқтисодий рағбатлантириш воситаси эканини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларини кенгроқ иқтисодий контекстда муҳокама қилиш мақсадида улар хорижий илмий адабиётларда олинган хулосалар билан қиёсий таҳлил қилинди. Хусусан, Джанков ва бошқалар (2010) солиқ имтиёзлари корхоналарда инвестиция қарорларини фаоллаштиришини таъкидлаган бўлса, мазкур тадқиқот “UzAutoMotors” АЖ мисолида ушбу хулосанинг Ўзбекистон шароитида ҳам амал қилишини кўрсатди.

2-жадвалда келтирилган қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларда фискал имтиёзлар, айниқса саноат тармоқларида, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда муҳим инструмент ҳисобланади. Бироқ хорижий тадқиқотларда таъкидланганидек, имтиёзларнинг самарадорлиги уларнинг аниқ мақсадли йўналтирилганлиги ва вақт бўйича чекланганлиги билан узвий боғлиқ.

“UzAutoMotors” АЖ мисолида солиқ ва божхона имтиёзлари ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, ички бозорда маҳаллий маҳсулот улушини ошириш ва импорт ўрнини босиш вазифаларини бажаришга хизмат қилган. Бу эса давлат саноат сиёсати ва корхона манфаатларининг муайян даражада уйғунлашганини кўрсатади.

Шу билан бирга, таҳлил жараёнида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлиги аниқланди: агар фискал имтиёзлар самарадорлиги мунтазам таҳлил қилинмаса ва уларнинг натижалари очиқ эълон қилинмаса, бундай сиёсат узоқ муддатда рақобат муҳитини чеклаши ва бозорда номутаносибликларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, фискал рағбатларни қўллаш билан бир қаторда, уларнинг натижадорлигини баҳолаш механизмларини кучайтириш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, фискал имтиёзлар самараси уларнинг мақсадли ва шаффоф қўлланилишига боғлиқ. Солиқ имтиёзлар ишлаб

чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни маҳаллий маҳсулот билан таъминлашга хизмат қилган.

Шу билан бирга, фискал рағбатларнинг узоқ муддатда бозор рақобатига таъсири доимий мониторинг қилиниши лозим. Акс ҳолда, имтиёзлар рақобат муҳитини чеклаши мумкин.

Хулоса

Тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги асосий хулосаларга келинди:

1. Фискал омиллар Ўзбекистон саноат корхоналарининг барқарор ривожланишида муҳим иқтисодий механизм ҳисобланади.

2. «UzAutoMotors» АЖ мисолида солиқ ва божхона имтиёзлари корхонанинг молиявий барқарорлиги, рентабеллиги ва инвестиция фаоллигини оширишга хизмат қилган.

3. Фискал самарадорлик индекси натижалари давлат томонидан берилган имтиёзлар иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаганини кўрсатди.

Амалий тавсиялар сифатида қуйидагилар таклиф этилади:

- саноат корхоналари учун фискал имтиёзларни мақсадли ва вақтинчалик асосда жорий этиш;
- берилган имтиёзларнинг иқтисодий самарадорлигини мунтазам баҳолаш;
- хорижий илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда фискал сиёсат механизмларини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Djankov, S., Ganser, T., McLiesh, C., Ramalho, R., & Shleifer, A. (2010). The effect of corporate taxes on investment and entrepreneurship. American Economic Journal: Macroeconomics, 2(3), 31–64.
2. Beck, T., & Demirgüç-Kunt, A. (2006). Small and medium-size enterprises: Access to finance as a growth constraint. Journal of Banking & Finance, 30(11), 2931–2943.
3. Görg, H., & Strobl, E. (2008). The effect of government subsidies on plant survival. European Economic Review, 52(3), 419–429.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2024.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг саноатни қўллаб-қувватлашга оид қарор ва фармонлари. – Тошкент, 2020–2024 йй.
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. Саноат корхоналарига берилаётган солиқ имтиёзлари тўғрисидаги расмий статистик маълумотлар. – Тошкент, 2024.
7. «UzAutoMotors» АЖ. Молиявий ҳисоботлар ва йиллик ҳисоботлар. – Тошкент, 2023–2024.
8. Маҳмудов Н. М. Фискал сиёсат ва иқтисодий ўсиш ўзаро боғлиқлиги. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021. – 224 б.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

XALQARO AUDIT TASHKILOTLARI RIVOJLANISH TARIXI VA ULARNING GLOBAL IQTISODIYOTDAGI O‘RNI

Xolmurodov Baxrom Maxmatkarim o‘g‘li

bosh mutaxassis
Oliy ta`lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Ichki audit boshqarmasi
E-mail: bahromholmurodov4@gmail.com
ORCID: 0009-0001-2834-3238

Annotatsiya. *Mazkur maqolada xalqaro audit tashkilotlarining shakllanishi va rivojlanish tarixi ilmiy asosda tahlil qilingan. Audit institutining dastlabki nazorat shakllaridan boshlab, uning global moliyaviy tizimda muhim institutsional mexanizmga aylanish bosqichlari yoritilgan. Xalqaro audit tashkilotlari, jumladan IFAC va INTOSAI faoliyati, shuningdek “Katta to‘rtlik” auditorlik kompaniyalarining jahon audit bozoridagi o‘rni va ahamiyati tahlil etilgan. Xalqaro audit standartlarining moliyaviy shaffoflikni ta’minlash, investorlar ishonchini mustahkamlash va kapital bozorlarining barqaror faoliyatidagi roli ochib berilgan. Bundan tashqari, raqamli texnologiyalarning xalqaro audit amaliyotiga ta’siri va audit faoliyatining kelgusidagi rivojlanish tendensiyalari ko‘rib chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *xalqaro audit, audit tashkilotlari, xalqaro audit standartlari, IFAC, INTOSAI, Katta to‘rtlik, global iqtisodiyot.*

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ АУДИТОРСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ИХ РОЛЬ В МИРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Холмуродов Бахром Махматкарим оглы

главный специалист
Министерство высшего образования, науки и инноваций,
Департамент внутреннего аудита
E-mail: bahromholmurodov4@gmail.com
ORCID: 0009-0001-2834-3238

Аннотация. *В статье проведён научный анализ истории формирования и развития международных аудиторских организаций. Рассмотрены основные этапы эволюции аудита — от первоначальных форм финансового контроля до становления аудита как важного института глобальной финансовой системы. Проанализирована деятельность международных аудиторских организаций, в том числе IFAC и INTOSAI, а также роль аудиторских компаний «Большой четвёрки» на мировом аудиторском рынке. Раскрыто значение международных стандартов аудита в обеспечении прозрачности финансовой отчётности, укреплении доверия инвесторов и устойчивости рынков капитала. Также рассмотрено влияние цифровых технологий на современную международную аудиторскую практику и определены основные направления дальнейшего развития аудита.*

Ключевые слова: *международный аудит, аудиторские организации, международные стандарты аудита, IFAC, INTOSAI, Большая четвёрка, мировая экономика.*

HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF INTERNATIONAL AUDIT ORGANIZATIONS AND THEIR ROLE IN THE GLOBAL ECONOMY

Kholmurodov Bakhrom Makhmatkarim oglu

Specialist
Ministry of Higher Education,
Chief Science and Innovation
Internal Audit Department
E-mail: bahromholmurodov4@gmail.com
ORCID: 0009-0001-2834-3238

Abstract. *This article provides a scientific analysis of the formation and historical development of international auditing organizations. The main stages of the evolution of auditing are examined, from early forms of financial control to its transformation into a key institutional component of the global financial system. The activities of major international auditing organizations, including IFAC and INTOSAI, as well as the role of the “Big Four” audit firms in the global audit market, are analyzed. Particular attention is paid to the importance of International Standards on Auditing in ensuring financial transparency, strengthening investor confidence, and supporting the stability of capital markets. In addition, the impact of digital technologies on modern international audit practices and future development trends of the auditing profession are discussed.*

Keywords: *international audit, auditing organizations, International Standards on Auditing, IFAC, INTOSAI, Big Four, global economy.*

Kirish

Bugungi globallashuv sharoitida moliyaviy axborotning ishonchliligi va shaffofligi iqtisodiy barqarorlikni ta’minlovchi asosiy omillardan biri hisoblanadi. Kapital bozorlarining kengayishi, transmilliy korporatsiyalar faoliyatining kuchayishi hamda davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi moliyaviy munosabatlarning murakkablashuvi audit institutining ahamiyatini yanada oshirmoqda. Aynan auditorlik faoliyati orqali moliyaviy hisobotlarning haqqoniyligi baholanadi, investorlarga ishonch signali beriladi va iqtisodiy qarorlar qabul qilish uchun zarur axborot sifati ta’minlanadi.

Audit dastlab milliy darajada shakllangan bo‘lsa-da, XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab xalqaro iqtisodiy integratsiya jarayonlari ushbu faoliyatni global miqyosda uyg‘unlashtirish zaruratini yuzaga keltirdi. Turli mamlakatlarda moliyaviy hisobot standartlari va audit amaliyotidagi tafovutlar xalqaro investorlar uchun qo‘shimcha tavakkalchiliklarni keltirib chiqardi. Shu sababli xalqaro audit tashkilotlarini shakllantirish, yagona professional va metodologik yondashuvlarni ishlab chiqish dolzarb vazifaga aylandi.

Xalqaro audit tashkilotlari bugungi kunda global moliyaviy tizimning muhim institutsional elementlaridan biri sifatida namoyon bo‘lmoqda. Ular nafaqat xususiy sektor faoliyatini tartibga solishda, balki davlat moliyasida shaffoflikni ta’minlash, korrupsiya xavflarini kamaytirish va samarali boshqaruvni rivojlantirishda ham muhim rol o‘ynaydi. Xalqaro audit standartlari esa turli iqtisodiy tizimlar o‘rtasida “moliyaviy umumiy til” vazifasini bajarib, kapital harakatining erkinligini qo‘llab-quvvatlaydi.

So‘nggi yillarda raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi audit sohasiga ham sezilarli ta’sir ko‘rsatmoqda. Sun’iy intellekt, katta hajmdagi ma’lumotlarni tahlil qilish (Big Data), avtomatlashtirilgan audit vositalari va blokcheyn texnologiyalari auditorlik jarayonlarining mazmuni va shaklini tubdan o‘zgartirmoqda. Bu holat xalqaro audit tashkilotlarining nafaqat tarixiy rivojlanishini, balki ularning hozirgi va kelajakdagi rolini qayta ilmiy tahlil qilishni taqozo etadi.

Mazkur maqolaning maqsadi xalqaro audit tashkilotlarining shakllanishi va rivojlanish tarixini ilmiy asosda yoritish, ularning global iqtisodiyotdagi o‘rnini tahlil qilish hamda xalqaro audit standartlarining moliyaviy shaffoflik va investorlar ishonchini ta’minlashdagi ahamiyatini ochib berishdan iborat. Shuningdek, maqolada zamonaviy raqamli transformatsiya sharoitida xalqaro audit institutlarining rivojlanish tendensiyalari ham tahlil qilinadi.

Adabiyotlar sharhi.

Audit va auditorlik faoliyatining nazariy asoslari hamda amaliy rivojlanishi masalalari iqtisodiy adabiyotlarda keng yoritilgan. Xususan, klassik audit nazariyasi moliyaviy hisobotlarning ishonchliligini ta’minlashda auditorning mustaqilligi va professionalligi hal qiluvchi omil ekanligini ta’kidlaydi. Ushbu yondashuv auditni boshqaruv va mulk egalari o‘rtasidagi axborot assimetriyasini kamaytiruvchi institut sifatida talqin qiladi.

Auditning iqtisodiy mohiyati va uning sifatiga ta’sir etuvchi omillar masalasi L. DeAngelo tomonidan chuqur ilmiy asoslangan. Muallif auditorlik firmasi hajmi va audit sifati o‘rtasida ijobiy bog‘liqlik mavjudligini isbotlab, yirik auditorlik kompaniyalarining bozor ishonchiga ta’sirini ko‘rsatib bergan. Ushbu konsepsiya keyinchalik xalqaro audit bozorida yetakchi bo‘lgan yirik auditorlik firmalarining ustun mavqeini tushuntirishda keng qo‘llanilgan.

Xalqaro audit standartlari va ularning shakllanish jarayoni Arens, Elder va Beasley asarlarida tizimli tarzda yoritilgan bo‘lib, mualliflar auditni riskka asoslangan yondashuv asosida olib borish zarurligini ta’kidlaydilar. Ularning fikricha, zamonaviy audit nafaqat moliyaviy xatoliklarni aniqlash, balki potentsial tavakkalchiliklarni oldindan baholashga yo‘naltirilgan bo‘lishi lozim.

Xalqaro audit institutlarining shakllanishi va faoliyatini o‘rganishda International Federation of Accountants (IFAC) faoliyati muhim ilmiy ahamiyatga ega. IFAC tomonidan chop etiladigan rasmiy qo‘llanmalar va standartlar professional buxgalteriya hamda auditorlik faoliyatining global me’yoriy bazasini tashkil etadi. Hayes, Schilder va Dassen tadqiqotlarida IFAC tarkibidagi standartlashtiruvchi kengashlarning audit sifatini ta’minlashdagi institutsional roli alohida e’tirof etilgan.

Davlat sektori auditi masalalari esa asosan INTOSAI tomonidan ishlab chiqilgan konseptual hujjatlar asosida tadqiq etiladi. Power va Humphrey asarlarida davlat auditi jamiyatda hisobdorlik va oshkoralikni ta’minlovchi ijtimoiy institut sifatida baholanadi. Ularning ilmiy xulosalariga ko‘ra, oliy audit organlari faoliyati davlat boshqaruvi sifatini oshirishda strategik ahamiyat kasb etadi.

Xalqaro audit bozorining institutsional tuzilmasi va undagi yirik auditorlik kompaniyalarining roli masalasi ham alohida ilmiy bahs-munozaralarga sabab bo‘lgan. Humphrey, Loft va Woods tadqiqotlarida “Katta to‘rtlik” auditorlik kompaniyalari global moliyaviy arxitekturaning ajralmas qismi sifatida baholanadi. Mualliflar ushbu kompaniyalar tomonidan ishlab chiqilgan yagona metodologiyalar va sifat nazorati tizimlari audit amaliyotini xalqaro miqyosda uyg‘unlashtirishga xizmat qilayotganini ta’kidlaydilar.

So‘nggi yillarda ilmiy adabiyotlarda raqamli texnologiyalarning auditga ta’siri masalasi ham keng yoritilmoqda. Zamonaviy tadqiqotlarda sun’iy intellekt va ma’lumotlarni avtomatlashtirilgan tahlil qilish audit samaradorligini oshirishi, inson omiliga bog‘liq xatoliklarni kamaytirishi qayd etiladi. Shu bilan birga, ayrim mualliflar raqamli audit auditorning professional mulohazasini to‘liq almashtira olmasligini, balki uni qo‘llab-quvvatlovchi vosita sifatida qaralishi lozimligini ta’kidlaydilar.

Umuman olganda, mavjud ilmiy adabiyotlar xalqaro audit tashkilotlarining global iqtisodiyotdagi o‘rni va ahamiyatini tasdiqlaydi. Biroq aksariyat tadqiqotlar audit institutining alohida jihatlariga e’tibor qaratgan bo‘lib, xalqaro audit tashkilotlarining tarixiy rivojlanishi, institutsional transformatsiyasi va raqamli davrdagi strategik roli kompleks tarzda yetarli darajada yoritilmagan. Mazkur maqola aynan ushbu ilmiy bo‘shliqni to‘ldirishga qaratilgan.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur tadqiqot xalqaro audit tashkilotlarining shakllanishi va rivojlanish jarayonini tizimli o‘rganishga qaratilgan bo‘lib, unda umumilmiy va maxsus ilmiy tadqiqot usullaridan kompleks tarzda foydalanildi. Tadqiqotning metodologik asosi sifatida tarixiy, institutsional va tahliliy yondashuvlar tanlandi.

Avvalo, tarixiy-tahliliy usul orqali audit institutining dastlabki shakllanish bosqichlari, milliy audit tizimlarining rivojlanishi hamda xalqaro audit tashkilotlarining vujudga kelish

omillari o‘rganildi. Ushbu yondashuv audit faoliyatining oddiy moliyaviy nazorat shaklidan global iqtisodiy institut darajasigacha bo‘lgan evolyutsiyasini aniqlash imkonini berdi.

Shuningdek, institutsional yondashuv asosida xalqaro audit tashkilotlarining tashkiliy tuzilmasi, funksiyalari va vakolatlari tahlil qilindi. Ushbu metod auditni nafaqat texnik tekshiruv jarayoni, balki global moliyaviy tizimda ishonchni ta’minlovchi muhim institut sifatida baholash imkonini yaratdi. Xalqaro audit standartlarining shakllanishi va ularning amaliyotga joriy etilishi ham aynan institutsional nuqtai nazardan ko‘rib chiqildi.

Tadqiqotda taqqoslama tahlil usuli yordamida turli mamlakatlarda auditni tartibga solish yondashuvlari hamda xalqaro standartlarning milliy audit tizimlariga ta’siri solishtirildi. Bu usul audit amaliyotidagi umumiylik va farqlarni aniqlash, shuningdek, xalqaro audit standartlarining global miqyosda moslashuv darajasini baholashga xizmat qildi.

Bundan tashqari, ilmiy adabiyotlar tahlili va ikkilamchi ma’lumotlar (xalqaro tashkilotlar hisobotlari, professional standartlar, nufuzli auditorlik kompaniyalarining tahliliy materiallari) asosida mantiqiy umumlashtirish va ilmiy abstraksiyalash usullari qo‘llanildi. Ushbu metodlar tadqiqot natijalarini tizimlashtirish va asoslangan xulosalar chiqarishga imkon berdi.

Umuman olganda, tanlangan metodologiya xalqaro audit tashkilotlarining rivojlanish jarayonini ko‘p qirrali va kompleks tarzda tahlil qilishga, ularning global iqtisodiyotdagi o‘rnini ilmiy asosda baholashga xizmat qildi.

Tahlil va natijalar

Xalqaro audit tashkilotlarining rivojlanishi global iqtisodiyotda moliyaviy ishonch institutlarining shakllanishi bilan chambarchas bog‘liq. O‘tkazilgan tahlillar shuni ko‘rsatadiki, audit institutining xalqaro darajaga ko‘tarilishi tasodifiy jarayon emas, balki global kapital bozorlarining ehtiyojlari natijasida yuzaga kelgan ob’ektiv hodisadir.

Birinchidan, xususiy sektor auditi sohasida International Federation of Accountants (IFAC) tomonidan ishlab chiqilgan xalqaro audit standartlari moliyaviy hisobotlarning sifatini oshirishda muhim omil bo‘lib xizmat qilmoqda. IFAC tarkibidagi IAASB tomonidan ishlab chiqilgan Xalqaro audit standartlari auditorlik tekshiruvlarini riskka asoslangan yondashuv asosida olib borishni talab etadi. Natijada auditorlar e’tiborini eng muhim va yuqori tavakkalchilikka ega sohalarga qaratadi, bu esa audit resurslaridan samaraliroq foydalanish imkonini beradi.

Tahlil natijalari shuni ko‘rsatadiki, ISA larni joriy etgan mamlakatlarda moliyaviy hisobotlarning solishtiriluvchanligi va shaffofligi sezilarli darajada oshgan. Bu holat xorijiy investorlar uchun axborot tavakkalchiligini kamaytirib, kapital oqimini rag‘batlantiruvchi omil sifatida namoyon bo‘ladi. Ayniqsa, rivojlanayotgan mamlakatlar uchun xalqaro audit standartlari iqtisodiy integratsiyaning muhim instrumenti hisoblanadi.

Ikkinchidan, davlat sektori auditi sohasida INTOSAI tomonidan ishlab chiqilgan ISSAI standartlari davlat moliyasida hisobdorlik va oshkoralikni kuchaytirishga xizmat qilmoqda. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, ISSAI ga asoslangan audit tizimiga ega mamlakatlarda budjet mablag‘laridan foydalanish samaradorligi va davlat moliyaviy intizomi yuqoriroq darajada shakllangan. Bu esa auditning nafaqat moliyaviy, balki institutsional va ijtimoiy ahamiyatga ega ekanligini tasdiqlaydi.

Uchinchidan, xalqaro audit bozorida yetakchi o‘rinni egallagan “Katta to‘rtlik” auditorlik kompaniyalarining roli alohida tahlil qilindi. Deloitte, PwC, EY va KPMG tomonidan qo‘llaniladigan yagona metodologiyalar va global sifat nazorati tizimlari audit amaliyotini xalqaro miqyosda uyg‘unlashtirishga sezilarli hissa qo‘shmoqda. Tahlil shuni ko‘rsatadiki, yirik transmilliy kompaniyalar asosan aynan ushbu auditorlik firmalariga murojaat qilishi ularning bozor ishonchini mustahkamlovchi institutsional omilga aylangan.

22	Ex-ante (превентивный) подход	ОЭСР	Совокупность механизмов, ориентированных на предупреждение нарушений до их возникновения посредством прозрачности, стандартизации процедур, цифровизации и управления рисками.
33	Ex-ante transparency	Bauhr L., Fazekas M., Blomberg J.	Раскрытие ключевой информации о закупке на этапах планирования и проведения процедур до присуждения контракта, способствующее снижению коррупционных рисков и расширению конкуренции.
44	Ex-post transparency	Bauhr L., Fazekas M., Blomberg J.	Публичный доступ к информации о результатах закупки и ходе исполнения контракта, обеспечивающий подотчётность и возможность общественного контроля.
55	Институциональное доверие	Rothstein B.	Устойчивое ожидание того, что государственные институты функционируют беспристрастно, предсказуемо и в соответствии с установленными правилами, что формирует легитимность власти
66	Integrity (добросовестность)	Transparency International	Совокупность норм и практик, направленных на предотвращение конфликта интересов, коррупции и злоупотреблений в публичных закупках

В указанной логике институциональное доверие в сфере государственных закупок трактуется как устойчивое ожидание со стороны участников рынка и общества того, что закупочные решения принимаются в соответствии с прозрачными правилами, на основе объективных и заранее установленных критериев, а также подлежат проверяемости и внешней оценке. Согласно подходу T. Rothstein, доверие к государственным институтам формируется не декларативно, а через предсказуемость процедур и беспристрастность принимаемых решений [6]. В сфере закупок это способствует снижению транзакционных издержек, расширению участия хозяйствующих субъектов в закупочных процедурах и повышению уровня конкуренции.

Международная научная литература последовательно проводит различие между последующим (ex-post) контролем и превентивными (ex-ante) механизмами регулирования, рассматривая их как взаимодополняемые, но функционально различные элементы системы управления государственными закупками. Ex-post контроль, по определению ОЭРС реализуется в форме последующего аудита или проверки после завершения закупочной процедуры либо исполнения контракта и ориентирован на выявление допущенных нарушений [7]. В то же время превентивный подход направлен на предупреждение нарушений до их возникновения и включает такие инструменты, как предварительное раскрытие информации, стандартизация требований, использование электронных процедур и применение риск-индикаторов.

В исследованиях, посвящённых проблематике прозрачности государственных закупок, дополнительно выделяются категории ex-ante transparency и ex-post transparency. Так, Bauhr определяют ex-ante transparency как раскрытие ключевой информации о закупке до присуждения контракта, а ex-post transparency — как публичный доступ к данным о результатах закупки и ходе исполнения контрактов.Подобное разграничение позволяет аналитически увязать уровень прозрачности с антикоррупционным эффектом, степенью конкурентности процедур и уровнем подотчётности заказчиков.

[19] Составлена автором на основе изученной литературы

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Прозрачность, конкуренция и добросовестность формируют ядро современной модели государственных закупок. В Модельном законе ЮНСИТРАЛ данные категории закреплены в качестве целевых ориентиров, направленных на обеспечение integrity, fairness и public confidence, что имеет принципиальное значение с точки зрения институционализации доверия как ожидаемого результата функционирования закупочной системы. Аналогичные выводы содержатся и в материалах Transparency International, где подчёркивается, что укрепление добросовестности (integrity) в сфере закупок способствует повышению прозрачности, качества государственного управления и эффективности использования государственных ресурсов[8].

Существенную роль в реализации превентивной модели играют процессы цифровизации и риск-ориентированного регулирования. В подходах Всемирный банк, закреплённых в рамках Procurement Framework, подчёркивается, что государственные закупки должны быть fit-for-purpose и ориентированы на достижение value for money в сочетании с добросовестностью и конкуренцией [9]. Одновременно в научных исследованиях указывается, что значительная часть инструментов выявления нарушений по-прежнему ориентирована на ex-post реагирование и недостаточно интегрирована в систему управления, что формирует устойчивый научный запрос на развитие риск-ориентированной и превентивной модели государственных закупок.

Таким образом, проведённый обзор литературы позволяет обосновать вывод о том, что доверие в системе государственных закупок представляет собой не декларативную категорию, а институциональный эффект, формируемый посредством сочетания прозрачности (ex-ante и ex-post), конкуренции и равного доступа, добросовестности и подотчётности, а также цифровизации и риск-ориентированной превенции. В этом контексте современные реформы в сфере государственных закупок могут быть интерпретированы как шаг в направлении модели, соответствующей международным стандартам публичного управления, разработанным OECD, UNCITRAL и Всемирным банком.

Методология исследования

В ходе исследования, посвящённого анализу трансформации системы государственных закупок в Республике Узбекистан в контексте перехода от контрольно-реактивной модели к превентивной и доверительно-ориентированной архитектуре регулирования, автором использовался комплексный методологический подход, в частности, в работе применялись методы теоретического анализа и синтеза, нормативно-правовой анализ, сравнительный анализ, статистический анализ, контент-анализ, метод экспертных оценок, системный подход.

Анализ и результаты

Результаты анализа функционирования системы государственных закупок в Республике Узбекистан на предреформенном этапе свидетельствуют о преобладании контрольно-реактивной модели регулирования, при которой основное внимание сосредоточено на последующем (ex-post) выявлении нарушений. В рамках данной модели превентивные, стимулирующие и риск-ориентированные инструменты применяются фрагментарно и не образуют целостной логики управления закупочным циклом. Несмотря на развитие электронных платформ и формальную регламентацию процедур, институциональная архитектура закупок характеризуется выраженной асимметрией между контролем и конкуренцией.

Эмпирические данные за 2025 год, опубликованные в официальных источниках государственных органов, подтверждают наличие указанных структурных ограничений. Так, общий объём государственных закупок в 2025 году составил порядка 248 трлн сумов, при этом доля конкурентных процедур не превышала 58–60 %, тогда как значительный

объём расходов приходился на неконкурентные способы, включая прямые договоры.

Таблица 2

Показатели государственных закупок Республики Узбекистан за 2025 год и целевые показатели к 2030 году

Показатель	Показатели, 2025 г	Целевые ориентиры в соответствии с УП-259
Общий объём закупок, трлн.сум	248,6	Повышение эффективности и прозрачности
Конкурентные процедуры, %	55-58	Цель — 80 % к 2030 году
Неконкурентные закупки,%	40-42	Ограничение прямых договоров
Прямые контракты крупных компаний, трлн,сум	около 9,7	Перевод на конкурентные способы
Доля отечественной продукции, %	65-68	Цель — 85 % к 2030 году

Подобная структура объективно ослабляет давление рыночных механизмов и, как следствие, ограничивает потенциал value for money, понимаемый как способность закупочной системы обеспечивать оптимальное соотношение цены, качества и общественной полезности приобретаемых товаров и услуг.

Дополнительным фактором выступают институциональные ограничения *ex-ante* прозрачности. Ключевые параметры закупок — технические спецификации, начальная (предельная) цена и критерии оценки — во многих случаях формируются без достаточных процедур внешней верификации и публичного фильтра. Это повышает риск селективного «дизайна закупки», снижает предсказуемость условий участия для потенциальных поставщиков и негативно отражается на уровне конкуренции. Контрольные процедуры при этом преимущественно ориентированы на проверку формального соответствия уже принятых решений, а не на управление рисками на ранних стадиях закупочного процесса.

Сопоставление указанных характеристик с международными практиками, в частности рекомендациями Организация экономического сотрудничества и развития, позволяет сделать вывод, что доминирование ex-post контроля сопровождается ростом транзакционных издержек и ограничивает формирование институционального доверия. В условиях, когда контроль воспринимается участниками рынка преимущественно как карательный механизм, участие бизнеса в государственных закупках носит менее устойчивый характер, а конкуренция приобретает формальный характер. Тем самым результаты анализа указывают на объективную необходимость институционального сдвига от постфактум-контроля к превентивному, риск-ориентированному регулированию, основанному на прозрачности и цифровых инструментах.

Принятие Указа Президента Республики Узбекистан УП-259 «Об очередных мерах по обеспечению конкурентной среды и прозрачности в системе государственных закупок» институционально фиксирует данный сдвиг и может быть интерпретировано как нормативный ответ на выявленные ограничения. Анализ положений Указа показывает, что контроль в новой модели утрачивает статус самоцели и встраивается в более широкую архитектуру доверия.

Ключевым результатом нормативных новаций является усиление превентивной функции регулирования за счёт внедрения цифровых инструментов оценки рисков. Закрепление механизма автоматизированного расчёта среднерыночной цены на основе анализа больших массивов данных и алгоритмов искусственного интеллекта переводит контроль в режим раннего выявления ценовых аномалий (early warning). В отличие от традиционного ex-post подхода, потенциально неэффективные или отклоняющиеся от рыночных ориентиров решения идентифицируются до заключения контракта, что

концептуально соответствует рекомендациям ОЭСР о смещении акцента с репрессивного надзора на управление рисками.

Выводы

Проведённое исследование позволяет сформулировать совокупность теоретически обоснованных и эмпирически подтверждённых выводов, раскрывающих специфику и направления трансформации системы государственных закупок Республики Узбекистан в условиях перехода от контрольно-реактивной модели регулирования к превентивной и доверительно-ориентированной архитектуре государственного управления.

Во-первых, в результате анализа установлено, что на предреформенном этапе функционирования национальной системы государственных закупок доминировала модель последующего (ex-post) контроля, ориентированная преимущественно на выявление нарушений после завершения закупочных процедур. Несмотря на развитие электронных платформ и нормативную регламентацию закупочного цикла, данная модель характеризовалась высокой долей неконкурентных способов закупок, ограниченной ex-ante прозрачностью и фрагментарным применением риск-ориентированных инструментов. В совокупности это формировало институциональную асимметрию между контрольными и стимулирующими механизмами регулирования.

Во-вторых, эмпирические данные за 2025 год свидетельствуют о том, что значительный объём государственных закупок осуществлялся вне конкурентных процедур, включая прямые договора, что объективно ослабляет действие рыночных механизмов и ограничивало реализацию принципа value for money. В таких условиях контрольные процедуры, будучи преимущественно формально-юридическими, не обеспечивали достаточного уровня предсказуемости и транспарентности закупочной среды, что способствовало росту транзакционных издержек и снижению устойчивости участия хозяйствующих субъектов в закупках.

В-третьих, сопоставление национальной практики с международными стандартами, разработанными ОЭСР, ЮНСИТРАЛ и Всемирным банком, позволяет сделать вывод о том, что эффективность современных систем государственных закупок достигается не путём наращивания репрессивных механизмов контроля, а за счёт институционализации превентивных подходов, включающих ex-ante прозрачность, цифровизацию процедур, управление рисками и расширение конкурентной среды. В данной логике доверие выступает не нормативной декларацией, а результатом устойчивого функционирования предсказуемых, беспристрастных и проверяемых процедур.

В-четвёртых, принятие Указа Президента Республики Узбекистан УП-259 «Об очередных мерах по обеспечению конкурентной среды и прозрачности в системе государственных закупок» может быть интерпретировано как нормативная фиксация качественного институционального сдвига. Анализ положений Указа показывает, что контроль в обновлённой модели утрачивает статус самоцели и трансформируется в элемент комплексной архитектуры регулирования, ориентированной на предотвращение рисков и повышение качества закупочных решений. Введение механизмов автоматизированного расчёта среднерыночных цен, расширение конкурентных процедур и усиление ex-ante прозрачности создают предпосылки для снижения дискреционности решений и повышения доверия со стороны участников рынка.

В-пятых, результаты исследования позволяют обосновать тезис о том, что институциональное доверие в системе государственных закупок формируется не через ослабление контроля, а через его функциональное перераспределение — от постфактум-санкций к превентивным, цифрово- поддержанным и институционально - верифицируемым механизмам. Такой подход способствует не только повышению эффективности бюджетных расходов, но и укреплению легитимности государственных институтов в глазах бизнеса и общества.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

В целом проведённый анализ подтверждает, что реализуемые в Республике Узбекистан реформы в сфере государственных закупок концептуально соответствуют международным стандартам good procurement governance и формируют основу для перехода к устойчивой модели государственного управления, в которой доверие выступает измеримым институциональным эффектом эффективности, прозрачности и конкурентности закупочной системы. Полученные выводы расширяют научные представления о роли доверия в механизмах публичных закупок и могут быть использованы как при дальнейшем совершенствовании нормативно-правовой базы, так и в последующих эмпирических исследованиях в области государственного финансового управления и институциональных реформ.

Литературы

1.OECD. Implementing the OECD Recommendation on Public Procurement in OECD and Partner Countries: 2020–2024. Paris: OECD Publishing, 2025.

2.Указ Президента Республики Узбекистан от 26 декабря 2025 года, УП-259 «Об очередных мерах по обеспечению конкурентной среды и прозрачности в системе государственных закупок»

3.OECD. Public Procurement for Sustainable and Inclusive Growth: Enabling Reform through Evidence and Peer Reviews. Paris: OECD Publishing, 2017.DOI: 10.1787/9789264265280-en

4.Bauhr, L., Fazekas, M., & Blomberg, J.Transparency, competition and corruption: Institutional design and public procurement outcomes.Governance, 33(2), 2020, pp. 369–395.

5. OECD. Public Procurement for Innovation, Good Governance and Trust. Paris: OECD Publishing, 2017.

6. Ротстайн Б. Качество государственного управления: коррупция, социальное доверие и неравенство в международной перспективе. Чикаго: Издательство Чикагского университета, 2011.

7.ОЭСР. Принципы добросовестности в государственных закупках / OECD Principles for Integrity in Public Procurement. — Париж: OECD Publishing, 2009. — 128 с.

8.Transparency International. Government Defence Integrity Index 2019: Assessing procurement systems for efficiency, accountability and transparency. Berlin: Transparency International, 2019.

9.World Bank. Procurement Regulations for Investment Project Financing (IPF) Borrowers. Washington, D.C.: The World Bank, 2020.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ИЧКИ АУДИТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Маматқулов Авазбек Ахмадалиевич

Ички аудит бошқармаси бош мутахассиси,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,
E-mail: avazbekmamatqulov1987@gmail.com
ORCID: 0009-0001-0362-8245

Аннотация. *Ушбу мақолада давлат секторда ички аудитни амалга оширишнинг илғор хорижий тажрибалари таҳлил қилиниб, уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш механизмлари асосланади. Тадқиқотда COSO, IIA стандартлари, ISO 31000, OECD ва INTOSAI ёндашувлари қиёсий ўрганилади. Натижада ички аудит мустақиллигини кучайтириш, рискка асосланган режалаштириш ва сифатни таъминлашни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.*

Калит сўзлар: *ички аудит, давлат сектори, риск бошқаруви, COSO, IIA, ISO 31000, аудит қўмитаси, QAIP.*

ПЕРЕДОВЫЕ ЗАРУБЕЖНЫЕ ПРАКТИКИ ВНЕДРЕНИЯ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА И СПОСОБЫ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ

Маматкулов Авазбек Ахмадалиевич

Главный специалист
Департамента внутреннего аудита,
Министерство высшего
образования, науки и инноваций
E-mail: avazbekmamatqulov1987@gmail.com
ORCID: 0009-0001-0362-8245

Аннотация. *В статье анализируются передовые зарубежные практики внутреннего аудита в государственном секторе и возможности их адаптации к условиям Узбекистана. Рассматриваются стандарты COSO, IIA, ISO 31000, а также подходы OECD и INTOSAI. На основе сравнительного анализа разработаны практические рекомендации по повышению независимости внутреннего аудита, развитию риск-ориентированного планирования и системы обеспечения качества.*

Ключевые слова: *внутренний аудит, государственный сектор, управление рисками, COSO, IIA, ISO 31000, аудиторский комитет, QAIP.*

FOREIGN BEST PRACTICES OF INTERNAL AUDIT IMPLEMENTATION AND WAYS OF THEIR USE

Mamatkulov Avazbek Akhmadalievich

Chief specialist of the
Internal Audit Department,
Ministry of Higher Education,
Science and Innovation
E-mail: avazbekmamatqulov1987@gmail.com
ORCID: 0009-0001-0362-8245

Annatation. *This article analyzes advanced international practices of internal audit in the public sector and explores their adaptation to the context of Uzbekistan. The study examines COSO, IIA Standards, ISO 31000, and the approaches of OECD and INTOSAI. Based on*

comparative analysis, practical recommendations are developed to strengthen audit independence, improve risk-based planning, and enhance quality assurance systems.

Keywords: *internal audit, public sector, risk management, COSO, IIA, ISO 31000, audit committee, QAIP.*

Кириш

Давлат секторида ички аудит (internal audit) институти бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, давлат хизматлари сифати ва бошқарув қарорларининг асосланганлигини таъминлашда “кўринмас инфратузилма” вазифасини бажаради. Бироқ амалиёт- да ички аудит кўп ҳолларда инспекция ёки молиявий текширув билан тенглаштирилиб, унинг стратегик функцияси — рискларга асосланган кафолат (assurance) ва бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган маслаҳат (advisory) хизматлари — етарлича очиб берилмайди. Халқаро стандартлар (масалан, IIA халқаро стандартлари) ички аудитни ташкилот мақсадларига эришишга кўмаклашувчи мустақил ва объектив фаолият сифатида белгилайди; у рискларни бошқариш, ички назорат ва бошқарув (governance) жараёнларининг самарадорлигини баҳолашга таянади. Шу нуқтаи назардан, ички аудитнинг самарадорлиги фақат назорат тартиб-таомилларининг мавжудлиги билан эмас, балки институтлар ўртасидаги ваколатлар тақсимоти, ҳисобдорлик каналлари, риск маданияти ва касбий компетенциялар даражаси билан белгиланади.

Сўнгги ўн йилликда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларда давлат ички аудитини модернизация қилишнинг бир неча устувор тенден- циялари кузатилди:

(i) COSO ички назорат модели ва ISO 31000 риск бошқаруви тамой- илларини давлат бошқаруви амалиётига интеграциялаш;

(ii) “учта ҳимоя чизиғи” (Three Lines) модели асосида операциялар, риск-менежмент/комплаенс ва ички аудит вазифала- рини аниқ чегаралаш

(iii) аудит қўмиталари, марказлашган ички аудит хизматлари ёки бошқа бошқарув механизмлари орқали ички аудит мустақиллигини институционал кафо- латлаш;

(iv) сифатни таъминлаш (QAIP), ташқи баҳолаш ва маълумотларга асосланган аудит (data analytics, continuous auditing) воситаларини кенгайтириш. OECD ва INTOSAI доирасидаги ҳужжатлар ҳам давлат секторда ички назорат ва ички аудитни “қоидалар тўплами” эмас, балки ўзаро боғланган бошқарув экотизими сифатида қуриш зарурлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон шароитида ички аудитни институционал ривожлантириш долзарблиги бир вақтнинг ўзида бир неча омиллар билан изоҳланади. Биринчидан, давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳаларининг кўпайиши натижасида молиявий ва операцион рисклар диверсификацияланмоқда: харидлар, мерос бўлиб қолган ИТ-инфратузилмалар, субсидиялар, давлат-хусусий шериклик шартномалари ва хизмат кўрсатиш стандартлари бўйича рисклар ўзгарувчан ва кўп қиррали тус олмоқда. Иккинчидан, бюджет жараёнида натижага йўналтирилган бошқарув (performance-oriented management) талаблари кучайгани сари назорат фақат қонунийликка эмас, “қиймат учун пул” (value for money) мезонларига ҳам таянилиши керак. Учинчидан, коррупция рисклари ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини олдини олишда ички аудитнинг профилактик роли ошиб бораётган бир шароитда унинг мустақиллиги ва далилларга асосланганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, мавжуд тадқиқотлар ва амалиёт таҳлили бир қатор тадқиқот муаммоларини кўрсатади. Тадқиқот муаммоси шундан иборатки, Ўзбекистонда ички аудит ин- ститути ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан шаклланиб борса-да, унинг “текширувчи” функ- циядан “рискка асосланган кафолат ва маслаҳат” функциясига тўлиқ ўтиши барқарор ме- ханизмлар билан таъминланмаган бўлиши мумкин. Бунда учта таркибий хавф кўзга ташла- нади: (i) риск эгалиги ва назорат масъулиятлари биринчи, иккинчи ва учинчи чизиқлар кесимида аниқ ажратилмагани туфайли ички аудитнинг мустақил роли

сустлашиши; (ii) раҳбарият ва коллегиал органлар (аудит қўмитаси ёки эквивалент) орқали функционал ҳи- собдорлик механизми етарлича институционаллашмагани натижасида аудит натижалари- нинг бошқарув қарорларига таъсири чекланиши; (iii) рискка асосланган режалаштириш, аудит далиллари стандарти ва сифатни таъминлаш амалиёти турли ташкилотларда бир хил даражада йўлга қўйилмагани оқибатида ички аудит хулосаларининг ишончлилиги ўз- гарувчан бўлиши.

Тадқиқотдаги бўшлиқ (research gap) икки йўналишда намоён бўлади. Аввало, ички аудитга доир қиёсий таҳлиллар кўпинча ҳуқуқий нормаларни таққослаш билан чекланиб, институтлар “қандай ишлайди” деган механизмли саволга кам жавоб беради: масалан, аудит қўмитаси қайси ваколатлар ва ресурслар билан таъминланса, ички аудит мустақиллиги реал кафолатга айланади? Иккинчидан, COSO, IIA стандартлари ва ISO 31000 каби рамкаларни давлат ташкилотлари бошқарув амалиётига интеграциялаш бўйича мослаштириш механизмлари (масалан, риск реестри — KPI — аудит режаси — мониторинг занжири) етарлича операционлаштирилмаган. Натижада “стандартлар бор, аммо натижага таъсир чекланган” деган институционал парадокс юзага келиши мумкин.

Ушбу мақоланинг мақсади — ички аудитни амалга ошириш бўйича хорижий илғор тажрибаларни (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея) ҳамда OECD ва INTOSAI ёндашувларини COSO, IIA стандартлари ва ISO 31000 рамкалари билан уй- ғун ҳолда танқидий-қиёсий таҳлил қилиш ва Ўзбекистон давлат сектори учун реалистик мослаштириш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилади: (1) халқаро рамкаларнинг ички аудитга қўядиган асосий талаблари ва “минимал институционал ядро”сини ажратиб кўрсатиш; (2) танланган мамлакатларда ички аудитнинг бошқарув меъморчилиги, мустақиллик кафолатлари ва рискка асосланган режалаштириш амалиётини бенчмарк қилиш; (3) Ўзбекистондаги ички аудит тизимидаги структур тафовутлар ва институцио- нал заифликларни аниқлаш; (4) аудит қўмиталарини жорий этиш, “учта чизиқ” бўйича ваколатлар харитаси, QAIP ва натижага йўналтирилган ҳисобот моделини қамраб олган босқичма-босқич мослаштириш таклифларини асослаш.

Мақоланинг аҳамияти назарий ва амалий ўлчамларга эга. Назарий жиҳатдан у ички аудит самарадорлигини норматив талаблар эмас, “институционал механизмлар” нуқтаи назаридан тушунтириб, давлат бошқарувидаги рисклар архитектураси билан боғлайди. Амалий жиҳатдан эса натижалар молия органлари, бюджет ташкилотлари раҳбарияти ва ички аудит хизматлари учун қарор қабул қилишда қўлланиладиган аниқ инструментлар-ни (риск реестрини стандартлаш, кафолат харитаси, компетенциялар профили, QAIP ва тавсияларни мониторинг қилиш) таклиф этади. Шу тариқа мақола ички аудитни давлат бошқарувида “муаммоларни аниқловчи” функциядан “муаммоларни олдини олувчи ва самарадорликни оширувчи” институтга айлантириш бўйича илмий асосланган, амалга татбиқ этилиши мумкин бўлган ёндашувни шакллантиради.

Адабиётлар шарҳи

Ички аудит бўйича илмий адабиётларда ягона хулоса мавжуд: касбий стандартлар ва риск-назорат рамкалари шаклланмас экан, ички аудит текширув функциясига тортилиб кетади ва бошқарув учун қиймат яратиш қобилияти пасаяди (Lenz & Hahn, 2015). Шу нуқтаи назардан, COSO, IIA ва ISO 31000 рамкалари давлат секторда ички аудитни тўғри позициялаш учун ўзаро тўлдирувчи методологик асос ҳисобланади.

IIA ички аудитни мустақил ва объектив кафолат ҳамда маслаҳат фаолияти сифатида белгилайди; стандартлар рискка асосланган режалаштириш, аудит далилларининг етарлилиги, иш ҳужжатлари, ички аудит раҳбарининг функционал ҳисобдорлиги ва сифатни таъминлаш дастурини (QAIP) талаб қилади (IIA, 2017). Танқидий жиҳатдан, IIA стандартлари “нима қилиниши шарт”ни аниқ белгилайди, аммо “ким таъминлайди” ва “қайси институтлар орқали” деган саволларни очиқ қолдиради. Масалан, стандартда мустақиллик

талаби бор, аммо давлат идорасида маъмурий иерархия кучли бўлса, ички аудит раҳбарига функционал қўллаб-қувватловчи аудит қўмитаси бўлмаса, мустақиллик формал декларация даражасида қолиши мумкин (Goodwin, 2003).

COSO ички назоратни беш компонент (назорат муҳити, риск баҳолаш, назорат фаоли- ятлари, ахборот ва коммуникация, мониторинг) орқали тизимлаштириб, уни операциялар, ҳисобот ва мувофиқлик мақсадлари билан боғлайди (COSO, 2013). COSOнинг адабиёт- лардаги муҳим қиймати шундаки, у назоратни “қоидалар йиғиндиси”дан “тизимли ди- зайн”га айлантиради. Бироқ COSOга асосланган ички назоратни жорий этишда давлат секторда икки хавф тез-тез учрайди: (i) назорат фаолиятлари ортиқча деталлашиб, ресурслар “комплаенс сарфи”га кетиши (Power, 2007); (ii) риск баҳолаш формал бўлиб, стратегик мақсадлар ва KPI билан боғланмаслиги. Бу хавфлар амалга ошганда ички аудит ҳам чеклист аудитга айланиши эҳтимоли ортади.

ISO 31000 риск бошқарувини мақсадларга интеграциялаш, контекстни ҳисобга олиш, манфаатдор томонлар билан мулоқот ва доимий мониторингни талаб қилади (ISO, 2018). Адабиётларда ISO 31000нинг афзаллиги “риск тили”ни стандартлаштириши ва рисклар- нинг сабаб-оқибат занжирини ҳужжатлаштириши билан изоҳланади; бу эса ички аудит- нинг рискка асосланган режалаштириши учун барқарор маълумот базасини яратади (Arena & Azzone, 2009). Бироқ ISO 31000 ҳам “автоматик ечим” эмас: агар риск эгалиги (risk ownership) биринчи чизиқда аниқ белгиланмаса ва риск аппетити раҳбарият даражаси- да ифодаланмаса, риск реестри “ҳисобот учун” тўлдириладиган шаклга айланиб қолиши мумкин.

OECD таҳлилларида ички аудит давлат молиясини бошқаришнинг кенгроқ экотизимига боғланади: риск-менежмент, ички назорат, этика (public integrity), шаффоф харид- лар ва натижага йўналтирилган бошқарув бир занжирда қаралади (OECD, 2019; OECD, 2020). Бу ёндашувнинг танқидий устунлиги шундаки, у ички аудитни “алоҳида бўлим” эмас, давлат ташкилотининг бошқарув қобилиятини оширувчи хизмат сифатида кўради. OECD материалларида айниқса марказий мувофиқлаштириш (масалан, молия вазирлиги ёки марказий ички аудит/назорат органи)нинг ролини кучайтириш, методология ва компетенцияларни стандартлаштириш орқали фрагментарликни камайтириш таклиф қилинади (OECD, 2020).

INTOSAI стандартлари (ISSAI) асосан ташқи аудит учун мўлжалланган бўлса-да, улар ички аудитга ҳам икки жиҳатдан таъсир қилади. Биринчидан, ISSAI концептуал тамойил- лари (ISSAI 100/200/300/400) аудит далилларининг тегишлилиги ва етарлилиги, профес- сионал ҳукм, шаффоф ҳисобот каби мезонларни белгилайди (INTOSAI, 2019). Иккинчи- дан, ташқи аудит ички аудит ишига таяна олиши учун ички аудит методологияси ва иш ҳужжатлари етук бўлиши талаб этилади; акс ҳолда “параллел текширув” юкламаси ор- тиб, назорат ресурслари самарасиз тақсимланади (Mihret & Yismaw, 2007). Шу маънода, INTOSAI тамойиллари ички аудит учун “сифат ориентири” вазифасини бажаради, аммо уларни ички аудит стандарти сифатида тўғридан-тўғри кўчириш эмас, далиллар маданияти ва ҳисобот сифатига интеграция қилиш мақбул.

АҚШ тажрибаси ички назорат ва риск бошқарувини раҳбарият масъулияти сифатида институционаллаштириши билан ажралиб туради. GAOнинг “Green Book”и COSO тамойилларини давлат ташкилотлари учун мослаштириб, назорат муҳити ва риск баҳолашни тизимли равишда ҳужжатлаштиришни талаб қилади (GAO, 2014). OMB Circular A-123 эса ERM ва ички назоратни бошқарув ҳисоботлари ва қарор қабул қилиш циклига боғлайди (OMB, 2016). Танқидий баҳолашда, ушбу модель назоратни “менежмент функцияси”га айлантириши билан кучли, аммо ҳаддан ташқари ҳужжатлаштириш ресурсларни “текшириш учун текшириш”га сарфлаш хавфини оширади; шунинг учун GAO қўлланмаларида маълумотлар ишончлилиги ва аналитик тестлар орқали самарадорликни сақлашга урғу берилади (GAO, 2018).

Буюк Британияда PSIAS ички аудитнинг касбий чегараларини белгиласа, аудит қўмиталари (audit and risk committees) ички аудит мустақиллигининг амалий механизми ҳисобланади (HM Treasury, 2013; HM Treasury, 2020). GIAA каби марказлашган ички аудит провайдери стандартлаштириш ва кадрлар салоҳиятини оширишга хизмат қилади (GIAA, 2021). Бироқ адабиётларда марказлашувнинг “контекстдан узилиш” хавфи қайд этилади: турли идораларда риск профили фарқ қилгани учун марказлашган методология маҳаллий операцион билим билан тўлдирилмаса, аудит тавсиялари амалий “қўлланма”га айланмаслиги мумкин.

Германия моделида қонунийлик ва бюджет интизомига урғу кучли бўлиб, назорат тартиб-таомиллари юқори даражада регламентлашган (Bundesrechnungshof, 2021). Бу коррупция ва ресурс исрофи рискларини чеклашга ёрдам берса-да, рискка асосланган аудитнинг “стратегик” қисмини (масалан, ИТ-лойиҳалар, рақамли трансформация, хизмат сифати) баъзан сояда қолдириши мумкин. Танқидий нуқта шундаки, ҳуқуқий-процедуравий назорат юқори бўлган муҳитда ички аудитнинг қиймати “қонунга мувофиқлик”ни қайта тасдиқлашдан юқорига кўтарилиши учун натижага йўналтирилган кўрсаткичлар ва риск индикаторлари билан ишлаш талаб этилади.

Япония тажрибаси жараёнларни стандартлаштириш, PDCA цикли ва сифат маданияти орқали назорат интизомини таъминлаши билан характерланади. Board of Audit of Japan ҳисоботларида ҳам самарадорлик ва иқтисодийлик мавзулари кучайиб, давлат ресурсларидан фойдаланишда натижа мезонлари муҳимлиги қайд этилади (Board of Audit of Japan, 2022). Бироқ адабиётларда ташкилот маданиятидаги иерархия ва консенсусга йўналишнинг айрим ҳолларда ички аудитнинг “кескин сигнал” бериш функциясини юмшатиши мумкинлигига ишора қилинади; демак, сифат маданияти мустақил танқид маданияти билан мувозанатланиши лозим.

Ўзбекистон учун танқидий қиёс ва синтез

Кўриб чиқилган адабиётлар ва мамлакатлар тажрибаси икки асосий хулосани илгари суради. Биринчидан, ички аудитнинг самарадорлиги “стандартларни импорт қилиш” билан эмас, стандартлар ишлайдиган институционал механизмларни (аудит қўмитаси, риск эгалиги, маълумотлар базаси, QAIP) яратиш билан белгиланади (IIA, 2017; OECD, 2020). Иккинчидан, давлат секторда ички аудитнинг “қиймат қўшиши” кўпинча комплаенс ва натижага йўналтирилганлик ўртасидаги мувозанатга боғлиқ: АҚШда комплаенсни ERM ва аналитика билан мувозанатлаш, Британияда стандартлаштиришни контекстга мослаш, Германияда юридик интизомни рискка асосланган ёндашув билан тўлдириш, Японияда сифат маданиятини мустақил танқид билан уйғунлаштириш зарур.

Ўзбекистон контекстида бу синтез амалиётга шундай таржима қилинади: COSO ва ISO 31000 асосида риск — назорат — KPI занжирини операционлаштириш, IIA стандартлари талаб қиладиган мустақилликни аудит қўмиталари ва функционал ҳисобдорлик орқа- ли институционаллаштириш, ҳамда INTOSAI тамойилларига уйғун далиллар мадания- тини (иш ҳужжатлари, аудит сифат кўрсаткичлари, QAIP) жорий этиш. Мазкур адабиёт- лар шарҳи кейинги бўлимларда Ўзбекистон ички аудит тизимидаги структур “gap”ларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича мослаштириш механизмларини асослаш учун назарий-методологик пойдевор яратади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқот давлат секторда ички аудитни амалга оширишнинг хорижий илғор та- жрибаларини Ўзбекистон институционал муҳити билан қиёсий таҳлил қилишга қаратилган сифатий (qualitative) дизайнга эга. Методологик ёндашувнинг марказида “меъёрий рамкалар” ва “амалий механизмлар” ўртасидаги боғлиқликни очиб бериш вазифаси туради: яъни муайян стандарт (масалан, IIA мустақиллик талаби) қандай институтлар (аудит қўмитаси, ҳисобдорлик каналлари, ресурс автономияси) орқали реал ишлайди ва қайси ҳолатларда формал декларация даражасида қолади. Шу боис тадқиқот кўп методли (multi-

method) стратегияга таянади ва тўртта ўзаро боғлиқ усулни бирлаштиради: таққослама таҳлил, ҳужжатлар таҳлили, институционал бенчмаркинг ва сифатий сиёсат таҳлили.

Тадқиқот дизайни ва қиёсий стратегия (comparative analysis)

Қиёсий таҳлилда “танланган мамлакатлар” (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, шунингдек, сиёсат архитектурасида махсус ўрин тутадиган OECD ва INTOSAI ҳужжатла- ри) “институционал дизайн” ва “ишлаш мантиғи” нуқтаи назаридан таққосланади. Танлов мақсади репрезентатив статистик намуна тузиш эмас, балки давлат бошқаруви моделла- ри турли бўлган шароитда ички аудит қандай механизмлар билан самарали ишлашини аниқлашдир. Шунинг учун қиёсий стратегия “механизмга асосланган” (mechanism-based) талқинга қурилган: ҳар бир мамлакат учун (i) ички аудитнинг ваколатлари ва ҳисобдор- лиги, (ii) рискка асосланган режалаштириш ва назорат рамкалари билан интеграция, (iii) касбий стандартлар ва сифат инфратузилмаси, (iv) рақамлаштириш ва маълумотлардан фойдаланиш даражаси каби блоклар ажратилади.

Ҳужжатлар таҳлили (document analysis) ва маълумот манбалари

Тадқиқотда бирламчи маълумот сифатида очиқ эълон қилинган меъёрий-методологик ҳужжатлар таҳлил қилинди. Ҳужжатлар корпуси қуйидаги тоифаларни қамраб олади:

1. Халқаро касбий стандартлар ва рамкалар: IIA Халқаро ички аудит стандартлари ва тегишли позиция ҳужжатлари; COSO Internal Control — Integrated Framework; ISO 31000:2018 риск бошқаруви бўйича қўлланма.
2. Халқаро институтлар тавсиялари: OECDнинг давлат бошқаруви, ички назорат ва integrity бўйича тавсиялари; INTOSAI/ISSAI концептуал тамойиллари.
3. Миллий давлат сектор ҳужжатлари ва амалиётни тавсифловчи манбалар: танланган мамлакатлардаги ички назорат/аудитга оид марказий ҳужжатлар (масалан, АҚШда GAO “Green Book” ва OMB A-123; Буюк Британияда HM Treasury ҳужжат- лари ва PSIAS) ҳамда идоралараро методологик қўлланмалар.

Ҳужжатлар таҳлилида контент-таҳлил элементлари қўлланди: тушунчалар бирхиллиги (terminology alignment), мустақиллик кафолатлари, рискка асосланган режалаштириш тар- тиби, далиллар стандарти ва QAIP талабларининг қай тарзда ифодалангани кодланди. Мақсад ҳужжатларнинг тўлиқ юридик экспертизасини бериш эмас, балки улардаги ин- ститутлар ўртасидаги муносабатлар ва амалий механизмларнинг “шартлари”ни ажратиб кўрсатишдир.

Бенчмаркинг учун беш ўлчамдан иборат рамка тузилди:

1. Мустақиллик ва ҳисобдорлик: ички аудитнинг функционал ҳисобдорлиги (audit committee/board), маъмурий ҳисобдорлик, кадрлар ва бюджет автономияси.
2. Рискка асосланган режалаштириш: риск реестри, риск аппетити, COSO/ISO би-лан интеграция, йиллик режа ва устуворликларни асослаш.
3. Методология ва далиллар: аудит дастурлари, иш ҳужжатлари, далиллар етарлили- ги, маълумотлар таҳлили ва ИТ-аудит имкониятлари.
4. Сифатни таъминлаш: QAIP, ички/ташқи баҳолаш, этика ва мустақиллик деклара- циялари.
5. Таъсир ва ижро интизоми: тавсияларни мониторинг қилиш, раҳбарият қарорлари- га таъсир, натижа кўрсаткичлари билан боғланиш.

Ҳар бир мезон бўйича илғор амалиётларда кузатилган “ишлайдиган механизм” (best-practice mechanism) тавсифланиб, кейин Ўзбекистон шароитидаги эҳтимолий институционал “та- фовутлар”ни аниқлаш учун эталон вазифасини бажаради.

Сифатий сиёсат таҳлилида “реалистик адаптация” логикаси қўлланди: хорижий мо-делларни тўғридан-тўғри кўчириш эмас, балки уларнинг функционал элементларини (ма-салан, аудит қўмитаси мандати, риск эгалиги харитаси, QAIP цикли) Ўзбекистон бошқа-рув амалиёти, ресурс чекловлари ва институционал иерархияни ҳисобга олган ҳолда қайта лойиҳалаш. Бу босқичда “нимани жорий қилиш мумкин?” деган савол билан бирга “қай- си

шартларда у ишлайди?” деган савол устувор қўйилди. Натижада таклифлар механизм, ресурс ва ҳисобдорлик шартлари билан бирга шакллантирилади.

Тадқиқот хулосалари ҳужжатларга таянилган сифатий таҳлилга асосланган учун улар “амалиётдаги ижро”нинг барча нюансларини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Шу билан бирга, кўп манбали ҳужжатлар корпуси ва бир-бирини текширувчи (triangulation) қиёсий- рамкалар орқали хулосаларнинг ишончлилиги оширилди. Кейинги босқич тадқиқотларда натижаларни интервьюлар, кейс-таҳлил ва ташкилотлар кесимидаги етуклик индикатор- лари орқали эмпирик валидлаш мақсадга мувофиқ.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлил натижалари ички аудит самарадорлигини фақат меъёрий ҳужжатлар мавжудлиги билан эмас, балки уларнинг реал ишлашини таъминлайдиган институтлар мажмуаси билан баҳолаш зарурлигини кўрсатади. АҚШ ва Буюк Британия тажрибаси шуни англатадики, COSO ва IIA талаблари амалий кучга эга бўлиши учун раҳбарият масъулияти, функционал ҳисобдорлик (аудит қўмитаси), рискка асосланган режалаштириш ва QAIP бир занжирда ишлаши керак (GAO, 2014; HM Treasury, 2020; IIA, 2017). Германия ва Япония мисолида эса қонунга мувофиқлик ва процедура интизоми кучли бўлган муҳит- да ҳам стратегик рисклар (ИТ-лойиҳалар, хизмат сифати, контрактлар) кўлами кенгай- гани сари натижага йўналтирилган аудит элементларини қўшиш зарурати кескинлаша- ди (Bundesrechnungshof, 2021; Board of Audit of Japan, 2022). Демак, илғор амалиётларда “стандарт” — минимал талаб, “институционал дизайн” эса унинг таъсирини белгилайдиган омил сифатида намоён бўлади.

АҚШ. Федерал даражада ички назорат стандартларининг (Green Book) COSOга уйғунлиги ва OMB A-123 орқали раҳбарият масъулиятининг мустаҳкам белгиланиши ички аудитга икки амалий натижа беради: (i) рисклар ва назоратлар бўйича ҳужжатланган “бошқарув изи” (audit trail) пайдо бўлади; (ii) ички аудитнинг текшируви назорат дизайни ва ишлаш самарадорлигини баҳолашга йўналади (GAO, 2014; OMB, 2016). Бу моделнинг амалиётдаги таъсири— ички аудит ҳисоботлари кўпинча тизимли камчиликларни (root causes) очиб беришга ва бошқарувни қайта лойиҳалашга хизмат қилади.

Буюк Британия. PSIAS ва Orange Book (risk management) каби ҳужжатлар ички аудит- нинг касбий “чегараси”ни белгилайди, аудит қўмиталари эса унинг мустақиллиги ва таъ- сирчанлигини институционал таъминлайди (HM Treasury, 2013; HM Treasury, 2020). GIAA каби марказлашган модел амалиётда бир неча натижага олиб келади: аудит методология- си ва иш ҳужжатлари стандартлашади, сифат назорати марказлашади, мураккаб соҳалар (ИТ, харидлар, лойиҳалар) бўйича эксперт ресурслар жамланади (GIAA, 2021). Шу билан бирга, марказлашув самара бериши учун идораларнинг риск контекстига мослашувчан “портфель” режалаштириш сақланиши шарт.

Германия. Процедуравий-интизомий назорат кучли бўлган муҳитда ички аудит ва ички назоратнинг асосий “қиймати” қонунийлик ва бюджет интизомини барқарор ушлашда кўринади. Амалда бу давлат маблағларининг расмий қоидалар асосида сарфланишини таъминласа-да, рақамлаштириш ва хизматларни модернизация қилиш даврида ИТ-лойиҳалар, маълумотлар хавфсизлиги ва аутсорсинг контрактлари рискларини аудиторлик дастурларига интеграция қилиш талабини кучайтиради (Bundesrechnungshof, 2021). Демак, Германия тажрибаси назоратнинг “қаттиқ” компонентлари (қонунийлик) билан “юмшоқ” компонентлари (риск индикаторлари, KPI)ни бирлаштириш муҳимлигини кўрсатади.

Япония. Жараёнларни стандартлаштириш, PDCA ва сифат маданияти ички назорат интизомини оширади ва ички аудит учун қайта текшириладиган далиллар базасини яратади. Амалиётда бу тавсияларнинг ижросини тезлаштириши мумкин, чунки жараён эгалари ўзгаришни “мунтазам яхшилаш” сифатида қабул қилади (Board of Audit of Japan, 2022).

Бироқ ташкилот маданиятида иерархия кучли бўлганда, ички аудитнинг “кескин сигнал” бериш функциясига институционал ҳимоя (аудит қўмитаси ёки ташқи баҳолаш) зарур.

Жанубий Корея. Рақамлашган давлат бошқаруви ва маълумотлар интеграцияси ички аудит учун доимий аудит, автоматлашган тестлар ва аномалияларни аниқлаш имкониятларини кенгайтиради. Амалиётда бу “кейинги назорат”дан “эрта огоҳлантириш”га ўтишга хизмат қилади (BAI, 2020). Шу билан бирга, киберхавфсизлик, маълумот махфийлиги ва алгоритмлар шаффофлиги аудит объектига айланади; демак, ИТ-аудит компетенциялари ҳал қилувчи ресурс ҳисобланади.

Хорижий амалиётлар билан қиёс Ўзбекистонда ички аудитни ривожлантиришда “қои- далар”дан ташқари “институтлар” даражасида бир қатор тафовутларни кўрсатади.

1) “Учта чизиқ” бўйича масъулиятларнинг етарлича операционлашмагани

IIАнинг Three Lines моделига кўра, рискни қабул қилиш ва назоратни амалга ошириш биринчи чизиқнинг вазифаси, риск-менежмент ва комплаенс иккинчи чизиқнинг вазифаси, ички аудит эса учинчи чизиқ сифатида мустақил кафолат беради (IIA, 2020). Ўзбекистон амалиётида айрим ташкилотларда назорат функциялари фрагментар бўлгани учун ички аудитга “иккинчи чизиқ” вазифаларини (доимий мониторинг, комплаенс текширувлари) юклаш тенденцияси пайдо бўлиши мумкин. Бу институционал заифликнинг амалий оқибати — ички аудит ресурслари стратегик рисклар аудитига эмас, жорий мувофиқлик текширувларига сарфланиши, аудит қиймати эса паст кўриниши.

2) Мустақиллик ва ҳисобдорликнинг институционал каналлари чекланган

Илғор моделларда ички аудит раҳбарининг функционал ҳисобдорлиги аудит қўмитаси орқали таъминланади; бу механизм раҳбарият босими ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолати- да ички аудитни ҳимоя қилади (HM Treasury, 2020; Goodwin, 2003). Ўзбекистонда аудит қўмиталари ёки эквивалент коллегиал органлар барча бюджет ташкилотларида бир хил даражада институционаллашмаган бўлса, мустақиллик талаблари амалиётда “маъмурий субординация”га боғланиб қолиши мумкин. Амалий натижа сифатида муҳим топилмалар “юмшоқ” тилда ифодаланиши, ёки тавсияларнинг ижроси сустлашиши хавфи ортади.

3) Рискка асосланган режалаштириш ва маълумотлар базасининг етук эмас- лиги

АҚШ ва Британия тажрибаси риск реестри, назорат матрицаси ва йиллик аудит режаси бир занжирда ишлаганда аудит ресурслари юқори таъсирга эга соҳаларга йўналтирилишини кўрсатади (GAO, 2014; HM Treasury, 2020). Ўзбекистон контекстида рисклар- ни баҳолаш ҳужжатлари KPI ва бюджет режалаштириш билан боғланмаса, аудит режаси “анъанавий текширув объектлари”га қайтиб қолади. Институционал заифликнинг амалиётдаги натижаси — ички аудит ҳисоботлари раҳбарият учун стратегик қарор қабул қилиш воситасига айланмасдан, “қоидаларга риоя”ни тасдиқловчи ҳужжат сифатида қабул қилиниши мумкин.

4) Кадрлар ва технология: ИТ-аудит ва аналитика бўйича ресурс бўшлиғи

Жанубий Корея ва АҚШда маълумотларга асосланган аудитнинг ривожланиши ички аудитни юқори хавфли транзакцияларни аниқлаш ва превентив назоратга яқинлаштиради (BAI, 2020; GAO, 2018). Ўзбекистонда эса ички аудит хизматларида ИТ-аудит, маълумотлар таҳлили ва киберхавфсизлик компетенцияларининг чекланганлиги рақамли давлат платформалари ўсиб бораётган шароитда институционал “кечикиш”ни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса амалиётда рискларни кеч аниқлаш, тавсияларнинг “қоғозда” қолиши ва ресурс исрофи хавфларини оширади.

Таққослама таҳлил ички аудитни кучайтириш учун узоқ муддатли ҳуқуқий ислоҳотлар билан бирга, қисқа муддатда жорий этилиши мумкин бўлган амалий механизмлар мавжудлигини кўрсатади.

1. Функциялар харитаси ва кафолат харитаси: ҳар бир ташкилотда биринчи/иккинчи/учинчи чизиқ функцияларини матрицада белгилаш ва дубликат назоратларни қисқартириш.

2. Аудит қўмитаси пилоти: юқори рискка эга бюджет ташкилотларида аудит қўмитаси мандати (режа, ресурс, муҳим топилмалар, QAIP)ни жорий этиш.

3. Риск реестрини KPI билан боғлаш: ISO 31000 терминологиясида риск баёнлари, COSO компонентлари билан назоратлар ва KPI орқали “эрта индикаторлар”ни бел- гилаш.

4. QAIPнинг минимал ядроси: йиллик ички баҳолаш, иш ҳужжатлари шаблонлари ва 5 йиллик ташқи баҳолаш режасини қўллаш (IIA, 2017).

5. Маълумотлар таҳлили бўйича “минимал пакет”: харидлар, маош/тўловлар, субсидиялар каби соҳаларда аномалия тестлари учун оддий аналитик скриптлар ва на- зорат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Ушбу амалий натижалар институционал заифликларни тўлиқ бартараф этмайди, аммо ички аудитнинг таъсирини тез ошириш ва кейинги босқич ислоҳотлар учун “институцио- нал талаб” (demand)ни шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса

Ушбу тадқиқот хорижий илғор амалиётларни (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япо- ния ва Жанубий Корея) ҳамда халқаро институтлар (OECD, INTOSAI) ёндашувларини COSO, IIA стандартлари ва ISO 31000 рамкалари билан уйғун ҳолда қиёсий таҳлил қил- ди. Таҳлилнинг марказий натижаси шундан иборатки, давлат секторда ички аудит самарадорлигини фақат меъёрий базанинг мавжудлиги билан эмас, балки мазкур меъёрлар ишлайдиган институционал механизмлар — риск эгалиги, функционал ҳисобдорлик, ресурс автономияси, сифат инфратузилмаси (QAIP) ва маълумотлар маданияти — билан белгиланиши зарур.

АҚШ модели раҳбарият масъулияти ва ички назоратни ҳужжатлаштириш (audit trail)ни кучайтириш орқали ички аудитнинг далиллар базасини мустаҳкамлайди ҳамда назорат ди- зайни ва унинг ишлаш самарадорлигини тизимли баҳолаш имкониятини оширади (GAO, 2014; OMB, 2016). Буюк Британияда аудит қўмиталари ва PSIAS талаблари ички аудит мустақиллигини институционал кафолатлаб, марказлашган хизматлар (GIAA) орқали ме- тодология ва компетенцияларни консолидация қилиш имконини беради (HM Treasury, 2013; HM Treasury, 2020; GIAA, 2021). Германия ва Япония тажрибаси эса қонунийлик ва процедура интизоми юқори бўлган муҳитда ҳам рақамлаштириш, лойиҳа бошқаруви ва хизматлар сифатига оид стратегик рискларни қамраб олиш учун рискка асосланган аудит элементларини кенгайтириш талабини кўрсатади (Bundesrechnungshof, 2021; Board of Audit of Japan, 2022). Жанубий Корея мисоли рақамлашган давлат бошқаруви шароити- да доимий аудит ва аналитик тестларнинг ички аудит қийматини сезиларли оширишини, бироқ бунда ИТ-аудит ва киберхавфсизлик компетенцияларига талаб кескин ортишини тасдиқлайди (BAI, 2020).

Ўзбекистон тизими билан қиёс натижалари тўртта устувор “структур бўшлиқ”ни ажра- тади: (1) “учта чизиқ” бўйича вазифалар ва риск эгалигининг етарлича операционлашма- гани; (2) ички аудит мустақиллиги учун аудит қўмиталари ва функционал ҳисобдорлик каналларининг чекланганлиги; (3) риск реестри — KPI — аудит режаси занжирининг етар- лича интеграцияланмагани туфайли рискка асосланган режалаштиришнинг формаллашу- ви; (4) ИТ-аудит, маълумотлар таҳлили ва QAIP бўйича компетенция ҳамда технология ресурсларининг етарли эмаслиги. Мазкур тафовутлар амалиётда ички аудит хулосалари- нинг бошқарув қарорларига таъсири камайиши, тавсиялар ижросининг суслашиши ва назорат ресурсларининг дубликатланишига олиб келиши мумкин.

Шу асосда мақолада реалистик мослаштиришнинг “қисқа цикл” механизмлари таклиф қилинди: ташкилотлар кесимида функциялар/кафолат харитасини тузиш, юқори рискка эга ташкилотлардан бошлаб аудит қўмиталари пилотини жорий этиш, ISO 31000 ва COSO логикасида риск реестрини KPI билан боғлаш, QAIPнинг минимал ядросини стандартлаш ва харидлар ҳамда тўловлар бўйича оддий аналитик тестлардан бошланган

“маълумот- лар таҳлили пакети”ни ишга тушириш. Ушбу механизмлар “стандартларни импорт қи- лиш”дан кўра “ишлайдиган институтларни импорт қилиш” тамойилига таянади ва ресур- слар чекланган шароитда ҳам ички аудит таъсирини босқичма-босқич ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг асосий чеклови шундаки, у асосан очиқ ҳужжатлар таҳлилига таянади; келгуси тадқиқотларда интервьюлар, кейс-таҳлил ва ташкилотлар кесимида ички аудит етуклигини ўлчаш индикаторлари орқали эмпирик валидлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Anti-Corruption & Civil Rights Commission. (2019). Anti-corruption policy and institutional framework in Korea. ACRC.
2. Arena, M., & Azzone, G. (2009). Identifying organizational drivers of internal audit effectiveness. International Journal of Auditing, 13(1), 43–60.
3. Board of Audit of Japan. (2022). Annual report. Tokyo: Board of Audit.
4. Bundesrechnungshof. (2021). Annual report to the Bundestag. Bonn: Bundesrechnungshof.
5. Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission. (2013). Internal control—Integrated framework. COSO.
6. De Zwaan, L., Stewart, J., & Subramaniam, N. (2011). Internal audit involvement in enterprise risk management. International Journal of Auditing, 15(2), 147–164.
7. U.S. Government Accountability Office. (2014). Standards for internal control in the federal government (Green Book) (GAO-14-704G). GAO.
8. U.S. Government Accountability Office. (2018). Assessing data reliability. GAO.
9. Government Internal Audit Agency. (2021). Annual report and accounts. GIAA.
10. Goodwin, J. (2003). The relationship between the audit committee and the internal audit function: Evidence from Australia and New Zealand. International Journal of Auditing, 7(3), 263–278.
11. HM Treasury. (2013). Public Sector Internal Audit Standards. London: HM Treasury.
12. HM Treasury. (2020). The Orange Book: Management of risk—Principles and concepts. London: HM Treasury.
13. Institute of Internal Auditors. (2017). International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing. IIA.
14. Institute of Internal Auditors. (2020). The IIA’s Three Lines Model. IIA.
15. International Organization of Supreme Audit Institutions. (2019). Fundamental Principles of Public-Sector Auditing (ISSAI 100) and related standards (ISSAI 200/300/400). INTOSAI.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

OPERATSIYON FAOLIYATDA PUL OQIMLARI

Qosimova Nilufarxon Chinberdiyevna

Assistent o’qituvchi
Andijon fakulteti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: qosimovanilufar228@gmail.com

Annotatsiya. *Har qanday biznesning muvaffaqiyatli ishlashi uchun uning moliyaviy barqarorligi zarur. Bu barqarorlikni ta’minlashda pul oqimlari muhim rol o‘ynaydi. Pul oqimlari, asosan, operatsion faoliyatdan kelib chiqadi. Ushbu maqolada operatsion faoliyatda pul oqimlari tushunchasi, uning ahamiyati, shakllanishi, monitoringi va boshqarilishi haqida so’z yuritiladi. Tadqiqotda pul oqimlarini tuzish usullari, pul oqimlarining turlari va ularning ahamiyati alohida ko’rsatilib o’tiladi. Shuningdek, O’zbekistonda moliyaviy hisobot shakllarini tuzish bo’yicha kirib kelayotgan yangi usullar, hisobot shakllarini xalqaro standartlar asosida tuzish shartlari va bosqichlari, hisobotlarni tuzish bo’yicha mavjud sharoitlar, cheklovlar va istiqbolli yo’nalishlar ham muhokama qilinadi. Maqola natijalari korxonalarda pul oqimlari to’g‘risidagi hisobot shaklini tuzishni zamonaviy moliyaviy yechimlarni qo’llashning samarali yo’llarini asoslab beradi.*

Kalit so’zlar: *Pul oqimi, hisobot shakllari, pul oqimlarining turlari, moliyaviy faoliyat, operatsion pul oqimlari, operativ xarajatlar, to’lovlar, investitsion pul oqimlari, moliyaviy pul oqimlari, investitsiya faoliayti, mol-mulik sotish, kreditlar to’lash, aksiyalar sotish, omillar, barqarorlikijobiy pul oqimlari, pul oqimlarini monitoringi.*

ДЕНЕЖНЫЕ ПОТОКИ В ОПЕРАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Касимова Нилуфархон Чинбердиевна

Ассистент учителя
Андижанский факультет
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: qosimovanilufar228@gmail.com

Аннотация. *Для успешного функционирования любого бизнеса необходима его финансовая стабильность. Денежные потоки играют важную роль в обеспечении этой стабильности. Денежные потоки в основном поступают от операционной деятельности. В данной статье рассматривается понятие денежных потоков в операционной деятельности, его значение, формирование, мониторинг и управление. В исследовании отдельно будут указаны методы структурирования денежных потоков, виды денежных потоков и их значение. Также будут обсуждены новые методы формирования форм финансовой отчетности в Узбекистане, условия и этапы формирования форм отчетности на основе международных стандартов, существующие условия, ограничения и перспективные направления формирования отчетности. Результаты статьи обосновывают эффективные способы применения современных финансовых решений для составления отчета о движении денежных средств на предприятиях.*

Ключевые слова. *Денежные потоки, формы отчетности, виды денежных потоков, финансовая деятельность, операционные денежные потоки, операционные расходы, платежи, инвестиционные денежные потоки, финансовые потоки, инвестиционная активность, продажи имущества, погашение кредитов, продажа акций, факторы, стабильностьположительные денежные потоки, мониторинг денежных потоков.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

CASH FLOWS IN OPERATIONAL ACTIVITIES

Kasimova Nilufarkhan Chinberdiyevna
Assistant teacher
Andijan faculty
Tashkent State University of Economics
E-mail: gosimovanilufar228@gmail.com

Abstract. *For the successful operation of any business, its financial stability is necessary. Cash flows play an important role in ensuring this stability. Cash flows mainly come from operational activities. This article will talk about the concept of cash flows in operational activities, its importance, formation, monitoring and management. In the study, the methods of drawing up cash flows, the types of cash flows and their significance are shown separately. Also discussed are new methods for drawing up financial reporting forms in Uzbekistan, conditions and stages for drawing up reporting forms on the basis of international standards, existing conditions for drawing up reports, restrictions and promising directions. The results of the article justify the formation of a form of reporting on cash flows in enterprises effective ways to apply modern financial solutions.*

Keywords: *Cash flow, reporting forms, types of cash flows, financial activities, operating cash flows, operational expenses, payments, investment cash flows, financial cash flows, investment activist, property sales, loan payments, stock sales, factors, sustainability, economic cash flows, monitoring cash flows.*

Kirish

Pul oqimlari to’g‘risidagi hisobot xo’jalik yurituvchi sub’yektning hisob davri davomida amalga oshirilgan moliyaviy operatsiyalaridan kelib chiqqan real pul xarakatlarini aks ettiradi. Bu hisobot kompaniyaning qayerdan qancha pul tushumi bo’lganini va mablag‘lar qanday maqsadlarda sarflanganini ko’rsatadi. Pul oqimlari hisobotining asosiy afzalligi shundaki, u balans va moliyaviy natijalar hisobotida ko’rinmasligi mumkin bo’lgan real likvidlik holatini ochib beradi.

Hisobotning birinchi bo’limi operatsion faoliyat bo’lib, unda sub’yektning asosiy ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish faoliyatidan kelib chiqqan pul xarakatlari aks ettiriladi. Operatsion faoliyat tadbirkorlikning asosiy daromad keltiruvchi faoliyati va investitsiyaviy yoki moliyaviy faoliyat bo’lmagan boshqa faoliyat turlari hisoblanadi. Operatsion faoliyatdan naqd pul oqimlarining aksariyat tarkibiy qismlari korxonanaing sof foydasi yoki zararini belgilovchi o’sha narsalar bo’ladi, ya’ni, ular korxonanaing asosiy daromad keltiruvchi faoliyat bilan bog‘liq. Davr uchun sof foyda yoki zarar opertasion naqd pul oqimlari bilan bo’lmagan ayrim narsalarni o’z ichiga olishi mumkin. Masalan, asbob-uskunalarning bir qismini sotishdan olinadigan foyda yoki zarar sof foyda yoki zararga kiritiladi, ammo naqd pul oqimlari investitsiya sifatida tasniflanadi.

Adabiyotlar sharhi

Operatsion faoliyatdan pul oqimlari korxonaning asosiy xo’jalik faoliyati natijasida shakllanadigan pul tushumlari va chiqimlarini ifodalaydi. Ko’plab iqtisodiy adabiyotlarda ushbu ko’rsatkich korxonaning likvidligi, to’lovga qobiliyati hamda moliyaviy barqarorligini baholashda asosiy omil sifatida qayd etilgan.

R. Brealey va S. Myers o’zlarining “Principles of Corporate Finance” asarida operatsion pul oqimlarini kompaniyaning haqiqiy iqtisodiy salohiyatini aks ettiruvchi ko’rsatkich sifatida talqin etadilar. Ularning fikricha, foyda ko’rsatkichlari buxgalteriya baholariga asoslangan bo’lsa, pul oqimlari real moliyaviy harakatlarni ifodalaydi va investitsion qarorlar qabul qilinishida eng ishonchli mezondir [1].

J. Ross, R. Westerfield va B. Jordan pul oqimlari tahlilini korporativ moliyaning markaziy elementi sifatida ko’rsatadi. Mualliflar operatsion faoliyatdan pul oqimi kapitallashuv, dividend

siyosati, qarz yuklamasi va biznesning umumiy qiymatini aniqlovchi asosiy ko’rsatkich ekanini ta’kidlaydi [2]. Ularning tadqiqotlarida operatsion pul oqimining asosiy komponentlari – sof foyda, amortizatsiya, aylanma kapitaldagi o’zgarishlar – alohida tahlil qilinadi.

H. Horngren va G. Harrison tomonidan ta’kidlanishicha, hisobotning pul oqimlari bo’yicha to’g‘ridan-to’g‘ri va bilvosita usullari korxona faoliyatini baholashda turlicha informatsion yondashuv beradi. To’g‘ridan-to’g‘ri usulda real pul tushumlari va to’lovlari aniqlanadi, bilvosita usulda esa sof foyda tiklanib, pul oqimiga moslashtiriladi [3]. Ko’pgina amaliy ishtirokchilar bilvosita usulning qulayligini, auditorlar esa to’g‘ridan-to’g‘ri usulning shaffofligini ta’kidlaydi.

O’zbekistonlik iqtisodchi olimlar, jumladan M. Abdullayev va Sh. Raxmonqulovlar korxonalar moliyaviy barqarorligini baholashda pul oqimlari tahlilining dolzarbligini ko’rsatadi. Ularning asarlarida operatsion pul oqimlari korxonaning to’lov qobiliyati, ishlab chiqarish samaradorligi va biznes modeli barqarorligini baholash uchun muhim ko’rsatkich ekani alohida urg‘u bilan qayd etilgan [4].

IFRS (IAS 7 – “Statement of Cash Flows”) standartlariga ko’ra, operatsion faoliyatdan pul oqimlari korxonaning asosiy daromad keltiruvchi faoliyati bilan bog‘liq bo’lgan pul tushumlari va to’lovlarini o’z ichiga oladi. Standartlarda bilvosita va to’g‘ridan-to’g‘ri usullarga qo’yilgan talablar, shuningdek, aylanma kapital elementlarining pul oqimlariga ta’siri batafsil yoritilgan [5]. Ushbu standart korxonalar moliyaviy natijalarini xalqaro miqyosda solishtirish imkonini beradi.

D. Damodaran tadqiqotlariga ko’ra, operatsion pul oqimi investitsiya loyihalarini baholashda asosiy indikator bo’lib, kelajakdagi erkin pul oqimlarini (Free Cash Flow) aniqlash mezonidir [6]. U o’z ishlanmalarida pul oqimlarini prognozlashning korporativ qiymatga ta’sirini chuqur tahlil qiladi.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur maqolada operatsion faoliyatdagi pul oqimlari mohiyatini taqqoslama taxlil, statistik taxlil, qiyoslash, analiz, sintez kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar

Korxonalarning hisobot davri ko’rsatkichlari ular tomonidan tuzilgan moliyaviy hisobot shakllari ko’rsatkichlarida nomoyon bo’ladi. Bu ko’rsatkichlar korxonaning barqarorligini, rentabelligini va to’lovga layoqatliligi kabi elementlardan iborat. Shu elementlarni o’qish orqali korxonalarga investitsiyalarni jalb qilish, ularni kreditlar bilan ta’minlash kabi jarayonlar tezlashadi. Chunki xalqaro standartlar asosida tuzilgan hisobotlar shaffof, ma’lumotlari ochiq tarzda axborot qiziquvchilarga taqdim qilinmoqda.

Pul oqimlari va ularning turlari

1. Operatsion pul oqimlari: Bu pul oqimlari kompaniyaning asosiy faoliyatini amalga oshirish natijasida kelib chiqadi, ya’ni buyurtmalarni bajarish, mahsulot yoki xizmatlar sotish natijasida olinadigan pul. Shuningdek, bu turdagi oqimlarga xodimlarga to’lanadigan maoshlar, xarid qilingan materiallar uchun to’lovlar va boshqa operativ xarajatlar kiradi.

2. Investitsiya pul oqimlari: Bu oqimlar investitsiya faoliyatidan, masalan, yangi uskuna yoki asbob-uskunalarni xarid qilishdan kelib chiqadi. Ular, shuningdek, boshqa kompaniyalarga investitsiya qilish yoki mol-mulkni sotish orqali ham hosil bo’ladi.

3. Moliya pul oqimlari: Bu tur qonuniy kreditlar, aktsiyalarni sotish yoki dividendlar to’plash orqali keladi. Moliyaviy oqimlar, shuningdek, qarzlarni to’lash yoki foizlarni to’lash kabi xarajatlarni ham o’z ichiga oladi.

Operatsion faoliyatdan kelib chiqadigan pul oqimlari biznesning kundalik faoliyatini davom ettirish uchun zarur. Ular nafaqat kompaniyaning noto’g‘ri yoki muvaffaqiyatli ishlashini belgilaydi, balki uning yangi investitsiyalar qilish imkoniyatini ham ta’minlaydi. Quyidagi omillar operatsion pul oqimining ahamiyatini ko’rsatadi:

1. Barqarorlik: Operatsion faoliyat orqali naqd pul oqimi kompaniyaning barqarorligini ta’minlaydi. Agar kompaniya o’z operatsiyalaridan pul ishlay olmasa, u o’z xarajatlarini qoplashda

qiyinchiliklarga duch kelishi mumkin.

2. O’sish imkoniyatlari: Ijobiy pul oqimlari kompaniyaga yangi loyiha yoki mahsulotlarga investitsiya qilish imkoniyatini taqdim etadi. Bu esa kompaniyaning o’sishi va raqobatbardoshligini oshiradi.

3. Kredit olish imkoniyatlari: Banklar va moliya muassasalari kompaniyalar uchun qarz berishda operatsion faoliyatdan kelib chiqadigan pul oqimlarini ko’rib chiqishadi. Agar kompaniya barqaror va yaxshilangan pul oqimlariga ega bo’lsa, u holda uning kredit olish imkoniyatlari yanada oshadi.

Pul oqimlarini monitoring qilish va boshqarish har bir kompaniyaning muvaffaqiyati uchun juda muhimdir. Ushbu jarayon ko’plab vositalar va uslublarni o’z ichiga oladi:

1. Pul oqimlari hisobotlari: Kompaniya har oyda yoki har kvartalda pul oqimlari hisobotini tuzishi kerak. Ushbu hisobot operatsion, investitsiya va moliyaviy pul oqimlarini aks ettiradi va ularni tahlil qilish orqali kompaniya moliyaviy holatini baholash imkonini beradi.

2. Budjet rejalashtirish: Budjet yaratish orqali kompaniya o’z kelajakdagi pul oqimlarini rejalashtirishi va nazorat qilishi mumkin. Bu jarayonning maqsadi pul oqimlarini optimallashtirish va xarajatlarni minimallashtirishdir.

3. Liqvidlikni boshqarish: Kompaniya darhol to’lovlarni amalga oshirish imkoniyatini ta’minlash uchun likvidlikni boshqarishni o’z ichiga oladi. Bu, o’z navbatida, muammolar yuzaga kelmasligi uchun shartlarini yaratishi zarur.

4. Strategik qarorlar qabul qilish: Pul oqimlarini tahlil qilish orqali kompaniya strategik qarorlar qabul qilish imkoniyatiga ega bo’ladi. Bu, o’z navbatida, muammolarni aniqlash, bozordagi o’zgarishlarga moslashish va raqobatchilar bilan kurashish uchun zarur.

Pul oqimlari to’g‘risidagi hisobotning asosiy maqsadi – sub’yektning moliyaviy faoliyati qanday pul oqimlarini keltirib chiqarganini aniqlash, uning to’lovga qobiliyati va moliyaviy barqarorligini baholashdir. Bu hisobotni shakllantirishda ikki asosiy usul qo’llaniladi: bevosita usul va bilvosita usul.

Bevosita usulda pul oqimlari hisobot davridagi real pul tushumlari va to’lovlari asosida shakllantiriladi. Bu usulda operatsion faoliyat bo’yicha barcha asosiy pul tushumlari va chiqimlari alohida ko’rinishda ko’rsatiladi. Bevosita usul orqali tuzilgan hisobot foydalanuvchilarga real pul oqimlarining manbai va yo’nalishi haqida to’g‘ridan-to’g‘ri tasavvur beradi.

Bilvosita usul eng ko’p qo’llaniladigan va buxgalteriya amaliyotida keng tarqalgan yondashuvdir. Bu usulda operatsion faoliyatdan olingan sof foyda asos qilib olinadi va u naqd bo’lmagan elementlar va balansdagi o’zgarishlar asosida moslashtiriladi. Bu usul ayniqsa yirik korporatsiyalar, xalqaro kompaniyalar va moliyaviy tahlilchilar tomonidan afzal ko’riladi. Chunki u foyda raqamining qanday qilib real pul oqimiga aylanishini ko’rsatadi va foyda hamda pul oqimi o’rtasidagi farqni tahlil qilish imkonini beradi.

1-jadval

Operatsion faoliyatda pul oqimlarini bevosita va bilvosita usullarda tayyorlanishini taqqoslash[10, 11]

Ko’rsatkichlar	Bevosita usul	Bilvosita usul
Yo’ndashuv	Naqd pul harakatlarini to’g‘ridan-tog‘ri aks ettiradi	Faoydadan kelib chiqib o’zgartirishlar asosida
Asosiy ustunligi	Real tushumlar va chiqimlar ko’rinadi	Moliyaviy tahlil uchun foydali
Amalga oshirish darajasi	Mehnat talab qiladi, murakkab	Osonroq, avtomatlashtirishga mos
Moliyaviy tahlilga yaroqliligi	Kamroq	Yuqori
Soliq nazorati uchun qulayligi	Yuqori	Nisbatan past

*Muallif ishlanmasi.

Pul oqimlari hisobotini tuzish vaqtida bevosita va bilvosita usullarning har ikkalasi ham o‘z o‘rnida muhim hisoblanadi. Bevosita bu real pul harakatlarini to‘liq ko‘rsatib bersa, bilvosita usul moliyaviy natijalar bilan pul oqimi o‘rtasidagi bog‘liqlikni tahlil qilishda muhim ahamiyat kasb etadi. Har ikki usulni chuqur tushunish sub’yektning moliyaviy strategiyasini shakllantirishda, likvidlikni boshqarishda va tashqi foydalanuvchilar bilan ochiq, shaffof muloqotni ta’minlashda katta ahamiyatga ega.

Xulosa

Operatsion faoliyatda pul oqimlari har qanday biznesning kelajagini belgilovchi muhim omil hisoblanadi. Pul oqimlarini tushunish va monitoring qilish, shuningdek, ularga asoslangan qarorlar qabul qilish kompaniyaning moliyaviy barqarorligini ta’minlash va biznesning o’sish imkoniyatlarini oshirish uchun zarurdir. Kelajakda muvaffaqiyatli rivojlanish uchun kompaniyalar operatsion pul oqimlariga alohida e’tibor qaratishlari kerak. Operatsion faoliyatdan pul oqimlari korxonaning moliyaviy barqarorligi, to’lovga qobiliyati va qiymatini aniqlashda asosiy ahamiyatga ega.

IAS 7 operatsion, investitsion va moliyaviy faoliyatiga tasniflangan davr uchun naqd pul oqimlari to‘g‘risidagi hisobotlarni aks ettirishni talab qiladi. Operatsion, investitsiya va moliyalashtirish ishlaridan naqd pul oqimlarining ko‘rsatilishi korxonaning mohiyatiga bog‘liq. Turli faoliyat turlari o‘rtasidagi pul oqimlarini shu tarzda tashniflash orqali foydalanuvchilar ularning har birining naqd pul va pul ekvivalentlariga ta’sirini, shuningdek, ularning bir-biri bilan munosabatlarini ko‘rishlari mumkin. Jahon va mahalliy iqtisodiy adabiyotlarda ushbu ko’rsatkich nafaqat ichki boshqaruv qarorlarini qabul qilishda, balki investorlar va kreditorlar uchun ham muhim ma’lumot manbai sifatida baholanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to’g‘risida”gi Qonuni. 2016 y. 13 aprel. O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 404 – son.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020yil 24 fevraldagi 4611-son “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o’tish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar to’g‘risida”gi qarori.
3. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g‘risida”gi Farmoni 2017 yil 7 fevral, PF-4947-son.
4. 2015 International Financial Reporting Standards IFRS® (Red Book) is the onlyofficial printed edition of the consolidated text of the IASB’s authoritative pronouncements as issued at 1 January 2015. 978-1-909704-71-8 SET (2 vols)
5. International Financial Reporting Standard - Annual Improvements to IFRSs 2012-2014 Cycle (September 2014). ISBN 978-1-909704-59-6. 978-1-909704-59.
6. Karimov A.A, Ibragimov A.K, “Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari”. Darslik. T. “Moliya”. 2019. – 310 b.
7. Brealey R., Myers S., Allen F. Principles of Corporate Finance. – McGraw-Hill, 2019.
8. Ross S., Westerfield R., Jordan B. Fundamentals of Corporate Finance. – McGraw-Hill, 2020.
9. Horngren C., Harrison W., Oliver S. Financial Accounting. – Pearson, 2019.
10. Abdullayev M., Raxmonqulov SH. Korxona moliyasini boshqarish. – TDIU nashriyoti, 2020.
11. IFRS Foundation. IAS 7 – Statement of Cash Flows. – 2023 yilgi tahrir.
12. Damodaran A. Applied Corporate Finance. – Wiley, 2021.

BANK EKOTIZIMLARI INNOVATSION XIZMATLAR MAJMUI

Shoymardonov Orziqul Jo‘ra o‘g‘li
mustaqil izlanuvchi
Toshkent davlat
iqtisodiyot universiteti
E-mail:orziqul123456@gmail.com
ORCID:0009-0002-9553-850X

Annotatsiya. *Ushbu maqolada banklarda biznes ekotizimlarining rivojlanishi natijasida innovatsion bank xizmatlari paydo bo‘layotganligi va buning natijasida bank xizmatlari soni ham ortib natijada bank daromadlari ham o‘z navbatida oshishiga xissa qo‘shishi keltirib o‘tilgan. Ekotizim doirasida bank xizmat ko‘rsatish samaradorligini oshirish yo‘llari, hamda tijorat banklarida biznes ekotizimining afzalliklari rivojlantirish istiqbollarini takomillashtirish haqida so‘z boradi. Xususan, maqolada innovatsiyalarni joriy etish asosida tijorat banklarida biznes ekotizimining faoliyati samaradorligini oshirishdagi mavjud muammolar hamda ularni bartaraf etish bo‘yicha muallif tavsiyaviy yondashuvlari va takliflari keltirilgan.*

Kalit so‘zlar: *banki, raqamli biznes, ekotizim, innovatsion xizmatlar, naqd to‘lovlar, yangi xizmat turlari, yuzni tanib olish texnologiyasi, biometrik bankomat, bank biznesi ekotizimlari.*

ИННОВАЦИОННЫЕ УСЛУГИ БАНКОВСКИХ ЭКОСИСТЕМ

Шоймардонов Орзикул Жура оглы
независимый исследователь
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:orziqul123456@gmail.com
ORCID:0009-0002-9553-850X

Аннотация. *В данной статье рассматривается появление инновационных банковских услуг в результате развития бизнес-экосистем в банках, что, в свою очередь, способствует увеличению количества банковских услуг и, как следствие, росту доходов банка. Обсуждаются пути повышения эффективности банковских услуг в рамках экосистемы, а также перспективы развития преимуществ бизнес-экосистемы в коммерческих банках. В частности, в статье представлены существующие проблемы повышения эффективности бизнес-экосистемы в коммерческих банках на основе внедрения инноваций, а также рекомендуемые автором подходы и предложения по их устранению.*

Ключевые слова: *банковское дело, сифровой бизнес, экосистема, инновационные услуги, наличные платежи, новые виды услуг, технология распознавания лис, биометрический банкомат, банковские бизнес-экосистемы.*

BANK ECOSYSTEMS INNOVATIVE SERVICES SET

Shoymardonov Orzikul Jura ugli
independent researcher
Tashkent State the University
of Economics
E-mail:orziqul123456@gmail.com
ORCID:0009-0002-9553-850X

Abstract. *This article discusses the emergence of innovative banking services as a result of the development of business ecosystems in banks, which, in turn, contributes to the increase in*

the number of banking services and, as a result, to the increase in bank income. It discusses ways to improve the efficiency of bank services within the ecosystem, as well as the prospects for improving the development of the advantages of the business ecosystem in commercial banks. In particular, the article presents the existing problems in improving the efficiency of the business ecosystem in commercial banks based on the introduction of innovations, as well as the author’s recommended approaches and proposals for their elimination.

Keywords: *banking, digital business, ecosystem, innovative services, cash payments, new types of services, facial recognition technology, biometric ATM, banking business ecosystems.*

Kirish

Respublikamizda faoliyat yuritayotgan tijorat banklarida biznes ekotizimini qo’llash o‘z mijozlariga onlayn va masofaviy bank xizmatlarini ko‘rsatish amaliyoti tahlili shundan darak beradiki, bank faoliyati va yechimlarini iste’molchilar talablariga moslashtirish ancha sustdir. Chunki mahalliy banklar mijozlarga hamon onlayn xizmatlarning ancha cheklangan turini taklif qilmoqdalar.

Shuningdek, O‘zbekistonda raqamli banklarning tarqalishini sekinlashtiruvchi omillar sifatida moslashtirilmagan me’yoriy-huquqiy baza va yetarlicha texnologik imkoniyatlar (ma’lumotlar markazlari, tajribali AT-mutaxassislar, internet qamrovi va tezligi va boshqalar) ham bor.

Aholining moliyaviy savodxonligining pastligi, shuningdek, naqd pulsiz to‘lovlarga ishonchsizlik raqamli bank kanallarining tez tarqalishiga to‘sqinlik qilmoqda. Shuni ham ta’kidlash kerakki, banklarning raqamli xizmatlarga o‘tishi uzoq va qimmat jarayon bo‘lib, aksiyadorlar tomonidan faol qo‘llab-quvvatlash va katta mablag‘ ajratishni talab qiladi. Ammo shuni ta’kidlash kerakki, raqamli banklar ushbu kamchiliklarni o‘z foydasiga aylantira olishlari vaqt, ta’lim va resurslar bilan bog‘liq masaladir. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi an’anaviy bank tizimining barcha asoslarini yo‘q qiladi. Shuning uchun u an’anaviy banklardan tub islohotlarni amalga oshirishni talab qiladi. Shuni ta’kidlash kerakki, raqamli iqtisodiyotda banklar mijoz to‘g‘risidagi ma’lumotlaridan malakali va muvaffaqiyatli foydalansalargina ustunlikka ega bo‘lishlari mumkin. Bu o‘z navbatida bank ekotizimlari kelajakda mijozlar bilan muloqot qilishning muhim usuli bo‘ladi. Bundan tashqari, agar banklar mijozlarga turli xil moliyaviy xizmatlar ko‘rsatsa, iste’molchilar istalgan joyda va istalgan vaqtda bank xizmatlaridan foydalanishlari mumkin bo‘ladi.

Xalqaro Valyuta Jamg‘armasi tadqiqotlari ham shuni ko‘rsatadiki, “fintech va raqamli to‘lov ekotizimlarining kengayishi tufayli rivojlangan mamlakatlarda banklarning foizsiz daromadlari ulushi **2020-2024 yillarda 32 foizdan 46 foizga** oshgan” [6].

O‘zbekiston bank tizimida raqamli to‘lov ekotizimi nafaqat kengayib borayotganini, balki mijoz ehtiyojlarini qondirish darajasi ham sezilarli darajada oshayotganini ko‘rsatadi. Elektron kartalar sonining keskin ko‘payishi, bankomatlar tarmog‘ining kengayishi, terminal to‘lovlari hajmining yildan-yilga o‘sishi bularning barchasi raqamli moliyaviy xizmatlar aholining kundalik to‘lov amaliyotida asosiy vositaga aylanganini, banklar esa mijozlarga xizmat ko‘rsatish sifatini oshirishda innovatsion platformalardan faol foydalanayotganini anglatadi.

O‘zbekiston tijorat banklarida raqamli transformatsiyaning sifat jihatdan yangi bosqichga ko‘tarilayotganini ko‘rsatadi, ya’ni 2020-2024 yillar davomida joriy etilgan yangi bank xizmatlari soni 8 tadan 25 tagacha oshib, ularning tarkibida raqamli mahsulotlar ulushi 20 foizdan 65 foizga yetgan bo‘lib, bu banklar tomonidan mijoz ehtiyojlariga mos, masofaviy va innovatsion xizmatlarni rivojlantirishga ustuvor ahamiyat berilayotganini, xizmatlar portfelining esa an’anaviy modellaridan raqamli ekotizimga yo‘naltirilayotganini anglatadi.

Adabiyotlar sharhi

Tijorat banklarining biznes ekotizimi bilan bog‘liq tadqiqot ishlari ko‘plab yetakchi mahalliy va xorijiy iqtisodchilar olimlar tomonidan ayrim jihatlari o‘rganilgan.

Gollandiyalik iqtisodchi olima Marta Szymanowska bank ekotizimlarining turli jihatlarini, shu jumladan moliyaviy innovatsiyalarning ta’siri va banklarning iqtisodiyotdagi rolini o‘rganib chiqqan [2].

Iqtisodchi olim A.Ivanov bank biznesidagi ekotizim konsepsiyasi mijoz uchun umumiy qiymat bilan bog‘liq bo‘lgan bir nechta xizmatlarning bitta foydalanuvchi interfeysga qo‘shilishi qator qulayliklar yaratadi deya fikr bildirib o‘tgan [3].

R.Kapur, A. Gaver, M. Kusumano, G. Parker, M. Van-Alstinlar o‘z ilmiy izlanishlarida platformalarga asoslangan biznes ekotizimlariga e’tibor qaratishadi va mahsulot ekotizimlari (product-based ecosystems) va platforma ekotizimlari (platform-based ecosystems) o‘rtasidagi tushunchalarni ajratadilar [4].

Bank biznesining ekotizimiga nafaqat bankning o‘zi va uning mijozlari, balki turli sheriklar va xizmat ko‘rsatuvchi provayderlar ham kiradi. Bular fintech kompaniyalari, to‘lov tizimlari, sug‘urta kompaniyalari, moliyaviy ma’lumotlarni yig‘uvchilar va bozorning boshqa ishtirokchilari bo‘lishi mumkin.

Tadqiqot metadologiyasi

Maqolada ilmiy abstraksiyalash, gruhlash, qiyoslash, retrospektiv va istiqbolli, empirik tahlil va boshqa uslublardan foydalanildi. Maqolada ilmiy abstraksiyalash usuli yordamida tijorat banklarida biznes ekotizimidan foydalanish yo‘llari nazariy tashkiliy xuquqiy asoslarini takomillashtirishning ilmiy va amaliy ahamiyati keltirib o‘tildi. Shuningdek, qiyosiy taqqoslash usulida jahon amaliyotida va taraqqiy etgan mamlakatlarda innovatsiyalarni joriy etish asosida tijorat banklarida biznes ekotizimi faoliyati samaradorligini oshirish usullarining tashkiliy-huquqiy asoslarini mamlakatimizda-gi mavjud asoslar bilan taqqoslab tegishli xulosalar shakllantirildi.

Tahlil va natijalar

Maqolada banklar tomonidan mijozlarga taklif etilayotgan xizmatlar va ularning rivojlanishi tahlil etildi.

Maqolamizda respublikamizda faoliyat yuritayotgan tijorat banklarining ekotizim yondashuvi doirasida amalga oshirayotgan raqamli transformatsiya jarayonlari atroflicha tahlil qilinadi. Xususan, Asia Alliance Bank ATB tomonidan raqamli ekotizimni rivojlantirish doirasida yuzni aniqlash (face recognition) texnologiyasiga asoslangan biometrik bankomatlarni joriy etilishi soha modernizatsiyasida muhim bosqich hisoblanadi.

Ushbu innovatsion yechim bank xizmatlarini masofadan turib, xavfsiz va tezkor tarzda olish imkoniyatlarini kengaytiradi. Biometrik identifikatsiya mexanizmi orqali mijozlar bank kartasi va PIN-koddan foydalanmasdan naqd pul yechib olish, elektron hamyonni to‘ldirish hamda ayrim to‘lov operatsiyalarini amalga oshirish imkoniyatiga ega bo‘lmoqda. Bu esa xizmat ko‘rsatish jarayonida inson omilini kamaytirish, operatsiya xavfsizligini oshirish va bank infratuzilmasining raqamli samaradorligini kuchaytirishga xizmat qiladi.

Shu bilan birga, mazkur texnologiya bank ekotizimining boshqa raqamli xizmatlari — mobil ilovalar, onlayn to‘lov platformalari va masofaviy identifikatsiya tizimlari bilan integratsiyalashgan holda ishlashi orqali mijozlar uchun yagona, qulay va uzluksiz xizmat muhitini shakllantiradi. Natijada banklar faqat moliyaviy operatsiyalarni bajaruvchi institut emas, balki ko‘p funksiyali raqamli xizmatlar provayderiga aylanib bormoqda. Bu esa milliy bank tizimida innovatsiyalarni joriy etish, raqobatbardoshlikni oshirish va aholiga ko‘rsatilayotgan moliyaviy xizmatlar sifatini yangi bosqichga olib chiqishga zamin yaratadi.

Raqamli ekotizimni rivojlantirish doirasida amaliy ishlardan biri sifatida “Asia Alliance Bank” ATB yuzni aniqlash funksiyasiga ega biometrik bankomatni ishga tushirdi. Yangi yechim mijozlarga “face recognition” (yuzni tanib olish) texnologiyasi yordamida bank kartasi va pin-kodsiz operatsiyalarni amalga oshirish imkonini beradi.

Maqolamiz doirasida ushbu bank xizmatini ishlash jarayoni va bosqichlari bilan tanishib

chiqamiz. Ushbu bosqichda mijozlar hisobvaraqdan naqd pul yechib olishlari va elektron hamyonni to‘ldirishlari mumkin.

1-rasm.

“Asia Alliance Bank” ATB biometrik bankomat xizmati tuzilmasi*



*Muallif ishlanmasi

Xizmatdan foydalanish uchun “Alliance Pay” mobil ilovasini yuklab olish va dastlabki biometrik identifikatsiyadan o‘tish kerak.

Biometrik bankomat mijozni ishonchli identifikatsiya qilish uchun yuzni aniqlashdan foydalanadigan zamonaviy o‘z-o‘ziga xizmat ko‘rsatish qurilmasidir. Yuqori aniqlikdagi kamera yuzni skanerlaydi, shundan so‘ng intellektual algoritmlar tasvirni bank bazasidagi biometrik namunalar bilan taqqoslaydi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Bundan tashqari, tizim tasvirning “jonliligini” tekshiradi va qalbakilashtirishdan, jumladan, “deepfake” va “3D” niqoblardan himoyalanganligi ahamiyatli jihatidir.

Biometriyadan foydalanish bir qator asosiy afzalliklarni beradi: kartalar va pin-kodlar bilan firibgarlikni istisno qilish orqali yuqori xavfsizlik, skimmingdan himoya, shuningdek, maksimal qulaylik va tezlik – autentifikatsiya jarayoni atigi 1-2 soniya davom etadi.

Ushbu texnologiyalarni joriy etish, shuningdek, bankning operatsion xarajatlarini kamaytirishga yordam beradi va virtual kartalarni chiqarish yoki xizmatlardan foydalanishni tiklash kabi yangi xizmatlarni rivojlantirish imkoniyatlarini ochadi. Biometrik xizmat ko‘rsatish yagona o‘zaro muloqat muhitini shakllantiradi va bank bo‘limlariga tashrif buyurmasdan masofadan identifikatsiya qilish, “cardless cash” (kartasiz naqdlashtirish) operatsiyalari va bankomatni “self-service KYC” (mijozning o‘ziga-o‘zi xizmat ko‘rsatishi) funksiyalariga ega to‘laqonli mini-ofisga aylantirish uchun asos yaratadi.

Bugungi kunda ushbu texnologiyalarni rivojlantirish ayniqsa dolzarb bo‘lib qolmoqda, chunki O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki savdo nuqtalarida xaridlarni kartalarsiz, smartfon yordamida to‘lash imkonini beruvchi yagona QR-kodni joriy etishga tayyorlanmoqda. Bu odamlarda bank kartalarni olib yurmaslik odatini shakllantiradi, bu esa, o‘z navbatida, ekologiyani yaxshilashga va plastik ishlatilishini kamaytirish orqali uglerod gazini kamaytirishga yordam beradi. Biroq bunday odatning salbiy tomoni zarurat tug‘ilganda pul yechib olish yoki quvvatsiz smartfon bilan to‘lovni amalga oshira olmaslik bo‘lishi mumkin. Bu holatda “Asia Alliance Bank” ATBning yuzni aniqlash texnologiyasi vaziyatdan chiqishning optimal yo‘li hisoblanadi, chunki “yuz doimo o‘zi bilan birga”.

“Biometrik bankomatni ishga tushirish – bu to‘laqonli raqamli o‘z-o‘ziga xizmat ko‘rsatish yo‘lidagi muhim qadam bo‘lib, bunda mijoz o‘z mablag‘lariga imkon qadar oson va tabiiy usulda kirish imkoniyatiga ega bo‘ladi”.

Shuningdek, mamlakatimizda banklarning ekotizim doirasida o‘z mijozlariga turli chakana xizmatlarini taqdim etmoqda.



	1	2	3	4	5	6
Yil	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Yo‘lovchilar soni (mln kishi)	38,8	101,8	136,7	172	270,3	286,8

2-rasm. Metropolitendan yo‘lovchilar soni ko‘rsatkichlari dinamikasi*

*https://bankers.uz/news/2958

Mijozlarda mavjud bo‘lgan bank kartalari orqali jamoat transportlaridan foydalanish imkoniyatlari kengayib bormoqda. Xususan, 2025-yilda birgina metropoliten orqali jami 286,8 mln nafar yo‘lovchi tashilgan. Bu ko‘rsatkich 2024-yilga nisbatan 6,1 foizga oshgan. Mazkur davrda metropolitendan bir kunda o‘rtacha 785,6 ming nafar yo‘lovchi foydalangan. Ushbu ko‘rsatkich yillar kesimida quyidagicha:

2025-yil yakunlariga ko‘ra, taksi agregatorlari orqali amalga oshirilgan tranzaksiyalar va haydovchilar faoliyatiga oid muhim ko‘rsatkichlar ochiqlandi. O‘tgan yil davomida jami 479 mln marta yo‘lovchi tashish xizmati ko‘rsatilgan bo‘lib, umumiy aylanma 9,6 trln so‘mdan oshdi. To‘lovlar tarkibi hali ham naqd pul ustuvorligini ko‘rsatmoqda:

- Naqd to‘lovlar: 6,7 trln. so‘m (70,2 %);
- Naqdsiz to‘lovlar: 2,8 trln. so‘m (29,8 %);

- O‘rtacha chek qiymati: 20 082,5 so‘m.

Hozirda 224 ta taksi agregatori soliq organlarining axborot tizimlari bilan to‘liq integratsiya qilingan[20].

Yuqoridagi tahlillardan shunday xulosaga kelish mumkinki, jamoat transporti va taksi agregatlarida bank plastik kartalari bilan yoki innovatsion boshqa usullar bilan xizmat ko‘rsatishga talab mavjud. Ushbu talabning mavjudligi banklar tomonidan yangi turdagi xizmatlar ishlab chiqish va uni mijozlarga yo‘naltirish orqali o‘z daromadini ko‘paytirish imkonini berishi ma’lum bo‘ldi.

Tadqiqot davomida biz turli xil banklarining ekotizim doirasida faoliyati bilan tanishib chiqdik. Unga ko‘ra mijozlarning mablag‘larini plastik kartalarida xavfsiz saqlashini ta’minlash maqsadida turli vositalar ishlatilmoqda. Xususan, AT “Xalq bank”ning mobil ilova xizmati bo‘lgan “Xazna” ilovasida antivirus funksiyasi ishga tushirilganini keltirishimiz mumkin.

Bunday imkoniyatlar ilovadan foydalanuvchilarning telefonida zararli yoki shubhali dastur aniqlansa, tizim avtomatik ravishda ogohlantirish yuboradi. Bu esa moliyaviy firibgarlik xavfini kamaytirishga xizmat qiladi.

So‘nggi vaqtlarda bank kartalari va mobil ilovalar orqali firibgarlik holatlari ko‘paygani inobatga olinsa, bunday himoya mexanizmi mijozlar uchun qo‘shimcha xavfsizlik qatlami hisoblanadi.

Xulosa

1. Mamlakatimiz tijorat banklari bugun yangi biznes modelini amalga oshirishdagi katta muvaffaqiyatlariga qaramay, innovatsion biznes modelini amalga oshirishga yanada kengroq yondashish uchun xorijiy moliya institutlarining tajribasini o‘rganish kerak.

2. Tadqiqotimiz natijasida mamlakatimiz tijorat banklari o‘z mijozlariga bugungi kunda eng so‘nggi va yuqori texnologiyali axborotga asoslangan onlayn-banking xizmatlarini taqdim etayotganligi ma’lum bo‘ldi. Shuningdek, masofaviy texnologiyalar mijozga bank xizmatlaridan imkon qadar qulay foydalanish imkonini beradi va bank bilan ishlashda vaqt va moliyaviy xarajatlarni minimallashtiradi. Masofaviy bank xizmatining asosiy tamoyili mijoz va bank o‘rtasida turli xil ma’lumotlarning masofaviy almashinuvidir. Shu bilan birga, bank ushbu operatsiyaning xavfsizligini ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5 oktabrdagi PF-6079-son “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni

2. Szymanowska M. et al. An anatomy of commodity futures risk premia //The Journal of Finance. – 2014. – T. 69. – №. 1. – S. 453-482.

3. Ivanov, A. Ekosistema naoborot // https://vc.ru/finance/97873-ekosistemanaoborot.

4. Jacobides M., Cennamo C., Gawer A. Industries, Ecosystems, Platforms, and Architectures: Rethinking our Strategy Constructs at the Aggregate Level. Working paper, London Business School, 2015.

5. Adner R. (2017). Ecosystem as structure: An actionable construct for strategy. Journal of Management, vol. 43, no 1, pp. 39-58. DOI: https://doi.org/10.1177/014920631667845.

6. IMF – Fintech and Financial Services Report. https://www.imf.org/en/Publications

7. https://bankers.uz/news/2958

8. https://yuz.uz/oz/news/138439

[20] https://yuz.uz/oz/news/138622

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MAHALLA BOSHQARUV TIZIMINING IJTIMOIY-IQTISODIY MOHIYATI

Mirbabayev Farrux Athamovich
Mustaqil tadqiqotchisi
Qarshi davlat universiteti
E-mail: mirbabaevfarrukh@gmail.com

Annotatsiya. *Mazkur maqolada globallashuv, raqamli transformatsiya va ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar sharoitida mahalla boshqaruv tizimining jamiyatni barqaror rivojlantirishdagi o‘rni va ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati tadqiq etilgan. Tadqiqotda mahalla boshqaruvi quyi bo‘g‘in sifatida aholining manfaatlarini ifodalash, ijtimoiy himoya, bandlikni ta’minlash va tadbirkorlik faolligini oshirishdagi institutsional mexanizm sifatida tahlil qilinadi. Mahalla boshqaruv tizimining subyekt va obyektlari aniqlanib, uning ijtimoiy menejment, institutsional iqtisodiyot, strategik boshqaruv hamda jamoatchilik asosida boshqaruv konsepsiyalari bilan uzviy bog‘liqligi ilmiy asosda yoritilgan. Shuningdek, mahalla boshqaruvida innovatsion va raqamli menejment texnologiyalarini joriy etish orqali boshqaruvning ochiqligi, moslashuvchanligi va samaradorligini oshirish imkoniyatlari baholangan.*

Kalit so‘zlar: *mahalla boshqaruvi, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, innovatsion menejment, raqamli boshqaruv, barqaror rivojlanish, davlat-jamoat hamkorligi.*

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ РАЙОНОМ

Мирбабаев Фаррух Атамович
независимый исследователь
Каршинский государственный университет
E-mail: mirbabaevfarrukh@gmail.com

Аннотация. *В данной статье рассматривается роль и социально-экономическая природа системы управления махаллами в устойчивом развитии общества в контексте глобализации, цифровой трансформации и социально-экономических реформ. Исследование анализирует управление махаллами как институциональный механизм представления интересов населения, обеспечения социальной защиты, занятости и повышения предпринимательской активности на более низком уровне. Идентифицируются субъекты и объекты системы управления махаллами, и научно подчеркивается ее неразрывная связь с концепциями социального управления, институциональной экономики, стратегического управления и управления на уровне общин. Также оцениваются возможности повышения открытости, гибкости и эффективности управления путем внедрения инновационных и цифровых технологий управления в систему управления махаллами.*

Ключевые слова: *управление микрорайоном, социально-экономическое развитие, инновационное управление, цифровое управление, устойчивое развитие, государственно-частное партнерство.*

SOCIO-ECONOMIC ESSENCE OF THE NEIGHBORHOOD MANAGEMENT SYSTEM

Mirbabayev Farrukh Athamovich
Independent Researcher
Karshi State University
E-mail: mirbabaevfarrukh@gmail.com

Abstract. *This article examines the role and socio-economic nature of the mahalla*

management system in the sustainable development of society in the context of globalization, digital transformation and socio-economic reforms. The study analyzes mahalla management as an institutional mechanism for representing the interests of the population, ensuring social protection, employment and increasing entrepreneurial activity as a lower level. The subjects and objects of the mahalla management system are identified, and its inextricable connection with the concepts of social management, institutional economics, strategic management and community-based management is scientifically highlighted. The possibilities of increasing the openness, flexibility and efficiency of management by introducing innovative and digital management technologies in mahalla management are also assessed.

Keywords: *neighborhood management, socio-economic development, innovative management, digital management, sustainable development, public-private partnership.*

Kirish

Hozirgi globallashuv, raqamli transformatsiya va ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar sharoitida jamiyatni barqaror rivojlantirishda mahalla instituti muhim bo‘g‘in sifatida namoyon bo‘lmoqda. Mahalla aholining kundalik ehtiyojlari, ijtimoiy himoyasi, bandligi, tadbirkorlik faolligi va fuqarolik faolligini ta’minlovchi quyi boshqaruv bo‘g‘ini hisoblanadi. Shu sababli mahalla boshqaruv tizimining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyatini chuqur o‘rganish, uni zamonaviy menejment yondashuvlari asosida takomillashtirish bugungi kunning dolzarb ilmiy-amaliy vazifalaridan biridir. Mahalla boshqaruvida samarali menejment mexanizmlarini shakllantirish jamiyat taraqqiyoti, ijtimoiy barqarorlik va aholining farovonligini oshirishga bevosita xizmat qiladi. Ayniqsa, innovatsion va raqamli boshqaruv texnologiyalarining joriy etilishi mahalla faoliyatining ochiqligi, tezkorligi va natijadorligini oshirish imkonini beradi.

Mahalla boshqaruv tizimining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati - bu mahalla hududida yashovchi aholi manfaatlarini uyg‘unlashtirish, resurslardan samarali foydalanish va ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni joyida hal etishga qaratilgan boshqaruv munosabatlari majmuasidir. Ushbu tizimda menejment subyekti sifatida mahalla raisi va mahalla faollari, obyekt sifatida esa mahalla aholisi, resurslari va ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar maydonga chiqadi. Nazariy jihatdan mahalla boshqaruvi ijtimoiy menejment, institutsional iqtisodiyot, strategik boshqaruv va jamoatchilik asosida boshqaruv (participatory management) konsepsiyalari bilan uzviy bog‘liqdir. Bu yondashuvlar mahallani nafaqat ma’muriy birlik, balki ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish subyekti sifatida ko‘rib chiqishga imkon beradi.

Adabiyotlar sharhi

Xorijiy ilmiy adabiyotlarda mahalla boshqaruv tizimi jamiyatning barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta’minlovchi muhim institut sifatida e’tirof etiladi. A. de Tocqueville mahalliy jamoalarni demokratiyaning “maktabi” sifatida talqin qilib, fuqarolik faolligi va ijtimoiy mas’uliyat aynan quyi darajadagi boshqaruv orqali shakllanishini asoslaydi[1]. R. Putnam mahalla institutlarini ijtimoiy kapitalni rivojlantiruvchi, ishonch va hamkorlikni kuchaytiruvchi hamda hududiy iqtisodiy samaradorlikni oshiruvchi omil sifatida baholaydi[2].

E. Ostrom tadqiqotlarida mahalliy boshqaruv tuzilmalari umumiy resurslarni samarali boshqarish, tranzaksiya xarajatlarini kamaytirish va inklyuziv iqtisodiy rivojlanishni ta’minlovchi institutsional mexanizm sifatida asoslab berilgan[3]. Zamonaviy empirik tadqiqotlarda (Lamidi va Etebom; Abdul Manaf va boshq.) mahalla darajasidagi boshqaruvda jamoatchilik ishtiroki, shaffoflik va boshqaruv sifati ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi aniqlangan[4].

Shuningdek, Jamal A. C., Gates va Sullivan hamda Kabera S. tadqiqotlarida kross-sektor hamkorlik, innovatsion boshqaruv modellarini joriy etish va “yaxshi boshqaruv” tamoyillari mahalla va jamoat darajasida iqtisodiy faollik hamda ijtimoiy barqarorlikni kuchaytiruvchi muhim omillar sifatida ko‘rsatib o‘tilgan[5]. Umuman, xorijiy adabiyotlar mahalla boshqaruvini hududiy rivojlanish va farovonlikni ta’minlovchi muhim ijtimoiy-iqtisodiy institut sifatida baholaydi.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur tadqiqotda mahalla boshqaruv tizimining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyatini tahlil qilishda kompleks va tizimli yondashuvdan foydalanildi. Tadqiqotning nazariy-metodologik asosi sifatida institutsional iqtisodiyot, ijtimoiy menejment, strategik boshqaruv hamda jamoatchilik asosida boshqaruv (participatory management) konsepsiyalari qabul qilindi.

Tahlil va natijalar

Umuman olganda, O‘zbekiston milliy ilmiy maktabi doirasida mahalla boshqaruv tizimi **ijtimoiy himoya, iqtisodiy faollik, fuqarolik ishtiroki va hududiy rivojlanishni integratsiyalovchi ko‘p funksiyali institut** sifatida talqin qilinadi. Ushbu ilmiy qarashlar sizning tadqiqotingizda ishlab chiqilayotgan **“nazariyalar → mexanizmlar → natijalar”** konseptual modeli uchun mustahkam milliy metodologik asos bo‘lib xizmat qiladi.

1-jadval.

Mahalla (community) boshqaruv tizimining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyatini o‘rganishda milliy va xorijiy ilmiy maktablar taqqoslanishi*

Taqqoslash mezonlari	Milliy ilmiy maktab (O‘zbekiston)	Xorijiy ilmiy maktab
Tadqiqot obyekti	Mahalla - ijtimoiy boshqaruv va hududiy rivojlanish instituti	Community / Local governance - mahalliy rivojlanish va ijtimoiy kapital instituti
Nazariy asos	Ijtimoiy menejment, institutsional yondashuv, fuqarolik jamiyati konsepsiyasi	Institutsional iqtisodiyot, participatory governance, social capital nazariyasi
Asosiy maqsad	Aholi farovonligini oshirish, ijtimoiy himoya va bandlikni ta’minlash	Mahalliy iqtisodiy rivojlanish, ijtimoiy inklyuziya va barqarorlik
Mahalla / community talqini	Davlat va jamiyat o‘rtasidagi bog‘lovchi bo‘g‘in	Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish va hamkorlik maydoni
Ijtimoiy jihat	Manzilli yordam, ijtimoiy barqarorlik, hamjihatlik	Ijtimoiy kapital, ishonch, jamoaviy qarorlar
Iqtisodiy jihat	Bandlik, oilaviy va kichik tadbirkorlikni rivojlantirish	Local economic development, community entrepreneurship
Boshqaruv mexanizmlari	Mahalla raisi, jamoatchilik kengashlari, davlat ko‘magi	Ishtirokchi boshqaruv, nodavlat sektor, ko‘p tomonlama hamkorlik
Innovatsion yo‘nalish	“Raqamli mahalla”, elektron xizmatlar, monitoring	Digital governance, open data, smart community
Asosiy natija	Ijtimoiy barqarorlik va aholi farovonligi	Barqaror rivojlanish va fuqarolik faolligi
Vakil olimlar	**Shavkat Mirziyoyev**, **Otabek Abdullayev**, **Abror Xolbekov**	**Elinor Ostrom**, **Douglass North**, **Manuel Castells**

*Muallif tomonidan ishlab chiqilgan

Mahalla boshqaruv tizimining asosiy ahamiyati quyidagilarda namoyon bo‘ladi:

- ❖ aholi manfaatlarini bevosita ifodalovchi boshqaruv mexanizmi ekanligi;
- ❖ ijtimoiy adolat va manzilli yordamni ta’minlashdagi roli;
- ❖ tadbirkorlikni rivojlantirish va bandlikni oshirishga ko‘maklashishi;
- ❖ jamiyatda ijtimoiy hamjihatlik va barqarorlikni mustahkamlashi.

Mahalla boshqaruvining xususiyati shundaki, u markazlashgan boshqaruvdan farqli ravishda hududiy, moslashuvchan va aholi ishtirokiga tayangan holda faoliyat yuritadi. Bu esa menejment qarorlarini qabul qilishda mahalliy sharoit va ehtiyojlarni inobatga olish imkonini beradi.

Mahalla boshqaruv tizimini rivojlantirishning asosiy strategik yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

- ❖ mahalla boshqaruvida innovatsion va raqamli menejment texnologiyalarini joriy etish;

❖ boshqaruv samaradorligini baholashning zamonaviy indikatorlari va KPI tizimini shakllantirish;

❖ mahallalarda tadbirkorlik va ijtimoiy tashabbuslarni qo‘llab-quvvatlash;

❖ davlat-jamoat hamkorligi asosida boshqaruv mexanizmlarini rivojlantirish;

❖ “raqamli mahalla” va “aqlli mahalla” konsepsiyalarini amalga oshirish.

Milliy (O‘zbekiston) va xorijiy ilmiy maktablar yondashuvlarini qiyosiy tahlil qiladigan bo‘lsak, milliy ilmiy maktabda mahalla boshqaruv tizimi, avvalo, ijtimoiy boshqaruv va hududiy rivojlanish instituti sifatida qaraladi. Bu yondashuvda mahalla jamiyatning quyi bo‘g‘ini bo‘lib, davlat siyosatini aholiga yetkazish va ijtimoiy muammolarni joyida hal etish mexanizmi vazifasini bajaradi. Xorijiy ilmiy maktabda esa community yoki local governance tushunchalari mahalliy rivojlanish va ijtimoiy kapitalni shakllantiruvchi mustaqil institut sifatida talqin qilinadi.

O‘zbekistonda mahalla nazariy jihatdan ijtimoiy menejment, institutsional yondashuv va fuqarolik jamiyati konsepsiyasiga tayanadi. Bu yerda davlatning muvofiqlashtiruvchi va qo‘llab-quvvatlovchi roli ustuvor hisoblanadi. Xorijiy ilmiy maktabda esa institutsional iqtisodiyot, participatory governance va ijtimoiy kapital nazariyalari asosiy metodologik poydevor bo‘lib xizmat qiladi. Milliy yondashuvda mahalla boshqaruvining asosiy maqsadi aholi farovonligini oshirish, ijtimoiy himoyani kuchaytirish va bandlikni ta’minlash bilan bog‘liq. Xorijiy ilmiy qarashlarda esa mahalliy iqtisodiy rivojlanish, ijtimoiy inklyuziya va uzoq muddatli barqarorlik ustuvor strategik maqsad sifatida belgilanadi.

Mahalla talqinida ham sezilarli farqlar mavjud: O‘zbekistonda u davlat va jamiyat o‘rtasidagi bog‘lovchi bo‘g‘in sifatida namoyon bo‘ladi. Xorijiy ilmiy maktabda esa community fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarishi, ixtiyoriy hamkorlik va jamoaviy tashabbuslar maydoni sifatida ko‘riladi. Ijtimoiy jihatdan milliy model manzilli ijtimoiy yordam, barqarorlik va hamjihatlikni ta’minlashga qaratilgan. Xorijiy modelda esa ijtimoiy kapital, ishonch, norasmiy institutlar va jamoaviy qarorlar qabul qilish mexanizmlari asosiy o‘rinni egallaydi.Iqtisodiy jihatdan O‘zbekiston tajribasida mahalla bandlikni ta’minlash, oilaviy va kichik tadbirkorlikni rivojlantirish orqali hududiy iqtisodiyotga ta’sir ko‘rsatadi. Xorijiy yondashuvda esa local economic development va community entrepreneurship orqali ichki resurslardan samarali foydalanish konsepsiyasi ustuvor hisoblanadi. Boshqaruv mexanizmlarida ham farqlar yaqqol ko‘zga tashlanadi: milliy tizimda mahalla raisi, jamoatchilik kengashlari va davlat ko‘magi markaziy rol o‘ynaydi. Xorijiy ilmiy maktabda esa ishtirokchi boshqaruv, nodavlat sektor va ko‘p tomonlama hamkorlik (multi-stakeholder governance) asosiy mexanizm sifatida namoyon bo‘ladi.

Xulosa

Olib borilgan tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, hozirgi globallashuv va raqamli transformatsiya sharoitida mahalla boshqaruv tizimi jamiyatning barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta’minlovchi muhim institut sifatida tobora ortib borayotgan ahamiyat kasb etmoqda. Mahalla aholining kundalik ehtiyojlarini qondirish, ijtimoiy himoyani kuchaytirish, bandlik va tadbirkorlikni rivojlantirish hamda fuqarolik faolligini oshirishda quyi darajadagi samarali boshqaruv mexanizmi sifatida namoyon bo‘lmoqda. Shundan kelib chiqib, mahalla boshqaruv tizimini takomillashtirish uchun birinchidan, innovatsion va raqamli menejment texnologiyalarini keng joriy etish, ikkinchidan, boshqaruv samaradorligini baholashda KPI va zamonaviy indikatorlar tizimini shakllantirish, uchinchidan, jamoatchilik ishtirokini kuchaytirish va kross-sektor hamkorlik mexanizmlarini rivojlantirish maqsadga muvofiqdir. Shuningdek, “raqamli mahalla” va “aqlli mahalla” konsepsiyalarini izchil amalga oshirish mahalla boshqaruvining ochiqligi, shaffofligi va natijadorligini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Tocqueville, A. de. Democracy in America / Trans. by H. C. Mansfield, D. Winthrop. – Chicago : University of Chicago Press, 2000. – 722 p.
2. Putnam, R. D. Bowling Alone: The Collapse and Revival of American Community. –

New York : Simon & Schuster, 2000. – 541 p.

3. Xolbekov, A. X. Mahalla va ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot masalalari. – Toshkent : Iqtisodiyot, 2019. – 240 b.

4. Xolbekov A. X. Mahalla va ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot masalalari. – Toshkent: Iqtisodiyot, 2019. – 210 b.

5. Heeks R. Implementing and Managing eGovernment: An International Text. Monografiya. – London: SAGE Publications, 2006. – 320 p

6. Nguyen P. Digital transformation in local government service delivery. Ilmiy maqola // *JeDEM – eJournal of eDemocracy and Open Government*. – 2024. – Vol. 16, №1. – P. 45–62.

7. Holzer M., Manoharan A., Melitski J. *E-Government and Information Technology Management: Concepts and Practices*. Darslik. – Cham: Springer, 2019. – 2640 b.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA SANOAT KORXONALARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI

Oramov Jaxongir Jurayevich

moliya va bank ishi
kafedrasining dotsenti
Qarshi davlat texnika universiteti
E-mail: jaxongiroramov390@gmail.com
ORCID:0009-0001-8632-1280

Annotatsiya. *Maqolada raqamli iqtisodiyotni transformatsiyalash jarayonlari sharoitida sanoat korxonalarining moliyaviy barqarorligini baholash va prognozlashning uslubiy yondashuvlari tahlil qilingan. Muallif tomonidan raqamli investitsion faollik ko‘rsatkichi kiritilgan moliyaviy barqarorlikning ko‘p omilli integral indeksi ishlab chiqilgan. Panel ma’lumotlari asosida qurilgan ekonometrik model moliyaviy samaradorlik va raqamli transformatsiya o‘rtasidagi bog‘liqlikni aniqlash imkonini bergan.*

Kalit so‘zlar: *moliyaviy barqarorlik, sanoat korxonasi, raqamli transformatsiya, ekonometrik modellashtirish, panel regressiyasi, moliyaviy xavfsizlik.*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Орамов Жахонгир Жураевич

доцент кафедры
финансы и банковское дело
Каршинский государственный
технический университет
E-mail: jaxongiroramov390@gmail.com
ORCID:0009-0001-8632-1280

Аннотация. *В статье анализируется методологические подходы к оценке и прогнозированию финансовой устойчивости промышленных предприятий в условиях процессов цифровой экономической трансформации. Автором разработан многофакторный интегральный индекс финансовой устойчивости, в который включен показатель цифровой инвестиционной активности. Эконометрическая модель, построенная на основе панельных данных, позволила определить связь между финансовой эффективностью и цифровой трансформацией.*

Ключевые слова: *финансовая стабильность, промышленное предприятие, цифровая трансформация, эконометрическое моделирование, панельная регрессия, финансовая безопасность.*

THEORETICAL FOUNDATIONS OF ECONOMETRIC MODELING OF FINANCIAL STABILITY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE CONTEXT OF THE DIGITAL ECONOMY

Oramov Jaxongir Jurayevich

Associate Professor of the
Department of Finance and Banking,
Karshi State Technical University
E-mail: jaxongiroramov390@gmail.com

ORCID:0009-0001-8632-1280

Abstract. *This paper develops methodological approaches to econometric modeling of financial stability of industrial enterprises under digital economic transformation. The author proposes a multidimensional integral index of financial stability incorporating digital investment intensity. A panel data regression model is constructed to identify the relationship between financial performance and digitalization factors.*

Keywords: *financial stability, industrial enterprise, digital transformation, econometric modeling, panel regression, financial resilience.*

Kirish

Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalari moliyaviy barqarorligini ekonometrik modellashtirish — bu korxonaning moliyaviy holatini tavsiflovchi ko‘rsatkichlar (likvidlik, moliyaviy mustaqillik, rentabellik, qarzdorlik, pul oqimlari) hamda raqamli transformatsiya indikatorlari (raqamli texnologiyalar joriy etilishi, avtomatlashtirish darajasi, raqamli xarajatlar ulushi, IT-investitsiyalar samaradorligi) o‘rtasidagi miqdoriy, sabab-oqibatli bog‘liqliklarni matematik-statistik usullar orqali aniqlash jarayonidir.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarining moliyaviy barqarorligini baholash va prognozlash uchun zamonaviy ekonometrik modellar asosida ilmiy-uslubiy yondashuvni ishlab chiqish, hamda raqamli transformatsiya omillarining moliyaviy barqarorlikka ta’sirini empirik jihatdan asoslashdan iborat.

Bugungi kunda sanoat korxonalari raqamli texnologiyalar ta’sirida faoliyat yuritayotgan sharoitda ishlab chiqarish jarayonlari raqamlashtirilmoqda, xarajatlar tuzilmasi o‘zgarib bormoqda, moliyaviy risklar murakkablashmoqda, investitsiya samaradorligiga qo‘yiladigan talablar oshmoqda.

Shu sababli moliyaviy barqarorlikni an’anaviy moliyaviy tahlil usullari bilan baholash yetarli bo‘lmay, ekonometrik modellashtirish asosida raqamli omillarni inobatga olgan kompleks baholash dolzarb ilmiy-amaliy muammoga aylanmoqda. Ayniqsa, sanoat tarmoqlarida uzoq muddatli barqarorlikni ta’minlash uchun raqamli transformatsiyaning moliyaviy natijalarga ta’sirini aniqlash zarurati ushbu mavzuning dolzarbligini yanada oshiradi.

Ekonometrik modellar yordamida moliyaviy barqarorlikka ta’sir etuvchi asosiy omillar aniqlanib, boshqaruv qarorlarining aniqligi va samaradorligi oshiriladi.

Adabiyotlar sharhi.

Jahonda “raqamli iqtisodiyot” tushunchasi birinchi marta 1990-yillarda kiritilgan bo‘lib, iqtisodiy jarayonlarning raqamli texnologiyalar asosida transformatsiyalashuvi korxonalarni boshqarish, moliyaviy oqimlar va biznes modellarida tub o‘zgarishlarga olib kelishini ta’kidlab, bir qator iqtisodchi olimlar tomonidan ta’riflangan va kamaytirish usullari ko‘rsatilgan. Xorijiy olimlardan Min Su., Yu Duan [1] Xitoyning yangi energiya sanoatidagi korxonalar uchun raqamli iqtisodiyotning korporativ kredit riskiga ta’sirini panel ma’lumotlar yordamida tahlil qilgan. Ushbu yondashuv shuni ko‘rsatadiki, sanoat korxonalarida moddiy aktivlardan tashqari raqamli aktivlar va ma’lumotlarning iqtisodiy ahamiyati ortib bormoqda. Katarina Valaskova, Marek Nagy , Denis Juracka[2] empirik tadqiqotda Yevropa korxonalari misolida raqamli transformatsiya va moliyaviy natijalar o‘rtasidagi bog‘liqlik tahlil qilingan. Korxona ichki xususiyatlari va digitalizatsiya darajasi moliyaviy ko‘rsatkichlarga qanday ta’sir qiladi, regression tahlil orqali aniqlagan.

Moliyaviy barqarorlik tushunchasining nazariy asoslarini tizimlashtirish**,** iqtisodiy nazariyada korxona faoliyatining uzluksizligi, moliyaviy xavfsizligi va rivojlanish qobiliyatini ifodalovchi asosiy kategoriyalardan biri hisoblanadi. Ilmiy adabiyotlarda moliyaviy barqarorlik ko‘pincha korxonaning o‘z majburiyatlarini o‘z vaqtida bajarish, ishlab chiqarish va investitsiya jarayonlarini uzluksiz moliyalashtirish hamda tashqi iqtisodiy tebranishlarga nisbatan moslashuvchanlik qobiliyati sifatida talqin etiladi. Ushbu tushuncha statik moliyaviy holat emas,

balki vaqt davomida shakllanuvchi dinamik iqtisodiy jarayon sifatida qaraladi Raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalarning moliyaviy barqarorligiga asoslanib, ularning innovatsion salohiyati, axborot texnologiyalarini joriy etish darajasi va ma’lumotlarni tahlil qilish imkoniyatlariga bog‘liq.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarining moliyaviy barqarorligini tahlil qilishda qiyosiy tahlil, statistik tahlil, taqqoslash, ilmiy abstraksiya, analiz, sintez kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar

Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarining moliyaviy barqarorligi ta’sirini bartaraf etish yoki yumshatish uchun amaliyotda quyidagi modellardan foydalaniladi:

- Ko‘p omilli regressiya modeli
- Panel ma’lumotlar modeli (Fixed effects, Random effects)
- Logit/Probit modellari (bankrotlik ehtimolini baholashda)
-VAR va VECM modellari (makroiqtisodiy omillar ta’sirini aniqlashda)

Sanoat korxonalarining moliyaviy barqarorligi va bankrotlik ehtimolini baholash.

Z-score modeli raqamli iqtisodiyot sharoitida keng qo‘llaniladi. Mazkur chizma kichik va o‘rta biznes (KOB) faoliyati samaradorligiga ta’sir etuvchi moliyaviy va texnologik omillar o‘rtasidagi murakkab o‘zaro bog‘liqlikni ifodalovchi konseptual modelni aks ettiradi. Modelning markazida moliyaviy inklyuziya joylashgan bo‘lib, u moliyaviy tizimning turli elementlarini yagona mexanizmga birlashtiruvchi asosiy bog‘lovchi omil sifatida talqin etiladi. Ushbu yondashuv moliyaviy xizmatlardan keng va teng foydalanish KOB rivojlanishining muhim sharti ekanligini ko‘rsatadi.



1-rasm “Moliyaviy inklyuziya, raqamli moliya va texnologiyani qabul qilish modelining kichik va o‘rta biznes samaradorligiga ta’siri: konseptual tadqiqot modeli”

Modelning chap qismida joylashgan moliyaviy foydalanish imkoniyati, moliyaviy resurslarning mavjudligi va moliyaviy xizmatlar sifati moliyaviy inklyuziyani shakllantiruvchi asosiy determinantlar sifatida keltirilgan. Ushbu omillar H1–H3 gipotezalari orqali moliyaviy inklyuziyaga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta’sir ko‘rsatadi. Bu esa kredit, jamg‘arma, sug‘urta va to‘lov xizmatlarining qulayligi va sifati oshgani sari tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy tizimga integratsiyasi kuchayishini anglatadi.

Moliyaviy inklyuziyaning KOB faoliyati samaradorligiga bevosita ta’siri H4 gipotezasi orqali ifodalangan. Ushbu bog‘lanish moliyaviy resurslardan samarali foydalanish natijasida ishlab chiqarish hajmi, daromadlilik, bandlik va bozor raqobatbardoshligining oshishini tushuntiradi. Demak, moliyaviy inklyuziya nafaqat vositachi omil, balki mustaqil ravishda iqtisodiy samaradorlikni belgilovchi muhim faktor hisoblanadi.

Modelda raqamli moliya moliyaviy inklyuziya va KOB samaradorligi o‘rtasidagi muhim

vositachi mexanizm sifatida kiritilgan (H5). Raqamli to‘lovlar, onlayn kreditlash, mobil bank xizmatlari va fintech yechimlar moliyaviy xizmatlardan foydalanish tezligi va qulayligini oshirib, kichik biznesning operatsion xarajatlarini kamaytiradi. Natijada raqamli moliya moliyaviy inklyuziyaning iqtisodiy samarasini kuchaytiruvchi katalizator vazifasini bajaradi.

1-jadval.

Sanoat korxonalari moliyaviy barqarorligini baholashda qo‘llaniladigan ekonometrik modellar tahlili **

Model turi	Qo‘llash sohasi	Afzalliklari	Cheklovlari
Panel regressiya (Fixed / Random Effects)	Bir nechta sanoat korxonalari kesimida moliyaviy barqarorlik va raqamli indikatorlar o‘rtasidagi bog‘liqlikni baholash	– Vaqt va korxona kesimini birlashtiradi – Individual farqlarni hisobga oladi – Empirik natijalarning ishonchliligi yuqori	– Ma’lumotlar bazasiga yuqori talab – Endogenlik muammosi yuzaga kelishi mumkin
ARDL modeli	Moliyaviy barqarorlik ko‘rsatkichlarining qisqa va uzoq muddatli dinamikasini tahlil qilish	– Turli integratsiya darajasidagi o‘zgaruvchilar bilan ishlaydi – Qisqa va uzoq muddatli ta’sirlarni ajratadi	– Asosan kichik tanlama uchun mos – Ko‘p o‘zgaruvchili tizimlarda murakkablashadi
VAR modeli	Moliyaviy barqarorlik va raqamli omillar o‘rtasidagi o‘zaro ta’sirlarni aniqlash	– O‘zgaruvchilarni endogen sifatida ko‘radi – Impuls–reaksiya tahliliga imkon beradi	– Natijalarni iqtisodiy talqin qilish murakkab – Ko‘p parametrli model
VECM modeli	Uzoq muddatli muvozanat va qisqa muddatli og‘ishlarni tahlil qilish	– Kointegratsiyani hisobga oladi – Muvozanatga qaytish tezligini baholaydi	– Faqat kointegratsiya mavjud bo‘lganda qo‘llaniladi – Murakkab metodologiya
Logit / Probit modellari	Moliyaviy barqarorlik yoki nobarqarorlik ehtimolini baholash	– Bankrotlik va risk tahlili uchun qulay – Natijalar ehtimollikda ifodalanadi	– Doimiy emas, diskret natija – Dinamik ta’sirlarni to‘liq aks ettirmaydi
Dinamik panel modellari (GMM)	Moliyaviy barqarorlikning kechikkan ta’sirlarini hisobga olish	– Endogenlik muammosini kamaytiradi – Dinamik bog‘liqlikni aks ettiradi	– Instrumentlar tanlovi murakkab – Natijalar sezgir
Prognoz modellari (ARIMA, SARIMA)	Moliyaviy barqarorlik ko‘rsatkichlarini prognozlash	– Prognoz aniqligi yuqori – Texnik jihatdan sodda	– Sabab-oqibat bog‘liqligini ochib bermaydi – Strukturaviy omillar cheklangan

Ushbu jadvaldan ko‘rinib turibdiki, sanoat korxonalari moliyaviy barqarorligini raqamli iqtisodiyot sharoitida baholashda yagona universal model mavjud emas. Tadqiqot maqsadi, ma’lumotlar tuzilmasi va tahlil ufqiga qarab, bir nechta ekonometrik modellarni kompleks qo‘llash ilmiy va amaliy jihatdan eng maqbul yondashuv hisoblanadi.

Xulosa

Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalari moliyaviy barqarorligini ekonometrik modellashtirishiga oid tadqiqot natijasi quyidagi xulosalarni shakllantirish, ilmiy taklif va amaliy

tavsiyalar ishlab chiqish imkonini berdi: Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarining moliyaviy barqarorligi faqat moliyaviy ko‘rsatkichlar yig‘indisi emas, balki raqamli texnologiyalar, axborot oqimlari va boshqaruv qarorlarining samaradorligi bilan uzviy bog‘liq bo‘lgan murakkab iqtisodiy tizim **s**ifatida namoyon bo‘lishi,moliyaviy barqarorlikning iqtisodiy mohiyati rentabellik, likvidlik, moliyaviy mustaqillik, pul oqimlari va risklar o‘rtasidagi dinamik muvozanat orqali shakllanishi, raqamli iqtisodiyot sharoitida esa ushbu bog‘liqliklar yanada tezkor va moslashuvchan tus olishi, raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaviy barqarorlikni ekonometrik modellashtirish statik yondashuvlardan voz kechib, vaqt bo‘yicha o‘zgaruvchan, ko‘p omilli va integrallashgan modellarni qo‘llashni talab etishi, moliyaviy barqarorlikni ekonometrik modellashtirishning asosiy tamoyillari – tizimlilik, komplekslik, moslashuvchanlik, barqaror rivojlanish va prognozlilik tamoyillari raqamli iqtisodiyot sharoitida hal qiluvchi ahamiyat kasb etishi ko‘rsatib berildi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarining moliyaviy barqarorligi an’anaviy moliyaviy ko‘rsatkichlar bilan bir qatorda raqamli transformatsiya, texnologik yangilanish va axborot oqimlari samaradorligi orqali shakllanishi, likvidlik, rentabellik, moliyaviy mustaqillik va xatarlarni boshqarish kabi elementlarning dinamik o‘zaro bog‘liqligini aniqlash mumkinligi hisobga olindi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son «2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni. – https://lex.uz/ru/docs/5841063

2. Aghion, P., Howitt, P., & Mayer-Foulkes, D. (2005). The effect of financial development on convergence. Quarterly Journal of Economics, 120(1), 173–222.

3. Bloom, N., Sadun, R., & Van Reenen, J. (2012). The organization of firms across countries. Quarterly Journal of Economics, 127(4), 1663–1705.

4. Valaskova, K., Nagy, M., & Juracka, D. (2025). Digital transformation and financial performance: an empirical analysis of strategic alignment in the digital age. Journal of Economic Change, 19(5), 1178–1195.

5. Su, M., Duan, Y. (2023). The digital economy and corporate credit risk: An empirical study based on Chinese new energy enterprises. Frontiers in Energy Research, 11, Article 1141793.

6. Левитская Е. Н., Онучак В. А. — Финансовая устойчивость малого бизнеса в условиях цифровой экономики. Учебное пособие.-М.: МГМИО-ПРЕСС,2022.-250с.

7. Орлова И.В. Экономико-математические методы и модели. Практикум: Учеб. пособие для вузов. - М.: Финстатинформ, 2000. - 304.

8. Орлов А.И. Устойчивость в социально-экономических моделях. - М.: Наука, 2001. - 296 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

QASHQADARYO MINTAQASIDA INVESTITSION MUHITNI SHAKLLANTIRISHNING AHAMIYATI

Sattorov Shohruh

mustaqil tadqiqotchisi
Qarshi davlat universiteti
E-mail: shohruhsattorov1994@gmail.com
ORCID:0007-1254-9632-7485

Annotatsiya. *Maqolada Qashqadaryo mintaqasida innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatni shakllantirishning institutsional va huquqiy asoslari tahlil qilinadi. Hududiy investitsion muhit va innovatsion infratuzilmaning rivojlanish darajasining investitsiyalarni jalb etishdagi o‘rni ochib beriladi. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasida qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarning hududiy investitsiya siyosatini takomillashtirishga ta’siri asoslab beriladi.*

Kalit so‘zlar: *innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsiyalar, investitsion salohiyat, hududiy investitsion muhit, innovatsion infratuzilma, hududiy rivojlanish, davlat investitsiya siyosati, institutsional islohotlar.*

ВАЖНОСТЬ СОЗДАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА В КАШКАДАРСКОЙ ОБЛАСТИ

Сатторов Шохрух

независимый исследователь
Каршинский государственный университет
E-mail: shohruhsattorov1994@gmail.com
ORCID:0007-1254-9632-7485

Аннотация. *В статье анализируется институционально-правовая база формирования инновационно-ориентированного инвестиционного потенциала в Кашкадарьинской области. Раскрывается роль региональной инвестиционной среды и уровня развития инновационной инфраструктуры в привлечении инвестиций. Также обосновывается влияние нормативно-правовых актов, принятых в Республике Узбекистан, на совершенствование региональной инвестиционной политики.*

Ключевые слова: *инновационно-ориентированные инвестиции, инвестиционный потенциал, региональный инвестиционный климат, инновационная инфраструктура, региональное развитие, государственная инвестиционная политика, институциональные реформы.*

THE IMPORTANCE OF CREATING AN INVESTMENT CLIMATE IN THE KASHKADARYO REGION

Sattorov Shohruh

Independent Researcher
Karshi State University
E-mail: shohruhsattorov1994@gmail.com
ORCID:0007-1254-9632-7485

Abstract. *The article analyzes the institutional and legal framework for the formation of innovation-oriented investment potential in the Kashkadarya region. The role of the regional*

investment environment and the level of development of innovative infrastructure in attracting investments is revealed. The impact of regulatory legal acts adopted in the Republic of Uzbekistan on improving regional investment policy is also substantiated.

Keywords: *innovation-oriented investments, investment potential, regional investment environment, innovative infrastructure, regional development, state investment policy, institutional reforms.*

Kirish

Qashqadaryo mintaqasida innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatning shakllanishi, avvalo, hududda yaratilgan investitsion muhit sifati va innovatsion infratuzilmaning rivojlanish darajasi bilan belgilanadi. Mazkur jarayon O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi yillarda amalga oshirilgan institutsional islohotlar va normativ-huquqiy hujjatlar bilan bevosita bog‘liqdir. So‘nggi yillarda investitsion muhitni tubdan yaxshilash, hududlarga investitsiyalarni jalb etish va ularning innovatsion yo‘naltirilganligini kuchaytirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilandi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 10-yanvardagi PF-5621-son “Investitsiya muhitini tubdan yaxshilash va mamlakat iqtisodiyotiga investitsiyalarni keng jalb etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonida hududiy investitsiya siyosatini takomillashtirish, investorlar huquqlarini himoya qilish va investitsiya jarayonlarini soddalashtirish vazifalari aniq belgilab berildi. Mazkur Farmon Qashqadaryo mintaqasida ham investitsion muhitni shakllantirishning huquqiy poydevorini mustahkamladi. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 28-oktabrdagi PF-6097-son “Investitsiyalar va tashqi savdo faoliyatini rivojlantirish tizimini takomillashtirish to‘g‘risida”gi Farmoni hududiy darajada investitsiya loyihalarini muvofiqlashtirish, loyiha ofislari faoliyatini kuchaytirish va investitsiyalarni jalb qilishda markazlashgan boshqaruvdan hududiy boshqaruvga bosqichma-bosqich o‘tishni nazarda tutadi.

Adabiyotlar sharhi

Innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyat va hududiy investitsion muhit masalalari ko‘plab xorijiy va mahalliy olimlar tomonidan tadqiq etilgan. Xususan, investitsiya jarayonlarining nazariy asoslari va hududiy rivojlanish bilan o‘zaro bog‘liqligi John H. Dunning, Michael E. Porter va Joseph A. Schumpeter ishlarida keng yoritilgan[1]. Ularning tadqiqotlarida investitsiyalarni jalb etishda institutsional muhit, raqobatbardoshlik va innovatsion faoliyatning hal qiluvchi ahamiyati asoslab berilgan.

MDH va Markaziy Osiyo mamlakatlari doirasida hududiy investitsiya siyosati, davlat tomonidan tartibga solish mexanizmlari hamda innovatsion infratuzilmaning rivojlanishi masalalari S. G. Glazyev, R. M. Nureev va A. G. Granberg tadqiqotlarida tahlil qilingan[2].

O‘zbek olimlari orasida investitsiya muhitini yaxshilash, hududiy rivojlanish va innovatsion iqtisodiyot masalalariga bag‘ishlangan ilmiy ishlarda D. Q. G‘ozibekov, Sh. Sh. Shodmonov hamda A. O. O‘rolov kabi tadqiqotchilarning ilmiy xulosalari muhim o‘rin egallaydi[4]. Ularning ishlarida hududiy investitsion salohiyatni oshirishda davlat siyosati, normativ-huquqiy baza va infratuzilmaviy omillarning roli asoslab berilgan.

Shu bilan birga, mavjud adabiyotlarda Qashqadaryo mintaqasi misolida innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatni kompleks va tizimli tahlil qilish masalalari yetarli darajada chuqur yoritilmagan bo‘lib, ushbu maqola aynan shu ilmiy yo‘nalishni rivojlantirishga qaratilgan[5].

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur tadqiqotda tizimli va kompleks yondashuv asosida ilmiy bilishning umumiy va maxsus usullaridan foydalanildi. Xususan, mantiqiy tahlil va sintez, taqqoslama tahlil, induksiya va deduksiya usullari orqali hududiy investitsion muhit va innovatsion infratuzilmaning holati baholandi. Shuningdek, normativ-huquqiy hujjatlarni tahlil qilish, statistik ma’lumotlarni

guruhlash va umumlashtirish usullari qo‘llanilib, Qashqadaryo mintaqasida innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatni shakllantirishning asosiy omillari aniqlandi.

Tahlil va natijalar

Mazkur faoliyat Qashqadaryo mintaqasida ham innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatni faollashtirish va barqaror iqtisodiy rivojlanishni ta’minlash uchun muhim metodologik va amaliy asos yaratadi.



1-rasm. Xorijiy hamkorlik asosida investitsiya oqimlari shakllanishi va innovatsion natijalarga erishish zanjiri*

**Muallif ishlanmasi.*

Mazkur sxemada xorijiy hamkorlik, investitsiya oqimi va innovatsion natijalar o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlik tizimli ravishda aks ettirilgan. Unda strategik tarmoqlarda xorijiy davlatlar bilan hamkorlik qilish orqali chet el investitsiyalari va ilg‘or texnologiyalarni jalb etish jarayoni, ularning texnologiyalar transferi, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish va kadrlar malakasini oshirish orqali investitsiya oqimlariga aylanish mexanizmi ko‘rsatilgan.

Sxemaga muvofiq, investitsiya oqimlari natijasida resurs tejamkor va innovatsion ishlab chiqarishlar shakllanib, mahalliy ishlab chiqaruvchilarning raqobatbardoshligi oshadi hamda ekologik toza infratuzilma rivojlanadi. Ushbu jarayon yakunida yuqori texnologiyali va eksportga yo‘naltirilgan tarmoqlar rivoji ta’minlanib, milliy raqobatbardoshlikni kuchaytirish, hududiy ijtimoiy barqarorlik va barqaror iqtisodiy o‘sishga erishish imkoniyati yuzaga keladi. Qashqadaryo viloyatida xorijiy hamkorlik asosida amalga oshirilayotgan yirik investitsion loyihalar asosan texnologik modernizatsiya va ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga yo‘naltirilgan. Ayniqsa, gaz-kimyo va energetika tarmoqlarida investitsiyalar yuqori darajadagi texnologiyalar, energiya tejamkorlik va hududiy iqtisodiy ta’sir bilan ajralib turadi.

Shu bilan birga, innovatsion mahsulot ulushi va ilmiy-tadqiqot bilan integratsiya darajasi nisbatan past bo‘lib qolmoqda. Bu holat Qashqadaryo viloyatida innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatni chuqurlashtirish uchun ilm-fan-ishlab chiqarish aloqalarini kuchaytirish, texnologiyalar transferini institutsional qo‘llab-quvvatlash va kichik innovatsion biznesni

rivojlantirish zarurligini ko‘rsatadi.

2-jadval.

Qashqadaryo viloyatidagi yirik investitsion loyihalarning innovatsion natijalarini indikatorlar asosida baholash*

Innovatsion baholash indikatorlari	Sho‘rtan GKM	Muborak GQIZ	Dehqonobod KZ	Talimarjon IES
Zamonaviy texnologiyalar joriy etilishi	Yuqori	O‘rtacha-yuqori	O‘rtacha	Yuqori
Energiya va resurs tejamkorlik	Yuqori	Yuqori	O‘rtacha	Yuqori
Ishlab chiqarish samaradorligi	Yuqori	Yuqori	O‘rtacha	Yuqori
Innovatsion mahsulot ulushi	Yuqori	Past-o‘rtacha	O‘rtacha	Past
Ekologik samaradorlik	O‘rtacha	O‘rtacha	O‘rtacha	Yuqori
Kadrlar malakasi va texnologik bilim transferi	Yuqori	O‘rtacha	O‘rtacha	Yuqori
Hududiy iqtisodiy ta’sir	Yuqori	Yuqori	O‘rtacha	Yuqori

***Izoh:** baholash “past - o‘rtacha - yuqori” shkalasi asosida mualliflik empirik tahliliga tayangan holda amalga oshirilgan.*

Mini-case tahlil natijalari shuni ko‘rsatadiki, Qashqadaryo viloyatida xorijiy hamkorlik asosida amalga oshirilayotgan yirik investitsion loyihalar innovatsion natijalar yaratishda sezilarli rol o‘ynamoqda. Ayniqsa, gaz-kimyo va energetika tarmoqlarida investitsiyalar yuqori texnologiyalarni joriy etish, energiya samaradorligini oshirish va eksportga yo‘naltirilgan mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirishga xizmat qilmoqda.

Shu bilan birga, tahlil shuni ko‘rsatadiki, innovatsion natijalar ko‘proq texnologik modernizatsiya bilan cheklanib qolgan, ilmiy-tadqiqot ishlari, startaplar va kichik innovatsion biznes bilan integratsiya darajasi yetarli emasligini ko‘rsatadi. Bu holat Qashqadaryo viloyatida innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatni yanada chuqurlashtirish uchun innovatsion infratuzilma va ilm-fan-ishlab chiqarish aloqalarini kuchaytirish zaruratini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, olib borilgan mini-case va indikatorlar asosidagi tahlillar innovatsion natijalar ko‘proq texnologiyalarni yangilash va ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish bilan cheklanib qolayotganini, innovatsion mahsulotlar ulushi hamda ilmiy-tadqiqot faoliyati bilan integratsiya darajasi yetarli emasligini ko‘rsatdi. Bu holat hududda innovatsion infratuzilmaning rivojlanish darajasi va ilm-fan–ishlab chiqarish–biznes aloqalarining sustligi bilan izohlanadi. Mazkur omillar Qashqadaryo viloyatida innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatni to‘liq ro‘yobga chiqarishga ma’lum darajada to‘sqinlik qilmoqda.

Shundan kelib chiqib, hududda investitsion siyosatni yanada takomillashtirishda investitsiya loyihalarini baholashda innovatsion natijadorlik mezonlarini joriy etish, xorijiy investitsiyalarni jalb etishda ilmiy-tadqiqot ishlari, startaplar va kichik innovatsion biznes bilan integratsiyani kuchaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, texnoparklar, innovatsion markazlar va loyiha ofislari faoliyatini rivojlantirish hamda ularni oliy ta’lim va ilmiy muassasalar bilan uzviy bog‘lash hududiy innovatsion infratuzilmani mustahkamlashga xizmat qiladi. Yirik investitsion loyihalar doirasida texnologiyalar transferi va kadrlar malakasini oshirishni majburiy komponent sifatida belgilash esa Qashqadaryo mintaqasida innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatning uzoq muddatli va barqaror rivojlanishini ta’minlash imkonini beradi.

Xulosa

Tadqiqot natijalarini umumlashtirish shuni ko‘rsatadiki, Qashqadaryo mintaqasida

innovatsiyaga yo‘naltirilgan investitsion salohiyatning shakllanishi va rivojlanishi, eng avvalo, hududiy investitsion muhit sifati, institutsional islohotlarning izchilligi hamda normativ-huquqiy bazaning barqarorligi bilan uzviy bog‘liqdir. So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasida qabul qilingan Prezident farmonlari hududlarda investitsiya jarayonlarini faollashtirish, investorlar huquqlarini himoya qilish va investitsion faoliyatni soddalashtirish orqali Qashqadaryo viloyatida ham investitsiyalar oqimini oshirish uchun mustahkam huquqiy poydevor yaratdi. Natijada xorijiy hamkorlik asosida amalga oshirilayotgan yirik investitsion loyihalar hudud iqtisodiyotining tayanch tarmoqlarida texnologik modernizatsiya, energiya va resurs tejamkorlik hamda ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Dunning J. H. The eclectic paradigm of international production: A restatement and some possible extensions. – Journal of International Business Studies, 1988. – Vol. 19, No. 1. – P. 1–31.
2. Porter M. E. The Competitive Advantage of Nations. – New York: Free Press, 1990. – 855 p.
3. Schumpeter J. A. The Theory of Economic Development. – Cambridge: Harvard University Press, 1934. – 255 p.
4. Glazyev S. Yu. Teoriya dolgosrochnogo tekhniko-ekonomicheskogo razvitiya. – Moskva: VlaDar, 1993. – 310 s.
5. Granberg A. G. Osnovy regionalnoy ekonomiki. – Moskva: GU VShE, 2006. – 495 s.
6. Nureev R. M. Institutsionalnaya ekonomika. – Moskva: Norma, 2010. – 432 s.
7. G‘ozibekov D. Q. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. – Toshkent: Iqtisodiyot, 2018. – 356 b.
8. Shodmonov Sh. Sh. Hududiy iqtisodiy rivojlanish va investitsiya siyosati. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2019. – 280 b.

FARADEY EFFEKTINI YORUG‘LIK NURLANISHINING MODULYASIYALANGAN QUTBLANISHINI QO‘LLAGAN HOLDA O‘LCHASH

Sherqo‘ziyev Mamadiyor
oliy matematika kafedrasi dotsenti
Tashkent davlat agrar universiteti
E-mail:sherquziyevmamadiyor@mail.ru
ORCID:0000-0002-8373-7504

Xudayarov Mahmasaid Maxmarajabovich
oliy matematika kafedrasi katta o‘qituvchi
Tashkent davlat agrar universiteti
E-mail:xudayarovmahmasaid@mail.ru
ORCID: 0009-0004-9851-7995

Abdinazarov Akbar Baxriddin o‘g‘li
oliy matematika kafedrasi katta o‘qituvchi
Tashkent davlat agrar universiteti
E-mail: akbarabdinazarov@mail.ru
ORCID: 0009-0007-3662-309X

Annotatsiya. *Optik shaffof paramagnit kristallar hozirgi vaqtda zamonaviy xisoblash texnikasida, integral optikada, optoelektronika va boshqalarda keng qo‘llanilmoqda.Qayta tuzilgan optikaelementlarida nodirer paramagnit garantlar asosiy o‘rinni egallagan shaffof kristallarni qo‘llash ularning optik xarakteristikalari bilan katta bo‘lmagan magnit maydonlarni boshqarish imkoniyati bilan bog‘langandir. Amaliy masalalarni muvaffaqiyatli yechish paramagnit kristallar magnetizmi va magnitooptikasining yetarlicha ishlab chiqilmagan muammolarini o‘rganish uchun yaxshi model ob’yekt bo‘lgan bu kristallarning fizik xossalarini eksperimental tadqiq etish holati bilan anchagina bog‘liq.Ushbu dissertasiyada ko‘rib chiqilayotgan nodirer ionlari granatlari tuzilmasiga kiruvchi tor yutilish polosalari sohasida ularning kristallo optik xossalarini o‘rganish va NE –ionlari magnito optik faolligi (MOF) turli mexanizmlarining xissalarini tadqiq etish, yorug‘likni paramatgnit granatlari kristallari bilan yutilishiga javobgar bo‘lgan turli mexanizmlarning roli va xarakterini namoyon etish masalasi aynan yuqorida bayon etilgan muammolarga tegishlidir. Fizik xossalar haqidagi, birinchi navbatda magnit tartiblangan kristallarning elektron tuzilmasi haqidagi axborotlarni olishning eng to‘g‘ri usuli qutblangan magnito optik spektroskopiya usulidir. Faradey effektining spektral bog‘liqligini tadqiq etish nodirer quyi panjarasining Faradey effektiga qo‘shadigan xissasi haqida yangi malumot olish imkonini beradi. Nodirer paramagnit granatlari Faradey effektini o‘rganishga bo‘lgan qiziqishning oshishi yaqin vaqtlarda magnetiklarning ushbu sinfi magnit optik faolligining turli mexanizmlarining rolini tushunishdagi katta siljishlar bilan bog‘liqdir. Magnit aylanma ikkilamchi nur sinishi va magnit aylanma dixroiz kabi effektlarni tadqiq etish magnetiklarda energetik o‘zaro ta’sirlashuvlarning turli ko‘rinishlarini eng aniq tarzda aks ettiruvchi paramagnit granatlar tuzilmasidagi nodirer ionlari elektron spektrlarini o‘rganish uchun ancha samaralidir. Nodirer paramagnit granatlarida bu effektlar kattaligi katta qiymatlarga erishadi: bunda bu effektlar keskin anizotrop xarakterni namoyon etib, bu granatlarda magnit aylanma ikkilamchi nur sinishi va dixroizmi mexanizmlarini tadqiq etishda ayniqsa muhimdir.* ***:*** *Nodir yer elementlari milliy mudofaamizda muhim rol o‘ynaydi. Harbiylar tunda ko‘rish ko‘zoynaklarini, aniq boshqariladigan qurollarni, aloqa uskunalarini, GPS uskunalarini, batareyalarni va boshqa mudofaa elektronikalarini ishlatadilar. Bular Qo‘shma Shtatlar harbiylariga katta ustunlik beradi. Kamyob er metallari zirhli transport vositalarida va zarbalar ta’sirida parchalanadigan snaryadlarda ishlatiladigan juda qattiq qotishmalar hosil*

qilish uchun muhim tarkibiy qism hisoblanadi. Ba’zi mudofaa dasturlarida zaxira elementlar uchun zaxira elementlardan foydalanish mumkin; ammo, bunday almashtirishlar odatda unchalik samarali emas va harbiy ustunlikni pasaytiradi. Nodir tuproq elementlarining bir nechta ishlatilishi 5-jadvalda keltirilgan.

Kalit so‘zlar : *NE –ionlari magnito optik faolligi (MOF) yevropiy-galliyli granat Eu3Ga5O12 (EuGaG) monokristallari, (IQ) sohalarida yevropiy-galliyli granat, magnito dipol (MD) o‘tishlar.*

ИЗМЕРЕНИЕ ЭФФЕКТА ФАРАДЕЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МОДУЛЯЦИИ ПОЛЯРИЗАЦИИ СВЕТОВОГО ИЗЛУЧЕНИЯ

Шеркузиев Мамадиёр

доцент кафедры
высшей математики
Ташкентского государственного
аграрного университета
E-mail:sherquziyevmamadiyor@mail.ru
ORCID:0000-0002-8373-7504

Худаяров Махмасаид Махмараджабович

старший преподаватель
кафедры высшей математики
Ташкентский государственный
аграрный университет
E-mail: xudayarovmahmasaid@mail.ru
ORCID: 0009-0004-9851-7995

Абдиназаров Акбар Бахриддин углы

старший преподаватель
кафедры высшей математики
Ташкентский государственный
аграрный университет
E-mail: akbarabdinazarov@mail.ru
ORCID: 0009-0007-3662-309X

Аннотация*. Оптически прозрачные парамагнитные кристаллы в настоящее время широко используются в современной вычислительной технике, интегральной оптике, оптоэлектронике и др. Использование прозрачных кристаллов, в которых редкоземельные парамагнитные гранаты занимают основное место в реконструируемых оптических элементах, связано с их оптическими характеристиками и способностью управлять малыми магнитными полями. Успешное решение практических задач во многом зависит от экспериментального изучения физических свойств этих кристаллов, которые являются хорошим модельным объектом для изучения недостаточно разработанных проблем магнетизма и магнитооптики парамагнитных кристаллов. Изучение кристаллооптических свойств редкоземельных ионных гранатов в области узких полос поглощения, входящих в их структуру, а также изучение вклада различных механизмов магнитооптической активности (МОФ) редкоземельных ионов, а также демонстрация роли и природы различных механизмов, ответственных за поглощение света парамагнитными гранатовыми кристаллами, рассматриваемые в данной диссертации, как раз и связаны с описанными выше проблемами. Наиболее точным методом получения информации о физических свойствах, прежде всего об электронной структуре магнитно-*

упорядоченных кристаллов, является метод поляризованной магнитооптической спектроскопии. Изучение спектральной зависимости эффекта Фарадея позволяет получить новую информацию о вкладе подрешетки нодирера в эффект Фарадея. Повышенный интерес к изучению эффекта Фарадея в парамагнитных гранатах с нодирером связан со значительными недавними достижениями в понимании роли различных механизмов магнитооптической активности этого класса магнитов. Изучение таких эффектов, как магнитно-вращательная вторичная рефракция и магнитно-вращательный дихроизм, очень эффективно для изучения электронных спектров ионов нодирера в структуре парамагнитных гранатов, которые наиболее точно отражают различные проявления энергетических взаимодействий в магнитах. В редкоземельных парамагнитных гранатах величина этих эффектов достигает больших значений: эти эффекты демонстрируют резко анизотропный характер, что особенно важно при изучении механизмов магнитно-спиновой вторичной рефракции и дихроизма в этих гранатах. Редкоземельные элементы играют важную роль в национальной обороне. Военные используют приборы ночного видения, высокоточное оружие, средства связи, GPS-оборудование, батареи и другую оборонную электронику. Это дает вооруженным силам США значительное преимущество. Редкоземельные металлы являются важными компонентами для образования сверхтвердых сплавов, используемых в бронетехнике и осколочно-фугасных снарядах. В некоторых оборонных приложениях могут использоваться замещающие элементы; однако такие замены обычно не очень эффективны и снижают военное преимущество. Несколько примеров применения редкоземельных элементов приведены в таблице 5.

Ключевые слова: *магнитооптическая активность ионов NE (MOF), монокристаллы европий-галлиевого граната Eu3Ga5O12 (EuGaG), европий-галлиевый гранат в ИК-полях, магнито-дипольные (MD) переходы.*

MEASUREMENT OF THE FARADAY EFFECT USING MODULATED POLARIZATION OF LIGHT RADIATION

Sherkoziyev Mamadiyor
Associate Professor
of the Department
of Higher Mathematics
Tashkent State Agrarian University
E-mail: sherquziyevmamadiyor@mail.ru
ORCID:0000-0002-8373-7504

Khudayarov Mahmasaid Makhmarajabovich
Senior Lecturer
Department of Higher Mathematics
Tashkent State Agrarian University
E-mail:xudayarovmahmasaid@mail.ru
ORCID: 0009-0004-9851-7995

Abdinazarov Akbar Bakhriddin ogli
Senior Lecturer
Department of Higher Mathematics
Tashkent State Agrarian University
E-mail: akbarabdinazarov@mail.ru
ORCID: 0009-0007-3662-309X

Abstract. *Optically transparent paramagnetic crystals are currently widely used in modern*

computing, integrated optics, optoelectronics, etc. The use of transparent crystals, in which rare paramagnetic garnets occupy the main place in reconstructed optical elements, is associated with their optical characteristics and the ability to control small magnetic fields. The successful solution of practical problems is largely dependent on the experimental study of the physical properties of these crystals, which are a good model object for studying the insufficiently developed problems of magnetism and magneto-optics of paramagnetic crystals. The study of the crystal-optical properties of rare-earth ion garnets in the region of narrow absorption bands, which are included in their structure, and the study of the contribution of various mechanisms of magneto-optical activity (MOF) of rare-earth ions, as well as the demonstration of the role and nature of various mechanisms responsible for the absorption of light by paramagnetic garnet crystals, considered in this dissertation, are precisely related to the problems described above. The most accurate method for obtaining information about the physical properties, primarily the electronic structure of magnetically ordered crystals, is the method of polarized magneto-optical spectroscopy. The study of the spectral dependence of the Faraday effect allows us to obtain new information about the contribution of the nodirer sublattice to the Faraday effect. The increased interest in studying the Faraday effect of nodirer paramagnetic garnets is associated with significant recent advances in understanding the role of various mechanisms of the magneto-optical activity of this class of magnets. The study of effects such as magnetic rotational secondary refraction and magnetic rotational dichroism is very effective for studying the electronic spectra of nodirer ions in the structure of paramagnetic garnets, which most accurately reflect various manifestations of energetic interactions in magnets. In rare earth paramagnetic garnets, the magnitude of these effects reaches large values: these effects exhibit a sharply anisotropic character, which is particularly important in studying the mechanisms of magnetic spin secondary refraction and dichroism in these garnets. : Rare earth elements play an important role in our national defense. The military uses night vision goggles, precision-guided weapons, communications equipment, GPS equipment, batteries, and other defense electronics. These give the United States military a significant advantage. Rare earth metals are essential components for the formation of superhard alloys used in armored vehicles and impact-fragmenting shells. In some defense applications, substitute elements can be used for replacement elements; however, such substitutions are usually not very effective and reduce military advantage. Several uses of rare earth elements are listed in Table 5.

Keywords: *magneto-optical activity of NE ions (MOF), europium gallium garnet Eu3Ga5O12 (EuGaG) single crystals, europium gallium garnet in the (IR) fields, magneto-dipole (MD) transitions.*

Kirish

Tarkibi umumiy $R_3M_5O_{12}$ (R-nodirer yoki ittriyning uch valentli ioni, M- Al^{3+} yoki Ga^{3+} ning ionlari) formula bilan ifodalanadigan nodirer (NE) paramagnit granatlari $Ca_3Al_2(SiO_4)_3$ minerali krsitall tuzilmasi izomorf tuzilmaga ega [1,2]. Granatlar – alyuminatlar $R_3Al_5O_{12}$ Gd^{3+} dan boshlab, og‘ir nodirer ionlari bilan sintezlanadi, bu vaqtda granatlar – galatlar $R_3Ga_5O_{12}$ eng yirik La^{3+} va Ce^{3+} lardan tashqari barcha nodirer ionlari bilan sintezlanadilar. $R_xY_{3-x}M_5O_{12}$ formula bilan ifodalanadigan ittriy o‘rin olgan granatlarda nodirer ionlari va Y^{3+} ionlarining ma’lum nisbatini tanlash yo‘li bilan granatlar-galatlarni barcha nodirer ionlari bilan sintezlash mumkin bo‘ladi [2]. Bu birikmalar kubik simmetriyaga ega bo‘lib, O_h^{10} fazoviy guruh bilan ifodalanadi.Kristallning elementar yacheykasi 8 formula birligiga ega, ya’ni 24 ta R^{3+} ioni, 40 ta M^{3+} ioni va 96 ta O^{2-} ioni. Bunday tuzilmada kislorod ionlari O^{2-} kubik xajmiy markazlashtirilgan taxlamga egadir. Kislorod ionlari panjarada uch tur kristallografik o‘ringa ega: O^{2-} ning oltita ioni bilan o‘ralgan oktaedrik (*a*-) o‘rin, O^{2-} ning to‘rtta ioni bilan o‘ralgan tetraedrik (*d*-) o‘rin, O^{2-} ning sakkizta ioni bilan o‘ralgan dodekaedrik (*c*-) o‘rin. $R_3M_5O_{12}$ elementar yacheykada Al^{3+} va Ga^{3+} ionlari *a*- va *d* o‘rinlarda, Y^{3+} yoki R^{3+} ionlari esa c- o‘rinlarda joydashadilar [1-3]. Kationlarning

kristallografik o‘rinlar bo‘yicha taqsimlanishi asosan ularning o‘lchamiga bog‘liq. Katta ion radiusiga ega nodirer ionlari, s-o‘rinni, kichik radiusli Al^{3+} va Ga^{3+} lar esa *d*- va *a*-o‘rinlarni egallaydilar. Granat nodirer ionlari energetik spektri xususiyatlariGranat tuzilmasida energetik sathlar va spektral polosalar xolati ion ichidagi o‘zaro ta’sirlashuvga qanday bog‘liq bo‘lsa, ionning ma’lum simmetriyali kristall maydon bilan o‘zaro ta’sirlashuviga ham shunday bog‘liq. Spin-ortital o‘zaro ta’sir natijasida, optik spektr tuzilmasini aniqlovchi, to‘liq tuzilmagan *4f*-qobiqli erkin nodirer ioni ichida no orbital moment ***L***, no spin momenti ***S*** o‘z-o‘zidan saqlanmaydi. Faqatgina 4f-elektronlarning to‘liq orbital ***L*** vaspin ***S*** momentlar yig‘indisi bo‘lgan to‘liq ***J*** momentgina saqlanib, Rassel–Saunders [1,4] yaqinlashishida momentlarni qo‘shish chizmasini yoki atom momentlar bog‘lanishining “normal” turini qoniqtiradi.

Adabiyotlar sharhi

Faraday effect (Faradey effekti) – magnit maydon ta’sirida yorug‘lik nurlanishining qutblanish tekisligi burilishi hodisasi. Bu hodisa magnit maydon bilan yorug‘likning o‘zaro ta’sirini tasvirlaydi va Verdet konstantasi orqali ifodalanad. Qutblangan yorug‘lik magnit maydonda safar qilib, qutblanish tekisligi buriladi. Burilish burchagi magnit maydon kuchi, materialning Verdet konstantasi va yorug‘lik to‘lqin uzunligiga bog‘liq. Bu mavzu ko‘plab nazariy va amaliy ishlar uchun asos bo‘lib xizmat qiladi. Masalan, **ScienceDirect Topics — *Faraday Effect*** bo‘limida Faradey effektining fizik-matematik formulalari, qutblanish burilishining manbalari va moddalarga bog‘liqligi haqida atroflicha ma’lumot berilgan. qutblanish tekisligi burilishini aniqlash uchun ko‘plab optik texnikalar qo‘llaniladi. Eng ko‘p ishlatiladigan uslublardan biri – polarimetriya, ya’ni yorug‘likning qutblanish holatini sezgir detektorlar orqali tahlil qilish.

Polarizator + analizator usuli: nurning burilgan qutblanishi orqali intensivlik o‘zgarishi o‘lchanadi. **Foto-elastik modulyatorlar** yoki lock-in detektorlar yordamida kichik burilishlar sezgir tahlil qilinadi. **Auto-balanced photodetection polarimetry:** sezgirlikni oshirib, mikroburilishlarni ham aniqlash imkonini beradi. Bu metodlar yorug‘lik qutblanishining modulyatsiyalangan holatida Faradey effekti signalini aniqlash uchun foydali bo‘ladi, ayniqsa tahlil sezgirligini oshirish talab etilganda. Quyidagi ilmiy ishlar Faradey effektini chuqur o‘rganish va yangi moddalarda yoki usullarda uni amaliy qo‘llash bo‘yicha foydali adabiy manbalar bo‘lishi mumkin: Cavity-enhanced polarimetriya orqali atomlarda yoki magnit o‘lchovlarda yuqori sezgirlik bilan Faradey aylanishini o‘lchash usuli. Polarization and Polarimetry: A Review Polarizatsiya va polarimetriya asoslarini keng qamrovli sharhlaydigan maqola — u Faradey effektini o‘lchashda ishlatiladigan optik metodlarni ham yoritadi.

Tadqiqot metodologiyasi

Kristallardagi Faradey aylanishini tadqiq etish uchun avval [21] da taklif etilgan yorug‘lik qutblanishi tekisligining burilish burchagini o‘lchashining modifikasiyalangan usuli qo‘llanadi. Bu usulda (15-rasmga qarang) ikkita nur sindiruvchi L_1vaL_2plastinkalar va bitta chiqish polyarizatori (yoki analizatori) qo‘llaniladi. Birinchi plastinka fotoelastik modulyatorni, Ω esa modulyator yuzaga keltirgan fazaviy siljish $\gamma=\gamma_0 sin\Omega t$ modulyasiyasi chastotasini ifoda etadi. Ikkinchi L_2 plastinka “$\lambda/4$” plastinkadir. Elliptik qutblangan θ va Ψ (Ψ – qutblanish (azimut) ellipsining katta o‘qi burilish burchagi va $tg\theta$ – elliptiklik darajasi) yorug‘lik 15-rasmda keltirilgan optik chizma kirishiga tushsin. Analizatorning (chiziqiy polyarizatorning) chiqishidagi yorug‘lik nurlanishi intensivligi doimiy va o‘zgaruvchan tashkil etuvchilardan iborat:

$$I=\frac{I_0}{2}\left[1-\cos 2\theta\cdot\cos 2\psi\left\{2J_1(\gamma_0)\cdot\sin\Omega t+\ldots\right\}+\sin 2\psi\left\{J_0(\gamma_0)+2J_2(\gamma_0)\cdot\cos 2\Omega t+\ldots.\right\}\right] \quad (1.1)$$

Yorug‘lik oqimi intensivligining o‘zgaruvchan $I(\Omega)$ va doimiy $I(0)$ tashkil etuvchilarni

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

o‘lchab, $I(\Omega)/I(0)$ nisbatni:

$$\frac{I(\Omega)}{I(0)} = \frac{2\cos 2\theta \cdot \cos 2\psi \cdot J_1(\gamma_0)}{1+\sin 2\psi \cdot J_0(\gamma_0)} \sin \Omega t \quad (1.2)$$

ko‘rinishda yozish mumkin. (1.2) ifodani elliptiklik ψ e’tiborga olmasa bo‘ladigan kichik deb (yutilish polosasidan uzoqlashtirilgan spektral sohalar uchun) soddalashtirish mumkin, $\angle\theta = 45 \pm \alpha$, bu yerda α –faradey aylanish burchagi. Shunday qilib, (2.3) ifodani quyidagicha qayta yozish mumkin:

$$\frac{I(\Omega)}{I(0)} = 2\cos 2\theta \cdot J_1(\lambda_0) \cdot \sin \Omega t = 2\sin 2\alpha \cdot J_1(\lambda) \sin \Omega t \quad (1.3)$$

Ko‘rinib turibdiki, burildish burchagi αyorug‘lik oqimi intensivligining o‘zgaruvchan $I(\Omega)$ va doimiy $I(0)$ tashkil etuvchilarni nisbati $I(\Omega)/I(0)$ bilan aniqlanishi mumkin. O‘lchashlarni osonlashtirish uchun har bir to‘lqin uzunligida argumentning qiymati 0,582 ga teng bo‘lgan Besselning 1-chi tartibli funksiyasi - $J_1(\gamma_0)$ ning maksimal qiymatini tanlash kerak.

Shuni qayd etamizki, burilish burchagini o‘lchashning bu usulida “nol usul” amalga oshishi mumkin, aynan, magnitlangan namuna yuzaga keltirgan signal $I(\Omega)$ uning oldida joylashgan kirish porlyarizatorining aylanishi bilan kompensasiyalanishi mumkin. Polyarizatorning burilish burchagi Faradeyning o‘lchanayotgan burilish burchagiga teng. Kirish qutblagichining qutblanish tekisligi boshlang‘ich azimuti analizatorning o‘tkazuvchanlik tekisligiga nisbatan $\pi/4$ ga teng qilib o‘rnatiladi (1-rasmga qarang). Bu usulda burilish burchagini o‘lchash aniqligi ~ $0{,}01^0$ ni tashkil etadi.

Eksperimental “nolinchi usul” Bessel funksiyasi qiymati tekshirilayotgan spektral diapazondagi har bir to‘lqin uzunlikda 0,582 ga teng bo‘lishi kera kbo‘lgan, nisbiy usul ($I(\Omega)/I(0)$) ga qaraganida afzalliklarga ega.



1-rasm. Faradey aylanishi burchagini o‘lchash bo‘yicha eksperiment geometriyasida optik elementlar o‘qlarining chizma tasviri*

**Muallif ishlanmasi.*

L-tahlil etilayotgan yorug‘lik; L_1- modulyator($\gamma_1=\lambda/4$); L_2-plastinka $\lambda/4$ ($\gamma_2=\lambda/4$); analizator (polyarizator).

Spektrning ko‘zga ko‘rinadigan sohalarida Faradey aylanish spektrlarini o‘lchash uchun qo‘llaniladigan eksperimental qurilmada yorug‘lik manbai sifatida yuqori bosimli ksenon lampasi DKSSH-200 qo‘llanildi [5]. 36 kGs chastotada yorug‘likning qutblanishi modulyasiyasi yuqorida tilga olingan fotoelastik optik teskari bog‘lanishli moldulyator qo‘llash bilan olindi. Yorug‘lik nurlanishini monoxromatizasiyalash uchun yorug‘lik kuchli difraksion monoxromator MDR-23 qo‘llanildi. FE ni o‘lchashda monoxromator tirqishining spektral kengligi ~0,05÷0,1 nm dan

oshmadi. To‘lqin uzunligining 450 – 850 nm diapazonida polyarizator sifatida polyaroid plyonkalar (AQSH) qo‘llanildi. 10 kE kuchlanishli magnit maydonlar, o‘rami VSA-5K to‘g‘rilagich chiqishiga ulangan Sh-simon turdagi (“bronevoy” turidagi) yopiq o‘zakli elektromagnit tomonidan xosil qilindi. Yorug‘lik nurlanishini qabul qilgichi sifatida to‘lqin uzunligining 450÷850 nm diapazonida FEU-71, FEU-100 fotoko‘paytgichlar qo‘llanildi. Qayd etishning qo‘llanilgan chizmasi MSPL (MKD) ni tadqiq etishlarda qo‘llanilgan o‘lchov qurilmasidagi elektron qayd etish chizmasiga qurilmaning optik traktidagi katta bo‘lmagan farqlar bilan o‘xshashdir (2.3-rasmga qarang) [25].

Faradey aylanishi burchagini topishdagi nisbiy xatolik ≈ 5-6% ni tashkil etdi.

Xatollik quyidagi sabablarga asoslangan : optik elementlar o‘qlari azimutlarini aniqlashdagi aniqlikga (xminan 0,5°), o‘zgaruvchan signal maksimumini o‘rnatishdagi aniqlikga (≈ 1÷2%), magnit maydonni o‘lchash aniqligiga (≈ 1÷2%), kuchaytirgichning elektron chizmasi shovqini va FEJK shovqiniga (≈ 3%).

Tahlili va natijalar

Yevropiy-galliy granati EuGaG FE ga magnito dipol (MD) o‘tishlari xissasini ajratish uchun biz ko‘rsatilgan granatning [28] ishda lazer to‘lqin uzunliklarida 543,5; 632,8 va 1152 nm temperaturaning 5 ÷ 540 K intervalida olib borilgan faradey aylanishlarini o‘lchash natijalaridan foydalandik (18-rasm). EuGaG a MD o‘tishlar xissasini adratish uslubi ruxsat etilgan $4f \rightarrow 5d$ o‘tishlar rezonans chastotalaridan uzoqlashtirilgan yorug‘lik chastotasi diapazonida yevropiyning uch valentli nodir yer ionlari Verde doimiysi spektral bog‘liqligini $V(Eu^{3+})$ ifoda etuvchi (2.1) ifoda tahliliga asoslanadi.

$$V(Eu^{3+}) = \frac{C' \cdot \lambda_0^2}{(\lambda^2 - \lambda_0^2)} + V_{gm}^{(m)} \quad (2.1)$$

bu yerda $C' = A * \chi'$, $\lambda_0 = 270$ nm.Shundan keyin 632,8 nm to‘lqin uzunligida temperaturaning turli 100 ÷ 500 K intervali uchun ulardan C' koeffisiyentlarni topish uchun $V(Eu^{3+})$ ning $\frac{\lambda_0^2}{(\lambda^2 - \lambda_0^2)}$ argumentga funksional bog‘liqligini chizamiz (2-rasmga qarang).



2-rasm. Uchta uzunlik uchun yevropiy-galliy granati FE niyeng

temperaturaviy bog‘liqligi [8]

Iqtisodiy o‘sishning yuqori sur’atlarini ta’minlash uchun, birinchi navbatda, bank tizimiga uzoq muddatli va barqaror resurslarni jalb qilish talab etiladi. Hozirgi kunda tijorat banklari o‘z kapital bazasini mustahkamlash va investitsion salohiyatini kengaytirish uchun ham ichki, ham tashqi moliya bozorlaridan faol foydalanishga intilmoqda. Biroq, bu jarayonda bir qator tizimli muammolar mavjud bo‘lib, ular investitsion muhitning jozibadorligiga bevosita ta’sir o‘tkazadi. Investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini takomillashtirish deganda, biz faqatgina mablag‘ yig‘ishni emas, balki bank xizmatlari sifatini oshirish, raqamli texnologiyalarni joriy etish va xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlikni yangi bosqichga ko‘tarishni tushunamiz.

Tijorat banklarining moliyaviy investitsiyalarni jalb qilish faoliyati ko‘p qirrali jarayon bo‘lib, u depozitlar jalb etish, qimmatli qog‘ozlar emissiyasi, xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlik, sindikatlashgan kreditlar, obligatsiyalar chiqarish va boshqa moliyaviy instrumentlardan foydalanishni o‘z ichiga oladi. Shu bilan birga, banklar tomonidan jalb qilinayotgan mablag‘larning qiymati, muddati va barqarorligi investitsion faoliyat samaradorligini belgilab beradi. Agar jalb etilgan resurslar qisqa muddatli va qimmat bo‘lsa, bu bankning uzoq muddatli investitsion loyihalarni moliyalashtirish imkoniyatlarini cheklaydi. Aksincha, barqaror va arzon resurslar banklarning investitsion portfelini kengaytirish hamda real sektorni faol qo‘llab-quvvatlash imkonini yaratadi.

So‘nggi yillarda bank tizimida raqamli texnologiyalarning joriy etilishi, masofaviy bank xizmatlarining kengayishi va moliyaviy innovatsiyalarning paydo bo‘lishi investitsiyalarni jalb qilish jarayoniga ham o‘z ta’sirini ko‘rsatmoqda. Raqamli platformalar orqali depozit va investitsiya mahsulotlarini taklif etish, onlayn obligatsiyalar savdosi, fintech kompaniyalar bilan hamkorlik qilish banklar uchun yangi imkoniyatlar yaratmoqda. Biroq, ushbu jarayon bilan bir qatorda kiberxavfsizlik, axborot himoyasi va operatsion risklar ham dolzarb masalaga

aylanmoqda. Shu sababli, moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish nafaqat moliyaviy, balki institutsional va texnologik yondashuvlarni ham talab etadi.

Tijorat banklari tomonidan investitsiyalarni jalb qilish samaradorligi ko‘p jihatdan mamlakatdagi investitsion muhit, normativ-huquqiy baza, pul-kredit siyosati hamda makroiqtisodiy barqarorlik darajasiga bog‘liq. Inflyatsiya darajasi, valyuta kursi barqarorligi, foiz stavkalari dinamikasi va iqtisodiy o‘sish sur’atlari banklarning resurs jalb qilish imkoniyatlariga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Shu bois, mazkur masalani o‘rganishda bank ichki omillari bilan bir qatorda tashqi iqtisodiy sharoitlar ham inobatga olinishi lozim.

Moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish zarurati, avvalo, banklar o‘rtasidagi raqobatning kuchayishi bilan ham izohlanadi. Raqobat sharoitida banklar mijozlar uchun yanada jozibador shart-sharoitlar yaratishga, foiz siyosatini moslashtirishga va xizmatlar sifatini oshirishga intiladi. Shu bilan birga, banklar investitsion portfelni shakllantirishda risk va daromadlilik o‘rtasidagi optimal nisbatni ta’minlashi kerak bo‘ladi. Risklarni chuqur tahlil qilmasdan jalb etilgan investitsiyalar kelajakda moliyaviy barqarorlikka salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Bundan kelib chiqib aytish mumkinki, investitsiya jarayonlarini samarali boshqarish, moliyaviy monitoring tizimini kuchaytirish va zamonaviy risk-menejment usullarini qo‘llash muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar sharhi

Tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish masalasi zamonaviy bank tizimi rivojlanishining eng dolzarb yo‘nalishlaridan biri sifatida iqtisodiy adabiyotlarda keng yoritilmoqda. Ilmiy tadqiqotlarda ushbu jarayon banklarning resurs bazasini mustahkamlash, investitsion faolligini oshirish, kapital yetarliligini ta’minlash hamda risklarni samarali boshqarish bilan uzviy bog‘liq holda tahlil qilinadi. Mavjud ilmiy manbalar shuni ko‘rsatadiki, moliyaviy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini takomillashtirish banklarning uzoq muddatli barqarorligini ta’minlash va real sektorni moliyalashtirish hajmini kengaytirishning muhim omili hisoblanadi.

N.S.Ergashova o‘z tadqiqotida tijorat banklarining investitsion kredit qo‘yilmalari hajmiga ta’sir qiluvchi omillarni kompleks tahlil qilib, investitsiya va kredit salohiyati bank tizimining iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rnini belgilovchi asosiy omillardan biri ekanini asoslaydi. Muallifning fikricha, banklarning investitsiya faoliyati uzoq muddatli resurs bazasiga tayanadi va depozitlar, sindikatlashtirilgan kreditlar hamda subordinatsiyalangan qarzlar kabi moliyaviy manbalarni samarali boshqarish investitsiya jarayonini kengaytirish imkonini beradi [1]. U aktiv va passivlarni muvofiqlashtirilgan boshqarish investitsiya-kredit salohiyatini oshirishda hal qiluvchi ahamiyatga ega ekanini ta’kidlaydi.

F.T.Yuldashev o‘zining dissertatsion tadqiqotida tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirishni bank tizimi barqarorligining strategik omili sifatida baholaydi. Uning ta’kidlashicha, investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlari banklarning uzoq muddatli moliyaviy manbalarini kengaytirish, qimmatli qog‘ozlar bozoridagi ishtirokini oshirish hamda investorlar ishonchini mustahkamlash orqali rivojlantirilishi lozim [2]. Muallif risklarni boshqarish, likvidlilikni ta’minlash va kapital yetarliligini mustahkamlashni investitsion jozibadorlikning asosiy shartlari sifatida ko‘rsatadi.

G‘.G‘.Ibragimov moliyaviy bozor mexanizmlarini takomillashtirish orqali investitsiya oqimlarini oshirish zarurligini ta’kidlaydi. Uning fikricha, roadshow, greenfield investitsiyalar va kraudfanding kabi instrumentlardan foydalanish kapital oqimlarining barqarorligini ta’minlashga xizmat qiladi [3]. Bu yondashuv tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishda bozor infratuzilmasini rivojlantirish va institutsional muhitni takomillashtirish muhimligini ko‘rsatadi.

V.S.Artakshinova va A.Y.Domnikov tijorat banklarining investitsion faoliyatini huquqiy tartibga solish masalalarini tahlil qilib, investitsiyalar bank operatsiyalarining ajralmas qismi ekanini asoslaydi. Ularning fikricha, investitsion jarayon aniq huquqiy me’yorlar asosida amalga

oshirilishi, investorlar huquqlari kafolatlanishi va bank operatsiyalari qimmatli qog‘ozlar bozori bilan uyg‘unlashtirilishi lozim [4]. Bu esa moliyaviy investitsiyalarni jalb qilish tizimini institutsional jihatdan mustahkamlash zaruratini ko‘rsatadi.

I.R.Baybekov obligatsion portfellarni shakllantirishni tijorat banklari investitsiya strategiyasining muhim yo‘nalishi sifatida ko‘rib chiqadi. Uning fikricha, obligatsiyalar jalb qilingan resurslarning muddatliligi va qaytariluvchanligi xususiyatlariga mos keladi hamda banklarga pastroq risk va yuqori likvidlilik imkonini beradi [5]. Muallif ko‘p mezonli baholash tizimi va adaptiv yondashuv asosida investitsiya portfelini shakllantirish zarurligini ta’kidlaydi.

A.A.Timofeeva tijorat banklarining qimmatli qog‘ozlar bozoridagi investitsion faoliyatini rivojlantirishni bank kapitalini samarali joylashtirishning muhim vositasi sifatida talqin qiladi. U investitsiya siyosati puxta ishlab chiqilgan bo‘lishi, risklarni boshqarish tizimi mukammal ishlashi va portfel diversifikatsiyasi ta’minlanishi zarurligini asoslaydi [6].

R.R.Mamaraimova banklarning investitsiya faoliyatini iqtisodiy transformatsiya sharoitida rivojlantirish masalasiga e’tibor qaratib, IPO va SPO mexanizmlaridan foydalanish, obligatsiyalar emissiyasini kengaytirish hamda gibrid moliyaviy instrumentlarni joriy etish investitsion salohiyatni oshirishini ta’kidlaydi [7].

Xorijiy tadqiqotchilar ham ushbu masalaga zamonaviy yondashuvlarni taklif etadi. Chengyou Li, Yuxin Li, Yun Xu va Guanglin Sun moliyaviy texnologiyalar banklarning risk olish xulq-atvoriga sezilarli ta’sir ko‘rsatishini ko‘rsatadi. Ularning fikricha, FinTech bank operatsiyalarini diversifikatsiya qiladi va investitsion qarorlarni qayta ko‘rib chiqishni talab etadi [8]. J.Porenta va V.Rant rivojlanish banklari tajribasi asosida investitsiya portfelini diversifikatsiya qilish va risklarni boshqarish strategiyalarini takomillashtirish zarurligini asoslaydi [9]. M.Vrede kapital strukturasi va risk bardoshlilik ko‘rsatkichlari investitsiyalarni jalb qilish samaradorligiga bevosita ta’sir ko‘rsatishini ta’kidlaydi [10]. Qiao va Lyu tijorat banklari orqali jalb qilingan resurslar aktivlar bozoriga ta’sirini tahlil qilib, risklarni monitoring qilish muhimligini ko‘rsatadi [11]. Liang Yixin, Vei Ran va Duan Dingkang esa raqamli moliya rivojlanishi bank barqarorligini oshirish va investitsiya faoliyatini samarali yo‘naltirishga xizmat qilishini asoslaydi [12].

Ushbu adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilish masalasi nazariy va amaliy jihatdan keng o‘rganilgan bo‘lsa-da, rivojlanayotgan iqtisodiyotlar sharoitida ushbu jarayonning o‘ziga xos xususiyatlarini chuqur tadqiq etish zarurati saqlanib qolmoqda. Xorijiy va mahalliy olimlarning ilmiy ishlari bank resurs bazasini diversifikatsiya qilish, kapital bozorini rivojlantirish, risklarni samarali boshqarish hamda institutsional islohotlarni chuqurlashtirish investitsion jarayonlarni jadallashtirishga xizmat qilishini tasdiqlaydi. Shu bilan birga, mavjud tadqiqotlarni umumlashtirish asosida tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirishning yangi mexanizmlarini ishlab chiqish ilmiy va amaliy jihatdan dolzarb vazifa bo‘lib qolmoqda.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur tadqiqotda tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilish jarayonini chuqur tahlil qilish hamda uni takomillashtirish yo‘llarini aniqlash maqsadida kompleks metodologik yondashuv qo‘llanildi. Tadqiqotning nazariy asosini bank faoliyati, investitsiya jarayonlari va moliyaviy vositachilikka oid ilmiy konsepsiyalar tashkil etdi. Ilmiy izlanishda mantiqiy tahlil, taqqoslash, umumlashtirish va tizimli yondashuv usullaridan foydalanildi. Tijorat banklarining moliyaviy investitsiyalarni jalb qilish ko‘rsatkichlari statistik ma’lumotlar asosida o‘rganildi hamda ularning dinamikasi iqtisodiy tahlil usullari orqali baholandi. Shuningdek, amaliy ma’lumotlar asosida banklarning depozit siyosati, qimmatli qog‘ozlar emissiyasi va boshqa moliyaviy instrumentlar orqali resurs jalb qilish mexanizmlari tahlil qilindi. Tadqiqot davomida iqtisodiy jarayonlarning o‘zaro bog‘liqligi va ta’sir darajasi aniqlanib, mavjud muammolar sabab-oqibat aloqalari orqali ochib berildi. Empirik ma’lumotlarni qayta ishlashda grafik va jadval usullaridan foydalanildi. Olingan natijalar asosida tijorat banklarida moliyaviy investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirishga qaratilgan ilmiy xulosalar va amaliy tavsiyalar ishlab

chiqildi.

Tahlil va natijalar

Investisiyalar va boshqa qimmatli qog‘ozlar mamlakat iqtisodiyotining barqaror o‘sishini ta’minlovchi muhim moliyaviy instrumentlardan biri hisoblanadi. Ushbu ko‘rsatkich iqtisodiy resurslarning samarali taqsimlanishi, kapitalning tarmoqlar va hududlar kesimida qayta taqsimlanishi hamda investitsion faollik darajasini aks ettiradi. O‘zbekistonda so‘nggi yillarda investitsiya muhiti izchil yaxshilanib borayotgani, kapital bozorini rivojlantirish bo‘yicha institutsional islohotlar amalga oshirilayotgani natijasida investisiyalar hajmi sezilarli darajada oshmoqda. Xususan, 2024-2026-yillar boshiga bo‘lgan davrda investisiyalar va boshqa qimmatli qog‘ozlar hajmining barqaror o‘sib borishi mamlakatda moliyaviy resurslardan foydalanish samaradorligi ortib borayotganidan dalolat beradi.

Mazkur jarayon O‘zbekiston iqtisodiy o‘sishining mintaqaviy xususiyatlari bilan chambarchas bog‘liqdir. Chunki investitsiyalar hajmining ortishi, avvalo, hududlarda ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish, yangi sanoat zonalarini tashkil etish, infratuzilmani modernizatsiya qilish va xizmatlar sektorini rivojlantirish imkonini beradi. Sanoati rivojlangan hududlar – Toshkent shahri, Toshkent viloyati, Navoiy va Samarqand viloyatlarida investitsion faollik yuqori bo‘lib, bu yerda qimmatli qog‘ozlar bozorining rivojlanishi ham tez sur’atlarda kechmoqda. Shu bilan birga, investitsiyalar oqimining hududlarga kirib borishi iqtisodiy tafovutlarni kamaytirish, yangi ish o‘rinlari yaratish va mahalliy budjetlar daromad bazasini kengaytirishga xizmat qilmoqda. Quyidagi rasmda 2024–2026-yillar boshiga bo‘lgan holatda investisiyalar va boshqa qimmatli qog‘ozlar hajmining o‘zgarish dinamikasini keltirib o‘tamiz (1-rasm):

1-rasm.

Tijorat banklari investisiyalari va boshqa qimmatli qog‘ozlari*



* O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy https://cbu.uz saytidagi ma’lumotlar asosida muallif tomonidan tayyorlandi

Ushbu rasmdagi ma’lumotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, 2024–2026-yillar oralig‘ida investisiyalar va boshqa qimmatli qog‘ozlar hajmi izchil va yuqori sur’atlarda o‘sib borgan. 2024-yil boshida 32 548,3 ni tashkil etgan ko‘rsatkich 2025-yilga kelib deyarli ikki baravarga yaqin oshgan va 59 613,9 ga yetgan. 2026-yil boshida esa bu ko‘rsatkich 102 978,8 ga teng bo‘lib, o‘sish sur’ati yanada tezlashganini ko‘rsatadi. Bu holat mamlakatda kapital bozorining chuqurlashuvi, moliyaviy institutlar faoliyatining kengayishi hamda investorlar ishonchining mustahkamlanishi bilan izohlanadi.

Mintaqaviy jihatdan qaralganda, investitsiyalar hajmining ortishi iqtisodiy o‘sishning hududlar kesimidagi faolligini kuchaytiradi. Sanoatlashgan hududlarda investitsiyalar asosan ishlab chiqarish va yuqori qo‘shilgan qiymat yaratadigan tarmoqlarga yo‘naltirilayotgan bo‘lsa, qishloq xo‘jaligiga ixtisoslashgan viloyatlarda qayta ishlash va logistika infratuzilmasini rivojlantirishga xizmat qilmoqda. Natijada hududlar o‘rtasidagi iqtisodiy tafovutlarni qisqartirish, bandlikni ta’minlash va ichki bozor salohiyatini kengaytirish imkoniyatlari ortmoqda. Shu bilan

birga, qimmatli qog‘ozlar bozorining rivojlanishi mahalliy korxonalar uchun uzoq muddatli moliyaviy manbalarni jalb etish imkonini yaratib, ularning investitsion jozibadorligini oshirmoqda. Ushbu rasmda aks etgan o‘sish dinamikasi O‘zbekistonda iqtisodiy o‘sishning hududiy asoslari mustahkamlanib borayotganini va investitsion siyosat samaradorligi ortayotganini tasdiqlaydi.

Moliyaviy investitsiyalarni jalb qilish bu – tijorat banklari faoliyatining asosiy yo‘nalishlaridan biri bo‘lib, ular orqali banklar o‘z resurs bazasini kengaytiradi, kreditlash faoliyatini rivojlantiradi va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlaydi. Investitsiyalarni jalb qilish jarayoni faqatgina depozitlarni oshirish bilan cheklanmaydi, balki qimmatli qog‘ozlar, moliya vositalari, obligatsiya emissiyasi, leasing va boshqa moliyaviy instrumentlarni o‘z ichiga oladi. Banklar uchun bu jarayon ikki jihatdan muhim: birinchidan, u kapitalni ko‘paytirish va likvidlikni ta’minlashni imkonini beradi; ikkinchidan, mijozlar bilan ishonchli hamkorlikni mustahkamlash va raqobatbardosh xizmatlarni taklif etish imkonini yaratadi.

Investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirish uchun tijorat banklari turli strategiyalarni qo‘llaydi. Bu strategiyalar bankning risklarni boshqarish tizimi, moliyaviy instrumentlar assortimenti, marketing va mijozlar bilan ishlash mexanizmlari bilan chambarchas bog‘liq. Shuningdek, zamonaviy raqamli texnologiyalar va onlayn xizmatlar yordamida banklar investitsiya jalb qilish jarayonini tezlashtiradi va soddalashtiradi. Strategik jihatdan, bu yo‘nalishlarda muvaffaqiyatli bo‘lish bankning bozor pozitsiyasini mustahkamlash, rentabellikni oshirish va iqtisodiy samaradorlikni yaxshilashga yordam beradi. Shu bilan birga, investitsiya jalb qilishning samarali usullari banklar uchun raqobat ustunligini yaratadi, moliyaviy resurslarning oqilona taqsimlanishini ta’minlaydi va mijozlar bilan uzoq muddatli munosabatlarni rivojlantiradi.

Tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirishning asosiy usullarini quyidagilardan iborat (1-jadval):

1-jadval.

Moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish usullari

№	Investitsiyalarni jalb qilish usullari	Amalga joriy qilish usullari
1	Depozitlarni rag‘batlantirish	Yuqori foiz stavkalari, bonus tizimlari va maxsus omonat paketlari orqali mijozlarni jalb qilish
2	Qimmatli qog‘ozlar emissiyasi	Obligatsiyalar va aksiyalar chiqarish orqali moliyaviy resurslarni kengaytirish
3	Kredit mahsulotlarini diversifikatsiya qilish	Turli xil kreditlar va investitsion mahsulotlar orqali mijozlarni jalb qilish
4	Leasing va ijara xizmatlarini taklif etish	Korxonalarga aktivlarni sotib olish o‘rniga ijara orqali foydalanish imkonini yaratish
5	Raqamli moliyaviy xizmatlar	Mobil banking, onlayn platformalar va investitsiya ilovalari orqali tezkor va qulay jalb qilish
6	Marketing va mijozlar bilan ishlash strategiyasi	Reklama kampaniyalari, mijozlarni rag‘batlantirish dasturlari va sodiqlik tizimlari orqali investitsiyalarni oshirish
7	Xalqaro moliya bozorlari bilan integratsiya	Xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va chet el kapitali bilan ishlash imkoniyatlarini kengaytirish

* Muallif tomonidan tayyorlandi

Ushbu jadvaldagi ma’lumotlarni tahlil qilganda, ko‘rinib turibdiki, tijorat banklari investitsiyalarni jalb qilishda ko‘p qirrali yondashuvdan foydalanadi. Depozitlarni rag‘batlantirish eng asosiy usullardan biri bo‘lib, u mijozlarning ishonchini oshirish va resurs bazasini kengaytirish imkonini beradi. Qimmatli qog‘ozlar emissiyasi esa bankning kapitalini oshirish va uzoq muddatli moliyaviy barqarorlikni ta’minlashga xizmat qiladi. Shuningdek, kredit mahsulotlarini diversifikatsiya qilish va leasing xizmatlari orqali banklar mijozlar ehtiyojlarini qondiradi hamda investitsiya oqimini oshiradi. Raqamli moliyaviy xizmatlar zamonaviy davrning talablariga

moslashib, tezkor va qulay jalb qilish imkoniyatini beradi. Marketing strategiyalari va mijozlar bilan ishlash mexanizmlari esa bankning bozordagi raqobatbardoshligini mustahkamlaydi. Xalqaro moliya bozorlari bilan integratsiya banklarga xorijiy kapitalni jalb qilish va global investitsiya imkoniyatlarini kengaytirishga yordam beradi. Shu tarzda, ushbu usullar birgalikda tijorat banklarining investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshiradi va moliyaviy barqarorlikni mustahkamlaydi.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish mamlakatning iqtisodiy barqarorligini ta’minlash va moliya sektorining raqobatbardoshligini oshirishda muhim ahamiyatga ega. Mazkur maqolada banklar tomonidan investitsiyalarni jalb qilish jarayoni, bu jarayonda qo‘llaniladigan asosiy usullar, ilmiy yondashuvlar va amaliy ko‘rsatkichlar tahlil qilindi. Tahlil natijalariga ko‘ra, depozitlarni rag‘batlantirish, qimmatli qog‘ozlar emissiyasi, kredit mahsulotlarini diversifikatsiya qilish, leasing va raqamli moliyaviy xizmatlar, shuningdek marketing strategiyalari va mijozlar bilan ishlash mexanizmlari banklarning investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi. Banklar ushbu yo‘nalishlarni samarali qo‘llash orqali moliyaviy resurslarni ko‘paytirishi, raqobatbardoshlikni mustahkamlashi va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashi mumkin.

Mavzuga doir o‘rganilgan manbalar va tahlil asosida quyidagi takliflarni keltirib o‘tamiz:

✓ Yagona metodologik yondashuvni ishlab chiqish. Banklar investitsiyalarni jalb qilishning milliy sharoitga mos yagona indikatorlar tizimini ishlab chiqishi va uni tahlil jarayonida qo‘llashi lozim.

✓ Ma’lumotlar bazasini kengaytirish. Banklar faoliyati, depozitlar, qimmatli qog‘ozlar va boshqa moliyaviy instrumentlar bo‘yicha ma’lumotlarni to‘plash, ularni tizimli tarzda qayta ishlash va ochiq formatda taqdim etish chora-tadbirlari ko‘rilishi kerak.

✓ Kompleks baholash yondashuvini joriy etish. Investitsiyalarni jalb qilishning turli yo‘nalishlarini birgalikda tahlil qiluvchi ko‘p omilli baholash usullarini ishlab chiqish zarur. Bu yondashuv strategik qarorlar qabul qilishda asos bo‘ladi.

✓ Xalqaro tajribalarni o‘rganish va tatbiq etish. Xorijiy moliya bozorlari va investitsiya tizimlaridagi ilg‘or usullarni o‘z sharoitimizga moslashtirish samarali natijalar beradi.

✓ Raqamli texnologiyalarni keng joriy etish. Big Data, sun’iy intellekt va moliyaviy modellar yordamida investitsiyalarni jalb qilish jarayonini tezlashtirish, aniqroq va ishonchli natijalarga erishish mumkin.

✓ Risklarni boshqarish tizimini takomillashtirish. Banklarning investitsiya jalb qilish strategiyasini ishlab chiqishda risklarni baholash va monitoring mexanizmlarini kuchaytirish zarur.

✓ Marketing va mijozlar bilan ishlash strategiyalarini takomillashtirish. Reklama kampaniyalari, sodiqlik dasturlari va mijozlarni rag‘batlantirish tizimlari investitsiyalarni samarali jalb qilishga xizmat qiladi.

Tijorat banklarida moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish moliyaviy resurslarni samarali boshqarish, raqobatbardoshlikni oshirish va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda muhim vositadir. Banklar ushbu yo‘nalishda tizimli yondashuv va ilmiy asoslangan qarorlar qabul qilish orqali mamlakat iqtisodiyotining investitsion salohiyatini oshirishga hissa qo‘shadi. Shu bois, investitsiyalarni jalb qilish usullarini takomillashtirish, strategiyalarni modernizatsiya qilish va zamonaviy texnologiyalarni tatbiq etish dolzarb ilmiy va amaliy vazifa hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sobirovna E.N. Tijorat banklarining investision kredit qo‘yilmalari hajmiga ta’sir qiluvchi omillar // Toshkent iqtisodiyot va pedagogika instituti ilmiy metodik jurnali. 2024.

2. Yuldashev F.T.. Tijorat banklari tomonidan moliyaviy investitsiyalarni jalb qilishni

takomillashtirish. (PhD ilmiy darajasi dissertatsiyasi). – T.: Toshkent moliya instituti, 2023. 156 bet.

3. Ibragimov G‘.G‘. Xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda moliyaviy bozor mexanizmlarini takomillashtirish masalalari // “Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali. 2026-yil, yanvar. №1-son.

4. Артакшинова В.С. Домников Алексей Юрьевич. Правовое регулирование инвестиции в деятельности коммерческого банка // Финансы и кредит: приоритеты и векторы движения. 2022. С. 1052–1056.

5. Байбеков И.Р. Формирование облигационных портфелей коммерческими банками на российском биржевом рынке: 08.00.10 — «Финансы, денежное обращение и кредит» канд. экон. наук дисс. автореф. – Саратов, 2015.

6. Тимофеева А.А. Инвестиционная деятельность коммерческих банков на российском рынке ценных бумаг: Дис.. .. канд. экон. наук: 08.00.10 – «Финансы, денежное обращение и кредит»: Москва, 2014.

7. Mamaraimova R.R. Ways to Develop Investment Activities of Commercial Banks in the Process of Transformation // European Journal of Business Startups and Open Society. Vol. 5 No. 3, March 2025. P. 40–45.

8. Chengyou Li, Yuxin Li, Yun Xu, Guanglin Sun. Research on the impact of financial technology on risk-taking of commercial banks // Research in International Business and Finance. Vol. 76(C), Elsevier, 2025. DOI: 10.1016/j.ribaf.2025.102804.

9. Jan Porenta, Vasja Rant. Development banks: Distinctiveness and heterogeneity of financial performance // International Review of Economics & Finance. Vol. 104(C), Elsevier, 2025.

10. Matthias Wrede. The impact of the equity ratio on membership in cooperative banks during the financial crisis // International Review of Economics & Finance. Vol. 104(C), Elsevier, 2025.

11. Qiao J., Lyu J. Unveiling the role of city commercial banks in influencing land financialization: Evidence from China // Structural Change and Economic Dynamics. Vol. 72, March 2025. Pp. 467–481.

12. Liang Yixin, Wei Ran, Duan Dingkang. Digital financial development and commercial bank stability // International Review of Economics & Finance. Vol. 97 (C), Elsevier, 2025.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

SUG‘URTA KOMPANIYALARNING BUXGALTERI BALANS KO‘RSATKICHLARINING GORIZONTAL VA VERTIKAL TAHLILI

Alimov Baxodir Batirovich
O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Biznes va tadbirkorlik oliy maktabining “Loyiha boshqaruvi” kafedrasi professori v.b., PhD
E-mail: bakhodir.alimov.84@gmail.com
ORCID: 0009-0001-7356-3192

Annotatsiya. *Mazkur maqolada sug‘urta kompaniyalarining buxgalteriya balansi ko‘rsatkichlarini gorizontal va vertikal tahlil qilishning nazariy-uslubiy asoslari yoritilgan. Tadqiqotda sug‘urta tashkilotlari moliyaviy barqarorligi, aktivlar va majburiyatlar tuzilmasi, kapital yetarliligi hamda sug‘urta zaxiralarining o‘zgarish dinamikasi tahlil qilindi. Natijalar sug‘urta kompaniyalarida aktivlar tarkibida investitsiya aktivlari va sug‘urta zaxiralari ulushi ustun ekanligini, gorizontal tahlil esa sof aktivlar o‘sish sur’atlari va majburiyatlar dinamikasini aniqlashda muhim ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatdi.*

Kalit so‘zlar: *sug‘urta kompaniyasi, buxgalteriya balansi, gorizontal tahlil, vertikal tahlil, moliyaviy barqarorlik, sug‘urta zaxiralari, kapital yetarliligi, likvidlilik.*

ГОРИЗОНТАЛЬНЫЙ И ВЕРТИКАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ БУХГАЛТЕРСКОГО БАЛАНСА СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ

Алимов Баходир Батирович
доктор философии (PhD) по экономическим наукам
профессор кафедра “Управления проектами”
Высшая школа бизнеса и предпринимательства при Кабинете Министров Республики Узбекистан
E-mail: bakhodir.alimov.84@gmail.com
ORCID: 0009-0001-7356-3192

Аннотация. *В данной статье раскрываются теоретико-методологические основы горизонтального и вертикального анализа показателей бухгалтерского баланса страховых компаний. В исследовании проанализированы финансовая устойчивость страховых организаций, структура активов и обязательств, достаточность капитала, а также динамика изменения страховых резервов. Результаты показали, что в структуре активов страховых компаний преобладают инвестиционные активы и страховые резервы, а горизонтальный анализ имеет важное значение для определения темпов роста чистых активов и динамики обязательств.*

Ключевые слова: *страховая компания, бухгалтерский баланс, горизонтальный анализ, вертикальный анализ, финансовая устойчивость, страховые резервы, достаточность капитала, ликвидность.*

HORIZONTAL AND VERTICAL ANALYSIS OF ACCOUNTING BALANCE SHEET INDICATORS OF INSURANCE COMPANIES

Alimov Bakhodir Batirovich
Professor of the Department of Project Management of the Graduate School of Business and Entrepreneurship under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan
E-mail: bakhodir.alimov.84@gmail.com
ORCID: 0009-0001-7356-3192

Abstract. *This article examines the theoretical and methodological foundations of horizontal and vertical analysis of accounting balance sheet indicators of insurance companies. The study analyzes the financial stability of insurance organizations, the structure of assets and liabilities, capital adequacy, and the dynamics of insurance reserves. The results indicate that investment assets and insurance reserves dominate the asset structure of insurance companies, while horizontal analysis plays a significant role in determining the growth rate of net assets and the dynamics of liabilities.*

Keywords: *insurance company, balance sheet, horizontal analysis, vertical analysis, financial stability, insurance reserves, capital adequacy, liquidity.*

Kirish

Zamonaviy iqtisodiyot sharoitida sug‘urta bozori moliya tizimining ajralmas tarkibiy qismi sifatida makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash, investitsion jarayonlarni qo‘llab-quvvatlash hamda xo‘jalik yurituvchi subyektlar va aholi daromadlarini risklardan himoya qilishda muhim rol o‘ynaydi. O‘zbekiston Respublikasida moliya bozorini liberallashtirish, sug‘urta xizmatlari ko‘lamini kengaytirish va xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga moslashish jarayonlari jadallashib borayotgan bir paytda sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini chuqur tahlil qilish zarurati ortib bormoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan moliya sektorida shaffoflik va prudensial nazorat mexanizmlarini kuchaytirishga qaratilgan islohotlar sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy hisobot ko‘rsatkichlarini yanada mukammal tahlil qilishni talab etmoqda.

Sug‘urta kompaniyalari faoliyatining o‘ziga xosligi shundaki, ular jalb qilingan sug‘urta mukofotlari evaziga katta hajmdagi majburiyatlarni (sug‘urta zaxiralari) shakllantiradi va ushbu mablag‘larni investitsiya qilish orqali daromad oladi. Demak, ularning moliyaviy barqarorligi bir vaqtning o‘zida ham majburiyatlar yetarliligiga, ham aktivlar sifati va likvidligiga bog‘liqdir. Bunday murakkab moliyaviy tuzilma sharoitida buxgalteriya balansi ko‘rsatkichlarini oddiy ko‘rinishda baholash yetarli emas; balki ularni tizimli ravishda gorizontal va vertikal tahlil qilish orqali dinamik va tarkibiy o‘zgarishlarni aniqlash talab etiladi.

Maqola mavzusining dolzarbligi, avvalo, quyidagi omillar bilan belgilanadi:

Birinchidan, sug‘urta bozori hajmining o‘sishi bilan birga kompaniyalar zimmasidagi risk majburiyatlari ham ortmoqda. Bu esa sug‘urta zaxiralari, qayta sug‘urtalash majburiyatlari va kapital yetarliligi ko‘rsatkichlarini chuqur monitoring qilishni talab etadi. Gorizontal tahlil ushbu ko‘rsatkichlarning vaqt bo‘yicha o‘zgarish tendensiyasini aniqlash imkonini beradi.

Ikkinchidan, sug‘urta kompaniyalarining aktivlari tarkibida investitsiya qo‘yilmalari katta ulushni tashkil etadi. Investitsiya portfelining tarkibiy o‘zgarishi kompaniya likvidligi va rentabelligiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Vertikal tahlil orqali aktivlar tarkibidagi asosiy elementlarning balansdagi ulushi aniqlanib, moliyaviy strategiya samaradorligi baholanadi.

Uchinchidan, xalqaro amaliyotda moliyaviy hisobotlarni tahlil qilishning zamonaviy yondashuvlari, xususan, International Financial Reporting Standards Foundation tomonidan ishlab chiqilgan standartlar asosida sug‘urta shartnomalarini hisobga olish tartibining yangilanishi (IFRS 17) sug‘urta kompaniyalari balans tuzilmasida sezilarli o‘zgarishlarni keltirib chiqarmoqda. Bu esa balans ko‘rsatkichlarini qayta ko‘rib chiqish va yangi metodologik yondashuvlarni qo‘llashni taqozo etadi.

To‘rtinchidan, sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligi nafaqat investorlar va kreditorlar, balki davlat nazorat organlari hamda sug‘urtalanuvchilar manfaatlari uchun ham muhimdir. Balans ko‘rsatkichlarining yetarli darajada tahlil qilinmasligi noto‘g‘ri boshqaruv qarorlariga, likvidlik inqiroziga yoki to‘lov qobiliyati pasayishiga olib kelishi mumkin.

Shu nuqtai nazardan, sug‘urta kompaniyalarining buxgalteriya balansi ko‘rsatkichlarini gorizontal va vertikal tahlil qilish mavzusi nafaqat nazariy, balki amaliy jihatdan ham dolzarb hisoblanadi. Mazkur tahlil usullari: moliyaviy o‘sish sur’atlarini aniqlash; aktiv va majburiyatlar tarkibiy nisbatini baholash; kapital yetarliligi darajasini aniqlash; sug‘urta zaxiralari dinamikasini

monitoring qilish; investitsiya siyosati samaradorligini baholash imkonini beradi. Shuningdek, ushbu maqola mavzusining zarurati sug‘urta kompaniyalarida korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish, risklarni boshqarish mexanizmlarini kuchaytirish va moliyaviy hisobotlarning shaffofligini oshirish bilan ham bog‘liqdir. Balans tahlilining chuqurlashtirilgan usullarini qo‘llash orqali sug‘urta kompaniyalarining uzoq muddatli barqarorligi va raqobatbardoshligini ta’minlash mumkin. Sug‘urta kompaniyalari buxgalteriya balansi ko‘rsatkichlarini gorizontal va vertikal tahlil qilish bo‘yicha ilmiy tadqiqot olib borish hozirgi bosqichda moliya sektori barqarorligini mustahkamlash, prudensial nazoratni takomillashtirish hamda xalqaro standartlarga mos moliyaviy boshqaruv mexanizmlarini shakllantirish nuqtai nazaridan muhim ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar sharhi

Xalqaro amaliyotda sug‘urta kompaniyalari moliyaviy hisobotlari International Financial Reporting Standards Foundation tomonidan ishlab chiqilgan MHXS (IFRS) asosida yuritiladi. Xususan, IFRS 17 “Insurance Contracts” standarti sug‘urta shartnomalarini hisobga olishda yangi yondashuvni belgilab berdi.

Xorijlik olimlar sug‘urta kompaniyalarning buxgalteri balans ko‘rsatkichlarining gorizontal va vertikal tahliliga keltirgan ta’rif va qarashlari:

Eugene F. Brigham [1] moliyaviy tahlilni “korxonaning moliyaviy holatini vaqt va tarkibiy nisbatlar kesimida baholash vositasi” sifatida ta’riflaydi. Uning fikricha, gorizontal tahlil moliyaviy ko‘rsatkichlarning o‘sish sur’atlarini aniqlash orqali kompaniya rivojlanish trendini ko‘rsatadi, vertikal tahlil esa aktiv va majburiyatlar tuzilmasidagi nisbatlarni ochib beradi. Sug‘urta kompaniyalari uchun bu usullar sug‘urta zaxiralari va investitsiya portfelining barqarorligini aniqlashda muhimdir.

Stephen A. Ross [2] korporativ moliyaviy boshqaruv doirasida balansni “moliyaviy barqarorlikning strukturaviy modeli” sifatida ko‘rib chiqadi. Unga ko‘ra, vertikal tahlil kapital tuzilmasini baholashda, gorizontal tahlil esa risk majburiyatlarining dinamikasini aniqlashda samarali vositadir. Sug‘urta kompaniyalarida ayniqsa majburiyatlar ulushining o‘sishi to‘lov qobiliyatiga ta’sir ko‘rsatadi.

Karel Van Hulle [3] Yevropa sug‘urta sektorida moliyaviy hisobotlarni uyg‘unlashtirish masalalarini o‘rganar ekan, sug‘urta kompaniyalari balansida zaxiralar va kapital yetarliligi o‘rtasidagi nisbatni asosiy barqarorlik indikatori sifatida belgilaydi. Uning ta’kidlashicha, vertikal tahlil sug‘urta majburiyatlari ulushini aniqlashda asosiy metod hisoblanadi.

Harold D. Skipper [4] sug‘urta iqtisodiyoti doirasida moliyaviy tahlilni risklarni boshqarish tizimining tarkibiy qismi sifatida talqin qiladi. U sug‘urta kompaniyalarining balans ko‘rsatkichlarini gorizontal tahlil qilish orqali sug‘urta portfeli o‘sishi va risk kontsentratsiyasini aniqlash mumkinligini asoslaydi.

Peter S. Rose [5] moliyaviy institutlar faoliyatini tahlil qilishda aktiv va majburiyatlar tuzilmasining dinamik tahliliga urg‘u beradi. Uning fikricha, sug‘urta kompaniyalarida vertikal tahlil investitsiya aktivlari va sug‘urta zaxiralari nisbatini aniqlash orqali likvidlik darajasini baholash imkonini beradi.

Rossiya va Yevropa iqtisodiy maktabi olimlari sug‘urta kompaniyalarida balans tahlilining quyidagi yo‘nalishlarini ajratadi: aktivlar likvidlilik darajasi; sug‘urta zaxiralari yetarliligi; kapital barqarorligi; investitsiya portfeli tuzilmasi.

O‘zbekistonlik iqtisodchi olimlar sug‘urta kompaniyalarning buxgalteri balans ko‘rsatkichlarining gorizontal va vertikal tahliliga keltirgan ta’rif va qarashlari:

R.D. Dusmuratov [6] buxgalteriya balansini iqtisodiy tahlil qilishda tizimli yondashuvni taklif etadi. Uning fikricha, gorizontal tahlil ko‘rsatkichlarning vaqt bo‘yicha o‘zgarishini, vertikal tahlil esa ichki tarkibiy nisbatlarni aniqlaydi va sug‘urta kompaniyalarida moliyaviy risklarni baholashda muhim ahamiyat kasb etadi.

A.V. Vahobov [7] moliyaviy tahlil metodologiyasini takomillashtirish zarurligini

ta’kidlab, sug‘urta kompaniyalari uchun aktivlar sifati va majburiyatlar barqarorligini kompleks baholash tizimini taklif etadi. Uning qarashlarida gorizontal va vertikal tahlil integratsiyasi asosiy o‘rin tutadi.

Sh.Sh. Shoalimov [8] balans tahlilini korxona likvidligi va to‘lov qobiliyatini aniqlashning muhim bosqichi sifatida ko‘rsatadi. Unga ko‘ra, gorizontal tahlil iqtisodiy o‘sish omillarini aniqlashga xizmat qiladi, vertikal tahlil esa aktivlar tarkibining samaradorligini baholaydi.

O‘zbekistonlik iqtisodchi olimlar tomonidan sug‘urta kompaniyalarida moliyaviy barqarorlikni baholashda:

- to‘lov qobiliyati koeffitsientlari;
- sug‘urta zaxiralari va o‘z mablag‘lari nisbati;
- qisqa muddatli majburiyatlarni qoplash darajasi kabi ko‘rsatkichlarga e’tibor qaratilgan.

Biroq amaliyot shuni ko‘rsatadiki, gorizontal va vertikal tahlil metodlari sug‘urta kompaniyalari balansini chuqur baholashda yetarlicha qo‘llanilmayapti.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur ilmiy maqolada sug‘urta kompaniyalarining buxgalteriya balansi ko‘rsatkichlarini gorizontal va vertikal tahlil qilishning nazariy-uslubiy asoslarini ishlab chiqish hamda amaliy baholash mexanizmlarini takomillashtirish maqsadida kompleks metodologik yondashuv qo‘llanildi. Tadqiqot metodologiyasi bir-birini to‘ldiruvchi bir necha bosqichlardan iborat bo‘lib, ular nazariy, empirik va analitik usullarni o‘z ichiga oladi.

Tadqiqot quyidagi ilmiy yondashuvlarga tayangan holda olib borildi:

Tizimli yondashuv – sug‘urta kompaniyasi balansini yagona moliyaviy tizim sifatida ko‘rib chiqish, unda aktivlar, majburiyatlar va kapital o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni aniqlash.

Kompleks yondashuv – gorizontal va vertikal tahlilni moliyaviy koeffitsientlar, likvidlik va kapital yetarliligi ko‘rsatkichlari bilan uyg‘un holda qo‘llash.

Dinamik tahlil yondashuvi – ko‘rsatkichlarning vaqt davomida o‘zgarish tendensiyalarini aniqlash.

Taqqoslama yondashuv – bir necha yil kesimida yoki turli sug‘urta kompaniyalari ko‘rsatkichlarini solishtirish.

Tadqiqotda quyidagi axborot manbalaridan foydalanildi: sug‘urta kompaniyalarining 3-5 yillik moliyaviy hisobotlari; buxgalteriya balansi (1-shakl); moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobot; sug‘urta zaxiralari to‘g‘risidagi ma’lumotlar; xalqaro moliyaviy hisobot standartlari (IFRS) talablari. Ma’lumotlar vaqt qatori (time-series) ko‘rinishida shakllantirilib, bazis va hisobot yillari kesimida tahlil qilindi.

Gorizontal tahlil metodikasi. Gorizontal tahlil balans moddalari miqdorining vaqt davomida o‘zgarishini aniqlashga qaratilgan. Ushbu metod yordamida mutlaq va nisbiy o‘zgarishlar hisoblandi.

Mutlaq o‘zgarish formulasi:

$$\Delta B = B_t - B_{t-1}$$

bu yerda:

B_t – joriy yil ko‘rsatkichi,

B_{t-1} – bazis yil ko‘rsatkichi.

Nisbiy o‘zgarish (o‘sish sur’ati):

$$O'sish\ sur'ati = \frac{B_t}{B_{t-1}} * 100\%$$

Gorizontal tahlil orqali quyidagilar baholandi:

- jami aktivlar o‘sish dinamikasi;
- sug‘urta zaxiralari o‘zgarishi;
- qisqa va uzoq muddatli majburiyatlar tendensiyasi;
- o‘z kapitali o‘sish sur’ati;

- investitsiya aktivlari hajmi o‘zgarishi.

Bu usul sug‘urta kompaniyasining kengayish yoki qisqarish jarayonlarini aniqlash imkonini beradi.

Vertikal tahlil metodikasi. Vertikal tahlil balans tarkibini baholashga qaratilgan bo‘lib, har bir moddaning umumiy balansdagi ulushi aniqlanadi.

Hisoblash formulasi:

$$Ulush = \frac{Balans\ moddasi}{Balans\ jami} * 100\%$$

Vertikal tahlil quyidagi yo‘nalishlarda amalga oshirildi:

- aktivlar tarkibida asosiy vositalar, moliyaviy investitsiyalar va pul mablag‘lari ulushi;
- majburiyatlar tarkibida sug‘urta zaxiralari ulushi;
- kapitalning umumiy balansdagi salmog‘i;
- qisqa va uzoq muddatli majburiyatlar nisbatlari.

Bu metod sug‘urta kompaniyasining moliyaviy tuzilmasini va kapital strukturasini baholash imkonini beradi.

Gorizontal va vertikal tahlil natijalarini chuqurlashtirish maqsadida quyidagi usullar ham qo‘llanildi: koeffitsient tahlili (moliyaviy mustaqillik koeffitsienti, qarzdorlik darajasi, likvidlik koeffitsientlari, kapital yetarliligi ko‘rsatkichi), trend tahlili (3-5 yillik davr bo‘yicha regressiya asosida umumiy rivojlanish tendensiyasi aniqlanadi), strukturaviy-dinamik model (balans moddalari o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni aniqlash maqsadida strukturaviy tahlil qo‘llanildi).

1-rasm.

Sug‘urta kompaniyalarining gorizontal va vertikal tahlil qilishda tadqiqot bosqichlari*

TADQIQOT BOSQICHLARI

1-bosqich – Nazariy manbalarni o‘rganish va metodologik asoslarni shakllantirish;

2-bosqich – Sug‘urta kompaniyalari balans ma’lumotlarini yig‘ish va tizimlashtirish;

3-bosqich – Gorizontal va vertikal tahlilni amalga oshirish;

4-bosqich – Natijalarni umumlashtirish va moliyaviy barqarorlikni baholash;

5-bosqich – Ilmiy xulosa va amaliy takliflar ishlab chiqish.

* Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Metodologiyaning ilmiy ahamiyati. Mazkur metodologiya sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorlik darajasini aniqlash, kapital strukturasining optimal nisbatini baholash, risk majburiyatlari dinamikasini kuzatish, investitsiya siyosati samaradorligini aniqlash, to‘lov qobiliyatini monitoring qilish imkonini beradi.

Ishlab chiqilgan metodik yondashuv sug‘urta kompaniyalarida ichki audit tizimini takomillashtirish, prudensial nazorat organlari uchun monitoring mexanizmini kuchaytirish, investorlar va kreditorlar uchun tahliliy axborot bazasini shakllantirish, moliyaviy risklarni erta aniqlash uchun xizmat qiladi.

1-jadval

Sug‘urta kompaniyaining gorizontal tahlil natijalari*

№	Ko‘rsatkich	Yillar			
		2022 (mlrd so‘m)	2023	2024	O‘sish 2024/2022 (%)
1.	Jami aktivlar	500	620	780	56 %
2.	Sug‘urta zaxiralari	280	350	460	64 %
3.	O‘z kapitali	120	150	190	58 %

* Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Tahlil shuni ko‘rsatadiki aktivlar 56 % ga o‘sgan, sug‘urta zaxiralari 64 % ga oshgan, kapital o‘sishi barqaror sur’atda davom etgan. Bu sug‘urta portfeli kengaygani va risk majburiyatlari ortganini bildiradi.

Tadqiqotning mazkur bosqichida sug‘urta kompaniyasi balans ko‘rsatkichlari gorizontal va vertikal tahlil asosida baholandi. Amaliy misol sifatida O‘zbekinvest Eksport-Import Sug‘urta Kompaniyasi AJ moliyaviy hisobotlari (2021-2023 yillar kesimida) asosida umumlashtirilgan ko‘rsatkichlar tahlil qilindi.

2-jadval

“O‘zbekinvest” AJ sug‘urta kompaniyasining gorizontal tahlil natijalari*

№	Ko‘rsatkich	Yillar			
		2021 (mlrd so‘m)	2022	2023	O‘sish 2023/2021 (%)
1.	Jami aktivlar	1 850	2 140	2 620	+ 41,6 %
2.	Sug‘urta zaxiralari	980	1 150	1 430	+ 45,9 %
3.	O‘z kapitali	520	610	740	+ 42,3 %
4.	Investitsiya aktivlari	1 200	1 420	1 780	+ 48,3 %

* Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Gorizontal tahlil natijalari: jami aktivlar 41,6 % ga oshgan, bu kompaniya faoliyat hajmining kengayganini ko‘rsatadi; sug‘urta zaxiralari 45,9 % ga o‘sgan, bu sug‘urta portfeli kengaygani va risk majburiyatlari ortganini bildiradi; investitsiya aktivlari 48,3 % ga oshgan, bu sug‘urta mukofotlarining samarali joylashtirilayotganini ko‘rsatadi; kapitalning 42 % ga o‘sishi kompaniyaning moliyaviy mustaqilligini mustahkamlagan. Gorizontal tahlil natijalariga ko‘ra aktivlar o‘sish sur’ati majburiyatlar o‘sishidan biroz yuqori, kapitalning barqaror o‘sishi to‘lov qobiliyatining ijobiy tendensiyasini ko‘rsatadi, sug‘urta zaxiralari o‘sishi kompaniya zimmasidagi risklarning ortib borayotganini bildiradi, bu esa prudensial nazoratni kuchaytirishni talab etadi.

3-jadval

Sug‘urta kompaniyaining vertikal tahlil natijalari*

№	Ko‘rsatkich	Miqdor	Ulushi (%)
1.	Investitsiya aktivlari	420	53,8
2.	Sug‘urta zaxiralari	460	59,0
3.	O‘z kapitali	190	24,4

* Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Vertikal tahlil natijalariga ko‘ra sug‘urta kompaniyasi majburiyatlarida zaxiralar ulushi yuqori, aktivlar tarkibida investitsiya aktivlari asosiy o‘rinni egallaydi, kapital yetarliligi ijobiy tendensiyada.

Sug‘urta kompaniyalari balansining o‘ziga xos jihatlari quyidagilardan iborat:

- sug‘urta zaxiralari ustunligi – majburiyatlarning asosiy qismini tashkil etadi;
- investitsiya faoliyati yuqoriligi – aktivlar tarkibida moliyaviy qo‘yilmalar katta ulushga ega;
- kapital yetarliligi talabi – sug‘urta risklarini qoplash uchun muhim.

Gorizontal tahlil kompaniya rivojlanish dinamikasini ko‘rsatsa, vertikal tahlil moliyaviy tuzilmani baholash imkonini beradi. Ushbu ikki metodni birgalikda qo‘llash sug‘urta

kompaniyalarining real moliyaviy barqarorligini aniqlashda samarali hisoblanadi.

4-jadval

“O‘zbekinvest” AJ sug‘urta kompaniyasining vertikal tahlil natijalari*

№	Ko‘rsatkich	Miqdor (mlrd so‘m)	Ulushi (%)
1.	Investitsiya aktivlari	1 780	67,9 %
2.	Pul mablag‘lari	310	11,8 %
3.	Boshqa aktivlar	530	20,3 %
4.	Sug‘urta zaxiralari	1 430	54,6 %
5.	Boshqa majburiyatlar	450	17,2 %
6.	O‘z kapitali	740	28,2 %

* Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Vertikal tahlil natijalari: aktivlar tarkibida investitsiya aktivlari 67,9 % ni tashkil etadi – bu sug‘urta kompaniyalari faoliyatining investitsion xarakterini tasdiqlaydi; sug‘urta zaxiralari majburiyatlarning asosiy qismini (54,6 %) egallaydi, bu kompaniyaning asosiy majburiyati sug‘urta to‘lovlari bilan bog‘liqligini ko‘rsatadi; o‘z kapitali ulushi 28,2 %, bu moliyaviy mustaqillik darajasi yetarli ekanini bildiradi; qisqa muddatli likvid aktivlar ulushi (pul mablag‘lari) 11–12 % atrofida bo‘lib, operativ to‘lovlar uchun yetarli darajada shakllangan.

5-jadval

“O‘zbekinvest” AJ sug‘urta kompaniyasining moliyaviy koeffitsientlar tahlili*

№	Ko‘rsatkich	Yillar			
		2021	2022	2023	Me’yor
1.	Moliyaviy mustaqillik koeff.	0,28	0,29	0,28	≥0,25
2.	Qarzdorlik darajasi	0,72	0,71	0,72	≤0,75
3.	Kapital yetarliligi	1,15	1,18	1,20	≥1

* Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Natijalar shuni ko‘rsatadiki:

- kompaniya kapital yetarliligi talablariga javob beradi;
- qarzdorlik darajasi me’yor doirasida;
- moliyaviy mustaqillik barqaror saqlanmoqda.

Strukturaviy-dinamik baholash. Gorizontal va vertikal tahlilni birlashtirgan holda quyidagi xulosalar shakllantirildi:

Moliyaviy barqarorlik - kapitalning umumiy balansdagi ulushi 27-29 % oralig‘ida saqlanmoqda, bu kompaniyaning moliyaviy mustaqilligi yetarli darajada ekanini ko‘rsatadi;

Risk majburiyatlari - sug‘urta zaxiralari hajmining o‘sishi sug‘urta shartnomalari soni ortganini bildiradi. Shu bilan birga, zaxiralar o‘sish sur’ati aktivlar o‘sish sur’atiga yaqin bo‘lib, bu risk va aktivlar o‘rtasida muvozanat mavjudligini anglatadi;

Investitsiya siyosati - investitsiya aktivlari ulushining yuqoriligi kompaniyaning daromad shakllantirish strategiyasini ko‘rsatadi. Biroq investitsiya portfelining diversifikatsiyasi risklarni kamaytirish uchun muhim hisoblanadi.

Tahlil natijasida quyidagilar aniqlandi:

- “O‘zbekinvest” AJ aktivlar hajmi barqaror o‘sish tendensiyasiga ega;
- sug‘urta zaxiralari o‘sishi kompaniyaning bozordagi faolligini aks ettiradi;
- kapital yetarliligi ko‘rsatkichlari prudensial me’yorlarga mos keladi;
- balans tuzilmasida investitsiya aktivlari ustunlik qiladi;
- gorizontal va vertikal tahlil integratsiyasi moliyaviy barqarorlikni kompleks baholash imkonini beradi.

Xulosa

Mazkur ilmiy tadqiqotda sug‘urta kompaniyalarining buxgalteriya balansi ko‘rsatkichlarini gorizontal va vertikal tahlil qilishning nazariy-uslubiy asoslari ishlab chiqildi

hamda amaliy jihatdan O‘zbekinvest Eksport-Import Sug‘urta Kompaniyasi AJ misolida baholandi. Olingan natijalar sug‘urta kompaniyalarida moliyaviy barqarorlikni aniqlashda balans tahlilining muhim ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatdi.

Sug‘urta kompaniyalari faoliyatining o‘ziga xos jihati – katta hajmdagi sug‘urta zaxiralari shakllantirilishi va ularning investitsiya faoliyati bilan chambarchas bog‘liqligidir. Shu bois, balans ko‘rsatkichlarini faqat statik ko‘rinishda baholash yetarli emas; ularni vaqt kesimida (gorizontal) va tarkibiy jihatdan (vertikal) tahlil qilish moliyaviy xavfsizlik darajasini aniqroq ifodalaydi.

Tadqiqot davomida aktivlar va majburiyatlar o‘sish dinamikasi, kapital yetarliligi, sug‘urta zaxiralari ulushi hamda investitsiya aktivlari tarkibi chuqur o‘rganildi. Natijalar shuni ko‘rsatdiki, sug‘urta kompaniyasida aktivlar va kapital barqaror o‘sish tendensiyasiga ega bo‘lib, majburiyatlar tarkibida sug‘urta zaxiralari asosiy ulushni egallaydi. Bu sug‘urta risklari bilan bog‘liq moliyaviy majburiyatlarning ustuvorligini bildiradi.

Gorizontal tahlil kompaniya rivojlanish sur’atlarini aniqlashga, vertikal tahlil esa moliyaviy tuzilmaning optimal nisbatini baholashga imkon berdi. Ushbu ikki metodning integratsiyalashgan qo‘llanilishi sug‘urta kompaniyasining real moliyaviy holatini yanada aniqroq aks ettiradi.

Tadqiqot natijalariga asoslanib quyidagi asosiy xulosalar shakllantirildi:

1. Sug‘urta kompaniyalarining balansida sug‘urta zaxiralari majburiyatlarning eng katta qismini tashkil etadi va ularning o‘sish sur’ati kompaniya risk portfeli kengayishini aks ettiradi.
2. Aktivlar tarkibida investitsiya aktivlarining yuqori ulushi sug‘urta kompaniyasining daromad shakllantirish strategiyasini belgilovchi asosiy omil hisoblanadi.
3. Gorizontal tahlil kompaniyaning moliyaviy rivojlanish dinamikasini aniqlashda samarali usul bo‘lib, kapital va aktivlar o‘sish sur’atlarini baholash imkonini beradi.
4. Vertikal tahlil balans tuzilmasini baholash orqali moliyaviy mustaqillik va qarzdorlik darajasini aniqlashga xizmat qiladi.
5. Gorizontal va vertikal tahlilni birgalikda qo‘llash sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini kompleks baholash imkonini beruvchi integratsiyalashgan mexanizmni shakllantiradi.

Sug‘urta kompaniyalari moliyaviy boshqaruvini takomillashtirish hamda balans ko‘rsatkichlarini samarali monitoring qilish maqsadida quyidagi amaliy takliflar ishlab chiqildi:

1. Sug‘urta kompaniyalarida balans ko‘rsatkichlarini har chorakda gorizontal va vertikal tahlil asosida monitoring qilish tizimini joriy etish lozim. Bu moliyaviy o‘zgarishlarni erta aniqlash imkonini beradi.
2. Sug‘urta zaxiralari yetarliligini baholashda stress-test va ssenariy tahlili usullarini qo‘llash tavsiya etiladi. Bu kutilmagan risklar sharoitida to‘lov qobiliyatini saqlab qolishga xizmat qiladi.
3. Investitsiya portfelini diversifikatsiya qilish orqali aktivlar risk darajasini pasaytirish zarur. Investitsiya aktivlari tarkibini muntazam vertikal tahlil qilish bu jarayonda muhim ahamiyat kasb etadi.
4. Kapital yetarliligi ko‘rsatkichlarini xalqaro prudensial talablar darajasida monitoring qilish hamda o‘z mablag‘lari ulushini bosqichma-bosqich oshirish tavsiya etiladi.
5. Balans tahlilini avtomatlashtirilgan raqamli platformalar asosida amalga oshirish orqali tezkor va aniq boshqaruv qarorlarini qabul qilish mexanizmini takomillashtirish zarur.

Shunday qilib, sug‘urta kompaniyalarining buxgalteriya balansi ko‘rsatkichlarini gorizontal va vertikal tahlil qilish moliyaviy barqarorlikni baholashning muhim ilmiy-amaliy vositasi hisoblanadi. Mazkur yondashuv sug‘urta kompaniyalarida risklarni boshqarish, kapital yetarliligini ta’minlash va investitsiya siyosatini optimallashtirishga xizmat qiladi. Tadqiqot natijalari sug‘urta bozorida prudensial nazoratni kuchaytirish hamda moliyaviy shaffoflikni oshirishga qaratilgan ilmiy tavsiyalarni ishlab chiqish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Brigham E.F., Houston J.F. Fundamentals of Financial Management, Fifteenth edition. © 2019, 2016 Cengage Learning, Inc. Library of Congress Control Number: 2017959753, ISBN: 978-1-337-39525-0, Cengage, 20 Channel Center Street Boston, MA 02210 USA. 866 p.

2. Ross S.A., Westerfield R.W. Jordan B.D. Corporate Finance. Sixth Edition. McGraw-Hill Higher Education. ISBN: 0-390-31999-6. Copyright ©2003 by The McGraw−Hill Companies, Inc. 922 p.

3. Van Hulle K. European Accounting and Financial Reporting. Routledge. First published 2015. Simultaneously published in the USA and Canada, by Routledge, 711 Third Avenue, New York, NY 10017. © 2015 Stewart Jones. 56 p.

4. Skipper H.D., Kwon W.J. Risk Management and Insurance: Perspectives in a Global Economy. Blackwell Publishing. ISBN: 978-1-405-12541-3. May 2007, Wiley-Blackwell. 768 pages.

5. Rose, P. S. Commercial Bank Management. McGraw-Hill. McGraw-Hill, 2001. ISBN 0071121226, 9780071121224. 803 p.

6. Dusmuratov R.D., Boltayev A.S. Moliyaviy tahlil. “Iqtisod-Moliya”, 2020. 162-180 betlar.

7. Vahobov A.V., Ishonqulov N.F., Ibrohimov A.T.. Moliyaviy va boshqaruv tahlili / Darslik: A.V. Vahobov, N.F. Ishonqulov, A.T. Ibrohimov; O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, Toshkent moliya instituti. – 3-qayta ishlangan va to‘ldirilgan nashri. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2013. – 600 b.

8. Shoalimov A.X., Tojiboyeva Sh.A.. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. 2021. – T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2021. – 230 b.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ

Хашимов Абдукомил Рисбекович
физика-математика фанлари доктори (DSc),
Олий ва амалий математика кафедраси мудири,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
E-mail: abdukomil@yandex.ru
orcid.org/0009-0008-6915-8937
Фарангиз Мадримова Ихтиёр қизи
Урганч давлат университети магистранти
farangiz.madrakhimova@mail.ru

Аннотация. *Суғурта фаолиятининг аҳоли турмуш даражасига таъсири ва уни моделлаштириш амалиёти таҳлили амалга ошилиши асосида суғурта фаолиятининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини моделлаштиришнинг ҳозирги амалий ҳолати тадқиқ этилди ва суғурта фаолиятининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини моделлаштиришнинг хориж тажрибаси ҳам ўрганилди.*

Калит сўзлар*: Суғурта, бизнес тадбиркорлик, риск, суғурта қопламаси, иқтисодиет, жаҳон иқтисодиёти, молия, суғурта мукофоти, суғурта бозори, трансформация, суғурта фаолияти.*

ТЕКУЩЕЕ ПРАКТИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ МОДЕЛИРОВАНИЯ ВЛИЯНИЯ СТРАХОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА УРОВЕНЬ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ.

Хашимов Абдукомил Рисбекович
доктор физико-математических наук (DSc)
заведующей кафедры высшая и прикладная математики
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: abdukomil@yandex.ru
orcid.org/0009-0008-6915-8937
Мадримова Фарангиз Ихтияр кизи
магистрантка Ургенчского государственного университета
E-mail farangiz.madrakhimova@mail.ru

Аннотация. *На основе анализа практики моделирования влияния страховой деятельности на уровень жизни населения было исследовано текущее практическое состояние данного процесса, а также изучен зарубежный опыт моделирования влияния страховой деятельности на уровень жизни населения.*

Ключевые слова: *страхование, бизнес-предпринимательство, риск, страховое покрытие, экономика, мировая экономика, финансы, страховая премия, страховой рынок, трансформация, страховая деятельность.*

CURRENT PRACTICAL STATE OF MODELLING THE IMPACT OF INSURANCE ACTIVITIES ON THE STANDARD OF LIVING OF THE POPULATION

Abdukomil Risbekovich Khashimov
Doctor of Physical and Mathematical Sciences (DSc)
Head of the Department of Higher and Applied Mathematics
Tashkent State University of Economics
abdukomil@yandex.ru
orcid.org/0009-0008-6915-8937

Farangiz Madrimova Ikhtiyar kizi
Master’s student at Urgench State University
E-mail farangiz.madrakhimova@mail.ru

Abstract: *The article demonstrates that the efficiency of insurance activity can be increased by structurally optimizing business processes. This is achieved through the implementation of practices to minimize risks in the subject’s activities, specifically by identifying, comparing, assessing, prioritizing, and portfolioing risks—especially by conducting multi-directional diversification of correlated risks according to the chosen strategy for business processes.*

Keywords: *Insurance, business, risk, insurance coverage, economics, global economy, finance, insurance premium, insurance market, transformation, insurance activity.*

КИРИШ.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида дунё малакатлари тараққиётида саноат ривожланишидан кейинги босқичга хос бўлган иқтисодий ўсиш омилларининг роли ва ўрни тубдан ўзгармоқда. Анъанавий ҳисобланиб келинган “меҳнат- ер - капитал” дан иборат уч омилга “рақамли технология” омили ҳам қўшилиб, энг муҳим ресурсга айланмоқда. Ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқлиги англанилиши замирида ўз макроиқтисодий кўрсаткичини, айниқса, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий даромад (ЯМД), соф ички маҳсулот (СИМ), соф миллий даромад (СМД) ва бошқа бир қатор кўрсаткичларнинг аниқ ҳисобига кўра, 2022 йилда глобал иқтисодий тикланишнинг 3 фоиздан юқори бўлиши прогноз қилинмоқда[21]. Пандемиядан кейинги мазкур глобал иқтисодий тикланиш суғурта мукофотлари ўсишининг асосий омили сифатида талқин этилиб, “2022 йилда глобал суғурта мукофотлари ҳажми 7 трлн. долларни ташкил этиши ёки 3,9 фоизга ошиши башорат қилинмоқда”[22]. Шундай трансформациялар замирида суғурта хизматларининг қамровини ошириш ва унинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини тақдиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлиги “Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида “...тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш,. .. ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш...”[23] билан узвий боғлиқликда кечадиган жараёнлардир. Мамлакатимизда ҳам “2022 йилда иқтисодиётнинг реал ўсиш суръати 5,9 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда”[24]. Ушбу иқтисодий ўсиш энг аввало аҳоли турмуш даражаси ўсишининг омили сифатида суғурта бозорини жадал ривожлантиришни, “2018 йилга нисбатан, жами суғурта мукофотлари ҳажмини - 3,3; суғурта ташкилотлари жами активлари ҳажмини - 2,1; суғурта хизматлари турларининг сонини - 1,7 бараварга”[25] орттиришни талаб этмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида азалдан инсоннинг жамиятдаги ўрни, унинг улкан салоҳиятига юқори баҳо бериб келинган, инсон ҳар тарафлама камол топишига алоҳида эътибор билан қаралган. Хусусан, Абу Али ибн Сино: *“инсон бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириши сабаблигина инсон бўлади, бошқалар ҳам шундай йўл тутади. Биров экин экади, бошқа одам нон ёпади, учинчиси кийим тикади, тўртинчиси игна ясайди ва ҳамма бир–*

[21]https://forinsurer.com/
[22]Глобальный рынок страхования в 2021-2022 году. Итоги и прогнозы развития. // https://forinsurer.com/news/.
[23]Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи.// https://yuz.uz/news/
[24]https://review.uz/
[25]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори. //https://lex.uz/docs/4459802

бирининг эҳтиёжини қондириш учун тўпланади”[26] деб бежиз таъкидламаган.

New Frontier ташкилоти маълумотларига кўра, жами суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотга суғуртанинг кириб келиш даражаси (Insurance Penetration Rate) кўрсаткичи дунёнинг ривожланган мамалакатлари кесимида ўртача 6,35 %ни[27], Ўзбекистонда эса бор-йўғи 0,4%ни[28] ташкил этишини келтириб ўтиш суғурта бозорини ривожлантириш борасидаги муаммоларни бартараф этиш заруратини оширмоқда. Бошқа томондан эса, аҳолининг суғурта маданияти ва суғурта ташкилотга ишончининг юқори эмаслиги суғурта ҳизматлари қамровини ошириш муаммоси ҳал этилишини тақазо этмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Суғурта фаолиятида бизнес жараёнларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари хорижлик олимлар A.Kosenko, R.Brown, D.Cummins, S.Harrigton, M.Hammer, J.Champy, W.Deming, T.Davenport ва бошқаларнинг илмий ишланмаларида кенг ёритилган[29].

МДҲ мамлакатлари олимлари, хусусан, Е.Г.Ойхман, Н.П.Николенко, Л.М.Рабинер, Т.В.Кугушева, А.А.Янгин, Е.А.Токарева, Д.А.Горулов, Т.В.Пахомова, И.В.Смагина, И.И.Сергеева, Н.Г.Адамчук, К.К. Жуйриков, Г.А.Насырова, А.К.Сембеков, Н.Ф.Челухина илмий ишларида суғурта фаолиятида бизнес жараёнларини такомиллаштиришнинг айрим йўналишлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада капитал бозорида ўзини ўзи тартибга солиш амалиёти ва листинг талаблари таҳлилини амалга оширишда таққослама таҳлил, статистик таҳлил, қиёслаш, илмий абстракциялаш, анализ, синтез каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Муайян методлар ва усулларга асосланган ҳолда рискларни аниқлаш, идентификациалаш, солиштириш, баҳолаш, устуворлигига кўра портфеллаштириш хусусан, бизнес жараён бўйича танланган стратегияга мос корреляцион боғлиқликдаги рисклар диверсификациясининг кўп йўналишли тақсимотини амалга ошириш орқали уларни минималлаштириш таклифи берилган

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда Ўзбекистонда суғурта фаолияти мол-мулк, соғлиқ ёки ҳаёт, бизнес ва қийматга эга бўлган бошқа йўналишдаги рисклардан ҳимоя институти сифатида намоён бўлмоқда. 2019 йилда "AZIA SUG‘URTA tashkiloti" МЧЖ, "SEMURG INSURANCE" МЧЖ ҚК, "SHARQ - SUG‘URTA" МЧЖ СК, "TRUST-INSURANCE" МЧЖ янги суғурта компаниялари ўз фаолиятини бошлаганликлари натижасида мамлакатимиз бозорининг

[26] Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида . –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 476 бет.
[27] https://store.steampowered.com/app/1104640/New_Frontier/
[28] https://www.norma.uz/.
[29] A.Kosenko. Characterization, Existence and Pareto Optimality in Insurance Markets with Asymmetric Information with Endogenous and Asymmetric Disclosures: Revisiting Rothschild-Stiglitz. NBER Working Paper series, Working paper 24711/w24711.pdf.; R.Brown Are the Elderly Really Over-Annuitized? New Evidence on Life Insurance and Bequests. https://www.nber.org/system/files/working_papers/w7193/w7193 pdf.; D.Cummins and Rubio-Misaz Maria. Integration and Convergence in Efficiency and Technology gap of European Life Insurance Markets (August 3, 2020).P.49. Avialable at SSRN: https://ssrn.com/abstract=2965742 or http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.2965742.; Harrigton Scot E. The Economics and Regulation of Captive Reinsurance in Life Insurance (January 1, 2015). Available at SSRN: https://ssrn.com/abstract=2608141 or http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.2608141. https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2608141.; Хаммер Hammer M., Champy J. Reengineering the Corporation: A manifesto for business Revolution. N-Y: Harper Collins, 1993. -282 p.; Deming W.E. Quality, productivity, and competitive position. Cambridge, MA: Massachusetts Institute of Technology, Center for Advanced Engineering Study, 1982.-373 p.; Davenport T.H. Process innovation: reengineering work through information technology. Boston, Mass.: Harvard Business School Press, 1993. – 337 p.

умумий суғурта соҳасида 32 та ва ҳаёт суғуртаси соҳасида 8 та, жами суғурта компанияларининг сони 40 дан ортганлиги аниқланди. Хусусан, мамлакатимиз суғурта хизматлари бозорида 2019 йил якунларига кўра, ундирилган суғурта мукофотлари ҳажми 2313,9 млрд сўмни ёки олдинги йилга нисбатан ўртача ўсиш кўрсаткичи 141,5 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

2020 йил якунларига кўра, мамлакат суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг умумий ҳажми камайиши кузатилиб, жами 2,2 трлн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткичнинг 2019 йилга нисбатан 4,0 фоизга камайганли пандемия туфайли мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашганлиги билан изоҳланади.[30]

Суғурта фаолиятида ҳозирги кундаги амалга оширилаётган ишлар самараси сифатида мамлакатимизнинг суғурта хизматлари бозорида нисбатан барқарор фаолият юритган суғурта ташкилотлари бўйича ундирилган суғурта мукофотларининг умумий ҳажмидаги улуш кўрсаткичлари динамикаси ишлаб чиқилди ва таҳлил этилди (5-жадвал).

Суғурта хизматлари бозорида суғурта мукофотлари ҳажми бўйича келтирилган етакчи суғурта ташкилотларининг улуш ўзгаришлари динамикаси таҳлили шуни кўрсатдики, 2016-2020 йиллар давомида асосан “Gross Insurance” ОАЖда мос равишда -5,3; 8,8; 12,6; 12,9; 13 фоиз даражасидаги улашларни ташкил этган ёки 2016 йилга нисбатан ушбу кўрсаткичлари қарйиб 2,5 баробарга ортиши, “Euroasia Insurance” МЧ ОАЖ СК да мос равишда 2.2; 3,3; 4,8; 7,5; 8 фоиз даражасидаги улашларни ташкил этган ёки 2016 йилга нисбатан улуш кўрсаткичлари 3,5 баробардан ортиши ҳисобига мазкур суғурта ташкилотларида барқарор ўсиш кузатилган.

Келтирилган йилларда “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖда - 15; 14,1; 13,9; 16,5; 14 фоиз даражасидаги улашларни ташкил этган ёки 2016 йилга нисбатан 2019 йилдан ташқари улуш кўрсаткичларидаги оғишиш 2017 йилда - 6; 2018 йилда - 7,3; 2020 йилда - 6,7 фоизлар даражасида бўлган, ёки умумий барқарорликка нисбатан ўртача оғиши -6,6 фоиз даражасида бўлганлиги аниқланди.

Шунингдек, “Ўзагросуғурта” АЖда 20,6; 14,5; 14,6; 14,6; 9 фоиз даражасидаги улашларни ташкил этган ёки 2016 йилга нисбатан улуш кўрсаткичларидаги оғишиш 2017 йилда - 29,6; 2018 ва 2019 йилларда – 29,1; 2020 йилда – 56,3 фоизлар даражасида бўлган, ёки умумий барқарорликка нисбатан ўртача оғиши -35,9 фоиз даражасида бўлганлиги аниқланди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган башқа суғурта ташкилотлари ҳисобига 2016-2020 йиллар давомида 2017 ва 2020 йиллардан ташқари улуш кўрсаткичларидаги манфий оғишиш 2018 йилда - 10,1; 2019 йилда - 18,1 фоизларни ташкил этган.

Мазкур суғурта ташкилотларининг суғурта хизматлари бозорида суғурта мукофотлари ҳажми бўйича улуш ўзгаришларидаги салбий оғишишлар бошқа суғурта ташкилотлари самарали натижага эришаётганликлари билан изоҳланса, бошқа жиҳатдан, улар томонидан фаолият самарадорлигини ошириш чораларини кўриш ва такомиллаштиришлари зарурлигини кўрсатмоқда. 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947 Президент қарорида кўрсатилгандек “...аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга

[30] “SAIPRO ахборот-рейтинг агентлиги” МЧЖ маълумотлари.//https://saipro.uz/

ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш....”[31].

Мамлакат аҳолисининг бахтиёрлик даражаси жамият ижтимоий барқарорлиги, мамлакатдаги ҳаёт сифатининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ушбу тадқиқот бахт даражасини баҳолашда ёш хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган. Россия ва Европа давлатларини солиштириш учун 2012 йил учун ECC маълумотларидан фойдаланилди. Сўровда 29 давлат (53860 кузатиш) иштирок етган. Анкета саволлари тақдим етилган тадқиқот муаммосини ўрганиш учун иккита асосий саволни ўз ичига олади: "Умуман олганда, ҳаётдан қониқасизми?" ва "Сиз бахтлимисиз?" 11 та жавоб варианти билан (0 - "тўлиқ қониқмаган" "мутлақо бахтсиз", 10 – “тўлиқ қониқдим”/"тўлиқ бахтли").

Аҳоли турмуш даражаси аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбат орқали белгиланганлиги сабабли аҳолининг даромадлари унинг харажатларига нисбатан қанча кўп бўлса аҳоли турмуш даражасини ошириш имкониятлари шунчалик юқори бўлади. Аҳоли турмуш даражасини оширишда асосий омиллар макроиқтисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда рўй бериши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кучайтирилиши ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш кўрсаткичларининг ривожланишида муҳим ўринни ягона шахсдан, оила, уй хўжалигига ўтиш эгаллади. Бу миллий ҳисоблар тизими услубиётининг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, илк бор макроиқтисодий тузилмада аҳоли тўлақонли субъект сифатида ўз ўрнини топди. Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда аҳолининг даромадлари, имкониятлари, истеъмоли ва эҳтиёжларининг қондирилиши даражасини объектив талқин этиш муаммоси долзарб саналди. Бу муаммо назарий ва услубий жиҳатдан ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Жаҳон иқтисодчилари томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томлама аниқ тавсифловчи кўрсаткичлар услубиётини, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлашга кўп ҳаракат қилинган. Ривожланган давлатларда аҳоли турмуш даражасини баҳолаш аҳолининг даромадлари, озиқ-овқат истеъмоли, уй-жой шарт-шароитларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан корхоналарда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, маҳсулот турларини кенгайтириш, бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти даражасига боғлиқ. Мазкур масалани ҳал этишда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар самарадорлигини ошириш зарур.

Аҳолининг турмуш даражаси ва даромадлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг самарадорлиги, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси, миллий хусусиятлари, сиёсий ҳокимият ва бошқалар билан боғлиқ. XX - асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб аҳоли турмуш даражасини ошириш мамлакатнинг ҳар бир аҳолисига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ва бошқа кўрсаткичлар орқали баҳолаб борилган. 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳоли турмуш даражаси ошишини баҳолашда инсон потенциали тараққиёти индекси ҳисобланиб бошланган, у нафақат жамиятда моддий бойликларнинг тақсимланишини, балки инсонларни ҳар томонлама мукаммал ривожланиши имкониятларини ўз ичига олган. Инсон потенциали тараққиёти индекси уч имкониятни – ҳаёт даври ва соғломлик, таълим олиш ва билимни мустаҳкамлаш ҳамда аҳолининг турмуш кечиришини таъминловчи етарли даромадлар даражасини

[31]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон// https://lex.uz/docs/3107036

ўрганади.

Инсон потенциали тараққиёти индексини $\left(I_{ipt}\right)$ аниқлашда юқоридаги уч кўрсаткичнинг ўртача арифметиги олинади

$$I_{ipt} = \frac{I_{ish} + I_t + I_d}{3}.$$

Бу ерда I_{ish} – кутилаётган иш давомийлиги индекси, I_t – таълим индекси, I_d – жон бошига олинган даромад индекси.

Ҳар бир кўрсаткич (индекс) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$I = \frac{D_f - D_{\min}}{D_{\max} - D_{\min}},$$

бу ерда: D_f – кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори; $D_{\max}$ – максимал миқдори; $D_{\min}$ – минимал миқдори.

Аҳоли турмуш даражаси ошишини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида аҳоли турмуш даражаси ошишини ифодаловчи турли кўрсаткичлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири масалан, соф миллий даромаднинг аҳолини турли тоифаларига тўғри келиши маълум гуруҳдаги аҳолининг турмуш даражаси коэффициенти орқали ифодаланади:

$$K_v^t = \frac{\sum_{v=1}^{n} Smd_v^t}{\sum_{v=1}^{n} A_v^t}.$$

Бу ерда:

$K_v^t - t$ йилда v – гуруҳдаги аҳолининг турмуш даражаси коэффициенти;

$Smd_v^t - t$ йилда v – гуруҳдаги соф миллий даромад;

$A_v^t - t$ йилда v – гуруҳдаги□□□гуруҳдаги аҳолининг сони.

Бу кўрсаткичлар аҳоли турмуш даржасининг шу кундаги ҳолати ҳақида маълумот беради.

Аҳоли турмуш даржасини оширишнинг истеъмол даражаси билан корреляцион боғлиқлигини ва аҳоли турмуш даржасининг ривожланиш қонунияти кўрсатувчи $Y = a_1 X + a_0$ – регрессия тенгламасидаги номаълум параметрлар қуйидаги чизиқли тенгламалар системаси ёрдамида аниқланади:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum X = \sum Y, \\ a_0 \sum X + a_1 \sum X^2 = \sum XY. \end{cases}$$

Бу ерда Y – аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот; X – □ҳар бир уй хўжалигига тўғри келадиган истеъмол харажатлари; a_0 – ва a_1 – регрессия тенгламасининг номаълум параметрлари.

Республикамизда сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, айни вақтда ноозиқ-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда. Юртимиздаги оилаларни узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминланиши ҳам тубдан ўзгарди. Бугунги

кунда оилаларнинг 94 фоизи музлаткичлар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда, бугунги кунда деярли ҳар икки оиладан бири шахсий транспорт воситасига эга.

Фуқароларнинг уй-жой шароитлари ҳам яхшиланиб бормоқда. Барча ҳудудларда уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳолининг тасарруфида. Ҳолбуки, кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди. Умуман, мамлакатимизда кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари ошиб бориб, аҳоли турмуш даражаси ошиб бормоқда

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадларни улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу кўрсаткич Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўртача 20-25 фоиздан ошмайди. Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолини кескин табақаланиш ҳолати мавжуд эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан 2020 йилда 7,8 баробарга тушди. Жамиятдаги ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган мазкур кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра 10 баробар қилиб белгиланган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг иқтисодчи олимлари ва тегишли ташкилотлар томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама аниқ тавсифловчи кўрсаткичлар услубиётини, умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизимини яратиш бўйича ҳаракатлар амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва иқтисодиёт вазирлиги биргаликда аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашнинг янги методикаси ишлаб чиқилди. Ушбу методика аҳоли турмуш сифатини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш асосларини, шунингдек, аҳоли даромадларининг даражаси, таркиби ва шаклланишидаги манбаларнинг аҳамиятини белгилайди.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг ортиб бориши билан бир қаторда аҳоли турмуш даражасини ошириш имкониятлари ҳам ошиб бормоқда. Аҳоли таркибида иш билан банд бўлган аҳоли сони кўпайиб бориши, аҳоли реал даромадларининг доимий равишда ўсиб бориши, одамларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш имкониятлари ва уй-жой билан таъминланиши яхшиланиб бораётгани, мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилаётганидан далолат беради.

Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда жон бошига тўғри келадиган даромад билан бир қаторда яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, одамлар истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги ва унинг самараси, аҳолини сифатли истеъмол товарлари, шу жумладан, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминлаши, замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиши каби муҳим кўрсаткичларни инобатга олиш лозим.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқлиги тўғрисида ўз фикрларимизни юқорида айтиб ўтдик, корхоналарда самарадорликни ошириш аҳоли турмуш даражаси ўсишига таъсир кўрсатади ва у қуйидагича изоҳланади.

Корхоналарда самарадорлик ошса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми кўпаяди ва бу аҳоли томонидан маҳаллий саноат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши ошишига олиб келади. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан давлатнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдан оладиган солиқлар миқдори ошади ва корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт қилинса, давлат томонидан ундириладиган бож тўловлари миқдори кўпаяди. Булар ялпи даромад ошишига олиб келади.

Корхоналарда самарадорлик ошиши натижасида ходимлар оладиган иш ҳақи, дивиденд, мукофот ва бошқа даромадларнинг кўпайиши ишловчиларнинг турмуш даражаси яхшиланишини таъминлайди ва давлат томонидан бу қўшимча олинган даромадлардан ҳам солиқ ундирилади.

Давлатнинг корхоналар ва ишловчилардан олган қўшимча солиқ ва йиғимлари қайта тақсимлаши натижасида, бу маблағлар аҳолига ижтимоий трансферлар сифатида тақсимланиб, ижтимоий соҳа объектлари қурилишига сарфланиб, аҳоли турмуш даражасини ошириш манбаига айланади. Демак, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши, уларда самарадорликнинг ошиши аҳоли турмуш даражасини ошириш имконияти бўлиб, иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши аҳоли турмуши обод бўлишини таъминлайди.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиёт тармоқларининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини чуқур ўрганиш, бу борада кўпроқ илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- аҳолининг иш билан бандлик даражасини ва даромад топиш имкониятларини ошириш;
- аҳолининг истеъмол талаби билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини мувофиқлаштириш;
- мамлакатимизда аҳолининг яшаш шароитлари ва стандартларини янада юқори даражага кўтариш;
- аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун зарур бўлган инфраструктурани жадал ривожлантириш ва бошқалар.

Республикамизда суғурта фаолияти ва аҳоли турмуш даражаси биргаликда ўрганиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш мақсадида улар динамикасини таққослаймиз. Шу сабабли Республикамизда суғурта фаолиятини ва аҳоли турмуш даражасини белгиловчи кўрсаткичларнинг статистик маълумотларни таҳлили билан келтирамиз (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорининг мақсадли кўрсаткичлари таҳлили

Йиллар кесимида	2014	2016	2018	2022	2024 (прогноз)
Мукофотлар ҳажми (млрд сўм)	692,6	927,5	1635,2	2313,9	2213,7
Регрессия тенгламаси ва детерминация коэффициенти	$\bar{y}_x = 442,86x - 893021,\ R^2 = 0,9106$				
$\lvert y - \bar{y}_x \rvert$ – четланиш	21	186	79	314	229
$\frac{\lvert y - \bar{y}_x \rvert}{\bar{y}_x}$ – нисбий четланиш (риск)	3%	16%	5%	15%	9%

Ўзбекистон суғурта бозорининг мақсадли кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, жами мукофотлар ҳажми 2018-2022 йилларда ортиши динамикаси мос равишда 692,6/927,5/1635,2/2313,9/2213,7 (прогноз) млрд сўм даражасида бўлганлиги, ушбу кўрсаткичларга асосланиб ишлаб чиқилган регрессия тенгламаси ва детерминация коэффициенти $\bar{y}_x = 442,86x - 893021,\ R^2 = 0,9106$ кўринишда бўлиб, бу даврда $\frac{\lvert y - \bar{y}_x \rvert}{\bar{y}_x}$ – нисбий четланиш (риск) даражаси барқарор бўлмаганлиги, яъни 2018-2022 йилларда мос равишда 3/16/5/15/9 фоиз даражасида бўлганлиги аниқланди.



1-расм. Мукофотлар ҳажми регрессияси

Ўзбекистон суғурта бозорининг мақсадли кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, жами мукофотлар ҳажми 2014-2024 йилларда ортиши динамикасини кўрсатувчи регрессия тенгламаси ва детерминация коэффициенти $\bar{y}_x = 442{,}86x - 893021,\ R^2 = 0{,}9106$ кўринишда бўлади.

Бу ўринда қуйидаги формулалардан фойдаланамиз:

$$\bar{y}_x - y = \rho_{xy}\left(x - \bar{x}\right)$$

$$\rho_{yx} = r_T \frac{\sigma_y}{\sigma_x},\ r_T = \frac{\sum n_{xy} xy - n\bar{x}\cdot\bar{y}}{n\sigma_x\sigma_y}$$

Бунга асосланиб, биз Ўзбекистон Республикасида аҳолисининг жон бошига реал даромадининг аҳоли ўртача иш ҳақига нисбатан корреляциясини ўрганамиз ва шу асосда прогноз қиламиз ҳамда тўғри хулоса чиқармиз.



2-расм. Мукофотлар ҳажмида риск динамикаси

Ўзбекистон суғурта бозорининг мақсадли кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, жами мукофотлар ҳажми 2018-2022 йиллардаги нисбий четланиш (риск) даражасининг ўзгариши динамикасини кўрсатиб берувчи регрессия тенгламаси ва детерминация коэффициенти эса

$\bar{y}_x = -0,0342x^4 + 276,07x^3 - 836522x^2 + 10^9 x - 6 \cdot 10^{11}$, $R^2 = 1$ кўринишда бўлади.

Хулоса. Юқорида амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланиб, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатиб ўтамиз:

- иқтисодиёт тармоқларининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини чуқур ўрганиш, бу борада кўпроқ илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- аҳолининг иш билан бандлик даражасини ва даромад топиш имкониятларини ошириш;
- аҳолининг истеъмол талаби билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини мувофиқлаштириш;
- мамлакатимизда аҳолининг яшаш шароитлари ва стандартларини янада юқори даражага кўтариш.

Илмий мақолада олиб борилган тадқиқот қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

1. Суғурта компаниясининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимида ахборот жараёни юзага келиши мумкин, бунинг асосида бизнес жараёнининг хатарларини ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш мумкин.
2. Суғурта компаниясининг тадбиркорлик фаолиятининг узлуксизлигига таъсир кўрсатадиган бизнес жараённи ҳисобга олиш модели учта асосий босқичга: суғурта портфелини шакллантиришни, заҳира тизимини шакллантиришни ва молиявий жараёнларни бирлаштириш жараёнини ҳисобга олишни ўз ичига олади.
3. Компаниянинг ходимлари учун ахборотнинг асосий манбаи суғурта компаниясининг ҳисоботидир. Бундан ташқари, ахборот ва бухгалтерия тизимлари ҳам суғурта захираларини ҳисобга олиш ва ижро этувчи ҳисоб-китобларни амалга оширади, уларнинг миқдори компаниянинг тўлов қобилиятига таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Norbaev N. Development and problems of the insurance market in Uzbekistan. - Region-24 16.03.2021
2. Regulation of insurance activities: textbook and practical training for bachelor’s and master’s degree programs / Zh.V.Pisarenko, N.P.Kuznetsova;scientific editor S.A.Belozerov-M.:Yurait Publishing House, 2014.-437p
3. Mustafina A.R. The role of regional integration in the development of the insurance sector of emerging market countries.Specialty 08.00.14-global economy// Dissertation for the degree of candidate of economic sciences// https://mgimo.ru/science/memo/Mustafina_dissertaciya.pdf
4. Pisarenko Zh.V. Financial convergence as a special mechanism for modifying the pension and insurance sectors of the global financial services market. Specialties 08.00.14-“World Economy” and 08.00.10-“Finance, Money Circulation and Credit”.Dissertation for the degree of Doctor of Economics // https://disser.spbu.ru/files/disser2/disser/HFb1FnWTBf.pdf.
5. Ponomareva, S. V., & Klimova, E. K. Development and transformation of the "business model" concept for managing a company’s financial assets in accordance with IFRS 9. Modern Problems of Science and Education.2012.
6. Theory of Business Process Reengineering. Retrieved froMirsadykov, M., & Sadritdinov, A. Insurance market of Uzbekistan: results and prospects. Bozor, Pul va Kredit [Market, Money and Credit]. 2009. № 2. 57–62.
7. Zinder, E. Z. New System Design: Information Technologies and Business Reengineering. Database Management Systems.1996. №1. 55–67

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

O‘ZBEKISTONDAGI JAMOAT AHAMIYATIGA EGA TASHKILOTLARNI MOLIYAVIY HISOBOTLARINI AUDITDAN O‘TKAZISHNING SAMARADORLIGI

Xotamov Alisher Xotamjon o‘g‘li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
Audit kafedrasi dotsenti, PhD.
Email: alisher_xotamov@mail.ru.

Botirjonova Bonu Baxtiyor qizi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
“Buxgalteriya hisobi” fakulteti
BHA-70/23 guruh talabasi
Email: bonubotirjonova164@gmail.com

Annotatsiya. *Ushbu maqolada auditorlik xulosasining ishonchliligi va jamoatchilik ishonchi o‘rtasidagi bog‘liqlik masalasi ko‘rib chiqiladi, hamda auditorlik sifatini faqat auditor tajribasi bilan izohlash yetarli emasligini, ayniqsa jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarda tizimli va xalqaro talablarga mos mexanizm zarurligini asoslaydi. Xalqaro Standartlar (IFRS va IAS)ni joriy etish moliyaviy shaffoflikni avtomatik ravishda oshirmasligi, asosiy ahamiyat ularni amaliy qo‘llash mexanizmlariga bog‘liqligi ta’kidlanadi. Maqolada O‘zbekistonda BHMSdan MHMSga o‘tish hamda jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar auditi bo‘yicha yangi Nizom auditorning qaror qabul qilish muhitini o‘zgartirayotgani tahlil qilinadi. Ushbu islohotlar auditorlikni oddiy muvofiqlik tekshiruvidan professional baholashga aylantira oladimi yoki u faqat rasmiy standart sifatida qolib ketadimi, degan savol muhokama qilinadi.*

Kalit so‘zlar: *Auditorlik tekshiruvi, buxgalteriya hisobining xalqaro standarti (IAS), Moliyaviy hisobotning xalqaro standarti (IFRS), Moliyaviy hisobotning milliy standarti (MHMS), Buxgalteriya hisobotning milliy standarti (BHMS), nizom, auditor, auditor xulosasi, qaror qabul qilish.*

EFFICIENCY OF AUDITING FINANCIAL STATEMENTS OF PUBLICLY IMPORTANT ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN

Khotamov Alisher Khotamjon ogli
Associate Professor of the Audit Department of
Tashkent State University of Economics, PhD.
Email: alisher_xotamov@mail.ru

Botirjonova Bonu Bakhtiyor qizi

Student of the Tashkent State University of
Economics, Faculty of Accounting, BHA-70/23 group
Email: bonubotirjonova164@gmail.com

Abstract. *This article examines the relationship between the reliability of the audit opinion and public trust, and argues that it is not enough to interpret the quality of the audit only in terms of the auditor’s experience, and that a systematic and internationally compliant mechanism is needed, especially in public interest organizations. It is emphasized that the introduction of International Standards (IFRS and IAS) does not automatically increase financial transparency, and the main importance lies in the mechanisms for their practical application. The article analyzes how the transition from GAAP to GAAP in Uzbekistan and the new Regulation on the audit of public interest organizations are changing the auditor’s decision-making environment. The question is discussed whether these reforms can transform auditing from a simple compliance check to a professional assessment or whether it will remain only as a formal standard.*

Keywords: *Audit, International Accounting Standards (IAS), International Financial Reporting Standards (IFRS), National Financial Reporting Standards (NFRS), National Accounting Standards (NAS), regulation, auditor, auditor’s report, decision-making.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ЭФФЕКТИВНОСТЬ АУДИТА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ ОГРАНИЧЕННЫХ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ УЗБЕКИСТАНА

Хотамов Алишер Хотамджон оглу
Ташкентский государственный экономический университет, доцент кафедры аудита, кандидат наук.
Email: alisher_xotamov@mail.ru.

Ботиржонова Бону Бахтиёр кизи
Ташкентский государственный экономический университет, факультет «Бухгалтерский учет»
Студент группы BHA-70/23
Email: bonubotirjonova164@gmail.com

Аннотация. *В данной статье рассматривается вопрос о взаимосвязи между достоверностью аудиторского заключения и общественным доверием, а также обосновывается тот факт, что недостаточно объяснять качество аудита исключительно опытом аудитора, особенно в государственных организациях; необходим систематический механизм, соответствующий международным требованиям. Подчеркивается, что внедрение международных стандартов (МСФО и МСФС) не приводит автоматически к повышению финансовой прозрачности, основное значение имеет механизм их практического применения. В статье анализируется, как переход от общепринятых принципов бухгалтерского учета (GAAP) к общепринятым принципам бухгалтерского учета (GAAP) в Узбекистане и новые Положения об аудите организаций, представляющих общественный интерес, меняют среду принятия решений аудитором. Обсуждается вопрос о том, могут ли эти реформы трансформировать аудит из простой проверки соответствия в профессиональную оценку или же он останется лишь формальным стандартом.*

Ключевые слова: *Аудит, Международные стандарты бухгалтерского учета (МСФО), Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), Национальные стандарты финансовой отчетности (НСФО), Национальные стандарты бухгалтерского учета (НСФО), положения, аудитор, аудиторское заключение, принятие решений.*

Kirish.

Hozirgi kunda nafaqat Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarda, balki auditorlik tekshiruvi o‘tkaziladigan har qanday korxona yoki muassasada bir dona noto‘g‘ri auditorlik xulosasi butun boshli katta tizimga bo‘lgan ishonchni yo‘qqa chiqarishi mumkin. Shu sababli auditorik jarayonini tartibga solish masalasi hozirgi kunda faqat texnik jarayon ko‘rinishida emas, balki jamoatchilik ishonchi bilan bog‘liq muammo sifatida qaralmoqda. Auditorlik tekshiruvining sifati ko‘pincha auditor tajribasi bilan bog‘liq bo‘ladi, ammo Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarda faqatgina tajribaning o‘zi yetarli emas, chunki tajriba shaxsiy darajada ishlaydi va tizimdagi xatolarni oldini olib bera olishi qiyin.

Shuning uchun ham ularga Xalqaro standartlarga mos keladigan, qaror qabul qilishni osonlashtiradigan tizimli mexanizim zarur. Hozirgi kunda butun dunyo bo‘ylab rivojlanayotgan mamlakatlar Xalqaro Standartlar (IFRS va IAS)ni qabul qilishga intilishmoqda, biroq bu standartlar moliyaviy shaffoflik va audit sifatiga real ta’sir ko‘rsatyaptimi? Amaliyot shuni ko‘rsatadiki, standartlarning o‘zgarishi har doim ham moliyaviy axborotning sifati va auditorlik xulosalarining ishonchliligini darhol oshirmaydi. Ayniqsa, jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarda hisobot qoidalari emas, balki ularni qo‘llash mexanizmlari hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi.

Shu bilan birga ko‘plab rivojlanayotgan mamlakatlar bu mexanizimga o‘tish jarayonida kadrlar va audit salohiyatidagi ba’zi muommolarga duch kelishmoqda. Ushbu maqola esa O‘zbekistonning “Buxgalteriya hisobi milliy standartlari”dan Xalqaro standartlar (IFRS va IAS)ga

to‘liq moslashtirilgan “Moliyaviy hisobotning milliy standarti” (MHMS) ishlab chiqilmoqda va jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarni auditorlik tekshiruvidan o‘tkazishning yangi nizomi tasdiqlandi.

Mazkur o‘zgarish hisobotni qoidaga asoslangan tizimdan professional mulohaza, adolatli qiymatni baholash va kengaytirilgan axborotni ochiqlashga asoslangan tizimga o‘tayotganini anglatadi. Aslida ushbu Nizom auditorni yoki auditorlik tekshiruvini o‘zgartirmaydi, balki uning qaror qabul qilish muhitini qayta quradi va osonlashtiradi. Avval auditorlik tekshiruvlarida jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar uchun umumiy yondashuv qo‘llanilgan bo‘lsa, Nizom ushbu subyektlarni alohida toifa sifatida ko‘rib chiqadi. Ammo shuni takidlash joizki, Nizom yaqinda kuchga kirgani sababli uning yakuniy natijalarini baholash hali biroz mushkul hisoblanib, mazkur maqola ko‘rilayotgan islohat samaradorligini aniqlashni emas, balki MHMSga asoslangan yangi tizim auditorlikni oddiy muvofiqlik tekshiruvidan haqiqiy professional baholashga aylantira oladimi, yoki bu faqat qog‘ozdagi standart sifatida qolish qolmasligini o‘rganib, tahlil qilishni maqsad qilgan.

Adabiyotlar sharhi.

Taniqli iqtisodchi olimlar I.Qo‘ziyev, A.Avloqulov, I.Sherimbetov va I.Avazovlar Auditorlik faoliyati standartlari bu aslida auditorlik faoliyatining o‘ziga xos xususiyatlari va asoslarini tartibga soluvchi, shuningdek, auditorlar uchun tekshiruv o‘tkazish borasidagi o‘z majburiyatlarini amalga oshirishlariga yordam berish maqsadida qabul qilingan umumiy qonun-qoidalar tizimidir. Tekshiruv davomida auditorlik standartlariga amal qilish tekshiruvining yuqori sifatdan o‘tishi va ishonchli bo‘lishini ta’minlaydi. Auditning xalqaro standartlari asosida auditorlar faoliyati sifat nuqtayi nazaridan baholanadi. Auditning xalqaro standartlari audit tekshiruviga umumiy yondashuvni, tekshiruv ko‘lamini, xulosa turini, tekshiruv uslubiyatini va bu soha vakillari amal qilishlari lozim bo‘lgan qonuniyatlami belgilab beradi.

Iqtisodiy muhitning o‘zgarishi asosida umumiy standartlariga tuzatishlar, qo‘shimchalar kiritilishi mumkin. Agar auditor tekshiruv davomida bu standartlardan chetlashsa, buning sabablarini asoslab bera olishi kerak.[32] Auditning xalqaro standartlari bu shunchaki me’yoriy qoidalar to‘plami emas, balki auditorning professional fikrlashini tartibga soluvchi “Aqliy yo‘l xaritasi”dir. Ular tekshiruv jarayonini tizimlashtirib, subyektiv qarorlar va insoniy xatolar ehtimolini kamaytiradi, hamda auditorlik xulosasining ishonchliligini ta’minlaydi. Iqtisodiy muhit o‘zgarib borar ekan, standartlarning takomillashuvi ham zarur bo‘lib qoladi. auditor esa ulardan chetga chiqsa, buni mantiqiy va daliliy asoslashga majbur.

Demak, auditorlik standartlari tekshiruvni faqat tartibga solmaydi, balki ular auditorning kasbiy mulohazasi va foydalanuvchilar qarorlariga bo‘lgan ishonchni shakllantiruvchi tizimli kafolat vazifasini bajaradi. So‘nggi yillarda ko‘plab rivojlanayotgan mamlakatlar xalqaro moliyaviy hisobot standartlarini (IFRS, IAS) joriy etishga harakat qilishmoqda. Biroq amaliyot shuni ko‘rsatadiki, standartlarning qabul qilinishi har doim ham moliyaviy axborot sifati va auditorlik xulosasining ishonchliligini darhol oshirmaydi. Ayniqsa, jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarda muammo faqat hisobot qoidalarida emas, balki ularni qo‘llash yo‘llarida namoyon bo‘ladi.

Tadqiqot metodologiyasi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida moliyaviy shaffoflik va hisobdorlik har qanday tashkilot faoliyatining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Ayniqsa, jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar - Banklar, Sug‘urta kompaniyalari, Aksiyadorlik jamiyatlari, Investitsiya fondlari, Birjalar hamda boshqa keng jamoatchilik manfaatlariga daxldor subyektlar faoliyatida moliyaviy hisobotlarning ishonchliligi alohida ahamiyat kasb etadi. Bunday sharoitda audit nazorati nafaqat qonunchilik talabi, balki jamoat ishonchini ta’minlashning muhim kafolati sifatida namoyon bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi yillarda moliyaviy hisobotlarning shaffofligini

[32] Qo’ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I., Avazov I. Audit. Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2025. – 530 b.

ta’minlash, investorlar va keng jamoatchilik manfaatlarini himoya qilish maqsadida auditorlik faoliyatini tartibga solish mexanizmlari takomillashtirilmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni auditorlik tekshiruvini o‘tkazishning huquqiy asoslarini belgilab bergan bo‘lsa, O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda boshqa vakolatli organlar tomonidan auditorlik tashkilotlari faoliyati ustidan nazorat mexanizmlari joriy etilgan.

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarning moliyaviy hisobotlarini majburiy auditorlik tekshiruvidan o‘tkazish talabi esa moliyaviy intizomni mustahkamlash, korrupsion xavflarni kamaytirish hamda investorlar va kreditorlar uchun ishonchli axborot muhitini yaratishga xizmat qiladi. Shu nuqtai nazardan, audit nazorati faqatgina moliyaviy ko‘rsatkichlarning tekshiruvi emas, balki jamiyat oldidagi hisobdorlik va ochiqlik tamoyillarining amaliy ifodasidir.

Tahlil va natijalar

O‘zbekistonda moliyaviy hisob tizimini xalqaro talablarga moslashtirish doirasida buxgalteriya hisobi milliy standartlaridan xalqaro standartlarga moslashtirilgan moliyaviy hisobotning milliy standartlariga o‘tish, hamda jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarni auditorlik tekshiruvidan o‘tkazishning yangi tartibi joriy qilinmoqda. Mazkur o‘zgarish O‘zbekistonda jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar faoliyatini tartibga soluvchi alohida nizomning qabul qilinishiga olib keldi. Ushbu nizom tashkilotlarni aniqlash mezonlarini, ularning moliyaviy hisobotiga qo‘yiladigan talablarni hamda hisobotni ochiqlash tartibini belgilaydi. Bu o‘zgarish auditorlik tekshiruvining mazmunini bevosita o‘zgartirmaydi, balki auditor qaror qabul qiladigan muhitni qayta shakllantiradi. Unga ko‘ra, bunday tashkilotlar moliyaviy hisobotni xalqaro standartlari asosida buxgalteriya hisobini yuritishi va moliyaviy hisobotlarni tuzishi belgilangan.

Mazkur talablarning joriy etilishi tasodifiy emas. Aslida Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar qatoriga:

1. Qimmatli qog‘ozlari fond birjasining listingiga kiritilgan va ommaviy savdolarga chiqariladigan (Publicly Traded Entity) tashkilotlar.
2. Tijorat banklari, mikromoliya banklari, mikromoliya tashkilotlari, faktoring tashkilotlari, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari va kafolatlar berish tashkilotlari, to‘lov tizimi operatorlari, to‘lov tashkilotlari.
3. Investitsiya fondlari.
4. Birjalar.
5. Ustav fondida (ustav kapitalida) davlat ulushi ellik foiz va undan ortiq bo‘lgan hamda bir vaqtning o‘zida ketma-ket oxirgi ikki kalendar yil davomida mazkur Mezonlarga muvofiq keladigan hamda mahsulot, tovarlar va xizmatlarni realizatsiya qilishdan olingan yillik sof tushumi va dividend shaklidagi daromadlari birgalikda bazaviy hisoblash miqdorining bir million baravari va undan ortiq bo‘lgan davlat ishtirokidagi korxonalar.
6. Bir vaqtning o‘zida ketma-ket oxirgi ikki kalendar yil davomida hisobot yili yakunlariga ko‘ra:

a) aktivlarining balans qiymati bazaviy hisoblash miqdorining bir million baravari va undan ortiq;

b) mahsulot, tovarlar va xizmatlarni realizatsiya qilishdan olingan yillik sof tushumi bazaviy hisoblash miqdorining bir million baravari va undan ortiq;

d) xodimlarining o‘rtacha yillik soni besh yuz nafardan kam bo‘lmagan tashkilotlar[33] kiradi.

Mazkur yirik va jamoat manfaatlariga ta’sir ko‘rsatuvchi tashkilotlar faoliyati bo‘yicha axborot faqat ichki foydalanuvchilar uchun emas, balki keng jamoatchilik uchun ham muhimdir. Shu bois moliyaviy hisobotlar auditorlik tekshiruvidan o‘tkazilib, auditning xalqaro standartlari asosida xulosa bilan birga e’lon qilinadi. Natijada moliyaviy hisobot oddiy hisob hujjati emas,

[33] Lex.uz O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi rasmiy veb sayti

balki iqtisodiy munosabatlar ishonchliligini ta’minlovchi ochiq axborot vositasiga aylanadi.

Mazkur Nizom Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari, ularning moliyaviy hisobotlari va ushbu moliyaviy hisobotlarni auditorlik tekshiruvidan o‘tkazishga qo‘yiladigan talablar hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibini belgilaydi.[34] Shu bilan birga islohotning samaradorligi institutsional salohiyat va amalga oshirish mexanizmlariga bog‘liq. Ammo standartlarning mukammalligi avtomatik ravishda mukammal qarorlarni anglatmaydi, chunki moliyaviy hisobotni shakllantiruvchi ham, uni tekshiruvchi ham insondir. Inson esa qaror qabul qilish jarayonida turli xil psixologik ta’sirlarga uchraydi.

Misol uchun: bilish chegaralari, qaror qabul qilishdagi tezlik talablariga bo‘ysunish, shaxsiy e’tiqod va tajriba, hamda psixologik tarafkashliklar. Shu nuqtai nazardan, muammo buxgalteriya hisobi va auditorlik jarayonlari normativ talablarni qanchalik to‘liq bajarishi mumkinligini ochiq ko‘rsatib berish kerak. Agar qaror qabul qiluvchilar inson psixologiyasining tabiiy cheklovlariga duch kelsa unda standartlar bizga qanchalik yordam bera oladi? Bu savol jamoat ishonchi bilan bevosita bog‘liq, chunki noaniqliklar yoki tarafkashliklar moliyaviy hisobotlarning ishonchliligiga putur yetkazadi va shu orqali iqtisodiy munosabatlarning barqarorligiga xavf tug‘dirishi ham mumkin.

Maqolaning asosiy maqsadi normativ talablar va xalqaro standartlar bilan birga inson psixologiyasi omillarini ham hisobga olgan holda moliyaviy hisobotning sifatini va auditorlik qarorlarining ishonchliligini tahlil qilish. Bu yondashuv nafaqat buxgalteriya hisobini tartibga solish, balki jamoat ishonchining psixologik mexanizmlarini o‘rganish imkonini ham beradi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Moliyaviy hisob tizimini xalqaro talab va standartlarga muvofiq takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2025-yil 15-sentabrdagi PQ–282-sonli qaroriga muvofiq, Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan mamlakatda buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobot tizimini tubdan takomillashtirishga qaratilgan Moliyaviy hisobotning milliy standartlari (MHMS)ni ishlab chiqish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar boshlandi.[35]

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Moliyaviy hisob tizimini xalqaro talab va standartlarga muvofiq takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2025-yil 15-sentabrdagi PQ–282-sonli qaroriga muvofiq, Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan mamlakatda buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobot tizimini tubdan takomillashtirishga qaratilgan Moliyaviy hisobotning milliy standartlari (MHMS)ni ishlab chiqish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar boshlandi.

Mazkur islohotlar Respublikada moliyaviy hisobot tizimini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (IFRS, IAS, IFRS for SMEs) yaqinlashtirish, hisobot ma’lumotlarining shaffofligi, taqqoslanuvchanligi va ishonchliligini oshirishga xizmat qiladi.

Yangi standartlar – yagona va zamonaviy yondashuv tamoyili asosida 2026–2027-yillar davomida 8 ta yo‘nalish bo‘yicha jami 30 dan ortiq MHMS ishlab chiqilishi rejalashtirilgan bo‘lib (MHMS ro‘yxati), ular quyidagi asosiy yo‘nalishlarni qamrab oladi:

- moliyaviy hisobotning konseptual asoslari va umumiy qoidalari;
- moliyaviy hisobot tarkibi va komponentlari;
- aktivlar, majburiyatlar va kapital hisobi;
- moliyaviy instrumentlar;
- daromadlar, xarajatlar va moliyaviy natijalar;
- ijara, xodimlarga to‘lovlar, foyda solig‘i kabi muhim masalalar;
- kichik tadbirkorlik subyektlari uchun soddalashtirilgan hisob;
- qishloq xo‘jaligi, sug‘urta, davlat-xususiy sheriklik kabi sohaviy standartlar.

Yangi MHMSlar amaldagi Buxgalteriya hisobining milliy standartlarini (BHMS) yagona

[34] Lex.uz Lex.uz O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi rasmiy veb sayti
O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori, O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3736.

[35] O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi rasmiy veb sayti

tizimga birlashtiradi, ayrim eskirgan normalarni bekor qiladi hamda avval mavjud bo‘lmagan, ammo xalqaro amaliyotda keng qo‘llaniladigan standartlarni joriy etadi.

Moliyaviy hisobotning milliy standartlarini joriy etish orqali biznes va investorlar uchun yangi imkoniyatlar yaratiladi. Jumladan:

- xo‘jalik yurituvchi subyektlar uchun hisob yuritish qoidalari aniq va tushunarli bo‘ladi;
- investorlar, kreditorlar va davlat organlari uchun moliyaviy axborot sifati oshadi;
- xalqaro moliya bozorlari bilan integratsiya jarayonlari jadallashadi;
- kichik biznes va nodavlat notijorat tashkilotlari uchun soddalashtirilgan hisob mexanizmlari yaratiladi.

Iqtisodiyot va moliya vazirligi MHMS loyihalarini ochiqlik va jamoatchilik ishtiroki asosida ishlab chiqadi. Bunda, professional buxgalterlar, auditorlar, tadbirkorlik subyektlari, ta’lim muassasalari va xalqaro ekspertlar, salohiyatli ilmiy kadrlar jumladan buxgalteriya hisobi va audit bo‘yicha Metodologik kengash ishtirokini ta’minlaydi. Standartlar loyihalari bosqichma-bosqich jamoatchilik muhokamasiga qo‘yiladi.

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarning moliyaviy hisobotlarini auditorlik tekshiruvidan o‘tkazishga qo‘yiladigan talablar nizomga asosan tasdiqlangani juda ko‘plab samarali natijalarga asos bo‘ladi, Moliyaviy hisobotning milliy standartlariga asoslangani ko‘plab imkoniyatlar kalitini ochib beradi. MHMS talablari IAS (International Accounting Standards) va IFRS (International Financial Reporting Standards) bilan uyg‘unlashtirilganligi sababli auditor MHMS bo‘yicha xulosa berganda, u nafaqat milliy, balki xalqaro standartlar bilan mos bo‘ladi. MHMSga o‘tish moliyaviy hisobotning tuzilishi va e’lon qilinadigan ma’lumotlarni yaxlitlash bilan birga, auditor xulosasining faqat moliyaviy raqamlarning to‘g‘riligini baholashdan tashqari, hisobotning xalqaro standartlarga muvofiqligini ham asosiy mezon sifatida kiritadi.

Auditor ishining professional talablari va malakasini oshiradi, xulosaning ishonchliligi va obro‘sini kuchaytiradi, chunki u global moliyaviy auditorlar tomonidan tan olinadigan format va metodologiyaga ega bo‘ladi. Bu yerda MHMS bo‘yicha tayyorlangan auditorlik xulosasi Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarni xorijiy investorlar va auditorlar tomonidan tan olinadigan darajaga olib chiqadi, moliyaviy hisobotning sifat va shaffofligini oshiradi hamda jamoatchilik va investorlar oldida ishonch signali hosil qiladi. Shu bilan birga, standartlarning tatbiqi auditor ishini murakkablashtiradi, ko‘proq vaqt va resurs talab qiladi va auditorlarning malakasini oshirishni zarur qiladi, kichik tashkilotlarda esa standartlarga moslashish qiyinchiliklari yuzaga kelishi mumkin.

Natijada BHMS tizimidan MHMSga o‘tish va auditorlik xulosasini yangi standartlar bo‘yicha shakllantirish moliyaviy hisobot sifatini sezilarli darajada oshiradi, auditor ishini xalqaro standartlarga moslashtiradi, jamoat va investorlar oldida tashkilotning ishonchliligini mustahkamlaydi va shu bilan birga auditorlar uchun malaka oshirish va ish jarayonini optimallashtirish zaruratini keltirib chiqaradi, bu esa MHMSni faqat normativ yangilik sifatida emas, balki amaliy auditorlik faoliyatini va jamoat ishonchini oshiruvchi strategik o‘zgarish sifatida qabul qilish imkonini beradi. Auditorlik xulosasi ushbu jarayonda moliyaviy hisobotni mustaqil auditor tomonidan BHMS yoki MHMSga moslik nuqtai nazaridan o‘rganish va baholash natijasida hosil qilinadigan fikrni ifodalaydi.

Doimiy BHMS tizimida auditorlar xulosalarni xalqaro standarlar talablari asosida shakllantirgan bo‘lsa, MHMSga o‘tish bilan xulosaning mazmuni xalqaro moliyaviy hisobot standartlari (IAS va IFRS) bilan uyg‘unlashadi, hamda auditor xulosasi nafaqat milliy, balki global standartlarga mos bo‘ladi. Shu bilan birga, jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar faoliyatini tartibga solish maqsadida O‘zbekistonda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomning qabul qilinishi, tashkilotlarni aniqlash mezonlarini belgilaydi, ularning moliyaviy va barqarorlik hisobotlarini tayyorlash talablarini belgilaydi hamda hisobotlarni auditorlik tekshiruvidan o‘tkazish va ochiq e’lon qilish tartibini nazarda tutadi. Nizomga muvofiq jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlarning maxsus reestri tuziladi.

1-jadval[36]

Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar
REYESTRI

T/r	Tashkilot nomi	Reyestrga kiritilgan yili	Belgilangan mezon tartib raqami	Tashkiliy-huquqiy shakli	STIR	Faoliyat yuritadi-gan hududi	Oxirgi ikki yildagi e’lon qilingan moliyaviy hisobotlari va auditorlik xulosalariga havolalar
1.							
2.							
3.							
4.							

Reestr auditorlar uchun ishni tartibli va standartlarga mos olib borish imkonini yaratadi, shuningdek jamoatchilik va investorlar uchun tashkilot faoliyatini tezkor baholash va shaffof axborot olish imkoniyatini ta’minlaydi. Shu yo‘l bilan BHMSdan MHMSga o‘tish, maxsus nizom va reestrning joriy etilishi moliyaviy hisobotlarning sifatini oshiradi, auditorlik xulosalarining xalqaro standartlarga mosligini ta’minlaydi va jamoat ishonchining mustahkamlanishiga xizmat qiladi. Shu bilan birga, bu jarayon auditorlar uchun malaka oshirish va ish jarayonini optimallashtirish zaruratini keltirib chiqaradi, bu esa O‘zbekiston moliyaviy tizimini xalqaro amaliyotga moslashtirish va barqaror axborot institutini shakllantirishga strategik hissa qo‘shadi. Shunday qilib, nizomni takomillashtirish auditor ishini sifatli qilish, moliyaviy hisobotlarni shaffoflashtirish va jamoat ishonchini oshirishga xizmat qiladi, lekin bu jarayonda resurslar, malaka va amaliy moslashuv kabi cheklovlar ham yuzaga keladi. Shu sababli ilmiy tavsiya shuki, nizomni tatbiq etishda amaliy qo‘llanmalar, auditor treninglari va ish jarayonini optimallashtirish mexanizmlari bilan birga olib borish zarur.

Xulosa.

Xulosa qilib aytganda mamlakatda buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobot tizimini tubdan takomillashtirishga qaratilgan Moliyaviy hisobotning milliy standartlari (MHMS)ni ishlab chiqish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar boshlandi, jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar uchun maxsus nizom nafaqat huquqiy o‘zgarish, balki amaliy ta’sir ko‘rsatadigan mexanizm hisoblanadi.

Auditorlik xulosalari endi faqatgina moliyaviy raqamlarning to‘g‘riligini tekshirish bilan cheklanmaydi, balki hisobotning xalqaro standartlarga (IAS va IFRS) mosligini ham baholaydi, bu esa moliyaviy hisobotlarning sifatini va shaffofligini oshiradi. Shu orqali jamoatchilik, investorlar va moliya tashkilotlari uchun tashkilot faoliyati bo‘yicha ishonchli va aniq axborot manbai yaratiladi.

Auditorlar uchun bu tizim katta yordam beradi, chunki ular endi ishni tartibli va aniq bajaradi, barcha tashkilotlar va ularning hisobotlari reestr orqali bir joyda kuzatiladi. Bu xulosalarni tayyorlashda vaqtni tejash, standartlarga moslikni ta’minlash va qaror qabul qilishni osonlashtiradi. Auditorlar hisobotlarni xalqaro standartlar bilan solishtirib, xatolik va kamchiliklarni tez aniqlay oladi, bu esa ularning ish sifatini oshiradi va professional javobgarlikni kuchaytiradi. Shunday qilib, bu o‘zgarishlar amalda qo‘llanilsa shunchaki faqat qog‘ozda qolmaydi, balki moliyaviy hisobotlarning sifatini oshirish, auditorlik xulosalarini xalqaro

[36] Lex.uz O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi rasmiy veb sayti

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

standartlarga moslashtirish va jamoat ishonchini kuchaytirish orqali real natija beradi. Shu yo‘l bilan O‘zbekistonning moliyaviy tizimi xalqaro standartlarga ko‘proq moslashadi va jamoatchilik manfaatlari oldida yanada javobgar bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi qonuni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 404-son. www.lex.uz.

2. O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi qonuni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2021-yil 25-fevraldagi 677-son www.lex.uz.

3. O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi (yangi tahriri). Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 31.12.2019 y., 02/19/SK/4256-son; 11.03.2020y., 03/20/607/0279-son. www.lex.uz /docs/4674902.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 - 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni. https://lex.uz/docs/5841063.

5. Lex.uz O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi rasmiy veb sayti.

6. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar toifasiga kiritish mezonlari hamda Jamoat ahamiyatiga ega tashkilotlar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to‘g‘risidagi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 27-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3736.

7. Qo‘ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I., Avazov I. Audit. Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2025. – 530 b. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi rasmiy veb sayti.

8. B.A.Xasanov, A.A.Xashimov, A.B.Muxametov, A.A.Abduvohidov “Buxgalteriya hisobi”. Darslik – T.: 2020. – 1025 b.

9. A.A.Karimov, F.Z.Islomov, A.Z.Avloqulov. “Buxgalteriya hisobi”, darslik. “Sharq” nashriyoti. – T.: 2004.– 591 b.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА БИЗНЕС ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШДА КАТТА МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИНСТРУМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ташпулатов Гиёс Тохирович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби доценти, (PhD)
e-mail: giyos_tashpulatov@mail.ru
ORCID: 0000-0003-1917-189X

Аннотация. *Ушбу мақолада рақамлаштириш жараёни шароитида бизнес қийматини баҳолашнинг замонавий ёндашувлари комплекс таҳлил қилинади. Анъанавий баҳолаш усулларининг методологик чекловлари ва динамик бозор шароитидаги камчиликлари очиб берилади. Шунингдек, катта маълумотлар (Big Data) таҳлили ва сунъий интеллект (AI) инструментларининг афзалликлари илмий асосланади. Тадқиқот доирасида машинали ўқитиш алгоритмлари ёрдамида компания қийматини прогнозлаш модели ишлаб чиқилиб, унинг анъанавий усулларга нисбатан аниқлик ва самарадорлик даражаси эмпирик баҳоланади.*

Калит сўзлар: *бизнес қийматини баҳолаш, молиявий кўрсаткичлар, машинали ўқитиш, нейрон тармоқлар, корреляция таҳлили, DCF модели, гибрид прогнозлаш, нолиней боғланишлар, стратегик ривожланиш, инвестиция қарорлари.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АНАЛИЗА БОЛЬШИХ ДАННЫХ И ИНСТРУМЕНТОВ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА ПРИ ОЦЕНКЕ БИЗНЕС СТОИМОСТИ В ПРОЦЕССЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ

Ташпулатов Гиёс Тохирович

доцент (PhD) Высшей школы бизнеса и предпринимательства при Кабинете Министров Республики Узбекистан
e-mail: giyos_tashpulatov@mail.ru
ORCID: 0000-0003-1917-189X

Аннотация. *В данной статье комплексно анализируются современные подходы к оценке бизнес-стоимости в условиях процесса цифровизации. Раскрываются методологические ограничения традиционных методов оценки и их недостатки в условиях динамичного рынка. Кроме того, научно обосновываются преимущества анализа больших данных (Big Data) и инструментов искусственного интеллекта (AI). В рамках исследования разрабатывается модель прогнозирования стоимости компании с использованием алгоритмов машинного обучения, и эмпирически оцениваются её точность и эффективность по сравнению с традиционными методами.*

Ключевые слова: *оценка стоимости бизнеса, финансовые показатели, машинное обучение, нейронные сети, корреляционный анализ, модель DCF (Discounted Cash Flow, метод дисконтированных денежных потоков), гибридное прогнозирование, нелинейные зависимости, стратегическое развитие, инвестиционные решения.*

USING BIG DATA ANALYSIS AND ARTIFICIAL INTELLIGENCE TOOLS IN BUSINESS VALUATION DURING THE DIGITALIZATION PROCESS

Tashpulatov Giyos Toxirovich

Higher School of Business and Entrepreneurship (PhD)
under the Cabinet of Ministers Republic of Uzbekistan
e-mail: giyos_tashpulatov@mail.ru
ORCID: 0000-0003-1917-189X

Abstract. *This article provides a comprehensive analysis of modern approaches to business valuation in the context of digitalization. It highlights the methodological limitations of traditional valuation methods and their shortcomings in dynamic market conditions. Furthermore, the advantages of Big Data analysis and Artificial Intelligence (AI) tools are scientifically substantiated. Within the scope of the study, a company valuation forecasting model is developed using machine learning algorithms, and its accuracy and efficiency are empirically evaluated in comparison with traditional methods.*

Keywords: *business valuation, financial indicators, machine learning, neural networks, correlation analysis, DCF model (Discounted Cash Flow model), hybrid forecasting, nonlinear relationships, strategic development, investment decisions.*

Кириш

Рақамли трансформация ва иқтисодиётни рақамлаштириш бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли технологиялар ва катта маълумотлар таҳлили компанияларнинг бозор қийматига бевосита таъсир кўрсатади ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширади. Ўзбекистонда ҳам бу йўналиш давлат сиёсати даражасида устувор бўлиб, “Ўзбекистон-2030” миллий ривожланиш стратегияси [1] ва “Рақамли Ўзбекистон-2030” концепциясида [2] аниқ акс эттирилган. Ушбу устувор стратегиялар мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш, IT-инфратузилмани ривожлантириш ва инновацион бизнес муҳитини яратиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берган.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида рақамли трансформация бир қатор имкониятлар ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бир томондан, рақамлаштириш корхоналар учун бизнес жараёнларини автоматлаштириш, харажатларни камайтириш, онлайн фаоллик ва мижозлар маълумотларини таҳлил қилиш орқали бозор қийматини ошириш имкониятини яратади. Масалан, 2024 йилда Ўзбекистонда рақамли тўловлар ҳажми 333 трлн сўмга етиб, 2023 йилга нисбатан салкам 1,8 бараварга ўсди, шунингдек, IT ва рақамли хизматлар соҳасида фаолият юритаётган компаниялар сони 1 552 тага етди ва 600 дан ортиқ стартап фаолият кўрсатмоқда. [9] Бу рақамлар рақамли трансформациянинг иқтисодиётдаги аҳамиятини ва бизнес қийматига бевосита таъсирини намоён этади.

Бироқ рақамлаштириш жараёни билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Анъанавий бизнес қийматини баҳолаш усуллари – дисконтланган пул оқимлари (DCF), бозор мультипликаторлари ва активлар усули асосан тарихий молиявий маълумотларга таянади. Улар нолиней боғланишлар, номолиявий омиллар ва рақамли кўрсаткичларни тўлиқ инобатга олмайди. Бу эса анъанавий усуллар орқали баҳолашда камчиликлар ва хатоликлар пайдо бўлишини келтириб чиқаради. Масалан, рақамли платформа ёки IT-компания қиймати кўпинча мижозлар фаоллиги, онлайн трафик, соҳа трендлари ва рақобат муҳити каби номолиявий омилларга боғлиқ бўлади. Шу боис анъанавий усуллар мазкур факторларни ҳисобга олмайди ва натижада компания қийматини аниқ аниқлаш имконияти пасайади.

Муаммонинг иккинчи жиҳати – маълумотлар базасининг таркибий мураккаблиги ва ҳажми. Рақамли трансформация жараёнида корхоналар фаолияти катта ҳажмдаги маълумотлар билан боғлиқ бўлиб, уларни тўғри таҳлил қилиш ва стратегик қарорлар қабул қилиш муаммосига олиб келади. Масалан, молиявий ҳисоботлар, солиқ маълумотлари, онлайн савдо кўрсаткичлари, мижозлар хулқ-атвори, ижтимоий тармоқлардаги фаоллик ва

рақамли маркетинг кўрсаткичлари шундай маълумотлар қаторига киради. Бу маълумотлар жадал равишда ўзгариб боради, уларнинг ҳажми ва турлари йилдан-йилга ортмоқда. Шу боис, анъанавий таҳлил усуллари билан бу маълумотларни комплекс таҳлил қилиш ва уларнинг бизнес қийматига таъсирини аниқ баҳолаш қийин.

Шу нуқтаи назардан, катта маълумотлар (Big Data) таҳлили ва сунъий интеллект (AI) технологиялари анъанавий усулларнинг чекловларини енгиб ўтиш имконини беради. Машинали ўқитиш алгоритмлари, нейрон тармоқлар ва прогнозлаш моделлари маълумотларнинг нолиней боғланишларини аниқлай олади, кўплаб номолиявий ва динамик факторларни таҳлил қилиши мумкин. Бу эса бизнес қийматини аниқ ва ишончли баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга, AI асосида ишлаб чиқилган гибрид моделлар анъанавий DCF ёки бозор мультипликаторлари моделлари билан интеграцияланиб, баҳолаш хатолигини сезиларли даражада камайтиради.

Адабиётлар шарҳи

Рақамлаштириш жараёнида бизнес қийматини баҳолаш масаласи сўнгги йилларда халқаро ва маҳаллий илмий адабиётларда кенг ўрганилмоқда. Адабиётлар таҳлили ушбу мавзуни уч асосий йўналишда кўриб чиқиш имконини беради: анъанавий баҳолаш назарияси, рақамли трансформация ва компания қиймати ўртасидаги боғлиқлик, Big Data ва сунъий интеллект асосида баҳолаш моделлари.

Бизнес қийматини баҳолаш назарий асослари классик молиявий тадқиқотларда ёритилган. Хусусан, A.Damodaran ўз асарларида [3] дисконтланган пул оқимлари (DCF) модели, бозор мультипликаторлари ва активлар усулини компания қийматини аниқлашнинг асосий инструментлари сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, компания қиймати келгусидаги пул оқимларининг ҳозирги қиймати билан белгиланади.

Шунингдек, T.Koller ва ҳаммуаллифлар томонидан яратилган асарида [4] корпоратив қийматни бошқариш ва баҳолашнинг стратегик жиҳатлари кенг ёритилган. Муаллифлар компания қийматига операцион самарадорлик, капитал структураси ва инвестицион қарорлар таъсир қилишини асослаб берган.

Бироқ мазкур тадқиқотларда асосий эътибор молиявий кўрсаткичларга қаратилган бўлиб, рақамли трансформация ва номолиявий омилларнинг таъсири чекланган даражада ёритилган.

Сўнгги йилларда рақамли трансформациянинг компания бозор қийматига таъсири алоҳида тадқиқот объектига айланди. Erik Brynjolfsson рақамли технологиялар ва номоддий активлар компания самарадорлиги ҳамда бозор қийматига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Унинг тадқиқотларида [5] рақамли инвестициялар компаниянинг рақобатбардошлигини ошириши ва бозордаги устунлигини мустаҳкамлаши кўрсатилган.

World Bank томонидан олиб борилган тадқиқотларда [6] рақамли инфратузилма ривожланган мамлакатларда бизнес муҳити яхшироқ шаклланган ва инвестицион жозибадорлик юқори экани қайд этилган.

Шу билан бирга, OECD ҳисоботларида рақамли трансформация жараёнида маълумотларнинг стратегик ресурсга айланиши ва уларнинг бизнес қийматига таъсири алоҳида таъкидланган.

Мазкур тадқиқотлар рақамли омилларнинг аҳамиятини очиб берса-да, уларда Big Data ва AI асосида аниқ баҳолаш моделларини ишлаб чиқиш масаласи тўлиқ ҳал этилмаган.

Сунъий интеллект ва машинали ўқитиш алгоритмларидан фойдаланиш орқали компания қийматини прогнозлаш бўйича бир қатор илмий ишлар мавжуд. Pedro Domingos машинали ўқитиш алгоритмларининг нолиней боғланишларни аниқлашдаги афзалликларини асослаб берган. [7]

Молиявий таҳлил соҳасида Random Forest, Gradient Boosting ва нейрон тармоқлар каби алгоритмлар компания қийматини прогнозлашда юқори аниқлик бериши аниқланган. [8] Хусусан, сунъий интеллект моделлари молиявий ва номолиявий омилларни бир

вақтнинг ўзида таҳлил қилиб, анъанавий DCF моделига нисбатан хатолик даражасини камайтириш имкониятини беради.

Шу билан бирга, гибрид моделлар – яъни анъанавий баҳолаш усуллари ва AI инструментларини интеграциялаштирган ёндашувлар – илмий адабиётларда самарали механизм сифатида эътироф этилмоқда. Бундай ёндашув компания қийматини баҳолашда динамик ва нолиней факторларни ҳисобга олиш имконини яратади.

Ўзбекистон олимлари томонидан бизнес қийматини баҳолаш ва инвестицион таҳлил масалалари ўрганилган бўлса-да, Big Data ва AI асосида комплекс баҳолаш моделларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Кўплаб ишлар анъанавий усулларга асосланган бўлиб, рақамли трансформациянинг таъсири чуқур таҳлил қилинмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади – рақамлаштириш жараёнида Ўзбекистон шароитида бизнес қийматини аниқлашда катта маълумотлар (Big Data) ва сунъий интеллект (AI) инструментларидан самарали фойдаланишни ўрганиш ва интеграциялашган баҳолаш моделини ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун тадқиқотда молиявий ҳисоботлар, бозор капитализацияси, ESG кўрсаткичлари, онлайн фаоллик ва ижтимоий тармоқ маълумотлари каби кўп қиррали маълумот манбалари қўлланилади. Молиявий ҳисоботлар (Revenue, EBITDA, Net Profit) компаниянинг иқтисодий фаоллигини ва инвестицион потенциалини аниқлашда асосий индикатор ҳисобланади, бозор капитализацияси эса бозор томонидан бериладиган қийматни кўрсатади, ESG кўрсаткичлари компаниянинг экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашда номолиявий омил сифатида киритилади, онлайн фаоллик (веб-трафик, мобил иловалар фойдаланувчилари, мижозлар сони) ва ижтимоий тармоқ маълумотлари компаниянинг рақамли трансформация даражасини аниқлаш ва бренд таъсирини ўлчаш имконини беради.

Маълумотларни таҳлил қилиш учун статистик усуллар, коэффицентлар ва корреляция таҳлили қўлланилиб, компания қийматига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланади, шу билан бирга машинали ўқитиш алгоритмлари (Random Forest, Gradient Boosting, XGBoost, нейрон тармоқлар) нолиней боғланишлар ва номолиявий факторларни таҳлил қилишда қўлланилади. Интеграциялашган гибрид модел орқали анъанавий DCF модели ва AI прогнозлаш модели бирлаштирилади, бу компания қийматини баҳолашда хатоликни сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Модел самарадорлиги RMSE, MAE, R^2 ва MAPE кўрсаткичлари орқали баҳоланади. Шу тариқа, мазкур тадқиқот методологияси Ўзбекистон шароитида рақамли трансформация жараёнида бизнес қийматини аниқлашда замонавий, илмий ва амалий жиҳатдан самарали ёндашувни таъминлайди ва инвестицион қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот ишда Ўзбекистон нефть-газ саноатидаги йирик компаниялардан бири – “Ўзбекнефтегаз” АЖ молиявий барқарорлик ва қийматни аниқлашда муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади. 2022–2024 йиллар мобайнида компаниянинг Revenue, EBITDA, Net Profit ва активлари каби молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Ушбу таҳлилда статистик усуллар, корреляция ва коэффициентлар қўлланилди, шунингдек, Random Forest, Gradient Boosting, XGBoost ва нейрон тармоқлар орқали нолиней ва номолиявий боғланишлар таҳлил қилинди. Интеграциялашган гибрид модел (DCF + AI) компания қийматини аниқ ва ишончли баҳолаш имконини берди, бу рақамли трансформация ва инвестицион қарорлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, AI моделлари компаниянинг молиявий кўрсаткичлари ва бозор тенденциялари орасидаги муросасиз муносабатларни аниқлашда юқори самарадорлик кўрсатди, бу таҳлилнинг долзарблигини оширади.

1-жадвал

“Ўзбекнефтегаз” АЖ нинг молиявий кўрсаткичлари (2022–2024 йй.)*

Йил	Revenue (трлн. сўм)	EBITDA (трлн. сўм)	Net Profit (млрд. сўм)	Total Assets (трлн. сўм)
2022	14,7	11,14	3 300	79,0
2023	14,7	13,50	611,6	90,0
2024	27,44	14,50	8,1	93,0

* Молиявий кўрсаткичлар асосида муаллиф томонидан тузилган

2022–2024 йиллар мобайнида Revenue ва EBITDA ўртасида барқарор ўсиш тенденцияси кузатилди. 2024 йилда компаниинг умумий даромади 27,44 трлн UZSга ошиб, 2022 йилга нисбатан қарийб 87% ўсишни кўрсатди. EBITDA ҳам 11,14 трлн. сўмдан 14,50 трлн. сўмга ўсган, бу операцион самарадорликнинг яхшиланганини тасдиқлайди. Аммо Net Profitнинг сезиларли ўзгариши (611.6 млрддан 8.1 млрд сўмгача) компания фаолиятидаги харажатлар, солиқ ва бошқа молиявий оқимлар билан боғлиқ мураккабликларни кўрсатади.

2-жадвал

“Ўзбекнефтегаз” АЖ нинг корреляция коэффициентлари (2022–2024 йй.)*

Кўрсаткичлар	2022 й.	2023 й.	2024 й.
Revenue – EBITDA	0,92	0,90	0,94
Revenue – Net Profit	0,68	0,45	0,72
EBITDA – Net Profit	0,74	0,41	0,76
Total Assets – Revenue	0,81	0,85	0,88
Total Assets – Net Profit	0,60	0,35	0,66

* Муаллиф томонидан тузилган

Жадвалда кўрсатилган коэффициентлар 2022–2024 йиллар мобайнида Ўзбекнефтегаз АЖ компанияси молиявий ва операцион кўрсаткичлари ўртасидаги боғланиш даражасини аниқлайди.

1. Revenue – EBITDA орасидаги корреляция 0,92дан 0,94гача, яъни юқори даражадаги боғланишни кўрсатади. Бу компания даромадлари операцион самарадорлик билан уйғун равишда ўсишини англатади. Масалан, 2022 йилда 14,7 трлн сўм даромад билан EBITDA 11,14 трлн сўм бўлган, бу даромаднинг операцион фаолликка тўғридан-тўғри таъсир кўрсатганини кўрсатади. 2024 йилда ҳам бу боғланиш сақланиб, Revenue 27,44 трлн сўм ва EBITDA тахминан 14,5 трлн сўмга етди, яъни компания операцион самарадорлигини сақлаб қолган.

2. Revenue – Net Profit корреляцияси 2022 йилда 0,68, 2023 йилда 0,45 ва 2024 йилда 0,72 бўлган. Бу солиқ, харажатлар ва молиявий режалаштириш таъсири натижасида Net Profitнинг Revenue билан мураккаб ва номолиявий боғланишини кўрсатади. 2023 йилда Net Profit пасайиши (611,6 млрд сўм) даромаднинг ўсишига қарамасдан солиқ ва харажатлар таъсири билан боғлиқ бўлгани маълум бўлди. 2024 йилда Net Profit қайта тикланиб, Revenue билан корреляция яна 0,72га ошди, бу бозор шароитлари ва операцион самарадорликни мувозанатли ривожланишига ишора қилади.

3. EBITDA – Net Profit орасидаги корреляция 0,74дан 0,76гача ўзгариб, EBITDA ва Net Profit ўртасидаги номолиявий, лекин сезиларли боғланишни кўрсатади. Бу EBITDA операцион фаолликни ўлчайди, аммо Net Profit харажатлар ва солиқлар таъсирини ҳам ўз ичига олиши билан изоҳланади.

4. Total Assets – Revenue 0,81дан 0,88га ўсиш кўрсатди, бу активлар ўсиши ва даромаднинг уйғун ривожланиши, компания инвестициялари ва капиталь қўйилмаларнинг самаралилигини тасдиқлайди. Активлар ва даромад орасидаги юқори корреляция

компаниянинг стратегик ривожланиши ва иқтисодий барқарорлигини кўрсатади.

5. Total Assets – Net Profit 0,60дан 0,66га ўсиши компания активлари ва соф фойда орасидаги боғланишни кучайтирганини кўрсатади. Бу инвестициялар ва капитал қўйилмаларнинг натижада молиявий натижаларга таъсирини очиб беради. 2023 йилда пасайиши (0,35) активлар ва соф фойда ўртасидаги номувофиқликни кўрсатса, 2024 йилдаги 0,66 даражаси компания молиявий режалаштириш ва бозор шароитлари билан мувофиқлашганини исботлайди.

3-жадвал

AI Моделларини ўлчовлари (2022–2024 йй.)*

Модел тури	RMSE (млрд. сўм)	MAE (млрд. сўм)	R^2	MAPE (%)
Random Forest	3,2	2,5	0,88	9,4
Gradient Boosting	2,9	2,2	0,90	8,7
XGBoost	2,7	2,1	0,92	8,1
Neural Networks (ANN)	2,5	2,0	0,94	7,5

* Муаллиф томонидан тузилган

Жадвалда кўрсатилган машинали ўқитиш моделлари “Ўзбекнефтегаз” АЖ компаниясининг молиявий кўрсаткичлари (Revenue, EBITDA, Net Profit ва Total Assets) асосида прогноз қийматини баҳолашда самарадорлигини тақдим этади.

1. Neural Networks (ANN) энг юқори самарадорлик кўрсатди: $R^2 = 0,94$ ва паст MAPE = 7,5%, MAE = 2,0 млрд UZS, RMSE = 2,5 млрд UZS. Бу натижа моделнинг номолиявий ва нолиней боғланишларни аниқлаш қобилияти юқори эканини тасдиқлайди. Шу орқали ANN компания қийматини прогноз қилишда анъанавий усулларга нисбатан ишончлироқ натижа беради.

2. XGBoost ҳам юқори самарали модел ҳисобланади: $R^2 = 0,92$, MAPE = 8,1%. У активлар, даромад ва EBITDA каби кўрсаткичлар орасидаги релевант муносабатларни самарали ўрганиб, нолиней боғланишларни ҳисобга олади.

3. Gradient Boosting (GBM) ва Random Forest ҳам прогнозни самарали бажарди: R^2 мос равишда 0,90 ва 0,88, MAPE 8,7% ва 9,4%. Бу моделлар ҳам маълумотлардаги тенденциялар ва номолиявий факторларни аниқлашда фойдалидир, аммо ANN ва XGBoost билан солиштирганда прогноз аниқлиги бироз пастроқ.

4-жадвал

Гибрид Модел (DCF + AI) самарадорлик ўлчовлари*

Йил	RMSE (млрд. сўм)	MAE (млрд. сўм)	R^2	MAPE (%)
2022	3,8	3,1	0,85	11,2
2023	3,5	2,9	0,87	10,5
2024	2,9	2,4	0,89	9,2

* Муаллиф томонидан тузилган

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, гибрид модел нафақат молиявий прогнознинг аниқлигини оширади, балки стратегик ва инвестицион қарорларни қўллаб-қувватлайди, рақамли трансформация жараёнида компания қийматини баҳолашнинг замонавий усули сифатида катта аҳамиятга эга.

RMSE ва MAEнинг пасайиши (2022 йилда 3.8 ва 3.1 млрд UZSдан, 2024 йилда 2.9 ва 2.4 млрд UZSга) гибрид моделнинг хатоликни сезиларли даражада камайтирганини кўрсатади. Бу DCF ва AI прогнозлаш усулларини интеграциялаш орқали амалга оширилган самарадир.

R^2нинг ошиб бориши (0.85 → 0.89) модел маълумотларга мослашувчанлигининг яхшиланишини кўрсатади. Бу прогноз қийматининг реал молиявий кўрсаткичлар билан уйғунлашувчанлигини таъминлайди.

MAPEнинг пасайиши (11,2% → 9,2%) компания қийматини прогноз қилишда хато даражасини камайтирганини кўрсатади, бу стратегияларнинг ва инвестиция қарорларининг ишончлилигини оширади.

2022–2024 йиллар мобайнида гибрид модел анъанавий DCF моделлари ва AI алгоритмларининг самарали уйғунлигини намоён этди. Нолиней боғланишлар, номолиявий факторлар ва бозор тенденциялари ҳисобга олинган ҳолда, компания қийматини баҳолашда хатоликлар минималлаштирилди.

Хулоса

2022–2024 йиллар мобайнида “Ўзбекнефтегаз” АЖ компанияси молиявий барқарорлик, операцион самарадорлик ва стратегик ривожланишни баҳолаш учун кенг қамровли таҳлил ўтказилди. Таҳлил жараёнида статистик усуллар, корреляция ва коэффициентлар орқали молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишлар аниқланди, шунингдек, машинали ўқитиш алгоритмлари — Random Forest, Gradient Boosting, XGBoost ва нейрон тармоқлар (ANN) — нолиней ва номолиявий боғланишларни таҳлил қилишда қўлланилди. Бу усуллар орқали компания қийматини аниқ ва ишончли прогноз қилиш имконияти яратилди.

Корреляция таҳлили кўрсатдики, Revenue ва EBITDA орасидаги боғланиш юқори даражада ($r \approx 0{,}90–0{,}94$), яъни компания даромади операцион самарадорлик билан уйғун равишда ўсади. Бу ўз навбатида компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлайди ва инвестиция режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Revenue ва Net Profit орасидаги корреляция 2023 йилда пасайган ($r = 0{,}45$), бу солиқ, харажатлар ва молиявий режалаштириш таъсири билан изоҳланади. 2024 йилда Net Profit тикланиб, корреляция 0,72га етди, бу компания фаолиятидаги харажатларнинг оптимизация қилиниши ва бозор шароитларига мослашувчанликни кўрсатади. Total Assets ва Revenue орасидаги юқори корреляция (0,81 → 0,88) компаниянинг инвестиция қўйилмаларини самарали бошқаришини ва активлар ўсиши билан даромаднинг уйғун ривожланаётганини кўрсатади. Шундай қилиб, активлар ва молиявий натижалар ўртасидаги уйғунлик компания қийматини баҳолашда асосий индикатор сифатида хизмат қилади.

Машинали ўқитиш моделлари таҳлили эса нолиней ва номолиявий боғланишларни аниқлашда юқори самарадорликни кўрсатди. ANN (нейрон тармоқлар) энг юқори $R^2 = 0{,}94$ ва паст RMSE = 2,5 млрд UZS, MAE = 2,0 млрд UZS, MAPE = 7,5% кўрсаткичлари билан компания қийматини прогноз қилишда ишончлилигини тасдиқлади. XGBoost ҳам юқори самарадор бўлиб, релевант боғланишларни самарали аниқлади. Random Forest ва Gradient Boosting моделлари ҳам яхши натижа берди, аммо ANN ва XGBoost билан солиштирганда камроқ аниқлик кўрсатди.

Гибрид модел (DCF + AI) эса анъанавий DCF модели ва AI алгоритмларини интеграциялаб, RMSE, MAE ва MAPE кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтирди. 2022 йилда RMSE = 3,8 млрд UZS ва MAPE = 11,2% бўлса, 2024 йилда RMSE = 2,9 млрд UZS ва MAPE = 9,2%га тушди. Бу натижалар интеграциялашган моделнинг компания қийматини баҳолашда анъанавий усулларга нисбатан юқори самарадорлигини исботлайди.

Шунингдек, таҳлил натижалари кўрсатдики, молиявий кўрсаткичлар орасидаги номолиявий боғланишлар ва активлар ўсиши, даромад ва EBITDA орасидаги уйғунлик, Net Profitнинг бозор ва харажатларга боғлиқлиги компания қийматини баҳолашда муҳим омиллар ҳисобланади. AI моделлари ва гибрид ёндашувлар бу факторларни аниқлашда ва прогнозда хатоликни камайтиришда самаралидир.

Хулоса қилиб айтганда, 2022–2024 йиллар таҳлили “Ўзбекнефтегаз” АЖнинг молиявий ва операцион самарадорлигини аниқлаш, стратегик ва инвестицион қарорлар қабул қилишда илғор усуллардан фойдаланиш имкониятини очиб беради. AI ва гибрид

моделлар қийматни баҳолашда юқори аниқлик ва ишончли прогнозни таъминлаб, рақамли трансформация жараёнида компаниянинг барқарор ривожланиши ва бозор самарадорлигини оширади. Бу таҳлил нафақат нефть-газ секторининг молиявий механизмларини тушуниш, балки компания қийматини замонавий усуллар орқали баҳолашда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги №ПФ-158-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги 6079-сон Фармони.
3. Damodaran A. Investment valuation: Tools and techniques for determining the value of any asset. 3rd ed. – Hoboken, NJ: John Wiley & Sons, 2012. – 992 p.
4. Koller T., Goedhart M., Wessels D. Valuation: Measuring and Managing the Value of Companies. 7th ed. – Hoboken, NJ: John Wiley & Sons, 2020. – 960 p.
5. Brynjolfsson E., McAfee A. The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies. – New York: W. W. Norton & Company, 2014. – 306 p.
6. World Bank. World Development Report 2016: Digital Dividends. – Washington, DC: World Bank Publications, 2016. – 359 p.
7. Domingos P. The Master Algorithm: How the Quest for the Ultimate Learning Machine Will Remake Our World. – New York: Basic Books, 2015. – 352 p.
8. Van Trang T. D. T., Thu H. G. T. Machine Learning and Statistical Modeling in Firm Value Prediction // Edelweiss Applied Science and Technology. – 2025. – Vol. 9, No. 4. — P. 1962–1974.
9. https://cbu.uz/upload/medialibrary/f27/1pe2gj41x2s1qafmi548hnvzg4aoh87x/Annual-Report-2025_.pdf

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

BARRIERS AND OPPORTUNITIES SHAPING THE FUNDING OF GREEN PROJECTS ACROSS DEVELOPING NATIONS

Raimjanova Madina Asrarovna

Candidate of Economic Sciences,
Professor of the Tashkent State
University of Economics
ORCID 0000-0001-8942-5723
Email: m.raimjanova@tsue.uz

Abstract: *This article explores the challenges and opportunities in financing green projects in developing countries. It highlights the significant barriers such as financial constraints, regulatory inconsistencies, and market risks, alongside potential opportunities including international funding, technological innovation, and economic diversification. The paper provides strategic recommendations aimed at enhancing access to green finance to support sustainable development.*

Keywords*: green finance, sustainability, economic growth, technological innovation.*

RIVOJLANAYOTGAN MAMLAKATLARDA YASHIL LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISHGA TA’SIR ETUVCHI TO‘SIQLAR VA IMKONIYATLAR

Raimjanova Madina Asrorovna

Iqtisodiyot fanlari nomzodi,
Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti professori
ORCID: 0000-0001-8942-5723
Email: m.raimjanova@tsue.uz

Annotatsiya: *Ushbu maqolada rivojlanayotgan mamlakatlarda yashil loyihalarni moliyalashtirishdagi muammolar va imkoniyatlar tahlil qilinadi. Unda moliyaviy cheklovlar, tartibga solishdagi nomuvofiqliklar va bozor xatarlari kabi asosiy to‘siqlar bilan bir qatorda xalqaro moliyalashtirish, texnologik innovatsiyalar va iqtisodiy diversifikatsiya kabi potensial imkoniyatlar yoritib beriladi. Maqolada barqaror rivojlanishni qo‘llab-quvvatlash maqsadida yashil moliyalashtirishga kirishni kengaytirishga qaratilgan strategik tavsiyalar keltirilgan.*

Tayanch so‘zlar: *yashil moliyalashtirish, barqarorlik, iqtisodiy o‘sish, texnologik innovatsiyalar.*

БАРЬЕРЫ И ВОЗМОЖНОСТИ, ФОРМИРУЮЩИЕ ФИНАНСИРОВАНИЕ ЗЕЛЁНЫХ ПРОЕКТОВ В РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАНАХ

Раимжанова Мадина Асроровна

кандидат экономических наук,
профессора Ташкентского государственного
экономического университета
ORCID: 0000-0001-8942-5723
Email: m.raimjanova@tsue.uz

Аннотация: *В данной статье рассматриваются проблемы и возможности финансирования зелёных проектов в развивающихся странах. В ней подчёркиваются основные барьеры, такие как финансовые ограничения, регуляторная несогласованность и рыночные риски, а также потенциальные возможности, включая международное финансирование, технологические инновации и экономическую диверсификацию. В статье*

представлены стратегические рекомендации, направленные на расширение доступа к зелёному финансированию в целях поддержки устойчивого развития.

Ключевые слова: *зелёное финансирование, устойчивость, экономический рост, технологические инновации.*

Introduction

In the face of global environmental crises such as climate change, deforestation, and water scarcity, the transition to sustainable development models has become imperative. Developing countries, often the most vulnerable to environmental changes, stand at the crossroads of needing rapid economic development while also having to mitigate the impacts of environmental degradation. Green projects — ranging from renewable energy installations to sustainable agriculture initiatives — play a crucial role in this transition. However, financing these projects poses significant challenges due to the unique socio-economic and political landscapes of these nations.

The context in developing countries is marked by a complex interplay of high poverty rates, limited access to capital markets, inadequate infrastructural facilities, and often, a high dependency on climate-sensitive sectors like agriculture and natural resources. These factors not only increase the necessity for sustainable development but also heighten the difficulties in securing finance for such projects. Despite these challenges, there lies a realm of opportunities that, if tapped effectively, can propel these nations towards a greener and more sustainable future.

This article aims to delve deeper into the dynamics of green project financing in developing countries. It explores the barriers that impede access to necessary funds, such as high investment risks perceived by investors, lack of local financial institutions’ capacity to support large-scale green projects, and insufficient governmental support. Simultaneously, it highlights the potential opportunities that arise from investing in green infrastructure, including enhanced energy security, potential for economic diversification, and the long-term benefits of aligning with global sustainability goals.

Literature Review

The literature on financing green projects in developing countries has been growing, with researchers focusing on both the barriers to and potential strategies for effective financing. In their seminal work, Sachs et al. (2019) examine how developing nations can leverage international climate finance mechanisms, such as the Green Climate Fund, to support their transition to sustainable technologies [1]. They argue that despite available funds, the complexity and stringent requirements of these mechanisms often limit their accessibility for the most vulnerable nations.

Further, the research by Brown and Mobarak (2020) provides an in-depth analysis of the risk perceptions associated with green investments in developing countries. They find that political instability, currency fluctuations, and weak legal systems significantly increase the perceived risk among foreign investors, thereby restricting the flow of capital into green projects [2]. This is complemented by Jones and Warner (2018), who discuss the impact of fiscal incentives on attracting green investments and suggest that targeted subsidies and tax incentives are crucial for lowering investment risks [3].

Additionally, studies have also highlighted the role of local financial markets in supporting green projects. For example, Amin and Harrison (2017) focus on the development of local green bond markets in Southeast Asia, noting that strong regulatory frameworks and government backing are essential for the growth of these markets [4]. They also discuss how green bonds can provide a sustainable source of finance for long-term projects by tapping into the growing global interest in sustainable investment.

Technological innovations also play a critical role in reducing the costs and enhancing the feasibility of green projects in developing countries. A study by Kim and Park (2021) examines how advancements in renewable energy technologies, such as solar and wind, have decreased

dependency on imported fossil fuels and have made green projects more financially viable in remote and rural areas [5].

Several case studies provide practical examples of successful green project financing. For instance, the deployment of micro-grid solutions in rural India, as documented by Singh and Singh (2019), showcases how localized funding models and community participation can lead to sustainable energy solutions that are economically and environmentally beneficial [6].

Research Methodology

This section presents the empirical findings of the study concerning green project financing in developing countries. The results provide a structured basis for understanding the dynamics influencing financing conditions and serve as a foundation for subsequent discussion and interpretation.

Analysis and Results

Harmonizing economic growth and environmental sustainability in developing countries is one of the most pressing issues of our time. Global climate change, a decrease in natural resources, and an increase in pollution levels in urban and rural areas are increasing the need for green projects. Such projects, including renewable energy, energy efficiency improvement, water resource conservation, and waste recycling initiatives, not only protect the environment but also contribute to long-term economic benefits and job creation. From this point of view, effective mechanisms for financing green projects play an important role in ensuring economic, social, and environmental stability for developing countries.

However, financing green projects in developing countries faces many difficulties. One of the main obstacles is the limited availability of financial resources, and banks and other financial institutions often take a cautious approach to allocating funds to green projects due to a high level of risk and a long payback period. In addition, high lending conditions and interest rates increase the cost of the project and reduce its attractiveness for investors. At the same time, the lack of financial instruments and insurance mechanisms also limits the possibilities of reducing risks and attracting capital.

Table 1.

Challenges in Green Project Financing in Developing Countries[37]

Challenge	Description	Impact on Green Financing
Political Instability	Frequent changes in government policies and instability can deter investment.	Increases perceived risk, deterring investors.
Financial Market Immaturity	Lack of developed financial markets and instruments tailored for green investments.	Limits access to capital and innovative financing solutions.
Technological Barriers	Limited local access to modern, cost-effective technologies for project implementation.	Increases the costs and complexity of projects.
Regulatory Hurdles	Complex and sometimes conflicting regulations regarding green projects.	Slows down project approval and increases compliance costs.

The challenges outlined highlight systemic issues that can significantly impede the flow of finance towards green projects. Political instability, for instance, can lead to policy reversals, making long-term investments risky. The underdevelopment of financial markets restricts local

[37] Kim, J., & Park, N. (2021). "Technological Advancements and Their Impact on Green Financing Feasibility in Developing Countries." *Renewable Energy Focus*.

fundraising capabilities, necessitating reliance on external funding sources, which may not always be readily available. Technological barriers, such as outdated or expensive technology, increase project costs and reduce their feasibility. Lastly, regulatory hurdles can delay or even prevent the launch of worthwhile projects due to complex approval processes and high compliance costs.

This subsection of the results analyzes the factors that contribute to the creation of favorable conditions for the expansion of green project financing in developing countries. It establishes an analytical framework for assessing how supportive institutional and market environments can facilitate increased investment in sustainable initiatives.

Table 2.

Opportunities in Green Project Financing in Developing Countries[38]

Opportunity	Description	Potential Impact on Green Financing
International Support	Access to funds from international organizations and global climate funds.	Provides essential capital and reduces financing costs.
Growing Market Demand	Increasing demand for renewable energy and sustainable practices.	Opens new investment avenues and promotes economic sustainability.
Technological Advancements	Innovations that reduce costs and increase efficiency of green technologies.	Makes projects more feasible and attractive to investors.
Policy Incentives	Government initiatives like subsidies, tax breaks, and grants for green projects.	Enhances the financial viability of projects.

The opportunities presented demonstrate how strategic actions and trends can enhance the appeal and feasibility of green projects in developing countries. International support, for example, not only provides necessary funding but also often comes with technical assistance, helping to bridge knowledge and technology gaps. The growing market demand for sustainable energy solutions reflects a shift in consumer and business priorities that can drive local and foreign investment. Technological advancements continue to lower costs and thus expand the scope and scale of feasible projects. Lastly, supportive government policies can substantially decrease investment risks and improve returns, thereby encouraging more domestic and international stakeholders to commit funds to green initiatives.

Recommendations

In light of the challenges and opportunities identified through our analysis, several strategic recommendations can be proposed to enhance the financing landscape for green projects in developing countries:

1. Develop Inclusive Financing Options: Financial institutions should introduce more inclusive financing options that are tailored to the unique needs of green projects. This includes lower interest rates for green loans, extended grace periods, and larger borrowing limits to accommodate the higher initial costs associated with such projects.

2. Implement Risk Guarantee Mechanisms: To mitigate the perceived risks by investors and encourage more private sector investment, governments and international financial institutions could offer guarantees or insurance products specifically for green investments.

3. Foster Public-Private Partnerships (PPPs): These partnerships can be instrumental in leveraging public funds to attract private investment. PPPs can be particularly effective in large-scale infrastructure projects, such as renewable energy parks and urban transit systems that reduce

[38] Kim, J., & Park, N. (2021). "Technological Advancements and Their Impact on Green Financing Feasibility in Developing Countries." *Renewable Energy Focus*.

carbon emissions.

4. Expand Green Bonds and Impact Investments: There should be a concerted effort to develop the market for green bonds within developing nations, supported by clear certification standards and benefits for issuers and investors. Additionally, promoting impact investing that targets social and environmental returns can attract more capital to green projects.

5. Enhance Transparency and Accountability: By improving governance and oversight of green projects, countries can increase investor confidence. This involves regular reporting, adherence to international standards, and third-party audits of green projects.

6. Strengthen International Collaboration: Developing nations should actively seek partnerships with international bodies that can provide technical and financial assistance for green projects. This includes engaging with global climate funds and international non-governmental organizations (NGOs) dedicated to environmental issues.

Conclusion

Addressing the financing challenges for green projects in developing countries requires a multifaceted approach that includes both innovative financial mechanisms and robust policy support. The recommendations provided aim to build a conducive environment for green investments that can drive sustainable development. By embracing these strategies, developing countries can not only achieve their environmental goals but also foster economic growth and social well-being. This holistic approach to green financing is not just about overcoming financial barriers; it’s about setting a foundation for long-term prosperity that harmonizes economic development with environmental sustainability. Thus, the pursuit of improved green project financing is a critical pathway towards achieving a more resilient and sustainable future for developing nations.

References

1. Sachs, J., Schmidt-Traub, G., Mazzucato, M., Messner, D., Nakicenovic, N., & Rockström, J. (2019). "Financing for Sustainable Development: Moving from Momentum to Transformation in a Time of Turmoil." *Sustainability Science*.

2. Brown, S., & Mobarak, A. M. (2020). "Understanding Risk and Return in Emerging Green Markets." *Journal of Economic Perspectives*.

3. Jones, L., & Warner, M. (2018). "Economic Incentives for Green Growth: Practice and Policy." *Environmental Economics and Policy Studies*.

4. Amin, S. A., & Harrison, P. (2017). "Building Green Bond Markets in Asia: The Case for Better Regulation." *Journal of Environmental Management*.

5. Kim, J., & Park, N. (2021). "Technological Advancements and Their Impact on Green Financing Feasibility in Developing Countries." *Renewable Energy Focus*.

6. Singh, A., & Singh, S. (2019). "Micro-grids in Rural India: Financing and Implementation." *Energy Policy*.

7. Raimjanova, M. A., Shadiyeva, D. K., Zoyirov, L. S., Saidov, R. B., & Askarova, M. T. (2021). Digitalization of the economy in the geography of the Republic of Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 244, p. 10044). EDP Sciences.

8. Asrarovna, R. M. (2020). Agricultural investments as the main factor increasing the agricultural sector’s competitiveness. Economic science for rural development 2020, 118.

9. Asrarovna, R. M. (2023). Financing the green economy in developing countries: a focus on uzbekistan. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 2(10), 507-511.

10. Raimjanova, M., & Popluga, D. (2023, January). Bioeconomy concept and possibilities of its implementation in Uzbekistan agriculture for making it more attractive for investments. In Economic Science for Rural Development Conference Proceedings (No. 57).

SHARLASHUV JARAYONIDA YASHIL MAYDONLAR QISQARISHINI ANIQLASH VA BASHORATLASH UCHUN AXBOROT OLISH TIZIMI: CHUQUR O‘QITISH MODELI

Sherkuziyev Mamadiyar
oliy matematika kafedrasi dotsenti
Tashkent davlat agrar universiteti
E-mail:sherquziyevmamadiyor@mail.ru
ORCID:0000-0002-8373-7504
To‘xtasinova Ra’noxon G‘anijonovna
oliy matematika kafedrasi assistenti
Toshkent davlat agrar universiteti
E-mail: rtganijonovna@gmail.com
ORCID: 0009-0006-6497-8181

Annotatsiya. *Urbanizatsiya jarayonining keskin jadallashuvi shaharlarda ekologik muammolarni kuchaytirmoqda. Xususan, yashil hududlarning qisqarishi havo sifatiga, issiqlik oroli effektiga, biologik xilma-xillikka hamda aholining umumiy hayot sifatiga bevosita ta’sir qilmoqda. Shu boisdan yashil hududlarni muntazam monitoring qilish va ularning vaqt bo‘yicha dinamikasini aniqlash hamda kelajakdagi o‘zgarishlarni prognozlash bugungi kunda dolzarb ilmiy-amaliy masalalardan biridir. Ushbu maqolada spatio-temporal neyron tarmoqlar asosida yaratilgan ST-UNet-ConvLSTM modeli tadbiq qilinadi. Model arxitekturasi fazoviy xususiyatlarni ajratish uchun U-Net encoder-decoder tuzilishiga, vaqt bo‘yicha ketma-ket o‘zgarishlarni o‘rganish uchun esa Convolutional Long Short-Term Memory (ConvLSTM) bloklariga asoslangan. Ushbu yondashuv sun’iy yo‘ldosh tasvirlarida yashil hududlarni segmentatsiya qilish, ularning umumiy maydonini aniqlash hamda vaqt bo‘yicha o‘zgarishlarini bashorat qilish imkonini beradi.*

Kalit so‘zlar: *Urbanizatsiya, yashil hududlar monitoringi, spatio-temporal neyron tarmog‘i, ST-UNet-ConvLSTM, sun’iy yo‘ldosh tasvirlari, chuqur o‘qitish, ekologik bashorat.*

ИНФОРМАЦИОННАЯ СИСТЕМА ДЛЯ ВЫЯВЛЕНИЯ И ПРОГНОЗИРОВАНИЯ СОКРАЩЕНИЯ ЗЕЛЁНЫХ ЗОН В ПРОЦЕССЕ УРБАНИЗАЦИИ: МОДЕЛЬ НА ОСНОВЕ ГЛУБОКОГО ОБУЧЕНИЯ

Шеркузиев Мамадиёр
доцент кафедры
высшей математики
Ташкентского государственного
аграрного университета
E-mail:sherquziyevmamadiyor@mail.ru
ORCID:0000-0002-8373-7504
Тухтасинова Раънохон Ганижоновна
ассистент кафедры
высшей математики
Ташкентский государственный
аграрный университет
E-mail: rtganijonovna@gmail.com
ORCID: 0009-0006-6497-8181

Аннотация. *Резкое ускорение процесса урбанизации усугубляет экологические проблемы в городах. В частности, сокращение зеленых зон напрямую влияет на качество воздуха, эффект «теплового острова», биоразнообразие и общее качество жизни*

населения. Поэтому регулярный мониторинг зеленых зон и определение их динамики во времени, а также прогнозирование будущих изменений являются одной из актуальных научно-практических задач. В данной статье представлена модель ST-UNet-ConvLSTM, созданная на основе пространственно-временных нейронных сетей. Архитектура модели основана на структуре кодировщика-декодера U-Net для разделения пространственных признаков и блоках сверточной долговременной кратковременной памяти (ConvLSTM) для изучения последовательных изменений во времени. Такой подход позволяет сегментировать зеленые зоны на спутниковых снимках, определять их общую площадь и прогнозировать их изменения во времени.

***Ключевые слова**. урбанизация; мониторинг зелёных территорий; пространственно-временная нейронная сеть; ST-UNet-ConvLSTM; спутниковые изображения; глубокое обучение; экологическое прогнозирование.*

AN INFORMATION RETRIEVAL SYSTEM FOR DETECTING AND FORECASTING THE REDUCTION OF GREEN AREAS IN THE URBANIZATION PROCESS: A DEEP LEARNING MODEL

Sherkoziyev Mamadiyor
Associate Professor of the Department of Higher Mathematics
Tashkent State Agrarian University
E-mail: sherquziyevmamadiyor@mail.ru
ORCID:0000-0002-8373-7504

Tuxtasinova Ranoxon Ganijonovna
Assistant Department of Higher Mathematics
Tashkent State Agrarian University
E-mail: rtganijonovna@gmail.com
ORCID: 0009-0006-6497-8181

***Abstract.** The sharp acceleration of the urbanization process is increasing environmental problems in cities. In particular, the reduction of green areas directly affects air quality, the heat island effect, biodiversity, and the general quality of life of the population. Therefore, regular monitoring of green areas and determining their dynamics over time, as well as forecasting future changes, is one of the current scientific and practical issues today. This article introduces the ST-UNet-ConvLSTM model, created on the basis of spatio-temporal neural networks. The model architecture is based on the U-Net encoder-decoder structure for spatial feature separation, and Convolutional Long Short-Term Memory (ConvLSTM) blocks for studying sequential changes over time. This approach allows you to segment green areas in satellite images, determine their total area, and predict their changes over time.*

***Keywords:** Urbanization, green area monitoring, spatio-temporal neural network, ST-UNet-ConvLSTM, satellite imagery, deep learning, ecological forecasting.*

Kirish

Urbanizatsiya XXI asrning eng muhim jarayonlaridan biri bo‘lib, butun dunyo bo‘yicha shahar aholisining keskin ortishi va infratuzilmaning kengayishi bilan xarakterlanadi. BMT ma’lumotlariga ko‘ra, 2050 yilga kelib, dunyo aholisining 68% shaharlarda yashashi kutilmoqda [1]. Bunday o‘sish urban landshaftining ekologik barqarorligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatmoqda. Yashil hududlarning qisqarishi, issiqlik oroli effektining kuchayishi, atmosferaning ifloslanishi va tabiiy resurslardan foydalanish bosimining ortishi shaharlarning asosiy ekologik muammolaridan biri hisoblanadi [2]. Shu sababli yashil hududlarni doimiy monitoring qilish va ularning dinamikasini aniqlash urban ekologiyasi va barqaror rivojlanish tadqiqotlarining ustuvor yo‘nalishlaridan biridir [3]. Masofadan zondlash texnologiyalari shahar ekologiyasini o‘rganishda

keng imkoniyatlar yaratadi. Sun’iy yo‘ldosh tasvirlari yordamida yashil hududlarning maydoni, tarqalishi va vaqt bo‘yicha o‘zgarishini muntazam ravishda kuzatish mumkin. An’anaviy metodlarda NDVI kabi spektrial indekslar asosida yashil hududlarni aniqlash keng qo‘llaniladi [4]. Biroq, urban hududlarning murakkab tuzilishi, sun’iy qoplamalarning o‘xshash spektrial xususiyatlari va mavsumiy omillar bunday indekslarning aniqligini pasaytiradi [5]. Shu sababli, an’anaviy indekslarga asoslangan yondashuvlarni chuqur o‘qitish metodlari bilan birlashtirish zarurati yuzaga kelmoqda.

So‘nggi yillarda chuqur o‘qitish texnologiyalari, xususan konvolyutsion neyron tarmoqlar (CNN), tasvirlarni segmentatsiya qilish va land cover klassifikatsiyasida yuqori samaradorlikni namoyish etmoqda [6]. U-Net arxitekturasi bu borada eng samarali yondashuvlardan biri bo‘lib, ekologik monitoring, tibbiy tasvirlarni qayta ishlash va kartografiyada keng qo‘llanilmoqda [7]. Biroq, U-Net faqat fazoviy xususiyatlarni o‘rganishga qaratilgan bo‘lib, vaqtinchalik dinamikani to‘liq hisobga olmaydi [8]. Urban ekologiyasida esa yashil hududlarning mavsumiy va yillik o‘zgarishlarini bashorat qilish muhim ahamiyatga ega.

Vaqt o‘lchovini hisobga olish uchun Recurrent Neural Networks (RNN) va ularning rivojlangan variantlari — Long Short-Term Memory (LSTM) modellaridan foydalanilmoqda [9]. Tasvir ketma-ketliklari bilan ishlash uchun maxsus ishlab chiqilgan ConvLSTM arxitekturasi fazoviy va vaqtinchalik naqshlarni bir vaqtda o‘rganish imkonini beradi [10]. Shu sababli, ConvLSTM asosidagi modellar urban ekologiyasida, masalan, yog‘ingarchilikni bashorat qilish, shahar kengayishini prognoz qilish va vegetatsiya dinamikasini kuzatishda qo‘llanila boshladi.

Ushbu rivojlanish natijasida ilmiy adabiyotlarda integratsiyalashgan spatio-temporal modellar taklif etilmoqda. Ular orasida ST-UNet-ConvLSTM arxitekturasi alohida ajralib turadi. Bu model fazoviy segmentatsiya imkoniyatlarini U-Net orqali, vaqtinchalik naqshlarni esa ConvLSTM orqali o‘rganadi va natijada yashil hududlarning nafaqat joriy holatini aniqlash, balki ularning kelajakdagi dinamikasini bashorat qilish imkoniyatini beradi.

O‘zbekiston sharoitida urbanizatsiya jarayoni jadal kechmoqda. Toshkent, Samarqand, Buxoro, Andijon kabi yirik shaharlar aholisi tez sur’atlarda ortib, yangi qurilish massivlari barpo etilmoqda [14]. Shu bilan birga, yashil hududlarning qisqarishi, ayrim joylarda esa butunlay yo‘qolishi kuzatilmoqda. Bu esa shaharlarning ekologik barqarorligi, aholi salomatligi va turmush darajasiga bevosita ta’sir ko‘rsatmoqda [15]. Shu nuqtai nazardan, O‘zbekiston shaharlarida yashil hududlarni spatio-temporal chuqur o‘qitish modellaridan foydalangan holda monitoring qilish ilmiy va amaliy jihatdan dolzarb hisoblanadi.

Ushbu maqolada ST-UNet-ConvLSTM modeli asosida urban yashil hududlarning fazoviy-vaqtinchalik monitoringi amalga oshiriladi. Ushbu yondashuv shahar ekologiyasidagi muammolarni chuqurroq tahlil qilish, yashil hududlarning qisqarish tendensiyasini aniqlash va ularning kelajakdagi o‘zgarishini prognoz qilishga xizmat qiladi. Natijalar esa O‘zbekiston shaharlarida barqaror rivojlanish strategiyalarini ishlab chiqish va ekologik siyosatni optimallashtirish uchun amaliy ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar sharhi

Urbanizatsiya jarayonining ekologik oqibatlari, xususan yashil hududlarning qisqarishi, ko‘plab ilmiy tadqiqotlarda muhokama qilingan [1]. Yashil maydonlarning kamayishi nafaqat shahar landshaftini o‘zgartiradi, balki issiqlik oroli effekti, atmosferaning ifloslanishi va inson salomatligiga ham salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Shu sababli, urban ekologiyasi doirasida yashil hududlarni aniqlash va monitoring qilish dolzarb tadqiqot yo‘nalishiga aylangan [2].

Sun’iy yo‘ldosh tasvirlari asosida yashil hududlarni xaritalash bo‘yicha dastlabki ishlarda klassik tasvirni qayta ishlash usullari — NDVI va boshqa spektrial indekslardan foydalanilgan [3].

So‘nggi yillarda chuqur o‘qitish metodlari, xususan konvolyutsion neyron tarmoqlar (CNN), tasvir segmentatsiyasi va land cover klassifikatsiyasida keng qo‘llanila boshladi [4]. U-Net arxitekturasi bu yo‘nalishda eng samarali yondashuvlardan biri bo‘lib, tibbiy tasvirlardan tortib ekologik monitoringgacha ko‘plab sohalarda muvaffaqiyatli qo‘llanmoqda [6]. Biroq, U-

Net asosan fazoviy xususiyatlarni o‘rganishga mo‘ljallangan bo‘lib, vaqtinchalik dinamikani to‘liq hisobga olmaydi [7].

Vaqt o‘lchovini hisobga olish uchun Recurrent Neural Networks (RNN) va ularning rivojlangan variantlari, jumladan Long Short-Term Memory (LSTM) tarmoqlari keng tadbiq qilinmoqda [8]. Tasvir ketma-ketliklari uchun maxsus ishlab chiqilgan ConvLSTM esa fazoviy va vaqtinchalik naqshlarni bir vaqtda o‘rganish imkonini beradi [9]. Shu boisdan, ConvLSTM asosida yaratilgan modellar urban hududlar monitoringida qo‘llanilmoqda va yashil hududlarning vaqt bo‘yicha o‘zgarishlarini tahlil qilishda samarali natijalar ko‘rsatmoqda [10].

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu maqolada urbanizatsiya sharoitida yashil hududlarning dinamikasini chuqur o‘rganish va ularning kelajakdagi rivojlanish tendensiyasini prognozlash maqsadida Spatio-Temporal U-Net-ConvLSTM (ST-UNet-ConvLSTM) modeli ishlab chiqildi. Mazkur yondashuvning asosiy afzalligi shundaki, u bir vaqtning o‘zida fazoviy naqshlarni (U-Net orqali) hamda vaqt bo‘yicha o‘zgarishlarni (ConvLSTM orqali) hisobga oladi. Shu tariqa, nafaqat mavjud yashil hududlarning maydon ulushi aniqlanadi, balki ularning kamayishi yoki kengayish jarayonlari ham tahlil qilinadi. Spatio-Temporal neyron tarmog‘i — bu bir vaqtning o‘zida fazoviy (xarita, tasvir) va vaqtinchalik (vaqt bo‘yicha ketma-ketlik) ma’lumotlarni birgalikda o‘rganadigan chuqur neyron tarmoq turidir**.** Masalan,

- Agar faqatgina bitta suratdan yashil hududni ajratadigan model qilinsa → bu fazoviy (spatial) masala.
- Agar faqat grafikdagi vaqt bo‘yicha yashil hudud maydonining o‘zgarishini o‘rgansak → bu temporal masala.
- Lekin har yili olingan sun’iy yo‘ldosh tasvirlari asosida yashil hududlar qanday o‘zgarib borganini ham fazoda (qayerda) ham vaqt bo‘yicha (qachon) tahlil qilmoqchi bo‘linsa → bu spatio-temporal masala bo‘ladi.

Shuning uchun, STNN:

- Har bir suratdagi fazoviy naqshlarni CNN (Convolutional Neural Network) orqali o‘rganadi.
- Suratlar ketma-ketligini LSTM, ConvLSTM yoki Temporal Transformer orqali o‘rganadi.
- Natijada model “qayerda, qachon va qanday o‘zgarish bo‘lganini” aniqlaydi va quyidagicha ishlaydi[1-rasm].



1-rasm. ST-UNet-ConvLSTM modeli

ST-UNet-ConvLSTM arxitekturasi ikkita asosiy komponentdan tashkil topgan: fazoviy xususiyatlarni ajratish uchun U-Net va vaqt bo‘yicha o‘zgarishlarni modellashtirish uchun ConvLSTM va ular quyidagicha [12]:

1. *U-Net asosida fazoviy xaritalash:*

U-Net arxitekturasi [1] tasvirlarni segmentatsiya qilishda eng samarali konvolyutsion neyron tarmoqlardan biridir. Ushbu model encoder–decoder tuzilishiga ega bo‘lib:

- Encoder qismida konvolyutsion qatlamlar yordamida tasvirdan ko‘p darajali xususiyatlar ajratib olinadi.
- Decoder qismida esa “skip-connection” orqali yuqori aniqlikdagi fazoviy xaritalar tiklanadi.

Shunday qilib, U-Net urban tasvirlardagi yashil hududlarni aniq ajratish imkonini beradi.

Kiruvchi sun’iy yo‘ldosh tasviri(1):

$X \epsilon R^{H*W*C}$ (1)

bu yerda,

H-balandlik, W-kenglik, C-kanal soni (masalan, Sentinel-2 uchun spektrial kanallar)

Encoder bosqichi konvolyutsiya va pooling orqali fazoviy xususiyatlarni chiqaradi(2):

$f_l = \delta(W_l * f_{l-1} + b_l)$ (2)

bu yerda, f_l-qatlamdagi xarita, W_l, b_l-vazn va bias, $*$-konvulyatsiya operatori,

σ-aktivatsiya funksiyasi(ReLU)

Decoder bosqichi esa transpozitsion konvolyutsiya (upsampling) orqali fazoviy o‘lchamlarni tiklaydi:

$\hat{X} = \delta(W_d * f_l + b_d)$ (3)

va skip-connection orqali encoder xaritalari bilan birlashtiradi.

2. ConvLSTM yordamida vaqt o‘zgarishlarini modellashtirish.

. Temporal o‘zgarishlarni modellashtirish (ConvLSTM)

An’anaviy CNN modellaridan farqli ravishda, Convolutional LSTM (ConvLSTM) [2] vaqt bo‘yicha tasvirlar ketma-ketligini qayta ishlay oladi.

2.1. ConvLSTM oddiy LSTM kabi vaqt qatorlaridagi uzoq muddatli bog‘liqliklarni o‘rganadi.

2.2. CNN qismi esa tasvirlardan fazoviy xususiyatlarni ajratib oladi.

Bu kombinatsiya yashil hududlarning mavsumiy va yillik dinamikasini kuzatishga imkon beradi.

Oddiy LSTM tenglamalari quyidagicha:

$i_t = \delta(W_{hi} * H_{t-1} + W_{ci} o C_{t-1} + b_i)$ (4)

$f_t = \delta(W_{xf} * X_t + W_{hf} * H_{t-1} + W_{cf} o C_{t-1} + b_f)$ (5)

$C_t = f_t C_{t-1} + i_t \text{otanh}(W_{xc} * X_t + W_{hc} * H_{t-1} + b_c)$ (6)

$o_t = \sigma(W_{xo} * X_t + W_{ho} * H_{t-1} + W_{co} o C_t + b_0$ (7)

$H_t = 0_t \text{otanh}(C_t)$ (8)

Bu yerda:

$i_t, f_t, 0_t$-input, forget va output darvozalar, C_t-xotira hujayrasi, H_t- yashirin holat, *-konvolyutsiya, o-element-wise ko‘paytirish.

ConvLSTM oddiy LSTMdan farqli ravishda matritsali ko‘paytirish o‘rniga konvolyutsiya ishlatadi, bu esa fazoviy tuzilishni saqlash imkonini beradi [1].

3. ST-UNet-ConvLSTM integratsiyasi [13]:

3.1. ST-UNet-ConvLSTM integratsiya arxitekturasi quyidagicha:

1. Kiruvchi sun’iy yo‘ldosh tasvirlari fazoviy xususiyatlarni ajratish uchun U-Net encoder orqali o‘tkaziladi.
2. Ajratilgan fazoviy xususiyatlar ConvLSTM bloklariga uzatiladi va ular vaqt bo‘yicha o‘zgarishlarni tahlil qiladi.
3. Decoder qismi orqali vaqt–fazoviy segmentatsiya xaritalari qayta tiklanadi.
4. Model natijasi sifatida quyidagi ma’lumotlar olinadi:
5. Yashil hududlarning segmentatsiya xaritasi;
6. Yashil hudud maydonlarining statistik ko‘rsatkichlari;

7. Kelajak davrlarda yashil hududlarning bashoratli xaritalari.

3.2. Model quyidagi jarayonni bajaradi:

1. Kiruvchi ketma-ketlik $\{X_{t-k}, \dots, X_t\}$ U-Net encoder orqali o‘tkazib, fazoviy xususiyat xaritalari olinadi:

$$F_t = U - Net(X_t) \quad (9)$$

2. Ushbu fazoviy xaritalar vaqt bo‘yicha ConvLSTM bloklariga beriladi:

$$H_t, C_t = ConvLSTM(F_t, H_{t-1}, C_{t-1}) \quad (10)$$

3. Yakuniy decoder qismi orqali yashil hududning segmentatsiya xaritasi olinadi:

$$\hat{Y}_t = Decoder(H_t) \quad (11)$$

4. Yo‘qotish funksiyasi

Segmentatsiya aniqligini oshirish uchun yo‘qotish funksiyasi kombinatsiyalangan ko‘rinishda beriladi:

$$L = \alpha L_{BCE} + \beta \cdot L_{Dice} \quad (12)$$

bu yerda:

- Binary Cross Entropy (BCE):

$$L_{BCE} = -\frac{1}{N}\sum_{i=1}^{N}(y_i \log(y_i) + (1 - \widehat{y_i})\log(1 - \hat{y}_i)) \quad (13)$$

Dice Loss:

$$L_{Dice} = 1 - \frac{2\sum y_i \hat{y}_i}{\sum y_i + \sum \hat{y}_i} \quad (14)$$

5. Model chiqishi

Model natijasida:

- Segmentatsiya xaritalari $(\hat{Y}_t)$ — yashil hududlar aniqlangan;
- Statistik ko‘rsatkichlar — yashil hudud maydonlari hisoblangan;
- Bashorat xaritalari $(Y_{t+1}, \dots, \hat{Y}_{t+n})$— kelajak davrlar uchun o‘zgarishlar prognoz qilingan.



2-rasm.

Matematik oqim chizmasi

Tahlil va natijalar

Tadqiqot hududi sifatida urbanizatsiya jarayoni jadal kechayotgan O‘zbekistonning poytaxti — Toshkent shahri misolida ko‘rib chiqiladi. Toshkent aholisi 3,0 milliondan ortiq bo‘lib, yildan-yilga ko‘paymoqda va yangi turar-joy massivlari hamda infratuzilma loyihalari keng miqyosda barpo etilmoqda [1]. Ushbu jarayon natijasida shahar landshaftida yashil hududlarning qisqarishi kuzatilmoqda. Toshkent shahrining umumiy maydoni 334,8 km² ni tashkil etadi, biroq so‘nggi o‘n yillik davomida yashil maydonlarning ulushi keskin kamayib, ekologik muammolarni keltirib chiqarmoqda [2]. Shuning uchun, ushbu hudud urban ekologiyasi nuqtayi nazaridan spatio-temporal monitoringni talab etadigan dolzarb tadqiqot maydoniga aylanmoqda.

Ushbu maqolada quyidagi ma’lumotlar bazasi ishlatildi [14]:

- Sun’iy yo‘ldosh tasvirlari**:**

Sentinel-2 MSI (rezolyutsiya 10 m, yillik/mavsumiy tasvirlar, 2016–2024 yy.)
Landsat-8 OLI (rezolyutsiya 30 m, arxiviy ma’lumotlar, 2013–2024 yy.)
Qo‘shimcha ko‘rsatkichlar**:**

- NDVI – vegetatsiya zichligini baholash uchun.
- EVI – yashil hududlarni yanada aniqroq aniqlash uchun.
- NDBI – antropogen hududlarni ajratish uchun.

O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi statistik hisobotlaridan foydalanildi [15].

Toshkent shahar bosh rejasi va mavjud yashil hudud pasportlari (shahar hokimligi ma’lumotlari).

Natijalar va tahlil

➢ Modelning segmentatsiya natijalari:

ST-UNet-ConvLSTM modeli Toshkent shahrining 2016–2024-yillar oralig‘idagi Sentinel-2 va Landsat-8 tasvirlarida sinovdan o‘tkazildi. Natijalar shuni ko‘rsatdiki, model yashil hududlarni segmentatsiya qilishda yuqori aniqlikka erishdi:

- IoU (Intersection over Union): 0.87
- F1-score: 0.91
- Overall Accuracy: 0.93

Ushbu natijalar an’anaviy CNN (U-Net) va vaqt omilini hisobga olmagan modellar bilan solishtirilganda 8–12% yuqori ekanligi qayd etildi.

➢ Vaqt bo‘yicha yashil hududlarning o‘zgarishi

Model yordamida 2016–2024-yillar oralig‘ida Toshkent shahridagi yashil hududlarning maydon dinamikasi hisoblab chiqildi:

- 2016-yil: 10 850 gektar (shahar maydonining ~32.4%)
- 2020-yil: 9 720 gektar (~29.0%)
- 2024-yil: 8 950 gektar (~26.7%)



3-rasm. 2013–2024-yillar uchun yashil hududlarning haqiqiy kamayish tendensiyasini, 2025–2030-yillar uchun esa ST-UNet-ConvLSTM prognozini va ishonch oralig‘i.

Natijalar shuni ko‘rsatadiki, so‘nggi 8 yilda yashil hududlarning umumiy maydoni 17.5% ga qisqargan. Bu jarayon asosan yangi turar-joy massivlari qurilishi va yo‘l infratuzilmasining kengayishi bilan bog‘liq.

➢ Bashorat qilingan natijalar:

Model yordamida 2025–2030-yillarga oid yashil hududlarning o‘zgarishi bashorat qilindi. Agar urbanizatsiya hozirgi sur’atlarda davom etsa:

- 2030-yilga kelib yashil hududlar 7 600 gektargacha (shahar maydonining ~22.7%) qisqarishi kutilmoqda.
- Bu holat urban ekologiyasi va aholi salomatligiga sezilarli salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

➢ Vizual natijalar (segmentatsiya xaritalari):

Model natijalari asosida Toshkent shahrining fazoviy-temporal yashil hudud xaritalari tuzildi:

1. 2016, 2020 va 2024-yillarda olingan haqiqiy segmentatsiya xaritalari.
2. 2025 va 2030-yillar uchun bashorat qilingan yashil hudud xaritalari.
3. Yashil hududlarning qisqarish zonalari (asosan Sergeli, Yashnobod va Yunusobod tumanlarida).

Ekologik tahlil

Natijalar ekologik jihatdan quyidagi xulosalarga olib keladi:

- Yashil hududlarning qisqarishi shahar issiqlik orollari ta’sirini kuchaytiradi [1].
- Daraxtlar sonining kamayishi bilan havo sifatining yomonlashishi va chang miqdorining ortishi kuzatilishi mumkin [2].
- Aholining rekreatsiya hududlariga bo‘lgan ehtiyoji ortmoqda, ammo yashil zonalarning qisqarishi bu ehtiyojni qondirmayapti [3].

1-jadval.

Baholar natijalari

Baholash natijalari taqqoslanishi				
Model	IoU	F1-score	RMSE(bashorat)	Vaqt bashorati aniqligi
CNN(U-Net)	0,78	0,82	0,21	Past
ConvLSTM	0,81	0,85	0,18	O‘rta
ST-UNet-ConvLSTM	0,87	0,91	0,12	Yuqori

Xulosa

Mazkur maqolada shaharlashuv jarayonida yashil maydonlar qisqarishini aniqlash va bashoratlash uchun axborot olish tizimi sifatida ST-UNet-ConvLSTM modeliga asoslangan chuqur o‘qitish yondashuvi taklif qilindi va Toshkent shahri misolida sinovdan o‘tkazildi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, spatio-temporal arxitektura fazoviy segmentatsiya (U-Net) hamda vaqt bo‘yicha dinamikani modellashtirish (ConvLSTM) imkoniyatlarini birlashtirgan holda urban yashil hududlar monitoringida yuqori samaradorlikni ta’minlaydi.

Olingan natijalarga ko‘ra, model yashil hududlarni segmentatsiya qilishda IoU = 0.87, F1-score = 0.91, Overall Accuracy = 0.93 ko‘rsatkichlarga erishdi hamda bashoratlashda RMSE = 0.12 natija qayd etildi. Bu esa an’anaviy U-Net va faqat temporal modelga nisbatan ST-UNet-ConvLSTM yondashuvining ustunligini tasdiqlaydi. Ayniqsa, vaqt omilining hisobga olinishi yashil hududlarning nafaqat joriy holatini xaritalash, balki ularning kelajakdagi o‘zgarish tendensiyasini aniqlashda muhim ahamiyatga ega ekanligi isbotlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Shi, X., Chen, Z., Wang, H., Yeung, D.-Y., Wong, W.-k., Woo, W.-c. *Convolutional LSTM Network: A Machine Learning Approach for Precipitation Nowcasting*. arXiv:1506.04214.

ConvLSTM modeli paydo bo‘lishi, vaqt-ketma-ketlik va fazoviy naqshlarni qanday o‘rganishi bo‘yicha klassik manba.

2. Shi, X., Gao, Z., Lausen, L., Wang, H., Yeung, D.-Y., Wong, W.-k., Woo, W.-c. *Deep Learning for Precipitation Nowcasting: A Benchmark and A New Model (TrajGRU)*. arXiv:1706.03458.

ConvLSTM ga asoslangan model va undan keyingi yangiliklar, benchmarking.

3. “Land Use Land Cover Classification with U-Net” (MDPI).

U-Net arxitekturasi va multispektral + SAR ma’lumotlari bilan land cover klassifikatsiyasida foydalanilishi.

4. Land use classification using multi-year Sentinel-2 images with deep learning ensemble network (IRUNet). *Scientific Reports*, 2025.

Bir necha yil mobaynida Sentinel-2 ma’lumotlari bilan loyiha; ko‘p modelli U-Net variantlari.

5. Segmentation of Satellite Imagery using U-Net Models for Land Cover Classification. Priit Ulmas, Innar Liiv, 2020. arXiv:2003.02899.

BigEarthNet va Sentinel-2 ma’lumotlari bilan U-Net segmentatsiyasi, land cover tasnifi.

6. Wide-Area Land Cover Mapping with Sentinel-1 Imagery using Deep Learning Semantic Segmentation Models. Sanja Šćepanović et al., 2019. arXiv:1912.05067.

Sentinel-1 SAR ma’lumotlari va turli segmentatsiya modellari (U-Net, DeepLabV3+, SegNet, va boshqalar) taqqoslanmoqda.

7. “Optimised U-Net for Land Use–Land Cover Classification Using MultiSpectral Aerial Images” (North Queensland, Avstraliya). (SpringerLink)

U-Net arxitekturasining hyperparametrlarini optimallashtirish, multispectral aerial tasvirlar bilan sinov. (SpringerLink)

8. UNET Neural Network in Agricultural Land Cover Classification Using Sentinel-2 (Kramarczyk & Hejmanowska). ISPRS Archives, 2023. (ISPRS Archives)

Qishloq xo‘jaligi va Sentinel-2 bilan amaliy land cover segmentatsiyasi. (ISPRS Archives)

9. “A Deep Learning-Based Methodology for Precipitation Nowcasting” (Wiley, 2019). (AGU Pubs)

ConvLSTM yoki unga o‘xshash modellar yordamida yog‘ingarchilik prognozi; vaqt-ketma- ketlik modelli. (AGU Pubs)

10. Global Precipitation Nowcasting of Integrated Multi-satellitE Observations. (American Meteorological Society Journals)

Ko‘p sun’iy yo‘ldosh kuzatuvlarini birlashtirib nowcasting qilish; spatio-temporal o‘zgarishlarni o‘rganish. (American Meteorological Society Journals)

11. Scepanovic, S., Bueso, A., Jurado, A., et al. “Wide-area land cover mapping with Sentinel imagery using deep learning semantic segmentation models.” *arxiv preprint arxiv:1912.05067*, 2019.

12. Kramarczyk, K., Hejmanowska, B. “U-Net neural network in agricultural land cover classification using Sentinel-2.” *ISPRS Archives*, XLVIII-4/W4-2023, 2023.

13. Li, X., Zhang, Y., Xu, H., et al. “Land use classification using multi-year Sentinel-2 images with deep learning ensemble network (IRUNet).” *Scientific Reports*, 15: 13621, 2025.

14. O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi. *Yashil hududlar bo‘yicha hisobot*. Toshkent, 2023.

15. Toshkent shahar hokimligi. *Toshkent shahar bosh rejasi va yashil hududlar pasportlari*. Toshkent, 2022.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

TOVAR-MODDIY ZAXIRALAR TARKIBIDAGI INERT GAZLAR VA INERT MATERIALLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY-METODIK ASOSLARI

Nuraliyeva Barnoxon Qudrat qizi

moliyaviy tahlil
kafedrasi katta o‘qituvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: b.musirmanova@mail.ru
ORCID:0009-0004-7709-5201

Annotatsiya. *Maqolada tovar-moddiy zaxiralar tarkibidagi inert gazlar va inert materiallarni buxgalteriya hisobida aks ettirish masalalari tahlil qilingan. Ularning 1090 — “Boshqa materiallar” hisob varog‘ida umumlashtirilgan holda yuritilishi boshqaruv hisobi va ichki nazorat nuqtayi nazaridan ayrim kamchiliklarni keltirib chiqarishi asoslangan. Tadqiqot natijasida inert resurslar uchun alohida hisobvaraqlar joriy etish moliyaviy shaffoflikni oshirish va tannarx aniqligini ta’minlashga xizmat qilishi ko‘rsatib berilgan.*

Kalit so‘zlar: *inert gazlar, inert materiallar, tovar-moddiy zaxiralar, 1090-hisobvaraq, buxgalteriya hisobi, ichki nazorat, moliyaviy shaffoflik.*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА ИНЕРТНЫХ ГАЗОВ И ИНЕРТНЫХ МАТЕРИАЛОВ В СОСТАВЕ ЗАПАСОВ

Нуралиева Барнохон Кудрат кизи

старший преподаватель
кафедры финансового анализа
Ташкентский государственный
экономический университет
ORCID:0009-0004-7709-5201
E-mail: b.musirmanova@mail.ru

Аннотация. *В статье рассматриваются вопросы бухгалтерского учета инертных газов и инертных материалов в составе товарно-материальных запасов. Обосновано, что их обобщенное отражение на счете 1090 «Прочие материалы» вызывает определенные недостатки с точки зрения управленческого учета и внутреннего контроля. В работе предложено введение отдельных счетов для инертных ресурсов с целью повышения прозрачности финансовой отчетности и точности формирования себестоимости.*

Ключевые слова: *инертные газы, инертные материалы, товарно-материальные запасы, счет 1090, бухгалтерский учет, внутренний контроль, финансовая прозрачность.*

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS FOR IMPROVING THE ACCOUNTING OF INERT GASES AND INERT MATERIALS IN INVENTORIES

Nuralieva Barnokhon Kudrat Kizi

Senior Lecturer, Department
of Financial Analysis
Tashkent State
University of Economics
E-mail: b.musirmanova@mail.ru
ORCID: 0009-0004-7709-5201

Abstract. *This article examines the accounting treatment of inert gases and inert materials*

within inventories. Although chemically passive, these resources function as significant production factors influencing cost formation, product quality, and operational efficiency. The study identifies limitations in recording inert resources under Account 1090 “Other materials,” particularly in terms of management accounting, internal control, and financial transparency. The paper proposes introducing separate accounts for inert gases and inert materials to improve cost control, reporting accuracy, and alignment with International Financial Reporting Standards (IFRS).

Keywords: *inert gases; inert materials; inventories; accounting improvement; management accounting; internal control; financial transparency; IFRS.*

Kirish

Tovar-moddiy zaxiralar korxona faoliyatining muhim elementi bo‘lib, ishlab chiqarish jarayonining samaradorligi va moliyaviy natijalarni shakllantirishda bevosita asosiy ro‘lni o‘ynaydi. Aksiyadorlik jamiyatlarida, ayniqsa qurilish va sanoat tarmoqlaridagi korxonalarida, Tovar-moddiy zaxiralar tarkibiga kiruvchi inert materiallar hamda inert gazlar keng qo‘llaniladi. Ushbu materiallar va gazlar ishlab chiqarish jarayonida yordamchi xomashyo sifatida xizmat qilishi, mahsulot sifatini oshirishi va texnologik xavfsizlikni ta’minlashi bilan iqtisodiy ahamiyatga ega. Biroq amaliyotda bizning fikrimizcha, inert materiallar va gazlar hisobida bir qator muommolar uchraydi. Ular orasida hisobni noto‘g‘ri schotga joylashtirish, ombor va inventarizatsya nazoratining yetarli emasligi, sarf me’yorlarining belgilanmaganligi va analitik hisobning yetarli darajada yuritilmasligi asosiylarini tashkil qiladi. Bu holatlar moliyaviy natijalarni to‘liq aks ettirmasligi va ichki nazorat tizimini zaiflashtirishi mumkin. Shu sababli inert materiallar va gazlarni hisobga olishni takomillashtirish dolzarb ilmiy va amaliy masala sifatida e’tiborni talab qiladi.

Inert materiallar - bu kimyoviy jihatdan barqaror, tashqi muhit bilan reaksiyaga kirishmaydigan, ishlab chiqarish va qurilish jarayonida yordamchi yoki xomashyo sifatida ishlatiladigan moddiy resurslardir. Ular Tovar-moddiy zaxiralar tarkibiga kiradi va korxona iqtisodiyotida ishlab chiqarish tannarxini shakllantirish hamda moliyaviy natijalarni aniqlashda muhim ahamiyatga ega. Inert materiallarga quyidagilar kiradi: Qum, shag‘al, ohaktosh, chaqiqtosh, granit maydalari va h.k.z. Ular ko‘pincha qurilish va sanoat jarayonlarida yordamchi xomashyo sifatida ishlatiladi, ya’ni tayyor mahsulot tarkibiga bevosita kirmaydi, biroq ishlab chiqarish jarayonining samaradorligiga va mahsulot sifatiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Ilmiy adabiyotlarda inert materaillar yuqori korroziyabardoshlilik, issiqlikka chidamlilik, kimyoviy barqarorlik va mehanik mustahkamlik kabi xususiyatlar bilan tavsivlanadi. Mazkur xususiyatlar ularni sanoat, qurilish, energetika va labaratoriya amaliyotida keng qo‘llash imkonini beradi

Inert gazlar- bu kimyoviy faolligi past bo‘lgan, boshqa moddalar bilan deyarli reaksiyaga kirishmaydigan gazlar bo‘lib, sanoat va texnologik jarayonlarda himoya muhitini yaratish, mahsulot sifatini oshirish va texnologik jarayonlar va labaratoriya ishlanmalarini foydali qiladi. Asosiy inert gazlar: geliy, argon, kripton, ksenon va hkz. Ilmiy adabiyotlarda ular noyob gazlar sifatida tasniflanadi. Ularaning asosiy xususiyati - tashqi electron qavatining to‘yinganligi sababli, kimyoviy reaksiyalarga kirishish qobilyatining nihoyatda pastligi ya’ni kimyoviy passivlikdir. Mazkur passivlik ularni yuqori aniqlik, barqarorlik va xavfsizlik talab etiladigan texnologik jarayonlarda muhim ishlab chiqarish omiliga aylantiradi[1].

Mamlakatimizda inert gazlardan qaysi sohalarda foydalanilishini ko‘rib chiqamiz. Metallurgiya va mashinasozlik sanoatida, kimyo va neft sanoati, tibbiyot va sog‘liqni saqlash tizimi, elektronika va yuqori texnologiyalar sanoati. Iqtisodiyot tarmoqlari kesimida inert gazlar quyidagi shakllarda nomoyon bo‘ladi.

- moddiy ishlab chiqarish zaxiralari;
- yordamchi materiallar;
- texnologik xarajatlar elementi;
- xavfsizlik va riskni boshqarish xarajatlari;

- kapital aktivlarni eksputatsy qilish bilan bog‘liq operatsion xarajatlar.

Adabiyotlar sharhi

Charles.T Horngren konsepsiyasida yordamchi materiallar va ularning hisobini tashkil etish bo‘yicha o‘z qarashlarini bayon etgan. Unga ko‘ra yordamchi materiallar ishlab chiqarish jarayonida bevosita tayyor mahsulot tarkibiga sezilarli miqdorda kirmaydigan, biroq ishlab chiqarish faoliyatining uzluksizligini ta’minlovchi resurslar sifatida talqin etiladi. Unga ko‘ra, ushbu turdagi resurslar qiymati odatda mahsulot tannarxiga to‘g‘ridan to‘g‘ri emas, balki bilvosita ishlab chiqarish xarajatlari tarkibida kiritiladi. Shuningdek Horngren yordamchi materiallarni samarali boshqarish korxonaning umumiy ishlab chiqarish samaradorligiga bevosita ta’sir ko‘rsatishini ta’kidlaydi. Chunki ular kichik qiymatga ega bo‘lsada, hajm jihatidan ko‘p sarf qilinishi mumkin va noto‘g‘ri boshqaruv holatlarida umumiy ishlab chiqarish tannarxining oshishiga sabab bo‘ladi. Demak bundan kelib chiqib, Hongren konsepsiyasida yordamchi materiallar hisobini tashkil etishning asosiy maqsadi- resurslardan oqilona foydalanishni ta’minlash, xarajatlarni nazorat qilish va ishlab chiqarish tannarxini optimallashtirishdan iboratdir[2].

21-sonli BHMS “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi” (27.12.2024-yilda №3593) talablariga muvofiq, xo‘jalik yurituvchi subyektlarda Tovar-moddiy zaxiralar hisobi 1000-“Materiallar” hisobvaraqlari guruhida yuritiladi. Mazkur guruh tarkibida ishlab chiqarish jarayonida yoki xizmat ko‘rsatishda foydalaniladigan barcha moddiy resurslar aks ettiriladi. Shu jumladan, Tovar-moddiy zaxiralar tarkibiga kiruvchi inert materiallar hamda inert gazlar 1090 - “boshqa materiallar” hisobvarag‘ida hisobga olinadi. Ushbu hisobvaraqda asosiy va yordamchi materiallar tarkibiga kiritilmagan, ammo lekin ishlab chiqarish jarayonining uzluksizligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etuvchi moddiy resurslarning mavjudligi va harakati umumlashtiriladi. [3]

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur tadqiqot inert gazlar va inert materiallarning buxgalteriya hisobini takomillashtirish masalasini o‘rganishga qaratilgan bo‘lib, unda nazariy va amaliy tadqiqot usullarining uyg‘unlashtirilgan. Taqdiqot jarayonida bir nechta ilmiy usullardan foydalanilgan bo‘lib, taqqoslama tahlil usuli, analitik va sintez usullari, empirik kuzatuv shular jumlasidandir.

Tahlil va natijalar

Inert gazlar (kimyoviy jihatdan passiv, ya’ni reaksiyaga kirishish qobilyatda nihoyatda past bo‘lgan gazlar) zamonaviy iqtisodiyotda ko‘plab tarmoqlarda ishlab chiqarish jarayonining tarkibiy elementi sifatida ishtrok etadi.

Iqtisodiy nuqtayi nazardan inert gazlarning amaliy ahamiyatini quyidagicha ifodalashimiz mumkin.

- metal payvandlash jarayonlarida (ayniqsa argon muhitida payvandlash) ular himoya atmosferasini hosil qilib, suyuq metalning oksidlanishini oldini oladi. Bu esa mahsulot sifati, mehanik mustahkamlik va ishlab chiqarish samaradorligini oshiradi.
- Sovitish va kreogen tizimlarda (xususan geliy qo‘llanilganda) past haroratli muhitni ta’minlash imkonini beradi, bu yuqori texnologik uskunalar va ilmiy tadqiqotlarda barqaror termodinamik sharoit yaratadi.
- Maxsus texnologik jarayonlarda (yarim o‘tkazgichlar ishlab chiqarish, lazer texnologiyalari, vakum tizimlari) inert atmosfera yaratish orqali noxush kimyoviy reaksiyalarni cheklaydi hamda jarayonning aniqligi va takrorlanishini ta’minlaydi.
- Labaratoriya va ilmiy ishlanmalarda esa tajriba natijalarining ishonchliligini oshirish maqsadida neytral muhit sifatida qo‘llaniladi.

Shu tariqa, inert gazlarning kimyoviy passivligi ularni oddiy gaz resusrsi emas, balki yuqori texnologik ishlab chiqarishning ajralmas elementi sifatida nomoyon etadi. Ular ishlab chiqarish

jarayonida sifatni kafolatlovchi, xavfsizlikni ta’minlovchi strategic resurs hisoblanadi.

Inert materiallar esa, ishlab chiqarish va ilmiy-texnologik jarayonlarda inert materiallar (kimyoviy jihatdan barqaror, korroziyaga chidamli va termik mustahkam moddalardan iborat resurslar) quyidagi iqtisodiy funksiyalarni bajaradi:

- Metallurgiya va yuqori haroratli jarayonlarda (masalan, refrakter g‘ishtlar, keramik qoplamalar, kvars tigellar qo‘llanilganda) ular agressiv va yuqori haroratli muhit ta’siridan asosiy uskunalarni himoya qiladi. Bu esa asosiy vositalarning xizmat muddatini uzaytiradi, amortizatsiya yukini pasaytiradi hamda kapital qo‘yilmalarning iqtisodiy samaradorligini oshiradi.
- Kimyo va neft-gaz sanoatida (kimyoviy reaktorlarning ichki qoplamasi, PTFE yoki maxsus polimer materiallar qo‘llanilganda) inert materiallar korroziya, oksidlanish va kimyoviy yemirilish jarayonlarini cheklaydi. Natijada favqulodda ta’mirlash xarajatlari kamayadi, ishlab chiqarish uzluksizligi ta’minlanadi va operatsion risklar minimallashtiriladi.
- Filtratsiya va ajratish tizimlarida (kvars qumi, keramik filtr elementlari) ular mexanik va fizik ajratish muhiti sifatida xizmat qiladi. Bu esa mahsulot sifatini barqarorlashtiradi, standartlarga muvofiqlikni ta’minlaydi hamda ishlab chiqarish tannarxining prognoz qilinuvchanligini oshiradi.
- Energetika va elektrotexnika sohasida (keramik izolyatorlar, issiqlik izolyatsion materiallar) inert materiallar energiya yo‘qotishlarini kamaytiradi va xavfsizlik darajasini oshiradi. Bu esa energiya samaradorligi ko‘rsatkichlarini yaxshilaydi hamda ishlab chiqarish xarajatlarini optimallashtirishga xizmat qiladi.
- Laboratoriya va ilmiy-tadqiqot faoliyatida (maxsus shisha, kvars va kimyoviy inert polimerlar) ular tajriba muhitining kimyoviy barqarorligini ta’minlaydi. Natijada eksperimental natijalarning aniqligi va takrorlanish darajasi oshadi, ilmiy ishlanmalarning ishonchliligi kuchayadi.

Har qanday ishlab chiqarish yoki xizmat ko‘rsatish faoliyatini amalga oshiruvchi xo‘jalik yurituvchi subyekt tovar-moddiy zaxiralar (TMZ) hisobini yuritishda o‘zining tashkiliy-texnologik xususiyatlaridan kelib chiqib metodik yondashuvni shakllantiradi. Inert gazlar va inert materiallarni buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibi ham ularning iqtisodiy mazmuni, funksional vazifasi, qo‘llanish sohasi hamda sarflanish yo‘nalishi bilan uzviy bog‘liq holda tashkil etiladi.

Mazkur jarayonni tizimli ravishda ko‘rib chiqadigan bo‘lsak, birinchi va asosiy bosqich — kirim (tan olish) operatsiyasi hisoblanadi.

1. Inert gazlar va inert materiallarni boshlang‘ich tan olish (kirim qilish bosqichi).

Inert gazlar va inert materiallar xo‘jalik yurituvchi subyekt balansida aktiv sifatida tan olinishi uchun ular quyidagi mezonlarga javob berishi lozim:

- kelgusida iqtisodiy naf keltirishi kutilishi;
- ularning qiymatini ishonchli baholash imkoniyati mavjudligi;
- subyekt tomonidan nazorat qilinishi.

Ushbu mezonlar asosida ular tovar-moddiy zaxiralar tarkibida e’tirof etiladi va amaldagi hisobvaraqlar rejasiga muvofiq 1000 – “Materiallar” guruhi tarkibida, odatda 1090 – “Boshqa materiallar” sintetik hisobvarag‘ida aks ettiriladi.

Mazkur tasnif inert gazlar va inert materiallarning ko‘pchilik hollarda ishlab chiqarish jarayonida yordamchi yoki texnologik resurs sifatida ishtirok etishi bilan izohlanadi.Kirim bosqichida inert gazlar va inert materiallar **dastlabki** bo‘yicha balansga qabul qilinadi. Ularning boshlang‘ich bahosi quyidagi elementlarni o‘z ichiga olishi mumkin:

- yetkazib beruvchi bilan tuzilgan shartnoma bo‘yicha xarid qiymati;
- transport-tayyorlov xarajatlari;
- bojxona to‘lovlari (agar import qilinsa);
- yuklash-tushirish va sug‘urta xarajatlari;
- foydalanishga tayyor holatga keltirish bilan bog‘liq boshqa bevosita xarajatlar.

Shu tariqa, inert gazlar va inert materiallar balansga ularni amalda foydalanishga tayyor holatga keltirilgunga qadar bo‘lgan barcha zarur xarajatlar yig‘indisi bo‘yicha kirim qilinadi. Bu

esa aktivning real iqtisodiy qiymatini aks ettirishga xizmat qiladi. Mazkur bosqichning iqtisodiy mohiyati shundan iboratki:

- inert gazlar va inert materiallar ishlab chiqarish jarayonida bevosita yoki bilvosita ishtirok etuvchi moddiy resurs sifatida aktivga aylantiriladi;
- ular kelgusida mahsulot tannarxini shakllantirish jarayonida xarajat elementiga transformatsiyalanadi;
- balansda aks ettirilishi orqali korxonaning ishlab chiqarish salohiyati va resurs bazasi namoyon bo‘ladi.

Shunday qilib, kirim operatsiyasi inert gazlar va inert materiallarni oddiy fizik resursdan iqtisodiy aktiv maqomiga o‘tkazish bosqichi hisoblanadi. Aynan shu bosqichdan boshlab ular korxona moliyaviy hisobotida tovar-moddiy zaxira sifatida e’tirof etilib, keyingi bosqichlarda (saqlash, sarflash, hisobdan chiqarish va tannarxga taqsimlash jarayonlarida) iqtisodiy muomalaga kiradi.

2-bosqich: Ombor hisobi, analitik nazorat va ishlab chiqarishga sarflash. Kirim operatsiyasidan so‘ng inert gazlar va inert materiallar xo‘jalik yurituvchi subyektning ichki nazorat tizimiga integratsiya qilinadi. Mazkur bosqichning asosiy vazifasi — moddiy resurslar harakatini hujjatlashtirish, ularning saqlanishini ta’minlash hamda ishlab chiqarish jarayoniga maqsadli va normativ asosda yo‘naltirishdan iborat. Inert gazlar (masalan, ballon yoki kriogen rezervuar shaklida) hamda inert materiallar (granula, kukun, qoplama yoki konstruktiv detal ko‘rinishida) omborlarda yoki maxsus saqlash joylarida hisobga olinadi. Ushbu bosqichda:

- moddiy javobgar shaxslar tayinlanadi;
- kirim-chiqim hujjatlari (dalolatnomalar, talabnomalar, limit-zabor kartalari va boshqalar) asosida harakat rasmiylashtiriladi;
- miqdoriy (natural) va qiymat ko‘rsatkichlari parallel ravishda yuritiladi.

Analitik hisob odatda quyidagi kesimlarda tashkil etiladi:

- nomenklatura raqami bo‘yicha;
- saqlash joyi bo‘yicha;
- texnologik jarayon yoki xarajat markazi bo‘yicha;
- mas’ul bo‘linmalar kesimida.

Bu yondashuv moddiy resurslar ustidan ichki nazoratni kuchaytiradi va inventarizatsiya jarayonida tafovutlarni aniqlash imkonini beradi.

Keyingi uchinchi bosqichda hisobdan chiqarish ya’ni ishlab chiqarishga yo‘naltirish bosqichi hisoblanadi. Ushbu bosqichda inert gazlar va inert materiallar ishlab chiqarish jarayonida to‘liq yoki qisman iste’mol qilinadi va ularning qiymati balans aktivlari tarkibidan chiqarilib, tegishli xarajatlarga o‘tkaziladi. Hisobdan chiqarish bosqichi- bu moddiy resursning aktiv shakldan, xarajat shakliga o‘tish jarayonidir. Ya’ni inert gazlar yoki inert materiallar korxona omborida mavjud bo‘lgan paytda u aylanma aktiv aktiv hisoblanadi. Ishlab chiqarish jarayonida qo‘llanilgach esa, u mahsulot tannarxini shakllantiruvchi ishlab chiqarish xarajatlari tarkibiga kiritiladi. Hisobdan chiqarish usullari esa, FIFO, o‘rtacha tortilgan qiymat usuli, me’yoriy usul. Amaliyotda inert gazlar ko‘pincha ishlab chiqarish texnologik jarayonida uzluksiz sarflanadigan resurs bo‘lganligi sababli, me’yoriy usuldan foydalangan holda hisobdan chiqarish eng maqbul usul.

Quyida inert gaz (argon) va inert materiallar aylanishi “Elektrtarmoqqurilish” AJ misolida ko‘rib chiqamiz.

Korxona 10 dona argon gaz sotib oldi.

2 000kg inert qum(izolyatsion qatlan uchun)

Argon – 1 200 000*10= 12 000 000

Qum – 500*2000kg= 1000 000

Jami 13 000 000

1. kirim tan olish bosqichi. Inert gaz va inert material 1090- “boshqa materiallar” tarkibida umumlashtirilgan holda balansga qabul qilindi.

Dt-1090 “boshqa materiallar”
Kt-6010 “mol yetkazib beruvchi va pudratchilar bilan hisob-kitoblar”
2. Ishlab chiqarishga berish. Podstansiya qurilishida 6ta ballon va 1 500kg qum ishlatildi
Dt-2010- 7 950 000
Kt-1090- 7 950 000

1090 schotidagi qiymat ishlab chiqarish xarajatiga o‘tkazildi va qurilish tannarxini shakllantirdi.

1090 hisobvarag‘ida qolgan qoldiq.

- 4ta ballon argon
- 500 kg qum mavjud.

Lekin, bizning fikrimizcha bu yerda muommo paydo bo‘ladi. Ushbu muommoni quyidagicha izohlashimiz, 1090 - “boshqa materiallar” umumlashtiruvchi schot bo‘lib, inert gaz, inert qum, boshqa yordamchi materiallar birgalikda aks ettiriladi. Natijada inert gaz sarfi alohida nazorat qilinmaydi. Me’yoriy va haqiqiy og‘ishlarni aniqlash qiyinlashadi. Xarajat markazlari kesimida tahlil zaiflashadi. Yuqori qiymatli material past qiymatli materiallar bilan aralashib ketadi. Masalan 1090 hisobvarag‘ qoldig‘i 5 050 000 so‘m bo‘lsa, uning ichida qancha qismi gaz, qancha qismi qum ekanini sintetik hisobdan ko‘rishning imkoni yo‘q, faqat analitik hisob orqali aniqlanadi. 1090- “boshqa materiallar” hisobvarag‘ida turli iqtisodiy mazmundagi resurslarni birlashtiradi. Natijada bitta hisobvarag‘da resurslar aralashgan holda aks ettiriladi. Bu esa qator kamchiliklarni keltirib chiqaradi. Ushbu kamchiliklarni quyidagicha izoxlash mumkin:

- Sintetik hisob darajasida real tartibni ko‘rish imkonini bermaydi;
- Tezkor boshqaruv qarorlarini qabul qilishni qiyinlashtiradi;
- Resurslarning iqtisodiy ahamiyatini pasaytirib ko‘rsatadi;
- Turli materiallarning bir hisobvarag‘da aks ettirilishi, ularning nazoratini qiyinlashtiradi.

Inert gazlar ko‘pincha texnologik jarayonda me’yor asosida sarflanadi. 1090 schotida aralash yuritish natijasida me’yoriy va haqiqiy sarfni tezkor solishtirish qiyinlashadi. Og‘ishlarni aniqlash uchun qo‘shimcha analitik registrlar talab etiladi, natijada ichki nazorat tizimi murakkablashadi. “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora tadbirlar to‘g‘risida “[5] gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 24.02.2020dagi PQ-4611 son qaroridan kelib chiqadigan bo‘lsak, O‘zbekiston iqtisodiyoti bosqichma-bosqich xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga o‘tish jarayonida turibdi. Investorlar va kreditorlar uchun moliyaviy hisobotning asosiy talablari bo‘lmish: shaffoflik, aniqlik, segmentatsyalangan axborot, resurslar tarkibi to‘liq ochiq kabi parametrlarga mos kelishi uchun ham inert gaz va materiallarni alohida hisobvarag‘da yuritilishi lozim deb, hisoblaymiz.

Ushbu kamchiliklardan kelib chiqqan xolda ularni bartaraf etish maqsadida quyidagi takliflarni ilgari surish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

- Inert gazlar va inert materiallar uchun 1090 schot tarkibida alohida subschyotlar (masalan, 1091 — “Inert gazlar”, 1092 — “Inert materiallar”) tashkil etish;
- Yoki schotlar rejasidagi bo‘sh hisobvaraqlardan (masalan, 1200 guruhi doirasida) foydalanib, “Texnologik gazlar” nomli alohida sintetik schot ochish;
- Me’yoriy va haqiqiy sarfni avtomatlashtirilgan tarzda solishtirish imkonini beruvchi analitik hisob modelini joriy etish;
- Xarajat markazlari kesimida inert gazlar harakatini alohida nazorat qilish tizimini shakllantirish.

Mazkur takliflar natijasida:

- me’yoriy nazoratning operativligi oshadi;
- ichki audit samaradorligi kuchayadi;
- tannarx kalkulyatsiyasining aniqligi yaxshilanadi;
- moliyaviy hisobotning shaffofligi va investitsion jozibadorligi ortadi.

Xulosa

O‘tkazilgan tadqiqot natijalari inert gazlar va inert materiallarning iqtisodiy mazmuni, ularning ishlab chiqarish jarayonidagi funksional ahamiyati hamda buxgalteriya hisobida aks ettirilish amaliyoti o‘rtasida muayyan nomuvofiqlik mavjudligini ko‘rsatdi. Inert resurslar kimyoviy jihatdan passiv bo‘lishiga qaramay, iqtisodiy nuqtayi nazardan ular faol ishlab chiqarish omili sifatida namoyon bo‘ladi. Ular mahsulot sifati, texnologik xavfsizlik, asosiy vositalarning xizmat muddati hamda ishlab chiqarish uzluksizligini ta’minlash orqali korxonaning moliyaviy natijalariga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

Amaldagi 21-son BHMS talablariga muvofiq inert gazlar va inert materiallarning 1090 — “Boshqa materiallar” hisobvarag‘ida umumlashtirilgan holda yuritilishi metodik jihatdan mumkin bo‘lsa-da, amaliy tahlil shuni ko‘rsatdiki, ushbu yondashuv boshqaruv hisobi, ichki nazorat va moliyaviy shaffoflik talablariga to‘liq javob bermaydi. Xususan:

- sintetik hisob darajasida resurslar tarkibining yetarli darajada ochilmasligi;
- me’yoriy va haqiqiy sarfni tezkor solishtirish imkoniyatining cheklanishi;
- og‘ishlarni aniqlashda qo‘shimcha analitik registrlarga ortiqcha yuklama tushishi;
- yuqori qiymatli inert gazlarning past qiymatli materiallar bilan aralashib ketishi;
- xarajat markazlari kesimida chuqur tahlilning murakkablashuvi

hisob tizimining boshqaruvga xizmat qilish darajasini pasaytiradi.

Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasida moliyaviy hisobotni xalqaro standartlarga moslashtirish jarayoni sharoitida aktivlar tarkibining segmentatsiyalangan, aniqlashtirilgan va shaffof aks ettirilishi alohida ahamiyat kasb etadi. 1090 hisob varag‘ida inert gaz va inert materiallarning umumlashtirilgan tarzda yuritilishi moliyaviy hisobotda resurslar tarkibini yetarli darajada ochib bermasligi mumkin. Natijada investorlar va kreditorlar uchun korxonaning texnologik resurs bazasi hamda operatsion samaradorligi to‘g‘risidagi axborotning aniqligi pasayadi. Bu esa investitsion jozibadorlik va tashqi foydalanuvchilar ishonchiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi ehtimolini yuzaga keltiradi.Shu munosabat bilan inert gazlar va inert materiallarni alohida hisobvaraqlarda (1091 — “Inert gazlar”, 1092 — “Inert materiallar”) yoki schotlar rejasidagi bo‘sh sintetik schotlardan (masalan, 1200 guruhi doirasida “Texnologik gazlar”) foydalangan holda yuritish maqsadga muvofiqdir. Mazkur takomillashtirish:

- me’yoriy nazoratning operativligini oshiradi;
- ichki audit va risklarni boshqarish tizimini kuchaytiradi;
- tannarx kalkulyatsiyasining aniqligini ta’minlaydi;
- moliyaviy hisobotning shaffofligini yaxshilaydi;
- xalqaro moliyaviy hisobot standartlari talablariga moslashuv jarayonini yengillashtiradi.

Umuman olganda, inert gazlar va inert materiallarni hisobga olish tizimini takomillashtirish nafaqat buxgalteriya texnikasini o‘zgartirish, balki korxona boshqaruv tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga olib chiqish vositasi hisoblanadi. Ularning alohida hisobvaraqlarda aks ettirilishi resurslardan oqilona foydalanish, xarajatlarni samarali nazorat qilish hamda moliyaviy natijalarni ishonchli shakllantirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Callister W.D., Rethwisch D.G. Materials Science and Engineering: An Introduction. – 9th ed. – Wiley, 2014.
2. Israilov R. I, Maxsudov. B.Y, “Boshqaruv hisobi” Toshkent.2020yil.
3. 21-sonli BHMS “ Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi” (27.12.2024-yilda №3593)
4. Brown T.L., LeMay H.E., Bursten B.E. Chemistry: The Central Science. – 14th ed. – Pearson, 2018.
5. “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 24.02.2020 yildagi PQ-4611son.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MOLIYAVIY MUSTAQIL BO‘LGAN OLIY TA’LIM MUASSASALARI MOLIYAVIY TA’MINOTINI MUSTAHKAMLASH XUSUSIYATLARI

Hamrayev Maqsudjon Saidaxmadovich
iqtisodiyot fanlari
bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
O‘zbekiston davlat jahot tillari universiteti
E-mail:3102_07@mail.ru

Annotatsiya. *Moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari moliyaviy barqarorlikni ta’minlash va resurslardan samarali foydalanish muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. Ushbu maqolada mustaqil oliy ta’lim muassasalarining moliyaviy ta’minotini mustahkamlash xususiyatlari tahlil qilinadi. Moliyaviy mustaqillik grantlar, to‘lov-kontraktlar, innovatsion loyihalar va xususiy investitsiyalar orqali oshiriladi. Shuningdek, moliyaviy boshqaruv tizimlarining shaffofligi va samarali rejalashtirish muassasalarning barqaror rivojlanishida strategik ahamiyat kasb etadi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish va samarali boshqarish oliy ta’lim muassasalarining mustaqilligini mustahkamlashning asosiy omilidir.*

Kalit so‘zlar: *moliyaviy mustaqillik, oliy ta’lim muassasalari, moliyaviy ta’minot, barqaror rivojlanish, moliyaviy boshqaruv, investitsiyalar.*

ОСОБЕННОСТИ УКРЕПЛЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ ФИНАНСОВО НЕЗАВИСИМЫХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Хамраев Максуджон Сайдахмадович
доктор философии (PhD)
в области экономики
Узбекский государственный
университет мировых языков
E-mail:3102_07@mail.ru

Аннотация. *Финансово независимые высшие учебные заведения имеют важную задачу обеспечения финансовой стабильности и эффективного использования ресурсов. В статье анализируются особенности укрепления финансового обеспечения таких учреждений. Финансовая независимость достигается за счёт грантов, платных контрактов, инновационных проектов и частных инвестиций. Кроме того, прозрачность финансового управления и эффективное планирование имеют стратегическое значение для устойчивого развития вузов. Результаты исследования показывают, что диверсификация финансовых ресурсов и эффективное управление ими являются ключевыми факторами укрепления автономии высших учебных заведений.*

Ключевые слова: *финансовая независимость, высшее учебное заведение, финансовое обеспечение, устойчивое развитие, финансовое управление, инвестиции.*

FEATURES OF STRENGTHENING THE FINANCIAL SUPPORT OF FINANCIALLY INDEPENDENT HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Hamrayev Maqsudjon Saidakhmadovich
Doctor of Philosophy
(PhD) in Economics
Uzbek State University of World Languages
E-mail:3102_07@mail.ru

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Abstract. *Financially independent higher education institutions face the crucial task of ensuring financial stability and efficient resource utilization. This article analyzes the characteristics of strengthening financial support in such institutions. Financial independence is enhanced through grants, tuition contracts, innovative projects, and private investments. Moreover, transparency in financial management and effective planning play a strategic role in the sustainable development of universities. The research findings indicate that diversification of financial resources and efficient management are key factors in reinforcing the autonomy of higher education institutions.*

Keywords: *financial independence, higher education institutions, financial support, sustainable development, financial management, investments.*

Kirish

Bugungi kunda oliy ta’lim muassasalari nafaqat akademik va ilmiy salohiyatga, balki moliyaviy mustaqillikka ham ega bo‘lishi zarur. Global iqtisodiy o‘zgarishlar, davlat budjeti chegaralari va talabalar sonining o‘zgarishi oliy ta’lim muassasalarini moliyaviy barqarorlikni ta’minlashga majbur qiladi. Shu sababli, moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari o‘z resurslarini samarali boshqarish va qo‘shimcha moliyaviy manbalarni jalb qilish orqali barqaror rivojlanish yo‘lini izlaydilar. Moliyaviy mustaqillik nafaqat muassasaning iqtisodiy salohiyatini oshiradi, balki uning ta’lim sifatini, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va innovatsion loyihalarni amalga oshirish imkoniyatlarini kengaytiradi.

Moliyaviy mustaqillikni ta’minlash jarayonida oliy ta’lim muassasalari bir nechta strategik yo‘nalishlarga e’tibor qaratadi. Jumladan, davlat grantlari va to‘lov-kontraktlar asosidagi daromadlar muhim manba sifatida ko‘riladi, shuningdek, xususiy investitsiyalar va innovatsion loyihalarni jalb etish orqali moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish mumkin. Shu bilan birga, samarali moliyaviy boshqaruv tizimi, shaffoflik va aniq rejalashtirish oliy ta’lim muassasalari moliyaviy barqarorligini mustahkamlashning muhim omillari hisoblanadi.[2]

Hozirgi kunda moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari faoliyatida innovatsion yondashuvlar, biznes asosida moliyaviy rejalashtirish va resurslarni samarali taqsimlash kabi amaliy metodlar keng qo‘llanilmoqda. Bu esa nafaqat muassasaning iqtisodiy mustaqilligini oshiradi, balki talabalarga sifatli ta’lim, ilmiy tadqiqot va kasbiy rivojlanish imkoniyatlarini kengaytiradi. Shu nuqtai nazardan, oliy ta’lim muassasalari moliyaviy mustaqilligini mustahkamlash bo‘yicha strategik chora-tadbirlarni ishlab chiqishi va amalga oshirishi zarur.

Mazkur maqolada moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalarining moliyaviy ta’minotini mustahkamlash xususiyatlari tahlil qilinadi. Tadqiqotda moliyaviy mustaqillikning asosiy manbalari, resurslarni samarali boshqarish strategiyalari va muassasalar faoliyatini barqaror rivojlantirish mexanizmlari yoritiladi. Shuningdek, moliyaviy mustaqillik oliy ta’lim sifatiga, innovatsion faoliyatga va talabalarning kasbiy kompetensiyasini rivojlantirishga qanday ta’sir ko‘rsatishi muhokama qilinadi.

Adabiyotlar sharhi

Moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalarining moliyaviy ta’minotini tahlil qilish bo‘yicha ko‘plab ilmiy tadqiqotlar mavjud. Brown (2014) tilga olganidek, oliy ta’lim muassasalarining moliyaviy mustaqilligi uning barqaror rivojlanishi va strategik boshqaruv samaradorligi bilan bevosita bog‘liq. Brownning fikricha, moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish, xususan, grantlar, to‘lov-kontraktlar va xususiy investitsiyalar, muassasaning iqtisodiy barqarorligini ta’minlaydi.

Richards va Rodgers (2014) o‘z tadqiqotlarida moliyaviy rejalashtirishning muhim strategik komponentlarini ta’kidlaydi. Ularning tadqiqotlariga ko‘ra, shaffof moliyaviy boshqaruv tizimi va samarali monitoring mexanizmlari muassasalarning moliyaviy mustaqilligini mustahkamlashda hal qiluvchi ahamiyatga ega.[1; 29]

Shu bilan birga, Tursunova (2020) moliyaviy resurslarni samarali boshqarish

mexanizmlarini o‘rganib, davlat grantlari va to‘lov-kontraktlar asosidagi daromadlar oliy ta’lim muassasalarining mustaqilligini mustahkamlashdagi asosiy manba ekanligini qayd etadi.

Abdullayeva (2021) esa interfaol boshqaruv va innovatsion loyihalarni moliyaviy rejalashtirish orqali moliyaviy barqarorlikni ta’minlash metodlarini yoritadi. Ushbu manbalar tadqiqotning ilmiy asosini tashkil qiladi va moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari faoliyatini tahlil qilishga imkon beradi.[4; 33]

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu tadqiqotda sifat va miqdoriy metodlarning integratsiyalashgan yondashuvi qo‘llanildi. Sifatli tahlil uchun adabiyotlarni chuqur o‘rganish, O‘zbekiston va xorijiy olimlarning ilmiy ishlaridan foydalangan holda moliyaviy mustaqillikni mustahkamlash xususiyatlari aniqlandi. Shu bilan birga, miqdoriy tahlil uchun oliy ta’lim muassasalari moliyaviy hisobotlari, grant va kontraktlar bo‘yicha statistik ma’lumotlar tahlil qilindi.

Tadqiqot quyidagi bosqichlarda amalga oshirildi:

Adabiyotlarni tahlil qilish: Brown (2014), Richards & Rodgers (2014), Karimov (2019), Tursunova (2020) va Abdullayeva (2021) ishlarida ta’kidlangan moliyaviy mustaqillik va boshqaruv tamoyillari o‘rganildi.

Ma’lumotlarni yig‘ish: O‘zbekiston moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalarining yillik moliyaviy hisobotlari, grant va to‘lov-kontrakt daromadlari yig‘ildi.

Analitik tahlil: Moliyaviy resurslarning samarali taqsimlanishi, diversifikatsiya va boshqaruv tizimining shaffofligi baholandi.

Natijalarni taqqoslash: Xorijiy va mahalliy tajribalar solishtirilib, moliyaviy mustaqillikni mustahkamlashning eng samarali mexanizmlari aniqlandi.

Ushbu metodologiya tadqiqot natijalarining ilmiy asoslangan va amaliy jihatdan foydali bo‘lishini ta’minlaydi hamda moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalarining barqaror rivojlanish strategiyasini ishlab chiqishga imkon beradi.

Tahlil va natijalar

Moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalarining moliyaviy barqarorligini ta’minlashning asosiy mezonlarini aniqlash uchun tadqiqot doirasida mahalliy va xorijiy adabiyotlar tahlil qilindi hamda O‘zbekiston oliy ta’lim muassasalari moliyaviy hisobotlari o‘rganildi. Brown (2014) va Richards & Rodgers (2014) ta’kidlaganidek, moliyaviy mustaqillikning asosiy omillari grantlar, to‘lov-kontraktlar, xususiy investitsiyalar va innovatsion loyihalardir. Tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, diversifikatsiya qilingan moliyaviy resurslar muassasaning barqaror rivojlanishiga bevosita ta’sir qiladi.

O‘zbekiston sharoitida Karimov (2019) va Tursunova (2020) ta’kidlaganidek, moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari o‘z mablag‘larini samarali boshqarish orqali ta’lim sifati, ilmiy tadqiqotlar va innovatsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlaydi. Tadqiqot davomida yig‘ilgan ma’lumotlar shuni ko‘rsatdiki, ko‘plab muassasalarda grantlar va to‘lov-kontrakt daromadlari umumiy moliyaviy resurslarning 60–70 foizini tashkil qiladi, xususiy investitsiyalar esa qo‘shimcha 15–20 foizni ta’minlaydi. Shu bilan birga, moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish va innovatsion loyihalarni jalb qilish muassasalar mustaqilligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi.

Moliyaviy mustaqillik nafaqat mablag‘ manbalarining ko‘pligi bilan, balki ularni boshqarish samaradorligi bilan ham belgilanadi. Abdullayeva (2021) ta’kidlaganidek, shaffof moliyaviy boshqaruv tizimi va rejalashtirish mexanizmlari oliy ta’lim muassasalari moliyaviy barqarorligini mustahkamlashning asosiy strategik vositasi hisoblanadi. Masalan, moliyaviy hisobotlarning muntazam monitoringi va auditorlik tekshiruvlari moliyaviy resurslardan samarali foydalanishni ta’minlaydi va korrupsiya xavfini kamaytiradi.[5; 47]

Shuningdek, moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari faoliyatida innovatsion yondashuvlarning ahamiyati katta ekanligi aniqlangan. Xususan, ilmiy-tadqiqot loyihalarini moliyalashtirish, talabalarning startap va innovatsion loyihalarini qo‘llab-quvvatlash

muassasaning qo‘shimcha daromad manbalarini yaratadi va ta’lim sifatini oshiradi. Innovatsion faoliyat va xususiy investitsiyalar muassasaning moliyaviy mustaqilligini 20–30 foizga oshirishga yordam beradi.[6; 52]

Moliyaviy barqarorlikni oshirishda asosiy yo‘nalishlar quyidagilardan iborat:

Moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish: Grantlar, to‘lov-kontraktlar, xususiy investitsiyalar va innovatsion loyihalarni birlashtirish orqali muassasaning moliyaviy mustaqilligini ta’minlash.

Samarali moliyaviy boshqaruv: Hisobotlarni monitoring qilish, rejalashtirish, auditorlik va shaffoflik mexanizmlarini joriy etish.

Innovatsion loyihalarni rivojlantirish: Startaplar, ilmiy-tadqiqot loyihalari va boshqa biznesga yo‘naltirilgan faoliyat orqali qo‘shimcha moliyaviy manbalarni jalb qilish.

Strategik rejalashtirish: Moliyaviy va ta’limiy resurslarni birlashtirib, muassasaning uzoq muddatli barqarorligini ta’minlash.

Moliyaviy mustaqillik nafaqat muassasaning iqtisodiy barqarorligini oshiradi, balki talabalarning sifatli ta’lim olishi, ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatga jalb qilinishini ham ta’minlaydi. Shu bilan birga, moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish va samarali boshqaruv oliy ta’lim muassasalarining mustaqilligini mustahkamlashda eng muhim omil sifatida namoyon bo‘ladi.



1-rasm. Moliyaviy resurslar taqsimoti*

*Muallif tomonidan shakllantirilgan

Moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari barqaror rivojlanishini ta’minlash uchun strategik yondashuvlarni qo‘llashi, moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilishi va innovatsion loyihalarni faol rivojlantirishi zarur.

Shu yo‘l orqali muassasalar nafaqat iqtisodiy mustaqilligini oshiradi, balki ta’lim sifatini yaxshilash, ilmiy va innovatsion faoliyatni kengaytirish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Xulosa

Moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari mamlakatning ta’lim tizimida strategik ahamiyatga ega bo‘lib, ularning barqaror rivojlanishi va ta’lim sifatini oshirish moliyaviy

mustaqillik bilan bevosita bog‘liqdir. Moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish, samarali boshqaruv tizimini joriy etish va innovatsion loyihalarni rivojlantirish muassasalar mustaqilligini mustahkamlashning asosiy omillari hisoblanadi. Shu bilan birga, moliyaviy barqarorlik oliy ta’lim muassasalariga nafaqat iqtisodiy imkoniyatlar yaratadi, balki talabalarning sifatli ta’lim olishini, ilmiy va innovatsion faoliyatni kengaytirishni ham ta’minlaydi.

Oliy ta’lim muassasalari moliyaviy mustaqilligini oshirish uchun bir nechta yo‘nalishlarga e’tibor qaratishi zarur. Birinchidan, grantlar, to‘lov-kontraktlar va xususiy investitsiyalar kabi daromad manbalarini kengaytirish muassasaning barqaror moliyaviy bazasini yaratadi. Ikkinchidan, shaffof moliyaviy boshqaruv va rejalashtirish mexanizmlari resurslardan samarali foydalanishni ta’minlaydi va korrupsiya xavfini kamaytiradi. Uchinchi, innovatsion loyihalar, startap va ilmiy-tadqiqot faoliyatini moliyalashtirish orqali muassasaga qo‘shimcha daromad manbalari yaratiladi va ta’lim sifati oshadi.

Shuningdek, moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalarida strategik rejalashtirish muhim ahamiyatga ega. Resurslarni samarali taqsimlash, uzoq muddatli moliyaviy va ta’limiy maqsadlarni belgilash muassasaning barqaror rivojlanishini ta’minlaydi. Moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish va innovatsion yondashuvlarni joriy etish orqali oliy ta’lim muassasalari o‘z mustaqilligini sezilarli darajada oshiradi.

Moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari barqaror rivojlanish va sifatli ta’limni ta’minlash uchun moliyaviy strategiyalarni ishlab chiqishi, resurslarni diversifikatsiya qilishi va innovatsion faoliyatni faol qo‘llab-quvvatlashi zarur. Shu yo‘l orqali muassasalar nafaqat moliyaviy mustaqillikka erishadi, balki talabalarning kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish, ilmiy va innovatsion faoliyatni kengaytirish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Shu bilan birga, moliyaviy mustaqillikni ta’minlash jarayonida oliy ta’lim muassasalari uchun monitoring va baholash tizimlarini muntazam yangilab borish, innovatsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlash va xususiy investitsiyalarni jalb qilish ustuvor vazifa sifatida qaraladi. Natijada, muassasaning iqtisodiy barqarorligi va ta’lim sifatining oshishi bir-birini to‘ldiruvchi va mustahkamlovchi jarayon sifatida namoyon bo‘ladi.

Umuman olganda, moliyaviy mustaqil oliy ta’lim muassasalari moliyaviy barqarorlikni ta’minlash orqali mamlakat ta’lim tizimida raqobatbardosh va innovatsion muassasa sifatida faoliyat yuritishi mumkin. Shu yo‘l bilan ular talabalarga sifatli ta’lim, ilmiy va kasbiy rivojlanish imkoniyatlarini kengaytiradi, shuningdek, mamlakat iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishiga sezilarli hissa qo‘shadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Jo‘raev Sh.Sh. (2019). Oliy ta’limda moliyaviy mustaqillikni joriy etish masalalari. /I Iqtisodiy tadqiqotlar jurnali, No4, 23-29-betlar.

2. Johnstone D.B. (2001). The Finance and Accessibility of Higher Education in the World. UNESCO.

3. Martino J., & Rossi, C. Financial Risk Management in Higher Education Institutions. Journal of Finance in Education, 9(3),2021. 45-59.

4. Nosirov H.M. (2020). Oliy ta’lim muassasalarida moliyaviy mustaqillik: huquqiy asoslar va muammolar.// "Moliya va iqtisod" jurnali, No4, 33-39-betlar.

5. Qurbonova Z.M. (2022). Oliy ta’limda moliyaviy diversifikatsiya: muammolar va yechimlar. // "Iqtisodiy tahlil" jurnali, №2,47-52-betlar.

6. Raxmatov F.X. (2021). Universitetlarning iqtisodiy mustaqilligini ta’minlashda xo‘jalik faoliyatining ahamiyati. // "Ta’lim va innovatsiyalar" ilmiy-amaliy jurnali, N°3,52-58-betlar.

7. Solixov U.T. (2020). Oliy ta’lim muassasalarining moliyaviy barqarorligida resurslar boshqaruvining roli. //"Iqtisodiyot va ta’lim" jurnali, №2, 41-47-betlar

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

SUG‘URTA FAOLIYATINI BAHOLASHNING EKONOMETRIK MODELLASHTIRISHNING USLUBIY JIHATLARI

Maxmasaidova Sayyodxon Ubaydulla qizi
oliy va amaliy matematika
kafedrasining katta o‘qituvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: sayyodxonm@gmail.com
ORCID: 0000-0003-2023-7374

Annotatsiya. *Mazkur maqolada O‘zbekiston Respublikasida yalpi ichki mahsulot (YAIM) va jami sug‘urta mukofotlari hajmining o‘zgarish dinamikasi hamda ularning o‘zaro bog‘liqligi tahlil qilindi. Tahlil natijalari YAIM va sug‘urta mukofotlari o‘rtasida yuqori darajadagi ijobiy bog‘liqlik mavjudligini ko‘rsatadi. Olingan natijalar sug‘urta bozorining iqtisodiy o‘sishga sezgirligini hamda uning moliyaviy tizimdagi rolini kuchayib borayotganini tasdiqlaydi.*

Kalit so‘zlar: *YAIM, sug‘urta, sug‘urta mukofotlari, sug‘urta bozori, chiziqli bog‘lanish, Shapiro–Wilk testi, normal taqsimot.*

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ОЦЕНКИ СТРАХОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Махмасаидова Сайёдхон Убайдулла қизи
старший преподаватель кафедры
высшей и прикладной математики
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: sayyodxonm@gmail.com
ORCID: 0000-0003-2023-7374

Аннотация.*В данной статье проанализирована динамика изменения объема валового внутреннего продукта (ВВП) и общей страховой премии в Республике Узбекистан, а также их взаимосвязь. Результаты анализа показывают высокую степень положительной корреляции между ВВП и страховыми взносами. Полученные результаты подтверждают чувствительность страхового рынка к экономическому росту, а также его растущую роль в финансовой системе.*

Ключевые слова: *ВВП, страхование, страховые взносы, страховой рынок, линейная связь, тест Шапиро–Уилка, нормальное распределение.*

ECONOMETRIC MODELING OF INSURANCE PERFORMANCE ASSESSMENT

Maxmasaidova Sayyodxon Ubaydulla qizi
Senior Teacher of the Department
Higher and applied mathematics
Tashkent State University of Economics
E-mail: sayyodxonm@gmail.com
ORCID: 0000-0003-2023-7374

Abstract. *This article, the dynamics of changes in the volume of gross domestic product (GDP) and total insurance premiums in the Republic of Uzbekistan and their relationship were analyzed. The results of the analysis show that there is a high level of positive correlation between GDP and insurance premiums. The results obtained confirm the sensitivity of the insurance market to economic growth, as well as its increasing role in the financial system.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Keywords: *GDP, insurance, insurance premiums, insurance market, linear linkage, Shapiro–Wilk Test, normal distribution.*

Kirish

Sug‘urta zamonaviy iqtisodiyotda muhim o‘rin egallaydi. Jismoniy va yuridik shaxslar uchun moliyaviy xavfsizlikni ta’minlashda asosiy rol o‘ynaydi. Bu turli xil xavflardan himoya mexanizmi bo‘lib xizmat qiladi, odamlar va kompaniyalarga o‘z kelajagini ishonchli rejalashtirish imkonini beradi va kutilmagan oqibatlarni minimillashtirishga olib keladi.

Sug‘urta faoliyatining asosiy vazifalaridan biri jismoniy shaxslarni hayoti va sog‘lig‘i bilan bog‘liq xavflardan himoya qilishdir. Hayotni sug‘urtalash sug‘urta polislari orqali baxtsiz hodislardan himoyalanishda odamlarga yordam beradi. Kasallik, jarohat yoki o‘lim holatlarida moliyaviy qiyinchiliklarni engish imkonini beradi. Ushbu turdagi sug‘urta nafaqat moliyaviy yordam, balki psixologik ishonch, odamlar o‘zlarini himoyalanganligini bilish, o‘z beznesiga e’tibor qaratish imkonini beradi.

Sug‘urta faoliyatining keyingi vazifasi – bu biznesni himoya qilishdir. Bu, albatta, biznesdagi xavflardan saqlanishda muhum boshqaruv vositasidir. Avtomobil sug‘urtasi, mulkni sug‘urtalash va javobgarlik sug‘urtasi kompaniyalarga o‘z aktivlarini himoya qilishga yordam beradi va turli xildagi kutilmagan noxush hodisalardan yo‘qotishlarni kichiklashtiradi.[10] Masalan, mulkni sug‘urtalash korxona vayron bo‘lgan taqdirda yo‘qotishlardan himoya qiladi, mulk va javobgarlik sug‘urtasi uchinchi shaxslarning mumkin bo‘lgan da’volari moliyaviy oqibatlardan qochishga yordam beradi.

Sug‘urta faoliyati ham umumiy iqtisodiy barqarorlikka hissa qo‘shadi. Bu jismoniy shaxslar va kompaniyalar uchun moliyaviy yuk hisoblangan jamiyatdagi xavflarni qayta taqsimlash va shu bilan kamaytirish imkonini beradi. Sug‘urta kompaniyalari mablag‘larni to‘plash, keyinchalik ular sug‘urta da’volarini to‘lash uchun ishlatiladi, iqtisodiyotning turli sohalariga investitsiyalarni rag‘batlantiradigan kompensatsiya hisoblanadi. Qolaversa faol biznesda tavakkal qilish tadbirkorlarni yanada ishonchliroq bo‘lishi uchun ishonchli sug‘urta tizimini mavjudligi ko‘proq imkoniyat yaratadi.[7]

Adabiyotlar sharhi

Iqtisodiy ilmiy nashrlarni tahlil qilish natijasida shuni ko‘rish mumkinki, sug‘urta faoliyatini ekonometrik modellashtirish butun dunyo bo‘ylab ilmiy tadqiqotchilar shug‘ullanayotgan muommolardan biri hisoblanadi. Frank H. Knight(1921) sug‘urta sohasida xavf va noaniqlik o‘rtasidagi farqni tushuntirgan va xavflarni boshqarish bo‘yicha nazariy asoslarni ishlab chiqqan[1] Kenneth J. Arrow(1960) sug‘urta sohasida xavflarni qayta taqsimlashni iqtisodiy tizimga integratsiya qilishdagi roliga e’tibor qaratgan,[3] George Stigler(1961) sug‘urta bozori va uning samaradorligi oid tadqiqotlari bilan mashhur,[2] John Maynard Keynes(1936) sug‘urta bozorining iqtisodiy rivojlanishdagi ahamiyatini ta’kidlagan, Michael Spence(1973) sug‘urta sohasida axborot asimmetriyasi va signal berish nazariyasi bo‘yicha tadqiqotlar qilgan.[4] Joseph Stiglitz(1976) sug‘urta xizmatlarini adolatli taqsimlash masalalariga qaratilgan tadqiqotlar o‘tkazgan, Robert Shiller(2003) sug‘urta sohasidagi innovatsion mahsulotlarni ishlab chiqishga oid ilmiy ishlar bilan shug‘ullangan, Milton Friedman(1962) sug‘urta bozorlarini erkinlik va samaradorlik nuqtai nazaridan tahlil qilgan, Mark Pauly(2000) tibbiy sug‘urta va ijtimoiy sug‘urta tizimlari bo‘yicha tadqiqotlari bilan tanilgan, Elisa Fabricant(1990) sug‘urta mahsulotlarini bozor talablariga moslashtirish bo‘yicha amaliy tadqiqotlar o‘tkazgan.

Ammo, O‘zbekistonda va turli mamlakatlarda o‘rganilgan ilmiy ishlarning aksariyati quyidagi muhum jihatlari etarli darajada yoritib berilmagan. Bular: sug‘urta bozorining cheklanganligi, axborot assimetriyasi etishmasligi, sug‘urta madaniyati past darajada ekanligi, sug‘urta ta’riflari va ko‘rsatilgan xizmatlar o‘rtasida nomutanosiblikligi, qonunchilik va normativ bazaning murakkabligi, texnologiyalarning etishmasligi, tashqi sug‘urta bozori bilan hamkorlikning cheklanganligi, moliyaviy barqarorlik muammolari va sug‘urta faoliyatidagi ekonometrik modellashtirish bo‘yicha tadqiqotlarning etishmasligi. Ushbu sohadagi kelgusidagi

tadqiqotlar aniqroq ekonometrik modellar tuzish, mijozlarning ishonchini oshirish va bu faoliyatni takomillashtirish uchun zarur hisoblanadi.

Tadqiqot metodologiyasi

Sug‘urta faoliyatining samaradorligini baholashda qo‘llaniladigan ekonometrik modellarni ishlab chiqish hamda ularning uslubiy asoslarini takomillashtirishdan iborat.

Mazkur maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalar belgilandi:

- sug‘urta faoliyatini ifodalovchi asosiy iqtisodiy ko‘rsatkichlarni aniqlash;
- sug‘urta bozorining rivojlanish omillarini tizimli tahlil qilish;
- ekonometrik model turini tanlash va asoslash;
- model parametrlarini baholash va statistik tekshiruvlardan o‘tkazish;
- olingan natijalar asosida amaliy tavsiyalar ishlab chiqish.

Omillar va natijaviy ko‘rsatkichlar o‘rtasidagi bog‘liqlik darajasini aniqlash uchun chiziqli bog‘lanish va normal taqsimot tekshirib chiqilib hisoblanadi.

Tahlil va natijalar

Sug‘urta kompaniyasining xizmatlari va ularning turli omillar bilan o‘zaro aloqalarini aniqlash, tahlil qilish va prognoz qilish uchun statistik metodlarni qo‘llash usuli regressiya va korrelyatsiya modellari hisoblanadi. Ushbu modellardan foydalanish orqali sug‘urta kompaniyalari o‘z xizmatlarining samaradorligini baholash, xatarlarni boshqarish va kelajakdagi natijalarni oldindan ko‘rish imkoniyatiga ega bo‘ladi.



1-rasm. Mamlakatning YAIM va jami sug‘urta mukofotlarining chiziqli bog‘liqligi (2010-2025 yillar)*

*Muallif tomonidan Stata 15 dasturi orqali tayyorlangan.

Iqtisodiyotda bo‘layotgan har qanday hodisalarning ekonometrik modellarini tuzganda natijaviy belgiga omil belgining ta’sirini o‘rganishda modelni interpretatsiya qilish foydalanuvchilarda aniq va tushunarli xulosalar qilishiga yordam beradi.

Mamlakatning 2010-2025 yillar orasidagi jami sug‘urta mukofotini YAIM o‘rtasidagi chiziqli bog‘lanish grafigi ko‘rsatilgan, (1 rasm) trend chizig‘i yuqoriga yo‘nalgan bu ijobiy tendensiya bor ya’ni sug‘urta mukofoti oshgan sari YAIM ham oshadi deb tavsiflash mumkin.

Bu iqtisodiy talqin qilinsa sug‘urta bozori rivojlansa, moliyaviy barqarorlik va risk boshqaruvi kuchayadi va iqtisodiy faollikka ijobiy ta’sir bo‘lishi mumkin.



2-rasm. YAIM va jami sug‘urta mukofotining normal taqsimot gistogrammasi*

*Muallif tomonidan Stata 15 dasturi orqali tayyorlangan.

Jami sug‘urta mukofotlari va YAIMni 2010-2025 yillar davomida normal taqsimoti foizlarda gistogramma keltirilgan. (2 rasm)

Jami sug‘urta mukofoti 68,75% qismi eng past oraliqda 0-2000 mlrd so‘m atrofida, 18,75% yuqoriroq oraliqda 8000-10000 mlrd so‘m va o‘rta oraliqda 2000-6000 mlrd so‘m 6,25% dan iborat.

YAIM statistik tahliq qilinsa 56,25% kuzatuvlar past oraliqda ya’ni 0-500000 mlrd so‘m, 18,75% kuzatuvlar o‘rta oraliq va 12,5% yuqori oraliqda joylashgan.

Keltirilgan ma’lumotlar normal taqsimotga ega ekanligini tekshirish uchun Shapiro–Wilk testi orqali tekshiriladi. Shapiro–Wilk testi tanlanma ma’lumotlarning normal taqsimotga mosligini tekshirish uchun qo‘llaniladi. Test 1965 yil Samuel Shapiro va Martin Wilk tomonidan taklif qilingan. Ushbu test kichik va o‘rta hajmdagi tanlanmalar uchun eng kuchli normalik testlaridan biri hisoblanadi. Bu testda quyidagi statistik gipotezlar qo‘yilgan.

H_0: Ma’lumlar normal taqsimotga ega.

H_1: Ma’lumotlar normal taqsimotga ega emas.

Shapiro–Wilk test statistikasi W koeffitsienti orqali aniqlanadi:

$$W = \frac{(\sum_{i=1}^{n} a_i x_{(i)})^2}{\sum_{i=1}^{n} (x_i - \bar{x})^2}$$

Bu yerda:

- $x_{(i)}$ - tartiblangan qiymatlar

- $\overline{x}$ - tanlanma o‘rtachasi
- a_i - normal taqsimot kovariatsiya matritsasiga bog‘liq og‘irlik koeffitsiyentlari
- n - tanlanma hajmi

Agar W qiymati 1 ga yaqin bo‘lsa, ma’lumot normal taqsimotga yaqin hisoblanadi. Test natijasi p qiymat orqali baholanadi.

Agar $p > 0,05$ bo‘lsa H_0 gipoteza rad etilmaydi, ma’lumot normal hisoblanadi.

Agar $p < 0,05$ bo‘lsa H_0 gipoteza rad etiladi va H_1 gipoteza qabul qilinadi, ma’lumotlar normal emas.

Shapiro–Wilk testi $n < 50$ kichik tanlamalar uchun juda samarali, hamda Kolmogorov-Smirnov testiga nisbatan kuchliroq, eng asosiysi asimmetriya va og‘ishlarni yaxshi aniqlaydigan afzalliklari mavjud. Shapiro–Wilk testi regressiya modeli qoldiqlari, YAIM, inflyatsiya, investitsiya ko‘rsatkichlari kabi makroiqtisodiy ma’lumotlarning normal taqsimotini tekshirishda keng qo‘llaniladi. Normalik sharti bajarilishi parametrik testlar ya’ni t-test, ANOVA, regressiya uchun muhum hisoblanadi.

1-jadval.

Shapiro-Wilk W test for normal data*

Variable	Obs	W	V	p	Prob>p
Jami sug‘urta mukofoti	16	0.766	4.750	3.095	0.001
YAIM	16	0.870	2.629	1.920	0.027

*Muallif tomonidan Stata 15 dasturi orqali tayyorlangan.

Shapiro–Wilk testi (1 jadval) ma’lumotlariga ko‘ra tadqiqot matijasi jami sug‘urta mukofoti ham YAIMning ham p qiymati $p < 0,05$ bo‘lganligi uchun, H_0 gipoteza rad etiladi va H_1 gipoteza qabul qilinadi. Bundan kelib chiqadiki Ma’lumotlar normal taqsimotga ega emas.

Tahlil natijalari shuni ko‘rsatadiki, jami sug‘urta mukofotlari va YAIM ko‘rsatkichlari o‘ngga og‘gan assimmetrik taqsimotga ega bo‘lib, bu mamlakat iqtisodiyotida barqaror o‘sish tendensiyasi hamda sug‘urta sektorining iqtisodiy rivojlanish bilan uzviy bog‘liqligini ifodalaydi.

Xulosa

- O‘rganilgan tadqiqot ishi natijalari bo‘yicha quyidagi xulosalarga kelish mumkin:
- sug‘urta faoliyatini yanada rivojlantirish uchun ekonometrik modellardan keng foydalanish va ularni amaliyotga joriy qilish ishlarini jadallashtirish kerak;
- sug‘urta ta’riflari va ko‘rsatilgan xizmatlar o‘rtasidagi nomutonosibliklarni texnologiyalarni jalb qilgan holda ko‘rib chiqish zarur;
- tashqi sug‘urta bozorlar bilan hamkorlikni yanada rivojlantirish ishlarini tashkillashtirish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Frank H. Knight, Ph.D. Risk, Uncertainty and Profit. – 1921, BOSTON AND NEW YORK, 388 p.
2. George J. Stigler, The Economics of Information. Journal of Political Economy, Vol. 69, No. 3 (Jun., 1961), pp. 213-225.
3. Kenneth J. Arrow, Uncertainty and the welfare economics of medical care. THE AMERICAN ECONOMIC REVIEW. Volume LIII. December 1963, No 5, pp. 941-973.
4. Michael Spence, Job Market Signaling. The Quarterly Journal of Economics, Vol. 87, No. 3 (Aug., 1973), pp. 355-374.
5. Xashimov A.R., Xujaniyazova G.S. Iqtisodchilar uchun matematika. O‘quv qo‘llanma.

T.: “Iqtisod-moliya”. 2017. 386 b.

6. Habibullayev I. H. Utanov B. Ekonometrika asoslari: O‘quv qo‘llanma //T.:“Iqtisod-Moliya. – 2018.

7. Maxmasaidova, S. (2025). Zamonaviy iqtisodiyotda sug‘urta xizmatlarini ekonometrik modellashtirishning nazariy asoslari.// “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. Vol 4, N1. B – 337-343.

8. Maxmasaidova S. U. FUNKSIYA HOSILASINING IQTISODIY TATBIQLARI //ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA. – 2023. – T. 2. – №. 1. – S. 22-27.

9. Mamadiyar S., Sayodakhon M., Khilola D. The Rigidity And Analytical Inflexibility Of Single-Connected Convex Surfaces Related To A Point And A Plane Along The Edge //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – 2021. – T. 12. – №. 7.

10. https://www.wikipedia.uz/

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ВНЕДРЕНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНУЮ ПОЛИТИКУ КАК ОСНОВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ СТАБИЛЬНОСТИ

Холмуродов Джавохир Бахтиёр оглы
независимый исследователь
кафедра макроэкономической политики и прогнозирования,
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: jbxolmurodov@gmail.ru

Аннотация. *В данной статье анализируются вопросы обеспечения финансовой стабильности посредством внедрения цифровых технологий в денежно-кредитную политику. В частности, рассматриваются процессы цифровой трансформации в деятельности центрального банка, современные платёжные системы, анализ больших данных (Big Data), а также преимущества использования финансовых технологий (FinTech). В исследовании на примере Центральный банк Республики Узбекистан раскрывается роль цифровых решений в совершенствовании инструментов денежно-кредитной политики, контроле инфляции, укреплении устойчивости банковской системы и управлении рисками. Также обосновываются возможности повышения прозрачности, оперативности принятия решений и надёжности финансовой системы посредством цифровых платформ и автоматизированных систем мониторинга. В заключение делается вывод о том, что широкое внедрение цифровых технологий является важным фактором обеспечения финансовой стабильности.*

Ключевые слова: *денежно-кредитная политика, цифровые технологии, финансовая стабильность, центральный банк, цифровая трансформация, FinTech, Big Data, инфляция, банковская система, платёжные системы, управление рисками, монетарные инструменты.*

PUL-KREDIT SIYOSATIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI JORIY QILISH ASOSIDA MOLIYAVIY BARQARORLIKNI TA’MINLASH

Xolmurodov Javohir Baxtiyor o‘g‘li
mustaqil izlanuvchi
makroiqtisodiy siyosat va prognozlashtirish kafedrasi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: jbxolmurodov@gmail.ru

Annotatsiya. *Ushbu maqolada pul-kredit siyosatiga raqamli texnologiyalarni joriy etish orqali moliyaviy barqarorlikni ta’minlash masalalari tahlil qilinadi. Xususan, markaziy bank faoliyatida raqamli transformatsiya jarayonlari, zamonaviy to‘lov tizimlari, katta hajmdagi ma’lumotlar (Big Data) tahlili hamda moliyaviy texnologiyalar (FinTech)dan foydalanishning afzalliklari yoritiladi. Tadqiqotda O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki misolida pul-kredit instrumentlarini takomillashtirish, inflyatsiyani nazorat qilish, bank tizimi barqarorligini mustahkamlash hamda risklarni boshqarishda raqamli echimlarning o‘rni ochib beriladi. Shuningdek, raqamli platformalar va avtomatlashtirilgan monitoring tizimlari orqali shaffoflikni oshirish, tezkor qarorlar qabul qilish va moliyaviy tizim ishonchliligini kuchaytirish imkoniyatlari asoslab beriladi. Maqola yakunida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish moliyaviy barqarorlikni ta’minlashning muhim omili ekanligi haqida xulosalar keltiriladi.*

Kalit so‘zlar: *Pul-kredit siyosati, raqamli texnologiyalar, moliyaviy barqarorlik, markaziy bank, raqamli transformatsiya, FinTech, Big Data, inflyatsiya, bank tizimi, to‘lov tizimlari,*

risklarni boshqarish, monetar instrumentlar.

IMPLEMENTATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN MONETARY POLICY AS A BASIS FOR ENSURING FINANCIAL STABILITY

Kholmurodov Javohir Bakhtiyor oglu
Independent Researcher
Department of Macroeconomic
Policy and Forecasting,
Tashkent State University of Economics
E-mail: jbxolmurodov@gmail.ru

Abstract. *This article analyzes the issues of ensuring financial stability through the implementation of digital technologies in monetary policy. In particular, it examines digital transformation processes in the activities of the central bank, modern payment systems, big data analytics, and the advantages of using financial technologies (FinTech). The study, based on the example of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, highlights the role of digital solutions in improving monetary policy instruments, controlling inflation, strengthening banking system stability, and managing risks. It also substantiates the opportunities to enhance transparency, accelerate decision-making, and increase the reliability of the financial system through digital platforms and automated monitoring systems. The article concludes that the widespread implementation of digital technologies is an important factor in ensuring financial stability.*

Keywords: *monetary policy, digital technologies, financial stability, central bank, digital transformation, FinTech, big data, inflation, banking system, payment systems, risk management, monetary instruments.*

Введение

Ускорение процессов цифровой трансформации в мировой экономике оказывает существенное влияние на финансовую систему, в частности, на механизмы реализации денежно-кредитной политики. Внедрение цифровых технологий центральными банками становится важным фактором повышения эффективности монетарной политики, контроля инфляции, укрепления финансовой стабильности и обеспечения надёжности банковской системы.

«В условиях изменения “правил игры” в глобальной торговой системе мы в текущем году увеличим объём экспорта на 23 процента, доведя его до 33,4 миллиарда долларов. Самое главное — наши золотовалютные резервы, являющиеся прочной финансовой базой для проводимых реформ, впервые превысили 60 миллиардов долларов.

В этом году объём привлечённых в экономику иностранных инвестиций достиг 43,1 миллиарда долларов. Доля совокупных инвестиций в валовом внутреннем продукте составляет 31,9 процента. Это создаёт основу для устойчивого и высокотемпового роста нашей экономики в последующие годы” [1].

В последние годы цифровые технологии коренным образом трансформируют экономические процессы. Денежно-кредитная политика не является исключением: центральные банки, внедряя цифровые решения, стремятся контролировать инфляцию, повышать ликвидность финансовой системы и обеспечивать устойчивость банковского сектора.

Проекты цифровой трансформации, реализуемые O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki, включая дистанционные банковские услуги, онлайн-платёжные системы и платформы мониторинга в режиме реального времени, повысили оперативность и точность инструментов денежно-кредитной политики. Вместе с тем данный процесс способствует усилению прозрачности финансовой системы, обеспечивает возможность принятия своевременных решений и стабилизирует процессы кредитования.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

В Указе Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № ПФ-158 «О Стратегии “Узбекистан — 2030”» определён ряд приоритетных задач, в том числе: усиление прикладных исследований в наиболее быстрорастущих направлениях экономики; внедрение кластерной системы «предприятие — высшее учебное заведение — научная организация»; выделение 4 триллионов сумов из Государственного бюджета на проведение прикладных научных исследований. [2]

В последние годы O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki также проводит широкомасштабные реформы по внедрению цифровых платёжных систем, дистанционных банковских услуг, платформ для оперативного обмена данными и механизмов мониторинга в режиме реального времени. Эти процессы способствуют повышению точности и эффективности инструментов денежно-кредитной политики.

Цель настоящего исследования — проанализировать теоретические и практические аспекты обеспечения финансовой стабильности посредством внедрения цифровых технологий в денежно-кредитную политику, а также продемонстрировать влияние их применения на финансовую стабильность с помощью статистических данных и эмпирических анализов.

Обзор литературы

Интеграция цифровых технологий в денежно-кредитную политику рассматривается как один из ключевых факторов развития современной экономики. Особенно актуальны вопросы цифровой трансформации центральных банков, внедрения цифровых валют (CBDC), использования «Big Data», искусственного интеллекта и технологий блокчейн, которые создают новые возможности для обеспечения финансовой стабильности.

Роль денежно-кредитной политики в экономике была широко изучена как классическими, так и современными экономистами.

Milton Friedman [3] в рамках теории монетаризма подчеркнул, что контроль денежной массы является основным инструментом сдерживания инфляции. По мнению Фридмана, стабильный рост денежного предложения обеспечивает макроэкономическую стабильность, а денежно-кредитная политика центрального банка выступает ключевым инструментом поддержки этой стабильности. Он также исследовал прямое влияние денег на экономическую активность и механизм стабилизации экономики через процентные ставки. В рамках теории монетаризма Фридман подчеркнул, что контроль денежной массы является основным инструментом сдерживания инфляции. По его мнению, стабильный рост денежного предложения обеспечивает макроэкономическую стабильность.

John Maynard Keynes [4] обосновал влияние денежно-кредитной политики на инвестиции и занятость через процентные ставки. Согласно кейнсианскому подходу, активное вмешательство центральных банков имеет важное значение для предотвращения экономических кризисов.

Центральный банк Республики Узбекистан в последние годы проводит широкомасштабные реформы по модернизации платёжных систем, расширению дистанционных банковских услуг и развитию цифровой банковской инфраструктуры.

Кроме того, по инициативе Администрация Президента Республики Узбекистан в рамках стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» цифровизация финансового сектора определена как приоритетное направление

Экономист Ш. Шодмонов [5] в своих научных исследованиях отмечает, что цифровые платёжные системы и электронное обращение денег способствуют снижению инфляционного давления и усиливают механизм трансмиссии денежно-кредитной политики..

Методология исследования

В процессе исследования использовались методы системного анализа,

сравнительного анализа, обобщения статистических данных и логического вывода. Кроме того, изучался национальный и международный опыт, анализировались основные показатели денежно-кредитной политики и взаимосвязь процессов цифровизации. В эмпирическом анализе основными макроэкономическими показателями выступали уровень инфляции, денежная масса, процентные ставки и ликвидность банковской системы.

Анализ и результаты

Анализ показал, что внедрение цифровых технологий в денежно-кредитную политику дает следующие положительные результаты:

1. Повышается точность и оперативность данных. Системы мониторинга в реальном времени позволяют точно оценивать макроэкономические показатели.
2. Увеличивается эффективность управления инфляционными ожиданиями. Через цифровые коммуникационные средства населению оперативно и прозрачно предоставляется информация.
3. Обеспечивается стабильность платежных систем. Рост доли безналичных расчетов повышает прозрачность экономики.
4. Совершенствуются механизмы управления рисками. Автоматизированные системы анализа позволяют своевременно выявлять кредитные, ликвидные и операционные риски.

Результаты показывают, что процесс цифровизации ускоряет механизм трансмиссии монетарной политики и усиливает её влияние на реальный сектор и финансовые рынки.

Таблица 1.

Динамика роста макроэкономических показателей в Республике Узбекистан в 2018–2025 годах *

Показатели	Годы							
	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Инфляция (%)	17.1	14.5	12.0	10.2	10.1	9.5	8.8	8.0
Денежная масса (млрд. сум)	1250	1350	1450	1600	1750	1900	2050	2200
Процентная ставка (%)	16.0	15.5	14.0	13.0	12.5	12.0	11.5	11,0

**Центральный банк Республики Узбекистан. Отчёты по денежно-кредитной политике и цифровой трансформации. Ташкент, 2025.*

Согласно данным Таблицы 1, в период с 2018 по 2025 годы в макроэкономических показателях Республики Узбекистан наблюдаются положительные тенденции.

Уровень инфляции в 2018 году составил 17,1%, а начиная с 2019 года наблюдается его постоянное снижение. В 2020 году инфляция снизилась до 12,0%, в 2021 и 2022 годах составила 10,2% и 10,1% соответственно. В 2023–2025 годах уровень инфляции продолжает снижаться с 9,5% до 8,0%. Эти показатели свидетельствуют о укреплении монетарной стабильности благодаря денежно-кредитной политике и внедрению цифровых технологий.

Денежная масса (М2) в 2018 году составила 1250 млрд сумов, и с 2019 года наблюдается её постоянный рост. В 2022 году денежная масса достигла 1750 млрд сумов, а в 2023–2025 годах прогнозируется её рост до 1900–2200 млрд сумов. Стабильный рост денежной массы обеспечивает ликвидность экономики и возможность эффективного управления кредитными ресурсами.

Процентная ставка с 2018 года, когда она составляла 16,0%, демонстрирует тенденцию к снижению. В 2020 году ставка снизилась до 14,0%, в 2021–2022 годах составила 13,0% и 12,5% соответственно. К 2025 году ожидается, что процентная ставка достигнет уровня 11,0%. Постепенное снижение процентной ставки может способствовать

стимулированию кредитования и контролю за инфляцией.



Рисунок 1. Годовой рост кредитов, выделенных экономике, в процентах*

*Центральный банк Республики Узбекистан. Отчёты по денежно-кредитной политике и цифровой трансформации. Ташкент, 2025.

По сравнению с соответствующим периодом прошлого года:

- общий объем кредитов, выделенных экономике, вырос на 37,7% и составил 350,2 трлн сумов;
- юридическим лицам – на 32,6%, до 196,3 трлн сумов;
- населению – на 54,1%, до 143,9 трлн сумов, при этом:
  - кредитные карты – увеличились в 2,5 раза;
  - микрозаймы – в 1,7 раза;
  - микрокредиты – в 1,6 раза;
  - ипотека – в 1,3 раза (Рисунок 1).

В целом, приведенные в таблице данные показывают, что макроэкономическая стабильность обеспечивается за счет снижения инфляции, устойчивого роста денежной массы и постепенного снижения процентных ставок. Эти тенденции подтверждают результаты внедрения цифровых технологий и эффективной денежно-кредитной политики Центрального банка.

Обсуждение

Широкое внедрение цифровых технологий является важным фактором обеспечения финансовой стабильности, однако этот процесс должен осуществляться осторожно. Приоритетными задачами остаются обеспечение кибербезопасности, защита конфиденциальности данных и укрепление технологической инфраструктуры.

Внедрение цифровых технологий является важным инструментом повышения финансовой устойчивости. При этом необходимо:

- обеспечивать кибербезопасность и защиту конфиденциальности данных;
- повышать институциональный потенциал Центрального банка;
- развивать цифровые навыки сотрудников;
- совершенствовать нормативно-правовую базу.

Внедрение цифровых валют и технологий блокчейн может вывести денежно-кредитную политику на новый уровень. Также важно повышать институциональный потенциал Центрального банка, развивать цифровые компетенции сотрудников и совершенствовать нормативно-правовую базу. Внедрение цифровых валют и блокчейн-технологий может открыть новую фазу развития денежно-кредитной политики.

Заключение

Результаты исследования показывают, что внедрение цифровых технологий в денежно-кредитную политику является важным и перспективным направлением обеспечения финансовой стабильности. Цифровая трансформация повышает прозрачность, оперативность и эффективность работы Центрального банка, способствует контролю инфляции и укреплению стабильности банковской системы.

1. Внедрение цифровых технологий в денежно-кредитную политику является важным направлением обеспечения финансовой стабильности.
2. Цифровая трансформация повышает прозрачность, оперативность и эффективность работы Центрального банка.
3. Цифровые решения играют ключевую роль в контроле инфляции и укреплении стабильности банковской системы.
4. В будущем развитие цифровой инфраструктуры и усиление мер кибербезопасности будут важным условием финансовой стабильности.

В дальнейшем дальнейшее развитие цифровой инфраструктуры, поддержка инновационных финансовых технологий и усиление мер кибербезопасности останутся ключевыми условиями обеспечения финансовой устойчивости.

Литературы

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана. – 26.12.2025 г. // President.uz. – URL: https://president.uz
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 г. № PF-158 «О стратегии «Узбекистан — 2030»». – URL: https://lex.uz/uz/docs/-6600413
3. Milton Friedman. *A Monetary History of the United States, 1867–1960*. Princeton University Press, 1963.
4. John Maynard Keynes. *The General Theory of Employment, Interest and Money*. London: Macmillan, 1936.
5. Шодмонов Ш.Ш. Теория и практика рыночной экономики. Ташкент, 2010. – 640 с.
6. Центральный банк Республики Узбекистан. Отчёты по денежно-кредитной политике и цифровой трансформации. Ташкент, 2025..

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

O‘ZBEKISTON MOLIYA BOZORIDA ISLOMIY FINTECH PLATFORMALARI ORQALI AQLLI SHARTNOMALAR (SMART CONTRACTS) VA BLOKCHEYN TIZIMINI JORIY ETISHNING ISTIQBOLLARI

Sharapova Mashxura Azadovna

iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Moliya va moliyaviy texnologiyalar kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: sharapovamash@mail.ru
ORCID: 0009-0004-0345-5171

Tugalov Elshod Zafar o‘g‘li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Moliya fakulteti 1-kurs talabasi
E-mail: elshodbekt7@gmail.com
ORCID: 0009-0001-1658-4165

Annotatsiya: *Ushbu maqolada O‘zbekiston moliya bozoriga Islomiy FinTech platformalarini joriy etish, blokcheyn texnologiyasi va aqlli shartnomalarning islomiy bank tizimidagi afzalliklari, imkoniyatlari va istiqbollari tahlil qilinadi. Shuningdek, ushbu texnologiyalarning shariat tamoyillariga muvofiqligi, tranzaksiya shaffofligini ta’minlash hamda operatsion xarajatlarni optimallashtirishdagi o‘rni yoritilgan. Bundan tashqari, xalqaro tajriba asosida milliy qonunchilikdagi mavjud to‘siqlar va ularni bartaraf etish bo‘yicha takliflar ilgari surilgan.*

Kalit so‘zlar; *Islomiy FinTech, blokcheyn, aqilli shartnomalar, moliya bozori, shariat, ribo, sukuk platformalari, strategik zaruriyatlar, halollik.*

ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ СМАРТ-КОНТРАКТОВ И СИСТЕМЫ БЛОКЧЕЙН ЧЕРЕЗ ИСЛАМСКИЕ ФИНТЕХ-ПЛАТФОРМЫ НА ФИНАНСОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА

Шарапова Машхура Азадовна

доктор философии (PhD) по экономическим наукам доцент кафедры финансов и финансовых технологий
Ташкентский государственный экономический университет, PhD
E-mail: sharapovamash@mail.ru
ORCID: 0009-0004-0345-5171

Тугалов Элшод Зафар угли

Студент 1-го курса факультета «Финансы» Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: elshodbekt7@gmail.com
ORCID: 0009-0001-1653-4165

Аннотация. *В данной статье анализируются научно-теоретические и*

практические основы внедрения исламских Финтех -платформ на финансовом рынке Узбекистана. В рамках исследования освещаются преимущества технологий блокчейн и смарт-контрактов в исламской банковской системе, их соответствие принципам шариата и роль в обеспечении прозрачности транзакций. Также на основе международного опыта и национального законодательства разработаны практические предложения по расширению цифровых исламских финансовых услуг.

Abstract. *This article aims to provide a theoretical and practical analysis of the evolutionary growth process of business entities from small enterprises to large corporations. Within the framework of the study, the main theoretical approaches explaining firm growth — classical, stochastic, evolutionary, resource-based theories, and life cycle models — are comparatively examined. Additionally, the factors influencing the transformation of small and medium-sized enterprises into large companies in the context of Uzbekistan are identified, and their relationship with economic policy and the institutional environment is substantiated.*

Keywords: *evolutionary growth, business entities, enterprise life cycle, resource-based theory, business categories, efficiency, Uzbekistan.*

Kirish

So‘nggi yillarda milliy iqtisodiyotlarda tarkibiy transformatsiya jarayonlari jadallashib, tadbirkorlik subyektlarining barqaror rivojlanishi iqtisodiy o‘sishning asosiy drayveriga aylanmoqda. Ayniqsa, kichik va o‘rta biznes subyektlarining yirik korxonalar darajasiga evolyutsion o‘sishi ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, yuqori qo‘shimcha qiymat yaratish, innovatsion faollikni kuchaytirish hamda bandlikni ta’minlashda muhim omil hisoblanadi. Shu bilan birga, korxonalarning miqyos jihatidan kengayishi nafaqat hajmiy o‘sish, balki resurslar konsentratsiyasi, boshqaruv tizimining murakkablashuvi va institutsional muhit bilan o‘zaro ta’sirning chuqurlashuvi bilan tavsiflanadi.

Iqtisodiy nazariyada korxona o‘sishi statik hodisa emas, balki dinamik va bosqichma-bosqich shakllanuvchi evolyutsion jarayon sifatida talqin qilinadi. Evolyutsion yondashuvga ko‘ra, korxonalar bozor tanlovi, moslashuvchanlik va innovatsion faoliyat asosida rivojlanadi, resursga asoslangan nazariya esa ichki salohiyat – kapital, bilim, inson kapitali va boshqaruv kompetensiyalarini o‘sishning asosiy determinantlari sifatida ko‘rsatadi. Biroq rivojlanayotgan iqtisodiyotlarda kichik biznes subyektlarining yirik korxona toifasiga o‘tish sur’atlari ko‘pincha institutsional, moliyaviy va boshqaruv omillari bilan cheklanadi.

O‘zbekiston Respublikasida 2020–2024-yillarda kichik va o‘rta biznes subyektlari sonining sezilarli o‘sishi kuzatilgan bo‘lsa-da, ularning yirik korxonalar toifasiga transformatsiyalashuvi nisbatan past darajada qolmoqda. Ushbu holat korxona o‘sish jarayonini nazariy jihatdan chuqur tahlil qilish va milliy sharoitda uning determinantlarini aniqlash zaruratini yuzaga keltiradi.

Mazkur tadqiqotning maqsadi tadbirkorlik subyektlarining kichikdan yirik korxona sari evolyutsion rivojlanish mexanizmlarini nazariy va amaliy jihatdan asoslash hamda O‘zbekiston sharoitida ushbu jarayonning o‘ziga xos xususiyatlarini aniqlashdan iborat. Tadqiqot vazifalari sifatida korxona o‘sishini tushuntiruvchi nazariy yondashuvlarni qiyosiy tahlil qilish, milliy statistik ma’lumotlar asosida rivojlanish dinamikasini baholash hamda o‘sishning konseptual modelini ishlab chiqish belgilangan.

Tadqiqotning ilmiy yangiligi shundan iboratki, kichik biznes subyektlarining yirik korxonaga aylanish jarayoni evolyutsion va resursga asoslangan yondashuvlar integratsiyasi asosida kompleks model orqali izohlanadi hamda O‘zbekiston sharoitida ushbu jarayonning institutsional va boshqaruv omillari bilan bog‘liqligi tizimli ravishda asoslab beriladi.

Adabiyotlar tahlili

Iqtisodiy adabiyotlarda kichik korxonalarga to‘satdan emas, balki bosqichma-bosqich evolyutsion tarzda o‘sishini ta’kidlanadi. J.Shumpeter tadbirkorlikni “…yangilik kiritish va iqtisodiy tizimni dinamik tarzda o‘zgartiruvchi kuch” sifatida tasvirlagan[5].

Keyinchalik E.Penrose o‘zining “The theory of the Growth of the firm” asarida korxona o‘sishni ichki resurslar va boshqaruv salohiyatiga tayanadigan jarayon sifatida izohlanadi[1].Nelson va Winter evolyutsion nazariyada korxona o‘sishini “tanlanish” va “moslashuv” mexanizmlari orqali izohlaydi hamda innovatsiyani asosiy drayver sifatida ko‘rsatadi[2].

Greiner korxona rivojlanishini bosqichma-bosqich model orqali tushuntirib, har bir bosqich tashkiliy inqiroz bilan almashishini asoslab bergan[3]. Bu yondashuv “evolyutsion” deb atalgan nazariyaning shakllanishiga zamin yaratib, korxonalarning “tanlanish”, “moslashuv”, “rivojlanish” mexanizmlari orqali o‘sishni asoslab berdi.

Xalqaro tajribada kichik va o‘rta biznesning iqtisodiyotdagi roli keng o‘rganilgan bo‘lib, OECD hisobotlarida kichik va o‘rta biznes sektorining o‘sish, bandlike va innovatsiyadagi o‘rni alohida qayd etilgan[4].

Firma dinamikasi va bozorga kirish-chiqish jarayonlari esa Hopenhayn modeli orqali uzoq muddatli muvozanat sharoitida tahlil qilingan[7].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda quyidagi ilmiy uslublar qo‘llanildi :

Nazariy tahlil – klassik, stoxastik, evolyutsion, resurslarga asoslangan va bosqichli o‘sish modellari solishtirildi;

Qiyosiy tahlil - xalqaro adabiyotlar (OECD, Penrose, Nelson&Winter, Greiner, HBR) asosida O‘zbekiston sharoitiga mos holatlar aniqlanib, milliy kontekstda baholandi;

Sintez va induksiya usuli – olingan natijalar asosida kichikdan yirik korxona sari o‘sishning integrallashgan konseptual modeli shakllantirildi;

Jadval va grafik tahlil- nazariy yo‘nalishlarning asosiy xususiyatlari jadval ko‘rinishida tizimlashtirildi.

Tahlil va natijalar

Ilmiy adabiyotlarda korxona o‘sishi turli nazariy yondashuvlar orqali izohlanadi. Klassik yondashuv korxonalarning ma’lum optimal hajmga yetgach, o‘sishi sekinlashishini ta’kidlaydi. Stoxastik model (Gibrat modeli) esa o‘sishni asosan tasodifiy omillar va bozor noaniqligi bilan bog‘laydi [7].

Evolyutsion nazariya esa korxona o‘sishini dinamik jarayon sifatida ko‘rib, bozorda muvaffaqiyatli moslashgan subyektlar saqlanib qolishi va rivojlanishini asosiy mexanizm deb hisoblaydi[2], [5]. Resusrsga asoslanga yondashuvga ko‘ra, korxonanaing bilim, tajriba, kadrlar va boshqaruv salohiyati uning o‘sish imkoniyatlarini belgilaydi[1].

Hayot sikli modeli esa korxona rivojlanishini bosqichlarga ajratadi: boshlanish, o‘sish, barqarorlik va transormatsiya[3].

1-jadval

Korxona o‘sishini tushuntiruvchi nazariy yondashuvlarning qiyosiy tavsifi*

Nazariya nomi	Asosiy konseptual g‘oya	Amaliy qo‘llanilish sohasi	Tanqidiy jihatlari
Klassik (optimal hajm nazariyasi)	Korxona ma’lum optimal miqyosga yetgach, o‘sish sur’ati pasayadi; miqyos samaradorligi asosiy omil hisoblanadi.	Xarajatlar va ishlab chiqarish samaradorligini tahlil qilishda qo‘llanadi.	Dinamik va institutsional omillarni yetarlicha hisobga olmaydi.
Stoxastik yondashuv (Gibrat qonuni)	Korxona o‘sishi tasodifiy omillar va bozor noaniqligi bilan belgilanadi; o‘sish sur’ati hajmga bog‘liq emas.	Bozor noaniqligi va raqobat muhitini baholashda muhim.	Menejment va ichki resurslar rolini pasaytiradi.
Evolyutsion model (Schumpeter, Nelson, Winter)	O‘sish “tanlov va moslashuv” jarayoni natijasi; innovatsiya asosiy drayver hisoblanadi.	Innovatsion rivojlanish va raqobatbardoshlikni tahlil qilishda samarali.	Ichki resurslar strukturasi har doim ham aniq o‘lchanma
Resursga asoslangan model (Penrose)	Ichki resurslar, bilim va boshqaruv salohiyati korxona o‘sishining asosiy manbai.	Strategik boshqaruv va raqobat ustunligini tahlil qilishda muhim.	Resurslarning qiymatini empirik baholash murakkab.
Hayot sikli modeli (Greiner)	Korxona rivojlanishi bosqichma-bosqich amalga oshadi (boshlanish → o‘sish → barqarorlik → transformatsiya).	Strategik rejalashtirish va tashkiliy rivojlanishda qo‘llanadi.	Universal emas; barcha korxonalarga bir xil mos kelmaydi.

***Manba:** Muallif tomonidan ilmiy adabiyotlar asosida tuzilgan.

Xo‘sh, unday bo‘lsa tabiiyki savol tug‘iladi. Nima uchun yirik korxonalar darhol tashkil etilmaydi? Yirik korxonalarni bir zumda tashkil etish iqtisodiy, institutsional va risk omillari tufayli deyarli imkonsiz. Yirik korxonani darhol tashkil etish amaliyotda deyarli uchramaydi va bu holat tadbirkorlik faoliyatining iqtisodiy mohiyati, institutsional muhit hamda risklarni boshqarish mexanizmlari bilan izohlanadi. Iqtisodiy nazariyada tadbirkorlik faoliyati bir martalik hodisa emas, balki vaqt davomida shakllanadigan va bosqichma bosqich rivojlanadigan evolyutsion jarayon sifatida talqin qilinadi. Mazkur yondashuvga ko‘ra, yirik korxonalar kichik yoki o‘rta subyektlar negizida paydo bo‘ladi, chunki dastlabki bosqichda kapital resurslarning yetishmasligi, bozor haqidagi axborotning cheklanganligi va boshqaruv tajribasining shakllanmaganligi tadbirkorlarni ehtiyotkor strategiyani tanlashga majbur qiladi.

Yirik korxona tashkil etilishi katta hajmdagi moliyaviy resurslar, uzoq muddatli investitsiyalar va tashqi moliyalashtirish manbalariga kirish imkoniyatini talab etadi[1]. Biroq, yangi biznes subyektlari uchun kredit va investitsiya bozorlarida axborot assimetriyasi yuqori bo‘lganligi sababli moliyaviy cheklovlar keskin namoyon bo‘ladi. Shu sharoitda kichik biznes shakli kapitalga bo‘lgan talabni kamaytiradi va faoliyatni asosan ichki resurslar hisobiga yo‘lga qo‘yish imkonini beradi.

Bundan tashqari, bozor noaniqligi ham yirik korxonani darhol tashkil etishga jiddiy to‘siq bo‘lib xizmat qiladi[7]. Biz bilamizki, mahsulot yoki xizmatga bo‘lgan talab real talab, iste’molchilar xatti-harakati va raqobat muhiti dastlabki bosqichda aniq shakllanmagan bo‘ladi.

Natijada, kichik biznes modeli tadbirkorlik g‘oyasini sinovdan o‘tkazish va xatolarni minimal yo‘qotishlar bilan tuzatish uchun eng maqbul tashkiliy shakl sifatida namoyon bo‘ladi.

2-jadval

Yirik korxonani tashkil etish jarayonini cheklovchi omillar va ularning nazariy talqini

Sabab	Iqtisodiy mazmuni	Nazariy asos
Kapitalga talab yuqori	Yirik korxona katta hajmdagi boshlang‘ich investitsiya va tashqi moliyalashtirishni talab qiladi.	Resursga asoslangan nazariya (Penrose)
Bozor noaniqligi	Talab va raqobat sharoiti dastlabki bosqichda to‘liq shakllanmagan bo‘ladi.	Stoxastik yondashuv
Boshqaruv murakkabligi	Murakkab tashkiliy tuzilma va professional menejment talab etiladi.	Hayot sikli modeli (Greiner)
Riskni minimallashtirish	Kichik biznes risklarni cheklash imkonini beradi.	Evolyutsion yondashuv
Institutsional cheklovlar	Litsenziyalash, ekologik talablar va davlat nazorati xarajatlarni oshiradi.	Institutsional iqtisodiyot

Manba: Muallif tomonidan ilmiy adabiyotlar asosida tuzilgan.

Boshqaruv nuqtayi nazaridan ham yirik korxonani bir zumda tashkil etish murakkab bo‘lib, bunday subyektlar rivojlangan tashkiliy tuzilma, professional menejment, ichki nazorat mexanizmlari, axborot va logistika tizimlarini talab etadi. Holbuki, ushbu boshqaruv kompetensiyalari va tashkiliy tajriba odatda kichik hajmdagi faoliyat jarayonida bosqichma-bosqich shakllanadi.

Shu bilan birga, tadbirkorlik faoliyatida risklarni minimallashitirsh tamoyili muhim o‘rin tutadi. Chunki, yirik miqyosda boshlanadigan biznes muvaffaqiyatsizlikka uchragan taqdirda yo‘qotishlar miqdori juda katta bo‘ladi. Kichik biznes esa risklarni cheklash, faoliyatni tezkor moslashtirish yoki to‘xtatish imkonini beruvchi moslashuvchan shakl hisoblanadi.

Institutsional jihatdan ham yirik korxonalar uchun huquqiy va ma’muriy talablar ancha qat’iy bo‘lib, ekologik ekspertiza, litsenziyalash, davlat nazorati va hisobot majburiyatlari kuchli bo‘ladi. Bu esa dastlabki bosqichda tadbirkorlik tashabbusining xarajatlarini oshiradi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Natijada, tadbirkorliar avvalo, kichik biznes subyekti sifatida faoliyat boshlashni ma’qul ko‘radi va iqtisodiy barqarorlik, bozor positsiyasi hamda boshqaruv salohiyati shakllangach, bosqichma-bosqich kengayish orqali yirik korxona darajasiga o‘tadi. Shu ma’noda, yirik korxonaning darhol tashkil etilmasligi tadbirkrolik subyektlarini toifalarga ajratishning iqtisodiy va institutsional asosini tashkil etadi, hamda mikro, kichik, o‘rta biznesning mavjudligini obyektiv zarurat sifatida izohlaydi.

O‘zbekiston sharoitida evolyutsion o‘sishning xususiyatlari haqida to‘xtaladigan bo‘lsak, 2020-2024-yillarda kichik va o‘rta biznes subyektlari sonining o‘sishi milliy statistika ma’lumotlarida aks etgan[6]. O‘zbekiston Respublikasida 2020-2024-yillarda kichik va o‘rta biznes subyektlari soni 2,1barobarga oshgan. Shu bilan birga, yirik korxonalar ulushi 5% atrofida barqaror qolmoqda. Bu shuni anglatadiki, kichik korxonalar soni jihatdan ko‘paymoqda. Biroq, ularning yirik toifaga o‘tish sur’ati past (1-rasm).

Rasm 1. O‘zbekistonda biznes subyektlari tarkibining evolyutsion o‘sishi (2020–2024)



Manba: Statistik ma’lumotlar asosida muallif ishlanmasi.

Mazkur holat evolyutsion o‘sish nazariyasi nuqtayi nazaridan kichik biznes subyektlarining asosan miqdoriy kengayish bosqichida ekanini, biroq ularning yirik korxonalar toifasiga o‘tish jarayoni nisbatan sust kechayotganini ko‘rsatadi. Bu esa o‘sish jarayonining tabiiy evolyutsion xarakterga ega ekanini hamda institutsional, moliyaviy va boshqaruv omillarining hal qiluvchi ahamiyatga egaligini tasdiqlaydi.

Diagramma 1. Kichik biznesdan yirik biznesga o‘tish ulushi (2020–2024)

Manba: Statistik ma’lumotlar asosida muallif ishlanmasi.

Diagrammada 2020-2024-yillar davomida kichik biznes subyektlarining yirik korxonalar toifasiga o‘tish ulushi tasvirlangan. Grafikdan ko‘rinib turibdiki, tahlil qilinayotgan davrda 1000ta kichik korxonaga nisbatan yiriklashgan subyektlar soni 8 tadan 11 tagacha oshgan. Bu ko‘rsatkich

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

37.5foizlik o‘sishni ifodalagan bo‘lsa-da, uning past bazadan shakllangani kichik biznesning yirik korxonalar toifasiga o‘tish jarayoni sekin va cheklangan xarakterga ega ekanini ko‘rsatadi. Mazkur holat evolyutsion o‘sish nazariyasi nuqtayi nazaridan o‘sish jarayonining asosan kengayish bosqichida ekanini va strukturaviy to‘siqlarning mavjudligini tasdiqlaydi.

Evolyutsion model nuqtayi nazaridan bu jarayon quyidagi omillarga bog‘liq:

- Resurslar cheklanganligi (kapital, kadrlar, texnologiyalar);
- Moliyaviy tizimga kirish imkoniyati pastligi;
- Boshqaruv tajribasining yetishmasligi;
- Bozor muhitining o‘zgaruvchanligi;
- Institutsional barqarorlikning nisbatan past darajasi.

Korxonaning kichikdan yirik korxona toifasiga evolyutsion o‘sishini uning ichki resurs salohiyati, tashqi iqtisodiy muhit sharoitlari hamda boshqaruv va innovatsion salohiyatning o‘zaro ta’siri natijasida shakllanadi. Ushbu bog‘liqlikni funksional shaklda ifodalaymiz:

$$G=\alpha R+\beta E+\gamma MG$$

Bu yerda,

- G-korxonaning o‘sish sur’ati;
- R- ichki resurslar majmui;
- E- tashqi iqtisodiy muhit omillari;
- M – boshqaruv va innovatsion salohiyat;
- α,β,γ – esa mazkur omillarning o‘sishiga ta’sir darajasini aks ettiruvchi koeffitsientlar.

Evolyutsion o‘sish nazariyasi kichik korxonalarning rivojlanish bosqichlarini izohlashda eng mos yondashuv sifatida qaraladi. Bu yondashuv:

- Bozor tanlovini (“survival of the fittest”) asosiy mexanizm deb biladi;
- Innovatsiya va moslashuvni o‘sish drayveri sifatida ko‘radi;
- Ichki resurslarni (boshqaruv, kadrlar, bilim) o‘sishning markaziy omiliga aylantiradi.
- O‘zbekiston sharoitida ushbu modelni qo‘llash bir necha siyosiy xulosani beradi:
- Kichik korxonalar uchun resurslarni akkumulatsiya qiluvchi moliyaviy mexanizmlar (leasing, inkubatorlar, klasterlar) zarur;
- Kadrlar malakasini oshirish va innovatsion menejmentni rivojlantirish orqali resursga asoslangan o‘sish omillarini kuchaytirish mumkin;
- Normativ toifalash mezonlari (xodimlar soni, aylanma, aktivlar) bilan bir qatorda sifat mezonlari — texnologik daraja, boshqaruv sifati, raqamlashtirish ko‘rsatkichlari ham kiritilishi lozim.

Natijada, kichik biznesdan yirik korxona sari o‘tish faqat tabiiy iqtisodiy o‘sish emas, balki samarali boshqaruv, muhit moslashuvi va davlat siyosati uyg‘unligi orqali yuz beradi.

Xulosa

Kichikdan yirik korxona sari evolyutsion o‘sish — murakkab, ko‘p omilli jarayon bo‘lib, u korxonaning ichki salohiyati va tashqi iqtisodiy muhit o‘rtasidagi o‘zaro ta’sirga tayanadi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki:

O‘sish jarayonini tushuntirishda resursga asoslangan va hayot sikli nazariyalarining kombinatsiyasi eng samarali;

O‘zbekiston sharoitida evolyutsion o‘sishni tezlashtirish uchun moliyaviy infratuzilma, innovatsion menejment, va institutsional muhit barqarorligi muhim ahamiyat kasb etadi;

Davlat siyosatida biznes toifalash tizimi nafaqat miqdoriy, balki sifat ko‘rsatkichlarini ham o‘z ichiga olishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Penrose E. The Theory of the Growth of the Firm. – Oxford: Oxford University Press,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

1959.

2. Nelson R.R., Winter S.G. An Evolutionary Theory of Economic Change. – Cambridge: Harvard University Press, 1982.

3. Greiner L.E. Evolution and Revolution as Organizations Grow // Harvard Business Review. – 1972. – Vol. 50. – No. 4. – P. 37–46.

4. OECD. SME and Entrepreneurship Outlook 2023. – Paris: OECD Publishing, 2023.

5. Schumpeter J.A. The Theory of Economic Development. – Cambridge: Harvard University Press, 1934.

6. O‘zbekiston Respublikasi Statistika agentligi. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyati ko‘rsatkichlari. – Toshkent, 2024.

7. Hopenhayn H.A. Entry, Exit, and Firm Dynamics in Long Run Equilibrium // Econometrica. – 1992. – Vol. 60. – No. 5. – P. 1127–1150.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MARKAZIY OSIYO TELEKOMMUNIKATSIYA OPERATORLARIDA TEXNIK SAMARADORLIKNI DEA-CCR MODELI ORQALI BAHOLASH: O‘ZBEKTELEKOM AK TAJRIBASI

Salimova Husniya Rustamovna

axborot tizimlari va texnologiyalari kafedrasi o‘qituvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: husniyarustamovna@gmail.com
ORCID: 0000-0003-1409-0716

Annotatsiya. *Mazkur tadqiqotda Markaziy Osiyoning beshta yetakchi telekommunikatsiya operatori — O‘zbektelekom AK, Kazaktelecom, Kcell, Uzmobile va Beeline O‘zbekiston — larning texnik samaradorligi Charnes, Cooper va Rhodes (1978) tomonidan ishlab chiqilgan DEA-CCR (Data Envelopment Analysis, Constant Returns to Scale) modeli asosida 2020–2025 yillar uchun baholangan. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, O‘zbektelekom AK ning texnik samaradorlik balli (CCR=0,760) mintaqaviy operatorlardan past bo‘lib, samaradorlik zaxirasi 24% ni tashkil etadi. Malmquist umumiy omil unumdorligi (TFP) indeksi esa 1,46 ga teng bo‘lib, 2020–2025 yillarda texnologik taraqqiyot (TC=1,18) va samaradorlik o‘zgarishi (EC=1,24) tufayli 46% lik o‘sish ro‘y berganligini tasdiqlaydi. Slack tahlili CAPEX va xodimlar resurslari bo‘yicha zaxiralarni miqdoriy jihatdan aniqlab berdi. Tadqiqot natijalari O‘zbektelekom AK rahbariyati uchun resurslarni optimallashtirish va raqamli transformatsiya yo‘nalishlarini belgilashda amaliy qo‘llanma sifatida xizmat qilishi mumkin.*

Kalit so‘zlar: *DEA-CCR modeli, texnik samaradorlik, Malmquist TFP indeksi, telekommunikatsiya operatorlari, Markaziy Osiyo, O‘zbektelekom AK, raqamli transformatsiya, slack tahlili.*

ОЦЕНКА ТЕХНИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОПЕРАТОРОВ СВЯЗИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МОДЕЛИ DEA-CCR: ОПЫТ АО «УЗБЕКТЕЛЕКОМ»

Салимова Хусния Рустамовна

преподаватель кафедры информационных систем и технологий
Ташкентский государственный экономический университет,
E-mail: husniyarustamovna@gmail.com
ORCID: 0000-0003-1409-0716

Аннотация. *В данной статье оценивается техническая эффективность пяти ведущих телекоммуникационных операторов Центральной Азии — АО «Узбектелеком», «Казактелеком», «Кселл», «Узмобиле» и «Беелайн Узбекистан» — за период 2020–2025 годов с использованием модели DEA-CCR (анализ эффективности с постоянной отдачей от масштаба), разработанной Чарнесом, Купером и Роудсом (1978). Результаты показывают, что показатель эффективности АО «Узбектелеком» (CCR = 0,760) ниже, чем у региональных аналогов, что указывает на 24%-ный разрыв в эффективности относительно границы передового опыта. Индекс совокупной факторной производительности Мальмквиста (TFP) равен 1,46, что подтверждает 46%-ный рост производительности, обусловленный технологическими изменениями (TC = 1,18) и изменениями эффективности (EC = 1,24) за исследуемый период. Анализ резервов выявляет конкретные чрезмерно используемые ресурсы в капитальных затратах и трудовых ресурсах. Полученные результаты предоставляют практические рекомендации*

по оптимизации ресурсов и стратегии цифровой трансформации.

Ключевые слова: *модель DEA-CCR, техническая эффективность, индекс совокупной факторной производительности Мальмквиста, телекоммуникационные операторы, Центральная Азия, АО «Узбектелеком», цифровая трансформация, анализ резервов.*

ASSESSMENT OF TECHNICAL EFFICIENCY IN CENTRAL ASIAN TELECOMMUNICATION OPERATORS USING THE DEA-CCR MODEL: THE EXPERIENCE OF UZBEKTELECOM JSC

Salimova Husniya Rustamovna

Teacher
Department of Information
Systems and Technologies
Tashkent State University
of Economics, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: husniyarustamovna@gmail.com
ORCID: 0000-0003-1409-0716

Abstract. *This paper evaluates the technical efficiency of five leading Central Asian telecommunications operators — Uzbektelekom JSC, Kazaktelecom, Kcell, Uzmobile, and Beeline Uzbekistan — over the period 2020–2025 using the DEA-CCR (Data Envelopment Analysis, Constant Returns to Scale) model developed by Charnes, Cooper, and Rhodes (1978). Results show that O‘zbektelekom JSC’s efficiency score (CCR=0.760) is below regional peers, indicating a 24% efficiency gap relative to the best-practice frontier. The Malmquist Total Factor Productivity (TFP) index equals 1.46, confirming a 46% productivity growth driven by technological change (TC=1.18) and efficiency change (EC=1.24) over the study period. Slack analysis identifies specific over-utilized inputs in CAPEX and labour. Findings provide actionable guidance for resource optimization and digital transformation strategy.*

Keywords: *DEA-CCR model, technical efficiency, Malmquist TFP index, telecommunications operators, Central Asia, O‘zbektelekom JSC, digital transformation, slack analysis.*

Kirish.

Raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishi sharoitida telekommunikatsiya tarmoqi iqtisodiy infratuzilmaning strategik tashuvchisiga aylangan. Jahon telekommunikatsiya bozori hajmi 2025-yilda 1,7 trillion dollarga yetdi va o‘rtacha yillik o‘sish sur’ati 5,2% ni tashkil etmoqda.

Markaziy Osiyo mintaqasida telekommunikatsiya sektori ayniqsa dinamik rivojlanmoqda: O‘zbekiston, Qozog‘iston va Qirg‘izistonda internet foydalanuvchilar soni so‘nggi besh yilda sezilarli oshdi, biroq operatorlar samaradorligi jihatidan mintaqaviy farqlar hali ham katta. Bunday sharoitda samaradorlikni miqdoriy baholash va raqobatdosh ustunlik omillarini aniqlash dolzarb ilmiy masalaga aylanmoqda. O‘zbektelekom AK — O‘zbekistondagi keng polosali internet bozorining 83–87 % ulushini nazorat qiluvchi yetakchi operator — nazorat qilish qiyin bo‘lgan tizimli cheklovlar va imkoniyatlar kesishuvida faoliyat olib bormoqda[6].

Adabiyotlar sharhi

DEA modeli Charnes, Cooper va Rhodes tomonidan 1978-yilda taklif qilinib[1], o‘lchanadigan ko‘p kirish va chiqish ko‘rsatkichlari mavjud bo‘lgan holda qaror qabul qiluvchi birliklarning (DMU) nisbiy texnik samaradorligini parametrsiz usulda hisoblash imkonini beradi. Model chiziqli dasturlash masalasiga asoslanadi:

$$\max \theta, \ \text{shartlar: } \Sigma \lambda_j x_{ij} \le x_{i0}, \ \Sigma \lambda_j y_{rj} \ge \theta y_{r0}, \ \lambda_j \ge 0$$

bu yerda θ — baholanayotgan DMU ning samaradorlik balli ($0 < \theta \le 1$), λ_j — intensivlik

o‘zgaruvchilari, x — kirish vektorlari, y — chiqish vektorlari.

CCR modeli doimiy miqyos sharoitini (CRS) qabul qilib, sof texnik samaradorlikni miqyos effektidan alohida holda o‘lchaydi. Banker, Charnes va Cooper (1984) tomonidan o‘zgaruvchan miqyos (VRS) sharoitiga kengaytirilgan BCC model ham mavjud bo‘lib[7], ushbu tadqiqotda operatorlarning turli o‘lchamlari hisobga olinib CCR tanlangan.

Farrell (1957) ning klassik ishlari asosida rivojlangan DEA metodologiyasi keyinchalik Malmquist TFP indeksi bilan boyitildi.

Caves, Christensen va Diewert (1982) tomonidan ishlab chiqilgan Malmquist indeksi[3] ikki davr orasida umumiy omil unumdorligi (TFP) o‘zgarishini samaradorlik o‘zgarishi (EC) va texnologik o‘zgarish (TC) komponentlariga ajratadi: TFP = EC × TC.

Tone (2001) SBM (Slacks-Based Measure) modelini taklif etib[8], kirish va chiqishlardagi slack (zaxira)larni bevosita hisobga oluvchi yanada keng qamrovli samaradorlik o‘lchovini joriy etdi. Ushbu tadqiqotda slack tahlili CCR natijalarini to‘ldirish uchun qo‘llanildi.

GSMA Intelligence (2024) hisobotiga ko‘ra, telekommunikatsiya kompaniyalarida DEA qo‘llash bo‘yicha 2015–2024 yillarda 47 ta peer-reviewed tadqiqot amalga oshirilgan. Ularning aksariyati Yevropa va Osiyo-Tinch okeani mintaqalarida o‘tkazilgan bo‘lib, Markaziy Osiyo vakilsiz qolgan.

McKinsey Global Institute (2023) hisobotida[10] texnik samaradorlikning raqamli transformatsiya sur’ati bilan kuchli bog‘liqligi empirik jihatdan isbotlangan: CCR bali 0,80 dan past bo‘lgan operatorlar raqamli xizmatlar o‘sish sur’ati bo‘yicha ham orqada qolmoqda. Ushbu natija ushbu tadqiqotning amaliy ahamiyatini yanada kuchaytiradi.

Tadqiqot metodologiyasi

Ma’lumotlar quyidagi rasmiy manbalardan to‘plandi: O‘zbektelekom AK ning yillik moliyaviy hisobotlari (2020–2025); Kazaktelecom, Kcell va Beeline O‘zbekiston AK ning oshkor moliyaviy hisobotlari; GSMA Intelligence ma’lumotlari bazasi; ITU World Telecommunication Indicators Database; O‘zbekiston Respublikasi Statistika qo‘mitasining axborot-kommunikatsiya sektori statistikasi[11].

Namunaga Markaziy Osiyo mintaqasining beshta yetakchi operatori kiritildi: O‘zbektelekom AK (O‘zbekiston), Kazaktelecom JSC (Qozog‘iston), Kcell JSC (Qozog‘iston), Uzmobile LLC (O‘zbekiston) va Beeline O‘zbekiston. Ushbu namuna mintaqaviy keng polosali internet bozorining 78% ini qamrab oladi.

DEA-CCR modeli uchun kirish (input) va chiqish (output) o‘zgaruvchilari ilmiy adabiyot tahlili va ma’lumotlar mavjudligiga asosan belgilandi. Kirish o‘zgaruvchilari: jami kapital xarajatlar (CAPEX, mln USD), operatsion xarajatlar (OPEX, mln USD), xodimlar soni (ming nafar), optik tolali tarmoq uzunligi (ming km). Chiqish o‘zgaruvchilari: umumiy daromad (mln USD), EBITDA (mln USD), abonentlar soni (mln), o‘rtacha internet tezligi (Mbps).

1-jadval

DEA-CCR modeli uchun kirish-chiqish ko‘rsatkichlari (2025-yil, DMU-bazaviy qiymatlar)*

Operator	CAPEX (mln USD)	OPEX (mln USD)	Xodimlar (ming)	Daromad (mln USD)	EBITDA (mln USD)	Tezlik (Mbps)
O‘zbektelekom AK	660	920	16,8	1 650	528	90
Kazaktelecom JSC	890	1 120	14,2	2 380	832	98
Kcell JSC	320	480	5,1	980	392	87
Uzmobile LLC	140	210	3,8	380	126	74
Beeline O‘zbekiston	95	165	2,4	248	74	68

**Manba: GSMA Intelligence, 2024; Fitch Ratings, 2025; kompaniyalar yillik hisobotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.*

DEA-CCR chiziqli dasturlash masalasi Python (scipy.optimize.linprog) muhitida har bir DMU uchun alohida yechildi. Chiqishga yo‘naltirilgan (output-oriented) formulatsiya qo‘llanildi — bu yondashuv operatorning mavjud resurslar bilan maksimal chiqishga erishish salohiyatini o‘lchaydi, ya’ni samaradorlik balli $\theta \geq 1$ sifatida talqin etiladi va $1/\theta$ nisbiy samaradorlikni ifodalaydi. Slack tahlili uchun ikki bosqichli DEA protsedurasi qo‘llanildi.

Tahlil va natijalar

2-jadvalda 2025-yilgi DEA-CCR samaradorlik ballari va ularning talqini keltirilgan. Kazaktelecom JSC CCR=1,000 bali bilan yagona to‘liq samarali operator (chegara ustida joylashgan DMU) sifatida aniqlanib, mintaqaviy benchmark vazifasini o‘taydi.

2-jadval

DEA-CCR samaradorlik natijalari va Malmquist TFP indeksi (2020–2025)*

Operator	CCR (2025)	Rang	EC (2020–25)	TC (2020–25)	TFP (2020–25)	Samaradorlik zaxirasi, %
O‘zbektelekom AK	**0,760**	4	1,24	1,18	**1,46**	24,0%
Kazaktelecom JSC	**1,000**	1	1,31	1,22	**1,60**	0,0%
Kcell JSC	0,924	2	1,28	1,19	1,52	7,6%
Uzmobile LLC	0,871	3	1,19	1,14	1,36	12,9%
Beeline O‘zbekiston	0,718	5	1,15	1,11	1,28	28,2%

**Manba: Muallif hisob-kitoblari. DEA-CCR modeli (output-oriented, CRS); Malmquist = EC × TC.*

O‘zbektelekom AK ning CCR=0,760 bali kompaniyaning mavjud kirish resurslari bilan 76% darajasida samarali foydalanayotganini ko‘rsatadi. Boshqacha aytganda, xuddi shu kirish resurslari bilan benchmark operatoridan 24% ko‘proq chiqish (daromad, abonentlar, internet tezligi) erishish potensiali mavjud. Ushbu natija O‘zbektelekom AK ning katta optik tarmoq va CAPEX hajmiga qaramay, ulardan samarali foydalanish darajasining nisbatan past ekanligini ko‘rsatadi.

1-rasm

Markaziy Osiyo telekommunikatsiya operatorlarining DEA-CCR samaradorlik ballari (2025)



**Manba: Muallif hisob-kitoblari. DEA-CCR (output-oriented, CRS), 2025.*

Barcha besh operator uchun Malmquist TFP indeksi 1,28 dan 1,60 gacha bo‘lib, bu 2020–2025 yillarda umumiy omil unumdorligi katta hajmda o‘sganini tasdiqlaydi. O‘zbektelekom AK uchun TFP=1,46 qiymati texnologik taraqqiyot (TC=1,18) va samaradorlik o‘zgarishi (EC=1,24) ning ko‘paytmasi natijasida hosil bo‘lgan. TC ko‘rsatkichi kompaniyaning 5G va FTTH

infratuzilmasiga qilgan investitsiyalarining texnologik chegara siljishiga olib kelganini bildiradi; EC ko‘rsatkichi esa mavjud texnologiyalardan foydalanish samaradorligining ham oshganini ko‘rsatadi.

Barcha besh operator uchun TFP indeksi 1,28 dan 1,60 gacha. O‘zbektelekom AK TFP=1,46: TC=1,18 va EC=1,24 ning ko‘paytmasi natijasida hosil bo‘lgan.

Slack tahlili O‘zbektelekom AK da quyidagi resurs zaxiralarini aniqladi: (1) CAPEX bo‘yicha ortiqchalik — 182 mln USD, ya’ni joriy CAPEX ni 27,6% ga qisqartirish mumkin; (2) xodimlar soni bo‘yicha ortiqchalik — 1 850 nafar, ya’ni mehnat resursini optimallashtirish orqali xodim boshiga daromadni oshirish imkoni mavjud; (3) chiqish bo‘yicha yetishmovchilik — EBITDA ni qo‘shimcha 127 mln USD ga oshirish potensiali aniqlandi.

Xulosa

Ushbu tadqiqotda Markaziy Osiyo beshta yetakchi telekommunikatsiya operatori 2020–2025 yillar uchun DEA-CCR va Malmquist TFP metodologiyasi asosida birinchi marta tizimli qiyosiy tahlilga tortildi. Asosiy natijalar quyidagilardan iborat:

O‘zbektelekom AK CCR=0,760 bali bilan to‘rtinchi o‘rinda — raqobatdosh imkoniyatga ega, ammo texnik samaradorlik zaxirasi 24% ni tashkil etadi; Malmquist TFP=1,46 — mintaqada texnologik taraqqiyot eng jadal kechayotgan operator; (3) Slack tahlili 182 mln USD CAPEX va 1 850 nafar xodim bo‘yicha optimizatsiya imkoniyatini aniqladi.

Birinchi navbatda CAPEX tuzilmasini optimallashtirish — an’anaviy infratuzilmadan raqamli xizmatlar yo‘nalishiga sarmoya og‘ishini 2026–2027-yillarda amalga oshirish maqsadga muvofiq. Xodimlar unumdorligini oshirish (malaka oshirish va avtomatlashtirish) esa ikkinchi strategik yo‘nalish sifatida belgilanishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Charnes A., Cooper W.W., Rhodes E. Measuring the Efficiency of Decision Making Units. European Journal of Operational Research, 1978, vol. 2(6), pp. 429–444.

2. Farrell M.J. The Measurement of Productive Efficiency. Journal of the Royal Statistical Society, Series A, 1957, vol. 120(3), pp. 253–281.

3. Caves D.W., Christensen L.R., Diewert W.E. The Economic Theory of Index Numbers and the Measurement of Input, Output, and Productivity. Econometrica, 1982, vol. 50(6), pp. 1393–1414.

4. GSMA Intelligence. State of Mobile Connectivity Report 2024. London: GSMA, 2024. 48 p.

5. ITU. Measuring Digital Development: Facts and Figures 2024. Geneva: ITU, 2024. 52 p.

6. Fitch Ratings. O‘zbektelekom AK Kredit Reytingi Hisoboti 2025. Toshkent: Fitch Ratings, 2025. 24 b.

7. Banker R.D., Charnes A., Cooper W.W. Some Models for Estimating Technical and Scale Efficiencies in Data Envelopment Analysis. Management Science, 1984, vol. 30(9), pp. 1078–1092.

8. Tone K. A Slacks-based Measure of Efficiency in Data Envelopment Analysis. European Journal of Operational Research, 2001, vol. 130(3), pp. 498–509.

9. Salimova H.R. O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish istiqbollari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 2024, №3, 45–58-betlar.

10. McKinsey Global Institute. The Digital Transformation of Industries. 2023. URL: https://www.mckinsey.com

11. O‘zbekiston Respublikasi Statistika qo‘mitasi. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi asosiy ko‘rsatkichlar 2025. Toshkent: O‘zbekiston, 2025.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

KORPORATIV TO‘LOV TIZIMLARINI BOSHQARISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR: NAZARIYA, AMALIYOT VA O‘ZBEKISTON ISTIQBOLLARI

Baltayev Jushkin Baltabayevich
axborot tizimlari va texnologiyalari kafedrasi, professori
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: j_baltayev@tsue.uz
Toshniyozov Sherali Kamoliddinovich
axborot tizimlari va texnologiyalari kafedrasi, katta o‘qituvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
|ORCID: 0000-0002-5610-9107

Annotatsiya. *Ushbu tadqiqot zamonaviy korporativ to‘lov tizimlarini nazariy va empirik jihatdan o‘rganib, ularni boshqarishda samarali yondashuvlarni aniqlashga qaratilgan. Klassik «to‘rt burchak» model tahlil qilindi va ISO 20022 standartiga moslashtirilib yangilandi. Yettita to‘lov kanali (qog‘oz asosidagi, RTGS, ACH, kart, raqamli hamyon, blockchain, CBDC) qiyosiy tarzda ko‘rib chiqildi. Korporativ to‘lov qayta ishlashning olti bosqichli modeli, xazina risklarini boshqaruv matritsasi (7 risk, ISO 31000 asosida) va O‘zbekiston milliy korporativ to‘lov muhitining hozirgi holati tahlil qilindi. Muqobil to‘lov tizimlari (Hawala, PayPal, Bitcoin, Stablecoin, Open Banking) korporativ foydalanish nuqtai nazaridan baholandi. Kelajak istiqbollari (Open Banking, CBDC, AI, blockchain) O‘zbekiston kontekstida muhokama qilindi.*

Kalit so‘zlar: *korporativ to‘lov tizimlari, RTGS, ACH, ISO 20022, Open Banking, CBDC, korporativ xazina boshqaruvi, risk matritsasi, O‘zbekiston to‘lov muhiti.*

СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К УПРАВЛЕНИЮ КОРПОРАТИВНЫМИ ПЛАТЕЖНЫМИ СИСТЕМАМИ: ТЕОРИЯ, ПРАКТИКА И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Балтаев Жушкин Балтабаевич
Ташкентский государственный экономический университет
профессор кафедры информационные системы и технологии
E-mail: j_baltayev@tsue.uz
Тошниязов Шерали Камолиддинович
старший преподаватель кафедры информационные системы и технологии
Ташкентский государственный экономический университет,
ORCID: 0000-0002-5610-9107

Аннотация. *Данное исследование посвящено теоретическому и эмпирическому анализу современных корпоративных платежных систем с целью выявления эффективных подходов к их управлению. В работе анализируется и обновляется классическая "четырехугольная" модель в соответствии со стандартом ISO 20022. Проводится сравнительный анализ семи платежных каналов: бумажных, RTGS, ACH, карточных, цифровых кошельков, блокчейна и CBDC. Рассматривается шестиэтапная модель обработки корпоративных платежей, матрица управления казначейскими рисками (7 рисков, на основе ISO 31000) и анализируется текущее состояние национальной*

корпоративной платежной среды Узбекистана. Альтернативные платежные системы (Hawala, PayPal, Bitcoin, Stablecoin, Open Banking) оцениваются с точки зрения их корпоративного использования. Обсуждаются перспективы развития (Open Banking, CBDC, ИИ, блокчейн) в контексте Узбекистана.

Ключевые слова: *корпоративные платежные системы, RTGS, ACH, ISO 20022, Open Banking, CBDC, управление корпоративным казначейством, матрица рисков, платежная среда Узбекистана.*

MODERN APPROACHES TO MANAGING CORPORATE PAYMENT SYSTEMS: THEORY, PRACTICE, AND PROSPECTS FOR UZBEKISTAN

Baltayev Jushkin Baltabayevich
professor of the Department of Information Systems and Technologies Tashkent State University of Economics
E-mail: j_baltayev@tsue.uz
Toshniyozov Sherali Kamoliddinovich
senior lecturer of the Department of Information Systems and Technologies Tashkent State University of Economics
ORCID: 0000-0002-5610-9107

Abstract. *This study theoretically and empirically examines modern corporate payment systems to identify effective approaches for their management. The classic "four-corner" model is analyzed and updated to align with the ISO 20022 standard. Seven payment channels (paper-based, RTGS, ACH, card, digital wallet, blockchain, and CBDC) are comparatively reviewed. A six-stage model of corporate payment processing, a treasury risk management matrix (based on ISO 31000, covering 7 risks), and the current state of Uzbekistan's national corporate payment environment are analyzed. Alternative payment systems (Hawala, PayPal, Bitcoin, Stablecoin, and Open Banking) are evaluated from the perspective of corporate use. Future prospects (Open Banking, CBDC, AI, and blockchain) are discussed within the context of Uzbekistan.*

Keywords*: corporate payment systems, RTGS, ACH, ISO 20022, Open Banking, CBDC, corporate treasury management, risk matrix, Uzbekistan payment environment.*

Kirish

To‘lov tizimlari butun dunyo bo‘ylab korxonalar va shaxslar o‘rtasida mablag‘larni o‘tkazish uchun ishlatiladigan moliyaviy infratuzilma bo‘lib, ular kompaniyaning moliyaviy boshqaruvida markaziy o‘rin egallaydi. BIS (2023) ma’lumotlariga ko‘ra, dunyoda 750 dan ortiq to‘lov tizimi mavjud bo‘lib, ular texnologik o‘zgarishlar va tartibga solish islohotlari ta’sirida doimiy rivojlanib bormoqda [1].

Zamonaviy biznes muhitida korporativ g‘aznachilik mutaxassislari oldida murakkab tanlov turadi: PayPal va Alipay kabi fintech platformalar, Bitcoin va stablecoinlar kabi kriptovalyutalar, CBDC kabi davlat raqamli valyutalar — bularning barchasi an’anaviy bank to‘lov tizimlariga raqobat qilmoqda. Pillbeam & Moffatt (2019) ning korporativ moliya tadqiqotlariga ko‘ra [2], noto‘g‘ri to‘lov tizimini tanlash kompaniya uchun yiliga to‘lov xarajatlarining 0.3–1.8%ini tashkil etuvchi ortiqcha zararni keltirib chiqarishi mumkin.

O‘zbekiston uchun bu masala alohida dolzarb: 2024-yilda korporativ sektordagi elektron to‘lovlar hajmi 120 trln so‘mdan oshdi, biroq xalqaro to‘lovlarda tranzaksiya narxi ($15–45) va RTGS ning eskirganligi raqobatbardoshlikni pasaytirmoqda [3]. Ushbu maqolaning maqsadi — korporativ to‘lov tizimlarini boshqarishda zamonaviy yondashuvlarni nazariy va empirik jihatdan

tahlil qilib, O‘zbekiston korporativ sektori uchun amaliy tavsiyalar ishlab chiqish.

Adabiyotlar sharhi

BIS CPMI (2023) ta’rifiga ko‘ra, to‘lov tizimi — «moliyaviy qiymatni bir sub’ektdan boshqasiga o‘tkazuvchi rasmiy tartiblar, qoidalar, standartlar va texnologik infratuzilmalar to‘plami» [1]. Iqtisodiy nazariyada to‘lov tizimlari Tobin (1963) ning «pul yaratish» modeli [4] va Diamond & Dybvig (1983) ning bank barqarorligi nazariyasi [5] doirasida o‘rganiladi.

Rochet & Tirole (2003) ning ikki tomonlama bozorlar nazariyasi [6] to‘lov tizimlarida platforma raqobatini tushuntiradi: karta tizimlar (Visa, Mastercard) ham merchant, ham iste’molchiga xizmat ko‘rsatadi, bunda narx tuzilishi har ikki tomonning elastikligiga bog‘liq. O‘zbekistonda UZCARD va Humo platforma raqobatining klassik misoli — ikkalasi ham bozorni bo‘lishish o‘rniga mushtaraklik bitimiga keldi (2022-yil integratsiya bitimi).

Korporativ moliya nuqtai nazaridan, Brealey, Myers & Allen (2022) [7] korporativ xazina boshqaruvida to‘lov tizimi tanlovini uchta o‘lcham bo‘yicha baholashni tavsiya etadi: xarajat (cost of payment), vaqt qiymati (float) va operatsion risk (operational risk). Ushbu uch o‘lcham tadqiqotimizning metodologik asosini tashkil etadi.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur tadqiqot metodologiyasi korporativ to‘lov tizimlarini boshqarish jarayonini kompleks yondashuv asosida o‘rganishga qaratilgan bo‘lib, unda analiz va sintez, taqqoslash, statistik hamda ekonometrik tahlil usullaridan foydalaniladi. Tadqiqot davomida rivojlangan mamlakatlar tajribasi bilan O‘zbekiston amaliyoti solishtirilib, empirik ma’lumotlar (so‘rov va intervyular) asosida tizim samaradorligiga ta’sir etuvchi omillar aniqlanadi hamda zamonaviy raqamli yondashuvlarga asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqiladi.

Tahlil va natijalar

An’anaviy «to‘rt burchak to‘lov modeli» (four-corner model) 1970-yillarda Bankcard Association tomonidan karta tizimlari uchun ishlab chiqilgan [8]. Hozirda bu model ISO 20022 xalqaro standartiga asoslanib yangilanmoqda: 2023-yildan SWIFT global to‘lov tranzaksiyalarini ISO 20022 formatiga o‘tkazdi. Quyidagi 1-jadvalda modernizatsiyalangan modelning har bir ishtirokchisi uchun ISO 20022 elementlari ko‘rsatilgan:

1-jadval

Korporativ to‘lov tizimining «besh burchak» modeli va ISO 20022 identifikatorlari*

№	Ishtirokchi	Roli va vazifalari	Javobgarligi	Xalqaro standart (ISO 20022)
1	**To‘lovchi (Payer / Originator)**	To‘lovni boshlaydi; bank hisobidan mablag‘ yechiladi	To‘g‘ri to‘lov ko‘rsatmasi; AML/KYC majburiyati	Debtor (ISO 20022: Dbtr)
2	**To‘lovchining moliyaviy instituti (Sending Bank)**	To‘lovchini nomidan tranzaksiya ishlov beradi; clearing tizimiga jo‘natadi	To‘lov tekshiruvi; fraud monitoring; qoidalarga muvofiqlik	Debtor Agent (ISO 20022: DbtrAgt)
3	**Kliring / hisob-kitob tashkiloti (Clearing House)**	Banklar o‘rtasida netto pozitsiyani hisoblaydi; hisob-kitobni amalga oshiradi	Tizim barqarorligi; systemic risk boshqaruvi	CLS, ACH, RTGS operatori
4	**Oluvchining moliyaviy instituti (Receiving Bank)**	Oluvchi nomidan tranzaksiyani qabul qiladi; hisobni kreditlaydi	Mablag‘ mavjudligi; oluvchi identifikatsiyasi	Creditor Agent (ISO 20022: CdtrAgt)
5	**Oluvchi (Payee / Creditor)**	Hisobiga kredit yo‘li bilan to‘lov qiymatini oladi	To‘lov ma’lumotini tasdiqlash; AML muvofiqlik	Creditor (ISO 20022: Cdtr)

**Manba: BIS CPMI (2023), SWIFT ISO 20022 spetsifikatsiyasi; muallif tomonidan kengaytirilgan*

Jadval shuni ko‘rsatadiki, an’anaviy to‘rt ishtirokchi modeliga kliring/hisob-kitob tashkiloti qo‘shilishi lozim — bu zamonaviy to‘lov tizimlari murakkabligini to‘liq aks ettiradi. Ayniqsa, CLS (Continuous Linked Settlement) tashkiloti rolini ko‘rsatish muhim: u valyuta juftliklari bo‘yicha hisob-kitobda systemic risk ni 95%+ ga kamaytiradi [1].

Tadqiqot natijasida an’anaviy to‘rtta kanalga (qog‘oz, RTGS, ACH, kart) uchta yangi kanal — raqamli hamyon, blockchain va CBDC — qo‘shilishi zarurati aniqlandi. Quyidagi 2-jadvalda yetti kanal xarajat, tezlik, qaytarib olish imkoniyati va O‘zbekiston muqobillari bo‘yicha qiyosiy baholangan:

2-jadval

Yettita to‘lov kanalining korporativ moliya nuqtai nazaridan qiyosiy tahlili*

To‘lov tizimi	Hisob-kitob vaqti	Qaytarib olish	Tranzaksiya narxi	Minimal hajm	Asosiy foydalanuvchi	O‘zbekiston analoği
Qog‘oz asosidagi (Cheklar)	1–5 kun	Mumkin	Past ($0.5–2)	Yo‘q	Kichik biznes, jismoniy shaxs	Cheklar (cheklangan)
RTGS (Real vaqt brutto hisob-kitob)	< 1 daqiqa	Mumkin emas	Yuqori ($10–50+)	Yuqori ($100K+)	Korporativ, banklar arasi	O‘zMB RTGS (2024: yangilanmoqda)
ACH / Paket tizimi	1–2 kun (ba’zan same-day)	Cheklangan (ACH Return)	Juda past ($0.02–0.25)	Yo‘q	Ish haqi, B2B to‘plamlar	O‘zMB kliring tizimi
Kart to‘lovlari (debet/kredit)	1–3 kun (merchant uchun)	60–120 kun (chargeback)	O‘rtacha (1.5–3%)	Yo‘q	Chakana savdo, e-commerce	UZCARD, Humo
Raqamli hamyon (e-wallet)	Real vaqt	Cheklangan	Past (0–1%)	Yo‘q	Mobil foydalanuvchilar	Payme, Click, Apelsin
Blockchain / DLT	10 daqiqa – 2 kun	Mumkin emas	O‘zgaruvchan ($0.5–50)	Yo‘q	Xalqaro o‘tkazmalar	Cheklangan (pilot rejim)
CBDC (Markaziy bank raqamli valyuta)	Real vaqt	Mumkin emas (dasturlash bilan)	Juda past (~$0)	Yo‘q	Barcha sektorlar	«Raqamli so‘m» (rejalashtirilgan)

**Manba: BIS CPMI (2023), McKinsey (2023), O‘zMB (2024); muallif tomonidan tuzilgan*

Jadval tahlilining asosiy xulosasi: «to‘g‘ri» to‘lov kanali mavjud emas — har birining o‘z nishasi bor. Korporativ treasury uchun optimal yondashuv — to‘lov turini kontekstga qarab tanlash: yirik va shoshilinch to‘lovlar uchun RTGS (zero counterparty risk), ommaviy ish haqi uchun ACH (minimal xarajat), xalqaro B2B uchun SWIFT gpi + kelajakda CBDC (tezlik + xarajat kompromisi). O‘zbekiston uchun eng dolzarb masala: xalqaro to‘lov xarajatini $15–45 dan $5 dan kamga tushirish uchun SWIFT gpi va mCBDC ko‘prik birlashtirilishi kerak.

To‘lov ko‘rsatmalari berishdan bank-ERP solishtirishgacha bo‘lgan jarayon olti bosqichdan iborat. Har bir bosqich o‘ziga xos nazorat mexanizmi va korporativ moliyaviy ahamiyatga ega. 3-jadvalda kengaytirilgan model keltirilgan:

3-jadval.

Korporativ to‘lov qayta ishlashning olti bosqichli modeli: nazorat va moliyaviy ahamiyat*

Bosq.	Nomi	Asosiy operatsiyalar	Nazorat mexanizmi	Korporativ moliya uchun ahamiyati
1	**Majburiyatga kirish**	Shartnoma imzolash; buyurtma berish	Dual-control: ikki xodim tasdiqlovi	Likvidlik rejalashtirish; zaif saqlash risklarini aniqlash
2	**Majburiyatni tasdiqlash**	Invoice qabul qilish; uch tomonli muvofiqlik (PO/GR/invoice)	3-way matching avtomatik tizimi	Noto‘g‘ri hisob-kitob va soxta invoice lardan himoya
3	**To‘lov usulini tanlash**	ACH, wire, karta, elektron hamyon: eng optimalini tanlash	Chegara asosida tasdiqlash (approval matrix)	Tranzaksiya xarajatini minimallash; tezlik va xavfsizlik muvozanati
4	**To‘lovni amalga oshirish**	To‘lov ko‘rsatmasi yaratish; bank platformasiga yuborish	Segregation of duties; ERP integratsiya	Firibgarlik va noto‘g‘ri yo‘naltirish riskini kamaytirish
5	**Moliyalash va hisob-kitob**	Hisoblarni mablag‘ bilan ta’minlash; netting; liquidity pooling	Kunlik naqd pul prognozi; liquidity stress-test	Ortiqcha qoldiqlari bo‘yicha imkoniyat xarajatini minimallash
6	**Bank va ERP muvofiqlashtirish**	Bank hisobvaraqlari va korporativ kitoblar o‘rtasida solishtiruv	Avtomatik bank reconciliation; istisno boshqaruvi	Moliyaviy hisobot aniqligi; audit izi ta’minlash

**Manba: Brealey, Myers & Allen (2022), Treasury Alliance Group (2014); muallif tomonidan kengaytirilgan*

Jadvalda «uch tomonli muvofiqlik» (3-way matching: Purchase Order + Goods Receipt + Invoice) korporativ nazoratning asosi sifatida alohida ta’kidlanadi. KPMG (2023) tadqiqotiga ko‘ra [9], avtomatlashtirilgan 3-way matching korporativ invoice firibgarligini 78% kamaytiradi. O‘zbekistonda bu funksiyani SAP, 1C yoki mahalliy ERP tizimlariga integratsiya qilish tavsiya etiladi. Zamonaviy korporativ xazina boshqaruvida an’anaviy bank kanallariga muqobil tizimlarni baholash tobora muhim bo‘lib bormoqda. Biroq har bir muqobil tizimning o‘ziga xos risklar to‘plami mavjud. 4-jadvalda korporativ qabul nuqtai nazaridan qiyosiy baholash keltirilgan:

4-jadval.

Muqobil to‘lov tizimlari: korporativ foydalanish imkoniyatlari va risklarining qiyosiy tahlili*

Tizim	Tartibga solish	Anonimlik	Korporativ qabul	Asosiy risk	Korporativ foydalanish uchun
Hawala (norasmiy)	Yo‘q / Qisman (FATF qora ro‘yxat)	Yuqori	Kam	AML/CFT; jinoyatchilar foydalanishi	Tavsiya etilmaydi — reputatsion va huquqiy xavf
PayPal (fintech)	O‘rtacha (FinCEN MSB)	Past	O‘rtacha	Hisob bloklash; budjet chegarasi	Kichik B2B va xalqaro to‘lovlar uchun; yirik korporativ uchun cheklangan
Bitcoin / BTC	Minimal (jurisdiktsiyaga bog‘liq)	Yuqori	Juda kam	Kurs volatillik; hisob-kitob yakuniyligi yo‘q	Korporativ balance uchun maqbul emas; spekulyativ vosita
Stablecoin (USDC/USDT)	Rivojlanmoqda (SEC, MiCA)	O‘rtacha	O‘sib bor.	Smart contract xavf; emitent default	Xalqaro B2B uchun potensial; audit izi muammo
Korporativ CBDC (B2B CBDC)	To‘liq (Markaziy bank)	Past	Yuqori	Texnologik tayyorlik; joriy qilish xarajati	Kelajakda korporativ to‘lovlarning asosiy kanallaridan biri
Open Banking (API to‘lov)	Yuqori (PSD2/PSD3)	Past	O‘sib bor.	API xavfsizligi; ma’lumot maxfiyligi	Korporativ ERP integratsiyasi uchun eng istiqbolli model

**Manba: FATF (2022), PwC Digital Payments (2023), BIS Innovation Hub (2023); muallif tomonidan tuzilgan*

Jadval tahlili shuni ko‘rsatadiki, Hawala tizimi korporativ foydalanish uchun mutlaqo maqbul emas — reputatsion va huquqiy risk juda yuqori. Bitcoin xalqaro korporativ balanslar uchun maqbul emas: kurs volatilligi (2023-yilda 40%+ o‘zgaruvchanlik) korporativ moliyaviy rejalashtirish imkonini yo‘qotadi. Eng istiqbolli variant — Open Banking API to‘lovlari: ERP bilan to‘g‘ridan integratsiya, real-time ma’lumot, bank komissiyasiz yoki minimal komissiya bilan amalga oshirish imkoni.

ISO 31000:2018 [10] risk management metodologiyasiga asoslanib, korporativ to‘lov tizimidagi yettita asosiy risk aniqlandi va baholandi. Ayniqsa BEC (Business Email Compromise) fraud — «soxta to‘lov ko‘rsatmasi» — so‘nggi yillarda korporativ xazinachilarga eng katta zarar keltiruvchi risk sifatida alohida e’tiborni talab etmoqda:

5-jadval.

Korporativ to‘lov tizimi risk matritsasi (ISO 31000:2018 asosida)

№	Risk turi	Ehtimollik (1–5)	Ta’sir (1–5)	Risk ball	To‘lov tizimi	Boshqaruv chorasi
1	**Operatsion risk: soxta to‘lov ko‘rsatmasi (BEC fraud)**	4	5	**20**	Barcha tizimlar	Dual-control + telefon tasdiqlovi (call-back); callback tartibi; AI anomaliya aniqlash
2	**Hisob-kitob riski: yakuniylik muammosi**	2	5	**10**	RTGS, ACH	DVP (Delivery vs Payment); CLS xizmatidan foydalanish; settlement window boshqaruvi
3	**Likvidlik riski: to‘lov vaqtida mablag‘ yetarli emas**	3	4	**12**	Barcha	Intraday likvidlik monitoring; overdraft kredit liniyasi; cash pooling tizimi
4	**Valyuta riski: xalqaro to‘lovda kurs o‘zgarishi**	4	4	**16**	Kross-border	Natural hedging; FX forward; to‘lov vaqtini optimallashtirish
5	**Kiberxavfsizlik: SWIFT sistemi buzilishi**	2	5	**10**	SWIFT, RTGS	SWIFT Customer Security Programme (CSP) muvofiqlik; MFA; anomaliya monitoring
6	**Muvofiqlik riski: sanksiya ro‘yxatida oluvchi**	3	5	**15**	Xalqaro o‘tkazma	Real-time OFAC/SDN screening; avto-blokiash; compliance officer tasdiqlovi
7	**Kontragent riski: bankrot bankirda mablag‘**	2	4	**8**	Barcha	Bank reytingini monitoring; deposit limitation siyosati; diversifikatsiya

Manba: muallif tomonidan ISO 31000:2018, FBI IC3 (2023), SWIFT CSP (2023) asosida tuzilgan; ball = ehtimollik × ta’sir

FBI IC3 (2023) hisobotiga ko‘ra [11], BEC fraud jahon bo‘ylab korporativ sektorda $2.9 mlrd zarar keltirdi — bu kibertahdidlar orasida eng katta yo‘qotish. O‘zbekiston korporativ sektori uchun asosiy tavsiya: har bir to‘lov ko‘rsatmasi uchun bank rekviziti o‘zgarishi holda telefon tasdiqlovi (call-back verification) majburiy joriy etilsin — bu BEC fraudni 94% oldini oladi.

O‘zbekiston korporativ to‘lov infratuzilmasi jadal rivojlanish bosqichida, biroq bir qator tizimli muammolar saqlanib qolmoqda. 7-jadvalda korporativ to‘lov muhitining asosiy elementlari va tavsiyalar keltirilgan:

6-jadval.

O‘zbekiston korporativ to‘lov muhitining holati va tavsiyalar (2024)*

Ko‘rsatkich	Hozirgi holat (2024)	Muammo	Tavsiya etilgan yechim
RTGS tizimi	O‘zMB RTGS (2004 yil qurulgan); ISO 20022 ga o‘tish jarayonida	Eskirgan texnologiya; ISO 20022 muvofiq emas; xalqaro integratsiya cheklangan	RTGS 2.0 ni ISO 20022 asosida 2025-yilgacha yangilash; SWIFT gpi integratsiyasi
ACH / Paket kliring	O‘zMB kliring tizimi; kunlik tsikl	Real-time imkoniyati yo‘q; faqat ish kunlari ishlaydi	Same-day ACH bosqichlari: avval korporativ, so‘ng universal; 24/7 rejiim 2026
Korporativ API banking	8 ta bank Open API taklif etmoqda (2024)	Standart yo‘q; har bank o‘z formati; ERP integratsiya murakkab	O‘zBS-API korporativ standartini joriy etish; sandbox 50+ kompaniya bilan test
Xalqaro to‘lovlar	SWIFT + Mir + UnionPay; xarajat: $15–45 / tranzaksiya	Yuqori xarajat; kor-bank muammolar; sanksiya risklari	SWIFT gpi joriy etish; mCBDC ko‘prik; xalqaro to‘lov xarajatini $5 gacha tushirish
G2B to‘lovlar (davlat-biznes)	Davlat xaridlari raqamli: 68%; boshqa G2B cheklangan	Qog‘oz asosidagi jarayonlar saqlanib qolgan; kechikish muammo	G2B to‘lovlarni CBDC asosida 100% raqamlash: soliq, subsidiya, shartnoma to‘lovlari
Korporativ fraud monitoring	Qo‘lda va yarim avtomatik; AI minimal qo‘llanish	BEC fraud o‘sib bormoqda; AI fraud monitoring bank biri yo‘q	Milliy korporativ to‘lov xavfsizlik markazi: banklar + regulyator real-time ma’lumot almashish

**Manba: O‘zMB (2024), SWIFT (2023), muallif baholashi*

Jadvalning asosiy xulosasi: O‘zbekiston korporativ to‘lov muhitida ikki strategik ustuvor yo‘nalish ajralib turadi. Birinchi — RTGS 2.0 ning ISO 20022 asosida modernizatsiyasi (2025-yil), bu xalqaro to‘lovlar xarajatini kamida 60% pasaytiradi. Ikkinchi — O‘zBS-API korporativ standarti joriy etilishi (2025-yil II chorak), bu ERP-bank integratsiyasini soddalashtiradi va reconciliation vaqtini 3 kundan 3 soatga tushiradi. Korporativ to‘lov tizimlarining kelajagi yettita asosiy yo‘nalishda shakllanmoqda. 8-jadvalda har bir yo‘nalishning hozirgi qamrovi, 2030-yil prognozi va korporativ moliyaga ta’siri keltirilgan:

7-jadval.

Korporativ to‘lov tizimlarining rivojlanish istiqbollari (2025–2030)

Yo‘nalish	Hozirgi qamrov	2030 maqsad	Ta’sir darajasi	Asosiy drayver	Korporativ moliyaga ta’siri
Mobil va kontaktsiz to‘lovlar	**28%**	**65%**	★★★★★	Iste’molchi talab; NFC kengayishi	Merchant acquiring xarajati kamayishi; chakana operatsiyalar tezlashishi
Open Banking / API to‘lov	**8%**	**45%**	★★★★★	PSD2/PSD3; fintech ekotizim	ERP to‘g‘ridan integratsiya; bank komissiya kamayishi;
CBDC (Markaziy bank raqamli valyuta)	**2%**	**40%**	★★★★★	Davlat siyosati; SWIFT alternativ	G2B/B2G to‘lovlarda inqilob; xalqaro mCBDC ko‘prigi; tranzaksiya zero-cost
AI/ML firibgarlik aniqlash	**32%**	**85%**	★★★★☆	Kibertahdidlar; regulatory talabi	False positive kamaytirish; compliance xarajat pasayishi; STP ulushi o‘sishi
Blockchain / DLT asosidagi hisob-kitob	**5%**	**25%**	★★★☆☆	Xalqaro kliring samaradorligi	T+0 hisob-kitob; korespontent bank kamayishi; tokenized assets
IoT / mashina-mashina (M2M) to‘lovlari	**1%**	**18%**	★★★☆☆	Sanoat 4.0; smart contract	Avtomatlashtirilgan supply chain to‘lovlari; inson xatoligi nol
Biometrik autentifikatsiya	**15%**	**70%**	★★★★☆	Xavfsizlik talabi; UX yaxshilash	Korporativ karta firibgarligi kamayishi; onboarding tezlashishi

Manba: McKinsey Global Payments (2023), BIS Annual Report (2023), muallif prognozi; ★ —

ta’sir darajasi

Jadvaldan ko‘rinadiki, Open Banking va CBDC kombinatsiyasi korporativ moliyada eng tub o‘zgarishlarni keltirib chiqaradi: ERP to‘g‘ridan integratsiya va real-time hisob-kitob yig‘ilib, an’anaviy bank munosabatini qayta ko‘rib chiqishni taqozo etadi. Korporativ xazina bo‘limlari «bank bilan munosabat boshqaruvchisi» o‘rniga «to‘lov arxitektori» rolini egallaydi — to‘lov kanallarini, API integratsiyalarini va risk parametrlarini boshqaradilar.

XULOSA

Ushbu tadqiqot korporativ to‘lov tizimlarini boshqarishda zamonaviy yondashuvlarni nazariy va empirik jihatdan o‘rganib, quyidagi asosiy xulosalarga keldi:

1. «Besh burchak» model (to‘lovchi + jo‘natuvchi bank + kliring + oluvchi bank + oluvchi) ISO 20022 standartiga mos zamonaviy korporativ to‘lov infratuzilmasini to‘liq ifodalaydi. An’anaviy to‘rt burchak model kliring/hisob-kitob institutini hisobga olmaydi — bu systemic risk monitoring uchun muhim kamchilik.
2. Yetti kanal tahlili shuni ko‘rsatadiki, optimal korporativ to‘lov strategiyasi «multi-rail» yondashuvi: yirik to‘lovlar uchun RTGS, ommaviy ish haqi uchun ACH, xalqaro B2B uchun SWIFT gpi+, kelajakda mCBDC ko‘prigi. Bir kanalga bog‘liq bo‘lish ham xarajat, ham risk nuqtai nazaridan noqulay.
3. BEC fraud (risk ball=20) korporativ xazinaning eng ustuvor kiber riski. «Call-back verification» + AI anomaliya monitoring kombinatsiyasi bu riskni 94%+ kamaytiradi.
4. O‘zbekiston korporativ to‘lov muhiti uchun ikkita strategik ustuvorlik: RTGS 2.0 (ISO 20022, 2025) va O‘zBS-API korporativ standart (2025). Bu ikki islohot xalqaro to‘lov xarajatini 60%+ va reconciliation vaqtini 10x kamaytirish imkonini beradi.
5. Open Banking API va CBDC kombinatsiyasi 2027–2030 davrida korporativ xazina boshqaruvida paradigma o‘zgarishiga olib keladi: an’anaviy bank-korporativ munosabati API-asosidagi real-time moliyaviy ekotizimga aylanadi.

1. To‘g‘ri to‘lov kanali tanlash: maqsad va kontekstga qarab RTGS, ACH, raqamli hamyon yoki API to‘lov kombinatsiyasidan foydalaning — yagona kanalga bog‘lanib qolmang.
2. BEC fraud himoyasi: har qanday yangi bank rekviziti yoki to‘lov miqdori o‘zgarishi uchun ikkinchi tasdiqlash kanali (telefon call-back) joriy etish — moliyaviy yo‘qotishning asosiy oldini olish vositasi.
3. ERP-bank integratsiyasi: Open Banking API orqali to‘g‘ridan integratsiyani ustuvorlashtiring — bu reconciliation vaqtini 10x kamaytiradi va inson xatosini minimallashtiradi.
4. ISO 20022 ga tayyorlanish: xalqaro to‘lovlarda SWIFT ISO 20022 formatiga 2025-yilgacha o‘ting — bu AML monitoring va xalqaro STP samaradorligini keskin oshiradi.

Risk matritsasini choraklik yangilang: to‘lov tizimi risklari tez o‘zgaradi — har chorakda ISO 31000 asosidagi baholash o‘tkazing va nazorat choralarini moslang.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. BIS CPMI. Statistics on payment, clearing and settlement systems in the CPMI countries — Figures for 2022. — Basel: BIS, 2023. — 252 p.
2. Pillbeam, K., Moffatt, D. International Finance (5th ed.). — London: Macmillan, 2019. — 496 p.
3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. To‘lov tizimlari va to‘lov xizmatlari monitoring hisoboti 2023–2024. — Toshkent: O‘zMB, 2024. — 124 b.
4. Tobin, J. Commercial banks as creators of ‘money’ // Banking and Monetary Studies / Ed. D. Carson. — 1963. — P. 408–419.
5. Diamond, D., Dybvig, P. Bank runs, deposit insurance, and liquidity // Journal of Political Economy. — 1983. — Vol. 91, № 3. — P. 401–419.
6. Rochet, J.-C., Tirole, J. Platform competition in two-sided markets // Journal of the European Economic Association. — 2003. — Vol. 1, № 4. — P. 990–1029.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

7. Brealey, R., Myers, S., Allen, F. Principles of Corporate Finance (14th ed.). — New York: McGraw-Hill, 2022. — 976 p.
8. Treasury Alliance Group. Fundamentals of Payment Systems. — Chicago: TAG, 2014. — 86 p.
9. KPMG. Invoice fraud and controls: Protecting corporate payments. — Amsterdam: KPMG, 2023. — 44 p.
10. ISO 31000:2018. Risk Management — Guidelines. — Geneva: ISO, 2018. — 16 p.
11. FBI IC3. Internet Crime Report 2023: Business Email Compromise. — Washington D.C.: FBI, 2023. — 30 p.
12. SWIFT. ISO 20022 Programme: Corporate migration guide 2023–2025. — La Hulpe: SWIFT, 2023. — 56 p.
13. McKinsey & Company. The 2023 McKinsey Global Payments Report. — New York: McKinsey, 2023. — 64 p.
14. BIS Innovation Hub. Project mBridge: Experimenting with a multi-CBDC platform for cross-border payments. — Basel: BIS, 2023. — 88 p.
15. PwC. Digital Payments 2025: Where does the growth come from? — London: PwC, 2023. — 52 p.
16. FATF. Guidance for a Risk-Based Approach to Virtual Assets. — Paris: FATF, 2022. — 66 p.
17. European Central Bank. SEPA and T2 consolidated platform: Corporate access guidelines. — Frankfurt: ECB, 2023. — 74 p.
18. Federal Reserve Bank. FedNow® Service: Corporate treasury guide. — Washington D.C.: Fed, 2023. — 38 p.
19. Deloitte. Corporate treasury and payment systems: Technology transformation. — London: Deloitte, 2023. — 48 p.
20. Narain, A., Moretti, M. Making the Most of Public Investment in CBDC and Fast Payment Systems // IMF Economic Review. — 2022. — Vol. 70. — P. 375–400.

SANOAT 4.0 SHAROITIDA ISHLAB CHIQARISH KORXONALARIDA YASHIL SAMARADORLIK INDIKATORLARI TIZIMINI SHAKLLANTIRISH

Shodmonov Ruslan G‘olib o‘g‘li

Tayanch doktorant
Xalqaro Nordik universiteti
Assistent, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: r.shodmonov@nordicuniversity.org
ORCID: 0000-0002-8723-2378

Annotatsiya. *Ushbu maqolada Sanoat 4.0 texnologiyalari (IoT, katta ma'lumotlar, sun'iy intellekt, raqamli egiz) yordamida ishlab chiqarish korxonalarida yashil samaradorlik indikatorlari tizimini shakllantirish mexanizmlari tadqiq etilgan. O‘zbekiston sanoat korxonalari misolida 2019–2023 yillar oralig‘ida energiya intensivligi, CO_2 emissiyasi va qayta tiklanadigan energiya ulushiga doir empirik ma'lumotlar tahlil qilingan. Tadqiqot natijasida TII texnologiyalarini joriy etish yashil indikatorlar samaradorligini 15–35% oshirishi mumkinligi isbotlangan.*

Kalit so’zlar: *Sanoat 4.0, yashil iqtisodiyot, samaradorlik ko‘rsatkichlari, ESG, IoT, raqamli transformatsiya, energiya samaradorligi, O‘zbekiston.*

ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ИНДИКАТОРОВ ЗЕЛЁНОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ИНДУСТРИИ 4.0

Шодмонов Руслан Голиб угли

Докторант (PhD),
Международный Нордический университет
Ассистент,
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: r.shodmonov@nordicuniversity.org
ORCID: 0000-0002-8723-2378

Аннотация. *В данной статье исследуются механизмы формирования системы индикаторов зелёной эффективности на производственных предприятиях с использованием технологий Промышленности 4.0 (IoT, большие данные, искусственный интеллект, цифровой двойник). На основе эмпирических данных промышленных предприятий Узбекистана за 2019–2023 гг. проанализированы показатели энергоемкости, выбросов CO_2 и доли возобновляемых источников энергии. В результате установлено, что внедрение технологий Промышленности 4.0 позволяет повысить эффективность зелёных индикаторов на 15–35%.*

Ключевые слова: *Промышленность 4.0, зелёная экономика, индикаторы эффективности, ESG, IoT, цифровая трансформация, энергетическая эффективность, Узбекистан.*

FORMING A GREEN EFFICIENCY INDICATOR SYSTEM IN MANUFACTURING ENTERPRISES UNDER INDUSTRY 4.0 CONDITIONS

Shodmonov Ruslan Golib ugli

PhD Student
International Nordic University
Assistant
Tashkent State University of Economics
E-mail: r.shodmonov@nordicuniversity.org
ORCID: 0000-0002-8723-2378

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Abstract. *This article examines the mechanisms for forming a green efficiency indicator system in manufacturing enterprises using Industry 4.0 technologies (IoT, Big Data, Artificial Intelligence, Digital Twin). Based on empirical data from Uzbekistan's industrial enterprises for the period 2019–2023, energy intensity, CO_2 emissions, and renewable energy share indicators were analyzed. The research demonstrates that implementing Industry 4.0 technologies can improve green indicator efficiency by 15–35%. The author's GESI (Green Efficiency Synthetic Index) combining 6 core indicators was validated as practically applicable under Uzbekistan's industrial conditions.*

Keywords*: Industry 4.0, green economy, efficiency indicators, ESG, IoT, digital transformation, energy efficiency, Uzbekistan.*

Kirish

To‘rtinchi sanoat inqilobi (TII yoki Sanoat 4.0) — raqamli, jismoniy va biologik tizimlarni birlashtiradigan texnologik paradigma — global iqtisodiyotning barcha sohalarini keng qamrovli o‘zgarishlarga olib kelmoqda [1]. Xususan, ishlab chiqarish sektorida IoT (Internet of Things), katta ma'lumotlar (Big Data), sun'iy intellekt (AI) va raqamli egiz (Digital Twin) texnologiyalarining keng joriy etilishi nafaqat unumdorlik va raqobatbardoshlikni oshirish, balki ekologik barqarorlikni ta'minlash imkoniyatini ham yaratmoqda [2].

Yashil iqtisodiyot — resurslardan samarali foydalanish, ekologik ta'sirni minimumlashtirish va ijtimoiy tenglikni ta’minlash tamoyillariga asoslangan iqtisodiy tizim — bugungi kunda BMT Barqaror Rivojlanish Maqsadlari (SDG) doirasida markaziy ahamiyat kasb etmoqda [3]. OECD ma'lumotlariga ko‘ra, 2030 yilga kelib global yashil iqtisodiyot bozori 26 trillion dollarga yetishi prognoz qilinmoqda [4].

O‘zbekiston Respublikasining “Yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi 2030” va “Raqamli O‘zbekiston — 2030” dasturlari doirasida sanoat korxonalariga nisbatan yashil samaradorlik mezonlarini belgilash va monitoring qilish zaruriyati paydo bo‘lmoqda [5]. Biroq respublika miqyosida TII texnologiyalari bilan yashil indikatorlar tizimini birlashtiruvchi ilmiy metodologiya hanuzgacha yetarlicha ishlab chiqilmagan. Shu muammo ushbu tadqiqotning asosiy motivatsiyasi hisoblanadi.

Tadqiqot maqsadi: Sanoat 4.0 texnologiyalari asosida ishlab chiqarish korxonalari uchun yashil samaradorlik indikatorlari tizimini shakllantirish metodologik mexanizmlarini ishlab chiqish va O‘zbekiston sharoitiga tatbiq etish.

Adabiyotlar sharhi

Sanoat 4.0 va yashil iqtisodiyot kesishmasidagi ilmiy tadqiqotlar so‘nggi o‘n yilda keskin oshdi. Schwab [1] TIIni texnologiyalar konvergentsiyasi sifatida ta’riflagan bo‘lsa, Lasi va boshqalar [6] uning ishlab chiqarish tizimlari uchun oqibatlarini batafsil ko‘rsatdi. Yashil iqtisodiyot indikatorlari sohasida UNEP [7] va OECD [4] tomonidan ishlab chiqilgan standart tizimlar keng qo‘llaniladi.

Yashil ishlab chiqarish (Green Manufacturing) tushunchasi Sarkis [8] tomonidan sistematizatsiya qilingan: muallifning fikricha, ekologik samaradorlik ko‘rsatkichlari ishlab chiqarish zanjiriga integratsiyalashtirilishi lozim. Keyingi tadqiqotlarda Stock va Seliger [9] Sanoat 4.0 sharoitida tsirkular iqtisodiyot modellarini ishlab chiqdi. Digitalizatsiya va ekologik barqarorlik o‘rtasidagi ijobiy korrelyatsiya Ghobakhloo [10] tomonidan metatahlil orqali tasdiqlangan.

Markaziy Osiyo mintaqasida, xususan O‘zbekistonda, bu yo‘nalish bo‘yicha tadqiqotlar nisbatan kam [11, 12]. Xolmatov [11] O‘zbekiston sanoatida energiya samaradorligini oshirish mexanizmlarini o‘rgangan; Tashmatova [12] esa raqamli transformatsiyaning ekologik ko‘rsatkichlarga ta'sirini tahlil qilgan. Biroq TII texnologiyalari va yashil indikatorlar tizimini birlashtiradigan kompleks metodologiya hali ishlab chiqilmagan — bu ushbu tadqiqotning yangiligi hisoblanadi.

Xorijiy tajribada Siemens [13] va Bosch [14] korporatsiyalarining Digital Twin texnologiyasini yashil monitoring tizimlariga integratsiyalash tajribasi amaliy model sifatida o‘rganildi. Xitoy sanoatida IoT-yashil integratsiya bo‘yicha Li va Sheng [15] tomonidan o‘tkazilgan tadqiqot ham muhim manba bo‘ldi.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu tadqiqotda kombinatsiyalangan metodologiya qo‘llanilgan: miqdoriy (quantitative) tahlil uchun panel ma'lumotlar va korrelyatsion-regressiya modeli, sifat (qualitative) tahlil uchun esa ekspert baholash usuli ishlatildi. Tadqiqot ob'ekti — O‘zbekiston sanoat korxonalari (2019–2023 yillar ma'lumotlari). Namunaviy bazaga Toshkent, Farg‘ona va Navoiy viloyatlaridagi 45 ta yirik va o‘rta korxona jalb etildi.

Tahlil va natijalar

Sanoat ishlab chiqarishida tub o‘zgarishlarni boshlab bergan Sanoat 4.0 sharoitida korxonalar faoliyatining samaradorligini faqat iqtisodiy ko‘rsatkichlar bilan baholash yetarli emas. Zamonaviy ishlab chiqarish jarayonlarida resurslardan oqilona foydalanish, chiqindilarni kamaytirish, energiya tejamkor texnologiyalarni joriy etish kabi ekologik omillar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu sababli “yashil samaradorlik” tushunchasi dolzarb ilmiy va amaliy yo‘nalishga aylanib, ishlab chiqarish korxonalarida barqaror rivojlanishni ta’minlashning asosiy vositalaridan biri sifatida qaralmoqda. Ayniqsa, raqamli texnologiyalar, sun’iy intellekt va IoT tizimlari yordamida ishlab chiqarish jarayonlarini monitoring qilish imkoniyati kengaygani sari, ekologik ko‘rsatkichlarni aniqlash va baholash uchun yangi indikatorlar tizimini shakllantirish zarurati ortib bormoqda.

Bundan tashqari, global miqyosda ekologik muammolarning keskinlashuvi va Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan ilgari surilgan barqaror rivojlanish maqsadlari ishlab chiqarish korxonalaridan ekologik mas’uliyatni kuchaytirishni talab etmoqda. Bu esa korxonalarda “yashil samaradorlik indikatorlari tizimi”ni ishlab chiqish va amaliyotga joriy etishni muhim vazifaga aylantiradi. Mazkur indikatorlar tizimi ishlab chiqarish jarayonlarining ekologik va iqtisodiy samaradorligini kompleks baholash, resurslardan foydalanish darajasini optimallashtirish hamda korxonalarning raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi. Shuningdek, yashil indikatorlar asosida shakllangan boshqaruv mexanizmlari investitsion jozibadorlikni oshirish, ekologik risklarni kamaytirish va uzoq muddatli barqaror o‘sishni ta’minlashda muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

YGSI (Yashil Samaradorlik Sintetik Indeks) quyidagi 6 ta asosiy indikator asosida qurilgan bo‘lib, ushbu indikatorlar ishlab chiqarish korxonalarining ekologik va iqtisodiy samaradorligini kompleks tarzda baholash imkonini beradi. Mazkur yondashuv Sanoat 4.0 talablariga mos ravishda raqamlashtirilgan ishlab chiqarish jarayonlarida resurslardan foydalanish darajasi, energiya tejamkorligi, chiqindilarni boshqarish samaradorligi, suv resurslaridan oqilona foydalanish, karbon emissiyalarni kamaytirish hamda qayta tiklanuvchi energiya ulushini o‘z ichiga oladi. Har bir indikator alohida ahamiyat kasb etib, ular o‘zaro integratsiyalashgan holda korxonaning umumiy “yashil” faoliyat darajasini ifodalaydi. Shu orqali ishlab chiqarish tizimida ekologik muvozanatni saqlash bilan birga iqtisodiy samaradorlikni oshirishga erishiladi.

1-jadval.

O‘zbekiston sanoat korxonalari yashil indikatorlari dinamikasi (2019=100 baza yili)

Indikator	2019	2021	2023
Energiya intensivligi (kWh/so‘m)	100	93.5	82.6
CO_2/YaIM (kg/ming so‘m)	100	91.4	79.7
QEI ulushi (%)	9.4	11.3	15.8
Suv sarfi (m^3/so‘m)	100	94.1	86.3
Chiqindi qayta ishlash (%)	18.2	23.7	31.4

Manba: O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasi [16], IMF [17], Muallif hisob-kitoblari.

YGSI indeksini hisoblash uchun vazn koeffitsientlari ekspert so‘rovnomasi (n=32) asosida belgilandi: energiya samaradorligi (0.28), CO_2 emissiyasi (0.22), suv resurslari (0.15), chiqindilar boshqaruvi (0.14), QEI ulushi (0.12) va ekologik muvofiqlik (0.09).

TII texnologiyalarining yashil indikatorlarga ta'sirini aniqlash uchun quyidagi regressiya modeli qo‘llanildi:

$$YGSI = \alpha_0 + \beta_1 \cdot IoT + \beta_2 \cdot BD + \beta_3 \cdot AI + \beta_4 \cdot DT + \beta_5 \cdot BC + \varepsilon$$

bu yerda: IoT — sensor tizimlar joriy etish darajasi, BD — Big Data texnologiyalar ulushi, AI — AI-algoritmlari qo‘llanilishi, DT — Digital Twin texnologiyasi, BC — blokcheyn tizimlar.



1-rasm. Sanoat 4.0 texnologiyalari orqali yashil indikatorlar tizimini shakllantirish konseptual modeli*

*Muallif ishlanmasi.

Empirik tahlil natijalariga ko‘ra, 2019–2023 yillar oralig‘ida O‘zbekiston sanoat korxonalarida yashil samaradorlik sezilarli yaxshilangan (Diagramma 1 ga qarang). Energiya intensivligi bazis yilga nisbatan 17.4% kamaygan, CO_2 emissiyasi YaIMga nisbatan 20.3% tushgan, qayta tiklanadigan energiya ulushi esa 9.4%dan 15.8%ga ko‘tarilgan.



2-rasm. O‘zbekiston ishlab chiqarish sektorida yashil indikatorlar dinamikasi (2019–2023)

**Muallif ishlanmasi.*

Ushbu o‘sish TII texnologiyalarini joriy etish bilan aniq bog‘liqlik ko‘rsatdi (r=0.74,

p<0.01). Xususan, IoT sensorlar orqali energiya monitoringini amalga oshirgan korxonalar o‘rtacha 18.6% kam elektr energiyasi sarf qildi (2-jadval).

O‘rganilgan korxonalarda TII texnologiyalarini qo‘llash darajasi global o‘rtacha ko‘rsatkichdan ancha past ekanligini tadqiqot ko‘rsatdi (2-rasm). IoT sensorlar eng keng tarqalgan texnologiya bo‘lib, korxonalarning 34%ida joriy etilgan, biroq bu global o‘rtacha (67%)dan ikki barobar past.



3-rasm. Sanoat 4.0 texnologiyalarini ishlab chiqarish korxonalarida joriy etish darajasi (%)*

*Muallif ishlanmasi.

Bunday farqning asosiy sabablari: kapital investitsiyalarga ehtiyoj (59% korxona), malakali kadrlar yetishmasligi (52%) va standartlashtirish mexanizmlarining yo‘qligi (41%) deb ko‘rsatildi.

2-jadval.

TII texnologiyalari va yashil indikatorlarga integratsion ta'sir matritsasi*

TII Texnologiyasi	Yashil indikatorga ta'siri	Samaradorlik effekti
IoT sensorlar	Energiya sarfini real vaqt nazorati	15–22% tejash
Katta ma'lumotlar	Emissiya prognozi va optimallashtirish	CO_2 ↓ 18–25%
Sun'iy intellekt	Ishlab chiqarishni moslashuvchan boshqarish	Unumdorlik ↑ 20–30%
Digital Egiz	Mahsulot hayot tsikli monitoringi	Chiqindilar ↓ 28–35%
Blokcheyn	Yashil zanjir shaffofligi	ESG hisobot ishonchliligi ↑

* Muallif tadqiqoti

Regressiya modeli natijalari shuni ko‘rsatdiki (R^2=0.68, F=14.3, p<0.001), TII texnologiyalarining kompleks joriy etilishi YGSI indeksini statistik jihatdan sezilarli oshiradi. AI-algoritmlarining individual ta'siri (β=0.31) IoT sensorlarnikidan (β=0.24) yuqori bo‘lib, bu

kompleks boshqaruv tizimlari ahamiyatini aks ettiradi.



4-rasm. Yashil samaradorlik indikatorlari tarkibiy tuzilishi (vazn bo‘yicha, %)*

* Muallif tadqiqoti

Taklif etilgan YGSI tizimining asosiy afzalligi — real vaqt rejimida monitoring qilish imkoniyati va mavjud ERP tizimlari bilan integratsiya qilish moslashuvchanligi. ISO 14001 va GRI standartlari bilan mosligini tekshirish natijasida 87% muvofiqlik darajasi aniqlandi [18].

Asosiy cheklovlar: kichik korxonalar uchun dastlabki investitsiya xarajatlari yuqoriligi va barcha viloyatlarda Internet infratuzilmasining bir xil emasligi. Shu bois tizimni modulli tarzda joriy etish — avval IoT monitoring, so‘ng AI optimallashtirish — tavsiya etiladi.

Xulosa.

Ushbu tadqiqot Sanoat 4.0 texnologiyalari yashil samaradorlik indikatorlari tizimini shakllantirishda muhim katalizator rolini o‘ynashini isbotladi. Asosiy xulosalar quyidagilardan iborat:

1. IoT va katta ma'lumotlar texnologiyalari ishlab chiqarish korxonalarida energiya sarfini 15–22%, CO_2 emissiyasini 18–25% kamaytirish imkonini beradi;
2. Ishlab chiqilgan YGSI indeksi 6 ta asosiy indikatorni birlashtirgan holda O‘zbekiston sanoat sharoitida amaliy qo‘llanishga yaroqli;
3. O‘zbekiston sanoat korxonalarida TII texnologiyalarini joriy etish darajasi global o‘rtacha ko‘rsatkichdan 2 barobar past bo‘lib, bu siyosiy aralashuvni taqozo etadi;
4. Kompleks TII integratsiyasi yashil samaradorlikni 35%gacha oshirish potentsialiga ega (YGSI modeli bo‘yicha).

Kelajakdagi tadqiqotlar uchun sanoat tarmoqlari kesimida YGSI indeksini solishtirish, shuningdek blokcheyn texnologiyasining yashil zanjir shaffofligi va ESG hisobotlarga ta'sirini chuqurroq o‘rganish tavsiya etiladi. Milliy darajada "Yashil Sanoat 4.0" davlat dasturini ishlab chiqish o‘zbekiston sanoatining barqaror rivojlanishiga turtki beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Schwab, K. (2016). The Fourth Industrial Revolution. World Economic Forum. Geneva. 172 p.
2. Xu, L.D., Xu, E.L., Li, L. (2018). Industry 4.0: state of the art and future trends. International Journal of Production Research, 56(8), 2941–2962.
3. United Nations (2015). Transforming Our World: The 2030 Agenda for Sustainable Development. UN General Assembly Resolution A/RES/70/1.
4. OECD (2023). Green Growth Indicators 2023. OECD Publishing, Paris. DOI:

10.1787/greenindicators-2023.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-158-son Farmoni (2022). "Yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi" tasdiqlash to‘g‘risida.

6. Lasi, H., Fettke, P., Kemper, H.G., Feld, T., Hoffmann, M. (2014). Industry 4.0. Business & Information Systems Engineering, 6(4), 239–242.

7. UNEP (2011). Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication. UNEP, Nairobi. 626 p.

8. Sarkis, J. (2012). A boundaries and flows perspective of green supply chain management. Supply Chain Management: An International Journal, 17(2), 202–216.

9. Stock, T., Seliger, G. (2016). Opportunities of sustainable manufacturing in Industry 4.0. Procedia CIRP, 40, 536–541.

10. Ghobakhloo, M. (2020). Industry 4.0, digitization, and opportunities for sustainability. Journal of Cleaner Production, 252, 119869.

11. Xolmatov, D.X. (2022). O‘zbekiston sanoatida energiya samaradorligini oshirishning iqtisodiy mexanizmlari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 3, 45–58.

12. Tashmatova, N.R. (2023). Raqamli transformatsiya va ekologik ko‘rsatkichlar: O‘zbekiston sanoati tahlili. TDIU ilmiy axboroti, 2, 112–124.

13. Siemens AG (2023). Digital Industries: Sustainability Report 2023. Siemens AG, Munich. 64 p.

14. Bosch Group (2023). Sustainability Report 2023: Climate Neutrality Roadmap. Stuttgart. 98 p.

15. Li, J., Sheng, Z. (2022). IoT-based green manufacturing framework for energy monitoring in Chinese industrial parks. Journal of Industrial Ecology, 26(3), 984–997.

16. O‘zStat (2023). Sanoat korxonalari bo‘yicha statistik to‘plam 2023. O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasi, Toshkent.

17. IMF (2024). Uzbekistan: Article IV Consultation. IMF Country Report No. 24/132. Washington D.C.

18. ISO (2021). ISO 14001:2015 Environmental Management Systems — Requirements with Guidance for Use. 3rd edition. ISO, Geneva.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

SOLIQ VA MOLIYAVIY INSTRUMENTLAR ORQALI "YASHIL" INNOVATSIYALARNI RAG‘BATLANTIRISH XORIJ TAJRIBASINING TAHLILI

Yuldasheva Nazokat Muzaffar qizi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti
e-mail:nazokat1102@gmail.com
ORCID: 0009-0004-5066-0178

Annotatsiya. *Ushbu makola “yashil” innovatsiyalarni rag‘batlantirishda soliq va moliyaviy instrumentlar samaradorligini tahlil qiladi. 2018-2025 yillardagi 25 ta ilmiy maqola asosida tuzilgan bu revyu, atrof-muhitni muhofaza qilish siyosati, innovatsiya iqtisodiyoti va moliyaviy injiniring sohalaridagi eng so‘nggi tadqiqotlarni umumlashtiradi. Asosiy topilmalar: (1) kombinatsiyalangan siyosat vositalari (subsidiyalar + karbon solig‘i) yagona instrumentlarga qaraganda samaraliroq; (2) “yashil” moliya vositalari (yashil obligatsiyalar, kreditlar) uzoq muddatli innovatsiyalar uchun kritik ahamiyatga ega; (3) firma hayot siklining tegishli davrida siyosat joriy etish muhim.*

Kalit so‘zlar: *“yashil” innovatsiyalar, atrof-muhit solig‘i, R&D soliq imtiyozlari, “yashil” moliya, siyosat aralashmasi, ustuvorlik sohasi.*

PROMOTING “GREEN” INNOVATIONS THROUGH TAX AND FINANCIAL INSTRUMENTS ANALYSIS OF FOREIGN EXPERIENCE

Yuldasheva Nazokat Muzaffar kizi
PhD Candidate at Tashkent State University of Economics
ORCID: 0009-0004-5066-0178
e-mail:nazokat1102@gmail.com

Abstract. *This article analyzes the effectiveness of tax and financial instruments in promoting “green” innovations. This review, based on 25 scientific articles from 2018-2025, summarizes the latest research in the fields of environmental policy, innovation economics, and financial engineering. Key findings: (1) combined policy instruments (subsidies + carbon tax) are more effective than single instruments; (2) “green” financial instruments (green bonds, loans) are critical for long-term innovation; (3) it is important to implement policy at the appropriate stage of the firm's life cycle.*

Keywords: *“green” innovation, environmental tax, R&D tax incentives, “green” finance, policy mix, sustainability*

СОДЕЙСТВИЕ ВНЕДРЕНИЮ «ЗЕЛЕНЫХ» ИННОВАЦИЙ С ПОМОЩЬЮ НАЛОГОВЫХ И ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ АНАЛИЗ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА

Юлдашева Назокат Музаффаровна
Докторант Ташкентского государственного экономического университета
e-mail:nazokat1102@gmail.com
ORCID: 0009-0004-5066-0178

Аннотация: *В данной статье анализируется эффективность налоговых и финансовых инструментов в содействии «зеленым» инновациям. В данном обзоре, основанном на 25 научных статьях за период с 2018 по 2025 год, обобщены результаты последних исследований в области экологической политики, экономики инноваций и*

финансового инжиниринга. Основные выводы: (1) сочетание инструментов политики (субсидии + углеродный налог) более эффективно, чем отдельные инструменты; (2) «зеленые» финансовые инструменты (зеленые облигации, кредиты) имеют решающее значение для долгосрочных инноваций; (3) важно реализовывать политику на соответствующем этапе жизненного цикла компании.

Ключевые слова: *«зеленые» инновации, экологический налог, налоговые стимулы для НИОКР, «зеленое» финансирование, комплекс мер политики, устойчивое развитие.*

Kirish

Zamonaviy dunyoda ekologik muammolarning kuchayishi va iqlim o‘zgarishlariga qarshi kurashish zarurati "yashil" innovatsiyalarni rivojlantirish va qo‘llab-quvvatlashni dolzarb vazifaga aylantirdi. "Yashil" innovatsiyalar — bu ekologik toza texnologiyalar, resurslardan samarali foydalanish, ifloslanishni kamaytirish va barqaror rivojlanish prinsiplariga asoslangan mahsulotlar va xizmatlardir. Ushbu innovatsiyalarni rivojlantirishda davlatning roli katta ahamiyatga ega bo‘lib, soliq va moliyaviy instrumentlar asosiy vositalar sifatida qaraladi.

Mazkur maqolada soliq imtiyozlari, ekologik soliqlar va "yashil" investitsiyalarga moliyaviy rag‘batlar tizimlarining xorijiy tajribasi tahlil qilinadi. Maqolaning maqsadi — turli xorijiy mamlakatlarda qo‘llanayotgan soliq va moliyaviy instrumentlarni o‘rganish va ularning "yashil" innovatsiyalarni rivojlantirishga ta’sirini aniqlash. Bu tahlil O‘zbekistonda ekologik innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash siyosatini takomillashtirish uchun amaliy tavsiyalar ishlab chiqish imkonini beradi.

Davlatlar "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirish uchun turli siyosat vositalaridan foydalanadilar. Bu vositalar ikki katta guruhga bo‘linadi:

1) Regulyator vositalar: Atrof-muhit standartlari, cheklovlar, majburiy talablar
2) Iqtisodiy-moliyaviy vositalar: Soliq imtiyozlari, subsidiyalar, qarzlar, grantlar, "yashil" moliya vositalari

Makolaning maqsadi - soliq va moliyaviy instrumentlarning "yashil" innovatsiyalarga ta’sirini sistemalashtirish, ularning samaradorligini tahlil qilish va amaliy tavsiyalar ishlab chiqishdir.

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotning metodologik asosi sifatida holatlarni o‘rganish (case study) metodi tanlab olingan bo‘lib, bu usul singan, murakkab va kontekstual tahlilni talab qiladigan holatlarni o‘rganish uchun maqbul hisoblanadi. Yashil innovatsiyalarni rag‘batlantirish tizimi ko‘p qirrali va uzviy bog‘langan elementlardan iborat bo‘lgani sababli, holatlarni o‘rganish metodi bu elementlar o‘rtasidagi o‘zaro aloqalarni chuqur tahlil qilish imkonini beradi. Qo‘shimcha ravishda, qiyosiy tahlil (comparative analysis) usuli turli mamlakatlarning tajribalarini samarali ravishda taqqoslash va umumiy qonuniyatlarni aniqlash uchun qo‘llaniladi.

Ushbu maqola Google Scholar ma’lumotlar bazasida 2018-2025 yillarda nashr etilgan 25 ta ilmiy maqolani o‘rganishga asoslangan. Maqolalar "green innovation", "tax incentives", "financial instruments", "environmental policy" kalit so‘zlari bo‘yicha tanlangan. Tanlangan maqolalar jami 3,000 dan ziyod ishlanib chiqilgan (citations) va Energy Economics, Journal of Cleaner Production, Sustainability kabi reytingli jurnallarda nashr etilgan.

Tahlil va natijalar

Barqaror rivojlanish tushunchasi 1987 yilda BMTing "Bizning umumiy kelajagimiz" xisobotida birinchi bor ifodalangan bo‘lib, u kelajak avlod ehtiyojlari-ni inobatga olgan tarzda hozirgi zamon kishilik jamiyatining o‘zaro uzviy bog‘langan ekologik xavfsiz, iqtisodiy ta’minlagan, ijtimoiy muhofazalangan va institutsional birlashgan hayot tarzini shakllantirishni o‘z ichiga olgan g‘oyalar tizimi. Yashil iqtisodiyot esa barqaror rivojlanishning iqtisodiy komponenti bo‘lib, resurslardan samarali foydalanish, ifloslanishni kamaytirish va ekologik

tizimlarni tiklashga yo‘naltirilgan ishlab chiqarish va iste’mol uslublarini anglatadi.

Yashil innovatsiyalar — bu mazkur prinsiplarga asoslangan yangi texnologiyalar, mahsulotlar va protsesslardir. Ularga qayta tiklanadigan energiya manbalari, energiya samarali texnologiyalar, ekologik toza ishlab chiqarish usullari, biologik parvarish va boshqa texnologiyalar kiradi. Ushbu innovatsiyalarni rivojlantirish uchun katta miqdorda investitsiya va ilmiy-tadqiqot ishi talab etiladi, shu sababli davlatning qo‘llab-quvvatlashi muhim ahamiyat kasb etadi.

Yashil innovatsiyalarni rivojlantirishda davlat aralashuvi zarurligi iqtisodiy nuqtai nazardan bir nechta omil bilan asoslanadi. Birinchidan, "yashil" texnologiyalarning ichki iqtisodiyoti — ya’ni ularning ijtimoiy foydasi shaxsiy foydadan oshadi. Bu holat "eksternallar" deb ataladi va bozor mexanizmining muammosini keltirib chiqaradi. Ikkinchidan, yashil texnologiyalar rivojidagi uchburchak — ilmiy noaniqlik va texnologik xatar, bu esa investorlarni extiyotkorlikka majbur qiladi. Uchinchidan, ekologik innovatsiyalar tez rivojlanayotgan soha bo‘lib, patentlar va nou-xau bilan bog‘liq muammolar mavjud.

Ushbu sabablarga ko‘ra, bozor o‘zi "yashil" innovatsiyalarga yetarli darajada investitsiya jalb qila olmaydi va davlat aralashuvi zarur bo‘lib qoladi. Davlat soliq va moliyaviy instrumentlar orqali investitsiya muhitini yaxshilash, xatarlarni kamaytirish va iqtisodiy rag‘batlar yaratish orqali "yashil" innovatsiyalarni rivojlantirishga hissa qo‘shadi.

Soliq va moliyaviy instrumentlar "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirishda ikkita asosiy yo‘nalishda qo‘llanadi: "bosish" (push) va "tortish" (pull) strategiyalar. "bosish" strategiyasi — bu ekologik soliqlar va qoidalar orqali korxonalarni "yashil" texnologiyalarga o‘tishga majbur qilish. "Tortish" strategiyasi esa — bu soliq imtiyozlari va moliyaviy rag‘batlar orqali yashil innovatsiyalarga investitsiyalarni rag‘batlantirish.

Ikkala strategiya ham muhim va to‘ldiruvchi xususiyatlarga ega. Effektiv tizim odatda ikkala yordamning kombinatsiyasini o‘z ichiga oladi. Keyingi bosqichlarda mazkur instrumentlarning amaldagi ko‘rinishlari va xorijiy tajribalari tahlil qilinadi.

Soliq imtiyozlari "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirishning eng keng tarqalgan vositalaridan biri hisoblanadi. Ushbu imtiyozlar bir necha asosiy turlarga bo‘linadi:



1-rasm. Soliq imtiyozlarining turlari va mexanizmlari [39]

Amerika Qo`shma Shtatlari — AQSHda "yashil" innovatsiyalarga soliq imtiyozlari tizimi juda rivojlangan. Federal soliq kreditlari qayta tiklanadigan energiya sohasida katta ahamiyatga

[39] OECD (2021). "Taxation and Innovation". OECD Publishing, Paris. Малумотлари асосида муаллиф ишланмаси

ega. Investment Tax Credit (ITC) loyixaning 30% gacha elektr stansiyalari uchun, Production Tax Credit (PTC) esa elektr ishlab chiqarish uchun beriladi. Bundan tashqari, shtatlar darajasida ham qo‘shimcha imtiyozlar mavjud. Masalan, Kaliforniya shtatida ZEV (Zero Emission Vehicle) standartiga javob beruvchi avtomobillarga qo‘shimcha soliq imtiyozlari beriladi[5].

Germaniya — Germaniya Ekologik soliqlar va innovatsiyalarni rag‘batlantirishda yetakchi mamlakatlardan biri hisoblanadi. Korxonalarga ekologik texnologiyalarga investitsiya kirgizish uchun Sonderabschreibungen (maxsus amortizatsiya) imtiyozi beriladi. Bu imtiyoz yashil texnologiyalarga investitsiyani tezlashtiradi va korxonalarga soliq yuklamasini kamaytiradi. Germaniyada shuningdek, KfW banki orqali ekologik loyihalarga arzon kreditlar beriladi.

Yaponiya — Yaponiyada "yashil" texnologiyalarga soliq imtiyozlari tizimi juda keng qamrab olingan. Elektromobillar va gibrid avtomobillarga soliq imtiyozlari beriladi, bu esa elektromobillarning Yaponiyadagi sotilishini sezilarli darajada oshirdi. Bundan tashqari, ekologik qurilish materiallari va energiyatejamkor uylarga qurish uchun ham soliq imtiyozlari mavjud.

Buyuk Britaniya — Britaniyada Enhanced Capital Allowance (ECA) sxemasi doirasida energiya samarali va ekologik texnologiyalarga investitsiya kirgizilganda 100% soliq imtiyozi beriladi. Bu sxema korxonalarga birinchi yilda to‘liq amortizatsiya qilish imkonini beradi va yashil texnologiyalarga investitsiyalarni sezilarli darajada rag‘batlantirdi.

Fransiya — Fransiyada ekologik mahsulotlar va texnologiyalarga Birdchli soliq imtiyozlari mavjud. "Crédit d'impôt transition énergétique" (energiya o‘tish soliq krediti) rekonstruksiya va yangi qurilish uchun beriladi. Bu kredit xonadonlar va korxonalarning energiya samaradorligini oshirishga yo‘naltirilgan.

Ekologik soliqlar — bu ifloslantiruvchi moddalar chiqarish yoki resurslardan foydalanish uchun undiriladigan soliqlardir. Ushbu soliqlarning asosiy vazifasi — ifloslashga nisbatan "polluter pays" (ifloslatuvchi to‘laydi) prinsipini amalga oshirish va korxonalarni ekologik toza texnologiyalarga o‘tishga Undash. Ekologik soliqlar "push" strategiyasining asosiy vositasi bo‘lib, bozor mexanizmi orqali ekologik xarajatlarni ichkilashtiradi.

Ekologik soliqlarning samaradorligi ularning darajasi va qamroviga bog‘liq. Agar soliq darajasi ifloslash xarajatlaridan past bo‘lsa, unda samaradorlik kam bo‘ladi. Shu sababli ko‘pgina mamlakatlarda soliq stavkalarini bosqichma-bosqich oshirish amaliyoti qo‘llanadi.



2-rasm. Ekologik soliq tizimlarining turlari

Shvetsiya — Shvetsiya dunyoda ekologik soliqlar tizimi rivojlangan mamlakatlardan biri hisoblanadi. 1991 yilda Shvetsiya uglerod soligini joriy etdi va bu soliq Shvetsiya iktisodiyotida CO2 emissiyasini 30% gacha kamaytirishga yordam berdi. Shvetsiyada shuningdek, energiya soligi va ifloslash soligi ham qo‘llanadi. Ekologik soliqlardan tushumlarning katta qismi Ekologik fondga yo‘naltiriladi va yashil texnologiyalarni rivojlantirish uchun sarflanadi.

Daniya — Daniyada ekologik soliqlar tizimi juda rivojlangan. Daniyada uglerod soligi, energiya soligi va CO2 emissiyasi uchun ETS (Emission Trading System) tizimi qo‘llanadi. Daniyaning "Green Tax" siyosati korxonalarni energiya samarali texnologiyalarga o‘tishga ilxomlantirdi va bu mamlakatning energiya samaraligini sezilarli darajada oshirdi.

Germaniya — Germaniyada ekologik soliqlar tizimi keng qo‘llanadi. Germaniyada Ecological Tax Reform (Ekologik soliq islohotlari) doirasida energiya soligi va CO2 soligi olib boriladi. Bu isloxot energiya samaraligini oshirish va qayta tiklanadigan energiya iste’molini oshirishga yo‘naltirilgan.

Niderlandiya — Niderlandiyada Energy Tax (Energiebelasting) va CO2 soligi qo‘llanadi. Niderlandiyada shuningdek, ODE (Opslag Duurzame Energie) Qayta tiklanadigan energiya saqlash — bu qayta tiklanadigan energiya uchun majburiy to‘lov mavjud va bu to‘lov yashil energiya loyihalarini moliyalashtirish uchun sarflanadi.

Finlyandiya — Finlyandiya 1990 yillar boshida uglerod soligini joriy etdi va bu dunyodagi ilk uglerod soligilardan biri hisoblanadi. Finlyandiyada ekologik soliqlardan tushumlarning bir qismi energiya samaraligini oshirish va qayta tiklanadigan energiya loyihalarini moliyalashtirish uchun sarflanadi.

Ekologik soliqlarning innovatsiyalarga ta’siri

Ekologik soliqlar "yashil" innovatsiyalarga ikkilama ta’sir ko‘rsatadi. Bir tomondan, ular korxonalarga ekologik toza texnologiyalarga investitsiya kirgizish uchun iktisodiy rag‘bat yaratadi. Ikkinchi tomondan, ekologik soliqlardan tushumlarni yashil texnologiyalarni rivojlantirishga yo‘naltirish mumkin.

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, ekologik soliqlar korxonalarning ekologik samaradorligini oshirishda samarali vosita hisoblanadi. Biroq, soliqlarning samaradorligi ularning darajasi, qamrovi va bosqichma-bosqich kiritilishiga bog‘liq. Tez va yuqori soliqlar kiritish iktisodiyotga sezilarli shok ta'siri qilishi mumkin, shu sababli ko‘pgina mamlakatlarda bosqichma-bosqich oshirish amaliyoti qo‘llanadi.

Moliyaviy instrumentlar va rag‘batlar tizimi

"Yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirish uchun keng assortimentdagi moliyaviy instrumentlar qo‘llanadi. Ushbu instrumentlar grantlar, kreditlar, kafolatlar va aksiyalar investitsiyalarini o‘z ichiga oladi.

Grantlar — bu yashil texnologiyalarni rivojlantirish uchun davlat yoki xalqaro tashkilotlar tomonidan beriladigan bepul mablag‘dir. Grantlar amalda keng qo‘llanadi va ilmiy-tadqiqot loyihalari va texnologiyalarning ibtidoiy rivojlanish bosqichida muhim rol o‘ynaydi. AQSHda Department of Energy (DOE) va ARPA-E grantlari orqali yashil texnologiyalar rivojlantiriladi. Yevropa Ittifoqida Horizon Europe dasturı grantlar orqali ekologik innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlaydi.

Arzon kreditlar — bu yashil loyihalar uchun davlat yoki maxsus banklar tomonidan past foiz stavkasida beriladigan kreditlardir. Germaniyada KfW banki va Germany Investment Bank (DtA) ekologik loyihalarga arzon kreditlar beradi. Bu kreditlarning foiz stavkasi bozor stavkasidan past bo‘lib, farqi davlat tomonidan subsidiyalanadi.

Kafolatlar — bu yashil investitsiyalar uchun beriladigan kafolat bo‘lib, investorlarning xavflarini kamaytiradi. Ko‘pgina mamlakatlarda eksport-import banklari va maxsus moliyaviy institutlar orqali ekologik loyihalarga kafolatlar beriladi.

Subsidiyalar — bu yashil mahsulotlar ishlab chiqarish yoki iste’mol qilish uchun davlat tomonidan to‘lanadigan pul mablag‘dir. Masalan, ko‘pgina mamlakatlarda elektromobillar sotib olganlarga subsidiya beriladi. Germaniyada elektromobillarga 9000 yevro gacha subsidiya berilgan edi.

Yashil obligatsiyalar — bu ekologik loyihalarni moliyalashtirish uchun chiqariladigan obligatsiyalardir. Yashil obligatsiyalarga investitsiyalar "yashil" loyihalarga yo‘naltiriladi va investorlar ekologik jihatdan mas'uliyatli investitsiyalar qilish imkoniyatiga ega bo‘ladlar. 2023 yilga kelib, dunyo bozorida yashil obligatsiyalarning umumiy hajmi 2 trillion dollardan oshdi[6].

Xorijiy mamlakatlardagi moliyaviy rag‘batlar tizimi

Daniya — Daniyada yashil innovatsiyalarni moliyalashtirish tizimi juda rivojlangan. Daniyada Energy Technology Development and Demonstration Programme (EUDP) grantlari orqali yashil texnologiyalar rivojlantiriladi. Daniyada shuningdek, Public Service Obligation (PSO) to‘lovi orqali qayta tiklanadigan energiya loyihalari moliyalashtiriladi.

Yaponiya — Yaponiyada NEDO (New Energy and Industrial Technology Development Organization) orqali yashil texnologiyalarga katta miqdorda grantlar va subsidiyalar beriladi. Yaponiyada Shinjuku va boshqa shaharlarda ekologik qurilish va yashil texnologiyalarga maxsus subsidiyalar mavjud.

Singapur — Singapurda Clean Energy Programme Office (CEPO) va boshqa dasturlar orqali yashil texnologiyalarga investitsiyalar qo‘llab-quvvatlanadi. Singapurda Startups va SMBlar uchun grantlar va arzon kreditlar tizimi mavjud.

Avstraliya — Avstraliyada Australian Renewable Energy Agency (ARENA) orqali qayta tiklanadigan energiya loyihalariga grantlar beriladi. Avstraliyada shuningdek, Clean Energy Finance Corporation (CEFC) orqali yashil loyihalarga investitsiyalar qilinadi.

Kanada — Kanadada Sustainable Development Technology Canada (SDTC) va boshqa dasturlar orqali yashil texnologiyalarga grantlar beriladi. Kanadada Strategic Innovation Fund ham ekologik innovatsiyalarni moliyalashtiradi.

Turli mamlakatlardagi "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirish tizimlarini solishtirsak, har bir mamlakatning o‘ziga xos xususiyatlari va yondashuvlari ayon bo‘ladi. Quyidagi 1-jadvalda asosiy mamlakatlardagi Soliq va moliyaviy instrumentlar ko‘rsatilgan.

1-jadval

Asosiy mamlakatlardagi "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirish instrumentlari [40]

Mamlakat	Soliq imtiyozlari	Ekologik soliqlar	Moliyaviy rag‘batlar	Asosiy axamiyat
AQSH	ITC, PTC, Soliq kreditlari	Karbon soligi (ba’zi shtatlar)	Grantlar, subsidiyalar	Federal darajada keng qamrov
Germaniya	Maxsus amortizatsiya	CO2 soligi, energiya soligi	Arzon kreditlar	Energiya samaraligi
Yaponiya	Elektromobillarga Soliq imtiyozlari	—	Grantlar, NEDO	Texnologiyalar eksporti
Daniya	Elektromobillarga NDS nol	Uglerod soligi	Grantlar, PSO	Barqaror energiya
Buyuk Britaniya	ECA (100% Soliq imtiyozi)	Uglerod soligi	Grantlar	Energiya samaraligi
Shvetsiya	—	Uglerod soligi (130€/t)	Grantlar	Uglerod neytralliti
Niderlandiya	—	Energiya soligi, CO2 soligi	Subsidiyalar	Energiya o‘tish
Finlyandiya	—	Uglerod soligi	Grantlar	Innovatsiyalar

"Yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirish tizimlarining samaradorligini baholash uchun bir necha mezonlar qo‘llanadi:

- Investitsiyalar oqimi — Soliq va moliyaviy instrumentlar "yashil" sektorga investitsiyalar oqimini qanchalik oshirdi. Statistika shuni ko‘rsatadiki, Soliq imtiyozlari va moliyaviy rag‘batlar yashil investitsiyalar hajmini sezilarli darajada oshirgan.
- Texnologiyalar rivoji — bu instrumentlar texnologiyalarning rivojlanishiga qanchalik hissa qo‘shdi. Ko‘pgina mamlakatlarda Soliq va moliyaviy rag‘batlar qayta tiklanadigan energiya texnologiyalarining narxlarini sezilarli darajada pasaytirdi.
- CO2 emissiyasini kamaytirish — ekologik solihlar va rag‘batlar CO2 emissiyasini

[40] jadvaldagi ma’lumotlar 2022-2023 yillarga oid rasmiy ma’lumotlar asosida muallif tomonidan tuzilgan

kamaytirishda qanchalik samarali bo‘ldi. Shvetsiya va Daniya kabi mamlakatlarda ekologik solihlar CO2 emissiyasini sezilarli darajada kamaytirdi.

• Iktisodiy samaradorlik — Soliq va moliyaviy instrumentlarning iktisodiy samaradorligi, ya'ni sarflangan har bir mablag‘ga nisbatan erishilgan natijalar. Bu mezon davlat budjetidan sarflangan mablag‘larning effektivligini baholashda muhim.

O‘zbekistonda “yashil” innovatsiyalarni rag‘batlantirish borasidagi islohotlar(2026 yil)

1. Soliq imtiyozlari va moliyaviy rag‘batlar

2026 yil 1 yanvardan yangi Soliq tizimi kuchga kirdi. Bu tizim xorijiy investorlarni jalb qilishga qaratilgan bo‘lib, “yashil” loyihalar uchun quyidagi imtiyozlar belgilangan:

• Korporativ Soliq stavkasi 27,5% dan 25% ga pasaytirish rejalashtirilgan

• Qayta tiklanadigan energiya ishlab chiqaruvchilarga Soliq imtiyozlari — bojxona va import bosimlaridan ozodlik, yer va suv soligidan imtiyoz

• Issiqxonalar uchun ijtimoiy Soliq 1% gacha pasaytirildi (2028 yilgacha)

2. "Yashil" energetika sohasidagi islohotlar

O‘zbekiston 2026 yilda 25% qayta tiklanadigan energiya maqsadini belgilagan. Bunda:

• $9,46 milliard "yashil" energetika loyihalariga investitsiya kiritish rejalashtirilgan

• 2026 yilda 3300 MVt yangi qayta tiklanadigan energiya quvvati qo‘shish rejalashtirilgan

• $10 milliard xorijiy investitsiya kutiladi

• 35,000 dan ortiq xonadonga subsidiyalari berilmoqda

3. "Yashil Makon" milliy loyihasi

Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan "Yashil Makon" loyihasi e’lon qilingan. Bu loyiha doirasida:

2024-2026 yillarda — Toshkent shahrida birinchi bosqich

2026-2028 yillarda — Nukus va viloyatlar markazlarida ikkinchi bosqich

2025-2026 yillarda mikro gidroelektr stansiyalari qurish dasturi ishga tushurilgan

4. Ekologik Soliqlar tizimi

Ekologik islohotlar doirasida:

• Energiya va suv sohasida narxlar islohoti olib borilmoqda

• Issikparlar gazi (parnikoviy gaz) emissiyasini kamaytirish borasida tariflar islohoti rejalashtirilgan

• 2026 yil 1 martga qadar ekologik monitoring stansiyalari o‘rnatish rejalashtirilgan

• Eko-stiker tizimi joriy etilmoqda (2026 yil 1 yanvardan)

5. Xalqaro hamkorlik

• Jahon banki $150 million imtiyozli kredit ajratishni ma’qulladi (gidroenergetika rivoji uchun)

• YEIB (EBRD) katta qayta tiklanadigan energiya loyihalarini moliyalashmoqda

• Yaponiya-YEIB hamkorligi orqali €3,4 million imtiyozli moliya ajratilgan

Xorijiy tajriba shuni ko‘rsatadiki, "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirishda kompleksli yondashuv eng samarali hisoblanadi. Faqat Soliq imtiyozlari yoki faqat ekologik solihlar yetarli emas, ikkalasining kombinatsiyasi va ularni moliyaviy rag‘batlar bilan to‘ldirish zarur.

Asosiy umumiy xulosalar quyidagicha:

Birinchidan, "push" va "pull" strategiyalarining kombinatsiyasi eng samarali. Ekologik solihlar (push) korxonalarni texnologiyalarga o‘tishga majbur qiladi, Soliq imtiyozlari va moliyaviy rag‘batlar (pull) esa ushbu o‘tishni osonlashtiradi.

Ikkinchidan, mahalliy sharoitlarni hisobga olish muhim. Har bir mamlakatning iktisodiy rivojlanish darajasi, ekologik vaziyati va institutsional qobilyatlari har xil, shu sababli bir model barcha mamlakatlarga mos kelmaydi.

Uchinchidan, monitoring va baholash tizimi muhim. Soliq va moliyaviy instrumentlarning samaradorligini doimiy ravishda baholash va zarur bo‘lsa, tuzatishlar kiritish zarur.

Xulosa va tavsiyalar

Mazkur tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirishda soliqlar va moliyaviy instrumentlar muhim rol o‘ynaydi. Xorijiy mamlakatlarning tajribasi bir necha asosiy xulosalarni taklif qiladi:

Soliqlar imtiyozlari "yashil" texnologiyalarga investitsiyalarni rag‘batlantirishda samarali vosita hisoblanadi. AQSH, Germaniya, Yaponiya va boshqa mamlakatlardagi amaliyot shuni ko‘rsatadiki, soliq kreditlari, kamaytirilgan stavkalari va maxsus amortizatsiya ushbu sohaa investitsiyalarni sezilarli darajada oshirgan.

Ekologik soliqlarlar — uglerod soligi, energiya soligi va boshqa solihlar — “yashil” texnologiyalarga o‘tishga iktisodiy rag‘bat yaratadi. Shvetsiya, Daniya va Germaniyadagi tajriba shuni ko‘rsatadiki, ekologik solihlar CO2 emissiyasini kamaytirishda samarali.

Moliyaviy instrumentlar — grantlar, arzon kreditlar, subsidiyalar va yashil obligatsiyalar — “yashil” texnologiyalarni rivojlantirishda muhim moliyalashtirish manbai hisoblanadi. Ko‘pgina mamlakatlarda maxsus davlat banklari va fondlari orqali yashil loyixalar moliyalashtiriladi.

Kompleksli yondashuv — soliqlar imtiyozlari, ekologik solihlar va moliyaviy rag‘batlarning kombinatsiyasi — eng samarali natijalarni beradi. Har bir instrument o‘ziga xos rol o‘ynaydi va ularning xamkorligi eng yaxshi natijalarni beradi.

O‘zbekistonda "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirish tizimini rivojlantirish uchun quyidagi tavsiyalar taklif qilinadi:

Soliqlar imtiyozlari tizimini takomillashtirish. Yashil texnologiyalarga investitsiya kirgizilganda korporativ soliqlar bazasini kamaytirish, maxsus amortizatsiya imtiyozi joriy etish va yashil mahsulotlarga kamaytirilgan NDS stavkasi belgilash tavsiya etiladi. Bu imtiyozlar korxonalarni ekologik texnologiyalarga investitsiya kirgizishga undaydi.

Monitoring va baholash tizimini yaratish. Soliqlar va moliyaviy instrumentlarning samaradorligini doimiy ravishda baholash tizimini yaratish muhim. Bu tizim samarasiz instrumentlarni aniqlash va tuzatishlar kiritish imkonini beradi. Xorijiy mamlakatlarning eng yaxshi amaliyotlarini o‘rganish va ularni O‘zbekiston sharoitiga moslashtirish muhim.

Xulosa qilib aytish mumkinki, soliqlar va moliyaviy instrumentlar "yashil" innovatsiyalarni rag‘batlantirishda muhim rol o‘ynaydi. Xorijiy tajribani o‘rganish va uni O‘zbekiston sharoitiga moslashtirish orqali ekologik innovatsiyalar rivojini tezlashtirish va barkaror rivojlanishga erishish mumkin.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. https://www.researchgate.net/publication/360081862_BARQAROR_RIVOJLANISH_VA_UNING_TIZIMLI_INDIKATORLARI
2. https://buxgalter.uz/en/doc?id=697222_2022-2026_yillarda_O`zbekiston_respublikasining_innovacion_rivojlanish_strategiyasi_(_prezidentining_06_07_2022_y_pf-165-son_farmoniga_1-ilova)&prodid=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
3. https://uza.uz/ru/posts/zelenaya-energetika-i-ekologicheskaya-ustoychivost-stanovyatsya-klyuchevymi-prioritetami-v-ekonomike-uzbekistana_732369
4. OECD (2021). "Taxation and Innovation". OECD Publishing, Paris.
5. Acemoglu, D., Aghion, P., Bursztyn, L., & Hemous, D. (2012). "The Environment and Directed Technical Change". American Economic Review, 102(1), 131-166.
6. Jaffe, A. B., & Stavins, R. N. (1995). "Dynamic Incentives of Environmental Regulations: The Effects of Alternative Policy Instruments on Technology Diffusion". Journal of Environmental Economics and Management, 29(3), S43-S63.
7. World Bank (2022). "State and Trends of Carbon Pricing 2022". Washington, DC.
8. European Commission (2020). "A New Circular Economy Action Plan". Brussels.
9. UNEP (2021). "Global Status of Buildings and Construction". Nairobi.
10. IEA (2023). "World Energy Outlook 2023". Paris: IEA.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

11. Bloomberg New Energy Finance (2023). "Sustainable Debt Global Outlook".
12. IMF (2022). "Climate Change and Energy Taxation". Washington, DC.
13. UNDP (2023). "Innovation Policy Toolbox for Green Growth".

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

KREDIT TASHKILOTLARIDA RISKLARNI BAHOLASH VA MINIMALLASHTIRISH

Safarov Xurshid Ravshan o‘g‘li

mustaqil izlanuvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: xurshidsafarov20@gmail.com
ORCID: 0009-0004-2130-6970

Annotatsiya. *Maqolada kredit tashkilotlarida risk tushunchasi va uning mazmun mohiyati hamda zamonaviy moliyaviy muhitda risklarni boshqarishning iqtisodiy ahamiyati yoritilgan. Kredit, likvidlik, foiz va operatsion risk turlari, ularning o‘zaro bog‘liqligi va moliyaviy barqarorlikka ta’siri tahlil qilingan. Shuningdek, risklarni baholash va boshqarishning zamonaviy usullari, xususan kompleks va integratsiyalashgan yondashuvning ahamiyati asoslab berilgan. Tadqiqot natijalari asosida kredit tashkilotlarida risklarni samarali boshqarishga qaratilgan ilmiy taklif va amaliy xulosalar ishlab chiqilgan..*

Kalit so‘zlar: *risk, kredit tashkilotlari, kredit riski, likvidlik riski, foiz riski, operatsion risk, risk menejment, moliyaviy barqarorlik, risklarni baholash, risklarni boshqarish, integratsiyalashgan yondashuv.*

ОЦЕНКА И МИНИМИЗАЦИЯ РИСКОВ В КРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Сафаров Хуршид Равшан угли

независимый исследователь
Ташкентского государственного
экономического университета
E-mail: xurshidsafarov20@gmail.com
ORCID: 0009-0004-2130-6970

Аннотация. *В статье рассматривается понятие риска, его сущность, а также экономическое значение управления рисками в кредитных организациях в условиях современной финансовой среды. Проанализированы основные виды рисков, включая кредитный, ликвидности, процентный и операционный риски, их взаимосвязь и влияние на финансовую устойчивость. Кроме того, рассмотрены современные подходы к оценке и управлению рисками, с особым акцентом на значении комплексного и интегрированного подхода. По результатам исследования разработаны научные рекомендации и практические выводы, направленные на совершенствование системы управления рисками в кредитных организациях.*

Ключевые слова*: риск, кредитные организации, кредитный риск, риск ликвидности, процентный риск, операционный риск, риск менеджмент, финансовая устойчивость, оценка рисков, управление рисками, интегрированный подход.*

RISK ASSESSMENT AND MINIMIZATION IN CREDIT INSTITUTIONS

Safarov Khurshid Ravshan ugli

Independent Researcher
Tashkent State University of Economics
E-mail: xurshidsafarov20@gmail.com
ORCID: 0009-0004-2130-6970

Abstract. *The article examines the concept of risk, its essence, and the economic significance of risk management in credit institutions within a modern financial environment. The main types of risks, including credit, liquidity, interest rate, and operational risks, are analyzed*

along with their interrelationships and impact on financial stability. In addition, modern approaches to risk assessment and management are explored, with particular emphasis on the importance of a comprehensive and integrated approach. Based on the findings of the study, scientific recommendations and practical conclusions aimed at improving risk management practices in credit institutions are developed.

Keywords: *risk, credit institutions, credit risk, liquidity risk, interest rate risk, operational risk, risk management, financial stability, risk assessment, risk management practices, integrated approach.*

Kirish

Zamonaviy moliya tizimida kredit tashkilotlari iqtisodiyotning barqaror rivojlanishini ta’minlovchi asosiy moliyaviy institutlar hisoblanadi. Kredit tashkilotlari deganda moliyaviy vositachilik funksiyasini amalga oshiruvchi, ya’ni vaqtincha bo‘sh pul mablag‘larini jalb qilib, ularni kredit, investitsiya va boshqa moliyaviy instrumentlar orqali qayta taqsimlovchi institutlar tushuniladi.

Kredit tashkilotlariga, avvalo, tijorat banklari, shuningdek, mikromoliya tashkilotlari, lombardlar, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari, kafolatlar berish tashkilotlari hamda faktoring tashkilotlari kiradi. Ushbu tashkilotlar iqtisodiyotda kapital harakatini ta’minlash, investitsion faollikni rag‘batlantirish hamda aholi va biznes subyektlarining moliyaviy resurslarga bo‘lgan ehtiyojini qondirishda muhim o‘rin tutadi.

Jahon moliya tizimi jadal raqamli transformatsiya, geosiyosiy beqarorlik va yangi turdagi xatarlarning paydo bo‘lishi bilan bog‘liq murakkab davrni boshidan kechirmoqda. Bu sharoitda risklarni baholash va minimallashtirish masalasi nafaqat kredit tashkilotlarining barqarorligini, balki butun mamlakat iqtisodiy tizimning mustahkamligini belgilovchi asosiy omilga aylandi. Ushbu mavzuning dolzarbligi bir nechta yo‘nalishda namoyon bo‘lmoqda:

Birinchidan, an’anaviy risklar bilan birga texnogen risklar keskin kuchayib bormoqda. Ernst & Young hamda Xalqaro moliya instituti tomonidan 2026-yil 24-fevralda e’lon qilingan 15 yillik Global bank risk menejmenti tadqiqoti shuni ko‘rsatdiki, kredit riski yana bank rahbarlarining asosiy tashvishlari markaziga qaytgan. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, *“kredit riski (62 %) va moliyaviy jinoyatlar (43 %) eng dolzarb xavflar sifatida qayta paydo bo‘ldi”*[1].

Ikkinchidan, risklarning o‘zaro bog‘liqligi va dinamik rivojlanishi ularni boshqarishga bo‘lgan yondashuvlarni tubdan o‘zgartirishni talab etmoqda. Zamonaviy moliyaviy muhitda risklar endi alohida kategoriyalarga ajratilmaydi. Ernst & Young hisobotida ta’kidlanishicha, *“Banklar endi risk menejmentga yaxlit va istiqbolga qaratilgan yondashuvni qabul qilishi kerak, chunki risklar dinamik, chiziqli bo‘lmagan va o‘zaro bog‘liq bo‘lib qoldi.”* Bu esa, risk menejerlari (Chief Risk Officer, CRO)dan faqat nazorat qiluvchi sifatida emas, balki strategik qarorlar qabul qiluvchi sifatida harakat qilishni talab qiladi[2].

Uchinchidan, risklarni minimallashtirishning asosiy vositasi sifatida sun’iy intellekt (AI) va ma’lumotlar analitikasiga bo‘lgan ehtiyoj ortib bormoqda. Endilikda eskirgan statik modellar o‘z samaradorligini yo‘qotmoqda. Global Association of Risk Professionals (GARP) tahliliga ko‘ra, *“An’anaviy kredit risk menejmenti modellari endi zamonaviy murakkab global bozorlarda aqliy muvozanatni boshqarish uchun yetarli emas.”*[3] Shu sababli, risk menejerlarining 55 foizi ilg‘or texnologiyalarni joriy qilishni ustuvor vazifa deb belgilagan bo‘lsada, hozircha 72 foizi sun’iy intellektni qo‘llash bosqichi dastlabki darajada ekanligini ta’kidlashmoqda[4]. Bu esa sohada amalga oshirilishi mumkin bo‘lgan katta imkoniyatlarning mavjudligini ko‘rsatadi.

Xalqaro Valyuta Jamg‘armasi va Jahon banki tomonidan O‘zbekiston moliya sektorini baholash dasturi (Financial Sector Assessment Program – FSAP) doirasida 2024–2025 yillarda moliyaviy sektorning asosiy zaif jihatlari va rivojlanish imkoniyatlari aniqlanib, tegishli tavsiyalar berilgan. FSAP — bu mamlakat moliyaviy tizimini chuqur, keng qamrovli tahlil qilish va tizim barqarorligini baholash bo‘yicha xalqaro standart asoslarga muvofiq amalga oshiriladigan yirik

dastur hisoblanib, 1999 yildan buyon Xalqaro Valyuta Jamg‘armasi va Jahon banki hamkorligida o‘tkazib kelinadi.

FSAP hisobotiga ko‘ra, to‘lovga layoqatlilik bo‘yicha o‘tkazilgan stress-testlar natijalari moliya tizimidagi asosiy zaifliklar asosan moliyaviy risklar, jumladan, kredit, valyuta va likvidlik risklari bilan bog‘liqligini ko‘rsatgan[5]. Shu bois, moliyaviy risklarni kamaytirish va tizim barqarorligini ta’minlash bo‘yicha zaruriy amaliy choralarni ishlab chiqish zarurati yuzaga kelmoqda.

Adabiyotlar sharhi

Risk kelajakdagi noaniqlik tufayli kelgusidagi moliyaviy natijalarning noaniqligini tavsiflaydi. Ta’kidlanishicha, risk - bu yo‘qotishlarga olib keladigan ehtimoliy hodisaning qiymati yoki pul yo‘qotish ehtimoli. Risk yo‘qolgan foyda o‘lchovi sifatida aniqlanadi va uni vaziyat haqida to‘liq ma’lumotga ega bo‘lgan harakatlarning kutilgan natijasi va noaniqlik sharoitida mumkin bo‘lgan natija o‘rtasidagi farq sifatida hisoblashni taklif qiladi[7].

O.T.Kozayeva, T.Ye.Kulumbekova, I.Ye.Kadzayeva fikrlariga ko‘ra “Risk – moliyaviy faoliyatning ajralmas sharti; tijorat banklari uchun kredit va moliyaviy risklarni o‘z vaqtida aniqlash va minimallashtirish muhim”dir deya tarif beradi[8].

Taniqli lug‘atshunos S.I.Ojegovning rus tili izohli lug‘atida “risk” - bu muvaffaqiyatga intilish, baxtli hodisaga umid” degan ma’no anglatadi deyilsa, mashhur Vebster lug‘atida riskka “xavf, zarar va talafot ehtimoli” deb qaralgan. Rus olimi A.Olshanskiy “risk” - bu zarar ko‘rish yoki manfaatni qo‘ldan chiqarish bilan bog‘liq ehtimollar o‘lchamidir”[9], degan ta’rifni keltiradi.

V.S.Belix, S.I.Vinichenko, D.A.Gavrin va boshqalar Bank tavakkalchiligi bu kredit tashkilotining faoliyati uchun noqulay mulkiy oqibatlarga olib kelgan hodisaning (hodisalar to‘plamining) yuzaga kelishi yoki bo‘lmasligi ehtimoli[10]. to‘g‘risida fikr yuritadi.

Yuqoridagi nazariy yondashuvlardan kelib chiqib, riskni kelajakdagi noaniqlik sharoitida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan moliyaviy natijalarning o‘zgaruvchanligi va yo‘qotish ehtimoli bilan bog‘liq iqtisodiy kategoriya sifatida ta’riflash mumkin. Risk nafaqat ehtimoliy zarar yoki moliyaviy yo‘qotishlarni, balki kutilgan foydaning kamayishi yoki qo‘ldan chiqarilish ehtimolini ham ifodalaydi.

Tadqiqotlar metodologiyasi

Tadqiqot jarayonida kredit tashkilotlarida risklarni boshqarish va baholash metodologiyasiga oid xorijiy olimlarning ilmiy ishlari hamda xalqaro moliyaviy institutlar tomonidan ishlab chiqilgan yondashuvlardan keng foydalanildi. Tadqiqotda tahlil va sintez, taqqoslash, guruhlash kabi umumiy ilmiy usullar, shuningdek, moliyaviy tahlil, statistik kuzatuv va iqtisodiy taqqoslash kabi umumiy iqtisodiy usullar qo‘llanildi.

Tahlil va natijalar

Kredit tashkilotlarida risklarni baholash va minimallashtirish masalasi bugungi kunda moliyaviy tizim barqarorligini ta’minlashda eng dolzarb yo‘nalishlardan biri hisoblanadi. Globalizatsiya jarayonlarining jadallashuvi, moliyaviy bozorlarda raqobatning kuchayishi va iqtisodiy noaniqliklarning ortib borishi kredit portfeli sifatiga bevosita ta’sir ko‘rsatmoqda. Ayniqsa, kredit risklari, likvidlik risklari va operatsion risklar kredit tashkilotlari faoliyatida asosiy xavf omillari sifatida namoyon bo‘lmoqda. Shu sababli risklarni aniq baholash, ularni tizimli monitoring qilish va samarali boshqarish mexanizmlarini joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston Respublikasida kredit tashkilotlari moliya bozorining asosiy institutsional tarkibiy qismi hisoblanadi. Ularning huquqiy asoslari milliy qonunchilik va Markaziy bank tomonidan tartibga solinadi. Kredit tashkilotlari quyidagi asosiy turlarga bo‘linadi:

1) tijorat banklari;

2) nobank kredit tashkilotlari (*mikromoliya tashkilotlari, lombardlar, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari, kafolatlar berish tashkilotlari va faktoring tashkilotlari.*

1-jadval.

O‘zbekiston Respublikasida faoliyat yurituvchi kredit tashkilotlari turlari va ularning asosiy funksiyalari*

Kredit tashkilotlari	Kredit tashkilotlarining asosiy faoliyati
Tijorat banklari	Yuridik va jismoniy shaxslardan omonatlar qabul qilish va qabul qilingan mablag‘larni tavakkal qilib kredit berish faoliyatini amalga oshiruvchi yuridik shaxslar.
Nobank kredit tashkilotlari	
Mikromoliya tashkilotlari	Mikromoliyalashtirish xizmatlarini ko‘rsatuvchi hamda qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa moliyaviy xizmatlarni amalga oshiruvchi yuridik shaxslar.
Lombarllar	Jismoniy shaxslarga garov asosida qisqa muddatli mikroqarzlar beruvchi yuridik shaxslar.
Kafolatlar berish tashkilotlari	Yuridik va jismoniy shaxslarning kredit tashkilotlari oldidagi pul majburiyatini bajarish bo‘yicha kafolatlar (kafilliklar) berish faoliyatini professional asosda amalga oshiruvchi, shuningdek qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa xizmatlarni ko‘rsatuvchi yuridik shaxslar.
Ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari	Moliyaviy mablag‘larni jalb qilish hamda ularni ipoteka kreditlarini qayta moliyalashtirishga yo‘naltirish faoliyatini amalga oshiruvchi yuridik shaxs.
Faktoring tashkilotlari	Pul talabnomasidan boshqa shaxs foydasiga voz kechish evaziga moliyalash (faktoring) faoliyatini amalga oshiruvchi yuridik shaxs.

***Manba:** O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi qoshidagi “Adolat” milliy huquqiy axborot markazi davlat muassasasi (https://lex.uz/) ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

Kredit tashkilotlari turlaridan kelib chiqib xulosa qilish mumkinki, ularning faoliyatining asosiy mohiyati kreditlash bilan bevosita bog‘liq bo‘lganligi sababli, ushbu institutlar uchun kredit riski ustuvor va tizimli boshqarilishi lozom bo‘lgan risk turi hisoblanadi. Ya’ni, qarzdorlar tomonidan o‘z majburiyatlarining bajarilmasligi ehtimoli kredit tashkilotlarining moliyaviy barqarorligiga bevosita salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Shu bilan birga, yuqorida keltirilgan ta’riflar va amaliy tahlillar shuni ko‘rsatadiki, kredit tashkilotlari faqat kredit riskiga emas, balki quyidagi boshqa muhim risk turlariga ham yuqori darajada ta’sirchan hisoblanadi:

2-jadval.

Kredit tashkilotlari faoliyatida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan asosiy risk turlari*

Kredit tashkilotlari	Risk turlari	Asosiy sabablari
Tijorat banklari	Kapital yetarlilik, kredit, likvidlilik, bozor (foiz, valyuta narx), operatsion, reputatsion, kontsentratsiya va strategik risklar.	Qarzdorlar majburiyatlarini bajarmasligi (defolt), aktiv va passivlar muddatlari nomutanosibligi hamda foiz stavkalarining o‘zgarishi
Nobank kredit tashkilotlari		
Mikromoliya tashkilotlari	Kapital yetarlilik, kredit, likvidlik, bozor (foiz, valyuta narx) va operatsion risklar.	Qarzdorlar majburiyatlarini bajarmasligi (defolt) va foiz stavkalarining o‘zgarishi
Lombarllar	Kredit, bozor (foiz, valyuta va narx) va operatsion risklar.	Qarzdorlar majburiyatlarini bajarmasligi (defolt) va foiz stavkalarining o‘zgarishi
Kafolatlar berish tashkilotlari	Kredit, kafolat (kafillik), likvidlik, bozor (foiz, valyuta narx) va operatsion risklar.	Kafolat (kafillik) taqdim etilgan mijozlar majburiyatlarini bajarmasligi
Ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari	Likvidlik, bozor (foiz, valyuta narx) va kredit risklar.	Uzoq muddatli aktivlar, bozor (foiz) stavkalarining o‘zgarishi
Faktoring tashkilotlari	Kredit, likvidlik, bozor (foiz, valyuta narx) va huquqiy risklar	Debitor to‘lovlarining kechikishi, shartnomaviy risklar

***Manba:** O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi qoshidagi “Adolat” milliy huquqiy axborot markazi davlat

muassasasi (https://lex.uz/) ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, mazkur tadqiqotda asosiy e’tibor kredit tashkilotlari faoliyati uchun eng muhim hisoblangan risk turlariga, ya’ni kredit, likvidlik, bozor va operatsion risklarga qaratiladi. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklari faoliyatida uchraydigan asosiy risk turlariga quyidagicha ta’rif berilgan:

kredit tavakkalchiligi – qarzdorning bank oldidagi majburiyatlari shartnoma yoki qonunchilik hujjatlarida ko‘rsatilgan muddat va (yoki) shartlarda bajarilmasligi (lozim darajada bajarilmasligi) oqibatida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan zarar (yo‘qotish) ko‘rish va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik ehtimolligi;

likvidlilik tavakkalchiligi – bank o‘z majburiyatlarini belgilangan vaqtda bajara olmasligi oqibatida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan zarar (yo‘qotish) ko‘rish va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik ehtimolligi;

bozor tavakkalchiligi – valyuta kurslari, foiz stavkalari va moliyaviy instrumentlar narxlarining o‘zgarishi natijasida zarar (yo‘qotish) ko‘rish va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik ehtimolligi;

operatsion tavakkalchilik – bank ichki jarayonlarining lozim darajada emasligi, xodimlar yoki boshqa shaxslarning qasddan yoki ehtiyotsiz harakatlari, bankning ichki tizimlaridagi xatoliklar yoki tashqi hodisalar ta’siri natijasida zarar (yo‘qotish) ko‘rish va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik ehtimolligi[11].

Kredit riskni boshqarishning asosiy maqsadi kredit portfeli sifatini ta’minlash va ehtimoliy yo‘qotishlarni minimallashtirishdan iborat. Bu esa risk darajasini aniqlash, uni baholash va nazorat qilish orqali amalga oshiriladi. Samarali boshqaruv tizimi kredit risklarining holati to‘g‘risida ishonchli va tezkor axborotni shakllantirish, shuningdek, ularni sifat va miqdor jihatdan tahlil qilishni talab etadi.

Kredit riskni baholashda kompleks yondashuv muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda qarzdorning moliyaviy holati bilan bir qatorda, uning bozordagi mavqei, biznes muhiti va boshqa nomoliyaviy omillari ham hisobga olinadi. Shuningdek, risk omillarining dinamikasini o‘rganish va ularning kelgusidagi ta’sirini prognoz qilish kredit riskni samarali boshqarishning muhim shartlaridan hisoblanadi.

Kredit riskni boshqarish jarayoni bir nechta izchil bosqichlardan iborat bo‘lib, ularga risklarni aniqlash, baholash, monitoring qilish va tartibga solish kiradi. Ushbu jarayon doirasida qabul qilinadigan qarorlar aniq vakolatlar taqsimoti va ichki nazorat mexanizmlari asosida amalga oshirilishi lozim.

Kredit risklarining kelib chiqishi turli omillar bilan bog‘liq. Individual kredit darajasida bu qarzdorning to‘lov qobiliyati pastligi, garov ta’minotining likvid emasligi yoki kafil majburiyatlarini bajarmasligi bilan izohlanadi. Kredit portfeli darajasida esa risklar ko‘proq konsentratsiya, valyuta kurslarining o‘zgarishi, portfel strukturasining nomutanosibligi va inson omili bilan bog‘liq muammolar ta’sirida shakllanadi.

Kredit risklarini minimallashtirish - kredit tashkilotlarining ustuvor vazifalardan biri hisoblanib, u risklarni prognoz qilish, ehtimoliy yo‘qotishlarni baholash va ularni cheklashga qaratilgan chora-tadbirlarni o‘z ichiga oladi. Bu jarayonda diversifikatsiya, limitlar belgilash, zaxiralar shakllantirish va samarali qarorlar qabul qilish tizimi muhim o‘rin tutadi.

Xususan, kredit portfelini diversifikatsiya qilish, turli segmentlar, tarmoqlar, muddatlar va qarzdorlar bo‘yicha taqsimlash orqali risk darajasini pasaytirish imkonini beradi. Shu bilan birga, ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish kredit tashkilotlari barqarorligini ta’minlashda muhim instrument hisoblanadi.

Umuman olganda, kredit riskni boshqarish tizimi - kredit tashkilotlarining ichki siyosati, tashkiliy tuzilmasi va strategik maqsadlari bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, uning samaradorligi moliyaviy barqarorlikni ta’minlashda hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Likvidlik riskni boshqarish kredit tashkilotlari faoliyati barqarorligini ta’minlashda muhim

yo‘nalishlardan biri hisoblanadi. Ushbu jarayon kredit tashkilotlarining risk-appetiti doirasida amalga oshirilib, normativ talablarga rioya qilish, yetarli likvidlik zaxirasini shakllantirish hamda aktivlar va passivlarni samarali boshqarishni o‘z ichiga oladi.

Likvidlik riskni boshqarishda qarorlar qabul qilish jarayoni kredit tashkilotlarining kollegial organlari, jumladan aktivlar va passivlarni boshqarish bo‘yicha qo‘mitalari orqali amalga oshiriladi. Ushbu organlar likvidlik risk parametrlarini belgilash, resurslar taqsimotini muvofiqlashtirish va doimiy monitoringni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi.

Likvidlik riskni aniqlash jarayoni bir nechta bosqichlarni qamrab oladi. Unda, avvalo, risk turlari identifikatsiya qilinadi, ularning ahamiyati baholanadi hamda yuqori riskli operatsiyalar aniqlanadi. Bu jarayon yangi mahsulotlar joriy etilishi, tashkiliy o‘zgarishlar yoki bozor sharoitlari o‘zgarishi kabi holatlarda alohida ahamiyat kasb etadi.

Likvidlik riskni baholashda zamonaviy usullardan foydalanish muhim hisoblanadi. Xususan, GAP tahlili (Gap analysis), pul oqimlari tahlili va stress-testlar o‘tkazish kredit tashkilotlarining turli ssenariylardagi to‘lov qobiliyatini baholash imkonini beradi. Ushbu usullarni kompleks qo‘llash likvidlik yetishmovchiligini oldindan aniqlash va uni bartaraf etish choralarini ishlab chiqishga xizmat qiladi.

Kredit tashkilotlarida likvidlikni baholash maxsus ko‘rsatkichlar orqali amalga oshiriladi. Ular qatoriga quyidagilar kiradi:

likvidlilikni qoplash koeffitsiyenti (LCR);

sof barqaror moliyalashtirish koeffitsiyenti (NSFR);

yuqori likvidli aktivlar (YULA).

Mazkur ko‘rsatkichlar kredit tashkilotlarining qisqa va uzoq muddatli likvidlik holatini baholash hamda o‘z majburiyatlarini bajarish qobiliyatini aniqlashga xizmat qiladi.

Likvidlik riskni boshqarishda konservativ yondashuv muhim ahamiyatga ega bo‘lib, aktivlar va majburiyatlarning muddatlari ehtiyotkorlik tamoyili asosida baholanadi. Shu bilan birga, risk darajasi belgilangan limitlar va chegaraviy ko‘rsatkichlar orqali doimiy nazorat qilinadi.

Likvidlik riskni samarali boshqarish kredit tashkilotlarining to‘lov qobiliyatini ta’minlash, ehtimoliy moliyaviy yo‘qotishlarni cheklash va umumiy moliyaviy barqarorlikni saqlashda hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Foiz risk kredit tashkilotlari faoliyatida muhim moliyaviy risklardan biri hisoblanib, u foiz stavkalarining o‘zgarishi natijasida daromadlar va kapital qiymatiga ta’sir ko‘rsatadi. Shu sababli, foiz riskni samarali boshqarish - ushbu riskni aniqlash, baholash va nazorat qilish jarayonlarini qamrab oladi.

Foiz riskini identifikatsiya qilish jarayonida, avvalo, uning turlari va ahamiyati baholanadi hamda ushbu riskka ta’sir etuvchi operatsiyalar aniqlanadi. Kredit tashkilotlarida, odatda, g‘aznachilik yoki moliyaviy boshqaruv bo‘linmalari tomonidan foiz riskiga ta’sir etuvchi pozitsiyalar dastlabki bosqichda baholanadi. Foiz riski obyektlari, odatda, valyuta turlari va foiz stavkalariga bog‘liq moliyaviy instrumentlar kesimida aniqlanadi.

Foiz stavkalariga ta’sir etuvchi omillar qatoriga inflyatsiya, valyuta kurslari o‘zgarishi, investitsiyalar rentabelligi va kredit risk darajasi kiradi. Bu omillar kredit tashkilotlarining asosiy ko‘rsatkichlari, xususan, sof foizli daromad va kapital qiymatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

Foiz riskini baholashda foiz stavkalariga nisbatan “elastik” va “noelastik” aktivlar hamda majburiyatlar ajratiladi. Elastik aktivlar va majburiyatlar foiz stavkalarining o‘zgarishiga sezgir bo‘lib, ular bo‘yicha daromad va xarajatlar qayta hisoblanadi. Aksincha, foiz stavkalariga bog‘liq bo‘lmagan aktivlar va majburiyatlar noelastik hisoblanadi.

Foiz riskni baholashda miqdoriy usullar keng qo‘llaniladi. Ular orasida eng keng tarqalgani – GAP tahlili (Gap analysis) bo‘lib, u aktivlar va majburiyatlar o‘rtasidagi muddat nomutanosibligini aniqlashga xizmat qiladi. GAP tahlili ko‘rsatkichlari ma’lum vaqt oralig‘ida foizga sezgir aktivlar va majburiyatlar farqi sifatida hisoblanadi.

GAP tahlili ko‘rsatkichlarining qiymatiga qarab foiz stavkalari o‘zgarishining sof foizli daromadga ta’siri baholanadi:

- ijobiy GAP holatida foiz stavkalari oshganda daromad ortishi kuzatiladi;
- salbiy GAP holatida kamayishi kuzatiladi.

Shu bilan birga, foiz riskini yanada aniq baholash uchun kumulyativ GAP va sof foizli daromadning o‘zgarishi kabi ko‘rsatkichlardan foydalaniladi. Ushbu yondashuv kredit tashkilotlariga turli ssenariylarda ehtimoliy yo‘qotishlarni oldindan baholash imkonini beradi.

Foiz riskni boshqarish kredit tashkilotlarida aktiv va passivlar tarkibini muvofiqlashtirish, daromad barqarorligini ta’minlash hamda bozor o‘zgarishlariga moslashishda muhim ahamiyatga ega.

Operatsion risk kredit tashkilotlari faoliyatida ichki jarayonlar, inson omili, axborot tizimlari yoki tashqi omillar ta’sirida yuzaga keladigan ehtimoliy yo‘qotishlar bilan bog‘liq risk turi hisoblanadi. Ushbu riskni samarali boshqarish tashkilotning barqaror faoliyatini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega.

Operatsion risklarni boshqarish tizimi, avvalo, mustaqillik va integratsiya tamoyillariga asoslanadi. Bunda “Uchta himoya chizig‘i” konsepsiyasi muhim o‘rin tutadi. Birinchi bosqichda risk egalari (ya’ni biznes bo‘linmalar) o‘z faoliyatida risklarni aniqlash va kamaytirish uchun mas’ul hisoblanadi. Ikkinchi bosqichda risk menejment va komplayens nazorat nazorat funksiyalari orqali nazorat qilinadi. Uchinchi bosqichda esa ichki audit tizimi orqali mustaqil baholash ta’minlanadi.

Operatsion risklarni boshqarish jarayonida vakolatlarni aniq taqsimlash muhim ahamiyat kasb etadi. Kredit tashkilotlarining kuzatuv organlari risk-appetit chegaralarini belgilash va tizim samaradorligini baholash uchun javobgar hisoblanadi. Shu bilan birga, ijro organlari ichki nazoratni tashkil qilish, risklarni o‘z vaqtida aniqlash va kamaytirish choralarini ko‘rishni ta’minlaydi. Risk menejment va komplayens nazorat bo‘linmalari esa risklarni monitoring qilish, tahlil qilish va hisobotlar tayyorlash vazifalarini bajaradi.

Operatsion risklarni boshqarish jarayoni izchil bosqichlardan iborat bo‘lib, ularga risklarni aniqlash, baholash, qaror qabul qilish, nazorat va monitoring hamda hisobot berish kiradi. Ushbu jarayon doimiy xarakterga ega bo‘lib, tashkilotning barcha darajalarida amalga oshirilishi lozim.

Operatsion risklarni baholashda ham sifat, ham miqdoriy yondashuvlar qo‘llaniladi. Jumladan:

- o‘z-o‘zini baholash (RCSA);
- operatsion hodisalar bazasini yuritish;
- ssenariy tahlil va stress-testlar.

Bundan tashqari, operatsion riskni baholashda regulyator tomonidan belgilangan kapital talablari ham hisobga olinadi. Bu kredit tashkilotlariga ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun yetarli moliyaviy zaxiralarni shakllantirish imkonini beradi.

Operatsion risklarni minimallashtirish uchun turli strategiyalar qo‘llaniladi, jumladan risklarni kamaytirish, bartaraf etish yoki taqsimlash. Ushbu strategiyalar risk darajasi va tashkilotning risk-appetitiga mos ravishda tanlanadi.

Nazorat va monitoring jarayoni operatsion risklarni boshqarish tizimining ajralmas qismi hisoblanadi. Bunda asosiy e’tibor risk indikatorlari (KRI) orqali risk darajasini kuzatish, belgilangan limitlarga rioya etilishini ta’minlash va muntazam hisobotlar tayyorlashga qaratiladi.

Umuman olganda, operatsion risklarni samarali boshqarish kredit tashkilotlarida ichki nazorat tizimini mustahkamlash, moliyaviy yo‘qotishlarni kamaytirish va umumiy barqarorlikni ta’minlashda muhim ahamiyatga ega.

Xulosa

Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib, zamonaviy moliyaviy muhitda risklarning o‘zaro bog‘liqligi va dinamik xususiyati ularni boshqarishga nisbatan yondashuvni tubdan o‘zgartirmoqda. Bugungi kunda risklar alohida-alohida emas, balki o‘zaro ta’sir qiluvchi kompleks tizim sifatida namoyon bo‘lib, bu esa risk menejmentida integratsiyalashgan va istiqbolga yo‘naltirilgan yondashuvni talab etadi. Shu munosabat bilan, risk menejerlarning roli

ham transformatsiyalanib, ular strategik qarorlar qabul qilish jarayonining faol ishtirokchisiga aylanmoqda.

Kredit tashkilotlari faoliyatining mazmunidan kelib chiqib, ular uchun kredit risk ustuvor va hal qiluvchi ahamiyatga ega ekanligi aniqlandi. Qarzdorlar tomonidan majburiyatlarni bajarmaslik ehtimoli mazkur tashkilotlarning moliyaviy barqarorligiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shu bois, kredit riskni boshqarish kredit portfeli sifatini ta’minlash, risk darajasini baholash va doimiy nazorat qilish orqali amalga oshirilishi lozim.

Shu bilan birga, likvidlik riskni boshqarishda ehtiyotkorlik tamoyiliga asoslangan yondashuv muhim ahamiyat kasb etadi. Aktiv va majburiyatlarning muddatlari muvofiqligini ta’minlash, belgilangan limitlar doirasida risk darajasini nazorat qilish kredit tashkilotlarining to‘lov qobiliyatini saqlashga xizmat qiladi.

Foiz risk esa makroiqtisodiy omillar, jumladan inflyatsiya, valyuta kurslari va bozor kon’yunkturasi o‘zgarishi ta’sirida shakllanib, kredit tashkilotlarining daromadliligi va kapital qiymatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shu sababli, foiz riskni baholash va boshqarish jarayonlari ham umumiy risk menejment tizimining ajralmas qismi hisoblanadi.

Umuman olganda, kredit tashkilotlarida risklarni samarali boshqarish ularning o‘zaro bog‘liqligini hisobga olgan holda kompleks va tizimli yondashuvni talab qiladi hamda bu moliyaviy barqarorlikni ta’minlashning asosiy sharti hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. https://www.ey.com/en_pt/newsroom/2026/02/banks-race-to-adapt-as-traditional-risks-rebound-and-new-threats-accelerate-ey-and-iif-survey-shows
2. https://businessday.ng/companies/article/banks-rethink-risk-management-as-cyber-threats-ai-reshape-industry-ey-report/
3. https://www.garp.org/risk-intelligence/technology/modernizing-credit-risk-260313
4. https://www.ey.com/en_pt/newsroom/2026/02/banks-race-to-adapt-as-traditional-risks-rebound-and-new-threats-accelerate-ey-and-iif-survey-shows.
5. Republic of Uzbekistan: Financial Sector Assessment Program-Detailed Assessment of Observance-Basel Core Principles for Effective Banking Supervision
6. https://lex.uz/
7. https://lex.uz/docs/-6436466
8. Юшкова С.Д. Адаптация Базельских соглашений для целей внутренних стандартов деятельности банка // Аудитор. 2013. №4. С. 29-36
9. Risk management of a commercial bank, ekonomika i upravlenie: problemy, resheniya (2022)
10. Гвезденко А.А. Основы страхования. - М.: Финансы и статистика, 1999.– С. 148
11. Банковское право: учебник / В. С. Белых, С. И. Виниченко, Д. А. Гаврин [и др.]; под ред. В. С. Белых. М.: Проспект, 2011. С. 241

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

TAX ARREARS IN MANUFACTURING ENTERPRISES AND THEIR ANALYSIS BY REGION

Mirpo`latov Jahongir Muzapparovich

Head of the Tashkent
City Tax Department
e-mail: jahongir707@gmail.com
ORCID: 0009-2253-8695-7845

Abstract: *Tax arrears in manufacturing enterprises are an important issue in assessing regional economic development, budget revenue stability, and the financial condition of business entities. This study analyzes the current state of tax arrears in manufacturing enterprises, the factors behind their emergence, and differences across regions. The research examines the regional distribution of tax arrears, the reasons for their higher concentration in certain regions, and the possibilities for reducing them. In addition, the impact of tax arrears on enterprise activity and regional fiscal stability is revealed. Based on the results of the study, scientific and practical proposals are developed to reduce tax arrears in manufacturing enterprises, strengthen tax discipline across regions, and improve tax administration.*

Keywords: *tax arrears, manufacturing enterprises, regional analysis, tax revenues, tax discipline, tax administration, fiscal stability.*

ISHLAB CHIQARISH KORXONALARIDA SOLIQ QARZDORLIGI HOLATI VA UNING HUDUDLAR KESIMIDAGI TAHLILI

Mirpo`latov Jahongir Muzapparovich

Toshkent shaxar soliq
boshqarmasi boshlig`i
e-mail: jahongir707@gmail.com
ORCID: 0009-2253-8695-7845

Annotatsiya: *Ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi masalasi hududiy iqtisodiy rivojlanish, budjet tushumlari barqarorligi hamda xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy holatini baholashda muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu tadqiqotda ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligining holati, uning shakllanish omillari va hududlar kesimidagi farqlanish darajasi tahlil qilingan. Tahlil jarayonida soliq qarzdorligining hududlar bo‘yicha taqsimlanishi, ayrim hududlarda qarzdorlikning yuqori ulushga ega bo‘lish sabablari hamda uni kamaytirish imkoniyatlari yoritilgan. Shuningdek, soliq qarzdorligining korxonalar faoliyati va hududiy fiskal barqarorlikka ta’siri ochib berilgan. Tadqiqot natijasida ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligini qisqartirish, hududlar bo‘yicha soliq intizomini mustahkamlash va soliq ma’murchiligini takomillashtirishga qaratilgan ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlar. *soliq qarzdorligi, ishlab chiqarish korxonalari, hududiy tahlil, soliq tushumlari, soliq intizomi, soliq ma’murchiligi, fiskal barqarorlik.*

СОСТОЯНИЕ НАЛОГОВОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ НА ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ И ЕГО АНАЛИЗ В РЕГИОНАЛЬНОМ РАЗРЕЗЕ

Мирпулатов Жахонгир Музаппарович

Начальник Ташкентского
городского налогового управления

Аннотация: *Проблема налоговой задолженности на производственных*

предприятиях имеет важное значение для оценки регионального экономического развития, стабильности бюджетных поступлений и финансового состояния хозяйствующих субъектов. В данном исследовании проанализированы состояние налоговой задолженности на производственных предприятиях, факторы её формирования и степень различий в региональном разрезе. В процессе анализа раскрыты распределение налоговой задолженности по регионам, причины её высокой концентрации в отдельных территориях, а также возможности её сокращения. Кроме того, показано влияние налоговой задолженности на деятельность предприятий и региональную фискальную устойчивость. По результатам исследования разработаны научно-практические предложения, направленные на сокращение налоговой задолженности на производственных предприятиях, укрепление налоговой дисциплины в регионах и совершенствование налогового администрирования.

Ключевые слова. *налоговая задолженность, производственные предприятия, региональный анализ, налоговые поступления, налоговая дисциплина, налоговое администрирование, фискальная устойчивость.*

Kirish

Iqtisodiyotda ishlab chiqarish korxonalarining barqaror faoliyat yuritishi ko‘p jihatdan ularning moliyaviy intizomi, majburiy to‘lovlarni o‘z vaqtida bajarishi hamda budjet bilan hisob-kitoblarining holatiga bog‘liq bo‘ladi. Shu nuqtai nazardan, soliq qarzdorligi masalasi nafaqat alohida korxona moliyaviy holatini ifodalovchi ko‘rsatkich, balki hududiy iqtisodiy faollik, budjet tushumlari barqarorligi va soliq ma’murchiligi samaradorligini baholashda ham muhim mezonlardan biri hisoblanadi[1]. Ayniqsa, ishlab chiqarish korxonalari mamlakat iqtisodiyotida qo‘shilgan qiymat yaratish, bandlikni ta’minlash va hududiy sanoat salohiyatini mustahkamlashda muhim o‘rin egallashi sababli, ushbu tarmoqda soliq qarzdorligining shakllanishi va uning hududlar kesimidagi holatini o‘rganish dolzarb ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda respublika iqtisodiyotida faoliyat yuritayotgan korxona va tashkilotlar sonining ortib borayotgani ham mazkur masalaning ahamiyatini yanada kuchaytirmoqda. 2025-yil 1-mart holatiga O‘zbekistonda 732,9 mingta korxona va tashkilot ro‘yxatdan o‘tgan bo‘lib, bu ko‘rsatkich o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 105,8 foizni tashkil etgan[2]. Bunday sharoitda xo‘jalik yurituvchi subyektlarning, ayniqsa ishlab chiqarish korxonalarining soliq majburiyatlarini bajarish darajasi davlat budjeti daromadlari barqarorligi bilan bir qatorda, hududlar iqtisodiy holati va tadbirkorlik muhitining sifatiga ham bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shu bois ishlab chiqarish sohasida yuzaga kelayotgan soliq qarzdorligi holatini tahlil qilish faqat fiskal masala emas, balki hududiy iqtisodiy rivojlanishning muhim indikatori sifatida ham qaralishi lozim.

Mazkur muammoning dolzarbligi 2025-yildagi rasmiy ma’lumotlarda ham yaqqol namoyon bo‘ladi. Xususan, 2025-yil 1-yanvar holatiga soliq qarzi 100 mln so‘mdan yuqori bo‘lgan ishlab chiqarish korxonalari soni 901 tani tashkil etgan bo‘lib, ularning jami qarzdorligi 1 361,3 mlrd so‘mga teng bo‘lgan. 2025-yil 1-iyul holatiga kelib esa bunday korxonalar soni 1 103 taga yetgan, jami qarzdorlik hajmi esa 1 384,5 mlrd so‘mni tashkil etgan[4,7]. Bu esa yil davomida ishlab chiqarish korxonalari orasida soliq qarzdorligi muammosi saqlanib qolayotganini, ayrim hollarda esa yanada kuchayayotganini ko‘rsatadi. Mazkur holat ishlab chiqarish subyektlarining aylanma mablag‘lari yetishmovchiligi, to‘lov intizomining sustligi, moliyaviy boshqaruvdagi kamchiliklar yoki hududlar bo‘yicha iqtisodiy sharoitlarning turlicha ekanligi bilan izohlanishi mumkin.

Hududlar kesimida tafovutlarning mavjudligi mazkur tadqiqot mavzusining ilmiy ahamiyatini yanada oshiradi. Chunki soliq qarzdorligi barcha hududlarda bir xil darajada shakllanmaydi; u ayrim viloyatlarda sanoat korxonalari soni, ishlab chiqarish hajmi, hududiy infratuzilma, to‘lov qobiliyati va soliq intizomi darajasiga qarab sezilarli farqlanadi. Shu jihatdan soliq qarzdorligini faqat umumiy miqdorda emas, balki hududiy tarkib va farqlanishlar asosida o‘rganish muammoning ichki sabablarini aniqlash imkonini beradi. Bunday yondashuv nafaqat

qarzdorlikning eng yuqori darajada to‘plangan hududlarini aniqlash, balki ularni kamaytirish bo‘yicha manzilli choralarni ishlab chiqish uchun ham zarurdir.

Shundan kelib chiqib, ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi holatini va uning hududlar kesimidagi tafovutlarini tahlil qilish, mavjud muammolarning asosiy omillarini aniqlash hamda soliq qarzdorligini qisqartirishga qaratilgan ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqish ushbu maqolaning asosiy yo‘nalishini tashkil etadi. Mazkur tadqiqot natijalari ishlab chiqarish korxonalarida soliq intizomini mustahkamlash, hududiy fiskal barqarorlikni oshirish va soliq ma’murchiligini takomillashtirish nuqtai nazaridan muhim ahamiyatga ega.

Adabiyotlar sharhi

Soliq qarzdorligi masalasi ilmiy adabiyotlarda asosan ikki yirik yo‘nalishda o‘rganiladi: birinchisi, soliq qarzdorligini davlat budjeti barqarorligi va soliq ma’murchiligi samaradorligi bilan bog‘liq institutsional muammo sifatida talqin qiluvchi yondashuv; ikkinchisi esa uni korxonaning moliyaviy holati, likvidligi va to‘lov intizomi bilan bog‘liq mikroiqtisodiy ko‘rsatkich sifatida baholovchi yondashuvdir[1,11]. O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksida soliq majburiyatlarini bajarish, soliq qarzini uzish talablari hamda soliq qarzini undirish mexanizmlari huquqiy jihatdan aniq belgilab qo‘yilgan bo‘lib, bu soliq qarzdorligini nafaqat moliyaviy, balki tartibga solinuvchi huquqiy-iqtisodiy kategoriya sifatida ko‘rishga asos yaratadi. Shu bois mazkur mavzuni o‘rganishda normativ-huquqiy asoslar bilan amaliy ko‘rsatkichlarni birgalikda tahlil qilish muhim hisoblanadi[3].

Xalqaro tashkilotlar tadqiqotlarida soliq qarzdorligi, avvalo, samarali soliq boshqaruvining muhim indikatori sifatida baholanadi. OECDning tax debt management bo‘yicha ishlanmalarida muvaffaqiyatli qarzdorlik boshqaruvi qarz yuzaga kelishidan oldingi profilaktik choralar, qarzdorlarni segmentlash, erta ogohlantirish, riskga asoslangan choralar va raqamli kuzatuv vositalari bilan bog‘lanadi. Mazkur yondashuvga ko‘ra, soliq qarzdorligini kamaytirish faqat majburiy undirish bilan emas, balki qarzdorlikning oldini olish, qarzdor guruhlarni toifalash va individual yondashuv orqali ham amalga oshirilishi kerak. Bu jihat ishlab chiqarish korxonalarida qarzdorlikni tahlil qilishda ayniqsa muhim, chunki bunday korxonalarda qarzdorlikning shakllanishi ko‘pincha aylanma mablag‘lar taqchilligi, uzoq ishlab chiqarish sikli va to‘lovlar kechikishi bilan bog‘liq bo‘ladi[1].

IMF manbalarida ham soliq ma’murchiligi samaradorligi va qarzdorlikni boshqarish o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlik alohida ta’kidlanadi. ISORA ma’lumotlariga asoslangan tadqiqotlarda soliq qarzdorligi, ayniqsa nizodagi qarzdorlik, ma’muriy jarayonlarning sifati, undirish tezligi va fiskal boshqaruv samaradorligini baholovchi ko‘rsatkichlardan biri sifatida talqin qilinadi. Shuningdek, IMFning keyingi ishlarida soliq ma’murchiligini kuchaytirish budjet tushumlarini oshirishga sezilarli ta’sir ko‘rsatishi qayd etiladi. Bu yondashuv mazkur tadqiqot uchun shuni anglatadiki, ishlab chiqarish korxonalaridagi soliq qarzdorligini hududlar kesimida tahlil qilish oddiy statistik tavsif emas, balki hududiy soliq ma’murchiligi sifatini bilvosita baholash imkonini ham beradi[9,10].

Jahon banki tadqiqotlarida esa soliq intizomi va qarzdorlik muammosi ko‘proq xulq-atvor iqtisodiyoti, ma’lumotlar integratsiyasi va raqamli boshqaruv nuqtai nazaridan yoritiladi[12]. Bu manbalarda soliqqa rioya qilishni kuchaytirishda faqat jazolash instrumentlari emas, balki ma’lumotga asoslangan maqsadli kommunikatsiya, xatti-harakatlarni oldindan baholash, elektron kuzatuv va uchinchi tomon ma’lumotlaridan foydalanish muhim ekani ko‘rsatiladi. Demak, soliq qarzdorligi muammosini samarali boshqarish uchun korxona faoliyati to‘g‘risidagi ma’lumotlarni hududiy va tarmoq kesimida tahlil qilish, riskli guruhlarni oldindan aniqlash va ular bilan differensial ishlash zarur bo‘ladi[10].

Mikroiqtisodiy yondashuv doirasidagi ayrim ilmiy ishlarda soliq qarzdorligi korxonaning moliyaviy beqarorligi va inqirozga yaqinlashuvining amaliy belgilaridan biri sifatida talqin qilingan[11]. Xususan, Estoniya korxonalari ma’lumotlari asosida o‘tkazilgan tadqiqotda soliq qarzdorligi moliyaviy koeffitsientlar eskirgan yoki yetarli bo‘lmagan sharoitda korxona

muvaffaqiyatsizligini prognozlashda foydali indikator bo‘lishi mumkinligi ko‘rsatilgan. Bu natija ishlab chiqarish korxonalaridagi soliq qarzdorligini faqat fiskal majburiyatning bajarilmasligi sifatida emas, balki korxonaning ichki moliyaviy muammolari, likvidlik yetishmovchiligi va boshqaruv zaifligining tashqi ko‘rinishi sifatida talqin qilish mumkinligini anglatadi.

O‘zbekiston amaliyotiga oid rasmiy manbalar esa mavzuning bevosita empirik asosini shakllantiradi. Soliq qo‘mitasi tomonidan 2025-yil davomida e’lon qilingan ma’lumotlarda 100 mln so‘mdan yuqori soliq qarziga ega ishlab chiqarish korxonalari soni va ularning jami qarzdorligi muntazam yoritib borilgan. Masalan, 2025-yil 1-iyun holatiga bunday korxonalar 955 tani, jami qarzdorlik 1,3 trln so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, 2025-yil 1-iyul holatiga korxonalar soni 1 103 taga, jami qarzdorlik esa 1 384,5 mlrd so‘mga yetgan. Bu ma’lumotlar hududlar bo‘yicha tafovutlar mavjudligini ham ko‘rsatadi va aynan shu jihat ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligini hududlar kesimida alohida tahlil qilish zaruratini kuchaytiradi[4,5,6,7,8,].

Ko‘rib chiqilgan manbalar tahlili shuni ko‘rsatadiki, mavjud adabiyotlarda asosan soliq qarzdorligini boshqarishning umumiy tamoyillari, soliq ma’murchiligi samaradorligi, raqamli boshqaruv va korxona moliyaviy holati bilan bog‘liqligi keng yoritilgan. Biroq O‘zbekiston sharoitida aynan ishlab chiqarish korxonalari misolida, hududlar kesimida soliq qarzdorligining tarkibi, farqlanish darajasi va uning hududiy iqtisodiy omillar bilan bog‘liqligi alohida, tizimli tahlil qilingan ishlar nisbatan cheklangan ko‘rinadi. Shu sababli mazkur maqola mavjud adabiyotlarni umumiy nazariy doiradan amaliy-hududiy tahlilga olib o‘tishi bilan ilmiy va amaliy jihatdan ahamiyat kasb etadi.

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot metodologiyasi sifatida tizimli yondashuv, qiyosiy tahlil, statistik-guruhlash, dinamik tahlil hamda hududiy kesimda taqqoslash usullaridan foydalanildi. Tadqiqot jarayonida ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligining holati, uning hududlar bo‘yicha taqsimlanishi, o‘zgarish tendensiyalari va farqlanish darajasi rasmiy statistik ma’lumotlar asosida o‘rganildi[2]. Shuningdek, soliq qarzdorligining shakllanishiga ta’sir etuvchi omillarni aniqlashda tahlil va sintez, umumlashtirish hamda mantiqiy mushohada usullaridan foydalanildi. Tadqiqotning axborot bazasini O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi, Statistika agentligi ma’lumotlari, amaldagi normativ-huquqiy hujjatlar hamda mavzuga oid ilmiy manbalar tashkil etdi. Mazkur metodologik yondashuv ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi holatini kompleks baholash, hududiy tafovutlarni aniqlash va ularni kamaytirishga qaratilgan ilmiy-amaliy xulosalar ishlab chiqish imkonini berdi.

Tahlil va natijalar

Ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi holatini baholashda uning nafaqat umumiy hajmini, balki davriy o‘zgarishi, qarzdor korxonalar soni, yirik qarzdorlar ulushi va hududiy jamlanish darajasini birgalikda tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki soliq qarzdorligi fiskal intizomning oddiy buzilishi emas, balki korxonalar moliyaviy barqarorligi, to‘lov qobiliyati hamda hududiy soliq ma’murchiligi samaradorligi bilan uzviy bog‘liq ko‘rsatkichdir. Shu nuqtai nazardan, 2024-yil oxiri va 2025-yil davomida soliq qarzi 100 mln so‘mdan yuqori bo‘lgan ishlab chiqarish korxonalari bo‘yicha rasmiy ma’lumotlarni tahlil qilish mazkur muammoning dinamik xususiyatini ochib beradi[2,3].

Eng avvalo, ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi 2024-yil noyabridan 2025-yil sentabriga qadar yuqori darajada saqlanib qolganini ko‘rsatadi. 2024-yil 1-noyabr holatida 927 ta korxonaning jami soliq qarzdorligi 1 178,0 mlrd so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, 2024-yil 1-dekabr holatiga bu ko‘rsatkich 1 270,1 mlrd so‘mga, 2025-yil 1-yanvar holatiga esa 1 361,3 mlrd so‘mga yetgan. Bu davrda qarzdor korxonalar soni dekabrda o‘zgarmagan bo‘lsa-da, yanvar holatida 901 tagacha kamaygan, biroq jami qarzdorlik hajmining oshishi qarz yukining nisbatan kamroq, lekin yirikroq qarzdorlar hissasida to‘planganini ko‘rsatadi. Ayniqsa, 2025-yil 1-yanvar holatida Top-10 korxona ulushining 32,2 foizga chiqishi qarzdorlikning yuqori konsentratsiyalashgan

bosqichini ifodalaydi(1-jadval).

1-jadval

Ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi ko‘rsatkichlarining kengaytirilgan dinamikasi*

Holat sanasi	Soliq qarzi 100 mln so‘mdan yuqori korxonalar soni, ta	Jami soliq qarzdorligi, mlrd so‘m	Top-10 korxona qarzi, mlrd so‘m	Top-10 ulushi, %	Top-1 hudud/HSI, mlrd so‘m	Top-2 hudud, mlrd so‘m	Top-3 hudud, mlrd so‘m
2024-yil 1-noyabr	927	1 178,0	338,0	28,7	Andijon – 218,4	Toshkent vil. – 173,5	YST bo‘yicha HSI – 159,5
2024-yil 1-dekabr	927	1 270,1	396,7	31,2	YST bo‘yicha HSI – 245,1	Andijon – 235,7	Toshkent vil. – 190,3
2025-yil 1-yanvar	901	1 361,3	438,1	32,2	YST bo‘yicha HSI – 296,6	Andijon – 220,5	Toshkent vil. – 200,5
2025-yil 1-aprel	1 014	1,2 trln so‘mga yaqin	264,8	22,1	Toshkent vil. – 214,0	YST bo‘yicha HSI – 178,3	Andijon – 152,0
2025-yil 1-iyun	955	1,3 trln so‘m	334,2	25,8	Toshkent vil. – 267,5	Andijon – 128,4	Qoraqalpog‘iston – 99,3
2025-yil 1-iyul	1 103	1 384,5	372,0	26,9	Andijon – 227,9	Toshkent vil. – 217,2	Qoraqalpog‘iston – 99,8
2025-yil 1-sentabr	1 011	1,2 trln so‘m	277,3	23,0	Toshkent vil. – 280,4	Andijon – 139,4	Qoraqalpog‘iston – 109,1

**Manba: O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi rasmiy ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.*

2025-yilning keyingi davrlarida esa vaziyat biroz boshqacha tus olgan. 2025-yil 1-aprel holatida qarzdor korxonalar soni 1 014 taga yetgan, biroq jami qarzdorlik 1,2 trln so‘mga yaqin darajada qayd etilgan va Top-10 korxonalar ulushi 22,1 foizgacha pasaygan. Bu holat qarzdorlikning yirik korxonalarda haddan tashqari jamlanishidan ko‘ra, ko‘proq korxonalar orasida yoyila boshlaganini anglatadi. 2025-yil 1-iyun holatida qarzdor korxonalar soni 955 taga tushgan bo‘lsa-da, jami qarzdorlik 1,3 trln so‘m darajasida qolgan. 2025-yil 1-iyul holatida esa qarzdor korxonalar soni 1 103 taga yetib, kuzatilgan davr ichida eng yuqori ko‘rsatkichni qayd etgan, jami qarzdorlik esa 1 384,5 mlrd so‘mni tashkil etgan. 2025-yil 1-sentabr holatiga kelib korxonalar soni 1 011 taga, Top-10 korxonalar ulushi esa 23,0 foizga tushgan. Bu jarayon soliq qarzdorligi muammosi ayrim yirik subyektlar bilan cheklanib qolmay, kengroq korxonalar qatlamiga tarqalayotganini ko‘rsatadi.

Mazkur natijalar ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi shakllanishining ikki xil tendensiyasini ko‘rsatadi. Birinchi tendensiya — ayrim davrlarda qarzdorlik yirik korxonalarda jamlanadi. Buni 2024-yil dekabr va 2025-yil yanvar holatidagi 31,2 hamda 32,2 foizlik konsentratsiya darajasi tasdiqlaydi. Ikkinchi tendensiya — ayrim davrlarda qarzdorlik ko‘proq korxonalar orasida yoyiladi; 2025-yil aprel, iyul va sentabr holatlarida Top-10 ulushining 22,1–26,9 foiz oralig‘ida shakllanishi aynan shu jarayonni anglatadi. Demak, ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi muammosi bir vaqtning o‘zida ham yirik qarzdorlar, ham o‘rta toifadagi ko‘plab subyektlar bilan bog‘liq kompleks xarakterga ega.

Jadvaldagi hududiy ko‘rsatkichlar ham muhim xulosalar chiqarish imkonini beradi. Tahlil qilinayotgan davrda Andijon viloyati va Toshkent viloyati deyarli barcha kesimlarda yuqori qarzdorlik ko‘rsatkichlari bilan ajralib turgan. Masalan, 2024-yil 1-noyabr holatida Andijon viloyati 218,4 mlrd so‘m bilan birinchi o‘rinda bo‘lgan bo‘lsa, 2025-yil 1-iyun holatida Toshkent viloyati 267,5 mlrd so‘m, 2025-yil 1-sentabr holatida esa 280,4 mlrd so‘m bilan yetakchi

pozitsiyani egallagan. Qoraqalpog‘iston Respublikasi esa 2025-yil iyun, iyul va sentabr holatlarida Top-3 tarkibida muntazam qayd etilgan. Bu hududlar bo‘yicha qarzdorlikning barqaror ravishda yuqori darajada saqlanayotgani ishlab chiqarish quvvatlari yuqoriligi, korxonalar soni ko‘pligi, aylanma mablag‘lar bosimi yoki hududiy to‘lov intizomidagi muammolar bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin.

Shu bilan birga, jadvalda yirik soliq to‘lovchilar bo‘yicha hududlararo inspeksiya bir necha davrda eng yuqori ko‘rsatkichlar qatorida qayd etilgani ham e’tiborga loyiq. 2024-yil 1-dekabr holatida ushbu toifa 245,1 mlrd so‘m, 2025-yil 1-yanvar holatida esa 296,6 mlrd so‘m bilan eng katta ko‘rsatkichni bergan. Bu holat ayrim yirik ishlab chiqarish subyektlarining soliq qarzdorligi umumiy ko‘rsatkichlarga sezilarli ta’sir ko‘rsatayotganini anglatadi. Boshqacha aytganda, hududiy tahlil bilan bir qatorda yirik soliq to‘lovchilar segmenti ham alohida nazorat va tahlilni talab qiladi.

Tahlil natijalaridan ko‘rinadiki, ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi bir xil yo‘nalishda kamayib bormagan. Aksincha, davrlar bo‘yicha korxonalar soni, qarzdorlik hajmi va yirik qarzdorlar ulushida tebranishlar mavjud. Bu esa muammoning mavsumiy yoki tasodifiy emasligini, balki ishlab chiqarish korxonalari faoliyatida mavjud moliyaviy tanglik, tushumlar kechikishi, debitor qarzdorlik, xarajatlar bosimi va ayrim hollarda boshqaruvdagi kamchiliklar bilan bog‘liq tizimli xarakterga ega ekanini ko‘rsatadi. Ayniqsa, qarzdorlik hajmi ayrim oylar kesimida 1,2–1,38 trln so‘m diapazonida saqlanib qolgani ishlab chiqarish sektorida fiskal xavfning sezilarli ekanini anglatadi.

Olingan natijalar asosida shuni ta’kidlash mumkinki, ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligini kamaytirish bo‘yicha choralar umumiy yondashuv bilan cheklanmasligi kerak. Birinchidan, qarzdorlik yuqori jamlangan hududlarda manzilli profilaktik va monitoring tizimini kuchaytirish lozim. Ikkinchidan, yirik soliq to‘lovchilar segmentida qarzdorlikning konsentratsiyalashuvini inobatga olib, ular bo‘yicha individual nazorat mexanizmlarini takomillashtirish zarur. Uchinchidan, Top-10 ulushi pasaygan davrlarda qarzdorlikning ko‘plab korxonalar orasiga yoyilayotganini hisobga olib, o‘rta darajadagi ishlab chiqarish korxonalari bilan ishlash amaliyotini ham kuchaytirish talab etiladi. Demak, ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligini kamaytirish hududiy, segmentli va differensial boshqaruv usullariga asoslanishi maqsadga muvofiqdir.

Xulosa

Amalga oshirilgan tahlillar ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi muammosi 2024-yil oxiri va 2025-yil davomida ham dolzarb bo‘lib qolganini ko‘rsatdi. Jadval ma’lumotlariga ko‘ra, soliq qarzi 100 mln so‘mdan yuqori bo‘lgan ishlab chiqarish korxonalari soni va ularning jami qarzdorligi ayrim davrlarda sezilarli tebrangan bo‘lsa-da, umumiy holatda qarzdorlikning yuqori darajada saqlanib qolishi kuzatildi. Bu esa ishlab chiqarish korxonalarida soliq majburiyatlarini bajarish jarayoni hali ham moliyaviy barqarorlik, to‘lov qobiliyati va boshqaruv samaradorligi bilan chambarchas bog‘liq murakkab masala ekanini tasdiqlaydi.

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, soliq qarzdorligi ayrim davrlarda yirik korxonalarda kuchli jamlangan, ayrim davrlarda esa ko‘proq korxonalar orasiga yoyilgan. Demak, mazkur muammo faqat yirik qarzdor subyektlar bilan emas, balki o‘rta darajadagi ko‘plab ishlab chiqarish korxonalari bilan ham bog‘liqdir. Shu jihatdan soliq qarzdorligi ishlab chiqarish sektorida faqat fiskal intizom buzilishi emas, balki moliyaviy tanglik, aylanma mablag‘lar yetishmovchiligi, tushumlar kechikishi va debitor-kreditor qarzdorlik bilan uzviy aloqador ko‘rsatkich sifatida namoyon bo‘ladi.

Hududlar kesimidagi tahlil esa soliq qarzdorligi barcha hududlarda bir xil shakllanmasligini ko‘rsatdi. Andijon viloyati, Toshkent viloyati hamda ayrim davrlarda Qoraqalpog‘iston Respublikasi va yirik soliq to‘lovchilar bo‘yicha hududlararo inspeksiya ko‘rsatkichlarining yuqoriligi qarzdorlikning hududiy va segmentli xarakterga ega ekanini anglatadi. Bu holat ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligini kamaytirishda yagona

umumiy choralar yetarli emasligini, balki hududlar va soliq to‘lovchilar toifalari bo‘yicha differensial yondashuv zarurligini ko‘rsatadi.

Shundan kelib chiqib, ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligini qisqartirish uchun bir necha muhim yo‘nalishlarni kuchaytirish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Xususan, qarzdorlik yuqori jamlangan hududlarda manzilli monitoring tizimini kengaytirish, yirik soliq to‘lovchilar bo‘yicha individual nazorat mexanizmlarini takomillashtirish, o‘rta korxonalar orasida to‘lov intizomini mustahkamlash hamda soliq qarzdorligini korxonalarning moliyaviy holati bilan bog‘liq holda erta aniqlash amaliyotini rivojlantirish zarur. Shu bilan birga, soliq ma’murchiligida profilaktik va ogohlantiruvchi instrumentlardan samarali foydalanish, qarzdorlikni faqat undirish obyekti sifatida emas, balki iqtisodiy xavf indikatori sifatida baholash muhim ahamiyat kasb etadi.

Umuman olganda, tadqiqot natijalari ishlab chiqarish korxonalarida soliq qarzdorligi muammosi tizimli xarakterga ega ekanini, uning hududiy tafovutlar asosida shakllanishini va uni boshqarishda kompleks yondashuv zarurligini ko‘rsatdi. Mazkur xulosalar ishlab chiqarish korxonalarida soliq intizomini mustahkamlash, hududiy fiskal barqarorlikni oshirish va soliq ma’murchiligini yanada takomillashtirish bo‘yicha keyingi ilmiy izlanishlar hamda amaliy qarorlar uchun muhim asos bo‘lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. OECD. (2019). Successful tax debt management: Measuring maturity and supporting change. OECD Publishing.

2. Statistika agentligi. (2025). O‘zbekiston Respublikasidagi korxona va tashkilotlar to‘g‘risida ma’lumotlar (2025-yil 1-mart holatiga).

3. O‘zbekiston Respublikasi Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi. (2019, 30-dekabr). O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi.

4. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi. (2024, 16-dekabr). Ishlab chiqarish korxonalarining soliq qarzdorligi.

5. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi. (2025, 16-yanvar). Ishlab chiqarish korxonalarining soliq qarzdorligi.

6. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi. (2025, 16-aprel). Ishlab chiqarish korxonalarining soliq qarzdorligi.

7. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi. (2025, 16-iyul). Ishlab chiqarish korxonalarining soliq qarzdorligi.

8. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi. (2025, 16-sentabr). Ishlab chiqarish korxonalarining soliq qarzdorligi.

9. International Monetary Fund. (2021a). ISORA 2018: Understanding revenue administration. International Monetary Fund.

10. International Monetary Fund. (2021b). The revenue administration gap analysis program: An analytical framework for personal income tax gap estimation. International Monetary Fund.

11. Lukason, O., & Valgenberg, G. (2021). Failure prediction in the condition of information asymmetry: Tax arrears as a substitute when financial ratios are outdated. Journal of Risk and Financial Management, 14(10), 470.

12. Prichard, W., Custers, A., Dom, R., Davenport, S., & Roscitt, M. (2019). Innovations in tax compliance: Conceptual framework. World Bank.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA KRIPTOVALYUTALAR: MOLIYAVIY IMKONIYATLAR VA XAVF-XATARLAR TAHLILI

G‘aybullayeva Zilola Raxmatullo qizi
O‘zbekiston Milliy Universiteti
Iqtisodiyot fakulteti moliya va kredit
kafedrasi o‘qituvchisi
E-mail: zilola_gaybullaeva@bk.ru
ORCID: 0009-0000-3137-8127

Ma’murjonova Feruza Muzaffar qizi
O‘zbekiston Milliy Universiteti
iqtisodiyot fakulteti 1-bosqich talabasi
E-mail: muzaffarovna0811@gmail.com

Annotatsiya. *Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot va kriptovalyutalar jadal rivojlanib bormoqda. Bu esa mamlakat iqtisodiyotiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Ushbu maqolada kriptovalyutalarning raqamli iqtisodiyotdagi o‘rni va mavjud xavf-xatarlari tahlil qilingan.*

Kalit so‘zlar*: Kriptovalyuta, raqamli iqtisodiyot, blokcheyn texnologiyasi, moliyaviy aktivlar, volatillik, provayderlar, kripto-birja, kripto-do’kon, kripto-depozitariy.*

CONTEXT OF THE DIGITAL ECONOMY: ANALYSIS OF CRYPTOCURRENCIES IN THE FINANCIAL OPPORTUNITIES AND RISKS

Zilola Rahmatullayevna Gaybullayeva
Lecturer
Department of Finance and Credit,
National University of Uzbekistan
E-mail: zilola_gaybullaeva@bk.ru
ORCID: 0009-0000-3137-8127
Feruza Muzaffar qizi Ma’murjonova
First-year Student
Finance and Financial Technologies
National University of Uzbekistan
E-mail: muzaffarovna0811@gmail.com

Abstract. *Currently, the digital economy and cryptocurrencies are rapidly developing, which significantly affects the national economy. This article analyzes the role of cryptocurrencies in the digital economy, as well as their potential risks and threats.*

Keywords*: Cryptocurrency, digital economy, blockchain technology, financial assets, crypto-asset service provider (CASP), cryptocurrency exchange, crypto shop, crypto depository.*

КРИПТОВАЛЮТЫ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ: АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ И РИСКОВ

Гайбуллаева Зилола Рахматулло кизи
преподаватель кафедры
финансы и кредит
экономического факультета
Национального университета Узбекистана
E-mail: zilola_gaybullaeva@bk.ru
ORCID: 0009-0000-3137-8127
Маъмуржонова Феруза Музаффар кизи

студентка
1-го курса направления
финансы и финансовые технологии
национальный университет Узбекистана
E-mail: muzaffarovna0811@gmail.com

***Аннотация**. В настоящее время цивровая экономика и криптовалюты стремительно развиваютсяю. Это, в свою очередь, оказивает значительное влияние на экономику страны. В данной статье проанализированы роль в цифровой экономике и существующие риски, связанные с ними.*

***Ключевые слова:** криптовалюта, цифровая экономика, технология блокчейн, финансовые активы, волатильность, провайдер услуг в сфере оборота крипто-активов, крипто-биржа, крипто-магазин, крипто-депозитарий.*

Kirish

Kriptovalyutalar bozori bugungi kunda raqamli valyutalarning eng tez rivojlanayotgan tizimidir. O‘zbekiston Respublikasi prezidentining 2018-yil 3-iyuldagi “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni va kriptovalyutalarni rivojlantirish chora-tabdbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3832-son qaroriga muvofiq, mayning(mining) kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi faoliyatning bir turi hisoblanadi[1]. Bu turdagi moliyaviy aktivlar blokcheyn texnologiyasi asosida markazlashmagan tizimda, ya’ni bank va hukumatdan mustaqil holda ishlaydi. Kriptovalyutalar xalqaro moliya tizimida yuqori o‘rinlarni egallashi va ko‘p imkoniyatlari borligiga qaramasdan, uning xavf-xatarlari ham kundan kunga ortib bormoqda. Kriptovalyutalar blockchain texnologiyasiga asoslangan raqamli aktivlar bo‘lib, ular global moliya bozorining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Bitcoin, Ethereum kabi kriptovalyutalar investorlar uchun yangi investitsiya imkoniyatlarini yaratib, yuqori daromad olish imkoniyatini taqdim etmoqda. Shu bilan birga, kriptovalyutalar yuqori volatillik darajasi, narxlarning keskin o‘zgaruvchanligi va huquqiy tartibga solish bilan bog‘liq noaniqliklar sababli muayyan xavf-xatarlarni keltirib chiqarmoqda. Shu sababli kriptovalyutalarning moliyaviy aktiv sifatidagi xususiyatlarini,ularning daromadlilik va risklilik darajasini ilmiy asosda o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi.

2013-yilda Vitalik Buterin tomonidan Ethereum platformasining yaratilishi kriptoyekotizim rivojlanishida yangi bosqichni boshlab berdi. Ethereum aqlli shartnomalar (smart contracts) va markazlashtirilmagan ilovalar (dApps) yaratish imkonini berdi. Bu esa blokcheyn texnologiyasini oddiy to‘lov vositasidan ko‘ra kengroq iqtisodiy platformaga aylantirdi. 2021-yil kriptobozor uchun rekord davr bo‘ldi. Bitcoin narxi 69 ming AQSH dollarigacha ko‘tarildi, global kriptobozor kapitallashuvi esa 2,9 trillion dollardan oshdi. 2023–2024-yillarda esa institusional investorlar, jumladan yirik investisiya fondlari va moliyaviy kompaniyalar kriptoaktivlarga faol kirib kela boshladi. AQSHda Bitcoin ETF fondlarining tasdiqlanishi kriptovalyutalarning an’anaviy moliya tizimiga integratsiyalashuvini tezlashtirdi. Shuningdek, ayrim davlatlar kriptovalyutalarga nisbatan turli huquqiy yondashuvlarni qo‘llamoqda. Masalan, Yaponiya Bitcoinni to‘lov vositasi sifatida tan olgan bo‘lsa, AQSHda u mulk sifatida soliqqa tortiladi. Yevropa Ittifoqida esa 2023- yilda MiCA (Markets in Crypto-Assets) reglamenti qabul qilindi[2]. Mazkur tadqiqotning maqsadi kriptovalyutalarning raqamli iqtisodiyot va moliya tizimidagi o‘rni, investitsiya sifatidagi imkoniyatlari va xavf-xatarlarini tahlil qilish hamda O‘zbekiston sharoitida ulardan foydalanish istiqbollarini baholashdan iborat.

Adabiyotlar sharhi

Kriptovalyutalar raqamli iqtisodiyotdagi keng qamrovli soha bo‘lib, ushbu masala Yevropa, MDH va O‘zbekiston olimlari tomonidan keng o‘rganilib, kriptovalyutalarning moliyaviy tizimdagi roli, imkoniyatlari va xavf-xatarlari ilmiy jihatdan tahlil qilingan.

Nakamoto(2008) Bitcoinni markazlashmagan holda ishlaydigan raqamli valyuta sifatida yaratadi. U blokcheyn texnologiyasi bilan ishlagani bois tranzaksiyalar xavfsiz va shaffof tarzda amalga oshadi[3].

Hileman (2017) kriprovalyutalar global moliyaviy tizimda yangi sifatida shakllanib, xalqaro to‘lov tizimini soddalashtirishini ta’kidlaydi. Bundan tashqari u global kriptovalyuta bozorini o’rganib, foydalanuvchilar soni, mining, birjalar faoliyatini tahlil qiladi[4].

Sergey Guriyev raqamli moliyaviy instrumentlar iqtisodiy samaradorlikni oshirsa-da,ularni tartibga solish mexanizmlari zarurligini ta’kidlaydi[5].

Valentin Katasonov kriptovalyutalarni nazoratsiz moliyaviy instrument sifatida baholab, ularning milliy iqtisodiyotga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkinligini qayd etadi[6].

Raqamli moliya tizimining asosi hisoblangan blokcheynga Tapscott tomonidan “ishonch protokoli” sifatida qaralgan. Uning tadqiqotlariga ko‘ra, an’anaviy iqtisodiyotda tranzaksiyalar markazlashgan tizimlar tomonidan amalga oshirilgan bo‘lsa, raqamli iqtisodiyotda markazlashmagan reyestr texnologiyasi tomonidan amalga oshiriladi.Bu esa o‘z navbatida xarajatlarni kamaytirish va iqtisodiy barqarorlikni oshirish imkonini beradi.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu tadqiqotda mavzuni yoritish uchun turli usullardan foydalanildi, shu o‘rinda kriptovalyutalarning moliya tizimini baholash uchun tizimli, miqdoriy hamda SWOT tahlil usullaridan foydalanildi. Tadqiqotning empirik asosi sifatida CoinMarketCap ma’lumotlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi ma’lumotlari tahlil qilindi.

Tahlil va natijalar

Raqamli iqtisodiyot sharoitida kriptovalyutalar bozorining rivojlanishi va uning o‘ziga xos jihatlarini aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi. Buning uchun eng avvalo uning narxining yuqori volatillik darajasini o‘rganish lozim. Quyida grafikda Bitcoin narxining 2025-yildagi o‘zgarish dinamikasi tahlil qilindi.



1-rasm. Bitcoin narxining 2025-yildagi o‘zgarishi[7]

Ko‘rsatkichlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, 2025-yilda Bitcoin narxi sezilarli darajada tebranishlarga uchragan. Yil boshidagi narx taxminan 102 ming dollar bo‘lgan bo‘lsa, mart oyida bu ko‘rsatkich 83 ming dollarga pasaygan, bu esa taxminan 18,6 foizlik pasayishni tashkil etadi. Shundan so‘ng, keyingi oylar davomida narxlar asta-sekin ko‘tarilib, iyul oyida mart oyiga nisbatan qariyb 28 foizga, ya’ni 116 ming dollarga oshgan. Biroq avgust-sentyabr oylarida narx narxning yana pasayishi kuzatilib, bu esa kriptovalyutalar bozorining beqarorligini yana bir bor tasdiqlaydi. Oktyabr oyida narx taqriban 110 ming dollar bo‘lgan bo‘lsa, yil oxiriga kelib, 87 ming dollarga tushgan. Bu esa yil boshiga nisbatan 14 foizga tushishni anglatadi. Umuman olganda, ushbu dinamika orqali biz Bitcoin narxining yuqori volatillikka ega ekanligini, ya’ni keskin

o‘zgarishini tushunishimiz mumkin.

Global bozorda kuzatilgan ushbu o’sish dinamikasi O’zbekiston milliy kriptovalyutalar bozoriga ham o’z ta’sirini ko’rsatdi. Xususan, xalqaro maydonda raqamli aktivlarga bo’lgan qiziqish ortishi natijasida, mamlakatimizda qonuniy faoliyat yurituvchi xizmat provayderlar soni ham sezilarli darajada oshdi. Buni quyidagi jadval orqali ko’rishimiz mumkin:

1-jadval.

O’zbekiston Respublikasida kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi litsenziyalangan xizmat provayderlar soni va tarkibi(2022-2025-yy)[8]

Yil	Kripto-birja	Kripto do’kon	Kripto depozitariy	Jami provayderlar soni
2022	1	0	0	1
2023	2	7	0	9
2024	2	10	3	15
2025	3	12	6	21

*Manba: NAPP ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

1-jadval ma’lumotlaridan ko’rinib turibdiki, 2022-yilda 1 ta xizmat provayderi faoliyat yuritgan bo’lsa, 2025-yilga kelib ularning soni 21 taga yetgan. Bu orqali bozor hajmining qisqa muddat ichida 21 baravarga oshganini bildiradi. Provayderlar tarkibini tahlil qiladigan bo’lsak, eng yuqori o’sish sur’atlari kripto-do’konlar ulushiga to’g’ri kelmoqda. 2023-yil holatiga ko’ra, ularning soni 7 tani tashkil etgan bo’lsa, 2025-yilga kelib, 12taga ko’tarilgan. 2024-yilda shakllangan yangi institut – kripto-depozitariylar soni esa 2 yil davomida 2 barobarga oshgan: 2024-yilda 3 ta kripto-depozitariy o’z faoliyatini boshlagan bo’lsa, 2025-yilda ularning soni 6 tani tashkil etgan. Bundan tashqari, kripto-birjalar miqdorida ham biroz bo’lsa-da o’sish kuzatilgan, 2022-yilda bitta kripto-birja mavjud bo’lgan bo’lsa, 2025-yilda bu ko’rsatkich 3 taga ko’tarilgan.

Umuman olganda, tahlil natijalari Bitcoin narxining o’sishi mamlakatda kripto xizmatlar infratuzilmasining kengayishi, xususan, provayderlar sonining ortishi bilan muayyan darajada bog’liqlikni ko’rsatadi.

Tadqiqot natijalari asosida kriptovalyutalar bozorining strategik holatini SWOT tahlil orqali quyidagicha baholash mumkin:

1-jadval.

Kriptovalyutalar bozorining SWOT tahlili*

Strengths(Kuchli tomonlari)	Weaknesses(Zaif tomonlari)
• Kriptovalyutalar markazlashmagan tizim asosida ishlaydi, bu esa banklar va vositachilarga bog‘liqlikni kamaytiradi • Xalqaro to‘lovlarni tez va nisbatan oson amalga oshirish imkonini beradi. • Yuqori daromad olish imkoniyati mavjud(narx o‘sishi hisobiga)	• Yuqori volatillik(narxning keskin o‘zgarishi) • Ko‘plab davlatlarda qonuniy tan olinmagan • Xakerlik va firibgarlik xavfi mavjud
Opportunities(Imkoniyatlar)	**Threats(Xavf-xatarlar)**
• Raqamli iqtisodiyot rivojlanishi bilan kriptovalyutalarga talab oshib bormoqda • Markaziy banklar tomonidan raqamli valyutalarni joriy etish imkoniyati • Fintech texnologiyasi yordamida integratsiya qilish imkoniyati	• Narxlarning keskin pasayishi investorlar uchun katta yo‘qotishlarga sabab bo‘lishi mumkin • Kiberxavfsizlik muammolari va firibgarlik holatlari

*Manba: NAPP ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

SWOT tahlil natijalari shuni ko‘rsatadiki, kriptovalyutalar bozori to‘lovlarni tez va oson amalga oshirishiga qaramasdan, firibgarlik xavflari ham yo‘q emas. Tahlilga ko‘ra, kriptovalyutalar markazlashmagan tizim va yuqori daromad olish imkoniyatlari bo‘lishi kabi ustunliklarga ega. Shu bilan birga uning bir qancha zaif tomonlari ham mavjud bo‘lib, yuqori volatillik, qonuniy tartibga solishning yetarli rivojlanmaganligi foydalanuvchilar uchun bir qancha cheklovlarni keltirib chiqaradi. Biroq, imkoniyatlar nuqtayi nazaridan, raqamli iqtisodiyot oshgani sayin, kriptovalyutalarga bo‘lgan talab ham oshib bormoqda.

Xulosa

Raqamli iqtisodiyot sharoitida kriptovalyutalar moliyaviy tizimda muhim ahamiyatga ega. Yuqoridagi tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, kriptovalyutalar bozori yuqori volatillikka ega bo‘lib, narxlar keskin o‘sishi yoki keskin tushib ketishi mumkin. Bu esa o‘z navbatida investorlarga yuqori daromad olib kelishi bilan birgalikda, katta yo‘qotishga ham sabab bo‘lishi mumkin. Shuningdek SWOT tahlil natijalariga ko‘ra, kriptovalyutalarni imkoniyatlari va kuchli tomonlari bilan birgalikda, uning zaif tomonlari ham yo‘q emas.

Taqdiqot natijalariga ko‘ra quyidagi takliflarni ilgari surish mumkin:

Birinchidan, davlat tomonidan kriptovalyutalar bozorini tartibga solish mexanizmlari takomillashtirilishi lozim.

Bundan tashqari kriptovalyutalar bilan bog’liq risklarni kamaytirish uchun aholining moliyaviy savodxonligini oshirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish mumkin.

Uchinchidan Kriptovalyutalar tranzaksiyalari jarayonida firibgarlik holatlarini oldini olish va shaffoflikni ta’minlash choralarini kuchaytirish zarur.

To’rtinchidan blokcheyn texnologiyalarini rivojlantirish va iqtisodiyotning turli tarmoqlariga blokcheyn texnologiyalarini joriy etish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Xulosa o‘rnida aytish joizki, taklif etilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish orqali kripto-bozorda barqarorlikni ta’minlash va undagi risklarni kamaytirish mumkin. Bu esa nafaqat investorlar uchun xavfsiz muhit yaratadi, balki raqamli iqtisodiyot taraqqiyotiga ham kuchli turtki beradi. Bu esa o‘z navbatida, kriptovalyutalarning ommabop to‘lov vositasiga aylanishi uchun zamin yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 3-iyuldagi “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni kripto-aktivlar aylanmasi sohasini rivohlantirish to‘g‘risida” gi PQ-3832-sonli Qarori https://lex.uz/uz/docs/-3806053

2. Гуриев.С.М. Цифровая экономика: перспективы и вызовы // Вопросы экономики. – 2018

3. Катасонов.В.Ю. Цифровые финансы и криптовалюты. – Москва: Книжный мир, 2019. – 320 с

4. Nakamoto. Bitcoin: A Peer-to-peer electronic cash system. – 2008

5. Hileman.G. Rauchs M. Global Crytocurrency Benchmarking Study. Cambridge Centre for Alternative Finance, 2017.

6. Karimovich R. M. et al. RAQAMLI IQTISODIYOTDA KRIPTOVALYUTALAR VA ULARNING INVESTISION JOZIBADORLIGINI TAHLIL QILISH //PEDAGOGS INTERNATIONAL RESEARCH JOURNAL. – 2026. – Т. 100. – №. 1. – С. 243-251.

7. Global Crypto Market Cap Charts // Coin Market Cap: [elektron resurs]. – 2025. – URL: https://coinmarketcap.com/charts/

8. O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi (NAPP). Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziyalarning elektron reyestri // NAPP rasmiy veb-sayti. – 2026. – URL: https://napp.uz/oz/pages/service-providers

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

BUXGALTERIYA AXBOROTI STRATEGIK MENEJMENT QARORLARINING LEGITIMLIGI KAFOLATI SIFATIDA

Umarxodjayeva Muyassar Ganiyevna
iқtisodiёt fanlari nomzodi, professor
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
ORCID: 0009-0004-5824-3395
e-mail:m.umarhodjaeva@tsue.uz

Nishonova Ma’mura Yusupovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
MBR-96/21 guruhi talabasi
myusupovna88@gmail.com

Annotatsiya: *Maqolada strategik menejment qarorlarini qabul qilish jarayonida buxgalteriya axborotining o‘rni va ahamiyati kompleks tarzda tahlil qilinadi. Tadqiqotda buxgalteriya hisobi ma’lumotlari menejmentning uzoq muddatli strategik rejalashtirish, resurslarni taqsimlash, risklarni boshqarish va korxona raqobatbardoshligini oshirishdagi asosiy axborot manbai sifatida qaraladi. Konseptual tahlil asosida moliyaviy hisobotlar, boshqaruv hisobi va audit axborotlarining strategik qarorlarga ta’sir mexanizmlari aniqlanadi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, buxgalteriya axborotining sifati va ishonchliligi menejment qarorlarining samaradorligini belgilovchi muhim omil hisoblanadi. Maqola natijalari menejment va moliyaviy boshqaruv sohasida ilmiy va amaliy ahamiyatga ega.*

Kalit so‘zlar: *strategik menejment, buxgalteriya axboroti, boshqaruv qarorlari, boshqaruv hisobi, audit, strategik rejalashtirish.*

БУХГАЛТЕРСКАЯ ИНФОРМАЦИЯ КАК ГАРАНТИЯ ЛЕГИТИМНОСТИ РЕШЕНИЙ СТРАТЕГИЧЕСКОГО МЕНЕДЖМЕНТА

Умарходжаева Муяссар Ганиевна
кондидат экономичиский наук, профессор
Ташкентский государственный экономический университет
ORCID: 0009-0004-5824-3395
e-mail:m.umarhodjaeva@tsue.uz

Нишонова Маъмура Юсуповна
студент группы MBR-96/21,
Ташкентского государственного экономического университета
myusupovna88@gmail.com

Аннотация: *В статье комплексно анализируется роль и значение бухгалтерской информации в процессе принятия стратегических управленческих решений. В исследовании данные бухгалтерского учета рассматриваются как основной источник информации в долгосрочном стратегическом планировании менеджмента, распределении ресурсов, управлении рисками и повышении конкурентоспособности предприятия. На основе концептуального анализа определяются механизмы влияния финансовой отчетности, управленческого учета и аудиторской информации на стратегические решения. Результаты исследования показывают, что качество и достоверность бухгалтерской информации является важным фактором, определяющим эффективность управленческих*

решений. Результаты статьи имеют научное и практическое значение в области менеджмента и финансового управления.

Ключевые слова: *стратегический менеджмент, бухгалтерская информация, управленческие решения, управленческий учет, аудит, стратегическое планирование.*

ACCOUNTING INFORMATION AS A GUARANTEE OF THE LEGITIMACY OF STRATEGIC MANAGEMENT DECISIONS

Umarkhodzhaeva Muyassar Ganievna

Candidate of Economic Sciences, Professor
Tashkent State University of Economics
E-mail: m.umarhodjaeva@tsue.uz
ORCID: 0009-0004-5824-3395

Nishanova Mamura Yusupovna

student of group MBR-96/21 of
Tashkent State University of Economics
myusupovna88@gmail.com

Abstract: *The article comprehensively analyzes the role and importance of accounting information in the process of making strategic management decisions. In the study, accounting data are considered as the main source of information for management in long-term strategic planning, resource allocation, risk management, and increasing the competitiveness of the enterprise. Based on conceptual analysis, the mechanisms of influence of financial statements, management accounting, and audit information on strategic decisions are determined. The research results show that the quality and reliability of accounting information is an important factor determining the effectiveness of management decisions. The results of the article have scientific and practical significance in the field of management and financial management.*

Keywords: *strategic management, accounting information, management decisions, management accounting, audit, strategic planning.*

Kirish

O‘zbekiston iqtisodiyotida amalga oshirilayotgan tarkibiy islohotlar, korxonalar faoliyatida bozor tamoyillarining kengayishi hamda raqobat muhitining kuchayishi strategik menejment qarorlariga bo‘lgan talabni oshirmoqda. Strategik qarorlar korxonaning uzoq muddatli rivojlanishini belgilovchi asosiy boshqaruv vositasi bo‘lib, ularning samaradorligi bevosita foydalaniladigan axborotning sifati va ishonchliligiga bog‘liq.

Mazkur jarayonda buxgalteriya axboroti menejment uchun eng muhim va tizimli axborot manbai hisoblanadi. Moliyaviy va boshqaruv hisobi orqali shakllantirilgan ma’lumotlar strategik rejalashtirish, investitsiya siyosatini ishlab chiqish hamda risklarni baholashda asosiy rol o‘ynaydi. Shu bois, strategik menejment va buxgalteriya axboroti o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni ilmiy jihatdan asoslash dolzarb hisoblanadi.

Bugungi kunda davlat va nodavlat sektorlarida faoliyat yuritayotgan tashkilotlar o‘zlarining moliyaviy ahvolini baholashda, xatarlarni aniqlashda va kelgusidagi investitsion yo‘nalishlarni belgilashda buxgalteriya hisobotlari orqali shakllangan moliyaviy ko‘rsatkichlarga asoslanadi. Shuningdek, buxgalteriya axborotlarining statistik tahlili orqali subyektlar nafaqat o‘z faoliyatining samaradorligini aniqlaydi, balki tashqi muhit bilan bog‘liq iqtisodiy omillarni ham baholaydi. Shu boisdan, buxgalteriya ma’lumotlarining statistik tahlili iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlashda, faoliyatni takomillashtirishda va qaror qabul qilish sifatini oshirishda hal qiluvchi omillardan biridir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PQ–4611-sonli

qarorida raqamli iqtisodiyotni joriy etish va buxgalteriya hisobi tizimini avtomatlashtirish orqali axborotlarning sifatini oshirish belgilangan[1].

Bundan tashqari, 2023-yil 1-yanvardan boshlab Moliya vazirligi tomonidan ishlab chiqilgan yangi Milliy buxgalteriya hisobi standartlari va Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari (IFRS) bilan uyg‘unlashgan tartiblar amaliyotga joriy qilinmoqda[2]. Bu holat buxgalteriya axborotlarining ishonchliligini va ularni statistik tahlil asosida ilmiy o‘rganish ehtiyojini kuchaytirmoqda.

Statistik tahlilning asosiy vazifalaridan biri buxgalteriya ma’lumotlarini tizimli o‘rganish, ularni nazariy modellar asosida baholash va iqtisodiy tendensiyalarni aniqlashdir. Masalan, aktivlar rentabelligi, moliyaviy barqarorlik ko‘rsatkichlari, to‘lovga layoqatlilik darajasi kabi statistik ko‘rsatkichlar korxonalar moliyaviy holatini baholashda muhim ahamiyatga ega. Ularning asosida qabul qilinadigan iqtisodiy qarorlar esa subyektlarning uzoq muddatli strategiyasiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

Shuningdek, buxgalteriya axborotlarining statistik tahlilga yaroqliligi, ma’lumotlarning aniqligi, tahliliy quvvati va normativ asoslar bilan mustahkamlanganligi orqali iqtisodiy faoliyat natijalari ilmiy asosda baholanadi. Bu esa iqtisodiy siyosat yuritishda, davlat budjetini shakllantirishda va makroiqtisodiy muvozanatni ta’minlashda muhim vosita hisoblanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, mazkur tadqiqotning dolzarbligi buxgalteriya axborotlarini statistik tahlil qilishning nazariy asoslarini chuqur o‘rganish va ularning iqtisodiy qaror qabul qilishdagi rolini aniqlash bilan bog‘liqdir. Bu orqali ilmiy asoslangan boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish, moliyaviy monitoring tizimini rivojlantirish va strategik rejalashtirish samaradorligini oshirish imkoniyatlari shakllanadi[8].

Adabiyotlar tahlili

So‘nggi yillarda O‘zbekiston iqtisodiyotida bozor mexanizmlarining chuqurlashuvi, korporativ boshqaruv tamoyillarining izchil joriy etilishi hamda davlat va xususiy sektor faoliyatida strategik menejmentning kuchayishi buxgalteriya axborotining strategik ahamiyatini sezilarli darajada oshirdi. Mazkur jarayonlar global iqtisodiy tendensiyalar bilan hamohang bo‘lib, xalqaro ilmiy adabiyotlarda keng muhokama qilinayotgan strategik menejment accounting (Strategic Management Accounting) konsepsiyasiga mos keladi. Jahon olimlari ta’kidlashicha, zamonaviy sharoitda buxgalteriya axboroti menejment qarorlarini qabul qilishda asosiy informatsion resurs sifatida namoyon bo‘lib, uning sifati va ishonchliligi strategik qarorlarning legitimligi, barqarorligi va daromadliligini belgilaydi.

Mazkur yondashuv O‘zbekiston olimlari tadqiqotlarida ham o‘z aksini topmoqda. Jumladan, Saidov M.S. (2021, 2023) o‘z ilmiy ishlarida strategik menejment qarorlarining samaradorligi bevosita buxgalteriya va boshqaruv hisobi tizimining rivojlanganlik darajasiga bog‘liqligini asoslab beradi. Muallifning xulosalari Kaplan va Norton tomonidan ishlab chiqilgan *Balanced Scorecard* konsepsiyasi hamda Bromwich va Guildingning strategik menejment accounting nazariyalariga uyg‘un bo‘lib, moliyaviy hisobotlar asosida qabul qilingan strategik qarorlar resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishini va korxona barqaror rivojlanishini ta’minlashini tasdiqlaydi.

Xolmirzayev B.B. va Qodirov A.A. (2020) tadqiqotlarida buxgalteriya axborotining menejment qarorlaridagi analitik roli chuqur tahlil qilinib, moliyaviy ko‘rsatkichlardan foydalanilmagan strategik qarorlar yuqori risk darajasiga ega ekanligi ilmiy jihatdan asoslangan. Ushbu xulosalar jahon olimlari — Mintzberg, Simons va Merchantlarning tadqiqotlari bilan hamohang bo‘lib, ular strategik nazorat va moliyaviy intizomning zaifligi strategik xatolarning asosiy manbai ekanligini ta’kidlaydi. Mualliflar moliyaviy intizom va hisob tizimini strategik tavakkalchiliklarni kamaytiruvchi muhim mexanizm sifatida baholaydi.

Shuningdek, Abdurahmonov A.R. (2022) boshqaruv hisobi va strategik rejalashtirish o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni o‘rganib, buxgalteriya axboroti asosida shakllantirilgan strategiyalar real iqtisodiy imkoniyatlarga mos kelishini qayd etadi. Bu qarashlar Horngren, Drury

va Anthony kabi jahon olimlarining ilmiy ishlari bilan mushtarak bo‘lib, ular boshqaruv hisobini menejment uchun nafaqat nazorat, balki prognozlash va strategik modellashtirish vositasi sifatida talqin qiladi. Abdurahmonovning fikricha, buxgalteriya axboroti menejment qarorlarini uzoq muddatli istiqbolga yo‘naltirish imkonini beruvchi muhim strategik instrument hisoblanadi.

Jo‘rayev D.Sh. (2024) tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda auditdan o‘tgan moliyaviy axborotlarning strategik menejment qarorlariga ta’siri yoritilgan. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, audit xulosalari bilan tasdiqlangan buxgalteriya axboroti menejerlar qarorlarining ishonchliligini oshirib, investorlar va boshqa manfaatdor tomonlar ishonchini mustahkamlaydi. Ushbu xulosalar Watts va Zimmerman, shuningdek, DeAngelo kabi jahon olimlarining audit va axborot ishonchliligi bo‘yicha olib borgan tadqiqotlari bilan uyg‘un bo‘lib, strategik qarorlarning legitimligini ta’minlashda auditning muhim rolini tasdiqlaydi.

Mahalliy va xorijiy adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekiston sharoitida strategik menejment qarorlarini qabul qilishda buxgalteriya axboroti yetakchi informatsion resurs sifatida shakllanmoqda, biroq ushbu integratsiyani yanada chuqurlashtirish zarurati saqlanib qolmoqda. Jahon tajribasida buxgalteriya hisobi endilikda faqat debet-kredit tizimi bilan cheklanmay, balki raqobatchilar tahlili, mijozlar rentabelligini baholash, qiymat zanjiri va brend qiymatini aniqlash kabi strategik funksiyalarni ham bajaradi. Shu jihatdan, milliy ilmiy yondashuvlarni global konsepsiyalar bilan uyg‘unlashtirish strategik menejment qarorlarining sifatini oshirishda muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

Metodologiya

Mazkur maqola konseptual tadqiqot xarakteriga ega bo‘lib, unda muammoni nazariy jihatdan chuqur ochib berish hamda turli fanlararo yondashuvlarni uyg‘unlashtirishga alohida e’tibor qaratildi. Tadqiqot jarayonida ilmiy asoslangan xulosalarga erishish maqsadida quyidagi ilmiy tadqiqot usullari qo‘llanildi: tizimli tahlil, mantiqiy umumlashtirish, taqqoshlash, strukturaviy yondashuv, shuningdek ilmiy adabiyotlar va xalqaro standartlar asosida kontseptual modellashtirish.

Xususan, tizimli tahlil usuli orqali strategik menejment qarorlarini shakllantirish jarayonida buxgalteriya axborotining o‘rni va funksional ahamiyati yaxlit tizim sifatida o‘rganildi. Mantiqiy umumlashtirish usuli yordamida turli nazariy yondashuvlar va ilmiy qarashlar tahlil qilinib, ularning umumiy va farqli jihatlari aniqlandi hamda konseptual xulosalar chiqarildi. Taqqoshlash va strukturaviy yondashuv asosida strategik menejment, moliyaviy hisob, boshqaruv hisobi va audit o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqliklar tahlil qilinib, ularning qaror qabul qilish jarayonidagi o‘rni tizimli ravishda yoritib berildi.

Tadqiqot davomida strategik menejment nazariyasi, buxgalteriya hisobi va audit sohasiga oid mahalliy hamda xorijiy ilmiy manbalar, shuningdek xalqaro moliyaviy hisobot standartlari va audit standartlari chuqur tahlil qilindi. Ushbu manbalar asosida mazkur sohalar o‘rtasidagi integratsiyalashgan yondashuv shakllantirilib, buxgalteriya axborotining strategik menejment qarorlarini asoslashdagi ahamiyatini aks ettiruvchi konseptual model ishlab chiqildi.

Natijada, olib borilgan ilmiy izlanishlar strategik boshqaruv jarayonida buxgalteriya va audit axborotining axborot-ta’minot bazasi sifatidagi rolini nazariy jihatdan asoslab berishga hamda amaliy jihatdan qo‘llash mumkin bo‘lgan konseptual xulosalarni shakllantirishga xizmat qildi.

Muhokama va natijalar

O‘tkazilgan tahlillar strategik menejment qarorlarini qabul qilish jarayonida buxgalteriya axborotining roli nafaqat nazariy jihatdan, balki amaliy boshqaruv amaliyotida ham yuqori ekanligini ko‘rsatadi. Korxona boshqaruvida uzoq muddatli maqsadlarni belgilash, istiqbolli rivojlanish strategiyalarini ishlab chiqish, investitsion ustuvor yo‘nalishlarni tanlash hamda mavjud resurslardan samarali foydalanish bo‘yicha qarorlar ko‘pincha korxonaning real moliyaviy imkoniyatlari bilan bevosita bog‘liq bo‘ladi. Ushbu imkoniyatlarni aniq va xolis baholash esa buxgalteriya hisobi orqali shakllantiriladigan moliyaviy axborotlarsiz deyarli imkonsizdir.

Shu nuqtayi nazardan, buxgalteriya hisobi tizimi strategik menejment uchun asosiy axborot-ta’minot mexanizmi sifatida namoyon bo‘ladi. Moliyaviy holat, aktivlar va majburiyatlar tarkibi, kapital tuzilmasi, likvidlik va rentabellik ko‘rsatkichlari haqidagi buxgalteriya ma’lumotlari menejmentga korxonaning mavjud resurs salohiyatini baholash, strategik cheklovlar va imkoniyatlarni aniqlash imkonini beradi. Natijada strategik qarorlar intuitiv yondashuvlarga emas, balki real iqtisodiy ko‘rsatkichlarga asoslangan holda qabul qilinadi.

Bundan tashqari, buxgalteriya axboroti strategik menejment qarorlarida risklarni aniqlash va baholash vositasi sifatida ham muhim ahamiyat kasb etadi. Moliyaviy hisobotlar asosida qarz yuklamasi, pul oqimlarining barqarorligi va xarajatlar dinamikasi tahlil qilinib, kelgusida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan moliyaviy xavflar oldindan prognoz qilinadi. Bu esa menejmentga strategik tavakkalchiliklarni minimallashtirish va barqaror rivojlanishga yo‘naltirilgan qarorlar qabul qilish imkonini yaratadi.

Buxgalteriya axborotining strategik ahamiyati faqat nazorat va hisobot funksiyalari bilan cheklanib qolmaydi. U strategik rejalashtirish, prognozlash va alternativ strategik variantlarni baholashda muhim analitik instrument sifatida xizmat qiladi. Natijada, buxgalteriya hisobi orqali shakllantiriladigan axborot strategik menejment tizimining ajralmas tarkibiy qismiga aylanib, korxona boshqaruvining umumiy samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Amaliy kuzatuvlar shuni ko‘rsatadiki, buxgalteriya axborotiga tayanmagan strategik qarorlar aksariyat hollarda intuitiv xarakterga ega bo‘lib, ular korxonaning real moliyaviy holatini to‘liq aks ettirmaydi. Natijada bunday qarorlar qisqa muddatli ijobiy natija bergan taqdirda ham, uzoq muddatda moliyaviy barqarorlikka salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Aksincha, moliyaviy hisobotlar asosida qabul qilingan strategik qarorlar korxona faoliyatining real iqtisodiy sharoitlariga mos keladi va amalga oshirilish ehtimoli yuqori bo‘ladi.

Empirik umumlashtirishlar shuni ko‘rsatadiki, moliyaviy hisobotlardan faol foydalaniladigan korxonalarda strategik rejalashtirish jarayoni ancha tizimli tashkil etiladi. Bunday korxonalarda aktivlar va majburiyatlar nisbatining tahlili, kapital tuzilmasining baholanishi hamda foyda ko‘rsatkichlarining dinamikasi strategik qarorlar qabul qilishda muhim mezon sifatida xizmat qiladi. Natijada menejment strategik tavakkalchiliklarni oldindan baholash va ularni minimallashtirish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

1-jadval

Strategik menejment qarorlarida buxgalteriya axborotining turlari va ularning amaliy ta’siri[41]

Buxgalteriya axboroti turi	Asosiy ko‘rsatkichlar	Strategik qaror yo‘nalishi	Empirik natija (umumlashtirilgan)
Moliyaviy hisob	Aktivlar, majburiyatlar, foyda, kapital	Rivojlanish strategiyasini tanlash	Moliyaviy hisobotga tayangan korxonalarda strategik qarorlar amalga oshish ehtimoli yuqori
Boshqaruv hisobi	Xarajatlar tuzilmasi, tannarx, foyda markazlari	Resurslarni taqsimlash strategiyasi	Xarajatlar nazorati kuchayib, moliyaviy yo‘qotishlar kamayadi
Audit axboroti	Audit xulosasi, moliyaviy xatoliklar	Risklarni boshqarish strategiyasi	Strategik xatolar soni qisqaradi
Moliyaviy tahlil	Rentabellik, likvidlik, barqarorlik	Investitsiya strategiyasi	Investorlar ishonchi oshadi
Prognoz axboroti	Pul oqimlari, kutilayotgan foyda	Uzoq muddatli rejalashtirish	Strategik barqarorlik mustahkamlanadi

Boshqaruv hisobi axborotlari strategik qarorlarning amaliy samaradorligini oshirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Xarajatlar tarkibi, mahsulot tannarxi va foyda markazlari bo‘yicha

[41] Muallif tomonidan ishlab chiqildi

shakllantirilgan ma’lumotlar menejmentga muqobil strategik variantlarni solishtirish imkonini beradi. Empirik kuzatuvlarga ko‘ra, boshqaruv hisobi rivojlangan korxonalarda resurslar taqsimoti nisbatan oqilona bo‘lib, moliyaviy yo‘qotishlar darajasi past bo‘ladi. Bu holat strategik qarorlar sifatining oshishiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

2-jadval

Buxgalteriya axborotidan foydalanish darajasi va strategik samaradorlik o‘rtasidagi bog‘liqlik[42]

Foydalanish darajasi	Strategik qaror sifati	Risk darajasi	Moliyaviy barqarorlik
Past	Intuitiv, yetarlicha asoslanmagan	Yuqori	Beqaror
O‘rtacha	Qisman tahliliy	O‘rtacha	Nisbatan barqaror
Yuqori	Ilmiy va empirik asoslangan	Past	Yuqori

Tahlil natijalari shuni ko‘rsatadiki, boshqaruv hisobi axborotlari strategik qarorlarni qabul qilishda faqat iqtisodiy samaradorlikni emas, balki risk omillarini ham baholash imkonini yaratadi. Xarajatlarning o‘sish sur’atlari, foyda marjasi va ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish darajasi strategik xavflarni aniqlashda muhim indikator sifatida namoyon bo‘ladi. Natijada menejment strategik qarorlarni qabul qilishda ehtiyotkorlik va asoslanganlik tamoyillariga amal qiladi.

Audit axboroti esa strategik menejment qarorlarining ishonchliligini ta’minlovchi muhim nazorat mexanizmi hisoblanadi. Auditdan o‘tgan moliyaviy ma’lumotlar menejment uchun xolis va tasdiqlangan axborot manbai bo‘lib, strategik qarorlar qabul qilishda subyektivlik darajasini kamaytiradi. Amaliy kuzatuvlarga ko‘ra, audit jarayonlari samarali tashkil etilgan korxonalarda strategik xatoliklar kamroq uchraydi va moliyaviy intizom darajasi yuqori bo‘ladi.

3-jadval

Strategik menejmentda buxgalteriya axborotining empirik funksiyalari[43]

Funksiya	Mazmuni	Strategik natija
Axborot ta’minoti	Moliyaviy holatni real aks ettirish	Qarorlarning asoslanganligi
Nazorat funksiyasi	Xarajat va daromadlar ustidan nazorat	Moliyaviy intizom
Tahliliy funksiya	Moliyaviy ko‘rsatkichlarni tahlil qilish	Strategik alternativalarni tanlash
Bashoratlash	Kelgusidagi moliyaviy holatni prognoz qilish	Barqaror rivojlanish
Riskni baholash	Moliyaviy xavflarni aniqlash	Tavakkalchiliklarni kamaytirish

Empirik tahlillar shuni ko‘rsatadiki, audit xulosalariga tayangan holda qabul qilingan strategik qarorlar investorlar va kreditorlar ishonchini mustahkamlaydi. Bu holat, ayniqsa, investitsiya jalb qilish, kredit siyosatini shakllantirish va yirik loyihalarni amalga oshirish jarayonlarida muhim ahamiyat kasb etadi. Natijada korxona bozor muhitida barqarorroq pozitsiyani egallaydi.

Natijalar muhokamasi shuni ko‘rsatadiki, buxgalteriya axboroti va strategik menejment o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlik korxona boshqaruvida tizimli yondashuvni talab etadi. Moliyaviy hisobot, boshqaruv hisobi va audit axborotlarining uyg‘unlashuvi strategik qarorlarning ilmiy asoslanganligini oshiradi hamda subyektiv yondashuvlarning ta’sirini cheklaydi. Bu esa menejment qarorlarining sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarilishiga olib keladi.

Shu bilan birga, empirik umumlashtirishlar shuni ko‘rsatadiki, amaliyotda buxgalteriya axborotidan strategik darajada foydalanish hali yetarli darajada shakllanmagan. Ko‘plab

[42] Muallif tomonidan ishlab chiqildi. **Tahliliy izoh:** Jadvaldan ko‘rinadiki, buxgalteriya axborotidan foydalanish darajasi oshgan sari strategik qarorlarning sifati sezilarli darajada yaxshilanadi va tavakkalchiliklar kamayadi.
[43] Muallif tomonidan ishlab chiqildi

korxonalarda buxgalteriya hisobi asosan hisobot topshirish va nazorat funksiyalari bilan cheklanib qolmoqda. Natijada strategik menejment qarorlarini qabul qilishda buxgalteriya axborotining tahliliy imkoniyatlaridan to‘liq foydalanilmayapti.

Umuman olganda, tadqiqot natijalari buxgalteriya axboroti strategik menejment qarorlarini qabul qilishda hal qiluvchi ahamiyatga ega ekanligini empirik jihatdan tasdiqlaydi. Moliyaviy, boshqaruv va audit axborotlariga asoslangan strategik qarorlar korxona faoliyatining barqarorligi, samaradorligi va raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi. Shu bois, buxgalteriya axborotini strategik Mazkur tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, zamonaviy iqtisodiy sharoitda buxgalteriya axboroti strategik menejment qarorlarini qabul qilishning markaziy va ajralmas omiliga aylangan. Bozor munosabatlarining chuqurlashuvi, raqobat muhitining kuchayishi hamda iqtisodiy xavflarning ortib borishi sharoitida korxonalar faoliyatining barqarorligi va samaradorligi ko‘p jihatdan strategik qarorlarning ilmiy asoslanganligiga bog‘liq bo‘lib, ushbu qarorlar uchun asosiy axborot bazasi sifatida buxgalteriya hisobi, boshqaruv hisobi va audit tizimi xizmat qiladi.

Tadqiqot davomida o‘tkazilgan nazariy va empirik umumlashtirishlar shuni tasdiqladiki, moliyaviy hisobotlar asosida qabul qilingan strategik qarorlar intuitiv yondashuvlarga nisbatan ancha barqaror va samarali natija beradi. Moliyaviy holat, aktivlar va majburiyatlar tarkibi, kapital tuzilmasi, likvidlik va rentabellik ko‘rsatkichlarining statistik tahlili menejmentga korxonaning real iqtisodiy imkoniyatlarini baholash hamda uzoq muddatli rivojlanish strategiyasini asoslash imkonini yaratadi. Bu esa strategik tavakkalchiliklarni kamaytirish va resurslardan oqilona foydalanishni ta’minlashga xizmat qiladi.

Shuningdek, tadqiqot natijalari boshqaruv hisobi axborotlarining strategik menejmentdagi amaliy ahamiyatini yaqqol namoyon etdi. Xarajatlar tuzilmasi, mahsulot tannarxi, foyda markazlari va ichki rentabellik ko‘rsatkichlariga asoslangan strategik qarorlar korxonalarda resurslar taqsimotini optimallashtirish, moliyaviy yo‘qotishlarni qisqartirish va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish imkonini beradi. Boshqaruv hisobi rivojlangan korxonalarda strategik rejalashtirish jarayoni tizimli va prognozlashga yo‘naltirilgan bo‘lib, bu ularning bozor sharoitlariga moslashuvchanligini oshiradi.

Audit axborotining strategik menejment qarorlaridagi roli ham tadqiqot jarayonida muhim jihat sifatida asoslab berildi. Auditdan o‘tgan moliyaviy ma’lumotlar menejment uchun xolis va ishonchli axborot manbai bo‘lib, strategik qarorlar qabul qilishda subyektivlik darajasini kamaytiradi. Empirik kuzatuvlar shuni ko‘rsatadiki, audit xulosalariga tayangan holda qabul qilingan strategik qarorlar investorlar, kreditorlar va boshqa manfaatdor tomonlar ishonchini oshirib, korxonaning investitsion jozibadorligini mustahkamlaydi.

Tadqiqot natijalari O‘zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan buxgalteriya hisobi islohotlari, xususan, Xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga o‘tish jarayonlari sharoitida buxgalteriya axborotining statistik tahliliga bo‘lgan ehtiyoj tobora ortib borayotganini ko‘rsatadi. Moliyaviy axborotlarning sifat jihatidan yaxshilanishi ularni nafaqat hisobot topshirish vositasi, balki strategik menejmentning faol instrumentiga aylantirish imkonini yaratadi. Shu nuqtayi nazardan, buxgalteriya hisobi tizimini strategik boshqaruv bilan integratsiyalash dolzarb ilmiy-amaliy vazifa sifatida namoyon bo‘ladi.

Shu bilan birga, tadqiqot amaliyotda mavjud muammolarni ham aniqlab berdi. Xususan, ko‘plab korxonalarda buxgalteriya axborotidan foydalanish asosan nazorat va hisobot funksiyalari bilan cheklanib qolmoqda, strategik tahlil va prognozlash imkoniyatlaridan esa yetarli darajada foydalanilmayapti. Bu holat strategik menejment qarorlarining to‘liq ilmiy asoslanmasligiga olib kelishi mumkin.

Tadqiqot natijalari buxgalteriya axborotini strategik menejment qarorlarini qabul qilishning muhim analitik va bashoratlash vositasi sifatida rivojlantirish zarurligini asoslab beradi. Moliyaviy, boshqaruv va audit axborotlarining uyg‘unlashgan holda qo‘llanilishi korxonalar faoliyatining barqarorligi, raqobatbardoshligi va iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashga xizmat qiladi. Kelgusidagi ilmiy izlanishlar ushbu integratsiyani empirik ma’lumotlar, iqtisodiy modellar va statistik tahlillar asosida yanada chuqurlashtirishga qaratilishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PQ–4611-sonli qarori https://lex.uz/docs/4743353

2. 2023-yil 1-yanvardan boshlab Moliya vazirligi tomonidan ishlab chiqilgan yangi Milliy buxgalteriya hisobi standartlari va Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari (IFRS) https://www.mf.uz

3. Saidov M.S. Strategik menejment va moliyaviy boshqaruv. – Toshkent: Iqtisodiyot, 2021.

4. Saidov M.S. Innovatsion menejment va tadbirkorlik. – Toshkent, 2023.

5. Xolmirzayev B.B., Qodirov A.A. Buxgalteriya hisobi va boshqaruv qarorlari // Iqtisodiyot va innovatsiyalar, 2020.

6. Abdurahmonov A.R. Boshqaruv hisobi va strategik rejalashtirish // Moliya va bank ishi, 2022.

7. Jo‘rayev D.Sh. Audit tizimi va korporativ boshqaruv samaradorligi. – Toshkent, 2024.

8. Umarxodjayeva M.G., Ermatov T.Sh., Sulaymonov B.A. Operatsion menejment: Darslik. Toshkent: “Iqtisod-Moliya”, 2019.

9. Umarxodjayeva M.G. Operatsion menejment: Darslik (o‘zbekcha lotincha). Toshkent: Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti resursi; 2019.

10. Tursunovich S. S. Buxgalteriya axborotlarining statistik tahlili nazariy asoslari va ularning iqtisodiy qaror qabul qilishdagi roli //Raqamli iqtisodiyot (Цифровая экономика). – 2025. – №. 11. – С. 1856-1867.

11. Jo‘rayev, D. (2020). “Statistik tahlil asosida moliyaviy ko‘rsatkichlarni baholash”. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar jurnali, №1, 45–50.

12. Abdullayeva, A. (2022). “IFRS asosida buxgalteriya axborotlarini statistik baholash”. Moliyaviy tadqiqotlar jurnali, №2, 33–41.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

XALQARO STANDARTLARNI O‘RGANISH ASOSIDA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUDJET HISOBI STANDARTLARIGA UYG‘UNLASHTIRISH ZARURIYATI

Abdujalilova Dilnoz Abdusattorovna

budjet hisobi va g‘aznachilik kafedrasi PhD., dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru
ORCID: 0009-0003-5169-4233

Annotatsiya. *Ushbu ilmiy maqolada davlat sektori subyektlarida buxgalteriya hisobini xalqaro standartlar talablariga muvofiqlashtirish masalalari ko‘rib chiqilgan. Mavzu doirasida amalga oshirilayotgan islohotlar nafaqat milliy qonunchilikni modernizatsiya qilish zarurati nuqtayi nazaridan, balki moliyaviy hisobotning shaffofligini oshirish, daromad va xarajatlarni tan olinishi hamda kelgusida aniqlanadigan moliyaviy natijalari to‘g‘ri shakllantirish uchun iqtisodiy faoliyatni samaradorligini oshirish jihatidan ham tahlil qilingan.*

Tadqiqot davomida davlat sektorida buxgalteriya hisobining milliy tizimi bilan xalqaro standartlar o‘rtasidagi asosiy farqlar aniqlanib, ularni uyg‘unlashtirish jarayonida qo‘llanishi mumkin bo‘lgan metodologik yondashuvlar, amaliy mexanizmlar va bosqichma-bosqich integratsiya yo‘llari ko‘rsatib berilgan. Shu tariqa, maqolada standartlarning nazariy va amaliy asoslari yoritilib, ushbu jarayonni kelgusida yanada samarali tashkil etish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: *budjet hisobi standartlari, davlat sektori tashkilotlari, daromadlar, iqtisodiy faoliyat, moliyaviy hisobot, tan olish mezonlari, xalqaro standartlar (IPSAS, IFRS, IAS), xarajatlar.*

НЕОБХОДИМОСТЬ ГАРМОНИЗАЦИИ СТАНДАРТОВ БЮДЖЕТНОГО УЧЕТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА ОСНОВЕ ИЗУЧЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

Абдужалилов Дилноз Абдусатторовна

кандидат наук PhD
доцент кафедры бюджетного учета и казначейства
Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru
ORCID: 0009-0003-5169-4233

Аннотация. *В данной научной статье рассмотрены вопросы гармонизации бухгалтерского учета в субъектах государственного сектора с требованиями международных стандартов. В рамках темы проанализированы проводимые реформы не только с точки зрения необходимости модернизации национального законодательства, но и в аспекте повышения прозрачности финансовой отчетности, признания доходов и расходов, а также правильного формирования финансовых результатов, подлежащих определению в будущем, что в целом направлено на повышение эффективности экономической деятельности.*

В ходе исследования выявлены основные различия между национальной системой бухгалтерского учета государственного сектора и международными стандартами, а

также предложены методологические подходы, практические механизмы и поэтапные пути интеграции, которые могут быть применены в процессе их гармонизации. Таким образом, в статье освещены теоретические и практические основы стандартов, а также разработаны рекомендации по дальнейшему повышению эффективности организации данного процесса.

Ключевые слова: *стандарты бюджетного учета, организации государственного сектора, доходы, экономическая деятельность, финансовая отчетность, критерии признания, международные стандарты (IPSAS, IFRS, IAS), расходы.*

THE NEED TO HARMONIZE THE BUDGET ACCOUNTING STANDARDS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN BASED ON THE STUDY OF INTERNATIONAL STANDARDS

Abdujalilova Dilnoz Abdusattorovna

PhD., Associate Professor
Department of Budget
Accounting and Treasury
Tashkent State University of Economics
E-mail: dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru
ORCID: 0009-0003-5169-4233

Abstract. *This scientific article examines the issues of harmonizing accounting in public sector entities with the requirements of international standards. Within the scope of the topic, the ongoing reforms are analyzed not only from the perspective of the need to modernize national legislation, but also in terms of enhancing the transparency of financial reporting, improving the recognition of revenues and expenses, and ensuring the proper formation of financial results to be determined in the future, thereby increasing the efficiency of economic activity.*

During the research, the main differences between the national accounting system of the public sector and international standards were identified, and methodological approaches, practical mechanisms, and step-by-step integration pathways that can be applied in the harmonization process were proposed. Thus, the article highlights both the theoretical and practical foundations of the standards and develops recommendations for further improving the effectiveness of organizing this process in the future.

Keywords: *budget accounting standards, public sector entities, revenues, economic activity, , financial reporting, recognition criteria, international standards (IPSAS, IFRS, IAS), expenses.*

Kirish

Hozirgi globallashuv sharoitida davlat moliyasini boshqarish tizimida shaffoflik, hisobdorlik va samaradorlikni ta’minlash muhim strategik vazifalardan biri hisoblanadi. Xususan, davlat budjeti tuzilishi va ijrosini tashkil etishda xalqaro standartlarga moslashuv jarayonlari davlat moliyaviy boshqaruvining sifat jihatdan yangi bosqichga ko‘tarilishini taqozo etadi.

Jahon amaliyotida davlat sektorida buxgalteriya hisobini yuritishda xalqaro standartlar, xususan, IPSAS (International Public Sector Accounting Standards) keng qo‘llanilib, ular moliyaviy axborotning ishonchliligi, taqqoslanishi va ochiqligini ta’minlashga xizmat qilmoqda. Ushbu standartlar asosida davlat aktivlari va majburiyatlarini to‘liq aks ettirish, hisobotlarda daromadlar va xarajatlarni to‘g‘ri aks ettirish budjet mablag‘laridan foydalanish samaradorligini oshirish hamda moliyaviy nazoratni kuchaytirish imkoniyati yaratiladi.

O‘zbekiston Respublikasida ham so‘nggi yillarda davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish, xususan, budjet hisobi va hisobotini xalqaro standartlarga moslashtirish borasida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Davlat budjeti ijrosida g‘aznachilik tizimining

rolini kuchaytirish, raqamli texnologiyalarni joriy etish hamda moliyaviy hisobotning zamonaviy usullarini qo‘llash ushbu islohotlarning muhim yo‘nalishlaridan hisoblanadi. Davlat budjeti tuzilishi va ijrosini, shuningdek budjet nazorati hamda hisobini tashkil etishda g‘aznachilik tizimi orqali budjet mablag‘larini samarali boshqarish, shuningdek hisobot va nazorat mexanizmlarini xalqaro standartlar asosida joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi [1]. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tishni jadallashtirish orqali xorijiy investorlarni zarur axborot muhiti bilan ta’minlash va xalqaro moliya bozorlariga kirish imkoniyatlarini kengaytirish, shuningdek, hisob va audit sohalari mutaxassislarini xalqaro standartlar bo‘yicha tayyorlash tizimini takomillashtirish [2].

Xalqaro standartlarni chuqur o‘rganish asosida O‘zbekiston Respublikasida budjet hisobi standartlarini joriy etishning nazariy va amaliy jihatlarini tahlil qilish zarurati ortib bormoqda. Shu bilan birga, ushbu jarayon davlat moliyaviy resurslaridan oqilona foydalanish, korrupsiyaviy holatlarning oldini olish hamda xalqaro reytinglardagi o‘rinni yaxshilashda muhim omil sifatida namoyon bo‘ladi [3].

Shunday qilib, xalqaro standartlarni o`rganib tahlil qilish davlat sektori buxgalteriya hisob tizimini shunchaki texnik jihatdan o‘zgartirish emas, balki mamlakatning barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga xizmat qiluvchi strategik chora sifatida qaraladi [4].

Adabiyotlar sharhi

Mazkur mavzu doirasida ko‘plab iqtisodchi olimlar, ham xorijiy, ham mahalliy tadqiqotchilar o‘z ilmiy izlanishlarini olib borganlar. Xususan, xorijiy olimlar C. Nobes va R. Parker o‘zlarining «Xalqaro hisobning qiyosiy tahlili» nomli fundamental asarlarida moliyaviy hisobot tizimlarining turli modellari o‘rtasidagi o‘xshash va farqli jihatlarni solishtirishga alohida e’tibor qaratib, ularning institutsional xususiyatlari hamda investitsiya muhitiga ta’sirini ochib beradilar [5].

Mahalliy tadqiqotchilar orasida A.A. Karimov, J.E. Kurbanbaev va S.A. Jumanazarovlarni alohida ta’kidlash mumkin. Ular o‘z ilmiy ishlarida buxgalteriya hisobining nazariy asoslari, daromad va xarajatlarni tan olish xususiyatlari, buxgalteriya balansining tuzilishi, soliqlar va majburiy to‘lovlarni hisoblash tartibini batafsil yoritib berganlar. Mualliflar, shuningdek, xalqaro standartlarga o‘tishning dolzarb masalalariga alohida e’tibor qaratib, mutaxassislar malakasini oshirish hamda normativ-huquqiy bazani takomillashtirish zarurligini ta’kidlaydilar [6].

Shunday qilib, ham xorijiy, ham mahalliy olimlar davlat sektoridagi milliy standartlarni xalqaro standartlar bilan uyg‘unlashtirish O‘zbekistonning global moliyaviy tizimga integratsiyalashuvining ajralmas qismi ekanligi borasida yagona fikrga keladilar. Ularning ilmiy tadqiqotlari esa buxgalteriya hisobi va audit tizimini yanada takomillashtirish uchun mustahkam nazariy va amaliy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu tadqiqot davlat sektori tashkilotlari daromadlarini hisobga olish bilan bog‘liq muammolarni tahlil qilish jarayonida induksiya, deduksiya, sintez va qiyosiy tahlil kabi usullardan hamda, daromadlardan foydalanish samarodligini tahlil qilishda budjet tashkilotlarining rasmiy statistik ma’lumotlaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar

So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasida davlat sektorida buxgalteriya hisobi tizimini Xalqaro standartlar bilan uyg‘unlashtirish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Bu esa moliyaviy axborotning shaffofligini ta’minlash, amaldagi qonunchilikdagi ziddiyatlarni bartaraf etish hamda mamlakatning global iqtisodiyotga integratsiyalashuvi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish ehtiyoji bilan izohlanadi. 2016 yilda O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining 1-sonli BHS «Hisob siyosati» qabul qilingan bo‘lsa, 2025 yilga kelib, 18-sonli BHS «Hisobot sanasidan keyingi hodisalar» standarti tasdiqlandi. Ushbu standartlarning

barchasi budjet hisobini davlat sektorida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari bilan muvofiqlashtirish maqsadida qabul qilingan bo‘lib, mazkur standartlar davlat budjeti, budjet tashkilotlari, davlat maqsadli jamg‘armalari va boshqa budjetdan tashqari jamg‘armalar hisobini yuritishda qo‘llaniladi (1-jadval).

1-jadval.

Budjet hisobining standartlari ro`yxati[44].

Standart raqami	Standart nomi	Standart qabul qilingan sanasi va raqami
1	Hisob siyosati	27.12.2016 № 2853
2	Yagona schyotlar rejasi	20.10.2018 № 3078
3	Budjet hisoboti	18.01.2019 № 3124
4	Valyuta kursi o‘zgarishining ta’siri	14.12.2018 № 3100
5	Qishloq xo‘jaligi	25.12.2018 № 3106
6	Ijara	04.03.2019 № 3142
7	Tovar-moddiy zaxiralar	14.01.2019 № 3120
8	Ko‘chmas mulk, bino va jihozlar	20.03.2019 № 3144
9	Nomoddiy aktivlar	24.06.2019 № 3169
10	Almashuv operatsiyalaridan olinadigan daromadlar	25.03.2019 № 3145
11	Qarz majburiyatlari bo‘yicha xarajatlar	09.04.2019 № 3149
12	Qurilishga oid shartnomalar	01.07.2019 № 3170
13	Konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlar	01.04.2022 № 3361
14	Pul oqimlari to‘g‘risida hisobot	02.11.2022 № 3396
15	Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlari	22.07.2024 № 3532
16	Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar	22.10.2024 № 3562
17	Xodimlarning daromadlari	21.11.2024 № 3578
18	Hisobot sanasidan keyingi hodisalar	29.09.2025 № 3681

Davlat sektorida moliyaviy hisobot va buxgalteriya hisobini xalqaro darajada tartibga solishda eng muhim standartlar guruhi bu IPSAS hisoblanadi. IPSASlar aynan davlat sektori subyektlari uchun ishlab chiqiladi va ularni IPSASB e’lon qiladi. IPSASBning 2025 yilgi qo‘llanmasi 2025 yil 31 yanvar holatiga e’lon qilingan barcha IPSASlarni hamda davlat sektori uchun Konseptual asosni o‘z ichiga oladi. IPSAS - International Public Sector Accounting Standards**,** ya’ni Davlat sektori buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari - vazirliklar, davlat muassasalari, budjet tashkilotlari, ayrim davlat jamg‘armalari va boshqa davlat sektori subyektlari uchun mo‘ljallangan. IPSASB materiallarida ular davlat sektori umumiy maqsaddagi moliyaviy hisobotini tartibga soluvchi asosiy standartlar sifatida ko‘rsatiladi.

IFRS va IAS esa asosan umumiy maqsaddagi moliyaviy hisobotlar uchun mo‘ljallangan bo‘lib, ularni IASB ishlab chiqadi. IFRS Foundation ma’lumotiga ko‘ra, IFRS Accounting Standards tizimiga IFRS standartlari, IAS standartlari va ularga oid interpretatsiyalar kiradi. FRS - International Financial Reporting Standards**,** ya’ni Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari**.** Ular investorlar, kreditorlar va bozor ishtirokchilari uchun shaffof va taqqoslanadigan hisobot taqdim etishga qaratilgan. IFRS Accounting Standards’ni IASB ishlab chiqadi. IAS - International

[44] O`rganilgan normativ-huquqiy xujjatlar asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

Accounting Standards**,** ya’ni Xalqaro buxgalteriya hisobi standartlari**.** Bular IFRSdan avval qabul qilingan standartlar bo‘lib, hozir ham ko‘plari amal qiladi. Masalan, IAS-1 moliyaviy hisobotlarni taqdim etishning umumiy talablarini belgilaydi.

Ushbu xalqaro standartlarni o‘rganib, tahlil qilib, O‘zbekistonda qabul qilinayotgan budjet hisobi standartlariga uyg‘unlashtirish budjet hisobini yuritish tizimida qator afzalliklarga olib keladi (1-rasm).



1-rasm. Davlat sektorida xalqaro standartlarning asosiy afzalliklari[45].

Shaffoflik oshirilishi asosida davlat mablag‘lari qayerga sarflangani aniqroq ko‘rinadi. Bu jamoatchilik nazoratini kuchaytiradi. IPSASB standartlari va Konseptual asosining maqsadlaridan biri ham umumiy maqsaddagi hisobotlarda foydali va hisobdorlikka xizmat qiluvchi axborot taqdim etishdir.

Taqqoslanuvchanlik kuchayishi asosida Turli tashkilotlar va hatto turli davlatlar hisobotlarini o‘zaro solishtirish osonlashadi. IPSAS va IFRSning standartlashtirilgan tuzilmalari aynan shu vazifaga xizmat qilishi belgilangan.

Hisoblash usuli bo‘yicha shakllantirilgan ma’lumotlar nafaqat pul to‘landi yoki tushdi, balki haqiqiy majburiyat va talablar ham ko‘rinadi. Bu davlat qarzi, kreditorlik, debitorlik va uzoq muddatli aktivlarni to‘g‘ri ko‘rsatishga yordam beradi. IPSASBning accrual-basis yo‘nalishi bunga tayangan.

Moliyaviy boshqaruv sifatini oshishi natijasida davlat aktivlari, xarajatlari, rezervlari va risklarini boshqarish osonlashadi. Bu xalqaro donorlar va investorlar uchun ham ijobiy signal bo‘ladi.

Davlat sektorining maqsadi xususiy biznesdan farq qiladi. Biznes ko‘proq foyda olishga yo‘nalsa, davlat sektori:

- budjet mablag‘laridan oqilona foydalanish;
- hisobdorlik;
- ochiqik, shaffoflik;
- jamoatchilik oldida javobgarlik;
- davlat xizmatlari natijadorligini ko‘rsatish kabi vazifalarni bajaradi.

Shu sababli IPSASlarda faqat daromad va foyda emas, balki xizmat salohiyati, jamoat manfaatlari, budjet intizomi, davlat aktivlari va majburiyatlari ham muhim o‘rin tutadi. IPSASBning Konseptual asosi ham aynan davlat sektori umumiy maqsaddagi moliyaviy hisobotlariga bag‘ishlangan.

[45] Olib borilgan tadqiqotlar asosida muallif tomonidan tuzildi.

IPSAS davlat sektoriga moslashtirilgan bo‘lib, adi. Masalan, davlat tashkilotlarida ayrim operatsiyalar almashuvli va almashuvsiz bo‘lishi mumkin. Soliqlar, transferlar, grantlar kabi operatsiyalar xususiy sektordagi oddiy savdo-sotiqdan farq qiladi. Shu bois IPSAS davlat sektorining o‘ziga xos xususiyatlarini alohida hisobga oladi. Bu IPSASBning standartlar to‘plami va Konseptual asosida aks etgan.

IPSAS tizimida hisoblash usuli qo‘llanilgan holda, quyidagi moliyaviy hisobotlar taqdim etiladi (2-jadval).

2-jadval.

IPSAS standartlari asosida tuzib taqdim etiladigan moliyaviy hisobotlarning turi va mazmun mohiyati[46].

Hisobot turi	Mazmuni
Moliyaviy holat to‘g‘risidagi hisobot	Aktivlar, majburiyatlar va sof aktiv/kapital
Moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobot	Daromad va xarajatlar
Pul oqimlari to‘g‘risidagi hisobot	Pul mablag‘lari harakati
Sof aktiv/kapitaldagi o‘zgarishlar hisobotı	Davr davomida kapitaldagi o‘zgarishlar
Izohlar	Hisobot bandlariga tushuntirish va izohlar keltirish

Moliyaviy holat to‘g‘risidagi hisobot (balans) tashkilotning ma’lum bir sanaga bo‘lgan moliyaviy holatini aks ettiradi. Unda tashkilotning barcha aktivlari (mulk va resurslari), majburiyatlari (qarz va majburiyatlari) hamda sof aktivlari yoki kapitali ko‘rsatiladi. Ushbu hisobot orqali tashkilotning moliyaviy barqarorligi, likvidligi va umumiy moliyaviy holatini baholash mumkin.

Moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobot tashkilotning ma’lum bir davr mobaynida erishgan moliyaviy natijalarini aks ettiradi. Unda asosiy e’tibor daromadlar va xarajatlarga qaratiladi. Ushbu hisobot yordamida tashkilot foyda yoki zarar bilan ishlaganini aniqlash, shuningdek faoliyat samaradorligini baholash mumkin.

Pul oqimlari to‘g‘risidagi hisobot tashkilotda pul mablag‘larining kelib tushishi va sarflanishini ko‘rsatadi. Bu hisobot uchta asosiy yo‘nalishda tuziladi: operatsion faoliyat, investitsion faoliyat va moliyaviy faoliyat. U tashkilotning naqd pul oqimlarini boshqarish qobiliyatini baholashda muhim ahamiyatga ega.

Sof aktivlar (kapital)dagi o‘zgarishlar to‘g‘risidagi hisobot hisobot davri davomida tashkilot kapitalida yuz bergan o‘zgarishlarni ko‘rsatadi. Bunga foyda yoki zarar, qo‘shimcha qo‘yilmalar, taqsimlangan daromadlar va boshqa omillar ta’sir qiladi. Ushbu hisobot kapitalning qanday shakllanayotgani va o‘zgarayotganini tushunishga yordam beradi.

Izohlar (hisobotga tushuntirishlar) moliyaviy hisobotlarning ajralmas qismi hisoblanadi. Ularda asosiy hisobotlarda keltirilgan ko‘rsatkichlarga batafsil sharh beriladi, qo‘llanilgan buxgalteriya siyosati tushuntiriladi hamda qo‘shimcha ma’lumotlar keltiriladi. Izohlar foydalanuvchilarga hisobotni to‘g‘ri talqin qilish va chuqurroq tushunish imkonini beradi. Ushbu beshta hisobot turi birgalikda tashkilotning moliyaviy holati, faoliyati natijalari va pul oqimlari haqida to‘liq va tizimli axborot beradi.

2025-2026 yillardagi IPSASB ma’lumotlariga ko‘ra, IPSAS 33 bo‘yicha birinchi marta accrual basis IPSASni qo‘llashga doir yangilanishlar ham tasdiqlangan, ular 2028 yil 1 yanvardan kuchga kiradi, erta qo‘llashga ruxsat beriladi. Shuningdek, “materiality” ta’rifiga oid ayrim o‘zgartirishlar 2027 yil 1 yanvardan amal qiladi. Davlat sektori uchun muhim sanalgan hamda keng qo`llanilaigan IPSAS standartlari quyidagi yo‘nalishlarni o‘z ichiga oladi (3-jadval).

[46] Olib borilgan tadqiqotlar asosida muallif tomonidan tuzildi.

3-jadval

IPSAS standartlarining asosiy hamda keng qo`llanilaigan yo`nalishlari[47].

№	Yo‘nalish	Davlat sektori uchun ahamiyati
1	Daromadlarni tan olish	Soliqlar, transferlar, grantlar, ko`rsatilgan xizmatlar, tovarlar realizatsiyasi va homiylik mablag‘lari
2	Asosiy vositalar	Binolar, infratuzilma, davlat mulki
3	Tovar-moddiy zaxiralar	Dori-darmon, oziq-ovqat, materiallar
4	Majburiyatlar	Kreditorlik, sud da’volari, rezervlar
5	Budjet hisobotlari bilan bog‘liqlik	Reja va ijro tahlili
6	Konsolidatsiya	Vazirlik va tizim tashkilotlari bo‘yicha jamlanma hisobot

Daromadlarni tan olish davlat sektorida alohida ahamiyatga ega, chunki asosiy tushum manbalari soliqlar, transferlar va grantlar, ko`rsatilgan xizmatlar va tovarlar realizatsiyasidan iborat bo‘ladi. Ushbu daromadlarni to‘g‘ri e’tirof etish budjet ijrosining haqqoniyligini ta’minlaydi.

Asosiy vositalar - bu davlatga tegishli binolar, infratuzilma obyektlari va boshqa mulklar bo‘lib, ularni hisobga olish va baholash davlat aktivlarini samarali boshqarish uchun muhim sanaladi.

Tovar-moddiy zaxiralar (masalan, dori-darmonlar, oziq-ovqat va materiallar) davlat tashkilotlarining kundalik faoliyatini ta’minlaydi va ularni to‘g‘ri hisobga olish resurslardan oqilona foydalanishga yordam beradi.

Majburiyatlar kreditorlik qarzlari, sud da’volari va turli rezervlarni o‘z ichiga oladi. Ularni to‘g‘ri aks ettirish davlatning moliyaviy barqarorligini baholashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Budjet hisobotlari bilan bog‘liqlik rejalashtirilgan prognoz ko‘rsatkichlar va amaldagi ijroni taqqoslash imkonini beradi, bu esa budjet intizomini nazorat qilishda muhim vosita hisoblanadi.

Konsolidatsiya vazirliklar va ularga qarashli tashkilotlar bo‘yicha jamlangan moliyaviy hisobot tuzishni anglatadi, bu umumiy moliyaviy holatni kompleks baholash imkonini beradi.

Xalqaro standartlarni o‘rganish asosida davlat sektori tashkilotlarida asosan grantlar, ko‘rsatilgan xizmatlar, tovarlar realizatsiyasi va homiylik mablag‘lari hisobidan shakllangan daromadlarni tan olish bilan bog‘liq bir qancha standartlar qabul qilingan bo‘lib, ushbu standartlar daromadlarni baholash,ularni tan olish va hisobda to‘g`ri va to‘liq aks ettirishga xizmat qiladi (4-rasm).



2-rasm. Daromadlar hisobi bilan bog`liq qabul qilingan standartlarni taqqoslash[48].

Yuqoridagi rasmda daromadni tan olishni tartibga soluvchi standartlar o‘zaro solishtirilgan. Har bir tizimda daromad hisobi alohida standart bilan tartibga solinadi va bu standartlar mazmunan o‘xshash bo‘lsa-da, qo‘llanish sohasi hamda metodologik yondashuvlari jihatidan farqlanadi.

IPSASda daromadlar hisobi asosan IPSAS 9 va IPSAS 23 standartlari orqali tartibga

[47] Olib borilgan tadqiqotlar asosida muallif tomonidan tuzildi.
[48] Olib borilgan tadqiqotlar asosida muallif tomonidan tuzildi.

solinadi. Bu yerda IPSAS 9 odatda almashuv operatsiyalaridan olinadigan daromadlarni, ya’ni xizmat ko‘rsatish yoki tovarlar yetkazib berish evaziga olinadigan tushumlarni qamrab oladi. IPSAS 23 esa almashuvsiz operatsiyalar, ya’ni soliqlar, transfertlar, grantlar, beg‘araz tushumlar kabi davlat sektorida juda ko‘p uchraydigan daromadlarni tan olishni belgilaydi. Shu sababli IPSAS tizimida daromad masalasi ikki alohida yo‘nalishda ko‘rib chiqiladi va bu davlat sektorining o‘ziga xos xususiyatini aks ettiradi.

IFRSda daromadni tan olishning asosiy manbai IFRS 15 hisoblanadi. Mazkur standart mijozlar bilan tuzilgan shartnomalar bo‘yicha daromadni tartibga soladi. IFRS 15ning asosiy mazmuni shundan iboratki, daromad mijozga va’da qilingan tovar yoki xizmat ustidan nazorat topshirilgan paytda tan olinadi. Ushbu standart ko‘proq xususiy sektor, tijorat tashkilotlari va bozor ishtirokchilari uchun mo‘ljallangan bo‘lib, unda shartnoma, majburiyat, tranzaksiya narxi va bajarilish bosqichi kabi tushunchalar markaziy o‘rin tutadi.

IAS tizimidagi IAS 18 ko‘rsatilgan va yonida “eski” deb qayd etilgan. Bu izoh shuni bildiradiki, IAS 18 ilgari daromadni tan olishning asosiy standarti bo‘lgan, biroq keyinchalik uning o‘rnini IFRS 15 egallagan. IAS 18 asosan tovarlarni sotish, xizmatlar ko‘rsatish va foiz, royalti hamda dividend ko‘rinishidagi daromadlarni tan olish qoidalarini belgilagan.

BHMS tizimi va unga mos ravishda BHMS 2 ko‘rsatilgan. Bu milliy buxgalteriya hisobi tizimida daromadlarni hisobga olish ushbu milliy standart asosida olib borilishini anglatadi. Ya’ni xalqaro tizimlarda bo‘lgani kabi, milliy tizimda ham daromadni tan olishning alohida normativ manbasi mavjud. Ushbu standart milliy iqtisodiyot, amaldagi qonunchilik va mahalliy buxgalteriya amaliyoti talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Mazkur standart O‘zbekiston Respublikasida faoliyat yuritayotgan xususiy sektor tashkilotlarining asosiy xo‘jalik faoliyatidan daromadlarini va ularni hisobga olish tartibini belgilaydi.

BHS (Budjet hisobi standartlari) uchun daromadni tartibga soluvchi alohida standart mavjud emas. Budjet hisobi tizimi xalqaro tizimlardan farqli ravishda daromadni alohida standart asosida emas, balki budjet qonunchiligi va normativ hujjatlar orqali tartibga solib kelmoqda. Shu sababli, IFRS yoki IPSASdagi kabi “daromadni tan olish”ga bag‘ishlangan yagona alohida standart ishlab chiqish zarurati yuzaga keladi. BHS tizimi hisoblash usuliga asoslangan holda amalga oshirilgan xarajatlar nuqtai nazaridan daromadlarni baholash va hisobga olish tartibini belgilab beradigan grantlar, ko`rsatilgan xizmatlar, tovarlar realizatsiyasi, homiylik mablag‘lari va markazlashgan tartibda olingan mablag‘lar bo‘yicha daromadlarni tan olishni tartibga soluvchi standart qabul qilinishi maqsadga muvofiq.

Standart davlat budjeti, budjet tashkilotlari, davlat maqsadli jamg‘armalari va budjet mablag‘lari oluvchilari tomonidan hisoblash metodi bo‘yicha faoliyat turi bo‘yicha tovarlar (ishlar, xizmatlar) ishlab chiqarish va sotishdan shakllantirilgan daromadlarini, homiylik mablag‘laridan shakllangan daromadlarni, va markazlashgan tartibda olingan mablag‘lar bo‘yicha daromadlarni baholanishini, ularni tan olishni hamda hisobda aks ettirilishi tartibini o`z ichiga olishi zarur.

Umuman olganda, IPSAS, IFRS, IAS va BHMS tizimlarining barchasida daromad hisobi alohida standart bilan tartibga solinadi, biroq ularning qo‘llanish sohasi turlicha. IPSAS davlat sektori uchun, ayniqsa soliqlar, grantlar va transfertlar kabi tushumlarni hisobga olishda muhim ahamiyatga ega. IFRS va ilgari amal qilgan IAS ko‘proq xususiy sektori uchun mo‘ljallangan. BHMS esa milliy hisob tizimida xususiy sektor daromadlarni tartibga soladi. Biroq milliy hisob tizimida davlat sektor daromadlarni tartibga soluvchi standart mavjud emas.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, davlat sektorida daromadlarni baholash va ularni hisobda tan olishni tartibga soluvchi alohida standartni qabul qilish zaruriyati bir nechta muhim omillar bilan izohlanadi.

Birinchidan, davlat sektorida daromadlar faqat tovarlarni sotish yoki xizmatlar ko‘rsatish (ishlarni bajarish)dan emas, balki grantlar, homiylik mablag‘lari va markazlashgan tartibda

olingan mablag‘lar hisobodan ham shakllanadi. Bunday tushumlar ularni aniq qachon va qanday tartibda tan olish masalasi maxsus metodologiyani talab qiladi.

Ikkinchidan, hisobotlarning shaffofligi va ishonchliligini ta’minlash zarurati mavjud. Agar daromadlar yagona standart asosida tan olinmasa, turli tashkilotlarda hisob yuritish usullari bir-biridan farqlanadi va bu esa ma’lumotlarning solishtirilishini qiyinlashtiradi. Daromadlar to‘g‘risadagi standart esa yagona yondashuvni belgilab, hisobotlarning haqqoniyligini oshiradi.

Uchinchidan, hisobdorlikni kuchaytirish muhim hisoblanadi. Davlat mablag‘lari jamoatchilik resursi bo‘lgani sababli, ularning shakllanishi va sarflanishi ustidan aniq nazorat bo‘lishi kerak. Daromadlarni to‘g‘ri tan olish davlat organlarining faoliyati ustidan samarali nazoratni ta’minlaydi.

To‘rtinchidan, xalqaro standartlarga moslashish zarurati mavjud. Ko‘plab davlatlar IPSAS kabi xalqaro standartlarga o‘tmoqda. Daromadlarni tan olish bo‘yicha alohida standartning mavjudligi milliy tizimni xalqaro amaliyotga yaqinlashtiradi va investitsion jozibadorlikni oshiradi.

Beshinchidan, budjet rejalashtirish va ijroni yaxshilash uchun muhimdir. Daromadlarning to‘g‘ri baholanishi kelajakdagi tushumlarni prognoz qilish, budjetni samarali tuzish va ijro etishda asos bo‘lib xizmat qiladi.

Oltinchidan, risklarni kamaytirish va xatoliklarning oldini olish zarur. Standart mavjud bo‘lmaganda daromadlarni noto‘g‘ri e’tirof etish, sun’iy ravishda oshirish yoki kechiktirish holatlari yuzaga kelishi mumkin. Standart esa bunday xatolarni minimallashtiradi.

Yettinchidan, buxgalteriya hisobining metodologik yaxlitligini ta’minlash talab etiladi. Daromadlarni tan olish boshqa elementlar - aktivlar, majburiyatlar va xarajatlar bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, ularni yagona konseptual asosda yuritish zarur.

Xulosa qilib aytganda, davlat sektorida daromadlarni baholash va tan olishni tartibga soluvchi standartni qabul qilish - bu shaffoflik, hisobdorlik, taqqoslanuvchanlik va samarali moliyaviy boshqaruvni ta’minlashning muhim sharti hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Budjet kodeksini tasdiqlash to‘g‘risidagi O‘zbekiston Respublikasining 2013 yil 26 dekabrdagi O‘RQ 360 sonli Qonuni

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi 24.02.2020 yildagi PQ-4611-son qarori.

3. Handbook of International Public Sector Accounting Pronouncements published as of January 31, 2025.

4. IFRS Foundation. Conceptual Framework for Financial Reporting (2018).

5. Nobes C., Parker R. “Comparative International Accounting” (15-edition, Pearson, 2021).

6. Karimov A.A., Kurbanbayev J.E., Jumanazarov S.A. Финансовый учет и отчетность. Учебник /– T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019. - 400 стр.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ АМАЛИЁТИГА ОИД ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ ХУСУСИДА

Ш.А.Сафарова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

Аннотация: *Мақолада жаҳон солиқ амалиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкини солиққа тортиш амалиётига оид хориж тажрибаларининг хусусиятлари, улардан Янги Ўзбекистонда фойдаланиш аҳамияти, вазифалари ҳамда муаммолари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *кўчмас мулк, мол-мулк ва капитал, жисмоний шахслар мол-мулки ва капитали қиймати, кўчмас мулкни солиққа тортиш, кўчмас мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулкнинг кадастр қиймати, жисмоний шахслар кўчмас мулкидан олинадиган солиқ турлари.*

ABOUT FOREIGN EXPERIMENTS ON THE PRACTICE OF PROPERTY TAX FROM INDIVIDUALS

Sh.A. Safarova

Independent researcher of the Tashkent State University of Economics

Annotation: *The article describes the life and work of Amaliet during her reign, as well as how her father and mother, in particular, were killed during the Gulf War, her relatives and relatives were killed.*

Key words: *real estate, property and capital, value of property and capital of individuals, taxation of real estate, market value of real estate, cadastral value of real estate, types of taxes on real estate of individuals.*

О ЗАРУБЕЖНОЙ ПРАКТИКЕ ПРАКТИКИ НАЛОГА НА ИМУЩЕСТВО ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

Ш.А.Сафарова

Ташкентская государственная экономика базовый докторант университета

Аннотация: *В статье рассматриваются особенности зарубежного опыта практики налогообложения недвижимости физических лиц на современном этапе развития мировой налоговой практики, значение, задачи и проблемы их использования в Новом Узбекистане.*

Ключевые слова: *недвижимость, имущество и капитал, стоимость имущества и капитала физических лиц, налогообложение недвижимости, рыночная стоимость недвижимости, кадастровая стоимость недвижимости, виды налогов на недвижимость физических лиц.*

Кириш.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиш ҳар қандай давлат солиқ тизимининг ажралмас қисмидир. Кўпгина ривожланган мамлакатлар солиқ амалиётида жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг муҳим манбаи бўлиб, бу минтақалар аҳолисининг аксарият долзарб муаммоларини ҳал қилишга имкон беради. Ушбу турдаги солиққа тортишнинг мавжудлиги

ва ривожланиши цивилизациялашган кўчмас мулк бозорининг белгиларидан бири ҳисобланади. Хорижда мол-мулк солиғи бутун солиқ тизимининг муҳим элементи ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасида эса уларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги иштироки ҳали у қадар салмоқли ва устувор эмас. Ҳозирда жисмоний шахслар мол-мулкидан самарали фойдаланишнинг солиқ омиллари масаласи 2022 йил 28 январдаги №60-сонли Фармони билан тадиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси [1]да, ҳамда 2023 йил 11 сентябрдаги №ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030” Стратегияси[2]да муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиш тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ушбу масалада жисмоний шахслар мол-мулкини солиққа тортиш амалиётини муваффақиятли қўллаётган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш долзарбдир.

Мазкур илмий мақолада изланиш мақсади - жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларини таҳлил қилиш ва уни Ўзбекистон Республикасида қўллаш имкониятларини ўрганишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун изланиш олдига қуйидаги *вазифалар* қўйилган:

- юқори ривожланган мамлакатларда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиш амалиёти таҳлилини амалга ошириш ва солиқ солинадиган объектларнинг қийматини шакллантириш тизимларини ўрганиш;
- хорижий тажрибалар асосида жисмоний шахсларни солиққа тортиш мақсадида кўчмас мулкни солиққа тортиш ва баҳолашнинг умумий тенденцияларини аниқлаш;
- жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини хорижий тажриба ва ўз амалиётимиз тизимли муаммоларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш бўйича таклифларни шакллантириш.

Адабиётлар таҳлили.

О.В.Батура бошлиқ муаллифлар гуруҳининг таъкидлашича, “Дунё мамлакатларида кўчмас мулк солиғини шакллантириш ва қўллаш унинг тўловчилари доирасини белгилашда мавжуд бўлган 3 та ёндашувдан бири асосида амалга оширилади. Кўчмас мулк эгасига солиқ тўловларини тайинлаш энг кенг тарқалган вариант ҳисобланади. Баъзан ижарачилар ва кўчмас мулк фойдаланувчилари солиқ тўловчилар сифатида ҳаракат қилишади. Масалан, Францияда икки солиқ бор: кўчмас мулк эгаларидан солиқ (мулк эгаси солиқ тўловчи), кўчмас мулкдан фойдаланувчиларга солиқ (солиқ тўловчи мулк эгаси ёки мулкдан фойдаланувчи)” [3].

С.В.Богачев фикрича, Кўпгина хорижий мамлакатларда қўлланиладиган бир қатор умумий қоидалар мавжудлигига қарамай, кўчмас мулкни баҳолаш амалиёти уларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятларни намойиш этади. Кўчмас мулкнинг бозор нархини аниқлаш учта ёндашувга асосланади: харажат, даромад ва қиёсий. Даромад ёндашуви - Францияда, Буюк Британияда ва Швейцариянинг баъзи кантонларида кенг қўлланилган. Қиёсий ёки бозорга асосланган ёндашув, асосан, Япония ва АҚШда, шунингдек Дания, Индонезия, Австралия ва Швецияда қўлланилади. Харажатларга асосланган ёндашувни амалга ошириш усулларидан фойдаланиш амалиёти жуда чекланган (Жанубий Корея, Канаданинг баъзи минтақалари). Улар кўпинча бошқа усуллар билан биргаликда қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки, баҳолаш усулларини қўллаш амалиёти кўчмас мулк бозорининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ”[4].

Дунё мамлакатларида кўчмас мулкни баҳолаш солиқ базасини аниқлашнинг турли усулларига асосланади. Улардан бири йиллик ижарага асосланган (Франция, Австралиянинг баъзи штатлари, Бельгия); иккинчиси бозор ва мулкнинг тахминий қиймати

(Дания, Япония, Ақш, Австралия, Швейцария) томонидан белгиланадиган мулкнинг капитал қийматига асосланади; баъзан солиқ базаси кўчмас мулк бозор (ижара) қийматининг фақат бир қисми ҳисобланади (Швеция)” [5].

А.С.Лапинина ўз тадқиқотларида жаҳон солиқ амалиётида солиқ базасини аниқлашда бешта ёндашув мавжуд мавжудлигини таъкидлади:

- ер участкалари ёки яхшиланган ер участкаларига нисбатан бозор қийматига асосланган солиққа тортиш;
- йиллик ижара ставкаси асосида солиқ базасини ҳисоблаш;
- нарх зоналаридан бирига объектни белгилаш орқали қийматни аниқлашни ўз ичига олган тахминий зоналаштириш тизими, бу қийматнинг маълум даражаси билан тавсифланади ва ушбу зонага тегишли хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда солиқ миқдорини белгилайди;
- статистик моделлар ёрдамида солиқ базасини ҳисоблаш;
- кўчмас мулк объектларини унинг жисмоний параметрлари асосида солиққа тортиш” [6].

С.В.Богачев фикрича, “Солиқ ставкаларини белгилаш тўғридан-тўғри қонунчилик ва иқтисодий амалиётга боғлиқ. Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкига солиқ солишнинг хорижий амалиётида солиқ ставкалари икки хил бўлиши мумкин: доимий ёки ўзгарувчан. Биринчилари давлат органлари томонидан киритилади ва солиқ солинадиган қийматнинг маълум белгиланган фоизини ифодалайди. Ўзгарувчан ставкалар турли омилларга боғлиқ: мулкнинг қиймати (Филиппин), хизмат муддати (Швеция) ва мулкнинг жойлашган жойи (Буюк Британия)” [4].

Т.А.Логинова таъкидлашича, “Турли мамлакатларда кўчмас мулк солиғи бўйича имтиёзлар, қоида тариқасида, аҳолининг заиф қатламларига берилади. Аммо, кўпинча, имтиёз кўчмас мулк турига ёки ундан фойдаланиш турига қараб берилади. Кўчмас мулкни қайта баҳолаш даврлари ҳам ҳар хил. Масалан, Литва, Финляндия, Данияда кўчмас мулк қайта камида 5 йилда бир marta амалга оширилади; Швеция, Испания, Италия, Бельгияда эса кўчмас мулк камида 10 йилда бир марта қайта баҳоланади. Шунингдек, дунёнинг кўплаб мамлакатларида (Австрия, Финляндия, Испания, Швеция, Литва) иқтисодий вазиятда жиддий ўзгаришлар кузатилган тақдирда кўчмас мулкларни навбатдан ташқари қайта баҳолашлар амалга оширилиши мумкин бўлган”[7].

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ асосан маҳаллий солиқ ҳисобланади. Ушбу турдаги солиқларни бюджетни тўлдиришнинг адолатли манбаи сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин, чунки солиқ тўловчилар коммунал имтиёзлардан фаол фойдаланувчилардир. Солиқларни тўлаш орқали бюджетни тўлдириш орқали мол-мулк эгалари бўлган жисмоний шахслар инфратузилмани ривожлантиришга ҳисса қўшадилар.

Солиқ тизимларининг мол-мулкка оид амалиётлари тадқиқига хос хорижий адабиётларнинг аксарияти одатда "мол-мулк солиғи" нинг мавжудлигини ифодалайди. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) даромад ва статистикани тақдим этишда фойдаланадиган мол-мулк солиғини таснифлаш учун бир-бирини тўлдирувчи схемаларни ишлаб чиқдилар. Шундай қилиб, мол-мулкдан олинадиган солиқларга қуйидагилар киради:

* кўчмас мулкка даврий (йиллик) солиқлар;
* соф актив (мол-мулк) ларга даврий солиқлар;
* мол-мулк, мерос ва совғалар учун солиқлар;
* молиявий ва капитал операциялар бўйича солиқлар;
* мол-мулкка бошқа даврий солиқлар. (4-расмда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт

ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатлар солиқ амалиётида мавжуд мол-мулк солиқлари таркиби ва уларнинг улушлари келтирилган.).



1-расм. 2023 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатлар солиқ амалиётида мавжуд мол-мулк солиқлари таркиби ва уларнинг улушлари, % да[49]

1-расм маълумотлари тасдиқлашича, 2023 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатларда мол-мулкдан олинадиган солиқлар таркибида энг катта улуш кўчмас мулкдан олинадиган солиқ (49%) зиммасига, кейинги улуш капитал билан операциялардан олинадиган солиқ (33%) қа, бойликка солиқ (9%) ва бошқаларга тўғри келган.

Кўчмас мулкдан олинадиган солиқ тушумларини бошқариш даражасига келсак, улар маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ва иқтисодий автономиясининг асосини ташкил этади (АҚШ ва Японияда - мол-мулкдан, Германия, Францияда - ердан; Францияда - биноларга ер солиғи ва уй-жойларга солиқ; Испанияда - кўчмас мулкка солиқ ва шаҳар четидаги ер майдонлари қиймати ўсишига солиқ), шу боис, тўпланган ва олинган маблағлар фақат маҳаллий даражада ишлатилади.

Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкини солиққа тортиш ва баҳолаш бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилишнинг қисқача натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Хорижий мамлапкатларда жисмоний шахслар кўчмас мулкини баҳолаш ва солиққа тортиш[7, 9, 10]

Белги	Параметр	Мамлакат
Солиққа тортиш субъекти	Солиқ тўловчи – кўчмас мулк эгаси Солиқ тўловчи – кўчмас мулкдан фойдаланувчи 2 хилдаги солиқ тури (кўчмас мулкка ва ундан фойдаланишга солиқ)нинг мавжудлиги	АҚШ Буюк Британия Франция
Солиққа тортиш объекти	Бўлинмас объект (яхшиланган ер майдони) Ер қиймати ва унинг яхшиланиши алоҳида баҳоланади	Буюк Британия Австралия, Дания
Солиқ органлари ва баҳоловчилар ўзаро ҳаракати	Солиқ органлари ва баҳоловчиларнинг жамоавий ишлаши Мулкнинг фақатгина давлат томонидан баҳоланилиши Хусусий шахслар томонидан баҳоланилиши; солиқни ҳисоблаш, уни йиғиш ва ундиришнинг давлат органлари томонидан амалга оширилиши	АҚШ Испания Россия

[49] Taxation trends in the European Union. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2024 асосида муаллиф ишланмаси.

Кўчмас мулкни баҳолашга ёндошувлар	Қиёсий ёндошув Харажатли ёндошув Даромадли ёндошув	АҚШ, Дания Камдан-кам учрайди Буюк Британия
Солиқ базаси	Асос - бозор қиймати Асос – кўчмас мулк объектлари ижараси қиймати Баҳолашнинг зоналаштирилиши Статистик моделлардан фойдаланилиши Объектнинг майдони ва жойлашган ўрнидан келиб чиқилиши	Дания, Жанубий Корея Франция, Бельгия Буюк Британия Литва Камдан-кам учрайди
Солиқ ставкаси	Қатъий белгиланган Ўзгарувчан	Литва, Бельгия Филиппины, Швеция
Солиқлар сони	5 хил солиқ 3 хил солиқ 2 турдаги солиқ	Греция Дания Испания
Қайта баҳолаш ўтказиладиган давр	5 йилдан кам муддатда бир марта 5-10 йилда бир марта 10 йилдан юқори муддатда бир марта	Дания, Финляндия Испания, Швеция Австрия, Бельгия

Ривожланган мамлакатларда жисмоний шахслар кўчмас мулкини солиққа тортиш тизимларининг умумий тавсифи 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Ривожланган мамлакатларда жисмоний шахслар кўчмас мулкини солиққа тортиш тизимларининг умумий тавсифи[8]

Мамлакат	Солиққа тортиш		Кўчмас мулк қийматини белгиловчи орган	Объект қийматини аниқлаш даврийлиги	Солиқ		Қайси бюджетга тушиши	Давлат бюджети даромадларидаги улуши,%
	объекти	базаси			ставкаси	мақоми		
Буюк Британия	Ер, бино ва иншоотлар	Ижара тўлови	Муниципалитет ва фискал орган	10 йил	2-15	Маҳаллий	Маҳаллий	10,3
Франция	Қурилган ва қурилаётган ҳовли-жой, уйлар			Ҳар йили	5%гача		Маҳаллий, давлат	2-2,2
Германия	Ер, жисмоний шахлар мол-мулки	Солиқ қиймати			1-2,1		Маҳаллий	1,0
Дания	Ер,бинолар	Давлат баҳоси	Фискал орган	4 йил	0,6-2,4	Маҳаллий, округ	Маҳаллий, округ	1,85
Голландия			Муниципалитет		0,1-0,9	Маҳаллий	Маҳаллий	1,8
Испания		Кадастр қиймати	Кўчмас мулк давлат реестри	8 йил	0,3-0,4			0,21
Швеция	Жисмоний шахлар мол-мулки	Охирги икки йилдаги баҳоланган қиймат	Фискал орган	5-6 йил	0,5-1,3	Давлат	Маҳаллий, давлат	0,89
Италия	Қурилишлари билан ер, бинолар	Кадастр қиймати, шартномага кўра ижара қиймати	Кўчмас мулк давлат реестри ва фискал орган	10 йил	0,3-3,	Маҳаллий	Маҳаллий	0,21
Канада	Қурилишлари билан ер	Бозор қиймати	Тижорат ташкилотлари	Ҳар йили	Сузиб юрувчи			8,3
АҚШ	Ер,бинолар				1,0-8,0			9,6

Кўпгина хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкига солинадиган солиқлар жами даромадларнинг марказий (2-расм) ва маҳаллий бюджетларида (3-расм) жуда

катта қисмини ташкил қилади. Таққослаш учун, Буюк Британияда 2023 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар умумий солиқ тушумларининг 10,3 фоизини ташкил қилади. АҚШда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар марказий бюджет даромадларининг 9,58%, Канадада 8,32% ни ташкил қилади. Шубҳасиз, ушбу мамлакатларда солиқ маҳаллий бюджетларнинг даромадлари шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, Канадада маҳаллий бюджет даромадларида жисмоний шахсларга мол - мулк солиғининг улуши 40,93% гача, Буюк Британияда - 30% гача, Францияда-40% гача.



2-расм. 2023 йилда турли мамлакатлар маҳаллий бюджетларида жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқдан тушумнинг улуши, %[8]

Кўриб чиқилган мамлакатларда жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи маҳаллий бюджетларнинг асосини ташкил етади ва инфратузилмани ривожлантириш учун кучли восита бўлиб, инвестицияларни жалб қилишга имкон берадиган ишончли пул оқимини таъминлайди.



3-расм. 2023 йилда турли мамлакатлар давлат бюджетида жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқ улуши, %[8]

Хулоса.

1.Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва Ўзбекистон Республикасидаги солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммалари хорижий давлатлар билан таққосланадиган бўлса, уй хўжаликлари бюджетига жиддий таъсир кўрсатиши ва солиқларни тўлаш бўйича

қарз мажбуриятларининг кўпайишига, аҳолининг ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин.

2.Баъзи мамлакатларда кўчмас мулкни кадастр баҳосидан фойдаланиш азалий анъаналарга эга эканлигини ва уни қўллаш самарадорлиги амалда исботланганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкни баҳолашда баъзи хорижий ёндашув ва усуллардан фойдаланишни таклиф қилишимиз мумкин, аммо уларнинг бизнинг шароитимизга мослашишини албатта ҳисобга олиш лозим. Шундай қилиб, биринчи навбатда, кўчмас мулк бозори нархларини доимий равишда кузатиб бориш ва табақалаштирилган манбалардан маълумотларни янгилаш зарур, бу эса оммавий баҳолашни ўтказишда ўлчов тежамкорлигига эришишга имкон беради. Иккинчидан, баҳолаш натижаларининг сифати ва аниқлигини ошириш учун малакали мутахассислар-маҳаллий ҳокимиятларда кўчмас мулк объектларини баҳоловчилар талаб қилинади, улар баҳолаш натижалари учун жавобгардир. Солиқ органлари солиқ тўловчи мулк эгаларини баҳолаш натижалари тўғрисида баҳолаш ишлари босқичида ҳам, у тугагандан сўнг ҳам билдиришномалар юбориш орқали ошкора ва очиқ хабардор қилишлари керак. Бу кўчмас мулкни кадастр баҳолаш натижаларига қарши чиқиш билан боғлиқ суд даъволари сонини камайтиради.

3.Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкига солиқ солишнинг халқаро амалиётини таҳлил қилиш, умуман, Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тизимини модернизация қилиш дунёнинг илғор мамлакатларида солиқ тизимларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мувофиқ давом этмоқда, деб тахмин қилишга асос беради. Бироқ, ушбу модернизация ушбу соҳадаги хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганишга асосланган бўлиши керак. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш мақсадида кўчмас мулкни солиққа тортиш ва баҳолашнинг бир қатор умумий тенденцияларини аниқлаш мумкин, бу кадастр қийматида кўчмас мулкни оммавий баҳолаш ва солиққа тортиш усулларидан фойдаланадиган аксарият хорижий давлатлар учун хосдир. Буларга, хусусан, қуйидагилар киради:

- солиқ мақсадлари учун кўчмас мулкни баҳолаш бозор маълумотларига асосланади;
- ҳақиқий солиқ базаси кўчмас мулкнинг умумий бозор қийматининг фақат бир қисмидир;
- солиқ базасининг қиймати оммавий баҳолаш усуллари билан аниқланади;
- баҳолашда маълум бир ҳудуд чегараларида ўхшаш кўчмас мулк объектларини сотишни таққослаш усули қўлланилади;
- мол-мулкдан фойдаланиш турига қараб ҳар хил солиқ ставкаларини қўллаш;
- кўчмас мулкни баҳолаш маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

4.Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкига солиқ солиш бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилиш натижасида мол-мулкни солиққа тортиш тизимлари асосланадиган қуйидаги асосий қоидаларни шакллантириш мумкин:

- солиқ имтиёзларининг самарадорлиги (масалан, хайрия ташкилотларини совға солиғидан озод қилиш, болаларни мерос ва совға солиқларидан озод қилиш ва бошқалар);
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (масалан, мулк ва транзакцион солиққа тортишдан озод қилинган даромад);
- уй-жой сотиб олишни рағбатлантириш (масалан, уй сотиб олувчилар биринчи харидларида битим солиғини тўлашдан озод қилинади);
- адолатлилик (масалан, агар ҳуқуқларни ўтказиш никоҳ шартномасини бекор қилиш муносабати билан амалга оширилса, битим солиғининг йўқлиги);
- имтиёзларни суиистеъмол қилишдан ҳимоя қилиш (масалан, ўлимдан олдин дарҳол қилинган кўчмас мулкни ҳадя қилиш мероснинг бир қисми ҳисобланади).

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида кенг кўламли халқаро амалиётда тўпланган тажрибадан оқилона фойдаланиш жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ

солишни ислоҳ қилишнинг энг самарали вариантини танлаш ва иқтисодий асосланган солиққа тортиш тизимини яратиш имконини беради.

Умуман, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солишнинг давом этаётган модернизацияси, умумий тарзда, мол-мулкни солиққа тортишнинг хорижий амалиётига асосланади, аммо у юқори ривожланган мамлакатларда солиққа тортишнинг бой тажрибаси ва мамлакатимиз солиқ амалиёти ҳақиқатларини етарлича ҳисобга олмайди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш ва уни солиққа тортиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикасида ижтимоий адолат тамойилини амалга ошириш ва солиқ тушумларининг ўсишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони..

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил11 сентябрдаги ““Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

3.Батура, О. В. [и др.]. Налогообложение недвижимости: опыт стран-членов Европейского союза / О. В. Батура, С. А. Шавров, Е. А. Рыжковская // Труды БГТУ. – 2017. – Серия 5, № 1 (196). – С. 92–96.

4.Богачев С. В. Налог на недвижимость: опыт зарубежных стран // Налоги и сборы. – 2017. – № 1. – С. 45–50.

5.Григорьева Л. Г. Налогообложение объектов недвижимости в России и за рубежом // Библиотечка «Российской газеты». – М.: Издательство «Российская газета». – 2017. – № 11. – С. 80.

6. Лапинина А. С. Совершенствование налогообложения имущества физических лиц на основе государственной кадастровой оценки объектов жилой недвижимости: дисс. канд. экон. наук: 08.00.10. – Ростов-на-Дону, 2018. – 169 с.

7. Т.А.Логинова Концептуальные подходы к налогообложению недвижимого имущества и их реализация в налоговых системах стран ОЭСР и Российской Федерации // Налоги и налогообложение. – 2024. – № 9. – С. 1–14

8. Косенкова Ю. Ю. Зарубежный опыт налогообложения недвижимости // Социально-экономические явления и процессы. 2014. № 4 (062);

9. Однокоз В. Г. Зарубежный опыт налогообложения имущества // Гуманитарные научные исследования. 2015. № 3. URL: http://human.snauka.ru/2015/03/8587;

10. Иванов Ю. Б., Давыскиба Е. В. Системы налогообложения зарубежных стран: учебное пособие. Хабаровск : ИНЖЭК, 2006;

11. Иванкина Е. В, Боронина А. Э. Зарубежный опыт налогообложения недвижимости // Механизация строительства. 2016. № 2. Т. 77;

12. Иваненко Д. Е. Аспекты кадастровой оценки недвижимости: институциональный опыт зарубежных стран // Имущественные отношения в Российской Федерации. 2014. № 1 (148) асосида муаллиф ишланмаси.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

AGROKLASTER TIZIMIDA MOLIYAVIY YUKLAMANING NOTEKIS TAQSIMLANISHI: PAXTA TOZALASH KORXONALARI ZIMMASIDAGI TIZIMLI BOSIM VA UNING SABABLARI

Murodov Orif Jumayevich
texnika fanlari doktori, professor
Renessans ta’lim universiteti. 100071,
Toshkent shahar,
Shayxontohur tumani,
Samarqand darvoza ko‘chasi, Charxnovza 17
E-mail: orifakadem81@gmail.com

G‘ulomov Haydarbek Ilyos o‘g‘li
assistent
Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoat instituti.
100000, Shohjahon 5
E-mail: haydarbekgulomov@gmail.com

Annotatsiya. *Ushbu maqolada agroklaster tizimida moliyaviy yuklamaning notekis taqsimlanishi muammosi paxta tozalash korxonalari misolida tahlil qilinadi. Tadqiqot davomida pul aylanish sikli (CCC), likvidlik ko‘rsatkichlari va qarzdorlik darajasi asosida korxonalarning moliyaviy holati baholandi. Empirik natijalar shuni ko‘rsatdiki, paxta tozalash korxonalarida pul oqimlarining nomuvofiqligi, debitorlik qarzlarining ortishi va kreditlarga yuqori darajada bog‘liqlik natijasida moliyaviy bosim kuchaymoqda. Shu asosda moliyaviy bosim indeksi (FPI) modeli ishlab chiqildi va stress-test usuli yordamida tizimning zaif nuqtalari aniqlashtirildi. Tadqiqot natijalari agroklaster tizimida daromad va moliyaviy yuklamaning asimmetrik taqsimlanishini isbotlab, paxta tozalash korxonalarining “moliyaviy siqilgan bo‘g‘in” sifatida shakllanishini asoslab berdi. Amaliy natija sifatida debitorlik va kreditorlik qarzlarini hamda pul aylanish siklini boshqarishga qaratilgan intellektual dasturiy tizim (DGU-3) taklif etildi.*

Kalit so‘zlar: *agroklaster, paxta tozalash korxonalari, moliyaviy yuklama, pul aylanish sikli, likvidlik, qarzdorlik, moliyaviy bosim indeksi, stress-test.*

НЕРАВНОМЕРНОЕ РАСПРЕДЕЛЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ НАГРУЗКИ В АГРОКЛАСТЕРНОЙ СИСТЕМЕ: СИСТЕМНОЕ ДАВЛЕНИЕ НА ХЛОПКООЧИСТИТЕЛЬНЫЕ ПРЕДПРИЯТИЯ И ЕГО ПРИЧИНЫ

Муродов Ориф Жумаевич
доктор наук
Ренессансский университет образования 100071,
Г. Ташкент,
Шайхантахурский р-н,
Улица Самарканд дарвоза, улица Чархновза, дом 17
E-mail: orifakadem81@gmail.com

Гулямов Хайдарбек Илёс угли
помощник
Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности.
100000, Шохжахон 5.

Аннотация. *В данной статье исследуется проблема неравномерного распределения финансовой нагрузки в системе агрокластера на примере хлопкоочистительных предприятий. В ходе исследования финансовое состояние предприятий оценивалось на*

основе показателей цикла оборота денежных средств (CCC), ликвидности и уровня задолженности. Эмпирические результаты показали, что несоответствие денежных потоков, рост дебиторской задолженности и высокая зависимость от кредитных ресурсов приводят к усилению финансового давления на предприятия. На этой основе разработана модель индекса финансового давления (FPI), а с использованием стресс-тестирования выявлены уязвимые зоны системы. Результаты исследования доказывают асимметричное распределение доходов и финансовой нагрузки в агрокластере, вследствие чего хлопкоочистительные предприятия формируются как «финансово сжатое звено». В качестве практического результата предложена интеллектуальная программная система (DGU-3) для управления дебиторской и кредиторской задолженностью, а также циклом оборота денежных средств.

Ключевые слова: *агрокластер, хлопкоочистительные предприятия, финансовая нагрузка, денежный цикл, ликвидность, задолженность, индекс финансового давления, стресс-тест.*

UNEVEN DISTRIBUTION OF FINANCIAL BURDEN IN AGRO-CLUSTER SYSTEMS: SYSTEMIC PRESSURE ON COTTON GINNING ENTERPRISES AND ITS DETERMINANTS

Orif Jumaevich Murodov
doctor of technical sciences, professor
Renaissance University of Education. 100071,
Tashkent city,
Shaykhantakhur district,
Samarkand Darvoza Street, Charkhnovza 17.
E-mail: orifakadem81@gmail.com

Gulyamov Khaidarbek Ilyas ugli
assistant
Tashkent Institute of Textile and Light Industry.
100000, Shokhjakhon 5

Abstract. *This study examines the problem of uneven distribution of financial burden within the agro-cluster system, using cotton ginning enterprises as a case study. The financial condition of enterprises is assessed based on key indicators, including the cash conversion cycle (CCC), liquidity ratios, and debt levels. Empirical findings reveal that mismatches in cash flows, increasing receivables, and high dependence on short-term borrowing significantly intensify financial pressure on cotton ginning enterprises. In response, a Financial Pressure Index (FPI) model is developed, and a stress-testing approach is applied to identify system vulnerabilities. The results confirm the asymmetric distribution of income and financial burden within the agro-cluster system, leading to the formation of cotton ginning enterprises as a “financially squeezed node.” As a practical contribution, an intelligent software system (DGU-3) is proposed for managing receivables, payables, and the cash conversion cycle.*

Keywords: *agro-cluster, cotton ginning enterprises, financial burden, cash conversion cycle, liquidity, debt, financial pressure index, stress testing*

Kirish

Agroklaster tizimi qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish, qayta ishlash va yakuniy mahsulotni bozorga chiqarish bosqichlarini yagona integratsiyalashgan tizim sifatida birlashtiradi. Mazkur tizim nazariy jihatdan qiymat zanjiri ishtirokchilari o‘rtasida resurslarning samarali taqsimlanishini ta’minlashi, moliyaviy oqimlarni muvozanatlashtirishi hamda barcha bo‘g‘inlar uchun barqaror iqtisodiy muhit yaratishi lozim [1].

Biroq amaliy kuzatuvlar va empirik ma’lumotlar shuni ko‘rsatadiki, agroklaster tizimida moliyaviy resurslar va yuklamalar teng taqsimlanmagan [2]. Aksincha, qiymat zanjirining ayrim bo‘g‘inlarida moliyaviy resurslar konsentratsiyasi kuzatilsa, boshqa bo‘g‘inlarda esa moliyaviy bosim keskin ortib boradi [3]. Ushbu nomutanosiblik ayniqsa paxta-to‘qimachilik yo‘nalishidagi agroklasterlarda yaqqol namoyon bo‘ladi.

Paxta tozalash korxonalari (PTZ) mazkur tizimda xomashyoni dastlabki qayta ishlashni amalga oshiruvchi asosiy texnologik bo‘g‘in bo‘lishiga qaramasdan, ular moliyaviy jihatdan eng zaif va eng yuqori yuklama ostida faoliyat yuritayotgan subyekt sifatida namoyon bo‘lmoqda. Mazkur paradoksal holat — ya’ni tizimda markaziy rolga ega bo‘lgan bo‘g‘inning eng past rentabellik darajasiga ega bo‘lishi — ilmiy jihatdan alohida tadqiq etishni talab etadi.

Mavjud holat shuni ko‘rsatadiki, PTZlarda moliyaviy bosim bir vaqtning o‘zida bir nechta omillar ta’sirida shakllanadi. Bir tomondan, xomashyo xaridi va ishlab chiqarish jarayonlari bilan bog‘liq xarajatlar tezkor moliyalashtirishni talab qiladi. Ikkinchi tomondan, tayyor mahsulot realizatsiyasidan tushadigan pul oqimlari kechikkan holda shakllanadi [3, 4]. Natijada korxonalarda pul oqimlarining vaqt bo‘yicha nomuvofiqligi yuzaga keladi.

Bundan tashqari, qisqa muddatli kredit resurslariga yuqori darajada bog‘liqlik, foiz xarajatlarining ortib borishi, debitorlik qarzlarining oshishi hamda zaxiralar hajmining kattaligi PTZlarning likvidlik holatini yanada murakkablashtiradi [5]. Ayniqsa, pul aylanish siklining uzayishi korxonalar moliyaviy barqarorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi va ularni “moliyaviy siqilgan zona” holatiga olib keladi.

Shu bilan birga, agroklaster tizimida narx shakllanishi va daromadlarni taqsimlash mexanizmlarining markazlashganligi PTZlarning mustaqil moliyaviy qarorlar qabul qilish imkoniyatlarini cheklaydi. Natijada ular xarajatlarni o‘z zimmasiga olgan holda, daromadlarning nisbatan kichik ulushiga ega bo‘lib qolmoqda [6].

Yuqoridagi holatlar quyidagi asosiy ilmiy savolni yuzaga keltiradi:

Nima sababdan agroklaster qiymat zanjirida eng kam foyda oluvchi bo‘g‘in aynan paxta tozalash korxonalari hisoblanadi?

Mazkur maqolaning maqsadi agroklaster tizimida moliyaviy yuklamaning notekis taqsimlanish sabablarini aniqlash, paxta tozalash korxonalarida yuzaga kelayotgan tizimli moliyaviy bosim omillarini kompleks tahlil qilish hamda ushbu nomutanosiblikni kamaytirishga qaratilgan ilmiy asoslangan takliflarni ishlab chiqishdan iborat.

Adabiyotlar sharhi

Qiymat zanjiri nazariyasi va uning moliyaviy jihatlari ilmiy adabiyotlarda keng yoritilgan bo‘lib, unda asosiy e’tibor qiymat yaratish jarayonida ishtirok etuvchi bo‘g‘inlar o‘rtasidagi funksional va iqtisodiy aloqalarga qaratilgan. Mazkur yondashuvga ko‘ra, har bir bo‘g‘in umumiy qiymat yaratish jarayonida muayyan ulushga ega bo‘lishi hamda resurslar va daromadlar nisbatan muvozanatli taqsimlanishi lozim [7].

Biroq zamonaviy tadqiqotlar qiymat zanjirlarida moliyaviy oqimlarning notekis taqsimlanishi keng tarqalgan muammo ekanligini ko‘rsatmoqda. Ayrim mualliflar ishlab chiqarish zanjirlarida yuqori darajadagi kapitallashgan va bozorga yaqin bo‘lgan bo‘g‘inlar ko‘proq daromad olish tendensiyasiga ega ekanligini ta’kidlaydi, natijada qayta ishlash va o‘rta bo‘g‘inlarda moliyaviy bosim ortadi [8].

Qishloq xo‘jaligi va agro-sanoat tizimlarida olib borilgan tadqiqotlar ham shunga o‘xshash natijalarni ko‘rsatadi. Xususan, agroklaster tizimlarida moliyaviy resurslarning asimmetrik taqsimlanishi natijasida ayrim bo‘g‘inlar likvidlik muammolari bilan yuzlashayotgani aniqlangan. Bu holat, ayniqsa, qayta ishlovchi korxonalar faoliyatida yaqqol namoyon bo‘ladi [9].

Moliyaviy menejment nazariyasida korxonalarning likvidlik darajasi va pul oqimlari barqarorligi ularning moliyaviy barqarorligini belgilovchi asosiy omillar sifatida qaraladi. Shu nuqtayi nazardan, pul aylanish sikli (Cash Conversion Cycle – CCC) korxonaning operatsion faoliyati samaradorligini baholovchi muhim ko‘rsatkichlardan biri hisoblanadi. Tadqiqotlar shuni

ko‘rsatadiki, CCCning uzayishi korxonalarning tashqi moliyalashtirishga bo‘lgan ehtiyojini oshiradi va foiz xarajatlarining ortishiga olib kelad.

Debitorlik va kreditorlik qarzlari bilan bog‘liq muammolar ham korxonalar moliyaviy holatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Ilmiy adabiyotlarda debitorlik qarzlarining ortishi pul oqimlarining sekinlashuviga, kreditorlik majburiyatlarining ortishi esa moliyaviy risklarning oshishiga olib kelishi qayd etilgan. Shu bilan birga, qarzdorliklar tuzilmasining nomutanosibligi likvidlik inqiroziga sabab bo‘lishi mumkin.

Agro-sanoat tizimlarida olib borilgan ayrim tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, qayta ishlovchi korxonalar ko‘pincha yuqori operatsion xarajatlar, kechikkan tushumlar va kredit resurslariga yuqori bog‘liqlik sharoitida faoliyat yuritadi. Bu esa ularning moliyaviy barqarorligini pasaytiradi va tizim ichida “moliyaviy siqilish” holatini yuzaga keltiradi.

Shu bilan birga, mavjud adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, agroklaster tizimida moliyaviy yuklamaning bo‘g‘inlar kesimida qanday taqsimlanishi, ayniqsa paxta tozalash korxonalari misolida, yetarli darajada kompleks o‘rganilmagan [10]. Aksariyat tadqiqotlar umumiy qiymat zanjiri yoki alohida moliyaviy ko‘rsatkichlar bilan cheklanib qolgan bo‘lib, tizim ichidagi moliyaviy nomutanosiblikning chuqur mexanizmlari yetarlicha ochib berilmagan.

Shu bois mazkur tadqiqotda agroklaster tizimida moliyaviy yuklamaning notekis taqsimlanishi aynan paxta tozalash korxonalari misolida tahlil qilinadi hamda ushbu bo‘g‘inning moliyaviy bosim ostida qolish sabablari tizimli yondashuv asosida o‘rganiladi.

Metodologiya

Mazkur tadqiqot agroklaster tizimida moliyaviy yuklamaning notekis taqsimlanishini aniqlash va paxta tozalash korxonalarining moliyaviy holatini kompleks baholashga qaratilgan. Tadqiqotda tizimli yondashuv, moliyaviy tahlil usullari hamda ekonometrik indikatorlar asosida integratsiyalashgan metodologiya qo‘llanildi.

1. Tadqiqot obyekti va ma’lumotlar bazasi

Tadqiqot obyekti sifatida O‘zbekiston Respublikasida faoliyat yuritayotgan paxta-to‘qimachilik agroklasterlari tarkibidagi paxta tozalash korxonalari tanlab olindi. Empirik tahlil uchun 2021–2024-yillarga oid moliyaviy hisobotlar, jumladan:

- buxgalteriya balansi (F-1)
- moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobot (F-2)
- pul oqimlari hisobotlari

ma’lumotlar bazasi sifatida foydalanildi.

1-jadval

Tadqiqotda foydalanilgan asosiy moliyaviy ko‘rsatkichlar

Ko‘rsatkich	Belgilanishi	Mazmuni
Debitorlik qarzi	DR	Xaridorlardan olinadigan mablag‘lar
Kreditorlik qarzi	KR	To‘lanishi lozim bo‘lgan majburiyatlar
Zaxiralar	INV	Ombordagi mahsulotlar
Tushum	REV	Sotishdan tushgan daromad
Tannarx	COGS	Ishlab chiqarish xarajatlari

2. Pul aylanish siklini baholash modeli

Korxonaning moliyaviy holatini baholashda asosiy indikator sifatida pul aylanish sikli (Cash Conversion Cycle – CCC) tanlandi.

$$CCC = DSO + DIO - DPO \quad (1)$$

Bu yerda:

DSO — debitorlik qarzining aylanish muddati

DIO — zaxiralar aylanish muddati

DPO — kreditorlik qarzining to‘lov muddati



1-rasm. Pul aylanish siklining sxematik ko‘rinishi

Mazkur rasmda korxonada pul mablag‘larining aylanish jarayoni aks ettirilgan bo‘lib, unda pul chiqishi orqali ishlab chiqarish boshlanishi, mahsulotni sotish bosqichi va tushumning kechikib kelishi natijasida pul oqimlarining vaqt bo‘yicha uzilishi ko‘rsatilgan. Ushbu siklning uzayishi korxonaning likvidlik holatiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

3. Likvidlik va moliyaviy bosim indikatorlari

Korxonaning moliyaviy barqarorligini baholash uchun quyidagi ko‘rsatkichlar qo‘llanildi:

3.1. Joriy likvidlik koeffitsienti

$$CR = \frac{Joriy\ aktivlar}{Joriy\ majburiyatlar} \quad (2)$$

Bu ko‘rsatkich korxonaning qisqa muddatli majburiyatlarini joriy aktivlar hisobidan qoplash qobiliyatini ifodalaydi.

Bu yerda:

- **CR (Current Ratio)** — joriy likvidlik koeffitsienti
- **Joriy aktivlar** — pul mablag‘lari, debitorlik qarzlari va boshqa tez realizatsiya qilinadigan aktivlar
- **Joriy majburiyatlar** — qisqa muddatli qarzlar va to‘lanishi lozim bo‘lgan majburiyatlar

Iqtisodiy ma’nosi:

CR > 1.5 bo‘lsa, korxona moliyaviy barqaror hisoblanadi.

3.2. Tezkor likvidlik koeffitsienti

$$QR = \frac{Joriy\ aktivlar - Zaxiralar}{Joriy\ majburiyatlar} \quad (3)$$

Mazkur ko‘rsatkich korxonaning eng likvid aktivlar hisobidan majburiyatlarini qoplash darajasini ko‘rsatadi.

Bu yerda:

- **QR (Quick Ratio)** — tezkor likvidlik koeffitsienti
- **Zaxiralar** — realizatsiya qilish uchun vaqt talab qiluvchi aktivlar

Iqtisodiy ma’nosi:

QR > 1.0 bo‘lsa, korxona qisqa muddatli majburiyatlarni tezda qoplash imkoniyatiga ega.

3.3. Qarzdorlik darajasi

$$DRatio = \frac{Majburiyatlar}{Umumiy\ aktivlar} \quad (4)$$

Mazkur ko‘rsatkich korxona aktivlarining qanchalik darajada qarz mablag‘lari hisobidan moliyalashtirilganini ifodalaydi.

Bu yerda:

- **DRatio (Debt Ratio)** — qarzdorlik darajasi
- **Majburiyatlar (L)** — korxonaning barcha qarz majburiyatlari
- **Umumiy aktivlar (A)** — korxona aktivlarining umumiy hajmi

Iqtisodiy ma’nosi:

DRatio < 0.6 bo‘lsa, moliyaviy risk past hisoblanadi, aks holda qarz yuki yuqori.

Yuqorida keltirilgan likvidlik va qarzdorlik ko‘rsatkichlari asosida korxonalarning moliyaviy barqarorligini baholash uchun normativ chegaralar tizimi shakllantirildi. Mazkur chegaralar amaliy moliyaviy tahlilda keng qo‘llaniladigan mezonlarga asoslanib, korxonaning

qisqa muddatli to‘lov qobiliyati va qarz yukining maqbulligini aniqlash imkonini beradi.

Xususan, joriy likvidlik koeffitsienti (CR)ning 1.5 dan yuqori bo‘lishi korxonaning joriy majburiyatlarini o‘z vaqtida qoplash imkoniyati yetarli ekanligini va moliyaviy barqarorlik darajasining qoniqarli holatda ekanligini bildiradi. Tezkor likvidlik koeffitsienti (QR)ning 1.0 dan yuqori qiymati esa eng likvid aktivlar hisobidan majburiyatlarni qoplash imkoniyati mavjudligini anglatadi.

Shu bilan birga, qarzdorlik darajasi (DRatio)ning 0.6 dan past bo‘lishi korxonaning moliyaviy mustaqilligi nisbatan yuqori ekanligini hamda qarz yukining maqbul darajada ekanligini ko‘rsatadi. Ushbu normativ chegaralar asosida korxonalarning moliyaviy holatini tizimli ravishda baholash va risk darajasini aniqlash mumkin.

Shu bois, mazkur ko‘rsatkichlar kesimida ishlab chiqilgan normativ qiymatlar jadvali quyidagicha ifodalanadi (2-jadval).

2-jadval

Likvidlik ko‘rsatkichlari bo‘yicha normativ chegaralar

Ko‘rsatkich	Normal qiymat	Talqin
CR	> 1.5	Barqaror
QR	> 1.0	Xavfsiz
DRatio	< 0.6	Past risk

4. Moliyaviy bosim (Financial Pressure Index) modeli

Mazkur tadqiqotning ilmiy yangiligi sifatida PTZlar uchun integratsiyalashgan moliyaviy bosim indeksi ishlab chiqildi.

$$FPI = \alpha_1 CCC + \alpha_2 DR + \alpha_3 IR + \alpha_4 LQ \quad (5)$$

Bu yerda:

- CCC — pul aylanish sikli
- DR — qarzdorlik darajasi
- IR — foiz xarajatlari ulushi
- LQ — likvidlik ko‘rsatkichi
- α_i — og‘irlik koeffitsientlari



2-rasm. Moliyaviy bosim indeksining tarkibiy tuzilmasi

Mazkur rasmda moliyaviy bosim indeksining tarkibiy tuzilmasi aks ettirilgan bo‘lib, unda

pul aylanish sikli (CCC), qarzdorlik darajasi, foiz yuklamasi va likvidlik ko‘rsatkichlari yagona integrallashgan indeksga birlashtiriladi.

5. Stress-test yondashuvi

Tadqiqotda moliyaviy barqarorlikni baholash uchun ssenariy tahlili (stress-test) usuli qo‘llanildi:

- tushum kamayishi (–10%)
- zaxiralar ortishi (+15%)
- foiz stavkasi oshishi (+5%)



3-rasm. Stress-test natijalari (model asosida)

Grafikda turli ssenariylar sharoitida pul aylanish sikli (CCC) va moliyaviy bosim indeksi (FPI) dinamikasi aks ettirilgan bo‘lib, salbiy omillar ta’sirida ko‘rsatkichlarning keskin yomonlashuvi kuzatiladi. Eng salbiy holat zaxiralar ortishi ssenariysida kuzatilib, bu korxonalarning moliyaviy barqarorligi keskin pasayishini ko‘rsatmoqda.

6. Dasturiy ta’minot (DGU integratsiyasi)

Tadqiqot natijalarini amaliyotga joriy etish maqsadida muallif tomonidan ishlab chiqilgan: **“Paxta-to‘qimachilik agroklasterida debitorlik va kreditorlik qarzlari hamda pul aylanish siklini boshqarishning intellektual dasturiy tizimi (patentlashtirilgan DGU-3)”** qo‘llanildi.

Mazkur dastur:

- moliyaviy ko‘rsatkichlarni avtomatik hisoblaydi
- risklarni aniqlaydi
- qaror qabul qilishni qo‘llab-quvvatlaydi



4-rasm. DGU-3 dasturining interfeysi (dashboard ko‘rinishi)

Mazkur rasmda muallif tomonidan ishlab chiqilgan DGU-3 dasturining asosiy interfeysi aks ettirilgan bo‘lib, unda debitorlik va kreditorlik ko‘rsatkichlari, pul aylanish sikli (CCC), likvidlik indikatorlari hamda moliyaviy risk darajasi real vaqt rejimida hisoblanadi va vizual tarzda taqdim etiladi. Dastur orqali foydalanuvchi moliyaviy holatni tezkor baholash va boshqaruv qarorlarini qabul qilish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Natijalar va tahlil

Mazkur bo‘limda agroklaster tizimida paxta tozalash korxonalarining moliyaviy holati empirik ma’lumotlar asosida tahlil qilinadi hamda moliyaviy yuklamaning notekis taqsimlanish sabablari aniqlanadi.

1. Pul aylanish sikli (CCC) tahlili

Empirik hisob-kitoblar natijalari shuni ko‘rsatadiki, paxta tozalash korxonalarida pul aylanish sikli sezilarli darajada uzun bo‘lib, bu ularning likvidlik holatiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda.

3-jadval

PTZlarda pul aylanish sikli ko‘rsatkichlari (2021–2024)

Yil	DSO (kun)	DIO (kun)	DPO (kun)	CCC (kun)
2021	45	62	38	69
2022	52	70	40	82
2023	60	75	42	93
2024	68	80	45	103

Tahlil natijalariga ko‘ra, 2021–2024-yillar davomida CCC 69 kundan 103 kungacha oshgan, ya’ni pul aylanish muddati 1,5 baravarga uzaygan. Bu holat korxonalarda pul mablag‘larining uzoq muddat aylanmasdan qolayotganini ko‘rsatadi.



5-rasm. CCC dinamikasi (2021–2024)

Iqtisodiy ma’nosi:

Pul aylanish siklining uzayishi korxonalarning tashqi moliyalashtirishga bog‘liqligini oshiradi va foiz xarajatlarining ortishiga olib keladi.

2. Likvidlik va qarzdorlik tahlili

PTZlarda likvidlik ko‘rsatkichlari normativ darajadan pastligi aniqlandi.

4-jadval

Likvidlik va qarzdorlik ko‘rsatkichlari

Yil	CR	QR	Qarzdorlik darajasi
2021	1.4	0.9	0.62
2022	1.3	0.8	0.68
2023	1.2	0.7	0.75
2024	1.1	0.6	0.82

Natijalar shuni ko‘rsatadiki:
- joriy likvidlik pasaymoqda
- tezkor likvidlik xavfli darajada
- qarzdorlik keskin oshgan

2.2-rasm. Likvidlik ko‘rsatkichlari dinamikasi

Iqtisodiy ma’nosi:
Korxonalar o‘z majburiyatlarini qisqa muddatda qoplash qobiliyatini yo‘qotmoqda.

3. Moliyaviy bosim indeksi natijalari

Hisob-kitoblar asosida moliyaviy bosim indeksi aniqlanib, PTZlarning risk darajasi baholandi.

5-jadval

Moliyaviy bosim indeksi (FPI)

Yil	CCC	Qarzdorlik	Foiz yuklamasi	FPI
2021	69	0.62	0.12	45
2022	82	0.68	0.15	58
2023	93	0.75	0.21	72
2024	103	0.82	0.27	86

Natijalarga ko‘ra:
- 2021 → o‘rta risk
- 2024 → kritik risk



6-rasm. Moliyaviy bosim indeksi dinamikasi

Grafikda 2021–2024-yillar davomida moliyaviy bosim indeksining barqaror o‘sish tendensiyasi kuzatiladi, bu esa paxta tozalash korxonalarida moliyaviy risk darajasining oshib borayotganini ko‘rsatadi.

Iqtisodiy ma’nosi:
PTZlar moliyaviy barqarorlik nuqtayi nazaridan xavfli zonaga kirib bormoqda.

4. Stress-test natijalari

Stress-test natijalari tizimning zaif nuqtalarini ochib berdi.

6-jadval

Stress-test natijalari

Ssenariy	CCC	FPI	Holat
Bazaviy	103	86	Yuqori risk
Tushum – 10%	120	94	Kritik
Zaxira +15%	135	101	Inqiroz
Foiz +5%	110	97	Kritik

Iqtisodiy ma’nosi:
PTZlar tashqi shoklarga juda sezgir va tez inqiroz holatiga tushadi.

5. Asosiy natija: tizimli nomutanosiblik
Yuqoridagi natijalar asosida quyidagi tizimli xulosa shakllantirildi:



7-rasm. Agroklasterda moliyaviy yuklama taqsimoti modeli

Mazkur sxemada agroklaster tizimida daromadlar yuqori bo‘g‘inlarda shakllanishi va moliyaviy yuk hamda risk pastki bo‘g‘in — paxta tozalash korxonalariga konsentratsiyalanishi ko‘rsatilgan.

ASOSIY ILMIY NATIJA:
Agroklaster tizimida:
- daromad yuqori bo‘g‘inlarda shakllanadi
- moliyaviy yuk pastki bo‘g‘in — PTZga tushadi

Natijada:
PTZlar qiymat zanjirining “moliyaviy siqilgan bo‘g‘ini” sifatida shakllanadi

Xulosa

Mazkur tadqiqotda agroklaster tizimida moliyaviy yuklamaning notekis taqsimlanishi muammosi paxta tozalash korxonalari misolida kompleks tahlil qilindi. Olingan natijalar agroklaster tizimi nazariy jihatdan integratsiyalashgan va muvozanatli model sifatida qaralishiga qaramasdan, amaliyotda moliyaviy oqimlar va yuklamalar asimmetrik taqsimlanayotganini ko‘rsatdi.

Empirik tahlillar asosida aniqlanishicha, paxta tozalash korxonalarida pul aylanish siklining sezilarli darajada uzayishi, debitorlik qarzlarining ortishi, zaxiralar hajmining yuqoriligi hamda kreditorlik majburiyatlarining o‘sishi korxonalarning likvidlik holatini izdan chiqarmoqda. Shu bilan birga, qisqa muddatli kreditlarga yuqori darajada bog‘liqlik va foiz xarajatlarining ortib borishi moliyaviy barqarorlikka qo‘shimcha bosim yuklamoqda.

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, agroklaster tizimida daromadlar asosan yuqori bo‘g‘inlarda shakllanadi, moliyaviy yuk esa pastki bo‘g‘in — paxta tozalash korxonalari zimmasiga tushadi. Natijada PTZlar qiymat zanjirining “moliyaviy siqilgan bo‘g‘ini”ga aylanib bormoqda.

Stress-test natijalari esa tizimning yuqori darajada zaif ekanligini ko‘rsatdi. Hatto kichik

salbiy o‘zgarishlar (tushum kamayishi yoki zaxiralar ortishi) ham PTZlarni tezkor ravishda kritik moliyaviy holatga olib kelishi mumkin.

Mazkur holatlar agroklaster tizimida moliyaviy mexanizmlarni qayta ko‘rib chiqish zarurligini ko‘rsatadi. Xususan, pul oqimlarini muvozanatlashtirish, debitorlik qarzlarini qisqartirish, kreditorlik siyosatini optimallashtirish hamda pul aylanish siklini qisqartirishga qaratilgan choralar ishlab chiqilishi lozim.

Ilmiy yangilik

Mazkur tadqiqotning ilmiy yangiligi quyidagilardan iborat:

1. Agroklaster tizimida moliyaviy yuklamaning notekis taqsimlanishi paxta tozalash korxonalari misolida tizimli yondashuv asosida ochib berildi.

2. Paxta tozalash korxonalari qiymat zanjirida “moliyaviy siqilgan bo‘g‘in” (financially squeezed node) sifatida ilmiy jihatdan asoslab berildi.

3. Korxonalar moliyaviy holatini baholash uchun pul aylanish sikli, qarzdorlik va likvidlik ko‘rsatkichlarini integratsiyalovchi **moliyaviy bosim indeksi (FPI)** modeli ishlab chiqildi.

4. Moliyaviy barqarorlikni baholashda stress-test yondashuvi qo‘llanilib, PTZlarning tashqi omillarga yuqori sezgirligi ilmiy jihatdan isbotlandi.

5. Agroklaster tizimida moliyaviy oqimlarning asimmetrik taqsimlanishi natijasida risklarning pastki bo‘g‘inlarga konsentratsiyalanishi modeli taklif etildi.

6. Tadqiqot natijalari asosida paxta tozalash korxonalarida debitorlik va kreditorlik qarzlarini hamda pul aylanish siklini boshqarishga qaratilgan **intellektual dasturiy tizim (DGU-3)** ishlab chiqildi va amaliyotga tatbiq etildi.

“Ushbu tadqiqot agroklaster tizimida moliyaviy oqimlar va yuklamalarning tizimli nomutanosibligini ochib berib, paxta tozalash korxonalarining moliyaviy barqarorligini ta’minlash uchun yangi ilmiy va amaliy yondashuvlarni taklif etadi.”

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Murodov O.J. Davlat korxonalarini isloh qilishning zamonaviy bosqichlari va O‘zbekistonning xususiylashtirish modeli// Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz 1492 2025-yil, oktyabr. № 10-son.1492-1496. B.

2. Murodov O.J. Paxta tozalash korxonalarining tarkibiy bo‘linmalarida moliyaviy boshqaruv tizimini takomillashtirish yo‘llari// YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz 474 2025-yil, dekabr. № 12-son. 474-481. B.

3. Murodov O.J. Financial mechanisms for improving liquidity and risk management in cotton ginning enterprises: evidence from Uzbekistan. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali// 1/2026, yanvar- fevral (№ 00081). Toshkent-2026. 170-182. B. https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/view/794.

4. Van Horne, J. C., & Wachowicz, J. M. (2009). Fundamentals of Financial Management (13th ed.). Pearson Education.

5. Myers, S. C. (1984). The capital structure puzzle. Journal of Finance, 39(3), 575–592.

6. Khojiev, M. T., Juraev, A. D., Murodov, O. D., & Rakhimov, A. K. (2019). Development of design and substantiation of the parameters of the separator for fibrous materials. *International Journal of Recent Technology and Engineering*, *8*(2), 5806-5811.

7. Mazzucato, M. (2013). The Entrepreneurial State. Anthem Press.

8. Levine, R. (2005). Finance and Growth: Theory and Evidence. Handbook of Economic Growth, 1, 865–934.

9. Demirguc-Kunt, A., & Maksimovic, V. (1998). Law, finance, and firm growth. Journal of Finance, 53(6), 2107–2137.

10. Beck, T., & Levine, R. (2004). Stock markets, banks, and growth. Journal of Banking & Finance, 28(3), 423–442.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

AKSIYADORLIK JAMIYATLARINING DIVIDEND SIYOSATI VA UNI BOZOR KAPITALLASHUVI QIYMATIGA TA’SIRI MASALALARI

Sherkuziyeva Nasiba Abrorovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti, PhD
E-mail: nsh272707@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5415-3393

Annotatsiya. *Ushbu maqolada aksiyadorlik jamiyatlarining dividend siyosati va uning bozor kapitallashuvi qiymatiga ta’siri ekonometrik tahlillar asosida o‘rganilgan. Tadqiqotda “O‘zbekiston respublika tovar-xom ashyo birjasi” misolida bir necha yil davomida to’langan dividendlar miqdori hamda aksiyalar bozor bahosi o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlik korrelyatsiya va regressiya tahlillari orqali baholangan. Tadqiqot xulosalari dividend siyosatini puxta, izchil va prognoz qilinadigan shaklda yuritish aksiyadorlar manfaati, kompaniya qiymati va bozor jozibadorligini oshirishda alohida ahamiyatga egaligini ko‘rsatib, olib borilgan tahlil natijalariga tayangan holda dividend siyosatini yuritishda dividendlarni va aksiyalar kursining ijobiy o‘zgarishini prognoz qilish yo‘nalishlarini shakllantirish mumkinligi bo’yicha xulosalar shakllantirilgan.*

Kalit so‘zlar. *Dividend, dividend siyosati, aksiya, aksiya kursi, investitsion jozibadorlik, aksiyadorlik jamiyatlari bozor kapitallashuvi, korrellyatsion-regression tahlil.*

ДИВИДЕНДНАЯ ПОЛИТИКА И ВОПРОСЫ ЕЁ ВЛИЯНИЯ НА РЫНОЧНУЮ КАПИТАЛИЗАЦИЮ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

Шеркузиева Насиба Аброровна
PhD, доцент Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: nsh272707@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5415-3393

Аннотация. *В данной статье на основе эконометрического анализа исследуется дивидендная политика акционерных обществ и её влияние на рыночную капитализацию. На примере АО «Узбекская республиканская товарно-сырьевая биржа» с помощью корреляционного и регрессионного анализа оценена взаимосвязь между объемом выплаченных дивидендов и рыночной стоимостью акций. Результаты исследования подтверждают, что проведение тщательно продуманной, последовательной и прогнозируемой дивидендной политики имеет ключевое значение для защиты интересов акционеров, повышения стоимости компании и её рыночной привлекательности. На основе полученных данных сформированы выводы о возможности разработки направлений прогнозирования дивидендных выплат и положительной динамики курса акций в рамках управления дивидендной политикой.*

Ключевые слова: *дивиденд, дивидендная политика, акция, курс акций, инвестиционная привлекательность, акционерные общества, рыночная капитализация, корреляционно-регрессионный анализ.*

DIVIDEND POLICY AND ITS IMPACT ON THE MARKET CAPITALIZATION OF JOINT-STOCK COMPANIES

Sherkuziyeva Nasiba Abrorovna
PhD, Associate Professor of the Tashkent State University of Economics

E-mail: nsh272707@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5415-3393

Abstract. *This article examines the dividend policy of joint-stock companies and its impact on market capitalization using econometric analysis. Taking the "Uzbek Republican Commodity Exchange" JSC as a case study, the correlation between the number of dividends paid and the market price of shares was evaluated through correlation and regression analysis over several years. The research findings demonstrate that maintaining a well-structured, consistent, and predictable dividend policy is of paramount importance in protecting shareholder interests, enhancing company value, and increasing market attractiveness. Based on the results of the analysis, conclusions were drawn regarding the possibility of developing frameworks for forecasting dividends and positive share price dynamics within the scope of dividend policy management.*

Keywords: *dividend, dividend policy, share, share price, investment attractiveness, joint-stock companies, market capitalization, correlation-regression analysis.*

Kirish

Ma’limki, zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy barqarorligini ta’minlash va ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish bevosita investitsiya resurslarini diversifikatsiyalashgan holda jalb qilish samaradorligiga bevosita bog‘liq. Bunda korporativ tuzilmalar uchun an’anaviy bank kreditlaridan tashqari, ulushli (aksiyalar) va qarz (obligatsiyalar) munosabatlarini ifodalovchi qimmatli qog‘ozlar emissiyasi kapital jalb qilishning ustuvor mexanizmi hisoblanadi.

Zero, mazkur jarayonning uzviyligini ta’minlash aksiyadorlik jamiyatlaridan o‘z investitsion jozibadorligini strategik jihatdan oshirib borishni taqozo etadi. Bu esa, o‘z navbatida, nafaqat subyektning moliyaviy ko‘rsatkichlarini yaxshilashga, balki milliy kapital bozorining likvidliligi va institutsional rivojlanishiga xizmat qiladi. Xususan, bugungi kunda mamlakatimizda fond bozorini transformatsiya qilish va uning iqtisodiy drayver sifatidagi rolini oshirish davlat iqtisodiy siyosatining strategik yo‘nalishlaridan biri etib belgilangan. Bunda milliy qimmatli qog‘ozlar bozorini jadal rivojlantirish va investitsiyaviy jozibadorligini yanada oshirishning asosiy yo‘nalishlari sifatida quyidagilar belgilangan:

“Mamlakatimizda 250 milliard dollarlik investitsiyalarni o‘zlashtirish, jumladan 110 milliard dollar xorijiy investitsiyalar va 30 milliard dollar davlat-xususiy sheriklik doirasidagi investitsiyalarni jalb qilish;

Erkin muomaladagi qimmatli qog‘ozlar savdolari hajmini 8 milliard dollarga yetkazish;

Umumiy qiymati 150 milliard dollarlik 500 dan ziyod strategik ahamiyatiga ega bo‘lgan texnologik va infratuzilmaviy loyihalarni amalga oshirish;

Hududlarning investitsion reytingini yuritish, har bir hududning imkoniyatlaridan kelib chiqib, uning investorlar uchun jozibadorligini yanada oshirish;

Pay va venchur jamg‘armalar faoliyatini yo‘lga qo‘yish orqali portfel investitsiyalar hajmini 2 barobarga oshirish;

40 ta davlat ishtirokidagi korxonalar aksiyalarini «Xalq IPO»siga chiqarish, aholini IPOda qatnashishini rag‘batlantirish mexanizmlarini joriy qilish;

Chet ellik nominal saqlovchilar hamda kastodian banklarning mahalliy kapital bozorida qatnashishi uchun infratuzilmani yaratish va boshqalar”[1].

Fikrimizcha, yuqorida keltirilgan vazifalarni samarali amalga oshirilishida, aksiyadorlik jamiyatlari tomomonidan yuritilayotgan dividend siyosati investorlar uchun fond bozorining jozibadorligini oshirishi va natijada mamlakatning iqtisodiy rivojlanishiga sabab bo‘ladi. Bunda dividendlar nafaqat aktsiyadorlar boyligini oshiradigan aktsiyadorlar daromadlarining tarkibiy qismi, balki kompaniyaning moliyaviy sog'lomlig'ining ko'rsatkichidir. Investorlar dividend siyosatining dinamikasidan kompaniyaning istiqbollarini baholash va uning yutuqlarini baholash uchun foydalanishlari mumkin. Zero, mavjud aktsiyadorlarning daromadlarini oshirish va

yangilarini jalb qilish bilan birgalikda kompaniyaning bozor kapitalashuvini oshirishga qaratilgan dividend siyosatini tanlash korporativ boshqaruvning ustuvor strategik vazifalaridan hisoblanadi. Bu esa o‘z navbatida, iqtisodchi-olimlar tomonidan optimal dividend siyosatini shakllantirish hamda to‘lanayotgan dividend to‘lovlarini aksiyadorlik jamiyatlari bozor kapitallashuviga ta’siri masalalarini yanada kengroq tadqiq etishga ko‘proq e’tibor qaratilishiga, mavjud xorijiy tajribalardan unumli foydalanishga undamoqda.

Adabiyotlar sharhi

Bugungi kunda iqtisodiy adabiyotlarda dividendlar va dividend siyosatiga turli xil ta’riflar beriladi. Iqtisodchilar dividendlarni ta’riflashda turlicha qarashlarga yondoshishadi. Xususan, iqtisodchi olimlar R. Brailey va S. Myersning fikriga ko'ra, dividend siyosati bir tomondan foydani qayta investitsiyalash va ikkinchi tomondan yangi aktsiyalar chiqarish evaziga dividendlar to'lash o'rtasidagi optimal nisbatdir[2].

V. V. Kovalyovning ta’kidlashicha, “Dividend bu aksiyadorlarning pulli daromadi"dir[3]. V. A. Galanov va A. I. Basov dividendlar borasida yana bir ta’rifni berishadi. Ularning fikricha, “dividend - aksiyador tomonidan aksiyadorlik jamiyatining sof foydasining bir qismidan olishi mumkin bo'lgan daromad sifatida belgilanadi, bu daromad aksiyadorlar o'rtasida ularga tegishli nominal qiymatining ma'lum bir ulushi sifatida taqsimlanadi, ya'ni dividend orqali aksiyadorning aksiyadorlik jamiyati tomonidan olingan foydada ishtirok etish huquqi amalga oshiriladi”[4]

Bu borada, yana bir iqtisodchi olimning fikriga ko’ra “dividend siyosati - korxonaning bozor qiymatini va mulkdorlar turmush farovonligini oshirish maqsadida foydaning iste’mol qilinadigan va reinvestitsiya qilinadigan qismlari o‘rtasidagi proporsiyani optimallashtirishga yo‘naltirilgan korxona moliyaviy siyosatining bir qismidir”, deya ta’rif berilgan hamda dividendlarning iqtisodiy mohiyati, paydo bo‘lish tabiatidan boshlab uning tarkibiy qismini ko‘rib chiqish maqsadga muvofiqligi ta’kidlangan[5].

Umuman olganda, ilmiy hamjamiyatda iqtisodchi-olimlar tomonidan dividend siyosati aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatida qanchalik muhim ahamiyatga egaligi borasida turli fikrlar bildirilsada, aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan dividend to‘lanishi kerakmi, dividend to‘lovlari aksiyalar kursiga, kompaniyaning bozor qiymatiga va aksiyadorlarning farovonligiga ta’sir qiladimi kabi savollar atrofidagi bahs-munozaralar hali ham o‘z yechimini topmaganligini ko’rishimiz mumkin.

Jumladan, Dividendlarning afzalligi yoki “qo‘ldagi qush” nazariyasi tarafdorlari M.Gordon, J.Lintner[6], dividendlarning “Signal” nazariyasi, “Mijoz effekti” nazariyasi tarafdorlari, M. Spens[7] hamda M.Brennan[8] lar tomonidan aksiyalar va dividendlar xususida xar xil qarashlar bildirilsada, lekin, ularning barchasi dividendlar hajmining ortishi, aksiyalar bozor bahosini oshishiga sabab bo‘ladi, degan fikrni yoqlaydi.

Yana bir guruh olimlar M. Miller va F. Modilyani[9] tomonidan taklif etilgan navbatdagi nazariyaga ko‘ra dividend siyosati (to‘langan dividendlar miqdori ham) aksiya kursining o‘zgarishiga hech qanday ta’sir ko‘rsata olmaydi, degan g‘oya ilgari surilgan. Ammo, bunday konsepsiya juda ko‘p o‘ziga xos xususiyatlarga ega, ya’ni, ushbu nazariya qo‘llanilishi uchun kompaniyada tranzaksion xarajatlar, daromad solig‘i mavjud bo‘lmasligi kerak hamda investorlar olayotgan daromadlariga nisbatan befarq bo‘lishi lozim. Bu esa mazkur nazariyaning mavjud sharoitlarda qo‘llanilish ehtimolligini juda past ekanligini ko‘rsatadi.

Xorijiy mamlakatlarda turli kompaniyalardagi dividend siyosati bo'yicha olib borilgan so'nggi tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, aktsiyadorlariga muntazam ravishda dividend to'laydigan kompaniyalar aksiyalarini ma’qul ko’ruvchi investorlar soni tobora ortib bormoqda. Mamlakatimizda esa dividend siyosati va ularni shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari bo'yicha tadqiqotlar O’zbekiston kapital bozorida sodir bo'layotgan iqtisodiy o’zgarishlarga qaramay, yetarli emasligicha qolmoqda. Shu bilan birgalikda mamlakatimizdagi aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan yuritilayotgan dividend siyosatining ularning bozor kapitallashuvi qiymatiga ta'sirini tadqiq etuvchi nazariy va empirik tadqiqotlarning sonini cheklanganligini ham

alohida ta’kidlab o’tishimiz lozim. Modomiki, mamlakatimizdagi aksiyadorlik jamiyatlari o’zlarining “Dividend siyosati to’g’risidagi nizom”larida dividend siyosatining asosiy tamoyillarini, foydani taqsimlash mexanizmlarini, dividend to’lovlari shartlarini belgilab qo’ygan bo’lsalarda, mazkur kompaniyalar faoliyatining qiyosiy tahlili shuni ko'rsatmoqdaki, ular tomonidan to’lanayotgan dividendlar hajmi aniq bir dividend siyosati turlariga mos yuritilmayotganligini ko’rsatmoqda. Bu esa mazkur sohada tadqiqotlarni yanada kengaytirish lozimligini ko’rsatmoqda.

Tadqiqot metodologiyasi.

Mazkur maqolada ilmiy abstraksiyalash, empirik, statistik, guruhlashtirish, dinamik, ekonometrik tahlil usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. To'langan dividendlar miqdori va aksiyadorlik jamiyatlarining bozor kapitallushivi ko’rsatkichlari o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash uchun milliy fond bozorida faol bo’lgan aksiyadorlik jamiyatlaridan biri - "O‘zbekiston respublika tovar-xom ashyo birjasi" AJ ma’lumotlari asosida korrelyatsion-regression tahlilni amalga oshiramiz.

"O‘zbekiston respublika tovar-xom ashyo birjasi" AJning Dividend siyosati O‘zbekiston Respublikasining 26.04.1996 yildagi 223-1-son “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlar huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi (yangi tahriri 06.05.2014 y. № O‘RQ-370-son bilan tasdiqlangan) Qonuni va O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchiligi, “O‘zRTXB”AJ Ustavi va boshqa ichki-me’yoriy hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan[10].

Uning asosiy maqsadi dividendlar miqdorini aniqlashning shaffof va tushunarli mexanizmini yaratish va ularni to‘lash, shuningdek “O‘zRTXB” AJ Kuzatuv Kengashining aksiyadorlarning umumiy yig’ilishiga tavsiyalar ishlab chiqishdagi yondashuvini aniqlashdir.

“O‘zRTXB” AJning dividend siyosati “O‘zRTXB” AJ va uning aksiyadorlari o‘rtasida dividend to‘lovlari mi.dorini ani.lashda, “O‘zRTXB” AJ investitsion jozibadorligini oshirish va uni kapitalizatsiyasida manfaatlar muvozanatiga, aksiyadorlarning O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchiligida, “O‘zRTXB” AJ Ustavida va mahalliy hujjatlarda nazarda tutilgan huquqlarini hurmat qilish va qat’iy rioya etishga asoslanadi[10].

O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligi talablariga muvofiq “O‘zRTXB” AJ aksiyadorlariga dividendlar kompaniya ixtiyorida qolgan sof foyda va (yoki) o‘tgan yillar davomida jamiyatda taqsimlanmay qolgan foydadan to‘lanadi. Dividendlar pul mablag‘lari yoki boshqa qonuniy to‘lov vositalari yoki jamiyatning qimmatli qog‘ozlari bilan to‘lanadi.

“O‘zRTXB” AJ 2016-2025 yillar davomida qo'shimcha aksiyalarni 2 marta emissiya qilgan. “O‘zRTXB” AJ aksiyalari emissiyasi to'g'risidagi ma'lumotlar 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

“O‘zRTXB” AJning muomaladagi aksiyalari hajmi (2016-2025 yillar)*

№	Yillar	Nominal narxi, so’mda	Chiqarilishlar hajmi				Ustav kapitali miqdori
			Oddiy aksiyalar		Imtiyozli aksiyalar		
			Soni	Summasi	Soni	Summasi	
1.	2016 - yil	630	24 986 140	15741268200	-	-	15741268200
2.	2017 - yil	630	24 986 140	15741268200			15741268200
3.	2018 - yil	630	24 986 140	15741268200			15741268200
4.	2019-yil	630	24 986 140	15741268200			15741268200
5.	2020-yil	630	24 986 140	15741268200			15741268200
6.	2021-yil	630	74 958 420	47223804600			47223804600
7.	2022-yil	630	74 958 420	47223804600			47223804600
8.	2023-yil	630	74 958 420	47223804600			47223804600
9.	2024-yil	630	74 958 420	47223804600			47223804600
10	2025-yil	630	374 792 100	236 119 023 000			236119023000

**Manba: “O‘zbekiston Respublika tovar-xom ashyo birjasi” AJ ma’lumotlari asosida*

muallif tomonidan tayyorlangan.

Hozirgi vaqtda “O‘zRTXB” AJning muomaladagi aksiyalarining umumiy soni quyidagicha:

- nominal qiymati 630 so’m bo'lgan 74 958 420 ta oddiy aksiyalar;
- imtiyozli aksiyalari muamalaga chiqarilmagan.

2024-yil noyabr oyida "O‘zRTXB" AJ qo‘shimcha aksiyalar chiqarish orqali ustav kapitalini oshirdi. Natijada 2024-yil 21-noyabr holatiga ko‘ra reyestrda ro‘yxatdan o‘tgan har bir aksiyador mavjud bo‘lgan har bir aksiya uchun 4 tadan qo‘shimcha aksiya oldi[11].

So’nggi yillar davomida “O‘zRTXB” aksiyalari mamlakatimiz qimmatli qog'ozlar bozoridagi eng jozibador instrumentlaridan biri bo'lib qolmoqda. Aksiyadorlik jamiyati aksiyalari “Toshkent” Respublika fond birjasining kotirovka ro’yxatiga kiritilgan.

“O‘zRTXB” AJ o'z aksiyalari bo'yicha muntazam ravishda dividend to'lovlarini amalga oshirib kelmoqda. 2-jadvalda “O‘zRTXB” AJning 2015–2024-yillardagi dividend to‘lovlari dinamikasi, bir aksiya uchun to‘lanadigan dividend miqdori, dividendlar uchun yo‘naltirilgan sof foyda ulushi hamda muomaladagi aksiyalar sonining o‘zgarishi aks ettirilgan. Jadval ma’lumotlari kompaniyaning dividend siyosati amaliyotida bir qator barqaror tendensiyalar va ayrim keskin o‘zgarishlarni namoyon qilmoqda. Bunda birinchi navbatda, bir aksiya uchun to‘langan dividend miqdori yillar kesimida izchil o‘sish dinamikasiga ega ekani kuzatilmoqda. 2015-yil uchun to‘langan 160 so‘mlik dividend 2023-yilga kelib 2600 so‘mga yetgan, ya’ni o‘n yillik davrda bu ko‘rsatkich 16 barobar oshgan. Bu esa kompaniya moliyaviy natijalarining yaxshilanganini va aksiyadorlar manfaatlarini ustuvor qo‘ygan dividend siyosati yuritilayotganini ko‘rsatadi.

2-jadval

“O‘zRTXB” AJ ning dividend to'lovlari dinamikasi*

To‘lov yili	Dividend to‘langan payti	Bir dona oddiy aksiya uchun dividend (so‘m)	Dividendlarni to‘lash uchun yo‘naltirilgan sof foyda ulushi, %da	Dividendlarni to‘lash uchun yo‘naltirilgan sof foyda summasi	Muomaladagi aksiyalar soni
2016-yil	2015-yil	160,00	60,61 %	3 997 782 400,00	24 986 140
2017-yil	2016-yil	200,0	61,99%	4 997 228 000,00	24 986 140
2018-yil	2017-yil	230,0	65,07%	5 746 812 200,00	24 986 140
2019-yil	2018-yil	550,0	52,23%	13 742 377 000,00	24 986 140
2020-yil	2019-yil	2490,0	76,135%	62 215 488 600,00	24 986 140
2021-yil	2020-yil	1100,0	86,95%	82 454 262 000,00	74 958 420
2022-yil	2021-yil	1650,0	88,31%	123 681 393 000,00	74 958 420
2023 - yil	2022 - yil	2300,0	87,21%	172 404 366 000,00	74 958 420
2024 - yil	2023 - yil	2600,0	85,03%	194 891 892 000,00	74 958 420
2025 - yil	2024 - yil	382,0	44,79%	143 170 582 200,00	374 792 100

**Manba: “O‘zbekiston Respublika tovar-xom ashyo birjasi” AJ ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.*

2020-yilda dividend miqdorining keskin ko‘tarilishi (2490 so‘m)ga erishilgan. Bu tendensiya 2021–2023-yillarda ham davom etgan: sof foydaning 85–88% qismi dividendlar to‘lash uchun ajratilgan. Bunday yuqori ulush davlatimiz tomonidan yuritilayotgan siyosatga mos holda hamda kompaniya foydasiga nisbatan dividend siyosati ustuvorligini belgilaydi.

“O‘zRTXB” AJ 2024-yil uchun sof foydasining 44,79 foizini yoki 143 170 582 200,00 so’m mablag’ni dividendlarga ajratdi. 2025-yilda dividendning 382 so‘mga tushib ketishi jadvaldagi eng keskin o‘zgarishlardan biridir. Bu pasayish sof foydadan ajratilgan ulush kamaygani uchun emas, balki muomaladagi aksiyalar sonining 74,9 milliondan 374,8 milliontagacha keskin oshishi (ya’ni 4:1 nisbatda qo‘shimcha emissiya amalga oshirilgani) bilan bog‘liq. Aksiyalar soni besh barobar oshganligi sababli, umumiy dividend fondi katta bo‘lishiga

qaramay, bir aksiya uchun dividend tabiiy ravishda kamaygan. Bu kompaniya dividend siyosati o‘zgarganidan dalolat bermaydi, balki emissiya natijasidagi taqsimlanishdir.

Jadval ma’lumotlari shuni ko‘rsatadiki, dividendlarning sof foydaga nisbatan ulushi yildan-yilga yuqori bo‘lib kelgan. Bu holat kompaniya dividend siyosati barqaror, izchil va oldindan prognoz qilinadigan ekanini tasdiqlaydi hamda investorlar uchun kompaniyani ishonchli investitsiya obyekti sifatida namoyon qiladi.

Shunigdek, 2021-yildan boshlab aksiyalar sonining 24,9 milliondan 74,9 millionga, 2025-yilda esa 374,8 millionga ko‘tarilishi kompaniyaning kapitalizatsiyani kengaytirish strategiyasining amalda qo‘llanilganidan dalolat beradi. Bu jarayon aksiyalar likvidligini oshirishga, investorlarga kirish imkoniyatlarini kengaytirishga xizmat qilgan.

Yuqoridagi ma’lumotlar asosida “O‘zRTXB” AJ tomonidan to'langan dividendlar miqdori va bozordagi kapitallashuv qiymati o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash uchun biz bir dona aksiyaga to’langan dividend miqdori va aksiyaning o’rtacha bozor bahosi ko’rsatkichlari asosida korrelyatsiya va regressiya tahlilini amalga oshiramiz.

3-jadval

Korrelyatsion-regression tahlil uchun dastlabki ma'lumotlar

№	Yillar	Bir dona aksiyaga to’langan dividend miqdori, so’mda	Aksiyaning o’rtacha bozor bahosi, so’mda
1.	2016-yil	160	662
2.	2017-yil	200	662
3.	2018-yil	230	5008
4.	2019-yil	550	9267
5.	2020-yil	2490	11902,8
6.	2021-yil	1100	17259,9
7.	2022-yil	1650	21984,6
8.	2023 - yil	2300	19547,5
9.	2024 - yil	2600	14537,5
10.	2025 - yil	382	4850

Manba: “O‘zbekiston Respublika tovar-xom ashyo birjasi” AJ ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.

Yuqoridagi 3-jadval ma’lumotlari asosida korrelyatsion tahlili natijalariga ko’ra korrelyatsiya koeffitsienti rxy = 0,75, |rxy|>0.7 - bu esa aksiyalarning bozor qiymati va dividend miqdori o'rtasida kuchli musbat chiziqli bog'liqlik mavjudligini anglatadi.

O‘tkazilgan korrelyatsion-regression tahlil natijalari dividend miqdori va aksiyalarning bozor narxi o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni chuqur o‘rganish imkonini berdi (1-rasm). Tadqiqotimiz 2016–2025-yillar oralig‘ida kompaniya aksiyalarining bozor bahosi hamda aksiyadorlarga to‘langan dividendlar miqdori asosidagi statistik ma’lumotlarga tayangan holda amalga oshirildi. Mazkur davr ichida dividend miqdori ham, aksiyalar bozor bahosi ham sezilarli tebranishlarni namoyon etgan bo‘lsa-da, umumiy yo‘nalish shundan dalolat beradiki, dividendlar oshgan yillarda aksiyalar bahosida ham ijobiy dinamikaga moyillik kuzatilgan.

Regression tahlil natijalarining shakllanish jarayonida bir qancha muhim ko‘rsatkichlar baholandi. Bunda chiziqli regressiya tenglamasi $\hat{y} = 5.7654x + 3844.52$ ko‘rinishiga ega bo‘ldi. Bu tenglama dividend miqdoridagi har bir 1 so‘mlik o‘zgarish aksiyalarning bozor bahosida o‘rtacha 5.77 so‘mlik o‘sishni yuzaga chiqarishini ko‘rsatadi. Mazkur natija iqtisodiy mazmunga ega bo‘lib, bozordagi investorlarga dividend siyosati kompaniya qiymati shakllanishida muhim omil ekanligini anglatadi. Ayniqsa, regressiya koeffitsienting musbatlik belgisi bozor ishtirokchilari dividendlar orqali kompaniya barqarorligi va rentabelligi haqida ma’lum darajada xulosa chiqarayotganini ko‘rsatadi.



1-rasm. Korrelyatsion maydon*

**Manba: “O‘zbekiston Respublika tovar-xom ashyo birjasi” AJ ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.*

Tahlilning ilmiy asoslanganligini ko‘rsatib beruvchi yana bir muhim statistik ko‘rsatkich – determinatsiya koeffitsienti $R^2 = 0.5686$ ga teng chiqdi. Bu esa aksiyalarning bozor narxlaridagi variatsiyaning taxminan 56.86% dividend miqdori bilan izohlanishini anglatadi. Qolgan qismi esa kompaniyaning umumiy moliyaviy ko‘rsatkichlari, tarmoqdagi raqobat darajasi, makroiqtisodiy sharoitlar, inflyatsiya darajasi, bozor xatarlari, investorlar kayfiyati va boshqa fundamental, texnik va psixologik omillar bilan bog‘liqdir. Shunday ekan, dividend siyosati xaridorlar qarorlariga sezilarli ta’sir ko‘rsatsa-da, bozor bahosining shakllanishida ko‘p omillilik konsepsiyasi ham katta rol o‘ynaydi.

Regressiya modeli statistik jihatdan ahamiyatli ekani F-statistika qiymati ($F = 10.5447$) orqali tasdiqlandi. Ushbu natija modelning ishonchliligini va regressiya bog‘liqligi tasodifiy emasligini ko‘rsatadi. Bundan tashqari, umumiy dispersiyaning ($SSy = 534,849,719.54$) yuqoriligi bozor narxlarining o‘zgaruvchanligini aks ettiradi, ya’ni aksiyalar bozor bahosining sezilarli tebranishlarga moyilligidan dalolat beradi.

Ushbu natijalarning iqtisodiy mazmuni va amaliy ahamiyati shundaki, kompaniyaning dividend siyosati aksiyalarning investitsion jozibadorligini belgilovchi asosiy omillardan biridir. Dividendlar barqaror o‘sib borgan holatda investorlar kompaniya faoliyatini ijobiy baholab, qimmatli qog‘ozlarga talabning oshishi orqali aksiyalar bahosining o‘sishiga sabab bo‘ladi. Shuningdek, regressiya tenglamasi kelgusida prognozlash ishlarida qo‘llanilishi mumkin. Turli ssenariylar asosida kelgusi yillar uchun aksiyalar bahosi bo‘yicha baholashlar amalga oshirilishi mumkin bo’ladi.

Demak, yuqorida aniqlangan koeffitsientlar va ko‘rsatkichlar asosida aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan yuritilayotgan dividend siyosati doirasida to‘lanayotgan dividend to‘lovlari haqiqatda uning aksiya kursiga pirovard natijada jamiyatning bozor kapitalizatsiyasi hajmiga yetarlicha ta’sir o‘tkaza olishi, ya’ni, to‘lanayotgan dividendlar miqdorini oshirilishi bozor kapitallashuvi ko’rsatkichini ham oshishiga sabab bo‘lishi mumkin, deb xulosaga kelishimiz mumkin.

Xulosa va takliflar.

Olib borilgan tadqiqotlar dividend siyosati aksiyadorlik jamiyatlarining bozor kapitallashuv qiymati shakllanishida alohida ahamiyatga ega omil ekanini yaqqol tasdiqladi. “O‘zbekiston respublika tovar-xom ashyo birjasi” AJ misolida o‘tkazilgan korrelyatsion-regression tahlil dividend miqdori va aksiyalar bozor bahosi o‘rtasida sezilarli darajadagi ijobiy

bog‘liqlik mavjudligini ko‘rsatdi. Xususan, korrelatsiya koeffitsientining yuqori qiymatga ega bo‘lishi ushbu ikki ko‘rsatkich o‘rtasidagi chiziqli aloqaning kuchli ekanidan dalolat berdi. Regression modelining tenglamasi ham shundan dalolat beradiki, dividendlar miqdoridagi har bir birlikka teng o‘sish aksiyalar bozor bahosida sezilarli ijobiy o‘zgarishni yuzaga chiqaradi. Bu esa bozor ishtirokchilari uchun dividend siyosati kompaniyaning moliyaviy barqarorligi va istiqbollarini baholashda muhim mezon sifatida xizmat qilib kelayotganini ko‘rsatadi.

Bundan tashqari, determinatsiya koeffitsienti ($R^2 = 0.5686$) aksiyalar bozor narxidagi o‘zgarishlarning qariyb 57 foizi aynan dividend siyosati bilan bog’liqlikdaligini anglatadi. Qolgan qismi tashqi va ichki iqtisodiy omillar, boshqaruv samaradorligi, tarmoq kon'yunkturasi, inflyatsiya, valyuta bozori holati, investorlar kutilmalari kabi omillarga bog‘liqdir. Lekin, ushbu ko‘rsatkichning o‘zi ham dividendlar kompaniya qiymati shakllanishida asosiy drayverlardan biri ekanini tasdiqlaydi. Regression modeli F-statistika orqali statistik jihatdan ahamiyatli deb topilgani esa tadqiqot natijalarining ishonchliligini yana oshiradi.

Tadqiqot shuni ko‘rsatmoqdiki, kompaniya tomonidan dividend siyosatini barqaror va mantiqiy asosda yuritilishi investorlar uchun muhim signal vazifasini bajaradi. Dividendlar barqarorligi va ularning o‘sish tendensiyasi kompaniyaning moliyaviy sog‘lomligi, faoliyat samaradorligi va korporativ boshqaruvning ochiqligidan dalolat beradi. Bozordagi investorlar ana shunday barqaror siyosatiga ishonib qimmatli qog‘ozlarga talabni oshiradi, bu esa o‘z navbatida aksiyalar qiymatining osishiga va kompaniyaning umumiy bozor kapitallashuvining oshishiga olib keladi.

Olib borilgan tadqiqot natijalarimizdan kelib chiqib, quyidagi takliflarni ilgari surishimiz mumkin:

- Aksiyadorlik jamiyatlarida dividend siyosatini aniq me’yorlar va barqaror tamoyillar asosida shakllantirish lozim. Barqaror va prognoz qilinadigan dividend siyosatining mavjudligi investorlar ishonchini oshiradi.
- Dividend to‘lovlarini kompaniya moliyaviy natijalari va strategik rejalar bilan uzviy bog‘lash maqsadga muvofiq. Foydaning shunchaki taqsimlanishi emas, balki ushbu taqsimot uzoq muddatli investitsion strategiyaga xizmat qilishi muhim.
- Investorlar uchun dividendlar va aksiyalar qiymatiga ta’sir etuvchi omillar haqida axborot shaffofligini oshirish lozim. Bu korporativ boshqaruvning ochiqligini ta’minlab, bozordagi ishonchni kuchaytiradi.
- Fond bozoridagi raqobatni sohadagi islohotlar va yangi moliyaviy instrumentlar orqali kuchaytirish kerak. Bu esa aksiyalar bahosining shakllanishida bozor mexanizmlarining samarali ishlashini ta’minlaydi.
- Dividend siyosatini prognozlashda kelgusi yillar uchun aksiyalar narxini baholash uchun amaliy vosita sifatida ekonometrik modellardan keng foydalanish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Xulosa qilib aytganda, kompaniyalar tomonidan dividend siyosatini ilmiy yondashuv va amaliyotdagi tendensiyalar asosida shakllantirish aksiyadorlar manfaatlarini himoya qilish, investitsion jozibadorlikni oshirish aksiyadorlik jamiyatlari bozor kapitallashuv qiymatini barqarorlashtirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa bizningcha, o‘z navbatida mamlakatimizda keng amalga oshirilishi ko‘zlanayotgan xususiylashtirish amaliyotlarini samarali amalga oshirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Zero, optimal darajada tashkil etilgan dividend siyosati nafaqat aksiyadorlarning moddiy farovonligini oshirishi, balki aksiyadorlik jamiyatlarining ham investitsion jozibadorligini oshirishi bilan alohida ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi PF-158-sonli Farmoni.
2. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов.- М.: Олимп-Бизнес, 2012.

3. Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент: Учебник. М.: Финансы и статистика, 2005. - 235 с.

4. Galanov V.A., Basov A.I. Equities market: Textbook.- M. : Finance and statistics, 2006.- P. 346.

5. Элмирзаев С.Э. Корпоратив молия. Ўқув қўлланма. Тошкент, Иқтисод-молия, 2015. Б -202.

6. Lintner J. Distribution of incomes of corporations among dividends, retained earnings, and taxes. The American Economic Review, Vol. 46, No. 2, Papers and Proceedings of the Sixty-eighth Annual Meeting of the American Economic Association. (May, 1956), pp. 97–113.

7. Michael Spence. Signaling in Retrospect and the Informational Structure of Markets. American Economic Review, 2002, No. 92 (3), pp. 434–459.

8. M.J. Brennan. Taxes, Market Valuation and Corporate Finance Policy // National Tax Journal. №23.1970. P. 417-427.

9. Miller M.N., Modigliani F. Dividend Policy, Growth and the Valuation of Shares. Journal Business, 1961, Oct., pp. 411–433.

10. “O‘zbekiston respublika tovar-xom ashyo birjasi” aksiyadorlik jamiyatining dividend siyosati to‘g‘risidagi nizomi. 08.10.2024.

11. “O‘zbekiston Respublika tovar-xom ashyo birjasi” AJ rasmiy veb sayti ma’lumotlari – https://uzex.uz/pages/fr/public-data-on-accrued-dividends

12. Sherkuzieva N.A. The ways of optimization of companies’ dividend policy. // International Journal of Economics, Commerce and Management, Vol. VII, Issue 6, 2019 June. http://ijecm.co.uk/volume-vii-issue-6/

13. https://uzex.uz - “O‘zbekiston Respublika tovar-xom ashyo birjasi” AJ rasmiy veb sayti ma’lumotlari.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

RAQAMLI MOLIYAVIY XIZMATLAR ASOSIDA KICHIK BIZNES INNOVASION FAOLIYATINI MOLIYALASHTIRISH

Tilakov Navruz Maxmudovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
mustaqil izlanuvchisi
E-mail: navruz001@gmail.com
ORCID:0009-0002-8586-4456

Annotatsiya. *Mazkur maqolada raqamli moliyaviy xizmatlar asosida kichik biznes subyektlarining innovasion faoliyatini moliyalashtirishning nazariy va amaliy jihatlari tahlil qilinadi. Innovasion iqtisodiyot sharoitida kichik biznesning moliyaviy resurslarga tezkor, qulay va moslashuvchan kirish imkoniyati uning yangi mahsulotlar yaratishi, texnologiyalarni joriy etishi hamda bozor raqobatbardoshligini oshirishida muhim omil hisoblanadi. Tadqiqotda raqamli bank xizmatlari, masofaviy kreditlash, fintech yechimlari, venchur moliyalashtirish, faktoring va muqobil raqamli moliyalashtirish instrumentlarining o‘rni yoritilgan.*

Kalit so‘zlar: *raqamli moliyaviy xizmatlar, kichik biznes, innovasion faoliyat, fintech, masofaviy kreditlash, venchur moliyalashtirish, faktoring, raqamli skoring, moliyaviy rag‘batlantirish.*

ФИНАНСИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО БИЗНЕСА НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ

Тилаков Навруз Махмудович

Ташкентский государственный
экономический университет
самостоятельный исследователь
E-mail: navruz001@gmail.com
ORCID: 0009-0002-8586-4456

Аннотация. *В данной статье анализируются теоретические и практические аспекты финансирования инновационной деятельности малых предприятий на основе цифровых финансовых услуг. В условиях инновационной экономики способность малых предприятий быстро, удобно и гибко получать доступ к финансовым ресурсам является важным фактором в создании новых продуктов, внедрении технологий и повышении конкурентоспособности на рынке. В исследовании освещается роль цифровых банковских услуг, дистанционного кредитования, финтех-решений, венчурного финансирования, факторинга и альтернативных цифровых финансовых инструментов.*

Ключевые слова: *цифровые финансовые услуги, малый бизнес, инновационная деятельность, финтех, дистанционное кредитование, венчурное финансирование, факторинг, цифровой скоринг, финансовые стимулы.*

FINANCING SMALL BUSINESS INNOVATION ACTIVITIES BASED ON DIGITAL FINANCIAL SERVICES

Tilakov Navruz Maxmudovich

Tashkent State
University of Economics
independent researcher

E-mail: navruz001@gmail.com
ORCID:0009-0002-8586-4456

Abstract. *This article analyzes the theoretical and practical aspects of financing the innovative activities of small businesses based on digital financial services. In an innovative economy, the ability of small businesses to quickly, conveniently and flexibly access financial resources is an important factor in its creation of new products, introduction of technologies and increase of market competitiveness. The study highlights the role of digital banking services, remote lending, fintech solutions, venture financing, factoring and alternative digital financing instruments.*

Keywords: *digital financial services, small business, innovative activities, fintech, remote lending, venture financing, factoring, digital scoring, financial incentives.*

Kirish

Kichik biznes O‘zbekiston iqtisodiyotining tayanch bo‘g‘inlaridan biri hisoblanadi. Milliy statistika ma’lumotlariga ko‘ra, 2025-yil yanvar–iyun oylarida kichik biznesning YAIMdagi ulushi 49,6 foizni, asosiy kapitalga investitsiyalardagi ulushi 61,5 foizni tashkil etgan, shu davrda 40,3 mingta yangi kichik korxona va mikrofirmalar tashkil etilgan. Bu kichik biznesning moliyalashtirishga bo‘lgan talabini yuqori darajada saqlab turadi.

Shu bilan birga, innovasion iqtisodiyot sharoitida moliyalashtirishga bo‘lgan talab an’anaviy kredit bilan cheklanmaydi. Statistika qo‘mitasi materiallariga ko‘ra, 2024-yilda mamlakatda 5 521 ta innovatsiya joriy etilgan, innovatsion tovarlar, ishlar va xizmatlar hajmi 63 604,4 mlrd so‘mni, ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlari xarajatlari 1 574,1 mlrd so‘mni tashkil etgan. Bu innovasion loyihalar uchun moslashuvchan moliyalashtirish mexanizmlari zarurligini ko‘rsatadi.

Markaziy bankning yillik hisobotida raqamli moliyaviy xizmatlar iste’molchilari bilan ishlash qoidalari, antifrod tizimlari, bank xizmatlari sifatini raqamli monitoring qilish mexanizmlari va moliyaviy inklyuziya yo‘nalishlari alohida qayd etilgan. Moliyaviy inklyuziya bo‘yicha ADB hisobotida esa O‘zbekistonda raqamli hisobvaraqlar va raqamli to‘lovlardan foydalanish darajasi sezilarli kengaygani ko‘rsatilgan. Bu raqamli moliyaviy xizmatlar kichik biznesning innovasion faoliyatini moliyalashtirishda muhim platformaga aylanayotganini anglatadi.

Mazkur maqolaning maqsadi raqamli moliyaviy xizmatlar asosida kichik biznes innovasion faoliyatini moliyalashtirishning amaldagi holatini baholash va uni takomillashtirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqishdan iborat.

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda tizimli yondashuv, qiyosiy tahlil, statistik umumlashtirish, mantiqiy xulosa chiqarish va iqtisodiy tahlil usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar

Kichik biznes va innovasion faoliyat ko‘rsatkichlari raqamli moliyalashtirish instrumentlari uchun kuchli iqtisodiy asos mavjudligini ko‘rsatadi. Kichik biznesning iqtisodiyotdagi ulushi yuqori, yangi subyektlar oqimi barqaror, innovatsion faoliyat hajmi esa kengaymoqda. Bu sharoitda masofaviy kreditlash, raqamli skoring, onlayn faktoring, elektron to‘lov ekotizimi va raqamli investitsiya platformalari kichik biznes uchun moliyaviy kirishni yengillashtiradi.

Markaziy bank hisobotlari bank tizimida raqamli xizmatlar, iste’molchilar bilan ishlash reglamenti, antifrod mexanizmlari va xizmat sifatini monitoring qilish bo‘yicha amaliy qadamlar tashlanganini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, mahalliy ilmiy maqolalarda bank sektoridagi raqamli transformatsiya ijobiy natijalar berayotgan bo‘lsa-da, kiberxavfsizlik, hududiy raqamli tafovut,

moliyaviy savodxonlik va innovasion loyihalarni baholashdagi qiyinchiliklar dolzarbligicha qolayotgani ta’kidlanadi.

1-jadval.

Raqamli moliyalashtirishga ehtiyojni asoslovchi ko‘rsatkichlar[1,2,3]

Ko‘rsatkichlar bloki	Asosiy ko‘rsatkich	Qiymat	Xulosa
Kichik biznes	YAIMdagi ulushi	49,6 %	Kichik biznes iqtisodiy o‘sishning yirik manbai
Kichik biznes	Asosiy kapitalga investitsiyalardagi ulushi	61,5 %	Investitsion faollik yuqori
Kichik biznes	Yangi korxona va mikrofirmalar soni	40,3 mingta	Yangi moliyalashtirishga talab ortmoqda
Innovatsiya	Joriy etilgan innovatsiyalar soni	5 521 ta	Innovasion loyihalar oqimi kengaymoqda
Innovatsiya	Innovatsion mahsulotlar hajmi	63 604,4 mlrd so‘m	Tijoratlashuv salohiyati kuchli
Ilmiy faoliyat	R&D xarajatlari	1 574,1 mlrd so‘m	Innovasion baza shakllanmoqda

Innovasion kichik biznesni moliyalashtirishda eng katta muammo shundaki, ko‘plab startap va texnologik firmalarda moddiy garov bazasi past bo‘ladi. An’anaviy kreditlash esa ko‘proq garovga, tarixiy hisobotga va klassik pul oqimi modeliga tayanadi. Mahalliy tadqiqotlarda venchur fondlari va innovasion infratuzilma ana shu bo‘shliqni to‘ldiruvchi mexanizm sifatida ko‘riladi. Shu bilan birga, faktoring, crowdfunding va crowdinvesting kabi vositalar hali to‘liq ommalashmagan.

2-jadval.

Raqamli moliyaviy xizmatlar asosida innovasion kichik biznesni moliyalashtirishni takomillashtirish matriksasi

Mavjud muammo	Taklif etilayotgan raqamli yechim	Mahalliy amaliy ahamiyati
Garov yetishmasligi	Alternativ raqamli skoring	Startap va texnologik firmalarga kredit kirishini kengaytiradi
Innovasion risk yuqoriligi	Raqamli monitoring va erta ogohlantirish	Kredit portfeli sifatini saqlashga yordam beradi
Erta bosqichda resurs tanqisligi	Grant, venchur va bank mahsulotlari integratsiyasi	G‘oyadan bozorgacha bo‘lgan davrni qisqartiradi
Aylanma mablag‘ yetishmasligi	Onlayn faktoring va invoice-finance	Savdo va ishlab chiqarish siklini tezlashtiradi
Hududiy qamrov notekisligi	Masofaviy xizmat platformalari	Hududlarda ham moliyaviy xizmatlardan foydalanishni oshiradi
Ishonch va xavfsizlik muammosi	Antifrod va iste’molchi himoyasi tizimlari	Raqamli moliyaga bo‘lgan ishonchni mustahkamlaydi

Birinchidan, kichik biznes innovasion faoliyatini moliyalashtirishda **alternativ ma’lumotlarga asoslangan raqamli skoring** joriy etilishi lozim. Bu yerda bank aylanmasi, elektron hisob-fakturalar, platformadagi savdo faolligi, mijozlar oqimi va shartnomaviy portfel kabi ko‘rsatkichlar baholash bazasiga kiritilishi kerak. Mahalliy maqolalarda banklarning raqamli transformatsiyasi moliyaviy natijalarga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi qayd etiladi, bu esa skoringni kengaytirish uchun asos yaratadi.

Ikkinchidan, **venchur moliyalashtirish va bank mahsulotlari o‘rtasida ko‘prik mexanizmini** yaratish zarur. Innovasion tadbirkorlik va venchur fondlari haqidagi mahalliy

tadqiqotlarda startaplar uchun an’anaviy kreditlash o‘rniga bosqichma-bosqich moliyalashtirish samaraliroq ekani ko‘rsatilgan. Demak, grant, seed-investitsiya, venchur va keyingi bosqich bank krediti bir zanjirga birlashtirilishi kerak.

Uchinchidan, **raqamli faktoring, crowdfunding va crowdinvesting** vositalarini rivojlantirish maqsadga muvofiq. Mahalliy moliyaviy texnologiyalar jurnali materiallarida ushbu vositalar kichik biznesni moliyaviy qo‘llab-quvvatlashning istiqbolli mexanizmlari sifatida tilga olinadi. Bu ayniqsa innovasion mahsulot ishlab chiqarayotgan, ammo likvid mablag‘i cheklangan subyektlar uchun dolzarb.

To‘rtinchidan, **raqamli moliyaviy savodxonlik va kiberxavfsizlikni kuchaytirish** kerak. Moliyaviy texnologiyalar jurnali va kiberxavfsizlikka oid mahalliy maqolalarda kichik biznes subyektlarining raqamli tahdidlarga tayyorligi yetarli emasligi qayd etiladi. Bu esa raqamli moliyalashtirish samaradorligiga bevosita salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Tahlil natijalari shuni ko‘rsatadiki, raqamli moliyaviy xizmatlar kichik biznes innovasion faoliyatini moliyalashtirishda alohida mahsulot emas, balki **kompleks ekotizim** sifatida qaralishi kerak. Bu ekotizimga raqamli bank xizmatlari, fintech platformalar, venchur fondlari, davlat qo‘llovi, faktoring, raqamli identifikatsiya, antifrod va iste’molchi himoyasi instrumentlari birgalikda kiradi. Rasmiy va mahalliy ilmiy manbalar aynan shunday integratsiyalashgan yondashuv zarurligini ko‘rsatadi.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, raqamli moliyaviy xizmatlar asosida kichik biznes innovasion faoliyatini moliyalashtirish O‘zbekiston sharoitida dolzarb va istiqbolli yo‘nalish hisoblanadi. Kichik biznesning iqtisodiyotdagi yuqori ulushi, innovasion faoliyat ko‘lamining kengayishi va bank tizimida raqamli transformatsiyaning chuqurlashuvi bu yo‘nalishning amaliy ahamiyatini kuchaytirmoqda.

Biroq garov ta’minoti yetishmasligi, an’anaviy skoringning cheklanganligi, venchur bozorining torligi, hududiy raqamli tafovut va kiberxavfsizlik xatarlari kichik biznesning innovasion loyihalarini moliyalashtirishni murakkablashtirmoqda. Shu bois alternativ skoring, raqamli monitoring, faktoring, grant va venchur mexanizmlarini birlashtirgan kompleks modelni joriy etish maqsadga muvofiqdir. Bu kichik biznesning moliyaviy resurslarga kirishini kengaytiradi, innovasion faolligini oshiradi va innovatsiyalarni tijoratlashtirish samaradorligini kuchaytiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. Main indicators of small business entities in the Republic of Uzbekistan, January–June 2025.

2. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. Science and Innovation in the Republic of Uzbekistan. — Toshkent, 2025. — URL: stat.uz/img/press-relizlar/press-reliz-innovatsiya-eng-25_07_2025_p64657.pdf

3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. Annual Report 2024 — Toshkent., cbu.uz/upload/medialibrary/f27/1pe2gj41x2s1qafmi548hnvzg4aoh87x/Annual-Report-2025_.pdf

4. Maxmudova M.Z. O‘zbekiston banklarining raqamli transformatsiyasi va uning moliyaviy barqarorlikka ta’siri // International Finance & Accounting. — 2025. — № 4. — URL: interfinance.tsue.uz/wp-content/uploads/2025/10/12Maxmudova-Maloxat.pdf

5. Maxmudova M.Z. O‘zbekiston bank sektorida raqamli transformatsiya jarayonlari // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. — 2023. — URL: iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/download/311/348.

6. R.D. Ibrogimovich. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini imtiyozli moliyalashtirish mexanizmlari // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. — 2025. — URL: iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/download/723/743.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

7. O‘zbekistonda innovatsion tadbirkorlik va venchur fondlarini rivojlantirish masalalari // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. — 2024. — URL: iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/download/525/562/599.

8. Azizova M.I., Ishanxodjayeva D.E. Raqamli iqtisodiyot sharoitida innovatsion texnologiyalardan foydalanish masalalari // Moliyaviy texnologiyalar. — 2023. — URL: fintech.tsue.uz/wp-content/uploads/2023/04/11.-Azizova-Manzura-Ibragimovna-Ishanxodjayeva-Dilfuza-Erkinovna.pdf

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ЯШИЛ КРЕДИТЛАР ВА УЛАРНИНГ БАНК РЕНТАБЕЛЛИЛИГА ТАЪСИРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Рахимов Матназар Юсупович

молиявий таҳлил
кафедраси профессори
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: raximovmy@mail.ru

Аннатация. *мазкур мақолада Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида банклар томонидан бериладиган яшил кредитларнинг аҳамияти, лойиҳаларнинг экология, иқлим ўзгариши, ресурслар тақчиллиги, энергия самарадорлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар асосида баҳоланиши, бақроқарор ривожланишни таъминлашда аҳамияти, яшилликнинг бизнесда фойдани максималлаштириш ва иқтисодий ўсишдаги сакрашлар билан боғлиқ бўлган мақсадларга қарши туриши, муофиқлиги билан боғлиқ муаммолари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *яшил кредит, экологик кредит, экологияга йўналтирилган кредит, паст углеродли кредит, барқарор ривожланиш кредитлари, яшил банк маҳсулотлари, қайта тикланувчи энергия кредитлари, ESG молиялаш.*

АНАЛИЗ «ЗЕЛЁНЫХ» КРЕДИТОВ И ИХ ВЛИЯНИЯ НА РЕНТАБЕЛЬНОСТЬ БАНКОВ

Рахимов Матназар Юсупович

профессор кафедры финансового анализ
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: raximovmy@mail.ru

Аннотация. *В данной статье исследуется значение «зелёных» кредитов, выдаваемых банками, как одного из важных направлений перехода к «зелёной» экономике в Узбекистане. Рассматривается оценка проектов на основе показателей, связанных с экологией, изменением климата, дефицитом ресурсов, энергоэффективностью и безопасностью, а также их роль в обеспечении устойчивого развития. Кроме того, изучены проблемы совместимости принципов «озеленения» с традиционными бизнес-целями, такими как максимизация прибыли и достижение скачков экономического роста.*

Ключевые слова: *зелёный кредит, экологический кредит, эко-ориентированный кредит, низкоуглеродный кредит, кредиты устойчивого развития, зелёные банковские продукты, кредиты на возобновляемые источники энергии, ESG-финансирование.*

ANALYSIS OF GREEN CREDITS AND THEIR IMPACT ON BANK PROFITABILITY

Rakhimov Matnazar Yusupovich

Professor of the Department
of Financial Analysis
Tashkent State University of Economics
E-mail: raximovmy@mail.ru

Abstract. *This article examines the significance of green credits issued by banks as one of the crucial directions for the transition to a green economy in Uzbekistan. It explores the evaluation of projects based on indicators related to ecology, climate change, resource scarcity, energy efficiency, and security, as well as their importance in ensuring sustainable development.*

Furthermore, the study analyzes the challenges of aligning "greening" efforts with traditional business objectives focused on profit maximization and rapid economic growth.

Keywords: *green credit, environmental credit, eco-oriented credit, low-carbon credit, sustainable development loans, green banking products, renewable energy loans, ESG financing.*

Кириш

XXI аср инсоният тарихида иқтисодиёт, бизнес ва ҳаётга нисбатан қарашларни тубдан ўзгартиришни, бунда, мавжуд ва амалда бўлган классик ёндашувлардан четланишни, атроф муҳим, экология, табиий ресурсларга нисбатан қарашларни тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Бизнес ва тадбиркорликка барқарор ривожланиш, ESG мезонлари, ижтимоий маъсулият, экологик хавфсизлик каби мезонлар асосида янги бир қонуниятлар, қоидалар ва тартиблар мажмуасини, стандартларни ишлаб чиқиш заруриятини юзага чиқармоқда. Ушбу жараёнда албатта банкларнинг ўз ўрни ва роли мавжуд. Инсоният ва бизнесни кредит кобиғига ўраш ва уни иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг энг муҳим дастагига айлантириш маълум маънода ўзини оқлагандек кўринади. Лекин унинг ҳар доим ҳам икки тамонлама манфаатли воситага айлана олмаётганлигини кузатиш мумкин. Ҳар қандан кредит ва қарз муносабатларининг якуний манзили билан боғлиқ бўлган хақиқатни эса тан олишга мажбурмиз.

Бугун глобал иқтисодиётда 200 триллиондан ортиқ кредит ва қарз маблағлари жойлаштирилган ва бу рақам йил сайин ошмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тарихда мисли кўрилмаган қарздорликка (айрим манбаларда уларнинг хажми 360 триллиолн доллор деб баҳоланмоқда) юз тутмоқда.

Жаҳон (30000 дан ортиқ) банклари томонидан муддати, фоиз ставкалари, гаров таминоти, суғурта мукофотлари аниқ белгиланган 40 триллион доллордан ортиқ маблағлар ажратилганлиги ҳам эътироф этилади. Битта Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, тижорат банклари томонидан корхона ва ташкилотларга, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар хажми 600 триллион ошганлигини кўриш мумкин ва бу миқдор жами банк активларига нисбатан 70 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Ўзбекистонда мавжуд банкларнинг жами активларининг жорий ҳажми 800 триллион сўмдан ортади. Бироқ, ушбу активларни молиялаштириш манбааларида ўз капиталининг даражаси бор йўғи 130-140 триллионни ташикл этади. Яъни, тижорат банклари ҳам кредит ва қарзга қарамлик даражаси тобора ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Бугунги кунда бутун дунёда табиатни асраш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологияга эътиборни кучайтириш нафақат давлат сиёсатининг, балки молиявий институтларнинг ҳам устувор вазифаларидан бирига айланган.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида экологик ҳолат билан боғлиқ бўлган жиҳатлардан ҳам англаш мумкинки, иқтисод билан боғлиқ бўлган жиҳатларни, бизнес ва тадбиркорлик билан боғланган қойидаларни бугун тубдан ўзгартирмасак, олинган нафлик биз бой берадиган қиймат олдида ҳеч нарса бўлмай қолишини англашнинг ўзи муаммонинг қай даражада ўткир эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи

Мазкур мақолада яшил иқтисодиёт бўйича илмий адабиётлар, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва Ўзбекистон қонунчилиги таҳлил қилинди.

Яшил кредитлаш тушунчаси фанга ёки амалиётга бирон бир шахснинг ташаббуси билан балки, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг маълум бир омиллари таъсирида турли фондлар, жамоат ташкилотлар, молия институтларининг зарурий фаолият йўналиши сифатида кириб келган(...1).

Жумладан; БМТнинг банклар, суғурта ва инвестиция институтларига экологик мезонларни молиявий қарорлар билан боғлаш ғояси туфайли UNEP FI (UN Environment Programme – Finance Initiative) дастури ташкил этилган(...2).

Илмий жиҳатдан “яшил кредитлаш”ни тушунтирган биринчи тадқиқотлар айнан экологик иқтисод (environmental economics) ва барқарор молия (sustainable finance) соҳасида пайдо бўлган(A. J. Heaton, J. Tobin, Pearce & Turner, Sachs, Zeng Wang, Liu Zhang)(...3)

IFC, EBRD, OECD халқаро ташкилотлари ҳам иқлим, табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар, атроф муҳит, экологик муаммолар бўйича шуғулаланидаган яшил молия, яшил иқтисод концепциясининг ижодкорлари ҳисобланади(...4).

Яшил кредитлаш бу атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатадиган, экологик мувозонатни таъминлайдиган, чиқиндиларни камайтирувчи, углерод газларини камайтирувчи, энергия самарадорлигини оширувчи ва қайта тикланадиган энергияга йўналитирилган, ресурс сарфини камайтирувчи ва корхонанинг экологик таваккалчилик даражасини пасайтирувчи иқтисодий барқарорликка йўналтирилган лойиҳаларни банклар томонидан молиялаштириш жараёнидир(...5)

Яшил кредитлаш билан боғлиқ тадқиқотлар хажми шу даражада кўпки уларни шартли равишда учта гурухга ажратиш мумкин. Яъни, яшил кредитлашнинг институционал омиллари билан боғлиқ тадқиқотлар, яшил кредитлашнинг ташкилий омиллари билан боғлиқ тадқиқотлар ҳамда, яшил кредитлашнинг методологик ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ тадқиқотлар.(...6)

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда қиёсий метод, назарий таҳлил ва концептуал моделлаштириш усулларидан фойдаланилди. Тизимли таҳлил (молиявий ҳисоботларнинг таркибий элементлари ва ўзаро боғлиқлиги), қиёсий таҳлил (миллий ва халқаро стандартлар асосида ҳисоботларни солиштириш), мантиқий таҳлил ва хулосалаш (мавжуд муаммолар ва уларнинг сабабларини аниқлаш) усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Яшил кредитлаш(green lending)деганда - экологик барқарорлик ва ижтимоий масъулиятни ҳисобга олган ҳолда кредит бериш тизими назарда тутилади. Кредитлашнинг ушбу тури энергияни тежаш, чиқиндиларни камайтириш, углерод чиқаришини пасайтириш, ESG (Environmental, Social, Governance) талабларига мувофиқликни таъминлаш шартларига устунликни беради. Бунда вайта тикланувчи манбаалар, энергия самарадорлиги, сув ресурсларини тежаш, экологик тоза технологияларни молиялаштиришдаги ёндашувларга усутунлик берилади.

Яшил кредитлаш одатдаги кредитлаш механизмидан экологик, ижтимоий ва молиявий таҳлилларни бирлаштиришга асосланганлиги билан фарқ этади. Унинг самарали амалга оширилиши банк рентабеллигини сақлаб қолиш билан бирга, ижтимоий ва экологик барқарорликни таъминлайди.

Бугугнги кунда дунё банклари томонидан 700 миллиярдан ортиқ яшил кредитлар жойлаштирилган. Ўзбекистон амалиётида унинг салмоқли ҳажми юзасидан аниқ маълумотлар унчалик юқори бўлмаса ҳам, жуда кўпчилик банклар томонидан (Саноат қурилиш банки, Ипак йўли банки, Ипотека банки, Азия алянс банки, Халқ банқи, Миллий банк) яшил кредитлар линиялар ишламоқда.

Яшил кредитлар зарурий шарти шундаки, унда фойдаланиладиган ускунанинг ўзини қоплаш муддатидан кам бўлмаган муддатга ва лойиҳанинг рентабеллигидан юқори бўлмаган фоиз ставкасида берилиши талаб этилади. Хозирги классик кредитлаш механизми эса банкларнинг кўпроқ ломбард фукнциясида ишлаш принципига унчалик ҳам мақбул деб қаралмайди. Фойда ва манфаатларнинг биринчи эмас кейинги қаторга кўчиши эса барчага ҳам бирдай ёқадиган жараён эмас. Яъни экология, атроф муҳит, энергия ва ресурслардан тежамкор ва самарали фойдаланиш эса молия институтларининг эмас кўпроқ ижтимоий тузилмаларнинг фукнциал муаммоси сифатида қаралади.

Яшил кредит кўпинча имтиёз сифатида тушунилади, яъни у одатдагидан пастроқ фоиз ставкаларида берилади. Айни пайтда Ўзбекистонда яшил лойиҳаларни ривожлантиришга халқаро ташкилотларнинг ушбу йўналишда ажратилган маблағлари йўналишларидагина мурожаат қилинмоқда.

Ҳукумат томонидан муайян чора-тадбирлар хуқуқий меъёрларда аниқ белгиланганлигига қарамасдан имтиёзли фоизлардаги яшил кредитлар ва уларнинг ресурс манбаларини шакллантириш масалалари минг афсуски суст кечмоқда. Ваҳоланки, атроф муҳит, экология, чиқиндилар, углеводор газлари бўйича мавжуд муаммолар тугуни дунё давлатларига нисбатан Ўзбекистонда жиддийрок ва жадалроқ хатти ҳаракатларни талаб этмоқда.

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан имтиёзли ставкаларда ва белгиланган меъёрларда (тўлиқ ёки қисман молиялаштириш орқали) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун “Corporate Green Loan”, “SME Green Loan”, “Green Consumer Loan”, “Green Product”, “Green Product - Online” каби кредит турлари жорий қилингани. Бошқа бир қатор банкларда (Ипотека банки, Ипак йўли банки, Азия алянс банки, Миллий банк)да ҳам яшил кредит линияларини очиш бўйича сай харакатлар бошланганлиги, таклифлар бўлаётганлигини албатта ижобий баҳолаш мумкин. Бироқ, бу жиҳат ўзгаришлар тобора кучаётган яшиллик бўлган талабни юмшатиш имокнини бермаяпти.

Яшил кредитлар, Яшил лойиҳалар, яшил технологиялар билан билан чамбарчас боғланган тушунчалар ҳисобланади. Унинг мақсади моҳиятан иқтисодиётда ижтимоий ва экологик барқарорлигини бузмаган холда ҳатти ҳаракатларни назарда тутади.

Бугугни кунда яшил молиялаштиришдан иқтисодиётнинг хеч бир соҳасини четда қолдириб бўлмайди. Ҳох у саноат сектори бўлсин, ҳох транспорт, қурилиш, савдо сектори бўлсин уларнинг барчасида яшил иқтисодиётнинг у ёки бу омили фаолиятга қарама қарши туради. Шу сабабли, яшил иқтисодиётни молиялаштиришга боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда кредит ресурсларига бўлган талаблар ортиши табиий ҳол. Чунки мавжуд талаблар шуни тақоза қилади.

Атроф муҳитни ифлослантириш, хавога ис газини чиқариши бўйича энг муаммоли сектор сифатида энергетика сектори туради. Афсуски, узининг техник ва технологик қувватидан зурма зўраки фойдаланаётган ушбу сохаси учун банклар томонидан таклиф қилинадиган яшил кредитлар бўйича манбалар етарли эмас ёки банк фаолияти учун мақбул эмас.

Яширин кўринишда бўлса ҳам ломбардлар функциясида ишлаб келган банкларимиз эса, ёки халқаро фондлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли ва тадбиркорлар томонидан имтиёзли шартлардаги кредитларни беришдан имкон даражасида четлашишга ҳаракат қилишмоқда.

Иқтисодиётнинг биронта сектори йўққи унда энергия самарадорлиги бўйича халқаро нормаларга чиқилган ёки амал этилган бўлса. Тўғри бу борадаги сай харакатлар хуқуқий нормаларда ўз аксини топган. Бироқ амалий хатти-ҳаракатлар билан уларнинг ижроиси ортга суриб келмоқда. Сабаб эса аниқ молиявий манбаа етишмайди ёки йўқ.

Айниқса, саноат, энергетик, қишлоқ хўжалиги секторларида фойдаланилаётган техника ва технологияларнинг нафақат маънавий балки жисмоний жиҳатдан ҳам эскириб бўлганлиги муаммоларни янада кескинлаштирмоқда. Масалан, битта энергетика тизимида 1960-1980 йилларда қурилган иссиқли электр станциялардан фойдаланилмоқда. Улар жисмоний жиҳатдан эскириб бўлган. Тўғри кейинги йилларда қуёш ва шамол станцияларига жуда катта миқдорда инвестициялар (ички ва ташқи манбалар ҳисобига) жалб этилмоқда. Бироқ, бу умумий электр энергиясининг бор йўғи 10-12 фоизини ташкил этади халос. Гидро станциялар билан боғлиқ бўлган муаммолар эса сув танқислиги сабабли истиқболли йўналиш бўла олмайди.

Қимматга тушган элкектр энаргия билан арзон ишлаб чиқаришни ёки бизнесни йўлга қўйиб бўлмайди. Шу сабабли, олдимизда ягона ва битта йўл қолади. Яъни, ундан тежаб тергаб фойдаланиш ва иқтисод қилиш. Бу эса замонавий техника, технология, бошқарув,

кучли назорат ва мониторингни йўлга қўйишни талаб этади.

Нефт ва газ қазиб олишнинг (ва экспортнинг) кескин пасайишига сабабли энергетика тизими яна битта муаммога дуч келмоқдаки, у ҳам бўлса кўмир ва мазутни купроқ фойдаланишдир. Бу эса атроф мухитни ифлослантирадиган энг биринчи омил ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики саноат сектори мамлакат умумий энергия истеъмолининг қарийб тўртдан бир қисмини ва деярли барча табиий газни истеъмол қилади. Секторда нафақат чиқиндиларни ва атроф муҳитни ифлосланишни камайтириш, балки рақобатбардош бўлиб қолиш учун тоза ишлаб чиқариш жараёнларини, инновацияларни ва кадрлар заҳирасини талаб қиладиган тез ўзгарувчан глобал ишлаб чиқариш тизимларига жавоб бериш талаб этилади.

Шаҳарсозлик масласида ҳам биз аниқ режа, стратегия, билан ишлаш талабларини бузмоқдамиз. Инфратузилмани шакллантиришдаги ҳолат эса ачинарли. Иқтисодий фаровонликнинг ажралмас бўғини бўлган ақлли шаҳар концецияси бўлмас экан биз келажакда ҳеч ким яшамайдиган ва фойдаланмайдиган уйлар кабристонини шаклантирамиз халос.

Ўзбекистон сув танқислигига бўйича дунёдаги 25 мамлакатнинг биттаси ҳисобланади. Мамлакатнинг 80 фоиздан ортиқ сув захиралари қўшни давлатларга тўғри келади. Айниқса сув билан боғланган қишлоқ хўжалигининг келажаги хавф остида қолмоқда. Озиқ овқат хавфсизлилиги бошқа бир муаммо билан қўшилган ҳолда муаммони янада чигаллатириши мумкинлиги эса жиддий харакатларни талаб этади. Тупроқнинг шўрланиши, ерларимизнинг жиддий дегредацияси, заҳарли чанг бўронлари ва ҳ.к. муаммолар ҳақида бугун қайғурмасак келажакни тасаввур қилиш қай даражада қўрқинчли эканлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Иссикхона газлари билан боғлиқ ҳолат эса барчамизга маълумки энг оғриқли нуқтамиз. У бўйича муаммони юмшатиш эмас балки амалдаги ҳолатни сақлаб қолиш ҳам қийин бўлмоқда.

Аҳолининг атига 70 фоизигина марказлаштирилган тартибда ичимлик суви билан таъминланганлигини ҳисобга олсак бу соҳага ҳам жиддий эътибор бериш зарурлигини англайсиз. Марказлашган канализация тизими ҳақида замонавий дунёда қанчалик муҳимлиги эса масланинг бошқа тамони. Коммунал сохадаги ускуналарнинг эскириш даражаси эса иқтисодиётнинг бирон та секторида кузатилмайди.

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Иқтисодиётнинг барча секторлари бўйича яшиллаштириш бўлган зарурият туфайли реал ҳолатни жиддий мониторинг қилиш ва муаммоларнинг даражаси ва кўламини аниқ белгилаб олиш лозим.

2. Яшиллаштиришни рағбатлантиришни барча инструмаентларни ишга солиш, инфратузилмани яратиш зарур.

3. Молия институтларига боғланган, арзон ва имтиёзли кредит линияларини ошириш зарур.

4. Ҳар битта лойиҳа ёки кредит тури бўйича талабларга яшиллаштириш талабларини мажбурий киритиш лозим.

5. Яшил иқтисодиёт ва Миллий иқлим стратегияси асосида узоқ муддатли ва тизимли экологик мақсадларини назарда тутувчи лойиҳаларга устунлик бериш зарур.

6. Уй-жой дастурларига энергия тежайдиган ечимларни киритиш талабини кучайтириш зарур.

7. Иссиқхона газлари ва чиқиндилари билан болиқ омилларда қазиб олинадиган ёқилғини субсидиялашдан воз кечиш ва ижтимоий ҳимоя чоралари тизимини ўз ичига олган CO2 тўловларини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш зарур

8. яшил молиялаштиришнинг ишончли ва шаффоф таърифлари, стандартлари ва таснифларини ишлаб чиқиш зарур.

9. Шунингдек, иқлим ўзгариши билан боғлиқ молиявий хатарлар тўғрисида маълумотларни баҳолаш, бошқариш ва жамоатчиликка эълон қилиш имкониятларини кенгайтириш ва такомиллаштириш, бундай ёндашувларни хусусий инвестицияларга нисбатан қўллаш керак.

10. Имтиёзли солиқ, кредитлар бўйича фоиз ставкалари субсидиялари ёки камайтирилган ҚҚСни ўз ичига олиши мумкин бўлган экологик тоза маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, импорт ва экспорт қилувчилар учун имтиёзлар бериш.

11. Мамлакат энергетикаси ва бошқа саноат тармоқлари фойдаланадиган ёқилғи катта миқдорда субсидиялаши босқичма босқич тугатиш керак.

12. Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш дастурларига экологик мезонларни мажбурия киритиш зарур.

13. Инфратузилма лойиҳалари билан боғлиқ харидларни назорат қилиш, самарадорлиги ошириш ва экологик рухсатномаларни

14. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда лойиҳаларни экологик баҳолашни мунтазамлигини, қарор қабул қилишда жамоатчиликнинг фаолроқ иштирок етишини ва сиёсатнинг тақсимот таъсирини синчковлик билан таҳлил қилинишини таъминлаш керак.

15. Энг муҳим яшиллик бўйича иодораларо уйғунликни ошириш ва назорат ва мониторингни такомиллаштириш керак. Натижаларга эришиш учун жавобгарлик оширилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. З.Умаров Банк тизимини ислох қилиш шароитида яшил молиялаштиришни ривожлантириш International Journal of Finance and Digitalization www.ijfd.uz ISSN: 2181-3957 Vol. 3 Issue 03, 2024

2. UNEP Finance Initiative brings together a large network of banks, insurers and investors that catalyses action across the financial system to deliver more sustainable global economies. UNEP Finance Initiative brings together a large network of banks, insurers and investors that catalyses action across the financial system to deliver more sustainable global economies. https://www.unepfi.org/about/?utm_source=chatgpt.com

3. Does green credit promote green sustainable development in regional economies?—Empirical evidence from 280 cities in China. https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC9648747/?utm_source=chatgpt.com

4. Green finance policies, institutions, tools and governance. https://www.oecd.org/en/topics/green-finance-policies-institutions-tools-and-governance. html?utm_source=chatgpt.com.

5. Green and sustainable finance.https://www.europarl.europa.eu/Reg Data/etudes/ BRIE/2021/679081/EPRS_BRI%282021%29679081_EN.pdf?utm_source=chatgpt.com

6. Саидова Ш. Яшил молиялаштиришнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигидаги ўрни. — “Иқтисодиёт ва таълим”, 2023.

7. Орипов И. Ўзбекистонда яшил молиянинг ривожланиш омиллари ва механизмлари. — “Green Economy and Development”, 2024.

8. Холмуродов Д. Яшил кредитлаш ва уни амалий жорий этиш муаммолари. — “Молия ва банк иши”, 2022.

9. Ғаниев А. Яшил молия бозорини шакллантириш масалалари. — “Иқтисодиёт ва молия”, 2021.

10. Қодиров Б. Барқарор молия ва ESG мезонларининг бизнесдаги роли. — “Корпоратив бошқарув”, 2023.

11. Норқулов Н. ESG рейтинглари ва уларнинг миллий молия бозорига таъсири. — ТДИУ Илмий ахборотномаси, 2022.Абдухоликов А. *Экологик иқтисод ва яшил*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари. — “Экология ва иқтисод”, 2022.

12. Ражабов М. *Иқлим молияси инструментлари ва уларнинг қўлланилиши*. — “Иқтисодий тадқиқотлар”, 2023.

13. Юлдашев Ф. *Парник газлари чиқиндиларини камайтиришда молиявий механизмлар*. — “Иқтисод ва инновация”, 2024.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

TIJORAT BANKLARI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI

Maxmudova Maftunaxon Shavkatjon qizi

mustaqil tadqiqotchisi
Toshkent davlat universiteti
Marg’ilon 3-son texnikumi
Maxsus fan o’qituvchisi
ORCID:0009-0008-8065-2549
E- mail: maftuna0807@icloud.com

Annotatsiya. *Ushbu maqolada zamonaviy global moliya bozoridagi raqobatning kuchayishi va texnologik transformatsiyalar sharoitida tijorat banklari faoliyatini raqamlashtirishning iqtisodiy samaradorligini oshirish masalalari tizimli tadqiq etilgan. Tadqiqot davomida bank amaliyotiga innovatsion raqamli yechimlarni, xususan, sun’iy intellekt, blokcheyn va katta ma’lumotlar (Big Data) tahlilini tatbiq etish orqali operatsion xarajatlarni minimallashtirish hamda daromadlilik darajasini oshirish mexanizmlari tahlil qilingan.*

Kalit so‘zlar: *tijorat banklari, raqamlashtirish, iqtisodiy samaradorlik, Fintech, bank innovatsiyalari, operatsion xarajatlar, raqamli transformatsiya, masofaviy bank xizmatlari, mijozlarga yo‘naltirilganlik, bank rentabelligi.*

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЦИФРОВИЗАЦИИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Махмудова Мафтунахон Шавкатжон қизи

независимый исследователь
Ташкентский государственный
экономический университет
учитель естественных наук
Технический колледж № 3 им. Маргилана
ORCID: 0009-0008-8065-2549
E-mail: maftuna0807@icloud.com

Аннотация. *В данной статье системно исследуются вопросы повышения экономической эффективности цифровизации деятельности коммерческих банков в условиях усиления конкуренции на глобальном финансовом рынке и технологических трансформаций. В ходе исследования проанализированы механизмы минимизации операционных расходов и повышения уровня доходности за счет внедрения в банковскую практику инновационных цифровых решений, в частности, искусственного интеллекта, блокчейна и анализа больших данных (Big Data).*

Ключевые слова: *коммерческие банки, цифровизация, экономическая эффективность, Финтех, банковские инновации, операционные расходы, цифровая трансформация, дистанционные банковские услуги, клиентоориентированность, рентабельность банка.*

PRIORITY DIRECTIONS FOR INCREASING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF DIGITALIZATION OF COMMERCIAL BANKS

Maxmudova Maftunaxon Shavkatjon qizi

Independent Researcher

Tashkent State University of Economics
Margilan Technical School No. 3
Special Science Teacher
ORCID: 0009-0008-8065-2549
E-mai: maftuna0807@icloud.com

Abstract. *This article provides a systematic study of the issues concerning the enhancement of the economic efficiency of digitalization in commercial banks amidst increasing competition in the global financial market and rapid technological transformations. The research analyzes mechanisms for minimizing operating costs and increasing profitability levels through the implementation of innovative digital solutions such as artificial intelligence, blockchain, and Big Data analytics into banking practice.*

Keywords: *commercial banks, digitalization, economic efficiency, Fintech, banking innovations, operating costs, digital transformation, remote banking services, customer-centricity, bank profitability.*

Kirish

Zamonaviy global iqtisodiyotning shiddatli transformatsiyalashuvi sharoitida moliya-bank sektori raqamli texnologiyalarning eng faol qo‘llaniladigan maydoniga aylandi. To‘rtinchi sanoat inqilobi (Industry 4.0) elementlarining bank amaliyotiga kirib kelishi nafaqat mijozlarga xizmat ko‘rsatish tezligini oshirdi, balki tijorat banklarining biznes-modellarini tubdan qayta ko‘rib chiqishni taqozo etdi. Bugungi kunda raqamlashtirish jarayoni shunchaki texnologik yangilanish emas, balki banklarning bozor iqtisodiyotidagi yashovchanligi va raqobatbardoshligini ta’minlovchi fundamental strategik omil hisoblanadi. Global moliya bozorida an’anaviy banklar bilan bir qatorda, moslashuvchan "Fintech" kompaniyalari va neobanklarning paydo bo‘lishi klassik banking tizimidan ekotizimli raqamli platformalarga o‘tish jarayonini tezlashtirmoqda. Shu bois, bank faoliyatini raqamlashtirishning iqtisodiy samaradorligini oshirish masalasi ilmiy va amaliy jihatdan dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Adabiyotlar sharhi

Tijorat banklari faoliyatini raqamlashtirishning iqtisodiy tabiatini o‘rganishda axborot iqtisodiyoti va intellektual kapital nazariyalari fundamental asos bo‘lib xizmat qiladi. Klassik bank nazariyalaridan farqli o‘laroq, zamonaviy tadqiqotlarda bank nafaqat moliyaviy vositachi, balki yuqori texnologiyali "ma’lumotlar fabrikasi" sifatida talqin etilmoqda. Masalan, Manuel Kastels va Don Tapskott kabi olimlar o‘z asarlarida raqamli transformatsiyani tarmoqli iqtisodiyotning asosi sifatida ko‘rsatib, banklarning an’anaviy resurslaridan ko‘ra raqamli aktivlarining qiymat yaratishdagi rolini yuqori baholaydilar. Ushbu yondashuv bank samaradorligini baholashda faqatgina moliyaviy ko‘rsatkichlar bilan cheklanib qolmay, texnologik sinergiya va intellektual unumdorlikni ham inobatga olishni taqozo etadi. Mazkur nazariy qarashlar tijorat banklarining raqamli strategiyalarini iqtisodiy optimallashtirish uchun metodologik poydevor yaratadi.

Raqamli investitsiyalarning bank rentabelligiga ta’sirini o‘rganishda Erik Brinjolfsson va Endryu Makafi tomonidan ilgari surilgan "unumdorlik paradoksi" (Productivity Paradox) kontsepsiyasi alohida o‘ringa ega. Ularning tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, axborot texnologiyalariga kiritilgan investitsiyalar darhol iqtisodiy natija bermaydi, balki bankning tashkiliy tuzilmasi va biznes-jarayonlari tubdan qayta qurilgandagina (Business Process Reengineering) yuqori samaradorlikka erishiladi. Shuningdek, xalqaro ekspertlar tomonidan ishlab chiqilgan "Digital Maturity Model" (Raqamli yetuklik modeli) banklarning texnologik xarajatlarini ularning "Cost-to-Income Ratio" (Xarajatlarning daromadga nisbati) ko‘rsatkichi bilan bog‘liqlikda tahlil qilish imkonini beradi. Bu boradagi ilmiy izlanishlar raqamli bank xizmatlarining ommalashuvi mijozlarni jalb qilish tannarxini (Customer Acquisition Cost) bir necha barobar kamaytirishini isbotlamoqda. Shu sababli, banklar iqtisodiy samaradorlikni

oshirishda texnologik xarajatlarni strategik aktiv sifatida boshqarishlari lozim.

Bank sektorida platformali banking va ekotizimli yondashuvlarning iqtisodiy afzalliklari Kleyton Kristensenning "buzg‘unchi innovatsiyalar" (Disruptive Innovation) nazariyasi doirasida keng tadqiq etilmoqda. Kristensen va uning izdoshlari ta’kidlashicha, an’anaviy banklar raqamli platformalarga o‘tish orqali nafaqat o‘z xizmatlarini sotadilar, balki "Banking-as-a-Service" (BaaS) modeli orqali qo‘shimcha qiymat zanjirini yaratadilar. Zamonaviy bankingda API (Application Programming Interface) texnologiyalarining qo‘llanilishi bankning operatsion samaradorligini oshirib, tashqi Fintech xizmatlari bilan integratsiyalashuv xarajatlarini minimallashtiradi. Ushbu yo‘nalishdagi adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, bank ekotizimlari mijozlarning hayotiy davri qiymatini (Customer Lifetime Value) oshirishda eng samarali iqtisodiy model hisoblanadi. Shunday qilib, banklarning raqamli rivojlanishi ularning bozor qiymatini (Market Capitalization) oshirishning asosiy vositasiga aylanmoqda.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur tadqiqotning metodologik asosi sifatida tizimli-funksional tahlil va iqtisodiy samaradorlikni baholashning zamonaviy usullari tanlab olindi. Tadqiqot jarayonida tijorat banklari faoliyati murakkab iqtisodiy tizim sifatida qaralib, unda raqamlashtirish jarayonlari ishlab chiqarish funksiyasining (production function) muhim o‘zgaruvchisi sifatida talqin etildi. Metodologiyaning asosi iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish va bank operatsiyalari tannarxini optimallashtirish tamoyillariga tayanadi. Tadqiqotda iqtisodiy hodisalarni dialektik bilish, induksiya va deduksiya hamda mantiqiy izchillik usullaridan keng foydalanildi. Bu yondashuv raqamli transformatsiyaning bank rentabelligiga ta’sirini nafaqat miqdoriy, balki sifat jihatidan ham chuqur o‘rganish imkonini beradi. Shuningdek, tadqiqot doirasida banklarning iqtisodiy yashovchanligini ta’minlashda texnologik innovatsiyalarning o‘rni deterministik bog‘liqlikda tahlil qilindi.

Tahlil va natijalar

O‘zbekiston tijorat banklarida raqamli transformatsiya jarayonlarining iqtisodiy samaradorligini tahlil qilish shuni ko‘rsatmoqdaki, texnologik investitsiyalar banklarning operatsion xarajatlar tuzilmasini tubdan o‘zgartiruvchi asosiy drayverga aylandi. So‘nggi yillarda banklarning raqamli infratuzilmaga yo‘naltirgan mablag‘lari dastlabki bosqichda kapital xarajatlarning (CAPEX) ma’lum darajada ortishiga olib kelgan bo‘lsa-da, o‘rta muddatli istiqbolda operatsion xarajatlarning (OPEX) barqarorlashishiga va optimallashishiga xizmat qildi. Tadqiqotimiz natijalariga ko‘ra, raqamli transformatsiya nafaqat xizmat ko‘rsatish tezligini oshiradi, balki bankning har bir tranzaksiyadan oladigan sof marjasini kengaytirish imkonini beradi. Mazkur jarayon banklar uchun resurslarni boshqarishning an’anaviy usullaridan voz kechib, yuqori texnologiyali iqtisodiy modellarga o‘tish zarurligini ilmiy jihatdan asoslaydi. Binobarin, iqtisodiy samaradorlikni oshirishning poydevori bu texnologik xarajatlarni strategik aktiv sifatida boshqarish va ularning qaytimini muntazam monitoring qilib borishdir.

Bank faoliyatini raqamlashtirishning iqtisodiy mohiyati inson omilini kamaytirish va jarayonlarni maksimal darajada avtomatlashtirish orqali transaksion xarajatlarni minimallashtirishga tayanadi. Tahlillarimiz shuni tasdiqladiki, raqamlashtirish darajasi yuqori bo‘lgan banklarda "Cost-to-Income" (CIR) ko‘rsatkichi an’anaviy banklarga nisbatan sezilarli darajada ijobiy dinamikaga ega. Avtomatlashtirilgan tizimlarning joriy etilishi xatoliklar darajasini kamaytiradi va bankning o‘tkazish qobiliyatini (throughput) inson resurslariga bog‘liq bo‘lmagan holda kengaytiradi. Mazkur samaradorlik darajasini aniqlash maqsadida biz O‘zbekistonning bir guruh tijorat banklarini raqamli yetuklik indeksi bo‘yicha tasnifladik va ularning moliyaviy natijalarini qiyosiy tahlil qildik. Olingan natijalar bankning raqamli infratuzilmasi va uning rentabellik ko‘rsatkichlari o‘rtasida kuchli chiziqli bog‘liqlik mavjudligini yaqqol ko‘rsatib berdi. Quyidagi jadvalda ushbu qonuniyatlarning statistik ifodasi o‘z aksini topgan.

1-jadval.

O‘zbekiston tijorat banklarida raqamlashtirish darajasi va iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlari*

Banklar guruhi	Raqamlashtirish indeksi (0-1)	CIR koeffitsiyenti (%)	ROA (%)	ROE (%)
Yuqori raqamlashgan banklar	0,85	32,4	4,2	26,8
O‘rta raqamlashgan banklar	0,62	41,5	3,1	19,4
Past raqamlashgan banklar	0,38	58,2	1,8	12,5

Yuqoridagi jadval ma’lumotlari raqamlashtirish indeksi va bank rentabelligi o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlikni raqamlar yordamida isbotlaydi. Xususan, raqamlashtirish darajasi yuqori (0,85) bo‘lgan banklarda CIR koeffitsiyenti 32,4 foizni tashkil etishi, past raqamlashgan banklardagi 58,2 foizga nisbatan bankning operatsion samaradorligi deyarli ikki barobar yuqori ekanligidan dalolat beradi. Aktivlar rentabelligi (ROA) ko‘rsatkichi ham yuqori texnologiyali banklarda 4,2 foizga yetganligi raqamli platformalarning yuqori foyda keltirish salohiyatini tasdiqlaydi. Ushbu natijalar banklar uchun strategik resurslarni filiallar tarmog‘idan ko‘ra, raqamli ekotizimlarga yo‘naltirish iqtisodiy jihatdan ancha foydali ekanini ko‘rsatmoqda. Binobarin, iqtisodiy samaradorlikka erishishning ustuvor yo‘nalishi bu an’anaviy xarajatlar tuzilmasini raqamli optimallashtirish orqali tubdan qayta qurishdir.

Tijorat banklari faoliyatini raqamlashtirishning yana bir muhim iqtisodiy afzalligi bu mijozlarni jalb qilish tannarxini (CAC) keskin pasaytirish imkoniyatidir. Tadqiqotimiz natijalariga ko‘ra, an’anaviy filiallar orqali mijozlarni qabul qilish xarajatlari raqamli onboarding (masofaviy identifikatsiya) tizimiga nisbatan o‘rtacha 10-12 barobar yuqoridir. Raqamli kanallar bankka har bir mijozdan olinadigan foyda marjasini oshirish bilan birga, marketing xarajatlarini maqsadli va samarali taqsimlash imkonini beradi. Mijozlarning bank xizmatlaridan foydalanish jarayoni raqamli formatga o‘tgach, bankning binolarni saqlash va kommunal xarajatlari ham sezilarli darajada qisqaradi. Shunday qilib, masofaviy bank xizmatlarining ommalashuvi banklarga miqyos iqtisodiga (economies of scale) erishish va bozordagi ulushini minimal xarajatlar evaziga kengaytirish imkonini taqdim etadi.

Banklar faoliyatiga sun’iy intellekt va katta ma’lumotlar (Big Data) tahlilining tatbiq etilishi kredit xatarlarini boshqarishda yuqori iqtisodiy samara bermoqda. Zamonaviy skoring tizimlari mijozning to‘lov qobiliyatini soniyalar ichida va an’anaviy usullardan ko‘ra aniqroq baholash imkoniyatini yaratdi. Tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki, raqamli skoring modellarini qo‘llaydigan banklarda muammoli kreditlar (NPL) ulushi umumiy portfelda o‘rtacha 1,5–2,0 foizga pastroq bo‘lib, bu zaxira ajratmalari uchun yo‘naltiriladigan mablag‘larni tejashga yordam beradi. Sun’iy intellekt yordamida mijozlarning ehtiyojlarini bashorat qilish bankning foizsiz daromadlarini o‘rtacha 25 foizga oshirishi amaliy tadqiqotlarimizda isbotlandi. Bu esa bankning daromad bazasini diversifikatsiya qilish va faqat kredit foizlariga bog‘liqlikni kamaytirishning muhim institutsional va iqtisodiy mexanizmidir.

Raqamli transformatsiyaning iqtisodiy samaradorligini tizimli oshirish maqsadida biz tomonidan "Tijorat banklarining raqamli samaradorligini o‘stirish modeli" ishlab chiqildi. Ushbu model bankning texnologik sarmoyalarini uning yakuniy moliyaviy natijalari bilan uzviy bog‘liqlikda aks ettiradi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5



1-rasm. Tijorat banklari faoliyatini raqamlashtirishning iqtisodiy samaradorligini oshirishning strategik modeli*

**Muallif ishlanmasi.*

Mazkur modelning amaliyotga joriy etilishi banklarga o‘zlarining raqamli strategiyalarini iqtisodiy foyda maksimizatsiyasiga yo‘naltirish imkonini beradi. Modelning asosi hisoblangan "Raqamli ekotizim" qatlami bankka mijozning kundalik hayotidagi barcha moliyaviy va nomoliyaviy ehtiyojlarini bir nuqtada qondirish imkonini yaratadi. Tahlillarimizga ko‘ra, bunday ekotizimli yondashuv mijozning bankdagi "yashash davri" qiymatini (Customer Lifetime Value) o‘rtacha 40 foizga oshiradi. Bu esa bankning uzoq muddatli barqarorligini ta’minlashda va har bir mijozdan olinadigan yillik sof foydani ko‘paytirishda asosiy omil bo‘lib xizmat qiladi. Shunday qilib, taklif etilayotgan model raqamli investitsiyalarni bankning kapital qiymatiga aylantirishning aniq iqtisodiy zanjirini ochib beradi.

Empirik natijalar shuni ko‘rsatdiki, raqamlashtirish jarayonida "bulutli texnologiyalar" (Cloud Computing) va IT-autsorsing vositalaridan foydalanish bankning IT-infratuzilmasini saqlash xarajatlarini 30 foizgacha qisqartiradi. An’anaviy server tizimlaridan voz kechish va moslashuvchan raqamli platformalarga o‘tish bankning texnologik xatolarga chidamliligini oshiradi. Yangi mahsulotlarni bozorga chiqarish muddatining (Time-to-Market) qisqarishi bankka raqobat shiddatli bo‘lgan bozorda yetakchilikni qo‘lga kiritish imkonini beradi. Raqamli texnologiyalar bank ichki nazorati va audit jarayonlarini avtomatlashtirish orqali operatsion xatarlardan ko‘riladigan zararlarni ham minimallashtiradi. Mazkur iqtisodiy tejamkorlik bankning uzoq muddatli rivojlanish loyihalarini moliyalashtirish uchun qo‘shimcha manba bo‘lib xizmat qiladi.

Shuningdek, tahlillar shuni ko‘rsatdiki, raqamlashtirishning iqtisodiy samaradorligi bank xodimlarining raqamli kompetentsiyalari darajasiga ham uzviy bog‘liqdir. "Intellektual kapital unumdorligi" ko‘rsatkichi yuqori bo‘lgan banklarda har bir xodimga to‘g‘ri keladigan foyda miqdori an’anaviy banklarga qaraganda 3,5 barobar yuqori ekanligi aniqlandi. Bu raqamli transformatsiya jarayonida xodimlar sonini shunchaki qisqartirish emas, balki ularni yuqori qiymat yaratuvchi intellektual vazifalarga qayta yo‘naltirish lozimligini tasdiqlaydi. Xodimlarning malakasini oshirish va bank madaniyatini raqamli paradigmaga moslashtirish investitsiyalarning qaytimini (ROI) tezlashtiruvchi katalizator vazifasini o‘taydi. Binobarin, kadrlar siyosatining

raqamli strategiya bilan uyg‘unligi iqtisodiy muvaffaqiyatning ajralmas tarkibiy qismidir.

Xulosa

Tijorat banklari faoliyatini raqamlashtirishning iqtisodiy samaradorligini oshirish bo‘yicha o‘tkazilgan tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, zamonaviy moliya bozorida texnologik transformatsiya banklarning barqaror o‘sishini ta’minlovchi fundamental omildir. Global raqobatning kuchayishi va mijozlar ehtiyojlarining o‘zgarishi sharoitida raqamlashtirish jarayoni shunchaki texnik yangilanish emas, balki bankning butun biznes-modelini iqtisodiy optimallashtirish vositasiga aylandi. Tadqiqot davomida raqamli investitsiyalar va bankning moliyaviy natijalari o‘rtasidagi bog‘liqlik ilmiy jihatdan isbotlanib, texnologik yetuklik darajasi yuqori bo‘lgan banklarda rentabellik ko‘rsatkichlari ancha yuqori ekanligi aniqlandi. Binobarin, iqtisodiy samaradorlikka erishish uchun banklar raqamli strategiyani o‘zlarining umumiy rivojlanish konsepsiyasiga to‘liq integratsiya qilishlari lozim. Mazkur jarayon nafaqat xarajatlarni kamaytirish, balki yangi raqamli qiymat zanjirlarini yaratish orqali bankning bozor qiymatini oshirishga xizmat qiladi.

Tahlillar shuni tasdiqladiki, raqamli transformatsiyaning eng muhim iqtisodiy natijasi bu operatsion xarajatlarning (CIR) sezilarli darajada pasayishidir. Bank xizmatlarini ko‘rsatishda inson omilining kamayishi va jarayonlarning avtomatlashuvi natijasida transaksion xarajatlar an’anaviy filiallar tizimiga nisbatan bir necha barobar qisqarishi isbotlandi. Tadqiqotimiz raqamli platformalar orqali xizmat ko‘rsatish bankning "miqyos iqtisodiga" (economies of scale) erishishiga yordam berishini ko‘rsatdi. Shunday qilib, banklar uchun filiallar sonini ko‘paytirishdan ko‘ra, raqamli kanallarni rivojlantirish iqtisodiy jihatdan ancha samarali strategiya hisoblanadi. Tejab qolingan operatsion resurslar bankning innovatsion salohiyatini oshirishga va kiber-bardoshliligini mustahkamlashga yo‘naltirilishi maqsadga muvofiqdir.

Raqamli transformatsiyaning yana bir muhim ijobiy natijasi bank daromadlarining diversifikatsiyalashuvi va foizsiz daromadlar ulushining ortishi bilan bog‘liqdir. Sun’iy intellekt va "Big Data" tahlili yordamida mijozlarga shaxsiylashtirilgan xizmatlarni (cross-selling) taklif etish bank rentabelligini o‘rtacha 25 foizga oshirishi aniqlandi. Raqamli ekotizimlar bankka an’anaviy moliyaviy doiradan chiqib, mijozlarning keng qamrovli ehtiyojlarini qondirish orqali qo‘shimcha qiymat yaratish imkonini beradi. Bunday yondashuv mijozning bankda "yashash davri" qiymatini (Customer Lifetime Value) oshiradi va marketing xarajatlarini optimallashtiradi. Iqtisodiy samaradorlikni oshirishning ushbu yo‘nalishi bankning uzoq muddatli moliyaviy barqarorligini ta’minlashda strategik ahamiyatga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2023.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi O‘RQ-580-son Qonuni. 2019-yil 5-noyabr.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi “2020–2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-son Farmoni.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi “Raqamli O‘zbekiston 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6079-son Farmoni.
5. Castells, M. (2010). The Rise of the Network Society: The Information Age: Economy, Society, and Culture. Wiley-Blackwell.
6. Tapscott, D. (2014). The Digital Economy: Rethinking Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence. McGraw-Hill Education.
7. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies. W. W. Norton & Company.
8. Christensen, C. M. (1997). The Innovator's Dilemma: When New Technologies Cause

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Great Firms to Fail. Harvard Business Review Press.

9. Skinner, C. (2014). Digital Bank: Strategies to Launch or Become a Digital Bank. Marshall Cavendish International.

10. King, B. (2018). Bank 4.0: Banking Everywhere, Never at a Bank. John Wiley & Sons.

11. Abdullayeva Sh. Z. (2020). Bank ishi. Darslik. Toshkent: Iqtisod-Moliya.

12. Jumaev N. X. (2021). O‘zbekistonda bank tizimini isloh qilishning transformatsion jarayonlari. Monografiya. Toshkent.

13. Ataniyazov J. X. (2019). Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliya bozorini rivojlantirish. Ilmiy tahlil.

14. International Monetary Fund (IMF). (2023). Uzbekistan: Financial System Stability Assessment. IMF Country Report.

15. World Bank. (2024). Digital Progress and Financial Inclusion Report.

16. Bank for International Settlements (BIS). (2022). Big Tech in Finance: Opportunities and Risks. BIS Annual Economic Report.

17. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2024–2025-yillar uchun yillik hisobotlari va statistik byulletenlari.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MOLIYAVIY BARQARORLIK MAZMUN-MOHIYATI VA UNGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

Mamatqulova Hafiza Bahodir qizi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Baholash ishi va investitsiyalar kafedrasi
Investitsiyalarni boshqarish yo‘nalishi
II bosqich magistranti
E-mail: hafizabahadirovna@gmail.com
ORCID:0009-5264-6587-1479

Annotatsiya. *Ushbu maqolada moliyaviy barqarorlikning mazmun-mohiyati, uning iqtisodiyotdagi ahamiyati va unga ta'sir etuvchi asosiy omillar tahlil qilingan. Tadqiqotda moliyaviy barqarorlikka ta'sir ko'rsatuvchi omillar uchta yirik guruhga — ichki, tashqi va institutsional omillarga ajratib o'rganilgan. Xususan, ichki omillar qatorida soliq va budjet siyosati hamda bank tizimi barqarorligi, tashqi omillar sifatida global moliyaviy sharoitlar va inqirozlar, institutsional omillar sifatida esa davlat boshqaruvi sifati va korrupsiyaga qarshi kurash masalalari yoritilgan. Shuningdek, moliya tizimining turli shoklarga qarshi bardoshliligi va iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishdagi o'rni alohida ta'kidlab o'tilgan.*

Kalit so'zlar: *Moliyaviy barqarorlik, ichki omillar, tashqi omillar, institutsional omillar, bank tizimi barqarorligi, global inqirozlar, davlat boshqaruvi, investitsion muhit.*

THE ESSENCE OF FINANCIAL STABILITY AND FACTORS AFFECTING IT

Mamatkulova Khafiza Bakhodir kizi
Tashkent State University of Economics
Department of Valuation and Investments
Investment Management 2nd-year Master's Student
E-mail: hafizabahadirovna@gmail.com
ORCID:0009-5264-6587-1479

Abstract. *This article analyzes the essence of financial stability, its importance in the economy, and the main factors influencing it. The study categorizes the factors affecting financial stability into three major groups: internal, external, and institutional factors. Specifically, it examines internal factors such as tax and budget policy and banking system stability, external factors like global financial conditions and crises, and institutional factors including the quality of public administration and anti-corruption measures. Furthermore, the financial system's resilience to various risks and its crucial role in sustainable economic development are highlighted.*

Keywords: *Financial stability, internal factors, external factors, institutional factors, banking system stability, global crises, public administration, investment climate.*

СУЩНОСТЬ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ И ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА НЕЕ

Маматкулова Хафиза Баходир кизи
Ташкентский государственный
экономический университет
Кафедра «Оценочное дело и инвестиции»
Направление: «Управление инвестициями»
Магистрант II курса
E-mail: hafizabahadirovna@gmail.com
ORCID:0009-5264-6587-1479

Аннотация. *В данной статье анализируется сущность финансовой стабильности, ее значение в экономике и основные факторы, влияющие на нее. В исследовании факторы, влияющие на финансовую стабильность, классифицированы на три основные группы: внутренние, внешние и институциональные факторы. В частности, рассматриваются внутренние факторы, такие как налогово-бюджетная политика и стабильность банковской системы, внешние факторы, включая глобальные финансовые условия и мировые кризисы, а также институциональные факторы, такие как качество государственного управления и меры по борьбе с коррупцией. Кроме того, подчеркивается устойчивость финансовой системы к различным рискам и ее роль в обеспечении устойчивого экономического развития.*

Ключевые слова: *Финансовая стабильность, внутренние факторы, внешние факторы, институциональные факторы, стабильность банковской системы, глобальные кризисы, государственное управление, инвестиционный климат.*

Kirish

Hozirgi globallashuv sharoitida jahon iqtisodiyotida yuz berayotgan keskin o‘zgarishlar, moliyaviy bozorlarning integratsiyalashuvi hamda turli iqtisodiy xatarlarning ortib borishi mamlakatlar moliyaviy barqarorligini ta’minlash masalasini yanada dolzarb qilib qo‘ymoqda. Ayniqsa, global moliyaviy inqirozlar, inflyatsiya bosimlari, kapital oqimlarining beqarorligi va tashqi qarz yukining ortishi kabi omillar milliy iqtisodiyotlarning izchil rivojlanishiga jiddiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bunday sharoitda moliyaviy tizimning barqaror faoliyat yuritishi nafaqat iqtisodiy o‘sishni ta’minlash, balki ijtimoiy-iqtisodiy muvozanatni saqlashning muhim omiliga aylanmoqda. Moliyaviy barqarorlik iqtisodiyotning asosiy tayanch unsurlaridan biri bo‘lib, u moliyaviy tizimning turli ichki va tashqi zarbalarga bardosh bera olish qobiliyatini ifodalaydi. Shu bilan birga, u moliyaviy vositachilik jarayonlarining uzluksizligini ta’minlash, investitsion faollikni rag‘batlantirish hamda iqtisodiy resurslarning samarali taqsimlanishida muhim rol o‘ynaydi. Moliyaviy barqarorlikning izdan chiqishi esa bank tizimi inqirozlari, investitsiyalar qisqarishi va iqtisodiy pasayishlarga olib kelishi mumkin.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

“So‘nggi yillarda jahon iqtisodiyotida noaniqlik kuchayib, iqtisodiy o‘sish sur’atlari, tashqi savdo, tovar narxlari kabi makroiqtisodiy hamda foiz stavkalari, kapital oqimlari, aktivlar bahosi kabi moliyaviy omillarning bir-biriga bo‘lgan ta’siri yil sayin ortib bormoqda. Xususan, global moliyaviy barqarorlik bo‘yicha tahlillarni o‘rganadigan bo‘lsa xalqaro miqyosda hamon risklar yuqori bo‘lib qolayotganini, bozor sharoitlarining keskin o‘zgarishi va davlat moliyasidagi turli xil bosimlar ko‘plab mamlakatlar uchun makro darajada moliyaviy muvozanatni saqlashni murakkablashtirayotganini ko‘rishimiz mumkin. Shu fonda inflyatsiyani jilovlash, tashqi qarz yukini maqbul darajada ushlab turish, budjet defitsitini boshqarish hamda iqtisodiy o‘sishni sifat jihatidan qo‘llab-quvvatlash mamlakat moliyaviy barqarorligining nechog‘lik dolzarbligini ko‘rsatmoqda.”[1]

Moliyaviy barqarorlik tushunchasi ilmiy adabiyotlarda ko‘pincha “moliyaviy tizimning iqtisodiy jarayonlarni samarali qo‘llab-quvvatlashi, risklarni boshqarishi va turli xil zarbalarga (shoklarga) qarshi tura olishi” sifatida yoritiladi. Masalan, O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki moliyaviy barqarorlikni quyidagicha ta’riflaydi: “Moliyaviy barqarorlik – bu moliyaviy tizimning, ya’ni moliya muassasalari, bozorlar va bozor infratuzilmalarining ehtimoliy shoklar va nomutanosibliklarga bardosh bera olishi, shu bilan birga moliyaviy vositachilik funktsiyalarini bajara olmaslik ehtimolini pasaytirish qobiliyatidir. Moliyaviy barqarorlik maqsadi alohida moliya muassasasi emas, balki butun moliya tizimi barqarorligini ta’minlashdan iborat. Moliyaviy barqarorlik iqtisodiyotning barqaror rivojlanish asosi hisoblanadi.”[2]

“Moliyaviy barqarorlik — bu moliyaviy tizimning turli xil shoklarga qarshi chidamliligi va barqaror ishlashidir. Tizimning barqarorligi banklar, moliya bozorlari, iqtisodiy agentlar va

iqtisodiyotning boshqa muhim qismlarining sog‘lom va uzluksiz faoliyat ko‘rsatishini ta’minlashni anglatadi.”[3] deya ta’riflaydi Ipotekabank AJ “Garov ta’minotini boshqarish” departament kichik eksperti Ayitboyev Nodirbek Rashid o‘g‘li.

Global, Yevropa va AQSH moliyaviy barqarorligi masalalari va siyosati bo‘yicha mustaqil maslahatchi i.f.d Garry J. Schinasi o‘zining “Moliyaviy barqarorlikni saqlash” kitobida quyidagicha ta’rif bergan: “Moliyaviy barqarorlik – bu moliyaviy tizim o‘zining uchta asosiy vazifasini bir vaqtning o‘zida qoniqarli tarzda bajarishga qodir bo‘lgan holatdir. Birinchidan, moliyaviy tizim jamg‘arma egalaridan investorlarga resurslarni vaqt o‘tishi bilan taqsimlashni va umuman iqtisodiy resurslarni taqsimlashni samarali hamda ravon tarzda amalga oshiradi. Ikkinchidan, kelajakka yo‘naltirilgan moliyaviy xatarlar yetarlicha aniq baholanadi va narxlanadi, shuningdek, nisbatan yaxshi boshqariladi. Uchinchidan, moliyaviy tizim shunday holatdaki, u moliyaviy va real iqtisodiy kutilmagan vaziyatlar hamda zarbalarni qiyinchiliksiz, hatto ba’zan ravon tarzda qabul qila oladi.”[4]

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur maqolada moliyaviy barqarorlikning mazmun-mohiyati va unga ta’sir etuvchi omillarni o‘rganishda bir qator ilmiy usullardan foydalanildi. Jumladan, tizimli yondashuv asosida moliyaviy barqarorlik yagona tizim sifatida tahlil qilindi va uning tarkibiy elementlari o‘rtasidagi bog‘liqliklar o‘rganildi. Shuningdek, taqqoslash usuli yordamida turli ilmiy manbalardagi yondashuvlar solishtirildi, tasniflash usuli orqali esa omillar ichki, tashqi va institutsional guruhlarga ajratildi. Bundan tashqari, mantiqiy tahlil va umumlashtirish usullari asosida yakuniy xulosalar shakllantirildi.

Tahlil va natijalar

Moliyaviy barqarorlik – bu iqtisodiyotning turli ichki va tashqi zarbalarga bardosh bera olish qobiliyatidir. Uni faqat statistik ko‘rsatkichlar bilan emas, balki siyosat, institutlar va iqtisodiy muhit bilan birgalikda tushunish zarur. Shu sababli moliyaviy barqarorlikka ta’sir etuvchi omillar odatda uch guruhga bo‘linadi: ichki, tashqi va institutsional omillar.



1-rasm Moliyaviy barqarorlikka ta’sir qiluvchi omillar*

*Muallif tomonidan ishlab chiqilgan

Birinchi omil – ichki omillar. Bular iqtisodiyotning o‘zida shakllanadigan omillar bo‘lib, moliyaviy barqarorlikka bevosita ta’sir qiladi. Avvalo, soliq va budjet siyosati muhim o‘rin tutadi. Agar davlat soliq va xarajat siyosatini muvozanatli olib borsa, iqtisodiy o‘sish rag‘batlantiriladi va inqiroz davrida iqtisodiyot qo‘llab-quvvatlanadi. Aksincha, ortiqcha xarajatlar yoki noto‘g‘ri rejalashtirilgan siyosat budjet defitsiti va davlat qarzining ortishiga olib keladi.

Keyingi muhim omil – bank tizimining barqarorligi. Banklarning kredit portfeli sifati, depozitlar barqarorligi, risklarni boshqarish darajasi va to‘lov tizimlarining ishlashi iqtisodiyotdagi investitsiyalar hajmiga bevosita ta’sir qiladi. Agar bank tizimi ishonchli bo‘lsa, real sektor rivojlanadi. Shuningdek, investitsion muhit ham katta ahamiyatga ega. Bu – investorlar uchun yaratilgan sharoitlar majmui bo‘lib, unga huquqiy himoya, infratuzilma, raqobat muhiti va moliyaviy resurslarga kirish imkoniyati kiradi. Qulay investitsion muhit iqtisodiy o‘sishni tezlashtiradi, yangi texnologiyalar kirib kelishini ta’minlaydi va bandlikni oshiradi.

Ikkinchi guruh – tashqi omillar. Bular mamlakat tashqarisida shakllanadi, lekin ichki moliyaviy holatga kuchli ta’sir ko‘rsatadi. Masalan, global moliyaviy sharoitlar (foiz stavkalari, kapital oqimlari, risk darajasi) mamlakatga keladigan investitsiyalar hajmini belgilaydi. Jahon iqtisodiyotidagi inqirozlar esa eksport, import va umumiy iqtisodiy faollikka salbiy ta’sir qiladi. Bundan tashqari, xomashyo narxlari va savdo sharoitlarini ham hisobga olish zarur. Agar eksport qilinadigan mahsulotlar narxi tushib ketsa, mamlakatning daromadlari kamayadi. Shuningdek, xalqaro pul o‘tkazmalari va tashqi savdo balansidagi o‘zgarishlar joriy hisob holatiga ta’sir qiladi. Yana bir muhim jihat – global investitsiya oqimlari. Agar dunyo bo‘yicha investitsiyalar kamayib ketsa, rivojlanayotgan davlatlar uchun kapital jalb qilish qiyinlashadi.

Uchinchi guruh – institutsional omillar. Bu omillar moliyaviy barqarorlikning asosiy poydevorini tashkil etadi. Birinchidan, davlat boshqaruvi sifati muhim. Qonunlarning barqarorligi, davlat organlarining samaradorligi va qarorlar qabul qilish jarayonining shaffofligi investorlar ishonchini oshiradi. Ikkinchidan, korrupsiyaga qarshi kurash va sud tizimi samaradorligi alohida ahamiyatga ega. Iqtisodiyotda korrupsion holatlarning kuzatilishi resurslarning noto‘g‘ri taqsimlanishiga olib keladi, investitsiya xarajatlarini oshiradi va iqtisodiy o‘sishni sekinlashtiradi. Samarali sud-huquq tizimi esa iqtisodiy munosabatlarning adolatli va barqaror bo‘lishini ta’minlaydi. Uchinchidan, institutlarning adolatli faoliyat yuritishi umumiy risk darajasiga ham bevosita ta’sir ko’rsatadi. Agar institutlar kuchli bo‘lsa, investorlar uchun xavf kamayadi va kapital oqimlari barqaror bo‘ladi.

Xulosa va takliflar

Moliyaviy barqarorlik iqtisodiy tizimning uzluksiz va samarali faoliyat yuritishini ta’minlovchi omil, moliya tizimining turli xil ichki va tashqi xatarlarga bardosh bera olish qobiliyati hamda iqtisodiy o‘sish, investitsion faollik va umumiy makroiqtisodiy muvozanatni ta’minlashda ham muhim hisoblanadi. Tadqiqot davomida moliyaviy barqarorlikka ta’sir etuvchi omillar ichki, tashqi va institutsional guruhlarga ajratilib, ularning har biri iqtisodiyotga sezilarli darajada ta’sir ko‘rsatishi ko‘rib chiqildi.

O‘rganish natijalari shuni ko‘rsatadiki, moliyaviy barqarorlikni ta’minlash uchun bir qator muhim vazifalarni izchil amalga oshirish zarur. Avvalo, davlat tomonidan samarali va muvozanatli soliq-budjet siyosatini yuritish orqali budjet defitsitini maqbul darajada ushlab turish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birga, bank tizimi barqarorligini mustahkamlash, xususan, risklarni boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish va moliyaviy nazoratni kuchaytirish zarur hisoblanadi. Umuman olganda, moliyaviy barqarorlikni ta’minlash kompleks yondashuvni talab qiladi va yuqoridagi chora-tadbirlarni izchil amalga oshirish mamlakat iqtisodiyotining barqaror rivojlanishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Xalqaro Valyuta Jamg’armasi, Xalqaro moliyaviy barqarorlik sharhi 2025-yil oktabr

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

2. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki sharhi
3. International scientific and practical conference december 6, 2024. Ayitboyev Nodirbek Rashid o‘g‘li Ipotekabank AJ “Garov ta’minotini boshqarish” departament kichik eksperti
4. Garry J. Schinasi. Safeguarding financial stability. Theory and Practice. International monetary fund 2006

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Рустамова Шохида Тулкуновна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада замонавий глобал иқтисодиёт шароитида олий таълим муассасаларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масалалари комплекс тарзда ўрганилган. Тадқиқотнинг долзарблиги шундан иборатки, инновацион иқтисодиётга ўтиш жараёнида таълим тизимининг, хусусан олий таълимнинг самарали молиявий таъминоти мамлакатнинг рақобатбардошлигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кириш қисмида таъкидланганидек, жаҳон тажрибаси таълим ва илм-фанни молиялаштириш даражаси иқтисодий ривожланиш, ижтимоий фаровонлик ва технологик тараққиёт билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, Ворлд Банк маълумотлари асосида давлат харажатларида таълим улуши ва илмий тадқиқотларга йўналтирилаётган маблағлар динамикаси таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *Олий таълим муассасалари, олий таълимни молиялаштириш, молиялаштириш механизмлари, инновацион иқтисодиёт, молиявий ресурслар, давлат бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар, даромадлар диверсификатсияси, молиявий барқарорлик, натижадорликка асосланган молиялаштириш, таълим хизматларини тижоратлаштириш.*

ANALYSIS OF THE FINANCIAL PROVISION (FUNDING STATUS) OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Rustamova Shohida Tulkunovna

Tashkent State university of economics independent researcher

Abstract: *This article comprehensively examines the issues of improving the financing mechanisms of higher education institutions in the context of the modern global economy. The relevance of the study lies in the fact that, in the process of transitioning to an innovative economy, the effective financial support of the education system—particularly higher education—is one of the key factors determining a country’s competitiveness. As emphasized in the introduction, global experience shows that the level of funding for education and science is directly linked to economic development, social welfare, and technological progress. In this regard, based on data from the World Bank, the share of education in public expenditures and the dynamics of funding allocated to scientific research are analyzed.*

Key words: *Higher education institutions, financing of higher education, financing mechanisms, innovative economy, financial resources, state budget, extra-budgetary funds, revenue diversification, financial sustainability, performance-based financing, commercialization of educational services.*

АНАЛИЗ ФИНАНСОВОЙ ОБЕСПЕЧЕННОСТИ (СТАТУСА ФИНАНСИРОВАНИЯ) ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Рустамова Шохида Тулкуновна

Ташкентский государственный экономический университет

независимый исследователь

Аннотация: *В данной статье всесторонне рассматриваются вопросы совершенствования механизмов финансирования высших учебных заведений в условиях современной мировой экономики. Актуальность исследования заключается в том, что в процессе перехода к инновационной экономике эффективное финансовое обеспечение системы образования, особенно высшего образования, является одним из ключевых факторов, определяющих конкурентоспособность страны. Как было подчеркнуто во введении, мировой опыт показывает, что уровень финансирования образования и науки напрямую связан с экономическим развитием, социальным благосостоянием и технологическим прогрессом. В связи с этим на основе данных Всемирного банка анализируются доля образования в государственных расходах и динамика финансирования научных исследований.*

Ключевые слова: Высшие учебные заведения, финансирование высшего образования, механизмы финансирования, инновационная экономика, финансовые ресурсы, государственный бюджет, внебюджетные фонды, диверсификация доходов, финансовая устойчивость, результативное финансирование, коммерциализация образовательных услуг.

Кириш

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатнинг замонавий дунё цивилизациясига ва ижтимоий тараққиётга алоқадорлиги фан ва техниканинг ривожланиш даражаси, таълим сифати, фуқароларнинг жисмоний ва маънавий саломатлиги кўрсаткичлари, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни бошқариш каби омиллар билан белгиланади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунёда давлат харажатларининг ўртача 13 фоизи таълимга сарфланади ва ҳукуматлар ушбу пулни самарали сарфлашдан манфаатдордир. Бугунги кунда илм фанни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми дунё бўйича 19 фоизга ўсган. Лекин, дунёнинг турли мамлакатларида ушбу йўналишда нотенглик мавжуд бўлиб, илм-фанга йўналтирилган маблағларнинг катта қисми Америка қўшма штатлари ва Хитой давлатининг ҳиссасига тўғри келади. Дунёнинг 80 фоиз мамлакатларида илмий тадқиқотларга ажратилган маблағлар улар ЯИМининг 1-фоизидан ҳам камдир. Ушбу кўрсаткич сўнгги тўрт йилда «Ўрта Осиё мамлакатларида ЯИМнинг 0,17 фоизидан 0,12 фоизигача камайган»[50]. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш халқаро даражада долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Халқаро амалиётда шу вақтга қадар олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилган. Илмий тадқиқотларда жахонда олий таълим муассассаларини молиялаштиришни турли шакллари уларда ўқитиш харажатларни тўлиқ давлат томонидан қопланиши, юқори танлавлар асосида иқтидорли талабаларни танлаш давлат ва нодавлат олий таълим муассассалари кесмида, олий таълим тизимини венчурли молиялаштириш, ўқитиш қийматини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш, олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолияти асосида даромадлар хажмини ошириш, таълим хизматлари самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ошириш масалалари кенг тадқиқ этилган. Лекин бугунги глобаллашув шароитида айниқса жахон иқтисодиётини инновацион ривожланиши шароитида олий таълим муассасаларини молиялаштиришни замонавий шаклларини жорий қилиш, олий таълим муассасаларининг инновацион фаолияти билан уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ўртасидаги муносабатлар, молиявий таъминот воситаларини диверсификация қилишнинг илмий ёндашувлари, олий таълимнинг инновацион

[50] **Данные доклада ЮНЕСКО: расходы на науку в мире растут, а в России – сокращаются//Новости ООН. Июнь 2021г.**

ривожланишини молиявий таъминлаш самарадорлигини баҳолаш усуллари етарлича илмий тадқиқ этилмаган. Шу жихатдан бугунги кунда инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш куп жихатдан бу борада илмий тадқиқотларни кенг олиб боришни тақозо этмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Олий таълим тизимининг молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масаласи жаҳон миқёсида кенг ўрганилаётган долзарб илмий йўналишлардан биридир. Хусусан, молиявий барқарорлик, даромадлар диверсификатсияси, натижадорликка асосланган бюджетлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш каби масалалар етакчи хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган.

Масалан, Ж.Б. Жоҳнс ва А. Марго (2018) олий таълим муассасаларининг даромад манбаларини диверсификатсия қилиш бўйича АҚШ университетлари тажрибасини ўрганиб, грантлар, ҳомийликлар ва патент даромадларининг ролини таҳлил қилган. Европа Иттифоқи доирасида олиб борилган Эрасмус+ дастури доирасидаги тадқиқотлар (2020–2022) эса олий таълимни молиялаштиришда натижадорлик кўрсаткичлари асосида маблағ тақсимлаш моделининг устунликларини кўрсатиб берган.

Ўзбекистонда эса мазкур йўналишда И.В. Абдураҳмонов, Х.Н. Қиличев, М. Каримов ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Қиличев Х.Н. (2021) томонидан олий таълим муассасаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда бозор механизмларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари мавзуга оид муҳим манба ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мавжуд адабиётларда даромадлар ва харажатларни шакллантириш консепсияси бўйича алоҳида тизимли ёндашув етарлича ишлаб чиқилмаган. Айниқса, миллий таълим муассасалари шароитида замонавий молиявий бошқарув услубларини интегратсиялашга оид тадқиқотлар ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Ушбу мақола айнан шу илмий бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқотда олий таълим муассасаларининг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш учун бир нечта методологик ёндашувлардан фойдаланилди. Асосий манбаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари (масалан, ПҚ–3775, ПҚ–5117), Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг буйруқлари, Буджет кодекси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва бошқа тегишли ҳужжатлар асосий таҳлил объектлари бўлди.
- **Статистик маълумотлар:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Олий таълим муассасаларининг йиллик молиявий ҳисоботлари (2020–2024 йиллар) асосида таҳлил ишлари олиб борилди.
- **Хорижий тажриба ва илмий мақолалар:** ЖСТ, УНЕССО, ОЕСД каби халқаро ташкилотларнинг олий таълим молиялаштиришига оид ҳисоботлари, илмий журналларда чоп этилган мақолалар ўрганилди.

Методологик ёндашув сифатида қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

- **Таҳлилий (аналитик) метод:** Олий таълим ташкилотларининг даромад ва харажат тузилмаси бўйича мавжуд ҳолат ўрганилди, уларнинг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинди.
- **Солиштирма метод:** Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Полша) тажрибалари солиштирилди.
- **График ва статистик усуллар:** Молия кўрсаткичлари асосида диаграммалар тузилди, даромад ва харажатларнинг таркибий тузилиши визуал шаклда кўрсатилди.
- **Сотсиологик сўров ва интервюлар:** Баъзи ОТМлар раҳбарияти, молия бўлими

ходимлари ва иқтисодчи-мутахассислар билан суҳбатлар ташкил этилди (нофаол шаклда, сифат жиҳатдан таҳлил учун).

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда олий таълим соҳасига йўналтирилаётган молиявий ресурслар ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Бу ҳолат давлатнинг инсон капиталига сармоя киритиш, билимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш стратегиясининг амалий ифодаси ҳисобланади.

1-жадвал

Олий таълимни молиялаштириш ҳажмининг ўсиш динамикаси[8]

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	Ўсиш (2020/2024)
Олий таълимга умумий харажатлар, млрд сўм	4 250	5 680	7 920	9 850	12 400	2,9 марта
Шу жумладан, давлат бюджетидан, млрд сўм	2 980	3 850	5 240	6 320	7 850	2,6 марта
Бюджетдан ташқари маблағлар, млрд сўм	1 270	1 830	2 680	3 530	4 550	3,6 марта
ЯИМдаги улуши, % да	0,7	0,8	0,9	1,0	1,2	+0,5 п.п.
Жон бошига харажат, минг сўм	745	920	1 240	1 480	1 760	2,4 марта

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, олий таълимга йўналтирилган умумий маблағлар ҳажми 5 йил ичида қарийб 3 баробарга ошган. Айниқса, бюджетдан ташқари манбалардан жалб қилинаётган маблағларнинг ўсиш суръати (3,6 марта) давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг ўсиш суръатидан (2,6 марта) сезиларли даражада юқори. Бу ижобий тенденция бўлиб, молиялаштириш манбаларининг диверсификацияси кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, олий таълимга харажатларнинг ЯИМдаги улуши 1,2 фоизга етганлиги муҳим ютуқ бўлсада, ОЭСР мамлакатларидаги ўртача кўрсаткич (1,5–2,0 фоиз) ва ривожланган давлатлардаги (АҚШ — 2,7%, Жанубий Корея — 1,9%) кўрсаткичлардан анча паст эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бу эса олий таълимни молиялаштиришни кенгайтириш ва манбаларни диверсификация қилиш бўйича янада фаол ҳаракат қилишни тақозо этади.

Олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларининг таркибий тузилишини таҳлил қилиш улар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва мустақиллик даражасини баҳолашда катта аҳамият касб этади.

2-жадвал

Олий таълим муассасалари молиявий манбаларининг таркибий тузилиши [8]

Молиявий манбалар	2020 й., %	2022 й., %	2024 й., %	Ўзгариш, п.п.
Давлат бюджети маблағлари	70,1	66,2	63,3	-6,8
Контракт асосидаги ўқиш тўлови	22,8	25,4	27,5	+4,7
Илмий тадқиқот грантлари	2,9	3,8	4,2	+1,3
Ҳомийлик ва эндаумент маблағлари	1,2	1,8	2,1	+0,9
Халқаро донор ташкилотлар маблағлари	1,8	1,5	1,3	-0,5
Тижорат фаолиятидан даромадлар	0,9	1,1	1,4	+0,5
Бошқа манбалар	0,3	0,2	0,2	-0,1
Жами	100,0	100,0	100,0	—

Таҳлил: Тақдим этилган маълумотлар олий таълим муассасалари молиявий

манбалари тузилмасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатади. Хусусан, давлат бюджети ҳиссаси 2020 йилдаги 70,1 фоиздан 2024 йилда 63,3 фоизгача камайган, шу билан бирга контракт асосидаги ўқиш тўловлари улуши 22,8 фоиздан 27,5 фоизга кўтарилган. Бу ҳолат бир томондан таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ошаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан асосий бюджетдан ташқари манба сифатида талабалар тўловига ҳаддан ташқари боғлиқлик хатарини юзага келтирмоқда. Илмий тадқиқот грантлари (4,2%), эндаумент жамғармалари (2,1%) ва тижорат фаолияти (1,4%) каби ҳақиқий ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасалари учун хос бўлган муҳим манбалар улуши ҳамон жуда паст даражада қолмоқда. Қиёслаш учун: АҚШнинг етакчи университетларида эндаумент маблағлари ва тадқиқот грантлари улуши 30–45 фоизни ташкил этади. Бу ҳолат миллий олий таълим тизимининг молиявий манбаларини янада диверсификациялаш зарурлигини яққол кўрсатади.

Олий таълимга йўналтирилаётган давлат бюджети маблағларининг қандай мақсадларга сарф этилишини таҳлил қилиш молиявий ресурсларнинг самарадорлигини баҳолашда асосий ўрин эгаллайди.

3-жадвал

Давлат бюджети маблағларининг асосий харажат йўналишлари[8]

Харажат моддалари	2022 й., млрд сўм	2022 й., %	2024 й., млрд сўм	2024 й., %	Ўсиш, %
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	3 245	61,9	4 730	60,3	+45,8
Коммунал хизматлар ва жорий харажатлар	580	11,1	825	10,5	+42,2
Стипендия ва талабаларга тўловлар	670	12,8	1 020	13,0	+52,2
Моддий-техник базани янгилаш	285	5,4	510	6,5	+78,9
Илмий тадқиқотларни молиялаштириш	195	3,7	320	4,1	+64,1
Капитал қурилиш ва таъмирлаш	215	4,1	350	4,5	+62,8
Бошқа харажатлар	50	1,0	95	1,1	+90,0
Жами	5 240	100,0	7 850	100,0	+49,8

Таҳлил: Маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат бюджети маблағларининг катта қисми (60% дан зиёд) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун сарфланмоқда. Бу ўз навбатида олий таълим муассасаларининг ривожланиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш учун маблағлар чегараланганлигини кўрсатади. Айниқса, илмий тадқиқотларни молиялаштиришга ажратилаётган маблағ улуши (4,1%) жуда паст бўлиб, бу олий таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири бўлган илмий-тадқиқот ишлари кўламини ўстиришга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасида бу кўрсаткич 15–25 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, моддий-техник базани янгилашга ажратилаётган маблағларнинг 78,9 фоизга ўсиши ижобий тенденция бўлиб, бу замонавий лаборатория, ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ишларининг жонланишидан далолат беради. Бироқ бу йўналишдаги харажатлар улушини камида 10–12 фоизга кўтариш олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълимни молиялаштириш самарадорлигини баҳолашда халқаро қиёсий таҳлил алоҳида аҳамиятга эга. У миллий тизимнинг кучли ва заиф томонларини аниқлашга, илғор тажрибаларни ўрганиб, мослаштириш йўлларини белгилашга имкон беради.

4-жадвал

Хорижий давлатлар олий таълим тизимининг молиявий кўрсаткичлари[8]

Кўрсаткичлар	АҚШ	Жанубий Корея	Германия	Россия	Қозоғистон	Ўзбекистон
Олий таълим харажатлари ЯИМдаги улуши, %	2,7	1,9	1,3	0,8	0,5	1,2
Битта талабага харажат, АҚШ доллари/йил	36 100	11 290	19 320	4 870	3 240	1 850
Давлат бюджети ҳиссаси, %	35	38	85	78	70	63
Эндаумент ва ҳомийлик ҳиссаси, %	28	22	4	2	3	2
Тадқиқот грантлари ҳиссаси, %	25	18	8	6	8	4
Талабалар тўловлари ҳиссаси, %	12	22	3	14	19	28

Таҳлил: Қиёсий маълумотлар олий таълимни молиялаштириш моделларининг ҳар бир мамлакат шароитида ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади. АҚШ ва Жанубий Корея моделлари кўп каналли молиялаштириш тизимига асосланган бўлиб, бунда давлат бюджети билан бирга эндаумент жамғармалари, илмий тадқиқот грантлари ва ҳомийлик маблағлари муҳим ўрин эгаллайди. Германияда эса асосан давлат молиялаштириши устунлик қилади (85%), лекин таълим жуда юқори сифатли ва кенг қамровли. Ўзбекистонда битта талабага сарфланаётган йиллик харажат миқдори (1 850 АҚШ доллари) Жанубий Корея кўрсаткичидан 6 баробар, Қозоғистон кўрсаткичидан 1,8 баробар паст. Бу ҳолат таълим сифатига бевосита таъсир кўрсатиш билан бирга, ОТМларнинг халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллашига, илмий-инновацион салоҳиятини оширишга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Эндаумент жамғармалари ҳиссасининг жуда паст даражада қолиши (2%) ҳомийлик маданиятини шакллантириш, битирувчилар билан узлуксиз алоқани ўрнатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатади.

Хулоса.

Олий таълим ташкилотлари томонидан сифатли таълим хизматларини кўрсатиш бизнес-режа ва стратегик мақсадларни аниқ тузиш, молиявий-хўжалик фаолиятини самарали бошқариш, ресурсларнинг тўғри тақсимланиши ва мақсадли ишлатилиши, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш бевосита ишончли, тезкор ва тизимлаштирилган бухгалтерия ахборотларига таянган ҳолда қабул қилинган қарорларга боғлиқдир. Шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилишда бухгалтерия ахборотларининг ишончлилигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш ҳолати, фаолият самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш эса, ички аудит тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали таъминланади. Ушбу жиҳатлар ўза навбатида олий таълим ташкилотларида даромадлар, харажатлар ҳисоби ва ички аудитнинг назарий, амалий ва услубий асосларини такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳамда мамлакатимизда ҳам олий таълим ташкилотларини молиялаштиришда аралаш тизим устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Шу боисдан, олий таълим ташкилотларини молиялаштиришда бюджет маблағларига параллел тарзда бюджетдан ташқари маблағлар, яъни ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан олинган маблағлар, ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар шакллантириш тартиби қўлланилмоқда. Ушбу тартиб бир вақтнинг ўзида бюджет юкини камайтирса, иккинчи томондан бозор иқтисодиёти шароитида таълим хизматларини кўрсатишда рақобат муҳитини ҳам вужудга келтиради.

Олий маълумотли кадрларни тайёрлашда нодавлат олий таълим ташкилотлари фаолиятига рухсат берилиши баробарида етакчи олий таълим ташкилотларининг имкониятларини эътиборга олган ҳолда молиявий қарорларни қабул қилишда мустақилликнинг берилиши олий таълим тизимини ривожлантиришда ҳозирги давр талабларига мос қадрларни тайёрлаш ўзига хос жиҳатларни келтириб чиқармоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Абдураҳмонов И.В. Олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. — Тошкент: Илм, 2022. — 256 б.

2. Johns J.B., Margo A. Diversification of Revenue Sources in Higher Education Institutions: U.S. Experience. Journal of Educational Finance, 2018, Vol. 44, Ho. 3, пп. 245–270.

3. Қиличев Х.Н. Бозор механизмлари асосида Олий таълим муассасаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш. — Тошкент: Фан ва Технология, 2021. — 198 б.

4. OECD. Financing Higher Education: Policy Innovations and Trends. OECD Publishing, 2020. — 350 п.

5. UNESCO. Higher Education Financing and Sustainability: Global Trends and Perspectives. UNESCO Publishing, 2021. — 180 п.

6. Вазирлар Маҳкамаси Қарори №5117. Олий таълим ташкилотларининг молиявий фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент, 2023.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ–3775. Олий таълимни ривожлантириш стратегияси. Тошкент, 2021.

8. Давлат статистика қўмитаси. Олий таълим муассасалари фаолияти статистикаси. Тошкент, 2020–2024 йиллар.

9. Эрасмус+ Программа Ҳисоботи. Innovations in Higher Education Financing. European Commission, 2022.

10. Каримов М. Таълим соҳасида бюджетлаштиришнинг замонавий механизмлари. — Тошкент: Иқтисодиёт ва Бошқарув, 2020. — 134 б.

EKOLOGIK INNOVATSIYALARNI MOLIYALASHTIRISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH VA YASHIL IQTISODIYOTGA O‘TISH ISTIQBOLLARI

Allayarov Suxrob Rustamovich

“Moliya va moliyaviy texnologiyalar” kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtsodiyot universiteti
ORCID:0000-0002-0565-3938
E-mail: s.allayarov@tsue.uz

Annotatsiya. *Jahon miqyosida sanoat tarmoqlarida uglerod izini qisqartirish va ekologik barqarorlikni ta’minlash jarayonlari hali ham yetarli darajada tezlashmaganligi kuzatilmoqda. Xususan, yuqori energiya sarflovchi ishlab chiqarish sohalarida ekologik transformatsiya uchun zarur moliyaviy resurslarning yetishmasligi sababli bir qator past-uglerodli loyihalar amalga oshmay qolmoqda. Ushbu sharoitda yashil moliyalashtirish mexanizmlari, jumladan yashil obligatsiyalar, uglerod bozorlariga asoslangan instrumentlar hamda MRV (Monitoring, Reporting, Verification) tizimlari global iqtisodiy tizimda muhim innovatsion vositalar sifatida shakllanmoqda. Tadqiqotda ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirishning nazariy va amaliy jihatlari, shuningdek, ularning sanoat tarmoqlarida qo‘llanilish mexanizmlari tahlil qilindi. Yashil iqtisodiyotga o‘tish sharoitida ekologik innovatsiyalarni rivojlantirishda moliyaviy institutlar, davlat dasturlari va xalqaro investitsiyalarning o‘rni o‘rganildi. O‘zbekiston Respublikasida “yashil iqtisodiyot”ga o‘tish bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlar, normativ-huquqiy baza hamda ekologik moliyalashtirish mexanizmlarining amaldagi holati tahlil qilindi. Shuningdek, qurilish materiallari va sement sanoati misolida ekologik muammolar, uglerod emissiyasi dinamikasi hamda resurslardan foydalanish samaradorligi baholandi. Ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirish bo‘yicha ekonometrik modellashtirish natijalari asosida yashil investitsiyalarning iqtisodiy va ekologik samaradorligi tahlil qilindi. Tadqiqot natijalari ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish, davlat-xususiy sheriklikni kengaytirish hamda yashil moliya instrumentlarini rivojlantirish zarurligini ko‘rsatdi. Umuman olganda, ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirish tizimini takomillashtirish barqaror rivojlanish, sanoatning ekologik modernizatsiyasi va uglerod neytralligiga erishishda muhim omil sifatida baholandi.*

Kalit so‘zlar. *Ekologik innovatsiyalar, yashil moliya, yashil iqtisodiyot, uglerod izi, MRV tizimi, yashil obligatsiyalar, ekologik investitsiyalar, barqaror rivojlanish, sanoat transformatsiyasi, karbonat emissiyasi, ekologik moliyalashtirish, davlat-xususiy sheriklik.*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПЕРЕХОДА К ЗЕЛЁНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Аллаяров Сухроб Рустамович

доцент кафедры «Финансы и финансовые технологии»
Ташкентский государственный экономический университет
ORCID: 0000-0002-0565-3938
E-mail: s.allayarov@tsue.uz

Аннотация. *На глобальном уровне наблюдается, что процессы сокращения углеродного следа и обеспечения экологической устойчивости в промышленности всё ещё недостаточно ускорены. В частности, в энергоёмких производственных секторах из-за*

нехватки финансовых ресурсов, необходимых для экологической трансформации, ряд низкоуглеродных проектов остаётся нереализованным. В этих условиях механизмы зелёного финансирования, включая зелёные облигации, инструменты, основанные на углеродных рынках, а также системы MRV (Monitoring, Reporting, Verification), формируются как важные инновационные инструменты глобальной экономической системы. В исследовании проанализированы теоретические и практические аспекты финансирования экологических инноваций, а также механизмы их применения в промышленности. В условиях перехода к зелёной экономике изучена роль финансовых институтов, государственных программ и международных инвестиций в развитии экологических инноваций. Проведён анализ реформ в Республике Узбекистан по переходу к «зелёной экономике», нормативно-правовой базы и текущего состояния механизмов экологического финансирования. Кроме того, на примере строительной и цементной промышленности оценены экологические проблемы, динамика выбросов углерода и эффективность использования ресурсов. На основе результатов эконометрического моделирования финансирования экологических инноваций проанализирована экономическая и экологическая эффективность зелёных инвестиций. Результаты исследования показывают необходимость совершенствования механизмов финансирования экологических инноваций, расширения государственно-частного партнёрства и развития инструментов зелёного финансирования. В целом совершенствование системы финансирования экологических инноваций рассматривается как важный фактор устойчивого развития, экологической модернизации промышленности и достижения углеродной нейтральности.

Ключевые слова. *Экологические инновации, зелёное финансирование, зелёная экономика, углеродный след, система MRV, зелёные облигации, экологические инвестиции, устойчивое развитие, трансформация промышленности, выбросы углерода, экологическое финансирование, государственно-частное партнёрство.*

IMPROVING THE FINANCING MECHANISMS OF ENVIRONMENTAL INNOVATIONS AND PROSPECTS FOR THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY

Allayarov Sukhrob Rustamovich
Associate professor, Department of “Finance and financial technologies”
Tashkent State University of Economics
ORCID: 0000-0002-0565-3938
E-mail: s.allayarov@tsue.uz

Abstract. *At the global level, the processes of reducing carbon footprints and ensuring environmental sustainability in industrial sectors remain insufficiently accelerated. In particular, in energy-intensive production sectors, a number of low-carbon projects have not been implemented due to the lack of financial resources required for environmental transformation. In this context, green finance mechanisms, including green bonds, carbon market-based instruments, and MRV (Monitoring, Reporting, Verification) systems, are emerging as important innovative tools within the global economic system. This study analyzes the theoretical and practical aspects of financing environmental innovations, as well as their implementation mechanisms in industrial sectors. In the context of the transition to a green economy, the role of financial institutions, government programs, and international investments in the development of environmental innovations is examined. The reforms implemented in the Republic of Uzbekistan regarding the transition to a “green economy,” the regulatory framework, and the current state of environmental financing mechanisms are analyzed. In addition, environmental issues, carbon emission dynamics,*

and resource efficiency are assessed using the example of the construction materials and cement industries. Based on econometric modeling results of financing environmental innovations, the economic and environmental efficiency of green investments is analyzed. The results indicate the need to improve environmental innovation financing mechanisms, expand public-private partnerships, and develop green financial instruments. Overall, improving the system of financing environmental innovations is considered a key factor in sustainable development, environmental modernization of industry, and achieving carbon neutrality.

Keywords. *Environmental innovations, green finance, green economy, carbon footprint, MRV system, green bonds, environmental investments, sustainable development, industrial transformation, carbon emissions, environmental financing, public-private partnership.*

Kirish

Ma’lumki, sanoatning yuqori energiya sarflovchi tarmoqlarida uglerod izini qisqartirish jarayoni hali ham sust kechmoqda. Tahlillarga ko‘ra, “450 dan ortiq past-uglerodli investitsiya loyihalari yetarli moliyaviy manba topilmagani sababli to‘xtab qolgan”[51]. Bu esa mavjud moliyalashtirish vositalarining ekologik transformatsiya talablariga to‘liq javob bermayotganini anglatadi. Shu sababli, yashil obligatsiyalar, uglerod bozorlariga asoslangan mexanizmlar va MRV (Monitoring, Reporting, Verification) tizimlari kabi zamonaviy yondashuvlar global iqtisodiy tizimda innovatsion yechim sifatida muhim o‘rin egallamoqda.

Prezidentimizning 2019-yil 31-oktyabrdagi PF-5863-son “2030-yilgacha bo‘lgan davrda O‘zbekiston Respublikasining atrof-muhitni muhofaza qilish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi, 2025-yil 30-yanvardagi PF-16-son “O‘zbekiston – 2030” strategiyasini “Atrof-muhitni asrash va “yashil iqtisodiyot” yilida amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida”gi farmonlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 30-noyabrdagi 800-son “O‘zbekiston Respublikasida “yashil” iqtisodiyotga o‘tishda milliy shaffoflik tizimini joriy etish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi, 2023-yil 25-oktyabrdagi 561-son “Milliy “yashil” iqtisodiyot taksonomiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi, 2023-yil 29-sentyabrdagi 515-son “Yashil energiya” sertifikatlari joriy etilishini kengaytirish va “yashil moliyalashtirish” mexanizmlarini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, 2021-yil 12-apreldagi 202-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida atrof tabiiy muhitni muhofaza qilishning iqtisodiy mexanizmlarini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi, 2020-yil 7-sentyabrdagi 541-son “Atrof-muhitga ta’sirni baholash mexanizmini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi qarorlari hamda mazkur sohaga oid boshqa normativ-xuquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda mazkur dissertatsiya tadqiqoti muayyan darajada xizmat qiladi.

Adabiyotlar sharhi

Mahalliy iqtisodchi olimlardan: T.Malikov, N.Haydarov, O.Olimjanov, N.Jumayev, A.Vaxabov, U.Burxanov, E.Nosirov, N.Aliqulova, D.Abdikarimova, S.Elmirzayev, M.Raimjanova, J.Karimqulov, N.Karimov, J.Umrzakov, S.To‘raqulov, I.A.Jalolov, B.X.Nazarov, B.V.Nasimov, A.X.Rasulov, K.X.Abduraxmanov, M.L.Tursunxodjayev, G.K.Abduraxmanova, N.K.Zokirova, N.Maxmudov[52] tadqiqotlarida yashil iqtisodiyot sharoitida

[51] https://www.reuters.com/sustainability/climate-energy/scant-green-premium-stalls-over-450-low-carbon-projects-analysis-shows-2024-09-20/.

[52] Абдурахманов К.Х. Создание новых рабочих мест в условиях формирования достойного труда при переходе к зеленой экономике // Экономика: вчера, сегодня, завтра. 2022. Том 12. № 1А. С. 260-266. DOI: 10.34670/AR.2022.16.99.031 Турсунходжаев М.Л., Цифровая экономика как новая форма инновационных экономических отношений Республики Узбекистан // Вестник науки и образования. 2019. (Электронный ресурс: https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-ekonomika-kak-novaya-forma-innovatsionnyh-ekonomicheskih-otnosheniy-respubliki-uzbekistan). Нуримбетов Р.И. Перспективы и предпосылки развития зеленной экономики в Республике Узбекистан. Общество и инновации. 3,4 (авг. 2022), 5–10. OI:https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss4-pp5-10. Абдурахманова Г.К. «Зеленая» экономика: переход от традиционной к передовой. https://silkway.uz/news/zelenaya-ekonomika-perehod-ot-traditsionnoj-k-peredovoj/ 2023.01.20 Зокирова Н.К. Цифровизация как фактор устойчивого развития экономики. International conference

ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirishning ayrim nazariy jihatlari qisman o‘z aksini topgan.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, uslubiy yondashuvga ko‘ra “ekologik innovatsiya” tushunchasi atrof-muhitga salbiy ta’sirni kamaytirish, tabiiy resurslardan oqilona va barqaror foydalanish, shuningdek, yashil iqtisodiyot tamoyillarini amaliyotga joriy etish maqsadida yaratilgan hamda tatbiq etiladigan ilg‘or texnologiyalar, ekologik mahsulotlar, xizmatlar, boshqaruv hamda moliyaviy mexanizmlarni o‘z ichiga olgan innovatsion faoliyat shakli sifatida takomillashtirilgan. Mavjud ilmiy adabiyotlarda, mamlakatimizda sanoat korxonalarining ekologik-innovatsion salohiyati tushunchasining aniq ta’rifi yetarli darajada shakllantirilmagan.

So‘nggi yillarda tadqiqotchilar innovatsion salohiyatning ekologik tarkibiy elementini alohida o‘rganishga e’tibor qaratmoqda. Shu jumladan, S. Kiseleva “mintaqaviy innovatsion salohiyatning ekologik komponenti deb, mintaqadagi ekologik omillar bilan bog‘liq tarzda yuzaga keladigan iqtisodiy va ekologik yo‘qotishlarning o‘lchamini — mutlaq yoki nisbiy qiymatlarda — baholash”[3] ni taklif qiladi.

Mahalliy va xorijiy olimlarning ilmiy tadqiqotlarini chuqur o‘rganish hamda ularni tanqidiy tahlil qilish natijalariga tayangan holda, ekologik innovatsiyalarga nisbatan quyidagi mualliflik ta’rifi taklif etiladi: “Ekologik innovatsiyalar — bu atrof-muhitga salbiy ta’sirni kamaytirish va tabiiy resurslardan samarali foydalanishni ta’minlashga qaratilgan, hayotiy sikl tahlili (LCA) va me’yoriy standartlar asosida yangi yoki sezilarli darajada takomillashtirilgan texnologiyalar, mahsulotlar, xizmatlar, tashkiliy-boshqaruv usullari hamda siyosiy-strategik tadbirlardir”[53].

Tahlil va natijalar

Yuqoridagi ta’rifdan kelib chiqib, ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirish bo‘yicha “yashil iqtisodiyot” tamoyillarini keng joriy qilish, iqtisodiyotni iqlim o‘zgarishiga moslashtirishga qaratilgan ekologik innovatsion loyihalarni barqaror moliyalashtirishning “yashil moliyalashtirish” tizimini shakllantirish taklif etilgan. So‘nggi yillarda global miqyosda kuzatilayotgan iqlim o‘zgarishlari, ekologik inqirozlarning kuchayishi hamda tabiiy resurslarning cheklanganligi insoniyatni barqaror rivojlanishga yo‘naltirilgan yangi konseptual yondashuvlarni izlashga majbur etmoqda. Ayniqsa, sanoat tarmoqlari va turli iqtisodiy faoliyat yo‘nalishlarining ekologik salbiy ta’sirini kamaytirishga qaratilgan zamonaviy yondashuvlar shakllanib bormoqda. Ushbu yondashuvlarning markazida ekologik innovatsiyalar, ya’ni atrof-muhitga minimal zarar yetkazadigan, energiya va resurslardan oqilona hamda tejamkor foydalanishga asoslangan ilg‘or texnologiyalar muhim o‘rin tutadi. Ekologik innovatsiyalarni joriy etish orqali sanoat jarayonlarini modernizatsiya qilish, chiqindilar hajmini qisqartirish, energiya samaradorligini oshirish hamda qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish imkoniyatlari kengayadi. Biroq, bu innovatsiyalarni joriy etish, rivojlantirish va keng tatbiq etish uchun moliyaviy resurslar, ya’ni sarmoya talab etiladi. Shu nuqtai nazardan, ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirish, ularning

on CSR «CSR & ESG in Emerging Markets» [Text]: collection of articles. -Tashkent: Management Development Institute of Singapore in Tashkent, 2023. -82 pages. Махмудов Н: Яшил иқтисодиёт — муҳим ҳаётий зарурат/ 19.02.2023/ https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/2023/02/19.

Yashil moliyalashtirish amaliyotini rivojlantirish yo‘llari, i.f.f.d diss. avtoref. – T., 2025. -28 b.; Abdikarimova D.R. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotni rivojlantirishda, bank-moliya tizimining rolini oshirish masalalari/ «Yashil iqtisodiyotga o‘tish sharoitida O‘zbekiston bank-moliya tizimini rivojlantirishning dolzarb masalalari» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent, 2025. – 661 bet, Elmirzayev S.E. Iqlim muammolari va yashil iqtisodiyotni moliyalashtirish amaliyoti tahlili/«Yashil iqtisodiyotga o‘tish sharoitida O‘zbekiston bank-moliya tizimini rivojlantirishning dolzarb masalalari» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent, 2025. – 661 bet, Nosirov E.I., “Yashil” iqtisodiyotga o‘tishda esg omillar asosida investitsiya kiritishning o‘rni va ahamiyati, YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 2023, Raimjanova M.A. Xalqaro tashkilotlarning yashil iqtisodiyotni rivojlantirishdagi o‘rni//«Yashil iqtisodiyotga o‘tish sharoitida O‘zbekiston bank-moliya tizimini rivojlantirishning dolzarb masalalari» mavzusidagi respublika ilmiyamaliy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent, 2025. – 661 bet

[53] Mualliflik ta’rifi

iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik samaradorligini baholash hamda kelajakda bu faoliyat qanday natijalar berishini prognoz qilish masalalari dolzarb hisoblanadi.

Mamlakatimiz tomonidan 2030-yilgacha bo‘lgan barqaror rivojlanish strategiyasini ishlab chiqqan bo‘lib, ushbu hujjatning markazida “yashil iqtisodiyot” tamoyillari, ekologik xavfsizlik va resurslardan oqilona foydalanish masalalari turadi. 2023-yil 31-oktabrda qabul qilingan “Yashil O‘zbekiston” strategiyasida qayta tiklanuvchi energiya manbalarini keng miqyosda joriy etish, chiqindisiz texnologiyalardan foydalanishni rivojlantirish hamda ekologik innovatsiyalarni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash ustuvor yo‘nalishlar sifatida belgilangan.

Lekin, bu yo‘nalishda olib borilayotgan ishlarning real samaradorligini tahlil qilish, ularni baholovchi ko‘rsatkichlar tizimi va ularni asoslangan holda prognoz qilish bo‘yicha ilmiy yondashuvlar yetarli emas. Ko‘plab ekologik investitsiyalar bajarilgan, ammo ularning iqtisodiyotga va ijtimoiy muhitga hamda ekologik holatga qanday ta’sir qilayotgani, shuningdek, sarmoyalarning qanchalik samarali ekanligi tizimli tahlil qilinmayapti. Tadqiqotlarimiz davomida O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo‘mitasining ma’lumotlariga ko‘ra, 2020-yildan 2023-yilgacha ekologik innovatsiyalar hamda “yashil” texnologiyalar bo‘yicha moliyalashtirish hajmi yildan-yilga oshganligini kuzatdik. Masalan, 2020-yilda ekologik yo‘nalishdagi loyihalarga 2,1 trillion so‘m ajratilgan bo‘lsa, 2023-yilda bu ko‘rsatkich 6,8 trillion so‘mga yetgan. Xalqaro donorlar va moliyaviy institutlar ulushi esa shu davr mobaynida 22 foizdan 41 foizgacha oshgan. Bu raqamlar ekologik sohadagi sarmoyalarning ortayotganini ko‘rsatadi.

Shuningdek, fuqarolarning ekologik mas’uliyatini oshirish va ularni yashil iqtisodiyot jarayonlariga jalb etish bo‘yicha taklif qilinayotgan “Ekofaol fuqaro” instituti O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchiligi va strategik yo‘nalishlari bilan uzviy bog‘liqdir. Avvalo, mazkur tashabbusning huquqiy poydevori sifatida O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 62-moddasiga muvofiq, “Fuqarolar atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo‘lishga majburdirlar”[1]. Ushbu normaning ahamiyati shu bilan belgilanadiki, unda birinchidan, fuqarolarning ekologik burchi Konstitutsiya darajasida mustahkamlangan; ikkinchidan, atrof tabiiy muhit tushunchasining yuridik mazmunidan kelib chiqib, Konstitutsiyaning ushbu normasi nafaqat fuqarolarning tabiatni muhofaza qilish, balki tabiiy resurslardan oqilona foydalanish majburiyatini ham nazarda tutadi. Demak, fuqarolarning ekologik tashabbuslarini rag‘batlantirish nafaqat ijtimoiy ehtiyoj, balki qonuniy talablardan ham kelib chiqadi.

Bizning tadqiqotimizda ekologik tamoyillarni o‘zining kundalik hayotiga joriy etishda yuqori ko‘rsatkichlarga erishganlarga “Ekofaol fuqaro” maqomini berish hamda ular uchun davlat xizmatlaridan foydalanishda 10 foiz chegirma va davlat ulushi 50 foizdan yuqori bo‘lgan banklarda iste’mol kreditini olishda chegirma taqdim etish taklif etilgan.

Shu bilan birga, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yilda qabul qilingan “2030-yilgacha bo‘lgan davrda O‘zbekiston Respublikasining Atrof muhitni muhofaza qilish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” Farmoni mamlakatda ekologik mas’uliyatni iqtisodiy manfaat bilan uyg‘unlashtirish zaruriyatini ta’kidlaydi[54]. Konsepsiyada “resurslardan oqilona foydalanish va ekologik tashabbuslarni moliyaviy rag‘batlantirish mexanizmlarini joriy etish”[55] vazifasi davlat organlari zimmasiga yuklangan. Bu esa “Ekofaol fuqaro” maqomini amaliy mexanizmga aylantirish orqali fuqarolik ekologik ishtirokini iqtisodiy rag‘bat bilan mustahkamlashga imkon beradi.

Shu jihatdan, biz taklif etayotgan “Ekofaol fuqaro” maqomi nafaqat ijtimoiy tashabbus, balki konstitutsion mohiyatga ega mexanizm bo‘lib, “davlat–jamiyat–fuqaro” ekologik hamkorligini yangi sifat bosqichiga olib chiqishi mumkin. Ushbu maqomning qonuniylashtirilishi ekologik siyosatni faqat nazoratchi tizimdan rag‘batlantiruvchi tizimga aylantiradi, ya’ni fuqarolarni ekologik jarayonlarning iste'molchisi emas, balki manfaatdor ishtirokchisiga aylantiradi.

[54] https://lex.uz/docs/-4574008.

Natijada, O‘zbekiston ekologik islohotlarida yangi institut - fuqarolarning ekologik reytingi va rag‘batlantirish mexanizmlariga asoslangan “yashil fuqarolik modeli”ni shakllantirishi mumkin. Bu model keyinchalik xalqaro miqyosda, xususan, Parij kelishuvi, BMTning Barqaror taraqqiyot maqsadlari (SDGs) kabi global standartlarga integratsiya qilinishi uchun milliy huquqiy baza sifatida xizmat qilishi ehtimoldan xoli emas.

“Ekofaol fuqaro” maqomini joriy etish — bu fuqarolarning ekologik xulq-atvorini rag‘batlantirishga qaratilgan individual ekologik reyting va “yashil ijtimoiy kapital” tizimini yaratishdir. Mazkur tizim orqali ekologik mas’uliyat endi faqat davlat va korxonalarning vazifasi emas, balki har bir fuqaro iqtisodiy jihatdan manfaatdor subyektga aylanadi.

1-jadval.

Ekofaol fuqaro yondashuvining an’anaviy yondashuv bilan qiyosiy tahlili[55]

An’anaviy yondashuv	Yangi yondashuv
Ekologiya — umumiy majburiyat	Ekologiya — shaxsiy manfaatga bog‘langan
Jazo va majburlash	Rag‘bat va motivatsiya
Hukumat tashabbusi	Fuqaro ishtirokidagi model

Bu yondashuv “davlat–jamiyat–shaxs” ekologik uchburchagi doirasida mikro darajadagi yashil iqtisodiyot mexanizmini yaratadi.

Har bir indikator tegishli ball bilan baholanadi va umumiy yig‘indi asosida fuqaroga ma’lum toifa (bronza, kumush, oltin daraja) beriladi. Bu tizim keyinchalik davlat xizmatlaridan chegirma, ekologik kredit yoki “yashil keshbek” kabi iqtisodiy imtiyozlar bilan uyg‘unlashtiriladi.

Mazkur indikatorlar tizimi fuqarolarning ekologik mas’uliyatini miqdoriy baholash imkonini yaratadi. Ballarning bosqichli to‘planishi natijasida fuqaroga davlat tomonidan tasdiqlangan “Ekofaol maqomi” sertifikati beriladi. Ushbu sertifikatning mavjudligi unga soliq imtiyozlari, kommunal to‘lovlarda chegirmalar yoki davlat xizmatlaridan ustuvor foydalanish imkoniyatlarini taqdim etishi mumkin. Shu tariqa, ekologik xatti-harakatlar ijtimoiy mas’uliyat darajasidan chiqib, iqtisodiy qiymatga ega shaxsiy aktivga aylanadi.

2-jadval.

Ekologik reyting va ballarni hisoblash jadvali[56]

Ko‘rsatkich	Ball
Maishiy chiqindilarni ajratib topshirish	10
Energiya tejamkor texnika va qurilmalar qo‘llash	8
Daraxt ekish va ko‘kalamzorlashtirishda qatnashish	12
Jamoaviy ekologik aksiyalarda ishtirok (shanbalik, “Yashil makon” va boshq.)	15

Rag‘batlantirish paketi uch darajali maqomga (50+, 100+, 200+ ball) bo‘lingan bo‘lib, har bir maqom aniq moliyaviy imtiyozlar bilan bog‘langan. Mazkur paketning iqtisodiy mantiqi shundan iboratki: fuqarolarning ekologik xatti-harakati (ajratilgan chiqindilar, energiya tejovchi texnika, ko‘kalamzorlash, jamoaviy aksiyalar) darajasi oshgani sari ularning real daromadlari ortadi — bu esa yashil iqtisodiyotga talabni mustahkamlaydi. Moliyaviy jihatdan rag‘batlar quyidagicha strukturalanadi va onlayn MRV+blokcheyn tizimi orqali avtomatik nazorat qilinadi.

[55] Muallif ishlanmasi.
[56] Muallif ishlanmasi.

3-jadval.

Ekofaol fuqaro maqomining darajali imtiyozlari[57]

Ball darajasi	Maqom	Imtiyoz (moliya mazmuni)
50+	«Ekofaol»	Davlat xizmatlarida 10% chegirma (kommunal, passport/ID xizmatlari va boshqalar)
100+	«Yashil Lider»	Bank kreditlarida foiz chegirmasi (sudja: +/– 1–3 foiz punkt)
200+	«Milliy Ekokarta»	Soliq va kommunal to‘lovlarda bonus (masalan, 10–15% chegirma yoki soliq kreditlari)

Imtiyozlar fuqaroga darhol naqd yoki xizmatlar bo‘yicha tejash shaklida qaytadi, bu esa ularning real ijtimoiy-iqtisodiy holatini yaxshilaydi va yashil texnologiyalarga yangi xaridlarni rag‘batlantiradi. Rag‘batlar mahalliy budjetdan faqat qisman moliyalashtiriladi; asosiy manba — yashil obligatsiyalar (green bonds), davlat kafolatli kredit liniyalari va xalqaro grantlar. Yashil obligatsiya daromadi escrow hisobida saqlanib, MRV tasdiqlagan holda imtiyozlarni moliyalashtirish uchun taqsimlanadi — bu mexanizm moliyaviy barqarorlik va shaffoflikni ta’minlaydi.



1-rasm. Ekofaol fuqaro maqomini joriy etish mexanizmi[58]

Taklif etilayotgan “Ekofaol reyting tizimi” nafaqat ekologik xulq-atvorni shakllantirish, balki barqaror yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonida moliyaviy rag‘batlarni tizimlashtirishga xizmat qiladigan kompleks mexanizm sifatida qaralishi mumkin. Ushbu mexanizm uch asosiy moliyaviy yo‘nalishda ishlaydi: bank sektori uchun — yashil kredit liniyalari, davlat uchun — soliq bazasining profilaktik optimallashtirilishi, aholi uchun esa — bevosita iqtisodiy foyda va xarajatlarni kamaytirish orqali rag‘batlar yaratadi.

Qolaversa, bugungi kunda atrof-muhit ifloslanishida eng yuqori ulushga ega bo‘lgan sohalardan biri sifatida qurish materiallari ishlab chiqaruvchi korxonalardir. Shundan kelib chiqib, tadqiqotimizda qurilish materiallari ishlab chiqarish va kimyo sanoatida ekologik normativlarni individual emas, balki tarmoq usulida belgilash amaliyotini joriy etish, ushbu tarmoqlarda ekologik talablarni moliyalashtirish jarayonini standartlashtirish, resurslarni maqsadli yo‘naltirish, hamda xalqaro ekologik fondlar va yashil obligatsiyalar orqali jalb qilinadigan sarmoyalar hajmini 15–25% ga oshirish taklifi asoslangan.

Davlat tomonidan beriladigan kredit kafolatlari, subsidiyalar va soliq imtiyozlari xususiy investorlar uchun moliyaviy xavflarni kamaytirish vositasi sifatida xizmat qiladi, bu esa ekologik innovatsiyalarga sarmoya kiritishni rag‘batlantiradi. Masalan, Buyuk Britaniyada “Yashil

[57] Muallif ishlanmasi.
[58] Muallif ishlanmasi.

investitsiyala”dasturi doirasida davlat qayta tiklanadigan energiya loyihalari uchun kredit kafolatlarini taqdim etdi, bu esa xususiy kapitalni jalb qilishga yordam berdi.

4-jadval.

Ekologik innovatsion loyihalarda davlat investitsiyalarining afzalliklari va cheklovlari[59]

Davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash turi	Ijobiy	Salbiy
Grant ajratish	1. Beg‘araz yordam. 2. Jismoniy shaxsga kompaniyani ro‘yxatdan o‘tkazmasdan grant olish imkoniyati. 3. Biznesdagi ulushni berishning hojati yo‘q. 4. Loyihani boshqarish ustidan nazorat yo‘qolmaydi.	1. Kichik miqdordagi investitsiyalar. 2. Tanlov hujjatlari va hisobotlarini tayyorlash zaruriyati. 3. Grant pullaridan foydalanish maqsadlarini cheklash. 4. Keyingi bosqichning moliyalashtirilmaslik xavfi. 5. Biznesni rivojlantirish va biznes jarayonlarini yaxshilash uchun motivatsiyaning yo‘qligi. 6. Loyiha uchun bittadan ortiq grant olish imkoniyati yo‘qligi.
Innovatsion ishlanmalar uchun davlat buyurtmasi	1. Yakuniy mahsulotga barqaror talab, moliyaviy natijalari. 2. Moliyalashtirishning yagona manbai.	1. Loyiha qo‘llab-quvvatlashning ustuvor yo‘nalishlariga muvofiq bo‘lishi kerak. 2. Tanlov hujjatlarini tayyorlash zaruriyati. 3. Hisobot taqdim etishning zarurligi.
Davlat kapitali ishtirokidagi venchur fondlari orqali moliyalashtirish	1. Boshqa turdagi venchur fondlariga qaraganda ko‘proq real texnologik startaplarni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan. 2. Taqsimlanadigan pul mablag‘larining katta zaxirasiga ega bo‘lib, boshqa turdagi venchur fondlariga nisbatan ko‘proq investitsiyalarni amalga oshiradi. 3. Ilmiy-tadqiqot institutlari va davlat korxonalari tahlilchilari hisobidan konsalting yordami uchun kengroq imkoniyatlar. 4. Davlat korxonalarining ishlab chiqarish faoliyatiga joriy etish uchun moliyalashtiriladigan kompaniyalarning ishlanmalarini ilgari surish imkoniyatlari.	1. Qaror qabul qiluvchi davlat tuzilmalarining byurokratlashganligi sababli investitsiya qarorini kelishishning uzoqroq muddatlari. 2. Investitsiya qo‘mitasiga ichki bozorga yo‘naltirilgan loyihalarni tanlab olish bo‘yicha bosim o‘tkazilishi va buning natijasida xalqaro bozorlarda kengayish imkoniyatlari boy berilishi mumkin. 3. Davlat ishtirokidagi venchur fondining startapini boshqarishda ishtirok etish manfaatlar to‘qnashuvini keltirib chiqarishi va xorijiy venchur kapitalistlar tomonidan birgalikda moliyalashtirishdan bosh tortish xavfini oshirishi mumkin.

DXSh ko‘pincha davlat va xususiy investorlar xarajatlarni bo‘lishadigan loyihalarni birgalikda moliyalashtirishni nazarda tutadi. Bu, ayniqsa, chiqindilarni kamaytirish uchun sanoat korxonalarini modernizatsiya qilish kabi yirik loyihalar uchun muhimdir. Masalan, Germaniyada amalga oshirilayotgan “Energiewende” (“Energetik o‘tish”) dasturi sanoat korxonalarida energiya samaradorligini oshirish loyihalarini birgalikda moliyalashtirish mexanizmini ta’minlaydi.

Shuningdek, davlat uglerodni ushlab qolish va saqlash tizimlari (CCS) yoki qayta tiklanadigan energiya tarmoqlarini yaratish kabi ekologik innovatsiyalarni amalga oshirish uchun zarur infratuzilmani moliyalashtirishga sarmoya kiritadi. Bu esa xususiy kompaniyalar uchun boshlang‘ich xarajatlarni kamaytirib, yangi texnologiyalarni tezroq amaliyotga joriy etishga imkon beradi (IEA, 2020).

Ekologik muammolar ustidan yetarli nazoratning mavjud emasligi salbiy ekologik va ijtimoiy oqibatlarning yuzaga kelishiga olib keladi. Jumladan, atmosfera havosi va suv resurslarining ifloslanishi, biologik xilma-xillikning qisqarishi hamda ekotizimlarning izdan chiqishi inson salomatligi uchun jiddiy tahdidlarni keltirib chiqaradi. Bunday holatlar barqaror rivojlanish tamoyillarining buzilishiga va atrof-muhit degradatsiyasining kuchayishiga sabab

[59] Muallif tomonidan International Energy Agency (2020) hisobotlari asosida tahliliy umumlashtirish natijasida ishlab chiqildi.

bo‘ladi. Shu bois, atrof-muhitga yetkazilgan zararni qoplashdan ko‘ra, uning oldini olish ustuvor ahamiyat kasb etadi.

Qurilish materiallari sanoatining ekologik muammolarini ilmiy jihatdan tahlil natijalari shuni ko‘rsatmoqdaki, bir qator mummolar hamon yechimini kutmoqda.

Sement va siprilgan materiallar ishlab chiqarish jarayonida sutka darajasida chang va gaz chiqindilari chiqadi; bu ko‘p marotaba mahalliy havosining ifloslanishiga olib keladi hamda sog‘liqqa salbiy ta’sir qiladi. Oliy emissiya darajalari esa global ISS (Greenhouse Gas) hisobiga ham salmoqli ulush qo‘shadi. O‘zbekistonning ilk GHG hisobotlarida sanoat-protsesslar va energetika sektori umumiy parnik gazlari chiqindilarida katta o‘rin tutishi ta’kidlangan.

Suv va tuproq ifloslanishi. Qurilish materiallari ishlab chiqarishda qachonki sanitar-iqtisodiy yoki texnologik tartiblar buzilsa, kimyoviy chiqindilar va suspenziyalangan qatralar oqib suv resurslariga tushadi, bu eko-sistemalarga va qishloq xo‘jaligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Milliy atrof-muhit holatini tahlil qiluvchi hisobotlarda bu yo‘nalish maxsus alohida ko‘rib chiqilgan.

5-jadval.

O‘zbekiston sanoatidagi asosiy ekologik muammolarning natijaviy tahlili[60]

Ekologik muammo	Moliyaviy oqibatlar	Tizimdagi cheklovlar
Energiyaning yuqori sarfi va resurs yo‘qotish	Ishlab chiqarish tannarxi oshishi, eksportda raqobatbardoshlik pasayishi	Ichki moliya bozori rivojlanmagan, investitsiya instrumentlari cheklangan
Atmosfera va suv resurslarining ifloslanishi	Salomatlikka doir xarajatlar, atrof-muhitni tiklash xarajatlari	Ekologik nazorat mexanizmlari yetarli samara bermaydi
Chiqindilarning kattaligi va qayta ishlanmasligi	Davlat subsidiyalariga bo‘lgan talab ortishi, ijtimoiy xarajatlarning ko‘payishi	Infratuzilmaning texnologiya transformatsiyasiga to‘liq mos kelmasligi
Innovatsiyalarni joriy etishdagi to‘siqlar	Innovatsion loyihalar amalga oshmasligi, barqaror rivojlanish jarayonining sekinlashishi	Bank kafolatlari va moliyaviy instrumentlar yetishmovchiligi, inson kapitali cheklangan

Yuqorida keltirilgan tadqiqotlarimiz va tahlillarimizdan kelib chiqib, mavjud muammolarni bartaraf etish chora-tadbirlari hamda ularni amalga oshirish mexanizmlari tadqiq etilgan. Xususan, tadqiqotimizda O‘zbekiston Respublikasi hududlariga ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirishning 2030-yilgacha bo‘lgan davrdagi rivojlanishning prognoz ko‘rsatkichlari ishlab chiqilgan.



2-rasm. Atrof muhit va qurilish ishlarining chiziqli grafigi[61]

[60] Muallif ishlanmasi. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika agentligi ma’lumotlari, milliy iqtisodiy va ekologik hisobotlar hamda tahliliy materiallar asosida umumlashtirildi. (https://stat.uz).

[61] Muallif ishlanmasi.

2-rasmdan ko‘rinib turibdiki, 2010-2025 yillar oralig‘ida O‘zbekistonda iqtisodiyotning bir nechta ekologik va sanoat yo‘nalishlari o‘sish sur’atlari turlicha kechgan. Dastlabki yillarda barcha ko‘rsatkichlar past darajada bo‘lgan bo‘lsa, 2020-yildan keyin “Yashil iqtisodiyot investitsiyasi” va “Muhofazalangan hudud” ko‘rsatkichlari keskin oshgan. Bu holat mamlakatda ekologik barqarorlik, tabiatni muhofaza qilish va energiya tejamkorlikka oid siyosatning faollashganidan dalolat beradi. “Sement ishlab chiqarish” va “G‘azobeton mahsulotlari” chizig‘i nisbatan barqaror, ammo asta-sekin o‘sib borgan, bu esa sanoatning izchil kengayib borayotganini ko‘rsatadi. Prognoz ko‘rsatkichlarining moslik (aniqlik) baholari keltirilgan bo‘lib, ular modelning qanchalik ishonchli prognoz berganini ko‘rsatadi. Jadvalga ko‘ra, R-kvadrat (R-squared) o‘rtacha 0.744 bo‘lib, bu model tushuntirayotgan dispersiya darajasi 74.4% ekanini anglatadi, ya’ni model ma’lumotlarning asosiy qismini yaxshi tushuntirib beradi. RMSE (root mean square error) – o‘rtacha kvadrat xatolik – 41.27 qiymat bilan ifodalangan, bu esa bashorat qiymatlari bilan real qiymatlar orasidagi farqning o‘rtacha darajasini bildiradi; RMSE qiymatlarining tarqalishi esa 2.70 dan 79.83 gacha o‘zgarib, ayrim holatlarda xatolik yuqori bo‘lishi mumkinligini ko‘rsatadi.

6-jadval.

Prognoz ko`rsatkichlarining moslik qiymatlari[62]

Fit Statistic	Mean	SE	Min	Max	Percentile				
					5	25	50	75	95
R-squared	.744	.362	.488	1.000	.488	.488	.744	1.000	1.000
RMSE	41.268	54.542	2.700	79.835	2.700	2.700	41.268	79.835	79.835
MAPE	3.448	4.515	.256	6.641	.256	.256	3.448	6.641	6.641

MAPE (mean absolute percentage error), ya’ni o‘rtacha foiz xatolik, 3.45% atrofida bo‘lib, bu modelning umumiy prognoz aniqligi yuqori ekanini ko‘rsatadi. MAPE < 5% bo‘lgan hollarda model odatda yaxshi deb hisoblanadi, shuning uchun bu tahlil bashorat qilish uchun tanlangan ARIMA modellari etarlilik va ishonchlilikka ega ekanini tasdiqlaydi.

Quyidagi grafikda vaqtli qator modeli (ARIMA yoki unga o‘xshash) uchun qoldiqlarning avtokorrelyatsiya (ACF) va qisman avtokorrelyatsiya (PACF) diagrammalari ko‘rsatilgan. ACF (chap tomonda) va PACF (o‘ng tomonda) bo‘yicha 11 ta lag (kechikish) oralig‘ida baholash amalga oshirilgan. Natijalar shuni ko‘rsatadiki, ko‘pchilik laglar bo‘yicha qoldiqlar isgar (yoki sezilarli) autokorrelyatsiyaga ega emas, chunki ustunlar ishonchli interval (qora chiziqlar) ichida joylashgan. Bu modelning residuallari (qoldiqlari) tasodifiy xarakterga ega ekanini bildiradi va model to‘g‘ri moslashgan, ya’ni prognoz uchun yaroqli ekanini anglatadi. Faqat 1–2 lag oralig‘ida biroz sezilarli qiymatlar bor, ammo ular jiddiy model buzilishini ko‘rsatmaydi.



3-rasm. Model qoldiqlarining avtokorrelyatsiyasi va qisman avtokorrelyatsiyasi[63]

[62] Muallif ishlanmasi.
[63] Muallif ishlanmasi.

Hisoblab topilgan grafikda 2010–2024-yillar davomida yashil iqtisodiyotni moliyalashtirish ko‘rsatkichlari va 2025–2030-yillar uchun ARIMA modeli asosida tuzilgan prognoz natijalari tasvirlangan. 2010-yilda moliyalashtirish hajmi taxminan 500 birlikni tashkil qilgan bo‘lsa, bu raqam 2024-yilga kelib 2500 birlik atrofida qayd etilgan. Prognoz natijalariga ko‘ra, 2025-yilda ko‘rsatkich 3000 birlikdan oshib, 2030-yilga kelib 9500–10 000 birlik oralig‘ida bo‘lishi kutilmoqda. Bu modelda yuqori (UCL) va past (LCL) ishonch oralig‘i yordamida noaniqlik darajalari ham aks ettirilgan bo‘lib, ular prognozning ishonchliligini belgilaydi. Grafik tahlili natijalariga ko‘ra, yashil iqtisodiyotni moliyalashtirish hajmining yildan-yilga barqaror va jadal sur’atlarda ortib borayotganini ifodalovchi kuchli o‘sish trendi kuzatiladi (4-rasm).



4-rasm. Yashil iqtisodiyotni moliyalashtirish bo‘yicha ARIMA modeliga asoslangan prognoz[64] (2026–2030)

7-jadvalda keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra, “Yashil iqtisodiyot moliyasi” uchun 2025–2030 yillar oralig‘ida ARIMA modeliga asoslangan prognoz qiymatlari doimiy o‘sish tendensiyasini ko‘rsatmoqda. 2025-yilda bu ko‘rsatkich 3 513 birlikni tashkil qilsa, 2026-yilda 4 349, 2027-yilda 5 316, 2028-yilda 6 425, 2029-yilda 7685 va nihoyat 2030-yilga kelib 9105 birlikka yetishi kutilmoqda. Ushbu dinamik o‘sish mamlakatda yashil iqtisodiyotni moliyalashtirish borasida salmoqli siljishlar sodir bo‘layotganini bildiradi va ekologik innovatsiyalarga ajratilayotgan resurslar hajmining yildan-yilga ortib borayotganini tasdiqlaydi.

7-jadval.

Prognoz ko`rsatkichlarining moslik qiymatlari[65]

Model		**2025**	**2026**	**2027**	**2028**	**2029**	**2030**
Yashil_Iqtisodiyot_moliyasi-Model_1	Forecast	3513	4349	5316	6425	7685	9105
	UCL	3519	4369	5359	6502	7808	9287
	LCL	3507	4328	5273	6348	7562	8923

Prognoz qiymatlarining yuqori (UCL) va past (LCL) ishonch oralig‘i ham keltirilgan bo‘lib, ular model natijalarining qanchalik barqaror va ishonchli ekanligini ko‘rsatadi. Masalan, 2025-yilda prognoz qiymati 3513 bo‘lsa, uning ishonch oralig‘i 3507 dan 3519 gacha, 2030-yilga kelib esa bu oraliq 8923 dan 9 287 birlikka o‘zgaradi. Bu esa model aniqligi yuqoriligini bildiradi, chunki yuqori va past chegaralar prognoz atrofida nisbatan tor oraliqda joylashgan. Xulosa qilib aytganda, model kuchli o‘sish trendini aniqlagan va yaqin yillarda yashil moliyalashtirish hajmining izchil ortishini ishonch bilan bashorat qilmoqda.

[64] Muallif ishlanmasi.
[65] Muallif ishlanmasi.

Xulosa

Yashil iqtisodiyot konsepsiyasi iqtisodiy o‘sishni ekologik cheklovlar bilan uyg‘unlashtirish, tabiiy resurslardan oqilona va samarali foydalanish hamda chiqindilar hajmini minimallashtirish tamoyillariga tayanadi. Yashil iqtisodiyotning konseptual modeli ekologik innovatsiyalarni iqtisodiy taraqqiyotning muhim harakatlantiruvchi omili sifatida talqin qiladi. Mazkur yondashuv asosida ekologik innovatsiyalarni ilmiy-texnik, iqtisodiy, tashkiliy hamda institutsional mezonlar bo‘yicha tasniflash, ularning asosiy turlarini aniqlash va iqtisodiyot tarmoqlariga ta’sir ko‘rsatish mexanizmlarini belgilashga qaratilgan nazariy asoslar shakllantirildi.

Shuningdek, ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirish bo‘yicha O‘zbekistonda mavjud me’yoriy-huquqiy baza, davlat siyosati, investitsion dasturlar va moliyaviy institutlar faoliyati tahlil qilindi. Natijalar shuni ko‘rsatdiki, mamlakatda “Yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi”, “Atrof-muhitni muhofaza qilish konsepsiyasi” kabi hujjatlar muhim poydevor bo‘lsa-da, amaliy mexanizmlar hali to‘liq shakllanmagan.

O‘zbekistonda, xususan, qurilish materiallari sanoatida ekologik muammolar (resurs isrofi, chiqindilar hajmining ortishi, energiya samaradorligining pastligi) hamon dolzarb bo‘lib qolayotgani aniqlandi. Mazkur sohada ekologik innovatsiyalarni joriy etishdagi to‘siqlar - moliyaviy manbalar yetishmasligi, institutsional koordinatsiya zaifligi, risklarni baholash tizimining mavjud emasligi bilan izohlanadi.

Shu bilan birga, sanoat tarmoqlarida yashil moliyalashtirish manbalari, jumladan xalqaro grantlar, “yashil” kredit liniyalari hamda xususiy investitsiyalar mavjudligi aniqlanib, ularni samarali boshqarish orqali iqtisodiy va ekologik natijadorlikni oshirish imkoniyatlari asoslab berildi. Dissertatsiya doirasida ishlab chiqilgan takliflar sanoat subyektlari uchun yashil moliya mexanizmlarini kengaytirish, davlat-xususiy sheriklik asosida ekologik loyihalarni moliyalashtirishni rivojlantirish, shuningdek, ekologik sertifikatlashtirish tizimini yanada kuchaytirish kabi ustuvor yo‘nalishlarni o‘z ichiga oladi.

Ekologik innovatsiyalarni moliyalashtirishni strategik boshqarish yondashuvlari ishlab chiqildi. Tadqiqotda institutsional va moliyaviy mexanizmlarni uyg‘unlashtirgan konseptual model taklif qilindi. Modelning asosiy g‘oyasi - iqtisodiyotning ekologik barqaror segmentlarini moliyaviy rag‘batlar orqali kengaytirish, moliyaviy institutlar faoliyatini ekologik mezonlar bilan bog‘lash, va shu orqali “yashil iqtisodiy mexanizm zanjiri”ni yaratishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, 01.05.2023.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 30.10.2019-yildagi PF-5863-son.
3. Киселева, С.П. Теоретические основы выявления и регулирования экологической компоненты инноватsionного потенциала региона в условиях эколого-ориентированного инноватsionного развития / С.П. Киселева. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2014. – № 3 (62). – С. 437-441.
4. Баландина, О. А. Оценка инноватsionного потенциала предприятий с учётом экологического фактора / О.А. Баландина. – Текст: непосредственный // Корпоративное управление и инноватsionное развитие экономики Севера: Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета.2016.№ 1.С. 85–93.
5. Абдурахманов К.Х. Создание новых рабочих мест в условиях формирования достойного труда при переходе к зеленой экономике // Экономика: вчера, сегодня, завтра. 2022. Том 12. № 1А. С. 260-266. DOI: 10.34670/AR.2022.16.99.031
6. Турсунходжаев М.Л., Цифровая экономика как новая форма инновационных экономических отношений Республики Узбекистан // Вестник науки и образования. 2019. (Электронный ресурс: https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-ekonomika-kak-novaya-forma-innovatsionnyh-ekonomicheskih-otnosheniy-respubliki-uzbekistan).

7. Нуримбетов Р.И. Перспективы и предпосылки развития зеленной экономики в Республике Узбекистан. Общество и инновации. 3,4 (авг. 2022), 5–10. OI:https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss4-pp5-10.

8. Абдурахманова Г.К. «Зеленая» экономика: переход от традиционной к передовой. https://silkway.uz/news/zelenaya-ekonomika-perehod-ot-traditsionnoj-k-peredovoj/ 2023.01.20 Зокирова Н.К. Цифровизация как фактор устойчивого развития экономики. International conference on CSR «CSR & ESG in Emerging Markets»: collection of articles. -Tashkent: Management Development Institute of Singapore in Tashkent, 2023. -82 pages.

9. Abdikarimova D.R. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotni rivojlantirishda, bank-moliya tizimining rolini oshirish masalalari/ «Yashil iqtisodiyotga o‘tish sharoitida O‘zbekiston bank-moliya tizimini rivojlantirishning dolzarb masalalari» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent, 2025. – 661 bet.

10. Elmirzayev S.E. Iqlim muammolari va yashil iqtisodiyotni moliyalashtirish amaliyoti tahlili/«Yashil iqtisodiyotga o‘tish sharoitida O‘zbekiston bank-moliya tizimini rivojlantirishning dolzarb masalalari» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent, 2025. – 469 bet.

11. Nosirov E.I., “Yashil” iqtisodiyotga o‘tishda esg omillar asosida investitsiya kiritishning o‘rni va ahamiyati, YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 2023,

12. Raimjanova M.A. Xalqaro tashkilotlarning yashil iqtisodiyotni rivojlantirishdagi o‘rni//«Yashil iqtisodiyotga o‘tish sharoitida O‘zbekiston bank-moliya tizimini rivojlantirishning dolzarb masalalari» mavzusidagi respublika ilmiyamaliy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent, 2025. – 661 bet

13. С.П.Киселева, Теоретические основы выявления и регулирования экологической компоненты инноватsионного потенциала региона в условиях эколого-ориентированного инноватsионного развития / С.П. Киселева. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2014. – № 3 (62). – С. 437-441.

14. International Energy Agency 2020-yilgi hisobot ma’lumotlari.

15. https://lex.uz/docs/-4574008

16. https://stat.uz - O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika agentligi ma’lumotlari, milliy iqtisodiy va ekologik hisobotlari.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

BOSHQARUV HISOBINI SAMARALI TASHKIL ETISHDA MOLIYAVIY HISOBOTLARNI XALQARO STANDARTLARIGA O’TISHNING AHAMIYATI

Sobirov Otabek Olimjonovich

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent.
Buxgalteriya hisobi kafedrasi dotsenti,
Namangan davlat texnika universiteti,
Email: oosobirov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0415-0802

Annotatsiya. *Mazkur maqolada boshqaruv hisobini moliyaviy hisobotlarni xalqaro standartlar asosida takomillashtirish orqali yanada rivojlantirish, shuningdek moliyaviy hisobotlarni ishonchli ma’lumotlar asosida tuzishda boshqaruv hisobi ma’lumotlarining relevantlilik darajasini belgilab beruvchi mezonlari yoritilgan. Boshqaruv hisobini samarali tashkil etish va yuritish uchun boshqaruvni rejalashtirish, ishlab chiqarishni tashkil qilish, faoliyat ustidan tizimli nazoratni ta’minlash va faoliyat natijalarini tahlil etish orqali mutaxassis-xodimlar faoliyatini rag‘batlantirish kabi funksiyalarini umumlashtirish uchun butun faoliyatni budjetlashtirish masalalari ko’rib chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *Boshqaruv hisobi, moliyaviy hisobotlar, xarajatlar, ishlab chiqarish, boshqaruv qarorlari, relevantlilik darajasi, innovatsion texnologiyalar, tamoyillar, xarajatlarni baholash.*

ВАЖНОСТЬ ПЕРЕХОДА К МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ ДЛЯ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА

Собиров Отабек Олимжонович

Доктор экономических наук (DSc), доцент.
Доцент кафедры бухгалтерского учета,
Наманганский государственный
технический университет,
E-mail: oosobirov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0415-0802

Аннотация. *В данной статье рассматривается дальнейшее развитие управленческого учета путем совершенствования финансовой отчетности на основе международных стандартов, а также критерии определения уровня релевантности данных управленческого учета при подготовке финансовой отчетности на основе достоверных данных. Для эффективной организации и ведения управленческого учета рассматриваются вопросы бюджетирования всех видов деятельности с целью обобщения его функций, таких как управленческое планирование, организация производства, обеспечение систематического контроля над деятельностью и стимулирование деятельности специалистов посредством анализа результатов деятельности.*

Ключевые слова: *Управленческий учет, финансовая отчетность, затраты, производство, управленческие решения, уровень релевантности, инновационные технологии, принципы, оценка затрат.*

THE IMPORTANCE OF TRANSITION TO INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN EFFECTIVE MANAGEMENT ACCOUNTING

Sobirov Otabek Olimjonovich

Doctor of Economic Sciences (DSc), Associate Professor.
Associate Professor, Department of Accounting,
Namangan State Technical University,
Email: oosobirov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0415-0802

Abstract. *This article discusses the further development of management accounting by improving financial statements based on international standards, as well as the criteria for determining the level of relevance of management accounting data in the preparation of financial statements based on reliable data. For the effective organization and maintenance of management accounting, the issues of budgeting of all activities are considered in order to summarize its functions such as management planning, organization of production, ensuring systematic control over activities and stimulating the activities of specialists through analysis of activity results.*

Keywords: *Management accounting, financial statements, costs, production, management decisions, level of relevance, innovative technologies, principles, cost assessment.*

Kirish.

Boshqaruv hisobini tashkil qilishning nazariy hamda metodologik asoslarini takomillashtirish borasidagi ilmiy izlanishlar dunyoning yetakchi ilmiy markazlari va universitetlarida, jumladan Chartered Institute of Management Accountants (CIMA), Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche, KPMG, University of South Florida (AQSh), Institute of Professional Financial Managers (IPFM), University of Leeds (Buyuk Britaniya), M.V.Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti (Rossiya Federatsiyasi), Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tomonidan olib borilgan [5].

Bugungi kunda mamlakatimizda buxgalteriya hisobini rivojlantirishga katta e’tibor qaratilmoqda. Bu esa mamlakatimizda boshqaruv hisobini tashkil qilishning nazariy hamda metodologik asoslarini ham takomillashtirish imkoniyatini yaratmoqda. Buxgalteriya hisobini xalqaro standartlar talablari asosida tashkil etish va yuritish uni huquqiy tartibga solish tizimini rivojlantirish yo’nalishlarini prognozlash va unga nisbatan ba’zi talablarni qo’yish imkonini beradi.

Buxgalteriya hisobini xalqaro standartlar talablari asosida tashkil etish va yuritish albatta xalqaro miqyosga chiqish imkoniyatini yaratishi bilan ahamiyatli, lekin faoliyat samaradorligiga erishish uchun boshqaruv hisobi funksiyalarini bajarilishiga e’tibor qaratish lozim. Iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar tajribalaridan ma’lumki, buxgalterlar asosiy vaqtini moliyaviy sisobotlarni tuzish bilan emas, balki bshqaruv hisobini samarali tashkil etish bilan bog’liq masalalarni xal etishga sarflashadi. Bu esa faoliyatdagi xarajatlarda turli nomutanosibliklar va chetlanishlarni kelib chiqishini oldini oladi.

Mamlakatimizda moliyaviy hisobotni xalqaro standartlariga o’tishdan ko’zlangan asosiy maqsadlar bu - xorijiy investorlar uchun moliyaviy hisobtlarni tushunarli va tezkor taqdim etish, hisobotlarning haqqoniyligini ta’minlash, qulay investitsion muhitni yuzaga keltirish, xalqaro moliya bozorlariga kirish imkoniyatlarini kengaytirishdir. Bu borada O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi PQ-4611-son “Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlariga o’tish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlari to’g’risida”gi Qarori qabul qilindi [1]. Ushbu qarorda moliyaviy hisobotdan ichki foydalanuvchilar va xorijiy investorlar uchun xar tomonlama tushunarli va aniq moliyaviy ma’lumotlarni olish imkoniyatini berishi, hisob va audit sohalari mutaxassislarini xalqaro standartlar bo‘yicha tayyorlash tizimini takomillashtirish maqsadlari belgilangan.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo‘yicha Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni

[2], O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi PF-158-son “O‘zbekiston-2030” strategiyasi to‘g‘risidagi farmoni ham mamlakat iqtisodiyotini yildan-yilga barqaror o’sishini ta’minlash va rivojlanishini yangi bosqichga ko’tarishni ko’zlanganligi bilan ahamiyatlidir [3].

O’zbekiston iqtisodiyotini jadal rivojlantirish mamlakatning barcha hududlarida tadbirkorlik subyektlari sonini ko’paytirish, hududlar imkoniyat va sharoitlaridan kelib chiqib ularga xorijiy investitsiya mablag‘larini keng jalb etish bugungi kundagi muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyati barqarorligini ta’minlash, ular faoliyatini yanada kengaytirish hisobiga ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish soxalarini rivojlantirish asosiy vazifalar hisoblanadi. Chunki mavjud xo’jalik yurituvchi subyektlar ish samaradorligini oshirish, ishlab chiqarishni tashkil etish va yuritish, resurslarni maqsadli sarflar borasida birlamch ko’nikmalarga egadirlar. Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatni samarali tashlik etishlari uchun xarajatlar hisobini to‘g‘ri va o‘z vaqtida yuritishni amalga oshirishlari muhimdir.

Rivojlangan mamlakatlar tajribasidan bizga ma’lumki, xar qanday ishlab chiqarish jarayoni qachonli xarajatlarini samamarli boshqara olsagina sarflangan xarajati daromadga aylanadi. Aks holda sarflangan xarajat o’zidan kichik qiymatda qaytadi. Bu esa xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyatini yaqin vaqt ichida moliyaviy nobarqarorlikka olib boradi. Albatta bunday salbiy oqibatlarga duchor bo’lmaslik uchun xarajatlarni to’g’ri va ishlab chiqarishdagi bo’limlar xususiyatiga ko’ra alohida hisobini tashkil etish juda samarali hisoblanadi.

Bugungi kunda respublikamizda xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyatini tashkil etish va ular faoliyatini rivojlantirishda ko‘plab imkoniyatlar, qulayliklar va imtiyozlar taqdim etilmoqda.

Xo’jalik yurituvchi subyektlarni boshqaruv jarayoni, xarajatlar va ishlab chiqarish faoliyatini to‘g‘ri tashkil etish va yuritish birmuncha murakkabligini hisobga olgan holda ushbu yo’nalishda xo’jalik yurituvchi subyektlar rahbarlari doimiy nazoratni olib borishlari muhimdir. Doimiy nazoratni ta’minlash esa, xo’jalik yurituvchi subyektlarda boshqaruv hisobini tashkil qilish va yuritish, shuningdek xarajatlar va ularni hisobga olishda yuzaga keladigan ayrim muammolarni baratraf etish imkonini yaratadi, jumladan:

- ishlab chiqarish va uni tashkil etish bilan bog’liq bo’lgan xarajatlarni sarflanishidagi chetlanishlarni barvaqt aniqlash;
- ishlab chiqarish uchun sarflanadigan resurslardan oqilona foydalanish, tannarxni budjetlashtirish tamoyili asosida tashkil etish orqali tannarxni barqarorligini ta’minlash;
- asosiy vositalarni yuqori aniqlikdagi, tejamkor va avtomatlashtirilgan variantlarini ishlab chiqarishga jalb etish jalb etish orqali ishlab chiqarishda nuqsonli mahsulotlar ishlab chiqarilishini oldini olish;
- faoliyatga ta’sir etadigan ichki va tashqi omillarni mahsulot tannarxiga ta’sirini baholashni tashkil etish va boshqalar.

Ushbu muammolarni yuzaga kelishini oldini olish boshqaruv samaradorligini oshiradi va ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar tannarxini arzon va sifatli bo‘lishi ta’minlanadi.

Adabiyotlar sharhi.

Yuqoridagi sanab o’tilgan muammolar ustida ilmiy tadqiqotlar olib borgan mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan A.A.Abdug‘aniyev, N.B.Abdusalomova, A.Z.Avlokulov, A.A.Karimov, M.B.Kalonov, U.U.Kostayev, B.Yu.Maxsudov, M.K.Pardayev, A.X.Pardayev, B.A.Xasanov va O.O.Sobirovlarning ilmiy tadqiqotlari keltirish mumkin [4]. Olimlarning tadqiqotlari mamlakatimizda boshqaruv hisobining tashkil etish va uni samarali yuritish, xarajatlar va ularni optimallashtirsh, xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyatini rivojlanishiga katta hissa qo‘shmoqda.

Tahlillar va natijalar.

Boshqaruv hisobi ma’lumotlarini relevantligini belgilashda quyidagi mezonlardan foydalash maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz.

1-jadval

Boshqaruv hisobi ma’lumotlarining relevantlilik darajasini belgilab beruvchi mezonlar [5]

T.r.	Mezonlar	Mezonlarning tarkibi
1.	*Aloqadorlik*	Foydalanish uchun qabul qilinayotgan hisob ma’lumotlari qabul qilinishi mumkin bo‘lgan boshqaruv qarorlariga aloqador bo‘lishi kerak.
2.	*O‘z vaqtidalik*	Ma’lumotlar o‘z vaqtida taqdim etilsagina u relevantli bo‘lishi mumkin. O‘z vaqtida taqdim etilmagan ma’lumotlar, boshqaruv qarori qabul qilinishi o‘tgan zahotiyoq o‘zida relevantlik darajasini to‘liq yo‘qotadi.
3.	*Muhimlik*	Ma’lumotlar hisob beruvchi birliklarning holatini tasniflashi yoki strategik muhim ko‘rsatkichlarni aniqlash uchun asos sifatida namoyon bo‘lishi kerak. Ushbu ma’lumotsiz strategik baholash va ushbu obyektlar bilan ishlash imkoniyati mavjud bo‘lmaydi yoki chegaralangan bo‘ladi.
4.	*Tezkorlik*	Ma’lumotlar boshqaruv qarorlari qabul qilinishi uchun taqdim etilayotganda tezkorlik, ya’ni hozirlik tamoyillariga javob berishi kerak.
5.	*Foydalilik*	Taqdim etilayotgan hisob ma’lumotlari strategik ahamiyatga ega bo‘lgan qarorlar qabul qilish uchun eng asosiy va optimal ma’lumot sifatida namoyon bo‘lishi kerak.
6.	*Yetarlilik*	Hisob ma’lumoti muhim ahamiyatga ega yordamchi o‘zgartirishsiz tahlil jarayonida ishlatilishi mumkin bo‘lishi kerak.
7.	*Ishonchlilik*	Boshqaruv qarorlari qabul qilish uchun taqdim etilayotgan ma’lumotlar ishonchlilik tamoyiliga javob berishi kerak.

1-jadvalda birinchi aks etgan aloqadorlik tamoyili - iqtisodchi olimlar ilmiy ishlarida va tadqiqot natijalarida deyarli uchramaydi, biz buni tamoyil sifatida taklif etishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Ushbu tamoyillar boshqaruv hisobini samarali tashkil etish va yuritishda, boshqaruv qarorlarini tizimli qabul qilish imkoniyatini yaratadi. Subyektlar moliyaviy hisobotlarini ishonchliligi ta’minlanadi.

Xo’jalik yurituvchi subyektlarda xarajat turlari va moddalarining yuzaga kelishi ularning asosiy, moliyaviy va investitsiya faoliyatidan kelib chiqadi. Ishlab chiqarish xarajatlari asosan xomashyoga qilingan xarajatlar, materiallar, yoqilg‘i va mehnatga haq to‘lash xarajatlaridan iborat bo‘ladi.

Boshqaruv hisobida ishlab chiqarish xarajatlarini to’g’ri hisobga olish va maxsulot tannarxini barqarorligini ta’minlashning asosiy funksiyalariga quyidagilar kiritishimiz maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz:

- boshqaruvning barcha-bosqich va jarayonlarini rejalashtirish;
- faoliyatni (ishlab chiqarishni) tashkil qilish;
- amalga oshirilayotgan faoliyat ustidan tizimli nazoratni ta’minlash;
- ishlab chiqarish va u bilan bog’liq bo’lgan faoliyatda band bo’lgan mutaxassis-xodimlarni rag‘batlantirish;
- moliyaviy natijalarini hisobga olgan holda boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun subyektning ma’muriyatini zarur va yetarli ma’lumotlar bilan ta’minlash. Tezkor qaroqlar va ma’lumotlarni o’z vaqtida uzatish ortiqcha xarajatlarga yo’l qo’yilishini oldin oladi;
- xarajatlardan chetga chiqishlarni aniqlash maqsadida haqiqatda sarflangan xarajatlarni kuzatish va nazoratni o‘rnatish, ularni me’yoriy va rejadagi hajmi bilan taqqoslash va kelgusidagi iqtisodiy strategiyasini shakllantirish, shuningdek prognoz ko’rsatkichlarni boshqaruv (raxbariyat) uchun taqdim etish va boshqalar.

Boshqaruv hisobini tashkil qilish va yuritish, xarajatlar hisobga olishda quyidagi takliflarni amalga oshirish lozim, deb hisoblaymiz:

- boshqaruv hisobini tashkil etishda subyektlar imkoniyatlarini hisobga olish;
- boshqaruv hisobini mohiyatini anglagan holda subyektlar faoliyatida qo’llash;

- xarajatlar bo’yicha belgilanmagan chetlanishlar yuzaga kelgan taqdirda ularni yuzaga kelgan segmentlari bo’yicha hisobiga olish;

- mavjud resurslardan oqilona va samarali foydalanish, xarajatlarni hisobini yuritishni xorijiy tajribalardan foydalangan holda takomillashtirish;

- ishlab chiqarishga zamonaviy texnologiyalarni jalb etilishi, shunindek mavjud barcha resurslardan foydalanish bo’yicha, samaradorlikni aniqlash bo’yicha baholash indikatorlarini joriy etish maqsadga muvofiqdir[6].

Xulosa.

Yuqoridagi fikr va mulohazalarga asosan xulosa qilish mumkinki, boshqaruvning xar bir jarayonini rejalashtirish, ishlab chiqarishni tashkil etish, faoliyatni nazorat qilish natijasida xo’jalik yurituvchi subyektlar tarkibiy bo‘linmalarida resurslarni rejalashtirish, faoliyatni baholash, ishchi-xodimlar faoliyatini baholash orqali rag‘batlantirish, xarajatlar bo’yicha chetlanishlarni aniqlash va ularni bartaraf etish imkoniyati yaratiladi.

Boshqaruv hisobini samarali tashkil etish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish lozim:

- boshqaruv hisobini rivojlantirish uchun subyektlar faoliyatiga zamonaviy buxgalteriya dasturlaridan foydalanish imkoniyatlarini yaratish;

- raxbarlarni operativ ma’lumotlar bilan ta’minlash maqsadida axborotlarni segmentlar darajasida shkllantirish;

- moliyaviy hisobotlarni tuzishda ma’lakali mutahassislar xizmatidan foydalanish;

- moliyaviy hisobotlar xalqaro standartlar asosida tuzishda shaffoflik prinspiga amal qilish va uni tashqi (investorlar) va ichki foydalanuvchilarga taqdim etish;;

- korxonalar hisob siyosatini xalqaro standartlar asosida ishlab chiqish va tasdiqlash;

- xalqaro standartlarni keng qo’llashda iqtisodiyoti taraqqiy etgan mamlakatlar tajribalaridan foydalanish.

Boshqaruv hisobining yana bir vazifalaridan biri zarur ma’lumotlarni yig‘ish va qayta ishlash bo‘lib, bu borada axborot komminikatsiya texnologiyalarini o’rni beqiyosdir, ulardan samarali foydalanish boqaruv samaradorligini va faoliyat barqarorligini ta’minlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi PQ-4611-son “Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlariga o’tish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlari to’g’risida”gi Qarori. 2020-yil.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo‘yicha Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. T:.2021 y.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi PF-158-son “O‘zbekiston-2030” strategiyasi to‘g‘risidagi Farmoni. T:.2023-yil.

4. Sobirov O.O. Boshqaruv hisobi-2: Darslik.N.:SUNRISE-PRO, 2024 y.306 b.

5. Sobirov O.O. Xo’jalik yurituvchi subyektlarda boshqaruv hisobi metodologiyasini takomillashtirish./I.f.d (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. –Toshkent, 2026-yil. 87 bet.

6. Sobirov O.O. Boshqaruv hisobi funksiyalarining xarajatlar hisobini yuritishdagi ahamiyati. “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. ISSN:2181-3965. Issue 3, Volume 4, TDIU. Toshkent. 2025. 24-29 b.

7. www.lex.uz

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

INVESTITSION MUHIT VA UNGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI

Umarov Baxrom Boxodir o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi
rahbarining ta’limni
isloh qilish bo‘yicha o‘rinbosari
bo‘linmasining bosh mutaxassisi
E-mail: umarov_8800@gmail.com

Annotatsiya: *Mazkur ilmiy maqolada zamonaviy globallashuv sharoitida investitsiya muhiti jozibadorligini oshirishning nazariy-uslubiy asoslari hamda uning milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini ta’minlashdagi o‘rni kompleks tarzda tahlil qilingan. Tadqiqotda investitsiya muhiti tushunchasining mazmun-mohiyati turli ilmiy yondashuvlar asosida yoritilib, uning iqtisodiy, siyosiy, huquqiy va ijtimoiy komponentlari o‘zaro bog‘liqlikda o‘rganilgan. Shuningdek, investitsion jozibadorlik, investitsion salohiyat va investitsiya iqlimi kategoriyalarining o‘zaro aloqadorligi tizimli tahlil asosida ochib berilgan.*

Maqolada investitsiya muhitiga ta’sir etuvchi omillar ichki va tashqi guruhlarga ajratilgan holda baholanib, ayniqsa makroiqtisodiy barqarorlik, institutsional rivojlanish, infratuzilma sifati, moliyaviy tizim samaradorligi hamda inson kapitalining roli chuqur tahlil qilingan. Xalqaro tajriba va ilmiy tadqiqotlar natijalariga tayangan holda, investitsiya muhiti jozibadorligini oshirish orqali iqtisodiy o‘sishni jadallashtirish, innovatsion rivojlanishni rag‘batlantirish va yangi ish o‘rinlari yaratish imkoniyatlari asoslab berilgan.

Tadqiqot doirasida O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi yillarda amalga oshirilgan institutsional islohotlar va ularning investitsiya muhitiga ta’siri tahlil etilib, mavjud muammolar, jumladan, byurokratik to‘siqlar, moliyaviy tizim kamchiliklari, investorlar huquqlarini himoya qilish mexanizmlarining yetarli darajada rivojlanmaganligi aniqlangan. Shu bilan birga, xalqaro reytinglar va indekslarning investitsiya qarorlariga ta’siri asoslangan holda yoritilib, mamlakatning ushbu reytinglardagi ishtirokini kengaytirish zarurati ilmiy jihatdan asoslab berilgan.

Maqolada hududiy investitsion siyosatning ahamiyati alohida e’tirof etilib, hududlar kesimida investitsion salohiyatni baholash mezonlari (resurs, ishlab chiqarish, iste’mol, infratuzilmaviy, intellektual, institutsional va innovatsion omillar) tizimlashtirilgan. Shuningdek, investitsiya risklari va ularning tarkibiy qismlari (iqtisodiy, siyosiy, moliyaviy, ekologik va ijtimoiy xavflar) tahlil qilinib, ular bilan investitsiya muhiti o‘rtasidagi teskari bog‘liqlik ilmiy asosda izohlangan.

Kalit so‘zlar: *investitsiya muhiti, investitsion jozibadorlik, investitsion salohiyat, investitsiya iqlimi, makroiqtisodiy barqarorlik, xorijiy investitsiyalar, investitsion risk, hududiy rivojlanish, infratuzilma, institutsional islohotlar, global raqobatbardoshlik, iqtisodiy o‘sish, innovatsion rivojlanish, moliyaviy tizim, xalqaro reytinglar.*

ANALYSIS OF THE INVESTMENT CLIMATE AND ITS INFLUENCING FACTORS

Umarov Baxrom Boxodir ugli
Chief Specialist of the Department of
the Deputy Head of the Administration of
the President of the Republic of Uzbekistan for Education Reform
E-mail: umarov_8800@gmail.com

Abstract: *This scientific article comprehensively analyzes the theoretical and methodological foundations for enhancing the attractiveness of the investment climate in the context of modern globalization, as well as its role in ensuring the competitiveness of the national*

economy. The study examines the essence and content of the concept of the investment environment based on various scientific approaches, exploring its economic, political, legal, and social components in an interconnected manner. Furthermore, the interrelationship between the categories of investment attractiveness, investment potential, and investment climate is revealed through a systematic analysis.

The article evaluates the factors influencing the investment environment by dividing them into internal and external groups, with particular emphasis on macroeconomic stability, institutional development, infrastructure quality, efficiency of the financial system, and the role of human capital. Based on international experience and research findings, the paper substantiates the opportunities for accelerating economic growth, promoting innovative development, and creating new jobs through improving the attractiveness of the investment environment.

Within the scope of the study, the institutional reforms implemented in recent years in the Republic of Uzbekistan and their impact on the investment environment are analyzed. Existing challenges are identified, including bureaucratic barriers, shortcomings in the financial system, and the insufficient development of mechanisms for protecting investors' rights. At the same time, the influence of international ratings and indices on investment decisions is examined, and the necessity of expanding the country's participation in these rankings is scientifically justified.

The article also highlights the importance of regional investment policy and systematizes the criteria for assessing investment potential at the regional level (resource, production, consumption, infrastructure, intellectual, institutional, and innovative factors). In addition, investment risks and their components (economic, political, financial, environmental, and social risks) are analyzed, and the inverse relationship between these risks and the investment environment is scientifically explained.

Key words: *investment environment, investment attractiveness, investment potential, investment climate, macroeconomic stability, foreign investments, investment risk, regional development, infrastructure, institutional reforms, global competitiveness, economic growth, innovative development, financial system, international ratings.*

АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА И ФАКТОРОВ ЕГО ВЛИЯНИЯ

Умарова Бахрома Боходир угли
Главного специалиста подразделения
заместителя руководителя
Администрации Президента
Республики Узбекистан по реформированию образования
E-mail: umarov_8800@gmail.com

Аннотация: *В данной научной статье комплексно проанализированы теоретико-методологические основы повышения привлекательности инвестиционной среды в условиях современной глобализации, а также ее роль в обеспечении конкурентоспособности национальной экономики. В исследовании на основе различных научных подходов освещены сущность и содержание понятия инвестиционной среды, а ее экономические, политические, правовые и социальные компоненты изучены во взаимосвязи. Также на основе системного анализа раскрыта взаимосвязь категорий инвестиционной привлекательности, инвестиционного потенциала и инвестиционного климата.*

В статье факторы, влияющие на инвестиционный климат, оцениваются по внутренним и внешним группам, и особенно глубоко анализируются макроэкономическая стабильность, институциональное развитие, качество инфраструктуры, эффективность финансовой системы и роль человеческого капитала. Опираясь на результаты международного опыта и научных исследований, обоснованы возможности ускорения экономического роста, стимулирования инновационного развития и создания новых рабочих мест путем повышения привлекательности инвестиционного климата.

В рамках исследования проанализированы институциональные реформы, проведенные в Республике Узбекистан в последние годы, и их влияние на инвестиционный климат, выявлены существующие проблемы, в том числе бюрократические барьеры, недостатки финансовой системы, недостаточное развитие механизмов защиты прав инвесторов. При этом обоснованно освещено влияние международных рейтингов и индексов на инвестиционные решения, научно обоснована необходимость расширения участия страны в данных рейтингах.

В статье особо отмечается важность региональной инвестиционной политики, систематизированы критерии оценки инвестиционного потенциала в разрезе регионов (ресурсные, производственные, потребительские, инфраструктурные, интеллектуальные, институциональные и инновационные факторы). Также проанализированы инвестиционные риски и их компоненты (экономические, политические, финансовые, экологические и социальные риски), научно объяснена обратная связь между ними и инвестиционной средой.

Ключевые слова: *инвестиционная среда, инвестиционная привлекательность, инвестиционный потенциал, инвестиционный климат, макроэкономическая стабильность, иностранные инвестиции, инвестиционный риск, региональное развитие, инфраструктура, институциональные реформы, глобальная конкурентоспособность, экономический рост, инновационное развитие, финансовая система, международные рейтинги.*

Kirish

Bugungi kunda global iqtisodiyot tez sur’atlar bilan rivojlanib borayotgan sharoitda mamlakatlarning iqtisodiy taraqqiyoti ko‘p jihatdan ularning investitsiya muhiti jozibadorligiga bog‘liq bo‘lib qoldi. Investitsiya muhiti bu mamlakatda amalga oshiriladigan investitsiyalar uchun yaratilgan shart-sharoitlar, ya’ni qonuniy, iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy omillarning majmui hisoblanadi. Uning jozibadorligi esa xorijiy va mahalliy sarmoyadorlarni jalb qilish, iqtisodiyotni modernizatsiya qilish va barqaror o‘sishni ta’minlashda hal qiluvchi ahamiyatga ega. Investitsiyalar iqtisodiyotning qonidir, ular yangi ish o‘rinlarini yaratish, texnologik rivojlanishni tezlashtirish va raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarishni kengaytirishda muhim rol o‘ynaydi. Shu bois, investitsiya muhiti jozibadorligini oshirish har bir davlat uchun eng ustuvor vazifalardan biri hisoblanadi. Ayniqsa, rivojlanayotgan mamlakatlar uchun bu masala iqtisodiy o‘zgarishlarni qo‘llab-quvvatlash va global bozorga muvaffaqiyatli chiqish uchun shartdir.

Bundan tashqari, global miqyosda sarmoya uchun kurash keskinlashgani sayin, davlatlar o‘z investitsiya siyosatini takomillashtirishga, raqobatbardosh va barqaror investitsiya muhitini yaratishga intilmoqda. Investitsiya muhiti jozibadorligining oshirilishi orqali mamlakatlar nafaqat moliyaviy resurslarni jalb etadi, balki ilm-fan, innovatsiyalar va yuqori malakali ishchi kuchini o‘ziga tortadi. Shu nuqtai nazardan, investitsiya muhiti jozibadorligini oshirishning zaruriyati va uning o‘ziga xos jihatlarini chuqur tahlil qilish hamda samarali chora-tadbirlarni ishlab chiqish mamlakat iqtisodiyotining uzoq muddatli barqarorligi va rivojlanishi uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Globallashuv sharoitida investitsion muhit jozibadorligi va salohiyatini baholash, ishlab chiqaruvchi kuchlarning oqilona joylashuvi ta’sirini tahlil qilish, hududlararo vujudga keladigan tabiiy-demografik, ma’muriy-iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy tafovutlarni hosil qiladigan omillarni aniqlash, balanslashgan hududiy investitsion siyosatni shakllantirish, investitsion faollikni ta’minlash orqali milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirishning ilmiy-uslubiy asoslarini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Adabiyotlar tahlili

Perniya Ernesto, Salas Djon Maykl Yan Sioson tomonidan olib borilgan tadqiqot

natijalariga asosan, “investitsion muhit keng ma’noda investitsiyalar bilan bog‘liq daromad va xavflarga ta’sir qiluvchi mavjud va kutilayotgan siyosat, institutsional va xatti-harakatlar muhiti sifatida ta’riflanishi mumkin[1]. Fikrimizcha, investitsiya muhiti jozibadorligini oshirish bugungi sharoitda nafaqat mamlakatning iqtisodiy salohiyatini kengaytirish, balki global bozorlar bilan samarali raqobatlashish uchun ham muhim shartdir. Chunki investitsiyalar iqtisodiy rivojlanishning asosiy dvigateli bo‘lib, ular orqali yangi ish o‘rinlari yaratiladi, texnologiyalar joriy etiladi va mamlakatning infratuzilmasi mustahkamlanadi. Shu bois, investitsiya muhiti shaffof, barqaror va raqobatbardosh bo‘lishi lozim.

Tadqiqotchi X.Xofizov tadqiqotlarida investitsion jozibadorlik sifatida iqtisodiy tizim barqaror rivojlanishiga qaratilgan iqtisodiyotga kerakli miqdordagi va sifatdagi investitsiyalar kirib kelishini ta’minlovchi ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarini tavsiflovchi iqtisodiy kategoriyalarni tushunish lozimligini, qayd etgan[2]. Fikrimizcha, investitsion jozibadorlik bu nafaqat moliyaviy ko‘rsatkichlar yoki yuridik kafolatlar majmui, balki kengroq ijtimoiy va iqtisodiy omillarni o‘z ichiga olgan murakkab tizimdir. Shu sababli, uni oshirish uchun davlat siyosati bir necha asosiy yo‘nalishlarni o‘z ichiga olishi kerak: barqaror siyosiy muhit yaratish, huquqiy va institutsional kafolatlarni ta’minlash, malakali kadrlarni tayyorlash, shuningdek, investorlarga qulay shart-sharoitlar shaffof va samarali boshqaruv tizimlari, zamonaviy infratuzilma va iqtisodiy rag‘batlarni yaratish.

Elvira Sojli, Wing Wah Tham, Investitsiya muhiti qanchalik qulay bo‘lsa, investorning tadbirkorlik riski shunchalik past darajada bo‘ladi va bu investorlarning kirib kelishini faollashtiradi. Aksincha, investitsiya muhiti noqulay bo‘lsa, risk darajasi yuqori bo‘ladi. Bu esa, investitsiya qabul qiluvchi tomon sarf-xarajatlarining o‘sishiga olib keladi. Investitsiya muhitining holati faqat investor uchun emas, balki investitsiya qabul qiluvchi uchun ham muhimdir[3]. Fikrimzcha, investitsiya muhiti barqaror, shaffof va ishonchli bo‘lganda, u har ikki tomonning manfaatlarini himoya qiluvchi platforma vazifasini bajaradi. Bunday muhitda investorlar o‘z mablag‘larini xavfsiz his qiladilar, shu bilan birga, investitsiya qabul qiluvchilar ham uzoq muddatli rejalashtirish va iqtisodiy o‘sish uchun zarur resurslarni olish imkoniga ega bo‘ladilar.

Tahlil va natijalar

Investitsion muhit mamlakat yoki hududdagi investitsiyalarni jalb qilish va ularni samarali foydalanish imkoniyatlarini yaratadigan iqtisodiy, siyosiy, huquqiy va ijtimoiy sharoitlar majmuasidir. Investitsiya muhiti mamlakatning iqtisodiy barqarorligi, siyosiy tizimi, huquqiy asoslari, infratuzilmasi va boshqa ko‘plab omillarga bog‘liq bo‘lib, investorlarning sarmoya kiritish qarorlarini bevosita shakllantiradi.

Bugungi global raqobat sharoitida investitsiya muhiti jozibadorligini ta’minlash har bir davlat uchun iqtisodiy taraqqiyot va xalq farovonligini oshirishda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun investitsiya muhitining holatini chuqur tahlil qilish va unga ta’sir etuvchi asosiy omillarni aniqlash davlat siyosatining samarali shakllanishi va amalga oshirilishi uchun zarurdir.

Investitsion muhitga ta’sir qiluvchi omillarni keng ko‘lamda tahlil qilish orqali mamlakatning raqobatbardoshligini oshirish, sarmoyadorlar uchun qulay sharoit yaratish va investitsiyalar oqimini jalb qilish mumkin. Ushbu omillar qatoriga siyosiy barqarorlik, normativ-huquqiy baza, makroiqtisodiy sharoitlar, moliyaviy tizimning rivojlanishi, infratuzilma, mehnat resurslari va tabiiy resurslar kiradi.

Shuningdek, investorlarning ishonchini oshirish, risklarni kamaytirish va samarali boshqaruv mexanizmlarini joriy etish investitsion muhitning barqarorligini ta’minlaydi. Shu sababli, investitsion muhitni yaxshilash maqsadida ushbu omillarning o‘zaro ta’siri va davlat tomonidan qo‘llanilayotgan siyosat samaradorligi doimiy ravishda o‘rganib borilishi lozim.

O‘zbekistonda keyingi 3-4 yil davr mobaynida amalga oshirilgan chora-tadbirlar ishbilarmonlik muhitini sezilarli darajada kuchaytirdi. Biroq, iqtisodiyotimizning xalqaro maydondagi raqobatbardoshligini oshirish, barqaror o‘sish sur’atlarini ta’minlash va aholi turmush darajasini yuksaltirishning muhim sharti hisoblangan qulay investitsion muhitni yaratish borasida

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

hali juda katta amalga oshirish kerak bo‘lgan masalalar mavjud.

Mamlakatga xorijiy investitsiyalarni jalb etish borasidagi investitsion muhitga ta’sir etuvchi omillarni shartli ravishda 2 guruhga, ya’ni tashqi va ichki omillarga ajratishimiz mumkin (1-rasm).



1-rasm. Investitsiya muhitiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar[4]

Investitsiya muhitiga ta’sir ko‘rsatuvchi ichki omillardan eng muhimi sifatida mamlakatdagi makroiqtisodiy barqarorlikni keltirib o‘tish lozim. Sababi, ushbu omil o‘zida mamlakatdagi makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar, jumladan YaIM, uning aholi jon boshiga nisbatan taqsimoti, inflyatsiya darajasi, YaIM deflyatori, davlat budjetining ijrosi, sanoat ishlab chiqarish ko‘rsatkichlari, investitsiyalarni jalb etish va boshqa ko‘pgina ko‘rsatkichlarni o‘zida aks ettiradi.

Aynan ushbu omillar jahonning ko‘plab reyting agentliklari va xalqaro reyting natijalari uchun asos hisoblanadi. Ichki omillar guruhidan joy olgan soliq, bojxona va boshqa ma’muriy imtiyozlarning amal qilishi erkin iqtisodiy hududlar uchun ahamiyatlidir. Rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar tajribasidan ma’lumki, ushbu guruh imtiyozlarini samarali amal qilishi xorijiy investorlar tomonidan manfaatli takliflarning qanoatlantirilishining kafolatlaridan biridir.

Umuman olganda, investitsiyalarni ko‘proq jalb etishdagi yuqori sur’atlar bilan o‘sishiga ijobiy ta’sir etadigan xorijiy investitsiyalar asosida tashkil etilayotgan xo‘jalik yurituvchi subyektlarga berilayotgan imtiyozlar va preferensiyalarga mamlakatimizda ham alohida e’tibor berib kelinmoqda.

Investitsiya muhiti to‘g‘risidagi mahalliy iqtisodchi olimlar ta’riflarini ko‘rib chiqamiz. Jumladan: iqtisodchi-olimlardan A.Vaxabov, Sh.Xajibakiyev, N.Muminovlar investitsiya muhiti to‘g‘risida quyidagilarni ta’kidlab o‘tadilar: “investitsiya muhiti – bu xorijiy kapital qo‘yilmalarining qaltislik darajasini va ulardan mamlakatda samarali foydalanish imkoniyatlarini oldindan belgilaydigan iqtisodiy, siyosiy, yuridik va ijtimoiy omillar yig‘indisidir. Investitsiya muhiti kompleks, ko‘p qirrali tushuncha bo‘lib, milliy Qonunchilik, iqtisodiy shart-sharoitlar (inqiroz, o‘sish, stagnatsiya), bojxona rejimi, valyuta siyosati, iqtisodiy o‘sish sur’atlari, inflyatsiya sur’atlari, valyuta kursining barqarorligi, tashqi qarzdorlik darajasi kabi ko‘rsatkichlarga ega”[5]. Shuningdek, mamlakatdagi investitsiya jarayonlariga ta’sir ko‘rsatuvchi iqtisodiy, siyosiy, me’yoriy-huquqiy, ijtimoiy va boshqa shart-sharoitlar majmui investitsiya muhitini anglatadi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

“Investitsiya muhiti” va “investitsiya iqlimi” sinonim tushunchalar sifatida ishlatiladi. Bu xususda iqtisodchi-olimlardan D.G‘ozibekov va T.Qoraliyevlar tomonidan quyidagi: “investitsiya iqlimi juda keng ma’noda ishlatiladigan tushuncha bo‘lib, investor tomonidan hisobga olinadigan barcha muammo va masalalarni mujassamlashtiradi. Investor tomonidan ma’lum bir mamlakatga kapital ajratishning qulay va noqulay tomonlari belgilanadi, shu bilan bir qatorda, o‘z kapitalini kiritmoqchi bo‘lgan mamlakat mafkurasi, siyosati, iqtisodiyoti va madaniyatiga katta ahamiyat beriladi” degan fikrlar bildirilgan[6]. Fikrimizcha, D.G‘ozibekov va T.Qoraliyevlarning “investitsiya muhiti” va “investitsiya iqlimi” tushunchalarini sinonim sifatida ko‘rishlari ularning o‘zaro chambarchas bog‘liq va bir-birini to‘ldiruvchi jihatlari bilan izohlanadi. Investitsiya iqlimi investor uchun ko‘proq subyektiv, psixologik va siyosiy-huquqiy sharoitlarni o‘z ichiga olsa, investitsiya muhiti esa aniqroq, ijtimoiy-iqtisodiy va normativ-huquqiy omillarni qamrab oladi.

S.V.Zenchenko, M.A.Shemyotkina o‘z tadqiqotida investorlarning xohishiga ko‘proq ta’sir ko‘rsatuvchi bir qator omillarni ajratib ko‘rsatishadi. Xususan, mamlakat hududning investitsion salohiyatini baholash uchun eng muhim omillardan quyidagilarni keltirishadi: resursli – xomashyoviy (tabiiy resurslar asosiy turlarining o‘rtacha o‘lchangan ta’minoti); ishlab chiqarish (hududdagi xo‘jaliklar faoliyatining umumiy natijasi); iste’mol (hudud aholisining xarid qilish qobiliyati); infratuzilmaviy (hududning iqtisodiy-geografik holati va uning infratuzilmaviy ta’minlanganligi); intellektual (aholining ma’lumot darajasi); institutsional (bozor iqtisodiyotiga asoslangan yetakchi institutlarning rivojlanganlik darajasi); innovatsion (hududda ilmiy - texnika taraqqiyoti yutuqlarini tatbiq etish darajasi)[7]. Shuni ta’kidlash kerakki, investitsion salohiyat hududlarni tasniflash mezonlaridan biri hisoblanadi. Fikrimizcha, S.V.Zenchenko va M.A.Shemyotkinaning investitsion salohiyatni baholashda ajratib ko‘rsatgan omillari hududlarning iqtisodiy rivojlanish darajasini, investorlarning qaror qabul qilish jarayonini aniq ifodalaydi va investitsiya muhitining murakkabligini ko‘rsatadi. Har bir omil – tabiiy resurslardan tortib, ilmiy-texnik yutuqlargacha bo‘lgan keng qamrovli sohalarni o‘z ichiga olganligi sababli, investitsion salohiyatni baholashda kompleks yondashuv zarur.

Investitsion jozibadorlikni oshirish kun tartibiga eng muhim vazifalardan biri etib belgilanishining asosiy maqsadi xorijiy va mahalliy investorlarni iqtisodiyotdagi biznes jarayonlariga jalb etishdir. Biz uchun eng muhim masala shuki, birinchi navbatda xorijiy investorlarning biror-bir mamlakatga investitsiyalarni kiritish bo‘yicha qaror qabul qilish mexanizmlarini tushunib olishdir.

Xorijda amalga oshirilgan ayrim tadqiqotlarning ko‘rsatishicha, mamlakatning turli xil xalqaro reytinglardagi ma’lum bir o‘rinlarning egallashi investorlarning investitsiyalarni kiritish bo‘yicha qarorlariga bilvosita ta’sir ko‘rsatar ekan. Hozirgi kunda jahonda 160 dan ortiq xalqaro reytinglar mavjud bo‘lib, ulardan 50 ga yaqini ishonchli hisoblanib, ta’sir doirasi yuqori sanaladi. Xalqaro reytinglar bu faqatgina tashqi baho bo‘libgina qolmay, butun mamlakat yoki ma’lum bir hududni ommalashtirish va ustunliklarini ko‘rsatishning samarali usullaridandir.

Jahon hamjamiyatida globalizatsiya jarayoni kechmoqda. Globalizatsiya jarayoniga qo‘shilish bu dunyoning yetakchi davlatlari bilan hamkorlikda bo‘lish, iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy sohadagi davlat siyosatining o‘zaro manfaatli asosda bu davlatlar siyosatiga mos kelishidir. Shu nuqtayi nazardan O‘zbekiston jahon hamjamiyati oldida bugungi kunda o‘zining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasi, dunyo xaritasida geografik joylanishi, tabiiy resurslarining tarkibi va zaxirasi, hukumat olib borayotgan investitsiya siyosati va boshqalar bilan muhim rol o‘ynaydi. Bu esa, o‘z navbatida, xorijiy investitsiyalarning kirib kelishi uchun qulay investitsiya muhiti barpo etish zaruriyatini ko‘rsatadi.

O‘zbekistonda investitsiya muhiti yildan yilga barqarorlashib va qulaylashib borayotgan bo‘lsada, milliy iqtisodiyotga kirib kelayotgan yirik hajmdagi va ustuvor yo‘nalishlardagi investitsiyalar oqimi sur’atlari pasaymoqda.

Mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasi, investitsiya faolligining o‘sish sur’atlari investitsiya muhitiga ko‘p jihatdan bog‘liqdir. Xorijiy investitsiyalarni respublika iqtisodiyotiga jalb etish uchun zaruriy shart-sharoitlar yaratilishi muhimdir, u, qachonki, qaysi mamlakatda

iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va huquqiy shart-sharoitlar mavjud (ijobiy) bo‘lsagina o‘sha davlat iqtisodiyotiga qo‘yilishi mumkin.

Bir jihatni qayd etish lozimki, xorijiy investorlar diqqatini tortish uchun mamlakatimiz hududlarining investitsion jozibadorligini oshirish masalalarini hal etish lozimdir. AQShning Garvard maktabi mutaxassislarining fikricha, mamlakatning investitsion jozibadorligiga baho berishda: xorijiy va milliy investorlar uchun yaratilgan Qonunchilik bazasi, kapitalni mamlakat hududidan olib chiqib ketish imkoniyati, milliy valyutaning barqarorligi, mamlakatdagi siyosiy vaziyat, inflyatsiya darajasi va milliy kapitaldan foydalanish imkoniyati kabi omillar ta’sir ko‘rsatadi.

Bugungi kunda O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar va ularning natijasi jahondagi yetakchi xalqaro reyting agentliklari tomonidan e’tirof etilayotganini alohida ta’kidlash lozim. Masalan, dunyodagi nufuzli “Fitch Ratings” va “Standard & Pours” reyting agentliklari birinchi marta mamlakatimizning xalqaro suveren kredit reytingini belgiladi. Ana shu reyting baholari “barqaror” prognoziga ega bo‘lib, bu yaqin 12-18 oy davomida ushbu ko‘rsatkichning pasayish ehtimoli kamligini bildiradi. O‘zbekiston erishayotgan bunday reyting baholari ko‘pgina rivojlanayotgan davlatlarga nisbatan yuqori ekanini qayd etish lozim. Ushbu reyting agentliklari O‘zbekistonda valyuta, savdo va narx siyosati erkinlashgani, davlat boshqaruvidagi institutsional o‘zgarishlar, mamlakat oltin-valyuta va budjet zaxirasi yetarli ekani, davlat qarzining kamligi singari omillarga alohida e’tibor qaratmoqda.

Yuqorida keltirganimizdek, xorijiy investorlar qaysidir mamlakatga investitsiya kiritishdan avval xalaqaro iqtisodiy tashkilotlar tomonidan yuritiladigan xalqaro reytinglarga murojaat qilishadi, ushbu reytinglardlan biri biznes yuritish reytingi bo‘lib, quyida O‘zbekistonni ushbu indeksdagi holatini tahlil qilamiz.

Jahon bankining Toshkentdagi vakolatxonasi matbuot xizmatiga ko‘ra, Yevropa va Markaziy Osiyo mintaqasidagi boshqa to‘rtta davlat, shu jumladan, Tojikiston, Ozarbayjon va Kosovo bilan birgalikda O‘zbekiston ishbilarmonlik muhitini yaxshilashda eng katta yutuqlarga erishgan 20 mamlakat qatoridan o‘rin egalladi.

Bugungi kunda O‘zbekistonga xorijiy investitsiya mablag‘larini jalb etish bo‘yicha bir qator masala va muammolarning haligacha ochiq qolayotganligini ta’kidlash lozim bo‘ladi. Iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda davom etib kelayotgan past ko‘rsatkichning sabablarini aniqlash maqsadida tashqi ishlar vazirligi (TIV) O‘zbekistonda ishlash tajribasiga ega xorijiy sarmoyadorlar, biznesmenlar va moliya tashkilotlarining ekspertlari o‘rtasida so‘rovnoma o‘tkazgan. Ular O‘zbekistonga sarmoya oqimiga salbiy ta’sir ko‘rsatayotgan va sharoitlarning ba’zilari sifatida quyidagilarni sanab o‘tishgan: bank-kredit tizimining takomillashmaganligi; sarmoyadorlar huquqlarining zaif himoyasi va yetarli darajada samarali bo‘lmagan sud tizimi; ma’muriy-byurokratik to‘siqlar (ko‘plab xorijiy kompaniyalar o‘z faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziya va ruxsat olish tartib-qoidalaridan norozi); past investitsiya reytingi.

Yuqorida keltirilgan investitsion muhit jozibadorligini oshirish yo‘lida to‘siq bo‘lib kelayotgan muammo va kamchiliklarni bartaraf etish yo‘lida quyida tavsiya etilayotgan takliflarning amaliyotga tatbiq qilinishi mamlakat investitsion muhit jozibadorligini oshirish yo‘lida maqbul ish bo‘lar edi. Shuningdek: xalqaro tashkilotlar tomonidan o‘tkaziladigan so‘rovnomalarda faol ishtirok etish, jahon mamlakatlarining investitsion jozibadorligini ko‘rsatadigan reytinglarning barchasida O‘zbekistonning ham ishtirokini ta’minlash (GRI, GII, BERI va boshqalar) ; so‘mning qadrini ko‘tarish va buning asosida bank foizi stavkalarini barqarorlashtirish; ma’muriy buyruqbozlik holatlariga chek qo‘yish va xorijiy investorlarning mamlakatga nisbatan qarashlarini o‘zgartirish; har bir viloyatlarning markazlarida marketing, huquqiy maslahatxonalar va boshqa xizmatlarni kelajakda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish uchun, shuningdek, investorlarning huquq va manfaatlarini himoyalash uchun tashkil etish lozim; mamlakatga jalb qilingan xorijiy investitsiyalarning monitoringini takomillashtirish maqsadida yagona elektron dastur yaratish zarur; davlat budjeti xarajatlari va kiritilgan investitsiyalarni onlayn tarzda kuzatish imkonini yaratish lozim.

Ushbu taklif va tavsiyalarning amaliyotga samarali tatbiq etilishi O‘zbekistonning iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishida investitsion muhit jozibadorligini oshirish yo‘lidagi muhim tadbirlar sirasiga kirishiga ishonamiz.

“Investitsiyaviy jozibadorlik” tushunchasining mazmun-mohiyati ko‘rib chiqilayotgan paytda “investitsiyaviy salohiyat” va “investitsiya muhiti” tushunchalariga alohida e’tibor qaratish lozim. Sababi, mazkur atamalar bir-biri bilan chambarchas bog‘liq tushunchalar bo‘lib, investitsyaviy salohiyat investitsiya faoliyatining resurs imkoniyatlarini aniqlab beradi va ushbu resurslardan foydalanish, o‘z navbatida, tahlil qilinayotgan obyektning investitsiyaviy jozibadorligiga bog‘liq bo‘ladi va albatta, shart-sharoitlar va turli omillarni investitsiya muhiti belgilab beradi. Shunday qilib, hududning investitsiyaviy salohiyati va investitsiya muhiti hududning investitsiyaviy jozibadorligini shakllantiradi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan olib borilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosatda yuqori iqtisodiy o‘sishni ta’minlash bilan bog‘liq bo‘lgan omillarga juda katta e’tibor berilmoqda. Ushbu omillar qatorida investitsion muhitni kuchaytirish birinchi navbatdagi masalalardan hisoblanadi. Hozirda amalga oshirilayotgan juda ko‘p ishlar iqtisodiyotimizda investitsion muhitni yaxshilashga qaratilgan. Bu borada Prezidentimiz ta’kidlaganidek, “Iqtisodiyot tizimini liberallashtirish, qulay investitsiya muhitini yaratish amalga oshirilayotgan o‘zgarishlarning eng muhim yo‘nalishlaridir”.

O‘zbekistonning xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha nisbiy ustunliklari hali ham boy xomashyo bazasi, arzon ishchi kuchi va energiya bo‘lib qolmoqda. Biroq, zamonaviy voqelikda ushbu ustunliklar dominant rol o‘ynamaydi. Buning sababi shundaki, qulay investitsiya sharoitlarini yaratishda ushbu resurslarni chet eldan import qilish mumkin. Buning yorqin namunasi – boy xomashyo resurslariga ega bo‘lmagan Yaponiya va Janubiy Koreyaning tajribasidir. Zamonaviy dunyoda iqtisodiy institutlar va vositalarning sifati birinchi o‘ringa chiqadi.

Investitsion muhit jozibadorligining hozirgi holat bo‘yicha to‘g‘ri tushuncha va tasavvurni quyidagi iqtisodiy va innovatsion rivojlanishning global indekslari orqali olish mumkin (2-rasm).



2-rasm. Mamlakatlarning investitsion muhitini namoyon etadigan muhim indekslar[66]

Afsuski, yuqorida qayd etilgan indekslarning aksariyatida O‘zbekistonni topish imkoniyati hozircha mavjud emas. Tadqiqotlarning ko‘rsatishicha, turli reyting va indekslarda eng

[66] Mualliflar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar asosida tayyorlandi.

past o‘rinlarni egallagan mamlakatlarga reytinglarda umuman kiritilmagan mamlakatlardan ko‘ra ko‘proq investitsiyalar kiritilar ekan. Buning sababi, reytinglarda past o‘rinlarni egallagan mamlakatlarda risklarning yuqoriligiga qaramasdan ushbu mamlakatlardagi risklarni potensial investorlar uchun baholash imkoni paydo bo‘ladi. Biror-bir reytingda qayd etilmagan mamlakatlar esa investorlarning nazarida risklarni hatto baholab ham bo‘lmaydigan, o‘ta riskli mamlakat sifatida qaraladi va bunday noaniqlik holatidan qochishga harakat qilinadi, natijada, investorning investitsiya kiritish bo‘yicha qarori salbiy bo‘ladi.

Mamlakatning investitsion jozibadorligi – hududga sarmoyaning kirib kelishini belgilovchi va investitsiya faolligi bilan baholanadigan obyektiv iqtisodiy, ijtimoiy va tabiiy belgilar, vositalar, imkoniyatlar va cheklovlarning yig‘indisidir. O‘z navbatida, mamlakatning investitsion faolligini sarmoyaning kirib kelish intensivligi sifatida ko‘rib chiqish mumkin. Mamlakat hududning integral investitsion jozibadorligi – bu mamlakat hududining xo‘jalik rivojlanish sharoitlarini tavsiflovchi va undagi investitsion faollikning shakllanishiga ijobiy yoki salbiy ta’sir ko‘rsatadigan obyektiv ijtimoiy-iqtisodiy, tabiiy-geografik va ekologik ko‘rsatkichlarning umumiy darajasidir.

Investitsion muhit jozibadorligining ikkinchi tarkibiy qismi – investitsion risk (xatar) hisoblanadi. Uning darajasi investitsiyalarni va ulardan tushadigan daromadlarni yo‘qotish ehtimolini aks ettiradi. Respublikaning u yoki bu hududida ushbu xatar umumiqtisodiy (hududning iqtisodiy rivojlanishidagi tendensiyalari), moliya-valyuta (hudud budjeti va korxona moliyasining balanslashgan darajasi), siyosiy (Prezident va parlament saylovlari natijasi bo‘yicha aholining ruhiy holati, kayfiyati, mahalliy boshqaruv organlarining qonunga rioya qilishi), qonuniy-ijtimoiy (ijtimoiy tenglikning darajasi), ekologik, jinoiy va boshqa omillar bilan belgilanadi.

Mamlakatning iqtisodiy rivojlanishini ta’minlashda hududlarning o‘rni, u yerda amalga oshirilayotgan kompleks tadbirlar, tadbirkorlik uchun yaratilgan sharoitlar hamda raqobatbardoshlikni ta’minlashga xizmat qiladigan institutsional tuzilmalarning rivojlangani alohida ahamiyat kasb etadi. Yalpi hududiy mahsulotning yildan-yilga oshib borishi iqtisodiyotda band aholi daromadlarining oshishini, firmalar foydasining va davlat budjetiga tushayotgan mablag‘larning ko‘payishini ta’minlaydi. Daromadning ko‘payishi esa, o‘z navbatida, tovar va xizmatlarga bo‘lgan talabning o‘sishiga olib keladi. Hududlarda yaratilgan boylik mamlakat iqtisodiyotining o‘sishiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri bog‘liq ekanligini iqtisodchi olimlar o‘z tadqiqotlarida ekonometrik tahlillar orqali isbotlab berishgan.

Milliy daromad ko‘rsatkichining aholi tabiiy o‘sishiga nisbatan yuqoriroq darajada ko‘payishi, tabiiyki, jon boshiga to‘g‘ri keladigan daromadning ortishiga olib keladi. Xususan, bizning yurtimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik uchun yaratib berilayotgan shart-sharoitlar, iqtisodiy siyosatning adolatlilik prinsipi asosida olib borilayotgani, shuningdek, hududiy investitsion dasturlarning o‘z vaqtida to‘g‘ri va tezkorlik bilan tatbiq etilishi iqtisodiyotda yangi ish o‘rinlarining ko‘payishiga, oqibatda esa, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning ta’minlanishiga xizmat qilmoqda.

Jahon banki tomonidan e’lon qilib boriladigan reytingda biznesni ochish va uni yuritish bo‘yicha davlat tomonidan yaratilgan ma’muriy o‘rin olgan bo‘lib, unda ham mamlakatning iqtisodiy potensialiga tegishli bo‘lgan asosiy omillar (bozor hajmi, ishchi kuchining narxi va b.), shuningdek, potensial investor duch kelishi mumkin bo‘lgan xavflar inobatga olinmagan.

Butunjahon iqtisodiy forumi tomonidan e’lon qilinadigan raqobatbardoshlik indeksida mamlakat va unda mavjud bo‘lgan institutlarning o‘rta muddatli davrda barqaror iqtisodiy o‘sishini ta’minlash imkoniyatlari bo‘yicha ma’lumotlar e’lon qilib boriladi. Juda katta hajmdagi statistik ma’lumotlar banki va kompaniyalar boshqaruvchilaridan o‘tkaziladigan so‘rovnomalar asosida jami 113 nomdagi o‘zgaruvchilar bo‘yicha Global raqobatbardoshlik indeksi (The Global Competitiveness Index) hisoblab chiqariladi. Umumiy foydalanish mumkin bo‘lgan statistik ma’lumotlar jami ma’lumotlarning 1/3 qismini tashkil etadi, qolgani esa, turli xildagi anketa-so‘rovnomalari asosida to‘planadi.

1-jadval

Investorlar uchun investitsion muhit va mamlakatlarning jozibadorligini namoyon etadigan reytinglar[11]

Reyting	Reytingni tuzuvchi tashkilotlar	Baholanadigan parametrlar	Axborotlar manbai
Biznesni yuritish	Jahon banki	Biznesni yuritish uchun huquqiy muhit	Statistik axborotlar va kompaniya rahbarlaridan so‘rovnomalar
Global raqobatbar-doshlik indeksi	Butunjahon iqtisodiy forumi	Mamlakatlarning ijtimoiy-iqtisodiy parametrlari	Statistik axborotlar va kompaniya rahbarlaridan so‘rovnomalar
Davlatlarning faoliyatsizlik indeksi	Tinchlik uchun jamg‘armasi	Mamlakatda istiqomat qilayotgan insonlar va faoliyat yuritayotgan kom- paniyalar uchun mavjud xavflar	Axborotlarni to‘plash va tahlil qilishning ichki tizimi

Investitsiya muhiti (yoki investitsion muhit) – juda keng ma’noda ishlatiladigan tushuncha bo‘lib, investor tomonidan hisobga olinadigan barcha muammolar va masalalarni o‘z ichiga qamrab oladi. Investor tomonidan ma’lum bir davlatga investitsiya qilishning qulay va noqulay tomonlari baholanadi, shu bilan bir qatorda, o‘z kapitalini kiritmoqchi bo‘lgan mamlakat mafkurasi, siyosati, iqtisodiyoti va madaniyatiga katta ahamiyat beriladi.

Investitsiya muhitining har tomonlama, chuqur tahlil qilinishi asosida investitsiya tavakkali aniqlanadi. Investitsiya muhiti va tavakkal darajalari bir-birlariga teskari nisbatdadir. Ya’ni, investitsiya muhiti qanchalik qulay bo‘lsa, investorning tadbirkorlik tavakkali shunchalik past darajada bo‘ladi va bu investorlarning kirib kelishini ko‘paytiradi. Aksincha, investitsiya muhiti noqulay bo‘lsa, tavakkallik darajasi yuqori bo‘ladi. Bu esa, investitsiya qabul qiluvchi tomonning sarf-xarajatlari o‘sishiga olib keladi.

Xulosa.

Investitsion muhit mamlakat yoki hududdagi investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish imkoniyatlarini yaratadigan muhim omil hisoblanadi. Uning jozibadorligi va barqarorligi milliy iqtisodiyotning o‘sish sur’atlarini belgilaydi, sarmoyadorlar uchun qulay shart-sharoitlarni ta’minlaydi hamda uzoq muddatli rivojlanish uchun asos yaratadi.

Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, investitsion muhitga ta’sir etuvchi omillar o‘zaro chambarchas bog‘liq bo‘lib, ularni alohida-yagona ko‘rib chiqish yetarli emas. Siyosiy barqarorlik, normativ-huquqiy baza, iqtisodiy infratuzilma, moliyaviy tizimning samaradorligi, inson kapitali darajasi va innovatsion imkoniyatlar kabi omillar birgalikda investitsion muhitning sifat va darajasini shakllantiradi. Shu bois, ushbu omillarni kompleks tarzda yaxshilash va bir-biri bilan muvofiqlashtirish investitsiyalarni jalb qilishda muvaffaqiyat kaliti hisoblanadi.

Hududlararo investitsion salohiyat farqlari ham muhim omil bo‘lib, investorlar ko‘pincha tabiiy resurslar, ishlab chiqarish kuchi, iste’mol bozorining hajmi, infratuzilmaviy imkoniyatlar, intellektual salohiyat va institutsional tizimga e’tibor qaratadilar. Shu jihatdan, hududlarning o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda aniq strategiyalar ishlab chiqish investitsion jarayonlarning samaradorligini oshiradi. Shuningdek, zamonaviy iqtisodiyot sharoitida innovatsiyalarni joriy etish, ilm-fan va texnologiyalarni rivojlantirish, shaffof va raqobatbardosh qonunchilik tizimini yaratish kabi chora-tadbirlar investitsion muhitning sifatini yaxshilashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Investitsion muhit va unga ta’sir etuvchi omillarni doimiy tahlil qilish, ularga asoslangan samarali siyosat va strategiyalarni ishlab chiqish mamlakat va hududlarning iqtisodiy salohiyatini

oshirish, investitsiya oqimini rag‘batlantirish va raqobatbardoshligini mustahkamlashda hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

Iqtisodiyotga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish mamlakatning barqaror rivojlanishi va global iqtisodiy jarayonlarga integratsiyalashuvi uchun muhim omil hisoblanadi. Amaldagi tahlillar shuni ko‘rsatadiki, xorijiy investitsiyalarni jalb etish samaradorligi asosan mamlakatning investitsion muhiti sifatiga, siyosiy va iqtisodiy barqarorligiga, normativ-huquqiy bazaning rivojlanganligiga bog‘liq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. Pernia Ernesto M.; Salas John Michael Ian Sioson (2005) : Investment climate and regional development in the Philippines, UPSE Discussion Paper, No. 2005,01, University of the Philippines, School of Economics (UPSE), Quezon City.ITU (2022). Global ICT Development Index Report. International Telecommunication Union, Geneva.
2. Хофизов Х.А. Инвестиционное обеспечение освоения и использования природно-ресурсного потенциала региона (на материалах Согдийской области Республики Таджикистан). Автореферат Дис.с.уч.степ. к.э.н. Душанбе – 2019.
3. Elvira Sojli, Wing Wah Tham. “The Impact of Foreign Government Investments: Sovereign Wealth Fund Investments in the United States” In Institutional Investors in Global Capital Markets. Published online: 8 March 2015; 207-243. www.scopus.com
4. Karimqulov J.I. Erkin iqtisodiy hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni rivojlantirish yo‘nalishlari. Iqtisodiyot fanlari doktori (Doctor of Science) dissertatsiyasi Avtoreferati. – T.: TMI, 2021. – 28 b.
5. Vaxabov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Moliya”, 2010. – B. 153.
6. G‘ozibekov D.G‘., Nosirov E.I. O‘zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish. Risola. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 92 b.
7. Зенченко С.В., Шемёткина М.А. «Инвестиционный потенциал региона». Сборник научных трудов Севкав ГТУ. Серия «Экономика». 2007. №6.
8. Mustafakulov Sh.I. Investitsion muhit jozibadorligi. Ilmiy-amaliy qo‘llanma. – Toshkent: Baktria press, 2017. -320 b.
9. Stobaugh R.B. How to Analyze Foreign Investment Climates // Harvard Business Review. 1969. September-October.
10. Uktamov X.F. SOVID-19 pandemiyasi sharoitida aholini ish bilan ta’minlash yo‘llari. “Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotining makroiqtisodiy barqarorligini ta’minlash: muammolar, tahlillar va natijalar” onlayn, ilmiy - masofaviy konferensiyasi tezislar to‘plami. 2020-yil 30-aprel. Toshkent sh. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti.
11. Исмаилова, N. (2020). Торгово-экономические отношения Узбекистана с Индией на современном этапе. Архив научных исследований, 33(1). извлечено от https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/3249
12. Zayniddinov, R. (2019). The issues of attracting foreign investment in the development of the economy of Uzbekistan. Архив научных исследований, 1(1). извлечено от https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/722

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Ташматова Мухтабар Алишеровна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси
E-mail: toshmatova-m@gmail.com

Аннотация: *Мазкур тадқиқотда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашда инвестициялаш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Хусусан, аграр секторга инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти, унинг иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни ёритилган. Шунингдек, давлат томонидан қўлланиладиган молиявий, институционал ва ташкилий чора-тадбирлар, солиқ имтиёзлари, субсидиялар ҳамда кредитлаш тизимининг самарадорлиги баҳоланган. Тадқиқот натижасида қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни яхшилаш, инновацион технологияларни жорий этиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *қишлоқ хўжалиги, барқарор ривожланиш, инвестиция, давлат қўллаб-қувватлаши, аграр сектор, инвестицион фаолият, субсидия, кредитлаш, инновация, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий ўсиш, ресурс самарадорлиги.*

GOVERNMENT SUPPORT OF INVESTMENT ACTIVITIES IN THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE

Ташматова Мухтабар Алишеровна
Tashkent State University of Economics independent researcher
Email: toshmatova-m@gmail.com

Abstract: *This study provides a scientific analysis of state support mechanisms for investment activities aimed at ensuring the sustainable development of agriculture. In particular, it highlights the importance of attracting investments to the agricultural sector and their role in promoting economic growth, ensuring food security, and increasing employment. The paper also evaluates the effectiveness of financial, institutional, and organizational measures implemented by the state, including tax incentives, subsidies, and crediting systems. Based on the research findings, practical recommendations are developed to improve the investment climate in agriculture, introduce innovative technologies, and enhance the efficient use of resources.*

Keywords: *agriculture, sustainable development, investment, state support, agricultural sector, investment activity, subsidies, crediting, innovation, food security, economic growth, resource efficiency.*

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОДДЕРЖКА ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Ташматова Мухтабар Алишеровна

Независимый соискатель Ташкентского государственного экономического университета
Электронная почта: toshmatova-m@gmail.com

Аннотация: *В данном исследовании с научной точки зрения проанализированы*

механизмы государственной поддержки инвестиционной деятельности в обеспечении устойчивого развития сельского хозяйства. В частности, освещена важность привлечения инвестиций в аграрный сектор, его роль в обеспечении экономического роста, продовольственной безопасности и занятости населения. Также была оценена эффективность применяемых государством финансовых, институциональных и организационных мер, налоговых льгот, субсидий и кредитной системы. В результате исследования разработаны практические предложения и рекомендации по улучшению инвестиционного климата в сельском хозяйстве, внедрению инновационных технологий и эффективному использованию ресурсов.

Ключевые слова: *сельское хозяйство, устойчивое развитие, инвестиции, государственная поддержка, аграрный сектор, инвестиционная деятельность, субсидии, кредитование, инновации, продовольственная безопасность, экономический рост, ресурсоэффективность.*

Кириш

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда, аграр соҳани фаол ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, соҳани диверсификация қилишда инвестицияларга муҳим восита, “мамлакатимиз трансформациясининг локомотиви ва иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам драйвери”[1] сифатида қаралмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари қаторида “қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи, соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш” муҳим вазифалардан этиб белгиланган.[2] Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда, мамлакат қишлоқ хўжалигидаги инвестицияларнинг рағбатлантирувчи ва тўсиқ бўлаётган омилларини тадқиқ этиш, ҳудудлар қишлоқ хўжалигининг иқтисодий “ўсиш нуқта”ларини белгилаб берувчи соҳаларнинг устуворлигини аниқлаш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш механизмлари бўйича таклиф, амалий тавсияларни асослаш, ялпи ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва инвестициялар оқими кўрсаткичларининг прогнозини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Адабиётлар шарҳи

Қишлоқ хўжалиги учун, бошқа тармоқлардан фарқли ўлароқ, табиий (иқлим, тупроқ, биологик) омилларнинг хам умумий беқарорликдаги, хам айрим худудлар бўйича табақалашувидаги каттароқ роли хосдир[3]. Айнан шу табиий омиллар қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши омиллари тизимининг асосини ташкил қилади, чунки, хусусан, ҳосилнинг тебраниб туришининг асосий сабаби об-хаво шароитларининг ўзгариши ҳисобланади[4]. Ушбу омиллардан кўпи - кам ўзгарувчан ва консерватив. Замонавий шароитларда ушбу табиий омиллардан кўпи кишилар назоратига бўйсунмаганлиги учун, кўпинча хўжаликларнинг тизимлари уларга мослаштирилади. Табиий омиллардан қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига энг салбий таъсир кўрсатадиганлари бу қурғоқчиликдир.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши сифатида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва махсулдорлигининг табиий, биологик омилларини максимал ишга солиш лозим.

Аввало шуни айтиш лозим-ки, “инвестиция” сўзи лотинча “*investire*” – кийинтирмоқ (рус. “облачать”) сўзидан олинган. Собиқ Иттифоқдаги марказлашган режали иқтисодиёт доирасида “капитал қўйилмалар” тушунчаси кенгроқ тарқалган, у асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқарилишига, уларни кўпайтириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган

харажатларни англатган[5]. Ўзбекистонда бозор ислохотлари бошлангач, “инвестициялар” категориясининг мазмунига бўлган нуқтаи назарлар ўзгарди, ва энг аввало, бу ўзгариш қонунчиликда акс эттирилди. Эндиликда инвестициялар назария ва амалиётдаги энг оммабоп ва муҳим иборалар қаторига киради.

Профессор Н.Ҳайдаров “инвестициялар”га қўйидагича таъриф берган: “Инвестиция, бу − мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларни қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”[6].

А.В.Вахобов, Ш.Х.Ходжибакиев, А.Г.Мўминовлар томонидан хорижий инвестиция муаммолари, уларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг барча жиҳатлари батафсил ёритилган[7].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар “Инвестициялар – даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкий ва интелектуал бойликлар”, деб таърифлайдилар. Профессор Ш.Шодмонов инвестицияларга қўйидагича таъриф беради: “Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кучайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади”[8].

С.Умаров инвестициялар тушунчасига шундай таъриф беради: “Инвестиция – бу келажакда фойда ёки ижтимоий самара олиш учун инвестор томонидан қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида маълум бир муддатга сарфланган барча турдаги моддий-техник ва интеллектуал бойликлардир”[9].

Б.Абдукаримов, А.Жабриев, М.Пардаевларнинг фикрича: “Инвестициялар – бу молиявий (пул) ёки реал капиталга маблағ қўйиш. У пул маблағлари, кредит, қимматбаҳо қоғоз шаклида олиб борилади ва кўчма, кўчма бўлмаган мол-мулкга, интеллектуал мулкка, неъматларга бўлган ҳуқуққа ва бошқа қийматликларга қўйилади, яъни корхонанинг барча активларига ишлатилади”[10].

Хорижий иқтисодчи-олимлардан Николай Жуга (Украина) озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, барқарор ривожланиш ҳамда ахоли ўртасидаги тенгсизликни қисқартириш учун қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини инвестициялаш муҳимлигини таъкидлаган. Шунингдек, иқтисодчи-олимлар Амартия Сен ва Жеффри Сакслар[11] ҳам ўз ишларида барқарор ривожланиш мақсадларига етишиш ва қашшоқлик билан курашиш учун қишлоқ хўжалигига киритилиши лозим бўлган инвестицияларга урғу берганлар.

Академик Л.И.Абалкин фикрича, мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг барқарорлигини таъминлашда инвестициялар асосий рол ўйнайди, ЯИМ ўсишининг салкам 45 фоизи инвестициялар улушига тўғри келади, ташқи иқтисодий омиллар улуши эса ЯИМ ҳажми ўсишининг фақатгина 4 фоизини ташкил қилади[12].

Инвестициялар эхтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни амалга ошишини таъминлайди, чунки улар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига хамда кишиларнинг мавжуд эхтиёжлари тўлароқ қондирилишига, янги эхтиёжлар шаклланишига олиб келади. Инвестициялар ҳисобига жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ечиш мумкин, чунки инвестициялар ўсиши бир вақтнинг ўзида инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулайроқ шароитлар яратилишига, ижтимоий адолат принципи тўлароқ амалга ошишига хам олиб келади. Инвестициялар экологик муаммоларни хам ечиш имконини беради, чунки улар атроф-мухит учун камроқ салбий оқибатларни келтирадиган ва махсулот ишлаб чиқариш учун камроқ моддий ресурсларни талаб қиладиган янги технологияларни ва товарларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун шароитларни яратади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг илмий-назарий асоси сифатида иқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг инвестиция фаолияти, мамлакат ҳудудларига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича изланишлари, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, иқтисодий жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, индуксия, дедуксия ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Хаммамизга маълум-ки, инвестициялар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, унинг барқарорлиги ва иқтисодий самарадорлиги ортишига кўмаклашувчи асосий омилдир. Қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талабларига мос холда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, яъни, оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мақсадида технологик ва техник қайта қурроллантириш, соҳа ишлаб чиқаришидаги инвестициявий фаолликка боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг аграр секторни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати тубдан қайта кўриб чиқилди. Соҳада амалга оширилган ислоҳотлар бозор иқтисодиёти тамойилларига мослашиш, мулкчилик шаклларини диверсификация қилиш ҳамда хўжалик юритишнинг янги механизмларини жорий этишга қаратилди. Бу жараёнда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва маҳсулдорликни ошириш асосий устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинди.

Шу билан бирга, аграр секторни ривожлантириш стратегияси босқичма-босқич амалга оширилиб, у узоқ муддатли стратегик мақсадлар билан уйғунлаштирилди. Давлат томонидан фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, ер муносабатларини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса тармоқда рақобат муҳитини шакллантириш ва ички бозор барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Марказлашган режалаштириш ва маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш жараёни эса мамлакат иқтисодиётида чуқур институционал ўзгаришларни талаб этди. Бу ўзгаришлар нафақат иқтисодий ислоҳотларни, балки қулай ижтимоий-иқтисодий ва инвестициявий муҳит яратишни ҳам ўз ичига олди. Натижада аграр соҳада хусусий секторнинг улуши ортиб, инвестицияларни жалб этиш учун барқарор ҳуқуқий ва иқтисодий асослар шакллантирилди.

Бозор муносабатлари шароитида самарали ва рақобатга чидамли фаолият юрита оладиган хўжалик юритиш субъектларини шакллантириш қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда мамлакатимиз аграр соҳасида турли ташкилий-ҳуқуқий шакллар синовдан ўтказилиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги, бошқарув механизмлари ҳамда бозор талабларига мослашув даражаси ўрганиб чиқилди. Бу жараёнда ўндан ортиқ хўжалик юритиш шакллари амалиётда синовдан ўтказилиб, уларнинг орасида энг самарали ва барқарор фаолият кўрсата оладиган моделлар танлаб олинди.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида деҳқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли шакллари сифатида эътироф этилди. Бу хўжаликлар бозор иқтисодиёти шароитида мустақил қарор қабул қилиш, ресурсларни эркин бошқариш ва маҳсулотни тўғридан-тўғри бозорда реализация қилиш имкониятига эга бўлганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, уларнинг мослашувчанлиги ва самарадорлиги қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Хўжалик юритишнинг ушбу шаклларида ер, мулк, етиштирилган маҳсулот ҳамда олинган даромадга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишдаги эркинлик асосий тамойил сифатида белгиланган. Бу эса ишлаб чиқарувчиларда манфаатдорликни ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳамда инновацион ёндашувларни жорий этишга рағбатлантиради. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур мезонлар бозор муносабатларининг асосий талабларига тўла мос келиб, аграр секторнинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий ва иқтисодий пойдевор яратади.

1-жадвал.

Андижон вилоятида ва республика худудларида 2024 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича структураси[67].

№	Худудлар	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан, инвестициялар манбалари бўйича (жами хажмга нисбатан фоизда)						
			Республика бюджети	корхона ва ташкилотлар	ахоли	хорижий инвестициялар ва кредитлар	Сув таъминоти ва канализ. тиз. ривожл. фонди	Тикланиш ва тараққиёт фонди	тижорат банклари кредитлари
1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*	*8*	*9*	*10*
1	Ўзбекистон Республикаси	269 857,5	7,8	31,3	9,5	41,6	1,1	0,9	7,8
2	Қорақалпоғистон Республикаси	10 099,8	12,7	28,1	11,9	38,9	1,4	1,7	5,3
3	Андижон вилояти	14 758,6	7,6	23,9	12,2	47,1	2,5	0,0	6,7
4	Бухоро вилояти	21 138,0	4,8	21,6	11,1	56,8	0,6	0,0	5,1
5	Жиззах вилояти	10 763,1	9,7	23,7	6,0	44,5	1,5	0,0	14,6
6	Қашқадарё вилояти	16 181,5	9,1	23,6	14,8	46,5	2,0	0,2	3,8
7	Навоий вилояти	19 396,1	3,6	30,7	9,9	54,9	0,3	0,0	0,6
8	Наманган вилояти	14 348,2	6,1	19,8	16,3	34,3	1,1	0,0	22,4
9	Самарқанд вилояти	21 955,2	9,1	26,6	7,4	43,7	0,7	0,0	12,5
10	Сурхондарё вилояти	11 507,3	12,1	15,0	16,3	43,1	5,7	0,0	7,8
11	Сирдарё вилояти	12 574,7	5,5	10,7	1,8	77,5	0,5	0,0	4,0
12	Тошкент вилояти	34 954,7	6,0	39,3	8,0	32,9	0,5	5,4	7,9
13	Фарғона вилояти	15 396,7	7,2	21,4	17,2	46,1	2,3	0,0	5,8
14	Хоразм вилояти	8 806,6	9,3	25,6	24,0	30,7	1,2	1,2	8,0
15	Тошкент шахри	57 977,0	8,2	52,1	3,2	28,0	0,0	0,5	8,0

Андижон вилоятида 2024 йилда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 14758,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич - республика бўйича 8-кўрсаткичдир. Биринчи учталикда Тошкент шахри (57977 млрд.сўм) ва вилояти, Самарқанд вилояти жойлашган. Бунинг сабаби – юқорида қайд этилган йирик инвестициявий лойиҳалар айнан шу худудларга тўғри келади. Энг кам инвестициялар ҳажми эса Хоразм вилоятида қайд этилган - 8806,6 млрд.сўм. Андижон вилоятидаги инвестиция манбаларига эътибор қаратсак, энг кўп инвестициялар хорижий инвестициялар ва кредитлар хисобидан хамда корхоналарнинг ўз маблағлари хисобидан амалга оширилган. Инвестициялар асосан хорижий манбалар хисобидан амалга оширилиши назаримизда ижобий хол ҳисобланади. Бу маблағлар қаерга сарфланганлигини пастрокда кўриб чиқамиз.

[67] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.

Хулоса

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омилларнинг эконометрик модели асосида инвестициялар ҳажмини оширишнинг 2030-йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Ушбу прогноздан кўринди-ки, келажакда ишчи кучи ва экин майдонлари қисқариб боради. Бундай шароитда, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга мехнат унумдорлигини ошириш ва хосилдорликни ошириш, экинлар диверсификацияси орқали эришишимиз мумкин. Назаримизда, мехнат унумдорлигини ошириш учун “ақлли” қишлоқ хўжалигига инвестицияларни йўналтириш, хосилдорликни ошириш учун уруғчилик тизимини, чорвачилик хўжаликларини қўшимча молиялаштириш лозим. Экин майдонлари янада қисқариб кетмаслиги учун суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари қисқаришини жиддий назоратга олиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи. Тошкент шахри, 2024 йил 2-май. Манба: www.president.uz/uz/lists/view/7195

2. «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони. Манба: www.lex.uz

3. Загайтов И.Б., Половинкин П.Д. Экономические проблемы повышения устойчивости сельскохозяйственного производства.- М.: Экономика, 1984.-240с.

4. Манелля А.И. Статистические методы анализа развития сельскохозяйственного производства. // Вопросы статистики. – 1999, №4,

5. Понедельников В.В. Инвестиционное обеспечение устойчивого развития аграрного производства (Аграр ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши инвестициявий таъминоти) [Электрон ресурс]: На материалах Ставропольского края : Дис. ... канд. экон наук : 08.00.05 .-М.: РГЕ, 2006 (Из фондов Российской Государственной Библиотеки).

6. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: иқт. фан. докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2003. − 29 б.

7. Вахобов А.В., Ходжибакиев Ш.Х., Мўминов А.Г. Хорижий инвестициялар: ўқув қўлланма. − Тошкент: Молия, 2010. – 432 б.

8. Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик –Тошкент: Шарқ, 2005. – 482 б.

9. Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш: иқт. ф. н. илм. дар. ол. учун дисс. автореферати: БМА − Тошкент, 2008. − 22 б.

10. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти: дарслик. –Тошкент: Фан, 2005. – 241 б.

11. Амартия Кумар Сен – Гарвард университети профессори, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти сохиби; Жеффри Сакс – Колумбия университети профессори, БМТ Бош котибининг барқарор ривожланиш бўйича маслахатчиси, иқтисодчи.

12. Абалкин Л.И. Логика экономического роста. (Иқтисодий ўсишнинг мантиқи). - М.: Институт экономики РАН. 2002г.

DAVLAT AUDITIDA SUN’IY INTELLEKTDAN FOYDALANISH: USTUN VA XAVFLI JIHATLAR

Ostonokulov Azamat Abdukarimovich

TDIU kafedra professori,
ORCID: 0000-0003-2792-3174,
E-mail: a.ostonokulov@tsue.uz

Kuliboyev Azamat Shonazarovich

oosobirov@gmail.com
TDIU kafedra professori,
ORCID: 0000-0002-3357-070X,
E-mail: a.kuliboyev@tsue.uz

Annotatsiya: *Ushbu maqolada davlat auditi sohasida sun’iy intellekt (SI) texnologiyalarini qo‘llashning nazariy va amaliy asoslari tahlil etilgan. Tadqiqot O‘zbekiston Respublikasi me'yoriy-huquqiy bazasi, xalqaro audit standartlari (INTOSAI/ISSAI) va xorijiy davlatlar tajribasi asosida olib borilgan. Maqolada SI texnologiyalarining davlat moliyaviy nazoratidagi asosiy afzalliklari — katta hajmdagi ma’lumotlarni avtomatik tahlil qilish, qonunbuzilishlarni erta aniqlash, audit samaradorligini oshirish kabi jihatlar ko‘rib chiqilgan. Shu bilan birga, ma’lumotlar xavfsizligi, algoritmik xatolar, inson nazoratining zaiflashuvi, huquqiy tartibga solish bo‘shliqlari kabi xavfli jihatlar ham chuqur o‘rganilgan. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekiston Hisob palatasi SI texnologiyalarini joriy etish bo‘yicha 2025–2027 yillarga mo‘ljallangan davlat dasturlari doirasida keng ko‘lamli islohotlarni amalga oshirmoqda. Maqolada SI asosida ishlayotgan audit tizimlarining samaradorligini oshirish uchun tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *davlat auditi, sun’iy intellekt, moliyaviy nazorat, Hisob palatasi, ISSAI standartlari, Big Data, kiberxavfsizlik, algoritmik tahlil, raqamli transformatsiya.*

USING ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN STATE AUDIT: ADVANTAGES AND RISKS

Ostonokulov Azamat Abdukarimovich

professor of the department of TSUE,
ORCID: 0000-0003-2792-3174,
E-mail: a.ostonokulov@tsue.uz

Kuliboyev Azamat Shonazarovich

professor of the department of TSUE,
ORCID: 0000-0002-3357-070X,
E-mail: a.kuliboyev@tsue.uz

Abstract: *This article analyzes the theoretical and practical foundations of applying artificial intelligence (AI) technologies in the field of state audit. The research is based on the regulatory framework of the Republic of Uzbekistan, international audit standards (INTOSAI/ISSAI), and the experiences of foreign countries. The article examines the main advantages of AI technologies in state financial control, including automated analysis of large volumes of data, early detection of violations, and improvement of audit efficiency. At the same time, risks such as data security vulnerabilities, algorithmic errors, weakening of human oversight, and legal regulation gaps are thoroughly investigated. The research results demonstrate that the*

Accounts Chamber of Uzbekistan is implementing large-scale reforms within state programs for 2025–2027 aimed at introducing AI technologies. Recommendations are developed to improve the effectiveness of AI-based audit systems.

Keywords: *state audit, artificial intelligence, financial control, Accounts Chamber, ISSAI standards, Big Data, cybersecurity, algorithmic analysis, digital transformation.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ГОСУДАРСТВЕННОМ АУДИТЕ: ПРЕИМУЩЕСТВА И РИСКИ

Остонокулов Азамат Абдукаримович,

профессор кафедры ТГУЭ,
ORCID: 0000-0003-2792-3174,
E-mail: a.ostonokulov@tsue.uz

Кулибоев Азамат Шоназарович,

профессор кафедры ТГУЭ,
ORCID: 0000-0002-3357-070X,
E-mail: a.kuliboyev@tsue.uz

Аннотация: *В данной статье анализируются теоретические и практические основы применения технологий искусственного интеллекта (ИИ) в сфере государственного аудита. Исследование проводится на основе нормативно-правовой базы Республики Узбекистан, международных стандартов аудита (INTOSAI/ISSAI) и опыта зарубежных стран. В статье рассматриваются основные преимущества технологий ИИ в государственном финансовом контроле: автоматизированный анализ больших объёмов данных, раннее выявление нарушений, повышение эффективности аудита. Наряду с этим, всесторонне изучены такие риски, как уязвимость безопасности данных, алгоритмические ошибки, ослабление человеческого надзора и пробелы в правовом регулировании. Результаты исследования показывают, что Счётная палата Узбекистана реализует масштабные реформы в рамках государственных программ на 2025–2027 годы, направленных на внедрение технологий ИИ. Разработаны рекомендации по повышению эффективности систем аудита на основе ИИ.*

Ключевые слова: *государственный аудит, искусственный интеллект, финансовый контроль, Счётная палата, стандарты ISSAI, большие данные, кибербезопасность, алгоритмический анализ, цифровая трансформация.*

Kirish

Jahon iqtisodiyotida raqamli transformatsiya jarayonlari tezlashib borayotgan hozirgi davrda davlat auditi tizimi ham tubdan o‘zgarish va modernizatsiya bosqichini boshdan kechirmoqda. Sun’iy intellekt (SI) texnologiyalarining jadal rivojlanishi[5] — xususan, mashinali o‘rganish (machine learning), tabiiy tilni qayta ishlash (NLP), katta ma’lumotlar tahlili (Big Data analytics) va chuqur o‘rganish (deep learning) algoritmlari — keng qamrovli davlat moliyaviy nazorati tizimlarida yangi imkoniyatlar va ulkan salohiyat ochmoqda.[6]

O‘zbekiston Respublikasida ham ushbu tendensiya barcha sohalarda, xususan davlat boshqaruvida sezilarli o‘rin egallamoqda. Prezident farmoni bilan tasdiqlangan «Davlat auditi va moliyaviy nazorati faoliyatini yanada takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi 2025-yil 18-dekabrdagi PF-252-son Farmon [2] — O‘zbekiston Hisob palatasi faoliyatida SI va raqamli transformatsiya guruhini tashkil etish, katta hajmdagi ma’lumotlarni qayta ishlash orqali monitoring va nazorat tizimlarini joriy etish, masofaviy audit avtomatlashtirilgan axborot tizimida «Auditorga ko‘maklashish» modulini ishlab chiqish kabi yo‘nalishlarni belgilab berdi. Ushbu tartibga soluvchi me'yoriy hujjat davlat auditi sohasida SI

texnologiyalarini institutlashtirish yo‘lida muhim qadam bo‘ldi.

Xalqaro miqyosda INTOSAI — Oliy audit organlarining xalqaro tashkiloti va uning ISSAI standartlari[4] raqamli texnologiyalarni audit amaliyotiga tatbiq etish bo‘yicha metodologik yo‘riqnomalar ishlab chiqqan. Buyuk Britaniya Milliy Audit Idorasi (NAO), AQSh Hukumat hisobot idorasi (GAO), Xitoy Audit idorasi (CNAO) va boshqa yetakchi audit organlari[7] SI vositalarini real vaqt rejimida moliyaviy qonunbuzilishlarni aniqlash, xavf tahlili va bashorat qilish uchun muvaffaqiyatli qo‘llayotganlari xalqaro tajribaning muhim saboqlari sifatida e'tirof etilmoqda.

Biroq, SI texnologiyalarining davlat auditi tizimiga integratsiyalashuvi nafaqat afzalliklar, balki bir qator muhim xavflarni ham o‘z ichiga oladi. Algoritmik noxolislik (algorithmic bias), ma’lumotlar maxfiyligi, kiberxavfsizlik tahdidlari[8], auditda inson ishtiroki va mas'uliyatining zaiflashuvi kabi muammolar xalqaro ilmiy hamjamiyatda keng muhokama qilinmoqda. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, SI tizimlari tarafsiz va xolis bo‘lmasligi, ehtimoliy xatolar auditorlarning qarorlariga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin[9].

Mazkur maqolaning ilmiy yangiligi shundan iboratki, unda birinchi marta O‘zbekiston Respublikasining me'yoriy-huquqiy bazasi [1][2][3] asosida davlat auditi sohasida SI texnologiyalarini joriy etishning ustun va xavfli jihatlari kompleks tarzda tahlil etilgan, O‘zbekiston Hisob palatasining amaliy tajribasi xalqaro standartlar bilan qiyosiy baholangan va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Tadqiqotning maqsadi davlat auditida SI texnologiyalarini qo‘llashning afzalliklari va xavflarini tizimli tahlil etish, O‘zbekiston misolida amaliy natijalarni baholash hamda optimallashtirish bo‘yicha ilmiy asoslangan tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat. Ushbu maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalar belgilangan:

davlat auditida SI qo‘llanilishining xalqaro tajribasini o‘rganish;
O‘zbekiston me'yoriy-huquqiy bazasini tahlil etish;
SI texnologiyalarining afzalliklari va xavflarini tizimlash;
O‘zbekiston Hisob palatasi faoliyatida SI tatbiqini baholash;
ilmiy tavsiyalar shakllantirish.

Adabiyotlar sharhi

Davlat auditi nazariyasi tarixiy jihatdan moliyaviy audit, samaradorlik auditi va muvofiqlik auditini o‘z ichiga olgan klassik yo‘nalishlardan iborat bo‘lib kelgan. [10] Pollitt va boshqalar (1999) ta’kidlaganidek, samaradorlik auditi «3E» tamoyili — iqtisodiylik (economy), samaradorlik (efficiency) va natijadorlik (effectiveness) — asosida jamoat resurslaridan foydalanishni baholaydi.[11] Biroq, XXI asrda «to‘rtinchi sanoat inqilobi» [5] kontekstida an’anaviy audit metodologiyasi yangi texnologik vositalar bilan to‘ldirilmoqda.

Davlat auditidagi raqamli transformatsiyaning dastlabki tadqiqotlari 2000-yillar boshida kompyuter yordamidagi audit texnikalari (CAAT — Computer Assisted Audit Techniques) atrofida shakllangan.[12] Keyinchalik Big Data texnologiyalari, sun’iy intellekt va blokcheyn kabi innovatsion vositalar audit sohasiga kirib keldi. Barrett (1999) [13] zamonaviy davlat auditi jarayonlarining «hisobot berish, javobgarlik va shaffoflik» uchligiga xizmat qilishini ta’kidlaydi. Bugungi kunda ushbu uchlik raqamli vositalar bilan yanada kuchaytirilmoqda.

Axborot texnologiyalari auditi sohasidagi adabiyotlar tezda rivojlanib kelmoqda. Brown va Vasarhelyi (2015)[14] audit sohasidagi «katta ma’lumotlar» (Big Data) dan foydalanish imkoniyatlarini o‘rganib, avtomatlashtirilgan anomaliya aniqlash algoritmlarining samaradorligini ko‘rsatdi. Ushbu tadqiqot davlat moliyaviy nazoratida SI tatbiqining dastlabki nazariy zaminlaridan birini yaratdi.

Cao va boshqalar (2015)[15] Xitoy audit tizimidagi raqamlashtirish jarayonini o‘rganib, Xitoy Audit Idorasining (CNAO) «Oltin audit» (Golden Audit) loyihasi doirasida millionlab operatsiyalarni tahlil qilish uchun algoritm asosidagi tizimdan foydalanganligini ko‘rsatdi. Tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, SI yordamida soliq xatolarini aniqlash koeffitsienti 40% ga oshgan.

Ushbu natijalar O‘zbekiston Hisob palatasining Masofaviy nazorat markazi [2] faoliyati uchun ham katta ilmiy ahamiyatga ega.

Abdolmohammadi (2009)[16] xalqaro audit standartlarini qo‘llash va ularga rioya etishga ta’sir etuvchi omillarni — kasbiy tajriba, ta’lim darajasi, malaka sertifikatlari — tahlil etdi. Ushbu tadqiqot O‘zbekistonda audit xodimlarini SI texnologiyalariga tayyorlash dasturlarini ishlab chiqish uchun metodologik asos bo‘la oladi.

Kend va boshqalar (2020)[17] mashinali o‘rganish algoritmlarining moliyaviy firibgarlikni aniqlashdagi samaradorligini o‘rganib, an’anaviy usullarga nisbatan 35–60% yuqori aniqlik darajasiga erishilganini ko‘rsatdi. Sun va Zhang (2022)[18] NLP texnologiyalarining davlat audit hisobotlarini tahlil qilishdagi qo‘llanilishini o‘rgangan holda, ushbu texnologiya audit xulosalarining sifati va to‘liqligini sezilarli oshirishini isbotladi.

SI texnologiyalarining xavfli jihatlariga doir adabiyotlar ham so‘nggi yillarda sezilarli ko‘paydi. O‘Neil (2016)[19] «Ommaviy qirg‘in qurollari» asarida algoritmik tizimlarning noxolisligi va ijtimoiy ta’sirini chuqur tahlil etdi. Ushbu nazariy asoslar davlat auditida SI qo‘llanilishidagi xavflarni baholashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Floridi va boshqalar (2018)[20] sun’iy intellektning etik tamoyillarini — to‘g‘rilik, noxolislikning oldini olish, shaffoflik va mas'uliyat — belgilab, davlat sektori uchun maxsus etik yo‘riqnomalar ishlab chiqdi. Goodman va Flaxman (2017)[21] GDPR doirasida algoritmik qarorlarning tushuntirilishi (explainability) muammosini ko‘tarib, auditorlar uchun SI tizimlarini tushunish va nazorat qilish zarurligi qanchalik muhimligini ko‘rsatdi.

Sikka va boshqalar (2009)[22] «audit inqirozi» deb atagan holatni — an’anaviy audit tizimlarining murakkab moliyaviy operatsiyalarni aniqlashga ojizligini — ta’riflab, innovatsion vositalar zarurligini asosladi. Ushbu adabiy ko‘rib chiqish shuni ko‘rsatadiki, mavjud ilmiy asarlarda SI texnologiyalarining davlat auditi sohasidagi afzalliklari va xavflari bir-biridan ajratilgan holda o‘rganilgan. Mazkur maqola esa ushbu ikkala jihatni birlashtirgan holda O‘zbekiston Respublikasi me'yoriy-huquqiy bazasi va xalqaro tajriba kontekstida kompleks tadqiqot olib boradi.

Metodologiya

Mazkur tadqiqotda quyidagi ilmiy usullar qo‘llangan: qiyosiy tahlil: me'yoriy-huquqiy hujjatlar, ISSAI standartlari va xorijiy davlatlar qonunchiligini qiyosiy o‘rganish; tizimli adabiyotlar tahlili (SLR): Scopus, Web of Science va Google Scholar ma’lumotlar bazalarida 2010–2025 yillar oralig‘ida e'lon qilingan 120 dan ortiq ilmiy maqola va hisobotlar ko‘rib chiqildi; hujjat tahlil: O‘zbekiston Hisob palatasining 2022–2024 yillar davlat budjeti ijrosi bo‘yicha xulosalari, Prezident farmonlari va me'yoriy hujjatlar tahlil etildi [1][2][3]; SWOT tahlili: Davlat auditida SI qo‘llashning kuchli, zaif tomonlari, imkoniyatlari va tahdidlari tizimlashtirildi; ekspert baholash: O‘zbekiston Hisob palatasi, INTOSAI va xorijiy audit idoralari ekspertlarining baholashlari tahlilga jalb etildi.

Tadqiqotning empirik asosi sifatida O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi tomonidan e'lon qilingan 2022, 2023 va 2024 yillar davlat budjeti ijrosi bo‘yicha rasmiy xulosalar[23][24][25] muhim birlamchi manbalar sifatida foydalanildi. Bu xujjatlar audit amaliyotida aniqlangan qonunbuzilishlar, ko‘rsatilgan tavsiyalar va tizimli muammolar haqida qimmatli empirik ma’lumotlar berdi.

Natijalar va muhokama

O‘zbekiston Respublikasida davlat auditining huquqiy bazasi bir necha bosqichda shakllangan. 2021-yil 27-avgustdagi PF-6300-son Farmon[1] davlat moliyaviy nazoratining yangi modelini — ISSAI standartlari asosida moliyaviy, samaradorlik va muvofiqlik auditlarini olib borish tizimini — joriy etdi. Ushbu Farmon bilan «Davlat auditi» dasturiy kompleksi ishga tushirildi, barcha nazorat tadbirlari ushbu tizimda ro‘yxatga olinishi majburiy etib belgilandi.

2024-yil 10-iyuldagi PF-100-son Farmon[3] Hisob palatasi Hay'ati tarkibini yangiladi,

Masofaviy nazorat markazining faoliyatini kuchaytirdi va axborot texnologiyalari auditi standartlarini ishlab chiqishni topshirdi. Ayniqsa muhim jihat — ushbu Farmon Masofaviy nazorat markazida «davlat organlari va tashkilotlarining ma’lumotlar bazalarini o‘zaro solishtirish orqali qonun buzilish holatlarini aniqlash» modullarini rivojlantirishni ko‘zda tutdi.

2025-yil 18-dekabrdagi PF-252-son Farmon[2] — O‘zbekiston davlat auditi sohasidagi eng muhim islohotiy hujjat sifatida — Hisob palatasi faoliyatida «Sun’iy intellekt va raqamli transformatsiya qilish guruhi» tashkil etishni, «Masofaviy audit» avtomatlashtirilgan axborot tizimida «Auditorga ko‘maklashish» modulini ishlab chiqishni, SI texnologiyalariga mashinali o‘qitish orqali xalqaro standartlarni o‘rgatishni va «Sun’iy intellekt assistent» yaratishni belgilab berdi. Maqsad muddatlari: 2026 yil I choragi — guruhni rasmiylashtirish, 2027 yil I yarmi — «Auditorga ko‘maklashish» moduli yaratish.

Hisob palatasi xulosalari[23][24][25] va xalqaro adabiyotlar tahlili asosida davlat auditida SI texnologiyalarining quyidagi asosiy afzalliklari aniqlanadi:

Katta hajmdagi ma’lumotlar tahlili (Big Data Analytics): 2024-yil budjeti ijrosi bo‘yicha Hisob palatasi xulosasida[25] minglab tranzaksiyalar va shartnomalar tahlil qilindi. SI yordamida bunday hajmdagi ma’lumotlarni bir necha soat ichida qayta ishlash mumkin, holbuki an’anaviy usullarda oylar talab etiladi. Xitoy CNAO tajribasi bu samaradorlik 40 foizga oshganini ko‘rsatdi.

Real vaqtda monitoring va erta ogohlantirish: O‘zbekiston Hisob palatasining Masofaviy nazorat markazi[3] 24/7 rejimida ma’lumot bazalarini kuzatib, kutilmagan og‘ishlar va shubhali tranzaksiyalarni darhol aniqlash imkonini beradi. Buyuk Britaniya NAO tajribasi bunday tizim firibgarlikni oldindan aniqlash ehtimolini 65 foizga oshirishini ko‘rsatdi.

Xavf-tahlil va ustuvorlashtirish: SI algoritmlari avvalgi yillar audit natijalarini tahlil qilib, eng yuqori xavf darajasiga ega ob'ektlarni aniq belgilaydi. 2022–2024 yillar Hisob palatasi xulosalari[23][24][25] ko‘rsatdiki, investitsiya dasturlari ijrosi, budjet ssudalarini qaytarish, ta’lim va sog‘liqni saqlash xarajatlari — bu sohalar tizimli ravishda yuqori xavf ko‘rsatkichlariga ega. SI tizimi bunday naqshlarni avtomatik ravishda kelajakdagi audit rejalarida hisobga oladi.

Audit hisobotlari sifatini oshirish: NLP texnologiyalari yordamida «Lex.uz»[2] bilan integratsiyalashgan tizim qonunchilik normalarining bajarilishini avtomatik tekshiradi. Ushbu modul PF-252-son Farmonida[2] «Masofaviy audit» tizimiga 2026-yil mart oyigacha joriy etilishi rejalashtirilgan.

Xarajatlar va resurslarni optimallashtirish: GAO (AQSh) hisobotiga ko‘ra,[7] SI yordamida audit jarayoni 30–50 foiz tezlashdi, auditorlik soatlarini tejash hisobiga qo‘shimcha ob'ektlarni nazorat qilish imkoni paydo bo‘ldi. O‘zbekistonda ham budjet tashkilotlari sonining 2022-yilda [23] 7 487,2 mlrd. so‘mlik nazorat qilinmagan xarajatlar mavjudligini ko‘zga olsak, SI texnologiyalari nazorat qamrovini sezilarli kengaytira oladi.

Auditda shaffoflik va ob'ektivlikni oshirish: Algoritmga asoslangan qarorlar insoniy omil va subyektiv ta’sirdan holiroqdir. 2024-yil audit xulosasida[25] budjet taqchilligini qoplash maqsadida avvalgi yillarda berilgan ssudalar qaytarilmagan holatlar aniqlangan — bunday tizimli muammolarni SI yordamida krosskorrelatsion tahlil orqali erta aniqlash mumkin.

SI texnologiyalarini davlat auditiga tatbiq etishda bir qator jiddiy xavflar mavjud. Ularni quyida tizimli tarzda ko‘rib chiqamiz:

Algoritmik noxolislik va xatolar (Algorithmic Bias): SI tizimlari o‘quv ma’lumotlarining sifatiga bog‘liq. Agar tarixiy ma’lumotlarda ayrim sohalar yoki hududlarga nisbatan noto‘g‘ri belgilangan naqshlar mavjud bo‘lsa, algoritmlar ushbu noxolislikni ko‘paytirib yuboradi.[19] O‘zbekistonda, masalan, 2023-yil Hisob palatasi xulosasida kuzatilgan regional farqlar[24] SI algoritmlariga noto‘g‘ri tahlil uchun asos bo‘lishi mumkin.

Ma’lumotlar xavfsizligi va kiberxavfsizlik tahdidlari:[8] Davlat auditi tizimlari davlat sirini va tijorat sirini tashkil etuvchi maxfiy ma’lumotlarni qayta ishlaydi. PF-252-son Farmonida[2] Hisob palatasi axborot tizimlarida kiberxavfsizlikni ta’minlash, kiberhujumlarga qarshi choralarni kuchaytirish maxsus vazifa etib belgilangan. Davlat audit tizimlariga nishon qilib olinadigan kiberhujumlar davlat moliyaviy ma’lumotlarini o‘g‘rilash yoki soxtalashtirish xavfini keltirib

chiqaradi.

Inson nazoratining zaiflashuvi va «qora quti» muammosi: Murakkab chuqur o‘rganish (deep learning) modellari ko‘pincha «qora quti» (black box) xususiyatiga ega bo‘lib, qaror qabul qilish jarayoni insonlar uchun tushunarsiz bo‘lib qoladi.[21] Audit xulosasida SI tavsiyasiga tayangan holda qabul qilingan va keyinchalik noto‘g‘ri chiqqan qarorlar uchun javobgarlikni belgilash murakkablashadi. Bu ISSAI standartlarining «auditorlik mas'uliyati» tamoyiliga zid keladi.[4]

Huquqiy tartibga solish bo‘shliqlari: Hozirgi kunda O‘zbekistonda SI texnologiyalarini davlat auditida qo‘llashga doir maxsus huquqiy me'yor mavjud emas. PF-252-son Farmonida[2] audit jarayoniga SI texnologiyalarini joriy etish bo‘yicha standartlar ishlab chiqish va amaliyotga tatbiq etish topshirig‘i berilgan bo‘lsa-da, bu jarayon hali tugallanmagan. SI tomonidan aniqlangan qonunbuzilish faktlarining yuridik kuchga egaligi, ularni sudda isbotlash masalasi qonunchilikda aniq tartibga solinmagan.

Malakali kadrlar tanqisligi:[16] SI tizimlarini loyihalash, o‘rnatish va boshqarish uchun ham audit, ham informatika sohasida yuqori darajadagi malakaga ega mutaxassislar zarur. PF-252-son Farmonida[2] Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti bilan hamkorlik orqali kadrlar tayyorlash rejalashtirilgan bo‘lsa-da, «Sun’iy intellekt va raqamli transformatsiya qilish guruhi» uchun zarur bo‘lgan mutaxassislarni shakllantirishda vaqt talab etiladi.

Texnologik qaramlik va tizim xatolari xavfi: Davlat auditi tizimining bir platforma yoki texnologiya ta’minotchisiga bog‘liq bo‘lib qolishi strategik xavf tug‘diradi. Tizim nosozligi, yangilash muammolari yoki ta’minotchi bankrotligi audit jarayonining to‘xtab qolishiga olib kelishi mumkin.[12]

Xorijiy davlatlar tajribasini qiyosiy tahlil qilish O‘zbekiston uchun muhim yo‘nalishlar belgilashga yordam beradi.[7] Buyuk Britaniya NAO 2018-yildan boshlab sun’iy intellekt yordamida ijtimoiy nafaqalar bo‘yicha firibgarliklarni aniqlash tizimini joriy etgan va birinchi yilning o‘zida 1,3 mlrd. funt sterling tejamkorlikka erishgan. Ushbu muvaffaqiyatning kaliti — bosqichma-bosqich joriy etish, keng ko‘lamdagi pilotlar o‘tkazish va doimiy inson nazoratini saqlab qolish edi.

Niderlandiya Oliy audit palatasi SI yordamida davlat xaridlari sohasidagi g‘ayriodatiy operatsiyalarni aniqlash tizimini ishga tushirganda, nafaqat texnik, balki etik va huquqiy me'yorlarni ham parallel ravishda ishlab chiqqan.[26] Bu yondashuv algoritmik qarorlarning sud muhokamalarida ham qonuniy kuchga ega bo‘lishini ta’minlagan.

Estoniya — raqamli davlat boshqaruvi sohasidagi dunyodagi eng ilg‘or mamlakatlardan biri sifatida[27] — davlat audit tizimiga SI ni integratsiya qilishda milliy raqamli infratuzilmadan (X-Road ma’lumotlar almashinuv platformasi) keng foydalangan. O‘zbekistonda ham «E-Kengash», «E-Qaror» dasturlari va «Davlat moliyasini boshqarish» axborot tizimlarining bir-biri bilan integratsiyasi[2] shu yo‘nalishdagi muhim qadam sifatida baholanadi.

Xitoy CNAO tajribasi ayniqsa O‘zbekiston uchun dolzarb bo‘lib, «Oltin audit» tizimi asosida amalga oshirilgan mashinali o‘rganish yordamida soliq kelishmaovchiliklarini aniqlash mexanizmi[15] O‘zbekiston Soliq qo‘mitasi va Hisob palatasi o‘rtasidagi ma’lumot almashinuvini yaxshilash uchun prototip sifatida qo‘llanilishi mumkin.

2022–2024 yillar davlat budjeti ijrosi xulosalari tahlili[23][24][25] bir qator takrorlanuvchi tizimli muammolarni ko‘rsatdi: investitsiya dasturlaridagi yildan-yilga o‘tuvchi ob'ektlar qiymatining asossiz oshishi; budjet ssudalarini o‘z vaqtida qaytarmaslik; qurilish sohasida e'lon qilinmagan da’vo shartnomalari orqali qonun chetlab o‘tilishi; mahalliy budjet xarajatlarida nazorat zaif bo‘lgan yo‘nalishlar.

SI texnologiyalari ushbu muammolarni hal qilishda aniq imkoniyatlar taqdim etadi. Birinchidan, grafik tahlil algoritmlari (graph analytics) orqali «da’vo shartnoma» orqali bog‘liq korxonalar o‘rtasidagi moliyaviy oqimlarni aniqlash mumkin. Ikkinchidan, narx prognozlash modellari yordamida investitsiya ob'ektlari qiymatining asosli o‘sish chegaralarini avtomatik belgilash imkoniyati mavjud. Uchinchidan, vaqt qatori tahlili (time series analysis) yordamida

budjet ssudalarini qaytarish muddatlarini kuzatish va muddatvaqtida ogohlantirish tizimini yaratish mumkin.

Xulosa

Mazkur tadqiqot shuni ko‘rsatadiki, davlat auditida sun’iy intellekt texnologiyalarini qo‘llash auditorlik amaliyotini tubdan o‘zgartirish salohiyatiga ega. O‘zbekiston Respublikasining me'yoriy-huquqiy bazasi va xalqaro standartlar [4] asosida quyidagi xulosalar chiqarildi:

O‘zbekiston Respublikasi PF-252-son Farmon davlat auditi sohasida SI texnologiyalarini institutsional jihatdan mustahkamlash yo‘lida muhim qadam sifatida baholanadi. Biroq huquqiy tartibga solish, standartlashtirish va mas'uliyat belgilash masalalari hali to‘liq hal etilmagan.

SI texnologiyalari katta hajmdagi ma’lumotlarni qayta ishlash, real vaqtda monitoring va xavf tahlilida auditorlik samaradorligini 30–65 foiz oshirish imkonini beradi (xalqaro tajribaga ko‘ra), ammo bu natijalarga erishish uchun sifatli ma’lumotlar bazasi va malakali kadrlar zarur.

Algoritmik noxolislik, kiberxavfsizlik tahdidlari, «qora quti» muammosi va huquqiy bo‘shliqlar — bu xavflarni kamaytirish uchun parallel ravishda etik me'yorlar, tushuntiriluvchi SI (Explainable AI) va kuchli inson nazoratini saqlab qolish zarur.

Xalqaro tajriba (NAO, GAO, CNAO, Niderlandiya, Estoniya) ko‘rsatadiki, muvaffaqiyatli SI tatbiqi uchun bosqichma-bosqich yondashuv, keng pilotlar, parallel huquqiy islohotlar va kadrlar tayyorlash majmuasi zarur.

Tadqiqot natijalari asosida quyidagi amaliy tavsiyalar ishlab chiqildi: O‘zbekistonda «Davlat auditi sohasida sun’iy intellektdan foydalanish to‘g‘risida» maxsus qonun yoki qoidalar qabul qilish; tushuntiriluvchi SI (XAI — Explainable Artificial Intelligence) tamoyillarini audit algoritmlarining asosi sifatida belgilash; Hisob palatasida kiberxavfsizlik bo‘linmasini yanada kuchaytirish va doimiy penetratsion testlar o‘tkazish; Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti bilan hamkorlikda si auditori ixtisosligi bo‘yicha o‘quv dasturlarini ishlab chiqish; INTOSAI tajribasidan foydalanib, SI asosidagi audit tizimlarini sertifikatsiyalash mexanizmini joriy etish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Davlat auditini joriy etish va moliyaviy nazorat samaradorligini oshirish to‘g‘risida» 2021-yil 27-avgustdagi PF-6300-son Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlar bazasi. https://lex.uz/docs/-5607471

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Davlat auditi va moliyaviy nazorati faoliyatini yanada takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida» 2025-yil 18-dekabrdagi PF-252-son Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlar bazasi. https://lex.uz/docs/-7926706

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining davlat auditi va moliyaviy nazorat tizimini takomillashtirish to‘g‘risida 2024-yil 10-iyuldagi PF-100-son Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlar bazasi. https://lex.uz/docs/-7015258

4. INTOSAI (International Organisation of Supreme Audit Institutions). International Standards of Supreme Audit Institutions (ISSAI). INTOSAI General Secretariat, Vienna. https://www.issai.org

5. Schwab, K. (2016). The Fourth Industrial Revolution. World Economic Forum, Geneva, Switzerland. 172 p.

6. Dwivedi, Y.K., et al. (2021). Artificial Intelligence (AI): Multidisciplinary perspectives on emerging challenges, opportunities, and agenda for research, practice and policy. International Journal of Information Management, 57, 101994. https://doi.org/10.1016/j.ijinfomgt.2019.08.002

7. GAO — U.S. Government Accountability Office. (2023). Science & Tech Spotlight: Generative AI. Technology Assessment. Washington, D.C. https://www.gao.gov/products/gao-23-106782

8. Mittelstadt, B.D., Allo, P., Taddeo, M., Wachter, S., & Floridi, L. (2016). The ethics of algorithms: Mapping the debate. Big Data & Society, 3(2), 1–21.

https://doi.org/10.1177/2053951716679679

9. Tran, M., & Buckley, O. (2021). Challenges for AI in government auditing: Bias, explainability and accountability. Government Information Quarterly, 38(4), 101579. https://doi.org/10.1016/j.giq.2021.101579

10. Nikoll, P. (2005). Audit in Democracy. Ashgate Publishing Ltd, England. 320 p.

11. Politt, C., Girre, X., Londsdale, J., Mul, R., Summa, H., & Waerness, M. (1999). Performance or Compliance?: Performance audit and public management in five countries. Oxford University Press, New York. 265 p.

12. Brown, C.E., & Vasarhelyi, M.A. (2015). Big Data/Analytics in Accounting: Opportunities for the Audit Function. Working Paper, Rutgers University.

13. Barrett, P. (1999). Auditing in Contemporary Public Administration. The Australian National University (ANU), Canberra. 94 p.

14. Brown, R.E. (1979). The Effectiveness of Legislative Program Review. Transaction Books, New Brunswick, N.J.

15. Cao, M., Chychyla, R., & Stewart, T. (2015). Big Data analytics in financial statement audits. Accounting Horizons, 29(2), 423–429. https://doi.org/10.2308/acch-51059

16. Abdolmohammadi, M.J. (2009). Factors associated with the use of and compliance with the IIA standards: a study of Anglo-culture CAEs. International Journal of Auditing, 13(1), 27–42.

17. Kend, M., & Nguyen, L.T.T. (2020). Big data analytics and other emerging technologies: the impact on the Australian audit and assurance profession. Australian Accounting Review, 30(4), 269–282. https://doi.org/10.1111/auar.12305

18. Sun, T., & Zhang, C. (2022). Automated audit workpapers using NLP and machine learning: evidence from state audit practices. Journal of Emerging Technologies in Accounting, 19(1), 45–62. https://doi.org/10.2308/JETA-2021-039

19. O‘Neil, C. (2016). Weapons of Math Destruction: How Big Data Increases Inequality and Threatens Democracy. Crown Publishers, New York. 272 p.

20. Floridi, L., et al. (2018). AI4People — An Ethical Framework for a Good AI Society: Opportunities, Risks, Principles, and Recommendations. Minds and Machines, 28(4), 689–707. https://doi.org/10.1007/s11023-018-9482-5

21. Goodman, B., & Flaxman, S. (2017). European Union regulations on algorithmic decision making and a «right to explanation». AI Magazine, 38(3), 50–57. https://doi.org/10.1609/aimag.v38i3.2741

22. Sikka, P., Filling, S., & Liew, P. (2009). The audit crunch: reforming auditing. Managerial Auditing Journal, 24(2), 135–155. https://doi.org/10.1108/02686900910924948

23. O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi. (2023). Davlat budjeti va davlat maqsadli jamg‘armalari budjetlarining 2022 yildagi ijrosi to‘g‘risidagi hisobot bo‘yicha xulosa. Toshkent: Hisob palatasi. https://www.счётнаяпалата.uz

24. O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi. (2024). Davlat budjeti va davlat maqsadli jamg‘armalari budjetlarining 2023 yildagi ijrosi to‘g‘risidagi hisobot bo‘yicha xulosa. Toshkent: Hisob palatasi.

25. O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi. (2025). Davlat budjeti va davlat maqsadli jamg‘armalari budjetlarining 2024 yildagi ijrosi to‘g‘risidagi hisobot bo‘yicha xulosa. Toshkent: Hisob palatasi.

26. Netherlands Court of Audit. (2022). Understanding Algorithms. The Hague: Algemene Rekenkamer. https://www.rekenkamer.nl/english

27. e-Estonia. (2023). Digital Society: Estonia’s Digital Transformation. e-Estonia Briefing Centre. https://e-estonia.com

AGRAR SOHAGA INVESTITSIYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

Yusufjonov Ravshanbek Rustamjon o‘g‘li

Namangan davlat texnika universiteti mustaqil izlanuvchisi
E-mail: ravshabek_r001@gmail.com

Annotatsiya. *Mazkur maqolada agrar sohaga investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirishning zamonaviy institutsional va moliyaviy mexanizmlari asosida tadqiq etilgan. Tadqiqot davomida yer munosabatlarini takomillashtirish, qishloq xo‘jaligi texnikalarini moliyalashtirish tizimini rivojlantirish, lizing va sug‘urta mexanizmlarini kuchaytirish, soliq imtiyozlari hamda davlat subsidiyalarining agrar investitsion muhitga ta’siri tahlil qilingan. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, mazkur mexanizmlar agrar sektorda investitsion faollikni oshirish, texnik modernizatsiyani jadallashtirish, moliyaviy risklarni kamaytirish va qishloq hududlarida bandlikni kengaytirishga xizmat qilishi aniqlangan.*

Kalit so‘zlar: *agrar investitsiya, qishloq xo‘jaligi, lizing, subsidiya, investitsion muhit, QQS imtiyozi, agrar iqtisodiyot, texnik modernizatsiya.*

WAYS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF ATTRACTING INVESTMENTS INTO THE AGRICULTURAL SECTOR

Yusufjonov Ravshanbek Rustamjon ugli

Independent Researcher of Namangan State Technical University
E-mail: ravshabek_r001@gmail.com

Abstract. *This article examines modern institutional and financial mechanisms for improving the efficiency of attracting investments into the agricultural sector. During the research, the impact of improving land relations, developing agricultural machinery financing systems, strengthening leasing and insurance mechanisms, tax incentives, and state subsidies on the agricultural investment environment was analyzed. According to the research findings, these mechanisms contribute to increasing investment activity in the agricultural sector, accelerating technical modernization, reducing financial risks, and expanding employment opportunities in rural areas.*

Keywords: *agricultural investment, agriculture, leasing, subsidy, investment environment, VAT incentive, agricultural economics, technical modernization.*

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В АГРАРНЫЙ СЕКТОР

Юсуфжонов Равшанбек Рустамжон ўғли

Независимый исследователь Наманганского государственного технического университета
E-mail: ravshabek_r001@gmail.com

Аннотация. *В данной статье исследованы современные институциональные и*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

финансовые механизмы повышения эффективности привлечения инвестиций в аграрный сектор. В ходе исследования проанализировано влияние совершенствования земельных отношений, развития системы финансирования сельскохозяйственной техники, усиления механизмов лизинга и страхования, налоговых льгот и государственных субсидий на инвестиционную среду аграрного сектора. По результатам исследования установлено, что данные механизмы способствуют повышению инвестиционной активности в аграрном секторе, ускорению технической модернизации, снижению финансовых рисков и расширению занятости в сельской местности.

Ключевые слова: *аграрные инвестиции, сельское хозяйство, лизинг, субсидия, инвестиционная среда, льготы по НДС, аграрная экономика, техническая модернизация.*

Kirish

Bugungi kunda jahon iqtisodiyotida qishloq xo‘jaligi oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlovchi strategik tarmoqlardan biri sifatida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Global iqlim o‘zgarishi, logistika tizimidagi uzilishlar, suv resurslari tanqisligi va aholi sonining ortib borishi agrar ishlab chiqarishni yanada rivojlantirish zaruratini kuchaytirmoqda. FAO ma’lumotlariga ko‘ra, kelgusida oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan talabning ortishi qishloq xo‘jaligiga investitsiyalar hajmini sezilarli oshirishni talab qiladi [1].

Xalqaro amaliyotda agrar investitsiyalarni rag‘batlantirish maqsadida subsidiyalar, imtiyozli kreditlar, lizing tizimlari, sug‘urta mexanizmlari va soliq preferensiyalaridan keng foydalaniladi. AQSH va Yevropa davlatlarida agrar sohani qo‘llab-quvvatlash tizimi fermerlarning moliyaviy barqarorligini ta’minlashda muhim omil hisoblanadi [2].

O‘zbekistonda ham agrar sohani modernizatsiya qilish va investitsion jozibadorligini oshirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishiga aylangan. Biroq, qishloq xo‘jaligida texnik ta’minotning yetarli emasligi, kredit resurslarining qimmatligi, investitsion risklarning yuqoriligi va kichik fermerlarning moliyaviy imkoniyatlari cheklanganligi agrar soha rivojlanishiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda.

Adabiyotlar sharhi

Agrar investitsiyalarni rivojlantirish masalalari xorijiy va mahalliy olimlar tomonidan keng tadqiq etilgan.

J. Stiglitz davlat subsidiyalari investitsion risklarni kamaytirishini va agrar ishlab chiqarish faolligini oshirishini ta’kidlaydi [3]. M. Porter agrar tarmoq raqobatbardoshligini oshirishda texnologik modernizatsiya va investitsion muhitning ahamiyatini asoslab bergan [4]. Keynes esa davlat subsidiyalari va moliyaviy qo‘llab-quvvatlash iqtisodiy faollikni rag‘batlantirishini qayd etgan [5].

Mahalliy olimlardan X. Abdullayev agrar sektorda kredit resurslari yetishmasligi investitsion rivojlanishni cheklashini ko‘rsatgan [6]. M. Karimov esa davlat subsidiyalarini takomillashtirish zarurligini ta’kidlaydi [7].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda iqtisodiy-statistik tahlil, qiyosiy tahlil, tizimli yondashuv va ekspert baholash usullaridan foydalanildi. Tadqiqotning axborot bazasini xalqaro tashkilotlar hisobotlari, milliy statistika ma’lumotlari va ilmiy adabiyotlar tashkil etdi.

Tahlil va natijalar

Qishloq xo‘jaligida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish mexanizmini takomillashtirishning ahamiyati bugungi kunda mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash, agrar sohada raqobatbardoshlikni oshirish hamda ishlab chiqarish samaradorligini kuchaytirishda muhim omil hisoblanadi. Investitsiyalar yordamida zamonaviy texnika va texnologiyalarni joriy

etish, suv va yer resurslaridan samarali foydalanish, eksportbop mahsulotlar hajmini kengaytirish imkoniyati yaratiladi. Shu bilan birga, investitsiya loyihalarining samarali moliyalashtirilishi qishloq xo‘jaligi korxonalarining moliyaviy barqarorligini mustahkamlab, yangi ish o‘rinlarini yaratishga xizmat qiladi. Ayniqsa, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini rivojlantirish orqali agrar tarmoqning innovatsion salohiyati yanada ortadi.

Tadqiqot davomida agrar sohaga investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirishga qaratilgan bir qator mexanizmlar tahlil qilindi.

Birinchi mexanizm sifatida “Temir daftar”, “Ayollar daftari” va “Yoshlar daftari”da ro‘yxatda turgan fuqarolarga yer uchastkalarini besh yil muddatga foizsiz bo‘lib to‘lash imkoniyatini yaratish taklif etildi. Ushbu tizim aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini agrar faoliyatga jalb qilish, yangi fermer xo‘jaliklarini tashkil etish va qishloq hududlarida bandlikni oshirishga xizmat qiladi.

1-jadval.

Yer uchastkasini bo‘lib to‘lash tizimining iqtisodiy samaradorligi[68]

Ko‘rsatkich	Amaldagi tizim	Taklif etilayotgan tizim	Kutilayotgan natija
Yer olishdagi boshlang‘ich xarajat	yuqori	past	yangi fermerlar soni oshadi
Moliyaviy yuklama	bir martalik	uzoq muddatli	likvidlik yaxshilanadi
Aholining agrar faoliyatga kirishi	cheklangan	kengayadi	bandlik oshadi
Investitsion faollik	sust	yuqori	ishlab chiqarish hajmi oshadi

Ikkinchi mexanizm tijorat banklari tomonidan lizing kompaniyalariga ajratiladigan mablag‘larni sug‘urta polisi va uchinchi shaxs kafilligi asosida moliyalashtirishni nazarda tutadi. Mazkur yondashuv bank risklarini kamaytiradi va qishloq xo‘jaligi texnikalarini yangilash jarayonini tezlashtiradi.

2-jadval.

Lizing va sug‘urta tizimining iqtisodiy samaradorligi[69]

Ko‘rsatkich	Amaldagi holat	Taklif etilgan mexanizm	Natija
Kredit riski	yuqori	kamayadi	bank faolligi oshadi
Lizing operatsiyalari	cheklangan	kengayadi	texnika yangilanadi
Fermerlarning texnik ta’minoti	yetarli emas	yaxshilanadi	hosildorlik oshadi
Investitsion xavfsizlik	past	yuqori	investitsiya hajmi ortadi

Uchinchi mexanizm sifatida xorijdan olib kelinadigan qishloq xo‘jaligi texnikalari va ehtiyot qismlari uchun qo‘shilgan qiymat solig‘ini 120 kungacha kechiktirish taklif etilgan. Bu

[68] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.
[69] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.

agrar korxonalarning aylanma mablag‘larini saqlab qolishga va ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Mazkur yo‘nalishning yana bir muhim jihati shundaki, investitsiya loyihalarini moliyalashtirish tizimini takomillashtirish hududlar iqtisodiy rivojlanishiga ham sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Moliyaviy resurslardan oqilona foydalanish orqali qishloq infratuzilmasini yaxshilash, qayta ishlash sanoatini rivojlantirish va logistika tizimini modernizatsiya qilish imkoniyati kengayadi. Natijada agrar mahsulotlarning tannarxi pasayib, ichki va tashqi bozorlarda raqobat ustunligi ta’minlanadi. Shuningdek, investitsion muhitning jozibadorligi oshishi banklar, xalqaro moliya institutlari va investorlarning qishloq xo‘jaligiga bo‘lgan ishonchini mustahkamlaydi. Bu esa uzoq muddatli iqtisodiy o‘sish va barqaror rivojlanish uchun mustahkam asos yaratadi.

3-jadval.

QQSni kechiktirish mexanizmining iqtisodiy ta’siri[70]

Ko‘rsatkich	*Amaldagi tizim*	*Taklif etilgan tizim*	*Natija*
QQS to‘lov muddati	**darhol**	**120 kungacha**	**likvidlik oshadi**
Aylanma mablag‘	**kamayadi**	**saqlanib qoladi**	**pul oqimi yaxshilanadi**
Texnika importi	**sekin**	**tezlashadi**	**modernizatsiya kuchayadi**
Investitsion imkoniyat	**cheklangan**	**kengayadi**	**ishlab chiqarish ortadi**

To‘rtinchi mexanizm esa kredit yoki lizing asosida xarid qilinadigan qishloq xo‘jaligi texnikalari bo‘yicha foiz xarajatlarining bir qismini davlat budjeti hisobidan qoplashni nazarda tutadi. Mazkur tizim kredit resurslarining arzonlashishiga va investitsion faollikning oshishiga olib keladi.

4-jadval.

Foiz subsidiyasi mexanizmining iqtisodiy samaradorligi[71]

Ko‘rsatkich	Amaldagi holat	Subsidiyadan keyingi holat	Natija
Kredit qiymati	yuqori	kamayadi	kredit olish osonlashadi
Fermer xarajatlari	katta	qisqaradi	rentabellik oshadi
Texnika xaridi	sekin	tezlashadi	modernizatsiya kuchayadi
Investitsion faollik	past	yuqori	ishlab chiqarish hajmi ortadi

Yuqoridagi 1-2-3-4-jadvallar natijasidagi tahlillar shuni ko‘rsatadiki, taklif etilgan mexanizmlar agrar sektorda investitsion muhitni yaxshilashda kompleks ahamiyatga ega. Yer uchastkalarini foizsiz bo‘lib to‘lash tizimi ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarning agrar faoliyatga kirib kelishini rag‘batlantiradi.

Lizing va sug‘urta mexanizmlari tijorat banklarining agrar sektorga bo‘lgan ishonchini oshirib, kreditlash hajmini kengaytiradi. QQSni kechiktirish tizimi korxonalarning qisqa muddatli moliyaviy bosimini kamaytiradi va pul oqimini yaxshilaydi. Foiz subsidiyalari esa investitsion xarajatlarni kamaytirib, zamonaviy texnologiyalarni joriy qilishni tezlashtiradi.

[70] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.
[71] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.

1-rasm. Agrar sohaga investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirish mexanizmlari[72]

Mazkur 1-rasmda aks ettirilganidek mexanizmlar birgalikda agrar sektorning investitsion jozibadorligini oshirish va ishlab chiqarish samaradorligini yaxshilashga xizmat qiladi.

Xulosa va takliflar

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, agrar sohaga investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshirishda davlatning moliyaviy qo‘llab-quvvatlashi hal qiluvchi va tizimli ahamiyatga ega ekanligi aniqlandi. Agrar sektorning o‘ziga xos xususiyati — yuqori tabiiy risklar, mavsumiylik, narxlarning o‘zgaruvchanligi hamda uzoq muddatli investitsiya qaytimi bilan bog‘liq bo‘lgani sababli, bu sohada bozor mexanizmlarining o‘zi yetarli darajada samarali ishlamaydi. Shu nuqtayi nazardan, davlat aralashuvi investitsion muhitni barqarorlashtiruvchi asosiy institut sifatida namoyon bo‘ladi.

Xususan, yer uchastkalarini foizsiz bo‘lib to‘lash tizimi agrar inklyuzivlikni kengaytirib, aholining keng qatlamlari — ayniqsa yoshlar, ayollar va ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalar uchun qishloq xo‘jaligi faoliyatiga kirish imkoniyatini sezilarli darajada oshiradi. Bu esa nafaqat yangi fermer xo‘jaliklarining shakllanishiga, balki qishloq hududlarida iqtisodiy faollikning kuchayishiga ham xizmat qiladi.

Shuningdek, lizing va sug‘urta mexanizmlarining uyg‘unlashuvi kredit risklarini sezilarli darajada kamaytiradi. Bu bank va moliya institutlarining agrar sektorga nisbatan ishonchini oshiradi hamda qishloq xo‘jaligi texnikalarini yangilash jarayonini tezlashtiradi. Natijada ishlab chiqarishning texnik bazasi mustahkamlanib, mehnat unumdorligi oshadi.

QQSni kechiktirish mexanizmi esa korxonalar uchun qisqa muddatli moliyaviy bosimni kamaytirib, ularning aylanma mablag‘larini saqlab qolishga yordam beradi. Bu holat ishlab chiqarish jarayonlarining uzluksizligini ta’minlab, import qilinadigan zamonaviy texnika va ehtiyot qismlar bilan ta’minlanishni tezlashtiradi.

Bundan tashqari, kredit va lizing foiz xarajatlarining davlat tomonidan qisman subsidiyalanishi investitsion muhitni yanada jozibador qiladi. Foiz yukining kamayishi fermer xo‘jaliklari va agrokorxonalar uchun moliyaviy resurslardan foydalanishni yengillashtiradi hamda ularning kengayish va modernizatsiya qilish imkoniyatlarini oshiradi.

Umuman olganda, taklif etilgan barcha mexanizmlar o‘zaro uyg‘unlashgan kompleks tizim sifatida O‘zbekistonda agrar sektorni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilanish jarayonlarini jadallashtirish hamda qishloq xo‘jaligining investitsion jozibadorligini sezilarli darajada oshirishning muhim institutsional asosini yaratadi. Shu bilan birga, mazkur yondashuv

[72] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

qishloq hududlarida barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlash, bandlikni kengaytirish va oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. FAO. Global Agriculture Outlook 2023.
2. World Bank. Agricultural Finance Review. 2022.
3. Stiglitz J. Economics of Public Sector. New York, 2019.
4. Porter M. Competitive Advantage of Nations. 2018.
5. Keynes J.M. General Theory of Employment, Interest and Money.
6. Abdullayev X. Agrar iqtisodiyot asoslari. Toshkent, 2023.
7. Karimov M. O‘zbekistonda agrar islohotlar samaradorligi. Toshkent, 2022.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

XO‘JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLARNING INNOVATSION FAOLIYATINI MOLIYAVIY RAG‘BATLANTIRISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH YO‘NALISHLARI

Baxriddinov Nodirbek Zamirdinovich

Namangan davlat texnika universiteti mustaqil izlanuvchisi
E-mail: nodirbek_b@gmail.com

Annotatsiya*. Mazkur maqolada xo‘jalik yurituvchi subyektlarning innovatsion faoliyatini moliyaviy rag‘batlantirish mexanizmlarini takomillashtirishning institutsional va moliyaviy asoslari chuqur tahlil qilingan. Tadqiqotda davlat ilmiy dasturlari doirasida innovatsion loyihalarni tanlov asosida moliyalashtirish, innovatsion korxonalarga mablag‘lar yo‘naltirish tizimi, venchur fondlar instituti hamda institutsional qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarining iqtisodiy samaradorligi o‘rganilgan. Natijalar innovatsion faollikni oshirish va iqtisodiy o‘sishni jadallashtirishga xizmat qiladi.*

Kalit so‘zlar: *innovatsiya, moliyalashtirish, venchur kapital, startap, davlat dasturlari, institutsional mexanizm, iqtisodiy o‘sish, texnologik rivojlanish*

DIRECTIONS FOR IMPROVING FINANCIAL INCENTIVE MECHANISMS FOR INNOVATIVE ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES

Bakhriddinov Nodirbek Zamirdinovich

Independent Researcher of Namangan State Technical University
E-mail: nodirbek_b@gmail.com

Abstract. *This article provides a comprehensive analysis of institutional and financial mechanisms for improving the stimulation of innovative activities of business entities. The study examines competitive financing of innovation projects within state programs, allocation of funds to innovative enterprises, the venture capital system, and the effectiveness of institutional support mechanisms. The results demonstrate that these mechanisms contribute to enhancing innovative activity and accelerating economic growth.*

Keywords: *innovation, financing, venture capital, start-up, state programs, institutional mechanism, economic growth, technological development.*

НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ФИНАНСОВОГО СТИМУЛИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

Бахриддинов Нодирбек Замирдинович

Независимый исследователь Наманганского государственного технического университета
E-mail: nodirbek_b@gmail.com

Аннотация. *В данной статье проведён углублённый анализ институциональных и финансовых основ совершенствования механизмов стимулирования инновационной*

деятельности хозяйствующих субъектов. В рамках исследования рассмотрены конкурсное финансирование инновационных проектов в государственных программах, система направления средств инновационным предприятиям, институт венчурного капитала и эффективность институциональных механизмов поддержки. Результаты показывают, что данные механизмы способствуют повышению инновационной активности и ускорению экономического роста.

Ключевые слова: *инновации, финансирование, венчурный капитал, стартап, государственные программы, институциональный механизм, экономический рост, технологическое развитие.*

Kirish

Hozirgi globallashuv sharoitida iqtisodiy rivojlanishning asosiy omili sifatida innovatsion faoliyatning roli keskin ortib bormoqda. Rivojlangan davlatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy o‘sishning barqarorligi bevosita innovatsion tizimning samaradorligiga bog‘liq.

J. Schumpeterning “ijodiy buzilish” nazariyasiga ko‘ra, iqtisodiy tizimdagi har bir sifatli o‘zgarish innovatsiyalar orqali amalga oshadi [1]. P. Drucker innovatsiyani iqtisodiy rivojlanishning asosiy resursi sifatida baholaydi [2]. M. Porter esa innovatsion raqobatbardoshlikni klasterlashgan iqtisodiy muhit bilan bog‘laydi [3].

Bugungi kunda jahon iqtisodiyotida quyidagi tendensiyalar kuzatilmoqda:

- bilimga asoslangan iqtisodiyotning kengayishi
- startap ekotizimlarining tez rivojlanishi
- venchur kapital bozorining kengayishi
- davlat va xususiy sektor integratsiyasi

O‘zbekiston iqtisodiyotida ham innovatsion rivojlanish ustuvor yo‘nalish sifatida belgilangan bo‘lsa-da, bir qator tizimli muammolar mavjud:

- innovatsion loyihalarning yetarli moliyalashtirilmasligi
- venchur kapital infratuzilmasining sustligi
- ilm-fan va ishlab chiqarish o‘rtasidagi uzilish
- institutsional mexanizmlarning yetarlicha rivojlanmaganligi

Shu sababli innovatsion faoliyatni moliyaviy rag‘batlantirish mexanizmlarini takomillashtirish iqtisodiy siyosatning dolzarb yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Adabiyotlar sharhi

Innovatsion iqtisodiyot va uni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash masalalari jahon va mahalliy iqtisodchi olimlar tomonidan keng tadqiq etilgan.

J.Schumpeter innovatsiyani iqtisodiy tizimni harakatlantiruvchi asosiy kuch sifatida ko‘rib, eski texnologiyalarni yangi texnologiyalar tomonidan siqib chiqarilishi jarayonini “creative destruction” deb ataydi. Uning fikricha, iqtisodiy o‘sishning asosiy manbai aynan innovatsiyalardir [1]. P.Drucker esa innovatsiyani tadbirkorlikning markaziy funksiyasi sifatida ko‘rib, har qanday iqtisodiy rivojlanish yangi g‘oyalarni amaliyotga tatbiq etish orqali yuzaga kelishini ta’kidlaydi [2]. M.Porter innovatsion rivojlanishni klaster nazariyasi orqali tushuntirib, geografik va tarmoq jihatdan birlashgan korxonalar innovatsion samaradorlikni oshirishini asoslab beradi [3]. R.Solow iqtisodiy o‘sishda texnologik taraqqiyotning hal qiluvchi rolini ko‘rsatib, kapital va mehnat bilan bir qatorda innovatsiya ham asosiy omil ekanligini ta’kidlaydi [4].

Mahalliy olimlardan Q.Abdurahmonov innovatsion iqtisodiyotda mehnat bozori va inson kapitalining rolini chuqur tahlil qilgan bo‘lib, innovatsion rivojlanish uchun malakali kadrlar tayyorlash muhimligini qayd etadi [5]. A.Vahobov investitsiya siyosatini tahlil qilib, moliyaviy resurslarning samarali taqsimlanishi innovatsion faollikni belgilovchi asosiy omil ekanligini asoslab bergan [6]. M.Qodirov esa O‘zbekistonda innovatsion siyosatni takomillashtirish zarurligini ta’kidlab, davlat qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini modernizatsiya qilishni taklif etadi [7].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda iqtisodiy-statistik tahlil, qiyosiy tahlil, tizimli yondashuv va ekspert baholash usullaridan foydalanildi. Tadqiqotning axborot bazasini xalqaro tashkilotlar hisobotlari, milliy statistika ma’lumotlari va ilmiy adabiyotlar tashkil etdi.

Tahlil va natijalar

Innovatsion iqtisodiyot sharoitida xo‘jalik yurituvchi subyektlarning innovatsion faolligini oshirishda davlatning moliyaviy va institutsional qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari tizimli ahamiyatga ega. Quyida asosiy takliflar alohida tahlil va vizual modellarda keltiriladi.

Davlat ilmiy dasturlari doirasida xo‘jalik yurituvchi subyektlarining innovatsion faolligini oshirishda ularning ilmiy-tadqiqot loyihalarini tanlovlar asosida moliyalashtirishning yangi ta’sirchan mexanizmlarini joriy etish lozim bo‘lib uni quyidagi 1-jadval va 1-rasmda aks etgani kabi asoslantirish mumkin.

1-jadval.

Tanlov tizimi samaradorligi[73]

Ko‘rsatkich	Amaldagi tizim	Taklif etilgan tizim
Shaffoflik	Past	Yuqori
Raqobat	Cheklangan	Kuchli
Sifat	O‘rtacha	Yuqori
Resurs taqsimoti	Samarasiz	Optimal

Tanlov asosidagi tizim resurslarni eng yuqori innovatsion salohiyatga ega loyihalarga yo‘naltiradi. Bu esa davlat mablag‘larining samarasiz sarflanishini kamaytiradi va ilmiy loyihalar sifatini oshiradi.

1-rasm. Tanlov asosida moliyalashtirish modeli[74]

Yuqoridagi 1-rasm keltirilganidek tizim qanday ketma-ketlikda samarali ishlashini ko‘rishimiz mumkin.

Innovatsion tashkilotlar tomonidan muntazam ravishda o‘z ehtiyojlari va muammolari yechimiga qaratilgan ‘tubdan yangilovchi’ innovatsiyalarga sarmoya kiritish ko‘nikmasini shakllantirish zarurati mavjud bo‘lib uni quyidagi cha asoslash mumkin(2-jadval).

2-jadval.

Innovatsion sarmoya modeli[75]

Ko‘rsatkich	Passiv model	Aktiv model
Yo‘nalish	**Tashqi**	**Ichki**
Innovatsiya turi	**Kichik**	**Radikal**
Natija	**Sekin o‘sish**	**Tez rivojlanish**

Aktiv innovatsion model korxonalarni faqat iste’molchi emas, balki yaratuvchi subyektga

[73] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.
[74] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.
[75] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.

aylantiradi. Bu ichki R&D tizimini kuchaytiradi. Buni quyidagi 2-rasmdagi mexanizmdan ko’rsak bo‘ladi.

2-rasm. Innovatsion sarmoya oqimi[76]

Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning innovatsion faoliyatni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning institutsional mexanizmlarini takomillashtirish orqali innovatsion faol tashkilotlar ulushini 25-30 foizgacha oshirib borish ancha yuqori darajada samara keltiradi(3-jadval).

3-jadval.

Institutsional indikator ta’siri tahlili[77]

Ko‘rsatkich	Hozirgi holat	Maqsad
Innovatsion korxonalar	10–15%	25–30%
Davlat qo‘llab-quvvatlash	O‘rtacha	Yuqori
Barqarorlik	Past	Yuqori



3-rasm. Institutsional qo‘llab-quvvatlash tizimi.[78]

Ushbu indikator innovatsion iqtisodiyotning yetuklik darajasini ifodalaydi va tizimli transformatsiyani anglatadi.

Innovatsion rivojlanish agentligi har yili ilmiy hajmdor mahsulot ishlab chiqarishga ixtisoslashgan yangi innovatsion korxonalarda raqobatbardosh yangi mahsulotlar ishlab chiqarish

[76] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.
[77] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.
[78] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.

texnologiyalarini o‘zlashtirish loyihalariga davlat ilmiy dasturlariga ajratilgan mablag‘larning 10 foizini yo‘naltirish lozim.

4-jadval.

10% mexanizm ta’siri natijalari tahlili[79]

Ko‘rsatkich	Hozir	Taklif
Texnologiya joriy etish	Past	Yuqori
Innovatsion korxonalar	Kam	Ko‘payadi
Raqobatbardoshlik	O‘rtacha	Yuqori

Bu mexanizm ilm-fan va ishlab chiqarish o‘rtasidagi uzilishni bartaraf etadi va texnologik modernizatsiyani tezlashtiradi(4-rasm).



4-rasm. Mablag‘ yo‘naltirish taqsimoti modeli[80]

Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning innovatsion ishlanmalar va startap loyihalarni moliyalashtirish maqsadida xorijiy yetakchi investision kompaniyalar bilan venchur fondlarini tashkil qilish lozim(5-jadval).

5-jadval.

Venchur tizim samarasi[81]

Ko‘rsatkich	An’anaviy tizim	Venchur tizim
Risk	Yuqori	Diversifikatsiyalangan
Kapital	Cheklangan	Keng
Startaplar	Kam	Ko‘p

Venchur tizimining samarasi innovatsion loyihalarni tezkor rivojlantirish, yangi texnologiyalarni iqtisodiyotga joriy etish va yuqori daromadli bizneslarni shakllantirish orqali namoyon bo‘ladi. Ushbu tizim tavakkalchilik darajasi yuqori bo‘lgan startap va innovatsion korxonalarni moliyalashtirishga xizmat qilib, ularning bozorga kirish imkoniyatini kengaytiradi. Natijada yangi ish o‘rinlari yaratiladi, ilmiy ishlanmalar tijoratlashtiriladi va iqtisodiyotning raqobatbardoshligi oshadi. Ayniqsa, qishloq xo‘jaligida venchur tizimi zamonaviy

[79] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.
[80] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.
[81] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

agrotexnologiyalarni tatbiq etish, resurslardan samarali foydalanish hamda eksport salohiyatini kuchaytirishda muhim iqtisodiy samara beradi. Venchur fondlar innovatsion ekotizimni moliyaviy jihatdan qo‘llab-quvvatlashning eng samarali instrumenti hisoblanadi(5-rasm).



5-rasm. Venchur kapital modeli[82]

Venchur kapital modeli — yuqori tavakkalchilikka ega bo‘lgan, ammo katta daromad keltirish salohiyatiga ega innovatsion loyihalarni moliyalashtirish tizimidir. Ushbu model asosan yangi tashkil etilgan startaplar, innovatsion texnologiyalar va ilmiy ishlanmalarni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan bo‘lib, investorlar loyiha kapitaliga ulushdor sifatida kiradi. Venchur kapitalning asosiy xususiyati shundaki, investorlar qisqa muddatli foydadan ko‘ra uzoq muddatli yuqori rentabellikni maqsad qiladi. Shu sababli mazkur model rivojlangan davlatlarda innovatsion iqtisodiyotning muhim moliyaviy mexanizmlaridan biri hisoblanadi. Ayniqsa, axborot texnologiyalari, biotexnologiya, qishloq xo‘jaligi innovatsiyalari va “yashil iqtisodiyot” sohalarida venchur kapitalning roli tobora ortib bormoqda.

Venchur kapital modeli qishloq xo‘jaligida ham zamonaviy texnologiyalarni joriy etish va innovatsion investitsiya loyihalarini amalga oshirishda katta ahamiyat kasb etadi. Ushbu mexanizm orqali aqlli sug‘orish tizimlari, agrotexnologiyalar, raqamli monitoring va biologik innovatsiyalarni moliyalashtirish imkoniyati kengayadi. Natijada ishlab chiqarish samaradorligi oshib, mahsulot tannarxi kamayadi hamda eksport salohiyati kuchayadi. Bundan tashqari, venchur investitsiyalar kichik biznes va yosh tadbirkorlarning innovatsion g‘oyalarini amaliyotga tatbiq etishga yordam beradi. Bu esa mamlakatda innovatsion muhitni rivojlantirish, investitsion jozibadorlikni oshirish va iqtisodiy o‘sishni jadallashtirishga xizmat qiladi.

Xulosa va takliflar

Taklif etilgan mexanizmlar o‘zaro integratsiyalashgan kompleks tizim sifatida innovatsion iqtisodiyotning barqaror va uzluksiz rivojlanishini ta’minlaydi. Ularning samaradorligi faqat alohida instrumentlar darajasida emas, balki bir-biri bilan o‘zaro bog‘liq holda ishlaganda yanada yuqori natija beradi.

Birinchidan, mazkur mexanizmlar moliyaviy samaradorlikni oshiradi, ya’ni davlat va xususiy sektor tomonidan ajratilayotgan resurslarning maqsadli, aniq va natijador loyihalarga yo‘naltirilishini ta’minlaydi. Bu holat ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi, budjet mablag‘laridan foydalanish samaradorligini oshiradi hamda investitsion qarorlar sifatini yaxshilaydi.

Ikkinchidan, ular innovatsion faollikni kuchaytiradi, chunki tanlov asosidagi moliyalashtirish, institutsional qo‘llab-quvvatlash va venchur mexanizmlar korxonalarni yangi g‘oyalar yaratishga, ilmiy-tadqiqot faoliyatini kengaytirishga hamda bozorga yangi mahsulotlar

[82] Muallif tadqiqotlari natijasida tayyorlandi.

chiqarishga undaydi. Bu esa iqtisodiyotda innovatsion raqobat muhitini shakllantiradi.

Uchinchidan, mazkur tizim texnologik modernizatsiyani tezlashtiradi, ya’ni ishlab chiqarish jarayonlariga ilg‘or texnologiyalarni joriy etish, raqamlashtirish darajasini oshirish va ilmiy ishlanmalarni amaliyotga tatbiq etish jarayonlarini jadallashtiradi. Natijada iqtisodiyotning umumiy texnologik darajasi sezilarli darajada yuksaladi.

To‘rtinchidan, ushbu mexanizmlar venchur ekotizimni shakllantiradi, ya’ni startaplar, investorlar va innovatsion kompaniyalar o‘rtasida barqaror moliyaviy hamkorlik tizimini yuzaga keltiradi. Bu esa yuqori riskli, lekin yuqori daromadli innovatsion loyihalarning rivojlanishini ta’minlab, iqtisodiyotda yangi biznes segmentlar paydo bo‘lishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Schumpeter J.A. The Theory of Economic Development: An Inquiry into Profits, Capital, Credit, Interest and the Business Cycle. — Cambridge: Harvard University Press, 1934.
2. Drucker P.F. Innovation and Entrepreneurship: Practice and Principles. — New York: Harper & Row, 1985.
3. Porter M.E. The Competitive Advantage of Nations. — New York: Free Press, 1990.
4. Solow R.M. Technical Change and the Aggregate Production Function // The Review of Economics and Statistics. — 1957. — Vol. 39, No. 3. — P. 312–320.
5. Abdurahmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti. — Toshkent: O‘zbekiston, 2018.
6. Vahobov A.V. Investitsiya siyosati. — Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2020.
7. Qodirov M.M. Innovatsion rivojlanish asoslari. — Toshkent: Fan va texnologiya, 2021.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ABDULLA QAHHOR ASARLARIDA IQTISODIY QIYINCHILIKLARNING INSON RUHIYATIGA TA’SIRI

Rasulov Dilshodbek Shuxratbek o‘g‘li

Iqtisodiyot fakulteti 2-kurs talabasi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: dilshodbekrasulov191@gmail.com
Orcid id: 0009-0003-6984-2599

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Abdulla Qahhor asarlarida aks etgan iqtisodiy qiyinchiliklar va ularning inson ruhiy psixologiyasiga ta’siri ilmiy-iqtisodiy yondashuv asosida tahlil qilinadi. Yozuvchining “Sarob”, “O‘tgan kunlar emas, balki qisqa hikoyalari” orqali jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy holati, mehnat taqsimoti, kambag‘allik, moddiy tanqislik va ularning inson ruhiyatida yuzaga keltirgan ichki ziddiyatlari yoritiladi. Tadqiqotda tarixiy-iqtisodiy kontekst, sovet davri iqtisodiy siyosati va uning xalq ongiga ta’siri ham tahlil qilinadi. Natijalar Abdulla Qahhor ijodida iqtisodiy omilning psixologik realizm bilan chambarchas bog‘liqligini ko‘rsatadi.*

Kalit so‘zlar: *Abdulla Qahhor, iqtisodiy qiyinchilik, psixologik realizm, sovet iqtisodiy siyosati, kambag‘allik, inson ruhiyati, ijtimoiy adabiyot.*

THE IMPACT OF ECONOMIC HARDSHIPS ON HUMAN PSYCHOLOGY IN THE WORKS OF ABDULLA QAHHOR

Rasulov Dilshodbek Shuxratbek o‘g‘li

2nd-year student, Faculty of Economics
Tashkent State University of Economics
E-mail: dilshodbekrasulov191@gmail.com
Orcid id: 0009-0003-6984-2599

Annotation: *This article analyzes the impact of economic hardships on human psychology in Abdulla Qahhor’s literary works using an economic-literary approach. It examines how poverty, resource scarcity, and socio-economic inequality are reflected in his stories and how these conditions influence human behavior and psychological states. The study also considers the Soviet economic system and its influence on social consciousness in Uzbekistan.*

Key words: *Abdulla Qahhor, economic hardship, psychological realism, Soviet economic policy, poverty, human psyche, social* literature.

ВЛИЯНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ТРУДНОСТЕЙ НА ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ЧЕЛОВЕКА В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ABDULLA QAHHOR

Расулов Дилшодбек Шухратбек угли

студент 2 курса экономического факультета
Tashkent State University of Economics
E-mail: dilshodbekrasulov191@gmail.com
Orcid id: 0009-0003-6984-2599

Аннотация: *В данной статье анализируется влияние экономических трудностей на психологию человека в произведениях Абдуллы Каххара. Рассматриваются социально-экономические условия, бедность и их воздействие на человеческое сознание в контексте советской экономической системы.*

Ключевые слова: *Абдулла Каххар, экономические трудности, психологический реализм, советская экономика, бедность, человеческая психика.*

Kirish

XX asr o‘zbek adabiyoti ijtimoiy hayotning faqat badiiy ifodasi emas, balki iqtisodiy va siyosiy muhitning bevosita aksidir. Bu davrda jamiyat hayotida sodir bo‘lgan keskin o‘zgarishlar — sovet iqtisodiy tizimining shakllanishi, kollektivlashtirish siyosati, mehnat resurslarining qayta taqsimlanishi va moddiy resurslar tanqisligi — inson hayotining barcha qatlamlariga chuqur ta’sir ko‘rsatdi.

Yozuvchi yashagan davr — sovet iqtisodiy tizimi shakllanayotgan, markazlashgan rejalashtirish siyosati kuchaygan, qishloq va shahar aholisi o‘rtasida iqtisodiy tafovutlar saqlanib qolgan murakkab davr edi. Ushbu davrda insonlar moddiy ta’minot, mehnat resurslari va iqtisodiy barqarorlik masalalarida keskin qiyinchiliklarga duch kelgan.

Abdulla Qahhor asarlarida aynan shu iqtisodiy real holatlar inson ruhiyati orqali ochib beriladi. U oddiy odamlarning ichki dunyosini tasvirlar ekan, ularning qaror qabul qilishi, qo‘rquvlari, umidlari va ruhiy bosimlari ko‘pincha iqtisodiy tanqislik bilan belgilanadi.

Ana shunday murakkab tarixiy-iqtisodiy sharoitda Abdulla Qahhor ijodi alohida o‘rin egallaydi. Uning asarlarida inson nafaqat psixologik mavjudot sifatida, balki iqtisodiy sharoitlar ta’sirida shakllanadigan ijtimoiy subyekt sifatida tasvirlanadi. Yozuvchi qahramonlari ko‘pincha moddiy yetishmovchilik, iqtisodiy bosim va ijtimoiy tengsizlik sharoitida yashaydi. Bu esa ularning psixologik holatiga, axloqiy qarorlariga va ijtimoiy xatti-harakatlariga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

Masalan, yozuvchining hikoyalarida oddiy insonning kundalik hayoti ko‘pincha iqtisodiy muammolar bilan belgilangan: oziq-ovqat yetishmovchiligi, daromadning pastligi, mehnatning og‘irligi va ijtimoiy himoya tizimining zaifligi. Bu holatlar qahramonlarning ichki dunyosida qo‘rquv, xavotir, umidsizlik yoki aksincha, chidamlilik va moslashuvchanlik kabi psixologik holatlarni shakllantiradi.

Iqtisodiy qiyinchiliklar Qahhor ijodida faqat fon emas, balki syujet va psixologik konfliktning asosiy harakatlantiruvchi kuchi sifatida namoyon bo‘ladi. Masalan, “O‘g‘ri” hikoyasida oddiy xalqning iqtisodiy nochorligi, “Bemor”da esa tibbiy xizmat va moddiy imkoniyatlar o‘rtasidagi tafovut orqali inson ruhiy holati ochib beriladi.

Ushbu maqolaning markaziy ilmiy g‘oyasi shundan iboratki:

Iqtisodiy qiyinchiliklar insonning faqat moddiy hayotiga emas, balki uning psixologik holati, axloqiy qarorlari va ijtimoiy xulqiga ham bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

Abdulla Qahhor asarlarida bu jarayon badiiy realizm orqali ifodalanadi. Yozuvchi iqtisodiy muhitni bevosita tasvirlashdan ko‘ra, uning inson ruhiyatidagi aks-sadosini ko‘rsatadi.

Ushbu ilmiy maqola Abdulla Qahhor ijodida iqtisodiy qiyinchiliklarning inson ruhiyatiga ta’sirini aniqlash va tahlil qilishda bir nechta o‘zaro bog‘liq ilmiy metodlarga tayanadi. Tadqiqotning metodologik asosi interdisipliner xususiyatga ega bo‘lib, u adabiyotshunoslik, iqtisodiyot va psixologiya fanlarining kesishgan nuqtasida shakllangan.

Shu sababli ushbu maqolaning asosiy maqsadi — Abdulla Qahhor asarlarida iqtisodiy qiyinchiliklarning inson psixologiyasiga ta’sirini ilmiy-iqtisodiy yondashuv asosida tahlil qilishdir.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Abdulla Qahhor ijodi bo‘yicha tadqiqotlar o‘zbek adabiyotshunosligida keng o‘rganilgan. Xususan, uning realizm yo‘nalishidagi asarlarida inson va jamiyat o‘rtasidagi iqtisodiy munosabatlar asosiy mavzulardan biri sifatida qaraladi.

Mustaqilligimizdan oldingi iqtisodiy tizimi markazlashgan rejalashtirishga asoslangan bo‘lib, bu tizimda iqtisodiy qarorlar bozor mexanizmlari orqali emas, balki davlat tomonidan belgilangan reja asosida amalga oshirilgan. Bu holat qishloq aholisining iqtisodiy mustaqilligini

keskin cheklagan.

Tarixiy manbalarga ko‘ra, 1930–1950-yillar oralig‘ida O‘zbekiston SSR iqtisodiyoti asosan agrar yo‘nalishga asoslangan bo‘lib, paxta yetishtirish ustuvor bo‘lgan [Mirzaev, 2012]. Bu esa oziq-ovqat tanqisligi va aholi turmush darajasining pastligiga olib kelgan.

Natijada jamiyatda quyidagi ijtimoiy-iqtisodiy muammolar kuchaygan:

- kambag‘allik darajasining yuqoriligi;
- resurslarning notekis taqsimlanishi;
- qishloq aholisi iqtisodiy erkinligining cheklanishi;
- mehnat majburiyati va iqtisodiy bosim.

Ana shu real holatlar Abdulla Qahhor ijodida badiiy shaklga kirgan.

Olimlar (S. Mirvaliyev, B. Karimov va boshqalar) Qahhor asarlarida ijtimoiy tengsizlik va iqtisodiy bosim inson xarakterini shakllantiruvchi asosiy omil ekanini ta’kidlaydi [2].

Shuningdek, sovet iqtisodiy siyosatining adabiyotga ta’siri haqida tadqiqotlarda markazlashgan rejalashtirish tizimi aholining kundalik hayotiga bevosita ta’sir ko‘rsatgani qayd etiladi [3].

O‘zbek adabiyotshunosligida Abdulla Qahhor ijodi XX asr realistik prozasining eng muhim bosqichlaridan biri sifatida keng o‘rganilgan. Tadqiqotchilar uning asarlarida inson hayoti murakkab ijtimoiy-iqtisodiy sharoit bilan uzviy bog‘liqligini ta’kidlaydi. Xususan, S. Mirvaliyev va B. Karimovlarning ishlari Qahhor ijodini o‘zbek realistik nasrining psixologik chuqurlashuv bosqichi sifatida talqin qiladi [Mirvaliyev, 2010].

Adabiyotshunoslarning fikricha, Qahhor asarlarida eng muhim xususiyatlardan biri — oddiy inson hayotini markazga qo‘yishdir. Biroq bu oddiylik ortida murakkab iqtisodiy va ijtimoiy mexanizmlar yashiringan. Masalan, “O‘g‘ri” hikoyasida mulk va iqtisodiy resurslarga ega bo‘lish muammosi orqali jamiyatdagi ijtimoiy tengsizlik ochib beriladi.

Boshqa tadqiqotlarda Qahhor ijodi “ijtimoiy realizm” doirasida tahlil qilinadi. Bu yondashuvga ko‘ra, yozuvchi jamiyatdagi mavjud muammolarni ideallashtirmasdan, real holatda tasvirlaydi. Ayniqsa, kambag‘allik va iqtisodiy tanqislik mavzusi uning ko‘plab asarlarida markaziy o‘rin egallaydi [Karimov, 2015].

Sovet davri adabiyotshunosligida yozuvchilar ijodi ko‘pincha mafkuraviy yondashuv asosida tahlil qilingan. Biroq iqtisodiy omillar ko‘pincha ikkinchi darajali sifatida qaralgan. Shu sababli Qahhor asarlaridagi iqtisodiy mazmun to‘liq ochib berilmagan.

Tarixiy manbalarga ko‘ra, sovet iqtisodiy tizimi markazlashgan rejalashtirishga asoslangan bo‘lib, bu tizimda resurslar davlat tomonidan taqsimlangan [4]. Natijada, bozor mexanizmlari cheklangan, aholi iste’mol darajasi esa past bo‘lgan.

Adabiyotshunoslikda bu holat “ijtimoiy tanqislik realizmi” sifatida baholanadi. Ya’ni, adabiyot iqtisodiy tanqislikni badiiy shaklda aks ettiruvchi vositaga aylangan.

Abdulla Qahhor asarlarida ham aynan shu holat kuzatiladi: iqtisodiy cheklovlar inson psixologiyasini shakllantiruvchi asosiy omil sifatida namoyon bo‘ladi.

Psixologik realizm nazariyasiga ko‘ra, adabiy asarlarda insonning ichki kechinmalari chuqur tahlil qilinadi. Abdulla Qahhor bu yo‘nalishda o‘zbek adabiyotida yangi bosqich yaratgan yozuvchilardan biri hisoblanadi. Zamonaviy psixologik tadqiqotlarda inson xulq-atvori faqat axloqiy yoki madaniy omillar bilan emas, balki iqtisodiy bosim bilan ham belgilanishi isbotlangan. Kahneman va Tversky tomonidan ishlab chiqilgan “xulq-atvor iqtisodiyoti” nazariyasi bu fikrni ilmiy asoslaydi [5].

Qahhor asarlarida qahramonlar ko‘pincha ratsional iqtisodiy agent sifatida emas, balki hissiyot va iqtisodiy bosim ostida qaror qabul qiluvchi subyekt sifatida tasvirlanadi. Masalan, “Bemor” hikoyasida moddiy imkoniyatlarning cheklanganligi insonning hayot va o‘lim haqidagi qarorlariga ham ta’sir ko‘rsatadi.

So‘nggi yillarda adabiyotshunoslikda “ekonomik kritik” (economic criticism) yo‘nalishi rivojlanib bormoqda. Ushbu yondashuvga ko‘ra, adabiy matnlar iqtisodiy munosabatlarning badiiy ifodasi sifatida o‘rganiladi.

Bu nazariya asosida adabiy obrazlar quyidagi iqtisodiy kategoriyalar bilan bog‘lanadi: resurslar taqchilligi; mehnat va ishlab chiqarish; ijtimoiy tabaqalanish; iste’mol va ehtiyoj. Abdulla Qahhor asarlarida aynan shu kategoriyalar badiiy shaklda ifodalanadi. Masalan, oddiy qishloq aholisi obrazlari orqali mehnatning og‘irligi va iqtisodiy adolatsizlik ko‘rsatib beriladi.

Ba’zi tadqiqotchilar Qahhor ijodini “mikroiqtisodiy realizm” deb ham atashadi, chunki uning hikoyalarida katta iqtisodiy tizim emas, balki individual iqtisodiy qarorlar markazga qo‘yiladi.

Mavjud ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, Abdulla Qahhor ijodi asosan badiiy-estetik va mafkuraviy nuqtayi nazardan o‘rganilgan. Biroq uning asarlaridagi iqtisodiy komponentlar yetarli darajada chuqur tahlil qilinmagan.

Xususan, iqtisodiy qiyinchiliklarning psixologik ta’siri; sovet iqtisodiy tizimi va adabiy obrazlar o‘rtasidagi bog‘liqlik; qahramonlarning iqtisodiy qaror qabul qilish modeli bu yo‘nalishlar hali to‘liq ilmiy o‘rganilmagan. Shu sababli ushbu tadqiqot mavjud ilmiy bo‘shliqni to‘ldirishga qaratilgan bo‘lib, adabiyot va iqtisodiyot integratsiyasini yangi darajaga olib chiqishni maqsad qiladi.

Umumiy adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, Abdulla Qahhor ijodi ko‘p qatlamli ilmiy yondashuvni talab qiladi. Mavjud tadqiqotlar asosan uning badiiy va psixologik jihatlariga e’tibor qaratgan bo‘lsa-da, iqtisodiy omillar yetarlicha chuqur ochib berilmagan. Shu nuqtayi nazardan, Qahhor asarlarini iqtisodiy-psixologik model sifatida o‘rganish adabiyotshunoslikda yangi ilmiy yo‘nalish sifatida qaralishi mumkin.

Tadqiqot metodologiyasi

1. Tarixiy-iqtisodiy yondashuv ushbu tadqiqotning fundamental asoslaridan biri bo‘lib, Abdulla Qahhor yashagan davrning ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarini chuqur tahlil qilishga xizmat qiladi. Bu metod orqali sovet iqtisodiy tizimining asosiy mexanizmlari — markazlashgan rejalashtirish, davlat mulkining ustuvorligi, ishlab chiqarish vositalarining davlat nazoratiga olinishi hamda resurslarning ma’muriy taqsimlanishi — o‘rganiladi.

Mazkur yondashuv shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy tizimning tabiati jamiyatdagi oddiy inson hayotiga bevosita ta’sir ko‘rsatgan. Ayniqsa, qishloq xo‘jaligi sohasida kollektivlashtirish siyosati natijasida aholining iqtisodiy mustaqilligi keskin cheklangan. Bu esa moddiy tanqislik, mehnatning og‘irligi va turmush darajasining pasayishiga olib kelgan.

Tarixiy-iqtisodiy tahlil Abdulla Qahhor asarlaridagi voqelikni real tarixiy kontekst bilan bog‘lash imkonini beradi. Natijada, uning hikoya va romanlarida tasvirlangan kambag‘allik, mehnat muammolari va ijtimoiy tengsizlik shunchaki badiiy element emas, balki tarixiy-iqtisodiy haqiqatning aks etishi sifatida talqin qilinadi.

2. Adabiy-matn tahlili Abdulla Qahhor asarlarining ichki strukturasi, syujet qurilishi, obrazlar tizimi va konfliktlar dinamikasini o‘rganishga qaratilgan. Ushbu metod orqali asarlardagi iqtisodiy motivlar bevosita matn ichidan ajratib olinadi va ularning badiiy funksiyasi tahlil qilinadi.

Qahhor ijodida syujet ko‘pincha oddiy hayotiy vaziyatlar asosida quriladi, biroq bu vaziyatlarning markazida iqtisodiy muammo turadi. Masalan, “O‘g‘ri” hikoyasida mulk va resurslarga egalik masalasi, “Bemor”da esa tibbiy xizmat va moddiy imkoniyatlar o‘rtasidagi tafovut asosiy konfliktni yuzaga keltiradi.

Adabiy-matn tahlili shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy omillar Qahhor asarlarida nafaqat fon sifatida, balki syujetni harakatlantiruvchi asosiy kuch sifatida xizmat qiladi. Obrazlar esa iqtisodiy bosim ostida shakllangan psixologik tiplar sifatida namoyon bo‘ladi.

3. Psixologik yondashuv Abdulla Qahhor asarlaridagi qahramonlarning ichki dunyosi, hissiy kechinmalari va qaror qabul qilish jarayonlarini iqtisodiy sharoit bilan bog‘lab o‘rganadi. Ushbu metod inson xulq-atvorining nafaqat axloqiy yoki ijtimoiy, balki iqtisodiy omillar bilan ham belgilanishini asoslab beradi.

Iqtisodiy qiyinchiliklar sharoitida inson psixologiyasida bir qator o‘zgarishlar yuz beradi:

- doimiy xavotir va stress holati;
- kelajakka nisbatan noaniqlik hissi;
- ijtimoiy ishonchning pasayishi;
- axloqiy qarorlarning o‘zgarishi.

Abdulla Qahhor asarlarida bu psixologik holatlar badiiy shaklda ifodalanadi. Qahramonlar ko‘pincha moddiy yetishmovchilik sababli ichki ziddiyatga tushadi va bu ularning xatti-harakatlarida yaqqol namoyon bo‘ladi.

Shu tariqa, psixologik yondashuv iqtisodiy bosim va inson ruhiyati o‘rtasidagi bevosita bog‘liqlikni ochib beradi.

4. Interdisipliner yondashuv ushbu tadqiqotning eng muhim metodologik asoslaridan biri bo‘lib, u iqtisodiyot va adabiyotshunoslik fanlarini integratsiya qiladi. Bu yondashuvga ko‘ra, adabiy matnlar faqat estetik yoki badiiy hodisa emas, balki ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarning konseptual ifodasi sifatida ham qaraladi.

Ushbu metodda quyidagi iqtisodiy kategoriyalar asosiy tahlil birliklari sifatida olinadi:

- kambag‘allik (poverty);
- resurs tanqisligi (scarcity);
- mehnat va mehnat taqsimoti;
- iqtisodiy tengsizlik;
- yashash darajasi.

Bu kategoriyalar Abdulla Qahhor asarlaridagi obrazlar va voqealar bilan bog‘lanadi. Natijada, adabiy matn iqtisodiy model sifatida talqin qilinadi: qahramonlar esa iqtisodiy qaror qabul qiluvchi subyektlar sifatida tahlil qilinadi.

Interdisipliner yondashuvning asosiy afzalligi shundaki, u adabiy asarlardagi ijtimoiy ma’noni chuqurlashtiradi va ularni faqat badiiy emas, balki iqtisodiy-ijtimoiy hujjat sifatida ham tahlil qilish imkonini beradi.

Ushbu metodologik yondashuvlar kombinatsiyasi Abdulla Qahhor ijodini ko‘p qatlamli ilmiy tahlil qilish imkonini beradi. Tarixiy-iqtisodiy kontekst asarlarning real asosini ochib bersa, adabiy-matn tahlili ularning badiiy tuzilishini yoritadi. Psixologik yondashuv esa inson ruhiyatidagi ichki jarayonlarni iqtisodiy bosim bilan bog‘laydi. Interdisipliner yondashuv esa ushbu barcha yo‘nalishlarni yagona ilmiy tizimga birlashtiradi.

Tahlil va natijalar

Ushbu tadqiqot interdisipliner yondashuvga asoslanadi, ya’ni adabiyotshunoslik va iqtisodiyot fanlari kesishmasida olib boriladi. Iqtisodiy determinizm nazariyasiga ko‘ra, jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlar va inson xulqi iqtisodiy sharoitlar bilan belgilanadi. Karl Marksning ijtimoiy-iqtisodiy formatlar haqidagi qarashlari bu yondashuvning nazariy asosini tashkil etadi [6].

Abdulla Qahhor asarlarida ham bu tamoyil seziladiki ular: insonning qarori, xatti-harakati va hatto axloqiy tanlovi iqtisodiy bosim bilan bog‘liq. Abdulla Qahhor asarlarida bu holat badiiy shaklda ifodalanadi: qahramonlar ko‘pincha iqtisodiy tanqislik sabab irratsional, emotsional qarorlar qabul qiladi.

Adabiyotshunoslikda psixologik realizm inson ichki dunyosini chuqur tasvirlashga asoslangan yo‘nalish hisoblanadi. Qahhor bu uslubni iqtisodiy kontekst bilan boyitadi: uning qahramonlari ichki kechinmalari moddiy hayot bilan chambarchas bog‘langan.

Zamonaviy iqtisodiyotda inson har doim ham ratsional qaror qabul qiluvchi subyekt emasligi isbotlangan. Daniel Kahneman va Amos Tversky tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy qarorlar psixologik omillar bilan chambarchas bog‘liq [5].

Abdulla Qahhor yashagan davr — XX asrning birinchi yarmi va o‘rtalari — O‘zbekiston iqtisodiy tizimining keskin transformatsiya davri edi. Bu davrda an’anaviy bozor iqtisodiyoti elementlari asta-sekin markazlashgan rejalashtirish tizimi bilan almashtirildi.

Sovet iqtisodiy tizimining asosiy xususiyatlari - ishlab chiqarish vositalarining

davlatlashtirilishi; markazlashgan rejalashtirish tizimi; qishloq xo‘jaligida kollektivlashtirish; resurslarning ma’muriy taqsimlanishi.

Bu tizimning amaliy natijasi sifatida iqtisodiy samaradorlik ko‘pincha past bo‘lgan, chunki bozor signallari cheklangan edi. Natijada aholining kundalik hayotida resurs tanqisligi, mahsulot yetishmovchiligi va yashash darajasining pastligi kuzatilgan.

Tarixiy manbalarda qayd etilishicha, 1930–1950-yillar davomida O‘zbekiston SSRda asosiy iqtisodiy yuk paxta yetishtirishga qaratilgan bo‘lib, oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish ikkilamchi ahamiyatga ega bo‘lgan [1]. Bu esa qishloq aholisining turmush darajasiga salbiy ta’sir ko‘rsatgan.

Iqtisodiy qiyinchiliklar jamiyat psixologiyasiga bir necha darajada ta’sir ko‘rsatadi:

1. Xavfsizlik hissining pasayishi. Resurs tanqisligi insonda doimiy xavotir holatini shakllantiradi.

2. Ijtimoiy ishonchning kamayishi. Kambag‘allik sharoitida odamlar o‘rtasida raqobat kuchayadi.

3. Axloqiy tanlovlarning o‘zgarishi. Iqtisodiy bosim ostida insonlar axloqiy me’yorlardan chetga chiqishga majbur bo‘lishi mumkin.

Abdulla Qahhor asarlarida aynan shu psixologik mexanizmlar badiiy ifoda topadi. Ushbu tadqiqotning ilmiy yangiligi shundan iboratki:

- Abdulla Qahhor asarlari birinchi marta xulq-atvor iqtisodiyoti nuqtayi nazaridan tizimli tahlil qilinmoqda
- iqtisodiy qiyinchiliklar psixologik model sifatida ko‘rib chiqilmoqda
- adabiy obrazlar iqtisodiy qaror qabul qilish mexanizmi sifatida talqin qilinmoqda.

Xulosa

Umumiy adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, Abdulla Qahhor ijodi o‘zining badiiy murakkabligi va ijtimoiy realizmga asoslanganligi bilan ko‘plab tadqiqotchilar e’tiborini tortgan. Mavjud ilmiy ishlarda uning asarlari asosan psixologik realizm, ijtimoiy muhit tasviri hamda axloqiy konfliktlar nuqtayi nazaridan tahlil qilingan. Bu yondashuvlar Qahhor ijodining muhim jihatlarini ochib bergan bo‘lsa-da, uning asarlarida yashiringan iqtisodiy determinantlar, ya’ni inson xulqini shakllantiruvchi moddiy sharoitlar yetarlicha tizimli va chuqur tahlil etilmagan.

Holbuki, Qahhor asarlarida tasvirlangan qahramonlarning deyarli barchasi resurslar cheklangan, moddiy ta’minot zaif yoki iqtisodiy bosim kuchli bo‘lgan muhitda harakat qiladi. Bu esa ularning psixologik holati, qaror qabul qilish mexanizmi hamda ijtimoiy xulqiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shunday ekan, iqtisodiy omilni faqat fon emas, balki badiiy konfliktni shakllantiruvchi asosiy struktural element sifatida ko‘rish zarurati paydo bo‘ladi. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, Abdulla Qahhor ijodini iqtisodiy-psixologik model sifatida o‘rganish adabiyotshunoslikda nisbatan yangi va interdisipliner ilmiy yo‘nalish sifatida shakllanishi mumkin. Bu yondashuv adabiy matnni faqat estetik yoki mafkuraviy hodisa sifatida emas, balki iqtisodiy xatti-harakatlar va psixologik reaksiyalar tizimi sifatida talqin qilish imkonini beradi.

Bunday model asosida qahramonlar “iqtisodiy bosim ostida qaror qabul qiluvchi subyektlar” sifatida tahlil qilinadi. Natijada, adabiy obrazlar orqali jamiyatning iqtisodiy strukturasi va uning inson ongiga ta’siri yanada chuqurroq ochib beriladi. Bu esa adabiyotshunoslik, iqtisodiyot va psixologiya fanlari o‘rtasidagi metodologik integratsiyani kuchaytiradi hamda Qahhor ijodini yangi ilmiy paradigmalarda qayta talqin qilishga zamin yaratadi.

Ushbu tadqiqot Abdulla Qahhor ijodini iqtisodiy va psixologik omillar kesishmasida tahlil qilish orqali uning asarlarida inson ruhiyati va moddiy hayot o‘rtasidagi murakkab bog‘liqlikni ochib berishga qaratildi. Umumiy tahlillar shuni ko‘rsatadiki, yozuvchi yaratgan badiiy muhitda iqtisodiy sharoitlar faqat fon vazifasini bajarmaydi, balki qahramonlar xarakteri, ularning ichki kechinmalari va hayotiy qarorlarini shakllantiruvchi asosiy omil sifatida namoyon bo‘ladi.

Sovet davridagi markazlashgan iqtisodiy tizim, resurslarning cheklanganligi, mehnatning

og‘irligi va ijtimoiy tengsizlik kabi omillar jamiyatning kundalik hayotiga bevosita ta’sir ko‘rsatgan. Bu tarixiy-iqtisodiy sharoit Abdulla Qahhor asarlarida realistik va psixologik chuqurlik bilan aks ettirilgan. Natijada, uning hikoya va qissalarida inson nafaqat axloqiy yoki ijtimoiy mavjudot, balki iqtisodiy bosim ostida harakat qiluvchi subyekt sifatida gavdalanadi.

Tahlil jarayonida “O‘g‘ri”, “Bemor”, “Anor”, “Sinchalak” kabi asarlar misolida shuni ko‘rish mumkinki, moddiy yetishmovchilik va iqtisodiy qiyinchiliklar qahramonlarning ruhiy holatiga, ularning qo‘rquv, umid, ojizlik yoki chidamlilik kabi psixologik reaksiyalariga bevosita ta’sir qiladi. Bu esa Abdulla Qahhor ijodida iqtisodiy omil va psixologik realizmning uzviy birlikda namoyon bo‘lishini tasdiqlaydi.

Shu asosda aytish mumkinki, Qahhor asarlarini faqat badiiy yoki psixologik nuqtayi nazardan emas, balki iqtisodiy-psixologik model sifatida o‘rganish ham ilmiy jihatdan asosli va dolzarbdir. Bu yondashuv adabiyotshunoslikni yangi metodologik darajaga olib chiqadi, chunki u adabiy matnni ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar bilan bevosita bog‘liq tizim sifatida talqin qilish imkonini beradi.

Mening shaxsiy xulosamga ko‘ra, Abdulla Qahhor ijodi inson hayotining moddiy va ruhiy qatlamlari o‘zaro chambarchas bog‘liq ekanini chuqur ifodalaydi. Iqtisodiy qiyinchiliklar insonni faqat tashqi jihatdan emas, balki ichki dunyosi, qaror qabul qilish mexanizmi va axloqiy tanlovlariga ham bevosita ta’sir qiladi. Demak, Qahhor asarlari orqali jamiyatning iqtisodiy holati inson psixologiyasida qanday aks etishini ilmiy asosda kuzatish va tahlil qilish mumkin.

Ushbu tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, adabiyot va iqtisodiyot o‘rtasidagi bog‘liqlikni chuqur o‘rganish nafaqat Qahhor ijodini, balki umuman badiiy adabiyotning ijtimoiy funksiyasini yanada kengroq anglashga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Mirzaev, S. (2012). O‘zbekiston iqtisodiy tarixi va sovet davri transformatsiyalari. Toshkent: Fan nashriyoti.
2. Mirvaliyev, S. (2010). O‘zbek adabiyoti tarixi. Toshkent: O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti.
3. Karimov, B. (2015). Sovet davri adabiy jarayoni va ijtimoiy tafakkur. Toshkent: Yangi asr avlodi.
4. Nove, A. (1992). An Economic History of the USSR. London: Penguin Books.
5. Kahneman, D. (2011). Thinking, Fast and Slow. New York: Farrar, Straus and Giroux.
6. Marx, K. (1867). Das Kapital. Hamburg: Otto Meissner Verlag.
7. Olcott, M. B. (1995). Central Asia’s New States: Independence, Foreign Policy, and Regional Security. Washington, DC: United States Institute of Peace Press.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MUQIMIY ASARLARIDA XALQNING IJTIMOIY-IQTISODIY QARASHLARINI YORITILISHI HAMDA IQTISODIY VAZIYAT

Karimov Umrbek Javlonbek o‘g‘li

TDIU Iqtisodiyot fakulteti 3-kurs talabasi
Email: umirchikkarimov@gmail.com
ORCID ID: 0009-0007-6040-8349

Annotatsiya: *Mazkur ilmiy maqolada XIX asr oxiri va XX asr boshlarida yashab ijod qilgan yirik ma’rifatparvar adib Muqimiy asarlarida xalqning ijtimoiy-iqtisodiy hayoti, iqtisodiy tengsizlik, xalq turmushi, kambag‘allik, mehnat, savdo-sotiq va adolatsizlik masalalarining badiiy talqini tahlil qilinadi. Tadqiqot davomida Muqimiy ijodida iqtisodiy muammolarni yoritish usullari, xalq hayotining real tasviri hamda adibning jamiyat taraqqiyotiga oid qarashlari ilmiy jihatdan baholandi. Shuningdek, jadidchilik va ma’rifatparvarlik g‘oyalari bilan bog‘liq iqtisodiy qarashlarning shakllanish omillari ko‘rib chiqildi. Maqolada tarixiylik, qiyosiy tahlil, matnshunoslik va ijtimoiy-falsafiy metodlardan foydalanildi. Tadqiqot natijalari Muqimiy asarlarining nafaqat badiiy, balki iqtisodiy tafakkur taraqqiyotidagi o‘rnini ham ochib beradi.*

Kalit so‘zlar: *Muqimiy, ijtimoiy-iqtisodiy qarashlar, ma’rifatparvarlik, xalq turmushi, iqtisodiy tengsizlik, adabiy tahlil, kambag‘allik, savdo-sotiq, mehnat, jadidchilik.*

ОТРАЖЕНИЕ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ НАРОДА И ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ МУКИМИ

Каримов Умрбек Жавлонбек угли

студент 3 курса экономического факультета ТЭГУ
Email: umirchikkarimov@gmail.com
ORCID ID: 0009-0007-6040-8349

Аннотация: *В данной научной статье анализируются социально-экономические взгляды народа и экономическая ситуация, отраженные в произведениях Мукими — выдающегося узбекского просветителя конца XIX – начала XX века. В ходе исследования рассматриваются художественные особенности изображения бедности, социального неравенства, труда, торговли и повседневной жизни народа. Также анализируется влияние просветительских и реформаторских идей на социально-экономические взгляды писателя. В статье использованы исторический, сравнительный, текстологический и социально-философский методы исследования. Результаты исследования показывают, что произведения Мукими являются важным источником не только для литературоведения, но и для изучения социально-экономической мысли Туркестана.*

Ключевые слова: *Мукими, социально-экономические взгляды, просветительство, бедность, социальное неравенство, труд, экономическая ситуация, литературный анализ, народная жизнь.*

THE REPRESENTATION OF THE PEOPLE’S SOCIO-ECONOMIC VIEWS AND ECONOMIC CONDITIONS IN MUQIMIY’S WORKS

Karimov Umrbek Javlonbek o‘g‘li

3rd-year student of the Faculty of Economics of TSUE
Email:umirchikkarimov@gmail.com
The results indicate that integrating IFRS S2 with IAS 36 and IAS 37 through a GHG-based risk framework can enhance the relevance and forward-looking nature of financial statements, supporting both corporate risk management and regulatory oversight.

Limitations and directions for future research. Despite its contributions, the study has limitations. The framework is conceptual and normative in nature, and its application would benefit from empirical validation using firm-level data across sectors. In addition, while EDGAR provides valuable macro-level context, future research should explore the integration of verified corporate Scope 3 data and AI-enabled estimation techniques to improve accuracy and scalability.

Future studies may also investigate cross-country comparisons and the dynamic effects of alternative carbon pricing regimes on impairment and provisioning outcomes. These extensions would further strengthen the linkage between climate policy, emissions trajectories and financial reporting practice.

Conclusion.

This study demonstrated that climate-related risks can be integrated into financial reporting through a green accounting framework based on IFRS S2, IAS 36, IAS 37, and GHG emissions data. The findings confirm that greenhouse gas emissions represent not only environmental indicators but also important financial risk factors affecting future cash flows, asset values, impairment recognition, and provision measurement.

The proposed framework provides a methodological connection between climate-related disclosures and accounting recognition mechanisms. Physical climate risks may lead to impairment indicators under IAS 36, while transition risks associated with carbon pricing,

emission regulations, and remediation obligations may result in provisions recognized under IAS 37. In this context, GHG emissions measured in CO_2e serve as a quantitative link between climate risk assessment and financial reporting processes.

The study also highlights the importance of integrating macro-level emission data, including EDGAR statistics and climate-related scenario analysis, into IFRS S2-based assessments. This approach strengthens the consistency of transition-risk evaluation and improves the forward-looking nature of financial reporting.

From a theoretical perspective, the research contributes to the development of green accounting by extending sustainability reporting beyond narrative disclosure toward measurable financial statement effects. From a practical perspective, the framework may support companies, regulators, and investors in improving climate-risk transparency and strengthening climate-related financial decision-making, particularly in emerging economies such as Uzbekistan. Overall, the study supports the necessity of transforming traditional accounting systems into climate-oriented and sustainability-focused financial reporting models that are better aligned with global climate governance and modern investor information needs.

References

1. Ascui, F. and Lovell, H. (2011) ‘As frames collide: Making sense of carbon accounting’, *Accounting, Auditing & Accountability Journal*, 24(8), pp. 978–999.

2. Bebbington, J. and Larrinaga, C. (2014) ‘Accounting and sustainable development: An exploration’, *Accounting, Organizations and Society*, 39(6), pp. 395-413. https://doi.org/10.1016/j.aos.2014.01.003

3. Busch, T. and Lewandowski, S. (2018) ‘Corporate carbon and financial performance: A meta-analysis’, *Journal of Industrial Ecology*, 22(4), pp. 745–759. https://doi.org/10.1111/jiec.12591

4. Clarkson, P.M., Li, Y., Richardson, G.D. and Vasvari, F.P. (2015) ‘Revisiting the relation between environmental performance and environmental disclosure: An empirical analysis’, *Accounting, Organizations and Society*, 40, pp. 1–15. https://doi.org/10.2139/ssrn.873630

5. EDGAR (2023) *Emissions Database for Global Atmospheric Research (EDGAR): Global greenhouse gas emissions*. European Commission, Joint Research Centre (JRC). Available at: https://edgar.jrc.ec.europa.eu (Accessed: 2025).

6. Eccles, R.G. and Krzus, M.P. (2018) *The Nordic model: An analysis of leading practices in ESG disclosure*. Oxford: Oxford University Press. https://doi.org/10.6027/TN2018-560

7. Endiana, I.D.M. (2019) ‘Green accounting and sustainable corporate performance’, *International Research Journal of Management, IT & Social Sciences*, 6(6), pp. 1–10. https://doi.org/10.13106/jafeb.2020.vol7.no12.731

8. Germanwatch (2025) *Climate Risk Index 2025: Who suffers most from extreme weather events?* Bonn: Germanwatch e.V.https://www.germanwatch.org/en/93013

9. GHG Protocol (2015) *The Greenhouse Gas Protocol: Corporate Accounting and Reporting Standard*. Washington, DC: World Resources Institute (WRI) and World Business Council for Sustainable Development (WBCSD). https://ghgprotocol.org/corporate-standard

10. Gray, R. (2010) ‘Is accounting for sustainability actually accounting for sustainability?’, *Accounting, Organizations and Society*, 35(1), pp. 47–62. https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0361368209000427

11. IFRS Foundation (2023) *IFRS S2 Climate-related Disclosures*. London: IFRS Foundation. https://www.ifrs.org/issued-standards/ifrs-sustainability-standards-navigator/ifrs-s2-climate-related-disclosures/

12. IPCC (2019) *2019 Refinement to the 2006 IPCC Guidelines for National Greenhouse Gas Inventories*. Geneva: Intergovernmental Panel on Climate Change.

https://www.ipcc.ch/report/2019-refinement-to-the-2006-ipcc-guidelines-for-national-greenhouse-gas-inventories/

13. IPCC (2023) *AR6 Synthesis Report: Climate Change 2023*. Geneva: Intergovernmental Panel on Climate Change. https://www.ipcc.ch/report/ar6/syr/

14. Janssens-Maenhout, G., Crippa, M., Guizzardi, D., Muntean, M., Schaaf, E., Dentener, F., Bergamaschi, P. and Oreggioni, G. (2019) ‘EDGAR v4.3.2 Global Atlas of the three major greenhouse gas emissions for the period 1970–2012’, *Earth System Science Data*, 11, pp. 959–1002. https://doi.org/10.5194/essd-11-959-2019

15. Kahn, M.E., Mohaddes, K., Ng, R.N., Pesaran, M.H., Raissi, M. and Yang, J.C. (2021) ‘Long-term macroeconomic effects of climate change’, *Energy Economics*, 104, 105624. https://doi.org/10.1016/j.eneco.2021.105624

16. Khalilov, Sh.A. (2025) ‘Integrating Carbon Emissions into Accounting: As a Tool for Sustainable Development in the Economy of Uzbekistan, *Yashil Iqtisodiyot Va Taraqqiyot, 3(5), pp. 1646–1656. https://doi.org/10.5281/zenodo.15654999*

17. Khalilov, Sh.A. (2025) ‘Financial assessment of climate risks associated with greenhouse gas (GHG) emissions: Based on IFRS S2, IAS 36 and IAS 37’, *Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting, 5(10), 139–151. https://doi.org/10.55439/AFA/vol5_iss10/1276*.

18. Khalilov Sh.A. IFRS S2 standarti talablari asosida iqlim xavflarining kelajakdagi moliyaviy ta’sirini baholash va ularni moliyaviy hisobot tizimiga integratsiya qilish modeli. (2026). *Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting*, *6*(01), 56-66. https://doi.org/10.55439/AFA/vol6_iss01/1286

19. Kouloukoui, D., Gomes, S.M., da Silva, R.G., Kiperstok, A. and Torres, E.A. (2019) ‘Corporate climate risk management and the implementation of climate projects by the world's largest emitters’, *Journal of Cleaner Production*, 211, pp. 1294–1306. https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2019.117935

20. President of the Republic of Uzbekistan (2020) *On Additional Measures for the Transition to International Financial Reporting Standards* (Resolution No. PQ-4611, 24 February 2020). https://lex.uz/uz/docs/-4746047

21. Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan (2024) *Information Letter No. 03-43-2725: Requirements and Transition Stages for Preparing Financial Statements in Accordance with IFRS* (6 February 2024). Tashkent: Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan. https://www.imv.uz

22. Schaltegger, S. and Burritt, R. (2010) ‘Sustainability accounting for companies: Catchphrase or decision support for business leaders?’, *Journal of World Business*, 45(4), pp. 375–384. https://doi.org/10.1016/j.jwb.2009.08.002

23. UNEP (2023) *Emissions Gap Report 2023*. Nairobi: United Nations Environment Programme. https://www.unep.org/resources/emissions-gap-report-2023

24. UNFCCC (2015) *Paris Agreement*. United Nations Framework Convention on Climate Change. https://unfccc.int/process-and-meetings/the-paris-agreement

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

BUDJET TASHKILOTLARIDA ICHKI AUDITNING NAZARIY USLUBIY ASOSLARI

Ortiqov Qurbonnazar Omonovich

O‘zbekiston Respublikasi
Oliy ta’lim fan va innovatsiyalar vazirligi,
Buxgalteriya hisobi va
hisoboti bo‘limi boshlig‘i.

Annotattsiya. *Ushbu maqolada Budjet tashkilotlarida ichki audit tizimining nazariy va uslubiy asoslari yoritilgan. Tadqiqot jarayonida ichki auditning mazmuni, maqsadi va vazifalari tahlil qilinib, ta’lim muassasalarida samarali audit tizimini shakllantirish yo‘llari ko‘rsatib o‘tilgan. Shuningdek, audit jarayonida zamonaviy nazorat va tahlil uslublarini qo‘llashning ahamiyati, ichki auditning boshqaruv samaradorligiga ta’siri hamda audit natijalaridan foydalanish mexanizmlari ko‘rib chiqilgan. Maqola natijalari davlat ta’lim muassasalari faoliyatida shaffoflikni ta’minlash, moliyaviy intizomni mustahkamlash va samaradorlikni oshirishda amaliy ahamiyat kasb etadi.*

Kalit so‘zlar: *ichki audit, ta’lim muassasasi, nazorat tizimi, samaradorlik, moliyaviy intizom, boshqaruv, tahlil uslublari.*

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Ортиқов Қурбонназар Омонович

Руководитель отдела бухгалтерского
учета и отчетности,
Министерства высшего образования,
науки и инноваций
Республики Узбекистан.

Аннотация. *В данной статье рассматриваются теоретические и методологические основы системы внутреннего аудита в бюджетных организациях. В ходе исследования проанализированы содержание, цели и задачи внутреннего аудита, показаны пути формирования эффективной системы аудита в образовательных учреждениях. Также рассмотрена важность использования современных методов контроля и анализа в процессе аудита, влияние внутреннего аудита на эффективность управления и механизмы использования результатов аудита. Результаты статьи имеют практическое значение для обеспечения прозрачности деятельности государственных образовательных учреждений, укрепления финансовой дисциплины и повышения эффективности.*

Ключевые слова: *внутренний аудит, учебное заведение, система контроля, эффективность, финансовая дисциплина, менеджмент, методы анализа.*

THEORETICAL METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF INTERNAL AUDIT IN BUDGETARY ORGANIZATIONS

Ortiqov Kurbannazar Amonovich

Head of the Accounting and
Reporting Department,
Ministry of Higher Education,
Science and Innovations of
the Republic of Uzbekistan.

Abstract. *This article covers the theoretical and methodological foundations of the internal audit system in public educational institutions. In the course of the research, the content, goals and objectives of internal audit were analyzed, and ways to form an effective audit system in educational institutions were indicated. The importance of using modern control and analysis methods in the audit process, the impact of internal audit on management efficiency, and the mechanisms for using audit results were also considered. The results of the article are of practical importance in ensuring transparency, strengthening financial discipline, and increasing efficiency in the activities of public educational institutions.*

Keywords: *internal audit, educational institution, control system, efficiency, financial discipline, management, analysis methods.*

Kirish.

Mamlakatimizda ta’lim tizimini isloh qilish, uni zamonaviy boshqaruv tamoyillari asosida tashkil etish jarayonida ichki audit tizimini rivojlantirish muhim o‘rin tutadi. Ichki audit – bu tashkilot faoliyatining samaradorligini, moliyaviy resurslardan oqilona foydalanishni, ichki nazorat tizimining holatini baholovchi va takomillashtirishga yo‘naltirilgan mustaqil faoliyatdir. Budjet tashkilotlarida ushbu tizimni yo‘lga qo‘yish orqali shaffoflikni ta’minlash, moliyaviy intizomni mustahkamlash hamda korrupsion xavflarni kamaytirish imkoniyati yaratiladi.

Ichki audit tizimining samarali faoliyati ta’lim muassasalarida boshqaruv qarorlarini qabul qilishda asosli ma’lumotlar bazasini yaratadi. Shu bilan birga, bu tizim ta’lim jarayonining sifatini oshirish, resurslardan unumli foydalanish va davlat budjeti mablag‘larining maqsadli sarflanishini ta’minlashda muvofiqlashtiruvchi vosita sifatida xizmat qiladi. Bugungi kunda Budjet tashkilotlarida ichki audit faoliyatini yanada kuchaytirish, auditorlarning kasbiy salohiyatini oshirish, zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish orqali ularning nazorat va tahlil imkoniyatlarini kengaytirish zarurati mavjud.

Mazkur mavzu bo‘yicha olib borilayotgan tadqiqotlar ichki audit tizimining nazariy asoslarini chuqur o‘rganish, amaliyotdagi mavjud kamchiliklarni aniqlash va ta’lim muassasalarida samarali boshqaruv tizimini shakllantirishga yo‘naltirilgan. Shu bois, ushbu tadqiqot ichki auditning mohiyatini, vazifalarini, tamoyillarini va uni amalga oshirishning uslubiy asoslarini aniqlashga qaratilgan bo‘lib, davlat ta’lim muassasalari boshqaruvida innovatsion yondashuvlarni joriy etishning nazariy-amaliy ahamiyatini yoritadi.

Adabiyotlar sharhi

Ichki audit tizimi bugungi kunda davlat boshqaruvi va ta’lim sohasida eng muhim nazorat vositalaridan biri sifatida e’tirof etilmoqda. Mazkur tizimning shakllanishi va rivojlanishi masalalari bo‘yicha ko‘plab mahalliy va xorijiy olimlar ilmiy izlanishlar olib borgan. Ularning ishlari ichki auditning nazariy tamoyillari, tashkiliy asoslari hamda amaliyotdagi roli va ahamiyatini yoritishga qaratilgan.

Masalan, M. Alimov (2018) o‘z tadqiqotida davlat tashkilotlarida ichki nazorat tizimini rivojlantirish bo‘yicha ilmiy asoslangan takliflar beradi. U ichki auditni tashkilot faoliyatining ajralmas qismi deb hisoblaydi va uni samarali boshqaruvning kafolati sifatida talqin etadi. B. Jo‘rayev (2020) esa ta’lim tizimida ichki audit faoliyatini takomillashtirish, auditorlarning malakasini oshirish va zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish orqali audit jarayonining samaradorligini oshirish zarurligini asoslab beradi.

Xalqaro miqyosda esa C. Sawyer, L. Pickett, J. Spencer kabi olimlarning asarlarida ichki auditning mohiyati, boshqaruv tizimidagi o‘rni, shuningdek tashkilot ichidagi xavflarni kamaytirishdagi roli keng yoritilgan. C. Sawyer (2017) o‘zining “Sawyer’s Internal Auditing” asarida ichki auditni nafaqat moliyaviy nazorat, balki tashkilotning strategik maqsadlariga erishish uchun xizmat qiluvchi muhim boshqaruv vositasi sifatida ko‘rsatadi [1]. L. Pickett (2018) esa “The Internal Auditing Handbook” asarida auditning xalqaro standartlarini, mezonlarini va auditorlarning kasbiy etikasini batafsil tahlil qiladi.

So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasida ham ichki audit tizimini rivojlantirish bo‘yicha muhim huquqiy va tashkiliy islohotlar amalga oshirilmoqda. 2022-yilda qabul qilingan “Davlat moliyaviy nazoratini takomillashtirish to‘g‘risida”gi Prezident qarori davlat tashkilotlarida[2], jumladan ta’lim muassasalarida, ichki audit xizmatlarining mustaqilligini ta’minlash, ularning faoliyatini yagona standartlar asosida yo‘lga qo‘yish vazifasini belgilab berdi. Moliya vazirligi tomonidan ishlab chiqilgan “Ichki audit xizmatlari to‘g‘risidagi nizom” (2021) esa davlat tashkilotlarida audit faoliyatini tartibga soluvchi asosiy me’yoriy hujjat sifatida xizmat qilmoqda.

Xorijiy tajribaga murojaat qiladigan bo‘lsak, OECD (2020) hisobotida davlat sektorida ichki nazorat va audit tizimining roliga alohida e’tibor qaratilgan. Hisobotda ichki auditning davlat xizmatlari samaradorligini oshirish, korrupsiyani kamaytirish va moliyaviy barqarorlikni ta’minlashdagi o‘rni chuqur tahlil etilgan [3]. Shuningdek, AQSh, Buyuk Britaniya va Janubiy Koreya tajribasida ichki audit xizmatlari nafaqat moliyaviy xatoliklarni aniqlash, balki boshqaruv sifatini yaxshilashga xizmat qiluvchi strategik tahliliy vosita sifatida qo‘llaniladi.

Adabiyotlarni tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, ta’lim tizimida ichki audit faqat moliyaviy nazorat vositasi emas, balki ta’lim sifati, samaradorlik va shaffoflikni ta’minlashga xizmat qiluvchi boshqaruv mexanizmi sifatida qaralmoqda. Bu borada ichki audit tizimining muvaffaqiyatli faoliyat yuritishi quyidagi omillarga bog‘liq:

* ichki auditorlarning kasbiy tayyorgarligi va mustaqilligi;
* audit jarayonining shaffofligi va obyektivligi;
* zamonaviy texnologiyalardan foydalanish;
* xalqaro standartlar asosida ishlash.

Shuningdek, ayrim mualliflar ichki auditni ta’lim sifatini baholash vositasi sifatida ham ko‘rib chiqish lozimligini ta’kidlaydilar. Bu yondashuvga ko‘ra, ichki audit faqat moliyaviy nazorat bilan cheklanmay, o‘quv jarayoni samaradorligini, resurslardan foydalanish darajasini va boshqaruv mexanizmlarining natijaviyligini baholashda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, mavjud ilmiy adabiyotlar ichki auditning nazariy-uslubiy asoslarini yoritishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ular asosida Budjet tashkilotlarida ichki audit tizimini yanada takomillashtirish, zamonaviy boshqaruv mexanizmlarini joriy etish va ichki nazoratning institutsional asoslarini mustahkamlash yo‘nalishlari ishlab chiqilishi mumkin.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur tadqiqotning metodologik asosi ichki audit tizimini Budjet tashkilotlarida samarali tashkil etishning nazariy va amaliy jihatlarini o‘rganishga qaratilgan. Tadqiqot davomida tizimli yondashuv, tahlil va sintez, qiyosiy tahlil, induksiya va deduksiya, hamda empirik kuzatish metodlaridan foydalanildi [6].

Birinchidan, tizimli yondashuv asosida ta’lim muassasalarida ichki audit tizimi boshqaruvning tarkibiy qismi sifatida o‘rganildi. Bu orqali audit jarayonining maqsadi, vazifalari, mexanizmlari va natijalari o‘zaro bog‘liq holda tahlil qilindi.

Ikkinchidan, tahlil va sintez metodlari yordamida mavjud normativ-huquqiy hujjatlar, xalqaro audit standartlari va mahalliy tajribalar o‘rganildi, ularning umumiy va farqli jihatlari aniqlanib, umumlashtirildi.

Uchinchidan, qiyosiy tahlil metodi orqali O‘zbekiston tajribasi xorijiy mamlakatlardagi ichki audit tizimlari bilan solishtirilib, Budjet tashkilotlarida qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan samarali yondashuvlar ajratib olindi.

To‘rtinchidan, empirik usullar yordamida ayrim ta’lim muassasalarining audit amaliyoti o‘rganilib, ichki nazorat tizimining real holati tahlil qilindi. Bu jarayonda so‘rovnomalar, intervyular va hujjatlar tahlilidan foydalanildi.

Shuningdek, tadqiqotda mantiqiy tahlil va ilmiy taxmin (gipoteza) usullaridan ham foydalanilib, ichki auditni takomillashtirishga doir amaliy tavsiyalar ishlab chiqildi. Tadqiqot natijalari asosida ichki audit tizimini samarali faoliyat yuritishini ta’minlovchi tashkiliy va

metodik asoslar taklif qilindi.

Muhokama va natija

O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi yillarda Budjet tashkilotlarida ichki audit tizimini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu yo‘nalishdagi islohotlarning asosiy maqsadi – budjet mablag‘laridan samarali foydalanish, moliyaviy intizomni mustahkamlash va ta’lim sifatini oshirishdir.

Ichki audit tizimi 2020-yildan boshlab bosqichma-bosqich joriy etilib, 2022-yil 4-apreldagi Prezident qarori bilan “Davlat moliyaviy nazoratini takomillashtirish to‘g‘risida” yangi mexanizmlar belgilandi [4]. Natijada Moliya vazirligi huzurida Ichki auditni muvofiqlashtirish markazi tashkil etilib, ta’lim tizimidagi ichki audit faoliyatiga yagona yondashuv ishlab chiqildi.

Budjet tashkilotlarida ichki auditning asosiy yo‘nalishlari

Ichki audit xizmatlari asosan quyidagi yo‘nalishlarda amalga oshiriladi:

* budjet mablag‘larining sarflanishini tahlil qilish;
* moddiy-texnik resurslardan foydalanish samaradorligini baholash;
* kadrlar faoliyati va mehnat intizomini nazorat qilish;
* korrupsiyaviy xavflarni aniqlash va oldini olish;
* ichki boshqaruv tizimini takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar berish.

Mazkur yo‘nalishlarda o‘tkazilgan auditlar natijasida ta’lim muassasalarida aniqlangan kamchiliklarning turlari va ularning qisqarish dinamikasi quyidagi jadvalda keltirilgan [5].

1-jadval.

Budjet tashkilotlarida ichki audit natijalari (2021–2024 yillar)[1]

Yil	O‘tkazilgan auditlar soni	Aniqlangan kamchiliklar (ta)	Moliyaviy intizom buzilishi (%)	Tavsiyalar bajarilish darajasi (%)
2021	245	1180	42	67
2022	310	980	36	74
2023	365	820	28	81
2024	400	615	21	88

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, 2021–2024 yillar davomida o‘tkazilgan ichki auditlar soni yildan-yilga ortib bormoqda, bu esa tizimning kengayishini bildiradi. Shu bilan birga, aniqlangan kamchiliklar soni va moliyaviy intizom buzilishi foizi kamayib, tavsiyalar bajarilish darajasi 67 foizdan 88 foizgacha oshgan.

Ichki audit tavsiyalarining bajarilish dinamikasi (2021–2024 yillar)

Diagrammada ko‘rsatilganidek, ichki audit natijalari bo‘yicha ta’lim muassasalari tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarish darajasi izchil o‘sib bormoqda. Bu holat ichki auditning amaliy samarasi oshganini, boshqaruv tizimida mas’uliyat va shaffoflikning kuchayganini ko‘rsatadi.

2021–2024 yillarda ichki audit xulosalari asosida quyidagi natijalarga erishildi:

* budjet mablag‘laridan foydalanish samaradorligi 15–20 foizga oshdi;
* moliyaviy intizom buzilishlari soni 2 baravarga kamaydi;
* ta’lim muassasalarida xarajatlarni optimallashtirish bo‘yicha 1000 dan ortiq tavsiyalar amaliyotga joriy etildi;
* auditorlar faoliyati uchun yagona elektron platforma – “e-Audit Edu” tizimi sinov tariqasida yo‘lga qo‘yildi.

Ichki audit tizimining joriy etilishi ta’lim muassasalarida nafaqat moliyaviy boshqaruvni, balki ta’lim jarayonining tashkiliy, kadrlar va strategik boshqaruv yo‘nalishlarini ham yaxshilashga xizmat qilmoqda.

[86] O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hisobotlari (2024).

Muhokama natijalaridan ko‘rinadiki, ichki audit tizimi Budjet tashkilotlarida:
* samarali boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun analitik ma’lumotlar beradi;
* korrupsiyaviy xavflarni kamaytiradi;
* budjet mablag‘larining tejamli sarflanishini ta’minlaydi;
* ta’lim sifatini oshirish uchun shaffof muhit yaratadi.

Xulosa qilib aytganda, ichki audit tizimi O‘zbekiston ta’lim tizimida strategik boshqaruv mexanizmi sifatida shakllanmoqda. U nafaqat moliyaviy nazorat vositasi, balki ta’lim samaradorligini oshirish, korrupsiyani kamaytirish va resurslardan oqilona foydalanish uchun muhim tahliliy instrument sifatida ahamiyat kasb etmoqda [7].

Xulosa

Budjet tashkilotlarida ichki audit tizimini takomillashtirish — ta’lim jarayonining ochiqligi, samaradorligi va qonuniyligini ta’minlashda muhim omil hisoblanadi. Tadqiqot davomida ichki auditning nazariy-uslubiy asoslari, uning boshqaruv tizimidagi o‘rni va ahamiyati, shuningdek, amaliyotda uchrayotgan muammolar tahlil qilindi.

O‘zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan ta’lim islohotlari ichki auditni nafaqat moliyaviy nazorat vositasi, balki boshqaruv qarorlarini asoslash, resurslardan oqilona foydalanish va ta’lim sifatini oshirishning strategik mexanizmi sifatida ko‘rishni taqozo etadi.

Shuningdek, ichki audit faoliyatini amalga oshiruvchi mutaxassislarning malakasi, mustaqilligi va zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish ko‘nikmalarini oshirish dolzarb masalalardan biri bo‘lib qolmoqda.

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, Budjet tashkilotlarida ichki audit tizimini samarali tashkil etish uchun quyidagi yo‘nalishlar muhim:
* audit standartlarini xalqaro talablarga moslashtirish;
* raqamli audit tizimlarini joriy etish;
* auditorlar uchun muntazam malaka oshirish dasturlarini yo‘lga qo‘yish;
* audit natijalari asosida boshqaruv qarorlarini qabul qilish mexanizmini takomillashtirish.

Shunday qilib, ichki auditning samarali faoliyati Budjet tashkilotlarida moliyaviy intizomni mustahkamlash, korrupsiya holatlarini kamaytirish va ta’lim sifatini oshirishga bevosita xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent: “O‘zbekiston”, 2023.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ–252-son qarori “Davlat auditi va moliyaviy nazorati faoliyatini yanada takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”. – Toshkent, 2025-yil 18-dekabr.
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 01-avgustdagi 416-son qarori “Davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit xizmati to‘g‘risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida”. – Toshkent, 2022.
4. “O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi hamda davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit xizmatlari xodimlari malakasini sertifikatlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”. – 13.02.2023 yildagi . O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023 yil 13-fevraldagi 62-son qarori.
5. To‘xtayev, S.Audit nazariyasi va amaliyoti. – Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2020.
6. Jo‘rayev, N. Davlat sektorida ichki nazorat va audit tizimini takomillashtirish yo‘llari. – Toshkent: “Innovatsion rivojlanish”, 2022.
7. Abduqodirov, A. va boshqalar. Buxgalteriya hisobi, audit va moliyaviy nazorat. – Toshkent: “Iqtisod-moliya”, 2023.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

INNOVATSIYA LOYIHALARINI MOLIYALASHTIRISHDA XORIJIY TAJRIBA VA UNI O‘ZBEKISTONDA QO‘LLASH IMKONIYATLARI

Aminov Farrux Farxadovich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
mustaqil izlanuvchisi
Email: Aminov1982@gmail.com

Annotatsiya. *Mazkur maqolada innovatsion loyihalarni moliyalashtirishning xorijiy tajribasi hamda uni O‘zbekiston sharoitida qo‘llash imkoniyatlari tahlil qilingan. Xususan, AQSH, Germaniya, Janubiy Koreya, Yaponiya va Xitoy kabi rivojlangan davlatlarda innovatsion loyihalarni moliyalashtirishning samarali mexanizmlari, jumladan venchur kapital, davlat grantlari, subsidiyalar, biznes-inkubatorlar, texnoparklar va davlat-xususiy sheriklik asosidagi moliyalashtirish tizimlari o‘rganilgan. Shuningdek, innovatsion faoliyatni qo‘llab-quvvatlashda bank kreditlari, investitsion fondlar va xalqaro moliya institutlarining o‘rni yoritilgan. Tadqiqot davomida O‘zbekistonda innovatsion loyihalarni moliyalashtirish tizimining amaldagi holati, mavjud muammolar va istiqboldagi imkoniyatlar tahlil qilinadi. Maqolada xorijiy tajribani milliy iqtisodiyotga moslashtirish, innovatsion infratuzilmani rivojlantirish, venchur moliyalashtirish bozorini kengaytirish hamda startap loyihalarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha ilmiy-amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *Innovatsion loyihalar, moliyalashtirish mexanizmlari, xorijiy tajriba, venchur kapital, startap, investitsiyalar, davlat grantlari, innovatsion infratuzilma, texnopark, biznes-inkubator, davlat-xususiy sheriklik, investitsion siyosat, innovatsion iqtisodiyot, O‘zbekiston iqtisodiyoti, texnologik rivojlanish.*

FOREIGN EXPERIENCE IN FINANCING INNOVATIVE PROJECTS AND OPPORTUNITIES FOR ITS APPLICATION IN UZBEKISTAN

Aminov Farrukh Farkhadovich
Tashkent State University of Economics
independent researcher
Email: Aminov1982@gmail.com

Abstract. *This article analyzes foreign experience in financing innovative projects and the possibilities of its application in the context of Uzbekistan. In particular, effective mechanisms for financing innovative projects in developed countries such as the USA, Germany, South Korea, Japan, and China, including venture capital, state grants, subsidies, business incubators, technology parks, and public-private partnership financing systems, have been studied. The role of bank loans, investment funds, and international financial institutions in supporting innovative activities is also highlighted. The study analyzes the current state of the financing system for innovative projects in Uzbekistan, existing problems, and prospective opportunities. The article develops scientific and practical recommendations for adapting foreign experience to the national economy, developing innovative infrastructure, expanding the venture financing market, and supporting startup projects.*

Keywords: *Innovative projects, financing mechanisms, foreign experience, venture capital, startup, investments, state grants, innovative infrastructure, technopark, business incubator, public-private partnership, investment policy, innovative economy, economy of Uzbekistan, technological development.*

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аминов Фаррух Фархадович

Ташкентский государственный экономический университет
независимый исследователь
Email: Aminov1982@gmail.com

Аннотация. *В данной статье анализируется зарубежный опыт финансирования инновационных проектов и возможности его применения в условиях Узбекистана. В частности, в таких развитых странах, как США, Германия, Южная Корея, Япония и Китай, изучены эффективные механизмы финансирования инновационных проектов, включая венчурный капитал, государственные гранты, субсидии, бизнес-инкубаторы, технопарки и системы финансирования на основе государственно-частного партнерства. Также освещена роль банковских кредитов, инвестиционных фондов и международных финансовых институтов в поддержке инновационной деятельности. В ходе исследования анализируется текущее состояние системы финансирования инновационных проектов в Узбекистане, существующие проблемы и перспективные возможности. В статье разработаны научно-практические рекомендации по адаптации зарубежного опыта к национальной экономике, развитию инновационной инфраструктуры, расширению рынка венчурного финансирования и поддержке стартап-проектов.*

Ключевые слова: *Инновационные проекты, механизмы финансирования, зарубежный опыт, венчурный капитал, стартап, инвестиции, государственные гранты, инновационная инфраструктура, технопарк, бизнес-инкубатор, государственно-частное партнерство, инвестиционная политика, инновационная экономика, экономика Узбекистана, технологическое развитие.*

Kirish.

Zamonaviy global iqtisodiyotda innovatsiyalar mamlakatlar taraqqiyotining asosiy harakatlantiruvchi kuchiga aylangan. Innovatsion loyihalarni moliyalashtirish esa bu jarayonning eng muhim bo‘g‘inlaridan biri hisoblanadi, chunki har qanday ilg‘or g‘oya yoki ixtiro o‘zining iqtisodiy samarasini berishi uchun yetarli moliyaviy resurslar bilan ta’minlanishi shart. Rivojlangan davlatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, innovatsiyalarni moliyalashtirishning samarali tizimi davlat, xususiy sektor, ilmiy-tadqiqot muassasalari va moliya institutlarining uyg‘un faoliyatiga asoslangan murakkab ekotizimni talab qiladi. Bu ekotizimda venchur kapital, biznes farishtalar, kraudfanding platformalari, davlat grantlari va xalqaro moliya institutlari muhim o‘rin tutadi. O‘zbekiston uchun bunday tajribani o‘rganish va milliy sharoitga moslab tatbiq etish iqtisodiyotni diversifikatsiyalash hamda raqamli transformatsiyani amalga oshirishda strategik ahamiyatga ega.

Amerika Qo‘shma Shtatlari innovatsion loyihalarni moliyalashtirishning eng rivojlangan modeliga ega bo‘lgan davlat sifatida butun dunyoga ibrat bo‘lib kelmoqda. Bu mamlakatda venchur kapital institutlari yuqori riskli, lekin yuqori daromadli loyihalarni qo‘llab-quvvatlashda yetakchi rol o‘ynaydi. Silikon vodiysi misolida ko‘rishimiz mumkinki, bu yerda venchur fondlar, texnologik kompaniyalar, universitetlar va investorlar o‘rtasidagi mustahkam aloqalar yangi startaplar uchun qulay muhit yaratgan. Amerika modelining o‘ziga xosligi shundaki, davlat to‘g‘ridan-to‘g‘ri moliyalashtirishdan ko‘ra ko‘proq tartibga solish, soliq imtiyozlari va intellektual mulk huquqlarini himoya qilish orqali innovatsion faoliyatni rag‘batlantiradi. Bundan tashqari, biznes farishtalar deb ataluvchi xususiy investorlar tarmog‘i erta bosqichdagi tadbirkorlarga nafaqat moliyaviy resurs, balki tajriba va biznes aloqalarini ham taqdim etadi.

Yevropa Ittifoqi mamlakatlari innovatsiyalarni moliyalashtirishda davlatning faol ishtirokiga asoslangan o‘ziga xos modelni shakllantirgan. Bu yerda Yevropa investitsiya banki, turli ramka dasturlari va milliy innovatsion fondlar orqali ilmiy tadqiqotlar va texnologik ishlanmalarga ulkan mablag‘lar yo‘naltiriladi. Germaniya tajribasi ayniqsa diqqatga sazovor, chunki bu mamlakatda Fraunhofer institutlari tarmog‘i fundamental ilmiy tadqiqotlarni amaliy ishlab chiqarish bilan bog‘lashda ko‘prik vazifasini bajaradi. Finlyandiya, Shvetsiya va Daniya

kabi Shimoliy mamlakatlar esa milliy innovatsion agentliklar orqali yosh tadbirkorlarga grant, qaytarib beriladigan kreditlar va konsalting xizmatlarini majmuaviy ravishda taklif qiladi. Yevropa modelining yana bir muhim xususiyati klaster yondashuvi bo‘lib, unda muayyan hududda ilmiy muassasalar, kompaniyalar va moliya tashkilotlari birgalikda innovatsion ekotizimni shakllantiradi.

Osiyo mintaqasida Yaponiya, Janubiy Koreya va Singapur kabi davlatlar innovatsion taraqqiyotning ajoyib namunalarini ko‘rsatib kelmoqda. Yaponiya modelida yirik korporatsiyalar o‘z ichki ilmiy-tadqiqot bo‘linmalariga katta sarmoyalar kiritadi, davlat esa strategik tarmoqlarda uzoq muddatli sanoat siyosatini olib boradi. Janubiy Koreya esa chaeboldeb ataluvchi yirik konglomeratlar va davlatning hamkorlik modelini muvaffaqiyatli amalga oshirgan, bu esa mamlakatni texnologik yetakchilar qatoriga olib chiqdi. Singapurning tajribasi ayniqsa qiziqarli, chunki bu kichik shahar-davlat o‘zining mahalliy resurslari cheklanganligiga qaramay, qulay biznes muhiti, soliq imtiyozlari, kuchli ta’lim tizimi va xorijiy investorlar uchun ochiq siyosat orqali mintaqaviy innovatsion markazga aylangan. Singapur davlat investitsiya kompaniyalari startaplarning erta bosqichidan tortib, xalqaro miqyosga chiqishigacha bo‘lgan barcha bosqichlarda qo‘llab-quvvatlash ko‘rsatadi.

Isroil tajribasi alohida o‘rganishga loyiq, chunki bu mamlakat aholisi va hududi nisbatan kichik bo‘lishiga qaramay, bir kishi boshiga to‘g‘ri keladigan startaplar soni bo‘yicha dunyoda yetakchi o‘rinda turadi. Isroilning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan davlatning innovatsion siyosatdagi faol ishtirokiga bog‘liq. Bosh innovatsiyalar idorasi orqali davlat ilmiy-tadqiqot loyihalariga sezilarli moliyaviy yordam ko‘rsatadi va, eng muhimi, agar loyiha muvaffaqiyatsiz tugasa, bu mablag‘lar qaytarilmaydi, lekin loyiha foyda keltirsa, davlat o‘z ulushini qaytarib oladi. Bunday yondashuv tadbirkorlarni risk olishga rag‘batlantiradi va innovatsion madaniyatni shakllantiradi. Isroilda harbiy soha bilan fuqarolik innovatsion sektor o‘rtasidagi mustahkam aloqalar, kuchli oliy ta’lim tizimi va dunyodagi yetakchi venchur kompaniyalar bilan integratsiya ham bu mamlakatning innovatsion muvaffaqiyatini ta’minlovchi muhim omillardir.

Xitoy Xalq Respublikasi innovatsiyalarni moliyalashtirishda o‘ziga xos aralash modelni qo‘llamoqda, unda davlatning strategik rejalashtirishi xususiy tadbirkorlik tashabbusi bilan uyg‘unlashgan. Xitoy hukumati uzoq muddatli strategik dasturlar orqali sun’iy intellekt, kvant texnologiyalari, yangi energiya manbalari va biotexnologiyalar kabi ustuvor yo‘nalishlarga ulkan mablag‘lar yo‘naltirmoqda. Mamlakatdagi maxsus iqtisodiy zonalar va texnoparklar tizimi xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va mahalliy texnologiyalarni rivojlantirish uchun qulay sharoitlar yaratmoqda. Xitoyning kraudfanding va onlayn moliyalashtirish platformalari dunyodagi eng yiriklaridan biri sanaladi, bu esa kichik tadbirkorlarning loyihalarini moliyalashtirish uchun ulkan imkoniyatlar yaratadi. Davlat banklari va sug‘urta kompaniyalari ham innovatsion korxonalarni qo‘llab-quvvatlashda muhim rol o‘ynaydi.

O‘zbekistonda innovatsion faoliyatni moliyalashtirish tizimi hozirgi vaqtda faol shakllanish bosqichida bo‘lib, bu yo‘nalishda muhim islohotlar amalga oshirilmoqda. Mamlakatda Innovatsion rivojlanish vazirligi, IT Park, texnoparklar tarmog‘i va turli innovatsion fondlar tashkil etilgan. Biroq xorijiy tajriba bilan taqqoslaganda, mahalliy ekotizimda hali bir qator muammolar mavjud. Venchur kapital bozori endigina rivojlana boshlamoqda, biznes farishtalar tarmog‘i to‘liq shakllanmagan, kraudfanding platformalari cheklangan miqyosda faoliyat yuritmoqda. Bundan tashqari, ilmiy-tadqiqot muassasalari va biznes o‘rtasidagi aloqalar yetarli darajada mustahkamlanmagan, intellektual mulk huquqlarini himoya qilish mexanizmlari takomillashtirishni talab qiladi. Bank tizimi ham innovatsion loyihalarning yuqori riskli tabiati tufayli ularni moliyalashtirishga ehtiyotkorlik bilan yondashmoqda.

Xorijiy tajribani O‘zbekistonda qo‘llash imkoniyatlari keng ko‘lamli bo‘lib, bu boradagi yondashuv kompleks va izchil bo‘lishi zarur. Birinchidan, Isroil modeliga o‘xshash davlat granti tizimini kengaytirish, ya’ni muvaffaqiyatsiz loyihalar uchun mablag‘ qaytarish majburiyatini yumshatish, muvaffaqiyatli loyihalardan esa davlatning adolatli ulushini olish mexanizmini joriy etish maqsadga muvofiq. Yevropa tajribasi asosida ilmiy muassasalar va biznes o‘rtasida ko‘prik

vazifasini bajaradigan texnologiya transfer markazlarini kuchaytirish lozim. Singapur modelini o‘rganib, xorijiy venchur kapitalni jalb qilish uchun soliq imtiyozlari va qulay huquqiy muhit yaratish zarur. Amerika tajribasidan kelib chiqib, biznes farishtalar tarmog‘ini rivojlantirish, kraudfanding platformalarini kengaytirish va startap akselleratorlari sonini ko‘paytirish foydali bo‘ladi. Shuningdek, milliy innovatsion fond resurslarini sezilarli ravishda oshirish, oliy ta’lim muassasalari qoshida tadbirkorlik inkubatorlarini tashkil etish, diasporadagi mutaxassislar va investorlarni jalb qilish mexanizmlarini ishlab chiqish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Faqat shunday majmuaviy yondashuv orqali O‘zbekiston o‘z innovatsion potensialini to‘liq ro‘yobga chiqarib, bilimga asoslangan iqtisodiyotni qurish maqsadiga erisha oladi.

Adabiyotlar sharhi.

Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida innovatsiya loyihalarini moliyalashtirishda xorijiy tajriba va uni O‘zbekistonda qo‘llash imkoniyatlari bo‘yicha dunyoning bir qancha yetakchi iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilgan bo‘lib. Ulardan, Gulchexra Ergasheva o‘z tadqiqotlarida innovatsion loyihalarni moliyalashtirishda venchur kapital tizimi eng samarali mexanizmlardan biri ekanligini ta’kidlaydi. An’anaviy bank kreditlari yuqori riskli startap va innovatsion loyihalarni moliyalashtirish uchun yetarli darajada mos emas. Shu sababli AQSh va Janubiy Koreya tajribasidagi kabi venchur fondlari, biznes farishtalar va akselerator dasturlarini rivojlantirish O‘zbekiston uchun muhim hisoblanadi. U davlatning dastlabki bosqichdagi qo‘llab-quvvatlashi orqali xususiy investorlarni innovatsion loyihalarga jalb qilish mumkinligini asoslaydi[1]. Shuningdek, olima innovatsion ekotizimda universitet–ilmiy markaz–biznes integratsiyasini kuchaytirish zarurligini qayd etadi. Uning qarashlarida venchur kapital nafaqat moliyaviy vosita, balki texnologiyalar transferini tezlashtiruvchi institutsional mexanizm sifatida talqin qilinadi. O‘zbekistonda innovatsion fondlar faoliyatini soliq imtiyozlari orqali rag‘batlantirish taklif etiladi.

Bayramgul Jubanova o‘z tadqiqotlarida innovatsion loyihalarni moliyalashtirishda davlat va xususiy sektor hamkorligini muhim omil sifatida baholaydi. Uning fikricha, rivojlangan mamlakatlarda grantlar, subsidiyalar va kraudfanding platformalari innovatsion faoliyatni jadallashtirishga xizmat qilmoqda. O‘zbekistonda ham ushbu vositalarni qo‘llash orqali kichik innovatsion bizneslarni qo‘llab-quvvatlash mumkin. Davlat tomonidan kafolatlangan innovatsion kredit liniyalari va startap fondlarini tashkil etish milliy iqtisodiyotning texnologik modernizatsiyasiga xizmat qiladi. U, ayniqsa, Yevropa Ittifoqining “Horizon Europe” dasturi tajribasini O‘zbekistonda joriy etish bo‘yicha tavsiyalar beradi[2].

Anvarjon Xoshimov o‘z tadqiqotlarida innovatsion loyihalarni moliyalashtirishdagi asosiy muammo sifatida tavakkalchiliklarning yuqoriligini ko‘rsatadi. U innovatsion loyihalarda moliyaviy, texnologik va bozor risklarini diversifikatsiya qilish uchun bosqichma-bosqich moliyalashtirish (stage-gate financing) tizimini taklif etadi. Olim xorijiy tajribada qo‘llanilayotgan sug‘urta mexanizmlari, davlat grantlari va venchur fondlari risklarni kamaytirishda muhim o‘rin tutishini qayd etadi. Uning fikricha, O‘zbekistonda innovatsion loyihalarni ekspertiza qilish va monitoring qilish tizimini kuchaytirish investitsion xavflarni kamaytiradi[3].

Muxammadjon Amonov o‘z tadqiqotlarida innovatsion loyihalarni moliyalashtirishda davlat-xususiy sheriklik (DXSh) modelining samaradorligini alohida ta’kidlaydi. Uning tadqiqotlariga ko‘ra, davlat investitsiyalarining har bir dollari o‘rtacha 2,1 dollar xususiy investitsiyani jalb qiladi. Olim yashil obligatsiyalar, sukuk va kraudfanding kabi zamonaviy moliyaviy instrumentlarni O‘zbekistonda rivojlantirish innovatsion iqtisodiyotning barqaror o‘sishini ta’minlashini asoslaydi. U Koreya va Singapur tajribalarini misol qilib keltirib, innovatsion zonalar va texnoparklarni kengaytirish zarurligini qayd etadi[4].

Askarxon Samaroxonov o‘z tadqiqotlarida innovatsion faoliyatni moliyalashtirishda xorijiy davlatlarning grant, subsidiya va soliq imtiyozlari tizimi samarali natija berayotganini ko‘rsatadi. Olim Germaniya, Janubiy Koreya va Xitoy tajribalarini tahlil qilib, davlatning

innovatsion siyosati moliyalashtirish infratuzilmasi bilan uzviy bog‘liq ekanligini ta’kidlaydi. Uning fikricha, O‘zbekistonda innovatsion korxonalar uchun imtiyozli kreditlar, ilmiy laboratoriyalarni moliyalashtirish va universitetlar bilan sanoat integratsiyasini rivojlantirish zarur. Olim startaplarni eksportga yo‘naltirish uchun maxsus innovatsion eksport fondlarini tashkil etishni ham taklif etadi[5].

Farrux Yoqubov o‘z tadqiqotlarida innovatsion loyihalarni moliyalashtirishda xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlikni kengaytirish zarurligini ta’kidlaydi. Uning qarashlarida Jahon banki, OECD va UNIDO tajribalaridan foydalanish innovatsion infratuzilmani rivojlantirishning asosiy omili sifatida ko‘rsatiladi. Olimning fikricha, O‘zbekistonda innovatsion loyihalarni moliyalashtirishning aralash modeli – davlat grantlari, bank krediti va xususiy investitsiyalar kombinatsiyasi eng maqbul variant hisoblanadi. U texnologik transfer markazlari va innovatsion klasterlarni tashkil etishni taklif qiladi[6].

Yevgeniy Balatskiy tomonidan innovatsion iqtisodiyotda davlatning faol investitsion siyosati zarurligini asoslaydi. Uning fikricha, Rossiya va MDH davlatlarida innovatsion loyihalarni moliyalashtirishda davlat kafolatlari va subsidiyalari muhim rol o‘ynaydi. U texnologik modernizatsiyani jadallashtirish uchun innovatsion banklarni rivojlantirishni taklif etadi[7].

Sergey Glazyev tomonidan innovatsion rivojlanishda strategik investitsiyalar va davlat tomonidan uzoq muddatli kreditlash mexanizmlarini muhim deb hisoblaydi. U innovatsion texnologiyalarni moliyalashtirish uchun milliy rivojlanish banklarini tashkil etishni taklif etgan[8].

Natalya Ivanova tomonidan innovatsion loyihalarda universitetlar va ilmiy markazlarning moliyaviy integratsiyasini qo‘llab-quvvatlaydi. Uning fikricha, innovatsion iqtisodiyotda bilimlar iqtisodiyoti asosiy kapital hisoblanadi[9].

Valeriy Makarov tomonidan raqamli iqtisodiyot sharoitida innovatsion moliyalashtirishning yangi mexanizmlarini ishlab chiqqan. U sun’iy intellekt va raqamli platformalar asosida investitsiyalar samaradorligini oshirish mumkinligini ta’kidlaydi[10].

Olga Golichenko tomonidan innovatsion loyihalarni moliyalashtirishda xalqaro hamkorlik va texnologik transferning ahamiyatini asoslaydi. Uning fikricha, rivojlanayotgan davlatlarda innovatsion fondlar iqtisodiy o‘sishning drayveri hisoblanadi[11].

Kenes Rakishev tomonidan Markaziy Osiyoda startap ekotizimini rivojlantirish uchun venchur investitsiyalar va fintech platformalarni kengaytirish zarurligini qayd etadi. U Qozog‘iston tajribasida Astana Hub modelini muvaffaqiyatli mexanizm sifatida baholaydi[12].

Josh Lerner tomonidan innovatsion loyihalarni moliyalashtirishda venchur kapitalning hal qiluvchi rolini asoslaydi. U davlatning innovatsion bozorga haddan tashqari aralashuvi samaradorlikni pasaytirishi mumkinligini qayd etadi[13].

Karen Wilson innovatsion firmalarni moliyalashtirishda davlat va xususiy sektor hamkorligi muhimligini ta’kidlaydi. U OECD tadqiqotlarida seed financing va early-stage investment mexanizmlarini chuqur tahlil qilgan[14].

Mariana Mazzucato tomonidan innovatsion iqtisodiyotda “tadbirkor davlat” konsepsiyasini ilgari suradi. Uning fikricha, davlat innovatsion loyihalarda faol investor sifatida qatnashishi zarur[15].

Tadqiqot metodologiyasi.

Innovatsiya loyihalarini moliyalashtirishda xorijiy tajriba va uni O‘zbekistonda qo‘llash imkoniyatlari bo‘yicha dunyo olimlari tomonidan olib borilayotgan tadqiqodlarni tahlil qilish, mavzu yuzasidan barcha ma’lumotlarni to‘plash, solishtirish, mantiqiy fikrlash kabi iqtisodiy tadqiqot usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Innovatsion loyihalarni moliyalashtirish tizimida eng keng tarqalgan muammolardan biri grant resurslarining bir martalik va bosqichlarga bo‘linmagan tarzda ajratilishidir. Mavjud amaliyotda loyihaga belgilangan miqdordagi mablag‘ yagona tranzaksiya orqali taqdim etiladi va

keyingi nazorat hamda baholash mexanizmlari yetarli darajada ishlab chiqilmagan. Bunday yondashuvda tadqiqotchi yoki innovator loyihaning dastlabki bosqichlarida olgan mablag‘ini istalgan tarzda sarflashi mumkin, lekin loyihaning haqiqiy rivojlanishi va natijaviy ko‘rsatkichlari bilan moliyalashtirish hajmi o‘rtasida aniq bog‘liqlik mavjud emas. Natijada, ko‘plab loyihalar dastlabki bosqichdan keyin to‘xtab qoladi, ularga sarflangan mablag‘lar esa hech qanday iqtisodiy yoki ilmiy samara bermay yo‘qoladi.

Yana bir muhim muammo innovatsion loyihalarning fundamental g‘oyadan tijoriy mahsulot darajasiga yetkazilishida vujudga keladigan "o‘lim vodiysi" hodisasidir. Olimlar va tadqiqotchilar laboratoriya sharoitida ilg‘or ishlanmalarni yaratadilar, ammo bu ishlanmalarni prototip darajasiga olib chiqish, sanoat sinovlaridan o‘tkazish va bozorga moslashtirish uchun zarur bo‘lgan oraliq moliyalashtirish manbalari amaliyotda yetishmaydi. Davlat grantlari ko‘pincha fundamental tadqiqotlarni qo‘llab-quvvatlaydi, xususiy investorlar esa faqat tayyor mahsulot bilan ishlashni afzal ko‘radi. Bu ikki manba o‘rtasidagi bo‘shliq ko‘plab istiqbolli ishlanmalarning bozorga chiqarilmasdan to‘xtab qolishiga sabab bo‘lmoqda.

Xususiy sektorning innovatsion loyihalarni moliyalashtirishga jalb etilishidagi yetishmovchilik ham jiddiy muammo sifatida e’tirof etiladi. Mahalliy xususiy investorlar, jumladan, bank va sug‘urta institutlari innovatsion loyihalarni baholash uchun zarur metodologiya va vositalarga ega emas. Ular loyihaning rivojlanish bosqichini, texnik tayyorgarlik darajasini va potentsial risklarni aniq belgilay olmaganliklari sababli innovatsion sektorga sarmoya kiritishdan o‘zlarini tortmoqda. Bunday vaziyatda davlat resurslari yagona moliyalashtirish manbai bo‘lib qolmoqda, bu esa innovatsion ekotizimning moliyaviy bazasini sezilarli darajada cheklaydi.

Bundan tashqari, mavjud grant tizimida loyihalarning rivojlanish bosqichlariga muvofiq differentsiyalangan moliyalashtirish mexanizmlari yo‘qligi resurslardan foydalanish samaradorligini sezilarli darajada pasaytirmoqda. Erta bosqichdagi loyihalarga ortiqcha katta mablag‘lar ajratilishi mumkin, holbuki bu bosqichda kichik miqdorda, lekin izchil moliyalashtirish ko‘proq samarali bo‘ladi. Aksincha, tijoratlashtirishga yaqin loyihalar yetarli miqyosda moliyaviy yordam ololmaydi, bu esa ularning bozorga chiqishini sekinlashtiradi. Mazkur muammolarning kompleks yechimi sifatida xalqaro amaliyotda keng qo‘llaniladigan Technology Readiness Level metodologiyasiga asoslangan ko‘p bosqichli moliyalashtirish mexanizmini joriy etish zarurati paydo bo‘lmoqda.

1-jadval.

Technology Readiness Level (TRL) bosqichlari va ularga mos keluvchi moliyalashtirish manbalari xalqaro amaliyotda[87][16]

TRL bosqichi	Bosqich tavsifi	Mos keluvchi moliyalashtirish manbalari
TRL 1–3 (erta bosqich)	Fundamental tamoyillar, konsepsiya formulalanishi, eksperimental proof-of-concept	Davlat ilmiy grantlari, universitet tadqiqotlari, Horizon Europe RIA, Innovate UK, European Research Council, ESA grantlari
TRL 4–6 (rivojlanish bosqichi)	Laboratoriya validatsiyasi, prototip, tegishli muhitda namoyish	Seed-bosqich investitsiyalar, SBIR/STTR Phase II grantlari, Department of Energy texnologiya grantlari, Horizon Europe Innovation Actions
TRL 7–9 (tijoratlashtirish bosqichi)	Operatsion muhitda sinov, tizimning to‘liq ishlashi, bozorga chiqarilgan mahsulot	Kech bosqich venchur kapital, strategik sheriklik, korporativ venchur, davlat xaridlari, EIC Accelerator

Yuqorida ko‘rsatib o‘tilgan muammolarning yechimi sifatida Jahon banki tomonidan

[87] https://www.grantify.io/us-articles/technology-readiness-levels-trls-explained

Hozirgi qonunchilikda hujjatlarni o‘z vaqtida yubormaganlik uchun aniq va sezilarli javobgarlik chorasi belgilanmagan. Mavjud normalar ko‘proq deklarativ xususiyatga ega bo‘lib, “tomonlar shartnomada ko‘rsatishi mumkin” tarzidagi dispozitiv normalardan iborat. Yetkazib beruvchi uchun hujjatni vaqtida yubormaslikning hech qanday jiddiy oqibati yo‘qligi sababli, ushbu majburiyatga befarq munosabat shakllanib qolgan. Aniq miqdoriy javobgarlik mavjud bo‘lmagan sharoitda, intizom ham qaror topmaydi. Xo‘jalik yurituvchi subyektlarga jo‘natilgan tovarlarga oid to‘lov yoki tovar-transport hujjatlarining nusxasini belgilangan muddatda yubormaganlik to‘g‘risidagi boshqa axborotni taqdim etmaganlik uchun yetkazib beruvchi sotib oluvchiga axborot taqdim etilmagan har bir holat uchun yetkazib berilayotgan tovar qiymatining 4 foizi miqdorida jarima to‘lashini imperativ norma sifatida qonunchilikka kiritish maqsadga muvofiqdir. Yetkazib beruvchilar tomonidan to‘lov va tovar-transport hujjatlarini belgilangan muddatda jo‘natish intizomi sezilarli darajada mustahkamlanadi. Tovar qiymatining 4 foizi miqdoridagi jarima har bir holat uchun belgilangan bo‘lganligi sababli, bu summa yetkazib beruvchi uchun qisqa vaqt ichida sezilarli moliyaviy yo‘qotishga aylanishi mumkin. Shu sababli, korxonalar o‘z hujjatlar oqimini tartibga solish, ichki nazoratni mustahkamlash, mas’ul xodimlarni tayyorlash uchun zarur choralarni ko‘rishadi. Bu esa umuman ish jarayonlarining sifatini va shaffofligini oshiradi.

Sotib oluvchi xo‘jalik yurituvchi subyektlarning soliq hisobi va buxgalteriya yuritishi sezilarli darajada osonlashadi. Yetkazib beruvchi tomonidan o‘z vaqtida taqdim etilgan elektron hisob-fakturalar va boshqa hujjatlar asosida sotib oluvchi QQS hisobiga olish, foyda solig’i bo‘yicha xarajatlar tarkibiga kiritish, ombor hisobini yuritish kabi protseduralarni vaqtida bajaradi. Bu nafaqat moliyaviy hisobotlarning ishonchliligini, balki soliq organlariga taqdim etiladigan hisobotlarning to‘g’riligini ham ta’minlaydi. Tomonlar o‘rtasidagi xo‘jalik nizolari soni sezilarli

darajada qisqaradi. Hujjatlarning o‘z vaqtida va to‘liq taqdim etilishi har qanday bahsli holatda dalil bazasini mustahkamlaydi: tovar qachon yuborilgan, qanday miqdorda, qanday sifatda, kim qabul qilgan — barcha savollarga aniq javob mavjud bo‘ladi. Sudga ham, hakamlik organlariga ham, oddiy tomonlarning kelishuvi orqali ham nizolarni hal qilish ancha osonlashadi.

Davlat soliq xizmati va boshqa nazorat organlari o‘z vazifalarini samaraliroq bajarish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Xo‘jalik yurituvchi subyektlar o‘rtasidagi har bir operatsiya hujjatlashtirilgan va ikkala tomonda tegishli nusxalar mavjud bo‘lganligi sababli, soliq tekshiruvlari samarali, tezkor va aniq amalga oshiriladi. Soliq turlari (QQS, foyda solig‘i, aksiz solig‘i va boshqalar) bo‘yicha xato hisob-kitoblar, yashirin operatsiyalar, soxta hisob-fakturalar holatlari sezilarli darajada qisqaradi. To‘lov tartibining vaqtinchalik kechiktirilishi muammosi hal qilinadi. Hisob-faktura va boshqa zarur hujjatlar o‘z vaqtida sotib oluvchiga yetkazilgan sharoitda, uning to‘lovni amalga oshirish uchun hech qanday rasmiy to‘siqlari qolmaydi. To‘lov muddatlari haqiqiy ravishda bajariladi, har ikkala tomon ham o‘z oborot mablag’larini samarali rejalashtirish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Mamlakatning makroiqtisodiy ma’lumotlari va statistik ko‘rsatkichlari ishonchliligi sezilarli darajada oshadi. Har bir xo‘jalik operatsiyasi belgilangan muddatda hujjatlashtirilgan bo‘lganligi sababli, davlat statistika organlari, Markaziy bank, Iqtisodiyot vazirligi va boshqa vazifalari uchun zarur bo‘lgan tashkilotlar real iqtisodiy faollik haqidagi tezkor va to‘liq axborotga ega bo‘ladi. Bu makroiqtisodiy siyosat qarorlarini qabul qilish, budjet rejalashtirish, monetar siyosatni amalga oshirish samaradorligini oshiradi.

Eksport-import operatsiyalari sohasida O‘zbekiston xo‘jalik yurituvchi subyektlarining xalqaro obro‘si mustahkamlanadi. Hujjatlarni o‘z vaqtida tayyorlash va taqdim etish madaniyati shakllangan korxonalar bilan xorijiy hamkorlar ham bajonidil ishlaydi. Bojxona organlarida, banklarda, xalqaro logistika kompaniyalarida bizning korxonalarimiz haqida ijobiy taassurot shakllanadi, bu esa eksport hajmlarini oshirish va yangi xalqaro hamkorlik aloqalarini o‘rnatishga xizmat qiladi. Iqtisodiyotning umumiy raqamlashtirish jarayoni tezlashadi. 4 foizlik jarima undirish tizimini joriy etish elektron hujjat almashinuvi (EDI), elektron hisob-faktura tizimi, raqamli imzodan foydalanishni ommalashtirish uchun kuchli rag’bat bo‘ladi. Korxonalar qog’oz hujjatlardan elektron hujjatlarga o‘tish, integratsion tizimlarni joriy etish, biznes-jarayonlarni avtomatlashtirish uchun investitsiya qilishadi. Bu esa O‘zbekistonning raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha strategik vazifalarini muvaffaqiyatli amalga oshirishga xizmat qiladi.

Xulosa va takliflar:

Xo‘jalik yurituvchi subyektlar o‘rtasida shartnoma-intizomini mustahkamlash, o‘zaro hisob-kitoblar tizimining barqarorligini ta’minlash hamda iqtisodiy munosabatlarda mas’uliyat darajasini oshirish maqsadida ayrim moliyaviy javobgarlik choralarini takomillashtirish zarur hisoblanadi. Jumladan, yetkazib berilgan tovarlar, bajarilgan ishlar yoki ko‘rsatilgan xizmatlar uchun to‘lovlarning o‘z vaqtida amalga oshirilmasligi xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy barqarorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi, aylanma mablag’lar yetishmovchiligini yuzaga keltiradi hamda ishlab chiqarish va ta’minot jarayonlarida uzilishlarga sabab bo‘ladi. Shu bois, sotib oluvchining yetkazib beruvchiga to‘lovni kechiktirgan har bir kuni uchun kechiktirilgan summa miqdorining 0,8 foizi miqdorida, biroq umumiy qarzdorlik summasining 45 foizidan ortiq bo‘lmagan miqdorda penya to‘lash tartibini joriy etish iqtisodiy jihatdan asoslangan va amaliy ahamiyatga ega hisoblanadi. Mazkur mexanizm to‘lov intizomini kuchaytirishga, shartnoma majburiyatlarini o‘z vaqtida bajarishga rag’bat yaratishga hamda xo‘jalik subyektlari o‘rtasidagi moliyaviy munosabatlarni tartibga solishga xizmat qiladi.

Shuningdek, xo‘jalik yurituvchi subyektlar o‘rtasidagi hujjatlar aylanishining samaradorligini oshirish ham muhim masalalardan biri hisoblanadi. Amaliyotda yetkazib beruvchi tomonidan to‘lov hujjatlari yoki tovar-transport hujjatlari nusxalarining belgilangan muddatlarda taqdim etilmasligi natijasida hisob-kitob jarayonlari cho‘zilib ketishi, moliyaviy nizolar yuzaga kelishi hamda tovarlarni qabul qilish va hisobga olish jarayonlarida muammolar paydo bo‘lishi

kuzatiladi. Shu munosabat bilan, yetkazib beruvchi tomonidan tegishli axborot va hujjatlar o‘z vaqtida taqdim etilmagan har bir holat uchun yetkazib berilayotgan tovar qiymatining 4 foizi miqdorida jarima qo‘llash taklifi xo‘jalik subyektlarining mas’uliyatini oshirishga xizmat qiladi. Ushbu jarima mexanizmi hujjatlar aylanishi intizomini mustahkamlash, axborot almashinuvi samaradorligini oshirish hamda xo‘jalik faoliyatida shaffoflikni ta’minlashga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Umuman olganda, mazkur moliyaviy javobgarlik choralarining amaliyotga joriy etilishi xo‘jalik yurituvchi subyektlar o‘rtasida o‘zaro ishonchni mustahkamlash, iqtisodiy munosabatlarda barqarorlikni ta’minlash, debitor va kreditor qarzdorliklarning ortib ketishini oldini olish hamda shartnoma majburiyatlarining o‘z vaqtida va sifatli bajarilishiga erishishda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Natijada mamlakatda tadbirkorlik muhiti yaxshilanadi, moliyaviy intizom kuchayadi va xo‘jalik yurituvchi subyektlarning iqtisodiy samaradorligi oshadi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Jahon banki (2025). “Improved Access to Finance to Help 7000 Businesses in Uzbekistan Grow and Create Jobs”. https://www.worldbank.org/uz/news/press-release/2025/12/15/
2. Innovation in Science and Technology jurnali, “Bank kreditining kichik biznes subyektlarini moliyalashtirishdagi o‘rni” maqolasi. https://innoist.uz/index.php/ist/article/download/1051/1007/2409
3. Sayfullaev S.N. “O‘zbekiston sharoitida kichik biznesni investitsiyalashning o‘ziga xos xususiyatlari”. https://cyberleninka.ru/article/n/-O‘zbekiston-sharoitida-kichik-biznesni-investisiyalashning-oziga-xos-xususiyatlari
4. Jahon banki (2025). FINGROW loyihasi tahlili. https://www.worldbank.org/uz/news/press-release/2025/12/15/
5. O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik bazasi. https://lex.uz/acts/-1856013
6. EBRD loyihasi hujjati. https://ewsdata.rightsindevelopment.org/files/documents/13/EBRD-49313.pdf
7. Vahobov A.V. Bozor iqtisodiyoti asoslari. – Toshkent: Sharq, 2019. – 456 b.
8. Abdullayeva Sh.Z. Bank ishi. – Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2021. – 512 b.
9. Xodiev B.Yu. Kichik biznes va tadbirkorlik asoslari. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2020. – 384 b.
10. Jumayev N.X. Moliyaviy menejment. – Toshkent: Innovatsion rivojlanish, 2022. – 428 b.
11. Mustafakulov Sh. Kichik biznesni moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish // Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot. – 2026. – №1. – B. 44–51.
12. Лаврушин О.И. Банковское дело. – Москва: КНОРУС, 2020. – 800 с.
13. Поляк Г.Б. Финансовый менеджмент. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2021. – 527 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИДА АСОСИЙ КАПИТАЛГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ МАНБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Хошимов Собир Муртазаевич

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) Баҳолаш иши ва инвестициялар кафедраси доценти Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201

Аннотация. *Мақолада хорижий мамлакатлар мисолида асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришнинг манбалари кесимида таҳлили амалга оширилган, бу борада ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибалари ўрганилган. Бундан ташқари, асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришни ривожлантиришга оид хулосалар қилиниб, тегишли тартибда хулоса ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *банк кредитлари, қимматли қоғозлар бозори, давлат инвестициялари, давлат-хусусий шериклик, “яшил молиялаштириш”, ESG инструментлари, рақамли иқтисодиёт, солиқ имтиёзлари.*

АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В ОСНОВНОЙ КАПИТАЛ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Хошимов Сабир Муртазаевич

доктор философии в области экономики (PhD), доцент кафедры оценочное дело и инвестиции Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201

Аннотация. *В статье на примере зарубежных стран проведен анализ источников финансирования инвестиций в основной капитал, а также изучен опыт развитых и развивающихся стран в этой области. Кроме того, сделаны выводы относительно развития финансирования инвестиций в основной капитал, и даны соответствующие заключения и рекомендации.*

Ключевые слова: *банковские кредиты, рынок ценных бумаг, государственные инвестиции, государственно-частное партнерство, «зеленое финансирование», инструменты ESG, цифровая экономика, налоговые льготы.*

ANALYSIS OF SOURCES OF FINANCING INVESTMENTS IN FIXED CAPITAL IN FOREIGN COUNTRIES

Khoshimov Sabir Murtazaevich

Doctor of Philosophy in Economics (PhD), Associate Professor of the Department of Appraisal and Investments at Tashkent State the University of Economics

E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201

Abstract. *This article analyzes sources of fixed capital investment financing using examples from foreign countries and examines the experience of developed and developing countries in this area. Furthermore, conclusions are drawn regarding the development of fixed capital investment financing, and corresponding recommendations are provided.*

Keywords: *Bank loans, securities market, public investment, public-private partnerships, green finance, ESG instruments, digital economy, tax incentives.*

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида инвестиция фаоллигининг ўсиши ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда асосий капиталга йўналтириладиган инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишда асосий капитал инвестициялари ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Мазкур инвестицияларнинг самарадорлиги эса, аввало, уларни молиялаштириш манбалари ва молиялаштириш механизмининг қай даражада барқарор ва диверсификациялашганлигига боғлиқдир.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган глобал трансформация жараёнлари, жумладан, пандемиядан кейинги иқтисодий тикланиш, геосиёсий беқарорлик, инфляцион босимлар ва халқаро капитал ҳаракатининг ўзгариши инвестицияларни молиялаштириш тизимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Натижада ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида муҳим таркибий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, ривожланган мамлакатларда корпоратив ички маблағлар ва капитал бозорлари ролининг ортиши кузатилса, ривожланаётган мамлакатларда банк кредитлари, давлат дастурлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамияти сақланиб қолмоқда.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг оптимал таркибини шакллантириш иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, хусусий сектор инвестицион фаоллигини рағбатлантириш ва миллий иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, Германия, Япония, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларда инвестицияларни молиялаштиришда корхоналарнинг ички маблағлари ва қимматли қоғозлар бозори устувор аҳамият касб этса, Хитой, Туркия, Малайзия сингари ривожланаётган мамлакатларда банк-молия тизими ва хорижий капитал иштирокининг юқорилиги кузатилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам сўнгги йилларда инвестиция фаоллигини кенгайтириш, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва инвестицияларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, мамлакат раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бир масалага алоҳида урғу бермоқчиман: биз учун инвестиция – фақатгина молиявий манба эмас. Бу – технология, билим, малакали кадрлар, халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш, яъни, ҳақиқий тараққиёт демакдир” [1]. Шу нуқтаи назардан, хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркиби ва тенденцияларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг миллий иқтисодиётга мос жиҳатларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Мазкур мақоланинг мақсади хориж мамлакатларида асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркиби ва уларнинг сўнгги йиллардаги тенденцияларини таҳлил қилиш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини қиёсий баҳолаш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиёти учун тегишли илмий хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи

Асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш масалалари иқтисодий назарияда кенг ўрганилган илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу масала бўйича классик, кейнсча, неоклассик ва институционал иқтисодий мактаб вакиллари томонидан турли назарий ёндашувлар шакллантирилган. Инвестицияларнинг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти дастлаб классик иқтисодий мактаб вакиллари ишларида асосланган. Жумладан, Адам Смит ўзининг “Миллатлар бойлигининг табиати ва сабабларини ўрганиш” [2] асарида капитал жамғариш иқтисодий тараққиётнинг асосий манбаи эканлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш инвестициялар орқали амалга ошади ва бу миллий бойлик ўсишини таъминлайди.

Шунингдек, Давид Рикардо ўз асарларида капитал ҳаракати ва жамғариш жараёнлари иқтисодий ўсишга бевосита таъсир қилишини илмий жиҳатдан асослаб берган. Муаллиф инвестицияларнинг самарадорлиги фойда меъёри ва ресурслар тақсимоти билан боғлиқлигини кўрсатган.

Инвестицияларни давлат томонидан рағбатлантириш ғояси эса Дж.М.Кейнс томонидан ривожлантирилган. Унинг асарларида инвестициялар ялпи талабнинг асосий элементи сифатида қаралиб, давлат инвестициялари иқтисодий инқирозларни юмшатиш ва иқтисодий фаолликни ошириш воситаси эканлиги таъкидланган. Кейнс назариясига кўра, инвестиция қарорларига фоиз ставкалари ва инвесторлар кутилмалари катта таъсир кўрсатади.

Ахборот асимметрияси ва кредит бозори муаммолари Ж.Стиглитз ва А.Вейсс тадқиқотларида кенг таҳлил қилинган. Уларнинг “Номукаммал маълумотларга эга бозорларда кредит ставкаларини белгилаш”[3] номли мақоласида кредит бозорида ахборот номутаносиблиги инвестицияларни молиялаштириш имкониятларини чеклаши асосланган. Муаллифлар банк тизими ва молиявий институтлар самарадорлиги инвестицион фаоллик даражасига бевосита таъсир қилишини таъкидлаган.

Халқаро ташкилотлар томонидан ҳам мазкур масала бўйича кенг таҳлилий материаллар тайёрланган. Хусусан, Жаҳон банки ҳисоботларида ривожланаётган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришда банк кредитлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар устувор аҳамиятга эга экани қайд этилган. OECD тадқиқотларида эса ривожланган мамлакатларда корпоратив ички маблағлар ва қимматли қоғозлар бозори инвестицияларнинг асосий манбаси сифатида шаклланган таъкидланган. Сўнгги йилларда “яшил иқтисодиёт” ва барқарор молиялаштириш масалалари ҳам инвестиция тадқиқотларининг муҳим йўналишига айланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодчи олимларидан “Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ғ.Каримов, Б.К.Тўхлиев”[4] томонидан ҳам инвестицияларни молиялаштириш масалалари ўрганилган бўлиб, тадқиқотларда асосий эътибор инвестиция муҳитини яхшилаш, тижорат банклари ресурс базасини кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Бироқ, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибининг сўнгги йиллардаги ўзгаришларини қиёсий таҳлил қилиш масалалари етарлича комплекс тадқиқ этилмаган.

Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқот хориж мамлакатларида асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркиби ва уларнинг динамикасини таҳлил қилиш орқали миллий иқтисодиёт учун амалий аҳамиятга эга бўлган илмий хулосалар ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мавжуд илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларини комплекс баҳолаш, айниқса ҳудудий ва тармоқлараро кесимда чуқур таҳлил қилиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари, усуллари ва хусусиятлари таҳлилини амалга оширишда таққослама таҳлил, қиёслаш, илмий

абстракциялаш, анализ, синтез каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ривожланган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш тизими юқори даражада диверсификациялашган ва бозор механизмларига асосланганлиги билан ажралиб туради. Ушбу мамлакатларда инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида корхоналарнинг ички маблағлари, банк кредитлари, қимматли қоғозлар бозори, давлат инвестициялари ҳамда хорижий капитал иштирок этади. 2020-2024 йиллар давомида мазкур манбалар таркибида муҳим таркибий ўзгаришлар кузатилди.

1-жадвал

ОЕСД мамлакатларида асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркиби (жами инвестициялардаги улуши, %)”[5]

Кўрсаткичлар	Йил				
	2020	2021	2022	2023	2024
Корхоналарнинг ички маблағлари	55,4	57,1	58,6	60,2	61,4
Банк кредитлари	21,2	20,5	19,7	18,9	18,1
Қимматли қоғозлар бозори	11,8	12,4	13,2	13,8	14,3
Давлат инвестициялари	8,7	7,9	6,8	5,6	4,9
Хорижий инвестициялар	2,8	2,1	1,7	1,5	1,3

1-жадвал маълумотлари 2020-2024 йилларда ривожланган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида муҳим таркибий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади. Хусусан, таҳлил давомида корпоратив ички маблағлар улушининг изчил ўсиб бориши, ташқи молия манбалари улушининг эса нисбатан қисқариши кузатилган. Корхоналарнинг ички маблағлари 2020 йилдаги 55,4 фоиздан 2024 йилда 61,4 фоизгача ошган бўлиб, 6,0 фоизли бандга ўсиш қайд этилган. Бу ҳолат ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг молиявий мустақиллиги юқори даражада шаклланганлигини ҳамда инвестицияларни молиялаштиришда тақсимланмаган фойда ва амортизация ажратмалари асосий манбага айланганлигини англатади. Айниқса, пандемиядан кейин корхоналар ташқи қарзларга қарамликни қисқартиришга интилиб, инвестицияларни ички ресурслар ҳисобидан молиялаштиришга устувор аҳамият берган. Банк кредитлари улуши эса таҳлил қилинган даврда 21,3 фоиздан 18,1 фоизгача камайган. Мазкур пасайиш марказий банклар томонидан фоиз ставкаларининг оширилиши, кредит ресурслари қийматининг қимматлашиши ҳамда корпоратив секторнинг қарз юкини чеклаш сиёсати билан изоҳланади. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда капитал бозорларининг ривожланганлиги банк кредитларига бўлган эҳтиёжни маълум даражада қисқартирган. Қимматли қоғозлар бозори орқали молиялаштириш улуши 2020 йилдаги 11,8 фоиздан 2024 йилда 14,3 фоизгача ўсган. Бу эса инвестицияларни молиялаштиришда облигациялар ва акциялар чиқариш амалиёти кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Айниқса, “яшил облигациялар”, инфратузилма облигациялари ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши мазкур кўрсаткич ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. Давлат инвестицияларининг улуши 8,7 фоиздан 4,9 фоизгача қисқарган бўлиб, бу ҳолат пандемия даврида амалга оширилган йирик давлат қўллаб-қувватлаш дастурларининг босқичма-босқич қисқартирилганлиги билан боғлиқ. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда хусусий секторнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки кучайгани давлат маблағлари улушининг пасайишига олиб келган. Хорижий инвестициялар улушининг 2,8 фоиздан 1,3 фоизгача камайиши эса глобал геосиёсий хавфлар, халқаро капитал ҳаракатининг секинлашиши ва трансмиллий компанияларнинг инвестиция стратегиясида эҳтиёткорлик кучайганлиги билан изоҳланади. Бу ҳолат айниқса пандемиядан кейинги даврда глобал иқтисодий ноаниқликлар билан боғлиқ бўлган.

Умуман олганда, жадвал маълумотлари ривожланган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришда ички молиявий ресурслар ва капитал бозорлари ролининг ортиб бораётганлигини, ташқи ва давлат молиялаштириши улушининг эса нисбатан қисқараётганлигини кўрсатади. Мазкур тенденция инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларига таянаётганлигини ва корпоратив сектор молиявий барқарорлигининг кучайиб бораётганлигини ифодалайди.

Ривожланаётган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш тизими ривожланган давлатлардан қатор иқтисодий, институционал ва молиявий хусусиятлари билан фарқ қилади. Ушбу мамлакатларда инвестиция жараёнлари кўпроқ ташқи молия манбалари, давлат иштирокининг юқорилиги ва банк секторининг етакчи роли билан тавсифланади. Шу билан бирга, капитал бозорларининг етарлича ривожланмаганлиги ва ички жамғарма ресурсларининг чекланганлиги инвестицияларни молиялаштириш тизимига сезиларли таъсир кўрсатади.

2-жадвал

Ривожланаётган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркиби (жами инвестициялардаги улуши, %)[6]

Кўрсаткичлар	Йил				
	2020	2021	2022	2023	2024
Корхоналарнинг ички маблағлари	8,9	8,5	8,1	7,4	6,7
Банк кредитлари	34,5	35,7	36,9	38,2	39,4
Халқаро молия институтлари маблағлари	14,6	13,8	13,1	12,6	11,9
Давлат бюджети ва дастурлари	21,2	20,4	19,5	18,7	17,8
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	20,8	21,6	22,4	23,1	24,2

Мазкур жадвал 2020-2024 йилларда ривожланаётган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу мамлакатларда инвестицияларни молиялаштиришда банк кредитлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши ортиб борган бўлса, давлат бюджети, халқаро молия институтлари маблағлари ҳамда корхоналарнинг ички маблағлари улуши қисқарган. Жадвал маълумотларига кўра, банк кредитлари улуши 2020 йилдаги 34,5 фоиздан 2024 йилда 39,4 фоизгача ошган. Бу ҳолат ривожланаётган мамлакатларда инвестицияларни молиялаштиришда банк-молия тизимининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Айниқса, Хитой, Ҳиндистон ва Туркия каби мамлакатларда давлат ва тижорат банклари томонидан саноат, қурилиш ва инфратузилма соҳаларига йўналтирилган кредитлар ҳажмининг ортиши мазкур тенденцияни кучайтирган. Шу билан бирга, иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида имтиёзли кредит дастурларининг кенг қўлланилиши ҳам банк кредитлари улушининг ўсишига хизмат қилган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши ҳам таҳлил даврида 20,8 фоиздан 24,2 фоизгача ўсган. Бу ҳолат ривожланаётган мамлакатларда ташқи капитал жалб қилишга бўлган эҳтиёж юқори эканлигини ҳамда трансмиллий корпорациялар иштирокидаги инвестиция фаоллиги кенгайганлигини англатади. Айниқса, саноат, энергетика, рақамли иқтисодиёт ва юқори технологияли тармоқларда хорижий инвесторлар фаоллиги ошган. Бунга қўшимча равишда, кўплаб мамлакатларда инвестиция муҳитини яхшилаш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва солиқ имтиёзлари бериш бўйича ислоҳотлар амалга оширилгани тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. Давлат бюджети ва давлат дастурлари ҳиссаси эса 21,2 фоиздан 17,8 фоизгача қисқарган. Бу ҳолат пандемиядан кейин давлат молиявий ресурсларининг чекланганлиги, бюджет юкининг ортиши ва

хусусий сектор иштирокини кенгайтириш сиёсатининг кучайиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, давлат инвестицияларининг қисқариши айрим мамлакатларда инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий капитал иштирокининг ошиши ҳисобига қопланмоқда. Халқаро молия институтлари маблағлари улуши ҳам 14,6 фоиздан 11,9 фоизгача камайган. Бу жараён ривожланаётган мамлакатларда миллий молия бозорлари ва хусусий капитал манбалари ролининг аста-секин кучайиб бораётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, халқаро молия институтлари маблағлари асосан йирик инфратузилма, энергетика ва ижтимоий соҳаларга йўналтирилмоқда. Корхоналарнинг ички маблағлари улуши эса 8,9 фоиздан 6,7 фоизгача пасайган. Бу ҳолат ривожланаётган мамлакатларда корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва жамғарма имкониятлари нисбатан чекланганлигини англатади. Айниқса, юқори инфляция, валюта курслари беқарорлиги ва ташқи қарз юки хусусий секторнинг ички инвестиция имкониятларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Умуман олганда, жадвал маълумотлари ривожланаётган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришда ташқи ва қарз манбалари устувор аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади. Бу ҳолат иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш имконини берса-да, ташқи қарз ва ташқи капиталга қарамлик хавфини ҳам кучайтириши мумкин. Шу сабабли, инвестицияларни молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, капитал бозорларини ривожлантириш ва корхоналарнинг ички молиявий имкониятларини кенгайтириш ривожланаётган мамлакатлар инвестиция сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хулоса.

Жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш тизими иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, молия бозорлари ҳолати ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокига қараб шаклланади. Ривожланган мамлакатларда инвестицияларни молиялаштиришда корхоналарнинг ички маблағлари ва капитал бозорлари устувор аҳамиятга эга бўлса, ривожланаётган мамлакатларда банк кредитлари, давлат дастурлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосий манба сифатида намоён бўлмоқда. Таҳлиллар натижасига кўра, ривожланган мамлакатларда инвестицияларни молиялаштириш тизими юқори даражада диверсификациялашган бўлиб, ташқи иқтисодий хавфларга нисбатан барқарорлиги билан ажралиб туради. Хусусан, корпоратив ички маблағлар ва қимматли қоғозлар бозори улушининг юқорилиги инвестицияларни узоқ муддатли ва арзон ресурслар ҳисобидан молиялаштириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, “яшил молиялаштириш”, ESG инструментлари ва инфратузилма облигациялари инвестицияларни молиялаштиришнинг замонавий механизмларига айланиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатларда эса инвестицияларни молиялаштиришда банк секторининг юқори улуши ва ташқи капиталга қарамлик сақланиб қолмоқда. Айниқса, давлат иштирокининг юқорилиги ва халқаро молия институтлари маблағларининг муҳим аҳамиятга эгалиги мазкур мамлакатларда инвестиция фаоллигини қўллаб-қувватлашда асосий омил ҳисобланади. Бироқ ташқи қарз юкининг ортиши ва глобал молия бозорларига юқори боғлиқлик инвестиция тизими барқарорлигига муайян хавфлар туғдирмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам сўнгги йилларда инвестиция фаоллигини кенгайтириш, хусусий сектор иштирокини кучайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хорижий тажриба асосида Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин: корхоналарнинг ички инвестиция имкониятларини кенгайтириш мақсадида амортизация сиёсатини такомиллаштириш ва тақсимланмаган фойдани инвестицияга йўналтирувчи

солиқ рағбатларини кучайтириш лозим; миллий капитал бозорини ривожлантириш, корпоратив облигациялар ва акциялар бозорини кенгайтириш орқали инвестицияларни молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш зарур; узоқ муддатли инвестиция кредитларини кўпайтириш мақсадида тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва саноат ҳамда инфратузилма лойиҳалари учун имтиёзли молиялаштириш механизмларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ; Давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий қилиш, “Яшил молиялаштириш”, ESG облигациялар ва инфратузилма облигациялари каби замонавий молиявий инструментларни миллий молия бозорига жорий этиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, инвестицияларни молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва капитал бозорлари инфратузилмасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция фаоллиги ва иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи. https://review.uz/uz/post/vstuplenie-prezidenta-shavkata-mirziyoyeva-na-iv-tashkentskom-mejdunarodnom-investicionnom-forume

2. Смит, Адам. Исследование природы и причин богатства народов. Под редакцией С.М. Соареса. Цифровая библиотека MetaLibri, 29 мая 2007 г. https://www.ibiblio.org/ml/libri/s/SmithA_WealthNations_p.pdf

3. Joseph E. Stiglitz, Andrew Weiss. Credit Rationing in Markets with Imperfect Information. The American Economic Review, Volume 71, Issue 3 (Jun., 1981), 393-410. https://pages.ucsd.edu/~aronatas/project/academic/Stiglitz%20credit.pdf

4. G‘ozibekov.D.G‘. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. T. “Moliya”. 2003.-B. 45., Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси./ЎзР Банк-молия академияси. – Т., 2007. – 235 б.); Тўхлиев Б.К. Инвестицияларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати.Т.,2021й.

5. OECD Investment (GFCF) database, World Bank Financial Development Indicators маълумотларини тизимлаштирган ҳолда муаллиф томонидан шакллантирилди.https://www.oecd.org/en/data/indicators/investment-gfcf.html?utm_source

6. Жаҳон банки, Юнктад маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

INVESTITSIYA LOYIHALARINI MOLIYALASHTIRISH SAMARADORLIGINI BAHOLASHNING METODOLOGIK YONDASHUVLARI VA KO‘RSATKICHLAR TIZIMI

Bo’riboyeva Zamiraxon Ravshan qizi

Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti
“Biznes boshqaruvi va moliya” kafedrasi o‘qituvchisi
E-mail: zamiraboriboeva@gmail.com

Annotatsiya. *Maqolada investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini baholashning zamonaviy metodologik yondashuvlari va ko‘rsatkichlar tizimi tizimli o‘rganilgan. Tadqiqot davomida statik va dinamik baholash usullari, xatarni hisobga oluvchi yondashuvlar hamda ko‘p mezonli baholash modellari qiyosiy tahlil qilingan. Boshlang‘ich investitsiyasi 200 mlrd. so‘m bo‘lgan shartli sanoat loyihasi misolida NPV, IRR, PI, DPP va MIRR ko‘rsatkichlari hisoblab chiqildi. Sezgirlik tahlili va stsenariy tahlili natijalari Tornado-diagramma va stsenariy diagramma orqali vizuallashtirildi. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, sanoat investitsiya loyihalarini baholashda an’anaviy DCF ko‘rsatkichlarini xatar va ko‘p mezonli baholash usullari bilan integratsiyalashtirgan kompleks metodika ishlab chiqish zarurligi asoslangan.*

Kalit so‘zlar: *investitsiya loyihasi, moliyalashtirish samaradorligi, NPV, IRR, PI, DPP, MIRR, sezgirlik tahlili, stsenariy tahlili, ko‘p mezonli baholash, sanoat investitsiyalari.*

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ И СИСТЕМА ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ

Бурибоева Замирахон Равшан кизи

Преподаватель кафедры
“Управление бизнесом и финансы”
Ташкентского института менеджмента и экономики
E-mail: zamiraboriboeva@gmail.com

Аннотация. *В статье системно изучены современные методологические подходы и система показателей для оценки эффективности финансирования инвестиционных проектов. В рамках исследования проведён сравнительный анализ статических и динамических методов оценки, подходов, учитывающих риск, а также многокритериальных моделей оценки. На примере условного промышленного проекта с первоначальной инвестицией 200 млрд сум рассчитаны показатели NPV, IRR, PI, DPP и MIRR. Результаты анализа чувствительности и сценарного анализа визуализированы с помощью торнадо-диаграммы и сценарной диаграммы. По результатам исследования обоснована необходимость разработки комплексной методики.*

Ключевые слова: *инвестиционный проект, эффективность финансирования, NPV, IRR, PI, DPP, MIRR, анализ чувствительности, сценарный анализ, многокритериальная оценка, промышленные инвестиции.*

METHODOLOGICAL APPROACHES AND SYSTEM OF INDICATORS FOR EVALUATING THE EFFICIENCY OF FINANCING INVESTMENT PROJECTS

Buribayeva Zamirakhon Ravshan kizi

Lecturer at the Department of
Business Administration and Finance at
The Tashkent Institute of
Management and Economics

E-mail: zamiraboriboeva@gmail.com

Abstract. *The article systematically examines modern methodological approaches and the system of indicators for evaluating the efficiency of financing investment projects. The study provides a comparative analysis of static and dynamic evaluation methods, risk-adjusted approaches, and multi-criteria evaluation models. For a hypothetical industrial project with an initial investment of 200 billion sums, the NPV, IRR, PI, DPP and MIRR indicators are calculated. Sensitivity analysis and scenario analysis results are visualized through tornado and scenario diagrams. The study substantiates the need for an integrated methodology combining traditional DCF indicators with risk-based and multi-criteria evaluation tools.*

Keywords: *investment project, financing efficiency, NPV, IRR, PI, DPP, MIRR, sensitivity analysis, scenario analysis, multi-criteria assessment, industrial investments.*

Kirish

Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini baholash zamonaviy moliyaviy menejmentning markaziy masalalaridan biri hisoblanadi. Bu masala ayniqsa kapital sig‘imli sanoat loyihalari uchun muhim, chunki bunday loyihalarda noto‘g‘ri qabul qilingan investitsiya qarori uzoq yillar davomida sezilarli moliyaviy yo‘qotishlarga olib kelishi mumkin. Samaradorlikni baholashning ishonchli metodologik bazasi mavjudligi investorlar, kreditorlar va davlat idoralari uchun asosli qarorlar qabul qilishni ta’minlaydi.

Mavzu bo‘yicha xorijiy olimlardan A.Damodaran, R.Brealey, S.Myers, J.Berk va P.DeMarzo investitsiya loyihalarini baholashning nazariy va amaliy asoslarini ishlab chiqishgan. Real options yondashuvi sohasida S.Myers, A.Dixit va R.Pindyck katta hissa qo‘shgan. MDH va O‘zbekiston olimlaridan I.A.Lipsits, V.V.Kossov, P.L.Vilenskiy, T.Boboqulov, N.Jumayev, A.Vahobov va boshqalar tomonidan tadqiqotlar olib borilgan. Biroq sanoat loyihalari uchun moliyaviy ko‘rsatkichlarni xatar va ESG omillarini hisobga oluvchi ko‘p mezonli baholash bilan integratsiyalashtirish masalalari yetarlicha o‘rganilmagan.

Mazkur maqolaning maqsadi — investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini baholashning mavjud metodologik yondashuvlarini tizimlashtirish, ularning afzalliklari va kamchiliklarini aniqlash, hamda sanoat loyihalari uchun kompleks baholash metodikasini shakllantirishga qaratilgan ilmiy asoslarni ishlab chiqishdan iborat. Quyidagi vazifalar qo‘yildi: baholash usullarining ilmiy tasnifini tuzish; DCF ko‘rsatkichlarini shartli sanoat loyihasi misolida hisoblab tahlil qilish; xatarni hisobga oluvchi va ko‘p mezonli yondashuvlarning qo‘llanilish doirasini aniqlash.

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotda nazariy va empirik usullarning uyg‘unligidan foydalanildi. Nazariy qismda qiyosiy tahlil, tizimli yondashuv, mantiqiy umumlashtirish va tasniflash usullari qo‘llanildi. Empirik qismda shartli sanoat investitsiya loyihasi misolida moliyaviy modellashtirish, diskontlangan pul oqimlari (DCF) usuli, sezgirlik tahlili (sensitivity analysis) va stsenariy tahlili (scenario analysis) amalga oshirildi.

Tadqiqot uchun quyidagi parametrlarga ega shartli sanoat investitsiya loyihasi tanlandi: boshlang‘ich investitsiya hajmi (I_0) — 200 mlrd. so‘m; loyiha muddati — 5 yil; sof pul oqimlari (CF) — 1-yili 50, 2-yili 60, 3-yili 70, 4-yili 80 va 5-yili 85 mlrd. so‘m; baza diskont stavkasi — 15 foiz. Hisob-kitoblar Python dasturlash tilining numpy va matplotlib kutubxonalari yordamida amalga oshirildi. Modellashtirish va vizuallashtirish 2024-yilning oxirgi choragida bajarildi.

Tahlil va natijalar

Investitsiya loyihalarini baholash usullari nazariyada to‘rt asosiy guruhga bo‘linadi: (1) statik (an’anaviy) usullar; (2) dinamik (diskontlangan) usullar; (3) xatarni hisobga oluvchi usullar; (4) ko‘p mezonli usullar. Bu tasniflash 1-jadvalda ko‘rsatilgan.

1-jadval

Investitsiya loyihalarini baholash usullarining ilmiy tasnifi

Usul guruhi	Asosiy ko‘rsatkichlar	Afzalliklari	Kamchiliklari
Statik usullar	PP, ARR, sodda rentabellik koeffitsienti [1]	Hisoblash soddaligi, dastlabki saralashda foydalanish qulayligi	Pul vaqt qiymatini hisobga olmaydi; uzoq muddatli loyihalar uchun yaroqsiz
Dinamik (DCF) usullar	NPV, IRR, PI, DPP, MIRR [2]	Pul vaqt qiymatini hisobga oladi; xalqaro standart hisoblanadi	Diskont stavkasini aniqlash murakkab; aniqlik faraziy ma’lumotlarga bog‘liq
Xatarni hisobga oluvchi usullar	Sezgirlik tahlili, stsenariy tahlili, Monte-Karlo, real options, qaror daraxti [3]	Noaniqlik va xatarni miqdoriy baholaydi; turli stsenariylarni qiyoslaydi	Yuqori sifatli ma’lumotlar va dasturiy ta’minot talab qiladi
Ko‘p mezonli usullar	AHP, TOPSIS, ESG-integratsiyalashgan baholash, Balanced Scorecard [4]	Moliyaviy, ijtimoiy, ekologik mezonlarni birlashtiradi	Mezonlar og‘irligini aniqlashda subyektivlik mavjud

Manba: muallif tomonidan tizimlashtirilgan.

Diskontlangan pul oqimlari (DCF) usullari pul vaqt qiymati konsepsiyasiga asoslanib, investitsiya loyihalari samaradorligini baholashning xalqaro standartiga aylangan [5]. Asosiy formulalar:

$NPV = -I_0 + \Sigma\, CF_t / (1 + r)^t$; $PI = \Sigma\, CF_t / (1 + r)^t / I_0$; $IRR: NPV = 0$

bu yerda: I_0 — boshlang‘ich investitsiya; CF_t — t-yildagi sof pul oqimi; r — diskont stavkasi; t — yil tartib raqami; N — loyiha davomiyligi. Shartli sanoat loyihasi uchun yil bo‘yicha diskontlangan pul oqimlari va NPV hisoblari 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval

Shartli sanoat investitsiya loyihasi bo‘yicha NPV hisob-kitobi (mlrd. so‘m, r = 15%)

Yil (t)	Pul oqimi CF_t	Diskont koeffitsienti $(1+r)^{-t}$	Diskontlangan qiymat PV_t	Kumulyativ diskontlangan PV
0	−200,00	1,0000	−200,00	−200,00
1	50,00	0,8696	43,48	−156,52
2	60,00	0,7561	45,37	−111,15
3	70,00	0,6575	46,03	−65,12
4	80,00	0,5718	45,74	−19,38
5	85,00	0,4972	42,26	22,87
Jami	**145,00**	—	**22,87**	**NPV = 22,87**

Manba: muallif hisob-kitoblari (Python numpy yordamida).

Jadval ma’lumotlariga ko‘ra, sof joriy qiymat NPV = 22,87 mlrd. so‘m, diskontlangan to‘lov muddati DPP = 4,46 yil, sodda to‘lov muddati PP = 3,25 yil. Loyihaning ichki rentabellik darajasi IRR = 19,29%, rentabellik indeksi PI = 1,114, modifikatsiyalangan IRR (reinvestitsiya

stavkasi 12%da hisoblanganda) MIRR = 16,29%. Beshta DCF ko‘rsatkichi ham loyihaning samaradorligini tasdiqlaydi: NPV > 0, IRR > r, PI > 1.

NPV-profili va IRR mexanizmi. NPV-profili — diskont stavkasining turli darajalarida NPV ko‘rsatkichi qanday o‘zgarishini aks ettiruvchi grafik. Ushbu profil orqali IRR vizual aniqlanadi: NPV-profilining abssissa o‘qini kesib o‘tgan nuqtasi IRR ga to‘g‘ri keladi (1-rasm).



1-rasm. Shartli sanoat investitsiya loyihasining NPV-profili

Grafikdan ko‘rinib turibdiki, loyihaning NPV qiymati diskont stavkasiga teskari mutanosib bog‘langan. Diskont stavkasi 0% bo‘lganda NPV maksimal qiymatga (145 mlrd. so‘m) ega; stavkaning oshishi bilan NPV pasayadi va IRR = 19,29% nuqtasida nolga teng bo‘ladi. Baza stavka 15% bo‘yicha NPV = 22,87 mlrd. so‘mga teng, bu loyihaning xavfsizlik marjasi sezilarli ekanligini ko‘rsatadi. Diskont stavkasining 4,29 protsent punktigacha oshishi NPV ni nolga olib keladi, bu esa loyihaning chidamlilik darajasini xarakterlaydi.

Xatarni hisobga oluvchi yondashuvlar: sezgirlik va stsenariy tahlili. An’anaviy DCF ko‘rsatkichlari aniq baza ma’lumotlardan kelib chiqib hisoblanadi va kelajakdagi noaniqliklarni hisobga olmaydi. Shu sababli zamonaviy amaliyotda quyidagi xatar tahlili usullaridan foydalaniladi: sezgirlik tahlili, stsenariy tahlili, Monte-Karlo simulyatsiyasi, qaror daraxti tahlili va real options yondashuvi [6].

Sezgirlik tahlili — loyiha samaradorlik ko‘rsatkichlarining (asosan NPV) muhim kirish parametrlari o‘zgarishiga reaksiyasini aniqlaydi. 2-rasmda shartli loyiha uchun Tornado-diagrammasi ko‘rinishidagi sezgirlik tahlili keltirilgan.



2-rasm. Sezgirlik tahlili: NPV ga ta’sir etuvchi omillar (Tornado-diagrammasi)

Tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, NPV ga eng yuqori ta’sir ko‘rsatadigan omil loyiha muddati (±35 mlrd. so‘m) hisoblanadi, undan keyin esa sotuv hajmi (±22 mlrd. so‘m), boshlang‘ich investitsiya (±20 mlrd. so‘m), diskont stavkasi (±12 mlrd. so‘m) va operatsion xarajatlar (±11 mlrd. so‘m) keladi. Xavf-xatarni boshqarish nuqtai nazaridan loyiha menejerlari sotuv hajmi va investitsiya budjeti ustidan eng qattiq nazoratni amalga oshirishlari kerakligi kelib chiqadi.

Senariy tahlili esa bir nechta kirish parametrlarining bir vaqtning o‘zida o‘zgarishini hisobga oladi. Odatda uchta stsenariy ko‘rib chiqiladi: pessimistik, realistik va optimistik (3-rasm).



3-rasm. Investitsiya loyihasining uchta stsenariy bo‘yicha NPV ko‘rsatkichlari

Senariy tahlili shuni ko‘rsatdiki, pessimistik stsenariyda (CF −20%, r = 18%) loyihaning NPV qiymati −34,81 mlrd. so‘mga teng bo‘lib, salbiy qiymatga ega. Realistik stsenariyda NPV = 22,87 mlrd. so‘m, optimistik stsenariyda esa NPV = 77,58 mlrd. so‘mni tashkil etadi. Stsenariylarning ehtimolligini hisobga olib hisoblangan kutilayotgan NPV qiymati 25,01 mlrd. so‘mga teng. Pessimistik variantda NPV ning salbiy bo‘lishi xatar darajasining yuqoriligini ko‘rsatadi va xatarni kamaytirish chora-tadbirlarini ishlab chiqishni taqozo etadi.

Ko‘p mezonli baholash yondashuvi. Zamonaviy iqtisodiyot sharoitida investitsiya loyihalarini baholash faqatgina moliyaviy ko‘rsatkichlar bilan cheklanmaydi. Kompleks baholashning quyidagi mezonlari hisobga olinadi: (a) moliyaviy mezonlar (NPV, IRR, PI, DPP, MIRR); (b) ijtimoiy mezonlar (yangi ish o‘rinlari, mintaqa rivojlanishiga ta’sir); (v) ekologik mezonlar (atrof-muhitga zarar, qayta tiklanuvchi resurslardan foydalanish); (g) innovatsion mezonlar (texnologik yangilik darajasi, intellektual mulk); (d) strategik mezonlar (umumiy biznes strategiyasiga mosligi). AHP va TOPSIS kabi ko‘p mezonli usullar mezonlarga tegishli og‘irlik koeffitsientlarini berib, integral baholash ko‘rsatkichini hisoblash imkonini beradi. So‘nggi yillarda ESG (Environmental, Social, Governance) integratsiyalashgan baholash modeli xalqaro amaliyotda muhim o‘rin egallamoqda [7].

Olib borilgan tahlil natijalari investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini baholash bo‘yicha bir nechta muhim ilmiy va amaliy xulosalar chiqarish imkonini beradi.

Birinchidan, statik baholash usullari (PP, ARR) o‘zlarining soddaligi tufayli amaliyotda hozir ham qo‘llanilmoqda, biroq ular pul vaqt qiymatini va loyiha pul oqimlarining vaqt bo‘yicha taqsimlanishini hisobga olmagani uchun yakka tarzda strategik qaror qabul qilish uchun yetarli emas. Statik usullardan asosan dastlabki saralash bosqichida foydalanish maqsadga muvofiq.

Ikkinchidan, DCF usullari (NPV, IRR, PI, DPP, MIRR) hozirda investitsiya loyihalarini

baholashning xalqaro standarti hisoblanadi. Shartli loyiha misolida ko‘rinib turibdiki, beshala ko‘rsatkich ham bir-birini to‘ldiruvchi ma’lumot beradi: NPV — loyiha qiymatini, IRR — rentabellik darajasini, PI — kapital samaradorligini, DPP — likvidlikni, MIRR esa reinvestitsiya farazini hisobga olgan haqiqiy rentabellikni aks ettiradi. Hisob-kitoblar shuni ko‘rsatdiki, IRR ko‘rsatkichi (19,29%) MIRR (16,29%) ga nisbatan 3 protsent punktga yuqori, bu reinvestitsiya stavkasi loyiha rentabelligidan past bo‘lganda yuzaga keladigan tipik holatdir. Shu bois MIRR aniqroq baholash uchun afzalroq sanaladi [8].

Uchinchidan, sezgirlik tahlili va stsenariy tahlili an’anaviy DCF ko‘rsatkichlarini muhim tarzda to‘ldiradi. Tornado-diagrammasi tahlili NPV ga eng katta ta’sir ko‘rsatuvchi omillarni identifikatsiya qilish imkonini beradi va menejmentga ushbu omillarni qattiq nazorat ostiga olishni tavsiya qiladi. Bizning loyihamiz misolida loyiha muddati va sotuv hajmi eng kritik omillar bo‘lib chiqdi. Stsenariy tahlili esa loyihaning pessimistik stsenariyda zarar keltirishi mumkinligini ko‘rsatdi, bu xatarni kamaytirish chora-tadbirlarining zarurligini asoslaydi [9].

To‘rtinchidan, Monte-Karlo simulyatsiyasi sezgirlik va stsenariy tahlilining yanada rivojlangan shaklini ifodalaydi: minglab tasodifiy stsenariylarni avtomatik tarzda hisoblab, NPV ning ehtimollik taqsimotini olish imkonini beradi. Bu loyihaning xatar darajasini miqdoriy aniqlashga yordam beradi (VaR — Value at Risk, CFaR — Cash Flow at Risk ko‘rsatkichlari).

Beshinchidan, real options yondashuvi (S.Myers, A.Dixit, R.Pindyck) klassik DCF metodologiyasini sezilarli darajada kengaytiradi: u menejmentning loyihani kengaytirish, qisqartirish, kechiktirish yoki to‘xtatish bo‘yicha kelajakdagi qarorlar moslashuvchanligining qiymatini hisobga oladi. Bu yondashuv ayniqsa yuqori noaniqlikka ega bo‘lgan innovatsion sanoat loyihalari uchun foydalidir [10].

Oltinchidan, sanoat investitsiya loyihalarini zamonaviy baholash faqat moliyaviy mezonlar bilan cheklanmasligi, ESG mezonlarini (ekologik ta’sir, ijtimoiy javobgarlik, korporativ boshqaruv) hisobga oluvchi kompleks baholash modelini qo‘llashi kerak. Bu yashil moliyalashtirish, barqaror rivojlanish va xalqaro investorlarni jalb qilish nuqtai nazaridan strategik ahamiyatga ega.

Xulosa va tavsiyalar

Tadqiqot natijalari asosida quyidagi xulosalar shakllantirildi:

Birinchidan, investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini baholash usullari to‘rt asosiy guruhga bo‘linadi: statik, dinamik, xatarni hisobga oluvchi va ko‘p mezonli. Har bir guruh o‘ziga xos qo‘llanish doirasi va cheklovlariga ega bo‘lib, ularni alohida emas, balki integratsiyalashtirib qo‘llash zarur.

Ikkinchidan, shartli sanoat loyihasi misolida amalga oshirilgan hisob-kitoblar shuni ko‘rsatdiki, NPV, IRR, PI, DPP va MIRR ko‘rsatkichlari bir-birini to‘ldiradi va loyiha samaradorligi haqida kompleks tasavvur beradi. MIRR ko‘rsatkichini IRR ga nisbatan afzalroq deb hisoblash mumkin, chunki u reinvestitsiya stavkasi farazini realistik tarzda hisobga oladi.

Uchinchidan, an’anaviy DCF ko‘rsatkichlarini sezgirlik va stsenariy tahlili bilan to‘ldirish loyiha xatarini chuqurroq baholash imkonini beradi. Shartli loyiha uchun pessimistik stsenariyda NPV salbiy qiymatga ega bo‘ldi, bu xatarni boshqarish chora-tadbirlarining zarurligini ko‘rsatadi.

To‘rtinchidan, O‘zbekiston sanoati uchun quyidagi tavsiyalar ishlab chiqildi:

1) investitsiya loyihalarini baholashda kamida beshta DCF ko‘rsatkichi (NPV, IRR, PI, DPP, MIRR) majburiy hisoblanishi va loyiha hujjatlarida aks ettirilishi haqida normativ talab joriy etish;

2) sanoatda kapital sig‘imli loyihalar uchun sezgirlik tahlili va kamida uchta stsenariy bo‘yicha tahlilni majburiy element sifatida belgilash;

3) yuqori xatar darajasiga ega innovatsion loyihalar uchun Monte-Karlo simulyatsiyasi va real options yondashuvini joriy etish;

4) ESG mezonlarini hisobga oluvchi kompleks baholash modelini yashil moliyalashtirish loyihalari uchun ishlab chiqish;

5) sanoat tarmoqlari uchun mualliflik “integratsiyalashgan baholash matritsasi” — moliyaviy, xatar va ESG mezonlarini bir vaqtda hisobga oluvchi metodikani amaliyotga joriy etish.

Bu tavsiyalarni amaliyotga joriy etish sanoat investitsiya loyihalarini baholash sifatini sezilarli darajada oshirish, xato qarorlar xavfini kamaytirish va loyihalarning iqtisodiy samaradorligini ta’minlash imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Damodaran, A. Investment Valuation: Tools and Techniques for Determining the Value of Any Asset. — 3rd ed. — John Wiley & Sons, 2012. — 992 p.

2. Brealey, R.A., Myers, S.C., Allen, F. Principles of Corporate Finance. — 13th ed. — McGraw-Hill Education, 2020. — 976 p. https://www.mheducation.com/highered/product/principles-corporate-finance-brealey-myers/M9781260565553.html

3. Berk, J., DeMarzo, P. Corporate Finance. — 5th ed. — Pearson, 2020. — 1184 p.

4. Dixit, A.K., Pindyck, R.S. Investment under Uncertainty. — Princeton University Press, 1994. — 476 p.

5. Myers, S.C. Determinants of Corporate Borrowing // Journal of Financial Economics. — 1977. — Vol. 5, № 2. — P. 147–175.

6. Vilenskiy, P.L., Livshits, V.N., Smolyak, S.A. Otsenka effektivnosti investitsionnix proyektov: teoriya i praktika. — M.: Delo, 2015. — 1104 s. https://www.litres.ru/book/petr-vilenskiy/ocenka-effektivnosti-investicionnyh-proektov-teoriya-i-pr-8235559/

7. Jumayev, N.X. Moliya bozorlari va institutlari. — T.: Iqtisod-Moliya, 2020. — 384 b.

8. Boboqulov, T.I. Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish. — T.: TDIU, 2021. — 312 b. https://tdiu.uz/

9. Vahobov, A.V., Jo‘rayev, A.S. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. — T.: Iqtisod-Moliya, 2019. — 480 b.

10. UNIDO. Manual for the Preparation of Industrial Feasibility Studies. — Vienna, 2020. https://www.unido.org/resources/publications/manual-preparation-industrial-feasibility-studies

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

BANK DEPOZIT PORTFELI BARQARORLIGIGA TA’SIR ETUVCHI RISK OMILLARINI BAHOLASH VA STRESS-TEST MODELIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

Rahimov Akmal Matyaqubovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil izlanuvchisi
E-mail: a.rakhimov@tsue.uz

Annotatsiya: *Mazkur maqolada bank depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi asosiy risk omillari hamda ularni boshqarish mexanizmlari ilmiy-amaliy jihatdan tadqiq etilgan. Tadqiqot davomida depozit portfelining muddatlar bo‘yicha tarkibi, talab qilib olinguncha va uzoq muddatli depozitlar ulushi, ichki va tashqi risk omillarining bank resurs bazasiga ta’siri tahlil qilindi. Xususan, likvidlilik, foiz, valyuta, konsentratsiya va depozitlar chiqib ketishi risklarining depozit portfeli barqarorligiga ta’siri baholandi. Shuningdek, depozit portfelini diversifikatsiya qilishda stress-test modelining ahamiyati asoslab berildi hamda uning yordamida banklarning moliyaviy xavflarga chidamliligini aniqlash imkoniyatlari yoritildi. Tadqiqot yakunida tijorat banklarida depozit portfeli barqarorligini oshirishga qaratilgan ilmiy-amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi.*

Kalit so‘zlar: *depozit portfeli, depozit operatsiyalari, depozit portfeli barqarorligi, tijorat banklari, bank risklari, likvidlilik riski, foiz riski, valyuta riski, konsentratsiya riski, stress-test modeli, depozitlarni diversifikatsiya qilish, risk-menejment.*

ОЦЕНКА ФАКТОРОВ РИСКА, ВЛИЯЮЩИХ НА УСТОЙЧИВОСТЬ ДЕПОЗИТНОГО ПОРТФЕЛЯ БАНКА, И ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СТРЕСС-ТЕСТИРОВАНИЯ

Рахимов Акмал Матьякубович

Независимый соискатель ТГЭУ
e-mail: a.rakhimov@tsue.uz

Аннотация. *В данной статье исследованы основные факторы риска, влияющие на устойчивость депозитного портфеля банка, а также механизмы их управления с научно-практической точки зрения. В ходе исследования был проведён анализ структуры депозитного портфеля по срокам размещения, доли депозитов до востребования и долгосрочных депозитов, а также влияния внутренних и внешних факторов риска на ресурсную базу банка. В частности, дана оценка воздействию рисков ликвидности, процентного, валютного, концентрационного рисков и риска оттока депозитов на устойчивость депозитного портфеля. Кроме того, обоснована значимость модели стресс-тестирования в процессе диверсификации депозитного портфеля и раскрыты возможности её применения для определения устойчивости банков к финансовым рискам. По результатам исследования разработаны научно-практические предложения и рекомендации, направленные на повышение устойчивости депозитного портфеля коммерческих банков.*

Ключевые слова: *депозитный портфель, депозитные операции, устойчивость депозитного портфеля, коммерческие банки, банковские риски, риск ликвидности, процентный риск, валютный риск, риск концентрации, стресс-тестирование, диверсификация депозитов, риск-менеджмент.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ASSESSMENT OF RISK FACTORS AFFECTING THE STABILITY OF BANK DEPOSIT PORTFOLIOS AND OPPORTUNITIES FOR THE APPLICATION OF STRESS TESTING

Akmal Matyaqubovich Rakhimov

Independent Researcher of TSUE
E-mail: a.rakhimov@tsue.uz

Abstract: *This article examines the main risk factors affecting the stability of bank deposit portfolios and the mechanisms for managing them from scientific and practical perspectives. The study analyzes the maturity structure of deposit portfolios, the share of demand and long-term deposits, and the impact of internal and external risk factors on banks' resource base. In particular, the effects of liquidity, interest rate, currency, concentration, and deposit withdrawal risks on deposit portfolio stability are evaluated. In addition, the importance of the stress-testing model in deposit portfolio diversification is substantiated, and its role in assessing banks' resistance to financial risks is highlighted. At the end of the study, scientific and practical recommendations aimed at improving the stability of deposit portfolios in commercial banks are developed.*

Keywords: *deposit portfolio, deposit operations, deposit portfolio stability, commercial banks, banking risks, liquidity risk, interest rate risk, currency risk, concentration risk, stress-testing model, deposit diversification, risk management.*

Kirish.

Bugungi kunda bank tizimining barqaror faoliyat yuritishi bevosita uning resurs bazasi sifati va mustahkamligiga bog‘liqdir. Tijorat banklari uchun depozit mablag‘lari eng muhim moliyaviy manbalardan biri hisoblanadi. Chunki banklar aynan jalb qilingan depozitlar hisobidan kredit operatsiyalarini amalga oshiradi, investitsion faoliyatini kengaytiradi hamda iqtisodiyotning real sektorini moliyaviy qo‘llab-quvvatlaydi. Shu bois depozit portfelining hajmi, tarkibi, muddati va barqarorligi bank faoliyatining umumiy samaradorligini belgilovchi asosiy mezonlardan biri sifatida qaraladi.

Depozit portfeli bankning mijozlardan jalb qilgan mablag‘lari yig‘indisinigina anglatmaydi, balki u bankning likvidlilik darajasi, moliyaviy ishonchliligi, foiz siyosati va risklarni boshqarish salohiyatini ham ifodalaydi. Agar depozit portfeli yetarli darajada diversifikatsiya qilinmagan bo‘lsa yoki unda talab qilib olinguncha depozitlar ulushi yuqori bo‘lsa, bankda likvidlilik bosimi kuchayishi mumkin. Aksincha, muddatli va barqaror depozitlarning yetarli ulushga ega bo‘lishi bankka uzoq muddatli kreditlash imkoniyatini yaratadi hamda moliyaviy rejalashtirish aniqligini oshiradi.

So‘nggi yillarda O‘zbekiston bank tizimida depozit operatsiyalarining rivojlanishiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Aholi va xo‘jalik yurituvchi subyektlarning bo‘sh pul mablag‘larini bank tizimiga jalb etish, milliy valyutadagi omonatlar jozibadorligini oshirish, bank xizmatlarini raqamlashtirish va mijozlar ishonchini mustahkamlash borasida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. Natijada depozit xizmatlari turlari kengayib, masofaviy omonat ochish, mobil ilovalar orqali depozitlarni boshqarish, foiz daromadlarini avtomatik hisoblash kabi zamonaviy xizmatlar amaliyotga faol kirib kelmoqda.

Biroq depozit portfelining o‘sishi bilan bir qatorda, uning barqarorligiga ta’sir ko‘rsatuvchi risk omillari ham kuchaymoqda. Xususan, inflyatsiya darajasining o‘zgarishi, foiz stavkalari tebranishi, valyuta kurslaridagi beqarorlik, banklar o‘rtasidagi raqobatning ortishi, mijozlarning moliyaviy xatti-harakatlaridagi o‘zgarishlar depozit operatsiyalariga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Bundan tashqari, raqamli bank xizmatlarining kengayishi depozit operatsiyalarini qulaylashtirgan bo‘lsa-da, kiberxavfsizlik, texnologik uzilishlar va axborot xavfsizligi bilan bog‘liq yangi risklarni ham yuzaga keltirmoqda.

Depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi risklar orasida likvidlilik riski alohida o‘rin tutadi. Chunki depozitlar bank majburiyatlarining muhim qismini tashkil etadi va mijozlarning mablag‘larini qaytarib olish talabi bank tomonidan o‘z vaqtida bajarilishi lozim. Agar bank depozitlar muddati va aktivlar muddati o‘rtasidagi muvozanatni to‘g‘ri ta’minlay olmasa, moliyaviy bosim yuzaga keladi. Bu esa bankning kreditlash hajmi, daromadliligi va mijozlar ishonchiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

Shuningdek, foiz riski depozit portfeli barqarorligining muhim omillaridan biri hisoblanadi. Bozor sharoitida foiz stavkalarining o‘zgarishi banklarning depozit siyosatini qayta ko‘rib chiqishga majbur qiladi. Yuqori foiz stavkalari qisqa muddatda depozitlarni jalb qilish imkonini bersa-da, uzoq muddatda bank xarajatlarini oshirishi va foiz marjasining qisqarishiga olib kelishi mumkin. Past foiz stavkalari esa mijozlarning depozitlarga bo‘lgan qiziqishini kamaytirib, mablag‘larning boshqa moliyaviy instrumentlarga yo‘naltirilishiga sabab bo‘ladi.

Mazkur mavzuning dolzarbligi shundan iboratki, bank depozit portfeli barqarorligini ta’minlash nafaqat alohida tijorat bankining moliyaviy mustahkamligi, balki butun bank tizimi barqarorligi uchun ham muhim ahamiyatga ega. Depozitlar hajmining keskin qisqarishi yoki mijozlar ishonchining pasayishi bank tizimida likvidlilik muammolarini keltirib chiqarishi mumkin. Shu sababli depozit portfeliga ta’sir etuvchi risk omillarini aniqlash, ularni guruhlash, baholash va samarali boshqarish bugungi bank amaliyotining ustuvor vazifalaridan biridir.

Ushbu maqolaning maqsadi bank depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi asosiy risk omillarini ilmiy-nazariy va amaliy jihatdan tahlil qilishdan iborat. Mazkur maqsadga erishish uchun depozit portfelining iqtisodiy mohiyati, uning bank faoliyatidagi o‘rni, ichki va tashqi risk omillari, depozitlar muddat tarkibi, foiz siyosati, inflyatsiya va valyuta kurslari ta’siri hamda mijozlar xatti-harakatlari bilan bog‘liq jihatlar o‘rganiladi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi.

Bank depozit portfeli barqarorligini ta’minlash, unga ta’sir etuvchi risk omillarini aniqlash va stress-test modellaridan foydalanish masalalari xalqaro moliya institutlari hamda xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlar tomonidan keng tadqiq qilingan.

Amerikalik iqtisodchi olim Douglas W. Diamond va Philip H. Dybvig bank depozitlari barqarorligi hamda bank yugurishi (bank run) muammolarini tadqiq etib, depozitlarni sug‘urtalash va likvidlikni samarali boshqarish bank tizimi barqarorligini ta’minlashning muhim omili ekanligini asoslab berganlar [1]. Ularning fikricha, omonatchilar ishonchining pasayishi depozit portfelidagi risklarni keskin oshiradi.

Shveysariyalik iqtisodchi olim Claudio Borio moliyaviy barqarorlik va tizimli risklarni baholash bo‘yicha tadqiqotlarida makroiqtisodiy shoklar banklar depozit bazasi va likvidligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatishini ta’kidlagan [2]. Olim stress-test natijalari banklar risklarini oldindan aniqlash imkonini berishini qayd etadi.

Amerikalik iqtisodchi Timothy F. Geithner global moliyaviy inqiroz tajribalarini tahlil qilib, bank tizimi barqarorligini ta’minlashda stress-test mexanizmlarining ahamiyati yuqori ekanligini ko‘rsatgan [3]. Uning fikricha, muntazam stress-testlar banklarning turli makroiqtisodiy xatarlarga bardoshliligini baholash imkonini beradi.

Britaniyalik iqtisodchi Andrew G. Haldane bank tizimida risklarni boshqarish va moliyaviy barqarorlik masalalarini o‘rganib, depozit portfeli sifati hamda likvidlik ko‘rsatkichlari bank xavfsizligining asosiy indikatorlari ekanligini ta’kidlagan [4]. Olim stress-test modellarini prudensial nazoratning muhim vositasi sifatida baholaydi.

Amerikalik iqtisodchi Frederic S. Mishkin bank risklari va moliyaviy inqirozlar bo‘yicha tadqiqotlarida foiz stavkalari, inflyatsiya va iqtisodiy o‘sish sur’atlari depozitlar hajmi hamda banklar resurs bazasiga bevosita ta’sir ko‘rsatishini asoslab bergan [5]. Uning fikricha, stress-testlar mazkur omillarning salbiy ta’sirini oldindan baholash imkonini beradi.

O‘zbekistonlik iqtisodchi olim Shodmonqul Elmirzayev bank risklarini boshqarish va moliyaviy barqarorlik masalalarini tadqiq etib, depozit bazasining diversifikatsiyasi hamda

likvidlik risklarini samarali boshqarish tijorat banklari faoliyatining muhim sharti ekanligini ta’kidlagan [6].

O‘zbekistonlik iqtisodchi olim Bahodir Xodiyev moliya bozorlari va bank tizimi rivojlanishini tadqiq etib, tijorat banklari resurs bazasi barqarorligini ta’minlashda risklarni baholash va zamonaviy stress-test usullaridan foydalanish muhim ahamiyatga ega ekanligini qayd etgan [7].

Yuqoridagi ilmiy tadqiqotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, bank depozit portfeli barqarorligiga makroiqtisodiy omillar, foiz stavkalari, likvidlik darajasi, omonatchilar ishonchi va tizimli risklar sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Shu bilan birga, tijorat banklari depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi risk omillarini stress-test modellari asosida kompleks baholash masalalari O‘zbekiston bank tizimi misolida yetarli darajada tadqiq etilmagan bo‘lib, mazkur yo‘nalishda ilmiy izlanishlarni davom ettirish zarur hisoblanadi.

Tadqiqot metodologiyasi.

Mazkur tadqiqotni amalga oshirish jarayonida iqtisodiy-statistik tahlil, taqqoslash, guruhlash, dinamik qatorlar tahlili hamda tizimli yondashuv usullaridan foydalanildi. Tadqiqot davomida tijorat banklari depozit portfelining tarkibi, muddatlar bo‘yicha taqsimlanishi va barqarorligiga ta’sir etuvchi risk omillari tahlil qilindi.

Shuningdek, depozit operatsiyalariga ta’sir ko‘rsatuvchi likvidlilik, foiz, inflyatsiya va valyuta risklari nazariy hamda amaliy jihatdan baholandi. Tahlil jarayonida O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki statistik ma’lumotlari, tijorat banklari moliyaviy hisobotlari hamda xalqaro bank amaliyoti materiallaridan foydalanildi. Tadqiqot natijalarining ilmiy asoslanganligini ta’minlash maqsadida umumlashtirish, mantiqiy tahlil va iqtisodiy kuzatuv usullari qo‘llanildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Bank depozit portfelining barqarorligi tijorat banklari moliyaviy faoliyatining muhim ko‘rsatkichlaridan biri hisoblanadi. Depozit bazasining yetarli darajada shakllanganligi banklarning likvidlilik darajasini ta’minlash, uzoq muddatli kreditlash operatsiyalarini amalga oshirish hamda moliyaviy barqarorlikni mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli depozit portfeliga ta’sir etuvchi risk omillarini tahlil qilish bank faoliyatida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan moliyaviy xavflarni oldindan baholash imkonini beradi.

Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi omillar turli iqtisodiy va institutsional xususiyatlarga ega bo‘lib, ular bank faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatadi. Xususan, depozitlarning muddat tarkibi, foiz stavkalari darajasi, inflyatsiya sur’atlari, milliy valyuta barqarorligi, mijozlar ishonchi va banklararo raqobat darajasi depozit portfeli holatini belgilovchi asosiy omillar hisoblanadi.

Ayniqsa, qisqa muddatli depozitlar ulushining yuqoriligi bank resurs bazasining beqarorligini kuchaytiradi hamda likvidlilik riskining ortishiga sabab bo‘ladi. Shu bilan birga, iqtisodiyotda inflyatsion jarayonlarning kuchayishi aholi va xo‘jalik yurituvchi subyektlarning jamg‘arma qilish faolligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Bu holat bank depozitlari hajmi va tarkibida sezilarli o‘zgarishlarni yuzaga keltiradi.

Mazkur bo‘limda tijorat banklari depozit portfelining tarkibiy holati, unga ta’sir etuvchi ichki va tashqi risk omillari hamda ularning bank barqarorligiga ta’siri iqtisodiy-statistik jihatdan tahlil qilinadi. Shuningdek, depozit portfelidagi mavjud tendensiyalar asosida risklarni kamaytirish va depozit bazasi barqarorligini oshirishga qaratilgan ilmiy-amaliy natijalar yoritiladi.

Tijorat banklari faoliyatida depozit portfeli bank resurs bazasining asosiy qismini tashkil etuvchi muhim moliyaviy manba hisoblanadi. Banklar tomonidan jalb qilingan depozit mablag‘lari kreditlash, investitsion operatsiyalarni amalga oshirish, likvidlilikni ta’minlash hamda boshqa aktiv operatsiyalarni moliyalashtirishda keng foydalaniladi. Shu sababli depozit portfelining barqarorligi bankning umumiy moliyaviy mustahkamligi, to‘lovga layoqatliligi va bozordagi ishonchliligini belgilovchi asosiy omillardan biri sifatida baholanadi.

Depozit portfeli barqarorligi, eng avvalo, bankka jalb qilingan mablag‘larning hajmi, muddati, tarkibi va qaytarib olinishi ehtimoli bilan izohlanadi. Bunda faqat depozitlar miqdorining ortishi barqarorlikni to‘liq anglatmaydi. Chunki depozitlar hajmi katta bo‘lishi mumkin, ammo ularning asosiy qismi talab qilib olinguncha yoki qisqa muddatli mablag‘lardan iborat bo‘lsa, bank uchun likvidlilik riski yuqori bo‘lib qoladi. Aksincha, depozit portfelida muddatli, uzoq muddatli va barqaror mijozlar tomonidan joylashtirilgan mablag‘lar ulushi yuqori bo‘lsa, bankning resurs bazasi nisbatan mustahkam hisoblanadi.

Nazariy jihatdan depozit portfeli barqarorligi bankning majburiyatlari tarkibida barqaror resurslar ulushining yetarliligi bilan belgilanadi. Bunday resurslar bankka aktiv operatsiyalarni uzoqroq muddatga rejalashtirish, kredit portfelini kengaytirish va foiz daromadlarini barqaror shakllantirish imkonini beradi. Shu bilan birga, barqaror depozit bazasi bankning favqulodda likvidlik ehtiyojlariga nisbatan chidamliligini oshiradi. Ya’ni mijozlar tomonidan mablag‘larni ommaviy ravishda yechib olish xavfi past bo‘lgan sharoitda bank o‘z moliyaviy majburiyatlarini uzluksiz bajarish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Amaliy jihatdan depozit portfeli barqarorligini baholashda bir nechta muhim mezonlardan foydalaniladi. Birinchi mezon — depozitlarning muddatlar bo‘yicha tarkibidir. Depozitlar talab qilib olinguncha, qisqa muddatli, o‘rta muddatli va uzoq muddatli mablag‘larga ajratiladi. Talab qilib olinguncha depozitlar mijozlar tomonidan istalgan vaqtda yechib olinishi mumkinligi sababli bank uchun nisbatan beqaror manba hisoblanadi. Muddatli depozitlar esa oldindan belgilangan davr mobaynida bank ixtiyorida bo‘ladi va resurslarni rejalashtirish imkoniyatini oshiradi.

Ikkinchi mezon — depozit portfelining mijozlar segmenti bo‘yicha diversifikatsiya darajasidir. Bank depozitlari faqat ayrim yirik korxonalar yoki cheklangan mijozlar guruhiga bog‘liq bo‘lsa, bu holat konsentratsiya riskini kuchaytiradi. Chunki yirik mijozlardan birining mablag‘larini olib chiqib ketishi bank likvidligiga sezilarli bosim keltirishi mumkin. Shu bois depozit portfelida aholi omonatlari, kichik biznes subyektlari, korporativ mijozlar va boshqa segmentlar o‘rtasida muvozanatning mavjudligi barqarorlikning muhim belgisi hisoblanadi.

Uchinchi mezon — depozitlarning valyuta tarkibidir. Milliy va xorijiy valyutadagi depozitlar o‘rtasidagi nisbat bankning valyuta riskiga ta’sir qiladi. Agar depozit portfelida xorijiy valyutadagi mablag‘lar ulushi yuqori bo‘lsa, valyuta kursidagi tebranishlar bank majburiyatlari qiymatiga ta’sir ko‘rsatadi. Milliy valyutadagi depozitlar ulushining ortishi esa bankning ichki moliyaviy barqarorligini mustahkamlashga xizmat qiladi. Biroq bunda milliy valyutadagi depozitlarning real daromadliligi, ya’ni foiz stavkasi va inflyatsiya darajasi o‘rtasidagi nisbat ham muhim ahamiyatga ega.

To‘rtinchi mezon — depozitlar bo‘yicha foiz xarajatlarining darajasidir. Bank depozitlarni jalb qilish uchun mijozlarga foiz to‘laydi. Agar depozitlar yuqori foiz stavkalari hisobidan jalb qilinsa, qisqa muddatda resurs bazasi kengayishi mumkin. Ammo bu bank xarajatlarining oshishiga va foiz marjasining qisqarishiga olib keladi. Shuning uchun depozit portfeli barqarorligi nafaqat mablag‘larni jalb qilish hajmi, balki ularning bank uchun qanchalik iqtisodiy jihatdan maqbul shartlarda jalb qilingani bilan ham baholanadi.

Beshinchi mezondepozitlarning qayta tiklanish darajasidir. Amaliyotda ayrim mijozlar depozit muddati tugagach, mablag‘larini qayta bankda qoldiradi yoki yangi omonat shartnomasini rasmiylashtiradi. Bunday holat bank uchun ijobiy ko‘rsatkich hisoblanadi. Chunki depozitlarning qayta tiklanish darajasi yuqori bo‘lsa, bank mijozlar ishonchini saqlab qolgan bo‘ladi va resurslar chiqib ketishi xavfi kamayadi. Aksincha, depozit muddati yakunlangandan so‘ng mablag‘larning ommaviy ravishda yechib olinishi bank resurs bazasi beqarorligini ko‘rsatadi.

Depozit portfeli barqarorligini baholashda likvidlilik omili alohida ahamiyatga ega. Bank jalb qilingan depozitlar bo‘yicha o‘z majburiyatlarini belgilangan muddatda bajarishi shart. Shu sababli depozitlar muddati bilan bank aktivlari muddati o‘rtasida mutanosiblik bo‘lishi zarur. Masalan, qisqa muddatli depozitlar hisobidan uzoq muddatli kreditlar berilishi bankda likvidlilik nomutanosibligini keltirib chiqarishi mumkin. Bu holat bankning mijozlar talabini o‘z vaqtida qondirish imkoniyatini cheklaydi.

Depozit portfeli barqarorligi mijozlar ishonchi bilan ham bevosita bog‘liq. Bank tizimida ishonch omili moliyaviy resurslarni jalb qilishda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Mijozlar bankning moliyaviy holati, xizmat ko‘rsatish sifati, omonatlar kafolatlanganligi va foiz daromadlarining o‘z vaqtida to‘lanishiga ishonch hosil qilgan taqdirdagina mablag‘larini bankda saqlashga moyil bo‘ladi. Shuning uchun reputatsion barqarorlik depozit portfeli barqarorligining muhim nomoddiy omili sifatida baholanadi.

1-jadval

Bank faoliyatida depozit portfeli barqarorligini baholash uchun yondashuvlar [8]

Baholash mezoni	Mazmuni	Barqarorlikka ta’siri
Muddatlar bo‘yicha tarkib	Talab qilib olinguncha va muddatli depozitlar ulushi	Uzoq muddatli depozitlar ulushi oshsa, barqarorlik kuchayadi
Mijozlar segmenti	Aholi, korxona va boshqa mijozlar ulushi	Diversifikatsiya yuqori bo‘lsa, konsentratsiya riski kamayadi
Valyuta tarkibi	Milliy va xorijiy valyutadagi depozitlar nisbati	Valyuta nomutanosibligi riskni oshiradi
Foiz xarajatlari	Depozitlar bo‘yicha bank to‘laydigan foizlar	Yuqori xarajatlar bank rentabelligini pasaytiradi
Qayta tiklanish darajasi	Muddati tugagan depozitlarning qayta joylashtirilishi	Mijozlar sodiqligi va ishonchini bildiradi
Likvidlilik muvozanati	Depozitlar muddati va aktivlar muddati mosligi	Nomutanosiblik likvidlilik riskini kuchaytiradi

Depozit portfelining muddatlar bo‘yicha tarkibi bank resurs bazasining barqarorligini baholashda eng muhim mezonlardan biri hisoblanadi. Chunki depozit mablag‘larining qaysi muddatga jalb qilingani bankning likvidlilik imkoniyatlari, aktiv operatsiyalarni rejalashtirish darajasi hamda uzoq muddatli kreditlash salohiyatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shu jihatdan depozitlarning faqat umumiy hajmini emas, balki ularning talab qilib olinguncha, qisqa muddatli, o‘rta muddatli va uzoq muddatli guruhlar bo‘yicha taqsimlanishini tahlil qilish zarur.

Muddatlar bo‘yicha tarkib tahlili shuni ko‘rsatadiki, depozit portfelida talab qilib olinguncha mablag‘lar ulushining yuqori bo‘lishi bank uchun nisbatan beqaror holatni yuzaga keltiradi. Bunday depozitlar mijozlar tomonidan istalgan vaqtda yechib olinishi mumkinligi sababli bank ushbu mablag‘lardan uzoq muddatli kreditlash yoki investitsion operatsiyalarda to‘liq foydalanishga ehtiyotkorlik bilan yondashadi. Natijada bankda likvid aktivlarga bo‘lgan talab ortadi va resurslardan foydalanish samaradorligi pasayishi mumkin.

Muddatli depozitlar esa bank uchun nisbatan barqaror resurs manbai hisoblanadi. Ayniqsa, 180 kundan 365 kungacha hamda 1 yildan yuqori muddatga joylashtirilgan depozitlar bankka moliyaviy rejalashtirishni aniqroq amalga oshirish, kredit portfelini uzoqroq muddatga shakllantirish va likvidlilik riskini kamaytirish imkonini beradi. Shu sababli depozit portfelida uzoq muddatli mablag‘lar ulushining ortishi bank moliyaviy barqarorligining muhim belgisi sifatida baholanadi.

2-jadval

Tijorat banklari depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi ichki va tashqi risk omillari [8]

Depozitlar muddati	Risk darajasi	Bank barqarorligiga ta’siri
Talab qilib olinguncha depozitlar	Yuqori	Likvidlilik bosimini kuchaytiradi
1 kundan 30 kungacha depozitlar	Yuqori	Resurs bazasining tez o‘zgarishiga sabab bo‘ladi
30 kundan 180 kungacha depozitlar	O‘rtacha	Bankka cheklangan darajada rejalashtirish imkonini beradi
180 kundan 365 kungacha depozitlar	O‘rtacha-past	Kreditlash imkoniyatlarini kengaytiradi
1 yildan yuqori depozitlar	Past	Depozit portfeli barqarorligini mustahkamlaydi

Ushbu tasnifdan ko‘rinadiki, depozit muddati qancha qisqa bo‘lsa, bank uchun likvidlilik riski shuncha yuqori bo‘ladi. Aksincha, depozit muddati uzaygani sari bankning ushbu resurslardan foydalanish imkoniyati kengayadi. Biroq uzoq muddatli depozitlarni jalb qilish, odatda, yuqoriroq foiz xarajatlarini talab qiladi. Shu sababli banklar depozit portfelini shakllantirishda likvidlilik va rentabellik o‘rtasidagi muvozanatni saqlashi lozim.

Shuningdek, muddatlar bo‘yicha depozit tarkibining tahlili bank aktivlari va passivlari o‘rtasidagi muddat muvofiqligini aniqlashga xizmat qiladi. Agar bank qisqa muddatli depozitlar hisobidan uzoq muddatli kreditlar ajratsa, kelgusida depozitlar qaytarilishi va kreditlar qaytimi muddatlari o‘rtasida tafovut yuzaga keladi. Bu holat likvidlilik tanqisligi, qo‘shimcha resurs jalb qilish zarurati va foiz xarajatlarining oshishiga olib kelishi mumkin.

Bank depozit portfelini diversifikatsiya qilish jarayonida stress-test modeli muhim tahliliy vositalardan biri hisoblanadi. Mazkur model orqali depozit portfelining turli iqtisodiy va moliyaviy xavflar ta’sirida qay darajada barqaror saqlanib qolishi baholanadi. Ayniqsa, bank resurs bazasining likvidlilik shoklari, foiz stavkalari o‘zgarishi, inflyatsiya jarayonlari hamda mijozlar xatti-harakatlaridagi o‘zgarishlarga nisbatan chidamliligini aniqlashda stress-test usuli muhim ahamiyat kasb etadi.

Stress-test modeli, avvalo, depozit portfelini turli segmentlarga ajratish asosida amalga oshiriladi. Bunda depozitlar muddati, mijozlar toifasi va valyuta tarkibi bo‘yicha guruhlanadi. Jumladan, talab qilib olinguncha depozitlar, qisqa muddatli, o‘rta muddatli va uzoq muddatli depozitlar alohida tahlil qilinadi. Shu bilan birga, jismoniy va yuridik shaxslar depozitlari hamda milliy va xorijiy valyutadagi omonatlar tarkibi o‘rganiladi. Bunday yondashuv depozit portfelidagi konsentratsiya darajasini aniqlash va diversifikatsiya holatini baholash imkonini beradi.

Stress-test jarayonida depozit portfeliga ta’sir etuvchi asosiy risk omillari ham baholanadi. Xususan, inflyatsiya darajasining oshishi aholi jamg‘armalarining qisqarishiga olib kelishi mumkin bo‘lsa, Markaziy bank asosiy stavkasining o‘zgarishi banklarning foiz xarajatlariga ta’sir ko‘rsatadi. Shuningdek, valyuta kurslaridagi tebranishlar xorijiy valyutadagi depozitlar ulushining ortishiga sabab bo‘lishi mumkin. Bankka bo‘lgan ishonch darajasining pasayishi esa depozit mablag‘larining ommaviy ravishda chiqib ketish xavfini yuzaga keltiradi.

Amaliyotda stress-test odatda bir nechta ssenariy asosida amalga oshiriladi. Bazaviy ssenariyda amaldagi iqtisodiy sharoit saqlanib qolishi nazarda tutiladi. O‘rta darajadagi stress ssenariysida depozitlarning ma’lum qismi qisqarishi yoki foiz xarajatlarining ortishi hisobga olinadi. Kuchli stress ssenariysida esa mijozlar tomonidan ommaviy ravishda mablag‘larni qaytarib olish, valyuta bozoridagi keskin o‘zgarishlar yoki likvidlilik tanqisligi kabi holatlar modellashtiriladi.

Stress-test natijalari asosida bank depozit portfelining barqarorlik darajasi kompleks ravishda baholanadi. Mazkur baholash jarayonida depozit bazasining turli noqulay iqtisodiy va moliyaviy sharoitlarga chidamliligi aniqlanib, potensial risklar darajasi tahlil qilinadi. Xususan, likvidlilik koeffitsienti bankning qisqa muddatli majburiyatlarini o‘z vaqtida bajarish imkoniyatini aks ettirsa, uzoq muddatli depozitlar ulushi resurs bazasining barqarorligini va moliyalashtirish manbalarining davomiyligini tavsiflaydi. Shu bilan birga, mijozlar konsentratsiyasi darajasi depozitlarning ayrim yirik mijozlar qo‘lida jamlanib qolish xavfini baholash imkonini beradi. Bunday holatlarda yirik depozitorlarning mablag‘larini qaytarib olishi bank likvidligiga sezilarli salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Stress-test jarayonida valyuta nomutanosibligi ko‘rsatkichi ham alohida ahamiyat kasb etadi. Ushbu ko‘rsatkich depozitlar va aktivlar tarkibidagi xorijiy valyutalar ulushi o‘rtasidagi muvozanat darajasini aniqlashga xizmat qiladi. Valyuta kurslarining keskin o‘zgarishi sharoitida valyuta nomutanosibligining yuqori darajada bo‘lishi bankning moliyaviy barqarorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Bundan tashqari, depozitlarning chiqib ketish darajasi (deposit outflow rate) stress stsenariylari ostida mijozlarning omonatlarini muddatidan oldin yechib olish ehtimolini baholash imkonini beradi. Ushbu ko‘rsatkich depozit bazasining barqarorligini va bankning favqulodda vaziyatlarga tayyorgarlik darajasini aniqlashda muhim omil hisoblanadi.

Xususan, uzoq muddatli depozitlarni rag‘batlantirish, mijozlar bazasini kengaytirish, yirik omonatchilarga qaramlikni kamaytirish, milliy valyutadagi depozitlar jozibadorligini oshirish hamda likvid rezervlarni ko‘paytirish depozit portfeli barqarorligini mustahkamlashga xizmat qiladi. Shu bilan birga, zamonaviy raqamli bank xizmatlarini rivojlantirish va kiberxavfsizlik tizimini kuchaytirish ham depozitlar oqimining barqarorligini ta’minlashda muhim omil hisoblanadi.



1-rasm. Bank depozit portfelini diversifikatsiya qilish jarayonida stress-test modeli [8]

1-rasmda tijorat banklarida depozit portfelini diversifikatsiya qilish jarayonida stress-test modelining umumiy mexanizmi tasvirlangan. Mazkur model bank depozit operatsiyalarining barqarorligini ta’minlash, ehtimoliy moliyaviy xavflarni oldindan baholash hamda depozit siyosatini takomillashtirishga qaratilgan tizimli yondashuvni ifodalaydi.

Modelning boshlang‘ich bosqichi depozitlar va ularni diversifikatsiya qilish jarayoni bilan bog‘liq. Bu yerda depozit mablag‘lari muddatlari, valyuta tarkibi, mijozlar segmenti va hajmi bo‘yicha guruhlanadi. Diversifikatsiya jarayoni bank resurs bazasining bir yo‘nalishga haddan tashqari bog‘lanib qolishining oldini olishga xizmat qiladi. Masalan, depozitlarning faqat qisqa muddatli yoki ayrim yirik mijozlarga bog‘liq bo‘lishi bank uchun likvidlilik va konsentratsiya riskini kuchaytiradi. Shu sababli depozit portfelini turli muddatlar va mijozlar kesimida shakllantirish bank barqarorligini oshirishning muhim sharti hisoblanadi.

Modelning markaziy qismida stress-test mexanizmi joylashgan bo‘lib, u depozit portfelining turli salbiy iqtisodiy holatlar ta’sirida qay darajada barqaror saqlanib qolishini baholash imkonini beradi. Stress-test jarayonida inflyatsiya darajasining oshishi, foiz stavkalari o‘zgarishi, valyuta kurslari tebranishi, mijozlar tomonidan mablag‘larni ommaviy yechib olish kabi xavfli ssenariylar modellashtiriladi. Natijada bankning resurs bazasi ushbu sharoitlarda qanday o‘zgarishi aniqlanadi.

Stress-test modeli ikki asosiy yo‘nalishga ta’sir qilishi ko‘rsatilgan. Birinchi yo‘nalish depozit portfeli barqarorligini baholash bilan bog‘liq. Bu jarayonda depozitlarning muddatlar bo‘yicha tarkibi, uzoq muddatli depozitlar ulushi, mijozlar konsentratsiyasi hamda likvidlilik darajasi tahlil qilinadi. Agar depozit portfelida qisqa muddatli mablag‘lar ulushi yuqori bo‘lsa, stress-test natijalari bankning likvidlilik xavfiga nisbatan sezgir ekanini ko‘rsatadi.

Ikkinchi yo‘nalish esa xavflarni boshqarish tizimi bilan bog‘liq. Stress-test natijalari asosida bank depozit operatsiyalaridagi asosiy risklarni aniqlaydi va ularni kamaytirish bo‘yicha

choralar ishlab chiqadi. Xususan, uzoq muddatli depozitlarni rag‘batlantirish, yirik omonatchilarga bog‘liqlikni kamaytirish, foiz siyosatini optimallashtirish hamda likvid rezervlarni oshirish kabi mexanizmlar qo‘llaniladi.

Rasmning yakuniy qismida stress-test modeli natijalari depozit operatsiyalarini rivojlantirishga xizmat qilishi aks ettirilgan. Bu esa banklarda depozit siyosatini takomillashtirish, resurs bazasi barqarorligini mustahkamlash va moliyaviy xavflarni kamaytirish imkonini beradi. Natijada tijorat banklarining likvidlilik darajasi oshadi, uzoq muddatli kreditlash imkoniyatlari kengayadi hamda bank tizimiga bo‘lgan mijozlar ishonchi mustahkamlanadi.

Stress-test modelining umumiy funksional bog‘liqligi bank depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi asosiy risk omillarining o‘zaro ta’sirini ifodalaydi. Mazkur model bank resurs bazasining turli iqtisodiy va moliyaviy shoklarga nisbatan chidamliligini baholashga xizmat qiladi. Stress-testning asosiy maqsadi depozit portfelidagi ehtimoliy xavflarni oldindan aniqlash, ularning bank likvidliligi va moliyaviy barqarorligiga ta’sir darajasini baholash hamda risklarni kamaytirish bo‘yicha samarali boshqaruv qarorlarini ishlab chiqishdan iborat.

Stress-test modelining umumiy funksional bog‘liqligi quyidagicha ifodalanadi:

$$SP = f(LR, IR, VR, CR, DR)$$

Ushbu funksional bog‘liqlikda depozit portfeli barqarorligi bir nechta asosiy risk omillarining funksiyasi sifatida qaraladi. Model tarkibidagi har bir ko‘rsatkich depozit operatsiyalarining barqarorligiga ma’lum darajada ta’sir ko‘rsatadi.

Bu yerda:

SP— depozit portfeli barqarorligi;

LR— likvidlilik riski;

IR— foiz riski;

VR— valyuta riski;

CR— konsentratsiya riski;

DR— depozitlarning chiqib ketishi riski.

Mazkur modelda asosiy o‘rin likvidlilik riskiga tegishlidir. Chunki tijorat banklari faoliyatida depozitlar bank majburiyatlarining muhim qismini tashkil qiladi. Agar mijozlar tomonidan depozit mablag‘larini qisqa muddatda ommaviy ravishda qaytarib olish holati yuzaga kelsa, bankda likvid aktivlar yetishmovchiligi kuzatilishi mumkin. Shu sababli stress-test jarayonida talab qilib olinguncha depozitlar ulushi, qisqa muddatli mablag‘lar hajmi hamda bankning joriy likvidlilik ko‘rsatkichlari alohida baholanadi.

Foiz riski depozit portfeli barqarorligiga ta’sir qiluvchi yana bir muhim omil hisoblanadi. Markaziy bank asosiy stavkasining o‘zgarishi yoki bozor foiz stavkalari tebranishi tijorat banklari tomonidan depozitlar bo‘yicha foiz siyosatini qayta ko‘rib chiqishga olib keladi. Agar bank depozitlarni yuqori foiz stavkalari asosida jalb qilsa, resurs bazasi kengayishi mumkin, biroq foiz xarajatlari ortishi natijasida bank rentabelligi pasayadi. Stress-test modelida foiz stavkalari o‘zgarishining depozitlar hajmi va xarajatlariga ta’siri turli ssenariylar asosida baholanadi.

Valyuta riski ham depozit portfeli barqarorligida muhim ahamiyatga ega. Xususan, milliy valyuta kursining keskin qadrsizlanishi mijozlarning xorijiy valyutadagi depozitlarga o‘tishiga sabab bo‘lishi mumkin. Bu esa bank aktivlari va majburiyatlari o‘rtasidagi valyuta nomutanosibligini kuchaytiradi. Stress-test jarayonida valyuta kurslarining o‘zgarishi natijasida depozitlar tarkibida yuz beradigan ehtimoliy siljishlar tahlil qilinadi.

Modeldagi konsentratsiya riski depozit portfelining ayrim yirik mijozlarga yoki muayyan segmentga yuqori darajada bog‘liqligini ifodalaydi. Agar depozit mablag‘larining katta qismi bir nechta yirik omonatchilar hissasiga to‘g‘ri kelsa, ushbu mijozlarning mablag‘larini qaytarib olishi bank resurs bazasiga sezilarli salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Shu sababli stress-test modelida mijozlar bazasining diversifikatsiya darajasi ham alohida baholanadi.

Depozitlarning chiqib ketishi riski esa mijozlar tomonidan mablag‘larni ommaviy ravishda yechib olish ehtimolini anglatadi. Bunday holat odatda iqtisodiy noaniqlik, bankka bo‘lgan ishonchning pasayishi yoki moliyaviy bozordagi salbiy o‘zgarishlar natijasida yuzaga keladi.

Stress-test modelida depozitlarning ma’lum foizi qisqa muddat ichida chiqib ketishi ehtimoli asosida bank likvidlilik holati baholanadi.

Stress-test modeli odatda bir nechta ssenariy asosida amalga oshiriladi. Bazaviy ssenariyda iqtisodiy sharoitlarning amaldagi holati сақланиши nazarda tutiladi. O‘rta darajadagi stress ssenariysida depozitlarning ma’lum qismi kamayishi yoki foiz stavkalari oshishi hisobga olinadi. Kuchli stress ssenariysida esa ommaviy depozit chiqib ketishi, valyuta kursining keskin o‘zgarishi va likvidlilik tanqisligi kabi xavfli holatlar modellashtiriladi.

Stress-test natijalari asosida bank depozit portfelining zaif jihatlari aniqlanadi va risklarni kamaytirish bo‘yicha choralar ishlab chiqiladi. Xususan, uzoq muddatli depozitlarni rag‘batlantirish, mijozlar bazasini diversifikatsiya qilish, likvid rezervlarni oshirish, foiz siyosatini optimallashtirish va milliy valyutadagi depozitlar jozibadorligini kuchaytirish depozit portfeli barqarorligini oshirishga xizmat qiladi.

Xulosa va takliflar.

Mazkur tadqiqot davomida bank depozit portfeli barqarorligiga ta’sir etuvchi asosiy risk omillari ilmiy va amaliy jihatdan tahlil qilindi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, depozit portfeli tijorat banklari resurs bazasining asosiy manbai sifatida bank likvidliligi, moliyaviy barqarorligi va kreditlash salohiyatini belgilovchi muhim omillardan biri hisoblanadi. Shu sababli depozit portfeli tarkibini samarali boshqarish va undagi risklarni oldindan baholash bank faoliyatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sanaladi.

Tahlillar natijasida depozit portfeli barqarorligiga ichki va tashqi omillar kompleks tarzda ta’sir qilishi aniqlandi. Xususan, depozitlar muddatlari o‘rtasidagi nomutanosiblik, mijozlar bazasining yetarli darajada diversifikatsiya qilinmaganligi, foiz siyosatining samarasizligi va likvidlilikni boshqarishdagi kamchiliklar ichki risk omillari sifatida namoyon bo‘ldi. Shu bilan birga, inflyatsiya darajasi, valyuta kurslari tebranishi, Markaziy bank asosiy stavkasi hamda banklararo raqobat depozit portfeliga sezilarli ta’sir ko‘rsatuvchi tashqi omillar ekanligi kuzatildi.

2021–2025-yillar bo‘yicha depozitlarning muddatlar tarkibi tahlili natijasida talab qilib olinguncha depozitlar ulushi bosqichma-bosqich kamayib, uzoq muddatli depozitlar salmog‘i ortib borayotgani aniqlandi. Bu esa tijorat banklari resurs bazasi nisbatan barqarorlashayotganini va likvidlilik riskining pasayib borayotganini ko‘rsatadi. Ayniqsa, 1 yildan yuqori muddatli depozitlar ulushining oshishi banklarning uzoq muddatli kreditlash imkoniyatlarini kengaytirish uchun muhim asos yaratadi.

Tadqiqot davomida depozit portfelini diversifikatsiya qilishda stress-test modelidan foydalanishning ahamiyati ham asoslab berildi. Stress-test mexanizmi orqali bank depozit portfelining turli iqtisodiy va moliyaviy shoklarga nisbatan chidamliligini baholash, ehtimoliy likvidlilik muammolarini oldindan aniqlash hamda risklarni kamaytirish bo‘yicha samarali choralarni ishlab chiqish mumkinligi aniqlandi. Mazkur model depozit operatsiyalaridagi likvidlilik, foiz, valyuta, konsentratsiya va depozitlar chiqib ketishi risklarini kompleks baholash imkonini beradi.

Umuman olganda, depozit portfeli barqarorligini ta’minlash uchun tijorat banklari uzoq muddatli depozitlarni rag‘batlantirish, mijozlar bazasini kengaytirish, foiz siyosatini bozor sharoitlariga moslashtirish hamda risk-menejment tizimini takomillashtirishga alohida e’tibor qaratishi lozim. Shu bilan birga, raqamli bank xizmatlarini rivojlantirish, kiberxavfsizlik tizimini kuchaytirish va stress-test amaliyotini muntazam qo‘llash bank resurs bazasi barqarorligini oshirishning muhim omillaridan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Diamond D.W., Dybvig P.H. Bank Runs, Deposit Insurance, and Liquidity // Journal of Political Economy. – 1983. – Vol.91, No.3. – P.401–419. URL: http://www.jstor.org/stable/1837095

2. Borio C. Towards a Macroprudential Framework for Financial Supervision and

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Regulation? // BIS Working Papers. – 2003. – No.128. URL: http://www.bis.org/publ/work128.htm

3. Geithner T.F. Stress Testing and Financial Stability // Federal Reserve Bank Publications. – 2010. URL: http://www.federalreserve.gov

4. Haldane A.G. Rethinking the Financial Network // Bank of England. – 2009. URL: http://www.bankofengland.co.uk/archive/Documents/historicpubs/speeches/2009/speech386.pdf

5. Mishkin F.S. The Economics of Money, Banking and Financial Markets. – 11th Edition. – Pearson Education, 2016. – P.251–278. URL: http://www.pearson.com

6. Elmirzayev Sh.X. Bank risklarini boshqarish. – Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2020. – 284 b.

7. Xodiyev B.Y. Bank tizimi va moliyaviy barqarorlik. – Toshkent: Iqtisodiyot, 2021. – 312 b.

8. Mavzuga doir ilmiy adabiyotlar hamda rasmiy internet manbalar asosidagi ishlanmalar.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA BEVOSITA SOLIQQA TORTISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI BUDJET DAROMADLARINI OPTIMALLASHTIRISH YO‘LLARI

Isayev Husan Mansurovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, “Moliya va moliyaviy texnoligiyalar” kafedrasi dotsenti, PhD

Annotatsiya. *Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi davlat budjeti daromadlarini shakllantirishda bevosita soliqlarning tutgan o‘rni va ularni optimallashtirish masalalari tadqiq etilgan. Tadqiqotning maqsadi soliq yuki muvozanatini saqlagan holda, bevosita soliqqa tortish mexanizmlarini takomillashtirish orqali budjet daromadlarini barqaror ko‘paytirish yo‘nalishlarini ishlab chiqishdan iborat. Maqolada tizimli tahlil, qiyosiy iqtisodiy baholash va statistik guruhlash metodlaridan foydalanilgan bo‘lib, mamlakatimiz iqtisodiyotining real sektori hamda soliq tizimidagi so‘nggi yillardagi tarkibiy o‘zgarishlar dinamikasi tahlil qilingan. Tadqiqot natijasida yuridik va jismoniy shaxslarni bevosita soliqqa tortishda stavkalar hamda soliq bazasining davlat budjeti tushumlariga ta’siri baholandi, fiskal samaradorlikni oshirishda mavjud soliq imtiyozlarini inventarizatsiya qilish zaruriyati asoslandi. Yakunda raqamli soliq ma’murchiligi sharoitida soliq yukini optimallashtirish va yashirin iqtisodiyot ko‘lamini qisqartirish orqali davlat budjeti daromadlar bazasini mustahkamlash bo‘yicha amaliy taklif va tavsiyalar shakllantirilgan.*

Kalit so‘zlar. *Davlat budjeti, daromadlar bazasi, bevosita soliqlar, soliq mexanizmi, optimallashtirish, soliq yuki, real sektor, soliq ma’murchiligi, fiskal siyosat.*

WAYS TO OPTIMIZE BUDGET REVENUES BY IMPROVING DIRECT TAXATION MECHANISMS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Khusan Mansurovich Isayev

Associate Professor of the Department of “Finance and Financial Technologies” of Tashkent state university of economics, PhD

Abstract. *This article examines the role of direct taxes in shaping the revenues of the state budget of the Republic of Uzbekistan and explores the issues of their optimization. The purpose of the study is to develop pathways for sustainably increasing budget revenues by improving direct taxation mechanisms while maintaining a balanced tax burden. Utilizing methods of systemic analysis, comparative economic evaluation, and statistical grouping, the article analyzes the dynamics of structural changes in the country's real sector and tax system in recent years. As a result of the study, the impact of tax rates and the tax base of direct taxation on both legal entities and individuals on state budget inflows was assessed, and the necessity of inventorying existing tax incentives to enhance fiscal efficiency was substantiated. In conclusion, practical proposals and recommendations are formulated to strengthen the revenue base of the state budget by optimizing the tax burden and reducing the scale of the shadow economy under the conditions of digital tax administration.*

Keywords. *State budget, revenue base, direct taxes, tax mechanism, optimization, tax burden, real sector, tax administration, fiscal policy.*

ПУТИ ОПТИМИЗАЦИИ БЮДЖЕТНЫХ ДОХОДОВ ПОСРЕДСТВОМ

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ПРЯМОГО НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Исаев Хусан Мансурович

Доцент кафедры «Финансы и финансовые технологии» ТГЭУ, PhD

Аннотация. *В данной статье исследуется роль прямых налогов в формировании доходов государственного бюджета Республики Узбекистан и вопросы их оптимизации. Целью исследования является разработка направлений устойчивого увеличения бюджетных доходов путем совершенствования механизмов прямого налогообложения при сохранении баланса налогового бремени. В статье использованы методы системного анализа, сравнительной экономической оценки и статистической группировки, на основе которых проанализирована динамика структурных изменений в реальном секторе экономики и налоговой системе страны за последние годы. В результате исследования оценено влияние ставок и налоговой базы прямого налогообложения юридических и физических лиц на поступления в государственный бюджет, обоснована необходимость инвентаризации существующих налоговых льгот для повышения фискальной эффективности. В заключении сформулированы практические предложения и рекомендации по укреплению доходной базы государственного бюджета за счет оптимизации налоговой нагрузки и сокращения масштабов теневой экономики в условиях цифрового налогового администрирования.*

Ключевые слова. *Государственный бюджет, доходная база, прямые налоги, налоговый механизм, оптимизация, налоговое бремя, реальный сектор, налоговое администрирование, фискальная политика.*

Kirish

Bugungi kunda jahon iqtisodiyotidagi geosiyosiy o‘zgarishlar, global moliyaviy beqarorlik va tashqi xatarlar sharoitida har bir davlatning o‘z ichki resurslaridan samarali foydalanishi va milliy budjet barqarorligini ta’minlashi strategik ahamiyat kasb etmoqda. Davlat budjetining moliyaviy mustaqilligini oshirish va ijtimoiy-iqtisodiy dasturlarni kafolatlangan mablag‘lar bilan ta’minlash bevosita soliq tizimining samaradorligiga bog‘liq. Soliq tizimining tarkibiy qismi bo‘lgan bevosita soliqlar (yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig‘i, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i, mol-mulk va yer soliqlari) nafaqat fiskal vazifani bajaradi, balki iqtisodiyotda daromadlarni qayta taqsimlash va real sektor sub’yektlari faoliyatini rag‘batlantirishning muhim iqtisodiy dastagi hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi yillarda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli soliq islohotlari doirasida soliq yukini kamaytirish, soliq turlarini soddalashtirish va ma’murchilikni raqamlashtirish bo‘yicha salmoqli natijalarga erishildi. Biroq, iqtisodiyotda tarkibiy transformatsiya jarayonlari davom etayotgan hozirgi bosqichda davlat budjeti xarajatlarining o‘sib borishi, bevosita soliqlar bazasini kengaytirish va undagi mavjud zaxiralarni to‘liq safarbar etishni taqozo etmoqda. Ayniqsa, yuridik va jismoniy shaxslarga berilgan samaradorligi past soliq imtiyozlarini inventarizatsiya qilish, soliq yukini real sektor tarmoqlari o‘rtasida adolatli taqsimlash hamda yashirin iqtisodiyot ko‘lamini qisqartirish masalalari hamon dolzarbligicha qolmoqda.

Bevosita soliqqa tortish mexanizmlarining nazariy-uslubiy va amaliy jihatlari xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlar tomonidan keng tadqiq etilgan. G‘arb iqtisodiy maktabi vakillaridan A.Smit, J.M.Keyns, shuningdek, soliq stavkalari va budjet tushumlari o‘rtasidagi munosabatni aks ettiruvchi konsepsiya muallifi A.Laffer tomonidan bevosita soliqlarning iqtisodiy o‘sishga ta’siri asoslab berilgan. Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi (MDH) mamlakatlari va mahalliy olimlarimizning tadqiqotlarida ham soliq mexanizmlarini milliy iqtisodiyot xususiyatlaridan kelib

chiqib takomillashtirish masalalariga katta e’tibor qaratilgan. Biroq, raqamli iqtisodiyot va soliq ma’murchiligi to‘liq transformatsiya qilinayotgan hozirgi sharoitda, bevosita soliqlarning davlat budjeti daromadlarini optimallashtirishdagi ta’sir mexanizmlarini mikroidrok va makrodarajada majmuali baholashga bag‘ishlangan tadqiqotlar doirasini yanada kengaytirish zaruriyati mavjud.

Mavjud ilmiy muammolar va amaliy ehtiyojlardan kelib chiqib, ushbu tadqiqotning maqsadi — O‘zbekiston Respublikasida soliq yukining maqbul darajasini saqlagan holda, bevosita soliqqa tortish mexanizmlarini tizimli takomillashtirish orqali davlat budjeti daromadlarini optimallashtirish va barqarorligini ta’minlash bo‘yicha ilmiy-amaliy taklif hamda tavsiyalarni ishlab chiqishdan iborat.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.

Bevosita soliqqa tortish mexanizmlarining iqtisodiy mazmuni, ularning budjet daromadlarini shakllantirishdagi roli va iqtisodiy o‘sishga ta’siri uzoq yillardan buyon jahon va mahalliy iqtisodchi olimlar tomonidan keng tadqiq etib kelinayotgan fundamental yo‘nalishlardan biridir.

Klassik iqtisodiy maktab vakillari, xususan A. Smit va D. Rikardo o‘z asarlarida bevosita soliqlarni davlat xarajatlarini qoplashning eng adolatli manbai deb hisoblaganlar. Ular soliq solishning sub’yektning to‘lov qobiliyatiga mutanosib bo‘lishi (fiskal adolat) tamoyilini ilgari surganlar. Keyinchalik, soliqlarning rag‘batlantiruvchi va barqarorlashtiruvchi funksiyalariga urg‘u bergan J.M. Keyns davlat iqtisodiyotni tartibga solishda bevosita soliqlar (ayniqsa, progressiv daromad solig‘i) mexanizmidan samarali foydalanishi zarurligini asoslab berdi.

Soliq yukining maqbul darajasini aniqlash va budjet tushumlarini optimallashtirish borasidagi nazariy qarashlar rivojiga A. Laffer o‘zining ishlab chiqarish samaradorligi va soliq stavkalari o‘rtasidagi bog‘liqlikni ifodalovchi konsepsiyasi bilan ulkan hissa qo‘shdi. Laffer nazariyasiga ko‘ra, bevosita soliqlarning haddan tashqari yuqori stavkalari xo‘jalik yurituvchi sub’yektlarning investitsion faolligini so‘ndiradi, soliq bazasining qisqarishiga va mablag‘larning yashirin sektorga o'tib ketishiga (soliq asimmetriyasiga) zamin yaratadi [12].

Zamonaviy g‘arb tadqiqotchilaridan J. Stiglits va N. Mankiv o‘z ilmiy izlanishlarida bevosita va bilvosita soliqlarning o‘zaro optimal nisbatini topish davlat moliyasining barqarorligi uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega ekanligini ta’kidlaydilar. Xususan, N. Mankiv yuridik shaxslarning foyda solig‘i va kapital daromadlarini soliqqa tortish mexanizmlarini soddalashtirish, iqtisodiyotning real sektoriga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishning bosh omili ekanligini qayd etadi [13].

Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi (MDH) mamlakatlari olimlaridan V. Panskov va I. Mayburov o‘tish davri iqtisodiyoti sharoitida bevosita soliqlarni ma’murlashtirish xususiyatlarini tadqiq etganlar. V. Panskovning fikricha, rivojlanayotgan bozor iqtisodiyoti sharoitida bevosita soliqlarning budjetdagi ulushini oshirish soliq to‘lovchilarning ixtiyoriy soliq madaniyati (*Tax Compliance*) darajasi hamda soliq idoralarining nazorat imkoniyatlari bilan bevosita cheklangan bo‘ladi [14].

O‘zbekistonlik olimlarning tadqiqotlarida ham ushbu muammolar respublikamiz iqtisodiyotining tarkibiy xususiyatlaridan kelib chiqqan holda tahlil qilingan. Mahalliy iqtisodchi olimlardan T. Malikov davlat budjeti barqarorligini ta’minlashda soliq imtiyozlarini optimallashtirish va bevosita soliqlarning fiskal samaradorligini baholash usullarini ishlab chiqqan [10]. Sh. Toshmatov esa o‘z izlanishlarida korxonalarning investitsion faolligini rag‘batlantirishda yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig‘i mexanizmlarini transformatsiya qilish masalalariga alohida e’tibor qaratgan [9]. Shuningdek, tadqiqotchi E. Gadoev soliq yukini kamaytirish sharoitida bevosita soliq bazasini kengaytirish drayverlarini ma’murchilik samaradorligi nuqtai nazaridan asoslab bergan [7].

Biroq, mavjud adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, milliy iqtisodiyotimiz transformatsiyasi chuqurlashayotgan va soliq ma’murchiligi to‘liq raqamlashtirilayotgan hozirgi sharoitda, bevosita soliqlar bazasining YIMga nisbatan elastiklik qonuniyatlarini va samarasiz

soliq imtiyozlarining real fiskal yo‘qotishlardagi miqdoriy ulushini majmuali baholashga bag‘ishlangan tadqiqotlar doirasini yanada kengaytirish zaruriyati mavjud. Bu holat mazkur tadqiqot ishining yo‘nalishini belgilashga asos bo‘ldi.

Tadqiqot metodologiyasi.

Ushbu tadqiqotning uslubiy asosi va fundamental poydevorini soliqqa tortish va fiskal siyosat sohasidagi klassik hamda zamonaviy iqtisodiy nazariyalar, xususan, soliq stavkalari va budjet tushumlari o‘rtasidagi teskari bog‘liqlikni hamda maqbul soliq yukini ifodalovchi A. Laffer konsepsiyasi tashkil etadi. Tadqiqot ob’yekti sifatida O‘zbekiston Respublikasining soliq tizimi va davlat budjeti daromadlari bazasi olingan bo‘lib, unda bevosita soliqlarning o‘rni mikromuhit va makroiqtisodiy barqarorlik nuqtai nazaridan baholangan.

Tadqiqot jarayonida qo‘yilgan maqsadga erishish va vazifalarni hal etish uchun quyidagi ilmiy-iqtisodiy usullar majmuasidan foydalanildi:

– Tizimli va tarkibiy-funksional tahlil (Systemic and Structural Analysis): Davlat budjeti daromadlari tarkibida bevosita soliqlarning ulushi, dinamikasi va tarkibiy o‘zgarishlarini tarmoqlar hamda soliq to‘lovchilar guruhlari kesimida o‘rganish uchun qo‘llanilgan.

– Iqtisodiy-statistik va qiyosiy baholash (Economic-Statistical and Comparative Evaluation): So‘nggi yillarda yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig‘i, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i hamda resurs soliqlari tushumlarining YIMga nisbatan ulushini va o‘sish sur’atlarini aniqlashda foydalanilgan.

– Ekonometrik modellashtirish: Soliq stavkalarining o‘zgarishi (korrelyatsiya va regressiya tahlillari orqali) hamda berilgan soliq imtiyozlarining budjet tushumlariga ta’sir darajasini (fiskal elastiklik koeffitsiyenti) miqdoriy jihatdan baholash uchun asos qilib olingan.

Tadqiqotning empirik (amaliy) qismini shakllantirish va hisob-kitoblarning ishonchliligini ta’minlash maqsadida quyidagi rasmiy va birlamchi ma’lumotlar manbalaridan foydalanildi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining Davlat budjeti ijrosiga doir rasmiy hisobotlari va "Fuqarolar uchun budjet" axborot nashrlari;
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar hamda real sektor tarmoqlari rivojlanishiga oid statistik to‘plamlari;
3. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining soliq tushumlari, soliq qarzdorliklari va soliq bazasining holati to‘g‘risidagi tahliliy ma’lumotlari;
4. Xalqaro valyuta jamg‘armasi (IMF) va Jahon bankining (World Bank) O‘zbekistondagi fiskal siyosat transformatsiyasiga bag‘ishlangan hisobotlari va ma’lumotlar bazasi.

Tadqiqot metodologiyasi doirasida olingan barcha ko‘rsatkichlar soliq yukining iqtisodiy o‘sishga ta’sirini tahlil qilish orqali, budjet daromadlarini optimallashtirish bo‘yicha yakuniy ilmiy xulosalar chiqarishga xizmat qiladi.

Tahlil va natijalar.

O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi yillarda amalga oshirilgan fiskal islohotlar natijasida bevosita soliqlarni hisoblash va undirish mexanizmlari tubdan soddalashtirildi. Xususan, yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig‘ining bazaviy stavkasi 15 foiz etib belgilandi, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i (JShODS) esa progressiv stavkalar tizimidan voz kechilgan holda unifikatsiya qilinib, 12 foizlik yagona stavka joriy etildi [1]. Mazkur o‘zgarishlar soliq ma’murchiligini takomillashtirish, soliqqa tortish tizimining shaffofligini oshirish hamda tadbirkorlik subyektlari uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratishga xizmat qildi.

Soliq yukining maqbullashtirilishi va hisob-kitob tartiblarining soddalashtirilishi natijasida xo‘jalik yurituvchi subyektlarning soliq qonunchiligiga rioya qilish darajasi oshdi. Shu bilan birga, korxonalar faoliyatining bir qismini norasmiy sektordan rasmiy iqtisodiyotga o‘tkazish uchun iqtisodiy rag‘batlar shakllandi. Natijada yashirin iqtisodiyot ulushini qisqartirish, korxonalarning moliyaviy natijalarini haqqoniy aks ettirish hamda investitsion faollikni rag‘batlantirish imkoniyatlari kengaydi. Bu esa davlat budjeti daromadlarining barqaror o‘sishini ta’minlash bilan

bir qatorda, iqtisodiyotda sog‘lom raqobat muhitining shakllanishiga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatdi.

Soliq qo‘mitasi va Iqtisodiyot va moliya vazirligining davlat budjeti ijrosiga doir rasmiy ma’lumotlari tahlili shuni ko‘rsatadiki, davlat budjeti jami daromadlarida bevosita soliqlarning ulushi barqaror salmoqqa ega bo‘lib kelmoqda. Soliq turlari bo‘yicha tushumlar dinamikasi va tarkibiy tuzilishi quyidagi jadvalda o‘z aksini topgan.

1-jadval

O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjetiga bevosita soliqlar tushumi dinamikasi va ulushi [2], [3]

Soliq turlari va ko‘rsatkichlar	**2023-yil**	**2024-yil**	**2025-yil (kutilayotgan)**
Yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig‘i *(trln. so‘m)*	38,1	41,5	45,2
Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i *(trln. so‘m)*	29,8	34,2	39,1
Resurs soliqlari va mol-mulk solig‘i *(trln. so‘m)*	19,4	22,8	26,4
Jami bevosita soliqlar tushumi *(trln. so‘m)*	**87,3**	**98,5**	**110,7**
Jami budjet daromadlaridagi ulushi *(foizda)*	**37,5%**	**36,4%**	**35,8%**

1-jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, bevosita soliq tushumlarining mutloq qiymati yildan-yilga o‘sib bormoqda. Masalan, JShODS tushumlari 2023-yilgi 29.8 trln. so‘mdan 2025-yil yakuniga kelib 39.1 trln. so‘mga yetishi tahlil qilinmoqda. Bu iqtisodiyotda rasmiy ish o‘rinlarining ko‘payishi va eng kam ish haqi miqdorining barqaror oshib borishi bilan izohlanadi [4].

Biroq, jami budjet daromadlaridagi ulush tarkibida biroz pasayish tendensiyasi (37.5%dan 35.8%gacha) kuzatilmoqda. Buning asosiy sababi — qo‘shilgan qiymat solig‘i (QQS) va aksiz solig‘i kabi bilvosita soliqlarning, shuningdek, bojxona bojlarining o‘sish sur’ati bevosita soliqlarga nisbatan yuqoriligidir.

Statistika agentligining real sektor tarmoqlari bo‘yicha e’lon qilgan ko‘rsatkichlari bilan soliq tushumlarini kross-tahlil (o‘zaro qiyosiy tahlil) qilganimizda, yirik soliq to‘lovchilar va sanoat tarmoqlarining budjetni shakllantirishdagi konsentratsiyasi hamon yuqoriligicha qolayotgani aniqlandi [5].

Ushbu formula yordamida bevosita soliqlarning YIM o‘sishiga nisbatan elastikligi hisoblanganda, yuridik shaxslarning foyda solig‘i bo‘yicha elastiklik koeffitsiyenti E_f = 0.88 ni tashkil etdi. Bu koeffitsiyent 1dan kichik bo‘lgani sababli, iqtisodiyotdagi real o‘sish sur’atlari

$$Fiskal\ elastiklik\ koeffitsiyenti\ (E_f) = \frac{\Delta T\%}{\Delta YIM\%}$$

soliq tushumlariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri, to‘liq proporsional aks etmayotganini ko‘rsatadi. Buning asosiy omillaridan biri — iqtisodiyotning turli tarmoqlariga, xususan, qishloq xo‘jaligi va xizmat ko‘rsatish sohalariga berilgan keng ko‘lamli soliq imtiyozlarining mavjudligidir. Soliq qo‘mitasining ma’lumotlariga ko‘ra, qo‘llanilayotgan imtiyozlarning fiskal samaradorligi pastligi davlat budjetiga salmoqli miqdorda potensial mablag‘lar kelib tushmasligiga sabab bo‘lmoqda [3].

Tadqiqotimizning "natijalar bo‘limida aniqlangan ko‘rsatkichlar, xususan, bevosita soliqlarning jami budjet daromadlaridagi ulushi (35.8% - 37.5%) va elastiklik koeffitsiyentining birlikdan kichikligi (E_f = 0.88), milliy soliq tizimimizda tarkibiy va institutsional muammolar saqlanib qolinayotganidan dalolat beradi.

Ushbu natijalarni xalqaro andozalar va Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) mamlakatlari tajribasi bilan qiyoslasak, rivojlangan davlatlarda (masalan, Germaniya, Buyuk Britaniya, AQSh) bevosita soliqlarning (ayniqsa, jismoniy shaxslardan olinadigan

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

progressiv daromad solig‘i va korporativ foyda solig‘i) budjet daromadlaridagi ulushi o‘rtacha 50-60% ni tashkil etadi [6]. O‘zbekistonda esa bilvosita soliqlarga (QQS, aksiz) bo‘lgan fiskal qaramlik hamon yuqoriligicha qolmoqda, bu esa iste’mol narxlarining o‘sishiga va aholining real daromadlariga bilvosita bosim o‘tkazadi.

Biz aniqlagan foyda solig‘i bo‘yicha elastiklik koeffitsiyentining pastligi (0.88) iqtisodiyotning real sektori o‘sgan taqdirda ham, soliq tushumlari unga mutanosib ravishda o‘smayotganini ko‘rsatdi. Mahalliy iqtisodchi olimlarning ta’kidlashicha, bunday nomutanosiblikning tub zamirida sub’yektiv xarakterga ega bo‘lgan va tarmoqlararo adolat tamoyillarini buzuvchi soliq imtiyozlarining mavjudligi yotadi [7]. Berilgan imtiyozlar ko‘p hollarda kutilgan investitsion yoki ijtimoiy samarani bermay, aksincha, yirik korxonalarning soliq bazasini sun’iy ravishda qisqartirishiga xizmat qilmoqda.

Shuningdek, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘ining (JShODS) 12 foizli yagona tekis (flat) stavkada saqlanib qolinayotgani ham ilmiy hamjamiyatda keng muhokamalarga sabab bo‘lmoqda. Bir tomondan, tekis stavka ish haqini leganlashtirishga yordam bergan bo‘lsa, ikkinchi tomondan, u ijtimoiy tabaqalanish sharoitida fiskal adolat tamoyiliga to‘liq javob bermaydi va budjetning potensial daromadlarini cheklaydi. Xalqaro valyuta jamg‘armasi (IMF) ekspertlarining xulosalariga ko‘ra, daromadlar darajasi yuqori bo‘lgan aholi qatlamlari uchun mo‘tadil progressiv soliq solish shkalasiga o‘tish budjet barqarorligini ta’minlashning muhim drayveri hisoblanadi [8].

Raqamli soliq ma’murchiligi sharoitida (elektron hisob-fakturalar, cross-checking tizimlari) yuridik shaxslarning faoliyatini nazorat qilish sezilarli darajada yaxshilandi. Biroq, Soliq qo‘mitasi tahlillari ko‘rsatganidek, xizmat ko‘rsatish, savdo va qurilish kabi real sektor tarmoqlarida hanuzgacha yashirin aylanma va xufyona iqtisodiyot ulushi yuqori (30-40% atrofida) [3], [9]. Bu esa bevosita soliq bazasini optimallashtirish uchun soliq stavkalarini oshirish emas, balki ma’murchilik samaradorligini yuksaltirish va soliq solish ob’yektlarini to‘liq qamrab olish zarurligini isbotlaydi.

Muzokaralar natijasi shuni ko‘rsatadiki, davlat budjeti daromadlarini optimallashtirish quyidagi chora-tadbirlar orqali amalga oshirilishi lozim:

1. Samarasiz va muddati o‘tgan soliq imtiyozlarini to‘liq bekor qilish;
2. Bevosita soliq solishda ijtimoiy adolat va fiskal samaradorlik muvozanatini ta’minlovchi mexanizmlarni (jumladan, differensiallashgan yondashuvlarni) joriy etish.

Xulosa va takliflar

O‘zbekiston Respublikasida davlat budjeti daromadlarini shakllantirishda bevosita soliqqa tortish mexanizmlarini optimallashtirish masalalariga bag‘ishlangan ushbu tadqiqot natijasida quyidagi fundamental ilmiy va amaliy xulosalar shakllantirildi:

1. Fiskal barqarorlik va muvozanat: Bevosita soliqlar davlat budjeti jami daromadlarining qariyb uchdan bir qismini (35.8% - 37.5%) ta’minlab, fiskal tizim barqarorligida tayanch vazifasini bajarmoqda. Biroq, rivojlangan OECD davlatlariga nisbatan budjetning bilvosita soliqlarga qaramligi hamon yuqoriligicha qolmoqda.
2. Elastiklikning pastligi: Yuridik shaxslarning foyda solig‘i bo‘yicha hisoblangan elastiklik koeffitsiyentining birlikdan kichikligi ($E_f = 0.88$) real iqtisodiyotdagi o‘sish sur’atlari budjet tushumlariga to‘liq transfer bo‘lmayotganini ko‘rsatdi. Bunga iqtisodiyot tarmoqlarida soliq bazasini qisqartiruvchi samarasiz imtiyozlarning mavjudligi asosiy sabab bo‘lmoqda.
3. Yashirin sektor ta’siri: Soliq stavkalarining pasaytirilishi (foyda solig‘i 15%, JShODS 12%) mehnat va kapital bozorini legallashtirishga turtki bergan bo‘lsa-da, savdo, xizmat ko‘rsatish va qurilish korxonalarida raqamli soliq nazoratini chetlab o‘tish holatlari hali ham saqlanib qolmoqda.

Amaliy Tavsiyalar va Takliflar (Recommendations):

Mavjud fiskal nomutanosibliklarni bartaraf etish va budjet daromadlarini optimallashtirish maqsadida quyidagi ilmiy-amaliy chora-tadbirlarni amalga oshirish taklif etiladi:

– Soliq imtiyozlarini "Fiskal xarajatlar" metodologiyasi asosida inventarizatsiya qilish: Amaldagi barcha bevosita soliq imtiyozlarining iqtisodiy samaradorligini har yili baholash tizimini joriy etish. Kutilgan investitsion va ijtimoiy natijani bermagan, muddati o‘tgan hamda sub’yektiv xarakterga ega imtiyozlarni to‘liq bekor qilish orqali budjetga qo‘shimcha potensial resurslarni jalb etish lozim [10].

– JShODS bo‘yicha mo‘tadil "Differensiallashgan/Progressiv shkala" elementlarini kiritish: Aholining kam ta’minlangan qatlamlari uchun fiskal yukni kamaytirish va ijtimoiy adolatni ta’minlash maqsadida, o‘ta yuqori daromadli jismoniy shaxslar uchun mo‘tadil yuqori stavkani (masalan, 15%) joriy etish masalasini ko‘rib chiqish. Bu chora budjetning JShODS bo‘yicha daromadlarini 8-12% ga oshirish imkonini beradi.

– "Raqamli tahlil (Data Analytics)" va sun’iy intellekt texnologiyalarini soliq ma’murchiligiga chuqur integratsiya qilish: Soliq qo‘mitasining kross-tekshiruv (cross-checking) tizimini bank ma’lumotlari, bojxona va hisob-fakturalar integratsiyasi bilan kuchaytirish. Bu real sektor sub’yektlarining tovar aylanmasini sun’iy pasaytirish prinsiplariga barham beradi va xufyona iqtisodiyot ulushini qisqartiradi [11].

Xulosa qilib aytganda, raqamli iqtisodiyot sharoitida bevosita soliqlarni optimallashtirish stavkalarni oshirish hisobiga emas, balki soliq bazasini kengaytirish, fiskal imtiyozlarni qat’iy tartibga solish va adolatli ma’murchilikni yo‘lga qo‘yish orqali amalga oshirilishi lozim. Bu strategiya milliy budjet barqarorligini hamda real sektor tarmoqlarining investitsion jozibadorligini uzoq muddatli istiqbolda kafolatlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. – Toshkent: Adolat, 2020. *(va keyingi o‘zgartirishlar)*.

2. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi. "Fuqarolar uchun budjet: Davlat budjeti ijrosi to‘g‘risidagi hisobotlar (2023-2025)". – mfon.uz.

3. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining ochiq ma’lumotlar portali. – soliq.uz.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi "O‘zbekiston – 2030" strategiyasi to‘g‘risidagi PF-158-sonli Farmoni.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. "O‘zbekiston Respublikasining yalpi ichki mahsuloti va sanoat ishlab chiqarishi ko‘rsatkichlari". – stat.uz.

6. OECD (2025). *Tax Revenue Statistics: Comparative Analysis of OECD Countries*. OECD Publishing, Paris. – oecd.org.

7. Gadoev, E. F. (2024). O‘zbekistonda soliq islohotlari: samaradorlik va soliq imtiyozlarini optimallashtirish muammolari. *Iqtisodiyot va moliya*, №3, 12-18-b.

8. International Monetary Fund (IMF). (2025). *Republic of Uzbekistan: Staff Report for the Article IV Consultation — Fiscal Policy and Tax Reforms*. IMF Country Report No. 25/112.

9. Toshmatov, Sh. A. (2024). Raqamli iqtisodiyot sharoitida bevosita soliqlarni ma’murlashtirishni takomillashtirish yo‘nalishlari. *Moliya ilmiy jurnali*, №2, 45-52-b.

10. Malikov, T. S. (2025). *Davlat moliyasi: darslik*. Toshkent: Iqtisod-Moliya nashriyoti, 210-218-b.

11. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining "Soliq ma’murchiligini raqamlashtirish va yashirin iqtisodiyotga qarshi kurashishning 2026-yilgacha mo‘ljallangan strategik yo‘nalishlari" hisoboti. – soliq.uz.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

TASHABBUSLI BUDJETLASHTIRISH DOIRASIDA LOYIHALARNI SHAKLLANTIRISH, SARALASH VA G‘OLIB LOYIHALARNI ANIQLASH AMALIYOTINING TAHLILI

Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o‘g‘li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti katta o‘qituvchisi
E-mail: *muhammadjonmuzaffarov@gmail.com*
Orcid: 0009-0006-8005-8035

Annotatsiya. *Ushbu maqolada O‘zbekistonda tashabbusli budjetlashtirish (“Ochiq budjet”) tizimida loyihalarni shakllantirish, saralash va g‘oliblarni aniqlash moliya-kredit mexanizmlari tarkibiy jihatdan tahlil qilingan. Tadqiqotning asosiy maqsadi mahalliy budjet mablag‘larini taqsimlash jarayonidagi tizimli kamchiliklarni aniqlash va jamoatchilik mablag‘laridan foydalanish samaradorligini oshirishga qaratilgan maqsadli optimallashtirish mexanizmlarini ishlab chiqishdan iborat.*

Moliyaviy tahlil, hududiy resurslarni taqsimlashni kuzatish va budjet natijalarining 5 yillik (2021–2025 yy.) xronologik dinamikasi tahlili asosida tizimdagi nomutanosibliklar ochib berilgan. Xususan, muassasalarni jihozlash loyihalari qiymatining yuqori chegarasi qat’iy cheklanmaganligi, g‘oliblarni aniqlashda minimal ovoz to‘plash mezonining mavjud emasligi hamda budjet resurslarining aholi uchun birlamchi ijtimoiy manfaatlar o‘rniga davlat tashkilotlarining ma’muriy ehtiyojlariga yo‘naltirilishi kabi muammolar empirik dalillangan.

Ushbu kamchiliklarni bartaraf etish uchun muallifning tavsiyalari asosida joriy etilgan uchta tarkibiy yangilik baholangan: jihozlash loyihalari qiymatini BHMning 2000 barobari miqdorida qat’iy cheklash, 50 tadan kam bo‘lmagan minimal ovoz mezonini joriy etish hamda xizmat avtomobillari va videokuzatuv jihozlarini xarid qilishni huquqiy taqiqlash. Tadqiqot natijalari ushbu moliya mexanizmlari budjet mablag‘larining ijtimoiy samaradorligini ta’minlashini va hududiy infratuzilmani barqaror rivojlantirishini isbotlaydi.

Kalit so‘zlar: *tashabbusli budjetlashtirish, budjet mablag‘larini optimallashtirish, moliyaviy resurslar taqsimoti, davlat xarajatlari samaradorligi, ijtimoiy infratuzilma, mahalliy budjet barqarorligi.*

АНАЛИЗ ПРАКТИКИ ФОРМИРОВАНИЯ, ОТБОРА И ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОБЕДИТЕЛЬНЫХ ПРОЕКТОВ В РАМКАХ ИНИЦИАТИВНОГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ

Музаффаров Мухаммаджон Махмуд угли
Старший преподаватель
Ташкентского государственного
экономического университета
E-mail: muhammadjonmuzaffarov@gmail.com
Orcid: 0009-0006-8005-8035

Аннотация. *В данной статье проведен структурный финансовый анализ механизмов формирования, отбора и определения победителей в системе инициативного бюджетирования («Открытый бюджет») в Узбекистане. Основная цель исследования заключается в выявлении системных недостатков в процессе распределения средств местных бюджетов и разработке целевых механизмов оптимизации, направленных на повышение эффективности использования общественных финансов.*

На основе методов финансового анализа, мониторинга распределения региональных ресурсов и анализа 5-летней (2021–2025 гг.) хронологической динамики бюджетных результатов были раскрыты диспропорции в системе. В частности, эмпирически

доказаны такие проблемы, как отсутствие жесткого верхнего предела стоимости проектов по оснащению учреждений, отсутствие критерия минимального количества голосов для определения победителей и нецелевое направление бюджетных ресурсов на административные нужды государственных организаций вместо первоочередных социальных интересов населения.

Для устранения этих недостатков оценены три структурных нововведения, внедренных на основе рекомендаций автора: строгое ограничение стоимости проектов по оснащению в размере 2000-кратной БРВ, введение критерия минимального порога не менее 50 голосов и правовой запрет на приобретение служебных автомобилей и оборудования видеонаблюдения. Результаты исследования доказывают, что данные финансовые механизмы обеспечивают социальную эффективность бюджетных средств и устойчивое развитие региональной инфраструктуры.

Ключевые слова: *инициативное бюджетирование, оптимизация бюджетных средств, распределение финансовых ресурсов, эффективность государственных расходов, социальная инфраструктура, устойчивость местного бюджета.*

ANALYSIS OF THE PRACTICE FOR FORMING, SELECTIONING AND DETERMINING WINNER PROJECTS WITHIN INITIATIVE BUDGETING

Muzaffarov Mukhammadjon Makhmud ugli
Senior Lecturer at Tashkent State University of Economics
E-mail: muhammadjonmuzaffarov@gmail.com
Orcid: 0009-0006-8005-8035

Abstract. *This article provides a structural financial analysis of the mechanisms governing project formation, selection, and winner determination within the participatory budgeting framework ("Open Budget") of Uzbekistan. The primary objective of the research is to identify institutional vulnerabilities within sub-national fiscal allocation processes and to introduce target-oriented optimization mechanisms that enhance public fund efficiency.*

Utilizing empirical methods of financial analysis, regional fund distribution tracking, and a 5-year chronological evaluation (2021–2025) of aggregated budgetary outcomes, the study uncovers critical allocative distortions. These distortions include the complete absence of fiscal upper limits for institutional equipment procurement, a structural deficit of baseline public participation (voter) thresholds, and the diversion of public funds to satisfy the administrative and institutional needs of state organizations instead of addressing immediate public socio-economic friction.

To rectify these market and regulatory imperfections, the article evaluates three distinct structural innovations implemented under the author's recommendations: establishing a firm procurement ceiling capped at 2,000 times the baseline calculating amount (BHM), enforcing a mandatory 50-vote minimum threshold per project to eliminate hyper-localized interests, and legally prohibiting the acquisition of administrative vehicles and surveillance frameworks under participatory lines. The empirical findings confirm that these integrated public finance mechanisms maximize the marginal utility of state funds, restore the primary socio-economic focus of local budgets, and substantially secure the financial sustainability of local infrastructure development.

Keywords: *participatory budgeting, public funds optimization, fiscal decentralization, capital allocation efficiency, public spending focus, sub-national financial stability.*

Kirish

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan fiskal islohotlarning ustuvor yo‘nalishlaridan biri — davlat budjeti mablag‘lari taqsimotida jamoatchilik ishtirokini ta’minlash va “pastdan yuqoriga” tamoyili asosida mahalliy muammolarni hal etish mexanizmini takomillashtirishdir. Bu

borada “Ochiq budjet” axborot portali orqali yo‘lga qo‘yilgan tashabbusli budjetlashtirish amaliyoti fuqarolarning budjet jarayonidagi ishtirokini yangi bosqichga olib chiqdi. Statistika ma’lumotlariga ko‘ra, 2025-yilgi mavsumlarda jami 22 trillion so‘mdan ortiq mablag‘lar aynan aholi takliflari asosida yo‘naltirilgan bo‘lib, jamoatchilik tomonidan 11 milliondan ziyod ovoz berilganligi ushbu jarayonga nisbatan ijtimoiy qiziqishning yuqoriligini ko‘rsatadi [1].

Biroq, tizimning amaliyotdagi faoliyati moliyaviy resurslarni taqsimlashda ayrim tizimli nomutanosibliklar mavjudligini ochib bermoqda. Xususan, loyihalarni shakllantirish bosqichida muassasalarni jihozlash bo‘yicha loyihalar qiymatining yuqori chegarasi belgilanmaganligi budjet mablag‘larining cheklangan doiradagi ob'ektlar o‘rtasida taqsimlanib qolishiga sabab bo‘lgan. Shuningdek, loyihalar g‘olibligini aniqlashda minimal ovoz chegarasining (threshold) yo‘qligi aholi faolligi o‘ta past bo‘lgan loyihalarning ham moliyalashtirilishiga, pirovardida budjet samaradorligining pasayishiga olib keldi [2].

Bundan tashqari, tashabbusli budjet mablag‘larining davlat tashkilotlarining institutsional ehtiyojlariga (avtomobillar, xizmat xonalari jihozlari) yo‘naltirilishi aholi uchun hayotiy ahamiyatga ega bo‘lgan ichimlik suvi, ichki yo‘llar va elektr tarmoqlari kabi infratuzilma loyihalari uchun resurslar tanqisligini yuzaga keltirmoqda. Ushbu muammolar Tashabbusli budjetlashtirishning moliya-kredit mexanizmlarini qayta ko‘rib chiqish va loyihalarni saralash amaliyotini ilmiy-uslubiy jihatdan takomillashtirishni dolzarb qilib qo‘yadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Jamoatchilik ishtirokidagi budjetlashtirish va davlat moliyaviy resurslarini sub-milliy darajada optimallashtirish muammolari zamonaviy moliya ilmining eng ko‘p muhokama qilinadigan yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Davlat xarajatlarining ijtimoiy va iqtisodiy samaradorligini oshirish, budjet mablag‘larini taqsimlashda shaffoflik va adolat mezonlarini ta’minlashning nazariy asoslari dastlab g‘arb moliya maktabi vakillari tomonidan poydevorlangan.

Xususan, davlat moliyasi fani klassiklari R.Musgreiv va P.Musgreiv o‘zlarining fundamental tadqiqotlarida davlat budjetining uchta asosiy funksiyasini — resurslarni joylashtirish, daromadlarni qayta taqsimlash va barqarorlashtirish funksiyalarini ajratib ko‘rsatganlar [2]. Ularning fikricha, resurslarni joylashtirish funksiyasi bevosita jamiyat a’zolarining ehtiyojlariga mos kelishi shart va bunga erishish uchun sub-milliy (mahalliy) budjetlar tizimida fuqarolarning bevosita ishtirokini ta’minlovchi fiskal mexanizmlar zarur. Jamoat tanlovi nazariyasi doirasida J.Byukenon va g‘arb olimlari davlat xarajatlarini shakllantirishda “byurokratik asimmetriya” yoki ma’muriy ehtiyojlarning ijtimoiy manfaatlardan ustun kelish xavfini o‘rganganlar. Bu nazariya bizning tadqiqotimizda aniqlangan — budjet mablag‘larining davlat tashkilotlari institutsional ehtiyojlariga (avtomobillar, ma’muriy jihozlar) asossiz sarflanishi moliya mexanizmining nomutanosibligidan dalolat berishini nazariy jihatdan tasdiqlaydi.

Rivojlanayotgan va o‘tish iqtisodiyoti mamlakatlarida jamoatchilik budjetlashtirishining amaliy modellari va moliyaviy resurslarni taqsimlash me’zonlari xalqaro moliya institutlari (Jahon banki, XVF) ekspertlari tomonidan keng tahlil etilgan. H.Rozen va T.Gayerlarning ta’kidlashicha, mahalliy budjet xarajatlarining marginal ijtimoiy foydaliligi har doim fuqarolarning real ehtiyojlari bilan o‘lchanishi lozim [6]. Agar jamoatchilik loyihalarini saralashda qat’iy moliyaviy limitlar va minimal ishtirok mezonlari o‘rnatilmasa, fiskal resurslarning ma’lum bir guruhlar yoki hududlar tomonidan monopolizatsiya qilinish xavfi yuzaga keladi.

O‘zbekiston moliya tizimini isloh qilish, davlat budjeti xarajatlari tarkibini optimallashtirish va mahalliy budjetlar barqarorligini ta’minlash muammolari mamlakatimiz olimlari tomonidan ham keng ko‘lamda tadqiq etib kelinmoqda. Professor T.S.Malikov o‘zining ilmiy ishlarida davlat xarajatlarining maqsadli yo‘naltirilish tamoyilini kuchaytirish hamda budjet mablag‘laridan foydalanishda tejamkorlik va samaradorlik mezonlarini qat’iy ta’minlash zaruriyatini asoslagan [7]. Professor N.G.Karimov esa davlat moliyasini boshqarishda raqamli platformalarning o‘rni va fiskal resurslarni sub-milliy darajada adolatli taqsimlash

metodologiyasini rivojlantirish bo‘yicha muhim ilmiy xulosalar bergan [4]. Shuningdek, mahalliy budjetlar mustaqilligini oshirish va hududiy infratuzilmani moliyalashtirishda jamoatchilik fikrini inobatga olish masalalari S.Sh.Tursunov va boshqa yosh tadqiqotchilarning ishlarida o‘z aksini topgan [5].

Aksariyat tadqiqotlar muammoga faqat statik ijtimoiy yondashuv bilan qaragan bo‘lib, davlat budjeti mablag‘laridan foydalanish samaradorligini oshiruvchi qat’iy moliyaviy limitlar va taqiqlar mexanizmini ilmiy jihatdan asoslamagan. Mazkur tadqiqot aynan shu ilmiy bo‘shliqni to‘ldirishga, xususan, jihozlash loyihalariga cheklov qo‘yish, 50 talik minimal ovoz mezonini o‘rnatish va ma’muriy xarajatlarni taqiqlash orqali fuqarolar tashabbusi jamg‘armasi mablag‘larining iqtisodiy samaradorligini oshirish mexanizmlarini poydevorlashga qaratilgan.

Tadqiqot metodologiyasi

Maqolada tashabbbusli budjetlashtirishning nazariy iqtisodiy asoslari yoritildi, fuqarolarning budjet mablag‘lari taqsimlanishidagi ishtiroki tahlil qilindi. Tahlil jarayonida nazariy manbaalarni o‘rganish, iqtisodiy-statistik tahlil qilish, taqqoslama tahlil, qiyosiy, grafik va guruhlash usullaridan samarali foydalanilgan.

Tahlil va natijalar

Tashabbusli budjetlashtirish amaliyotining dastlabki yillarida muassasalarni jihozlash bo‘yicha loyihalar qiymatining yuqori chegarasi qat’iy cheklanmaganligi sababli, ayrim yirik obyektlar mahalliy budjet mablag‘larining katta qismini konsentratsiyalash (jamlash) tendensiyasiga ega bo‘ldi. Bu holat tuman va shahar darajasida boshqa dolzarb jamoaviy muammolarni hal etish uchun moliyaviy resurslar yetishmovchiligini yuzaga keltirdi. Muallif tomonidan ushbu muammoni bartaraf etish maqsadida jihozlash loyihalarining yuqori chegarasini bazaviy hisoblash miqdori (BHM)ning 2000 barobaridan yuqori bo‘lmagan miqdorda belgilash taklif etildi.

1-jadval

2021–2025-yillar davomida amalga oshirilgan, qiymati BHM 2000 barobaridan yuqori bo‘lgan yirik jihozlash loyihalarining umumiy qiymati

Yillar	G‘olib loyihalarning soni (BHM > 2000)	Loyihalarning umumiy qiymati (mlrd so‘m)	Asosiy mavsumiy xususiyati
2021-2022	510 ta	550,0	Umumiy mavsumlar tarkibida, alohida ajratilmagan.
2023	400 ta	480,0	Ilk bor maxsus “Jihozlash” mavsumi joriy etildi (457,4 mlrd so‘m).
2024	755 ta	1 000,0	Faollikning eng yuqori nuqtasi, yirik reytingli loyihalar ko‘pligi.
2025	680 ta	900,0	Yil yakunida Senat qarori bilan ushbu turdagi loyihalarga limit qo‘yildi.

1-jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, 5 yillik davrda jami 2 345 ta yirik jihozlash loyiha tashabbuslari tahlil qilingan. Muallif taklifiga binoan limitning joriy etilishi natijasida, tuman (shahar)larda jamoaviy muammolarni hal etish ko‘lami kengaydi va moliyaviy resurslarni monopolistik tarzda bitta ob’ektga yo‘naltirish moliya mexanizmi takomillashtirildi. Tashabbusli budjetlashtirish amaliyotida loyihalarni g‘olib deb topishda eng kam (minimal) ovoz to‘plash mezonining tizimli joriy etilmaganligi oqibatida, o‘ta past jamoatchilik faolligiga ega yoki tor doiradagi manfaatlarni aks ettiruvchi loyihalar ham mahalliy budjet mablag‘lari hisobidan

moliyalashtirib kelindi.

Muallif tomonidan har bir tuman va shaharda loyihalar g‘olib deb topilishi uchun 50 tadan kam bo‘lmagan ovozga ega bo‘lishi lozimligi bo‘yicha bildirilgan taklif resurslarni taqsimlash samaradorligini oshirishga xizmat qildi.

2-jadval tahlili shuni ko‘rsatadiki, o‘tgan davr mobaynida jami 547 ta loyiha 50 tadan kam ovoz bilan g‘olib deb topilib, ularga 353,2 mlrd so‘m budjet mablag‘lari ajratilgan. Muallif taklifi joriy etilishi natijasida 2025-yilga kelib bu ko‘rsatkich 0 taga tushirilgan va resurs samaradorligi oshirilgan.

2-jadval

2021–2025-yillarda 50 tadan kam ovoz bilan g‘olib bo‘lgan loyihalar statistikasi

Yil	O‘tkazilgan mavsumlar	50 tadan kam ovoz to‘plagan g‘olib loyihalar soni (ta)	Loyihalarning umumiy qiymati (mlrd so‘m)
2021	1- va 2-mavsumlar	312	185,4
2022	1- va 2-mavsumlar	145	98,2
2023	1-, 2- va Jihozlash mavsumi	68	51,0
2024	1- va 2-mavsumlar	22	18,6
2025	1- va 2-mavsumlar	0	0,0

Tashabbusli budjetlashtirish amaliyotida davlat tashkilotlari hamda muassasalarining institutsional va ma’muriy ehtiyojlari (barcha turdagi avtomobillar, jamoat xavfsizligi jihozlari, videokuzatuv tizimlari) uchun mablag‘ yo‘naltirilishiga huquqiy cheklovlar o‘rnatilmagan edi. Buning oqibatida budjet resurslari aholi uchun birlamchi va dolzarb bo‘lgan ijtimoiy-infratuzilmaviy manfaatlarga maqsadli safarbar etilmadi. Muallif tomonidan ushbu xaridlarni taqiqlash doirasida taklif ilgari surildi.

3-jadval

2021–2025-yillarda avtomobillar va jamoat xavfsizligi jihozlari bo‘yicha g‘olib bo‘lgan loyihalar statistikasi

Yil	Barcha turdagi avtomobillar (Tez yordam, xizmat mashinalari va b.)	Jamoat xavfsizligi jihozlari (Videokuzatuv tizimlari)	Jami ajratilgan mablag‘ (mlrd so‘m)
2021	45 ta	112 ta	82,5
2022	88 ta	245 ta	215,0
2023	62 ta	189 ta	192,4
2024	31 ta	104 ta	110,8
2025	0 ta	0 ta	0,0

3-jadval ma’lumotlariga ko‘ra, davlat dasturlari hisobidan moliyalashtirilishi lozim bo‘lgan ma’muriy ehtiyojlarga jamoatchilik budjetidan jami 226 ta avtomobil va 650 ta videokuzatuv tizimlari moliyalashtirilgan. Muallif taklifiga asosan joriy etilgan taqiqlar natijasida (2025-yilda ko‘rsatkich 0 ga tushgan), budjet mablag‘larini aholining bevosita ijtimoiy manfaatlari (yo‘l, suv, chiroq)ga yo‘naltirish imkoniyati kengaydi.

Xulosa.

Tashabbusli budjetlashtirish amaliyotining 2021–2025-yillarni qamrab olgan 5 yillik empirik ma’lumotlari sub-milliy darajada moliyaviy resurslarni taqsimlash mexanizmlarining nafaqat ijtimoiy va siyosiy jozibadorligini, balki ularni boshqaruvchi fiskal dasturlarning institutsional jihatdan mukammal bo‘lishi lozimligini ko‘rsatadi. Tadqiqot davomida aniqlangan tizimli muammolar, xususan, “Jihozlash” yo‘nalishidagi loyihalar qiymatining yuqori chegarasi belgilanmaganligi sababli mablag‘larning o‘ta yuqori konsentratsiyalashuvi (1-jadval) hamda budjet resurslarining davlat muassasalari ma’muriy ehtiyojlariga yo‘naltirilishi (3-jadval), jamoat tanlovi nazariyasi doirasida o‘rganiladigan fundamental nomutanosibliklarni to‘liq tasdiqlaydi.

Budjet mablag‘larining cheklanganligi va muqobilligi sharoitida ulardan foydalanishning muqobil xarajatlari ortib boradi. Agar davlat budjeti mablag‘lari yirik va tor doiradagi ob’ektlarni asossiz jihozlashga sarflansa, jamiyat uchun birlamchi va hayotiy hisoblangan ijtimoiy-infratuzilmaviy ehtiyojlar moliyaviy resurslarsiz qolib ketadi. Bizning tadqiqotimizda olingan natijalar mahalliy moliya olimlaridan T.S. Malikov, N.G. Karimov [4] va O.M. Nazarovlarning davlat moliyasini boshqarishda xarajatlar samaradorligini va maqsadli yo‘naltirilish tamoyilini ta’minlash zaruriyati to‘g‘risidagi konseptual nazariyalari bilan chambarchas bog‘liqdir.

Ayniqsa, amaliyotda minimal ovoz to‘plash mezonining joriy etilmaganligi (2-jadval) tizimda jiddiy fiskal nomutanosiblikni yuzaga keltirgan edi. Fuqarolar faolligi o‘ta past bo‘lgan (5–10 ta ovoz to‘plagan) loyihalarning moliyalashtirilishi davlat mablag‘larining cheklangan foydalilik ko‘rsatkichini pasaytirib yubordi. Chunki bunday loyihalar jamiyatning keng qatlamlari emas, balki mikro-guruhlarning manfaatlariga xizmat qilgan. Muallif tavsiyalari asosida joriy etilgan 50 talik ovoz chegarasi va jihozlash xarajatlariga qo‘yilgan BHMning 2000 barobari miqdoridagi limit (2025-yil yakunlari bo‘yicha empirik isbotlanganidek) budjet xarajatlarining multiplikativ ijtimoiy samarasini keskin oshirdi. Tuman va shahar darajasida mablag‘larning adolatli va diversifikatsiyalangan (tarqoq) taqsimlanishiga erishildi.

Tashabbusli budjetlashtirish doirasida loyihalarni shakllantirish, saralash va g‘olib loyihalarni aniqlash moliya mexanizmlarini ilmiy-amaliy jihatdan mukammallashtirish maqsadida quyidagi fundamental xulosalar va takliflar ilgari suriladi:

1. Xaridlar Qiymatiga Qat’iy Fiskal Limitlar O‘rnatish: Davlat muassasalari va tashkilotlarini jihozlashga qaratilgan loyihalar qiymatining yuqori chegarasini BHMning 2000 barobari miqdorida qat’iy belgilash moliya mexanizmini to‘liq barqarorlashtiradi. Bu cheklov mahalliy budjet resurslarining bitta yoki cheklangan doiradagi sub’ektlar tomonidan monopolizatsiya qilinishini oldini oladi va sub-milliy budjet mablag‘larini tuman miqyosidagi o o‘nlab boshqa ob’ektlar o‘rtasida adolatli taqsimlash imkonini beradi.

2. Minimal Jamoatchilik Ishtiroki Thresholdini Majburiy Etish: Loyihalarning g‘olib deb topilishi uchun hududiy xususiyatlardan kelib chiqib, kamida 50 ta haqiqiy ovoz to‘plash majburiyatining qat’iy o‘rnatilishi fuqarolar tashabbusi jamg‘armasi mablag‘larining ijtimoiy qiymatini oshiradi. Bu mezon aholi faolligi o‘ta past bo‘lgan, tor doiradagi sub’ektiv manfaatlarni aks ettiruvchi loyihalarga asossiz budjet mablag‘lari ajratilishiga to‘liq chek qo‘yadi va jamoatchilik o‘rtasida sog‘lom raqobatni shakllantiradi.

3. Ma’muriy va Institutsional Xarajatlarni Huquqiy Taqiqlash: Tashabbusli budjet tizimi orqali davlat idoralari uchun barcha turdagi xizmat avtomobillari, videokuzatuv tizimlari va ma’muriy bino jihozlarini xarid qilish qonuniy jihatdan to‘liq cheklanishi shart. Ushbu turdagi institutsional xarajatlar vazirlik va idoralarning tarmoq budjetlari hamda markazlashtirilgan davlat dasturlari hisobidan qoplanishi lozim. Fuqarolar tashabbusi jamg‘armasining moliya resurslari esa faqat aholining birlamchi va real ehtiyojmand bo‘lgan hududiy ijtimoiy-infratuzilmaviy (ichimlik suvi, ichki yo‘llar, chiroq, transformator) loyihalariga maqsadli safarbar etilishi shart.

4. Raqamli Moliya Nazorati va Jamoatchilik Auditini Kuchaytirish: Loyihalarni saralash va ularning g‘oliblik bosqichidan keyingi ijro etilish (tender va qurilish) jarayonlarida jamoatchilik nazorati va raqamli moliya modellarini joriy etish zarur. G‘olib loyihalarga ajratilgan mablag‘larning maqsadli va tejamli sarflanishini real vaqt rejimida kuzatish imkonini beruvchi

interaktiv platformalarni kengaytirish, mahalliy budjetlar xarajatlarining iqtisodiy samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi. “Ochiq budjet” (Open Budget) axborot portalining rasmiy tahliliy hisobotlari va statik agregatlari (2021-2025 yy.) // www.openbudget.uz.

2. Musgrave, R. A., & Musgrave, P. B. Public Finance in Theory and Practice. – New York: McGraw-Hill, 1989. – 640 p.

3. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi huzuridagi Parlament tadqiqotlari instituti. “Tashabbusli budjetlashtirish moliya mexanizmlarini optimallashtirish bo‘yicha takliflarni amaliyotga joriy etish to‘g‘risida”gi №3/dn-32-sonli amaliy ma’lumotnomasi (2026-yil 10-mart).

4. Karimov, N. G. Davlat moliyasini boshqarish va budjet resurslarini optimallashtirish strategiyalari. Monografiya. – Toshkent: ‘Fan va texnologiya”, 2021. – 210 b.

5. Tursunov, S. Sh. Mahalliy budjetlar moliyaviy barqarorligini ta’minlashda jamoatchilik ishtirokining o‘rni // Moliya-iqtisodiyot jurnali. – Toshkent, 2024. – №2. – b. 34-41.

6. Rosen, H. S., & Gayer, T. Public Finance (10th Edition). – New York: McGraw-Hill Education, 2014. – 608 p.

7. Malikov, T. S. Davlat moliyasi. Darslik. – Toshkent: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 512 b.

8. Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o‘g‘li Budjet tizimida tashabbusli budjetlashtirishning nazariy va iqtisodiy asoslari “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. ISSN: 2181 -3965 VOLUME 4. 1-son 2025-yil.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MAKROIQTISODIY NOANIQLIKLAR SHAROITIDA INVESTITSIYA LOYIHALARINING MOLIYAVIY RISKLARINI BOSHQARISH STRATEGIYALARI

Fozilchayev Shuhratjon Qobiljon o‘g‘li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, "Moliya va moliyaviy texnoligiyalar" kafedrasi dotsenti

Annotatsiya. *Ushbu maqolada makroiqtisodiy beqarorlik, inflyatsion bosim va moliya bozorlaridagi o'zgaruvchanlik sharoitida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish hamda ularning risklarini boshqarish muammolari tadqiq etilgan. Tadqiqotning maqsadi makroiqtisodiy noaniqliklar fonida investitsiya loyihalarining moliyaviy risklarini baholash va ularni minimallashtirishning strategik mexanizmlarini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat. Maqolada stsenariylar tahlili, risk matrisasi, sezgirlik tahlili hamda investitsiya loyihalarining NPV va IRR ko'rsatkichlarini stress-testdan o'tkazish metodologiyasidan foydalanilgan. Tadqiqot natijasida makroiqtisodiy omillarning o'zgaruvchanligini hisobga oluvchi investitsion risk-menejmentning strategik modeli taklif etilgan. Mazkur model noaniqlik sharoitida kapital qo'yilmalar samaradorligini pasayishdan himoya qilish imkonini beradi. Taklif etilayotgan xulosalar O'zbekiston iqtisodiyotining real sektori korxonalarida uzoq muddatli investitsion qarorlarni qabul qilishda amaliy ahamiyatga ega.*

Kalit so'zlar: *makroiqtisodiy noaniqlik, investitsiya loyihasi, moliyaviy risk, stress-test, sezgirlik tahlili, NPV, risk-menejment, investitsiya strategiyasi.*

STRATEGIES FOR MANAGING FINANCIAL RISKS OF INVESTMENT PROJECTS UNDER CONDITIONS OF MACROECONOMIC UNCERTAINTIES

Shuhratjon Qobiljon ugli Fozilchayev

Associate Professor of the Department of “Finance and Financial Technologies” of Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article examines the problems of investment project financing and risk management under macroeconomic instability, inflationary pressures, and financial market volatility. The study aims to develop recommendations for assessing the financial risks of investment projects and improving strategic mechanisms for their minimization against the background of macroeconomic uncertainty. Methods of scenario analysis, risk matrix, sensitivity analysis, and stress testing of investment project metrics such as NPV and IRR were applied in the paper. As a result of the research, a strategic model of investment risk management that accounts for the volatility of macroeconomic factors was proposed. This model enables protecting the efficiency of capital expenditures from declining under uncertainty. The proposed conclusions hold practical significance for long-term investment decision-making in real-sector enterprises of the Uzbek economy.*

Keywords: *macroeconomic uncertainty, investment project, financial risk, stress testing, sensitivity analysis, NPV, risk management, investment strategy.*

СТРАТЕГИИ УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫМИ РИСКАМИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В УСЛОВИЯХ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ НЕОПРЕДЕЛЕННОСТИ

Фозилчаев Шухратжон Кобилжон угли

Доцент кафедры

"Финансы и финансовые технологии"
Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. *В данной статье исследованы проблемы финансирования инвестиционных проектов и управления их рисками в условиях макроэкономической нестабильности, инфляционного давления и волатильности финансовых рынков. Целью исследования является разработка рекомендаций по оценке финансовых рисков инвестиционных проектов и совершенствованию стратегических механизмов их минимизации на фоне макроэкономической неопределенности. В статье использованы методы сценарного анализа, матрицы рисков, анализа чувствительности, а также стресс-тестирования показателей NPV и IRR инвестиционных проектов. В результате исследования предложена стратегическая модель инвестиционного риск-менеджмента, учитывающая волатильность макроэкономических факторов. Данная модель позволяет защитить эффективность капитальных вложений от снижения в условиях неопределенности. Предлагаемые выводы имеют практическое значение для принятия долгосрочных инвестиционных решений на предприятиях реального сектора экономики Узбекистана.*

Ключевые слова: *макроэкономическая неопределенность, инвестиционный проект, финансовый риск, стресс-тестирование, анализ чувствительности, NPV, риск-менеджмент, инвестиционная стратегия.*

Kirish

Yirik investitsiya loyihalarini moliyalashtirish va ularning samaradorligini ta’minlash har qanday iqtisodiy tizimning barqaror o‘sishini harakatlantiruvchi asosiy omillardan biridir. Biroq, zamonaviy moliya munosabatlarida global geosiyosiy keskinliklar, logistik zanjirlarning uzilishi, xomashyo narxlarining volatilligi hamda global inflyatsion bosim makroiqtisodiy muhitning noaniqlik darajasini keskin oshirib yubordi. Makroiqtisodiy noaniqlik (*macroeconomic uncertainty*) investitsiya loyihalarining pul oqimlarini prognoz qilish qobiliyatini pasaytiradi va loyihaning kapital qiymatini, qoplash muddatlarini hamda moliyaviy rentabelligini jiddiy xavf ostiga qo‘yadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlariga ko‘ra, mamlakat iqtisodiyotiga jalb qilinayotgan asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi barqaror o‘sish dinamikasiga ega bo‘lib, 2025-yil yakunlari va 2026-yilning birinchi choragida ham ijobiy tendensiyani saqlab qolgan [1]. Biroq, investitsiyalar tarkibida bank kreditlari va xorijiy investitsiyalar hisobidan moliyalashtirilayotgan uzoq muddatli loyihalar moliya bozoridagi makroiqtisodiy tebranishlarga juda ta’sirchandir.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining pul-kredit siyosati sharhlariga ko‘ra, inflyatsiyani jilovlash va pul muomalasini barqarorlashtirish maqsadida asosiy stavkaning uzoq muddat yuqori darajada (14,0% atrofida) saqlanib qolinishi investitsion kreditlar bo‘yicha foiz xarajatlarini oshirib, loyihalarning moliyaviy leverage xavfini kuchaytirmoqda [2]. Tashqi tomondan esa, AQSh Federal rezerv tizimi (FED) stavkalarining o‘zgaruvchanligi xalqaro moliya bozorlarida resurslar narxiga ta’sir ko‘rsatmoqda. Bu kabi omillar investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda an’anaviy statik risk-menedjment usullaridan voz kechib, moslanuvchan strategik boshqaruv mexanizmlarini qo‘llashni taqozo etadi.

Shu nuqtai nazardan, makroiqtisodiy noaniqliklar sharoitida investitsiya loyihalarining moliyaviy risklarini baholash, ularni stress-test tizimlari orqali filtrlash va strategik risk-menedjment modellarini shakllantirish moliya va kredit tizimini rivojlantirishning g‘oyat dolzarb yo‘nalishi hisoblanadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.

Iqtisodiy noaniqlik va risk tushunchalarining fundamental farqlari birinchi marta F.Knight

tomonidan asoslab berilgan bo‘lib, unda ehtimolliklarni matematik hisoblab bo‘lmaydigan holatlar “noaniqlik” sifatida ta’riflangan [3]. Investitsiya loyihalarining noaniqlik sharoitidagi xulq-atvori va "kutish strategiyasi" qoidalarini L.Dixit va R.Pindyck o‘zlarining real opsionlar nazariyasida ko‘rsatib berishgan [4]. Ularning fikricha, yuqori makroiqtisodiy noaniqlik sharoitida investitsiya kiritishni vaqtincha kechiktirish huquqi (opsioni) loyiha qiymatini oshirishi mumkin.

Investitsion risklarni moliyaviy modellashtirish va NPV (*Net Present Value*) hamda IRR (*Internal Rate of Return*) ko‘rsatkichlarini stress-test orqali baholash uslubiyoti yirik moliya mutaxassislari A.Damodaran [5] va J.C.Hull [6] asarlarida batafsil yoritilgan.

Rivojlanayotgan bozorlar moliya tizimida investitsiya risklarini boshqarish muammolari MDH olimlaridan V.V.Kosov va I.V.Lipsits tadqiqotlarida makroiqtisodiy omillar (inflyatsiya, valyuta devalvatsiyasi) zanjirida tahlil qilingan [7].

O‘zbekistonda investitsiya jarayonlarini moliyalashtirish, kapital bozori instrumentlaridan foydalanish va moliya-kredit tizimini isloh qilish muammolari iqtisodchi olimlar T.S.Malikov, N.G.Karimov, U.V.G‘afurov va A.V.Vaxabovlar tomonidan o‘rganilgan. Xususan, N.G.Karimov o‘z ilmiy ishlarida investitsiya faoliyatini moliyalashtirishda moliya bozori instrumentlarining integratsiyasini tadqiq etgan bo‘lsa [8], uzoq muddatli investitsion qarorlarni qabul qilishdagi risklar va noaniqlik muammolari korporativ moliya tizimining tarkibiy qismi sifatida yoritilgan.

Biroq, milliy adabiyotlarda makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarning (inflyatsiya darajasi, kredit foiz stavkalari, valyuta kursi) o‘zaro zanjirli tebranishining loyiha pul oqimlariga ta’sirini integratsiyalashgan integratsiya va stress-test modellarini qo‘llash strategiyalari to‘liq shakllantirilmagan. Ushbu tizimli bo‘shliq tadqiqot ob’ektini belgilaydi.

Tadqiqot metodologiyasi.

Makroiqtisodiy noaniqliklar sharoitida investitsiya loyihalarining moliyaviy risklarini miqdoriy baholash va prognoz qilish uchun an’anaviy statik hisob-kitoblardan voz kechilib, dinamik moliya-matematik modellar va stsenariylar tahlili metodologiyasidan foydalanildi. Tadqiqotning uslubiy asosi quyidagi bosqichlardan iborat:

Investitsiya loyihalarining kelgusi pul oqimlarini joriy qiymatga keltirish uchun kapitalning o‘rtacha tortilgan bahosi (**WACC — Weighted Average Cost of Capital**) modeli asos qilib olindi. Makroiqtisodiy noaniqlik (inflyatsiya va Markaziy bank asosiy stavkasi tebranishi) sharoitida WACC koeffitsiyenti dinamik o‘zgaruvchi sifatida quyidagi formula orqali hisoblandi [5]:

$$WACC = \left(\frac{E}{V} \times R_e\right) + \left(\frac{D}{V} \times R_d \times (1 - T)\right)$$

Bu yerda:

- E – loyihadagi o‘z kapitali hajmi;
- D – jalb qilingan qarz (bank krediti) hajmi;
- V = E + D – loyihaning jami qiymati;
- R_e – o‘z kapitalining muqobil qiymati (daromadlilik talabi);
- R_d – qarz kapitalining bahosi (bank kreditining real foiz stavkasi);
- T – foyda solig‘i stavkasi (O‘zbekiston Respublikasi Soliq kodeksiga muvofiq T = 15% [9]).

Makroiqtisodiy noaniqlik zanjirida qarz kapitalining bahosi (R_d) mamlakatdagi inflyatsiya darajasi (π) va Markaziy bankning asosiy stavkasi (i_{mb}) funksiyasi sifatida qaraldi [2]: $R_d = f(i_{mb}, \pi)$.

Tahlil va natijalar.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki va Statistika agentligining 2025-yil yakunlari hamda 2026-yilning I choragi bo‘yicha e’lon qilingan rasmiy hisobotlari tahlili shuni ko‘rsatadiki, mamlakatda yalpi investitsiyalar hajmi o‘sayotgan bo‘lsa-da, ularning uzoq muddatli rentabelligi makroiqtisodiy noaniqliklar bosimi ostida qolmoqda [1, 2].

Ayniqsa, investitsiyalarni bank kreditlari hisobidan moliyalashtirishda moliya bozori kon’yukturasining o‘zgaruvchanligi (inflyatsiyaning oylik volatilligi va tijorat banklararo kredit stavkalarining yuqoriligi) loyihalarning boshlang‘ich moliyaviy prognozlaridan chetlashishiga olib kelmoqda. Soliq qo‘mitasining yirik investitsiya loyihalarini amalga oshirayotgan korxonalar bo‘yicha taqdim etgan tahliliy ma’lumotlariga ko‘ra, loyihani rejalashtirish bosqichidagi inflyatsiya prognozi bilan real ko‘rsatkichlar o‘rtasidagi tafovut tufayli loyihalarning qariyb 18,4 foizida dastlabki kapital xarajatlar smetasi (IC) o‘rtacha 12–15 foizga oshib ketgan [9].

Metodologiya bo‘limida keltirilgan WACC va NPV modellari asosida, real sektorda amalga oshirilayotgan, umumiy qiymati IC = 10 000 000$ AQSh dollari (ekvivalentida) bo‘lgan uzoq muddatli (5 yillik) investitsiya loyihasining makroiqtisodiy risklarga chidamliligi simulyatsiya qilindi.

Baza hisob-kitob parametrlari (Stabil makroiqtisodiy holat):

- Loyiha tarkibi: O‘z kapitali (E) = 40%, Bank krediti (D) = 60%.
- Bank krediti stavkasi (R_d) = 15,0%.
- Inflyatsiya darajasi (π) = 8,0%.
- Baza holatidagi hisoblangan diskontlash stavkasi (WACC) = 12,4%.
- Loyiha uchun kutilayotgan yillik sof pul oqimi (CF) = 3 100 000 AQSh dollari.

Ushbu baza sharoitida loyihaning moliyaviy samaradorlik ko‘rsatkichlari barqaror hisoblanadi:

$$NPV_{baza} = \sum_{t=1}^{5} \frac{3\,100\,000}{(1+0.124)^t} - 10\,000\,000 = +1\,064\,300 \text{ AQSh dollari}$$

$$IRR_{baza} = 16.2\% \quad (WACC = 12.4\% \text{ dan yuqori, loyiha jozibador}).$$

Metodologiya talablariga muvofiq, loyihaga bir vaqtning o‘zida ta’sir etuvchi uchta makroiqtisodiy noaniqlik shoklari (Inflyatsiya shoki, Foiz stavkasi shoki, Resessiya shoki) kiritildi va stress-test natijalari 1-jadvalda jamlandi.

1-jadval

Loyihaga bir vaqtning o‘zida ta’sir etuvchi uchta makroiqtisodiy noaniqlik shoklari [6].

Ssenariylar va risk omillari	Makro omil o‘zgarishi	Hisoblangan yangi WACC (%)	Loyihaning yangi NPV ($)	Loyihaning yangi IRR (%)	NPV o‘zgarish elastikligi (є)	Loyihaning moliyaviy holati
Baza ssenariysi (Stabil holat)	0.0%	12.4%	+1 064 300	16.2%	0.00	Barqaror / Jozibador
1-Ssenariy: Inflyatsion shok	$\delta\pi$= +5.0%	13.8%	+612 400	14.5%	0.85	Rentabellik pasaygan
2-Ssenariy: Kredit-foiz shoki	δR_d= +4%	14.2%	+482 100	14.1%	1.37	Yuqori riskli
3-Ssenariy: Resessiya shoki (Talab pasayishi)	δQ=-15%	12.4%	**-420 500**	**11.2%**	**2.63**	**Inqirozli (Defolt riski)**

1-jadvalda aks etgan stress-test natijalari makroiqtisodiy noaniqlik omillarining investitsiya loyihasiga ta’sir darajasini aniq ko‘rsatib beradi:

1. Inflyatsion shok (1-Ssenariy): Inflyatsiyaning 5 foiz punktga oshishi xarajatlarni ko‘paytirib, WACC ni 13,8% gacha oshiradi, lekin NPV ijobiyligini saqlab qoladi (ε= 0.85).

2. Kredit-foiz shoki (2-Ssenariy): Bank kreditlari foiz stavkasining 4 foiz punktga oshishi loyiha samaradorligiga jiddiy zarba beradi, NPV 482 100 dollargacha tushib ketadi. Elastiklik koeffitsiyenti ε= 1.37 > 1 bo‘lib, loyihaning qarz yukiga o‘ta sezgirligini ko‘rsatadi.

3. Resessiya shoki (3-Ssenariy): Makroiqtisodiy beqarorlik sababli sotuv hajmining 15% ga kamayishi loyihani mutlaqo samarasiz holatga keltiradi. NPV manfiy qiymatga (-420 500) o‘tadi va IRR kapital bahosidan (WACC = 12.4%) pastlab, 11,2% ni tashkil etadi. Bu ssenariyda elastiklik koeffitsiyenti o‘ta yuqori (ε=2.63) bo‘lib, korxonaning defolt xavfini yuzaga keltiradi [10].

Ushbu amaliy natijalar an’anaviy statik risk-menejment modellari makroiqtisodiy noaniqlik sharoitida loyihani inqirozdan himoya qila olmasligini isbotlaydi va moslanuvchan strategiyalarni qo‘llash zaruriyatini asoslaydi.

Xulosa va takliflar

Tadqiqot doirasida o‘tkazilgan stress-test va sezgirlik tahlili natijalari shuni ko‘rsatdiki, investitsiya loyihalarining moliyaviy barqarorligi makroiqtisodiy noaniqlik omillariga, ayniqsa, bozor talabining o‘zgarishi (elastiklik koeffitsiyenti ε= 2.63) va kredit-foiz stavkalari shoklariga (ε=1.37) o‘ta sezgirdir. Olingan ushbu empirik natijalar A. Damodaran [5] va E. Brigham [11] kabi olimlarning "makroiqtisodiy o‘zgaruvchanlik sharoitida statik diskontlash usullari loyiha xavflarini to‘liq aks ettira olmaydi" degan ilmiy xulosalarini iqtisodiyotimizning real sektori misolida yana bir bor tasdiqlaydi.

Ushbu holat O‘zbekiston moliya-kredit tizimida investitsiyalarni moliyalashtirishning hozirgi tendensiyalari nuqtai nazaridan tahlil qilinganda, korxonalarning qarz kapitaliga va moliya bozoriga bo‘lgan yuqori bog‘liqligini ochib beradi. Markaziy bankning inflyatsiyani jilovlashga qaratilgan qat’iy pul-kredit siyosati [2] sharoitida bank kreditlari stavkalarining yuqori darajada saqlanib qolishi, loyihaning WACC koeffitsiyentini oshirib, xavfsizlik chegarasini (*margin of safety*) toraytiradi. L. Dixit va R. Pindyckning real opsionlar nazariyasiga muvofiq [4], bunday yuqori elastiklik sharoitida korxonalar uchun investitsiya qarorlarini qabul qilishda statik rejalardan moslanuvchan, bosqichma-bosqich moliyalashtirish strategiyalariga o‘tish yagona to‘g‘ri yechim hisoblanadi.

Xulosa va takliflar

Makroiqtisodiy noaniqliklar sharoitida uzoq muddatli investitsiya loyihalarining moliyaviy risklarini barqaror boshqarish va defolt ehtimolini minimallashtirish maqsadida quyidagi strategik yo‘nalishlar va moliya-kredit mexanizmlarini joriy etish taklif etiladi:

1. Moslanuvchan diskontlash stavkalari va real opsionlarni qo‘llash: Korxonalar investitsiya loyihalarini baholashda yagona (fiksirlangan) diskontlash stavkasidan voz kechib, makroiqtisodiy prognozlarga muvofiq yillar kesimida o‘zgaruvchan WACC modellarini tatbiq etishlari lozim. Shuningdek, loyihalarga "kutish va bosqichma-bosqich kengayish" strategiyasini kiritish orqali bozor konyakturasi salbiy o‘zgarganda loyihani to‘xtatish yoki shaklini o‘zgartirish huquqidan foydalanish zarur [12].

2. Kredit risklarini diversifikatsiya qilish va uzoq muddatli obligatsiyalar emissiyasi: Investitsiyalarni moliyalashtirish manbalari tarkibida faqat qisqa va o‘rta muddatli bank kreditlariga bog‘lanib qolmasdan, kapital bozoridan uzoq muddatli korporativ obligatsiyalar chiqarish orqali fiksirlangan stavkali resurslarni jalb qilish mexanizmlarini kengaytirish lozim [8]. Bu korxonani foiz stavkalari shokidan himoya qiladi.

3. Davlat-xususiy sheriklik va moliya-kredit kafolatlari tizimini kengaytirish: Makroiqtisodiy noaniqlik yuqori bo‘lgan strategik tarmoqlardagi investitsiya loyihalari uchun

Tadbirkorlikni rivojlantirish kompaniyasi va boshqa jamg‘armalar orqali kredit foiz stavkalarining bir qismini subsidiyalash yoki loyiha risklarining bir qismini davlat kafolati ostiga olish mexanizmlarini yanada takomillashtirish maqsadga muvofiqdir.

4. Korporativ stress-test tizimini majburiy joriy etish: Yirik investitsiya loyihalarini moliyaviy rejalashtirish bosqichida makroiqtisodiy omillarning (inflyatsiya +5%, kredit stavkasi +4%, talab -15%) salbiy o‘zgarish ssenariylari ostida loyiha likvidligi va to‘lov qobiliyatini baholovchi muntazam stress-test monitoring platformasini yaratish lozim.

Yakuniy xulosa sifatida aytish mumkinki, investitsiya loyihalarining moliyaviy risklarini makroiqtisodiy noaniqliklar zanjirida strategik va dinamik modellar orqali boshqarish, real sektor korxonalarining barqarorligini ta’minlash bilan bir qatorda, mamlakat moliya-kredit tizimining umumiy makroiqtisodiy shoklarga nisbatan chidamliligini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. O‘zbekiston Respublikasining investitsiya faoliyati hisoboti (2025-2026 yy.) // www.stat.uz.

2. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. Pul-kredit siyosati sharhlari va inflyatsiya tahlili // www.cbu.uz.

3. Knight F. H. Risk, Uncertainty and Profit. – Boston: Hart, Schaffner & Marx, 1921. – 381 p.

4. Dixit A. K., Pindyck R. S. Investment under Uncertainty. – Princeton: Princeton University Press, 1994. – 476 p.

5. Damodaran A. Investment Valuation: Tools and Techniques for Determining the Value of Any Asset (3rd Edition). – New York: John Wiley & Sons, 2012. – 992 p.

6. Hull J. C. Options, Futures, and Other Derivatives (10th Edition). – New York: Pearson, 2018. – 890 p.

7. Kosov V. V. Upravlenie investitsionnimi riskami v usloviyax makroekonomicheskoy nestabilnosti. – Moskva: Infra-M, 2020. – 245 s.

8. Karimov N. G. Investitsiyalarni moliyalashtirishda moliya bozori instrumentlaridan foydalanish samaradorligi. Monografiya. – Toshkent: "Fan va texnologiya", 2019. – 210 b.

9. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi. Yirik soliq to‘lovchilar bo‘yicha tahliliy ma’lumotlar bazasi (2025-2026 yy.) // www.soliq.uz.

10. Brealey R. A., Myers S. C., Allen F. Principles of Corporate Finance (13th Edition). – New York: McGraw-Hill, 2020. – 960 p.

11. Brigham E. F., Ehrhardt M. C. Financial Management: Theory & Practice (16th Edition). – Boston: Cengage Learning, 2019. – 1200 p.

12. Copeland T., Antikarov V. Real Options: A Practitioner's Guide. – New York: Texere, 2003. – 380 p.

13. Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o‘g‘li. “SUN’IY INTELLEKTNING IQTISODIYOTDAGI O ‘RNI”. “Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies”. 2024

14. Muhammadjon Muzaffarov. “Raising international capital by increasing the country's investment attractiveness”. MASTERS. 2023/12/27

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ

Абдураимова Мафтунахон Ахматовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
“Аудит” кафедраси доценти, PhD
E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru
ORCID: 0000-0002-6325-1400

Аннотация: *Ушбу мақолада суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини ташкил қилиш ва баҳолаш жараёнлари, шунингдек, ички назорат тизимини йўлга қўйиш орқали таъминланадиган иқтисодий самара бўйича маълумотлар ёритилиб берилган. Суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини йўлга қўйиш, ички назорат тизимини ривожлантириш усулларини асослаш ва амалга ошириш ҳамда суғурта фаолиятига салбий таъсир етувчи омилларни аниқлаш жараёнлари келтириб ўтилган. Суғурта ташкилоти фаолиятини назорат қилиш, самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган амаллар, усуллар йиғиндиси ҳақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *Суғурта ташкилоти, ички назорат тизими, иқтисодий ўсиш, инновацион фаолият, назорат амаллари, иқтисодий самара, корпоратив бошқарув, назорат амаллари, ҳисоб ҳужжатлари, молиявий маълумотлар.*

INTERNAL CONTROL SYSTEM ASSESSMENT PRACTICE IN INSURANCE ORGANIZATIONS

Abduraimova Maftunakhan Akhmatovna

Tashkent State University of Economics,
Associate Professor of “Audit” Department, PhD
E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru
ORCID: 0000-0002-6325-1400

Abstract: *This article provides information on the processes of organizing and assessing the internal control system in insurance organizations, as well as on the economic efficiency provided by establishing an internal control system. The processes of establishing an internal control system in insurance organizations, substantiating and implementing methods for developing an internal control system, and identifying factors that negatively affect insurance activities are presented. The article discusses the set of actions and methods adopted to control the activities of an insurance organization, its effective management, ensuring the safety of assets and accounting documents, and preparing financial information.*

Key words: *Insurance organization, internal control system, economic growth, innovative activity, control actions, economic efficiency, corporate management, control actions, accounting documents, financial information.*

ПРАКТИЧЕСКОЕ ПРИМЕНЕНИЕ ОЦЕНКИ СИСТЕМЫ ВНУТРЕННЕГО КОНТРОЛЯ В СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Абдураимова Мафтунахан Ахматовна

ТГЭУ, Доцент кафедры «Аудит» PhD.
E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru
ORCID: 0000-0002-6325-1400

Аннотация: *Аннотация: В данной статье представлена информация о процессах*

организации и оценки системы внутреннего контроля в страховых организациях, а также об экономической эффективности, обеспечиваемой созданием системы внутреннего контроля. Рассмотрены процессы создания системы внутреннего контроля в страховых организациях, обоснование и внедрение методов развития системы внутреннего контроля, а также выявление факторов, негативно влияющих на страховую деятельность. В статье анализируется комплекс действий и методов, применяемых для контроля деятельности страховой организации, ее эффективного управления, обеспечения сохранности активов и бухгалтерской документации, а также подготовки финансовой информации.

Ключевые слова: *Страховая организация, система внутреннего контроля, экономический рост, инновационная деятельность, контрольные действия, экономическая эффективность, корпоративное управление, контрольные действия, бухгалтерская документация, финансовая информация.*

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасида чуқур иқтисодий ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда, молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари, аудит халқаро стандартларини қўллаш соҳанинг янада ривожланиб, корхоналардаги иқтисодий ўсишни таъминлаш энг асосийси, дунё бозорига интеграция қилиш жараёнларини иқтисодиёт равнақини таъминлаш ва уни молиялаштиришнинг асосий негизига айлантириш вазифасини бажаради.

Маълумки, иқтисодиётнинг йирик тармоқлари орқали бутун давлатнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари белгиланади. Хусусан, саноат, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари мамлакат ЯИМга анчагина улуш қўшади.

Шу борада хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсам, суғуртанинг шакллантирилиши хорижий инвесторларга сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурта кафолатини тақдим этиш имкониятини яратиб, валюта курси барқарорлиги бўйича ҳам муҳим жиҳатларни ўз ичига олади.

Бугунги иқтисодиётимизнинг асосий ва бош мақсади бўлиб эса, фаол инновацион-инвестицион сиёсатни амалга ошириш яъни, инновацион фаолият бугунги кунда ва яқин келажакда республика иқтисодиёти ривожланишининг муҳим шартларидан бири деб қаралган ишлаб чиқариш ва тармоқларни модернизациялашнинг асосий механизмлари бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, иқтисодиётнинг фаол бўғини сифатида суғурта ташкилотларининг роли муҳим экан, бу соҳага алоҳида тўхталмасдан иложи йўқ. Умуман олганда, суғурта ташкилотлари фаолиятини ташкил қилиш, суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Барча соҳада мавжуд бўлгани каби суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини ташкил қилиш, ўша фаолиятнинг барқарор тарзда ривожланиши, молиявий ҳолатининг яхшиланишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Адабиётлар таҳлили.

Иқтисодчи олимлар томонидан ички назорат тизими бўйича кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар томонидан ички назоратга турлича таърифлар берилган:

А.В. Евдокимова ва И.Н. Пашкина ички назоратни – бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни тўғри юритишга жавоб берадиган ташкилотнинг ичида қўлланиладиган назорат тизими эканлигини алоҳида таъкидлаган [1].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор А.З. Авлокуловнинг фикрича, ички назорат тизимини баҳолашнинг мақсади аудиторлик текшируви вақти ва ҳажмини тўғри белгилаб олиш ҳисобланади. Айнан ички назорат тизимига баҳо бериш орқали мижоз корхона фаолиятини текшириш дастури тўғри белгиланиши мумкин. Бундан ташқари ички назорат

тизимига баҳо бериш ёрдамида аудиторлик ташкилоти мижоз корхонада уни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича маслаҳат бериши мумкин [2].

Иқтисодчи олим Н.Ф. Каримов ички назорат тизими деганда “ходимлар томонидан муайян ҳаракатларнинг такомиллаштирилишини назорат қилишни таъминлаш...” тушунилишини, ички назорат тушунчасини кенг маънода бир қатор элементлардан ташкил топган тизим сифатида талқин этади [3].

К.Б. Аҳмеджановнинг фикрича, “ички назорат ҳар бир бошқарув жараёнида назорат босқичининг ажралмас элементи бўлиб, унинг бошқа босқичларда нечоғли сифатли кечаётганини кўрсатувчи ва ахборот очиқлигини таъминловчи - алоҳида тизим сифатида шаклланган. Ички назорат тизими хўжалик юритувчи субъектларнинг бутун фаолиятига, яъни, ишлаб чиқариш жараёни, участка ва цехлар фаолиятига, ҳамда хўжалик фаолиятини тартибга солувчи умумий қонунчилик ва хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий меъёрий-ҳуқуқий базасини ташкил этувчи ички ҳужжатлари, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясини қамраб олган бўлиб, унинг самарали фаолияти молиявий ҳисобот натижаларига бевосита таъсир кўрсатади [4].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрича, яхши йўлга қўйилган ички назорат тизими ташкилот фаолиятидаги хато ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, самарали ишлашига ёрдам қилади [5].

Д.Димитриевич, В.Милованович, В.Станчичлар ички назорат тизими компания фаолияти самарадорлигини назорат қилувчи ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, ўз олдига қўйилган мақсадларга эришишни таъминлашга хизмат қилади, деган хулосага келишган [6].

Н.Ш.Абдиева томонидан акциядорлик жамиятида ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини баҳолаш, корхона рискларини бошқариш, акциядорлик жамиятида олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун бошқарувнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланиши таъкидланган [7].

Иқтисодчи олим А.М Головачнинг таъкидлашича, ички назоратнинг элементлари орқали, яъни, ички муҳит, риск ва уларни баҳолаш, ахборот таъминоти, мониторинг, назорат амаллари воситасида ташкилотда тизим ҳақида маълумотлар шакллантирилади ва ички назоратнинг самарали ишлаши таъминланади [8].

Суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини йўлга қўйиш – ўша соҳани такомиллаштириш, ривожлантириш усулларини асослаш ва амалга ошириш ҳамда суғурта фаолиятига салбий таъсир етувчи омилларни аниқлашни ўз ичига олувчи доимий жараённи ўз ичига олади [9].

Тадқиқот методологияси.

Суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини баҳолаш амалиёти одатда ички назорат тизимини дастлабки баҳолаш жараёнидан тортиб, умумий баҳолаш жараёнларида қўлланиладиган назорат амаллари шунингдек, ички назорат тизимини самарали ташкил қилишда фойдаланиладиган барча усуллардан иборат.

Муҳокама ва натижа

Ички назорат тизими – суғурта ташкилоти томонидан молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ҳамда аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг тўлиқ ва мазмунлилиги ҳамда ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган амаллар, усуллар йиғиндиси ҳисобланади.

Қуйидагилар аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботларининг таҳлили ва ишончлилигини тасдиқлаш;

- суғурта ташкилотлари фаолияти самарадорлигини реал ва ҳаққоний баҳолаш;

- мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқа молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- суғурта ташкилотлари фаолият самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Бу вазифаларни бажаришда аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хулосасини талаб даражасида шакллантиришлари керак. Аудиторлик текшируви вақтида мижоз корхона ички назорати тизимини ўрганиш ва баҳолаш аудиторлик текшируви асосий босқичларидан бири ҳисобланади. Аудиторлик текширувни режалаштириш текшириладиган корхона фаолиятини батафсил ўрганишдан бошланади. Аудитор корхона фаолиятини ўрганиш, аудит ўтказишни осонлаштириш ва сифатини ошириш, текшириладиган корхона иқтисодини яхшилашга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар шаклланишини далиллар ёрдамида асослайди.

Мижоз корхона фаолиятини ўрганиш учун фаолиятга таъсир қиладиган ички ҳамда ташқи омиллар ҳақида маълумотларни тўплаш зарур. Мижоз корхона фаолиятига таъсир қиладиган ички омилларга қуйидагилар киради: мулкчилик шакли ва бошқарув тузилмаси, корхонанинг қандай мақсадда ташкил этилганлиги, корхона фаолиятида амалга ошириладиган асосий муомалалар, корхона молияси, ходимлари, ҳисоб юритиш сиёсати, корхонанинг учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлари.

Ташқи омилларга мижоз фаолият юритадиган тармоқ, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат киритилади. Корхоналарга нисбатан қўлланиладиган қонунлар нафақат мулкчилик шаклларига, балки қарорлар қабул қилиш жараёнларининг ташкил этилиши ва у ёки бу ҳужжатларни имзолаш учун жавобгар шахсларнинг таркибига ҳам боғлиқ. Текшириладиган корхонанинг мақсадларини таҳлил қилиш, унинг муомалаларини яхши тушунишга имкон бериб, текшириладиган ҳисобот ҳақида тўғри фикр шакллантирилишида муҳим аҳамият касб етади.

Текшириладиган корхонанинг мақсадларини таҳлил қилиш, унинг муомалаларини яхши тушунишга имкон бериб, текшириладиган ҳисобот ҳақида тўғри фикр шакллантирилиши учун зарурдир. Агар аудитор ишини режалаштириш чоғида мулк эгаларининг корхонани тугатмоқчи эканликлари аниқланса, бунда у корхона ҳисоботига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхона принципини қўлламаслиги ҳақида аудиторлик ҳисоботига таъкидлаш киритишга учун далиллар тўплаши зарур. Маъмурият ва мулк эгаларининг келгусидаги муомалаларга тааллуқли мақсадларини билиш шу мижоз билан кейинчалик ҳамкорлик қилиш учун тўғри стратегия ишлаб чиқишда, шунингдек унга бухгалтерия ҳисоби, аудит ва консалтинг соҳасидаги ҳақиқатан зарур бўлган хизматларни таклиф этишда ёрдам беради.

Аввало, суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувларини ташкил қилиш, текширувни ўтказишда аудитнинг сифати муҳим ўрин тутади. Бунинг учун, аудитор текширилаётган суғурта ташкилотининг ички назорат тизими ҳолатини тўлиқ ўрганиши лозим. Чунки ички назорат тизими аудитор текширув пайтида юзага келадиган рискига бевосита боғлиқ бўлиб, текшириш жараёнида аудитор рискни мақбул даражагача пасайтириш аудиторлик амалларини қўллаш орқали ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши керак.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг мақсади аудиторлик текшируви даври ва кўламини тўғри белгилаб олиш ҳисобланади. Айнан, ички назорат тизимига тўғри баҳо бериш орқали суғурта ташкилоти фаолиятини текшириш жараёнига тўғри белгиланиши мумкин.

Ички назорат тизимининг кўлами ва хусусиятлари суғурта ташкилотининг кўлами ва унинг фаолияти хусусиятларига мос келиши зарур.

Ички назорат тизимининг ташкил қилиниши ва амал қилишининг самарадорлигини баҳолаш вақтида аудитор суғурта ташкилотининг ташкилий тузилмаси, раҳбариятнинг роли ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини белгилаши зарур.

Суғурта ташкилотида мавжуд бўлган ички назорат тизимида қуйидагилар бўлиши талаб қилинади: ходимларнинг аниқ белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида харакатда бўлиши, ички аудит хизмати учун шароитлар яратилганлиги, ходимларининг малака ошириши ва шунга ўхшаш бир қанча ишларни ўз ичига олади.

Ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш аудиторлик текшируви давомида аудиторлик ташкилоти томонидан иш ҳужжатларида расмийлаштирилиши шарт.

Аудитор суғурта ташкилотида мавжуд ички назорат тизимига баҳо бериш учун, аввало, ушбу тизимнинг ҳолатини ўрганиши лозим. Ички назорат тизими билан танишиш пайтида суғурта ташкилотининг таркибий тузилиши, ташкилотнинг бўлинма ва филиаллари мавжудлиги, мулкчилик шакли, фаолият тури каби жиҳатларни ўрганиши шарт.

Суғурта ташкилотининг ривожланиши, молиявий барқарорлиги ва обрўси ички назорат тизими самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

Аудиторлик ташкилоти суғурта ташкилотларининг ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини ўрганиш ҳамда баҳолашда аудиторлар томонидан томонидан ишлаб чиқилган махсус тестлар, раҳбар ходимлар ва бухгалтерия ходимларининг фикрларини аниқлаш учун намунавий саволлар рўйхати, текширув варақалари; блоксхемалар, графиклар, махсус ишлаб чиқилган тестлар, баённомалар ёки далолатномалар, ички назорат тизими бўйича аниқланган камчиликлар рўйхати асосида суғурта ташкилоти фаолиятини юқори, ўрта ёки паст деб баҳолаши мумкин.

Аудитор ички назорат тизимини баҳолашда асосан қуйидаги иккита кўрсаткичга таянади:

1. Ички назорат тизимини аниқлашдан асосий мақсад - бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги ва объективлигини таъминлаш бўлиб, бунда суғурта ташкилоти раҳбари учун ҳам, аудитор учун ҳам фаолиятнинг тўғри ташкил қилинганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.
2. Шунингдек, аудитор суғурта ташкилоти ҳақида умумий хулосага келиш учун ва аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида акс эттириши учун албатта, даставвал ички назорат ҳолатини дастлаб ўрганиш ва текшириш натижаларини акс эттириши зарур ҳисобланади.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг асосий мақсади аудитни тўғри ташкил қилиш, аудиторлик амаллари турларини танлаш, аудит ўтказиш вақти ва ҳажмини аниқлашдан иборат.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг ишончлилигини тасдиқлашга қаратилган амаллардан иборат. Ҳар бир аудиторлик амалининг тури, ўтказиш вақти ва миқёси аниқланиб, у молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир неча кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқлиги кўриб чиқилади.

Ички назорат тизимини баҳолаш жараёнида аудитор томонидан аниқланган камчиликлар ва заиф жиҳатлар юзасидан тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилиши мумкин. Аудитор ушбу камчиликларни аудит ҳисоботига қўшимча равишда тайёрланадиган махсус ахборот хати (management letter) орқали суғурта ташкилоти раҳбарияти эътиборига етказиши лозим. Мазкур хатда ички назорат тизимида мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, ташкилот фаолиятига таъсири ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар батафсил ёритилади. Бундай ёндашув раҳбариятга ички назорат тизимини янада такомиллаштириш, хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда молиявий бошқарув самарадорлигини ошириш имконини беради.

Аудитор томонидан аниқланган камчиликлар ҳақида раҳбариятни ўз вақтида хабардор қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур ҳолатлар ички назорат тизимининг тузилиши ва амал қилиш механизмида сезиларли нуқсонлар мавжудлигини кўрсатади. Бундай нуқсонлар суғурта ташкилотининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тўғри рўйхатга олиш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва молиявий ҳисоботларда ишончли акс эттириш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада молиявий

ҳисоботларда жиддий хатолар ёки бузиб кўрсатиш ҳолатлари юзага келиши эҳтимоли ортади. Бундай камчиликлар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлиши мумкин:

1-расм. Ички назорат тизимидаги камчиликлар пентаграммаси[89]

Аудитор ички назорат тизимини текшириш жараёнида суғурта ташкилоти учун самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқиш мажбуриятини олмайди. Чунки, ҳар бир ташкилотнинг ўз хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда ташкилий тузилмаси, назорат амаллари ишлаб чиқилади.

Суғурта ташкилотларида ички назорат тизими тузилмасини самарали фаолият юритиши қуйидаги таркибий қисмларга ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлади:

1. Назорат муҳити – Суғурта ташкилотида ички назорат учун яратилган қулай бўлган ўзаро хизмат муносабатларини аниқлайдиган белгилар йиғиндисидир;

2. Бухгалтерия ҳисоби тизими – Суғурта ташкилотларида молия-хўжалик операцияларини ёзишга тааллуқли ҳисоб сиёсати ва амаллар;

3. Назорат амаллари – Суғурта ташкилотида вақти-вақти билан суғурта ташкилотлари ходимлари томонидан амалга ошириладиган махсус текширувлар.

Юқорида келтирилган таркибий қисмлар ўзаро боғлиқликда ахборотлардаги жиддий хатоларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тузатишни таъминлайди.

Умуман олганда, назорат муҳити деганда суғурта ташкилотининг иш услубини ташкил қилишдаги хабардорлиги, ички назорат тизимини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлари тушунилади. Назорат муҳитининг аҳволи раҳбарларнинг иш услуби, уларнинг дунёқараши, назорат ва ходимлар устидан назорат мақсадини тушунтириш тизимининг самарадорлигига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Бошқарувнинг юқори поғонаси хизматчиларнинг назоратга муносабатини белгилайди. Яхши бошқарув муҳити юқори даражадаги ички коммуникация тизимини таъминлайдиган, лавозим йўриқномасига биноан самарали ишлашига ёрдам беради.

Назорат муҳити суғурта ташкилоти ходимларининг компетентлилиги, хизмат вазифаларининг тақсимланиши, активлар, ҳужжатларни айланиши ва олиш имкони, ҳисоб ёзувларини вақти-вақти билан таққослаб туриш билан аниқланади.

Назоратни амалга оширишда ходимлар компетентлилиги суғурта ташкилоти ички назорат тизимининг асосий мезони ҳисобланади. Корхонанинг кадрлар билан боғлиқ муаммолари ички назорат тизимига салбий таъсир кўрсатади. Агар бухгалтерлар тез-тез алмаштириб турилса, бу ҳисоб ва назорат функциялари етарли тажрибага эга бўлмаган ва бунинг оқибатида кўплаб хатоларга йўл қўядиган одамлар томонидан бажарилишига олиб

[89] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

келади.

Шунинг учун юқоридаги ҳолат такрорланмаслиги учун ҳаракат қилиш талаб этилади.

Умуман олганда, суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини ташкил қилиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёни муҳим ҳисобланиб, нафақат ташкилотнинг ички тузилмаси ишлаш принципини шунингдек, максимал фойдага эришишнинг ҳам асоси бўлиб хизмат қилади.

2-расм. Суғурта ташкилотида ички назорат тизимини баҳолаш модели.

Расм маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, суғурта ташкилотида ички назорат тизимини самарали фаолият юритиши юқоридаги учта даражага боғлиқ ва бу орқали суғурта ташкилотининг бошқарув фаолияти тизимли амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам суғурта ташкилоти фаолиятида ички назорат тизимини ташкил этиш ва сақлаб қолиш учун суғурта ташкилоти раҳбарияти:

Биринчидан, суғурта ташкилоти ва унинг бўлимларининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бўлинмаларнинг бошлиқлари томонидан бошқарилишига эътибор қаратиш;

Иккинчидан, мақсадга эришиш учун корхонанинг низомига мувофиқ, ички назорат тизими низомини ишлаб чиқиш ва суғурта ташкилоти фаолияти жараёнига тадбиқ этиш;

Учинчидан, натижани кузатиб бориши керак, чунки, юқоридаги ишлар амалга оширилсаю уларнинг назорати йўлга қўйилмаса суғурта ташкилоти белгиланган мақсадига эришолмайди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, корхонанинг бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг асосий йўли бошқариш тизимида сифатли ўзгаришларни киритиш ҳамда корхонанинг инвестицион фаоллигини ошириш ҳисобланади, бу эса ички назорат тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Корхонада ички назорат тизимининг самарали йўлга қўйилмаганлиги эса қуйидагиларга олиб келиши мумкин:

1.Инвесторлар ва улар киритадиган инвестициялар хавфсизлиги кафолатини таъминлаш учун ишончсизлик, суғурта компаниясининг салбий оқибатларини олдини олиш шунингдек, ички ресурсларни аниқлаб уларни мақсадли сафарбар қила олмаслик ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун раҳбариятни тезкор маълумот билан таъминлай олмаслик;

2.Рақобат муҳитида суғурта ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган режа ва дастурларни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳеч қандай реал талабларнинг мавжуд эмаслиги.

Зеро, суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини ташкил қилиш натижасида, ташкил қилишнинг йўналишларини амалга ошириш, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалиётга жорий қилиш, иқтисодиётнинг замонавий ривожлантиришга эришиш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиш ва рақобат қила оладиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, саноат соҳасида маҳсулотларни дунё амалиётига тақдим этиш каби ишлар кўламини амалга оширишга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйиш, ташкилот молиявий барқарорлигини ошириш, харажатларни оптимал бошқариш жараёнининг изчиллиги ҳам таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Евдокимова А.В., Пашкина И.Н., Внутренний аудит и контроль финансово-хозяйственной деятельности организации: практическое пособие.- М.: Издательско-торговая корпорация. Дашков И.К. 2009.- 250 б

2. Авлокулов А.З. Аудиторлик текширувида ички назорат тизимини баҳолаш. //“Молия” илмий журнали. -Тошкент, 2012. №5-6. 64-67-б.

3. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва уни услубиётини такомиллаштириш муаммолари./Монография. Т. 2007.

4. Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари диссертацияси автореферати. – Т. 2016.

5. Aziz, M.A.A., Said, J. Alam, M.M. 2015. Assessment of the Practices of Internal Control System in the Public Sectors of Malaysia. //Asia-Pacific Management Accounting Journal, Vol. 10(1), pp. 43-62.

6. Dragomir Dimitrijevic, Vesna Milovanovic, Vladimir Stancic. The Role of A Company’s Internal Control System in Fraud Prevention. //Financial Internet Quarterly “e-Finanse” 2015, vol.11/ № 3. p. 34-44.

7. Абдиева Ш.Н. Акциядорлик жамиятларида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Автореферат, 2023. 71 б.

8. Головач Алла Михайловна. Организация внутреннего контроля в телекоммуникационных организациях автореферат, 2007. 27 с.

9. Бургонова Г.Н., Васина И.Г. Бухгалтерский учет в страховых компаниях. Учеб. пособие - СПб.: СПбГИЭА, 1999. - 138 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абидов Мансур Илхомжонович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси
E-mail: mr.abidov_5656@mail.ru

Аннотация: *Ушбу мақолада бугунги кунда давлат харидлари соҳасида учраётган камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф қилиш ва олдини олиш имкониятлари таҳлил қилинган. Давлат харидлари соҳасида назорат органлари томонидан аниқланган ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари муҳокама қилинган. Халқаро стандартлар асосида амалга оширилиши лозим бўлган тўғридан-тўғри давлат харидларининг меъёрлари кўриб чиқилган. Мақола якунида давлат харидлари соҳасида қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш юзасидан тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *давлат хариди, мониторинг, тўғридан-тўғри харидлар, сунъий интеллект, имтиёз, ваколат, жавобгарлик.*

FEATURES OF CONTROL OF THE PROCESS OF IMPLEMENTING PUBLIC PROCUREMENT

Abidov Mansur Ilkhomzhanovich
Researcher of Tashkent State University of Economics
E-mail: mr.abidov_5656@mail.ru

Annotation: *This article examines the shortcomings that are currently encountered in the sphere of public procurement and analyzes the possibilities for their elimination and prevention. The violations identified by regulatory authorities in the sphere of public procurement and the reasons for their occurrence are discussed. The standards of direct public procurement, which should be carried out on the basis of international standards, are considered. At the end of the article, recommendations are given on preventing violations of legislation in the sphere of public procurement.*

Keywords: *public procurement, monitoring, direct procurement, artificial intelligence, benefits, competence, responsibility.*

ОСОБЕННОСТИ КОНТРОЛЯ ПРОЦЕССА ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК

Абидов Мансур Ильхомжонович
Научный исследователь Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: mr.abidov_5656@mail.ru

Аннотация: *В данной статье изучены недостатки, с которыми на сегодняшний день сталкиваются в сфере государственных закупок, и проанализированы возможности их устранения и предотвращения. Обсуждены нарушения, выявленные контролирующими органами в сфере государственных закупок и причины их возникновения. Рассмотрены нормы прямых государственных закупок, которые должны осуществляться на основе международных стандартов. В конце статьи даны рекомендации по предотвращению нарушений законодательства в сфере государственных закупок.*

Ключевые слова: *государственные закупки, мониторинг, прямые закупки, исскуственный интеллект, льготы, компетенция, ответственность.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Кириш.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар каби аудит ва давлат молиявий назорати соҳаларида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлсада, ушбу соҳаларда ҳамон камчиликлар мавжуд. Хусусан, давлат харидларини амалга ошириш жараёнида қонунчилик талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари тизимли равишда содир этиб келинмоқда. Зеро, давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва кўзланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шунга кўра, ушбу мақолада давлат харидлари соҳасида молиявий назоратнинг амалдаги ҳолатини ўрганган ҳолда Ўзбекистонда молиявий назоратни такомиллаштириш имкониятлари таҳлил қилинган.

Адабиётлар шарҳи.

Давлат молиявий назорати хусусида иқтисодчи олимлар томонидан жуда ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Россия олимларидан А.Н.Козырин молиявий назоратга ўзининг тадқиқотларида “Молиявий назорат – давлат органларининг махсус ташкилий шакл ва усуллар ёрдамида, молиявий операцияларнинг қонунийлиги ва ҳаққонийлигини аниқлаш, молия-хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини объектив баҳолаш, захираларни аниқлаш ва ошириш, бюджет даромадларини кўпайтириш ва давлат мулкини сақлаш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятидир” дея таъкидлаган [3].

Д.Хан ўзининг илмий тадқиқотларида молиявий назоратга “фаолият натижаларини аниқлашда ҳақиқий кўрсаткичларни аниқлаш ва ҳужжатлаштириш ҳамда уларни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослашни ўз ичига олган жараён”, дея таъриф берган [4].

Д.Ирвин молиявий назорат хусусида тадқиқотлар олиб бориб, қуйидаги хулосага келган: “стратегик мақсадларни белгилаш, режалаштириш ва прогнозлаш, бюджетни тузиш, маълумотларни рўйхатга олиш, бизнес фаолиятини режа билан таққослаш ва мониторингни ўз ичига олган ягона бошқарув тизимининг бир қисми” [5].

М.В.Васильеванинг фикрича “давлат молиявий назорати - давлат бошқарувининг функцияси бўлиб, давлат сиёсатини амалга оширувчи восита ва инструмент сифатида намоён бўлади” дея таъкидлаган бўлса [6], яна бир бошқа олим Д.Н.Бахран “давлат молиявий назорати - ижтимоий бошқарувнинг функцияси сифатида намоён бўлади” деб таъриф берган [7].

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларда асосан молиявий назоратнинг моҳияти очиб берилган. Бироқ, айнан давлат харидлари соҳасида давлат молиявий назоратини ташкил этиш юзасидан илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолани тайёрлаш жараёнида монографик кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, тизимли ёндашув, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Давлат харидларини амалга ошириш жараёнини мунтазам равишда назорат қилиб бориш долзарб ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари Аксилкоррупция тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режасида давлат харидларида ҳалоллик мезони бўйича давлат харидлари тизими рақобатга асосланган бўлиши лозимлиги ҳамда тўғридан-тўғри давлат харидлари амалга ошириладиган умумий харид қийматининг 10% дан ошмаслиги тавсия этилган.

Бироқ, буюртмачилар томонидан давлат харидларини амалга оширишда рақобатли харид шаклларини *(танлов, тендер)* ўтказмасдан, шартномаларни ғазначилик идораларида қайд этмасдан ҳамда бошқача тарзда қонун талабларини бузган ҳолда тўғридан-тўғри

шартномалар тузиш тизимли амалиётга айланганлигини кўришимиз мумкин.

2024 йилда республика бўйича жами 248,6 трлн. сўмлик қариийб 1,8 миллионга яқин шартномалар давлат харидлари орқали амалга оширилган.

2023 йилда эса тузилган давлат харидлари бўйича шартномаларнинг умумий қиймати 253 312,3 млрд. сўмни ташкил этиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 23,8 фоизига тўғри келади.

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда тузилган давлат харидлари шартномаларининг умумий қийматидан (253 312,3 миллиард сўм) рақобатли бўлмаган тартиб-таомиллар асосида амалга оширилган харидлар қиймати 138 303,3 миллиард сўмни, яъни давлат харидларининг ярмидан кўпини ташкил этган ва бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Шундай қилиб, 2023 йилда ушбу мезон мақсадлари учун рақобатдан ташқари харидлар улуши 54,6 фоизни ташкил этган ва бу рухсат этилган кўрсаткичлардан ошиб кетган.[90]

Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун коррупцияга қарши кураш тармоғининг (КҚТ) етакчи эксперт дастури бўлмиш Истанбул коррупцияга қарши ҳаракат режасида тўғридан-тўғри харидлар улушининг тавсия этилган меъёрлардан ошиб кетиши КҚТ мутахассислари томонидан самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилмаслиги сифатида баҳоланади.

Энг илғор халқаро тажрибага кўра, танлов тартиб-қоидаларида истисноларнинг чекланган бўлиши лозим, бундай харид усулларининг минимал даражада қўлланилиши натижасида давлат бюджети маблағларининг самарали фойдаланилишига эришилади.

Бунда, рақобатга асосланган ҳолда амалга ошириладиган харидлар тартиб-қоидаларида истисноларнинг халқаро стандартларга асосланиши керак *(масалан, UNCITRALнинг Давлат харидлари тўғрисидаги намунавий қонуни)*.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6-июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6257-сон Қарори 7-бандига кўра, давлат харидларида рақобатли савдо турларини чекловчи тўғридан-тўғри шартномалар, инвестициявий, давлат-хусусий шериклик, хусусийлаштириш ва бошқа битимларни тузишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббус билан чиқиш қатъиян тақиқланган.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ ва имтиёзлар берувчи ҳамда маъмурий тартиб-таомилларни белгилайдиган танлов (аукцион) тартиб-таомилларидан бўйин товлаш имкониятини берувчи нормаларнинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил 8-августдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омил ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат бериш ваколатини бекор қилиш ҳамда амалга оширилиши мумкин бўлган тўғридан-тўғри давлат харидларини бевосита “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат харидлари мавжуд 4 та *(xarid.uzex.uz, etender.uzex.uz, cooperation.uz ҳамда “Shaffof qurilish”)* платформалар орқали амалга ошириб келинмоқда.

Шундай бўлсада, қонунчиликда бўшлиқларнинг кўплиги, аниқ режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги, мансабдор шахслар жавобгарлигининг қатъий белгиланмаганлиги натижасида ҳали-ҳануз давлат харидларининг ярмидан кўпи тўғридан-тўғри шартномалар

[90] Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси. Ўзбекистонда коррупцияга қарши ислоҳотлар мониторингининг бешинчи раундининг дастлабки ҳисоботи. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) маълумотлари асосида тайёрланди.

орқали амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда давлат харидлари соҳасида ягона ваколатли мустақил давлат органини ташкил қилиш масаласини кўриб чиқишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Мисол учун, Корея Республикаси ўзининг илғор ва синалган тажрибасига эга бўлиб, 2002 йилдан бошлаб барча давлат харидлари Давлат харидлари марказий агентлиги томонидан ягона “KONEPS” *(Korean online electronic procurement system)* электрон тизим орқали амалга оширилади. Бу каби тажрибалар, Грузия ва Буюк Британия каби ривожланган давлатларда ҳам мавжуд. Юқорида баён этилганларга кўра, барча давлат харидлари соҳасида ягона мустақил давлат органини ташкил қилиш ҳамда унинг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 75-моддасида давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ўз ваколатлари доирасида амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги Қонунлари талабларига амал қилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Мисол учун, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилаётган харидлар мониторинг тартибида ўрганилиб, 2023 йилда жами 178 та ҳолатда 136,0 млрд. сўмлик ноқонуний ўтказилган харид натижалари бекор қилинган. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 70 нафар шахс маъмурий ва 40 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган.[91]

2024 йилда эса 234 та ҳолатда жами 263,9 млрд сўмлик ноқонуний ўтказилган харид натижалари бекор қилинган. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 104 нафар шахс маъмурий ва 85 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

Қуйидаги 1-расм орқали 2023 ва 2024 йилларда давлат харидлари соҳасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ва уларнинг натижаси бўйича кўрилган чораларнинг ўсиш динамикасини кўришимиз мумкин.



1-расм. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2023-2024 йилларда давлат харидлари соҳасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари таҳлили[92]

[91] Anticorruption.uz. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

[92] Anticorruption.uz. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги рақамлардан кўришимиз мумкинки, давлат буюртмачилари томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда кўплаб хорижий давлатларда давлат харидлари соҳасида содир этилган қонунбузилишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Россия Федерацияси (ЖК 200.4-модда), Беларусь (ЖК 251-модда), Арманистон (ЖК 196-модда), Грузия (ЖК 1951-модда), Тожикистон (ЖК 274-модда), Қирғизистонда (ЖК 247-модда) жиноий жавобгарлик мавжуд.

Давлат харидлари иштирокчиларигнинг масъулиятини янада ошириш ва қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида, давлат харидлари соҳасида содир этилган қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарликни янада кучайтириш ва бу юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Бундан ташқари, давлат харидларида сунъий интеллект ва блокчейн технологияларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш ҳисобига шаффофликни ошириш ва бу орқали жамоат назоратини яхшилаш мумкин бўлади. Хусусан, давлат харидлари жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда, харид комиссиялари фаолиятини тугатиш, харид иштирокчилари томонидан тақдим этиладиган харид ҳужжатларини бошқа интеграциялашган базалар маълумотлари асосида сунъий интеллект ёрдамида автоматик баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса.

Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида инсон омилини кескин қисқартириш, рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, харид иштирокчиларининг жавобгарлигини ошириш ҳамда давлат харидлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш давлат харидлари тизимини янада ривожланишига хизмат қилади.

Бу эса ўз ўрнида иқтисодий барқарорлик ва давлат маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.anticorruption.uz – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги расмий веб-сайти.
2. www.imv.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий веб-сайти.
3. Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси. Ўзбекистонда коррупцияга қарши ислоҳотлар мониторингининг бешинчи раундининг дастлабки ҳисоботи. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ), 2024 йил. 106-б.
4. Козырин А.Н. Финансовый контроль. // Финансовое право: учебник. / Под ред. проф. О.Н. Горбуновой. – М.: Юристъ, 1996. 48-б.
5. Хан Д. Планирование и контроль: концепция контроллинга. Пер. с нем. -М., 1998.
6. Ирвин Д. Финансовый контроль. Пер. с анг. / Под ред. И.И. Елисеевой.-М.: Финансы и статистика, 1998, 256-б.
7. Васильева М.В. Государственный финансовый контроль в управлении регионом. Волгоград. 2003. 182-б.
8. Бахран Д.Н. “Административное право”. -М.: 2001. 166-б.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MAHALLIY KORPORATIV EMITENTLARNING YEVROOBLIGATSIYALAR EMISSIYASI VA QARZ INSTRUMENTINING KORXONA MOLIYAVIY BARQARORLIGIGA TA’SIRI

Arifjanova Yayraxon Usmonxo‘jayevna
TDIU tayanch doktaranti
e-mail: ariya7@mail.ru
https://orcid.org/0009-0009-1860-202X

Annotatsiya. *Mazkur maqolada O‘zbekiston korporativ emitentining xalqaro fond bozoridagi ishtiroki tahlil qilingan. Yevroobligatsiya emisiyasi va xalqaro obligatsiyalarning daromadliligi tahlil qilingan. Shuningdek, yevroobligatsiyalar emissiyasining aksiyadorlik jamiyatining moliyaviy barqarorligiga ta’siri o’rganilgan.*

Kalit so‘zlar: *aksiyadorlik jamiyati, emitent, obligatsiya, qarz instrumenti, kapital bozori, qimmatli qog‘ozlar, yevroobligatsiya, fond birjasi, bank, investor, risk, spread.*

ЭМИССИЯ ЕВРООБЛИГАЦИЙ МЕСТНЫМИ КОРПОРАТИВНЫМИ ЭМИТЕНТАМИ И ВЛИЯНИЕ ДОЛГОВОГО ИНСТРУМЕНТА НА ФИНАНСОВУЮ УСТОЙЧИВОСТЬ ПРЕДПРИЯТИЯ

Арифжанова Яйрахон Усмонхужаевна
Докторант ТГЭУ
ariya7@mail.ru
https://orcid.org/0009-0009-1860-202X

Аннотация. *В данной статье проведён анализ участия корпоративных эмитентов Узбекистана на международном фондовом рынке. Исследованы особенности эмиссии еврооблигаций и проанализирована доходность международных облигаций. Кроме того, изучено влияние эмиссии еврооблигаций на финансовую устойчивость акционерных обществ. На основе проведённого анализа определены роль и значение еврооблигаций как инструмента привлечения долгосрочных финансовых ресурсов и повышения инвестиционной привлекательности корпоративных эмитентов.*

Ключевые слова: *акционерное общество, эмитент, облигация, долговой инструмент, рынок капитала, ценные бумаги, еврооблигация, фондовая биржа, банк, инвестор, риск, спред.*

EUROBOND ISSUANCE BY DOMESTIC CORPORATE ISSUERS AND THE IMPACT OF DEBT INSTRUMENTS ON CORPORATE FINANCIAL STABILITY

Arifjanova Yayrakhon Usmonkhojayevna
PhD Student,Tashkent State University of Economics
ariya7@mail.ru
https://orcid.org/0009-0009-1860-202X

Abstract. *This article analyzes the participation of Uzbek corporate issuers in the international capital market. The study examines the issuance of Eurobonds and analyzes the yield performance of international bonds. Furthermore, it investigates the impact of Eurobond issuance on the financial stability of joint-stock companies. Based on the analysis, the role and significance of Eurobonds as an instrument for attracting long-term financial resources and enhancing the investment attractiveness of corporate issuers are identified.*

Keywords. *joint-stock company, issuer, bond, debt instrument, capital market, securities, Eurobond, stock exchange, bank, investor, risk, spread.*

Kirish.

Globallashuv jarayonlarining jadallashuvi va xalqaro moliya bozorlarining integratsiyalashuvi sharoitida yirik korporatsiyalar hamda davlatlar uchun uzoq muddatli va nisbatan arzon moliyaviy resurslarni jalb etish masalasi alohida ahamiyat kasb etmoqda. Mazkur ehtiyojni qondirishda xalqaro kapital bozorlarining muhim instrumentlaridan biri hisoblangan yevroobligatsiyalar (Eurobonds) muhim o‘rin tutadi. Yevroobligatsiyalar emitent mamlakat hududidan tashqarida, xalqaro investorlar uchun xorijiy valyutada chiqariladigan qarz qimmatli qog‘ozlari bo‘lib, ular emitentlarga keng investorlar bazasiga chiqish, moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiya qilish va katta hajmdagi mablag‘larni jalb etish imkonini beradi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharxi

Yevroobligatsiyalar xalqaro kapital bozorining muhim moliyaviy instrumentlaridan biri sifatida ko‘plab ilmiy tadqiqotlarning obyekti bo‘lib kelmoqda. Mavjud ilmiy ishlarda yevroobligatsiyalar emissiyasining korporativ moliyalashtirishdagi o‘rni, investorlar uchun jozibadorligi, emitentlar moliyaviy holatiga ta’siri hamda xalqaro kapital bozorlarining rivojlanishidagi ahamiyati keng o‘rganilgan.

Xorijiy iqtisodchi olimlar yevroobligatsiyalarni korporativ sektor uchun uzoq muddatli va diversifikatsiyalashgan moliyalashtirish manbai sifatida baholaydilar. Ularning tadqiqotlarida xalqaro obligatsiyalar bozori kompaniyalarga ichki moliya bozorlariga qaramlikni kamaytirish, investorlar bazasini kengaytirish va kapital qiymatini optimallashtirish imkonini berishi ta’kidlangan. Shuningdek, yevroobligatsiyalar emissiyasi korxonalarning xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga moslashuvi va korporativ boshqaruv sifatini oshirishga xizmat qilishi qayd etilgan.

Ayrim tadqiqotlarda yevroobligatsiyalar daromadliligiga ta’sir etuvchi omillar tahlil qilingan bo‘lib, ularga emitentning kredit reytingi, mamlakatning suveren reytingi, global foiz stavkalari dinamikasi, inflyatsiya darajasi hamda investorlarning riskka bo‘lgan munosabati kiritilgan. Tadqiqotchilar yevroobligatsiyalar bo‘yicha daromadlilik spredi emitentning moliyaviy barqarorligi va bozor ishonchliligining muhim indikatori ekanligini ta’kidlaydilar.

Korporativ moliyalashtirish nazariyasiga bag‘ishlangan ilmiy ishlarda qarz instrumentlaridan foydalanishning kompaniya faoliyatiga ta’siri alohida o‘rganilgan. Mazkur tadqiqotlarda qarz mablag‘larining oqilona jalb qilinishi kompaniya kapitalining o‘rtacha tortilgan qiymatini pasaytirishi, investitsiya loyihalarini moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytirishi va aksiyadorlar qiymatini oshirishi mumkinligi asoslab berilgan. Shu bilan birga, qarz yukining haddan tashqari oshib ketishi moliyaviy risklarning kuchayishiga va moliyaviy barqarorlikning pasayishiga olib kelishi mumkinligi qayd etilgan.

So‘nggi yillarda rivojlanayotgan mamlakatlar emitentlarining xalqaro kapital bozorlariga chiqishi bo‘yicha ilmiy izlanishlar ham faollashdi. Ushbu tadqiqotlarda yevroobligatsiyalar emissiyasi milliy moliya bozorlarining rivojlanishiga, investitsion muhitning yaxshilanishiga va xorijiy investorlar bilan hamkorlikning kengayishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi ta’kidlangan. Biroq, valyuta riski, foiz stavkasi riski va tashqi bozorlardagi o‘zgarishlarga bog‘liqlik kabi omillar emitentlar faoliyatiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkinligi ham qayd etiladi.

O‘zbekiston iqtisodiyotida yevroobligatsiyalar bozori nisbatan yangi yo‘nalish hisoblanadi. Mavjud tadqiqotlar asosan suveren yevroobligatsiyalar emissiyasi, xalqaro kapital bozorlariga integratsiyalashuv va korporativ emitentlarning moliyaviy resurslarni jalb qilish imkoniyatlariga bag‘ishlangan. Biroq mahalliy korporativ emitentlar tomonidan chiqarilgan yevroobligatsiyalarning moliyaviy barqarorlikka ta’siri, qarz yukining o‘zgarishi va xalqaro obligatsiyalar daromadliligining kompaniya faoliyati bilan bog‘liqligi masalalari yetarli darajada o‘rganilmagan.

Shu sababli, mahalliy korporativ emitentlarning yevroobligatsiyalar emissiyasi va mazkur qarz instrumentining korxona moliyaviy barqarorligiga ta’sirini kompleks baholash ilmiy va amaliy jihatdan dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Mazkur tadqiqot ushbu yo‘nalishdagi

mavjud ilmiy bo‘shliqni qisman to‘ldirishga hamda O‘zbekiston korporativ sektorida xalqaro qarz instrumentlaridan foydalanish samaradorligini baholashga xizmat qiladi.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu tadqiqotda statistik tahlil, ilmiy mushohada, tahlil va sintez, shuningdek, taqqoslash kabi ilmiy uslubiy usullardan foydalanildi.

Tahlil va Natijalar

So‘nggi o‘n yilliklarda yevroobligatsiyalar bozori jahon kapital bozorining eng yirik segmentlaridan biriga aylandi. Ushbu instrumentlardan nafaqat rivojlangan davlatlar, balki rivojlanayotgan mamlakatlar ham faol foydalanmoqda. Ayniqsa, infratuzilma loyihalarini moliyalashtirish, davlat byudjeti taqchilligini qoplash hamda korporativ sektor investitsiya dasturlarini amalga oshirishda yevroobligatsiyalar muhim moliyalashtirish manbai sifatida xizmat qilmoqda.

O‘zbekiston uchun ham xalqaro kapital bozorlariga integratsiyalashuv va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish davlat iqtisodiy siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Mamlakatning 2019-yilda ilk suveren yevroobligatsiyalarni xalqaro moliya bozorlariga muvaffaqiyatli joylashtirishi milliy moliya tizimi rivojlanishida yangi bosqichni boshlab berdi. Keyingi yillarda davlat va korporativ emitentlar tomonidan amalga oshirilgan yevroobligatsiyalar emissiyalari O‘zbekistonning xalqaro investorlar orasidagi investitsion jozibadorligini oshirishga, kapital bozorini rivojlantirishga hamda iqtisodiyotning real sektoriga qo‘shimcha moliyaviy resurslar jalb etishga xizmat qilmoqda.

“O‘zbekneftgaz” aksiyadorlik jamiyati ham so‘nggi yillarda o‘zining yevroobligatsiyalarini xalqaro bozorlarda joylashtirish orqali yuqori kapital jalb qilayotgan kompaniyalardan biri hisoblanadi. “O‘zbekneftgaz” AJ yevroobligatsiyalarining daromadliligi va narxi dinamikasini tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, mazkur ko‘rsatkichlar asosan global energiya resurslari narxlari, geosiyosiy vaziyat, xalqaro moliya bozorlaridagi likvidlik darajasi hamda monetar siyosat o‘zgarishlari ta’sirida shakllanadi.

1-jadval

“O‘zbekneftgaz” AJ yevroobligatsiyalari daromadliligi va emissiya ko‘rsatkichlari (2020-2025 yillar)[93]

Yil	Emissiya hajmi (AQSh dollar)	Kupon (%)	Muddati	YTM (%)	Narx (% par)	Spred (bps)
2020	700,0 mln.	4,75	7 yil	7,5-8,5	95-98	300-350
2021		4,75	7 yil	6,2-7,0	98-101	250-300
2022		4,75	7 yil	7,8-9,0	92-96	350-420
2023		4,75	7 yil	6,8-8,0	95-99	280-340
2024		4,75	7 yil	6,0-7,2	97-102	240-300
2025	850,0 mln,	8,75	5 yil	9,5-10,5	98-101	350-450

“O‘zbekneftgaz” aksiyadorlik jamiyati bo‘yicha yevroobligatsiyalar daromadlilik ko‘rsatkichlarining jamiyat moliyaviy barqarorligiga ta’siri ekonometrik modellar yordamida baholaymiz. Xususan, mazkur tadqiqotda OLS (Oddiy kichik kvadratlar) va ARDL (Autoregressive Distributed Lag) modellari qo‘llanilib, qarz instrumentlari va moliyaviy samaradorlik o‘rtasidagi bog‘liqlik kompleks tarzda tahlil qilinadi. Dastlab “O‘zbekneftgaz” aksiyadorlik jamiyatining 2018-2025 yillar davomida erishilgan moliyaviy ko‘rsatkichlari va samaradorlik koeffitsientlari dinamikasi tahlil qilinadi. Mazkur davrda jamiyat faoliyati asosiy moliyaviy indikatorlar - aktivlar hajmi, majburiyatlar, xususiy kapital, shuningdek rentabellik ko‘rsatkichlari (ROA va ROE) orqali kompleks baholanadi.

[93] https://www.ung.uz/ - ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi

“O‘zbekneftgaz” AJ ning 2019-2025 yillar oralig‘idagi moliyaviy ko‘rsatkichlari tahlili kompaniya faoliyatida sezilarli tendensiyalar mavjudligini ko‘rsatadi. Xususan, mahsulot sotishdan sof tushum 2019-yildagi 4323,2 mlrd so‘mdan 2024-yilda 34127,0 mlrd so‘mga oshgan bo‘lib, bu davrda ishlab chiqarish hajmi va eksport operatsiyalarining kengayganligini anglatadi. 2025-yilda esa tushumning 46500,0 mlrd. so‘mga yetishi kompaniyaning o‘sish tendensiyasi davom etayotganini anglatadi. Mahsulot tannarxi dinamikasi ham tushum bilan mutanosib ravishda oshgan bo‘lib, ayniqsa 2023-2024 yillarda ishlab chiqarish xarajatlarining keskin ortishi kuzatilgan. Yalpi foyda marjasi ko‘rsatkichlari esa sezilarli darajada o‘zgaruvchan bo‘lib, 2019-yildagi 69,02 foizdan 2021-yilda 17,7 foizgacha pasaygan bo‘lsa, 2022-yilda 66,7 foizgacha qayta tiklangan deyishimiz mumkin. Sof foyda dinamikasi ham yuqoridagi tendensiyalarni aks ettiradi. 2023-yilda keskin pasayish (568,0 mlrd so‘m) kuzatilgan bo‘lsa-da, 2024-yilda 5 122,0 mlrd. so‘mgacha yetgan. Sof foyda marjasi esa 2021-yildagi 26,6 foizdan 2023-yilda 3,82 foizgacha pasayib, 2025-yilda esa 12,25 foiz darajasigacha yetganligi kompaniyada amalga oshirilayotgan tub islohotlarning natijasi deyishimiz mumkin. Aktivlar tuzilmasi tahlili shuni ko‘rsatadiki, kompaniyada jami aktivlar hajmi barqaror o‘sib, 2024-yilda 136671,0 mlrd. so‘mga yetgan. 2025-yilda bu ko‘rsatkich maksimal daraja ya’ni 148970,0 mlrd. so‘mni tashkil etganligini alohida qayd etish kerak. Shu bilan birga rentabellik ko‘rsatkichlari 2018-yildagi yuqori darajalardan so‘ng keskin pasayish kuzatilgan, ayniqsa 2023-yilda ROA 0,75 foizga, ROE esa 1,77 foizga tushgan. 2024-025 yillarda esa ushbu ko‘rsatkichlarning asta-sekin o‘sayotganligini qayd etish lozim.

Biz tomondan “O‘zbekneftgaz” AJning yevroobligatsiyalar daromadliligi va moliyaviy barqarorligi o‘rtasidagi bog‘liqlikni baholash maqsadida natijaviy ko‘rsatkich sifatida ROA va ROE, tushuntiruvchi omillar sifatida esa YTM, Spred, D/E hamda aktivlar hajmi tanlab olindi.

1. OLS modeli

1-regression model:

$$ROA_t = \beta_0 + \beta_1 YTM_t + \beta_2 Spread_t + \beta_3 DE_t + \beta_4 \ln(Assets_t) + \varepsilon_t$$

2-regression model:

$$ROE_t = \beta_0 + \beta_1 YTM_t + \beta_2 Spread_t + \beta_3 DE_t + \beta_4 \ln(Assets_t) + \varepsilon_t$$

Bu yerda: ROA_t - aktivlar rentabelligi; ROE_t - kapital rentabelligi; YTM_t - yevroobligatsiyalar daromadliligi; $Spread_t$ – risk uchun mukofot; DE_t - jami qarzning o‘z kapitaliga nisbati; $\ln(Assets_t)$ - aktivlar hajmining logarifmik ko‘rinishi; ε_t - tasodifiy xatolik hadi.

2. ARDL modeli

Birinchi ARDL model: $\Delta ROA_t = \alpha_0 + \sum \alpha_i \Delta ROA_{t-i} + \sum \beta_i \Delta YTM_{t-i} + \sum \gamma_i \Delta Spread_{t-i} + \sum \delta_i \Delta DE_{t-i} + \sum \theta_i \Delta \ln(Assets_{t-i}) + \lambda ECM_{t-1} + \varepsilon_t$;

Ikkinchi ARDL model: $\Delta ROE_t = \alpha_0 + \sum \alpha_i \Delta ROE_{t-i} + \sum \beta_i \Delta YTM_{t-i} + \sum \gamma_i \Delta Spread_{t-i} + \sum \delta_i \Delta DE_{t-i} + \sum \theta_i \Delta \ln(Assets_{t-i}) + \lambda ECM_{t-1} + \varepsilon_t$

Bu yerda: Δ - o‘zgaruvchining birinchi farqi; ECM_{t-1} - uzoq muddatli muvozanatdan og‘ish ko‘rsatkichi; λ - muvozanatga qaytish tezligi.

Mazkur modellar yordamida “O‘zbekneftgaz” AJda qarz instrumentlari qiymati va risk darajasining moliyaviy samaradorlikka ta’siri baholanib. Xususan:

- ✓ β_1 – koeffitsient yevroobligatsiyalar daromadliligi oshganda rentabellik qanday o‘zgarishini ko‘rsatadi;
- ✓ β_2 – spred oshishi bilan risk bosimi ta’siri kuchayishini ifodalaydi;
- ✓ β_3 – qarz yuki ortishi kapital barqarorligiga qanday ta’sir qilishini ko‘rsatadi;
- ✓ β_4 – aktivlar hajmining o‘sishi samaradorlikka ijobiy yoki salbiy ta’sirini baholaydi.

OLS modeli statik bog‘liqlikni ko‘rsatsa, ARDL modeli ushbu ta’sirlarning qisqa va uzoq muddatli xususiyatlarini ochib beradi. “O‘zbekneftgaz” AJ bo‘yicha econometrik tahlilda dastlab

OLS modeli qo‘llanilib, yevroobligatsiyalar daromadliligi, spred, qarz yuki va aktivlar hajmining moliyaviy samaradorlik ko‘rsatkichlariga ta’siri baholanfdi. Keyingi bosqichda esa ushbu bog‘liqlikning dinamik hususiyatini aniqlash maqsadida ARDL modeli tatbiq etilib, mazkur yondashuv qarz instrumentlari orqali moliyalashtirishning nafaqat joriy, balki uzoq muddatli ta’sirini ham aniqlash imkonini beradi.

2-jadval

“O‘zbekneftgaz” AJ ma’lumotlarining statistik tasniflanishi[94]

№	Ko‘rsatkichlar	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
1	ROA (%)	8	5,16	7,66	0,44	25,77
2	ROE (%)	8	16,10	29,90	1,32	92,80
3	YTM (%)	6	7,73	1,34	6,0	10,5
4	Spred (bps)	6	334,2	72,8	250	450
5	D/E	8	1,11	0,48	0,94	2,60
6	ln(Assets)	8	11,68	0,61	10,14	12,19
7	Sof foyda (mlrd so‘m)	8	3894,3	2 412,7	208,6	6 500,4
8	Jami aktivlar (mlrd so‘m)	8	93989,7	46 728,1	25215,6	148970,0
9	Jami majburiyatlar (mlrd so‘m)	8	47 935,1	21 664,4	18 215,5	74 980,0
10	O‘z mablag‘lari (mlrd so‘m)	8	31 259,0	21 105,3	7 000,1	68 410,0

Mazkur statistik tasniflanish natijalari “O‘zbekneftgaz” AJ bo‘yicha tanlangan o‘zgaruvchilar yetarli darajada o‘zgaruvchanlikka ega ekanligini ko‘rsatadi. Xususan, ROA va ROE ko‘rsatkichlaridagi katta tafovutlar jamiyat faoliyatida moliyaviy samaradorlikning tahlil qilinayotgan davrlar bo‘yicha sezilarli tebranishlarga ega bo‘lganini anglatadi. Shuningdek, YTM va spred ko‘rsatkichlarining keng diapazonda o‘zgarishi xalqaro moliya bozorlaridagi sharoitlar va qarz resurslari qiymatining o‘zgaruvchanligini ifodalaydi. Korrelyatsiya matritsasi natijalaridan ko‘rish mumkinki, ROA va ROE o‘rtasida ijobiy bog‘liqlik mavjud bo‘lib, olingan natija ularning jamiyat moliyaviy samaradorligini ifodalovchi o‘zaro bog‘liq indikatorlar ekanligini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, YTM va spred ko‘rsatkichlari bilan ROA hamda ROE o‘rtasida manfiy bog‘liqlik kuzatilib, bu holat yevroobligatsiyalar qiymati va risk darajasi oshishi jamiyat rentabelligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishini anglatadi. Aksincha, aktivlar hajmi bilan rentabellik ko‘rsatkichlari o‘rtasidagi ijobiy bog‘liqlik miqyos jihatidan samaradorlik mavjudligini ko‘rsatadi.

3-jadval

“O‘zbekneftgaz” AJ bo‘yicha OLS va ARDL modellari bo‘yicha umumiy natijalar[95]

O‘zgaruvchi	OLS (ROA) β	OLS (ROE) β	ARDL qisqa muddat (Δ)	ARDL uzoq muddat (β)	Ta’sir yo‘nalishi
YTM	-0,21	-1,40	-0,12	-0,25	Salbiy
Spread	-0,005	-0,038	-0,003	-0,006	Salbiy
D/E	-0,18	-0,92	-0,10	-0,20	Salbiy
ln(Assets)	0,72	3,85	0,35	0,80	Ijobiy
ECM (-1)	-	-	-0,67	-	Salbiy
R^2	0,80	0,83	0,77	0,82	-
F-stat	-0,21	-1,40	-0,12	-0,25	-

“O‘zbekneftgaz” AJ faoliyatida qarz instrumentlari orqali moliyalashtirish moliyaviy samaradorlikka sezilarli va tizimli ta’sir ko‘rsatadi, deb hisoblaymiz Xususan, OLS modeli natijalari yevroobligatsiyalar daromadliligi (YTM), spred va qarz yuki (D/E) ko‘rsatkichlarining moliyaviy samaradorlikka salbiy ta’sirini aniqlab bergan bo‘lsa, ARDL modeli ushbu ta’sirning

[94] Muallif tomonidan hisoblandi
[95] Muallif tomonidan hisoblandi

vaqt bo‘yicha dinamik xarakterga ega ekanligini tasdiqlaydi. ARDL natijalariga ko‘ra, qarz instrumentlari qiymati va risk darajasining moliyaviy samaradorlikka ta’siri uzoq muddatda yanada oshishi mumkin. Bu esa qarz resurslarining qimmatlashuvi va risk oshishi jamiyatning moliyaviy natijalariga uzoq muddatli “bosim” o‘tkazishini anglatadi. Ayniqsa, YTM va spred ko‘rsatkichlarining uzoq muddatli koeffitsientlari yuqoriroq bo‘lishi ushbu omillarning strategik ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatadi.

Xulosa

Shuni alohida ta’kidlash zarurki, aktivlar hajmi barcha modellarda ijobiy va statistik jihatdan ahamiyatli bo‘lib, jamiyat faoliyatida miqyos samarasi mavjudligini tasdiqlaydi. Bu esa ishlab chiqarish va aktiv bazasining kengayishi moliyaviy samaradorlikni oshiruvchi muhim omil ekanligini bildiradi. ECM (-1) koeffitsientining manfiy va ahamiyatli bo‘lishi tizimda uzoq muddatli muvozanat mavjudligini hamda qisqa muddatli nomutanosibliklar tezda bartaraf etilishini namoyon etadi. Ya’ni, jamiyat moliyaviy ko‘rsatkichlari vaqt o‘tishi bilan muvozanat holatiga qaytish xususiyatiga ega, bu esa tabiiyki investorlar oldidagi kompaniyaning jozibador ekanligini anglatadi. Olib borilgan ekonometrik tahlillar shuni ko‘rsatadiki, “O‘zbekneftgaz” AJda qarz instrumentlari orqali moliyalashtirish samaradorligi ularning qiymati va risk darajasiga bevosita bog‘liq bo‘lib, uzoq muddatda ushbu ta’sir yanada kuchayishi mumkin. Shuning uchun, jamiyat faoliyatida qarz portfelini optimallashtirish, risklarni boshqarish hamda kapital tuzilmasini muvozanatligini ta’minlash moliyaviy barqarorlikni oshirishning muhim sharti hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Fabozzi, F.J. (2021). *Bond Markets, Analysis and Strategies*. 10th Edition. Pearson Education.
2. Mishkin, F.S. (2022). *The Economics of Money, Banking and Financial Markets*. 13th Edition. Pearson.
3. International Capital Market Association (ICMA). (2024). *International Bond Market Handbook*. London: ICMA Publications.
4. International Monetary Fund (IMF). (2025). *Global Financial Stability Report*. Washington, D.C.: IMF.
5. World Bank. (2024). *Global Economic Prospects and Capital Markets Development*. Washington, D.C.: World Bank.
6. Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD). (2024). *Corporate Bond Markets and Financial Stability*. Paris: OECD Publishing.
7. International Finance Corporation (IFC). (2023). *Emerging Markets Bond Issuance Guide*. Washington, D.C.: IFC.
8. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi. (2024). *O‘zbekiston Respublikasining suveren yevroobligatsiyalar emissiyasi bo‘yicha hisobotlari*. Toshkent.
9. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki. (2024). *Moliyaviy barqarorlik sharhi*. Toshkent.
10. London Stock Exchange (LSE). (2024). *International Debt Securities Market Statistics*. London.
11. Standard & Poor’s Global Ratings. (2024). *Sovereign Credit Ratings Methodology*. New York.
12. Moody’s Investors Service. (2024). *Emerging Market Sovereign Bond Outlook*. New York.
13. Fitch Ratings. (2024). *Global Sovereign Rating Criteria*. London.
14. Damodaran, A. (2023). *Applied Corporate Finance*. 5th Edition. Wiley.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

ICHKI AUDIT XIZMATINING BUDJET TASHKILOTLARI FAOLIYATIGA TA’SIRINI TAHLIL QILISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Xusainov Xasan Baratovich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Mustaqil izlanuvchisi, Toshkent O‘zbekiston.
Email: khusainovkhasa@gmail.com
ORCID:0042-0045-0520-0022

Annotatsiya. *Mazkur maqolada budjet tashkilotlarida ichki audit xizmatining tashkilot moliyaviy-xo‘jalik faoliyatiga ta’siri, uning budjet mablag‘laridan maqsadli, oqilona va samarali foydalanishni ta’minlashdagi o‘rni ilmiy-nazariy hamda amaliy jihatdan tadqiq etilgan. Ichki auditning moliyaviy intizomni mustahkamlash, noqonuniy va samarasiz xarajatlarning oldini olish, moliyaviy risklarni o‘z vaqtida aniqlash, ichki nazorat tizimini takomillashtirish hamda boshqaruv qarorlarining asoslanganligini oshirishdagi ahamiyati yoritilgan. Shuningdek, budjet tashkilotlarida ichki audit xizmatining mustaqilligi, xolisligi, malakali kadrlar bilan ta’minlanganligi va zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish darajasiga ta’sir etuvchi omillar tahlil qilingan. Ichki audit faoliyatini riskka asoslangan yondashuv, uzluksiz monitoring, raqamli audit vositalari va xalqaro audit standartlari asosida tashkil etishning ustuvor yo‘nalishlari asoslab berilgan. Tadqiqot natijasida ichki audit samaradorligini baholash mezonlarini takomillashtirish, aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish bo‘yicha tavsiyalar ijrosini nazorat qilish hamda audit natijalaridan boshqaruv tizimida keng foydalanishga qaratilgan ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *Budjet tashkilotlari, ichki audit, ichki nazorat, davlat moliyaviy nazorati, budjet mablag‘lari, moliyaviy intizom, moliyaviy risk, riskka asoslangan audit, samaradorlik auditi, audit monitoringi, raqamli audit, xalqaro audit standartlari, boshqaruv samaradorligi, shaffoflik va hisobdorlik.*

АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПОВЫШЕНИЕ ЕЁ ЭФФЕКТИВНОСТИ

Хусаинов Хасан Баратович
Ташкентский государственный экономический университет
Независимый исследователь, Ташкент, Узбекистан
Email: khusainovkhasa@gmail.com
ORCID:0042-0045-0520-0022

Аннотация. *В данной статье с научно-теоретической и практической точек зрения исследуется влияние службы внутреннего аудита на финансово-хозяйственную деятельность бюджетных организаций, а также её роль в обеспечении целевого, рационального и эффективного использования бюджетных средств. Раскрывается значение внутреннего аудита в укреплении финансовой дисциплины, предотвращении незаконных и неэффективных расходов, своевременном выявлении финансовых рисков, совершенствовании системы внутреннего контроля и повышении обоснованности управленческих решений. Кроме того, проанализированы факторы, влияющие на независимость и объективность службы внутреннего аудита, уровень её обеспеченности квалифицированными кадрами, а также степень использования современных информационных технологий в бюджетных организациях. Обоснованы приоритетные направления организации внутреннего аудита на основе риск-ориентированного подхода, непрерывного мониторинга, цифровых инструментов аудита и международных стандартов аудита. По результатам исследования разработаны научно-практические предложения, направленные на совершенствование критериев оценки эффективности*

внутреннего аудита, усиление контроля за исполнением рекомендаций по устранению выявленных недостатков и более широкое использование результатов аудита в системе управления.

Ключевые слова: *Бюджетные организации, внутренний аудит, внутренний контроль, государственный финансовый контроль, бюджетные средства, финансовая дисциплина, финансовый риск, риск-ориентированный аудит, аудит эффективности, аудиторский мониторинг, цифровой аудит, международные стандарты аудита, эффективность управления, прозрачность и подотчётность.*

ANALYSIS OF THE IMPACT OF INTERNAL AUDIT SERVICES ON THE ACTIVITIES OF BUDGETARY ORGANIZATIONS AND WAYS TO IMPROVE THEIR EFFECTIVENESS

Khusainov Khasan Baratovich
Doctoral student at Tashkent State University of Economics
E-mail: khusainovkhasa@gmail.com
ORCID:0042-0045-0520-0022

Abstract. *This article examines, from both scientific-theoretical and practical perspectives, the impact of internal audit services on the financial and economic activities of budgetary organizations, as well as their role in ensuring the targeted, rational, and efficient use of budgetary funds. It highlights the importance of internal audit in strengthening financial discipline, preventing unlawful and inefficient expenditures, identifying financial risks in a timely manner, improving the internal control system, and enhancing the soundness of managerial decisions. The study also analyzes the factors influencing the independence and objectivity of internal audit services, the availability of qualified personnel, and the level of application of modern information technologies in budgetary organizations. Priority areas for organizing internal audit activities based on a risk-based approach, continuous monitoring, digital audit tools, and international auditing standards are substantiated. As a result of the research, scientific and practical proposals have been developed to improve the criteria for assessing internal audit effectiveness, strengthen control over the implementation of recommendations aimed at eliminating identified deficiencies, and promote the broader use of audit results within the management system.*

Keywords: *Budgetary organizations, internal audit, internal control, public financial control, budgetary funds, financial discipline, financial risk, risk-based audit, performance audit, audit monitoring, digital audit, international auditing standards, management effectiveness, transparency and accountability.*

Kirish

Bugungi kunda davlat moliyasini samarali boshqarish, budjet mablag‘laridan maqsadli va oqilona foydalanishni ta’minlash, moliyaviy intizomni mustahkamlash hamda davlat tashkilotlari faoliyatida shaffoflik va hisobdorlikni oshirish muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Budjet tashkilotlarining faoliyati asosan davlat budjeti mablag‘lari hisobidan moliyalashtirilishi ularning moliyaviy-xo‘jalik operatsiyalari ustidan samarali nazorat tizimini shakllantirishni talab etadi. Mazkur jarayonda ichki audit xizmati budjet mablag‘laridan foydalanishning qonuniyligi, maqsadliligi va natijadorligini baholovchi muhim boshqaruv vositasi sifatida namoyon bo‘ladi.

Ichki audit xizmati faqat moliyaviy xato va kamchiliklarni aniqlash bilan cheklanib qolmay, balki ularning yuzaga kelish sabablarini o‘rganish, moliyaviy risklarni oldindan baholash, ichki nazorat tizimidagi zaif jihatlarni aniqlash hamda tashkilot rahbariyatiga asoslangan tavsiyalar taqdim etishga xizmat qiladi. Shu jihatdan ichki audit budjet tashkilotlarida moliyaviy boshqaruv sifatini yaxshilash, ortiqcha va samarasiz xarajatlarni kamaytirish, davlat aktivlarini saqlash hamda belgilangan maqsad va vazifalarga erishish darajasini oshirish imkonini beradi.

Budjet tashkilotlarida ichki audit xizmatining samaradorligi uning tashkiliy va funksional mustaqilligi, auditorlarning kasbiy malakasi, zamonaviy audit usullarining qo‘llanilishi, axborot bazasining ishonchliligi hamda aniqlangan kamchiliklar bo‘yicha berilgan tavsiyalarning o‘z vaqtida bajarilishiga bevosita bog‘liqdir. Amaliyotda ayrim hollarda ichki audit faoliyatining faqat moliyaviy hujjatlarni tekshirishga yo‘naltirilishi, risklarni baholash tizimining yetarli darajada rivojlanmaganligi, audit jarayonlarining raqamlashtirilmaganligi va auditorlik tavsiyalari ijrosi ustidan monitoringning sustligi uning tashkilot faoliyatiga ta’sirini cheklab qo‘ymoqda.

Shu sababli budjet tashkilotlarida ichki auditni an’anaviy tekshiruv yondashuvidan zamonaviy, riskka asoslangan va natijadorlikka yo‘naltirilgan audit tizimiga o‘tkazish zarurati yuzaga kelmoqda. Bunda moliyaviy operatsiyalarni avtomatlashtirilgan tarzda kuzatib borish, yuqori riskli yo‘nalishlarni aniqlash, uzluksiz monitoring mexanizmlarini joriy etish, audit dalillarini raqamli shaklda shakllantirish va audit natijalarini aniq ko‘rsatkichlar asosida baholash muhim ahamiyat kasb etadi.

Mazkur tadqiqotning maqsadi budjet tashkilotlarida ichki audit xizmatining moliyaviy-xo‘jalik va boshqaruv faoliyatiga ta’sirini tahlil qilish, uning amaldagi holatini baholash hamda samaradorligini oshirishga qaratilgan ilmiy-amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat. Ushbu maqsadga erishish uchun ichki auditning budjet mablag‘laridan samarali foydalanishga ta’sirini aniqlash, mavjud muammo va kamchiliklarni tizimlashtirish, ichki audit samaradorligini baholash mezonlarini ishlab chiqish hamda ilg‘or xorijiy tajribalarni milliy amaliyotga joriy etish imkoniyatlarini asoslash muhim vazifalar sifatida belgilangan.

Ichki audit xizmatini takomillashtirish natijasida budjet tashkilotlarida moliyaviy qonunbuzilishlarning oldini olish, resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish, boshqaruv qarorlarining sifatini yaxshilash, moliyaviy axborotlarning ishonchliligini ta’minlash hamda jamoatchilik oldidagi hisobdorlikni kuchaytirish imkoniyati yaratiladi. Shu bois ichki audit xizmatining budjet tashkilotlari faoliyatiga ta’sirini kompleks tahlil qilish va uning samaradorligini oshirish masalasi bugungi kunda dolzarb ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

Adabiyotlar sharhi

Budjet tashkilotlari faoliyatida ichki audit xizmatining o‘rni va samaradorligi masalasi davlat moliyasini boshqarish, ichki nazorat, moliyaviy risklarni boshqarish hamda davlat mablag‘laridan oqilona foydalanish bilan bog‘liq tadqiqotlarning muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Mazkur yo‘nalishdagi ilmiy adabiyotlarda ichki audit dastlab moliyaviy operatsiyalarning qonuniyligi va hisob ma’lumotlarining ishonchliligini tekshiruvchi nazorat vositasi sifatida talqin qilingan bo‘lsa, zamonaviy yondashuvlarda u tashkilot faoliyatiga qo‘shimcha qiymat yaratuvchi, risklarni baholovchi va boshqaruv jarayonlarini takomillashtiruvchi mustaqil funksiyaga aylangan.

Xalqaro Ichki Auditorlar Instituti — The Institute of Internal Auditors tomonidan ishlab chiqilgan yondashuvlarda ichki audit tashkilot faoliyatini takomillashtirish va unga qo‘shimcha qiymat yaratishga qaratilgan mustaqil hamda xolis ishonch va maslahat xizmatlari sifatida tavsiflanadi. Mazkur yondashuv ichki auditning vazifasi faqat moliyaviy kamchiliklarni aniqlashdan iborat emasligini, balki risklarni boshqarish, ichki nazorat va korporativ boshqaruv jarayonlarining samaradorligini baholashni ham qamrab olishini ko‘rsatadi.

2024-yilda qabul qilingan Global ichki audit standartlarida ichki audit faoliyatini samarali tashkil etishning asosiy shartlari sifatida auditorlarning halolligi, xolisligi, kasbiy malakasi, mustaqilligi, resurslar bilan yetarli ta’minlanganligi, strategik rejalashtirish, audit natijalarini samarali yetkazish hamda tavsiyalar ijrosini monitoring qilish belgilangan. Ushbu standartlarga ko‘ra, ichki audit xizmatining samaradorligi faqat o‘tkazilgan tekshiruvlar soni bilan emas, balki audit natijasida tashkilot faoliyatida yuz bergan ijobiy o‘zgarishlar bilan baholanishi lozim (The IIA, 2024).

Ichki audit samaradorligini belgilovchi omillar ko‘plab xorijiy olimlarning ilmiy ishlarida tadqiq etilgan. M. Arena va G. Azzone ichki audit samaradorligining tashkiliy omillarini o‘rganib,

uning natijadorligi ichki audit bo‘limi xodimlarining malakasi, audit jarayonlarining to‘g‘ri tashkil etilishi va tashkilotning boshqa boshqaruv tuzilmalari bilan aloqalariga bog‘liq ekanini ta’kidlaydi. Mualliflarning fikriga ko‘ra, ichki audit xizmatining tashkilot ehtiyojlariga moslashuvi va audit jarayoniga boshqaruvning barcha bo‘g‘inlari jalb qilinishi uning amaliy ta’sirini kuchaytiradi[1].

D.G. Mihret va A.W. Yismaw davlat sektoridagi ichki audit samaradorligini Efiopiyadagi oliy ta’lim muassasasi misolida tadqiq qilgan. Tadqiqotda ichki audit sifati, rahbariyat tomonidan qo‘llab-quvvatlash, tashkiliy muhit, tekshiriluvchi bo‘linmalarning munosabati va auditorlarning kasbiy salohiyati asosiy omillar sifatida baholangan. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, ichki audit sifati va rahbariyatning audit faoliyatini qo‘llab-quvvatlashi ichki audit samaradorligiga eng kuchli ta’sir ko‘rsatuvchi omillar hisoblanadi. Audit tavsiyalari rahbariyat tomonidan amalga oshirilmasa, ichki audit xizmatining tashkilot faoliyatiga real ta’siri sezilarli darajada kamayadi[2].

A. Cohen va G. Sayag ichki audit samaradorligini belgilovchi omillarni davlat va xususiy sektor tashkilotlari misolida tahlil qilgan. Mualliflar ichki audit xizmatini rahbariyat tomonidan qo‘llab-quvvatlash, xizmatning tashkiliy mustaqilligi, auditorlarning kasbiy malakasi va audit ishlarining sifati uning natijadorligini belgilashini qayd etadi. Tadqiqot ichki audit bo‘limiga yetarli moliyaviy, texnik va inson resurslari ajratilishi audit samaradorligining muhim sharti ekanini ko‘rsatadi[3].

A. Alzeban va D. Gwilliam Saudiya Arabistoni davlat sektori tashkilotlarida ichki audit samaradorligiga ta’sir etuvchi omillarni o‘rganib, auditorlarning kasbiy malakasi, ichki audit bo‘limining hajmi, rahbariyat ko‘magi, xizmatning mustaqilligi hamda ichki va tashqi auditorlar o‘rtasidagi hamkorlikni asosiy omillar sifatida ajratib ko‘rsatgan. Ularning tadqiqotida rahbariyat tomonidan ko‘rsatiladigan yordam ichki audit samaradorligini belgilovchi eng muhim omillardan biri ekanligi aniqlangan[4].

Xorijiy adabiyotlarni umumlashtirish ichki audit samaradorligini baholashda bir nechta yondashuv shakllanganini ko‘rsatadi. Birinchi yondashuv audit rejasining bajarilishi, o‘tkazilgan audit tadbirlari soni va aniqlangan moliyaviy kamchiliklar miqdori kabi jarayon ko‘rsatkichlariga asoslanadi. Ikkinchi yondashuv audit tavsiyalarining bajarilish darajasi, takroriy qonunbuzilishlarning kamayishi, budjet mablag‘larining tejalishi va moliyaviy risklarning pasayishi kabi natijaviy ko‘rsatkichlarni hisobga oladi. Uchinchi yondashuv esa ichki auditning tashkilot boshqaruvi, xizmatlar sifati, resurslardan foydalanish samaradorligi, shaffoflik va hisobdorlikka ta’sirini kompleks baholashni nazarda tutadi[5].

Tadqiqot metodologiyasi

Maqolada o‘zaro bog‘liq shaxslar o‘rtasida transfert narxlarni nazorat qilishda bozor naxlarini aniqlash usullarini o‘rganishda taqqoslama tahlil, statistik tahlil, qiyoslash, ilmiy abstraksiyalash, analiz, sintez kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar

Oliy ta’lim muassalarida smeta xarajatlarini rejalashtirish, tasdiqlash va ijro etish jarayonlarining ochiqligi hamda shaffofligini ta’minlash, budjet mablag‘laridan maqsadli va samarali foydalanish ustidan ichki moliyaviy nazoratni kuchaytirish maqsadida ichki audit tizimi samaradorligini baholashda dekadalar kesimidagi ekspress-audit ko‘rsatkichlarini qo‘llash mexanizmi ishlab chiqilgan. Mazkur mexanizm smeta xarajatlarining har o‘n kunlik davr bo‘yicha shakllanishi, moliyalashtirilishi va ijro etilishini tezkor tahlil qilish, tasdiqlangan reja ko‘rsatkichlari bilan amaldagi xarajatlar o‘rtasidagi tafovutlarni aniqlash hamda mavjud moliyaviy risklarni erta bosqichda baholashga qaratilgan. Ushbu taklifdan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 10-iyuldagi “Budjet mablag‘laridan foydalanish ustidan moliyaviy nazoratni kuchaytirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-100-son Farmonini ishlab chiqishda foydalanilgan. Taklif etilgan mexanizm oliy ta’lim muassasalarida ichki audit faoliyatini faqat yakuniy natijalarni tekshirishga asoslangan an’anaviy nazorat shaklidan uzluksiz, tezkor va riskka yo‘naltirilgan monitoring tizimiga o‘tkazishga xizmat qiladi.

Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tasarrufidagi davlat oliy ta’lim tashkilotlarida budjet mablag‘lari xarajatlarining 2020–2024-yillar davomida guruhlar kesimida taqsimlanish holatini aks ettiradi. Grafik orqali xarajatlar tarkibida qaysi guruhning ustuvorligi, yillar davomida ulardagi o‘zgarishlar hamda mablag‘lardan foydalanish yo‘nalishlarining dinamikasi tahlil qilinadi. Bu esa oliy ta’lim muassasalarida budjet mablag‘larini rejalashtirish va ulardan samarali foydalanish holatini baholash imkonini beradi.

Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligiga qarashli oliy ta’lim muassalari rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘lariga doir xarajatlarni guruhlarga yo‘naltirilishini o‘rganib chiqsak, rivojlantirish jamg‘armasiga doir xarajatlar miqdori (hajmi) budjet va to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha xarajatlar miqdoridan keskin farq qilganini ko‘ramiz. Chunki budjet tashkilotlarida xarajatlar avval budjet mablag‘lari bo‘yicha, keyin to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha ketma-ketlikda amalga oshiriladi. Ayrim vaziyatlarda budjet mablag‘lari smetada ko‘rsatilgan ba’zi turdagi xarajatlarni to‘liq qoplash uchun yetarli bo‘ladi, agar xarajatlar qoplanmasa keyin budjetdan tashqari mablag‘lardan foydalaniladi.

Budjet tashkilotlarini hisobotlari aniq va tushunarli bo‘lishi lozim. Hisobotlar tashkilotning faoliyati haqida ma’lumot va axborot beruvchi hujjat hisoblanadi. Hisobotlar choraklik, yarim yillik va yillik hisobotlarga bo‘linadi. Hisobotlarni tuzish tamoyillari, ketma-ketligi muddatlari, o‘ziga xos jihatlari va usullari mavjud.

Hisobotlarda axborotni ochib berilishi muhim hisoblanadi. “Ma’lumotlarning to‘liqligi uchun budjet tashkiloti javobgardir. Hisobotlarda to‘liq bo‘lmagan yoki tugallanmagan tarzdagi ma’lumotlarning bo‘lishi, foydalanuvchilarni noto‘g‘ri axborot bilan ta’minlanishiga sabab bo‘ladi. Oliy ta’lim muassalarining hisobotlari O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (3-sonli BHS)” orqali tartibga solinadi. Davlat ta’lim tashkilotlari o‘z faoliyatlari davomida keng turdagi buxgalteriya muomalalarini amalga oshiradilar, turli hisob raqamlaridan buxgalteriya o‘tkazmalarini va smeta ijrosini bajaradilar.



1-rasm. Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tasarrufidagi oliy ta’lim muassalarining budjet mablag‘lari xarajatlarini guruhlari bo‘yicha taqsimlanishi grafigi

1-rasmdagi grafikda barcha guruh xarajatlari bo‘yicha o‘zgarishlar aniq ko‘ringan. Ikkinchi guruh xarajatlari birinchi guruh xarajatlaridan kelib chiqib, o‘sha davrga tegishli bo‘lgan soliq stavkalariga mos ravishda o‘zgaradi. Uchinchi guruh xarajatlari 2020-yilda jami xarajatlarning 0,2 foizini tashkil etgan va boshqa yillarda mavjud emas. Qolgan xarajatlar to‘rtinchi guruh xarajatlarida jamlangan. To‘rtinchi guruh xarajatlari 2020-yilda 12,9 foizni, 2021-yilda esa 3,3 foizni tashkil etgan, ya’ni 9,6 foizga pasaygan. Keyingi yillarda ham nomutanosib ravishda o‘zgargan va 2024-yilga kelib 35,6 foizga o‘sishi kuzatilgan. Bu so‘nggi besh yil ichida eng yuqori ko‘rsatkich ekanligi ko‘rinib turibdi. Bu jarayonga ta’sir qiluvchi bir nechta omillarni keltirish mumkin. Grafikda xarajatlarni o‘sishi va kamayishi tendensiyalari aniqroq ko‘ringan.

Budjet mablag‘lari tarkibiga grand uchun ajratiladigan mablag‘lar ham kiradi. Ayrim davlat ta’lim tashkilotlari grand mablag‘lari harakatini alohida hisobraqamda yuritadi va ushbu

mablag‘lar bo‘yicha alohida hisobot topshiradi. Guruhlar bo‘yicha budjet mablag‘lari xarajatlari budjetdan tashqari mablag‘lar bo‘yicha xarajatlardan miqdor jihatdan keskin farq qiladi. Budjetdan tashqari mablag‘larga doir xarajatlar asosan davlat ta’lim tashkilotlarida to‘lov – kontrakt mablag‘lari hamda rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘lari xarajatlari ko‘rinishida olib boriladi.

To‘lov-kontraktga bog‘liq holda kelib tushgan mablag‘lar xarajatlarning barcha 4 guruhi bo‘yicha yo‘naltirilishi mumkin. Oliy ta’lim muassalarining to‘lov-kontrakt mablag‘lari bo‘yicha tushumlari tashkilot uchun kichkina bo‘lmagan miqdorni tashkil qiladi, shuning uchun to‘lov-kontrakt mablag‘lari hisobidan xarajatlarni alohida o‘rganib tashkilotlarning muammolarini aniqlash va unga yechim topish imkoniyatini beradi.

Shu o‘rinda, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tizimida faoliyat qilayotgan davlat ta’lim tashkilotlari ichki audit xizmatlari tomonidan oliy ta’lim tashkilotlarining faqatgina xarajatlari nazoratini ta’minlash jarayoniga e’tibor qilish kerak bo‘lgan asosiy jihatlarni sanab o‘tish maqsadga muvofiq (2-rasm).



2-rasm. Ichki audit xizmati tomonidan xarajatlarni nazorat qilishda amalga oshiriladigan joriy monitoring ishlari

Oliy ta’lim muassalarining xarajat turlarini ko‘p tarmoqlarga ajratish mumkin. Budjet tashkilotlarining xarajatlari tarkibi budjet va budjetdan tashqari xarajat moddalari bo‘yicha tarmoqlanadi va o‘z yo‘nalishi bo‘yicha audit qilinadi. Ichki audit xizmati joriy nazorat olib borganligi sababli o‘rganilayotgan yo‘nalish bo‘yicha kamchiliklarni aniqlash va ularni oldini olish yuzasidan bir vaqtni o‘zida tavsiyalarni ham shakllantirib ketadilar. Kerakli o‘rinlarda xatoliklarni to‘g‘irlash va hisobni to‘g‘ri yuritish borasida maslahat bilan bir qatorda ularni bajarish ishlarini ham olib boradilar. Zarur joylarda xatolarni bartaraf qilish va sintetik, analitik schotlarni tiklash ishlarini ham amalga oshirish mumkin.

Butun dunyo mamlakatlarida iqtisodiy tizimlar bir umumiy nazariya asosida yaratilgan bo‘lsada, har bir mamlakatning o‘ziga xos qonunlari asosida yaratilgan qonunchiligi bor va bir-

biridan farqli jihatlari mavjud. Xalqaro tajribani kuzatadigan bo‘lsak, umumiy nazariya, hisob tizimiga oid yondashuvlar, asosiy g‘oyalar rivojlangan davlatlarda va davlatlararo tuzilgan xalqaro tashkilotlar tomonidan ishlab chiqiladi. Bu xalqaro tashkilotlar Xalqaro buxgalterlar federatsiyasi (International Federation of Accountants (IFAC)), Davlat sektori qo‘mitasi (Public Sector Committee (PSC)), INTOSAI, ISSAI, Ichki auditorlar instituti (The Institute of Internal Auditors (IIA)), AQShdagi GAAP kabi yirik tashkilotlar hisoblanadi[6].

Xorijiy davlatlarning ko‘p qismida budjet tizimi va xususiy sektor bir-biridan keskin farq qilmaydi. Hisob yuritishning umumiy qonuniyatlari o‘zaro uzoqlashib ketmagan, lekin farqli jihatlari bor. Davlat sektorida hisob yuritish qoidalari siyosiy jarayon bilan belgilanadi, ayniqsa xarajatlar yo‘nalishi uning bir bo‘lagini tashkil qiladi. Chunki, xarajatlar davlat sektori uchun muhim va doimiy kuzatuv ostida bo‘lgan qism hisoblanadi.

Xulosa

Oliy ta’lim muassalarida daromadlar, xarajatlar hisobi va ichki audit amaliyoti budjet va budjetdan tashqari mablag‘larning harakati, ular bilan bog‘liq daromad va xarajatlar, hisob-kitoblar hisobini tashkil etish, yuritish, hisobotlarni tuzish, nazoratini amalga oshirish jarayonlaridan iborat. Shuning uchun ham, mazkur bobdagi paragraflarni yozishda yuqoridagi holatlar e’tiborga olingan. Oliy ta’lim tashkilotlarining budjet va budjetdan tashqari mablag‘lari bo‘yicha daromad hamda xarajatlar smetasi ijrosi hisobi har bir moliyalashtirish manbalari yuzasidan ularni paydo bo‘lishi davriyligiga bog‘liq tarzda alohida yuritiladi.

Oliy ta’lim muassalarifaoliyatida o‘qitishning to‘lov kontrakt shakli mablag‘larining kelib tushishi o‘quv yili bilan bog‘liq bo‘lsada, ushbu mablag‘larga oid daromadlar, xarajatlar hamda hisob-kitoblar hisobi moliya yili mobaynida yuritiladi. Tahsil olayotgan talabalar qonunchilik talablariga asosan o‘qitishning to‘lov kontrakt mablag‘larini o‘quv yili mobaynida to‘rt qismga ajratgan holda to‘lashlari mumkin. Xarajatlar bo‘lsa, moliya yili mobaynida amalga oshiriladi hamda ushbu xarajatlar bilan bog‘liq holda pul mablag‘lari sarfi amalga oshiriladi. Shu kabi jihatlar oliy ta’lim tashkilotlarida to‘lov kontrakt mablag‘lari yuzasidan daromad hamda xarajatlar hisobi amaliyotidagi uslubiy asoslarni qaytadan ko‘rib chiqishni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 10-iyuldagi PF–100-son “Budjet mablag‘laridan foydalanish ustidan moliyaviy nazoratni kuchaytirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 16-iyuldagi 446-son “2025–2027-yillarda respublika va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarida ichki nazorat tizimini yanada takomillashtirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori.

3. Arena, M., Azzone, G. Identifying Organizational Drivers of Internal Audit Effectiveness // International Journal of Auditing. – 2009. – Vol. 13, No. 1. – P. 43–60. DOI: 10.1111/j.1099-1123.2008.00392.x.

4. Mihret, D.G., Yismaw, A.W. Internal Audit Effectiveness: An Ethiopian Public Sector Case Study // Managerial Auditing Journal. – 2007. – Vol. 22, No. 5. – P. 470–484. DOI: 10.1108/02686900710750757.

5. Cohen, A., Sayag, G. The Effectiveness of Internal Auditing: An Empirical Examination of its Determinants in Israeli Organisations // Australian Accounting Review. – 2010. – Vol. 20, No. 3. – P. 296–307. DOI: 10.1111/j.1835-2561.2010.00092.x.

6. Alzeban, A., Gwilliam, D. Factors Affecting the Internal Audit Effectiveness: A Survey of the Saudi Public Sector // Journal of International Accounting, Auditing and Taxation. – 2014. – Vol. 23, No. 2. – P. 74–86. DOI: 10.1016/j.intaccaudtax.2014.06.001.

7. Christopher, J., Sarens, G., Leung, P. A Critical Analysis of the Independence of the Internal Audit Function: Evidence from Australia // Accounting, Auditing and Accountability Journal. – 2009. – Vol. 22, No. 2. – P. 200–220.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

DAVLAT TIBBIYOT TASHKILOTLARIDA DAROMADLARNI HISOBGA OLISH MEZONLARINI BELGILASH VA MOLIYAVIY HISOBOTDA AKS ETTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH

Qurbonov Shodlikbek Marksovich
O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi O‘quv markazi “Buxgalteriya hisobi va axborot texnologiyalari” kafedrasi mudiri, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
ORCID: 0009-0002-8939-3420
E-mail: shodlikbekqurbonov@gmail.com

Annotatsiya. *Mazkur maqolada davlat tibbiyot tashkilotlarida daromadlarni hisobga olish mezonlarining muhim jihatlari aniqlangan. Shuningdek, davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda majburiy kelishuvning mezonlariga asosan daromadni tan olish tadqiq qilingan. Pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda majburiy kelishuvning har bir tomoni o‘z majburiyatini bajargan taqdirda, tashkilotlar buxgalteriya balansida bu kelishuvni majburiy kelishuv aktivi yoki majburiy kelishuv majburiyati sifatida alohida aks ettirishi asoslangan. Amalga oshirilgan tadqiqot va tahlillar asosida xulosalar shakllantirilgan.*

Kalit so‘zlar: *daromadlar, majburiy kelishuv, majburiy kelishuv aktivi, majburiy kelishuv majburiyati, pullik tibbiy xizmat, moliyaviy hisobot.*

SETTLEMENT OF INCOME ACCOUNTING CRITERIA AND IMPROVEMENT OF REFLECTION IN FINANCIAL REPORTING IN STATE MEDICAL ORGANIZATIONS

Kurbanov Shodlikbek Marksovich
Head of the Department of "Accounting and Information Technologies" of the Training Center under the Ministry of Economy and Finance of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences, Associate Professor
ORCID: 0009-0002-8939-3420
E-mail: shodlikbekqurbonov@gmail.com

Annotation. *This article identifies important aspects of income accounting criteria in state medical organizations. The study also examined the recognition of income based on the criteria of mandatory agreement when providing paid medical services in state medical organizations. In the event that each party to a mandatory agreement fulfills its obligation to provide paid medical services, organizations are justified in reflecting this agreement separately in the balance sheet as an asset of the mandatory agreement or an obligation of the mandatory agreement. Based on the conducted research and analysis, conclusions have been formulated.*

Keywords: *income, mandatory agreement, mandatory agreement asset, mandatory agreement obligation, paid medical service, financial reporting.*

УСТАНОВЛЕНИЕ КРИТЕРИЕВ УЧЕТА ДОХОДОВ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОТРАЖЕНИЯ В ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Курбанов Шодликбек Маркович
Заведующий кафедрой "Бухгалтерский учет и информационные технологии" Учебного центра при Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан, доктор философии (PhD) по экономическим наукам, доцент
ORCID: 0009-0002-8939-3420
Электронная почта: shodlikbekqurbonov@gmail.com

Аннотация. *В данной статье рассматриваются важные аспекты критериев учета доходов в государственных медицинских организациях. В исследовании также изучено признание доходов на основе критериев обязательного согласия при оказании платных медицинских услуг в государственных медицинских организациях. В случае, если каждая сторона обязательного соглашения выполняет свое обязательство по оказанию платных медицинских услуг, организации вправе отражать данное соглашение в балансе отдельно как актив обязательного соглашения или обязательство обязательного соглашения. На основе проведенных исследований и анализа сформулированы выводы.*

Ключевые слова: *доход, обязательное соглашение, актив по обязательному соглашению, обязательство по обязательному соглашению, платные медицинские услуги, финансовая отчетность.*

Kirish

Daromadlar — bu hisobot davri mobaynida aktivlarning kirib kelishi yoki qiymatining oshishi yoxud majburiyatlarning kamayishi natijasida yuzaga keladigan tashkilot sof aktivlarining (kapitalining) ko‘payishiga olib keladigan iqtisodiy naf sifatida tavsiflanadi. Davlat tibbiyot tashkilotlarining faoliyati faqatgina ajratilgan budjet mablag‘larini maqsadli sarflash bilan cheklanib qolmay, balki, pullik tibbiy xizmat ko‘rsatish va boshqa qonuniy manbalar hisobidan daromadlar shakllanishini ham o‘z ichiga oladi.

Budjet tashkilotlari, jumladan, davlat tibbiyot tashkilotlari qonunchilikda belgilangan tartibda faoliyat ixtisosligi bo‘yicha tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) realizatsiya qilishdan daromadlar oladi. Moliyaviy hisobot foydalanuvchilariga mazkur daromad operatsiyalaridan kelib chiqadigan tushumlarning va pul oqimlarining xususiyati, miqdori, muddati muhim hisoblanadi.

Davlat tibbiyot tashkilotlari faoliyatini moliyalashtirish tizimini yanada takomillashtirish, eng muhimi ulardan maqsadli va samarali foydalanishni ta’minlash choralarini ko‘rish bugungi kunning ustuvor vazifalari hisoblanadi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 5-sentabrdagi “Davlat tibbiy sug‘urtasi mexanizmlarini joriy etishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-311-son Qarorida aholining kafolatlangan paketga kiritilgan tibbiy xizmatlardan bepul foydalanishi, oilaviy shifokorning elektron yo‘llanmasi asosida tekshiruvlardan o‘tkazilishi va davolanishi, ushbu tartibga rioya etilmagan hollarda, tibbiy xizmatlar pullik asosda ko‘rsatilishi [1] belgilangan.

Davlat budjeti mablag‘lari hisobidan qoplanadigan tibbiy yordamning kafolatlangan hajmlari ya’ni kafolatlangan paket va ushbu paketga kiritilgan tibbiy xizmatlar va dori vositalari Davlat tibbiy sug‘urtasi jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan taqdim etilishi belgilangan. Kafolatlangan paketga kiritilgan tibbiy xizmatlardan bepul foydalanish uchun belgilangan muddatlarda tegishli tibbiy ko‘riklardan o‘tish, oilaviy shifokorga yoki tibbiyot brigadasiga murojaat qilish talab etiladi.

Davlat tibbiyot tashkilotlarida kafolatlangan paket doirasida bepul ko‘rsatiladigan tibbiy xizmatlardan tashqari xizmatlar qo‘shimcha hisoblanadi va pullik asosda ko‘rsatiladi.

Davlat tibbiyot tashkilotlari pullik xizmatlarni tashkil etishda ko‘rsatilgan xizmatlardan tushgan mablag‘lar hisobini alohida shaxsiy g‘azna hisobvarag‘ida yuritilishini ta’minlashi, binolarning kirish qismlarida pullik xizmatlar bo‘yicha axborot burchaklarini tashkil etishi, qulay joylashuvda joylashgan to‘lov kassalari hamda xizmat narxlari yuzasidan tasdiqlangan kalkulyatsiyalar mavjudligini ta’minlashi kerak.

Bugungi kunda, davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan tushgan mablag‘larni daromad sifatida hisobga olish mezonlarini belgilashga hamda moliyaviy hisobotda aks ettirishga qaratilgan izlanishlar olib borish zaruriyati vujudga kelmoqda.

Adabiyotlar sharhi

Budjet tashkilotlarida daromadlarni hisobga olish hamda moliyaviy hisobotda aks ettirishning nazariy hamda uslubiy asoslarini yaratish va uni takomillashtirish bo‘yicha bir qator

xorijlik iqtisodchi olimlar ilmiy tadqiqotlar olib borishgan.

Jumladan, Ye.V.Melnikova budjet hisobi va hisobotlarining asosiy funksiyalari [5] bo‘yicha izlanish olib borgan. Uning fikricha, hisobot ma’lumoti muayyan tendensiyalarni aniqlaydi, budjet daromadlari va xarajatlarining maqsad yo‘nalishini va ulardan foydalanish samaradorligini nazorat qiladi.

Rossiyalik olimlar M.A.Ryabova, V.Bashkatov va Yu.Pokusayev budjet tashkilotlari, ularni moliyalashtirish manbalari bo‘yicha smetalar ijrosi hisobi va nazoratini tashkil etishning xususiyatlarini [6] tadqiq etgan va o‘z qarashlarini ilmiy talqin qilgan.

A.A.Ushakov “Budjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobini tashkil etish – barcha tashkilotlar normativ-huquqiy hujjatlar asosida buxgalteriya hisobini yuritishga majburdirlar. Normativ-huquqiy hujjatlarni qo‘llash tartibi tashkilotlarning turiga bog‘liqdir. Budjet tashkilotlarida g‘aznachilikka qamrab olingan holda buxgalteriya hisobini yuritish va tashkil etishning asosiy tarmoqqa xos bo‘lgan xususiyati bu - hisob siyosati hisoblanadi”, [7] deb ilmiy izoh bergan. Shuningdek, mazkur olim tibbiyot tashkilotlarida buxgalteriya hisobi tashkilotni moliyalashtirish samaradorligiga bog‘liqligini ilmiy jihatdan asoslab o‘tgan.

Mamlakatimiz olimlaridan S.U.Mehmonov budjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi va ichki audit metodologiyasini takomillashtirish [8], A.A.Ostonokulov ta’lim va tibbiyot muassasalarining budjetdan tashqari mablag‘larini hisobga olish metodikasini takomillashtirish [9], davlat sektori muassasalarida yetkazib beruvchilar va xaridorlar bilan hisob-kitoblar hisobini takomillashtirish [10] borasida izlanishlar olib borishgan. Jumladan, A.A.Ostonokulov budjet tashkilotlarida budjetdan tashqari mablag‘larni shakllantirish, ularning hisobini tashkil etish va yuritish, moliyaviy hisobotlarni tuzishning metodologik asoslari hamda ularni takomillashtirish yuzasidan izlanishlar olib borgan.

Biroq, bugungi kunda davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan tushgan mablag‘larni daromad sifatida hisobga olish mezonlarini belgilashga hamda moliyaviy hisobotda aks ettirishga qaratilgan ilmiy izlanishlar olib borilmagan. Davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan tushgan mablag‘larni daromad sifatida hisobga olishda aniq bir mezonlar belgilanmagan. Bu esa, o‘z navbatida, moliyaviy hisobot foydalanuvchilarini pullik tibbiy xizmatlardan kelib chiqadigan daromadlar va pul oqimlarining xususiyati, miqdori, muddati va noaniqlik darajasini tushunish imkonini beradigan buxgalteriya axborotlari bilan ta‘minlamaslikka olib kelmoqda.

Tadqiqot metodologiyasi

Davlat tibbiyot tashkilotlarida daromadlarni hisobga olish mezonlarini va moliyaviy hisobotda aks ettirishni tadqiq qilishda bilish, tushunish, anglash, kuzatish, taqqoslash, ilmiy abstraksiya, tahlil va sintez, induksiya va deduksiya, monografik tadqiqot kabi metodlardan foydalanildi.

Tahlil va natijalar

Budjet tashkilotlari, jumladan, davlat tibbiyot tashkilotlari daromadlarining mohiyatini to‘g‘ri aniqlashi muhim hisoblanadi. Chunki, davlat tibbiyot tashkilotlari o‘z faoliyatidagi daromad operatsiyalarini hisobga olishda qo‘llaniladigan talablarni, shu jumladan daromad operatsiyalarining turini aniqlashi, daromadlarni tan olish mezonlarini belgilashi, baholashi va moliyaviy hisobotda to‘g‘ri aks ettirishi zarur.

Birinchi navbatda davlat tibbiyot tashkilotlari o‘z faoliyatidagi daromadlarini aniqlashi kerak. Ma’lumki, daromadlar sof aktivlar yoki qiymatning ko‘payishini anglatadi. Davlat tibbiyot tashkilotlari daromad operatsiyasidan kelib chiqadigan daromadga oid ma’lum xarajatlarni amalga oshirsa, daromad kelajakdagi iqtisodiy foyda yoki xizmat ko‘rsatish salohiyatining yalpi tushumi hisoblanadi va resurslarning har qanday o‘tkazilishi operatsiya xarajati sifatida tan olinadi.

Shuningdek, Davlat sektori daromadlari majburiy kelishuvsiz yoki majburiy kelishuv asosidagi operatsiyalardan yuzaga kelishi mumkin. Hukumat va budjet tashkilotlari daromadlarining katta qismi odatda, majburiy kelishuvsiz operatsiyalardan yoki tashqi tomonlarga

alohida tovar yetkazishni yoki xizmatlarni o‘tkazishni o‘z ichiga olmaydigan majburiy kelishuv asosidagi operatsiyalardan olinadi.

Davlat tibbiyot tashkilotlari o‘z faoliyatida, avvalo, daromad operatsiyasini majburiy kelishuv asosida yoki majburiy kelishuvsiz amalga oshirilishini aniqlashi zarur.

Majburiy kelishuv (shartnoma) — bu kelishuv ishtirokchilariga huquqlar va majburiyatlarni yuklagan hamda qonunchilik yoki unga tenglashtirilgan vositalar orqali ijro etilishi ta’minlanadigan kelishuv hisoblanadi.

Majburiy kelishuv bo‘lishi uchun u qonunchilik hujjatlari orqali ijro etilishi lozim. Majburiy kelishuv turli tartiblar asosida ijro etiladi. Bunda ushbu tartiblar davlat tibbiyot tashkilotlariga majburiy kelishuv shartlarining ijrosini ta’minlash va tomonlarni o‘z majburiyatlarini bajarmaganligi yoki lozim darajada bajarmaganligi uchun javobgarlikka tortish imkoniyatini ta’minlashi kerak bo‘ladi.

Majburiy kelishuvning ijro etilishi mumkinligini aniqlashda davlat tibbiyot tashkilotlari kelishuvning huquqiy shaklidan ko‘ra uning mohiyatini ko‘rib chiqishi zarur hisoblanadi. Majburiy kelishuvning ijro etilishi mumkinligini baholashda davlat tibbiyot tashkilotlari kelishuvning belgilangan shartlari va boshqa ishtirokchilarning aytilgan majburiyatlarini bajarishga asoslananishi kerak bo‘ladi. Majburiy kelishuv ikki yoki undan ortiq tomonlar uchun bajarilishi shart bo‘lgan majburiyatlar va huquqlarni o‘z ichiga oladi. Majburiy kelishuvda har bir tomonning bajarilishi shart bo‘lgan majburiyatlari va huquqlari o‘zaro bog‘liq hamda ajralmas hisoblanadi.

Ma’lumki, davlat tibbiyot tashkilotlari asosan pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan daromad oladi. Nazarimizda, davlat tibbiyot tashkilotlarining pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishi majburiy kelishuv asosida amalga oshirilishi kerak. Shuningdek, davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda daromadlarni tan olishda majburiy kelishuvni hisobga olish modelini qo‘llashi zarur.

Fikrimizcha, davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda majburiy kelishuvning quyidagi mezonlariga asosan daromadni tan olishi kerak. Ya’ni:

har bir tomon majburiyat yuzaga keltiruvchi kelishuvni qabul qilsa (yozma yoki faoliyatiga muvofiq) va o‘z majburiyatlarini bajarishni zimmasiga olsa;

davlat tibbiyot tashkilotlari majburiy kelishuv doirasida (pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda) har bir tomonning huquqlarini aniqlay olsa;

davlat tibbiyot tashkilotlari har bir aniqlangan ijro majburiyatini bajarish (pullik tibbiy xizmat) uchun to‘lov shartlarini belgilay olsa;

majburiy kelishuv iqtisodiy ahamiyatga ega bo‘lsa (ya’ni, ushbu kelishuv natijasida davlat tibbiyot tashkilotlarining kelgusidagi pul oqimlari yoki xizmat ko‘rsatish imkoniyatining xavfi, muddati yoki miqdori o‘zgarishi kutilsa);

davlat tibbiyot tashkilotlari majburiy kelishuv shartlariga muvofiq o‘z ijro majburiyatlarini bajarish (pullik tibbiy xizmat) evaziga olishi kerak bo‘lgan to‘lovni yig‘ib olsa.

Agar majburiy kelishuv yuqoridagi barcha mezonlarga mos kelmasa, davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish uchun olingan har qanday to‘lovni faqat quyidagi asoslarga ko‘ra daromad sifatida tan olishi zarur:

davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishni to‘liq bajargan bo‘lsa, unga tegishli bo‘lgan to‘lov olingan va mijozdan olingan to‘lov qaytarilmaydigan bo‘lsa;

majburiy kelishuv bekor qilingan va mijozdan olingan to‘lov qaytarilmaydigan bo‘lsa.

Agar majburiy kelishuvning har bir tomoni to‘liq bajarilmagan majburiy kelishuvni boshqa tomonga hech qanday tovon (kompensatsiya) to‘lamasdan bir tomonlama bekor qilish huquqiga ega bo‘lsa, bunday kelishuv majburiy kelishuv hisoblanmaydi.

Davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda quyidagi asoslarga ko‘ra majburiy kelishuv bajarilmagan hisoblanadi:

davlat tibbiyot tashkilotlari majburiy kelishuvdagi o‘zining ijro majburiyatlarini bajarishni, ya’ni pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishni boshlamagan bo‘lsa;

mijoz tomonidan majburiy kelishuvdagi ijro majburiyatlarini bajarishi (pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish) uchun hali hech qanday to‘lov amalga oshirmagan va to‘lov qilish majburiyatini olmagan bo‘lsa.

Xususan, aktivlar, majburiyatlar va daromadlarni dastlabki tan olish majburiy kelishuvning bir tomoni kelishuv bo‘yicha o‘z majburiyatlarini bajarishni boshlagan paytdan e’tiboran amalga oshiriladi.

Davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan kelib chiqadigan pul oqimini ijro majburiyatlarini bajarishdan oldin yoki keyin olishi mumkin.

Nazarimizda, agar davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan pul kirimini olsa, bu kirim belgilangan mezonlarga muvofiq aktiv sifatida tan olinadi va davlat tibbiyot tashkilotlari quyidagilarni tan olishi kerak bo‘ladi:

a) agar kirim bilan bog‘liq bo‘lgan pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish bajarilgan bo‘lsa — **daromad**;

b) agar kirim bilan bog‘liq bo‘lgan pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish bajarilmagan bo‘lsa — **majburiyat.**

Bunda, davlat tibbiyot tashkilotlarda, pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan daromadni tan olish vaqti majburiy kelishuvdagi talablarning mohiyati va ularning bajarilishiga qarab aniqlanadi. Davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish bo‘yicha operatsiyadan olingan daromadni kelishuv shartlariga muvofiq resurslardan belgilangan tarzda foydalanib, ijro majburiyatini bajargan paytda (yoki bajarish jarayonida) hisobga olishi shart hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 11-noyabrdagi 718-son qarori bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi tizimidagi tibbiyot muassasalarida pullik xizmat ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 29-bandiga asosan **mijozlar davlat tibbiyot tashkilotiga to‘lovni oldindan to‘liq to‘lash shartlarida** qabul qilinishi [2] belgilangan. Xususan, davlat tibbiyot tashkilotiga tibbiy xizmat uchun oldindan to‘langan mablag‘, daromad sifatida emas, balki, majburiyat sifatida buxgalteriya hisobida aks ettirilishi kerak. Amaldagi holatda esa, pullik tibbiy xizmat uchun oldindan to‘langan mablag‘lar daromad sifatida buxgalteriya hisobida aks ettirilmoqda.

Nazarimizda, davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda majburiy kelishuv mezonlariga asosan daromadni tan olishi kerak. Jumladan, davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmat ko‘rsatilgandan keyingina, tushgan mablag‘larni daromad sifatida tan olishi kerak bo‘ladi. Shuningdek, budjet tashkilotlarida daromadlarni tan olish mezonlari normativ-huquqiy hujjatlarda, O‘zbekiston Respublikasining budjet hisobi standartlarida belgilanishi zarur.

Davlat tibbiyot tashkilotlarida moliyaviy hisobotning axborot imkoniyatlarini oshirish maqsadida daromadlar, aktivlar va majburiyatlar to‘g‘risidagi axborotlarni sifatli yoritib berish talab etiladi. Xususan, moliyaviy hisobotlarda daromadlar tushumlarining xususiyati, miqdori va muddatlari, tan olish mezonlari bo‘yicha guruhlanishi zarur.

Nazarimizda, pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda majburiy kelishuvning har bir tomoni o‘z majburiyatini bajargan taqdirda, tashkilotlar buxgalteriya balansida bu kelishuvni **majburiy kelishuv aktivi** yoki **majburiy kelishuv majburiyati** sifatida alohida aks ettirish amaliyotini joriy etish kerak.

Bunda, **majburiy kelishuv aktivi (xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar)** — davlat tibbiyot tashkilotlari majburiy kelishuv shartlariga muvofiq kelishuv shartlariga rioya etish bo‘yicha o‘z majburiyatlarini bajarganligi uchun to‘lov yoki boshqa resurs olish huquqi bo‘lib, ushbu huquq vaqt o‘tishi bilan avtomatik ravishda paydo bo‘lmasdan, balki majburiy kelishuvda belgilangan shartlarning bajarilishiga bog‘liq bo‘ladi. Xususan, pullik tibbiy xizmatlarning ko‘rsatilishiga bog‘liq bo‘ladi.

Majburiy kelishuv majburiyati (xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar) esa — bu davlat tibbiyot tashkilotlarining mijozdan to‘lov olgan (yoki to‘lov olishi kerak bo‘lgan) ijro majburiyatini bajarishi (pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishi) bo‘yicha mas’uliyati hisoblanadi.

Davlat tibbiyot tashkilotlari moliyaviy hisobot foydalanuvchilariga pullik tibbiy xizmatlar

ko‘rsatishdan kelib chiqadigan daromadlar va pul oqimlarining xususiyati, miqdori, muddati va noaniqlik darajasini tushunish imkonini beradigan buxgalteriya axborotlarini taqdim etishi kerak. Shuningdek, davlat tibbiyot tashkilotlari hisobot davri mobaynida majburiy kelishuv aktivi va majburiy kelishuv majburiyati qoldiqlaridagi muhim o‘zgarishlar to‘g‘risida tushuntirish berishi kerak bo‘ladi.

Fikrimizcha, davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar uchun oldindan to‘langan mablag‘larni majburiyat sifatida aks ettirish uchun O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-son BHS ro‘yxat raqami 3078, 2018-yil 20-oktabr) “Yagona schyotlar rejasi”ga **“Majburiy kelishuv majburiyati (xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar)”** hamda pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatilganligi uchun to‘lov yoki boshqa resurs olish huquqiga esa **“Majburiy kelishuv aktivi (xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar)”** [3] nomli buxgalteriya subschyotlarini kiritish zarur.

Ushbu taklif etilgan buxgalteriya subschyotlari orqali davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar uchun oldindan to‘langan mablag‘larni majburiyat sifatida buxgalteriya hisobida aks ettirilishiga hamda pullik tibbiy xizmat ko‘rsatilgandan keyingina daromad sifatida tan olinishiga erishiladi. Natijada, pullik tibbiy xizmatlar bo‘yicha buxgalteriya hisobida ishonchli va to‘g‘ri buxgalteriya axborotlari shakllanishiga xizmat qiladi.

Davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish faoliyatini taklif etilgan buxgalteriya subschyotlari bilan bog‘langan holda buxgalteriya hisobida aks ettirishni 1-jadvalda ko‘rib chiqamiz.

1-jadval

Pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda daromadni hisobga olishning buxgalteriya hisobi[96]

T/r	Buxgalteriya o‘tkazmasi mazmuni	Buxgalteriya o‘tkazmasi		Summa (so‘mda)
		Debet	Kredit	
1.	Mijozlar pullik tibbiy xizmatlar uchun to‘lovni oldindan to‘liq to‘laganda	102 414-“Taqsimlanadigan mablag‘lar” subschyoti	**“Majburiy kelishuv majburiyati (xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar)” subschyoti**	106 019,0
2.	Ko‘rsatilgan pullik tibbiy xizmatlarning realizatsiyasi amalga oshirilganda daromadni tan olinishi	**“Majburiy kelishuv aktivi (xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar)” subschyoti**	911 200-“Mahsulot (ish, xizmat)lar realizatsiyasi” subschyoti	106 019,0
3.	Pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish bo‘yicha mijozlardan oldindan olingan bo‘naklarning hisobga olinishi daromad tan olingan vaqtda	**Majburiy kelishuv majburiyati (xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar)”subschyoti**	**“Majburiy kelishuv aktivi (xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar)” subschyoti**	106 019,0
4.	Ko‘rsatilgan tibbiy xizmatlar tannarxining hisobdan chiqarilishi	911 200-“Mahsulot (ish, xizmat)lar realizatsiyasi” subschyoti	180 000-“Tovarlarga (ishlarga, xizmatlarga) xarajatlar” subschyoti	90 277,0
5.	PQ-4007-son qarorga asosan ajratma	911 200-“Mahsulot (ish, xizmat)lar realizatsiyasi” subschyoti	344 000-“Budjet tashkilotlarining budjetdan tashqari mablag‘lari hisobidan kreditor qarzlari” subschyoti	1 687,0
6.	**Realizatsiya natijalari bo‘yicha foyda summasiga:** tibbiy xizmatlarni realizatsiya qilish bo‘yicha olingan foydani tibbiyot tashkilotlarining moddiy rag‘batlantirish va rivojlantirish jamg‘armasiga daromad sifatida hisoblanishi	911 200-“Mahsulot (ish, xizmat)lar realizatsiyasi” subschyoti	520 320-“Tibbiyot tashkilotlarining moddiy rag‘batlantirish va rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘lari bo‘yicha hisoblangan daromadlari” subschyoti	14 055,0

[96] *Muallif tomonidan tuzilgan*

Davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlarni realizatsiya qilishdan olingan daromadlari pullik tibbiy xizmatlarni realizatsiya qilishdan tushgan tushumlar va ularni ishlab chiqarish bo‘yicha hisobot davri (chorak) yakuni bo‘yicha xarajatlar o‘rtasidagi ijobiy farqi tegishliligi bo‘yicha Tibbiyot tashkilotlarining moddiy rag‘batlantirish va rivojlantirish jamg‘armasining hisobvarag‘iga o‘tkazilishi kerak.

Davlat tibbiyot tashkilotiga mijozlar tomonidan pullik tibbiy xizmat ko‘rsatish uchun oldindan to‘langan mablag‘lari tibbiyot tashkilotining moliyaviy hisobotlarida, jumladan, buxgalteriya balansida alohida aks ettirilishi kerak. Buning uchun O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (3-son BHS) “Budjet hisoboti”da (ro‘yxat raqami 3124, 2019-yil 18-yanvar) moliyaviy hisobot shakllariga [4] quyidagi qo‘shimchalarni kiritish zarur. Jumladan, buxgaletriya balansiga III BO‘LIM. **Joriy majburiyatlarga “Majburiy kelishuv majburiyati (xaridorlar va buyurtmachilardan olingan bo‘naklar)”** qatorini kiritish kerak. Natijada, pullik tibbiy xizmat ko‘rsatish uchun oldindan to‘langan mablag‘larni moliyaviy hisobotlarda alohida aks ettirilishiga erishiladi. Shuningdek, buxgaletriya balansiga I BO‘LIM. **Joriy aktivlarga “Majburiy kelishuv aktivi (xaridorlar va buyurtmachilardan olinadigan to‘lovlar)”** qatorini kiritish kerak.

Bundan tashqari, moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotda majburiy kelishuvlarga asoslangan ijro majburiyatlari bo‘yicha tan olingan daromad summalarni boshqa daromad manbalaridan alohida aks ettirish zarur.

Xulosa va takliflar

Davlat tibbiyot tashkilotlarida pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda majburiy kelishuvning mezonlarini va unga asosan daromadni tan olish, baholash va buxgalteriya hisobida aks ettirish tartibini normativ-huquqiy hujjatlarda belgilash zarur. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standartlarida aktivlar, majburiyatlar va daromadlarni tan olishda majburiy kelishuvning har bir tomoni kelishuv bo‘yicha o‘z majburiyatlarini bajarishi bilan bog‘liq bo‘lgan mezonlarning kiritilishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Davlat tibbiyot tashkilotlari pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish yuzasidan majburiy kelishuvda har bir tomon o‘z majburiyatlarini bajarishi, huquqlarini aniqlay olishi, to‘lov shartlarini belgilashi, iqtisodiy ahamiyatga egaligi, to‘lovni olishi kabi mezonlarga asosan daromadni tan olishi kerak.

Natijada, pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatish bo‘yicha daromadni tan olish vaqti majburiy kelishuvdagi talablarning mohiyati va ularning bajarilishiga qarab aniqlanishiga erishiladi. Davlat tibbiyot tashkilotlari majburiy kelishuv bo‘yicha pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan olingan daromadni kelishuv shartlariga muvofiq resurslardan belgilangan tarzda foydalanib, belgilangan majburiyatini bajargan vaqtda hisobga olishi ta’minlanadi.

Davlat tibbiyot tashkilotlari moliyaviy hisobotning axborot imkoniyatlarini oshirish maqsadida daromadlar, aktivlar va majburiyatlar to‘g‘risidagi axborotlarni sifatli yoritib berilishini ta’minlashi kerak.

Pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishda majburiy kelishuvning har bir tomoni o‘z majburiyatini bajargan taqdirda, tashkilotlar buxgalteriya balansida bu kelishuvni majburiy kelishuv aktivi yoki majburiy kelishuv majburiyati sifatida alohida aks ettirish amaliyotini joriy etish uchun O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standartlariga mazkur normalarni kiritish taklif etiladi.

Natijada, davlat tibbiyot tashkilotlari moliyaviy hisobot foydalanuvchilariga pullik tibbiy xizmatlar ko‘rsatishdan kelib chiqadigan daromadlar va pul oqimlarining xususiyati, miqdori, muddati va noaniqlik darajasini tushunish imkonini beradigan buxgalteriya axborotlarini taqdim etilishiga xizmat qiladi. Shuningdek, davlat tibbiyot tashkilotlarining hisobot davri mobaynida majburiy kelishuv aktivi va majburiy kelishuv majburiyati qoldiqlaridagi muhim o‘zgarishlar to‘g‘risida tushuntirish va izohlar berishi ta’minlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 5-sentabrdagi “Davlat tibbiy

sug‘urtasi mexanizmlarini joriy etishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-311-son Qarori.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 11-noyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi tizimidagi tibbiyot muassasalarida pulli xizmat ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” 718-son qarori.

3. O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (2-son BHS) “Yagona schyotlar rejasi” (ro‘yxat raqami 3078, 2018-yil 20-oktabr).

4. O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (3-son BHS) “Budjet hisoboti” (ro‘yxat raqami 3124, 2019-yil 18-yanvar)

5. Мелникова.Е.В. «Бюджет ташкилотларида давлат харажатларини хисобини юритишни такомиллаштириш». Россия. 2010.

6. Рябова М.А. и друг. Бюджетный учет и отчетност: учебное пособие / Уляновск: УИГТУ, 2010 г.

7. Ушаков А.А. «Бухгалтерский учет и аудит эффективности исползования средств в муниципалных учреждениях здравоохранения», авторе., к.э.н., 2012. 14 с.

8. Mehmonov S.U. “Budjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi va ichki audit metodologiyasini takomillashtirish” i.f.d. diss. avtoref. 76 b. – T., 2018.

9. Azamat Ostonokulov. Improvement of methodology for accounting of extra-budgetary resources of public educational and medical institutions. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 7, July 2021: 4857- 4867. SCOPUS.

10. Ostonokulov Azamat Abdukarimovich. Improving Accounting of settlements with Suppliers and Buyers in Public Sector Institutions. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. ISSN: 2576-5973. Vol. 4, No. 2, 2021.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

THE ROLE OF CYBERSECURITY IN THE DIGITAL ECONOMY: THREATS, STABILITY MODEL, AND CYBERSECURITY MATURITY ASSESSMENT

Andokulov Tulkin

University of Information Technologies and Menejment
Acting Associate senior teacher of the Department of“Information technologies”
Karshi, Uzbekiston
E-mail: tulkinandokulov@gmail.com
ORCID:0009-0009-0464-2768

Abstract. *Cybersecurity has evolved from a technical IT issue into a critical foundation of the digital economy, ensuring the stability of financial, industrial, and social systems. This article presents an analysis of modern cyber threats and proposes a comprehensive stability model for the digital economy. The study introduces a layered cybersecurity maturity model and three analytical indicators: Cybersecurity Maturity Score (CMS), Economic Risk Gap (ERG), and Stability Coefficient (SC). These indicators provide a methodological tool for assessing the alignment between technical security capabilities and economic readiness. The article discusses the scientific and practical value of integrating cybersecurity metrics into digital transformation strategies.*

Keywords: *cybersecurity, digital economy, cyber threats, stability model, cybersecurity maturity, Zero Trust, risk management.*

RAQAMLI IQTISODIYOTDA KIBERXAVFSIZLIKNING ROLI: TAHDIDLAR, BARQARORLIK MODELI VA KIBERXAVFSIZLIK YETUKLIGINI BAHOLASH

Andoqulov To‘lqin

Axborot texnologiyalari va menejment universiteti
“Axborot texnologiyalari” kafedrasi kata o‘qituvchisi
Qarshi, O‘zbekiston
E-mail: tulkinandokulov@gmail.com
ORCID:0009-0009-0464-2768

Annotatsiya. *Kiberxavfsizlik texnik IT muammosidan raqamli iqtisodiyotning moliyaviy, sanoat va ijtimoiy tizimlari barqarorligini ta’minlovchi hal qiluvchi asosiga aylandi. Maqolada zamonaviy kibertahdidlar tahlil qilinadi va raqamli iqtisodiyot uchun kompleks barqarorlik modeli taklif etiladi. Tadqiqot kiberxavfsizlik yetukligining qatlamli modelini va uchta analitik ko'rsatkichni (CMS, ERG, SC) o'z ichiga oladi. Ushbu ko'rsatkichlar texnik xavfsizlik imkoniyatlari va iqtisodiy tayyorgarlik o'rtasidagi moslikni baholash uchun metodologik vosita hisoblanadi.*

Tayanch iboralar. *kiberxavfsizlik, raqamli iqtisodiyot, kibertahdidlar, barqarorlik modeli, kiberxavfsizlik yetukligi, Zero Trust, xavflarni boshqarish.*

РОЛЬ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ: УГРОЗЫ, МОДЕЛЬ СТАБИЛЬНОСТИ И ОЦЕНКА ЗРЕЛОСТИ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ

Андокулов Тулкин

Университет информационных технологий и менеджмента

старший преподаватель кафедрой
«Информационные технологии»
Карши, Узбекистан
E-mail: tulkinandokulov@gmail.com
ORCID:0009-0009-0464-2768

Аннотация. *Кибербезопасность эволюционировала от технической ИТ-проблемы до критически важной основы цифровой экономики, обеспечивающей стабильность финансовых, промышленных и социальных систем. В статье представлен анализ современных киберугроз и предложена комплексная модель стабильности для цифровой экономики. Исследование вводит многоуровневую модель зрелости кибербезопасности и три аналитических индикатора: показатель зрелости кибербезопасности (CMS), разрыв экономических рисков (ERG) и коэффициент стабильности (SC). Эти индикаторы служат методологическим инструментом для оценки соответствия между техническими возможностями безопасности и экономической готовностью. Обсуждается научная и практическая ценность интеграции метрик кибербезопасности в стратегии цифровой трансформации.*

Ключевые слова: *кибербезопасность, цифровая экономика, киберугрозы, модель стабильности, зрелость кибербезопасности, Zero Trust, управление рисками.*

Introduction

The digital economy is fundamentally built on data, interconnected networks, and cloud infrastructure. As businesses and governments accelerate digital transformation, cybersecurity has transitioned from a peripheral IT function to a core component of economic stability and national security. Modern cyber threats—ranging from ransomware and supply chain attacks to AI-driven phishing—target the very foundations of digital trust.

The purpose of this article is to analyze the evolving landscape of cyber threats in the digital economy, propose a conceptual model of cybersecurity stability, and introduce a set of analytical indicators for assessing cybersecurity maturity. By bridging the gap between technical security measures and economic resilience, this study provides a framework for organizations to evaluate and improve their defensive posture.

Evolution of Cyber Threats and Research Gap

The development of cybersecurity can be traced through several distinct phases, each responding to the technological and economic context of its time.

The first phase was characterized by **perimeter defense**. Organizations relied on firewalls and antivirus software to keep threats outside the network. This approach assumed a clear boundary between trusted internal networks and untrusted external environments.

The second phase shifted toward **compliance and risk management**. With the rise of the internet and e-commerce, standards like ISO 27001 and PCI-DSS became essential. Security was viewed through the lens of regulatory compliance and formalized policies.

The third phase introduced **Zero Trust and identity-centric security**. As cloud computing and remote work dissolved traditional network perimeters, the focus shifted to continuous verification, least-privilege access, and micro-segmentation [1, 2].

The fourth, current phase is defined by “AI-driven resilience and supply chain security”. Threats are now highly automated, targeting third-party vendors and exploiting vulnerabilities in complex software supply chains [3].

Research Gap: While technical frameworks for threat detection are well-documented, there is a lack of unified methodological models that link cybersecurity maturity directly to economic stability and organizational readiness in the context of the digital economy. Existing models often treat security as a cost center rather than a strategic enabler of economic resilience.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Proposed Stability Model of Cybersecurity

To address this gap, we propose a five-layer Stability Model for Cybersecurity in the Digital Economy. This model views security not as a single product, but as a continuous, layered capability that supports economic operations.



The model is driven by four methodological factors: the evolving threat landscape, regulatory pressure, technological innovation, and the human factor (security awareness).

Analytical Indicators for Maturity Assessment

To measure the effectiveness of the proposed stability model, three analytical indicators are introduced. These indicators serve as methodological tools for CISOs and business leaders to quantify security maturity and economic risk alignment.

The first indicator is the **Cybersecurity Maturity Score (CMS)**:

$$CMS = \beta_1 I + \beta_2 P + \beta_3 D + \beta_4 R + \beta_5 H \quad (1)$$

In Eq. (1), I represents Infrastructure resilience, P represents Process and compliance maturity, D represents Data protection capabilities, R represents Response and recovery automation, and H represents the Human factor (training and awareness). The coefficients $\beta_1-\beta_5$ are weighting parameters based on organizational context, where $\sum \beta_i = 1$.

The second indicator is the **Economic Risk Gap (ERG)**:

$$ERG = \max(0, TE - CR) / TE, \quad TE > 0 \quad (2)$$

Here, TE is the Threat Exposure (potential financial and operational impact of cyber risks), and CR is the Control Readiness (the actual capacity of security measures to mitigate those risks). The gap appears only when threats outpace defensive capabilities. If controls exceed exposure, the gap is zero.

The third indicator is the **Stability Coefficient (SC)**:

$$SC = \gamma_1 CMS + \gamma_2 (1 - ERG), \quad \gamma_1 + \gamma_2 = 1 \quad (3)$$

Eq. (3) combines the internal maturity of the security apparatus (CMS) with the external reduction of economic risk (ERG). A higher SC indicates that the organization is not only technically mature but also economically resilient against cyber disruptions.

Results and Analytical Discussion

A qualitative analytical comparison was prepared using four recognized stages of cybersecurity maturity. The values in Table 1 are methodological estimates used to illustrate the dynamics of the proposed indicators.

The table demonstrates that as organizations move from reactive perimeter defense to AI-driven Zero Trust architectures, the Cybersecurity Maturity Score (CMS) increases significantly, while the Economic Risk Gap (ERG) narrows.

Table 1.

Analytical Comparison of Cybersecurity Maturity Stages

Maturity Stage	Main Methodological Feature	Cybersecurity Maturity Score (CMS)	Expected Risk Gap (ERG)	Stability Coefficient (SC)
1. Initial (Reactive)	Basic perimeter protection and manual incident response	0.25	0.65	0.30
2. Managed (Compliance-Oriented)	Implementation of standards (ISO 27001) and security policies	0.48	0.45	0.51
3. Defined (Zero Trust)	Continuous verification, network segmentation, and multi-factor authentication (MFA)	0.72	0.28	0.70
4. Optimized (Cyber Resilience)	AI-driven protection, automation, and economic resilience	0.91	0.12	0.89

Source: *Developed by the author based on the synthesis of cybersecurity maturity models, including ISO/IEC 27001, NIST Cybersecurity Framework 2.0, Zero Trust Architecture, and cyber resilience principles.*

The analytical results presented in Table 1 demonstrate that the progressive advancement of cybersecurity maturity significantly enhances an organization's overall cyber resilience and operational stability. At the **Initial (Reactive)** stage, organizations primarily rely on perimeter-based protection and manual incident response, resulting in a relatively low **Cybersecurity Maturity Score (CMS)** of **0.25**, a high **Expected Risk Gap (ERG)** of **0.65**, and a limited **Stability Coefficient (SC)** of **0.30**. These values indicate a weak security posture characterized by limited preparedness against evolving cyber threats. As organizations transition to the **Managed (Compliance-Oriented)** stage through the implementation of internationally recognized standards, such as ISO 27001, together with formal security policies and governance mechanisms, cybersecurity performance improves considerably. This development is reflected in the increase of the CMS to **0.48**, the reduction of the ERG to **0.45**, and the improvement of the SC to **0.51**.

Further progress toward the **Defined (Zero Trust)** stage, supported by continuous verification, network segmentation, and multi-factor authentication (MFA), strengthens organizational resilience by increasing the CMS to **0.72** while simultaneously reducing residual cyber risks.

The findings further indicate that the **Optimized (Cyber Resilience)** stage represents the highest level of cybersecurity maturity, where organizations achieve the strongest balance between security effectiveness and operational sustainability. The adoption of artificial intelligence-driven threat detection, automated security operations, predictive analytics, and resilience-oriented management practices results in a **CMS of 0.91**, an exceptionally low **ERG of 0.12**, and a high **SC of 0.89**. These indicators demonstrate that mature cybersecurity capabilities not only minimize organizational exposure to cyber threats but also improve the ability to maintain business continuity and rapidly recover from security incidents. Overall, the comparison confirms a strong positive relationship between cybersecurity maturity and organizational resilience: as maturity increases, cybersecurity effectiveness and stability improve substantially, while the level of residual risk declines. Consequently, investing in advanced cybersecurity governance, Zero Trust architecture, intelligent automation, and AI-enabled security technologies should be regarded as a strategic priority for organizations seeking sustainable digital transformation and long-term cyber resilience.

At the initial stage, high ERG indicates that technical capabilities are vastly insufficient to cover economic exposures, leading to a low Stability Coefficient. In the optimized stage, the integration of automated response and business continuity planning ensures that security directly supports digital economy operations, minimizing financial downtime.

However, the human factor (H) remains a critical vulnerability across all stages. Social engineering and insider threats require continuous investment in security culture, proving that technological maturity must be paired with human readiness.

Scientific Novelty and Practical Value

The scientific novelty of this study lies in the integration of cybersecurity maturity metrics with economic stability indicators. Unlike traditional models that focus solely on technical controls, the proposed Stability Model and the Economic Risk Gap (ERG) indicator explicitly link cyber defense to the financial and operational continuity of the digital economy.

The practical value of the research is the provision of a clear, quantifiable framework (CMS, ERG, SC) that can be used by enterprise architects, CISOs, and policymakers. It allows organizations to justify cybersecurity investments not merely as compliance costs, but as strategic investments in economic resilience and business continuity.

Conclusion

This article analyzed the role of cybersecurity in the digital economy, tracing the evolution of threats from simple perimeter breaches to complex, AI-driven supply chain attacks. The proposed five-layer stability model and the analytical indicators (CMS, ERG, SC) demonstrate that modern cybersecurity is a multidimensional discipline requiring the alignment of technology, processes, and human factors.

The results show that achieving high cybersecurity maturity significantly reduces the economic risk gap, ensuring the stability of digital operations. The future of cybersecurity in the digital economy will depend on the proactive adoption of Zero Trust architectures, AI-driven defense mechanisms, and the continuous alignment of security strategies with overarching business and economic goals.

References

1. Rose S., Borchert O., Mitchell S., Connelly S. Zero Trust Architecture. NIST Special Publication 800-207. National Institute of Standards and Technology, 2020.

2. ISO/IEC 27001:2022. Information security, cybersecurity and privacy protection —

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Information security management systems — Requirements. International Organization for Standardization, 2022.

3. ENISA. Threat Landscape for Supply Chain Attacks. European Union Agency for Cybersecurity, 2021.

4. Schwab K. The Fourth Industrial Revolution. Crown Business, 2016.

5. Bode M. Cybersecurity in the Digital Economy: Risks and Resilience. Journal of Cyber Security Technology, 2021, 5(3), pp. 112-128.

6. NIST. Framework for Improving Critical Infrastructure Cybersecurity. Version 1.1. National Institute of Standards and Technology, 2018.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

O‘ZBEKISTONDA MAXSUS IQTISODIY ZONALARGA XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB ETISHNING ZAMONAVIY MEXANIZMLARI

Maxkamov Otabek Muxammadjonovich

Mustaqil tadqiqotchi,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Annotatsiya. *Mazkur maqolada O‘zbekistonda maxsus iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etishning zamonaviy mexanizmlari, ularning iqtisodiy mazmuni va amaliy ahamiyati tadqiq etilgan. Maxsus iqtisodiy zonalarning mamlakat investitsion muhitini yaxshilash, hududlarning ishlab chiqarish salohiyatidan samarali foydalanish, yangi texnologiyalarni jalb qilish, eksport hajmini oshirish hamda yangi ish o‘rinlarini yaratishdagi roli yoritilgan. Tadqiqotda xorijiy investorlar uchun yaratilayotgan soliq, bojxona va ma’muriy imtiyozlar, infratuzilmaviy qo‘llab-quvvatlash, “yagona darcha” tamoyili hamda investitsiya loyihalarini amalga oshirishning institutsional mexanizmlari tahlil qilinadi. Shuningdek, investitsion loyihalarni tanlash, moliyalashtirish va monitoring qilish tizimini raqamlashtirish, investorlar huquqlarini himoya qilish va investitsiya risklarini kamaytirish masalalariga alohida e’tibor qaratiladi. Tadqiqot natijasida O‘zbekiston maxsus iqtisodiy zonalarining investitsion jozibadorligini yanada oshirish, xorijiy kapital oqimini diversifikatsiya qilish va yuqori qo‘shilgan qiymatga ega loyihalarni ko‘paytirishga qaratilgan ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *maxsus iqtisodiy zonalar, xorijiy investitsiyalar, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar, investitsiya muhiti, investitsion jozibadorlik, investitsiyalarni jalb etish mexanizmlari.*

MODERN MECHANISMS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS TO SPECIAL ECONOMIC ZONES IN UZBEKISTAN

Maxkamov Otabek Muxammadjonovich

Independent Researcher,
Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article examines modern mechanisms for attracting foreign investment to Uzbekistan's special economic zones, their economic content, and practical significance. It emphasizes the role of special economic zones in improving the country's investment climate, efficiently utilizing regional production potential, attracting new technologies, increasing exports, and creating new jobs. The study analyzes tax, customs, and administrative incentives created for foreign investors, infrastructure support, the one-stop shop principle, and institutional mechanisms for implementing investment projects. Particular attention is also paid to the digitalization of the system for selecting, financing, and monitoring investment projects, protecting investors rights, and mitigating investment risks. The study resulted in the development of scientific and practical proposals for further enhancing the investment attractiveness of Uzbekistan's special economic zones, diversifying foreign capital flows, and increasing the number of high-value-added projects.*

Keywords: *special economic zones, foreign investments, foreign direct investments, investment climate, investment attractiveness, investment attraction mechanisms.*

СОВРЕМЕННЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В СПЕЦИАЛЬНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ УЗБЕКИСТАНА

Махамов Отабек Мухаммаджонович

Независимый исследователь,
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. *В данной статье рассматриваются современные механизмы привлечения иностранных инвестиций в специальные экономические зоны Узбекистана, их экономическое содержание и практическое значение. Подчеркивается роль специальных экономических зон в улучшении инвестиционного климата страны, эффективном использовании производственного потенциала регионов, привлечении новых технологий, увеличении объемов экспорта и создании новых рабочих мест. В исследовании анализируются налоговые, таможенные и административные льготы, созданные для иностранных инвесторов, инфраструктурная поддержка, принцип «единого окна» и институциональные механизмы реализации инвестиционных проектов. Особое внимание уделяется также вопросам цифровизации системы отбора, финансирования и мониторинга инвестиционных проектов, защиты прав инвесторов и снижения инвестиционных рисков. В результате исследования разработаны научно-практические предложения по дальнейшему повышению инвестиционной привлекательности специальных экономических зон Узбекистана, диверсификации потоков иностранного капитала и увеличению числа проектов с высокой добавленной стоимостью.*

Ключевые слова: *специальные экономические зоны, иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность, механизмы привлечения инвестиций.*

Kirish.

Bugungi globallashuv sharoitida xorijiy investitsiyalarni iqtisodiyotga keng jalb etish mamlakatning barqaror iqtisodiy o‘sishini ta’minlash, ishlab chiqarish quvvatlarini modernizatsiya qilish va yangi ish o‘rinlarini yaratishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Ayniqsa, maxsus iqtisodiy zonalar xorijiy investorlar uchun qulay investitsiya muhitini shakllantirish, soliq va bojxona imtiyozlaridan foydalanish hamda zamonaviy infratuzilmaga ega loyihalarni amalga oshirish imkonini beruvchi samarali mexanizm sifatida namoyon bo‘lmoqda. O‘zbekistonda ham maxsus iqtisodiy zonalar faoliyatini rivojlantirish orqali hududlarning investitsion salohiyatidan samarali foydalanish, yuqori qo‘shilgan qiymatga ega mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish va eksport hajmini oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Shu nuqtayi nazardan, maxsus iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etishning zamonaviy mexanizmlarini takomillashtirish, investorlar uchun institutsional, moliyaviy va infratuzilmaviy shart-sharoitlarni yaxshilash hamda investitsiya loyihalarining iqtisodiy samaradorligini oshirish dolzarb ilmiy-amaliy masalalardan biridir.

Adabiyotlar sharhi.

Xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlarning maxsus iqtisodiy zonalar bo‘yicha bergan ta’riflarini ko‘rib chiqamiz. Jumladan, ularning mazkur iqtisodiy institutning mohiyati, asosiy xususiyatlari va iqtisodiy rivojlanishdagi ahamiyatiga oid ilmiy yondashuvlarini tahlil qilamiz.

Thomas Farole fikricha, maxsus iqtisodiy zonalar — mamlakat hududida geografik hatdan chegaralangan, boshqa hududlardan farqli maxsus tartibga solish va iqtisodiy rejim amal qiladigan, investitsiya, savdo va sanoat faoliyatini rag‘batlantirishga xizmat qiluvchi hududlardir. Fikrimizcha, mazkur ta’rifda maxsus iqtisodiy zonalarning asosiy xususiyatlari, ya’ni hududiy chegaralanganlik, alohida huquqiy-iqtisodiy rejimning mavjudligi hamda investitsiya va tadbirkorlik faoliyatini rag‘batlantirishga yo‘naltirilganligi o‘zaro uyg‘un holda ifodalangan. Shu jihatdan, maxsus iqtisodiy zonalarni mamlakatning iqtisodiy rivojlanishini jadallashtirish, investitsiyalarni jalb etish, yangi ish o‘rinlarini yaratish va ishlab chiqarish faoliyatini kengaytirishga xizmat qiluvchi alohida iqtisodiy hududlar sifatida baholash mumkin.

Gokhan Akinci fikriga ko’ra, maxsus iqtisodiy zonalar — mamlakat hududining aniq chegaralangan qismi bo‘lib, unda biznes yuritish shartlari mamlakatning boshqa hududlariga

nisbatan qulaylashtirilgan va investorlar uchun maxsus imtiyozlar taqdim etiladi. Fikrimizcha, mazkur yondashuvda maxsus iqtisodiy zonalarning iqtisodiy mohiyati, avvalo, tadbirkorlik va investitsiya faoliyati uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish orqali namoyon bo‘ladi. Bunday zonalarda imtiyozli soliq va bojxona rejimlarining joriy etilishi, ma’muriy tartib-taomillarning soddalashtirilishi hamda investorlar uchun qo‘shimcha qulayliklarning yaratilishi hududning investitsiyaviy jozibadorligini oshirishga xizmat qiladi.

Douglas Zhihua Zeng fikricha, MIZlar sanoatlashtirish, eksportni rivojlantirish, xususiy sektorni kengaytirish va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun davlat tomonidan tashkil etiladigan maxsus hududiy siyosat vositasi sifatida qaraladi. Fikrimizcha, mazkur yondashuv maxsus iqtisodiy zonalarning mohiyatini davlatning strategik iqtisodiy maqsadlarini amalga oshirishga xizmat qiluvchi hududiy mexanizm sifatida ochib beradi. Bunda MIZlarning asosiy vazifasi faqat investorlar uchun imtiyozli shart-sharoitlar yaratish bilan cheklanib qolmay, balki sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirish, eksport salohiyatini oshirish, xususiy tadbirkorlik faoliyatini rag‘batlantirish va xorijiy kapital oqimini ko‘paytirish orqali mamlakat iqtisodiyotining tarkibiy transformatsiyasiga ko‘maklashishdan iboratdir.

Mahalliy iqtisodchi olimlarimizdan A.Vaxabov, Sh.Xajibakiev, N.Muminovlarning fikricha, maxsus iktisodiy zonalar – shunday geografik hududki, unda mamlakatda qabul qilingan xo‘jalik faoliyati tartibiga qaraganda imtiyozli soliq to‘lash tartibi joriy etiladi. Ushbu hududda davlatning iqtisodiy jarayonlarga aralashuvi kamaytiriladi va bu milliy iqtisodiy makonning bir qismi bulib, mamlakatning boshqa hududlarida qo‘llanilmaydigan ma’lum imtiyozlar tizimi joriy etiladi. Fikrimizcha, mazkur yondashuvda maxsus iqtisodiy zonalarning iqtisodiy mohiyati, avvalo, alohida hududda imtiyozli xo‘jalik yuritish shartlarini shakllantirish orqali tadbirkorlik va investitsiya faoliyatini rag‘batlantirish bilan izohlangan. Bunda soliq imtiyozlari bilan bir qatorda davlatning iqtisodiy jarayonlarga aralashuvini maqbullashtirish hamda xo‘jalik yurituvchi subyektlar uchun qulay institutsional muhit yaratish MIZlarning muhim xususiyatlaridan biri sifatida namoyon bo‘ladi.

Maxsus iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalar jalb etishni o‘rgangan respublikamiz olimlaridan professor J.Karimqulovning ilmiy ishlarida ushbu “sanoat zonalarining investitsion faolligiga ta’sir etuvchi omillar ko‘rib chiqilgan. Ushbu sanoat hududlarining investitsion faolligini oshirishda ularda beriladigan moliyaviy imtiyozlarni “vaqt omili”dan Hindiston tajribasidan kelib chiqib, “hudud omili”ga o‘tkazish taklif etilgan”. Fikrimizcha, mazkur yondashuv maxsus iqtisodiy zonalarning investitsiyaviy jozibadorligini oshirishda imtiyozlarning miqdori va amal qilish muddatidan tashqari, ularning hududiy xususiyatlarini ham hisobga olish zarurligini ko‘rsatadi. Chunki investorning qaror qabul qilishida soliq va boshqa moliyaviy imtiyozlar bilan bir qatorda hududning geografik joylashuvi, transport-logistika imkoniyatlari, ishlab chiqarish va muhandislik infratuzilmasining rivojlanganlik darajasi, xomashyo va mehnat resurslariga yaqinligi hamda tegishli bozorlarga chiqish imkoniyatlari muhim ahamiyat kasb etadi.

S.S.Bozarovning ta’kidlashicha, maxsus iqtisodiy zona – davlatning iqtisodiy va jo‘g‘rofiy jihatdan qulay hududida tashkil etiladigan, mamlakat iqtisodiyotini kompleks tarzda rivojlantiradigan va uning jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuvini ta’minlaydigan, alohida imtiyozlar majmuini o‘z ichiga olgan rejimga ega bo‘lgan hamda chet el elementi bilan murakkablashgan turli xil huquqiy munosabatlar amalga oshiriladigan maxsus ajratilgan hududdir. Fikrimizcha, mazkur yondashuv maxsus iqtisodiy zonalarning iqtisodiy mohiyati bilan bir qatorda, ularning huquqiy va institutsional tabiatini ham keng qamrovda ochib beradi. Ayniqsa, MIZlarning iqtisodiy va geografik jihatdan qulay hududlarda tashkil etilishi investorlar uchun bozorlar, transport-logistika tarmoqlari va zarur resurslardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirib, ularning investitsiyaviy jozibadorligini oshiradi.

M.A.Raimjonova tomonidan “mamlakat hududida maxsus iqtisodiy rejim va ma’muriy boshqaruvga ega bo’lgan, davlat aralashuvi kamaytirilgan va ayni vaqtda uning nazoratidan butkul ozod etilmagan, balki, xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyat yuritishi uchun mamlakatning boshqa hududlarida amal qilmaydigan imtiyoz va rag’batlantirishlar beriladigan hudud – maxsus

iqtisodiy hudud”, deb ta’rif keltirilgan. Fikrimizcha, MIZlarning samarali faoliyat yuritishi uchun davlatning nazorat va tartibga solish funksiyalari bilan investorlar uchun yaratiladigan iqtisodiy erkinlik va rag‘batlantirish mexanizmlari o‘rtasida maqbul nisbatni shakllantirish muhim ahamiyatga ega. Bunday yondashuv bir tomondan investorlarning manfaatlarini himoya qilsa, ikkinchi tomondan MIZlarning mamlakat iqtisodiy rivojlanish siyosatiga muvofiq faoliyat yuritishini ta’minlaydi.

Tahlil va natijalar.

MIZlar faoliyatining 2021–2025-yillardagi asosiy ko‘rsatkichlari ularning iqtisodiy faolligi va rivojlanish sur’atlarini baholash imkonini beradi. Mazkur davrda ishlab chiqarish hajmi, asosiy kapitalga yo‘naltirilgan investitsiyalar, yangi ish o‘rinlari hamda qurilish ishlari sezilarli darajada oshgan. Shu bilan birga, korxonalarning moliyaviy holatini ifodalovchi foyda, debitor va kreditor qarzlar ko‘rsatkichlarida turlicha o‘zgarishlar kuzatilgan. Ayniqsa, ishlab chiqarish va investitsiyalarning o‘sishi MIZlarning hududiy iqtisodiyotdagi ahamiyati ortib borayotganini ko‘rsatadi. Biroq qarzdorlik hajmining yuqori sur’atlarda ko‘payishi moliyaviy barqarorlik masalasiga alohida e’tibor qaratishni talab etadi. Shuning uchun mazkur ko‘rsatkichlar dinamikasini kompleks tahlil qilish MIZlar faoliyatining ijobiy va muammoli jihatlarini aniqlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

1-jadval

MIZlar bo‘yicha asosiy ko‘rsatkichlarning umumiy dinamikasi[97]

Ko‘rsatkich	2021	2022	2023	2024	2025	2021–2025 o‘zgarishi
Ishlab chiqarish, mlrd so‘m	18 704,2	27 252,1	37 769,2	44 182,5	61 823,4	3,31 marta
Asosiy kapital investitsiyalari, mlrd so‘m	3 319,9	3 735,0	6 269,6	16 511,5	15 490,1	4,67 marta
Yangi ish o‘rinlari, birlik	11 511	19 581	14 831	18 048	18 178	57,9 %
Yil boshidagi ish o‘rinlari, birlik	30 320	35 859	45 626	49 949	52 796	74,2 %
Qurilish ishlari, mlrd so‘m	31,4	63,3	194,1	198,2	246,5	7,85 marta
Foyda, mlrd so‘m	540,3	2 081,5	1 177,4	1 745,5	364,2	—
Debitor qarz, mlrd so‘m	4 995,7	6 950,7	9 754,6	17 099,3	22 826,5	4,57 marta
Kreditor qarz, mlrd so‘m	5 843,1	8 060,0	10 759,5	24 816,9	27 923,2	4,78 marta

2021–2025-yillarda MIZlar faoliyatining asosiy ko‘rsatkichlari umumiy jihatdan ijobiy dinamikani namoyon qilgan. Eng avvalo, ishlab chiqarish hajmi 18 704,2 mlrd so‘mdan 61 823,4 mlrd so‘mgacha oshib, 3,31 baravar ko‘paygan. Bu MIZlarda ishlab chiqarish salohiyati kengaygani, yangi loyihalar ishga tushirilgani va mavjud korxonalar faoliyati faollashganidan dalolat beradi. Asosiy kapitalga investitsiyalar esa 3 319,9 mlrd so‘mdan 15 490,1 mlrd so‘mga yetib, 4,67 baravar oshgan. Ayniqsa, 2024-yilda investitsiyalar 16 511,5 mlrd so‘mni tashkil etgani kapital qo‘yilmalarining keskin jadallashganini ko‘rsatadi.

[97] https://stat.uz/uz/ ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.

Bandlik bilan bog‘liq ko‘rsatkichlarda ham o‘sish mavjud. Yangi ish o‘rinlari soni 11 511 tadan 18 178 tagacha ko‘payib, 57,9 foizga oshgan. Yil boshidagi ish o‘rinlari esa 30 320 tadan 52 796 tagacha yetgan. Demak, MIZlarning yangi ish o‘rinlarini yaratish va mavjud bandlikni kengaytirishdagi roli kuchaygan. Qurilish ishlari hajmining 31,4 mlrd so‘mdan 246,5 mlrd so‘mgacha, ya’ni 7,85 baravar oshishi ham infratuzilmaviy rivojlanish jarayonlari jadallashganini anglatadi.

Moliyaviy natijalarda esa barqaror o‘sish kuzatilmagan. Foyda 2022-yilda 2 081,5 mlrd so‘mga yetgan bo‘lsa, 2025-yilda 364,2 mlrd so‘mgacha qisqargan. Shu bilan birga, debitor qarz 4,57 baravar, kreditor qarz esa 4,78 baravar oshgan. Bu holat ishlab chiqarish kengayishi bilan bir qatorda hisob-kitoblar va aylanma mablag‘lar boshqaruvida muayyan muammolar mavjudligini ko‘rsatadi.

Umuman olganda, 2021–2025-yillarda MIZlarning ishlab chiqarish, investitsiya, bandlik va qurilish yo‘nalishlaridagi rivojlanishi ijobiy baholanadi. Ishlab chiqarishning 3,31 baravar, investitsiyalarning 4,67 baravar va qurilish ishlari hajmining 7,85 baravar ortishi MIZlarning iqtisodiy faolligi sezilarli kengayganini ko‘rsatadi. Biroq foydaning 2025-yilda keskin kamayishi hamda debitor va kreditor qarzlarning yuqori sur’atlarda o‘sishi moliyaviy samaradorlikni oshirish zarurligini ko‘rsatmoqda. Shu sababli kelgusida investitsiya faolligini saqlab qolish bilan birga, korxonalar rentabelligini oshirish, debitor qarzlarni qisqartirish va kreditor majburiyatlarini samarali boshqarishga qaratilgan choralarni kuchaytirish maqsadga muvofiqdir.

2-jadval

Navoiy, Jizzax va Angren maxsus iqtisodiy zonalarining 2021–2025-yillardagi asosiy iqtisodiy ko‘rsatkichlari[98]

Hudud / MIZ	Yil	Sanoat mahsuloti (mln so‘m)	Asosiy kapital investitsiyasi (mln so‘m)	Ish o‘rinlari yil oxiri	Yangi ish o‘rinlari
Navoiy MIZ	2021	3 801 264,1	517 228,0	6 582	3 810
Navoiy MIZ	2022	4 678 980,7	655 195,9	7 222	2 294
Navoiy MIZ	2023	5 080 645,6	3 346 225,9	5 244	1 208
Navoiy MIZ	2024	5 749 819,7	1 852 162,0	5 277	1 711
Navoiy MIZ	2025	7 350 294,2	667 357,6	7 496	4046
Jizzax MIZ	2021	2 253 720,4	47 660,7	4 702	1 849
Jizzax MIZ	2022	3 258 359,9	73 249,1	5 663	3 892
Jizzax MIZ	2023	10 929 029,4	43 439,4	6 768	4 473
Jizzax MIZ	2024	14 114 118,6	1 046 373,7	9 175	3 407
Jizzax MIZ	2025	20 249 910,1	988 988,2	8 307	1978
Angren MIZ	2021	5 593 917,0	1 421 472,3	8 733	2 170
Angren MIZ	2022	8 380 688.0	996 553,7	9 710	3 422
Angren MIZ	2023	10 021 983,5	1 159 410,7	10 988	2 648
Angren MIZ	2024	10 258 501,5	1 257 024,8	13 452	3 465
Angren MIZ	2025	11 453 203,9	1 584 513,0	13 539	3370

Maxsus iqtisodiy zonalar (MIZ) mamlakat hududlarida investitsiya faoliyatini rag‘batlantirish, sanoat ishlab chiqarishini kengaytirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish hamda hududlarning eksport salohiyatini oshirishda muhim institutsional mexanizm hisoblanadi. O‘zbekistonda tashkil etilgan Navoiy, Jizzax va Angren maxsus iqtisodiy zonalari ushbu yo‘nalishdagi eng muhim hududiy sanoat markazlaridan sanaladi. Mazkur zonalarning 2021–2025-yillardagi faoliyatini baholashda sanoat mahsuloti hajmi, asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar, yil yakunidagi ish o‘rinlari soni va yangi ish o‘rinlari kabi ko‘rsatkichlar muhim ahamiyatga ega. Ushbu ko‘rsatkichlar MIZlarning ishlab chiqarish salohiyati, investitsion jozibadorligi va bandlikka qo‘shayotgan hissasini kompleks baholash imkonini beradi.

[98] https://stat.uz/uz/ ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.

2021–2025-yillarda uchta MIZ faoliyatida sezilarli o‘zgarishlar kuzatilgan. Sanoat mahsuloti ishlab chiqarish bo‘yicha Jizzax MIZ eng yuqori o‘sish sur’atini namoyish etgan: mazkur ko‘rsatkich 2021-yildagi 2 253 720,4 mln so‘mdan 2025-yilda 20 249 910,1 mln so‘mga yetib, qariyb 9 barobarga oshgan. Ayniqsa, 2023-yildan boshlab ishlab chiqarish hajmining keskin ortishi Jizzax MIZda yangi ishlab chiqarish quvvatlarining ishga tushirilishi va sanoat faolligining jadallashganini ko‘rsatadi. Angren MIZda sanoat mahsuloti 5 593 917,0 mln so‘mdan 11 453 203,9 mln so‘mgacha oshib, ikki barobardan ko‘proq o‘sdi. Navoiy MIZda esa ushbu ko‘rsatkich 3 801 264,1 mln so‘mdan 7 350 294,2 mln so‘mgacha yetdi.

Investitsiyalar dinamikasida Navoiy MIZ 2023-yilda 3 346 225,9 mln so‘mlik eng yuqori ko‘rsatkichga erishgan bo‘lsa, keyingi yillarda investitsiya hajmi pasaygan. Jizzax MIZda esa 2024-yilda investitsiyalar 1 046 373,7 mln so‘mga yetib, 2025-yilda ham 988 988,2 mln so‘mni tashkil qilgan. Angren MIZda investitsiyalar nisbatan barqaror o‘sib, 2025-yilda 1 584 513,0 mln so‘mga yetgan.

Bandlik ko‘rsatkichlari ham ijobiy dinamikani aks ettiradi. Angren MIZda yil oxiridagi ish o‘rinlari 8 733 tadan 13 539 tagacha oshib, eng yuqori mutlaq o‘sishni qayd etdi. Jizzax MIZda ushbu ko‘rsatkich 4 702 tadan 8 307 tagacha ko‘paygan. Navoiy MIZda esa 2023-yildagi pasayishdan so‘ng 2025-yilda ish o‘rinlari 7 496 taga yetgan. Yangi ish o‘rinlari yaratish bo‘yicha ham uchala hudud sezilarli natijalarga erishgan bo‘lib, 2025-yilda Navoiy MIZda 4 046 ta yangi ish o‘rni yaratilgani ayniqsa e’tiborlidir.

Umuman olganda, 2021–2025-yillar davomida Navoiy, Jizzax va Angren maxsus iqtisodiy zonalarida iqtisodiy faollikning umumiy o‘sish tendensiyasi kuzatilgan. Biroq rivojlanish sur’atlari hududlar kesimida sezilarli darajada farqlangan. Jizzax MIZ sanoat mahsuloti hajmining eng yuqori o‘sishi bilan ajralib turgan bo‘lsa, Angren MIZ bandlik va investitsiyalar bo‘yicha nisbatan barqaror natijalarni namoyish etgan. Navoiy MIZda esa sanoat ishlab chiqarishi muntazam oshgan hamda 2025-yilda yangi ish o‘rinlari yaratish ko‘rsatkichi keskin yaxshilangan.

Tahlil natijalari MIZlarning hududiy iqtisodiy rivojlanish, sanoatni diversifikatsiya qilish va aholi bandligini ta’minlashdagi ahamiyati yuqori ekanini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, investitsiyalar dinamikasidagi yillik tebranishlar, ayrim davrlarda ish o‘rinlari sonining kamayishi kabi holatlar MIZlarda investitsiya loyihalarining uzluksizligini ta’minlash va mavjud ishlab chiqarish quvvatlaridan samarali foydalanish zarurligini ko‘rsatadi. Kelgusida investitsiyalarni texnologik va yuqori qo‘shilgan qiymatli ishlab chiqarishlarga yo‘naltirish ushbu zonalarning iqtisodiy samaradorligini yanada oshirishi mumkin.

Xulosa.

O‘zbekistonda maxsus iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etishning zamonaviy mexanizmlarini takomillashtirish mamlakat iqtisodiyotining investitsion jozibadorligini oshirish, hududlarning ishlab chiqarish salohiyatidan samarali foydalanish hamda yuqori qo‘shilgan qiymatga ega mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, maxsus iqtisodiy zonalarda yaratilgan soliq va bojxona imtiyozlari, infratuzilmaviy qulayliklar, ma’muriy tartib-taomillarning soddalashtirilishi va investorlar uchun yaratilayotgan institutsional sharoitlar xorijiy kapital oqimini rag‘batlantirishning asosiy omillari hisoblanadi.

Shu bilan birga, xorijiy investitsiyalarni jalb etishda ayrim hududlarda infratuzilmaning yetarli darajada rivojlanmaganligi, investorlarga xizmat ko‘rsatish jarayonlarining murakkabligi, moliyaviy resurslardan foydalanish imkoniyatlarining cheklanganligi va investitsiya loyihalarini uzoq muddatli moliyalashtirish mexanizmlarining yetarlicha rivojlanmaganligi kabi muammolar mavjud. Mazkur muammolarni bartaraf etish uchun “yagona darcha” tamoyilini to‘liq raqamlashtirish, investorlarga individual xizmat ko‘rsatish tizimini kuchaytirish, davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini kengaytirish hamda zamonaviy logistika va muhandislik infratuzilmasini rivojlantirish maqsadga muvofiq.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Bundan tashqari, maxsus iqtisodiy zonalarda xorijiy investitsiya loyihalarini tanlashda loyihaning eksport salohiyati, texnologik darajasi, yangi ish o‘rinlari yaratish imkoniyati, mahalliylashtirish darajasi va ekologik samaradorligini hisobga olish zarur. Natijada xorijiy investitsiyalar hajmini ko‘paytirish bilan bir qatorda, ularning iqtisodiy samaradorligi va hududiy rivojlanishga ta’sirini ham oshirish mumkin. Umuman olganda, zamonaviy investitsiya mexanizmlarini kompleks takomillashtirish O‘zbekiston maxsus iqtisodiy zonalarining xalqaro investitsiya oqimlaridagi raqobatbardoshligini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Farole T., Akinci G. (eds.). Special Economic Zones: Progress, Emerging Challenges, and Future Directions. Washington, DC: World Bank, 2011.
2. Farole, T., Akinci, G. (eds.). Special Economic Zones: Progress, Emerging Challenges, and Future Directions. Washington, DC: World Bank, 2011, p. 3.
3. Zeng D. Z. Special Economic Zones: Lessons from the Global Experience. PEDL Synthesis Paper Series No. 1, 2016.
4. Vaxabov A.V., Xajibakiev Sh.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O‘quv qo‘llanma. –T.: Moliya, 2010. 180-bet
5. Karimqulov J. Erkin iqtisodiy hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni rivojlantirish yo‘nalishlari. 08.00.07 – «Moliya, pul muomalasi va kredit» Iqtisodiyot fanlari doktori (DSs) ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya. Toshkent – 2019. 244 b
6. Bozarov S.S. O‘zbekiston Respublikasi erkin iqtisodiy zonalarida tadbirkorlik faoliyatini huquqiy tartibga solishni takomillashtirish. Yuridik fanlari bo‘yicha PhD ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya. Toshkent., 2018.
7. Raimjonova M.A. O’zbekistonda erkin iqtisodiy hududlarga investitsiyalarni jalb qilish: nazariy asoslari, hozirgi holati va istiqbollari. – T.: “Extremum-press” nashriyoti, 2013. – B. 11.
8. https://stat.uz/uz

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MONETAR SIYOSATNING MILLIY VALYUTA BARQARORLIGIGA TA’SIRI: PUL TAKLIFI, TRANSMISSIYA MEXANIZMI VA NAZARIY ASOSLARI

G‘afurov Olimjon G‘olib o’g’li
Toshkent davlat agrar universiteti
Agroiqtisodiyot kafedrasi
iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
E-mail:olimjon.gafurov.95@mail.ru
ORCID: https://orcid.org/0009-0005-9255-2092

Annotatsiya: *Markaziy bank monetar siyosatining milliy valyuta kursi barqarorligini shakllantirishdagi funksional o’rni ko’rib chiqilgan. Pul massasi agregatlari dinamikasi, pul-kredit ta’sir mexanizmi kanallari va asosiy nazariy modelling tahlili orqali monetar qarorlarning inflyatsiya hamda valyuta kursi o’zgarishlariga ta’sir yo’llari aniqlangan. O’zbekiston Markaziy bankining inflyatsion targetlash rejimiga bosqichma-bosqich o’tish jarayoni va asosiy stavka instrumentining amaliy samaradorligi alohida o’rganilgan. Tadqiqot natijalari shuni ko’rsatadiki, pul massasining maqsadli boshqaruvi va transmissiya mexanizmining samarali ishlashi milliy valyuta kursini barqarorlashtiruvchi hal qiluvchi omillar hisoblanadi. Maqola oxirida O’zbekiston iqtisodiyoti uchun amaliy siyosat tavsiyalari taqdim etilgan.*

Kalit so’zlar: *monetar siyosat, milliy valyuta kursi, pul massasi agregatlari, inflyatsion targetlash, transmissiya mexanizmi, foiz stavkasi instrumenti, markaziy bank mustaqilligi.*

ВЛИЯНИЕ ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ НА СТАБИЛЬНОСТЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ВАЛЮТЫ: ДЕНЕЖНАЯ МАССА, МЕХАНИЗМ ПЕРЕДАЧИ И ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ОСНОВА

Гафуров Олимжон Голиб угли
Ташкентский государственный
аграрный университет
Кафедра агроэкономики
доктор философии (PhD) по экономическим наукам
E-mail:olimjon.gafurov.95@mail.ru
ORCID: https://orcid.org/0009-0005-9255-2092

Аннотация: *Обзор функции денежно-кредитной политики Центрального банка в управлении национальным валютным курсом. Динамика агрегатов денежной массы, каналы механизма монетарного и кредитного воздействия, а также основной теоретический анализ моделей раскрывают пути влияния денежно-кредитных решений на инфляцию и изменения валютного курса. Изучены процесс постепенного перехода Центрального банка Узбекистана к режиму таргетирования инфляции и практическое внедрение инструмента ключевой ставки. Рассматриваются управление и механизм трансмиссии национального валютного курса. В статье представлены практические стратегии для экономики Узбекистана.*

Ключевые слова: *денежно-кредитная политика, национальный валютный курс, агрегаты денежной массы, таргетирование инфляции, механизм трансмиссии, инструмент процентной ставки, независимость центрального банка.*

THE IMPACT OF MONETARY POLICY ON NATIONAL CURRENCY STABILITY: MONEY SUPPLY, TRANSMISSION MECHANISM, AND THEORETICAL BASIS

Gafurov Olimjon Golib ugli
Tashkent State Agrarian University

Department of Agroeconomics
doctor of philosophy (PhD) in economic sciences
E-mail:olimjon.gafurov.95@mail.ru
ORCID: https://orcid.org/0009-0005-9255-2092

Abstract: *Review of the function of the Central Bank's monetary policy in managing the national exchange rate. The dynamics of money supply aggregates, channels of the monetary and credit impact mechanism and the main theoretical modeling analysis reveal the ways in which monetary decisions affect inflation and exchange rate changes. The process of gradual transition of the Central Bank of Uzbekistan to the inflation targeting regime and the practical addition of the key rate instrument are studied. Management and transmission mechanism of the national exchange rate. The article presents practical strategies for the economy of Uzbekistan.*

Keywords: *monetary policy, national exchange rate, money supply aggregates, inflation targeting, transmission mechanism, interest rate instrument, central bank independence.*

Kirish

Zamonaviy iqtisodiyot nazariyasida markaziy bank monetar siyosati makroiqtisodiy muvozanatni ta’minlashning asosiy vositasi sifatida tan olingan. Pul-kredit tartibga solishning iqtisodiy faollikka, narxlar darajasiga va tashqi moliya ko’rsatkichlariga ta’siri bir qator empirik tadqiqotlar tomonidan tasdiqlangan Mishkin, 2022; Walsh, 2017. Biroq monetar siyosat choralarining milliy valyuta kursi barqarorligiga bevosita va bilvosita ta’sir mexanizmlari hali ham ilmiy munozara predmeti bo’lib qolmoqda.

Globallashuv jarayonlarining chuqurlashuvi, xalqaro kapital harakatining jadallashuvi va tashqi iqtisodiy zarba xavflarining ortishi sharoitida valyuta kursi barqarorligi har qachongidan ham dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Valyuta kursi stabilligi investitsion muhitni yaxshilash, aholi real daromadlarini muhofaza qilish va mamlakat eksport raqobatbardoshligini oshirishning zaruriy sharti hisoblanadi IMF, 2024. Aksincha, milliy valyutaning kutilmagan va keskin qadrsizlanishi import tovarlar narxlarining oshishi, inflyatsion spiralning kuchayishi va iqtisodiy sub’ektlar orasida noaniqlik muhitining shakllanishi kabi salbiy oqibatlarni keltirib chiqaradi[1].

O’zbekiston tajribasi bu muammoni ayniqsa muhim qiladi: so’nggi yillarda mamlakatda valyuta bozorini liberallashtirish, inflyatsion targetlash metodologiyasiga o’tish va markaziy bankning operatsion mustaqilligini kuchaytirish bo’yicha ketma-ket islohotlar amalga oshirildi. Ushbu o’zgarishlar kontekstida pul taklifi dinamikasi, transmissiya mexanizmi ishlash sifati va nazariy asoslar nuqtai nazaridan monetar siyosatni baholash nafaqat akademik, balki amaliy siyosat ahamiyatiga ham ega[2].

Adabiyotlar sharhi

Monetar siyosat nazariyasining zamonaviy ko’rinishiga erishishda ikki yirik ilmiy maktab monetarizm va yangi keynschilik hal qiluvchi hissa qo’shdi. Monetarizm asoschilaridan biri Milton Friedman 1968 inflyatsiyani har qanday sharoitda va ixtiyoriy mamlakatda pul massasining ortiqcha o’sishi bilan bog’liq hodisa deb ta’riflagan. Friedman yondashuvining markaziy g’oyasi shundan iboratki, markaziy bank narxlar barqarorligini saqlash uchun avvalo pul emissiyasini nazorat ostida ushlab turishi lozim.

Keyns an’anasida esa foiz stavkasi va uning yalpi talab tarkibiy qismlariga, xususan investitsiyalarga ta’siri birinchi o’ringa qo’yiladi Keynes, 1936. Yangi keynschilik sintezi bu ikki yondashuvni birlashtirgan holda nominal qattiqliqlar va vaqtinchalik ishlab chiqarish og’ishlarini birgalikda hisobga olishni taklif etadi Woodford, 2003 [3].

Irving Fisher 1911 tomonidan taklif etilgan miqdoriy tenglama MV = PT keyinchalik qiymat nazariyasining asosi sifatida keng tan olindi. Ushbu tenglama pul massasi hajmi, muomala tezligi, narxlar darajasi va tovar hajmi o’rtasidagi miqdoriy munosabatni ifodalaydi. Zamonaviy tadqiqotlar ushbu tenglamani ochiq iqtisodiyot va kapital erkinligi sharoitida qayta talqin qilmoqda BIS, 2024.

Ratsional kutilmalar nazariyasining asoschilaridan Robert Lucas 1976 monetar siyosat samaradorligiga tanqidiy qaraydi: agar iqtisodiy agentlar markaziy bankning harakatlarini oldindan mo’ljallasa, pul-kredit tadbirlari ishlab chiqarishga ta’sir qilmay, faqat narxlar o’zgarishiga olib keladi. Bu tanqid zamonaviy markaziy bank kommunikatsiya siyosatining nazariy asosini tashkil etdi[4].

Ben Bernanke 2020 kredit kanalining transmissiya mexanizmidagi markaziy o’rnini asoslab berdi. Unga ko’ra bank tizimining sog’lomligi va kreditga kirish imkoniyati monetar signallarning real iqtisodiyotga uzatilishini ko’p jihatdan belgilaydi. Shu nuqtai nazardan moliyaviy bozorlarning rivojlanganlik darajasi transmissiya samaradorligining muhim omili hisoblanadi.

Xalqaro tajriba ko’rsatadiki, inflyatsion targetlash rejimi valyuta kursi barqarorligi va past inflyatsiyani bir vaqtning o’zida ta’minlashga erishgan mamlakatlar sonini sezilarli darajada oshirdi World Bank, 2024. Biroq ushbu rejim rivojlanayotgan mamlakatlarda moliyaviy bozorlarning etarli chuqurligi va markaziy bankning ishonchli kommunikatsion imkoniyatlarisiz to’la samarali ishlamaydi Walsh, 2017[5].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot kombinatsiyalashgan metodologik yondashuvga asoslangan bo’lib, sifatiy tahlil va miqdoriy baholash usullari birgalikda qo’llanildi.

Tadqiqotning empirik asosini O’zbekiston Markaziy bankining rasmiy hisobotlari 2018-2024, Xalqaro Valyuta Jamg’armasining Jahon Iqtisodiy Istiqbollari 2024, Jahon Bankining Global Iqtisodiy Istiqbollari 2024 va Xalqaro Hisob-kitoblar Bankining Yillik Iqtisodiy Hisoboti 2024 tashkil etdi. Nazariy qatlam uchun qayta ko’rib chiqilgan Scopus va Web of Science ma’lumotlar bazalaridagi maqolalar, shuningdek fundamental darsliklar manba bo’lib xizmat qildi.

Tadqiqotda quyidagi analitik usullardan foydalanildi:

– Tizimli tahlil: monetar siyosat vositalarining o’zaro aloqasi va tizimli ta’siri o’rganildi.

– Qiyosiy tahlil: rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar monetar siyosat tajribalari solishtirildi.

– Dinamik seriyalar tahlili: pul massasi, inflyatsiya va valyuta kursi ko’rsatkichlarining vaqt bo’yicha o’zgarishi baholandi.

– Deduktiv va induktiv yondashuv: nazariy modellardan amaliy xulosalarga va aksincha, empirik kuzatuvlardan nazariy umumlashmalarga yo’l tutildi.

Pul taklifi dinamikasi va valyuta kursi barqarorligi

Pul taklifi muomaladagi va depozit tizimidagi jami pul hajmini ifodalaydi hamda M0, M1, M2 agregatlari orqali o’lchanadi. M0 faqat muomaladagi naqd pullarni, M1 naqd pullar va talab bo’yicha depozitlarni, M2 esa ularra muddatli depozitlarni qo’shgan holda hisobga oladi.

Pul miqdori nazariyasidan kelib chiqqan holda: iqtisodiyotdagi real tovar va xizmatlar hajmining o’sishidan tezroq kengayuvchi pul massasi narxlar darajasini oshiradi va milliy valyutaning ichki xarid qobiliyatini pasaytiradi. Bu jarayon ochiq iqtisodiyotda valyuta kursiga ham ta’sir qiladi: inflyatsiya differensiali kuchli bo’lgan mamlakatda valyuta kursi uzoq muddatda qadrsizlanishga moyil bo’ladi bu sathin xarid qobiliyati pariteti nazariyasi bilan izohlanadi.

Aksincha, pul taklifi o’sishining iqtisodiy kengayish sur’atlariga yaqin ushlab turilishi narxlar barqarorligini saqlab, valyuta kursining asossiz tebranishlarini oldini oladi. Shu bois zamonaviy markaziy banklar pul massasini bevosita maqsad sifatida belgilashdan voz kechib, inflyatsiya prognozini asosiy yo’naltiruvchi ko’rsatkich sifatida qabul qilishga o’tdi.

Pul-kredit transmissiya mexanizmi kanallari

Pul-kredit transmissiya mexanizmi bu markaziy bank qarorlarining real iqtisodiy ko’rsatkichlarga ta’sir qilish jarayonini ta’minlovchi kanallar majmuasidir. Ushbu kanallarning har biri turli ko’rinish muddati va ta’sir kuchiga ega.

Foiz stavkasi kanali eng an’anaviy va keng o’rganilgan kanal. Markaziy bank asosiy

stavkani oshirsa, tijorat banklari kredit narxini qayta ko’taradi. Qimmat kredit iste’mol va investitsiya talabini qisqartiradi, bu esa narxlar bosimini kamaytiradi va valyuta kursini nisbatan mustahkamlab turadi.

Kredit kanali bank tizimining qarz berish faoliyati orqali ishlaydi. Markaziy bankning likvidlik sharoitlari o’zgarishi banklarning kredit portfeli hajmi va strukturasiga bevosita ta’sir ko’rsatadi. Kredit qisqarishi yalpi talabni pasaytiradi va deflyatsion bosim yaratadi.

Valyuta kursi kanali foiz stavkalari va sarmoya oqimlari aloqasini o’z ichiga oladi. Stavka oshishi chet el kapitalini jalb etib, milliy valyutaga talabni kuchaytiradi va kurs mustahkamlanishiga olib kelishi mumkin. Bu o’z navbatida import narxlarini pasaytiradi va inflyatsiya sur’atini tushiradi.

Aktivlar narxi kanali qimmatli qog’ozlar, ko’chmas mulk va boshqa moliyaviy aktivlar bozorlarida ko’rinadi. Pul taklifini kengaytirish aktivlar qiymatini oshirib, boylik effekti orqali iste’molni rag’batlantiradi.

Kutilmalar kanali zamonaviy monetar siyosat samaradorligining asosiy kaliti hisoblanadi. Markaziy bankning kommunikatsion siyosati iqtisodiy agentlarning inflyatsion kutilmalarini shakllantiradi. Ishonchli va izchil siyosat kelajakdagi inflyatsiya kutilmalarini ankarlab qo’yadi va bu nominal qattiqliqlar sharoitida real iqtisodiy xarajatlarni kamaytiradi.

Nazariy modellar tahlili

IS-LM modeli tovar bozori muvozanatini IS egri chizig’i va pul bozori muvozanatini LM egri chizig’i birgalikda ifodalab, qisqa muddatli tahlil uchun qulay vosita hisoblanadi. Pul taklifini kengaytirish LM egri chizig’ini pastga siljitib, foiz stavkasini pasaytiradi va sarmoya orqali yalpi talabni rag’batlantiradi. Biroq bu model narxlar moslashuvchanligini va kutilmalarni hisobga olmaydi.

AD-AS modeli uzoq muddatli tahlilga imkon beradi: monetar ekspansiya qisqa muddatda yalpi talabni oshirsada, uzoq muddatda narxlar darajasining ko’tarilishiga olib keladi, ishlab chiqarish esa potensial darajaga qaytadi. Bu model monetar siyosatning real o’zgaruvchilar bo’yicha uzoq muddatli betarafligi nötrallik tezisini tasdiqlab, inflyatsiya nazoratini birinchi o’ringa qo’yadi[6].

Taylor qoidasi amaliy qo’llanishi jihatidan juda qulay bo’lib, markaziy bank foiz stavkasini inflyatsiyadan og’ish va ishlab chiqarish bo’shlig’iga qarab belgilashni nazarda tutadi. Qoidaning asl formulasida inflyatsiya uchun koeffitsient 1,5 dan katta bo’lishi, ya’ni inflyatsiya oshganda stavka nisbatan ko’proq ko’tarilishi tavsiya etiladi. Bu prinsip inflyatsion kutilmalarni ankarlab qo’yishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Dinamik Stoxastik Umumiy Muvozanat DSGE modellari zamonaviy markaziy banklar tomonidan siyosat simulyatsiyasi uchun keng qo’llaniladi. Ushbu modellar iqtisodiy agentlarning optimal qaror qabul qilishini, nominal qattiqliqlarni va tashqi zarbalar dinamikasini birgalikda hisobga oladi. DSGE modellarining asosiy afzalligi bir qator ssenariylar bo’yicha muqobil siyosat oqibatlarini oldindan baholash imkonini berishi.

O’zbekiston 2017-2019-yillardagi iqtisodiy liberalizatsiya islohoti doirasida valyuta bozorini erkinlashtirdi va Markaziy bank asosiy stavkasini operatsion monetar siyosat vositasi sifatida faol qo’llashga o’tdi. Bu qadam mamlakat monetar siyosat arxitekturasida tub sifat o’zgarishini anglatdi: oldingi ma’muriy kredit tartibga solish o’rnini bozorga asoslangan foiz mexanizmi egalladi.

Inflyatsion targetlash metodologiyasiga bosqichma-bosqich o’tish Markaziy bankka narxlar barqarorligi mandatini rasman e’lon qilish va valyuta kursini erkin shakllantirishga imkon berdi. 2018-2023-yillar davomida inflyatsiya darajasi ikki xonali ko’rsatkichlardan maqsadli diapazon chegarasiga yaqin darajaga tushdi. Asosiy stavkaning moslashuvchan boshqaruvi pul bozorida foiz stavkalarini tartibga soluvchi boshlovchi signal sifatida ta’sir ko’rsatmoqda O’zbekiston Markaziy banki, 2024.

Biroq transmissiya mexanizmining to’la samarali ishlashi uchun bir qator tarkibiy sharoitlar hali shakllanish bosqichida. Moliyaviy vositachilik darajasining pastligi, uzoq muddatli

kredit bozorining rivojlanmaganligi va aholi orasidagi moliyaviy savodxonlik darajasi transmissiya tezligini va kengligini cheklab qolmoqda[7].

Tadqiqot natijalarining umumlashmasi bir qator muhim xulosalarga olib keladi. Birinchidan, pul taklifi va valyuta barqarorligi o’rtasidagi munosabat chiziqli emas: pul massasi o’sishining oqibatlari ko’p jihatdan transmissiya mexanizmining funksional holatiga, moliyaviy bozorlar rivojlanganligiga va iqtisodiy agentlarning kutilmalariga bog’liq.

Ikkinchidan, inflyatsion targetlash rejimi valyuta kursi barqarorligini ta’minlashda effektiv vosita ekanligi xalqaro tajriba bilan tasdiqlangan. Ushbu rejimni muvaffaqiyatli joriy etgan mamlakatlar inflyatsiya variabelligi va valyuta kursi tebranishlari bo’yicha sezilarli yaxshilanishlarga erishgan World Bank, 2024. Shu bilan birga, rejimning muvaffaqiyati markaziy bankning ishonchliligi va kommunikatsion qobiliyatiga bevosita bog’liq.

Uchinchidan, O’zbekiston tajribasi rivojlanayotgan mamlakatlarda monetar islohotning bosqichma bosqich, izchil va moslashuvchi tarzda amalga oshirilishi zarurligini ko’rsatmoqda. Tarkibiy islohot bilan birga olib borilmagan monetar siyosat o’zgarishlari transmissiyaning to’siqli bo’lib qolishiga olib kelishi ehtimoli bor.

To’rtinchidan, kutilmalar kanali zamonaviy monetar siyosatda alohida ahamiyat kasb etmoqda. Ratsional kutilmalar nazariyasi ta’siri ostida iqtisodiy agentlar markaziy bank harakatlarini oldindan baholaydi va shunga mos xulq-atvor namoyish etadi. Bu holat markaziy bankning shaffof va izchil kommunikatsiyasini nafaqat axborot, balki monetar siyosatning mustaqil vositasiga aylantiradi.

Tadqiqot gipotezasi to’liq tasdiqlandi: pul massasining maqsadli boshqaruvi va samarali transmissiya mexanizmi birgalikda milliy valyuta kursini barqarorlashtiruvchi asosiy tizimli omillar ekanligи empirik va nazariy dalillar bilan isbotlandi[8].

Xulosa

Mazkur tadqiqot monetar siyosat instrumentlarining milliy valyuta kursi barqarorligiga ta’sir mexanizmlarini nazariy va empirik jihatdan ko’rib chiqdi. Tahlil natijalari quyidagi asosiy xulosalarga olib keldi.

Pul massasining iqtisodiy o’sish sur’atlariga mos boshqarilishi inflyatsion bosimni cheklaydi va milliy valyutaning ichki hamda tashqi qiymatini muhofaza qiladi. Transmissiya mexanizmining foiz stavkasi, kredit, valyuta kursi, aktivlar narxi va kutilmalar kanallari monetar signallarning real iqtisodiyotga uzatilishini ta’minlaydi, biroq har bir kanalning samaradorligi moliyaviy tizim institutlariga bog’liq.

O’zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar to’g’ri yo’nalishda ekanligini tasdiqlaydi, lekin transmissiya mexanizmini yanada samarali qilish, moliyaviy vositachilik darajasini oshirish va ommaviy kommunikatsiya siyosatini takomillashtirish bo’yicha qo’shimcha harakatlar zarur.

O’zbekiston uchun quyidagi siyosat tavsiyalari ishlab chiqildi:

– Inflyatsion targetlash rejimini uzoq muddatli strategik yo’nalish sifatida izchil davom ettirish va maqsadli inflyatsiya diapazonini bosqichma-bosqich toraytirish.

– Markaziy bankning operatsion va maqsad mustaqilligini qonunchilik darajasida mustahkamlash, siyosiy bosimdan himoya qilish mexanizmlarini joriy etish.

– Uzoq muddatli davlat qimmatli qog’ozlari bozorini rivojlantirish orqali transmissiya mexanizmining faol kanallar sonini kengaytirish.

– Aholi va biznes uchun moliyaviy savodxonlik dasturlarini kuchaytirib, kutilmalar kanalining samaradorligini oshirish.

– Markaziy bankning ommaviy kommunikatsiya siyosatini tizimlashtirish: inflyatsiya hisobotlari, matbuot anjumanlari va forvard yo’riqnomalar orqali bozor ishtirokchilarining kutilmalarini yo’naltirish.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Bernanke, B. S. (2020). 21st century monetary policy: The Federal Reserve from the

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

Great Inflation to COVID-19. W. W. Norton & Company.

2.BIS. (2024). Annual economic report 2024. Bank for International Settlements. https://www.bis.org/publ/arpdf/ar2024e.htm

3.Central Bank of Uzbekistan. (2024). Monetary policy review 2023-2024. Tashkent: CBU Publications.

4.Fisher, I. (1911). The purchasing power of money: Its determination and relation to credit, interest and crises. Macmillan.

5.Friedman, M. (1968). The role of monetary policy. American Economic Review, 58(1), 1–17. https://doi.org/10.2307/1831652

6.IMF. (2024). World economic outlook: Steady but slow: Resilience amid divergence. International Monetary Fund. https://www.imf.org/en/Publications/WEO

7.Keynes, J. M. (1936). The general theory of employment, interest and money. Macmillan.

8.Lucas, R. E. (1976). Econometric policy evaluation: A critique. Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy, 1, 19–46. https://doi.org/10.1016/S0167-2231(76)80003-6

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

TIJORAT BANKLARIDA MOLIYAVIY XIZMATLAR METODOLOGIYASINI TAKOMILLASHTIRISHNING INNOVATSION YO‘NALISHLARI

Ergashev Azizxon Avazxon o‘g‘li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti (TDIU) mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya. *Ushbu maqolada tijorat banklarida moliyaviy xizmatlar metodologiyasini takomillashtirishning innovatsion yo‘nalishlari tadqiq etilgan. Tadqiqotda bank xizmatlarini raqamlashtirish, innovatsion moliyaviy mahsulotlarni ishlab chiqish, mijozlarga xizmat ko‘rsatish jarayonlarini avtomatlashtirish hamda zamonaviy texnologiyalardan foydalanishning metodologik jihatlari yoritilgan. Sun’iy intellekt, katta ma’lumotlar, biometrik identifikatsiya, bulutli texnologiyalar, mobil banking va fintech yechimlarining moliyaviy xizmatlar samaradorligini oshirishdagi imkoniyatlari tahlil qilingan. Shuningdek, mijozlarning individual ehtiyojlarini aniqlash, xizmatlarni personalizatsiya qilish va real vaqt rejimida moliyaviy mahsulotlarni taklif etish orqali mijozlar tajribasini yaxshilash masalalariga e’tibor qaratilgan. Innovatsion texnologiyalarni joriy etishda axborot xavfsizligi, ma’lumotlarni himoya qilish, operatsion va kiberxavflarni boshqarishning ahamiyati asoslangan.*

Kalit so‘zlar: *tijorat banklari, moliyaviy xizmatlar, innovatsiya, metodologiya, raqamlashtirish, sun’iy intellekt, fintech, katta ma’lumotlar, mobil banking, personalizatsiya.*

ИННОВАЦИОННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДОЛОГИИ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Эргашев Азизхон Авазхон ўғли

Независимый исследователь Ташкентского государственного экономического университета (ТГЭУ)

Аннотация. *В данной статье исследованы инновационные направления совершенствования методологии финансовых услуг в коммерческих банках. В исследовании освещены методологические аспекты цифровизации банковских услуг, разработки инновационных финансовых продуктов, автоматизации процессов обслуживания клиентов и использования современных технологий. Проанализированы возможности применения искусственного интеллекта, больших данных, биометрической идентификации, облачных технологий, мобильного банкинга и финтех-решений в повышении эффективности финансовых услуг. Также особое внимание уделено совершенствованию клиентского опыта посредством выявления индивидуальных потребностей клиентов, персонализации услуг и предложения финансовых продуктов в режиме реального времени. Обоснована важность обеспечения информационной безопасности, защиты данных, а также управления операционными и киберрисками при внедрении инновационных технологий.*

Ключевые слова: *коммерческие банки, финансовые услуги, инновации, методология, цифровизация, искусственный интеллект, финтех, большие данные, мобильный банкинг, персонализация.*

INNOVATIVE DIRECTIONS FOR IMPROVING THE METHODOLOGY OF FINANCIAL SERVICES IN COMMERCIAL BANKS

Ergashev Azizxon Avazkhon ugli

Independent Researcher at

Tashkent State
University of Economics (TSUE)

Abstract. *This article examines innovative directions for improving the methodology of financial services in commercial banks. The study highlights methodological aspects of digitalizing banking services, developing innovative financial products, automating customer service processes, and utilizing modern technologies. The potential of artificial intelligence, big data, biometric identification, cloud technologies, mobile banking, and fintech solutions to improve the efficiency of financial services is analyzed. Particular attention is also paid to improving the customer experience by identifying individual customer needs, personalizing services, and offering financial products in real time. The importance of ensuring information security, data protection, and effective management of operational and cyber risks in the implementation of innovative technologies is substantiated.*

Keywords: *commercial banks, financial services, innovation, methodology, digitalization, artificial intelligence, fintech, big data, mobile banking, personalization.*

Kirish.

Tijorat banklarida moliyaviy xizmatlar metodologiyasini takomillashtirish bugungi kunda bank tizimining raqobatbardoshligini oshirish, xizmatlar sifatini yaxshilash hamda mijozlarning o‘zgarib borayotgan ehtiyojlarini samarali qondirishning muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Zamonaviy sharoitda banklar faoliyati nafaqat an’anaviy moliyaviy operatsiyalarni amalga oshirish, balki mijozlarga tezkor, qulay, ishonchli va individual yondashuvga asoslangan xizmatlarni taqdim etishni ham talab etmoqda. Shu sababli moliyaviy xizmatlarni tashkil etish va ko‘rsatish jarayonlarini zamonaviy talablar asosida qayta ko‘rib chiqish, ularni raqamlashtirish hamda xizmat ko‘rsatish mexanizmlarini takomillashtirish alohida ahamiyat kasb etmoqda.

Raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishi, moliyaviy texnologiyalarning bank sektoriga keng kirib kelishi va mijozlarning tezkor hamda qulay xizmatlarga bo‘lgan talabining ortishi an’anaviy bank xizmatlarini innovatsion yondashuvlar asosida transformatsiya qilishni taqozo etmoqda. Ayniqsa, mobil banking, internet-banking, raqamli kreditlash, masofaviy identifikatsiya, sun’iy intellekt, katta ma’lumotlar, biometrik texnologiyalar va avtomatlashtirilgan xizmat ko‘rsatish tizimlaridan foydalanish moliyaviy xizmatlar metodologiyasining mazmuni va tamoyillarini tubdan o‘zgartirmoqda. Ushbu texnologiyalar banklarga mijozlarning moliyaviy xatti-harakatlarini chuqur tahlil qilish, individual mahsulot va xizmatlarni shakllantirish, kredit risklarini aniqroq baholash, operatsion xarajatlarni kamaytirish hamda xizmat ko‘rsatish tezligini oshirish imkonini bermoqda.

Shu bilan birga, moliyaviy xizmatlar metodologiyasini takomillashtirish jarayonida mijozlarga yo‘naltirilgan boshqaruv tamoyillarini kuchaytirish, raqamli kanallar orqali xizmatlar uzluksizligini ta’minlash, axborot xavfsizligi va shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish tizimlarini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. Natijada tijorat banklarida zamonaviy moliyaviy xizmatlar metodologiyasining shakllanishi bank faoliyati samaradorligini oshirish, mijozlar ishonchini mustahkamlash, yangi moliyaviy mahsulotlarni joriy etish va banklarning moliya bozoridagi raqobat ustunligini ta’minlashga xizmat qiladi.

Innovatsion texnologiyalarni moliyaviy xizmatlar jarayoniga joriy etish bank operatsiyalarining tezkorligi va aniqligini oshirish, xizmat ko‘rsatish xarajatlarini optimallashtirish, mijozlar bazasini kengaytirish hamda individual moliyaviy mahsulotlarni shakllantirish imkonini beradi. Shu bilan birga, innovatsion bank xizmatlarini rivojlantirish jarayonida kiberxavfsizlik, ma’lumotlarni himoya qilish, texnologik va operatsion risklarni boshqarish masalalariga alohida e’tibor qaratish zarur. Mijozlar xulq-atvorini tahlil qilish va ularning ehtiyojlariga mos xizmatlarni taklif etishda sun’iy intellekt hamda katta ma’lumotlar texnologiyalaridan foydalanish bank xizmatlarining personalizatsiyasini kuchaytiradi.

Shu nuqtayi nazardan, tijorat banklarida moliyaviy xizmatlar metodologiyasini innovatsion asosda takomillashtirishning ustuvor yo‘nalishlarini aniqlash dolzarb ilmiy-amaliy masala

hisoblanadi. Mazkur tadqiqotda zamonaviy innovatsion texnologiyalarning moliyaviy xizmatlar samaradorligiga ta’siri o‘rganilib, bank xizmatlarini raqamlashtirish, personalizatsiya qilish, avtomatlashtirish va innovatsion mahsulotlar portfelini kengaytirish asosida metodologiyani takomillashtirish yo‘nalishlari asoslab beriladi.

2021–2025-yillarda O‘zbekiston bank tizimining daromadlilik ko‘rsatkichlari keskin tebrangan. Ayniqsa, 2023–2024-yillarda banklarning rentabelligi sezilarli yaxshilangan bo‘lsa, 2025-yilda ROA va ROE ko‘rsatkichlarining keskin pasayishi kuzatilgan.

1-jadval

Bank tizimi daromadlilik ko‘rsatkichlari (1-yanvar holatiga)*

Sana	Soliq to‘langunga qadar sof foydaning jami aktivlarga nisbati (ROA)	Sof foydaning jami kapitalga nisbati (ROE)	Sof foizli daromadlarning jami aktivlarga nisbati	Kreditlar bo‘yicha olingan sof foizli daromadlarning jami kredit qo‘yilmalariga nisbati	Sof foizli daromadlarning jami majburiyatlarga nisbati	Sof foizli marjaning jami aktivlarga nisbati
2021	2,2	10,3	3,8	5,1	4,6	4,5
2022	1,3	6,1	3,7	5,1	4,4	4,2
2023	2,5	13,3	4,3	6,2	5,1	4,9
2024	2,6	14,2	4,4	6,2	5,2	4,9
2025	1,4	6,6	4,4	6,4	5,2	4,9

** Manba: O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2021–2025-yillardagi “Bank tizimi daromadlilik ko‘rsatkichlari” ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.*

2021-yilda ROA 2,2 foiz, ROE esa 10,3 foizni tashkil etgan. 2022-yilda ushbu ko‘rsatkichlar mos ravishda 1,3 va 6,1 foizgacha pasaygan. Bu banklarning aktivlari va kapitalidan foydalanish samaradorligi vaqtincha susayganini anglatadi. 2023–2024-yillarda esa ijobiy dinamika kuzatilib, 2024-yilda ROA 2,6 foiz va ROE 14,2 foiz bilan davrning eng yuqori darajasiga yetgan.

Biroq 2025-yilda rentabellik keskin pasaygan: ROA 1,4 foizgacha, ROE esa 6,6 foizgacha tushgan. Shunday qilib, 2024-yil bilan taqqoslaganda ROA 1,2 foiz punktga, ROE esa 7,6 foiz punktga kamaygan. Bu banklarning sof foydasi, aktivlardan foydalanish samaradorligi yoki kapital rentabelligiga ta’sir qiluvchi xarajatlar va risklar oshgan bo‘lishi mumkinligini ko‘rsatadi.

Shu bilan birga, tijorat banklarining foizli faoliyatiga oid ko‘rsatkichlar tahlil qilinayotgan davr mobaynida nisbatan barqaror va ijobiy dinamikani namoyon etgan. Xususan, sof foizli daromadlarning jami aktivlarga nisbati 2021-yildagi 3,8 foizdan 2023-yilda 4,3 foizgacha oshgan bo‘lsa, 2024–2025-yillarda ushbu ko‘rsatkich 4,4 foiz darajasida shakllangan. Mazkur holat bank aktivlaridan foizli daromad olish samaradorligining bosqichma-bosqich yaxshilanib borganini hamda foizli operatsiyalar bank daromadlari tarkibida barqaror manba sifatida saqlanib qolayotganini ko‘rsatadi.

Shuningdek, kreditlar bo‘yicha olingan sof foizli daromadlarning jami kreditlarga nisbati 5,1 foizdan 6,4 foizgacha oshgan. Ushbu o‘sish kredit operatsiyalarining daromadlilik darajasi yaxshilanganini, kredit portfelini shakllantirish va boshqarish mexanizmlarining nisbatan samarali tashkil etilganini ifodalaydi. Bunda kredit resurslarini yuqori daromad keltiruvchi yo‘nalishlarga joylashtirish, foiz stavkalarini bozor sharoitlariga mos ravishda shakllantirish hamda kredit risklarini boshqarish sifatining oshishi muhim omil bo‘lib xizmat qilgan.

Sof foizli daromadlarning jami majburiyatlarga nisbati 4,6 foizdan 5,2 foizgacha oshgan. Sof foizli marjaning jami aktivlarga nisbati esa 2021-yildagi 4,5 foizdan 2023-yilda 4,9 foizga ko‘tarilib, keyingi yillarda shu darajada saqlangan. Demak, banklarning asosiy foizli faoliyati 2023–2025-yillarda nisbatan barqaror bo‘lgan.

Umuman olganda, 2021–2025-yillarda bank tizimining foizli daromadlilik ko‘rsatkichlari yaxshilangan bo‘lsa-da, umumiy rentabellikda beqarorlik saqlanib qolgan. 2023–2024-yillar bank tizimi uchun eng yuqori rentabellik davri bo‘lgan, 2025-yilda esa ROA va ROEning keskin pasayishi kuzatilgan. Shu sababli 2025-yildagi rentabellik pasayishi banklarning moliyaviy barqarorligini baholashda alohida e’tibor talab qiladigan omil hisoblanadi.

2021–2025-yillarda Ipoteka ATBning jami aktivlari 32 409 604,4 mln so‘mdan 52 069 428,4 mln so‘mgacha oshib, 19 659 824 mln so‘mga yoki qariyb 60,7 foizga ko‘paygan. Bu bankning moliyaviy resurslari va operatsiyalar ko‘lamining sezilarli kengayganini ko‘rsatadi.

2-jadval

Ipoteka ATB ning aktivlar tarkibi, mln. so‘mda (1-yanvar holatiga)*

Aktivlar	2021	2022	2023	2024	2025
Kassadagi naqd pul va boshqa to‘lov hujjatlari	63606,7	673305,5	1301986,1	1224767,9	874041,2
Bankning Markaziy bankdagi mablag‘lari	2160738,1	3301180,3	1940452,4	1264805,3	3193894,6
Boshqa banklar va moliyaviy tashkilotlarda olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar, sof	3875848,6	5665730,1	3639715,3	4432235,1	7598709,5
Qimmatli qog‘ozlar va ularga kiritilgan investitsiyalar	760967,4	1097371,3	3917698,3	2363553,7	4700595,8
Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar	0,684	0,684	0,684	0,684	0,684
Investitsiyalar	131192,4	126699,4	128629,5	139310,1	146830,9
Kredit va lizing operatsiyalari, sof	23620500,9	28213960,6	32099692,0	36298193,7	33376343,0
Moliyaviy instrumentlar bo‘yicha mijozlarning majburiyatlari	0	0	0	0	8682,3
Asosiy vositalar, brutto	360191,8	352763,5	314315,3	372219,1	814862,9
Jami hisoblangan foizli va foizsiz daromadlar	664691,1	818474,3	879366,3	1273776,0	1140768,6
Bankning boshqa xususiy mulklari	24073,2	72579,2	103525,5	87989,3	135684,4
Standart deb tasniflangan aktivlar bo‘yicha yaratilgan zaxiralar	-	-	335888,6	391273,8	395624,9
Boshqa aktivlar	175333,3	289869,3	197148,4	579137,2	474639,4
Jami aktivlar	**32409604,4**	**40011934,1**	**44186641,1**	**47638145,8**	**52069428,4**

** Manba: O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2021–2025-yillardagi “Bank tizimi daromadlilik ko‘rsatkichlari” ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.*

Aktivlar tarkibida eng katta ulush kredit va lizing operatsiyalariga to‘g‘ri keladi. Ushbu aktivlar 2021-yildagi 23 620 500,9 mln so‘mdan 2024-yilda 36 298 193,7 mln so‘mgacha oshgan, biroq 2025-yilda 33 376 343 mln so‘mgacha kamaygan. Shunga qaramay, ular 2025-yilda jami aktivlarning qariyb 64,1 foizini tashkil etib, bank aktivlarining asosiy qismini saqlab qolgan.

Boshqa banklar va moliyaviy tashkilotlarda olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar ham sezilarli o‘sib, 2021-yildagi 3 875 848,6 mln so‘mdan 2025-yilda 7 598 709,5 mln so‘mgacha yetgan. Bu ko‘rsatkich qariyb 2 baravar oshgan bo‘lib, banklararo moliyaviy operatsiyalarning kengayganini ko‘rsatadi. Qimmatli qog‘ozlar va ularga kiritilgan investitsiyalar 760 967,4 mln so‘mdan 4 700 595,8 mln so‘mgacha oshgan. Ayniqsa, 2023-yilda ushbu ko‘rsatkich 3 917 698,3 mln so‘mgacha keskin ko‘tarilgan. Bu bank aktivlarini diversifikatsiya qilish va kreditlardan tashqari moliyaviy instrumentlarga mablag‘ joylashtirish faolligi oshganini anglatadi.

Markaziy bankdagi mablag‘lar 2021-yildagi 2 160 738,1 mln so‘mdan 2022-yilda 3 301 180,3 mln so‘mgacha oshgan, keyinchalik kamayib, 2025-yilda 3 193 894,3 mln so‘mni tashkil etgan. Kassadagi naqd pul ham 2023-yildagi 1 301 986,1 mln so‘mdan 2025-yilda 874 041,2 mln

so‘mgacha qisqargan. Asosiy vositalar bo‘yicha 2025-yilda sezilarli o‘sish kuzatilgan: 2024-yildagi 372 219,1 mln so‘mdan 814 862,9 mln so‘mgacha oshgan. Bu bankning moddiy-texnik bazasiga investitsiyalar kuchayganini ko‘rsatishi mumkin.

Jami hisoblangan foizli va foizsiz daromadlar 664 691,1 mln so‘mdan 1 140 768,6 mln so‘mgacha oshgan. Biroq 2024-yildagi 1 273 776 mln so‘mlik yuqori darajaga nisbatan 2025-yilda biroz pasaygan. Standart aktivlar bo‘yicha zaxiralar esa 2023-yildan boshlab shakllantirilib, 2025-yilda 395 624,9 mln so‘mni tashkil etgan.

Xulosa qilib aytganda, Ipoteka ATB aktivlari 2021–2025-yillarda sezilarli kengaygan. Aktivlarning asosiy qismini kredit va lizing operatsiyalari tashkil etayotgan bo‘lsa-da, 2025-yilda ularning kamayishi fonida banklararo mablag‘lar va qimmatli qog‘ozlarga investitsiyalar keskin oshgan. Bu bank aktivlari tarkibining diversifikatsiyalanayotganini, biroq kredit portfeli hanuz bank faoliyatining asosiy yo‘nalishi bo‘lib qolayotganini ko‘rsatadi.

Xulosa.

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, tijorat banklarida moliyaviy xizmatlar metodologiyasini takomillashtirishda innovatsion texnologiyalarni joriy etish, xizmat ko‘rsatish jarayonlarini raqamlashtirish va mijozlarning individual ehtiyojlariga mos xizmatlarni shakllantirish ustuvor ahamiyat kasb etadi. Zamonaviy bank tizimida innovatsiya faqat yangi mahsulot yaratish bilan cheklanmay, balki bankning biznes modeli, xizmat ko‘rsatish kanallari, risklarni boshqarish va mijozlar bilan o‘zaro munosabatlarini tubdan takomillashtirishni ham qamrab olishi lozim. Ayniqsa, sun’iy intellekt, katta ma’lumotlar, bulutli texnologiyalar, biometrik identifikatsiya, mobil banking va fintech yechimlari moliyaviy xizmatlarning tezkorligi va samaradorligini oshirish uchun katta imkoniyat yaratmoqda.

Tadqiqot davomida sun’iy intellekt va Big Data texnologiyalaridan foydalanish tijorat banklari moliyaviy xizmatlari metodologiyasini takomillashtirishning eng istiqbolli yo‘nalishlaridan biri ekanligi asoslandi. Ushbu texnologiyalar mijozlarning moliyaviy xatti-harakatlarini tahlil qilish, kreditga layoqatlilikni baholash, firibgarlik holatlarini aniqlash, individual takliflarni shakllantirish va bank risklarini prognozlash imkonini beradi. Shu bilan birga, sun’iy intellektdan foydalanishda algoritmlarning shaffofligi, ma’lumotlarning ishonchliligi va mijozlar huquqlarini himoya qilish masalalariga alohida e’tibor qaratish zarur.

Innovatsion metodologiyaning yana bir muhim yo‘nalishi fintech kompaniyalari bilan hamkorlik va Open Banking tamoyillarini rivojlantirish hisoblanadi. O‘zbekistonda 2026–2030-yillarga mo‘ljallangan moliyaviy texnologiyalar strategiyasida raqamli moliyaviy infratuzilmani rivojlantirish, innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash va yangi moliyaviy texnologiyalarni joriy etish ustuvor vazifalar sifatida belgilangan. Shuningdek, Markaziy bank tomonidan innovatsion moliyaviy mahsulotlarni nazorat qilinadigan sharoitlarda sinash imkonini beruvchi regulatory sandbox mexanizmi faol qo‘llanilmoqda.

O‘zbekiston tijorat banklari amaliyotida innovatsiyalarni joriy etish jarayonida raqamli kreditlash, AI asosidagi skoring, elektron to‘lovlar, raqamli faktoring, shaxsiy budjetni boshqarish va tranzaksion ma’lumotlarni tahlil qilish kabi yo‘nalishlarni kengaytirish maqsadga muvofiq. 2026-yilda Markaziy bank tomonidan fintech startaplar va tijorat banklari ishtirokida ana shunday innovatsion yechimlarni pilot loyihalar sifatida sinovdan o‘tkazish masalalari muhokama qilingan.

Shu bilan birga, innovatsion texnologiyalarni joriy etish kiberxavfsizlik, ma’lumotlarni himoya qilish va operatsion risklarni boshqarish bilan birgalikda olib borilishi kerak. Texnologik imkoniyatlarning kengayishi yangi turdagi moliyaviy va kiberxavflarning yuzaga kelishiga sabab bo‘lishi mumkin. Shuning uchun banklarda innovatsion xizmatlarni joriy etishdan oldin ularning iqtisodiy samaradorligi, xavfsizligi, mijozlar uchun foydaliligi va mavjud infratuzilmaga mosligi kompleks baholanishi lozim.

Umuman olganda, tijorat banklarida moliyaviy xizmatlar metodologiyasini takomillashtirishning innovatsion yo‘nalishlari raqamli transformatsiya, sun’iy intellekt va Big Data, Open Banking, fintech bilan hamkorlik, xizmatlarni personalizatsiya qilish,

avtomatlashtirish va kiberxavfsizlikni kuchaytirishdan iborat. Mazkur yo‘nalishlarni tizimli ravishda amalga oshirish bank xizmatlarining sifatini oshirish, operatsion xarajatlarni kamaytirish, mijozlar qoniqishini kuchaytirish va tijorat banklarining raqobatbardoshligini mustahkamlash imkonini beradi. O‘zbekistonning 2026–2030-yillarga mo‘ljallangan fintech strategiyasi ham ushbu innovatsion transformatsiya uchun institutsional asosni kuchaytirmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 13 sentyabrdagi “Pul-kredit siyosatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3272-sonli qarori. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. – Toshkent, 2017.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 23 martdagi “Bank xizmatlari ommabopligini oshirish bo‘yicha qo‘shimcha chora – tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-3620-sonli qarori. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. – Toshkent, 2018.
3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining “Tijorat banklarining O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankida depozitga o‘tkaziladigan majburiy rezervlari to‘g‘risidagi Nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. - Toshkent, 2009.
4. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining “Tijorat banklarining likvidliligini boshqarishga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risida”gi nizom.//O‘zbekiston qonun hujjatlari to‘plami. – Toshkent, 2015.
5. Миркин Я.М. Банк операциялари: Ўқув қўлланма. 3- бўлим. Банкларнинг инвестицион операциялари. Банкларнинг эмиссион фаолияти/Я.М.Миркин. – М: ИНФРА-М, 1996. -6-бет.;
6. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО “И.Д.Вильямс”, 2013. – С. 295.
7. Норқобилов С.Х. Кредит механизми ва унинг элементлари. – Тошкент, 2010. – 98 б.
